БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!



ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ



1

ЯНВАРЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 1
ЯНВАРЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Омманинг жонли ижодкорлиги, социалистик тузумнинг жуда катта имкониятлари ва афзалликларидан максимал даражада фойдаланиш — бизнинг муваффақиятимизни таъминлаб бериши лозим бўлган бош омилдир.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎН ИККИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ ИККИНЧИ ЙИЛИ

1986 ЙИЛ энди тарихдан ўрин олди. Мамлакатимиз учун, бутун тараққийпарвар инсоният учун у муҳим марра бўлди. У КПССнинг XXVII съезди йили, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йили бўлди. Съезд қарорлари таъсирида совет жамияти ҳаётида чиндан ҳам революцион ўзгаришлар содир бўлмоқда. Жадаллаштириш стратегияси партия билан халқ фаолиятининг ўзаги бўлиб қолди. Ҳар тарафлама қайта қуриш кучая бориб, тобора катта кўлам ва теранлик касб этмоқда. Совет кишилари съезд илгари сурган халқ хўжалигини ривожлантиришнинг улуғвор программасини рўёбга чиқаришга фаол киришдилар.

Совет кишиларининг фидокорона меҳнати, партиянинг улкан ташкилотчилик иши туфайли социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ҳозирдаёқ дастлабки сезиларли натижаларни бермоқда. 1986 йилда 80-йиллар мобайнида миллий даромад ва саноат маҳсулотининг энг юксак даражада ўсишига эришилди. Бунинг устига халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқлар — машинасозлик, приборсозлик, химия ва нефть химияси саноатининг ривожланиш суръатлари умуман бутун индустриядагига қараганда жадалроқдир. Металлургия, кўмир ва газ қазиб чиқариш каби база тармоқларининг иши яхшиланди. Агросаноат комплексида дон, картошка, сабзавот, хўл мева, чорвачилик маҳсулоти етиштириш ва давлат йўли билан харид қилиш кўпайди. Капитал қурилиш суръатлари ошди, ишлаб турган корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш жадаллашди. Саноат маҳсулотининг деярли бутун ўсими меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига олинди. Халқ фаровонлигини юксалтиришга қаратилган тадбирлар планли тарзда амалга оширилмоқда.

Мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш вазифалари КПСС ташқи сиёсий стратегиясининг асосий мақсади — совет кишиларини, Ер юзидаги барча халқларни тинчлик шароитида яшаш имконияти билан таъминлаш мақсади билан чамбарчас боғлаб амалга оширилмоқда. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев Рейкьявикдаги совет-америка учрашувида мазкур ғоят муҳим проблемани асосли тарзда ҳал этиш ва кенг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳақидаги таклиф билан чиқди. М. С. Горбачевнинг 1986 йил ноябри охирида Ҳиндистонга қилган сафари мамлакатимиз бутун планетада халқаро хавфсизликни мустаҳкамлашга, ядровий қуролдан холи ва зўрликсиз дунёни қуришга интилаётганлигини яна бир бор тасдиқлади.

Беш йилликнинг иккинчи йили плани унинг биринчи йилида яратилган мустаҳкам пойдеворга таянади. Ўн биринчи чақириқ СССР Олий Советининг 1986 йил 17—19 ноябрда бўлиб ўтган олтинчи сессияси 1987 йилги СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ва СССР Давлат бюджетини муҳокама қилди ва тасдиқлади. Бу планлар КПСС XXVII съездининг жамиятимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган йўлига мос бўлиб ва қайта қуриш жараёнида орттирилган тажрибани жамлаб

улар экономикадаги ижобий ўзгаришларни мустаҳкамлашга, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг узоқни кўзловчи стратегик омилларини ишга солишга қаратилган. Маҳсулотни давлат қабул қилишини жорий этиш масалаларига бағишлаб 1986 йил 14 ноябрда ўтказилган КПСС МК кенгашидаги нутқида М. С. Горбачев бундай деб таъкидлади: «Биз ишимиз жўшқинлигини ошириб, асосий иқтисодий вазифалар узвий бирликда ҳал этилишига эришишимиз лозим. Иккинчи йилнинг плани айни худди шундай тузилган — унда тараққиёт суръатларини жадаллаштириш, ишлаб чиқариш ва технологияни тубдан янгилаш, халқ учун тобора юксак техникавий даражадаги ва сифатли саноат буюмлари ҳамда товарларини ишлаб чиқаришни таъминлаш кўзда тутилган. Беш йиллик иккинчи йили планининг асосий таркибий элементлари, философияси ана шундай».

Социалистик хўжалик юритишнинг прогрессив методларини кенг қўлланиш — уни ажратиб турувчи белгидир. Бутун индустрия, агросаноат комплекси, транспорт, алоқа, маиший хизмат янги шароитда ишлай бошладилар. Қурилишда ва ташқи иқтисодий фаолият соҳасида хўжалик механизми қайта қурилмоқда. Иттифоққа бўйсунувчи бешта саноат министрлиги, бошқа министрликларнинг бир қатор йирик бирлашмалари ва корхоналари, шунингдек СССР Денгиз флоти министрлиги ва савдо тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзини маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини қоплашга ўтказилди. Бу билан бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик борасидаги мустақиллигини ва масъулиятини кенгайтиришга, меҳнат коллективларининг ташаббусини ривожлантиришга қаратилган йўл мустаҳкамланмоқда. Шунга мувофиқ равишда давлат пул жамғармаларини ҳосил қилишда ҳам, бирлашмалар ва корхоналарнинг молиявий базасини мустаҳкамлашда ҳам фойданинг роли ошиб бормоқда. Фойданинг 40 процентдан кўпроғи ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва социал эҳтиёжлар учун меҳнат коллективлари ихтиёрида қолдириладики, бу миқдор бутун халқ хўжалиги бўйича беш йилликнинг иккинчи йилида 200 миллиард сўмга етади.

Узоқ муддатли барқарор иқтисодий нормативлар 1987 йилги планга асос қилиб олинганлиги унинг характерли хусусияти бўлиб, бу нормативлар марказлаштирилган планли раҳбарликнинг ҳамда социал-иқтисодий сиёсатни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу нормативлар олдига қўйилган вазифа бирлашмалар ва корхоналарни ривожлантиришга ҳамда моддий рағбатлантиришга мўлжалланган маблағларни уларнинг хўжалик фаолияти пировард натижалари билан маҳкам боғлашдир. Ўз навбатида илгари директив тарзда планда тасдиқлаб берилган кўрсаткичлар сони кескин тарзда қисқартирилди — улар планлаштириш учун министрликлар ва идораларга, иттифоқдош республикаларга ёки бевосита бирлашмалар ва корхоналарнинг ўзига бериб қўйилди.

Ишга бир қанча эскича ёндашишларни бартараф этиш беш йиллик иккинчи йили планининг муҳим хусусияти бўлиб, бундай ёндашишлар, маълумки, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатарди, унинг самарадорлигини оширишга тўғаноқ бўларди. Аввало корхоналар фаолиятини планлаштиришга ва баҳолашга «ялпи маҳсулот» нуқтаи назаридан ёндашишни бартараф этишда муҳим одим ташланди. 1987 йилдан бошлаб саноатда, сўнгра эса капитал қурилиш ва бошқа тармоқларда маҳсулотни истеъмолчилар буюртмаларига тўла мувофиқ тарзда етказиб бериш бўйича топшириқларнинг бажарилиши асосий кўрсаткичлар бўлиб қолмоқда.

Планда «харажатларга қараб» ёндашиш деб аталувчи нарсани бартараф этишга ҳам катта эътибор берилган. Ана шу мақсадда фойдани давлат ва корхоналар ўртасида тақсимлашнинг норматив методига ўтиш амалга оширилмоқда, у меҳнат коллективини социал ва ишлаб чиқариш жиҳатдан ривожлантиришнинг ҳал қилувчи манбаига айланмоқда.

Планлаштиришга «эришилганига қараб» ёндашиш ҳам бартараф этилмоқда. 1987 йилги план кўрсаткичлари 1986 йилги пландинг бажарилиши асосида эмас, балки беш йиллик топшириқларига таянган ҳолда белгиланган. Улар

экономикани беш йиллик планда кўзда тутилган ўсишнинг ўртача суръатларига олиб чиқади. Янгича ёндашиш планнинг стабиллигини, шунингдек узоқ муддатли иқтисодий нормативларни қўлланишдан максимал самара олишни таъминлайди. Шу билан бир қаторда меҳнат коллективлари барча резервларни аниқлаш ва ишга солиш, кейинги йиллар учун базани кўпайтириб қўйишдан ҳадиксирамасдан планнинг фақат бажарилишинигина эмас, балки ошириб бажарилишини ҳам таъминлаш имконига эга бўладилар.

1987 йилги планнинг муҳим хусусияти шундаки, у интенсив омиллардан янада тўлароқ фойдаланишга асосланади. Шу боисдан ўсиш суръатлари беш йилликнинг биринчи йилига планлаштирилганига қараганда юқорироқ бўлади. Ишлаб чиқарилган миллий даромад 1986 йилги 3,9 процент ўрнига 4,1 процент, саноат маҳсулоти тегишли равишда 4,3 процент ўрнига 4,4 процент кўпаяди. Ижтимоий меҳнат унумдорлиги 4 процент ортади. Миллий даромаднинг, моддий соҳадаги маҳсулот ва ишларнинг бутун ўсимига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришиш кўзда тутилган.

Планда фан-техника тараққиётининг асосий концепциялари акс эттирилган ва ривожлантирилганки, уларни рўёбга чиқариш халқ хўжалиги тармоқларининг фан ва технологиянинг юксак марраларига чиқиб олишига кўмаклашади. Илмий тадқиқотлар ўтказишга 30,8 миллиард сўм — 1986 йилдагига нисбатан 6,3 процент кўпроқ маблағ ажратилган.

Машинасозлик комплекси янада ривож топади. Унинг маҳсулоти ҳажми 7,3 процент ўсади. Станоксозлик, приборсозлик, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш, электротехника ва электрон саноат каби тармоқларда маҳсулотнинг ўсиш суръатлари бутун машинасозликдагига нисбатан 1,4 баравар ортиқ бўлади.

Ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш юзасидан юксак топшириқлар кўзда тутилган. Электроэнергия ҳосил қилиш 60 миллиард киловатт-соат, нефть, шу жумладан газ конденсати қазиб чиқариш 617 миллион тонна, газ чиқариш 712 миллиард кубометр (1986 йилдагига нисбатан 40 миллиард кубометр кўпроқ), кўмир қазиб чиқариш 743,6 миллион тонна (10 миллион тонна кўпроқ) ортади.

Агросаноат комплексини ривожлантириш планида кўзда тутилган тадбирлар совет кишиларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилайди. Дон проблемасига катта эътибор берилган. Картошка, сабзавот, ҳўл мева етиштириш юксак суръатлар билан боради. Гўштни (сўйилган вазнда) 18 миллион тонна, сутни 101,5 миллион тонна етиштириш белгиланган. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ва у билан боғлиқ тармоқларни ривожлантиришга 166 миллард сўм ёки халқ хўжалигига сафланадиган жами маблағларнинг учдан бир қисмидан кўпроғи сарфланади.

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Совети қурилиш комплексини бошқаришни ва қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисида қабул қилган қарорга мувофиқ мазкур тармоқни ривожлантириш плани ишлаб чиқилди. Асосий эътибор кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондларини кенгайтиришдан уларни янгилашга қаратилади. Ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта қуроллантириш ва реконструкция қилиш учун бутун ишлаб чиқаришга мўлжалланган капитал маблағларнинг 45 проценти ажратилади. 1987 йилдан бошлаб қурилиш ташкилотларини тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказиш амалга оширилади.

Беш йиллик иккинчи йили планининг муҳим фазилати шундаки, унда социал тадбирлар комплексини амалга ошириш кўзда тутилган. Бу тадбирлар эса совет кишилари ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ўз ичига олади. Маблағ билан таъминлашнинг ҳамма манбаларидан ана шунга қилинадиган харажатлар 380 миллиард сўм миқдорида белгиланганки, бу 1986 йилдагига қараганда 20 миллиард сўм кўпроқдир. Ишчи ва хизматчиларнинг айрим категориялари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштириш ва иш ҳақини ошириш кўзда тутилган. Юқори сифатли халқ истеъмоли молларига бўлган талаб янада тўлароқ қондирилади, хизматлар кўрсатиш доираси кенгайтирилади. Умумий майдони 126,2 миллион квадрат метр уй-жойлар қуриш белги-

ланганки, бу ўн биринчи беш йилликда йилига ўрта ҳисобда фойдаланишга топширилиб турган уй-жой майдонига қараганда 15,8 миллион квадрат метр кўпроқдир. Бутун социал-маданий соҳанинг моддий базаси янада ривож топади.

Планда ҳар бир иттифоқдош республиканинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига, совет жамияти социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш мўлжалланган. Ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг 1986 йил 5—6 декабрда бўлиб ўтган тўртинчи сессияси тасдиқлаган 1987 йилда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани ана шу позициялардан туриб ишлаб чиқилган. У республикамиз халқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги даражага кўтаришга қаратилган.

Қайта қуриш Ўзбекистонда ҳам ўз натижаларини бермоқда. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши суръатлари ўсди, кўмир, газ, нефть қазиб чиқариш, электр энергия ҳосил қилиш, машинасозлик, химия индустрияси, бинокорлик материаллари саноати ва бошқа бир қатор тармоқлар маҳсулотининг кўп турларини ишлаб чиқариш бўйича план топшириқлари ошириб бажарилди. Қишлоқ меҳнатчилари 1985 йилдагига нисбатан кўпроқ сабзавот, картошка ва узум етиштирдилар. Чорвачилик маҳсулдорлигининг ўсиши тенденцияси кўзга ташланмоқда, сут ва тухум етиштириш ортмоқда. Уй-жой, мактабларни ва социал соҳанинг бошқа объектларини ишга тушириш кўпайди.

Кўпгина саноат корхоналари коллективлари зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақият билан адо этмоқдалар. Фарғона, Тошкент, Сурхондарё ва Наманган областлари, 50 дан зиёд районларнинг деҳқонлари пахта етиштириш ва харид қилиш планларини бажардилар.

Бироқ, шунга қарамай, республиканинг социал-иқтисодий ривожланишида тегишли бурилиш, чинакам жадаллаштириш ҳали содир бўлганича йўқ. Ҳали бир қанча нохуш тенденцияларни бартараф этишга муваффақ бўлингани йўқ. Экономика ички резервларини ишга солишнинг асосий воситаси бўлмиш қайта қуриш бераётган имкониятлардан суст фойдаланиляпти. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, маҳсулот сифатини яхшилашда, шартнома интизомига риоя қилишда жиддий ўзгаришлар бўлмади.

Республикада барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан яхши фойдаланилаётгани йўқ. Саноат корхоналарининг 10 процентдан кўпроғи маҳсулот реализация қилиш топшириқларини уддалай олмаётирлар. Ҳар уч корхонадан бири турдош корхоналар ва истеъмолчиларга буюмларни талаб қилинадиган номенклатура ва ассортиментдагига қараганда анча-мунча кам миқдорда бермоқдалар, Енгил саноат министрлиги системасида эса корхоналарнинг ярмидан кўпи шартнома интизомини бузмоқда. Умуман олганда маҳсулотнинг 225 та энг муҳим турларидан деярли учдан бир қисмини ишлаб чиқариш бўйича план бажарилмаётир.

1985 йилга нисбатан пахта тайёрлаш 400 минг тонна камайди, дон, мева, полиз маҳсулотлари камроқ харид қилинди. Қашқадарё, Бухоро, Навоий, Самарқанд, Жиззах ва бошқа бир неча областлар қишлоқ хўжалигида йил қониқарсиз якунланди.

Капитал қурилишда, транспортда ишларни тубдан яхшилашнинг катта-катта резервларидан фойдаланилмаётир. Савдо, маиший хизмат, алоқа тармоқлари, халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари корхоналари фаолиятидаги катта-катта камчиликларга барҳам берилмаган.

Беш йиллик иккинчи йилининг плани ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг энг муҳим участкаларидаги қатъий ўзгаришларни таъминлаш, Ўзбекистон аҳолисининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан конкрет ишлар программасини ўз ичига олган. Бунда қайта қуришга тўғаноқ солаётган ҳақиқий сабаблар ва жараёнларнинг аниқланиши ва бартараф этилишига жуда катта эътибор берилиши лозим.

Ҳаммаси бўлиб 2 мингдан зиёд саноат корхоналари, шунингдек, носаноат министрликларининг ишлаб чиқариш бўлинмалари 1987 йил январидан бошлаб хўжалик юритишнинг янги шароитига ўтказилади. СССР Нефть саноати, нефть-химия саноати, приборсозлик, автомобиль саноати министрликларининг

республикада жойлашган бир қатор корхоналари, илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларининг тадқиқот ва конструкторлик бўлинмалари тўла-тўкис хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш аввало бунёд этилган ишлаб чиқариш потенциалининг унумини ошириш ва интенсив омиллар ролини кучайтириш ҳисобига амалга оширилади. Шу боисдан ялпи ижтимоий маҳсулотга нисбатан миллий даромад илдамроқ ўсиб боради: миллий даромадни бир йил ичида 6,2 процент кўпайтириб, 23,3 миллиард сўмга етказиш планлаштирилмоқда, ялпи ижтимоий маҳсулот эса 5,1 процент ўсиб, 52 миллиард сўмни ташкил этади. Ана шу маррага эришиш учун меҳнат унумдорлигини янада ўстириш зарур: у саноатда 3,5 процент, қурилишда — 2,4 процент, қишлоқ хўжалигида 3,2 процент ошади. Фонд унумининг пасайиши суръатларини икки баравардан зиёд камайтириш мўлжаллангани, бу план асосан интенсивлашга қаратилганлигидан далолат беради.

Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, робот техникасини, автоматлаштирилган бошқарув системаларини қўлланиш янада ривож топади. Ана шу негизда маҳсулот сифатини ошириш кўзда тутилмоқда — аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган Сифат белгиси қўйилган буюмлар умумий ҳажмида унинг улуши ортади ва 32,9 процентни ташкил этади.

Саноат маҳсулоти чиқаришни 4,9 процент кўпайтириш мўлжалланган. Планнинг социал йўналишини кучайтиришдан шу нарса далолат бериб турибдики, ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш («А» группаси) 4,2 процент, истеъмол предметлари ишлаб чиқариш («Б» группаси) 7,2 процент ортади. Саноат ишлаб чиқариши структурасида бутун халқ хўжалигининг техника даражасини белгилаб берувчи база тармоқларининг, шунингдек одамларнинг иш билан банд бўлишини кўпроқ таъминловчи сермеҳнат тармоқлар улуши ортади.

Индустрия базасини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиш экономикани жадал юксалтириш негизидир. Бунда ҳам машинасозлик ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ушбу тармоқ бутун саноатга нисбатан деярли икки баравар тезроқ ривожланади — унинг ўсиш суръатлари 9,1 процент бўлади. Планда техниканинг янги авлодини, яъни кўпроқ унумли, пишиқроқ, энергияни кўпроқ тежовчи ва камроқ материал талаб қилувчи ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор берилган. Электротехника саноати, приборсозлик ва автоматлаштириш воситалари маҳсулотини ишлаб чиқариш кўпаяди, қишлоқ хўжалик машинасозлиги янада ривожланади.

Экономика микёсларини кенгайтириш ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини самарали тарзда ривожлантиришни талаб этади. Электроэнергия ҳосил қилиш 54,6 миллиард киловатт-соатни ташкил этади, кўмир қазиб чиқариш 9,2 процент кўпаяди.

Саноатнинг бошқа тармоқлари ҳам янги марраларга чиқиб олади. Қора металлургия маҳсулоти чиқариш 12,3 процент, химия ва нефть химияси саноати маҳсулоти — 9,3 (шу жумладан минерал ўғитлар — 14,1), бинокорлик материаллари чиқариш — 4,2 процент ортади.

Агросаноат комплексини ривожлантиришда ҳам юксак суръатлар кўзда тутилган. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 7,2 процент кўпаяди, айни чоқда озиқ-овқат тармоқлари маҳсулоти 11,7 процент ортади. Пахта етиштиришнинг белгилаб қўйилган ҳажмига мувофиқ харид қилинган тола 1 миллион 730 минг тоннани ташкил этади. Дон тайёрлаш ҳажми 1986 йилги план даражасида қолади, картошка, сабзавот, полиз маҳсулотлари, ҳўл мевалар, узум харид қилиш кўпаяди. Чорвачилик маҳсулоти тайёрлашни анча ўстириш кўзда тутилган. Агросаноат комплексининг қайта ишловчи тармоқлари янада жадалроқ ривожланади. Бу тармоққа 2 миллиард 835 миллион сўм ёки капитал маблағлар умумий ҳажмининг 44,4 проценти микдорида давлат капитал маблағлари сарфланади.

Капитал қурилишда асосий эътибор капитал маблағлар самарадорлигини оширишга, маблағлар ва ресурсларни энг муҳим ва ишга тушириладиган қурилишларга кўпроқ жамлашга, уларнинг норматив муддатларда ишга

туширилишини таъминлашга қаратилади. Планда капитал маблағларни биринчи навбатда ишлаб турган корхоналарни техника билан қайта куроллантиришга ва реконструкция қилишга сарфлаш кўзда тутилган.

Халқ хўжалиги барча тармоқларида ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш республика аҳолисининг турмуш шароитларини янада яхшилаш, социал соҳани ривожлантириш имконини беради. Ўртача иш ҳақи 169,1 сўмга етади. Ижтимоий истеъмол фондларидан тўловлар ва имтиёзлар 5,2 процент ортади ва 7,1 миллиард сўмни ташкил этади.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш ҳал қилувчи вазифалигича қолмоқда. Бундай моллардан 10 миллиард сўмликдан кўпроқ чиқарилади, шу жумладан қарийб 3 миллиард сўмлигини Енгил саноат министрлиги корхоналари чиқарадики, уларда товар ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши билан бир қаторда уларнинг ассортименти ҳам янгиланиб ва кенгайтирилиб боради. Маҳаллий саноат буюмларнинг 400 дан зиёд янги ва яхшиланган турларини чиқаришни ўзлаштиради.

Планда уй-жой қурилишига катта эътибор берилган. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан салкам 7 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. 1987 йилда деярли етти юз минг киши ўз уй-жой шароитларини яхшилаб олади.

Беш йиллик иккинчи йили плани топшириқлари тиғиз, лекин бемалол амалга оширилса бўладиган топшириқлардир. Уларни бажариш интенсивлаштириш тенденциясини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлади. Қайта қуриш муқаррар жараёнларининг реал натижалари айни шу янги йилда жуда яққол намоён бўлиши лозим. Шу боисдан йилнинг бошланишиданоқ планни аниқ-пухта бажариш зарур.

Бу йил эса — давлатимиз тарихида алоҳида йилдир. СССР халқлари ва бошқа социализм мамлакатлари халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният Улуғ Октябрь кунини, дунёдаги биринчи Советлар мамлакатининг туғилган кунини 70-дафъа тантанали тарзда байрам қиладилар. Бутун мамлакатда бу муҳим сана шарафига юксак социалистик мажбуриятлар олган коллективлар сони кўпайиб бормоқда.

Бизнинг республикамизда «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқондаги Охунбобоев номли тикув фабрикаси, Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлими, Косонсой район ишлаб чиқариш бирлашмасининг комсомол-ёшлар бригадаси, «Узбекгидроэнергострой» тресги қурувчилари, монтажчилари, эксплуатациячилари, Узагропромстрой 2-трестининг 108-кўчма механизациялашган колоннаси, Фарғона области Олтиариқ райони қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари коллективлари янги йил арафасида Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш ташаббуси билан чиқдилар. Улар қувватлардан янада тўлароқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига риоя қилиш, янги техникани, илғор технологияни, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг прогрессив формаларини яратиш ва жорий этиш, социал ривожланишни жадаллаштириш йўли билан юқори сифатли маҳсулот чиқариш, хом ашё, материаллар, электроэнергияни пландан ташқари тежаш орқали беш йилликнинг икки йили топшириқларини муддатидан илгари бажаришга аҳд қилдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллади. Ҳозирдаёқ кўп коллективлар Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар олиб, бу ташаббусни қўллаб-қувватладилар. Партия комитетлари, хўжалик раҳбарларининг вазифаси — ҳар бир меҳнаткашга умумий сафда ўз ўрнини белгилаб олишига кўмаклашишдир.

Новаторларча ёндашиш қарор топаётган, техника тараққиётига, фан ютуқлари, илғор тажрибадан фойдаланишга таянилаётган жойда планлар ва мажбуриятлар муваффақиятлироқ бажарилади. Зеро илмий ечимларни қатъий тарзда жадаллаштириш, тадқиқотлар натижаларини ишлаб чиқаришга тез ва кенг кўламда жорий этишгина энг илғор позицияларни эгаллашни таъминлайди.

Республикамизда ана шу йўналишда иш олиб борилмоқда. Аммо бир қатор министрликлар, идоралар, ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарнинг фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш фаолиятида ҳозирча сифат ўзгаришлари бўлганича йўқ. Фан ва техникани ривожлантириш давлат плани мунтазам равишда бажарилмай келмоқда.

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда фан-техника тараққиёти ролининг ўсиб бориши барча даражалардаги хўжалик раҳбарларидан янги техника бўйича план бажарилишига эътиборни кескин кучайтиришларини талаб этади. Бу ҳозирги кунда улар фаолиятига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг кўп институтлари, шунингдек тармоқ фани республика халқ хўжалигини ривожлантиришнинг тармоқ ва комплекс программаларини амалга оширишда суст қатнашмоқдалар. Кўпинча тугалланган тадқиқотлар қўйиладиган талабларга жавоб бермайди, илмий ва амалий қиммати бўлмайди. Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги системасидаги олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан экономикани ривожлантириш манфаатлари йўлида мутлақо қониқарсиз фойдаланилмоқдаки, бу ерда олимлар ва ўқитувчиларнинг деярли 20 проценти тадқиқотларда умуман қатнашмайдилар, студентлар диплом лойиҳаларининг 0,5 процентдан камроғи жорий қилишга тавсия этилади. Фан-техника тараққиёти учун курашнинг олдинги сафларида бораётган илмий ходимларнинг бурчи — улардан юксак самарали янги ечимларни кутаётган ишлаб чиқариш томон кескин тарзда бурилишдир.

Ҳозирги кунда сифат проблемаси социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришда олдинги ўринга қўйилмоқда. Жаҳондаги энг яхши ютуқлар сари йўл олинди. Бунинг маъноси шуки, мамлакатимизда чиқариладиган буюмлар илмий тафаккурнинг энг янги ютуқларини ўзида гавдалантириши, юксак техникавий-иқтисодий, эстетик ва бошқа истеъмол талабларига мос бўлиши лозим. Айнан сифат экономикани ривожлантиришни жадаллаштиришнинг энг кучли ҳаракатлантирувчиларидан бири, меҳнат коллективларининг хўжалик ҳисобига асосланган ўзаро муносабатларида ишлатиладиган воситаларидан бири бўлиб қолмоқда. Ҳаётнинг ўзи сифат масалаларини қайта қуриш марказига қўйди.

Сифатнинг пастлиги, ишнинг ёмонлиги, виждонан қилинмаслиги меҳнатни, ресурсларни, бутун халқ бойлигини исроф қилишнинг энг хавфли турларидан биридир. Ўзбекистонда ҳар уч корхонадан бири юқори категорияли сифатга эга бўлган буюмлар чиқариш планини тўлиқ бажармайди — 1986 йилда улардан 60 миллион сўмлик кам берилди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигига қарашли корхоналарнинг ўзида ўтган йили бракдан кўрилган зарар 10 миллион сўмдан ошиб кетди.

Партия «сифат» тушунчасига кенг маъно бермоқда. Бу фақат маҳсулотнинг юксак техникавий даражаси ва пишиқлигигина эмас, балки, аввало иш услуби, иш билан сўзнинг мустаҳкам бирлиги, тор маҳкамачилик ва ўткинчи манфаатлардан ўзини юқори қўя билиш ҳамдир.

КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Маҳсулот сифатини тубдан ошириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ишлаб чиқариш ҳар бир иштирокчисининг кенг ҳаракат программасидир. Унда иқтисодий, техникавий, социал ва ҳуқуқий тадбирлар комплекси белгиланганки, уларни амалга ошириш совет буюмларининг конкуренция қилиш қобилиятини кескин оширади. Ишчидан тортиб министргача — ҳамманинг пировард маҳсулот даражаси учун масъулияти кучайтирилди.

Маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиб олиш бўлимлари барпо этилганлиги сифатни оширишга қаратилган энг қатъий тадбирдир. Бу бўлимлар мамлакатнинг 1 минг 700 та етакчи корхоналарида 1987 йил 1 январидан эътиборан ишлай бошлайдиларки, бу корхоналар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнаткашларни хилма-хил товарлар билан таъминлаш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган саноат маҳсулотининг ярмини чиқарадилар. Ўзбекистонда маҳсулотни давлат қабул қилиб олиши усулига 33 корхона, шу

жумладан 21 та машинасозлик, 6 та химия ва нефть химияси, 2 та рангли металлургия, 2 та мебель саноати, 1 та енгил саноат, 1 та бинокорлик материаллари саноати корхоналари ўтмоқда. Улар 2,6 миллиард сўмликдан зиёд маҳсулот ёки жами чиқарилаётган маҳсулотнинг 15 процентини ишлаб чиқарадилар. Саноат министрликлари бирлашмалари ва корхоналарида маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиб олишни жорий этиш масалалари КПСС МКда 1986 йил 14 ноябрда бўлиб ўтган кенгашда муҳокама қилинди.

Давлат йўли билан қабул қилиб олиш бўлимлари техника контроли бўлимлари қиладиган ишни ўз зиммаларига олмасдан туриб бракка ишончли тўсиқ қўядилар. Стандартлардан ҳатто озгина бўлсада четга чиқадиган тайёр маҳсулот қайта ишлаш учун цехларга қайтарилади. Бироқ, айни чоқда бундай ҳар бир қайтариш брак сабабларини тезда бартараф этиш ниятида чуқур анализ қилиниши керак. Бинобарин, давлат қабули вакиллари бу борада завод мутахассислари билан биргаликда иштирок қилишлари керак.

Давлат йўли билан қабул қилиш жорий этилиши билан сифатга оид ҳамма проблемалар ҳал бўлади, деб ҳисоблаш нотўғри, албатта. Бу борада ҳам конструкторлик ва технология бўлинмалари, план-иқтисодий ва таъминот хизматлари, ишлаб чиқаришни тайёрлаш хизматлари ишини, яъни ишлаб чиқариш жараёни барча иштирокчиларининг — ишчидан тортиб то директоргача ҳамманинг ишини қайта қуриш зарур. Ҳозир масала фақат сифат устидан контролни кучайтириш эмас, балки кўпроқ мавжуд ресурсларни чинакам ишнинг кўзини билиб тасарруф этишда, меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашда, бракчиларга тоқат қилинмайдиган вазиятни яратишда эканлигини ҳар бир киши тушуниб олиши керак.

Маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиб оладиган шароитда корхоналардаги техникавий контрол бўлимларининг роли ва аҳамияти пасаймайди, балки, аксинча, янада ортади. Бу бўлинмалар аслида сифатсиз маҳсулот чиқариш йўлида ўтиб бўлмас тўсиққа айланиши лозим. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг тегишли қарорида вазифа ана шу тарзда қўйилган. Техника контроли бўлимлари билан давлат йўли билан қабул қилиб олиш хизматларининг пухта баҳамжиҳат ишлашларига эришмоқ зарур.

КПСС МКда бўлиб ўтган кенгашда таъкидланганидек, маҳаллий партия органлари маҳсулотни давлат йўли билан қабул қилиб олиш иши учун нормал вазият яратишда муҳим роль ўйнайдилар. Улар юксак давлат манфаатларини кўзда тутишлари, изчиллик ва принципиаллик кўрсатишлари, ўзининг бир лаҳзалик фойдасини кўзлаб, маҳаллий ватанпарварлик қилишга, ҳақиқий аҳволни бўяб кўрсатишга уриниб, давлат йўли билан қабул қилиш бўлимлари томонидан маҳсулот сифатига бериладиган объектив баҳога таъсир кўрсатишга интиладиган кишилардан қатъий талаб қилишлари лозим. Бошланғич партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари маҳсулот сифатини яхшилашда меҳнат коллективларининг ролини кучайтириш учун фаол ва аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб боришлари лозим.

Тежамкорлик режими жадаллаштириш стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Хўжасизлик, исрофгарчилик, хилма-хил зарар ва талофотлар ҳамон катта зиён келтирмоқда. Чунончи, 1986 йилнинг 11 ойи мобайнида бутун Ўзбекистон халқ хўжалиги бўйича унумсиз харажатлар 210 миллион сўмдан ошиб кетди, салкам 130 миллион сўм ҳар хил жарималар, пеня ва ҳоказолар тўланди.

Моддий-хом ашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарур проблемадир. Беш йиллик иккинчи йилининг планида шундай ташкилий-техникавий тадбирлар кўзда тутилганки, уларни амалга ошириш ресурсларни тежовчи технологияни ўзлаштириш, Ўзбекистон саноатида моддий харажатларни 1,4 процент ва қурилишда 1,1 процент камайтириш имконини беради.

Ҳар бир ишда ва ҳамма ерда тежаш, хўжасизлик ва исрофгарчиликка бепарво бўлмаслик керак — партия масалани ана шу тарзда қўйди. Министрликлар, идораларда, ҳар бир бирлашма ва корхонада учёт ва контролни яхшилаш, тежамкорлик режимини кучайтириш, нобудгарчиликларга, социа-

листик мулкнинг ўғирланишига қарши курашни кенг кўламда авж олдириш зарур.

Корхоналар ва ташкилотларни 2—3 сменали иш режимига ўтказиш — жадаллаштириш стратегиясини рўёбга чиқаришга бевосита қаратилган жуда муҳим хўжалик-сиёсий вазифадир. У бунёд этилган потенциалдан ғоят самарали фойдаланиш, янги қурилишда маблағларни тежаш, бу маблағларни корхоналарни реконструкция қилишга ва меҳнат коллективларини социал жиҳатдан ривожлантиришга сарфлаш имконини беради. Ваҳоланки, Ўзбекистонда, масалан, машинасозлик ва металлга ишлов бериш корхоналарида сменалилик коэффициенти 1,2 дан ошмайди, Бинокорлик материаллари саноати министрлиги системасида — 1,35, Маҳаллий саноат министрлиги системасида — 1,3 дир.

Бирлашмалар ва корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказишдан аввал пухта тайёргарлик ишлари олиб борилиши керак. Тажриба кўрсатиб турганидек, бунда, жумладан, шаҳар транспорти, савдо, медицина ва мактабгача тарбия муассасалари, ўқув юртлари ишини жиддий тарзда қайта қуриш билан, иккинчи ва тунги сменада ишловчиларга зарур шароит яратиш билан боғлиқ бўлган анча-мунча проблемалар пайдо бўлади. Бунда ҳал қилувчи сўзни маҳаллий Советлар, партия ва касаба союз ташкилотлари айтиши лозим.

Сменалиликни кўпайтириш экономикани интенсивлаш изига ўтказишга кўмаклашади. Бу тадбир конкрет иқтисодий натижаларга — маҳсулот чиқаришни ўстиришга, меҳнат унумдорлигини оширишга, машина-ускуналарни иш билан тўла таъминлашга, ишлаб чиқариш майдонларидан яхшироқ фойдаланишга, янги ишлаб чиқаришлар барпо этишда капитал маблағлар сарфини камайтиришга олиб келиши керак.

Янги йилнинг биринчи куниданоқ иш вақтидан рационал фойдаланиш — социал-иқтисодий жадаллаштириш суръатларини ошириш демакдир. Ҳар бир иш минутини тежашга эътибор берилган жойда муқим муваффақиятларга эришилади, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади, ресурслардан тўлароқ фойдаланилади.

Бирлашмалар ва корхоналарнинг партия ва касаба союз комитетлари, хўжалик раҳбарлари ҳа бўл-ҳа бўлчиликка ва бекор туриб қолишларга қарши, суриштирмай-нетмай иш вақтидан ташқари вақтда ишлашларга қарши қатъий кураш олиб боришлари зарур. Бир маромда меҳнат қилиш — кишиларга фақат қулай бўлибгина қолмай, балки ҳар бир иш минутининг юксак самара бериши гарови ҳамдир.

Ўн иккинчи беш йиллик иккинчи йилининг одими жадаллашиб бормоқда. Меҳнатчиларни янги вазифалар томон буриш, ана шу вазифаларни ҳал этишга ҳар бир меҳнат коллективининг ғайрати ва ижодий потенциалини сафарбар этиш, кишиларга қайта қуришнинг революцион характерини англашда, жадаллаштириш сари бундан бошқа йўл йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб олишда ёрдамлашиш — ҳозирги кунда партия идеология ишининг биринчи навбатдаги мақсадидир. Бу ҳол Ўзбекистон Компартияси МК (1986 йил октябрь) III пленумида жуда қаттиқ таъкидланди.

Ҳар бир кишининг ҳозирги моментнинг ўзига хослигини тушуниб олишига эришиш, тарихимизнинг ҳозирги масъулиятли босқичида қандай ишларни қай тариқа қилиш кераклигини тушунтириш, ҳар бир меҳнатчида ишлаб чиқаришнинг, бутун мамлакатнинг хўжайини туйғусини шакллантириш зарурдир. Ўзгаришларга нисбатан соғлом кайфиятда бўлиш, уларни қабул қилишга ва амалга оширишга фаол кўмаклашишга шайлик норма бўлиб қолиши лозим.

Ҳар бир коммунистнинг, ҳамма меҳнатчиларнинг фидокорона ижодий меҳнати, турғунлик ва формализмга нисбатан муросасизлиги, ғайрат-шижоати ва активлиги беш йиллик иккинчи йили планининг бажарилишини, мамлакат иқтисодий қудратининг ва халқ фаровонлигининг янада ўсишини таъминлайди.

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАҚСИМЛАШНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Т. МИРЗАЕВ, Л. РАСКИН,
иктисод фанлари кандидатлари

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ микёсларининг тобора кенгайиб бориши, СССР экономикасининг территориал ва тармоқ структурасини такомиллаштириш шароитида халқ хўжалигини иш кучи билан таъминлаш масалалари жиддий эътибор беришни талаб қилади. Умуман мамлакатда меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳоли ўсишининг камайиши ва Ўрта Осиё ҳамда Закавказье республикаларида эса улар сероблигининг ошиб бориши муносабати билан меҳнат ресурсларини территориал қайта тақсимлашни ташкил этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Машиналарга асосланган ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги, янада юксак техникавий даражага ўтиши бу ишлаб чиқаришнинг жамланиши ва ихтисослашувини ошириши, ишлаб чиқаришнинг янги, илғор тармоқлари ва турларини яратиш, технологик жараёнлар ва бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу муқаррар равишда ижтимоий ишлаб чиқаришда иш кучини қайта тақсимлаш заруратини келтириб чиқаради. Бундан ташқари, мамлакатнинг қатор районларида, шу жумладан табиий ресурсларни ўзлаштириш муносабати билан халқ хўжалик тармоқларининг жўшқин ривожланиши ҳам кўпинча бу ерга қўшимча равишда иш кучини жалб қилишни талаб этади. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида мавжуд ва янгидан бунёд қилинаётган иш ўринларини меҳнат ресурслари билан тармоқлар бўйича ва территориал тарзда балансლашга эришиш чора-тадбирларининг кўзда тутилганлиги бежиз эмас.

Ўзининг иқтисодий, социал ва маданий сиёсатини планли асосда, пропорционал ривожлантириш қонунига мувофиқ ташкил этадиган социалистик давлат меҳнат ресурсларини айрим регионлардаги ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга ва уларнинг ривожланиш даражасига мос келадиган қилиб бирмунча баравар тақсимлаш мақсадида аҳоли кўчишига ҳам муайян уюшқоқлик бахш этишга ҳаракат қилади.

Ҳар бир иттифоқдош республика меҳнат ресурсларини халқ хўжалигининг тармоқлари, меҳнатни ишга солиш соҳалари бўйича банд қилиш ва тақсимлаш характерида ўзига хос белгиларга эга. Меҳнат ресурслари территориал тақсимотининг нотекислиги, уларнинг юқори суръатлар билан ўсиши, географик ва иқлим хусусиятларига кўра аҳолининг жойлашиши ва унинг ишлаб чиқариш-меҳнатга оид малакаларининг тарихий қарор топган формаси Ўзбекистонга хос ана шундай белгилардир. Ҳозирги пайтда республика аҳолисининг 58,2 проценти қишлоқ жойларда яшовчилар бўлиб, улар сони тез кўпаймоқда. Мамлакатнинг бошқа кўпгина районларидан фарқли равишда бу ерда меҳнатга лаёқатли аҳоли ўсишининг юксак суръатлари сақланиб қолаверади.

Ўн биринчи беш йилликда Ўзбекистонда саноатнинг сермеҳнат тармоқларини илдам ривожлантириш кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларида йирик корхоналар филиалларини ташкил этиш йўли билан ишлаб чиқарувчи кучларни

жойлаштиришни такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Кейинги ўн йилда ҳар йили ҳунар-техника билим юртлари тайёрлаётган малакали ишчилар сони 1,7 баравар ошди. Тураржой-коммунал қурилиши янада ривожланди, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, маданий-маиший объектлар сони кўпайди. Лекин ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилинганлар сони аҳоли ўсиш суръатларидан барибир орқада қолмоқда. Бинобарин,ўтган беш йилликда уй-рўзғорда ҳамда шахсий ёрдамчи хўжалигида банд бўлган кишилар ҳиссаси кўпайди. Ҳозирги пайтда ижтимоий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлмаганлар сони республикада бир миллиондан зиёд кишини ташкил этади. Мана шу сабабли, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди «биз энг яқин ва олис истиқболга мўлжалланган планларимизни ишлаб чиқа туриб, республикамиз учун долзарб бўлган масалалардан бири — аҳолини кўпроқ иш билан таъминлаш ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласини диққат марказида тутишимиз керак», деб таъкидлади.

Социал-иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш иш кучининг сифати ва миқдорий состави, структураси ва ундан оқилона фойдаланилиши билан чамбарчас боғлиқдир. Лекин бу масалага фақат иқтисодий нуқтаи назардан ёндашиш ярамайди. Жумладан, меҳнат ресурсларининг қайта тақсимотини ташкил этишда кишиларнинг маданий ва социал-маиший эҳтиёжларини синчиклаб ўрганиш ҳамда ҳисобга олиш зарур.

Мамлакат турли регионларидаги аҳолининг кўзғалувчанлик даражаси асло бир хил эмас. Масалан, агар Сибирь, Узоқ Шарқ ва Чекка Шимолда бу кўрсаткич анча юқори бўлса, Ўрта Осиё республикаларида, жумладан Ўзбекистон ССРда у ҳозирча анча паст. Ўзбекистон аҳолисининг кўчиб юриш бобидаги активлиги пастлиги аввало туб аҳолининг она юртига ва қишлоқ хўжалик меҳнатига ўрганиб қолганлиги, қатор миллий ва маиший хусусиятлар билан изоҳланади. Шунинг учун меҳнат ресурслари муайян миқдорининг у ёки бу районга кўчирилишини таъминлаш учун одамларнинг иш ва яшаш жойини танлашига таъсир этиш омилини аниқлаш керак.

Бундай омиллар мажмуини учта группага: социал-иқтисодий, географик ва демографик омилларга ажратиш мумкин. Биринчи группага ишлаб чиқариш муносабатларининг характери, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси ва уларнинг жойлаштирилиши киради. Иккинчи группага — жойнинг иқлими, рельефи, ер ости ресурслари, тупроғи ҳамда аҳоли, айниқса қишлоқ аҳолиси жойлашишида катта роль ўйнаб келаётган бошқа табиий хусусиятлар киради. Маълумки, Ўзбекистоннинг иш кучи ғоят сероб районлари табиий-иқлим шароитларининг жуда қулайлиги билан характерланадики, бу ерлардаги қишлоқ аҳолисининг бошқа районларга кўчишини активлаштириш мушкулдир. Учинчи группага туғилиш ва нобуд бўлиш миқдори даражасидаги регионал тафовутлар киради, бундай тафовутлар аҳолини территория бўйлаб бевосита қайта кўчирмасдан туриб унинг жойлашишида ўзгаришлар келтириб чиқаради.

Тадқиқотнинг кўрсатишича, одамларни бошқа жойга кўчиш билан боғлиқ меҳнат шартномалари тузишга ундовчи сабаблар жуда ҳам турли-тумандир. Бировларни янги қурилишлардаги меҳнат романтикаси жалб қилса, бошқалар катта маош кетидан боришади. Кўплар ўзининг бошқа жойга кўчишини ишга жойлашишнинг у ёки бу масаласи билан боғлайдилар: ихтисоси бўйича меҳнат қилиш имконияти, қизиқарлироқ ишга жойлашиш, малакасини ошириш ва ҳоказо. Маданий-маиший ва тураржой шароитларини яхшилаш, шахсий турмушини йўлга қўйиш, оилавий келишмовчиликларни ҳал этиш каби сабаблар ҳам юқоридаги сингари кўчишга ундовчи сабаблар жумласига киради. Мамлакатимиз гражданлари қаерда ишлаш ва яшаш афзаллигини ўзлари ҳал қиладилар, бир жойдан иккинчи жойга кўчиш жараёнларини бошқариш вазифаси ана шу танлаш эркинлигини чеклашдан эмас, балки бу проблемани ҳам ҳар бир конкрет шахс, ҳам умуман жамият манфаатларини кўзлаб ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидан иш кучини бўшатиб олиш ва ундан республика халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида оқилона фойдаланишдаги

қийинчиликлар қатор объектив сабаблар билан боғлиқдир. Шулардан бири — колхозчилар ва совхоз ишчиларида саноатда ҳамда қишлоқ хўжалигидан бошқа тармоқларда ишлаш учун зарур махсус малака ва билимларнинг йўқлигидир. Шунинг учун қишлоқ ёшларини индустриал касбларга ўргатиш Ўзбекистондаги аҳолиси зич областлар қишлоқ хўжалигидан меҳнат ресурсларини бўшатиб олиш жараёнини интенсивлаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир.

Янги территорияларни хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш миқёсларини ошириш мамлакат экономикасини ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришдаги жиддий силжишлар билан боғлиқ. Сибирь, Узоқ Шарқ, Чекка Шимолни ўзлаштириш тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда, бу жойларда минерал хом ашё ва ёқилғи-энергетика ресурсларининг катта запаслари тўплангандир. Айни шу сабабли кўрсатиб ўтилган районларда жойлашган корхоналар ва ташкилотларни, шунингдек мамлакатнинг бошқа районларида фойдаланишга топширилаётган муҳим халқ хўжалик объектларини зарур кадрлар билан комплектлаш мақсадида уюштирилган ҳолда ишчиларни жалб қилиш ва ёшларга жамоатчилик даъвати самарадорлигини янада ошириш тадбирлари кўрилди.

Ишчиларни уюштирилган ҳолда ишга қабул қилиш ҳозирги пайтда меҳнат кучи етишмайдиган жойлардаги корхоналар ва ташкилотларни кадрлар билан таъминлаш, иш кучини тармоқлар ва территориялар ўртасида тақсимлашнинг асосий формаларидан биридир. У меҳнат ресурсларини ишга тушириладиган ва алоҳида муҳим халқ хўжалик қурилишларида ўз вақтида тўплашга хизмат қилади, балиқчилик ва ўрмончилик саноатига кадрлар масаласини ҳал этишда катта ёрдам беради.

Иш кучини планли асосда территориал қайта тақсимлашнинг бошқа бир тури — аҳолини оилалари билан бирга кўчиришдир. Бундан мақсад асосан кўпинча хўжалик мақсадларида янгидан ўзлаштирилаётган, шунингдек суғориладиган ва захи қочирилаётган ерларда ташкил этилаётган колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарини кадрлар билан таъминлашдан иборат.

Мамлакатимизда меҳнат кучи сероб районлардан меҳнат ресурсларини бошқа жойларга планли асосда қайта тақсимлаш қатъий ихтиёрий тарзда амалга оширилади. Бунда кўчувчиларга хўжалик-рўзғор эҳтиёжлари учун моддий ёрдам ва қўшимча имтиёзлар берилади.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида оилаларни кўчириш ва ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилишни Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети ва унинг жойлардаги органлари амалга оширади. 1985 йилда бу органлар ишчиларни республикалараро уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш орқали 5,7 мингдан зиёд кишини ишга йўллади, бу кўрсаткич 1981 йилдагига қараганда деярли 40 процент кўпдир. Умуман ўн биринчи беш йилликда 25 мингга яқин ишчи республикадан ташқарига ишга юборилди, қишлоқ хўжалигида оилаларнинг республикалараро кўчиши эса қарийб 3 баравар кўпайди.

Шу билан бирга, умуман республика меҳнат ресурсларининг ғоят сероблиги билан ажралиб турса-да, Ўзбекистоннинг ўзидаги янги ўзлаштирилаётган районларда қишлоқ хўжалигининг ишчи кадрлари ва мутахассислари етишмайди. Вужудга келган аҳволни тўғрилаш мақсадида кейинги пайтда аҳолиси зич Фарғона водийси меҳнат ресурсларининг бир қисми Сирдарё, Жиззах ва Қашқадарё областларининг қўриқ районларига кўчирилди. Бу ерларда фақат 1985 йилда 4300 дан зиёд оила қабул қилиб жойлаштирилди. Ўн иккинчи беш йилликда областлараро ва областлар ичидаги қишлоқ хўжалигида аҳолини кўчириш режасига кўра 25 мингга яқин оила Ўзбекистоннинг қўриқ районларига юборилади. Бу қўшимча равишда 67 мингдан зиёд оммавий касб ишчиларини тайёрлашни талаб қилади. Кўчадиган оилаларни танлашда партия ва давлат органлари фаол иштирок этиши мазкур мушкул вазифани ҳал этишга хизмат қилади, бундай оилалар таркибида коммунистлар, комсомоллар, тажрибали механизаторлар, пахтакорлар, чорвадорлар бор.

Аҳолининг кўчишида шахсий сабаблар кучайиши ва уларнинг жамият манфаатларига мувофиқ келмаслик ҳоллари — аҳолини планли асосда қайта тақсимлашдаги айрим формаларнинг етарлича эпчил эмаслиги, ўзгарувчи шарт-шароитлар яхши ҳисобга олинмаслиги оқибатидир. Меҳнат ресурсларини уюштирилган тартибда қайта тақсимлашни такомиллаштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги бу ва бошқа проблемалар уларни ҳал этишга комплекс ёндашувни тақозо қилади.

Меҳнат ресурсларини уюштирилган тартибда қайта тақсимлаш миқёсларининг ўсиб боришига уни кварталлар бўйича планлаштиришдан иборат амалдаги тартиб асосий тўсиқлардан бири бўлиб қоляпти. Корхоналари ва ташкилотлари РСФСР ва Қозоғистон территориясида жойлашган айрим министрликлар ишчиларни бевосита йўллаш кўзда тутилган объектлар учун заявкаларни Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитетига анча кечикиб тақдим этадилар, аслида планлаштирилаётган йил, квартал бошланишидан 45 кун илгари шундай қилиниши керак.

РСФСР ва Қозоғистондаги корхоналар ва қурилишлар ишчиларининг меҳнат ва маиший шарт-шароитлари тўғрисидаги реквизитлар ва ахборот-справка материаллари ўз вақтида келмайди — улар кўпинча пландаги кварталнинг ярмида зўрға етиб келади. Қолган бир ярим ой ичида ахборот бериш ишларини ўтказиш ва ишчиларни белгиланган жойга етказиш юзасидан ташкилий масалаларни ҳал этиш жуда мушкулдир. Чунки, одатда, навбатдаги кварталда ишчиларни бошқа қурилишлар ва корхоналарга юбориш мўлжаллаб қўйилган бўлади. Натижада ишчиларни уюштирилган тартибда ишга йўллаш муддатлари 2 баравар қисқарадики, бундай аҳвол бутун йил бўйи давом этади.

Шунингдек, қатор министрликлар ва идоралар планларида ишчиларни уюштирилган тартибда ишга йўллашнинг арзимас ҳажмда кўзда тутилиши, юборилган кадрларнинг кўп сонли объектлар бўйлаб сочилиб кетиши, улардан ёрдамчи, кам ҳақ тўланадиган ишларда фойдаланилиши зарур ишлаб чиқариш ва маиший шарт-шароитларнинг йўқлиги ҳам салбий омиллардандир. Буларнинг ҳаммаси ишчилар ўртасидаги қўнимсизликнинг юқорилигига сабаб бўлади ва ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш тадбирининг самарадорлиги ва обрўсини пасайтириб юборади.

Фикримизча, министрликлар ва идоралар ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилишни катта ҳажмларда планлаштиришлари ва уларни асосан муҳим давлат аҳамиятига эга йирик объектларга, шунингдек янгидан ишга туширилаётган корхоналар ва қурилишларга йўллашлари иқтисодий жиҳатдан фойдалидирки, бундай корхоналар ва қурилишларни маҳаллий меҳнат ресурслари ҳисобига иш кучи билан комплектлаш осон эмас.

Ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш амалга оширилар экан, шубҳасиз, уларнинг тегишли малакага эга бўлишларига интилиш жуда муҳим. Лекин, анализнинг кўрсатишича, кўчиб бораётганлар орасида касбий тайёргарликка эга бўлмаган кишилар кўплаб учрайди. Ишчилар сони лимитдан ошиб кетган ишлаб турган корхоналар ва қурилишлардан керакли мутахассисликлар бўйича ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш — юборилаётган ишчиларнинг сифат составини яхшилаш йўлларидан биридир. Бунда, албатта, иш ва яшаш жойини ўзгартираётган кишиларнинг моддий манфаатдорлиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш лозим бўлади.

Кўчувчиларнинг ёш составига мурожаат қилайлик. 1985 йилда Ўзбекистондан Қозоғистонга юборилган 205 оила бошлиғининг 28,6 проценти — 20—24 ёшда, 30,9 проценти — 25—29 ёшда, 24,1 проценти 30—39 ёшда; РСФСРга кўчган 406 оила бошлиқларининг ёш группалари ўша тартибда — 17,6, 35,2 ва 30,9 процентни ташкил этади. Оилалардаги меҳнатга лаёқатли бошқа аъзоларнинг ёши бобида ҳам шу хил манзара мавжуд. Шундан кўриниб турибдики, ёшлар республика аҳолисининг бирмунча ҳаракатчанроқ қисми ҳисобланади.

Ўша йили Ўзбекистондан Қозоғистонга кўчган оилалардаги меҳнатга лаёқатли аъзоларнинг 54,3 проценти ўрта маълумотга, 29,2 проценти — тўлиқсиз ўрта, 9,4 проценти — бошланғич маълумотга эга эди, ҳеч қандай

малакаси бўлмаган кишилар 28,9 процентни ташкил қилди. Россия Федерациясига кўчганлар орасида 97 процент киши ўрта, тўлиқсиз ўрта ва ўрта махсус маълумотга эга бўлиб, 24,6 процент ишчи малакасиз кишилар эди. Бундан ташқари, гарчи кишилар қишлоқ хўжалигида ишлаш учун юборилаётган бўлсалар-да, уларнинг асосий қисми индустриал касбларга эга эдилар. Буларнинг ҳаммаси, бир томондан, кўчувчиларнинг сифат составига талабни ошириш кераклигини, иккинчи томондан эса, кўчиб бориладиган жойларда қишлоқ хўжалик профилидаги ходимларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш учун махсус курслар ташкил этиш зарурлигини кўрсатиб турибди.

Кўчадиган оилалар меҳнатга лаёқатли аъзоларининг кўпчилиги шаҳарлар ва ишчи посёлкалари аҳолиси бўлганлиги сабабли уларнинг қишлоқ хўжалиги касбларини эгаллаши масалалари тобора катта аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Афтидан, хўжаликларда механизаторлар ва чорвадорлар курслари ташкил этиш, кишиларни деҳқончиликда, чорвачиликда ва шу сингари соҳаларда ишлашга ўргатиш учун якка тартибда ўқитишни уюштириш керак бўлади.

РСФСР ва Қозоғистондаги қатор корхона ва қурилишларда иш шароитлари оғирроқ, улардаги меҳнат ҳақи Ўзбекистондагига нисбатан камроқ эканлиги ҳам ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш плани бажарилишига салбий таъсир кўрсатади. СССР Саноат қурилиши ва Оғир машинасозлик министрликларига қарашли қатор корхоналар ва ташкилотларнинг ишчиларни қабул қилиб олиш ва жойлаштиришга зарур даражада тайёргарлик кўрмаслиги, Ўзбекистон ССРдан уюштирилган тартибда ишга юборилаётганлар учун тураржойлар етишмаслиги ҳам бу планнинг бажарилишига салбий таъсир қилади.

Фикримизча, шундай тартиб ўрнатилиши керакки, унга кўра икки йил ва ундан кўпроқ муддатга меҳнат шартномаси тузган гражданлар корхона ёки қурилишга келганидан сўнг маълум муддат ичида қулай уй-жой олиш учун навбатга қўйилиши лозим. Ҳозирча эса корхоналар ва қурилишлар кўпинча ишчиларга барак типидаги ётоқхоналардан, палаткалардан ташкил топган шаҳарчалардан ёки ноқулай вагончалардан ўрин беришади. Бундай ҳол, шубҳасиз, шу объектларни иш кучи билан комплектлашга тўсқинлик қилиб, кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаради. Бундай ҳолларда тегишлича қулай шарт-шароитсиз яшаганлик учун корхона ҳисобидан тўловлар берилишини кўзда тутиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Кўчиб борган оилаларнинг тураржой-маиший шарт-шароитлари тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш керак. Зеро, 1985 йилда Ўзбекистондан Қозоғистонга юборилган оилаларнинг 32,1 проценти уч кишидан, 25,6 проценти — тўрт, 14,4 проценти — беш кишидан иборат эди; РСФСРга юборилган оилалар аҳволи ҳам деярли шу хилда эди. Бундай оилаларни жойлаштиришда қулай тураржой-маиший шарт-шароитларни яратиш билан бирга уларнинг барча меҳнатга лаёқатли аъзоларини иш билан таъминлаш керак, бунда уларнинг аксарият қисмини олдиндан ўқитиш керак бўлади.

Эҳтимол, шу сабабларга кўра ишчиларни уюштирилган тартибда ишга қабул қилишга доир меҳнат шартномаларининг барча шартларида мамлакатимиздаги корхона ва қурилишларга ёлғиз ходимлар юборилиши махсус кўрсатиб қўйилгандир. Ўзбекистон ССРда бу уюштирилган тартибда ишга юбориш планларини бажаришни қийинлаштиради, зеро бу ерда аҳолининг оилаларда яшовчи қисми мамлакатда энг юқори кўрсаткичлардан бирини — 94 процентни (умуман СССРда 68 процентга яқин) ташкил этади. Бизнинг назаримизда, ишчиларнинг янги қурилаётган корхоналарга оиласи билан кўчиб бориши уларнинг ишлаб чиқаришда муқим жойлашиб қолишини таъминлаб, ўша жойларда доимий ишлаб ва яшаб қолиши учун шароит яратади. Ўзбекистонда эркаклар ва хотин-қизлар сони ўртасида қулай пропорциялар сақланиб келиши туфайли ишчиларнинг уюштирилган тартибда оилалари билан ишга кетиши мавжуд мувозанатни бузмайди. Бундан ташқари, Ўзбекистондан кўчиб борган оилалар, бизнинг фикримизча, туғилиш даражаси паст бўлган районларнинг демографик кўрсаткичларини муайян даражада яхши томонга ўзгартиришга имкон беради.

Кейинги йилларда ишчиларни шаҳар ва қишлоқ жойлардан уюштирилган тартибда ишга йўллаш тахминан тенг миқдорда амалга оширилмоқда. Масалан, 1980 йилда жами ишга юборилганларнинг 48,2 проценти, 1981 йилда — 50,1 проценти, 1985 йилда — 51 проценти шаҳарликлар эди. Шуниси диққатга сазоворки, мутлақ кўрсаткичларга кўра ўн биринчи беш йилликда уюштирилган тартибда ишга юборилган колхозчилар сони икки баравар кўпайди, оилаларни қишлоқ хўжалигида республикалараро кўчиришнинг деярли 80 проценти эса илгари шаҳарларда яшаган аҳоли ҳисобига амалга оширилмоқда.

Ўзбекистондан оилаларни уюштирилган тартибда кўчиришга доир кўрсаткичларни анализ қилганда қуйидаги муҳим аҳамиятга эга ҳолни қайд қилмаслик мумкин эмас. Республика аҳолиси составида туб миллатга мансуб кишилар қарийб 70 процентни ташкил этадиган ҳозирги пайтда ҳар йили қишлоқ хўжалигида республикалараро кўчириш йўли билан ишга юборилаётган жами оилалар ичида ўзбек оилалари салмоғи атиги 10 процентдан зиёдроқни ташкил этади. Бу Ўзбекистон ССР туб аҳолиси, айниқса, қишлоқ аҳолисининг кўчиш бобида қўзғалувчанлиги пастлигидан далолат беради.

Қўшимча иш кучи келиб қўшилишга муҳтож районларда кишиларни шу ерга боришга ундайдиган, уларнинг муқим жойлашиб қолишига кўмаклашадиган шарт-шароитлар яратиш керак. Бу у ерларда кечки ва сиртқи таълим формаларини ташкил этиш, болалар муассасаларини қуриш, умумий овқатланиш ва савдони ривожлантириш, нафақат йигитларни, шу билан бирга қизларни ҳам иш билан банд қилишни таъминлайдиган ишлаб чиқариш тармоқларини яратиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш кераклигини англатади, ҳозирги пайтда уюштирилган тартибда ишга юборилаётган ишчиларнинг 80 процентдан кўпроғи эркаклардир.

Ишчи кадрларни тайёрлаш системаси меҳнатга лаёқатли аҳоли турли тоифаларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиши лозим. Бу меҳнатга лаёқатли аҳоли тўпланган жойлардаги мавжуд мактаблар, курслар, билим юртлари, турлича таълим формаларига эга ўрта ва олий ўқув юртларини кенгайтиришни ва янгиларини ташкил этишни тақозо қилади.

Иш кучини қайта тақсимлашнинг уюштирилган тартибдаги формалари обрўсини ошириш мақсадида, бизнинг назаримизда, прописка тўғрисидаги низомга баъзи бир ўзгартишлар киритиш керак. Меҳнат шартномаларининг шартларини анализ қилиш шуни кўрсатдики, кўп ҳолларда республикалараро уюштирилган тартибда ишга қабул қилиш бўйича меҳнат шартномаси тузган ишчилар қайтиб келганидан сўнг яна прописка қилишга ҳеч қандай гарантиясиз тураржойларидан ҳисобдан чиқиб кетишлари керак бўлади. Айни шу нарса кўпларнинг шартнома тузишига халал беради. Назаримизда, уюштирилган тартибда ишга юборилаётган ишчилар учун корхоналар ва қурилишларнинг у ёки бу министрлик ва идорага мансублигидан, шунингдек территориал жойлашувидан қатъи назар уларнинг тураржойларини бутун меҳнат шартномаси муддатига сақлаб қўйишга доир ягона мажбурий тартиб ўрнатиш лозим. Уюштирилган тартибда 6 ойгача бўлган муддатдаги сезонли ишларга жалб қилинадиган ишчиларни эса доимий тураржойидан ўчмасдан иш жойида вақтинча прописка қилишга рухсат бериш мақсадга мувофиқдир.

Янги кўчиб келувчиларнинг муқим жойлашиб қолиш даражаси пастлиги, одатда, хўжалик раҳбарларининг уюштирилган тартибда ишга юборилувчиларга вақтинча ишлайдиган кишилар сингари муносабатда бўлишининг натижасидир, бундай кишиларга етарли ғамхўрлик кўрсатилмайди. Ишчиларнинг ҳаммаси ҳам корхонага, ҳам ўзига муайян зарар етказиб шартномада кўрсатилган муддатни тўла ўтайвермаслиги маълум. Ишчи кадрларнинг жойлашиб қолиш даражаси пастлиги сабабларини аниқлаш шуни кўрсатадики, ишлаб чиқариш ва маиший шарт-шароитларнинг қониқарсизлиги, меҳнатнинг ташкил этилиши олдинги иш ҳақига нисбатан юқорироқ ҳақ олишни таъминлай олмаслиги; ихтисосга эга кишилардан бошқа, баъзан кам ҳақ тўланадиган қўл

ишларида фойдаланиш; 2—3 йил давомида квартира олиш имконияти йўқлиги — шундай асосий сабаблардандир.

Маълумки, ишчилар кўчиб борадиган қатор районлардаги совуқ иқлим кийим-кечак, овқатланиш учун қўшимча харажатлар қилишни тақозо этади. Эҳтимол, кўчиришнинг мазкур йўналишини рағбатлантириш учун бундай жойлардаги ҳаётий шарт-шароитлар мажмуи мамлакатнинг қулай иқлимли ўзлаштирилган районларига нисбатан бу ерда моддий жиҳатдан сезиларли ютуққа эришишдан иборат бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш керакдир.

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида «Яқин келажакдаги ва узоқ истиқболдаги планларимиз кўп жиҳатдан Сибирь ва Узоқ Шарқ табиий бойликларини ўзлаштириш билан боғлиқдир... Бу ерда одамлар самарали меҳнат қилиши ва тўлақонли ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратишга алоҳида эътибор бериш керак. Ҳозир бу бош масала бўлиб, ўртага қўйилган вазифаларнинг бажарилиши ана шу масала қандай ҳал этилишига боғлиқдир», деб таъкидланган.

Кўриниб турибдики, съезд бу масалага доир ўзининг асосли фикрини билдирди. Лекин барча партия ва хўжалик органлари раҳбарлари бу масалага илгариги муносабатини ўзгартирдилар, деб бўлмайди. Бизнинг фикримизча, шу муносабат билан корхоналар ва қурилишларнинг уюштирилган тартиб бўйича ишга келаётган ишчиларга зарур ишлаб чиқариш, тураржой ва маданий-маиший шароитлар, ихтисос эгаллаш, касбий малакани ва маълумот даражасини ошириш, белгиланган тартибга биноан ўз вақтида прописка қилиш учун имконият яратилишини назорат қилишни кучайтириш керак.

Кўчиришга оид жараёнларни тартибга солиш мақсадида қуйидагича эксперимент ўтказиш ҳақида ўйлаб кўриш керак: бундай эксперимент давомида республикадан ташқарига бориб ишлашни хоҳловчилар конкрет корхоналарга йўлланмалар олиши лозим. Натижада, биринчидан, кўчиб борувчиларни уларнинг хоҳиш-истаклари, ихтисоси, малакаси, психофизиологик хусусиятларига мувофиқ равишда ишга жойлаштириш масалалари ҳал этилади, иккинчидан, кўчиш оқимлари тартибга солинади, бу ишга жойлаштириш муддатларини қисқартиришга, ортиқча кўчиб юришларни камайтиришга, кишиларнинг меҳнат ресурслари билан етарли таъминланган районларга боришларига барҳам беришга имкон яратади. Бундай эксперимент корхоналарнинг конкрет мутахассисликлар бўйича иш кучига эҳтиёжини ҳисобга олишни йўлга қўйиш юзасидан муайян иш ўтказилишини, шунингдек меҳнат ва маиший шароитлар тўғрисидаги тегишли ахборотни талаб қилади, бундай ахборотни шаҳар ва районлардаги аҳолини ишга жойлаштириш бюроларида жамлаш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат ресурсларини қайта тақсимлашнинг уюшган формаларини пропаганда қилишда ҳозирча матбуот, телевидение ва радио етарлича актив роль ўйнаётгани йўқ. Нима учун газета ва журналларда, радиоэшиттириш ва телевидение программаларида тегишли рубрикалар очиш мумкин эмас? Бу рубрикалар материаллари жамоатчилик фикрини биринчи навбатда ривожлантирилиши давлат манфаатларига мос келадиган районларга кўчиш фойдасига шакллантирган бўлур эди.

Статистиканинг кўрсатишича, ҳар йили республикалараро уюштирилган тартибда, ишга қабул қилиш йўли билан Ўзбекистон ССРдан ташқарига юбориладиган меҳнатга лаёқатли ёшдаги гражданлар ҳиссаси жами кўчувчиларнинг атиги 5,3 процентини ташкил этади. Бинобарин, кўчишлар асосан ўз-ўзича амалга ошади. Бу мамлакатнинг янги ўзлаштирилаётган районлари, корхона ва қурилишларини иш кучи билан таъминлаш учун Ўзбекистонда катта резервлар мавжудлигини билдиради. Фақат барча манфаатдор томонларнинг куч-ғайратларини бирлаштириш ва уларни меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти бўлган бундай ресурсларни уюштирилган тартибда қайта тақсимлашни такомиллаштиришга йўналтириш лозим.

ОММАВИЙ ЭҲТИЁЖ МОЛЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБ ТЎЛАРОҚ ҚОНДИРИЛСИН

В. НЕХАЙ,
иқтисод фанлари кандидати

КПСС ИҚТИСОДИЙ стратегиясининг мақсади — совет кишилари турмуш шароитини муттасил яхшилаб боришдан иборат. Партия XXVII съезди қарорлари бунинг ёрқин далилидир. Янги таҳрирдаги партия Программасида шундай таъкидланади: «КПСС совет кишиларининг фаровонлигини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, моддий, социал ва маданий неъматларни истеъмол қилишнинг шундай даражаси ва структурасини таъминлаш вазифасини ўртага қўядики, булар уйғун тарзда ривожланган, маънавий баркамол шахсни камол топтириш... мақсадларига тўла-тўкис мос келади».

Партия қўйган вазифага мувофиқ СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида халқ фаровонлигини оширишни характерлайдиган кўрсаткичларни янада юқори суръатлар билан ўстириш кўзда тутилган. Гап аввало юқори сифатли ва хилма-хил моллар ҳамда хизматларга нисбатан ошиб бораётган тўлов қобилиятига эга талабни тўла-тўкис қондириш ҳақида, истеъмолнинг фан тавсия этаётган оқилона нормаларига эришиш тўғрисида бормоқда. Бу соҳадаги ўн беш йилга мўлжалланган программа жумладан халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ йирик проблемаларни илмий жиҳатдан ишлаб чиқишга асосланади.

Маълумки, истеъмол характери, форма ва шарт-шароитлари ишлаб чиқариш мазмунига боғлиқ. Истеъмол жараёнида эса ишлаб чиқаришнинг жамият, шахс талабларига қанчалик мувофиқ келиши аниқланади. Истеъмол туфайли ишлаб чиқариш қатнашчиларининг ҳаёти ва фаолияти сақланиб туради, бусиз ишлаб чиқариш яна давом эта олмайди, яъни истеъмол такрор ишлаб чиқаришга янгича туртки бўлиб хизмат қилади.

Жамият ривожланишнинг янги босқичларига кўтарила боргани сари аҳолининг эҳтиёжлари ўзгариши сабабли ишлаб чиқариш ҳам такомиллаша боради. Бу жараён узлуксиздир. Аввало аҳоли сонининг кўпая бориши билан ишлаб чиқаришнинг умумий даражаси ҳам юксалаверади. Масалан, Ўзбекистонда 1970 йилда 210 миллион погон метр ип газлама ишлаб чиқарилган бўлса, 1985 йилда — 406 миллион метр шундай газлама ишлаб чиқарилди. Шу даврда ипак газлама ишлаб чиқариш 50 миллион метрдан 149 миллион метргача, пайпоқ маҳсулотлари — 30 миллион жуфтдан 65 миллион жуфтгача, пойабзал ишлаб чиқариш — 18 миллион жуфтдан 35 миллион жуфтгача кўпайди. Маданий-маиший ва хўжалик моллари 1970 йилда 130 миллион сўмлик, 1985 йилда эса 630 миллион сўмлик ҳажмида ишлаб чиқарилди.

Такрор ишлаб чиқариш формаси сифатидаги истеъмол бутун социализм қонунлари системаси таъсири остида ривожланади. Лекин унга асосий иқтисодий қонун энг кўп таъсир кўрсатади, чунки шахсий истеъмол ишлаб чиқаришнинг пировард мақсадигина бўлиб қолмасдан шу билан бирга унинг бевосита мақсади ҳамдир. Бу қонуннинг ҳозирги босқичдаги ўзига хос хусусияти ишлаб чиқаришнинг мақсади билан шу мақсадга эришиш воситалари ўртасидаги боғланишнинг янада мустаҳкамланишида, чуқурлашувида ифодаланади.

Ўзбекистон ССРда истеъмол («Б» группа) моллари ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар натижасида 1970 йилдан 1985 йилгача уларни ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпайди, умуман саноат ишлаб чиқариши эса 1,5 баравар ошди. Ўзбекистон Компартияси XXI съездида қайд қилинганидек, енгил саноатни ривожлантиришга ўн биринчи беш йилликда 1 миллиард 150 миллион сўм ёки ўнинчи беш йилликка нисбатан 2,5 баравар кўп капитал маблағ сарфланди. Газлама, кийим, пойабзал, хўжалик моллари ишлаб чиқарадиган 84 та объект фойдаланишга топширилди.

Буларнинг ҳаммаси талайгина халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга имкон берди. Ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва қайта жиҳозлаш, технологияни такомиллаштириш туфайли маҳсулотларнинг ассортименти кенгайтирилди ва янгиланди, маҳсулот сифати яхшиланди.

Шу билан бирга, ўн биринчи беш йиллик якунлари халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарадиган тармоқлар ишида жиддий камчиликлар борлигидан гувоҳлик беради. Капитал маблағларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш планларининг бажарилмаганлиги ва корхоналардаги асбоб-ускуналарнинг иш билан тўла-тўкис таъминланмаслиги ана шундай жиддий камчиликлардандир. Масалан республикада ишлаб чиқариладиган ип газламаларнинг аксарият қисмини етказиб берадиган Бухоро ва Тошкент тўқимачилик комбинатларида ишлаб чиқариш қувватларидан бор-йўғи 60—75 процент фойдаланилди. Аҳолини иш билан таъминлашни яхшилаш ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида йирик аҳоли пунктларида қурилган корхоналар филиалларининг қарийб ярми ўтган беш йилликда план топшириқларини бажармади.

Ўзбекистон ССРда «Б» группа молларини ишлаб чиқаришни анча юқори суръатлар билан ўстириш планлаштирилганига қарамасдан бу иш ҳали ҳам жиддий орқада қолмоқда. Масалан, ўн биринчи беш йиллик охирига келиб Ўзбекистон аҳолиси СССР аҳолисининг 6 процентини ташкил этди, бу ерда газлама, кийим, пойабзал, мебель, идиш-товоқлар ишлаб чиқаришнинг салмоғи эса умумиттифоқ кўрсаткичларининг 3—4 проценти даражасида қолаверди. Республикамизда маданий-маиший ва хўжалик молларининг жами ишлаб чиқарилиши Белоруссия ССРдагига нисбатан қарийб 4 баравар, Латвия ССР ва Литва ССРдагига қараганда икки баравар камдир.

Анализнинг кўрсатишича, бундай қолоқликка лойиҳалашдаги хатолар, корхоналар қурилишидаги нуқсонлар, асбоб-ускуналарни ўрнатадиган ва созлайдиган юқори малакали мутахассисларнинг етишмаслиги, кадрлар қўнимсизлигининг юксаклиги ва бошқалар сабаб бўлиб келяпти.

Халқ истеъмол молларига талабнинг умумий даражаси билан бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришнинг ҳажмий кўрсаткичлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш талабни қондиришда биринчи даражали роль ўйнайди. Бироқ бунда таклифнинг, яъни корхоналар ишлаб чиқараётган маҳсулот ассортиментининг структураси ҳам муҳим аҳамият касб этади. Масалан, шуниси равшанки, аҳолига умуман кийим эмас, балки унинг конкрет турлари, мода йўналишларига мос келадиган (қишки, кузги-баҳорги, ёзги), жинсий-ёш составига (хотин-қизлар, эркаклар, болалар учун) ва жисмоний тузилишига (бўйи, тўлалиги) мос келадиган, муайян мақсад учун (байрамда, ишда, уй-рўзғорда кийиладиган, спортчилар учун) ва ҳоказо турлари керак.

Мамлакатда кейинги вақтда қабул қилинган чора-тадбирлар корхоналарнинг хўжалик-оператив мустақиллиги шу жумладан аҳоли эҳтиёжларига энг кўп мувофиқ келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш масалаларидаги мустақиллиги доираларини жиддий кенгайтирди. Бу борада ҳозирдаёқ ижобий тажриба тўпланган. Ўзбекистонда ҳар йили ишлаб чиқарилаётган кийим, пойабзал, трикотаж буюмлари, хўжалик моллари, мебель ва шу сингарилар ассортиментининг тўртдан бир қисмига яқини янгиланмоқда. Республикада ўтказилаётган улгуржи ярмаркаларда молларнинг асосий турлари бўйича корхоналар ўзлаштираётган минглаб янги ва янгиланган моделлар намойиш қилинади. Маҳсулотларни «Н» (новинка — янгилик) белгиси билан кичик-кичик группаларда чиқариш методи тобора кенг ёйилмоқда.

Бирок корхоналарнинг ҳаммаси ҳам белгиланган ассортиментга мувофиқ маҳсулот ишлаб чиқариш топшириқларини муваффақиятли бажараётгани йўқ. Масалан, 1985 йилда пойабзал етказиб бериш плани 12 миллион сўмга, тикилган буюмлар — 30 миллион сўмга, ип газлама — қарийб 40 миллион сўмга, трикотаж буюмлари —25 миллион сўмга, мебель етказиб бериш плани 11 миллион сўмга бажарилмай қолди. Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги корхоналарининг ҳар иккитасидан бири, Мебелсозлик ва Маҳаллий саноат министрликлари корхоналарининг ҳар тўрттасидан бири шартнома мажбуриятларини бажармади. Биргина Олмалиқ маиший химия заводи ассортиментдаги маҳсулотлардан 7,7 миллион сўмлик миқдорида етказиб бермади. Ўн биринчи беш йилликда республика министрликлари ва идоралари ассортиментдаги ноозиқ-овқат молларидан жами 1 миллиард сўмликдан зиёд етказиб беришмаган.

Яна шуни ҳам қайд қилиш керакки, одатда, у ёки бу ассортиментдаги молларни етказиб беришдаги камчилик ўрнини эскирган моделлар, фасонлар, конструкциялардаги ёки харидорлар томонидан салбий баҳоланган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан қоплашга уринадилар. Масалан, 1985 йилда савдо ташкилотлари Маҳаллий саноат министрлиги корхоналаридан мутлақо кераксиз бўлган 70 миллион сўмлик молни олишдан бош тортди.

Бундай ҳол асосан корхоналарнинг маҳсулот ассортиментини танлаш ва такомиллаштириш масалаларини ҳал этишда истеъмолчи манфаатларидан эмас, балки ўзларининг хусусий манфаатларидан келиб чиқиб иш кўришлари билан изоҳланади. Чунки, молларнинг пишиқ-пухталиги, чидамлилиги каби истеъмолга оид хусусиятларини яхшилаш, маҳсулотни юқори сифатли қилиб чиқариш қўшимча куч-ғайрат сарфлашни, асбоб-ускуналарни қайта созлашни, ишлаб чиқариш технологиясини ўзгартириш ва шу сингариларни тақозо қилади.

Ўзбекистон шароитида болалар учун моллар ишлаб чиқаришни ривожлантириш алоҳида диққат-эътиборга сазовордир. Республика аҳолисининг умумий сонида болалар салмоғи умуман СССРдагига қараганда бирмунча юқори бўлишига қарамасдан Ўзбекистонда йилига аҳоли жон бошига шундай маҳсулотлар ишлаб чиқариш кўрсаткичлари умумиттифоқ кўрсаткичларига нисбатан пастдир. Мантиқка зид бўлса ҳам, болалар учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган қувватлар иш билан тўла-тўкис таъминланмаган ёки улардан бошқа мақсадларда фойдаланилмоқда.

Маълумки, молларнинг истеъмол хусусиятлари талабни қондиришнинг бевосита моддий асоси ҳисобланади. Бу хусусиятлар кўп жиҳатдан сифатга боғлиқ. Бугунги кунда партия масалани шу тарзда қўймоқдаки, олий сифат даражасига эга маҳсулотлар нафақат белгиланган стандартларга мос келиши, шу билан бирга жаҳон намуналари даражасида бўлиши керак. Бу — фақат талабни тўла-тўкис қондириш учунгина эмас, балки шу билан бирга ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинадиган ресурслардан энг кўп самарали фойдаланиш учун ҳам ишончли йўлдир.

Лекин, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съездида қайд қилинганидек, республикамиз олий сифатли маҳсулотлар ҳиссасига кўра иттифоқдош республикалар орасида охирги ўринни эгаллаб турибди, брак маҳсулотлар (текширишда аниқланганлари) миқдори бўйича эса республикадаги кўрсаткич умумиттифоқ кўрсаткичидан 2—3 баравар юқоридир. Бундай шароитда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантиришнинг 1986—2000 йилгача мўлжалланган Комплекс программаси қоидалари алоҳида аҳамият касб этади. Бу ҳужжатга мувофиқ, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилашга, қувватлардан энг самарали фойдаланиш, корхоналарни реконструкция қилиш ва техника жиҳатдан қайта қуроллантиришга, технологик жараёнларни такомиллаштириш, хом ашё ва материалларнинг замонавий турларидан фойдаланиш, маҳсулотларнинг материал сарфини камайтиришга, ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришга асосий эътибор қаратилиши лозим. Министрликлар, идоралар, партия органлари ва халқ депутатлари Советларининг аҳолининг зарур

молларга эҳтиёжини қондириш, бунинг учун жойлардаги мавжуд резервлар ва имкониятлардан тўла-кўкис фойдаланиш учун масъулияти сезиларли даражада ошмоқда.

Программада енгил саноат, маданий-маиший ва хўжалик молларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш структурасини фаол ва собитқадамлик билан такомиллаштириш, шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг меҳнати, турмуши, дам олишидаги социал-иқтисодий ўзгаришларни тобора тўлароқ ҳисобга олган ҳолда аҳоли талабларининг ўзгаришига ўз вақтида эътибор бериш кўзда тутилган. Маҳсулотлар сифати ва ассортиментини тубдан яхшилаш, уларнинг техникавий ва эстетик даражасини, фойдаланишдаги пишиқ-пухталигини ошириш халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш билан машғул тармоқларнинг биринчи навбатдаги вазифаларидир. Айни бир вақтда совет кишиларида оқилона эҳтиёжларни тарбиялаш, социалистик турмуш ва дам олиш маданиятини шакллантириш, бўш вақтдан мазмунли фойдаланиш учун шароит яратиш юзасидан собитқадам иш олиб борилади.

Мамлакатимизда алкоголли ичимликлар ичишни чеклаш, ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш соҳасида олиб борилаётган чора-тадбирлар бундай иш авж олдирилганлигининг ёрқин далилидир. Масалан, Ўзбекистонда биргина 1985 йилда бу ичимликларни сотишнинг қисқартирилганлиги республика аҳолисига 300 миллион сўмдан кўпроқ маблағдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш имконини берди.

Ўзбекистонда ўн иккинчи беш йиллик охирига бориб ноозиқ-овқат товарларнинг барча турларини ишлаб чиқаришни 7,2 миллиард сўмликка ёки 1985 йилдагига қараганда 1,4 баравар кўпайтириш кўзда тутилган. Енгил саноат юксак суръатлар билан ривожлантирилади. Ип газлама ишлаб чиқариш 1,6 баравар, ички трикотаж 3,3 баравар, пойабзал 1,5 баравар, болалар учун мўлжалланган товарлар қарийб 2 баравар, спорт товарлари 1,5 баравар, чинни идишлар ишлаб чиқариш 1,9 баравар кўпаяди. Бунда СССР, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатлар илғор корхоналарининг тажрибаси асосида мамлакатдаги ва чет эллардаги энг яхши намуналарга мос маҳсулотларни ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Комплекс программага мувофиқ талаб ва таклифнинг регионал хусусиятларини энг юқори даражада ҳисобга олишга имкон берадиган тармоқ сифатида маҳаллий саноатни ровожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда оммавий талабга эга маданий-маиший ва хўжалик моллари — боғдорчилик-полизчилик инвентарлари, турли хил миллий идишлар, кийимлар, уй-рўзғор буюмлари, мактаб учун керакли нарсалар, бадиий буюмлар ва ҳоказоларни ишлаб чиқаришни жадаллаштириш бу саноат олдига асосий вазифа қилиб қўйилди.

Ассортиментни планлаштиришнинг қарор топган практикасини қайта қуриш зарурати пишиб етилди, ҳозирги практика маҳаллий ва енгил саноат корхоналари ассортимент соҳасида бир-бирларини такрорлашларига йўл қўяди. Ахир, шу сабабга кўра Ўзбекистон ССРда айрим товарлар бўйича таклиф керагидан ортиқча, бошқа хиллари эса етишмайди, кўпгина молларни, масалан, хўжалик буюмларини бошқа иттифоқдош республикалардан олиб келишга тўғри келмоқда.

Хом ашёнинг маҳаллий турларидан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан, айниқса қурилиш материалларидан, металл, қоғоз, ёғоч-тахтадан фойдаланиш маҳаллий саноат ходимларининг яна бир муҳим вазифасидир. Маҳаллий саноат тўқимачилик, гиламчилик, тикувчилик ишлаб чиқариши чиқиндиларини қайта ишлаш соҳасида ҳам яхши истиқболга эга. Жумладан, шу асосда йигирилган ипдан ўнлаб номдаги оммавий талабга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш мумкин. Бунда амалда чиқитсиз технологияни жорий этиш туфайли ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, айниқса хотин-қизларни касаначилик меҳнати билан кўплаб банд қилиш, аҳоли эҳтиёжларини тўла-тўкис қондириш сингари ва бошқа жиддий масалаларни ҳам ҳал этиш мумкин бўлур эди.

Назаримизда, Белоруссия ССР маҳаллий саноатининг истеъмолдан чиққан полиэтилен плёнкасини қайта ишлашга доир тажрибаси ўрганиш ва омма-

лаштиришга арзигуликдир. Ўзбекистонда бу тажрибадан фойдаланиш нафақат эртаги сабзавотларни етиштиришни кенгайтиришга, шу билан бирга табиатни муҳофаза қилишга ҳам кўмаклашган бўлур эди, чунки ҳозир бизда бу плёнканинг ёқиб юборилиши натижасида ҳам тупроқ ифлосланмоқда, ҳам ахлатхоналар тўлмоқда.

Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизмат соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини амалга ошириш ихтисослашувидан қатъи назар халқ хўжалиги барча тармоқларининг корхоналари, бирлашмалари ва ташкилотларини бу ишга жалб қилишни кўзда тутади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш топшириқларининг бажарилишини рағбатлантиришни кучайтириш учун 1986 йилнинг 1 январидан бошлаб моддий рағбатлантириш фондига қўшимча пул ажратишга доир янги тартиб жорий этилди. Бунда иш ҳақи фондининг ҳар бир сўми ҳисобига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга доир белгиланган топшириқларнинг бажарилишини назорат қилиш кучайтирилади. Оммавий талаб қилинадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, энг юқори сифат даражасига эга ва истеъмол хусусиятлари яхшиланган маҳсулотлар салмоғини ошириш учун мукофотлаш системаси таъсирчанлиги ошади.

Комплекс программани амалга оширишда савдо масъул роль ўйнайди. Биринчидан, савдо талабни ўрганади ва шу асосда саноат маҳсулотларига керакли ассортиментдаги буюртмалар системасини тузади; иккинчидан, айни савдо соҳаси товарлар массасини энг самарали жойлаштиришни таъминлайди ва уни сотишни ташкил этади.

Территориал меҳнат тақсимотидан келиб чиқадиган республикалараро товар етказиб бериш туфайли халқ истеъмоли молларининг ярмидан кўпи республикага мамлакатнинг бошқа районларидан келтирилади. Натижада таклиф этиладиган товарларни кўпайтириш ва эҳтиёжни тўлароқ қондириш мумкин деб ўйлаймиз.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўзбекистон ССРда аҳоли жон бошига товаробороти мунтазам ўсиб бормоқда. Агар у 1970 йилда 417 сўм бўлган бўлса, 1985 йилда — 722 сўмни ташкил этди.

Бироқ сўнгги йилларда умуман республика бўйича товаробороти плани бажарилмаяпти. Ҳар уч савдо корхонасининг бири белгиланган топшириқларни уддалай олмаяпти. Кўпинча омборларда ва улгуржи базаларда мавжуд товарлар савдода бўлмайди. Баъзи магазинларда моллар тўлиб-тошиб ётгани ҳолда бошқаларида уларнинг умуман етишмаслиги, маҳсулотлар группаларини комплектлашда уларнинг керакли ҳажмдаги размери, бўйи, кенглиги таъминланмаслиги ва ҳоказо сабаблар ҳам аҳоли талабини қондиришга тўсқинлик қилади. Шунингдек, аҳолига товарларни кредитга сотишда Ўзбекистон ССР иттифоқдош республикалар орасида охирги ўринлардан бирини эгаллаши билан ҳам муроса қилиб бўлмайди.

Сўнгги беш йилда хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам жуда кам ўзгариш юз берди. Гап аҳолининг мураккаб ёки катта ҳажмли буюмларни ташишга бўлган эҳтиёжини қондириш, олдиндан берилган буюртмаларга кўра сотиш ва харид қилинган нарсани уйга элтиб бериш, бевосита универмагларда газламаларни бичиш ва кийимларни мослаш тўғрисида боряпти. Реклама яхши йўлга қўйилмаган, справка материали йўқ, харидорларнинг товарларни харид қилишга кетадиган вақтини қисқартириш тўғрисида ғамхўрлик қилинмайди, савдо корхоналарининг иш режимини яхшилаш керак ва ҳоказо.

Аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ўрганишдаги камчилик ва хатолар оқибатида Ўзбекистон савдо тармоғида ярим миллиард сўмликдан зиёд нормативдан ортиқча моллар тўпланиб қолган, касод бўлиб чанг босиб ётган маҳсулотларни ҳар йили арзонлатиш эса давлатга қарийб 1 миллион сўмлик зарар келтирмоқда. Қурилаётган чора-тадбирлар, жумладан товар запаслари нормативларини ошириш талаб ва таклифни баланслаштириш проблемасини ҳал этолмаяпти. Товар запасларининг ўсиши билан бир қаторда муайян талаблар қондирилмаяпти, товарооборотининг ўсиш суръатларидан кўра аҳоли омонат кассаларга қўяётган пул миқдорининг ўсиш суръатлари юқори эканлиги шундан далолат беряпти.

Ўзбекистон ССР доирасида талаб билан таклиф ўртасида энг оптимал нисбатнинг ўрнатилиши қуйидагиларни тақозо қилади:

планлаштириш соҳасида — талаб ва таклифни маҳсулотларнинг батафсил номенклатураси ва ассортиментига кўра уйғунлаштиришнинг планли кўрсаткичлари билан тўлдирилган саноат ишлаб чиқариши имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланиш. Қайси маҳсулотни қандай ҳажмда чиқариш масалалари у ёки бу маҳсулотларга бўлган талаб, унинг қондирилиш даражаси, товар запаслари, хом ашё ресурслари, ташиш, сақлаш имкониятлари ва ҳоказо тўғрисидаги ахборотлар негизида ҳал қилиниши лозим. Перспектив планларни асослаш учун бундай маълумотларни янада кенг ҳажмдаги материаллар билан тўлдириш зарур. Талабнинг даражаси ва структураси қонуниятлари, узоқ муддатга мўлжалланган социал риволантириш программалари, товарларнинг истеъмолга оид хусусиятларини ўзгартириш мақсадида қилинадиган фан ва техника соҳасидаги прогнозлар, ассортиментга оид давлат сиёсатининг йўналишлари ва шу сингарилар ана шундай материаллардир. Бу иш алоҳида территориал-иқтисодий районлар доирасида айниқса катта масъулият касб этади, чунки юқорида баён қилинганлардан ташқари товар запасларининг талабга яқинлаштирилишини таъминлайдиган четдан мол олиниши ва четга мол чиқарилишини асослаш лозим;

ҳисоб-китоб соҳасида—талабнинг миқдорий ва сифатга оид кўрсаткичлари асосида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг план кўрсаткичларини белгилаш мумкин бўлиши учун уларни ғоят аниқ белгилаш, товарлар ассоримента орасида эскирганларини, талабга эга эмасларини, талаб-эҳтиёжнинг ҳозирги даражасига мувофиқ келмайдиганларини, корхоналар коллективларини янги, илғор нарсаларни излашга сафарбар қилмайдиганларини аниқлаш мақсадида уни мунтазам равишда қайта кўриб туриш лозим;

анализ соҳасида — талаб ва таклифларнинг сабаб ва оқибатга доир муносабатларини янада тўлароқ очишга мувофиқ келадиган омилга оид анализни, яъни талаб ва таклифнинг ишлаб чиқариш, эҳтиёжлар, аҳолининг пул даромадлари, баҳоларнинг ўртача индекси, талабнинг тўлалик даражаси ва шу сингари омилларга боғлиқлигини анализ қилишни кучайтириш лозим. Бир хилдаги маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар фаолиятининг қиёсий анализини қўллаш ҳозирги босқичда талабни энг юқори даражада қондира оладиган товарлар ишлаб чиқариш резервлари ва имкониятларини аниқлашга қаратилиши керак;

тартибга солиш соҳасида (кенг маънода) — иқтисодий воситалар ва стимуллар, шунингдек маъмурий методлардан фойдаланиш йўли билан талаб ва таклифнинг координацияланиши ҳамда мувофиқликлигини тутиб туришни таъминлаш, яъни маҳсулот сифатини оширишга янада изчил йўналтириш иш ҳақи билан оммавий талабга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўртасида янада қатъий боғлиқлик ўрнатиш, шартномаларга мувофиқ маҳсулот етказиб бериш планларини бажариш кўрсаткичларини яхшилаганлик учун рағбатлантириш лозим. Бунда юқори талабга эга, шунингдек хусусиятлари ва сифати яхшиланган маҳсулотлар баҳосига устама ҳақ қўйиш имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур. Шу билан бир вақтда талабга эга бўлмаган маҳсулотларнинг улгуржи баҳоларидан чегириб ташлашни кенг қўллаш керак.

Шундай қилиб, республика аҳолисининг халқ истеъмол молларига бўлган эҳтиёжини сифат жиҳатдан янги даражада қондириш йўлида анча проблемаларни ҳал этиш лозим бўлади. Халқ хўжалигининг бошқа участкаларида бўлгани каби бу соҳадаги иш муваффақияти ҳам бугунги кундаги зарур қайта қуришнинг қандай суръатлар билан амалга оширилишига боғлиқ.

ИНСОН — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

ИНСОН ОМИЛИНИ АКТИВЛАШТИРИШНИНГ СОЦИАЛ ВА МЕДИК-ГИГИЕНИК ПРОБЛЕМАЛАРИ

Ю. ШОДИМЕТОВ,
философия фанлари кандидати

ИНСОНЛАР СОҒЛИҒИНИ муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик — Совет давлатининг социал сиёсатидаги асосий йўналишлардан биридир. «Биз сиҳат-саломатлик проблемаларига, — деб таъкидланади КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — кенг социал позициялардан туриб қарашимиз керак. Сиҳат-саломатлик, энг аввало меҳнат ва турмуш шароитларига, фаровонлик даражасига боғлиқ. Халқ соғлиғини сақлаш жуда катта аҳамиятга молик, албатта».

Жамиятнинг сиҳат-саломатликни муҳофаза қилиш эҳтиёжининг ўсиб бориши қатор сабаблар: ҳозирги шароитда иш кучига бўлган талабнинг ортиши, қўшимча меҳнат ресурсларининг камайиши, касаллик туфайли иш вақти зое кетишини анча қисқартиришнинг муҳимлиги, янги экологик вазиятнинг қарор топиши, инсон ҳаёти ва фаолиятидаги социал ҳамда биологик жиҳатлар ўртасидаги мавжуд ва бўлиши мумкин бўлган қарама-қаршиликларни бартараф этиш зарурати, ҳозирги замон медицинаси ва соғлиқни сақлаш профилактик имкониятларининг анча кенгайиши ва бошқа сабаблар билан изоҳланади. Буни шунингдек фан-техника революциясининг ҳозирги аҳволи ҳам тақозо этадики, у турмуш тарзининг динамикасини, унинг макон-замон параметрларини анча кенгайтиришни, кишилар психологиясига таъсир этувчи янги меҳнат шароитларининг вужудга келиши, уларнинг фикрлаш ва хулқ-атвор тарзининг шаклланишини белгилаб беради ва буларнинг натижаси сифатида инсоннинг уларга мослашуви, актив социал-гигиеник ва психофизиологик жиҳатдан тартибга солиб туриш проблемасини олдинга суради.

Ҳозирги фан- техника революцияси шароитида социал-биологик профилдаги фан бўлмиш медицина қатор умуминсоншунослик проблемаларини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Ҳар томонлама камол топган шахсни тарбиялаш, социалистик турмуш тарзининг моддий ва маънавий асосларини мустаҳкамлаш, совет кишилари ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма томонларини янада инсонпарварлаштириш — партия XXVII съезди материалларида ўз ифодасини топган мана шу вазифаларнинг ҳаммаси инсон омилини активлаштиришда медик-социологик аспектга эга. Уларнинг актуаллиги КПСС МҚнинг «Коммунист» журнали тўғрисидаги қарорида яна бир бор таъкидланиб, шундай дейилган: «Инсон ҳаёти ва ривожининг комплекс проблемаларига... кўпроқ эътибор бериш, социал ва табиий-биологик омиллар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни чуқур тадқиқ этиш лозим».

Модомики, медицина инсонга қаратилган экан, — социал шароитлар билан боғлиқ бўлган саломатлик ва касаллик эса индивид турмуши ҳамда онгининг ҳамма соҳаларига кириб боради, — у меҳнат, истеъмол, ўзаро алоқа, маданият проблемаларини объектив равишда четлаб ўтолмайди. Медицина муҳим билиш, гуманистик ва социал-иқтисодий функцияларни бажаради. Бинобарин, методо-

логик анализ, ҳозирги замон медицинасининг социал потенциалини аниқлаш мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш даврида инсон омилини тадқиқ этишда белгиловчи роль ўйнайди. Социал-иқтисодий ҳодисаларни анализ қилишга медицинанинг ҳам қўшилиши шу билан боғлиқки, кишилар биологик ҳаёти ва фаолиятининг социал чегаралари кенгаймоқда, ижтимоий ҳаёт ритми тезлашибгина қолмай, шунингдек унинг психо-эмоционал мазмуни ҳам кучаймоқда. Инсон бу нарсага ўз вақтида мослашишга доим ҳам улгуравермайди ва натижада унинг биосоциал табиатида муайян зиддиятлар пайдо бўладики, бу кенг тарқалган қатор касалликлар (юрак-томир, асаб-психик ва бошқа)нинг умумий сабабларидан биридир.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари инсон омилини активлаштиришнинг медик-гигиеник жиҳатларини ривожлантириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Айни бир вақтда фан-техника революцияси шароитида инсон саломатлигининг социал ва иқтисодий қиммати янада ортади. Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳамда меҳнаткашларнинг профессионал тайёргарлиги даражаси қанчалик юқори бўлса, инсон касаллигининг жамиятга келтирадиган социал ва иқтисодий зарари шу қадар кўп бўлади. Ўз навбатида ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қуроллантиришни яхшилаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни жорий қилиш, иш жойида, турмуш ва дам олиш соҳаларида қулай шарт-шароитлар яратиш кишилар соғлигига, уларнинг психо-физиологик имкониятларини реализация қилишга жиддий таъсир кўрсатади.

Аҳолини ялпи диспансеризация қилишга аста-секин ўтиш инсон омилини активлаштиришда соғлиқни сақлашнинг ролини оширишнинг йўналишларидан биридир. Ўрта Осиё республикаларида индустрия корхоналари, қурилиш ташкилотлари, агросаноат комплекси меҳнатчиларини диспансер кузатувидан ўтказишни ташкил этиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Профилактик медицина қўриклари — медик-санитария қисмлари, поликлиникалар, соғломлаштириш пунктлари ва бошқа даволаш муассасалари фаолиятининг муҳим йўналишидир.

Ишлаб чиқариш фаолиятини медицина жиҳатдан таъминлаш жамият ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришнинг бугунги кунда муҳим омили бўлиб қолди. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг мураккаблиги, бошқариш жараёнларининг юксак параметрлари кишининг меҳнат жараёнидаги психофизиологик имкониятларига ўз талабини қўяди. Касалликларнинг олдини олишни ишлаб чиқариш муҳитининг у ёки бу зарарли жиҳатини бартараф этиш деб анъанавий тушунишнинг ўзи камлик қилади. Касалликка сабаб бўлувчи жараёнлар келиб чиқишининг сабаб-оқибат жиҳатларини янада чуқурроқ ўрганиш, ходимни ўраб турган кўп факторли муҳитни аниқлашга комплекс ёндашиш зурур, бунда касалликларнинг тез олдини олишнинг табақалашган ва интеграциялашган методларидан фойдаланиш керак. Чунончи, туркман олимлари томонидан ўтказилган Ашхобод ва Уфа аҳолиси касалланишининг қиёсий анализи маълумотларига қараганда мия қон томирининг шикастланиши ва миокард инфаркти Ашхободда Уфага нисбатан икки баравар кўп учрайди. Андижон медицина институти умумий хирургия кафедраси олимларининг аниқлашича, иссиқ иқлим касаллар организмига таъсир қилиб, уларни бемадор, лоқайд қилади, иштаҳасини бўғадики, бу операциядан кейинги даврнинг кечишини оғирлаштиради. Бундан ташқари, иссиқ пайтда операция қилинган беморларда гемодинамика ва сув-туз алмашиш кўрсаткичларида салбий ўзгаришлар йилнинг бошқа мавсумларидагига қараганда яққолроқ ифодаланади.

Ўрта Осиё иқлими шароитида одамнинг янги иқлимга кўникиши ва унинг кечиши хусусиятларини комплекс ўрганиш масалалари кун тартибига қўйилмоқда. Назарий ва экспериментал характердаги ишлар ҳозирча катта салмоққа эга. Афсуски, уларнинг натижалари кўпинча илмий лаборатория доирасида қолиб кетяпти.

Давр инсоннинг мослашуви биомеханизмларини фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ҳисобга олган ҳолда янада кенгроқ, бевосита ишлаб

чиқаришнинг ўзида ўрганишни талаб қиляпти. Бу тадқиқотлар соғлиқни сақлашни касалликнинг олдини олиш ва беморни турли иқлим шароитлари ҳамда йилнинг турли мавсумларида даволашнинг тактикаси ва методлари билан қуроллантириши, касалликнинг ёки иқлим терапияси шароитида унинг оғирлашиши мумкинлигининг олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам бериши керак. Шунинг учун ҳам яшаш шароитининг ўзгаришига жавобан гомеостазда (инсон организмининг нисбатан барқарорлиги) юз берадиган энг илк бузилишларни аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги санитария, гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти ва С. М. Дурсунова номидаги Ашхобод эпидемиология ва гигиена илмий-тадқиқот институти маълумотларига кўра Ўзбекистон ва Туркманистон корхоналарида иссиқ иқлим шароитларига етарлича кўникмаслик натижасида ёз ойларида меҳнат қилиш қобилияти пасаяди. Бунда бошқа ёқдан келганлар билан шу ерли кишиларнинг толиқиш даражасидаги фарқ унчалик сезилмайди. Бу икки группада ҳам толиқиш ёзда ошиб боради, меҳнат унумдорлиги эса ўртача 10—15 процент пасаяди.

Бинобарин, медицина фани ва амалий соғлиқни сақлашнинг вазифаси инсон ҳаёти ва фаолиятининг конкрет шароитларида социал ва биологик жиҳатларнинг оптимал нисбатини таъминлашдан иборатдир. Бунга, масалан, турмуш тарзи иқлим-географик хусусиятларининг соғлиққа таъсирини ўрганиш киради. Агар Ўрта Осиёда янги ерлар ўзлаштирилаётганлигини, шаҳарлар ва ишчи посёлкалари қурилаётганлигини, йирик территориал-ишлаб чиқариш комплекслари барпо этилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, инсон омилини активлаштиришнинг социал-гигиеник жиҳати проблемаси алоҳида актуаллик касб этади. Иссиқ иқлим бошқа факторлар, жумладан табиий инсоляциянинг таъсири (ер сатҳининг қуёш радиациясидан нурланиши), қишлоқ хўжалигидаги кенг химиялаштириш, ландшафт шароитлари, овқатланишнинг ўзига хослиги билан қўшилиб, қоннинг морфологик манзарасида чуқур ўзгаришларни келтириб чиқариб, унинг физиологик функцияларини ҳам анча ўзгартириб юборади. Тошкентда ўтказилган кузатувларга қараганда, ёзда кўп қон кетишидан кейин зардоб оқсилларининг регенерацияси қишдагига нисбатан анча секин кечади. Агар совуқ пайтда альбуминларнинг (зардоб оқсилларининг) концентрациялашуви 5 кунда тўла-тўкис тикланса, иссиқ вақтларда уларнинг миқдори ҳатто 10 кун давомида ҳам дастлабки даражасига етолмайди.

Шу нарса равшанки, иқлимга мослашиш ва у билан мустаҳкам боғлиқ бўлган географик патология проблемасини анча кенг маънода тушунмоқ керак. Бунга ҳар қандай табиий-географик ва иқлимий шароитларда ҳам инсон умрини сақлаш ва узайтириш билан боғлиқ бўлган барча нарсаларни киритиш керак бўлади. Иқлимлаштириш билан боғлиқ функционал ва бошқа бузилишларнинг пайдо бўлишидан огоҳ қилувчи метод ва воситаларни излаб топиш жуда муҳимдир. Масалан, шу нарса аниқланганки, Ўрта Осиёда одамнинг иссиқлик регуляцияси процесслари иш ва дам олиш режими гигиеник рационализация қилинганда кун ва йил давомида яхшиланади ҳамда енгиллашади.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё регионн шароитида инсон омилини активлаштиришнинг медик-биологик жиҳатлари ўзига хос хусусиятларга эга. Инсон ҳаёти ва фаолиятини ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларда социал-гигиеник жиҳатдан тартибга солиб туриш шахснинг биосоциал имкониятларидан самарали фойдаланиш ва юксак меҳнат унумдорлигига эришишда ижобий натижалар бермоқда.

Медицина ходимлари, фақат бемор организми билан эмас, шунингдек унинг социал муносабатлари ва яшаётган муҳити билан ҳам қизиқиш кераклигини бугунги кунда тобора кўпроқ тушунмоқда. Касалланишнинг социал сабабларини ҳисобга олмасдан тўғри диагноз қўйиш мумкин эмас. Кундалик меҳнат ва турмуш шароитининг инсон организмига таъсирини эътиборсиз қолдириб беморни даволаб бўлмайди. Социал омилларни ўзгартирмай туриб касални самарали даволаш у ёқда турсин, ҳатто касалликнинг олдини олиш мумкин бўлмайди. Ахир, соғлиғини касалхона ёки санаторияда тиклаган бемор аввалги шароитга тушгач яна касал бўлади ва яна врачга мурожаат қилади. Демак,

медицинанинг ҳаракати етарли даражада мақсадга мувофиқ бўлмайди ва кам самара беради. Шунинг учун ҳам ҳар қандай даволаниш тадбири, агар у айни бир вақтда беморнинг меҳнат шароити ҳамда уни қуршаган муҳитни яхшилаш билан боғлиқ бўлмаса, мазкур касалликка қарши курашнинг умумий жараёнида унинг фойдаси бўлмайди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг медик-санитария қисмлари соғлиқни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди. Кейинги йилларда уларнинг сони Ўзбекистонда анча ортди. Ҳозирги кунда моддий ишлаб чиқариш соҳасининг 4,5 миллион ходими 54 медик-санитария қисмларида, шунингдек 2,6 минг поликлиника ва даволаш амбулаторияларида, 1,2 минг касалхона ва қишлоқ жойлардаги 6,2 минг фельдшерлик-акушерлик пунктларида зарур медицина ёрдамини олмоқда.

Медик-санитария қисмларининг кўпчилиги меҳнат характери ва мазмунидаги ўзгаришларни, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш туфайли инсон патологиясида юз берган янги ҳодисаларни ҳисобга олган ҳолда даволаш-профилактика ишини актив қайта қура бошлашди. Улар фаолиятидаги профилактик йўналиш анча кенгайди, ишлаб чиқариш жараёнида инсон ҳаёти ва фаолиятидаги социал ва биологик жиҳатларнинг номувофиқлигини келтириб чиқарувчи сабабларни аниқлаш юзасидан иш олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда бундай иш корхона ва ташкилотлар инженерлари, технологлари, психологларини жалб қилган ҳолда амалга оширилмоқда, бунда маъмурият, касаба союз комитетлари вакиллари бевосита иштирок этмоқдалар.

Масалан, Ўзбекистон қийин эрувчи ва ўтга чидамли металлар комбинатида инсон омилини активлаштиришнинг социал-гигиеник ва технологик жиҳатларини ўрганиш уларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги роли тобора ошиб бораётганлигини кўрсатди. Бу ерда врач-инженерлик бригадаси ишлаб, унинг составига асосий мутахассислик бўйича врачлар, комбинатнинг бош мутахассислари, профком, хавфсизлик техникаси бўлими вакиллари кирди. Бу бригада цехлар ва участкалар бўйича касалланишни анализ қилади, санитария-гигиеник текширишларга раҳбарликни амалга оширади, меҳнат жараёнида санитария нормаларига амал қилинишини назорат қилиб боради. Ишлаб чиқариш жараёнининг ишчилар саломатлигига таъсирини ўрганиш ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ҳамда кишиларнинг меҳнат жараёнига кўникиш имкониятларини ошириш юзасидан илмий асосланган медицина-технологик тавсияномаларни ишлаб чиқиш бу бригада фаолиятида муҳим ўрин тутади. Ишлаб чиқариш гимнастикаси ҳам врач-инженерлик бригадаси эътиборидан четда қолмади. Машқлар комплекси тузиб чиқилди, улардан комбинат ишчиларининг меҳнат режимида физкультура паузаси сифатида фойдаланилади. Шуни таъкидлаш керакки, гимнастика билан мунтазам шуғулланаётган кишиларнинг 90 процентининг аҳволи, кайфияти яхшиланмоқда, толиқиш камаймоқда, меҳнат қилиш қобилияти ошмоқда.

Спорт жамоатчилиги, касаба союз комитети ва корхона меҳнатчиларининг кенг иштирокида комбинатда физкультура ва спортни 1990 йилгача ривожлантиришнинг мақсадли комплекс программаси ишлаб чиқилган бўлиб, у соғлиқни муҳофаза қилиш системасини такомиллаштириш, диагностика ва даволанишнинг замонавий методларини жорий этиш, медицина кўриги сифатини яхшилаш, гигиеник таълим, санитария-маориф иши сингари жиҳатларни ўз ичига олади. Программада кўзда тутилган кўплаб технологик тадбирлар, вентиляцион системаларнинг реконструкция қилиниши ва янгиларининг ўрнатилиши, қатор жараёнларнинг механизацияланиши ҳамда автоматлаштирилиши иш зоналари муҳитини соғломлаштириш, оғир қўл меҳнати билан банд кишилар сонини қисқартиш, бевосита иш жойларининг ўзида ишлаб чиқариш гимнастикаси учун янада қулай шароитлар яратиш имконини беради. «Саломатлик» группаларида шуғулланаётганлар сонини 270 кишига, ишлаб чиқариш гимнастикаси билан шуғулланадиганларни 1080 кишига, спорт секцияларига қатнайдиганлар сонини 2 минг кишига етказиш мўлжалланмоқда. Янги спорт секцияларини очиш, корхонанинг спорт-тренировка базасини анча мустаҳкамлаш кўзда тутилмоқда.

Кўриб турибмизки, меҳнат шароитини соғломлаштириш ва спорт-оммавий ишини ривожлантириш масалаларига комбинатда катта эътибор берилмоқда. Бу ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Масалан, физкультура ва спорт билан дўстлашган ходимларнинг меҳнат унумдорлиги анча юқори, улар касалга камроқ чалинади. Масалан, 7- ва 8-металлургия цехларида ишлаб чиқариш нормаларини бажариш даражаси спорт тадбирларида қатнашмайдиганларникига нисбатан анча юқоридир. Жумладан спорт омили ҳисобига ҳам меҳнат унумдорлиги ўсганлиги туфайли комбинат 1986 йил план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини ҳам муваффақиятли бажарди. Пландан ташқари миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Юксак самарали меҳнат учун янада қулай шарт-шароит яратиш, санитария-гигиеник шароитни ва хавфсизлик техникасини яхшилаш, ишлаб чиқариш маданиятини ошириш керак — СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида шундай деб ёзилган. Бу вазифаларни бажариш партия XXVII съезди белгилаб берган марраларни эгаллашда муваффақиятларни кўп жиҳатдан таъминлайди. Лекин экономиканинг кўпгина соҳаларида инсон омилини активлаштиришнинг бу муҳим жиҳатига етарлича эътибор берилмаяпти. Фақат ўтган йилнинг ўзида республикада меҳнат муҳофазаси қоидалари 110 минг мартадан зиёд бузилганлиги аниқланди, иш жойларини аттестация қилиш, айниқса санитария-гигиеник талабларни ҳисобга олиб аттестация қилиш бўш олиб борилмоқда. Маълумки, «инсон — ишлаб чиқариш» муносабатларининг ришталари айни шу иш жойида «боғланади» ва «узилади», корхона самарадор ходимга эгами-йўқми, ва аксинча, ходим ўз ишидан мамнунми-йўқми, деган масала ҳам худди шу ерда ҳал қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги замон ишлаб чиқаришининг инсонга, инсоннинг — ишлаб-чиқариш олдига қўяётган талаблар қай даражада бажарилаётгани маълум бўлади, улар кишининг иш жойидаги ҳаёт ва фаолиятини социал-гигиеник жиҳатдан тартибга солишга боғлиқдир.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, инсон омилини активлаштиришга медицина-гигиеник таъсирнинг катта имкониятларидан ҳали ҳам кам фойдаланилмоқда. Машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, энергетика, рангли металлургия, нефть химияси ва бошқа тармоқларнинг кўпгина корхоналарида бунга етарлича эътибор берилмаяпти. «Малика» ишлаб чиқариш тикув бирлашмаси, Андижон ип газлама комбинатида, Фарғона ва Самарқанд химия заводларида мана бир неча йилдан буён медицина-санитария қисмларини очиш масаласи ҳал қилинмай келади, ҳолбуки уларда бир неча минглаб ишчилар ишлашади.

Сир эмаски, айрим хўжалик раҳбарлари учун социалистик ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади шунчаки шиордан бошқа нарса эмас. Улар оғизда уни маъқуллашади, лекин уни ўзининг кундалик фаолияти учун принцип қилиб олишмаган. Шунинг учун ҳам планни ҳар қандай йўл билан бажариш, кишиларнинг меҳнат ва турмуш шароитларига бефарқ қараш практикасига ҳали ҳам барҳам берилмаган. Оқибат натижада буларнинг ҳаммаси ходимларнинг соғлиғига ҳам, ишлаб чиқариш кўрсаткичларига ҳам салбий таъсир қилади, меҳнатчиларнинг бутун жисмоний ва интеллектуал кучларини сафарбар этиб, зарбдорларча ишлаш имкониятларини пасайтиради. Ишлаб чиқаришнинг социал томонига, турмуш ва дам олиш масалаларига бефарқ қаралган ҳар бир фактга принципиал, партиявий баҳо бериш керак.

Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленумида (1986 йил октябрь) таъкидлаб ўтилганидек, зарур коммунал хизматларнинг йўқлиги, ишлаб чиқариш ва турмушдаги антисанитария ҳолати, меҳнат ва дам олиш режимининг бузилиши шунга олиб келдики, фақат 1985 йилнинг ўзида касаллик туфайли 37 миллион киши-кун йўқолди, касаллик варақаси бўйича 230 миллион сўм пул тўланди. Ҳолбуки медсанқисмлар ташкил этилган корхоналарда ходимлар соғлиги медицина-санитария қисмлари бўлмаган жойлардаги ходимларникига қараганда анча яхши. Масалан, медицина-санитария қисми бўлган «Қизил тонг» фирмасида вақтинча меҳнат қилолмайдиган касаллиги

бўйича кўрсаткич 1985 йилда 100 ишловчига 706 кунни, «Учқун» ишлаб чиқариш бирлашмасида эса —1035 кунни ташкил этди.

Ўзбекистонда 200 дан ортиқ саноат корхонаси бўлиб, уларда 1 мингдан ортиқ медицина ходими банд. Бу — инсон омилини активлаштиришдаги соғлиқни муҳофаза қилиш жиҳатининг зарур резерви бўлиб, ундан корхона ва министрликлар куч ҳамда маблағларини кенг кооперациялаш ҳисобига медицина-санитария қисмларини барпо этган тақдирдагина фойдаланиш мумкин. Чирчиқдаги бирлашган медсанқисм бундай ҳамкорликка мисол бўла олади, у шаҳардаги турли корхоналарда ишлаётган 27 мингдан зиёд ишчи ва инженер-техник ходимларга хизмат қилади.

Социалистик жамиятда ишлаб чиқаришнинг ишлаб туриши ижтимоий ҳаётнинг барча бошқа соҳаларида бўлгани каби, меҳнаткашлар фаровонлигига қаратилгандир. Лекин хўжалик соҳасида дарҳол самарадорликка интилиш медицина-гигиеник тавсияларнинг жуда катта иқтисодий ва гуманистик самарасини тушунишга доим ҳам имкон беравермайди. Ишлаб чиқариш-техник фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, ўша тавсияларга амал қилмасликни оқлашга уринувчилар ҳам учраб туради. Ахир, касалнинг олдини олиш уни даволашга нисбатан фақат осон бўлибгина қолмай, арзонга ҳам тушишини ҳамма билади-ку.

Меҳнат шароитининг гигиеник жиҳатдан нормал, оптимал бўлиши лойиҳалаштириш босқичидаёқ кўзда тутилиши керак. Хавфсизлик техникасидан хавфсиз техникага дадилроқ ўтиш — бу давр талабидир. Маъмурият ва касаба союз ходимларини, шунингдек конструкторларни бу принципни амалга оширишга ёрдам берганликлари учун моддий рағбатлантириш системасини жорий этиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлаш керак.

Бир-бирига яқин касб ва ихтисосликни эгаллаш йўлидаги ҳаракатни барча чоралар билан рағбатлантириш медицина нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Физиологларнинг аниқлашича, меҳнат фаолияти жараёнида ходимларда динамик стереотиплар деб аталмиш бир ҳолат пайдо бўладики, уларни бузиш (масалан, ихтисосни ўзгартиришда) баъзида янгиларини қарор топтиришга нисбатан анча мураккаб бўлади. Шунинг учун ҳам медик-психологик қоидалар билан инсон омилини активлаштиришни янада тўлароқ бирга қўшиб олиб бориш учун эски стереотипларни синдириш эмас, балки ишлаб чиқариш фаолияти соҳасини кенгайтириш асосида уларни бойитиш керак. Зеро, бундай ёндашув мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш концепциясининг бош мақсадига — шахсни ҳар томонлама уйғун камол топтириш мақсадига мос бўлиб тушади.

Инсон омилини активлаштиришда медиклар куч-ғайрати самарадорлигини ошириш борасида касаба союзлари катта роль ўйнайди. Ўн биринчи беш йилликда кўп жиҳатдан уларнинг фаолияти туфайли Ўзбекистонда 415,2 кишининг, шу жумладан 163,9 минг хотин-қизнинг меҳнат шароити яхшиланди, оғир жисмоний ишларда банд бўлган кишилар сони 25,6 минг, зарарли ишлаб чиқаришда 50,6 минг кишига камайди. Санатория-курортда даволаниш, дам олиш ва туризмнинг барча турлари билан социал страхование маблағлари ҳисобига текин ва имтиёзли йўлланмалар билан 2,3 миллион ишчи, хизматчи, колхозчи ва уларнинг оила аъзолари қамраб олинди.

Лекин инсон омилини активлаштиришнинг бу муҳим жиҳатларидан самарали фойдаланишмайди. Фақат 1985 йилнинг ўзида 30 санаторий-профилакторий меҳнаткашларни соғломлаштириш планини бажармади, натижада 7 мингдан ортиқ одам даволана олмади. ВЦСПС президуми, санаторий-профилакторийлар иш сифатини баҳолашда улар хизмат кўрсатаётган корхоналарда касаллик туфайли иш вақти зое кетишини камайтириш асосий мезон қилиб олиниши керак деб кўрсатма берди. Ҳам касаба союз органлари ходимларининг, ҳам меҳнаткашларнинг ўзининг даволаниш ва дам олиш учун бор имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш бобидаги шахсий масъулиятини ошириш зарур.

Меҳнат коллективларида, айниқса мансабдор шахслар билан улар қўл остида ишлайдиганлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда нормал ахлоқий-

психологик иқлим яратиш — инсон омилини активлаштиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Ишхонада шикастланганда бўлгани каби у ёки бу касалликларнинг (миокард инфаркти, гипертония кризи, баъзи хроник касалликларнинг кучайиши ва ҳоказо) пайдо бўлиш сабабларини ўрганиш мақсадга мувофиқдир, уларни туғдираётган сабабларни бартараф этиш, шунингдек айбдорларни жавобгарликка тортиш керак. Бу масала пишиб етилган-у, лекин бундай ҳодисаларни ишхонадаги шикастланишга киритишнинг тегишли юридик норма ва медицина мезонлари ҳали ҳам ишлаб чиқилмаган. Касаба союзлари меҳнат коллективи ҳаётининг бу муҳим томонини контрол қилишни амалга оширишда ташаббус кўрсатсалар бўларди, улар меҳнаткашларнинг меҳнат шароити ва соғлиғини мустаҳкамлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилиши учун хўжалик раҳбарларига, шунингдек ўз соғлиғига бефарқ қарайдиган, ёмон одатларни суиистеъмол қиладиган конкрет шахсларга нисбатан талабчанликни оширишлари керак. Бизнинг фикримизча, инсоннинг соғлом турмуш тарзи ва меҳнати билан боғлиқ масалалар меҳнат коллективларидаги тарбиявий ишнинг марказида бўлиши керак.

Социал-иқтисодий, илмий-техникавий ва социал-гигиеник мақсадлар бирлиги инсон омилини активлаштиришда соғлиқни сақлаш ролини оширишнинг объектив асосини ташкил этади. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, соғлиқни сақлаш ҳаётнинг турли томонларига, моддий ишлаб чиқаришдан тортиб, маданият ва тарбиягача сезиларли таъсир кўрсатади. Масалан, инсоннинг нейропсихик ва анатомфизиологик хусусиятларини ҳисобга олмай туриб ҳозир юқори унумли техника ва асбоб-ускуналарни яратиб бўлмайди. Ҳозирги замон медицина фани ихтиёридаги хилма-хил илмий потенциал ва ахборотдан фойдаланмай туриб кишилар меҳнати, турмуши ва дам олишини ташкил этишнинг янги принцип ва методларини ишлаб чиқиш мумкин эмас, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини ишлаб чиқариш ҳамда иқлим шароитларига мувофиқ равишда планлаштириб бўлмайди, моддалар, материаллар ва энергия турларининг соғлиқ учун салбий таъсирининг олдини олиб бўлмайди.

Ҳар қандай халқ хўжалик вазифасини ҳал қилишда социал-гигиеник талабларни ҳисобга олмасдан бўлмайди. Бу ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш проблемаларига ҳам, меҳнат ва дам олиш режимларини ишлаб чиқиш масалаларига ҳам тааллуқлидир. Масалан, иш ҳафтаси, иш куни графиги маҳаллий иқлимий-географик хусусиятларни, унинг ҳафта ва сутканинг турли пайтларидаги чарчаш даражасини ҳисобга олган ҳолда инсон организмининг ритмларига мос келиши керак. Маълумки, масалан, иш ҳафтаси охирига бориб толиқиш орта боради, организмнинг қаршилиги камаяди, у инфекция ва бошқа касалликларга тез чалинадиган бўлиб қолади.

Шу муносабат билан айрим гигиеначилар ишлаб чиқариш имкон берган жойда дам олишнинг бир кунини ҳафта ўртасида, иккинчисини эса ҳафта охирида қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади. Социалистик турмуш тарзини янада инсонпарвар қилиш учун шунга эришиш керакки, социал-гигиеник прогнозлар иқтисодий, технологик ва экологик прогнозлардан орқада қолмай, аксинча улардан олдинда бўлсин, ўзгариб бораётган муҳитнинг аҳоли соғлиғига турлича таъсир кўрсатиш имкониятларини олдиндан айтиб бера олсин. Социализм шароитида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш эса инсоннинг жисмоний ва асабий-психик кучларини кам сарфлаган, яъни унинг соғлиғини иложи борича авайлаган ҳолда энг кўп меҳнат унумдорлигига эришишга ёрдам бериши керак.

Шундай қилиб, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, бундан кейинги фан-техника тараққиёти кўп жиҳатдан инсон омилини активлаштиришнинг методологик, медик-биологик ва социал-гигиеник жиҳатларига боғлиқ. Шу муносабат билан социал гигиена бўйича философлар, социологлар, олим-медиклар, мутахассислар олдида катта вазифалар турибди. Биринчи навбатда инсон организмига таъсир қиладиган омилларни аниқлаш ва баҳолаш методларига бўлган талаб анча ортади, ишлаб чиқариш муҳитини соғломлаштириш, Ўрта Осиё регионининг иссиқ ва қуруқ иқлими шароитида ўта

таъсир қилувчи омиллардан ҳар бирининг конкрет ўзгаришини аниқлаш юзасидан конкрет таклифларни ишлаб чиқиш зарурати ошади.

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида шундай деб таъкидланган: **«Аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш ва дам олиш шароити доимо яхшилаб борилсин.** Соғлиқни сақлашнинг профилактика йўналиши кучайтирилсин, медицина хизмати сифати яхшилансин ва бутун аҳолини ҳар йили диспансер кўригидан ўтказиш бошлансин». Ижобий пировард натижаларга йўналтирувчи бундай кенг социал пландаги вазифа биринчи бор таърифлаб берилди. Уни фақат сиҳат-саломатликни сақлаш, уни мустаҳкамлаш, касалликнинг олдини олиш, уни барвақтроқ аниқлаш ва самарали даволашнинг оптимал шарт-шароитларини кўзда тутувчи профилактика йўлидагина амалга ошириш мумкин бўлади. Соғлиқни саклаш соҳасидаги профилактик фаолиятнинг ҳар бир босқичи, ҳар бир тури ҳар бир конкрет шароитда ишнинг муваффақиятини таъминловчи ўз восита ва методлари, ўз ижрочиларига эга.

Профилактикани ривожлантиришда медицина фани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Фан инсон ҳаёти ва фаолияти физиологик ва психик томонларининг энг нозик механизмларини, унинг атроф муҳит билан алоқасини, патологик ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини очиб, одамнинг ўзига бепарво бўлиши, таваккалчилик қилиши факторлари ва группалари тўғрисидаги концепцияни ривожлантирибгина аҳоли сиҳат-саломатлиги учун курашда юқори самарадорликни таъминлаши мумкин.

Соғлиқни сақлашнинг санитария-эпидемиология хизмати профилактикани амалга оширишда муҳим бўғиндир. У юқумли касалликларнинг олдини олиш ва йўқотишда, табиатни муҳофаза қилишда, аҳоли меҳнати ва дам олишининг кулай санитария-гигиена шарт-шароитларини таъминлаш борасидаги тадбирлар устидан давлат назоратини амалга оширишда белгиловчи роль ўйнайди. Илмий асосланган санитария-гигиена нормативларини практикага жорий этиш, самарали огоҳлантирувчи ва жорий санитария назоратини таъминлаш соҳасидаги хизматнинг роли мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш босқичида айниқса ошади. Бугунги кунда кенг ва самарали профилактика бўйича ягона комплекс тадбирларни таъминлаш мақсадларида санитария-эпидемиология хизмати фаолиятини даволаш-профилактик тадбирлар системаси билан узвий қўшиб олиб бориш керак.

Бутун аҳолини диспансеризация қилиш профилактиканинг энг муҳим проблемалари орасида марказий ўринда туради. Ўз кўлами бўйича жуда катта программани амалга оширишга бугунги кунда нафақат социалистик соғлиқни сақлашнинг асосий принципларини турмушга ошириш деб қаралянти. Бу ерда гап халқ сиҳат-саломатлиги ҳолатини ҳар томонлама баҳолашни, ҳар бир кишининг соғлиғини муттасил кузатиб боришни, ишлаб чиқариш ва маиший шароитларни яхшилаш, шахснинг жисмоний ҳамда психик жиҳатдан ҳар томонлама уйғун тарзда камол топишини таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ва самарали даволаш, совет кишилари соғлиғи даражасини ва актив узоқ умр кўришини чўзиш бўйича социал-иқтисодий ва медицина тадбирларини комплекс равишда амалга оширишни таъминловчи ягона интеграллашган система бўлган диспансеризация тўғрисида боряпти. Бугунги кунда кишилар ҳаёти ва фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини, регионнинг иқлимий-географик шароитларини, химик препаратларнинг қишлоқ хўжалигида кенг қўлланишини ҳисобга олган ҳолда соғлом турмуш тарзини аҳоли ўртасида, айниқса қишлоқ жойларда пропаганда қилиш методларини анча яхшилаш ва уни қайта қуриш талаб қилинади.

Республикамиз аҳолиси ўртасида касалликларнинг олдини олишда тармоқ ва олий ўқув юртларидаги фан муҳим роль ўйнайдики, бу ерда қудратли илмий-техник потенциал, малакали кадрлар тўпланган. Лекин бу кучлар касалликларнинг камайишига ҳозирча жиддий таъсир кўрсатмаяпти, аҳоли ўртасида, меҳнат коллективларида илмий асосланган профилактик ишни етарлича ўтказишмаяпти. Биргина Тошкентнинг ўзида аслида битта проблема

устида юкумли ва касб касалликлари профилактикаси, диагностикаси ва даволаш йўллари, восита ва методларини ишлаб чиқиш бўйича ихтисослашган бир неча илмий-тадқиқот институтлари ишлаб турибди. Бу институтларнинг жуда катта илмий потенциали куч-ғайратини бирлаштириб, фақат Ўзбекистон олдидагина турмаётган соғлиқни сақлашнинг муҳим проблемаларини ҳал қилишга қаратиш зарур. Бу ишни Ўрта Осиё республикаларидаги шу хилдаги илмий марказлар фаолияти билан координация қилиш мақсадга мувофиқдир.

Қасалликларнинг олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг комплекс программасини муваффақиятли ҳал этиш бир республика ёки ҳатто бутун регион доирасидан чиқиб кетишини ҳаёт кўрсатиб турибди. Шаҳарлараро алоқалар даражасининг юқорилиги, иқлим-географик шароитларнинг ўхшашлиги, Ўрта Осиё кишилари тарихий анъаналаридаги, турмуш тарзидаги ўзига хос хусусиятларнинг умумийлиги фақат соғлиқни сақлаш органлари ва илмий-медицина марказларининггина эмас, шунингдек давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, министрликлар ва идоралар куч-ғайратини ҳам қўшишни талаб этади.

Ўзбекистонда «Саломатлик» программаси ишлаб чиқилган бўлиб, у 1986—1990 йилларга мўлжалланган медицина, социал-иқтисодий, илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг идоралараро комплексидан иборатдир. Бу программа соғлиқни сақлаш муассасалари шохобчаларини янада кенгайтириш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, фаолиятини яхшилаш, медицина ёрдами ихтисослаштирилган турлари, функционал-диагностика хизматлари ҳажмини кенгайтиришни, аҳолини диспансеризация қилишни, касалликларнинг олдини олиш ва даволашнинг мустаҳкам илмий базасини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ишни активлаштиришни кўзда тутади. Шунингдек ичкилик ва бошқа зарарли одатларни суиистеъмол қиладиган шахсларга жамоатчилик йўли билан таъсир этиш тадбирларини кучайтириш, меҳнат шароити ва муҳофазасини яхшилаш, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик даражасини, касб касаллигини, ишхонада шикастланишни, инвалидликни камайтиришга қаратилган санитария-соғломлаштириш тадбирларининг ўтказилиши, атроф муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг актив дам олишини ривожлантириш, санаторий-профилакторийлар, туристик, физкультура-спорт базалари ва бошқа соғломлаштириш муассасаларини кенгайтириш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ҳам ўша программанинг бажарилишига ёрдам беради.

Мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш концепцияси биринчи навбатда иқтисодий харажатлар талаб қилмайдиган, лекин юксак наф келтирадиган инсон омилидан рационал фойдаланишни кўзда тутади. Инсон меҳнат субъекти сифатида жуда катта ижодий ва психофизиологик имкониятларга эга. Қулай шарт-шароитларни яратиш унга меҳнат унумдорлигини бир неча бор оширишга имкон берадики, инсон омилини активлаштиришнинг социал ва медик-гигиеник тадбирлари шунга қаратилиши керак.

ЛЕНИНИЗМДА УРУШ, ТИНЧЛИК ВА РЕВОЛЮЦИЯ ПРОБЛЕМАЛАРИ ДИАЛЕКТИКАСИ

П. НИЁЗОВ,
философия фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ уруш ва тинчлик проблемаси ҳозирги пайтда инсоният олдида турган энг кескин проблемадир деб таъкидлади. Унинг ҳал этилиши тараққиёт билан реакция, турли хил демократик ва революцион ҳаракатлар қарама-қарши курашувчи кучларининг синфий манфаатларига боғлиқдир.

Жаҳон революцион жараёнининг миқёси ҳеч қачон ҳозиргидек кўламдор ва таъсирли бўлган эмас. Капитализмдан социализмга ўтиш инсоният тараққиётининг асосий тенденцияси, ҳозирги тарихий даврнинг мазмуни бўлиб қолди.

Империализм ижтимоий тараққиётнинг объектив оқимига милитаризмни ва жаҳон урушини тайёрлаш сиёсатини қарама-қарши қўймоқда, буржуа сиёсий арбоблари ва идеологлари бунинг учун масъулиятни прогрессив кучлар, жаҳон социализм системаси ва аввало СССР зиммасига юклашга уринмоқдалар. Улар халқларни «қизил хавф», «коммунизмнинг тажовузкор табиати», Совет Иттифоқининг «жаҳонга ҳукмронлик» қилишга бўлган афсонадан иборат интилиши билан қўрқитишга ҳаракат қилмоқдалар.

Аслида эса буларнинг барчаси социализмга туҳмат қилишдан, империализмнинг ҳақиқий табиатини, юзага келган халқаро кескинликнинг, ҳарбий конфликтлар ва эҳтимол бўлган жаҳон термоядро урушининг ҳақиқий сабабларини яширишга уринишлардан бошқа нарса эмас. «Социализм, — деб эълон қилди КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев партия XXVII съезди минбаридан, — давлатлараро сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни, мафкуравий низоларни бартараф этиш воситаси сифатида урушни ҳеч сўзсиз рад этади. Қуролсиз ва зўравонликсиз дунё, ҳар бир халқ ўз ривожланиш йўлини, ўз турмуш тарзини эркин танлаб оладиган дунё — бизнинг олий мақсадимиздир».

Капитализмнинг бутун тарихи қонли урушлар тарихидан иборат. Буржуазия ўзи учун мол сотишнинг янги бозорларига, хом ашё ва арзон иш кучи манбаларига ўт ва қилич ёрдамида йўл очиб келди. Тараққиётнинг империалистик босқичида жаҳон урушлари капитализм қонуни бўлиб қолди. Айни империализм, деб таъкидланди КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида, ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган иккита жаҳон урушининг айбдоридир. У учинчи жаҳон уруши хавфини солмоқда. Империализм инсоният даҳоси ютуқларини даҳшатли вайрон қилиш кучига эга бўлган қуроллар яратишга хизмат қилдирмоқда. Бутун-бутун халқларнинг тақдирини қурбон қилишга тайёр бўлган империалистик доираларнинг сиёсати бу қуролнинг ишга солиниш хавфини кучайтирмоқда. Пировард натижада бу нарса ялпи ҳарбий тўқнашувни келтириб чиқариши мумкин, бунинг натижасида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди, лекин жаҳон цивилизацияси ҳалок бўлиши мумкин.

Уруш ўз табиатига кўра ғайриинсоний ҳаракат бўлиб, марксистлар унинг ашаддий мухолифларидирлар. В. И. Ленин социалистлар халқлар ўртасидаги

урушларни вахшийлик ва йиртқичлик иши деб ҳамиша қоралаб келганликларини таъкидлайди. «Подшолар ва капиталистларнинг йиртқичлик интилишлари натижасида келиб чиққан ҳамма урушларни, — деб кўрсатади Владимир Ильич, — биз жинояткорона уруш деб ҳисоблаймиз, чунки улар меҳнаткаш синфлар учун ҳалокатли бўлиб, ҳукмронлик қилаётган буржуазияга жуда кўп фойдалар келтиради» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 82—83-бетлар).

Меҳнаткашларнинг ва мазлум халқларнинг озод бўлиш учун олиб бораётган курашига қарши қаратилган урушларни, шунингдек, истилочилик урушларини қоралаб, уларни адолатсиз урушлар деб баҳолаш билан бир пайтда марксизм-ленинизм меҳнатни капитал зулмидан халос қилиш учун мазлум синфлар олиб борадиган урушларни, миллий озодликка чиқишни кўзлаган, хорижий агрессияга қарши қаратилган урушларни ёқлайди. Марксизм нуқтаи назаридан қараганда улар адолатли, муқаддас урушлардир. В. И. Ленин ёзганидек, «бизнинг урушга муносабатимиз буржуа пацифистларининг... ва анархистларнинг муносабатидан принцип жиҳатидан тамомила бошқачадир. Биз буржуа пацифистларидан шу жиҳатдан фарқ қиламизки, биз урушларнинг мамлакат ичидаги синфлар кураши билан муқаррар равишда боғлиқ эканлигини тушунамиз, синфларни йўқотмасдан ва социализмни вужудга келтирмасдан туриб, урушни йўқотиш мумкин эмаслигини тушунамиз, яна шу жиҳатдан ҳам фарқ қиламизки, биз граждан урушларининг, яъни эзилган синфнинг эзувчи синфга қарши, қулларнинг қулдорларга қарши, крепостной деҳқонларнинг помешчикларга қарши, ёлланма ишчиларнинг буржуазияга қарши қаратилган урушларининг қонуний, прогрессив ва зарур эканлигини эътироф қиламиз» (ТАТ, 26-том, 357-бет).

Урушларнинг социал мундарижасига баҳо бериш масаласига синфий ёндашиш бугунги кунда алоҳида актуаллик касб этмоқда. Империализм дунёдаги кескинликни кучайтираётган, АҚШ ҳукумати эса энг қудратли қуролнинг янги-янги турлари ёрдамида реал социализмни емиришни ўйлаётган, инсониятнинг омон қолишини ҳам хавф остига қўяётган ҳозирги шароитда мамлакатимиз урушнинг олдини олиш учун барча зарур тадбирларни кўрмоқда. СССР билан АҚШ, Варшава Шартномаси Ташкилоти билан НАТО ўртасида ҳарбий-стратегик мувозанат ўрнатилганлиги, деб таъкидланади партиянинг янги таҳрирдаги Программасида, социализмнинг тарихий ютуғи бўлди. Мамлакатимиз ҳарбий мувозанат мустаҳкам бўлиши керак деб ҳисоблайди.

Бутун ер куррасидаги тараққийпарвар арбоблар Совет Иттифоқининг умумий тинчликни сақлаб қолишга қаратилган сиёсатига тушуниш билан қарамоқдалар. СССРнинг жавоб чораларини жаҳон термоядро ҳалокатининг олдини олиш учун қаратилган зарурий чоралар деб баҳоламоқдалар. Лекин гўё ишчилар синфи номидан сўз олиб, капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтишда синфий кураш объектив қонун сифатида муқаррар эканлиги ҳақидаги ленинча қоидаларнинг умри тугади деб даъво қилувчиларнинг ҳам овозлари қулоққа чалинмоқда. Улар ўзларини ижодий фикрловчи марксистлар деб эълон қиладилар, аслида эса фан-техника революциясининг социал оқибатларини суиистеъмол қилувчи ва капиталистик жамиятнинг ўз-ўзидан пролетарлашувидек сохта илмий ғояларни пропаганда қилувчи антикоммунизм назариячиларининг ортидан эргашадилар. Ана шундай «назариячилар» Европанинг социал тараққиёт йўлини СССР ва социалистик ҳамдўстликка кирувчи бошқа мамлакатларнинг революцион ривожланишига қарши қўювчи «еврокоммунизм», турлича «социализм моделлари» ва ҳоказо концепцияларни яратганлар. Фактларга зид ўлароқ, улар синфий кураш тарихий анахронизм бўлиб қолди ва ҳозирги пайтда фақат синфий тотувлик шароитидагина социализмга ўтиш мумкин деб даъво қиладилар.

Лекин ҳақиқат шундан иборатки, жамиятнинг социализм йўлида тинч формада ривожланиши мумкинлиги ҳақида марксизм-ленинизм классиклари кўп маротаба ва батафсил ёзган эдилар. Бундан ташқари, улар шундай имкониятни коммунистларнинг идеали деб ҳисоблаганлар ва ушбу проблемани ҳар томонлама назарий ишлаб чиқиш учун кўп иш қилганлар. Лекин улар революциянинг тинч йўл билан ғалаба қилишини синфий курашга қарама-

қарши қўймаганлар, аксинча, уни тараққиёт қонунлари билан боғлаганлар. «Хусусий мулкни тинч йўл билан йўқ қилиш мумкинми?» деган саволга Ф. Энгельс «Коммунизм принциплари» деган асарида пролетар революционерларининг нуқтаи назарини баён қиларкан, шундай деб жавоб берган эди: «Шундай бўлса айни муддао бўлур эди ва коммунистлар албатта бунга қарши эътироз билдирувчиларнинг энг охиргиси бўлур эдилар» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, 86-бет).

Марксизм асосчилари ана шу принципиал муҳим масалани фақат назарий жиҳатдан эмас, балки амалий соҳада ҳам ҳал эта бордилар. Ўтган асрнинг 70-йилларида К. Маркс революция тинч йўл билан Америка ва Англияда амалга ошиши мумкин деб ҳисоблаганлиги маълум. У бунда бошқа мамлакатлардагидек мулкдор синф манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида таркиб топган қудратли ҳарбий-бюрократик ҳокимият аппарати санаб ўтилган мамлакатларда ўша пайтларда мавжуд бўлмаганлигидан келиб чиққан эди; кейинчалик расмиятчилик тусини олган буржуа демократияси принциплари бу мамлакатларда у ёки бу қадар изчил амал қилаётган, буржуа диктатураси ҳали янада кескин формаларга кириб улгурмаган эди. Пролетариат эса, айниқса Англияда, уюшган куч бўлиб, ҳокимият унинг қўлига ўтиши масаласи ҳал этилишида буржуазия шафқатсиз қаршилик кўрсата олмаслигига ҳали ишонса бўлар эди.

Пролетариат синфий курашининг тинч йўл билан ҳал бўлиши мақбул эканлиги ҳақида В. И. Ленин ҳам ёзган эди. «Ишчилар синфи *тинч йўл билан* ҳокимиятни ўз қўлига олишни афзал кўрган бўлур эди, албатта», — деб кўрсатди у (ТАТ, 4-том, 307-бет). Владимир Ильич социалистик революциянинг тинч йўл билан ривожланиши ҳақида 1917 йил апрелида, мамлакатда икки ҳокимиятчилик вужудга келган, большевиклар партияси уюштирган пролетариат буржуазиядан кучли бўлган ва уни Советлар фойдасига ҳокимиятдан воз кечишга мажбур эта олиши мумкин бўлган бир шароитда айтган эди. «...Бутун ҳокимият Советлар қўлига ўтган бир вақтда революциянинг тинч ривожланиши *мумкин* ва *аниқроқдир*», — деб ёзган эди В. И. Ленин ўша кунлари. (ТАТ, 34-том, 263-бет). Муваққат ҳукумат Петроград кўчаларида ишчиларни ўққа тутган 1917 йил июль воқеаларидан кейингина пролетариат диктатурасини тинч йўл билан қарор топтириш имконияти бой берилди. Буржуазия мустаҳкамланиб олганлигини ва ўз синфий позицияларини курол кучи билан ҳимоя қилишини, жангсиз таслим бўлмаслигини очиқ-ойдин намойиш қилди.

Жаҳон революцион жараёнини, жаҳон социалистик системаси муваффақиятларини, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатининг ошиб бораётган кўламини таҳлил қила бориб, КПСС ўзининг XX съездида (1956 йил) ҳозирги шарт-шароитда бир қатор мамлакатларда революция тинч йўл билан ғалаба қозониши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келди, чунки тараққиёт ва социализм кучлари умуман олганда реакция кучларидан устун бўлиб, реакция доимо ва ҳар жойда ҳам қалтис бигодаркушлик урушига қодир бўла олмайди. Жаҳон коммунистик ҳаракати қўллаб-қувватлаган бу хулоса коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 йилда бўлиб ўтган кенгаши Декларациясида ҳамда кўпгина коммунистик партияларнинг ҳужжатларида мустаҳкамланди.

Социалистик революциянинг тинч йўл билан ғалаба қозониши мумкинлиги ва мақбул эканлиги ҳақида сўз юритган марксизм-ленинизм классиклари унинг амалга ошиши тарихий ривожланишнинг бориши натижасида ҳокимият масаласи кун тартибига қўйилган ҳал қилувчи пайтда синфий кучлар нисбатига, пролетариат уюшқоқлигига ва унинг қандай бўлмасин ҳокимиятни ўз қўлига олишга қатъий қарор берганлигига, буржуазия ўзини қандай тутишига бутунлай боғлиқ бўлиши ҳақида жуда аниқ фикр айтганлар. Буржуазия қаршилик кўрсатадиган бўлса, пролетариатга революция тақдирини қурол ёрдамида ҳал қилишдан бошқа илож қолмайди. «Агар буларнинг ҳаммаси, — деб ёзган эди Ф. Энгельс, — пировардида, эзилган пролетариатни революцияга ундаса, у ҳолда биз коммунистлар амалий ҳаракатимиз билан пролетариат ишини ҳозирги вақтда сўзда ҳимоя қилаётганимиздан кўра яхшироқ ҳимоя қиламиз» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар,

1-том, 86-бет). В. И. Ленин ҳам ана шу фикрни ёқлаб, агар буржуазия пролетариатга тинч йўл билан ён бермасдан, ҳал қилувчи пайтда ўз имтиёзларини зўравонлик билан ҳимоя қилишга уринса, «бундай ҳолда ишчилар синфига ўз мақсадини амалга ошириш учун революциядан бошқа йўл қолмайди», деб огоҳлантирган эди (ТАТ, 4-том, 308-бет).

Шундай қилиб, ленинизм гарчи муайян тарихий шароитларда революциянинг тинч йўл билан ғалаба қилиши варианти мақбуллиги ва мумкинлиги ҳақида сўз юритса ҳам реформизмдан ва марксизмнинг ҳозирги муртадларидан фарқли ўлароқ, синфий кураш позицияларида қолади. Тинч йўл социализмга ўтиш формаларидан бири бўлиб, реаллиги буржуазиянинг атворига, фаросатлилигига боғлиқ бўлади. Жаҳон революцион жараёнига империализм ҳаддан ошган реакция ва милитаризмни қарши қўйиб, халқаро вазиятни кескинлаштираётган ҳозирги даврда революциянинг тинч йўл билан ғалаба қозониши масаласи бирмунча мураккаблашди. Шунга қарамай пролетариат ҳозир ҳам ўзининг янги жамият бунёд этишдан иборат жаҳоншумул-тарихий миссиясини тинч йўл билан бажаришга тайёр, чунки унинг мақсадлари ижтимоий тараққиёт билан муштаракдир.

Пролетариатнинг сиёсий ҳокимиятини қарор топтириш учун кураш стратегиясини белгилашда илмий коммунизм мамлакат ичида ҳам, халқаро миқёсда ҳам синфий кучларнинг нисбатини ҳисобга олишдан келиб чиқади. К. Маркс ва Ф. Энгельс социалистик революция Европа ва Америкадаги илғор мамлакатларнинг кўпчилигида бир вақтнинг ўзида ғалаба қилиши лозим ва мумкин деб ҳисоблаган эдилар. Томонополистик капитализм шароитида битта мамлакатдаги пролетариат чиқишини реакция ҳукмронлиги сақланиб қолаётган бошқа мамлакатлар унга қарши очган уруш ёрдамида бўғиб ташлаган бўларди. Бундай ҳолат билан ҳисоблашмасликнинг иложи йўқ эди. Айни шунинг учун марксизм асосчилари «пролетариат озод бўлишининг дастлабки шароитларидан бири ҳеч бўлмаганда маданий мамлакатлар куч-ҳаракатларини бирлаштиришдан иборатдир», деб кўрсатган эдилар (К. М а р к с ва Ф. Э н г е л ь с. Икки томлик танланган асарлар. М., Госполитиздат, 1955, 1-том, 27-бет).

Капиталистик давлатлар бир текис ривожланмайдиган ва улар орасидаги зиддиятлар жаҳон урушига олиб келадиган империализм даврида В. И. Ленин революциянинг бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги ҳақидаги хулосага келди. «...Социализм, — деб ёзди у, — *барча* мамлакатларда бир вақтда ғалаба қозонолмайди. У дастлаб бир ёки бир неча мамлакатда ғалаба қозонади, қолган мамлакатлар эса бирмунча вақтгача буржуа мамлакатлари ёки ҳали буржуа тараққиёти даражасига етмаган мамлакатлар бўлиб қола берадилар» (ТАТ, 30-том, 159—160-бетлар).

Шундай қилиб, коммунистларнинг революцион стратегияси уруш ва тинчлик проблемалари билан диалектик бирликни ташкил этади. Бир ҳолда халқлар ўртасидаги тинчликни сақлаб қолган вазиятда синфий курашда ғалаба қозонишга интилиш маданий мамлакатларнинг кўпчилигида у ёки бу даражада бир вақтда капитализмга штурм қилишга асосланувчи жуда муҳим методологик қоидага олиб келди. Бошқа ҳолда империализм бошлаб берган жаҳон урушидан пролетар революциясини дастлаб бир мамлакатда амалга ошириш ва унинг негизида халқлар ўртасида тинчликни қарор топтириш имконияти сифатида фойдаланилди, бунинг устига асосида янги коммунистик формация объективлаштирган янги социал қонунлар ётгани учун ҳам барқарор ва мустаҳкам тинчлик қарор топди.

Сулҳ тўғрисидаги декрет дунёдаги биринчи социалистик давлатнинг дастлабки декрети бўлган эди. Турли ижтимоий тузумга эга бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши мумкин эканлигини В. И. Ленин назарий жиҳатдан асослаб берди, чунки революция тинчликни таъминлай олмаган тақдирда пролетариатнинг бир мамлакатда ғалаба қозониш учун кураши маъносиз бўлиб қоларди.

Ўша вақтда дунёда ягона бўлган социалистик давлатнинг капиталистик дунё билан тинч-тотув яшай олиши мумкинлигига, биринчидан, ғолиб пролета-

риат халқаро реакцияга қарши курашда революцияни ҳимоя қилишга даъват этилган армия қудратигагина эмас, балки тинчликни қарор топтириш ва мустаҳкамлашга қаратилган актив ташқи сиёсат йўлини олиб бораётган, социалистик давлат куч-қудратига таянганлиги ҳам шарт-шароит бўлган эди. Ана шу мақсадда давлатимиз дипломатия донолиги ва санъатидан, тинчликсевар сиёсатимизни пропаганда қилишнинг ҳамма воситаларидан, капиталистик давлатларнинг Совет Россияси билан иқтисодий ва бошқа хил алоқалар ўрнатишдан манфаатдор эканлигидан фойдаланди. Иккинчидан, тинч-тотув яшаш мумкинлиги барча мамлакатлар меҳнаткашларининг Октябрь ватани билан интернационал бирдамлиги фактидан, шунингдек империалистик давлатлар, мустамлакалар ва метрополиялар ўртасидаги зиддиятлардан келиб чиққан эдики, бу зиддиятлар реакцион антикоммунистик кучларга Советлар республикасини енгиб ташлаш учун бор куч-ҳаракатларини бир ерга жамлаш имконини бермаганди.

Ленинизм тинч-тотув яшашни халқаро миқёсда меҳнат ва капитал ўртасидаги синфий курашнинг янги формаси сифатида қараб чиқмоқда. Тинч-тотув яшаш аввало социализм шаклланиши ва ривожланишининг, биринчи бўлиб эксплуататорлар зулмини ағдариб ташлаб, планетамиз меҳнаткашларининг барча шаклдаги жабр-зулмга қарши курашида истеҳкомга айланган мамлакатда социализм ҳар томонлама мустаҳкамланишининг энг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади. Тинч-тотув яшаш жаҳон революцион ҳаракатининг умуман кейинги ўсиши, миқёсларининг янада кенгайиши учун ҳам жиддий замин бўлмоқда.

В. И. Ленин тинч-тотув яшаш мумкинлиги ва зарурлигини инкор қилувчи, бир мамлакатда ғалаба қозонган революция халқаро революция манфаатлари йўлида унга туртки бериб туриши, бунинг учун ягона восита сифатида урушдан фойдаланиши кераклиги ҳақида даъво қилувчиларга қарши қатъият билан қарши чиқар эди. Тинч-тотув яшашни империализмга ён бериш деб ҳисобловчи нуқтаи назарни қатъиян рад этиб, В. И. Ленин бундай «назария»ни марксизмга хилоф деб ҳисоблаган эди (ТАТ, 25-том, 466—467-бетлар). Владимир Ильич мамлакатимиз янги жамият қуришдаги ўз намуна кучи билан жаҳон революцион жараёнига жуда катта таъсир кўрсатади деб бир неча бор таъкидлаган эди. Тинч-тотув яшаш шу мақсадга эришишда муваффақият қозонишнинг зарур шарт-шароитидир.

Асрнинг социал ўзгаришлари бундан кейинги ижтимоий ривожланиш шартлари кўринишини ўзгартирмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон социализми юксак даражада ривожланган экономикага, бақувват илмий базага, мустаҳкам ҳарбий-сиёсий потенциалга таянувчи қудратли халқаро уюшмадир. У ижтимоий проблемаларни принципиал жиҳатдан бошқача, коллективистик асосда ҳал қилиш мумкинлигини намойиш этди, мамлакатларни ривожланишнинг янада юқори марраларига олиб чиқди, меҳнат аҳлига муносиб ҳаёт ва эртанги кунга ишонч бахш этди.

Мустамлака қарамлигидан халос бўлган мамлакатларда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу ерларда аввало халқларнинг ўз-ўзини сиёсий жиҳатдан англаши ўсиб етилди, уларнинг асосий куч-ғайрати иқтисодий ва социал ривожланишда мустамлака ўтмишидан мерос бўлиб қолган чуқур қолоқликни енгишга қаратилмоқда. Бу мамлакатлар ана шу вазифани ҳал қилишни миллий-озодлик курашида узил-кесил ғалаба қозонишнинг гарови деб билмоқдалар. Озод бўлган ёш давлатларнинг кўплари социалистик ориентация йўлини танлаганликлари ҳам жаҳон революцион жараёни ривожланишининг муҳим қирраси бўлди. Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатлар халқаро майдонда ўз мустақилликларини борган сари кенгроқ намойиш этмоқдалар, тинчлик учун, империалистик экспансияга, реакция ва милитаризмга қарши изчил курашмоқдалар.

Замонамизнинг қудратли сиёсий кучига айланган жаҳон ишчилар ва коммунистик ҳаракатининг ўсиши урушдан кейинги тарихнинг муҳим омили бўлиб қолди. У социал характердаги принципиал муҳим вазифалар қаторига янги жаҳон урушига йўл қўймаслик ва умумий тинчликни сақлаб қолиш

мақсадини қўймоқда. Коммунистлар тинчлик тарафдорлари сафларини кўпайтиришга, уларнинг уруш оловини ёқувчиларга қарши курашини уюштиришга қаратилган жуда катта иш олиб бормоқдалар.

Табиийки, ўзгарган халқаро вазиятда КПСС ва қардош коммунистик партиялар уруш, тинчлик ва революция проблемаларини бошқача ҳал қилмоқдалар. КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсатининг бош йўли ўзгармай қолгани ҳолда тинчлик учун кураш янги мазмун билан боймоқда. Партиямиз вужудга келган вазиятда ҳозирги даврда жаҳон урушининг олдини олиш мумкинлиги ҳақида КПСС XX съездида ишлаб чиқилган принципиал муҳим назарий қоидани янада ривожлантирди. «КПСС шунга асосланадики, — дейилади партиянинг янги таҳрирдаги Программасида, — империализмнинг агрессив доиралари сиёсати тинчликка солаётган хавф нақадар катта бўлмасин, **жаҳон уруши муқаррар қисмат эмас. Урушнинг олдини олиш, инсониятни ҳалокатдан сақлаб қолиш мумкин. Бу — социализмнинг, Ер юзидаги барча тараққийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий бурчидир».**

Бу хулоса пролетар революцияси ҳақидаги ленинча таълимотни бойитади ҳамда тинчлик ва инсониятнинг социал тараққиёти учун курашга янги кучқувват бағишлайди. Агар биринчи жаҳон уруши, В. И. Ленин олдиндан башорат қилганидек, бир мамлакатда — Россияда социалистик революциянинг ғалаба қозонишига, иккинчи жаҳон уруши эса Шарқий Европа ва Жануби-Шарқий Осиёдаги бир қатор мамлакатларда социалистик революциялар юз беришига олиб келган бўлса, эндиликда жаҳон революцион жараёнининг ривожланиши фақат ўзаро қарама-қарши икки ижтимоий системанинг тинч-тотув яшаш шароитларигагина боғлиқ бўлиб қолди. Ҳозирги шарт-шароитда уруш, ногаҳон у бошлангудек бўлса, ялпи термоядро урушидан иборат бўлиб, революция ғалабасига эмас, балки умуман инсон цивилизацияси барҳам топишига олиб келади. Шундай қилиб, тинчлик учун кураш ҳозир алоҳида актуал воқеа бўлиб қолди, коммунистлар уни социализм учун кураш деб билмоқдалар.

Тинчлик революциянинг энг муҳим шарти ва асоси бўлиб қолмоқда. Кейинги ўн йилликлар мобайнида социал тузуми турлича бўлган давлатлар тинч-тотув яшаётган шароитда Совет Иттифоқи, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, бутун тараққийпарвар инсоният шу принципни рўёбга чиқариш учун ҳормай-толмай кураш олиб бораётган бир пайтда жаҳон революцион жараёни ўз уфқларини янада кенгайтирди. Империализм ўз умумий кризисининг учунчи босқичига кирди. Айни шу даврда бир қанча социалистик ва халқ-демократик революциялар (Куба, Лаос, Афғонистонда) ғалаба қозонди, инсоният мустамлакачилик системасига барҳам берди.

Тинч-тотув яшашни кўзлаш, социализм ва тараққиёт кучларини мустаҳкамлаш КПССнинг, бутун жаҳон коммунистик ҳаракати революцион стратегиясининг негизидир. Фақат ана шундай стратегиягина инсониятни атом уруши ҳалокатидан ҳимоя қилишга ва капиталистик ижтимоий-иқтисодий формациянинг ўз ўрнини коммунизмга бўшатиб беришдан иборат объектив революцион жараённинг муваффақиятли ривожланишини таъминлашга қодирдир.

Лекин тинчликни сақлаб қолиш учун кураш фавқулодда мушкул ишдир. Ўз вақтида В. И. Ленин шундай деб жиддий огоҳлантирган эди: «Кимки сулҳга эришиш осон нарса, сулҳ ҳақида оғиз очилган ҳамон буржуазия бизга сулҳни лаганда келтириб беради, деб ўйлаган бўлса, у киши батамом гўл кишидир» (ТАТ, 35-том, 129-бет).

Социализм инсоният тараққиётининг, турли демократик ҳаракатларнинг мустаҳкамланиши ва жиддий ютуқларга эришишининг ҳал қилувчи омилига айлана боргани сайин буржуазия капитализмнинг тарихан маҳкумлигини англаб етмоқда. Шу сабабдан ҳам жаҳон империализми инсониятнинг олға ҳаракатини орқага буриш умидида кескинликни юмшатиш сиёсатига ҳужум қилмоқда, милитаризмга ва халқаро кескинликнинг кучайишига умид боғламоқда. Бунда халқаро реакциянинг истеҳкоми бўлган АҚШ империализми айниқса фаоллик кўрсатмоқда. АҚШ монополистик буржуазиясининг ўнг қаноти ҳозирги кунда ҳам, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, халқаро кескинликни кучайтиришга ҳарбий мақсадларга маблағ ажратишни, жаҳонга

ҳукмронлик даъволарини, бошқа мамлакатлар ишига аралашишни оқловчи бир восита деб қарамоқда. Ҳозирги Америкада давлатдан улкан буюртмалар олувчи ва мамлакат экономикасини милитарлаштиришдан социалистик мамлакатлар, ер юзидаги истисносиз барча прогрессив кучлар билан муносабатларни кескинлаштиришдан ғоят манфаатдор бўлган ҳарбий-саноат комплекси сиёсатни белгиламоқда. Ҳатто тинчлик шароитида ҳам АҚШ маъмурияти ҳарбий бюджетнинг йиллик ўсиш суръатларини 12—14 процентга етказмоқда. Буларнинг барчаси америка империализмининг узоқни мўлжалловчи режаларига, халқаро миқёсда ижтимоий ҳаётни социал жиҳатдан янгилашнинг ҳозирги жараёни асосий тенденцияларига қарши курашга мўлжалланган режаларига яққол далолат бўлмоқда.

Ёппасига қарама-қарши курашиш, ҳарбий мухолифлик сиёсати истиқболсиз сиёсатдир. Бугунги кунда қуролланиш пойгаси шунчаки масъулиятсизлик сиёсати бўлиб қолмай, балки инсоният олдидаги жиноятдир. Замонавий қурол характери бирор бир давлатга ҳам фақат ҳарбий-техникавий восита ёрдамида, айтайлик ҳатто энг қудратли мудофаани бунёд этиш билан ҳам ўзини сақлаб қолишга умид қолдирмайди. Ҳисоб-китоблар, шу жумладан ғарб экспортлари амалга оширган ҳисоб-китоблар ҳеч қандай хомхаёлга ўрин қолдирмайди. Европа қитъасида «чекланган ядро уруши» ҳар учта европаликдан биттасининг ёстиғини қуритиб, қолганларини ҳалокатли нурланишга маҳкум этарди.

Хавфсизлик интиқомдан даҳшатга тушиш, яъни «тўхтаб туриш» ёки «қўрқувга солиш» доктриналарига абадулабад асосланиши мумкин эмас. Бутун дунё ядро қуролининг тутқини бўлиб қоладиган бундай вазиятнинг бемаънилиги ва ғайриахлоқийлиги ҳақида гапирмаганда ҳам бу доктриналар эртами-кечми назорат остидан чиқиб кетиши мумкин бўлган қуролланиш пойгасини рағбатлантираётганини таъкидлаш керак. Хавфсизлик фақат муштарак бўлиши, умуман халқаро муносабатларни оладиган бўлсак, фақат ялпи хавфсизлик бўлиши мумкин.

Совет Иттифоқи ҳали кеч бўлмасдан туриб қуролланишнинг бундан буён ўсишига дадил «йўқ» жавобини бериш керак бўлган тарихий пайт етиб келди деб ҳисобламоқда. Тинчликни ҳозирча сақлаб қолиш мумкин, бу реал имкониятни қўлдан бой бермаслик керак. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида айтилганидек, ҳозирги тарихий пайтнинг мураккаблиги ва кескинлиги ядро қуролини қонундан ташқари қилиб қўйиш, бу ва кишиларни оммавий қирғин қилишнинг бошқа воситаларини бутунлай тугатиш, халқаро муносабатларни соғломлаштириш вазифасини борган сари муҳим вазифа қилиб қўймоқда. Совет Иттифоқи тинчликни сақлаб қолиш, давлатлар ўртасида, аввало СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ишончни мустаҳкалаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверади.

Шундай қилиб, партиямиз социализм, тинчлик ва бунёдкорлик ўзаро чамбарчас боғлиқ эканлигини ишончли тарзда исботлаб бермоқда. Ана шу маънода инсон зотининг яшаб қолиши учун кураш марксча-ленинча социалистик революция назариясини ҳозирги босқичда ривожлантиришда янги жиҳат бўлмоқда. Халқлар ўртасидаги мустаҳкам тинчлик инсониятнинг бундан буёнги тараққиёти учун, унинг коммунизм сари, социал адолатсизлик ва антагонизмларни инкор этувчи олға ҳаракати учун энг муҳим асос бўлмоқда. В. И. Лениннинг қуйидаги сўзлари ҳозир жуда ҳам актуал янграмоқда: «Урушларнинг тугаши, халқлар ўртасида тинчлик ўрнатилиши, талашлар ва зўравонликларнинг тўхтатилиши — худди шулар бизнинг идеалимиздир» (ТАТ, 26-том, 349-бет).

Коммунистик партия ва Совет давлати ана шу идеални реалликка айлантириш учун барча ишларни қилмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз бутун инсониятнинг тинчликни ҳимоя қилиш ва уни сақлаб қолиш, ўзларининг яшаш ҳуқуқларини ҳимоя қилиб қолишга бўлган орзу-умидларининг мужассами бўлиб қолди. КПСС XXVII съездининг тарихий қарорлари мамлакатимиз шу орзу-умидларни оқлашга қатъий бел боғлаганлигидан далолат бермоқда.

ПАРТИЯ САФЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНИБ, КОММУНИСТЛАР АКТИВЛИГИ ОШИРИЛСИН

Ш. ЗИЕМОВ,
тарих фанлари доктори

ПАРТИЯГА АЪЗОЛИК, коммунистлар активлиги ва масъулиятини ошириш масалаларининг актуаллиги КПССнинг совет жамияти ҳаётидаги раҳбарлик роли ўсиб бориши, партия ташкилотларининг ташкилотчилик, идеологик, сиёсий фаолияти барча жиҳатларини яхшилаш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш юзасидан КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга партиявий таъсирни кучайтириш зарурати билан белгиланади.

Совет жамияти ривожида кескин бурилиш рўй бераётган ҳозирги пайтда КПСС партия ташкилотларидан ўз фаолиятини баҳолашга принципиал тарзда, янгича ёндашувни, ишчанлик ва фидокорлик кўрсатиш, ишни қайта қуриш, «бенуқсонлик» кайфиятидан холи бўлиш, ўз сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш асосида партиявий раҳбарлик даражасини оширишни талаб этмоқда. Туб ўзгаришлар сари қадам қўйилаётган бундай шароитда партия аъзолиги ҳақидаги ленинча принципларни изчил рўёбга чиқариш ҳал қилувчи моҳият касб этади. Чунки бу масала партия қурилишининг негизини ташкил этиб, партиянинг кўп қиррали фаолиятига, унинг обрў-эътибори ва жанговарлигига бевосита таъсир кўрсатади.

К. Маркс ва Ф. Энгельснинг назарий меросига таянган, ишчилар синфи позицияларидан келиб чиққан ҳолда В. И. Ленин янги типдаги пролетар партиясига аъзолик принциплари ва шартларини — унинг программасини тан олиш, партия ташкилотларидан бирининг ишида шахсан қатнашиш, партияни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби қоидаларни аниқ-пухта белгилаб берди. Бу қоидаларнинг асоси ўзгармаган ҳолда тинимсиз ривожлантирилди, КПСС аъзолигига нисбатан талаблар ошиб борди. Партиянинг XXVII съездида тасдиқланган Уставининг I параграфида бундай деб ёзилган: «Партия Программаси ва Уставини эътироф этувчи, коммунизм қуришда актив қатнашувчи, партия ташкилотларидан бирида ишловчи, партия қарорларини бажарувчи ва аъзолик взносларини тўловчи Совет Иттифоқининг ҳар бир граждани КПСС аъзоси бўла олади».

Ижтимоий тараққиёт жадаллашаётган, жаҳон майдонида идеологик кураш жиддий кескинлашаётган ҳозирги шароитда партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, амалпарастлик ёки бошқа таъмагирлик мақсадларини кўзловчи тасодифий кишиларнинг партияга кириб қолишларига йўл қўймаслик мисли кўрилмаган моҳият касб этади. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий доклади «Партия» қисмининг бутун иккинчи параграфи коммунистнинг беғубор ва ҳалол-покиза қиёфада бўлиши учун кураш, кадрлар сиёсатида принципиаллик масаласига бағишланган.

Ҳар қандай партиянинг состави у таянадиган социал пойдевор билан белгиланади. КПСС учун бу — ишчилар синфи, шунингдек унинг позицияларига ўтган колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларидир. Партия омма партияси

бўлиб қолган бир шароитда ўз табиати билан ишчилар синфи партияси — илғор идеологияни ва революцион анъаналарни ташувчи синф партиясига айланиши, унга таяниши, у билан узвий боғлиқлик ришталарини мустаҳкамлаши, ўз навбатида бутун меҳнаткаш халқ билан чуқур ва мустаҳкам алоқада бўлиши, ўз сафларини унинг энг яхши вакиллари ҳисобига тўлдириб бориши, партия сафларини сон жиҳатдан ўстириш унинг состави сифати билан ўзаро боғлиқ бўлиши ҳақидаги ленинча кўрсатмаларга амал қилиши партия учун ниҳоятда муҳимдир. В. И. Ленин партия аъзолари сонини партия тараққиётининг конкрет шароитларига ва унинг олдида турган вазифаларга қараб тартибга солиш зарур деб таълим берган, унинг сифат составини ҳисобга олмасдан туриб сон жиҳатдан ўстиришга жиддий қарши чиққан эди. Ахир, революцион партиянинг оммавийлиги нафақат унинг аъзолари сони билан, балки биринчи навбатда унинг меҳнаткашлар кенг қатламларига таъсири билан белгиланади.

Партия ташкилотлари фаолиятининг таҳлили бу муҳим қоида ҳамиша ҳам эътиборда тутилмаётганини кўрсатиб турибди. Партия сафларини ўстиришда сифатга зиён етказган ҳолда қабулни жадаллаштириш, сон жиҳатдан ўстириш орқасидан, процентлар орқасидан қувиш, кишиларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий фазилатларини юзаки ўрганиш баъзи партия ташкилотларининг булғанишига, жанговарлиги пасайишига олиб келди, партия ички муносабатларига, иқтисодий ва маданий қурилишга раҳбарлик даражасига салбий таъсир қилди.

Партия сафига кирувчиларни текшириш ва тайёрлашнинг мунтазам системаси В. И. Лениннинг бевосита раҳбарлиги остида қарор топган, янги аъзоларни қабул қилиш, коммунист деган номни оқламаётганларни эса сафдан чиқариш тартиби партия Уставида белгилаб берилган ва мустаҳкамлаб қўйилганди. Бу тартиб ҳозирги пайтда ҳам амал қилмоқда. Партияга қабул ва унинг сафларидан чиқариш масалаларини кўриш ва ҳал этиш, тавсияномалар бериш, КПСС аъзолигига кандидатлик даври синови, шунингдек тарихан қарор топган ягона партия билетига эга бўлиш қоидаси КПСС га якка-якка қабул қилиш системасини ташкил этади. Ленин таълим берганидек, партия ўз сафига суқилиб кирган ҳар қандай ёт унсурлардан покланиш йўли билан мустаҳкаланиб боради. Владимир Ильич партияни нокоммунистик элементлардан тозалаш воситаларини тўғри танлаш зарурлигини таъкидлаганди. Ана шундай тозаланишни у партия сафларининг заифлашуви эмас, аксинча, партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш, уларнинг омма ўртасидаги обрў-эътиборини кучайтиришнинг тўғри йўли деб билган эди. «Партия аъзолари сонининг *бундай* камайиши, — деган эди В. И. Ленин, — партия кучи ва салмоғининг *жуда ҳам ортиши* демакдир» (ТАТ, 39-том, 32-бет). Жамиятимиз ҳаётида партиянинг роли ошиб бораётган ҳозирги шароитларда ҳам бу сўзлар актуал янграмоқда.

Партия сафларининг булғаниши, КПССга аъзолик ленинча принципларининг бузилиши нималарга олиб келиши мумкинлигини яқин ўтмишда республикамизда кенг ёйилган салбий ҳолатлар яққол кўрсатди. Масалан, Қашқадарё, Бухоро ва бошқа баъзи областларда партия сафлари булғаниши оқибатида КПСС аъзолигига нолойиқ шахслар раҳбарлик лавозимларига суқилиб киришди, бу ерлардаги партия ташкилотлари бўшашиб кетди, улар партия турмуши принциплари ҳамда нормалари, совет қонунлари қўпол тарзда бузилишига мустақил қарши туриш ва кескин зарба беришга қодир бўлмай қолдилар.

Бизнинг дунёқарашимиздан йироқ турган кишилар партияга қабул қилинганликларини кўрсатувчи бошқа ҳолларни ҳам мисолга келтириш мумкин. Масалан, «Правда Востока» газетасида Андижондаги пойабзал фабрикасининг қайта қуриш соҳасидаги фаолияти таҳлил этилган мақола босилганди. Унда турли-туман камчиликларнинг, кўпгина коммунистлар пассивлигининг сабаблари орасида идеология ишларидаги етишмовчиликлар ҳам таъкидланганди. Айрим партия аъзолари ишдан сўнг ислом ақидаларини ўрганиш билан шуғулланишган, партия ташкилоти эса улар диний хурофот чоҳига тойиб кетаётганликларига хотиржамгина қараб келаверган. Аслида эса тили

бошқа-ю дили бошқа кишиларга партия сафларида ўрин йўқ. К. Маркс ва Ф. Энгельс томонидан ишлаб чиқилган «Коммунистлар союзи» уставидаёқ коммунистик эътиқодларга мустаҳкам садоқат коммунистларнинг энг муҳим фазилати эканлиги таъкидланган эди. Ишчилар ҳаракатига битишувчилар олдига, деб қайд қилишганди пролетариат доҳийлари, ўзлари билан ҳар хил бидъатлар қолдиғини судраб келмаслик талабини қўймоқ керак.

КПСС Марказий Комитетининг иштироки ва ёрдами натижасида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумининг (1984 йил июнь) салбий ҳолатларга қарши муросасиз курашга, ўз хатти-ҳаракати билан партиянинг обрўсини туширган шахслардан тозаланишга қаратилган қарорларини принципиал тарзда амалга ошириш туфайли бугунги кунда вазиятни яхшилаш, партия интизомини мустаҳкамлаш, коммунистларнинг партия раҳбар органларининг масъулиятини кучайтириш йўли изчил ўтказилмоқда. Партия составини ҳозирги шароитда ҳам яхшилашга Коммунистик партияга аъзолик ҳақидаги ленинча принципларга оғишмай, қатъий амал қилиш туфайлигина эришиш мумкинлигини ҳамиша эсда тутиш зарур. КПСС XXVII съезди қарорларида ҳам худди шундай деб кўрсатилган.

Партияга қабул практикасини такомиллаштириш заруратидан келиб чиққан ҳолда КПСС XXVII съезди КПСС Уставига қатор муҳим ўзгартишлар киритди. Партияга аъзолик, коммунистнинг ҳуқуқ ва бурчлари масалалари тўлароқ ва ҳар томонлама белгилаб берилди. Партияга, қоидага биноан, очиқ йиғилишларда қабул қилиш кераклиги кўрсатиб ўтилди. Бу эса партияга кирувчиларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий сифатларини чуқур ўрганиш ва баҳолаш имконини беради. Тавсия этувчиларга нисбатан талаб оширилди. Ленин комсомолининг партия сафларини муносиб равишда тўлдириш соҳасидаги тарбиявий роли кучаяди ва ҳоказо. Фикримизча, бугунги кунда КПСС сафига кирувчиларни системали тарзда, аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлашни йўлга қўйиш ғоят актуалдир. Бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг бюролари, секретарлари қабул масалалари билан фақат зарурат туғилганда эмас, балки доимий шуғулланган тақдирдагина сафга қўшилаётганлар сифати яхшиланиши мумкинлигини партия ташкилотларининг тажрибаси кўрсатиб турибди. Бунда ҳар бир коллективда партия сафига кирадиганларни уларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий хислатларига қараб, шунингдек ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасига партиявий таъсирни кучайтириш эҳтиёжларини ўрганган ҳолда топиш, танлаш мақсадга мувофиқдир. Одамларни синчиклаб ўрганиш ва баҳолашдан ташқари улар билан тегишли тарзда ташкилий, ғоявий-тарбиявий иш олиб бориш, жамоат ташкилотлари фаолиятига уларни актив жалб этиш зарур.

Маълумки, партияга кирувчиларнинг сиёсий, ишчанлик, маънавий-ахлоқий сифатларини текшириш, уларни тарбиялашда кандидатлик муддатининг роли ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида КПСС Уставига муҳим қўшимчалар киритилди. Бунда ана шу масалага ленинча ёндашув яққол намоён бўлди. В. И. Ленин 1919 йилнинг декабрида РКП(б)нинг Бутун Россия VIII конференциясида сўзга чиқиб, партияга кирувчиларни ғоят қаттиқ текшириш ва унинг сафига майда буржуа ва бутун пролетариатга тўғридан-тўғри душман элементларнинг суқилиб киришига мутлақо йўл қўймаслик зарурлигига алоҳида эътиборни қаратган эди. Владимир Ильич бундай деганди: «Партия ўз дарвозасини кенг очиб қўя олмайди, чунки капитализм чириётган бир даврда партия сафига ёмон элементларнинг кириб қолиши мутлақо муқаррардир. Партия йўлини шу даражада тор қилиб қўйиш керакки, у, ишчилар синфидан ташқарида бошқа синфларга мансуб бўлган шундай кишиларнигина ўз ичига олиши керакки, бу кишиларни у жуда эҳтиётлик билан синаш имконига эга бўлсин» (ТАТ, 39-том, 416-бет). Конференция партиянинг янги Уставини қабул қилди, унга мувофиқ партияга кирувчилар учун кандидатлик муддати биринчи маротаба жорий этилди.

Кейинги ўн беш йилда партиянинг социал базасида анча ўзгаришлар рўй берди. У бирмунча кенгайди ва совет жамияти социал бир хиллиги тобора барқарорлик касб этиши туфайли мустаҳкамланди.

70-йилларда ва 80-йиллар бошида республика партия ташкилоти ўсиши проблемасига ўтишдан олдин партия қурилишининг энг муҳим масалаларидан бирига тўхталишни истардик. Маълумки, партиянинг янги таҳрирдаги Программасида, Уставида КПСС ҳозирги пайтда умумхалқ партияси бўлиш билан бирга синфий моҳияти, идеологияси жиҳатидан ишчилар синфи партияси бўлиб қолмоқда, деб таъкидланган. Бу қоида партия сафларини шакллантиришда принципиал аҳамиятга эга. КПССнинг ўз социал составида ишчилар синфи етакчи ўрин тутиши, ишчилар ядросини оғишмай мустаҳкамлаш йўли партиянинг табиатан синфийлигидан, энг онгли, уюшқоқ, коммунистик идеалларни амалга оширишда собитқадам ҳисобланган ишчилар синфи таъсирини кучайтириш заруратидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ишчилар синфи КПССнинг асосий социал базаси ҳисобланади.

Хўш, 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошида Ўзбекистонда ана шу йўл қандай амалга оширилди? Статистик маълумотлар бу соҳада жиддий камчиликлар рўй берганлигини кўрсатади. Саноат, транспорт, алоқа, қурилиш анча тараққий этганлигига, ишчилар синфи сон жиҳатдан ўсганлигига қарамай ана шу тармоқларда коммунистлар салмоғи бир даражада қолаверган ва 31,8 процентни ташкил этган. Бу масалани умуман КПСС миқёсида олиб қарайдиган бўлсак халқ хўжалиги тармоқлари бўйича коммунистларнинг бирмунча бошқача тақсимланганини, яъни саноат, қурилиш, транспорт ва алоқада 1983 йилда коммунистлар 47,3 процент жамланганини кўрамиз.

В. И. Ленин уқтирган эди: «Шаҳар ва саноат пролетариати социал-демократик ишчилар партиямизнинг асосий ядроси бўлиши муқаррардир» (ТАТ, 11-том, 257-бет). «Ишчилар оммасига кўпроқ ишонч билдириш ва унинг орасидан куч топа билиш керак» (ТАТ, 37-том, 52-бет). Бунда Владимир Ильич жуда қисқа бир муддатда ишчи бўлиб олган, йирик саноатда ҳеч бир жиддий мактабдан ўтмаган кишиларнинг партияга кириб қолишидан хавотирланган эди (ТАТ, 45-том, 21-бетга қаралсин).

Ўзбекистонда эса 70-йиллар ва 80-йилларнинг бошида йирик саноатда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий тобланиш мактабидан ўтган ишчиларни партияга қабул қилишга етарли эътибор берилмади. Ҳолбуки республикадаги 1600 дан зиёдроқ ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналарида индустриал ишчиларнинг улкан армияси мавжуд.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқларда коммунистлар салмоғи ошганлиги кўзга ташланади. 1976 йилда бу соҳаларда улар 25,8 процентни ташкил этган бўлса, 1986 йилда 27,4 процентга етди. Давлат, хўжаликни бошқарув органларида, партия ва жамоат ташкилотлари аппаратида ҳам ўсиш (7,1 процентдан 9,5 процентгача) рўй берди. Ана шу кўрсаткичларни ҳам таққослайдиган бўлсак, масалан, Украина Компартиясида бошқарув соҳасида коммунистлар салмоғи 1981 йилга келиб 70-йиллардагига нисбатан камайди ва 7,6 процентни ташкил этди.

Коммунистик партия аввалгидек ҳозир ҳам деҳқонлар ва зиёлиларнинг энг яхши вакилларини қабул қилишга катта эътибор бермоқда, ўз сафларида улар ҳам ишчилар синфи билан елкама-елка туриб коммунизм учун кураш олиб боришларидан беҳад манфаатдор эканлигини намойиш этмоқда.

Вужудга келган аҳволни тузатиш мақсадида, бизнинг фикримизча, партияга аввало йирик саноат корхоналарининг ижтимоий-сиёсий, ишлаб чиқариш мактабини ўтган ишчиларини қабул қилишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бу эса халқ хўжалигида фан-техника тараққиётини белгиловчи тармоқларда коммунистлар салмоғининг ошувига, иқтисодий ва социал муаммоларни ҳал этишга партиявий таъсирни кучайтиришга имкон яратган бўлур эди. Иккинчидан, фан, маориф, маданият ва санъат муассасаларида ҳам партиявий қатламни ўстириш муҳим, чунки мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш муаммоларини ҳал этиш кўп жиҳатдан илмий тадқиқотларнинг юксак самарадорлигига, ҳар бир совет кишисида актив ҳаётий позицияни шакллантиришга боғлиқ. Учинчидан, партия бошқарув аппаратини қисқартириш, бошқарув механизмини такомиллаштириш, бу соҳадаги ходимларда билимдонлик, ишчанлик ва масъулият ҳиссини

бутун чоралар билан авж олдириш ҳисобига раҳбарлик савиясини ошириш йўлини тутаётган шароитда бошқарув ходимларини КПССга қабул қилишни бирмунча қисқартириш зарурати туғилмоқда.

Маълумки, коммунистлар активлигини ошириш кўп жиҳатдан партияга қабулни яхшилашга боғлиқ. КПСС аъзолари ва аъзоликка кандидатларнинг авангардлик роли жамиятимиз социал-сиёсий ва иқтисодий жараёнларига, меҳнаткашлар тарбиясига самарали таъсир кўрсатишнинг муҳим воситасидир. Партия раҳбарлигининг асосий методи — сўз, иш, шахсий ибрат воситасида ишонтира билиш худди ана шунда ўз ифодасини топади. В. И. Ленин таъкидлаганидек, «агар коммунистлар... пролетариат революциясининг ривожланишини ва унинг ғалабасини ҳаммадан юқори қўя олишларини, унинг учун энг оғир қурбонлар беришдан ҳам қайтмасликларини амалда иш билан исбот қилолмас эканлар, ҳеч қандай программанинг ва энг тантанали гапларнинг ҳам бир чақалик қиммати бўлмайди» (ТАТ, 41-том, 201-бет).

Партия ўз сафидаги ҳар бир аъзо коммунизм қурувчиларининг олдинги қаторида боришига, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш программасини бажариш учун курашда, кенг авж олган қайта қуришда сўзда эмас, конкрет ишлар билан иштирок этишига эришишни мақсад қилиб қўймоқда. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида кўрсатиб ўтилганидек, ҳар бир коммунист ҳаётни олға томон силжитадиган, меҳнат самарадорлигини оширадиган амалий ҳаракатларнинг жуда катта аҳамиятини англаб етмайдиган бўлса, ҳеч қандай бурилиш бўлиши мумкин эмас Коммунистнинг авангардлик роли умуман бўлмайди, у амалий ишларда ифодаланади.

Партия ўзининг XXVII съездидан сўнг қайта қуришнинг моҳиятини, унинг мақсадлари ва вазифаларини тушунтириш учун катта ишни авж олдириб юборди, токи ҳар бир совет кишиси уни англаб олсин, унинг зарурлигини билиб олсин ва шунга мувофиқ ўз ҳаётини, фикрлашини, ҳаракатларини ҳам қайта қурсин, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг конкрет вазифаларини ҳал этишга янгича ёндашишларни изласин. Қайта қуриш қатъият касб этиши, социалистик тузумимиз замиридаги катта кучларни ҳаракатга келтириши муҳимдир. Қайта қуриш бир кунлик, бир дақиқалик воқеа эмас, балки маълум тарихий давр доирасида кечадиган жараёндир. Меҳнаткашларнинг тобора кенг оммаси бу жараёнга амалий тарзда қўшилмоқда. Ўзгаришлар жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олди. Бироқ ҳамма ҳам қайта қуриш нима эканлигини ҳали англаб етганича йўқ, унга қаршилик кўрсатаётганлар, эскича яшашга интилаётганлар ҳам бор.

Кенг ошкоравийлик, мамлакатимиз ҳаётининг долзарб муаммоларини очиқ-ойдин муҳокама этиш қайта қуришни муваффақиятли амалга оширишнинг зарур шартидир. Бу жамиятда янгича муҳитни яратади. Муҳокамалар, мунозаралар, қарашлар ва нуқтаи назарларни таққослаш, мулоҳазалар юритиш орқали кишилар нарсаларни янгича тушунадилар.

Партияга мансублик мамлакатда амалга оширилаётган барча ишлар учун коммунистик қурилиш, ижтимоий тараққиёт тақдири учун масъулият ҳиссини янада кучайтиради. Ҳар бир коммунист меҳнатда ва хулқ-атворда, ижтимоий ва шахсий ҳаётда ўрнак кўрсатмоғи зарур. Партиянинг омма билан мустаҳкам алоқаси, унинг халқ орасидаги обрў-эътибори кўп жиҳатдан коммунистларнинг авангардлик роли нақадар тўлароқ намоён бўлишига боғлиқ. «Партия ҳар бир коммунистдан ўз бурчига, партия аъзосининг ҳалол ва мусаффо қиёфасига нисбатан талабчанликни муттасил ошираверади, унга иши ва хатти-ҳаракатига қараб баҳо беради», дейилади КПСС Программасида. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йилнинг октябрида Краснодар ва Ставрополь ўлкалари меҳнаткашлари билан учрашувлари пайтида таъкидлаб ўтганидек, коммунистга нисбатан талаб икки чандон ошади. Мамлакатда амалга ошириш кўзда тутилаётган ишлар аввало улардан бошланади, шунинг учун ҳам андак бўлса-да фаолиятсизлик ва турғунликка мутлақо йўл қўйиш мумкин эмас.

Активлик ўз моҳиятига кўра коммунистлар ва партиясиз меҳнаткашларга

баб-баравар тааллуқли умумий ҳодисадир. Шу билан бирга коммунистлар активлиги алоҳида хусусиятга эга, у кўпроқ барқарор бўлиб, чуқур ғоявий эътиқодга, сиёсий етукликка, ижтимоий тараққиёт қонунларини билишга, партия планларини сўзсиз бажариш заруратини, ижтимоий манфаатлар билан шахсий манфаатлар ажралмаслигини англашга, коллектив учун масъулият ҳисси ривожланган бўлишига таянади.

Активликнинг намоён бўлиши мазмуни ва шакллари коммунистик қурилиш конкрет босқичининг хусусиятларига, унинг ўзига хос вазифаларига узвий боғлиқдир. Коммунистлар ҳамиша қаҳрамонона ва фидокорона меҳнат намуналарини кўрсатадилар. Улар Чернобиль АЭСида рўй берган авария оқибатларига қарши кураш вақтида ана шундай фазилатларни намойиш этдилар. Станция коммунистлари ўз ҳаётлари учун хавфли шароитларда ҳам қўлларидан келган, имкони бўлган ҳамма ишни қилдилар. У ерда ўтказилган цех партия йиғилишларида партия аъзоларидан кўпчилигининг мардона ҳаракатларига юксак баҳо берилди. Ўша қийин кунларда партия аъзолигига кандидатликка қабул қилиш ҳақида партия комитетига ўнлаб аризалар тушди.

Партия XXVII съезди қарорлари КПСС аъзолари активлигини ўстиришнинг қудратли омили бўлди. Коммунистлар авангардлик ролининг оширилишига партия ички муносабатлари бутун системаси таъсири, партия ташкилотларининг, аввало бошланғич ташкилотларнинг аниқ мақсадни кўзлаб олиб бораётган кундалик ишлари туфайли эришилади.

Шунинг учун КПССнинг марказий ва маҳаллий органлари партия қуйи бўғинларига доимий эътибор бериб келмоқдалар. Ҳозир Ўзбекистон Компартиясида 640 мингдан зиёд коммунист бўлиб, улар 21 мингдан кўпроқ бошланғич партия ташкилотларига бирлашган. Республиканинг катта ёшдаги аҳолиси орасида коммунистлар қатлами қарийб 8 процентни ташкил этади. 1986 йилда халқ хўжалигида банд бўлган коммунистларнинг тўртдан уч қисми моддий ишлаб чиқаришда меҳнат қилди.

Афсуски, кўпгина партия ташкилотларида пассив ва актив коммунистлар шундайгина ёнма-ён яшаб, ишлаб келмоқдалар. Хўш, бунинг боиси нимада? Ахир КПСС сафига ўтиш пайтида ҳар бир киши партия сиёсатини куч-ғайрат билан амалга оширишга ишонтиради-ку! Бироқ сўнгра баъзиларнинг сўзи билан иши мос келмай қолади. Бунинг сабаблари кўп. Лекин энг асосийлари ана шу партия ташкилотларида тарбиявий ишлар етарли эмаслиги, ҳар бир КПСС аъзосига нисбатан зарур даражадаги талабчанликнинг йўқлиги бўлса керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумида ва республика Коммунистик партиясининг XXI съездида партия ташкилотлари ролини ва жанговарлигини, коммунистлар масъулиятини оширишга, кадрлар билан ишлашни яхшилашга ғоят катта эътибор берилгани тасодифий эмас.

Партия органлари бошланғич партия ташкилотлари фаолиятининг турли жиҳатларига доир масалаларни мунтазам қараб чиқмоқдалар, иш мазмунини бойитиш, меҳнат коллективларининг сиёсий ўзаги сифатидаги бурчларини самаралироқ бажаришларида уларга ёрдам кўрсатмоқдалар. КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ҳужжатларида коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда уларнинг биринчи даражали роли таъкидлаб ўтилди.

Бошланғич партия ташкилотлари жанговарлиги кўриги қайта қуриш ва ишлаб чиқаришни интенсивлаш, ижтимоий-сиёсий ҳаётда коммунистлар активлигини оширишнинг самарали иш шаклларидан биридир. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад ва вазифалар бошланғич, цех партия ташкилотлари, партия группалари, ҳар бир коммунистнинг фаолиятини чуқур ўрганиш ҳамда баҳолаш, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш шароитларида уларнинг ишини яхшилаш йўлларини белгилашдан иборат. Коммунистлар билан яккама-якка суҳбатлашиш жараёнида мавжуд камчиликлар, резервлар аниқланади, партия бюролари, партия комитетларининг ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишларини яхшилашга доир фикр-мулоҳазалар, таклифлар ҳисобга олинади.

Кўрикни ўтказиш пухта тайёргарликни, унга расмиятчилик билан қарашга

мутлақо йўл қўймасликни талаб этади. Тошкентдаги «Миконд» заводи партия ташкилоти бу тадбирни ўтказишга биринчилардан бўлиб киришганди. Иш ёмон бошланмади, аммо бора-бора бўшашиб кетди, расмиятчилик кўринишлари кўзга ташланиб қолди. Тошкент шаҳар партия комитети заводдаги ишлар аҳволини ўрганиб чиқди ва партия комитети кескин танқид қилинди. Аммо шундан кейин бошланғич партия ташкилотига ёрдам кўрсатилмади. Аслида эса у ёрдамга муҳтож эди, чунки жанговарлик кўриги янги иш бўлиб, шаҳар ва район партия комитетларининг доимий назорати остида туриши, улар бундан бевосита манфаатдор бўлишлари зарур.

Коммунистларни партиянинг фаол жангчилари қилиб тарбиялашда, коллектив раҳбарликни таъминлашда партия йиғилишлари муҳим ўрин тутишини тажриба кўрсатиб турибди. Коммунистлар бундай йиғилишларида сиёсий масалаларни, партиянинг, унинг раҳбар органлари ва ўз ташкилотлари амалий фаолиятини эркин муҳокама этиш, таклифлар киритиш, камчиликларни танқид қилиш соҳасидаги ҳуқуқларидан фойдалана оладилар. КПСС XXVII съезди партия йиғилишлари ролини янада ошириш, уларни ўтказишда ташкилий жиҳатга берилиб кетишни бартараф этиш зарурлигини таъкидлади.

Кейинги пайтларда йиғилишларни ўтказиш тажрибаси бойиди. Партия ташкилотлари кун тартибини танлашда ҳаётдан, коллектив ҳал этадиган конкрет вазифалардан келиб чиқиш, социал-иқтисодий тараққиёт планларини, илгари қабул қилинган қарорлар ва берилган тавсияларни ҳисобга олиш муҳим. Йиғилиш муваффақияти кўпгина омилларга боғлиқ. Шулардан бири — доклад сифати. Энг ёмони унинг чўзилиб кетиши, конкрет бўлмаслигидир. Коммунистларни ўз фикрлари ва таклифларини лўнда ва қисқа баён қилишга ўргатиш керак. Айрим партия ташкилотларида уларнинг нутқлари тексти аввалдан сўраб олинади, уларни таҳрир қилишга уринишади. Бундай ҳолларда партия аъзолари ўз фикрларини эркин изҳор этиш имконидан амалда маҳрум бўлиб қоладилар. Бу эса одамлар активлигини ўстиришга халақит беради, албатта.

Партия йиғилишининг таъсирчанлиги кўп жиҳатдан унда қабул қилинадиган қарорга боғлиқ. Агар у кўрилган масалани чуқур ва ҳар томонлама муҳокама этилганига асосланса, қимматли ҳамма таклифларни ҳисобга олса, конкрет тусда бўлса, долзарб масалаларни амалга оширишга қаратилган бўлса, сафарбар этувчилик кучини касб этади, коммунистлар активлигини ўстиришга хизмат қилади. Мабодо қарор ҳеч кимнинг зиммасига бирор масъулият ёки вазифа юкламайдиган умумий тарздаги икки-уч банддан (бунақаси тез-тез учрайди) иборат бўлса, коммунистлар тушунчасида бирор бир сезиларли из қолдирмайди, уларда масъулиятсизлик ҳиссини вужудга келтиради, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини пасайтиради. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, партия қарорлари қабул қилингандан сўнг жонли ташкилотчилик ишлари авж олдирилган, ижрони назорат қилиш ва текшириш моҳирона йўлга қўйилган тақдирдагина уларнинг таъсирчанлиги таъминланади. КПСС XXVII съезди қабул қилинган қарорларнинг ижросини назорат қилиш ва текширишни такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берди. Марказий Комитетнинг Сиёсий доклади юзасидан қабул қилинган резолюцияда биз олға томон ҳаракат қилганимиз сари назоратни уюштириш бутун ишимизда катта салмоққа эга бўлиши кераклиги кўрсатиб ўтилган.

Партия барча партия ташкилотларида ижрони текшириш ёзма ҳисоботлар ва справкаларга қараб эмас, бевосита жойнинг ўзида йўлга қўйилиши, уларни бажаришга жавобгар кишиларнинг конкрет ишлари таҳлил этилиши, ижрони назорат қилиш ва ташкил этиш ягона жараён бўлишига ундамоқда.

Бошланғич партия ташкилотларида ижрони назорат қилиш ва текширишни пухта уюштириш ғоят улкан аҳамиятга эга. Уларнинг кўпчилигида маълум бир система қарор топган: баъзиларида қабул қилинадиган қарорларни ва уларнинг бажарилиши қандай бораётганини ҳисобга олувчи карточкалар, бошқаларида эса журналлар юритилади. Назоратнинг бундай шакли муваффақият қозонишининг муқаррар шарти — қабул қилинган қарорлар ижроси хусусида партия йиғилишларида ахборот бериш, топширилган иш учун жавобгар коммунистларнинг ҳисоботларини муҳокама этишдир.

Ижрони назорат қилиш ва текширишдан моҳирона фойдаланиш бошланғич партия ташкилотларига коммунистларда, жумладан раҳбар кадрларда юксак ишчанлик, сиёсий ва маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришга фаол таъсир кўрсатиш, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар ҳар бир кишини эътибор марказида тутиш имконини яратади. Бу эса одамларнинг интизомли бўлишларига, ленинча иш услубини эгаллашларига ёрдам беради.

КПСС XXVII съезди кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда, партия ҳамда давлат интизомини мустаҳкамлаш учун курашда бошланғич партия ташкилотлари ролини оширишни талаб қилди. Партия Уставини, коммунистик ахлоқ нормаларини бузганлиги учун, қайси лавозимни эгаллаб турган бўлмасин, ҳар бир коммунистдан жиддий талаб қилиш ҳар бир партия ташкилоти ҳаётининг оғишмай риоя қилинадиган қоидаси бўлсин.

Партия топшириқлари коммунистларни ишга фаол жалб этишнинг синалган воситасидир. Кўпгина партия ташкилотлари бундай топшириқларни тақсимлашга оқилона ёндашмоқдалар. КПСС аъзоларининг ҳаммасини жамоат ишларини олиб боришга жалб этмоқдалар.

Маълумки, танқид ва ўз-ўзини танқид масалалари партия XXVII съезди ишида марказий ўринлардан бирини эгаллади. Айрим партия ташкилотлари фаолиятидаги жиддий камчиликлар кўп жиҳатдан улар танқид доирасидан чиқиб қолганликлари оқибатида рўй бергани кўрсатиб ўтилди. Съезд бундан буён партияда назоратдан четда қоладиган, танқид эшиги ёпиб қўйиладиган бирорта ташкилот бўлмаслигини талаб қилди.

Шуни айтиш кераккки, танқидий мулоҳазаларни объектив тарзда, ўз вақтида қараб чиқиш у ёки бу масалани ҳал этиш, камчиликларни тугатиш имконини бериб гина қолмай, коммунистлар активлигини оширишга, ходимларни тўғри тарбиялашга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Уларда юксак ғоявий ва маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантириш ҳам шунга кўмаклашади. КПСС XXVII съезди партия ташкилотларидан коммунистларнинг сиёсий ўқиши, марксизм-ленинизмни чуқур эгаллашлари, олинган билимлар уларнинг эътиқодларига айланиши, партия планларини рўёбга чиқариш учун курашда намоён бўлиши зарурлигини талаб этди.

КПСС XXVII съезди ҳужжатларида раҳбар кадрларнинг ғоявий-тарбиявий ишларда иштирок қилишларига бу тадбирларнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти сифатида қаралади. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ҳам идеологик фаолиятга катта эътибор берди, республика Компартиясининг III пленуми (1986 йил октябрь) шу масалага бағишланди, унда кўпгина камчиликлар очиб ташланди ва уларни бартараф қилиш йўллари ҳамда воситалари белгиланди. Пленумда одамларни тарбиялашда раҳбарлар иштирокининг аҳамияти ҳақида ҳам сўз юритилди.

Бугунги кунда ягона сиёсий кунлар билан бир қаторда ғоявий-сиёсий ишларнинг бошқа қизиқарли шакллари ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин. Масалан, хўжалик раҳбарлари хузурида ўтказилаётган идеологик планёркалар яхши иш бермоқда. Бундай тадбир Чирчиқ шаҳри, Ўзбекистоннинг бошқа баъзи шаҳар ва районларидаги саноат корхоналарида моҳирона уюштирилмоқда. Планёркалар давомида корхоналарнинг раҳбарлари нафақат хўжалик, шу билан бирга тарбиявий масалаларни ҳам муҳокама этмоқдалар. Бу эса, фикримизча, ташкилотчилик, хўжалик, ғоявий-ахлоқий ишлар бирлигини таъминлайди. Ана шу қимматли тажрибани умумлаштириш, уни кенг ёйиш мақсадида тавсиялар ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Шундай қилиб, КПССнинг раҳбарлик роли ошаётгани партия состави сифатини яхшилашни, коммунистларнинг авангардлик ролини ўстиришни, уларнинг шахсий ибрати аҳамиятини кучайтиришни кўзда тутади. Бу эса барча меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантиришга ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Партия худди ана шу йўл билан, миллионлар ташаббусига таянган ҳолда ўн иккинчи беш йилликнинг тиғиз планлари, қўйилган барча вазифаларнинг бажарилишини таъминлай олади.

АГРОСАНОАТ БИРЛАШМАСИГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

Г. ҲАМИДОВА,
профессор

Ю. ДАДАБОЕВ, М. ҲАМИДОВ,
иктисод фанлари кандидатлари

НАМАНГАН РАЙОН экономикасининг аграр сектори меҳнатчилари партия ташкилоти раҳбарлигида мамлакат Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасида юксак кўрсаткичларга эришиб келмоқдалар. 1982 йилдагига — КПСС Марказий Комитетининг май Пленумида шу Программа қабул қилинган даврдагига қараганда қиймат ҳисобида олганда қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти ўн биринчи беш йилликнинг охирги йилида 5,5 миллион сўмлик ёки 1,5 баравар кўпайди. Бу ерда меҳнат унумдорлиги ҳамиша иш ҳақининг ўсиш суръатидан ўзиб боряпти. Пахта ҳосилдорлиги ўтган беш йилликда гектар бошига 5,1 центнерга юксалиб, ўрта ҳисобда, 40,1 центнерни ташкил қилди. Район пахта тайёрлаш беш йиллик планини 109 процент бажарди. Бу ерда ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йили якунлари бўйича ҳам яхши натижаларга эришилди.

Умуман районда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барча тармоқларини ривожлантиришдан олинаётган даромадлар кескин кўпайди. Масалан, кейинги ўн йил мобайнида ялпи даромад 21,6 миллион сўмдан 58,4 миллион сўмгача, жумладан деҳқончиликда 18,7 миллион сўмдан 43,1 миллион сўмгача, чорвачиликда — 2,6 миллион сўмдан 8,5 миллион сўмгача кўпайди. 100 гектар экинзор ҳисобига 1985 йилда 243 минг сўм ёки 1975 йилдагига қараганда 109 минг сўм кирим олинди. Соф даромад 1980 йилда 8,7 миллион сўм бўлган бўлса, 1985 йилда 14,7 миллион сўмни ташкил қилди. 1985 йил ва ўн биринчи беш йиллик якунларига кўра Наманган райони КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди.

Бу муваффақиятлар тасодифий бўлмасдан, КПСС аграр сиёсатини омилкорлик билан амалга ошира бориш, агросаноат комплексини бошқаришни муттасил такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини яхшилаш натижасидир. Агросаноат бирлашмасининг тузилиши районда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча соҳаларини ривожлантиришда муҳим роль ўйнади. Барча колхоз ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналар, қурилиш, сув хўжалиги, тайёрлов ва ҳоказо ташкилотлар, сельхозтехника, сельхозхимия район бирлашмалари ва бошқалар унинг таркибига кирди. Кўп тармоқли хўжаликка раҳбарлик қилишни уйғунлаштириб туриш учун 27 кишидан иборат РАПО Совети тузилди.

РАПО ташкил топиши биланоқ район партия комитети Озиқ-овқат программасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган масалаларни ўзининг эътибор марказига қўйди. Район партия комитети аграр секторни такомиллаштиришни унинг барча хизматларини, колхоз ва совхозларни, корхоналар ва ташкилотларни тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлашдан бошлади. Район агросаноат бирлашмаси Совети составига ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, қишлоқ хўжалигини яхши биладиган мутахассислар киритилди.

Ҳозир колхоз ва совхозларнинг барча раҳбарлари, мутахассислари олий маълумотга эга. Бўлимлар, бригадалар ва фермаларга асосан махсус маълумотли кишилар бошчилик қилишяпти. Ҳар йили раҳбар ходимларнинг катта группаси Тошкент қишлоқ хўжалик институти ва Андижон пахтачилик институти қошидаги курсларда малака ошириб қайтадилар.

Барча колхоз ва совхозлар оммавий касб кадрлари: механизаторлар, сувчилар, машинада сут соғиш операторлари билан деярли тўлиқ таъминланган. Механизаторларнинг класслилиги 1975 йилдагига қараганда икки баравар ошди. Ҳозир районда биринчи ва иккинчи класс тракторчи-машинистлар улар умумий сонининг 85 процентга яқинини ташкил қилади. Ҳар йили 120—130 киши ўз класслилигини оширмоқда.

Район партия комитети ишлаб чиқаришнинг энг муҳим участкаларини истиқболли ёш ходимлар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб, уларни тайёрлаш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиб келяпти. Шу мақсадда ўрта мактабларни, қишлоқ ҳунар-техника билим юртларини битирувчилар билан хўжаликлар, корхоналар ва муассасаларнинг раҳбарлари иштирокида суҳбатлар ўтказиб турилади. Шу ёшлардан энг муносиблари танланиб, хўжаликлар учун зарур ихтисосларга эга бўлишлари учун олий ўқув юртларига юборилади. 1985 йилда хўжаликлардан стипендия олиб республиканинг турли олий ўқув юртларида таҳсил кўраётган район ёшлари 37 кишини ташкил қилди. Бўлажак ёш мутахассислар билан доимий алоқа боғлаб турилади.

Районда ҳар йили қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, интенсив технологияларни жорий этиш проблемалари юзасидан илмий-амалий конференциялар ўтказиб турилади.

Район партия комитети агросаноат комплекси раҳбарлари ва мутахассисларининг масъулиятини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Бу ерда ўрта бўғин кадрлари ўқуви, улар малакасини ошириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилади. Масалан, ҳозир ўрта бўғин раҳбарларидан 80 дан зиёд киши республикамиздаги қишлоқ хўжалик олий ўқув юртларида сиртдан таълим олмоқда. Свердлов номли колхоз базасида бригадирлар ва фермаларнинг раҳбарлари иштирокида бригада пудратини жорий этишга бағишлаб уч кунлик семинар ўтказилди. Семинарда район партия комитети бюросининг аъзолари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари, мутахассислар сўзга чиқдилар. «Коммунизм» колхози чорвачилик комплексида ҳам шундай семинар бўлиб ўтди.

Район партия комитети РАПО Советининг иш услубини яхшилашга катта эътибор беряпти, унинг эътиборини мажлисларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг, пахта, дон, сут, гўшт ва деҳқончилик ҳамда чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни кўпайтиришнинг энг муҳим масалалари чуқур ва принципиал равишда қараб чиқилиши лозимлигига қаратмоқда.

Хўжаликларнинг сельхозтехника, сельхозхимия ва қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро ҳисоб-китобларини контрол қилиб борувчи РАПО комиссияси аъзолари пухта текшириш натижасида машина-мелиоратив отряд (ММО) раҳбарлари мавжуд тартиб-қоидаларни қўпол равишда бузганликларини аниқладилар. ММО мутахассислари Охунбобоев номли, «Қизил байроқ» ва баъзи бошқа колхозларда бажарилган иш ҳажми учун ниҳоятда юқори ҳақ талаб қилиб, анчагина ортиқча пул ундиришга эришган эканлар. РАПО Совети айбдорларни қаттиқ жазолади. ММО бошлиғи вазифасидан бўшатилиб, қонунсиз олинган пуллар хўжаликларга қайтариб берилди.

«Самарқанд» ва «Шербулоқ» совхозларида меҳнат интизомининг аҳволи пухта ўрганиб чиқилди. Транспорт воситалари йўқлигидан кўпгина ишчилар далага, фермаларга, устахона ва гаражларга, бошқа ишлаб чиқариш участкаларига кечикиб ишга чиқаётганлиги аниқланди. РАПО-нинг махсус комиссияси чуқур ва ҳар томонлама текширишдан кейин совхозларга сельхозтехника фондидан автобуслар ажратиш зарур, деган

таклифни киритди. РАПО Совети бу қарорни тасдиқлади. Ўз навбатида совхозларнинг раҳбарлари автобусларнинг иш жойларига бориб-келишларини кўрсатиб аниқ график тузиб чиқдилар, натижада меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари барҳам топди.

РАПОнинг бутун райондаги чорвачилик фермалари ишини контрол қилувчи комиссияси аъзолари «Қизил байроқ» колхозида молларга озуқа тайёрлаш қониқарсиз аҳволда эканлигини аниқладилар. Ихтисослаштирилган цех йўқлиги бунга асосий сабаб бўлиб келарди. РАПО Совети мазкур хўжаликка зарур пул маблағлари, фонд материаллари ажратишга қарор қилди. Ишларни бажариш райондаги кўчма механизациялашган қурилиш ташкилоти зиммасига юклатилди. Бу ташкилот коллективи қисқа муддатда озуқа цехини бунёд этиш билан бир пайтда фермалар яқинида силос ўраларини тайёрлаб берди, айрим молхоналарни ремонтдан чиқарди. Шу тадбирлар натижасида «Қизил байроқ» колхозида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш 1985 йилда 1984 йилдагига нисбатан 30 процент кўпайди ва бундай юксалиш давом этяпти.

Давлат банки бўлимида РАПО ҳисобида ҳозир бир миллион сўмга яқин марказлашган фонд мавжуд. РАПО Совети колхозлар, совхозлар, бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг қурилиш материалларига бўлган кескин муҳтожлигини ҳисобга олиб, йилига 20 миллион дона ғишт етказиб бериш қувватига эга бўлган ғишт заводи қуриш тўғрисида қарор қабул қилди.

Агросаноат бирлашмаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга биринчи даражали эътибор бериб келмоқда. Ўн биринчи беш йилликда сув хўжалиги қурилишига 11 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланди. Шунинг эвазига 882 гектар ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. 2311 гектар ерда асосий текислаш ўтказилди. Суғориш новлари янада узайтирилди, 450 та вертикал дренаж қудуғи қазилди, бунинг натижасида 3840 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

Қўқимбой ва Шербулоқ тоғ массивларида мева-узумчилик ҳамда чорвачилик йўналишидаги иккита совхоз ташкил этилди. Шу хўжаликларни сув билан таъминлаш мақсадида Катта Наманган каналидан сув кўтариб берувчи Дегрезлик насос станцияси қурилди. Унинг ёрдамида 2 минг гектардан кўпроқ ер суғорилмоқда.

Биргина 1985 йилнинг ўзида районда ирригация ва мелиорация қурилишига 3,2 миллион сўм ажратилди.

Бу ерда ғўзани парваришлаш ва пахта ҳосилини йиғиб-териб олишни комплекс механизациялаш тўғрисида жиддий жон куйдирадилар. Районда ПЛ-3-3,5 плуги ёрдамида ерларни 40—45 сантиметр чуқурликда икки қатламлаб шудгор қилинмоқда. Чигит асосан кенг қаторлаб пуштага экилади.

Олимлар ва амалиётчилар фикрига кўра, чигитни пуштага экишга мўлжаллаб тупроқни тайёрлаш технологияси ҳайдаладиган қатламнинг энг мақбул даражада жойлашишини таъминлаб, тупроқ ҳароратини 0,9—3,1 даража оширади. Бу чигитнинг тез ва бўлиқ униб чиқишига, тўлиқ кўчат олишга имкон яратади. Тупроқни тайёрлашнинг бундай технологияси оптимал муддатлардан ҳам 3—5 кун илгари чигит экишга киришиш, шунингдек белгиланган чигит миқдорига қараб аниқ уялаб экишни кенг жорий этиш учун ҳам қулай шарт-шароит туғдирадики, бу хўжаликларни ортиқча чигит сарфлашдан халос қилади, яганалаш пайтида меҳнат сарфини камайтиради.

Район партия комитети ана шу афзалликларни ҳисоб-китоб қилиб кўргач, бошланғич партия ташкилотлари, коммунистлар орқали янги технологияни актив пропаганда қилишга киришди. Натижада чигитни пуштага экиш ҳозир кенг жорий этилмоқда.

Умуман олганда район партия комитетининг қатъий позицияси шарофати билан хўжалик юритиш анча пухта ва режали бўлиб қолди. Бу ерда ҳозирги кун талабларига жавоб берадиган барча илғор методларни жорий этишга ҳаракат қиляптилар. Масалан, илгари зараркунандаларга

карши курашда, дефолиация қилишда қишлоқ хўжалик авиацияси қўлланиларди, бу эса атроф муҳитга катта зарар етказарди. Эндиликда партия ташкилотлари раҳбарлигида ана шу операцияларни ерда юрадиган техника ёрдамида бажариш йўлидан бориляпти.

Ерларни ўғитлашдан, экинларга ишлов беришдан тортиб то ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган барча ишларни комплекс механизациялаш иши қатъий, режали характер касб этди. Ғўза кўсакларининг 65—75 проценти очилгандан кейингина машиналар теримга тушади. Ҳар бир колхоз ва совхозда терим-транспорт комплекслари ташкил этилади. Уларнинг кўпчилигида партия группалари тузилади. Ана шу комплексларда ишнинг яхши ташкил этилиши коммунистлар хизматидир. Далаларни теримга тайёрлаш, йиғим-терим, отрядга техника хизмати кўрсатиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш ишлари шу комплексларга киритилади.

Районда меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш қўлланилмокда. Йил охирида колхозчиларга пландан ташқари етиштирилган маҳсулот қийматининг 40 проценти микдорида қўшимча ҳақ тўланади. Қатор ораларига сифатли ишлов берганлиги, пахтадан мўл ҳосил олганлиги, план ва социалистик мажбуриятларни бажарганлиги учун колхозчиларга маошининг 30 проценти микдорида қўшимча ҳақ берилади. Пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва нобудгарчиликсиз йиғиб-териб олганлиги учун механик-ҳайдовчилар тариф ставкасининг 30 проценти микдорида устама ҳақ оладилар.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш маҳсулот бирлигига меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш имконини беради. Чунончи, 1985 йилда туксизлантирилган чигитни аниқ микдорда ташлаб экишдан 244 минг сўм, кенг қаторлаб экишдан 594,4 минг сўм, ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилишдан 21 минг сўм, ҳосилни машинада теришдан 184 минг сўм тежаб қолинди. Ерларни икки қатламлаб шудгор қилиш натижасида эса 638,2 минг сўм фойдага қолди.

Комплекс механизация тайёрланаётган пахта сифатини оширишга ҳам имкон беряпти. Масалан, 1983 йилда пахтанинг 68,7 проценти биринчи сортга сотилган бўлса, 1985 йилда ҳосилнинг 80 процентга яқини биринчи сортга, салкам 9 проценти иккинчи сортга топширилди. 1986 йилда ҳам биринчи навли пахта микдори анча салмоқли бўлди.

Район партия ташкилоти тупроқ унумдорлигини оширишга жуда катта таъсир кўрсатадиган пахта-беда алмашлаб экишни жорий этиш соҳасида астойдил иш олиб боряпти. Бу чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базасини яратишга ҳам имкон беради.

Район хўжаликларида рапс, перко, жавдар, лавлаги, силос учун маккажўхори сингари такрорий ва оралиқ экинларини экиш кенг қўлланилмокда. Шу тарика ҳар гектар ер ҳисобига кўпроқ озуқа бирлиги олиш асосида молларни дағал ва ширали ем-хашак билан бутун йил давомида рационал равишда озиқлантириб боришни йўлга қўйиш мумкин бўлади. Масалан, С. Орджоникидзе номли колхозда гектарига 210 центнер беда пояси, 85 центнер дон учун маккажўхори, 550 центнер силосбоп маккажўхори, 700 центнер лавлаги ва 342 центнер оралиқ экинлар етиштиришяпти. Шу йўл билан хўжаликда чорвачилик учун мустаҳкам озуқа базаси яратилдики, бунинг натижасида 1985 йилда 1980 йилдагига нисбатан 15 процент кўп гўшт, 24 процент кўп сут етиштирилди.

Агросаноат комплексида химия хизматига муҳим ўрин ажратилади. Район партия комитети бу ишда фаннинг энг сўнгги янгиликлари айниқса пухта ҳисобга олиниши лозимлигига РАПО раҳбарлари диққатини қаратиб келмоқда. Район агрохимиклари Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг Фарғона филиали олимлари билан мустаҳкам алоқа боғлаб турибдилар, олимлар фан ва илғор практиканинг ютуқларини ишга солишга ёрдам беришяпти. Масалан, филиал доцентлари И. ва Э. Исмоиловлар Охунбобоев номли совхозда минерал ўғитлардан фойдаланишнинг самарали методларини жорий этдилар, агрохимия хизматини илмий асосга қўйдилар.

Район партия ташкилоти коллектив пудратни жорий этиш сингари муҳим йўналишни ҳам контролга олган. РАПО план бўлимининг комиссияси деҳқончилик ва чорвачиликда меҳнатни ташкил этиш ҳамда унга ҳақ тўлашни такомиллаштиришга доир тавсиялар ишлаб чиқди. Ҳозир пахтачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, озуқа етиштиришда ва чорвачиликда юзлаб коллективлар меҳнатга нарядсиз ҳақ тўлаш системаси асосида ишлашяпти. Оддий анализ ҳам бу системанинг фойдали эканлигини тўлиқ кўрсатиб турибди. Бинобарин, коллектив пудрат асосида ишлаётган бригадаларда пахта ҳосилдорлиги анча юқори, маҳсулот таннархи арзон, ҳар бир ишловчи оладиган иш ҳақи эса анча кўп бўляпти.

Колхоз ва совхозларнинг Наманган шаҳридаги сут заводи билан бевосита алоқа ўрнатиши ҳам РАПОнинг хизматидир. Эндиликда бутун райондаги бевосита сут-товар фермаларидан сут ана шу корхона транспортида ташиб келтирилади. Сутнинг сифати ўз жойида ҳар иккала томон вакили иштирокида аниқланади.

Агросаноат бирлашмаларининг ташкил этилганлиги иқтисодий жиҳатдан асосланган зарур одим эканлигини давр кўрсатиб турибди. Эндиликда моддий ва меҳнат ресурсларидан янада рационал фойдаланиладиган бўлди, сарфланган маблағлар самараси анча ошди. Шу билан бирга бир қатор колхозларда деҳқончилик маданияти ҳали анча паст, алмашлаб экишни жорий этиш ниҳоясига етказилмаган, уруғчилик ва фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш зарур даражада йўлга қўйилмаган.

Ҳозир район партия комитетининг бутун куч-ғайрати қишлоқ меҳнаткашларини КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорларини бажаришга сафарбар этишга қаратилган. Кадрлар ленинча иш услубини эгаллашлари, бошланғич партия ташкилотлари жанговарлигини, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, меҳнаткашларнинг сиёсий ва ишлаб чиқаришдаги активлигини ўстириш учун қатъият билан иш олиб бориляпти.

Район партия комитетининг ўз иши ҳам сезиларли равишда қайта қурилмоқда. Бюро аъзолари, аппарат ходимлари, партия активистлари тез-тез партия ташкилотларида бўладилар, коммунистлар, барча меҳнаткашларни район ҳаётидан, кундалик ишлардан хабардор қилиб турадилар, партия, уруш ва меҳнат ветеранлари билан маслаҳатлашадилар. Ветеранлар тажрибасидан ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштиришда, жамоатчилик ҳаётини фаоллаштиришда, тарбиявий ишни яхшилашда кенг фойдаланилмоқда. Бу ҳурматли кишилар меҳнат коллективларига улар олдида турган вазифаларни ҳал қилишда амалий ёрдам бериб туришади.

Энг яхши партия ташкилотларидан бўлган «Ленинград», Охунбобоев номли колхозлар, механизациялашган кўчма колонна партия ташкилотлари ўз меҳнат коллективларидаги ишлар аҳволига самарали таъсир кўрсатишяпти, ишлаб чиқаришнинг муҳим вазифаларини ҳал этишга бош бўлмоқдалар, ҳар бир коммунист хизмат ва жамоатчилик бурчини бажаришда намуна бўлишига, КПСС XXVII съезди материалларини тушунтириш юзасидан агитация-пропаганда ишларини яхши йўлга қўйишга эришмоқдалар.

Меҳнат коллективлари, партия ташкилотлари фикрига таяниш раҳбар кадрлар сифат составини муттасил яхшилаб бориш, уларга талабчанликни ошириш, масъул лавозимларга ғоявий етук, билимдон, касби юзасидан яхши тайёргарликка эга бўлган, ишда яхши синаб кўрилган ўртоқларни кўтаришга имкон беради. Бугунги кунда номенклатурага кирувчи ходимларнинг 80 процентидан кўпроғи олий ва ўрта махсус маълумотга эга.

Ҳозирги шароитда колхоз ва совхозларда, агросаноат комплексининг барча тармоқларида мустаҳкам моддий-техника базаси яратмасдан туриб ишнинг муваффақиятини таъминлаб бўлмайди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтира боришда иқтисодий омиллар ва стимуллар ролини ошириш, қишлоққа техникани ўз вақтида ва комплекс

равишда жўнатиб туриш, ажратилаётган маблағлардан янада рационал фойдаланиш лозим. Бошқариш органларининг куч-ғайрати айни ана шунга қаратилган бўлиши керак.

Район меҳнаткашлари ўн иккинчи беш йилликнинг дастлабки йилида олдиларига талай вазифаларни қўйган эдилар. Улар пахта ҳосилдорлигини гектаридан 40 центнерга етказиш, ҳосилнинг қарийб 80 процентини машиналар ёрдамида йиғиб-териб олиш, 11 минг тонна дон, шу жумладан 9,5 минг тонна маккажўхори дони, 26 минг тонна сабзавот, 2 минг тонна полиз маҳсулотлари етиштириш мажбуриятини олган эдилар. 2500 тонна гўшт, 7000 тонна сут, 6 миллион дона тухум етиштиришга имкон берадиган даражада чорвачилик озуқа базасини янада мустаҳкамлашга қарор қилинган эди. Умуман олганда район меҳнатчилари белгиланган марраларни эгаллашнинг уддасидан чиқдилар.

Қишлоқ хўжалигини интенсивлаштириш йўли, ишлаб чиқаришнинг мураккаблиги қишлоқ меҳнатчилари малакасини тобора ошира боришни талаб қилади. Замонавий машиналар, технологиялар имкониятларини яхши билишадиган жойлардагина меҳнатнинг юксак унумдорлиги ва сифатига эришиб бўлади.

Агросаноат комплекси тармоқлари ишидаги камчиликлар муайян даражада унинг раҳбарларининг ҳаммаси ҳам бошқаришни қайта қуриш моҳиятини яхши тушуниб етмаганликлари, ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлардан кенг фойдаланишни ўрганиб олмаганликлари оқибатида келиб чиққандир. Бирлашмаларнинг мутахассисларида ҳали ҳам тажриба етишмаслиги, кўп ҳолларда эса уларда активлик йўқлиги сезилиб турибди. Улар агросаноат комплекси тармоқлари экономикасига ҳар доим ҳам чуқур кириб боравермайдилар, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари билан кам шуғулланадилар.

Ҳозир агросаноат комплекси ягона яхлит организм сифатида ташкил топиб бўлди. Энди унинг кенг имкониятларини ишга солиш муҳимдир. Бошқаришнинг янги ташкилий формалари янгича иқтисодий ёндашувларни ҳам талаб қиладики, бундай шароитда колхозлар ва совхозлар кўпроқ маҳсулот етиштириш ва кўпроқ даромад олишдан, хўжалик фаолиятини ўзини ўзи қоплаш принципи асосида юритишдан манфаатдордирлар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритиш иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори (1986 йил март)да таъкидланганидек, агросаноат комплексига раҳбарлик қилиш услуби ва методлари жиддий яхшилашни талаб қилади, бутун ташкилотчилик ва сиёсий иш даражасини жиддий равишда ошириш зарур. КПСС XXVII съезди уқтирганидек, бу иш энг аввало партия, давлат ва технология интизомини мустаҳкамлашга, меҳнат коллективларининг ташаббуси ва ижодий активлигини оширишга, ҳар бир ходимда планлар бажарилиши ва энг юксак пировард натижаларга эришилиши учун юксак масъулият туйғусини тарбиялашга қаратилиши лозим.

Наманган район партия ташкилоти, халқ депутатлари Совети, агросаноат бирлашмаси диққат марказида аграр секторнинг барча участкаларини ишлаб чиқаришни фан-техника тараққиёти ютуқлари асосида самарали олиб бора оладиган малакали кадрлар билан янада мустаҳкамлаб бориш масаласи турибди. Район партия комитети раҳбар кадрлар бошқаришнинг замонавий методларини тўлиқ ва тезроқ ўзлаштира боришларига, интенсив технологияни чуқур билишларига, энг кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда дала ва фермаларда юксак самара олишга интилишларига эришмоқда. Зеро бу — белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш гаровидир.

ЁШЛАР ТАШАББУСИГА — КЕНГ ЙЎЛ

Д. ДАДАЖОНОВА,
Ўзбекистон ЛКСМ МК биринчи секретари

80-ЙИЛЛАР ЁШЛАРИНИНГ ДУНЁҚАРАШИ кенглигини, билимдонлигини, серғайратлигини, уларга ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида ўзларини кўрсатиш учун имконият излаш хослигини кўрсатиб, Михаил Сергеевич Горбачев КПСС XXVII съездида шундай деб таъкидлади: «...Комсомол эса ана шу интилишни халқ хўжалигида, фан ва техникада, билимларни ва маданиятни эгаллашда, сиёсий ҳаётда ҳамда Ватанни ҳимоя қилишда — ҳамма жойда ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаши лозим. Бунинг устига ана шу иш ҳар қандай ишга нисбатан ҳам изланувчанлик характерида бўлиши, ёшларга қизиқарли ва тушунарли бўлиши, ишлаб чиқаришда, ўқишда ва турмушда, бўш вақтдан фойдаланишда ёшларнинг эҳтиёжлари билан мустаҳкам боғлиқ бўлиши лозим». Ўзбекистон комсомоли тарбиялаган, юксак шарафга — партия олий анжуманига делегат бўлиш шарафига сазовор бўлган республикамизнинг 11 ёш коммунисти ҳам ана шу кўрсатмани чин дилдан қабул қилиб олдилар.

Партия съездининг материаллари — катта назарий ва сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатлардир. Бизнинг энг муҳим вазифамиз уларнинг моҳияти ва руҳини ҳар бир йигит ва қизнинг онги ва қалбига сингдиришдан иборат.

Пропагандист, агитатор, лектор ва сиёсий ахборотчиларнинг жуда катта отряди ана шу вазифани бажариш билан машғул. Комсомол сиёсий ўқуви системасида, комсомол активи мактабларида, ётоқхоналарда съезд материалларини чуқур ўрганиш ташкил этилди. Бу ишда бизга партия пропагандистлари, КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди делегатлари катта ёрдам кўрсатмоқдалар. Съезд делегатлари, партия ходимлари билан суҳбат-мулоқотлар ёшлар аудиториясида жуда катта қизиқиш туғдиришини практика кўрсатмоқда.

Ёшлар ташаббуси лойиҳаларининг «ҳимоя»си йигит ва қизларни актив меҳнат ва студентлик фаолиятига жалб қилишнинг истиқболли формаси бўлиб, уларни тайёрлаш учун комсомоллар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, фан-техника тараққиётини жорий қилиш, ўқишни, дам олиш ва турмушни ташкил этишга доир конкрет ва асосли таклифларни танлаб оладилар ва ўзлари ишлаб чиқадилар.

Цех комсомол ташкилотлари ва группаларида ўтказилаётган «Иш адресини партия съезди кўрсатиб берди» изланиш иши, шунингдек, «Жадаллаштириш концепцияси: сенинг шахсий ҳиссанг қандай?» мунозараси ёшларнинг кенг оммасини амалий ишга жалб этишда бизга ёрдам бермоқда. Ёшларнинг съезд материалларини мустақил ўрганишида «КПСС XXVII съезди: революцион назария ва ҳаракат давомийлиги» ленинча дарси ўзига хос якун бўлди.

КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, Ленин комсомолининг энг муҳим, туб вазифаси бўлган ёшларни тарбиялаш вазифасини ҳал қилишда партия бизни конкрет, амалий ёндашишга йўлламоқда.

Янгича ишлашнинг дастлабки одимларига якун ясаркан, М. С. Горбачев, қайта қуриш меҳнат коллективларининг, барча кадрларнинг ташаббускорлиги ва мустақил фаолиятини ҳар томонлама ривожлантиришни кўзлайди, деб таъкидлади. Мамлакат комсомоли ана шу хулосани съезд ишлаб чиққан бош йўлни ҳаётга татбиқ этиш стратегияси сифатида қабул қилди. Съездолди ҳужжатларини муҳокама қилиш давомида СССР ёшлари ташаббускорлигини ривожлантириш комплекс программасини ишлаб чиқиш ҳақида таклиф илгари сурилган эди. Ленин комсомоли ўз съездида бу таклифни қувватлади. Ҳозир ВЛКСМ Марказий Комитети ана шундай программа лойиҳасини яратмоқда. Ёшлар учун «қизиқарли» ишларни шундоққина тақдим этиб қўя қолиш эмас, балки ҳаётга, у таклиф қилаётган янгиликларга, қандай қизиқарли ташаббус ва ғоялар туғилаётганига диққат-эътибор билан қараш комсомолнинг ёшлар ташаббускорлигини ривожлантиришга қаратилган ишининг моҳияти бўлиши лозим. Бу ташаббусларни эса ҳам ташкилий, ҳам молиявий, ҳам сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш керак. В. И. Ленин шундай деб ёзган эди: «Совет ҳокимиятининг буйруқ чиқариши, ёки партиянинг бирон шиор ташлаши, ёхуд энг яхши ходимлардан маълум бир қисмининг бу ишга юборилиши билангина иш битмайди... Коммунизм шундан иборатки, Ёшлар союзида аъзо бўлган ёшлар — йигит ва қизлар: бу бизнинг ишимиз, ...десинлар» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 352-бет). Комсомоллар ўз ишимиз дея оладиган ишлар эса тўлиб-тошиб ётибди. Ёшлар ташаббуси реал самара келтириши катта аҳамиятга сазовордир.

Комсомол ташкилотларининг амалий иши, ёшлар ташаббусларини амалга оширишдан келиб чиққан тажрибаси комплекс программани ишлаб чиқиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Куч-қувватимизни ишга соладиган энг муҳим участкалардан бири бўлмиш ишлаб чиқаришни интенсивлашда ёшлар ташаббуси катта роль ўйнаши керак. Ана шу жиҳатдан олганда, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг иш тажрибаси кам ўрганилган, кенг тарғиб қилинмаган. Бу ерда эса ибратга лойиқ жиҳатлар йўқ эмас: бирлашма комсомоллари комсомол ташкилотлари учун ишлаб чиқаришда конкрет йўллар ва реал бажариладиган ишлар топишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган «Экономика ва ёшлар» мунозарасидан иш бошлаган эдилар. Мунозара ишни яхшилашнинг резервларини, янги имкониятларини очиб берди. Иш жойлари аттестациядан ўтказилди. Ундан аввалроқ комсомол ташкилотлари секретарлари аттестациядан ўтказилган эди. Цехларда комсомол йиғилишлари бўлиб ўтиб, уларда ёшларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини яхшилашга доир конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди. ВЛКСМ бюро секретарлари ана шу тадбирларнинг бажарилиши ҳақида йил давомида ҳисобот бериб борадилар.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши суръатларини анча ошириш, пахтадан, деҳқончилик ва чорвачилик бошқа маҳсулотларидан гарантияланган юқори ҳосил олишни таъминлаш — республика қишлоқ меҳнаткашлари олдида ана шундай вазифа турибди. Совхоз ва колхозларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, пировард натижалар учун уларнинг манфаатдорлиги ва масъулиятини ошириш комсомол ташкилотларининг ташаббускорлигини ўстириш учун реал замин яратади. Жиззах область Зарбдор районидаги «Ленин йўли» совхозида Исмоил Усмоновнинг комсомол-ёшлар бригадаси бригада пудратига ўтиб, юқори натижаларга эришди — бу ерда 74 гектар пахтазорга жами 14 киши қарамоқда. Ёш пахтакорлар мўл-ҳосил етиштирдилар ва деярли барча пахтани машиналар ёрдамида териб олдилар.

Ўзбекистон комсомол ташкилоти ишларнинг аҳволини баҳолашга объектив ёндашиши керак. Республикада рўй берган салбий жараёнлар ёшларнинг сиёсий ўсишига тўсқинлик қилди. Комсомол кадрларининг бир қисми баъзи бир айниган раҳбарларга ёқишга интилиб, комсомол турмуши норма ва принципларини унутиш йўлига ўтиб олдилар. Унинг деярли барча соҳаларига кўзбўямачилик ва қўшиб ёзишлар вируси кириб олди, ҳисоботлардаги маълумотлар ошириб кўрсатилди. Комсомол Марказий Комитети, область комитетлари фаолиятидаги мақтанчоқлик ва хўжакўрсинчилик бошланғич комсомол ташкилотларига

раҳбарлик қилишга доир ишни тўсиб қўйди, кейинроқ эса умуман орқа планга суриб қўйди. Оддий комсомоллар, республика ёшларн комсомол ходимларининг ўзларининг асосий ишларига лоқайд эканлигини кўрмаслиги мумкин эмас эди. Бунинг оқибати ўз таъсирнни кўрсатмай қолмади: кейинги йилларда бизда комсомолга қабул қилиш сезиларли қисқарди, союзнинг ички интизоми сусайди. 280 мингдан ошиқ ВЛКСМ аъзоси, ёки деярли ҳар ўн комсомолдан биттаси учётдан ўчмай туриб ўз ташкилотларидан чиқиб кетдилар ва натижада комсомол билан алоқани узиб қўйдилар.

Комсомол ташкилотлари иш услуби ва формаларини қайта қуриш жуда суст бормоқда. Ёки, ҳар қалай ҳозирча кутилган самарага эришганимизча йўқ.

Бугунги кунда ғоявий-ахлоқий тарбия масалалари ҳақида сўзлар эканмиз, рўй берган салбий ҳодисалар ҳозирги кўплаб ёшларнинг ахлоқий қиёфасида ўз изини қолдирганлигини эсдан чиқармаслик керак. Ёшларнинг турли группаларида ижтимоий ва меҳнат соҳасида пассивлик, тайёрга айёрлик кайфиятлари, сиёсатдан ўзини олиб қочишлик у ёки бу даражада намоён бўлмоқда.

Биз В. И. Лениннинг қуйидаги сўзларини эсда тутамиз: «Биз кишилик тушунчасидан, синфий тушунчадан ташқарн олинган ҳар қанақа... ахлоқни инкор қиламиз... Коммунизмни мустаҳкамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир» (ТАТ, 41-том, 345-, 350-бетлар). Коммунистик ахлоқ принципларидан ҳар қандай чекиниш буржуа ахлоқи сари йўл тутиш демакдир. Фақат ана шундай ленинча талабчан кўрсатмагина ҳозир биз учун қўл келади.

Қайта қуриш ҳақида сўз борганда гапни аввало кадрларимиздан бошлаш лозим. Ёшларни ахлоқий тарбиялаш билан шуғулланадиган комсомол ходимининг ўзи коммунистик ахлоқ нормаларини бажаришда ўрнак бўлиши керак. Биз ўзига доғ туширган раҳбарлардан қутулиб бормоқдамиз. Комсомол етакчиларига талабчанликни янада оширишимиз зарур. Шахсий ва ижтимоий ҳаётда оддийлик ва камтаринлик — коммунистик ахлоқнинг ана шу энг биринчи қоидасини баъзан ҳатто бошланғич ташкилотларнинг секретарлари ҳам «унутиб» қўядилар. Баъзан, шанбаликларда, пахта терими кампанияларида жон-жаҳди билан ишлаётган ёшлар орасида кийимига гард юқишидан чўчувчи, байрамона кийинган комсомол ходимлари учраб қолади — қаранг-а, у шахсий намуна кўрсатиш ўрнига «ташкил этаётган» бўлади.

Комсомол комитетларининг секретарлари, комсомол МҚ аппаратининг масъул ходимлари меҳнат ва ўқув коллективларида ёшлар орасида сўзга чиқишга лоқайд муносабатда бўладилар. Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё область комсомол комитетларининг биринчи секретарлари оддий комсомоллар олдида аҳён-аҳёнда сўзга чиқадилар. Аммо ёшлар билан жонли алоқа бўлмаганда комсомол етакчилари кўп нарсани бой беришлари аниқ.

Диққат марказида конкрет инсон ўзининг реал эҳтиёжи, проблемаси, орзу-умидлари билан туриши қайта қуришдаги энг асосий жиҳатдир. Айни инсон турмоғи керак, у билан ншлаш формалари эмас. Машъум «қамраб олиш», иш формаларини хилма-хиллаштириш ва «такомиллаштириш»га маҳлиё бўлиб, ўзимиз сезмаган ҳолда ана шундай маккорона ўрин алмашиш юз берган эди. Биз комсомол ишини «умуман», ўртамиёна олиб боришга одатланиб қолган эдик. Қатнашувчиларнинг доимий состави билан оммавий тадбирлар ўтказишнинг бутун бир системаси шаклланиб қолган эди. Аллақачон «агитация қилинганлар»ни қайтадан агитация қилардик, ёшларнинг фаоллиги суст ва шу билан бирга жуда катта қисми эътибордан четда қолиб кетмоқда эдики, аслида айни улар билан иш олиб бориш керак эди.

Партия халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши системасида комсомолнинг ролини ошириш йўлини изчиллик билан ҳаётга татбиқ этмоқда. Турли хил масалаларни қўйиш, ҳал қилишда комсомол комитетлари катта ҳуқуқларга эга бўлмоқдалар. Лекин ВЛКСМ аъзолари ўз проблемалари, масалалари билан комсомол органларига жуда оз мурожаат қилаётганларини сезиш учун статистика маълумотларига мурожаат қилиш шарт эмас. Эҳтимол, Новосибирскда қилинганидек, район, шаҳар, область комсомол комитетларида жамоат қабулхоналари ташкил этиш ҳақида ўйлаш пайти келгандир. Ҳар бир комсомол

ишлаб чиқариш, жамоат фаолияти, турмуши билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, комсомол органлари ишини яхшилашга доир таклифлар билан бу ерга мурожаат қила олар эди. Сайлаб қўйилувчи комсомол активи учун депутатлик наказига ўхшаш практикани жорий қилиш ҳам фойдали бўлади. Шунга мувофиқ комсомол органларига турли орган ва ташкилотларга депутатлик сўрови беришга ўхшаш ҳуқуқлар бериш ҳақида ўйлаш керак.

Комсомол аъзоси ўз ташвишлари, эҳтиёж ва фикрлари билан бизларга мурожаат қилишини кутиб ўтириш керак эмас. Бизнинг ўзимиз ҳар бир киши олдига боришимиз керак — бунда ҳам социологик тадқиқотлар, жамоат фикрини сўрашлар жуда катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Ҳозиргача бу иш республика ташкилотида ибтидоий усулда олиб борилмоқда, тасодифий тусда бўлиб, системали ёндашишдан йироқдир, оқибатда олинган натижалардан амалий ишларда умуман фойдаланиб бўлмаяпти. Комсомол комитетларининг кўпгина ташаббуслари «ҳавода осилиб қолиши», уларнинг иқтисодий ва ахлоқий самарасини прогнозлашдаги ношудлик сабаби ҳам шунда.

Биз бутун ғоявий-тарбиявий ишимизни ёшлар ташаббускорлигини ривожлантириш нуқтаи назаридан қараб чиқиш ниятидамиз. Масалан, идеологик жабҳанинг сиёсий ўқиш каби муҳим соҳасини олиб кўрайлик. Ундаги айрим ижобий мисоллар билан бирга, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида очиқ-ойдин айтилганидек, расмиятчилик кучли эканини кўрмаслик мумкин эмас. Йигит ва қизларнинг марксча-ленинча назарияни чуқур, жонли тушунишга интилишларини форма ва методларнинг бюрократик бир хиллиги билан чегаралаб қўйиш керак эмас. Шароит мавжуд бўлган, пропагандист кадрлар шаклланган жойларда комсомоллар сиёсий мактаб ташкил этишлари мумкин. Назарияни мустақил ўрганишда ўқув ишига сиёсий клуб ёрдам бериши мумкин. Сиёсий ўқишнинг ана шу прогрессив формаси фазилатларига у ташкил қилинган жойларда ишонч ҳосил қилдилар. Хоразм областининг Қўшкўпир районида сиёсий клуб район комсомол комитети ҳузурида ташкил этилган бўлиб, бу шу йўл билан бирданига икки вазифани: идеологик ва пропагандистлар тайёрлашни кўзда тутувчи методологик вазифани ҳал қилишга имкон берган. Проблемали суҳбатлар, мунозаралар кам аъзоли комсомол ташкилотларида сиёсий билимларни ривожлантиришнинг мустаҳкам омили бўлиши керак. «Юқоридан» туриб унинг формаларини белгилаш керак эмас, уларни танлаш бошланғич комсомол ташкилотларининг ишидир.

Ғоявий-сиёсий тарбия ва меҳнат тарбияси мустаҳкам боғлиқдир — партия бизни ана шунга ўргатади. Фақат жамият фаровонлиги учун биргаликда меҳнат қилишдагина коммунистик келажак кишиси шаклланиши мумкин. Фақат меҳнат жараёнида юзага келадиган проблемаларни биргаликда ҳал қилишгина комсомол ташкилотини жипслаштириши мумкин. Аҳолининг иш билан машғул бўлмаган қисмини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш энг актуал иқтисодий, социал ва сиёсий аҳамиятга молик вазифалар ичида энг муҳимидир. Комсомол комитетлари партиянинг ана шу кўрсатмасини бажаришга куч-ҳаракатларини йўналтиришлари керак. Ҳар бир ташкилот, Қўқон пайпоқ йигирув бирлашмаси комсомоллари қилганидек, бу ишга ўз ҳиссасини қўшиши мумкин. Бирлашма комсомоллари маъмурият кўмагида ишлаб чиқаришни техникавий қайта ускуналашни тезлаштирдилар, ишлаб чиқариш биноларидаги вентиляция системасини такомиллаштирдилар, натижада меҳнат қилишдаги ёмон шароитлар туфайли ишлашни хоҳламаган бир неча юз қиз — ёндош қишлоқлар аҳолиси — фабрика ва унинг филиалларига ишга келди.

Йигит ва қизларнинг мамлакатимизнинг янги ерлар ўзлаштирилаётган, саноат гигантлари бунёд этилаётган, янги магистраллар қурилаётган жойларига ихтиёрий равишда кўчиб бориши ватанпарварлик олий туйғусининг намоён бўлишидир. Масалан, Тошкентдан Калинин областига (РСФСР) Тошкент, Самарқанд, Наманган, Андижон область комсомол ташкилотларининг 75 вакилидан иборат кўнгиллилар отряди жўнаб кетди, улар КПСС XXVII съезди номли Бутуниттифоқ отряди составида Ноқоратупроқ зонада меҳнат қилмоқдалар. Ноқоратупроқ зона, Сибирь, БАМ зонаси, Узоқ Шарқ қиёфасини ўзгартиришда

иштирок этаётган Ўзбекистон вакиллари ҳисобига индустриал ишчилар синфини тўлдиришдаги ёрдамимиз ўсиб бориши мумкин ва лозим деб ҳисоблаш учун ҳамма асослар бор.

Ёшларни атеистик тарбиялаш вазифаларини ҳал қилишда ташаббускорликни бутун чоралар билан ривожлантиришимиз лозим. Идеология ишининг бу соҳасида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида таъкидланганидек, нуқсонлар айниқса кўпдир. Атеистик тарбия, янги прогрессив анъаналарни жорий қилиш мураккаб, ҳатто машаққатли иш бўлиб, маъмуриятчиликни, дағал тазйиқ ва волюнтаристик методларни истисно этади. Совет маросимларини пропаганда қилувчи ёш атеистлар клублари, агитбригадалар ташкил этиш, йигит ва қизлар ҳаётидаги шонли воқеаларга бағишланган тантанали маросимлар ўтказиш комсомол комитетларининг доимий диққат-эътиборида туриши керак. Атеист пропагандистларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари ҳисобланувчи атеистлар клубларига катта аҳамият бермоқдамиз. Область комсомол комитетлари область халқ маорифи бўлимлари, маданият ва кинолаштириш бошқармалари, «Билим» жамияти область ташкилотлари правлениелари билан ҳамкорликда атеистлар клубларини паспортлаштиришлари, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашлари, ёшлар ўртасида атеистик иш олиб борувчи активистлар слётларини мунтазам ўтказиб туришлари лозим.

«Партия шахсда юксак гражданлик туйғусини, совет қонунларига ва социалистик турмуш қоидаларига ҳурмат, социалистик қонун бузилишининг ҳар қандай кўринишларига муросасизлик, ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилишда актив қатнашишга шай бўлиб туриш туйғусини тарбиялашга катта аҳамият беради», — янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай дейилган. 1986 йил баҳорида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети республика комсомол комитетлари ва ички ишлар органларининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқни бузиш ва ичкиликбозликнинг олдини олишга доир 1985 йилда ҳамкорликда амалга оширган ишларига якун ясади. Бу якунлар комсомол комитетлари ана шу йўналишда етарлича пухта ишламаётганини, ички ишлар органлари билан ҳамкорлиги суст эканлигини кўрсатмоқда. Айниқса, Тошкент, Қашқадарё областларида вояга етмаганлар ўртасида қонунни бузиш ҳоллари аввалгидек кўп. Наркотик моддаларни истеъмол қилишга «иштиёқманд» ёшлар ва психотроп моддаларни «тотиб кўрувчи» мактаб ўқувчилари эътибордан четда қоляпти. Шу ўринда комсомол ва педагогларнинг оператив отрядлари ўзларини кўрсатишлари лозим. Улар расмият учун ишлаётгани, кўп ҳолларда фақат қоғозда мавжудлиги сир эмас.

Ёшларнинг дам олишини ташкил этиш, шаҳар ва районларда ўсмирларнинг истиқоматгоҳлардаги клубларини, ёшлар марказларини, видеотека, спорт ўйинлари клублари, заллари, майдончаларини, ёшларнинг қизиқишлар бўйича бирлашмаларини яратиш масалалари ҳуқуқ бузилишлари олдини олиш иши билан чамбарчас боғланган. Бу соҳада ёшлар ташаббускорлиги учун майдон чекланмаган.

Комсомол ғоявий-тарбиявий ишининг барча масалалари бугунги кунда даврнинг шубҳасиз бўлиб қолган талабларига мувофиқ бўлиши, яъни ёшлар ташаббускорлигига эътиборни кучайтиришимиз, унинг ривожланишига ёрдам беришимиз, кенгайтиришимиз, совет жамияти социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли бажаришга қаратилган амалий ҳаракатларга айлантиришимиз лозимлиги яққол кўриниб турибди.

БИЛИШДА КОМПЛЕКС ПРОБЛЕМАЛАРНИНГ ҚЎЙИЛИШИ ВА ҲАЛ ЭТИЛИШИ

С. КОМИЛОВА,
философия фанлари кандидати

БИЛИШ ПРОЦЕССИ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ далолат беришича, янги илм ҳар хил фанларнинг «чатишган жойи»да ўсиб чиқади (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 607-бетга қаралсин). Бир хил фанларни бошқаларидан ажратиб турган тўсиқлар йўқолиб, илмнинг бир-бирига яқин ва унча яқин бўлмаган соҳалари ўртасида ўзаро мустаҳкам алоқа қарор топади. «Эндиликда, — деб қайд қилган эди академик Б. Кедров, — табиатнинг бир объекти ўтмишдан фарқли ўлароқ... бирон бир фан томонидан эмас, балки ўзаро боғлиқ фанларнинг бутун бир комплекси томонидан ўрганилади». Билимнинг турли хил соҳаларининг тобора кучайиб бораётган ўзаро таъсири уларнинг тадқиқот методларини ўзаро ўзлаштириши йўли билан ҳам бир фаннинг ўз предметини билишдаги «ҳаракат эркинлиги»ни бошқа, баъзида ҳатто ўзидан йироқ фанларга бериш йўли билан ҳам содир бўлади.

У ёки бу объектни комплекс ўрганиш комплекс проблемаларни таърифлашга имкон туғдириб, билим олишнинг шарти бўлади. Илмий тадқиқотлардаги бундай ёндушув материалистик диалектиканинг умумий принципларининг, аввало ходисаларнинг умумий алоқадорлиги ҳамда билишнинг ҳар томонламалиги принципларининг рўёбга чиқишида янги босқич бошланганлигини англатади.

Комплекс проблемаларни таърифлаш билишга оид вазифаларни турли хил фанлар ўртасида тақсимлашга асосдир. Масалан, жонли табиатнинг биологик, физикавий-химиявий ва механик қонуниятлари, материя ҳаракатининг турли шаклларини тадқиқ этиш комплекс проблема бўлиб, бу уларни табиатнинг ўзидаги моҳиятига кўра диалектик бирликда тадқиқ этишни кўзда тутади. Тирик организмларнинг яшаши ва ривожланишининг ана шу барча қонуниятлари бир-биридан ажралган ҳолда эмас, мустаҳкам бирликда мавжуддир: материя ҳаракатининг биологик шакли физикавий, химиявий ва механик шаклларга нисбатан юқори бўлиб, уларни инкор қилмасдан, аксинча, уларни ўз ичига олади.

Ф. Энгельс жонли табиат, ҳаёт ҳодисаларини билиш учун фанларнинг ўзаро мустаҳкам алоқаси зарурлигини уқтириб, шундай ёзган эди: «Организм, шубҳасиз, *ўзида механика, физика ва химияни бир бутун ҳолда боғлаб турадиган олий бирлик* бўлиб, бу учликни бир-биридан ажратиб бўлмайди» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 566-бет).

Комплекс проблемаларни қўйиш ва улар тадқиқотини ташкил этишда фандаги интегратив тенденциялар яққол намоён бўлади. Бунда ўзаро боғлиқ фанларнинг мазмуни ва структураси ўзгариб, билиш чуқурлаша борган сайин уларнинг предметлари ва объектлари ҳам ўзгариб, кўпайиб боради, илмий назариялар, принцип ҳамда қонунлар янада такомиллашади. Фан-техника тараққиёти даврида турли хил фанлар, табиий ва ижтимоий фанларнинг алоқаси асосий табиий фанларга оид билимларнинг самарали равнақи учун ҳал қилувчи шарт-шароит бўлиб хизмат қилади.

Илмий билимлар интеграцияси янги билимлар ва илмий ахборот ҳосил қиладиган янги оралиқ фанларни вужудга келтиради. Бу эса, ўз навбатида, фан ютуқларини таҳлил этишга янгича ёндашишни талаб қилади. Интегратив жараёнлар илмий фаолиятнинг барча турлари, даражалари ва компонентлари: воситалар ҳамда билиш процедуралари, мақсадлар ҳамда натижалар учун характерлидир. Интеграция илмий фаолиятнинг янги метод ва формаларини, билиш воситалари ва операцияларини яратади.

Билишдаги илмий билимлар интеграцияси туфайли таркиб топган янги гносеологик вазият илмий проблемаларни қўйиш ва ҳал этишнинг анъанавий характерини тубдан ўзгартиради. Фан ва илмий билим техника, ишлаб чиқариш билан узвий равишда бирикиб, жамият тараққиётининг қудратли омилига айланди. Натижада бир қатор янги проблема ва вазифалар майдонга келди, уларни ҳал этиш учун кўпдан-кўп табиий, ижтимоий ва техникавий фанларнинг кучини координациялаш лозим.

Мазкур кўп планли, йирик миқёсли проблемаларнинг муҳим хусусияти шундан иборатки, уларни ҳал этишда барча масалалар комплексини системали анализ қилиш объектив заруриятга айланади. Мазкур проблемаларнинг нафақат кўп аспектлилиги, балки уларнинг теран чатишиб кетганлиги, барча жиҳатларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳам мураккаблик туғдиради. Бу аспектларнинг ҳеч бирини алоҳида ажратиб, бошқалари билан системали муносабатини инкор қилган ҳолда ўрганиш мумкин эмас. Интегративлик илмий билим тараққиётининг қонунияти сифатида ҳодисаларнинг умумий алоқадорлиги диалектик принципининг конкретлаштиришидан иборатдир. Мазкур принцип моҳиятини таърифлар экан, В. И. Ленин уни умуман илмий тадқиқотнинг, хусусан марксча диалектиканинг биринчи ва асосий қоидаси деб атаган эди.

Моддий воқелик ҳодисаларининг объектив ўзаро алоқадорлиги ва бир-бирини тақозо қилиши дунё ҳақидаги фан ва билимлар системаси ривожининг тегишли қонуниятларида ўз аксини топади. Бу қонуниятлар ҳамма фанларга хос, комплекс феноменларда намоён бўлади.

Комплекс проблеманинг шаклланиш жараёнини ҳар томонлама ўрганиш дунё, унинг қонунлари ҳақида янги билим олишга қаратилган билиш фаолиятининг конкрет шароитларида ҳар бир «омил»нинг таъсирини ҳисобга олишни тақозо қилади. Энг асосийси — илгари эришиш қийин бўлган аспектларни ўрганиш ва объектив дунёни тадқиқ қилиш соҳасини кенгайтиришдир. Материя ҳаракатининг социал формаси ҳам турли хил фанлар бинобарин, уларнинг ўзаро таъсир методлари орқали комплекс ўрганишни талаб этадиган шундай муҳим объектдир. Ижтимоий ҳодисаларнинг комплекс ўрганилиши, албатта, турли фанлар кучларининг шунчаки жамланишини англатмайди; уларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳар бир фаннинг мазмуни ва методлари бойийди, тадқиқот объектини билишнинг янгича методлари пайдо бўлади ва ривожланади. Бу методлар кўпинча кўплаб тармоқлар учун умумий бўлиб, шу туфайли уларнинг янада яқинлашиши ва бир-бирига қўшилиб кетишига ёрдам беради.

Фан турли тармоқларининг тадқиқот объект (предмет)лари бўйича диалектик ўзаро таъсири натижасида ўзаро алоқадор проблемалар комплексларининг шаклланиши — ҳозирги фан тараққиётининг муҳим хусусиятидир. Кучайиб борувчи ўзаро таъсир жараёни янги, янада теран синтетик билимни вужудга келтиради.

Табиат ва жамиятда ҳар хил даражаларда юз бераётган жараёнларнинг қонуний характери, фанларнинг бирлаштирилган кучлари билангина ечиш мумкин бўлган мураккаб проблемаларни ўртага қўяётган ижтимоий практика, ниҳоят, объектив равишда фанлар алоқаларининг янада мустаҳкамланишига, илмий билимларнинг синтезлашувига олиб келувчи фан тараққиёти мантиқининг ўзи турли объект (предмет)ларни комплекс тадқиқ қилишга имкон беради. Бунда ўзаро таъсир этувчи фанлар бир-бирини тўлдириб, ўз натижаларини биргаликда тузатишади. Оқибатда уларнинг ҳаммаси ҳам ютади, билиш объекти эса тўлалигича ва серқирралигича намоён бўлади.

Комплекс проблема турли хил фанларнинг восита ва методлари орқали

тўпланган бутун бой экспериментал ва назарий материалнинг умумлашмасига асосланган. Комплекс проблемаларни қўйиш 1) моддий дунёнинг янги жиҳатларини аниқлаш, 2) проблемани тавсифлаш ва изоҳлаш учун ягона тушунтириш аппаратини яратиш, 3) туташувчи, умумий, фанлараро проблемаларни аниқлаш ва қўйиш, 4) уларни қўйиш ва ечишнинг методологик бирлигини шакллантиришга олиб келади. Билиш жараёни ривожланишининг диалектикаси бир фанга оид билим бошқа фанга ўтказилганида ўзаро бойиш ва ривожланиш содир бўлиши, билимнинг эвристик ўзаро таъсири принципи намоён бўлишидан далолат беради.

Ҳаёт жараёнида пайдо бўлаётган кўплаб катта ва мураккаб комплекс проблемаларни бугуноқ ҳал қилиш лозим. Шулардан бири совет жамиятининг кейинги социал тараққиёти тақозо этаётган шахсни камол топтириш комплекс проблемасидир. Унинг қўйилиши ва назарий жиҳатдан ишлаб чиқилиши шахс илмий дунёқарашини шакллантириш йўлларига оид кўпгина конкрет масалаларни яхшироқ тушунишга имкон беради.

Мазкур проблемани ечишга ёндашишнинг ягона тўғри назарий ва методологик принциплари марксизм-ленинизм классиклари томонидан ишлаб чиқилган. Бу принциплар кейинчалик Коммунистик партия фаолиятида ўз аксини топди. КПСС шахс илмий дунёқарашини янгича тарихий шароитлар ва янгича асосда шакллантириш йўлларини кўрсатиб бермоқда. Бу кўрсатмалар коммунистик тарбия проблемаларини ишлаб чиқиш ва ҳал этишда муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Партия илгари сураётган жамиятнинг ҳар бир аъзосида илмий дунёқарашни шакллантириш вазифаси ғоят улкан тараққиёт тўғрисида, шунингдек жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу вазифани ҳал этиш учун мавжуд шарт-шароитлар ҳақида гувоҳлик беради.

Бу вазифани амалга ошириш, биринчидан, умумий савияни мунтазам ошириб боришни, жамият барча аъзоларини дунёнинг илмий манзараси асосий элементлари ҳақидаги билим билан қуроллантиришни; иккинчидан, фан-техника ютуқларини ўзлаштириш, назарий ва амалий билимларни ривожлантиришни; учинчидан, эски дунёқараш сарқитлари, ноилмий қараш ва тасаввурларни бартараф этиб, билимларни чуқур эътиқодга айлантириш, марксча-ленинча назарияни муттасил эгаллай боришни; тўртинчидан, коммунистик меҳнат формалари ва кишилар ўртасидаги янгича муносабатларни ривожлантиришда; буржуа идеологиясига қарши курашда муҳим роль ўйнайдиган ахлоқий, эстетик дидларни турли йўллар билан такомиллаштиришни талаб қилади. Шахс дунёқарашини шакллантириш проблемасини чуқурлаштириш ва конкретлаштиришдаги бундай ёндашиш уни комплекс илмий проблема тарзида ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Бу — муҳим методологик талаб бўлиб, В. И. Лениннинг қуйидаги кўрсатмасидан келиб чиқади: «Предметни ҳақиқатан билиш учун унинг ҳамма томонларини, ҳамма алоқаларини ва «воситаланишларини» бирга олиб текширмоқ керак» (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 343-бет).

Асосий йўналишлари партиямиз ҳужжатларида ишлаб чиқилган комплекс ёндашиш, юқорида қайд этилганидек, материалистик диалектикага асосланади. Айни у илмий билиш методи сифатида ҳозирги воқеликнинг энг мураккаб ҳодисаларини аниқлаб олиш, ҳозирда жаҳонда юз бераётган воқеа ва тенденцияларнинг мағзини чақиш ҳамда уларнинг келгусидаги ривожини белгилашга кўмаклашиб, бизни ижтимоий ҳаётни билиш ва тубдан ўзгартиришнинг ягона тўғри назарияси ва методи билан қуроллантиради.

Шуни таъкидлаш лозимки, шахс дунёқараши тайёр ҳолда пайдо бўлиб қолмайди. Унинг шаклланишига кўпдан-кўп умумий ва специфик, субъектив ва объектив ташқи ва ички омилларнинг ўзаро ҳаракати ва бирикуви таъсир кўрсатади. Аввало, социал-иқтисодий система, фан, маданиятнинг эришган даражаси тарихий анъаналар, халқнинг миллий хусусиятлари, синфий кучлар билан ижтимоий тараққиёт тенденцияларининг нисбати, яъни бутун зиддиятлари ва конкретлилиги билан олинган ижтимоий ҳаёт ана шундай омилдир. Дунёқараш шаклланиши жараёнида шахснинг ўзи пайдо бўлади ва камол

топади. Ижтимоий муҳит шахснинг умумий йўналишини, унинг хулқ-атвори, меҳнатга муносабати, ахлоқий принципларини белгилайди ва тартибга солади. Дунёқарашнинг шаклланиш жараёни инсоннинг бутун атроф-муҳитни идрок этиб, мушоҳада этишига ёрдам берадиган ўзига хос призма, индивидуал ва ижтимоий онг ядроси, шахс маънавий оламининг марказий элементидир. Агар дунёқараш дунёни тўғри тушунишга асосланса, унда дунёни оқилона ўзгартириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади. Мабодо у воқеликнинг нотўғри инъикосидан иборат бўлса, унда индивид ҳаётида жиддий тўсиққа айланади. Дунёқараш масалалари ва дунёни билиш ҳамда ўзгартиришга муносабат усулларида кенг ва тўғри йўналишга эга бўлмаган киши ўзини ожиз ва ночор ҳис қилади.

Дунёқараш уни шакллантириш жараёнида ишлаб чиқиладиган асосий принципларга асосланади. Бу принципларнинг мавжудлиги, уларга садоқат, уни душман ғоялар ҳамда қарашлардан ҳимоя қилиш қобилияти ва бунга шайлик рационал негизни ташкил этади. Индивид табиат, жамият, бошқа кишиларни шу негиз нуқтаи назаридан идрок қилади ва уларга муносабатини белгилайди.

Дунёқараш шаклланишига фан, илмий билим тараққийси тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда. Энгельс таъбири билан айтганда, дунёқараш шаклланиши материалнинг ғоявий ўзлаштирилишини, яъни тегишли фанларни воқеликка умумий қараш, унга муносабатни ишлаб чиқиш маъносида эгаллашни талаб қилади. Билим шахс амалда қўллайдиган сиёсий, маънавий, эстетик позицияларни яратиш, шакллантириш билан унинг дунёқарашига айланади. Лекин билимнинг ўзи дунёқараш шаклланишига асос бўла олмайди. У ижтимоий фанлар соҳаси билимлари билан тўлдирилиши керак. Фақат фалсафий, иқтисодий ва социал-сиёсий қарашларнинг яхлит ва мунтазам системаси бўлган марксизм-ленинизм асосидагина инсон фаолиятида ҳал қилувчи аҳамиятга эга чинакам илмий дунёқарашни шакллантириш мумкин.

Коммунистик дунёқараш ҳаётимизнинг бутун социалистик уклади, аввало партиянинг аниқ мақсадни кўзловчи, изчил ғоявий-тарбиявий иши орқали шакллантирилади. Янги дунё яратиш — янги дунё кишисини шакллантириш, унинг ғоявий-ахлоқий ўсиши, социал ҳамда маънавий камолоти ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиш демакдир.

Комплекс фанлараро проблема ва тадқиқотларга намуна сифатида термоядровий синтезнинг илмий-техник лойиҳалари, кибернетика, экология ва бошқа кўплаб проблемаларни келтириш мумкин. Бу проблемалар техника, ишлаб чиқариш вазифалари билан бевосита боғлиқ эмас, чунки улар нафақат табиий ва техникавий, шу билан бирга гуманитар ва социал фанларни ҳам қамрайди. Инсон, ўқитиш, тарбия ва бошқа проблемалар шулар жумласидандир. Уларнинг мураккаб, комплекс моҳияти бир неча, баъзан эса кўплаб фанлар кучини бирлаштиришни талаб қилади.

Илмий билимлар тараққийси комплекслилик проблемаси янгидан-янги аспектларини пайдо қилиб, уларни олдинги ўринга суради. Бир бутунлик, системалилик бу проблеманинг муҳим, ажралмас хусусияти бўлиб, улар социал воқеликнинг объектив сабаблари билан боғлиқдир. Бутунлик тўғрисидаги, яъни жамулжамлик тўғрисидаги тасаввур комплекслилик проблемасининг конкрет-илмий мазмунини ташкил этадики, К. Маркснинг фикрича, «кўпдан-кўп таъриф ва муносабатлар» билан бирга, «кўплаб таърифлар синтези, бинобарин, ранг-барангликнинг бирлиги»ни англатади (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 12-том, 726, 727-бетлар).

Мазкур специфик хусусиятлар билан бирга, фикримизча, билишга комплекс ёндашув методологик жиҳатдан умумий диалектик-материалистик метод ўрнини боса олмайди ва унга бир тартибда қарши тура олмайди, аксинча у диалектик-материалистик методнинг умумий принципидан келиб чиқиб, у томонидан белгиланади ва ўз навбатида бу методни тегишли янги хусусиятлар билан тўлдириб, узлуксиз ривожлантира боради.

Комплекс проблемалар моҳиятини тадқиқ этиш билиш форма ва воситаларининг янги методларини талаб қилади. Шу маънода билишнинг

системали-структуравий, информацион, нисбийлик ва бошқа методлари тобора кўпроқ аҳамият касб эта бошлагани бежиз эмас.

Умуман комплекс проблемаларни қуйидаги тип ёки турларга ажратиш мумкин: фанлараро, фанлар ичидаги, тармоқлар ичидаги, тармоқлараро, умумий, универсал, глобал, туташ. Бу турлар ўзига хос ўзаро боғланиб, узвий бирикиб, қўшилиб кетади. Масалан, тармоқ ичидаги комплекс проблеманинг қўйилишига фанлараро ва фанлар ичидаги тармоқлараро, умумилмий ва фалсафий (универсал) комплекс проблемаларнинг қўйилиши ва ечилиши сабаб бўлади.

Умумилмий ва фалсафий комплекс проблемаларнинг вужудга келиши бутун илмий билимларнинг тўпланиши ҳамда ривожланиши натижасидир. Мазкур ҳолат тескари таъсирни ҳам тақозо қилади: бу типдаги комплекс проблемаларнинг қўйилиши бутун илмий билим тараққиётининг йўналишини, тенденциясини белгилайди ва умумий комплекс проблемалар шаклланиши характерига таъсир этади. Фалсафий комплекс проблемалар ҳар қандай даражадаги илмий билим интеграциясининг комплекс проблемаларини қўйиш ва ечиш учун умумметодологик асосдир.

Диалектик материализм аниқ фанлар тараққийси натижасида инсоният эгаллаган барча назарий билимларни синтезлашга хизмат қилади. У шу билан фанда олий интегратив вазифани бажариб, ўз принциплари негизида методологик асосларни ишлаб чиқади. Дунёни илмий билиш шу асосларга мувофиқ содир бўлади. Илмий билиш принциплари, ўз навбатида тинимсиз ривожланади, янги мазмун билан бойийди, янгича жиҳатлари, хусусиятлари намоён бўлади. Бу жиҳат ва хусусиятлар уларни тобора мураккаб ички алоқаларда ва ўзаро таъсирда кўриб чиқишга имкон беради. Ҳозирги фан-техника революцияси шароитларида интеграцион жараёнлар кучайишининг натижаси бўлмиш илмий билим ва ишлаб чиқаришнинг интенсив бирлашиши социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш асосида совет жамиятининг коммунизм томон ҳаракатининг улкан вазифаларини ҳал этишга самарали таъсир кўрсатади.

КПСС XXVII съезди қарорларида жамиятимиз фанлар ривожи, улар ютуқларининг амалда қўлланилиши учун сарфлаётган катта маблағларнинг халқ хўжалигидаги самарасини ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берилган. Коммунистик қурилишнинг кенг қўламдаги вазифаларини ҳал этиш учун СССРнинг Озиқ-овқат программаси ишлаб чиқилди. Бундай программани тайёрлаш ва амалга ошириш — планлаштириш системасида, социалистик экономикани бошқаришда принципиал янги қадамдир. Уни озиқ-овқат проблемасини ҳал этишга мақсадли, комплекс ёндашиш намунаси дейиш мумкин. Бу кўплаб шунга ўхшаш мисоллардан биридир холос.

Шундай қилиб, комплекс проблема — бир-бири билан боғлиқ хилма-хил сифатли системалардан ташкил топиб, ҳозирги илмий билим интеграцияси натижасида фанлараро тадқиқотлар туташган жойда пайдо бўладиган мураккаб, яхлит, ягона системадир. Билиш жараёнида комплекс проблемаларни қўйиш ва ҳал этиш бир бутун ҳолдаги ҳар хил системаларнинг қонуниятлари, ўзаро алоқадорлигини очишга имкон беради. Мазкур проблемаларни ўрганиш системали ёндашишни талаб қилади ва уларни қўйиш ҳамда ечиш механизмини тадқиқ қилиш вазифасининг ўзи билим ривожини тўлдириши ҳамда конкретлаштириши мумкин. Натижада фан тараққиётининг ҳозирги ҳолатига мувофиқ келувчи янгидан-янги илмий аспектлар топилаверади.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — ҚПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ, БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КПСС XXVII съезди социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш, совет жамиятини коммунизм сари яқинлаштиришнинг кенг миқёсли программасини илгари сурди. Съезд бундай жадаллаштиришнинг объектив зарурлигини асослаб берди, унинг йўллари ва воситаларини белгилади. Бу ерда гап фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни интенсивлаш йўли билан иктисодий ўсиш суръатларини кескин ошириш тўғрисида, экономикадаги чуқур структуравий силжишлар тўғрисида, фан-техника тараққиёти, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати жиҳатдан дунёда энг илғор марраларга чиқиб олиш тўғрисида бормоқда. Экономикани қайта қуриш, унда туб бурилиш ясаш, комплекс социал проблемаларни ҳал қилиш, мавжуд иқтисодий имкониятларга мувофиқ равишда совет халқи фаровонлигининг сифат жиҳатдан янги даражасини таъминлаш лозим бўлади. Бундай туб ўзгартишлар социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ҳам такомиллаштиришни талаб қилади.

Темани қуйидаги план бўйича ўрганиш тавсия қилинади:

1. КПСС XXVII съезди ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзаро муносабати тўғрисида.

2. Ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

3. Бошқариш системасини ва хўжалик юритиш методларини қайта қуриш.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧЛАР БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ ТЎҒРИСИДА

Бу бўлимни ўрганган вақтда ишлаб чиқариш муносабатлари билан ишлаб чиқарувчи кучлар ўртасидаги мувофиқлик ва зиддиятлар, вужудга келадиган зиддиятларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш зарурлиги тўғрисидаги масалаларни ажратиб кўрсатиш муҳимдир.

Социалистик жамият — ишлаб чиқарувчи кучлари ва унга мос ишлаб чиқариш муносабатлари юксак даражада ривожланган жамиятдир. Ишлаб чиқарувчи кучлар меҳнат қуроллари (машиналар, асбоб-ускуналар, ўлчов асбоблари, юк ташувчи транспорт воситалари)ни ҳамда меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар)ни ўз ичига олади. Буларнинг бари ишлаб чиқариш воситаларидир. Лекин ишлаб чиқарувчи кучларнинг асосий элементи иш кучининг ҳомили бўлган ходимдир. В. И. Ленин ёзганидек, *«бутун инсониятнинг энг биринчи ишлаб чиқарувчи кучи — ишчи, меҳнаткашдир»* (Тўла асарлар тўплами, 38-том, 418—419-бетлар). Инсоннинг меҳнат предметига таъсир қилишининг технологик усули ҳам, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳам ишлаб чиқарувчи кучларнинг элементидир.

Ишлаб чиқарувчи кучлар миқдор жиҳатдан ўзининг миқёслари билан характерланади, бу миқёслар натурал ва қиймат кўрсаткичлар билан ўлчанади, булар станоклар, асбоб-ускуналар, транспорт воситаларининг миқдори ва қуввати, ишлаб чиқаришдаги приборлар, ЭҲМнинг қуввати, моддий ишлаб чиқариш ходимлари (ишлаб чиқариш соҳасидаги ишчилар ва хизматчилар) миқдори, халқ хўжалигининг, умуман ва бир ходим ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматидан иборат. Лекин ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан ҳам баҳолаш зарур. Ишлаб чиқарувчи кучлар социализм экономикасининг моддий пойдевори сифатида ижтимоий

характерга эга. Уларнинг ҳолати социализм етуклигининг асосий белгиси, муҳим кўрсаткичидирки, уларни жадал ривожлантирмасдан туриб жамиятимизни янада такомиллаштириб бўлмайди.

Пропагандист социализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ишлаб чиқариш воситалари билан иш кучининг оддий йиғиндисидан иборат эмаслигини таъкидлайди. Улар ижтимоий формага, социал белгиларга эга. Уларнинг таркибига кирадиган ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий бойликдир, иш кучи ҳомили бўлган ходим эса социалистик типдаги ходим, ишлаб чиқариш воситалари эгалигига шерик бўлиб, унинг меҳнати эркин, у социалистик меҳнат коллективининг аъзоси бўлиб, ўзи учун ва бутун жамият манфаати учун ишлайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар иш кучи билан ишлаб чиқариш воситалари ўзаро алоқасининг планли ташкил этилишини ўз ичига олади. Фан ютуқларини моддийлаштирадиган ишлаб чиқариш техникаси билан технология ишлаб чиқарувчи кучлар элементларига узвий туташиб кетади.

Жамиятнинг ишлаб чиқариш потенциали ва унинг реализация қилиниш даражаси ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасини ифодалайди. У нафақат асосий ишлаб чиқариш фондларининг ҳажми, ишловчилар сони, аҳоли жон бошига маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича, шу билан бирга бир қатор сифат характеристикалари — чунончи фонд структурасининг техникавий даражаси ва прогрессивлиги, технологиянинг мукаммаллиги, ресурсларнинг тежалиши, ходимларнинг умумий ва профессионал тайёргарлиги, уларнинг меҳнатдаги активлиги ва ҳоказоларга кўра ҳам баҳоланади. Ана шу сифат параметрлари ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигига эришиш омиллари бўлиб майдонга чиқади. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси умумлашган ҳолда ижтимоий меҳнатнинг унумдорлигида ифодаланади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг конкрет формалари, деб таъкидлайди пропагандист, ишлаб чиқарувчи кучларнинг муайян даражасига мос бўлиши керак. Социализмнинг ишлаб чиқариш муносабатлари — социалистик жамият аъзоларининг ишлаб чиқариш, тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнидаги иқтисодий муносабатларининг жамидир. Улар мураккаб система бўлиб, ички структурага эга, ўзаро боғлиқ томонлардан иборат. Меҳнат коллективлари (бирлашмалар, колхоз, совхозлар, бригада, звено, цех, бўлимлар ва ҳоказолар)га бирлашган жамиятнинг барча аъзолари, шунингдек айрим ходимлар ишлаб чиқариш муносабатларининг субъекти — ҳомили бўлиб майдонга чиқади. Ишлаб чиқариш муносабатлари албатта ўзининг моддий объектига — ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотга эга бўлади. Одамларнинг муносабатлари аввало ишлаб чиқаришнинг ўзида, шунга боғлиқ ҳолда эса тақсимот, алмашув ва истеъмол жараёнида таркиб топади. Ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқаришнинг икки томони сифатида диалектик бирликда бўлиб, бири иккинчисисиз яшай олмайди. Бироқ бу бирлик зиддиятларни истисно қилмайди. Ишлаб чиқарувчи кучлар ҳаракатчанроқ бўлиб, уларнинг ривожи ишлаб чиқариш муносабатларида ўзгаришларни келтириб чиқаради. Айни вақтда ишлаб чиқариш муносабатлари нафақат натижа, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг шарт-шароити ҳамдир. Ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётига фаол таъсир қилиши мумкин. Лекин бу активлик ишлаб чиқариш муносабатларининг конкрет формалари нафақат эришилган даражага, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ўсиши эҳтиёжларига ҳам мувофиқ бўлганида юз беради. У ишлаб чиқариш муносабатлари замиридаги ривожланиш омилига боғлиқдир. Шундай ривожланиш манбалари доимо янгиланиб туриши учун ишлаб чиқариш муносабатларининг формалари такомиллашиб бориши керак.

Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ўзининг туб белгиларига кўра (ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги, ривожланишнинг планлилиги, жамият аъзоларининг иқтисодий тенглиги, иқтисодий алоқалар бевосита ижтимоий формаларининг ҳукмронлиги ва ҳоказо) ишлаб чиқарувчи кучларнинг ижтимоий характерига мосдир. Лекин баъзи бир ички зиддиятлар уларга хосдир. Масалан, ижтимоий мулк ишлаб чиқариш воситаларини ўзлаштиришда тенгликни тақозо этса ҳам, лекин бу соҳада ҳали тенгсизлик мавжуддир, чунки ходимлар ўзларининг социал-иқтисодий аҳволи ва аввало ўзларининг меҳнатга лаёқатига кўра бир хилда эмаслар. Қолаверса халқ хўжалигининг турли даражаларида ишлаб чиқариш воситалари ўзларининг сифат параметрлари билан фарқ этадилар. Ёки бошқа бир ҳолатни олайлик: гарчанд ижтимоий мулкка умумхалқ манфаати устун бўлган ҳолда иқтисодий манфаатларнинг уйғунлиги ботинан хос бўлса-да, реал ҳаётда бу уйғунлик ҳар доим ҳам бўлавермайди. Бошқа хил зиддиятлар ҳам бор. Масалан, ишлаб чиқариш муносабатларининг бевосита ижтимоий характери пировард натижада ишлаб чиқарувчи

кучларга мувофиқ бўлса-да, лекин конкрет иқтисодий формаларда, хўжалик механизмида ҳамиша ҳам тўла ифодасини топмайди. Бироқ, деб таъкидлайди пропагандист, социализмнинг ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш йўлида бартараф қилиб бўлмайдиган тўсиқларни вужудга келтира олмаслигини унутмаслик лозим. Ишлаб чиқаришнинг ўсишини секинлаштирадиган ёки унга тўсиқ бўладиган социал-иқтисодий омиллар социализм шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини муайян мақсадни кўзлаб такомиллаштириш йўли билан бартараф этилади. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, «социалистик шароитда **ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар характерига мувофиқлиги** гўё ўз-ўзидан таъминланади, деган тасаввур асоссиз эканлигини ҳаёт кўрсатди. Ҳаётда ҳамма нарса мураккаброқдир. Тўғри, социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига кенг йўл очиб беради. Аммо бунинг учун ишлаб чиқариш муносабатлари доимо такомиллаштирилиши керак».

Бу қоидага муфассалроқ тўхталиш лозим. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш жараёнида ишлаб чиқариш муносабатларининг айрим томонлари ва элементларининг уларга номувофиқлиги вужудга келиши мумкин, шунга кўра, агар улар ўз вақтида бартараф қилинмаса, бу номувофиқликлар аста-секин йиғилиб, шундай бир зиддиятларга айланадики, бунда ишлаб чиқариш муносабатлари энди ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш учун етарлича омил яратмай қўяди. Маълумки, СССР экономикасида бундай вазият 70—80-йиллар оралиғида вужудга келди, ўшанда миллий даромаднинг, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари пасайиб кетди, ишлаб чиқариш структурасида номутаносиблик юз берди, пул муомаласида танглик вужудга келди. Экономикадаги бундай ҳоднсалар ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучлар ривожини секинлатиб қўйганлигидан дарак беради.

Бу ўринда тингловчилар эътиборини шунга қаратиш кераки, бизнинг жамиятимизда ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддиятлар антагонистик бўлмай, уларни бутунлай ҳал этиш мумкин. Ўз вақтида В. И. Ленин таъкидлаганидек, антагонизмлар билан зиддиятлар сира ҳам бир хил нарса эмас, социализмда антагонизмлар йўқ бўлиб кетади, зиддиятлар қолади. Лекин бу зиддиятлар ўз-ўзидан ҳал бўлади, деган гап эмас.

Пропагандист социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини ижтимоий асосда тартибга солиб туриш мумкинлигини таъкидлайди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари — ишлаб чиқариш воситаларига биргаликда эгалик қиладиган, ўзининг иқтисодий турмушига хўжайин бўлиб олган, муштарак иқтисодий манфаатлар ва сиёсий мақсадларга, ижтимоий хўжалик юритиш учун характерли бўлган иқтисодий феъл-атвор негизларига эга бўлган меҳнаткашлар муносабатлари бўлганлиги сабабли улар ўз-ўзидан эмас, балки онгли равишда ва муайян мақсадларни кўзлаб такомиллаштирилади.

Социализм — ўзининг социал-иқтисодий тараққиётини планли тарзда бошқаришга қодир жамиятдир. Социализмнинг бундай афзаллиги экономикада турғунлик муқаррар юз беришини соқит қилади. Энг муҳими — ишлаб чиқариш муносабатларини ва шунга яраша хўжалик юритиш ва экономикани бошқариш методларини ўз вақтида қайта қуришдир. Бу ўринда шу нарсани таъкидлаш муҳимки, вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этмоқ учун уларнинг сабабларини, шунингдек ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг эҳтиёжларини ва уларнинг келгусидаги ўсиш истиқболларини белгилаб олиш керак. КПСС XXVII съезди ишлаб чиқариш муносабатларини комплекс равишда, ўзаро келишиб олган ҳолда такомиллаштириш юзасидан пухта йўл-йўриқ берди, чунки уларни динамик ривожланиб турган ишлаб чиқарувчи кучларга ҳамиша мувофиқ ҳолда сақлаб туриш жамиятимизнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги социализм иқтисодий системасининг пойдевори бўлиб, маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилишга хос бўлган барча бошқа муносабатларнинг характерини белгилайди, бу муносабатларни ўзаро бир бутун қилиб боғлайди, экономикадаги бевосита ижтимоий алоқаларнинг, умумхалқ хўжалик юритиши ҳукмронлигини таъминлайди. У жамиятимиз социал-синфий структурасининг, иқтисодий фаолият соҳасида СССР халқлари ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг дастлабки асоси бўлиб хизмат қилади. Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги жамият уларнинг соҳиби сифатида иш кўришини ҳамда хўжаликни умумхалқ манфаатлари йўлида планли тарзда юритишни объектив равишда талаб қилади.

Ижтимоий мулкни такомиллаштириш ишлаб чиқариш муносабатларини ривожлантиришда етакчи бўғиндир. Бу ўринда тингловчилар эътиборини икки ҳолатга тортиш муҳим: а) ижтимоий мулкни мустаҳкамлаш ва кўпайтириш ва б) тегишли формалар орқали унинг афзалликларини рўёбга чиқариш. Шуни таъкидлаш керакки, ижтимоий мулкнинг ривожланиши меҳнат коллективлари ва ҳар бир ходимнинг ундан самарали фойдаланиш ҳамда уни кўпайтиришга манфаатдорлик ва масъулият билан муносабатисиз мумкин эмас. Ўз навбатида, бундай муносабат реал иқтисодий шароитларда шаклланадики, бунда ҳар бир киши ишлаб чиқаришнинг хўжайини мавқеида бўлади ва унинг натижалари учун иқтисодий жавобгар ҳисобланади. Бундай шароитларни яратиш эса бошқаришнинг иқтисодий омилларини такомиллаштиришни, халқнинг ўз-ўзини бошқаришини кенгайтиришни кўзлаб бошқаришни демократиялаштиришни талаб қилади. Меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш, ўз меҳнати натижаларини тақсимлаш ва улардан фойдаланиш устидан (меҳнатни ва моддий харажатларни нормалаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлаш, корхона фойдасини тақсимлаш, иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш ва ҳоказо) юзаки эмас, балки таъсирчан контроли керак. КПСС XXVII съезди ижтимоий мулкдан фойдаланишда меҳнат коллективлари ролини ошириш, корхоналар ва бирлашмалар ўз иши зарар келтирмайдиган бўлиши учун тўла-тўкис жавобгар бўладиган шароит яратиш зарурлигини уқтиргани бежиз эмас.

Ижтимоий хўжалик юритиш меҳнат коллективларининг фаолияти орқали амалга ошади, ижтимоий мулк бўлмиш асосий ишлаб чиқариш фондлари уларга бириктириб қўйилган. КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «ўз заводи ёки колхозида, цехи ёки фермасида ҳақиқий хўжайин бўлмай туриб, мамлакатнинг хўжайини бўлиш мумкин эмас. Меҳнат коллективи ҳамма нарса учун жавобгар бўлиши, ижтимоий бойликни кўпайтириш ҳақида ғамхўрлик қилиши керак». Пропагандистга бу қоидани конкрет коллективдаги ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги билан боғлаш, унинг ижтимоий мулкни кўпайтиришдаги ҳиссасини аниқлаш тавсия этилади. Шунингдек мамлакат ва республика миллий бойлигининг, унинг таркибий элементи — мулкнинг моддий элементи бўлган асосий фондларнинг ўсиши ва ундан фойдаланишга доир кўрсаткичлардан ҳам фойдаланиш керак.

Масалан, 1970 йилда СССРнинг миллий бойлиги 1,7 триллион сўм миқдорида баҳоланган, 1984 йилда эса у 3,4 триллион сўмни ташкил қилди, шундан 1,49 триллион сўм асосий ишлаб чиқариш фондларига тўғри келди. Бироқ ана шу фондларнинг самараси пасайиб борди. 1971—1975 йилларда СССР миллий даромади 1 процент ўсганида асосий фондлар 1,86 процент, 1981—1985 йилларда эса 2,1 процент кўпайди. Ўн биринчи беш йилликда жонли меҳнат сарфи ва капитал сарфи миллий даромад ўсишининг бир единицаси миқдорида камайганида, унинг фондга талаблик даражаси кўпайди. Натижада асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг самарадорлиги 1981—1984 йилларда 12 процент камайди. Республикада моддий ишлаб чиқаришдаги бир ишловчи ҳисобига ишлаб чиқариш фондлари тез ўсгани ҳолда халқ хўжалигида меҳнат унумдорлигининг ўсиши анча секинлашди, айрим йилларда эса ҳатто пасайиб кетди. Масалан, 1985 йилда 1980 йилга нисбатан у атиги 0,9 процентни ташкил қилди, қишлоқ хўжалигида эса 20 процент пасайди. Ижтимоий мулкни кўпайтириш мақсадида яқин вақтлар ичида фонд самарадорлигининг пасайиш суръатларини секинлаштириш, кейинчалик эса уни стабиллаштириш ва ошириб бориш керак. Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, фонднинг самарадорлиги стабиллашганида СССРда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш суръатлари 2 баравар ўсиши мумкин. Ана шу боисдан ҳар бир корхона, цехда, участка, бригадада ва ҳар бир иш жойида фонддан самарали фойдаланиш проблемаси шу қадар актуалдир.

Партия социалистик мулкнинг афзалликлари реализация қилинишига, яъни унинг замиридаги иқтисодий ўсиш имкониятларидан фойдаланишга ва социал проблемаларни ҳал қилишга алоҳида аҳамият бермоқда. Ана шу реализациянинг иқтисодий ва социал формаларини фарқ этиш лозим. Ишлаб чиқаришнинг пировард натижалари ва унинг самарадорлиги, конкретроқ олганда — сарф-харажатлар даражаси, меҳнат унумдорлиги, моддий ресурсларни иқтисод қилиш даражаси, соф маҳсулот, соф даромад миқдори, миллий даромад ва ижтимоий бойлик ҳажми ва ҳоказолар иқтисодий формалар жумласидандир. Социал формалар фаровонликни, реал даромадларни, моддий ва маънавий неъматларни шахсий истеъмол қилишга, аҳолининг билим ва маданий савиясини оширишга сарфланадиган маблағлар даражаси ва уларни кўпайтириш суръатларини, меҳнатдаги социал тафовутларни бартараф этиш миқёсларини, социал-синфий бир хилликни қарор топтириш даражасини, миллат ва элатларнинг социал-иқтисодий бирлигини кучайтириш ва бошқаларни ўз ичига олади.

Халқ хўжалик даражасида мулкни реализация қилиш умуман моддий ишлаб чиқариш самарадорлигида ифодаланади, яъни меҳнат сарфи, моддий харажатлар ва мавжуд ишлаб чиқариш фондларини пировард натижа — миллий даромад билан таққослаш йўли билан белгиланади. Ана шундай таққослаганда ўтган беш йилликда ишлаб чиқариш самарадорлиги ўртача йиллик ҳисоблаганда тахминан 1,5 процент ошди. Миллий даромаднинг ўсиши харажатлар ўсишидан орқада қолди. Бунинг сабаби СССР миллий даромади ўсишининг 40 процентига ишлаб чиқаришни интенсивлаш ҳисобига, 60 процентига — экстенсив омиллар ҳисобига эришилди. Экономикада экстенсив ривожланишнинг устунлиги билан боғлиқ бўлган самарадорликнинг секин суръатлар билан ўсиши ижтимоий мулк афзалликларидан амалда тўла фойдаланилмаётганлигидан далолат беради. КПСС XXVII съезди бу проблемага алоҳида эътибор берганлигининг боиси ҳам шунда.

Юксак унумдор меҳнат — социалистик мулк реализация қилинишининг энг биринчи шартидир. Ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги афзалликларидан фойдаланиш халқ хўжалиги барча бўғинларининг пировард натижаларини кўзлашини талаб қилади. Пировард натижа мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришга республикалар, ўлкалар, областлар, коллективлар ва ҳар бир ходимнинг қўшган ҳиссасини ташкил қилади. Мулкни реализация қилишнинг халқ хўжалик, тармоқ, регионал, коллектив ва шахсий даражалари мавжуд бўлиб, булар конкрет иш жойидан тортиб бутун халқ хўжалигигача барча бўғинлар ишининг самарадорлигига боғлиқдир. Мулкни реализация қилиш социал маънода иқтисодий омилдан ҳосил бўлади. Бундай боғлиқликни қуйидаги ҳолатдан кўриш мумкин. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ошиши социал тараққиёт учун етарлича моддий ресурслар берадики, бунда халқ фаровонлигини ошириш етакчи йўналиш бўлади. Ишлаб чиқаришни интенсивлашнинг ҳозирги даражасига унинг самарадорлигини йилига тахминан 1,5 процент ўстириш мос келади. Бунда ўн биринчи беш йилликда миллий даромаднинг ўртача йиллик ўсиши 3,1 процентни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 2,2 процентни ташкил қилди. Агар биз иқтисодий ўсишнинг интенсив (сифат) омиллари улушини ҳозирги 40 процентдан 70—75 процентгача оширсак, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ҳар йили 3,5—4 процент, миллий даромаднинг 5 процентдан зиёд, аҳоли жон бошига реал даромадларнинг кам деганда 4 процент ўсишига эришамиз. Шундай қилиб мулкни ҳам иқтисодий жиҳатдан, ҳам социал жиҳатдан реализация қилиш ишлаб чиқаришни интенсивлаш проблемасининг ҳал қилинишига бориб тақаладики, бу эндиликда ҳар бир коллективнинг, ҳар бир ходимнинг ишидир. Шу муносабат билан мулкни реализация қилиш мезонларига мувофиқ мазкур коллектив, унинг бўлинмалари ва айрим ходимлари меҳнати натижаларини таҳлил этиш зарур.

Мулкни реализация қилиш формалари орасида асосий фондлар, ер, оборот маблағларидан оқилона фойдаланишда коллектив жавобгарлик ва манфаатдорликни ошириш билан, ҳозирги шароитларда озиқ-овқат солиғи тўғрисидаги Ленин ғояларини ижодий татбиқ этиш асосида саноат корхоналари, шунингдек колхоз ва совхозларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларга планлаштирилган маҳсулотнинг пландан ортиқча қисмини ўз хоҳишича тасарруф этиш ҳуқуқи бериш билан боғлиқ бўлган бригада ва оилавий пудратни ажратиб кўрсатиш лозим. Колхоз ва совхоз коллективларида машғулотлар ўтказганда хўжаликларнинг ана шу формалардан қандай фойдаланаётганлигини кўриб чиқиш зарур.

Мулкни ривожлантириш нафақат давлат мулкининг, балки колхоз-кооператив мулкининг ҳам потенциал имкониятларидан фойдаланишни тақозо этади. Маълумки, колхоз-кооператив мулки айрим коллектив хўжаликлари доирасида реализация қилинади. Бу ерда биргаликда қилинган меҳнат билан давлат ёрдами бунинг шартидир. Колхоз мулкини реализация қилиш даражаси ўша коллектив куч-ғайрати билан белгиланиб, колхозларнинг ялпи ва соф даромадлари миқдорида ва ўсиш суръатларида, уларнинг тақсимланиши ҳамда фойдаланишида ифодаланади. Шуни таъкидлаш керакки, колхоз мулки ўзининг ички имкониятларини ҳали тўла ишга солганича йўқ. Унинг доираларида хўжаликни интенсив юритиш ва колхозларнинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам манфаатларини кўзлаб унинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Кооператив мулки шунингдек савдода, қурилишда, ишчи ва хизматчиларнинг боғполизчилик хўжаликларида мавжуддир. Мамлакатимизда ҳосил қилинаётган миллий даромад, товар обороти, энг муҳим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришнинг анчамунча қисми унинг улушига тўғри келади. Демак, у аҳоли талабини қондиришга фаол кўмаклашади. Шуни ҳисобга олиб, XXVII съезд аниқ кўрсатма берди: «Кооператив ташкилотлар ва корхоналарни ташкил қилиш ва ривожлантиришга эҳтиёж бўлган жойларда уларни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш лозим».

Ижтимоий мулкни такомиллаштириш тегишли иқтисодий механизмлар орқали умумхалқ манфаатларининг коллектив, шахсий, тармоқ ва регионал манфаатларидан

шак-шубҳасиз устунлигини амалда таъминлаш каби проблемани ҳам ўз ичига олади. Социалистик мулк ижтимоий характерининг ўзи шуни талаб қилади, шу муносабат билан XXVII съезд маҳкамачилик ва маҳаллийчиликнинг ижтимоий мулк афзалликларини рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилишига йўл қўймасликни аниқ қилиб кўрсатиб ўтди.

Сўнгра шуни таъкидлаш керакки, социализм шахсий мулкни инкор қилмайди, балки, аксинча, уни ривожлантиришни кўзда тутади. Бунинг манбаи ижтимоий хўжаликда, шунингдек гражданларнинг шахсий томорқа ва уй хўжалигидаги шахсий меҳнатидир. Шуни таъкидлаш лозимки, шахсий ёрдамчи хўжалик қишлоқдаги шахсий мулкнинг муҳим структуравий элементи бўлиб, оила даромадининг кўпайишига ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг ўсишига хизмат қилади. 1984 йилда СССРда ишчи, хизматчи ва колхозчиларнинг 34 миллион ёрдамчи хўжалиги бор эди. Уларда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти — 25 процент, гўшт, сут, тухум — 30 процент, асал — 60, картошка — 58, сабзавот — 30, мева ва резавор — 60 процент етиштирилган. Шунча миқдордаги маҳсулотни ижтимоий секторда (колхоз ва совхозларда) етиштирмоқ учун қўшимча 3 миллион киши, қишлоқ хўжалигига анча миқдорда қўшимча капитал маблағ сарфлаш талаб қилинар эди. Лекин, шахсий хўжалик ижтимоий хўжаликка зарар келтирадиган тарзда ривожланмаслиги, меҳнатсиз даромадлар манбаи бўлиб хизмат қилмаслиги керак. Колхоз ва совхозлар томонидан омихта озуқалар бериш, пичанзорлар, яйловлар, навли уруғлар, кўчатлар, семиртириш учун бузоқ ва паррандалар ва шу кабилар ажратиш йўли билан уларга ёрдам кўрсатиш шахсий хўжаликларни ривожлантиришга берилган ижтимоий ёрдамдир.

Сўнгра пропагандист тақсимот ва алмашув муносабатларини кўриб чиқишга ўтади. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, партия уларни такомиллаштиришга катта аҳамият беради, чунки улар ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдан коллектив ва шахс манфаатдорлигининг ўсишига, одамларнинг турмуш даражаси ва тарзига фаол таъсир кўрсатади. Тақсимлаш муносабатларининг аҳамияти уларнинг функцияларидан келиб чиқади. Бу — меҳнат активлигини рағбатлантириш, социал адолатни таъминлаш, меҳнаткашлар турмуш даражасини ошириш хозирги вақтда коллектив ва шахсий меҳнатни рағбатлантириш функциясининг аҳамияти айниқса ошиб боради. В. И. Ленин ёзганидек, «тақсимот ишлаб чиқаришни кўтариш учун хизмат қиладиган бир метод, қурол ва восита»дир (ТАТ, 43-том, 406-бет).

КПСС XXVII съезди социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш эҳтиёжларига мувофиқ ижтимоий маҳсулотни ва миллий даромадни энг самарали тақсимлаш йўлларини белгилаб берди. Ана шу мақсадда миллий даромадда жамғарма улуши ошириб борилади, истеъмол фондида ижтимоий истеъмол фондлари улуши кўпаяди, амортизация ажратмалари фонди эса эски техника даражасида фондларни оддий янгилашга эмас, балки техникани реконструкция қилишга, техникавий жиҳатдан эскириб қолган ишлаб чиқариш фондларини фан ва техниканинг илғор ютуқларини мужассамлантирган янги фондлар билан алмаштиришга сарфланади.

Социалистик жамиятни такомиллаштиришнинг муҳим вазифаларидан бири — меҳнатсиз даромадларга, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенглаштиришга ишончли тўсиқ бўлиб хизмат қиладиган, яъни тақсимотнинг социал адолатли принципларига қатъий риоя қилинишини таъминлайдиган тақсимот механизмини яратишдир. Шулардан энг асосийси бўлган — «ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимнинг — меҳнатига яраша» принципини амалга ошириш тақсимотдаги меҳнатга моддий стимулларнинг таъсирчанлигига путур етказадиган тенглаштириш билан ҳам, бошқалар меҳнати натижаларини ўзлаштиришдан иборат бўлган меҳнатсиз даромадлар олиш билан ҳам сиғишмайди. Аслини олганда, корхоналарнинг ёмон ишлаб,бошқалар фойдасини қайта тақсимлаш ҳисобига олган даромадларини ҳам меҳнатсиз даромадлар деб ҳисоблаш мумкин. Бинобарин, меҳнат билан даромадлар меъёрининг қатъий мос бўлишини изчил таъминлашни нафақат айрим ходимларга нисбатан, шунингдек ишлаб чиқариш коллективларига нисбатан ҳам қўлланиш зарур.

Бундай ёндашувни рўёбга чиқаришда моддий ишлаб чиқаришда корхоналарнинг ўзлари топадиган маблағлар ҳисобига ва уларнинг доирасида иш ҳақини ошириш алоҳида роль ўйнайди. Ҳозир мамлакатимизда жорий этилаётган бу тартиб тақсимот муносабатларини янада ривожлантиради. Шу тўғрида гапирганда тингловчилар эътиборини улар коллективлари ишини яхшилаш резервларига тортиш керакки, бу резервлардан фойдаланиш иш ҳақининг ўсишини асосли қилади.

1987 йилдан бошланадиган иш ҳақи системасини қайта қуриш 75 миллион ишчи ва хизматчилар меҳнатига ҳақ тўлашни ўз ичига олади. Янги шароитларда техника тараққиёти ва ишловчилар сонини камайтириш ҳисобига иш ҳақи фондини тежаш, шунингдек коллективлар ишининг самарадорлиги ҳисобига фойдани кўпайтириш иш ҳақини ўстириш манбаидир. Ходимлар малакасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг табақалаштирилиши кучаймоқда. Масалан, енгил саноатда I разряднинг тариф ставкаси

18 процент, VI разряд ставкаси 25 процент кўпаяди. 4 инженерлик лавозими жорий этилади, уларнинг ойлик иш ҳақи 130 сўмдан 230 сўмгача бўлади. Иш ҳақига турли қўшимча тўловлар белгилашда корхоналарнинг ҳуқуқлари кенгаяди. Буларнинг бари тақсимотни ҳам коллектив меҳнати, ҳам индивидуал меҳнат натижаларига яқиндан боғлиқ қилиб қўяди.

Пропагандист тақсимотни такомиллаштириш жараёнида «баравар меҳнатга баравар ҳақ тўлаш» принципини тўлароқ рўёбга чиқариш асосий нарса эканини тушунтириб, ижтимоий истеъмол фондларини тақсимлашга тўхталади, уларни ўстириш ва такомиллаштириш, янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, «социализм шароитида айрим гражданлар, оилалар, социал группаларнинг моддий аҳволида объектив равишда муқаррар бўлган тафовутларни камайтириши, болаларни тарбиялаш учун социал-иқтисодий ва маданий шарт-шароитларни бараварлаштириши, аҳоли айрим группаларининг кам таъминланганлигини тугатишга ёрдам бериши лозим».

Тақсимотнинг рағбатлантирувчи функциясини кучайтириш корхоналар ва бирлашмалар даражасида ижтимоий истеъмол фондларини (социал-маданий тадбирлар фондини) тақсимлаганда меҳнат ҳиссасини тўлароқ ҳисобга олишни талаб қилади. Акс ҳолда ана шу фондлардан олинадиган неъматлар текинхўрлик кайфиятини туғдириши мумкин. Пропагандист ижтимоий фондларни тақсимлашда жамоатчиликнинг қатнашуви ва бу ишда ошкоралик муҳимлигини уқтириб ўтади. Тингловчилар онгига шуни сингдириш лозимки, социал адолат принципини таъминлаш ижтимоий истеъмол фондларининг ижтимоий уй-жой фондини сақлашга кетадиган дотация формасида аҳоли баҳраманд бўладиган қисмига ҳам дахлдордир. Бунга уй-жой майдони ва унинг сифатига қараб квартира ҳақини табақалаштириш орқали эришилади.

КПСС XXVII съезди алмашув муносабатларини янада ривожлантиришни ҳам актуал вазифалар қаторида илгари сурди, чунки ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари, унинг динамикаси, аҳолининг шахсий эҳтиёжларини қондириш даражаси шуларга боғлиқ. Маҳсулотни реализация қилиш товар муомаласи (алмашув) орқали содир бўлади, корхоналар ўз харажатларини қоплайди, даромадлар олади, жамғарма тўплайди, асосий ва оборот фондларини тўлдиради, — бинобарин,у ишлаб чиқаришнинг узлуксиз ва бир маромда боришининг, моддий ресурслар оборотини жадаллаштиришнинг шарти бўлади. Товар муомаласи аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришни, бинобарин,социал программанинг ҳам бажарилишини таъминлайди.

Корхоналар ва ташкилотлар хўжалик алоқалари ишончлироқ бўлишини мустаҳкамлаш, истеъмолчиларга зарур сифат ва ассортиментдаги товарларни сўзсиз ва ўз вақтида етказиб беришни таъминлайдиган иқтисодий шарт-шароитларни яратиш, алмашувни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишидир. Иқтисодий жиҳатдан олганда бу корхоналар фаолиятига баҳо беришнинг мезони бўлиб қолиши керак. Бу ўринда тингловчилар билан биргаликда уларнинг меҳнат коллективлари мол етказиб бериш юзасидан ўзларининг мажбуриятларини қай даражада бажараётганини таҳлил этиш фойдалидир.

Алмашув муносабатларини ривожлантиришнинг бошқа бир муҳим проблемаси товарларга, хусусан халқ истеъмол товарларига талаб билан таклифнинг динамик мувозанатини таъминлашдирки, ўтмишда вужудга келган пул муомаласи соҳасидаги мушкул аҳволни бартараф этиш шу билан боғлиқдир. Ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол моллари ҳажми билан структурасини аҳолининг реал талабини акс эттирадиган савдо буюртмаларига мувофиқ белгилаш тартиби жорий этилади. Бу ҳозир мавжуд бўлган аҳолининг тўловга қобил талаби билан товар массаси орасидаги номутаносибликни йўқ қилади.

КПСС XXVII съезди таҳлил этган товар-пул муносабатларига тўхталиш лозим. Бунинг моҳияти, биринчидан, жамиятимиз иқтисодий системасида уларнинг ўрнини уларга хос бўлган янгича мазмун позициясидан туриб баҳолашдан, иккинчидан, хўжаликни бошқаришда улардан актив фойдаланиш зарурлигини биринчи ўринга чиқаришдан иборат. Съезд товар-пул муносабатлари хусусидаги хато тушунчага, экономикага планли раҳбарлик қилиш практикасида уларга етарлича баҳо бермасликка чек қўйиш кераклигини таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий мулк ҳукмронлик қилган бир шароитда социалистик корхона товар ишлаб чиқарувчи бўлиб майдонга чиқади, товар-пул муносабатлари умумий характерини йўқотади, чекланган доираларда ривожланади, стихиялилик уларга ётдир, чунки улар ишлаб чиқариш давлат воситасида ягона иқтисодий марказдан ижтимоий тарзда тартибга солиб турилган ҳолда амал қилади. Товар-пул муносабатлари иқтисодий турмушимизнинг реаллиги бўлиб, партия хўжаликни планли бошқаришда пул, нарх, таннарх, фойда, кредит, талаб ва таклиф каби уларга хос бўлган категориялар орқали улардан тўлиқроқ фойдаланиш зарурлигини уқтиради. Харажатлар билан натижаларни қиёслашда, иқтисодий ўсишнинг баланслашган бўлишини таъминлашда, баҳолаш

кўрсаткичларини такомиллаштиришда, маҳсулотни ўзгариб турадиган ижтимоий эҳтиёжларга мувофиқ тақсимлашда, ишлаб чиқаришни ҳамда товар муомаласини рағбатлантиришда бошқариш механизмига киритилган ана шу иктисодий формалардан актив фойдаланиш керак. КПСС XXVII съезди экономикани планли бошқаришда товар-пул муносабатларидан фойдаланишнинг муҳимлигини кўрсатиб, таъкидладики, «уларнинг одамлар манфаатдорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга актив таъсирининг аҳамиятини рад этиш хўжалик ҳисобини заифлаштиради, бошқа номақбул оқибатларни келтириб чиқаради. Аксинча, товар-пул муомаласининг социалистик асосда соғлом амал қилиши шундай вазиятни, хўжалик юритишнинг шундай шароитларини вужудга келтира оладики, бунда унинг натижалари коллективнинг иш сифатига, раҳбарликнинг маҳорати ва ташаббусига тамомила боғлиқ бўлиб қолади».

Шундай қилиб, деб хулоса чиқаради пропагандист, мамлакатимизнинг ҳозирги экономикасида товар-пул муносабатларини такомиллаштириш, биринчидан, уларнинг соғлом амал қилишини таъминлашдан, яъни юқорида айтиб ўтилган социализмда уларга хос бўлган специфик хусусиятларни бойитишдан, иккинчидан, социалистик хўжалик юритиш практикасида улардан актив фойдаланишдан иборат. Баҳо товар-пул муносабатлари категорияси сифатида экономикада актив роль ўйнайди. У харажатларни ўлчабгина қолмай, шу билан бирга бир қатор бошқа функцияларни ҳам бажарадики, булар нарх белгилашда ҳисобга олинади. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, «нарх-наво ижтимоий зарур сарфлар даражасини, шунингдек маҳсулот ва хизматлар сифатини аникроқ акс эттириши, фан-техника тараққиётини, ресурсларни тежашни, буюмларнинг техникавий-иқтисодий ва истеъмол хусусиятларини яхшилашни, барча янги, илғор тажрибани жорий қилишни аникроқ акс эттириши, тежамкорлик режимини кучайтиришга кўмаклашиши учун нарх белгилашни такомиллаштириш лозим».

Молия ва кредит муносабатлари товар-пул муносабатларининг муҳим томонидир. Улар тақсимот ва хўжалик фаолияти устидан контрол функциясини кучайтиришни кўзлаб ривожлантирилади. Корхоналарнинг бюджет билан молиявий муносабатларини барқарорроқ қилиш, уларни доимий амал қиладиган нормативлар билан тартибга солиш тадбирлари кўрилмоқда. Корхоналарнинг молия резервларини барпо қилиш, корхоналар (бирлашмалар) ўзини маблағ билан таъминлашига ўтиш лозим бўлади. Капитал қурилишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда, корхоналарни техникавий реконструкция қилишда кредит ролини ошириш керак. Мамлакатда бошланган экономикани тубдан қайта қуриш кредит социалистик хўжалик юритишнинг таъсирчан қуроли бўлишини, ўзининг рағбатлантирувчилик вазифасини тўлароқ бажаришини талаб қилади.

Пропагандист, ушбу бўлимни кўриб чиқишни тугаллар экан, шуни таъкидлайдики, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш уларнинг ҳамма томонларини ва асосий элементларини ўз ичига олади, чунки фақат шундай бўлганида улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига кенг йўл очиб беради.

БОШҚАРИШ СИСТЕМАСИНИ ВА ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ МЕТОДЛАРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ

Пропагандист тингловчиларга хўжалик механизми — бу ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришга таъсир қилиш формалари, методлари ва усуллари мажмуи эканлигини эслатиб ўтади. Бунинг асосий элементлари: планлаштириш, бошқариш, иқтисодий рағбатлантириш (хўжалик ҳисоби)дир. Иқтисодий категориялар системасида хўжалик механизми социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари намоён бўлишининг конкрет ташкилий-иқтисодий формаси сифатида майдонга чиқади. Хўжалик механизми социализм иктисодий қонунлари талабларини қанчалик тўла рўёбга чиқариш имкониятини бериши унинг самарали амал қилишининг асосий мезонидир. Бу ўринда мамлакатнинг хўжалик механизмида амалга оширилаётган ўзгаришлар зарурлигини асослаб бериш мақсадга мувофиқдир. Улар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳозирги тараққиёти хусусиятлари: унинг юксак даражадаги динамизми, сакраш йўли билан бориши, ишлаб чиқариш барча элементларининг сифат жиҳатдан янги даражага ўтиши, ҳам ички, ҳам халқаро ишлаб чиқариш-хўжалик алоқаларининг мураккаблашуви ва шу кабилар билан боғлиқдир. Буларнинг бари хўжалик юритиш формалари ва методларини янгилашни талаб қилди ва бу соҳада содир бўлаётган жараён социализмга хос бўлган ишлаб чиқариш муносабатларини узлуксиз ривожланаётган ишлаб чиқарувчи кучларга мослаштиришдан иборатдир.

КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, мамлакат ўз ривожланишида шундай ҳолатга етиб келдики, у эндиликда бурилиш характерини касб этмоқда. Жадаллаштириш йўли лоқайдликни, турғунликни ва консерватизмни бартараф этишни тақозо этиб, социалистик тузумнинг барча афзалликларидан фойдаланишга қаратилгандир. Бу эса социализм ривожининг ҳозирги босқичига мос бўлган созланган хўжалик механизмисиз, амалда ишлаб чиқаришни ижтимоий эхтиёжларга бўйсундириши, уни самарадорлик ва сифатни оширишга йўналтириши, техника тараққиётини жадаллаштириши, ходимларнинг меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини, ташаббусни, социалистик тадбиркорликни ривожлантириши лозим бўлган ишлаб чиқариш системасини қайта қурмасдан мумкин эмас.

КПСС XXVII съезди хўжалик механизмини қайта қуриш соҳасида қабул қилган қарорларнинг муҳим хусусияти унинг турли элементларини такомиллаштиришга комплекс ёндашувдир. Бу ўринда тингловчилар эътиборини ана шу қайта қуришнинг асосий йўналишларига қаратиш лозим. Биринчидан, экономикага марказлашган тартибда раҳбарлик қилишнинг таъсирчанлиги, бинобарин, КПСС иқтисодий сиёсатини рўёбга чиқаришнинг асосий қуроли бўлган планлаштиришнинг ҳам таъсирчанлиги ошиб боради. План интизомини мустаҳкамлаш, умумдавлат манфаатлари устунлигини таъминлаш, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликни, бюрократизм ва волюнтаризмни бартараф этиш алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда марказий бошқариш органларининг фаолияти қайта қурилади, йирик тармоқлараро комплексларни бошқариш учун янги органлар тузилади, тармоқ министрликларининг функциялари ўзгаради.

Айни вақтда бирлашмалар ва корхоналарнинг мустақиллигини кенгайтириш ва ишнинг пировард натижалари учун масъулиятини ошириш юзасидан тадбирлар кўрилади. Бу аввало хўжалик юритишнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига ўтиш, министрликлар функцияларининг бир қисмини ишлаб чиқариш коллективларига олиб беришдан иборатки, улар ижтимоий эҳтиёжларни қондирадиган маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўла жавоб беришлари керак.

Корхоналар мустақиллигининг кенгайиши уларга етказиладиган директивали-адресли топшириқлар сонининг кескин камайишида кўринади. Иккинчи томондан, бу узоқ муддат амал қиладиган барқарор иқтисодий нормативлар системасидан кенг фойдаланишни талаб этади. Яна бир жуда муҳим ҳолат шуки, корхоналар ҳуқуқларининг кенгайтирилиши агар тўла хўжалик ҳисоби принциплари бригададан тортиб то иш жойига қадар барча бўғинлар ишига сингиб кетсагина лозимича самара беради.

КПСС XXVII съезди бошқаришда демократик асосларнинг ривожланишига, меҳнаткашларнинг корхоналар ишларида бевосита қатнашишига кучли туртки берди. Меҳнат коллективининг қарори узил-кесил қарор ҳисобланадиган масалалар доирасини кенгайтириш кўзда тутилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, деб таъкидлайди пропагандист, коллективларнинг нафақат ҳуқуқлари, шу билан бирга бурчлари, жамият олдидаги масъулияти ҳам ошади.

Чиқимга қарши механизмни вужудга келтириш масаласини алоҳида кўриб чиқиш керак. Экономиканинг экстенсив ривожланиши шароитида таркиб топган аввалги хўжалик юритиш ва бошқариш системаси аниқ ифодаланган сарфлаш характерига эга эди. Қиммат беҳикмат бўлмас деган қоида амал қиларди. Сарф-харажатлар натижалар деб тушуниларди, бу эса ресурслардан норационал фойдаланишга, хўжалик тафаккурининг консерватив типи шаклланишига олиб келди.

КПСС XXVII съезди бу ҳолга барҳам бериш вазифасини қўйди. Эндиликда маҳсулот сифатини, унинг техникавий ва истеъмол хусусиятларини характерлайдиган баҳолаш кўрсаткичлари биринчи ўринга қўйилади. Реализация қилинган маҳсулот ҳажмининг кўрсаткичлари эса ассортимент, номенклатура ва етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг белгиланган муддатларда бажарилиши билан боғланади. Тежамкорлик режими ва хўжалик ҳисоби асосида рағбатлантириш, маҳсулот чиқаришга сарфни камайтириш принциплари кучаяди. Ресурслардан норационал фойдаланиш, паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқарганлик учун масъулият оширилади.

Хўжалик юритишнинг янги методлари тўғрисида гапирганда мазкур корхонанинг ишлаб чиқаришни интенсивлаш шароитида тўла хўжалик ҳисобига, ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини маблағ билан таъминлашга ўтишга тайёрлигини кўриб чиқиш лозим. Тингловчиларнинг шу нарсани англаб олишларига эришиш керакки, хўжалик юритиш методи бўлган ҳақиқий хўжалик хисоби ўз харажатларини тўла қоплашни ва юксак рентабелликни талаб этади. Агар корхона нафақат жорий харажатларини, шу билан бирга капитал харажатларни ҳам копласа, яъни ўзини маблағ билан ўзи таъминласа, унинг ўз харажатларини қоплаши тўғрисида гап юритиш мумкин. Бироқ у ўзининг жамият олдидаги мажбуриятларини ҳам бажариши, белгиланган нормативларга мувофиқ даромадларининг бир қисмини унинг ихтиёрига ўтказиши керак.

Фақат шу шароитдагина тўлиқ хўжалик ҳисоби амалга оширилади. Унга ўтиш учун қуйидагилар зарур:

— ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондини корхонани техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш ва реконструкциялашнинг асосий манбаига айлантириш;

— меҳнат коллективлари социал программаларини улар ҳосил қилган маблағларга боғлиқ қилиб қўйиш;

— иш ҳақи фондлари миқдорини бевосита корхоналарнинг даромадларига қараб белгилаш;

— бир хил корхоналарнинг хўжасизлигини фойдани қайта тақсимлаш йўли билан бошқа корхоналарнинг юксак натижалари ҳисобига қоплашга имкон берадиган ҳамма йўлларни беркитиш;

— шартнома муносабатлари соҳасини кенгайтириш, корхоналарнинг истеъмолчилар олдидаги мажбуриятларини бажариш учун уларнинг қатъиян жавобгарлигини жорий этиш;

— юқори органлар томонидан корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашувига барҳам бериш, меҳнат коллективларига олдиларида турган планларни рўёбга чиқаришнинг оптимал йўлларини ўзлари топиш имконини бериш.

ВАЗ ва М. Ф. Фрунзе номидаги Сумск машинасозлик заводининг мамлакатда биринчи бўлиб хўжалик юритишнинг янги методлари ва формаларини ўзлаштирган меҳнат коллективларининг КПСС МК маъқуллаган тажрибаси ишлаб чиқаришни интенсивлаш учун бундай шароитлар катта қулайлик туғдиришлигидан далолат беради.

Партия хўжалик механизмини қайта қуришни энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа сифатида илгари сурар экан, буни ҳал этишни социалистик ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш ҳамда мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларини янада ривожлантиришнинг йўли деб билади. «Бошқаришни такомиллаштиришнинг... энг юқори мезони, — деб таъкидланди КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, социализмни амалда мустаҳкамлаш бўлиб қолиши керак».

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

К. Маркс. **Гота программасини танқид.** К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, 3-том, 5—28-бетлар. Т., «Ўзбекистон», 1981.

Ф. Энгельс. **Анти-Дюринг.** К. Маркс, Ф. Энгельс, Асарлар, 20-том, 328—332-бетлар.

В. И. Ленин. **Давлат ва революция.** ТАТ., 33-том, 104—112-бетлар.

В. И. Ленин. **Советлар молия бўлимлари вакилларининг I Бутун Россия съездида 1918 йил 18 майда қилинган доклад.** ТАТ., 36-том, 397-бет.

В. И. Ленин. **«Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» деган мақоланинг дастлабки варианти.** ТАТ, 36-том, 175—178-бетлар.

В. И. Ленин. **Мактабдан ташқари таълимга бағишланган I Бутун Россия съезди.** ТАТ, 38-том, 418—421-бетлар.

М. С. Горбачев. **КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 23 апрелдаги Пленумида қилинган доклад.** Танланган нутқлар ва мақолалар. Т., «Ўзбекистон», 1986, 14—16-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. Т., «Ўзбекистон», 1986. 37—45, 52, 145, 166—170-бетлар.

М. С. Горбачев. **Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашувда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони», 1986, 21 сентябрь.

В. Куликов. **Взаимосвязь производительных сил и производственных отношений социализма.** — Вопросы экономики, 1986, № 9.

А. Любинин. Основные противоречия социалистической экономики. — Вопросы экономики, 1986, № 9.

«ҲУЖУМ» ҲАРАКАТИ БОШЛАНГАНИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БУТУНЛАЙ ОЗОД ҚИЛИШ УЧУН РЕВОЛЮЦИОН КУРАШ НАМУНАСИ

Р. РАЖАБОВА,
тарих фанлари доктори

ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ғалабаси натижасида инсониятнинг энг актуал — хотин-қизларни эркинликка чиқариш проблемасини ҳал этиш, янги типдаги хотин-қизларни — тўла ҳуқуқли гражданларни, жамиятнинг давлат, сиёсий, ишлаб чиқариш, маънавий турмушининг актив иштирокчиларини шакллантириш учун принципиал янгича негиз вужудга келди. В. И. Ленин 1919 йилда шундай ёзган эди: «Жаҳонда ҳеч бир демократик партия энг илғор буржуа республикаларининг биронтасида ҳам ўн йиллар давомида бу жиҳатдан биз ҳокимият тепасига чиқиб олган биринчи йилдаёқ қилган ишларимизнинг юздан бирини ҳам қилгани йўқ. Биз хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқли эмаслиги тўғрисидаги... қонунлардан том маъноси билан асар ҳам қолдирмадик, ҳолбуки маданияти тараққий топган мамлакатларнинг ҳаммасида бу қонунларнинг қолдиқлари жуда кўп бўлиб, улар буржуазияни ва капитализмни шарманда қилмоқда. Биз бу соҳада қилган ишларимиз билан фахрланишга минг марта ҳақлимиз» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 27-бет).

Лекин хотин-қизларнинг қадр-қимматини хўрлайдиган, уларни эркакларга нисбатан тенг ҳуқуққа эга бўлмаган аҳволга соладиган эски қонунларнинг тугатилишини В. И. Ленин «социализмга ўтадиган ҳар қандай ишчи давлати» олдида қонуний равишда вужудга келадиган асосий проблеманинг нисбатан оддий ва енгил бир қисми деб ҳисоблаган эди. В. И. Ленин хотин-қизлар масаласига доир марксча концепцияни ижодий ривожлантириб, бу масалани социализмда ҳал этишнинг илмий программасини ишлаб чиқди.

В. И. Ленин хотин-қизларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, уларнинг ҳақиқатан эркинликка чиқарилиши тўғрисидаги қоидани ўртага қўйди ва асослаб берди. Хотин-қизларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги, деб кўрсатган эди Владимир Ильич, фақат уларнинг юридик тенглигини жорий этиш билан чекланмайди. Юридик тенглик иқтисодий ва социал тенглик билан мустаҳкамланмаса, унда бундай тенглик юзаки бўлиб қолади (ТАТ, 40-том, 221—222-бетларга қаралсин). В. И. Ленин ана шундай тенгликка эришиш учун курашни Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосий мақсади, деб ҳисоблар эди. Бунда у хотин-қизларни ижтимоий-ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этиш вазифасини бир ёқлама, дангал тушунишдан огоҳлантирган эди. «... Бунда гап, меҳнат унуми, меҳнат миқдори, иш соати, меҳнат шароити жиҳатидан ва бошқа жиҳатлардан хотин-қизларни эркаклар билан баравварлаштириш тўғрисида бораётгани йўқ, — деб таъкидлаган эди В. И. Ленин партиясиз ишчи хотин-қизларнинг IV Москва умумшаҳар конференциясида 1919 йил сентябрда сўзлаган нутқида, — балки хотин-қизлар, эркаклардан фарқли ўлароқ, ўзларининг уй-рўзғорлари орқасида эзилишларига йўл қўймаслик устида боради. Ҳаммангизга аён, ҳатто ҳуқуқда тўла тенглик бўлганда ҳам хотин-қизлар амалда мана шундай эзилган аҳволда қолаверадилар, чунки бутун уй-рўзғор ишларини хотин-қизлар устига юклайдилар» (ТАТ, 39-том, 233-бет).

В. И. Ленин таърифлаганидек, коммунизмнинг дастлабки куртаклари бўлган ошхоналар, болалар боғчалари, яслилар, бошқа ижтимоий муассасаларни қуриш хотин-қизларни «уй чўрилиги»дан озод этишнинг ҳал қилувчи йўллари деб топилди. Владимир Ильич уларни ривожлантиришга катта аҳамият берар экан, бу муассасаларга диққат-эътибор билан муносабатда бўлишни, уларга яхши қарашни талаб қилди, шу билан бирга бу вазифани ҳал этишнинг қийинлигини ҳам таъкидлаган эди.

Хотин-қизлар масаласини ҳал этишга доир ленинча концепция Коммунистик партиянинг бу соҳадаги программавий йўл-йўриқларининг моҳиятини белгилаб берди. Партия ана шу социалистик идеалга эришиш борасидаги ишнинг бутун мураккаблиги, кенг кўламлилигини тушунган ҳолда В. И. Лениннинг «бу кураш — ижтимоий техникани ҳам, хулқ-атворларни ҳам тубдан ўзгартиришни талаб қиладиган, узоқ давом этадиган курашдир» (ТАТ, 40-том, 222-бет) деган кўрсатмасига оғишмай амал қилиб келди.

Мамлакатимизда хотин-қизлар масаласини ҳал этишга доир тарихий тажриба доҳий башоратининг тўғрилигини тасдиқлади. КПССнинг хотин-қизларни эркинликка чиқариш соҳасидаги фаолияти қатор босқичларни босиб ўтди, бу босқичларнинг ўзига хослиги қуйидаги омиллар мажмуи: тегишли босқичдаги тарихий вазиятнинг ўзига хослиги, социалистик қурилиш истиқболлари, омма сиёсий онгининг даражаси, партия идеологик кучларининг тайёргарлик даражаси билан белгиланар эди. Кўп миллатли Советлар Мамлакати ҳар бир конкрет регионининг ўзига хос хусусияти ҳам хотин-қизлар масаласининг ҳал этилишига муайян таъсир ўтказди. Масалан, Ўрта Осиёда социалистик қурилишга асос бўлган дастлабки шарт-шароитлар — социал-иқтисодий ва сиёсий қолоқлик, феодализм қолдиқларининг кучлилиги, ишчилар синфининг заифлиги ва камсонлилиги, деҳқонлар, майда буржуа стихиясининг таъсири, диний, синфий ва миллий муносабатларнинг етарлича табақалашмаганлиги — хотин-қизлар масаласини социалистик тарзда ҳал этиш асосий қонуниятларининг бу ерда ўзига хос равишда намоён бўлишини белгилаб, партия йўл-йўриқларини амалга ошириш суръатлари, форма ва методларига ўзгартишлар киритишни тақозо этди.

РКП(б) МК томонидан 1918 йил ноябрда чақирилган хотин-қиз ишчиларнинг I Бутун Россия съезди хотин-қизларни чинакамига озод қилиш, уларни социалистик қурилишга жалб этиш юзасидан системали ишни бошлаб берди. Съезддан кейин кўп ўтмай хотин-қизлар ўртасида агитация ва пропаганда бўйича комиссиялар тузила бошлади, улар 1919 йилда қайта ташкил этилиб, партия комитетларининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлимларига — хотин-қизлар бўлимларига айлантирилди. Туркистон АССРда бундай бўлим 1919 йилнинг июнида Туркистон Коммунистик партияси (ТКП) Ўлка комитети қошида ташкил қилинди, ўша йилнинг ноябридан эътиборан шаҳар ва район партия комитетлари қошида хотин-қизлар бўлимлари ташкил қилина бошлади.

Хотин-қизлар бўлимлари ўз фаолиятининг дастлабки қадамларидан бошлабоқ катта қийинчиликларга дуч келди. Туркистон АССРда одат ва шариатга асосланган эски урф-одатлар ҳали ҳам оила-турмуш муносабатларида хукмронлик қиларди. Бундай одатлар маҳаллий миллатларга мансуб хотин-қизларни баланд девор сингари янги турмушдан ажратиб турар эди.

Гарчи секин бўлса-да, барибир туб миллатлар вакиллари ичидан хотин-қизлар активини тайёрлаш иши борарди. Улар республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштиёқ билан қатнашишарди. Партиянинг хотин-қизларни амалда озод қилиш бўйича сиёсатини ўлкада амалга оширишда катта роль ўйнаган бундай кишилар орасида Шамсиқамар Ғоибжонова, Манзура Собирова (Ойдин), Собира Холдорова, Жаҳон Обидова, Робия Носирова, Тожихон Рустамбекова ва бошқалар бор эди.

Туркистон АССРдаги хотин-қизлар бўлимлари РКП(б) МК ва унинг хотин-қизлар бўлимининг бевосита раҳбарлиги остида ва ёрдами билан иш олиб бордилар. Кўп сонли ҳужжатлар — бу бўлимнинг губерниялар хотин-қизлар бўлимларига хати (1920 йил сентябрь), губернияларнинг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича бўлимлари мудирлари III Бутун Россия кенгаши Шарқ халқлари

секциясининг қарори (1920 йил декабрь), Шарқ хотин-қиз коммунист-ташкилотчилари I ва II Бутун Россия кенгашларининг резолюциялари (1921 йил апрель, 1923 йил март), РКП(б) МҚнинг РКП(б) область бюролари ва миллий республикалар Қомпартиялари МҚларига юборган «Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари ўртасидаги иш тўғрисида»ги циркуляри (1923 йил май), РКП(б) МҚ пленумининг «Шарқнинг хотин-қиз ишчилари, деҳқонлари ва меҳнаткашлари ўртасидаги иш соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида»ги қарори (1925 йил январь) ва бошқалар РКП(б) МҚнинг Совет Шарқи хотин-қизлари ўртасидаги ишнинг аҳволига доимо эътибор берганлигини кўрсатади.

Қоммунистик партия тажриба ортиши, унинг умумлаштирилиши ва тушуниб етилишига қараб бу йўналишларни конкретлаштириб, аниқлаштира борди, Шарқ хотин-қизларини озод қилиш соҳасидаги ишни ривожлантиришнинг бундан кейинги йўлларини белгилаб берди.

Энг муҳими, Шарқда хотин-қизлар ҳаракатининг тажрибасини умумлаштириш тайёргарликка эга ходимларнинг, хотин-қизлар оммасининг қобилиятли ташкилотчилари етишмаслигини кўрсатди. Шу туфайли, II Бутун Россия кенгаши (1923 йил март) РКП(б) МҚга тегишли ўлка курсларини ташкил этишга маблағ ажратиш тўғрисидаги илтимос билан мурожаат қилди. РКП(б) МҚ РКП(б) область бюролари ва миллий республикалар Қомпартиялари МҚларига 1923 йил майда юборган «Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари ўртасидаги иш тўғрисида»ги махсус циркулярда Шарқнинг меҳнаткаш хотин-қизлари ўртасида олиб борилган ишдаги эрншилган натижаларни мустаҳкамлаш учун қатор конкрет чора-тадбирларни белгилади. РКП(б) МҚ парткомлар олдига партия аъзолари ва партиясиз омма ўртасида хотин-қизларни озод қилиш проблемаларига доир агитацияни чуқурлаштириш, уларнинг хотин-қизлар бўлимлари фаолиятига раҳбарлигини кучайтириш, бу бўлимлар аппаратларини малакали партия ходимлари билан мустаҳкамлаш вазифаларини қўйиш билан бир вақтда уларга хотин-қизлар бўлимлари тавсия қилган коммунист хотин-қизлар ва партиясиз делегат аёлларни тақсимлаш ҳисобидан ишчилар факультетларига, комуниверситетлар ва партия мактабларига ўқишга юбориш учун командировка қилишни юклади. Партия мактаблари ва комуниверситетлар қошида хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича махсус секциялар тузилди.

Ўша йили РКП(б) МҚ Ташкилий бюроси РКП(б) МҚнинг учёт-тақсимот бўлимига икки ойлик муҳлат ичида ТКП МҚнинг ишчи хотин-қизлар бўлимини, область хотин-қизлар бўлимларини бутлаш, давлат ҳисобидан хотин-қизлар мактаблари тармоғини очиш; маҳаллий аҳоли вакиллари ичидан хотин-қизлар оммаси ташкилотчиларини тайёрлашни кучайтириш, Совет Шарқи республикаларидаги барча партия мактабларида хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича секциялар ва ишчи факультетларида хотин-қизлар бўлимларини ташкил этиш, комсомолнинг Шарқ қизлари ўртасидаги ишини активлаштиришни таклиф қилди. РКП(б) Марказий Қомитети РКП(б) МҚ ишчи хотин-қизлар бўлимининг инструктори Серафима Тимофеевна Любимовани ТКП МҚ хотин-қизлар бўлими мудири лавозимига тавсия қилди.

Россия марказий районларидаги хотин-қизлар ўртасида амалий иш тажрибасига эга бўлган С. Т. Любимованинг Туркистонга келиши мамлакат хотин-қизлар бўлимлари фаолиятидаги янги босқичга тўғри келди. Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва янги иқтисодий сиёсат негизида халқ хўжалигини муваффақиятли тиклаш шароитида ўтган РКП(б) XIII съезди (1924 йил май) партияни ленинча бош йўл теварагида янада жипслашишга, социализм қуриш учун зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирди. Съезда деҳқон оммасини кооперациялашни, индустриялашни кенгайтиришни, маданий революцияни авж олдиришни шу куннинг асосий вазифалари деб тан олиб, хотин-қизлар ўртасидаги ишларнинг ғоят долзарблигини таъкидлади. Махсус резолюцияда партия ташкилотларига сиёсий ва маданий тарбия йўли билан ишчи ва деҳқон хотин-қизларга таъсирни кучайтириш, уларни саноат, кооператив қурилишига жалб этишга, барча сайлаб қўйиладиган раҳбар

лавозимларга кўтаришга ва тегишли вазифаларни бажаришга тайёрлашга доир ишларни авж олдириш таклиф қилинди.

Ўлкада миллий-давлат чегараланишининг ўтказилиши Совет Шарқи хотин-қизлари ўртасидаги ишларни кенгайтиришга ва чуқурлаштиришга таъсир этган муҳим омил бўлди. Ўзбекистон ССР ташкил топганидан сўнг Ўзбекистон Компартияси РКП(б) XIII съезди қарорларидан келиб чиқиб, бу ишни республика партия ташкилотининг социалистик қурилишдаги энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгилади. Маҳаллий шароитда бу иш характеридаги кескин бурилиш Ўзбекистон Компартиясининг I съезди (1925 йил февраль) қабул қилган «Хотин-қизлар ўртасидаги иш тўғрисида»ги резолюцияда белгилаб берилди. Масаланинг қўйилишидаги янгилик шундан иборат эдики, туб миллатларга мансуб хотин-қизларни сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан озод қилишнинг муваффақияти биринчи марта хотин-қизларнинг турмушдаги ўрта асрга оид аҳволига қарши олиб бориладиган курашга ва «туб аҳолининг жаҳолат ичидаги саводсиз оммасига муллалар ва эшонлар ўтказаётган таъсирга партия таъсирини қарама-қарши қўйиш»га боғлиқ қилиб қўйилган эди (Ўзбекистон Коммунистик партияси съездлар резолюциялари ва қарорларида. Тошкент, 1968, 50-бет). Компартия қалинни ва ёш қизларни эрга беришни тақиқлаш тўғрисидаги совет декретларини агитация қилиш ва оммалаштиришдан уларни кескин равишда ҳаётга татбиқ қилишга ўтишга, бунга аввало партия аъзолари, комсомоллар, масъул ходимларнинг амал қилишига эришишга чақирди. Съезд резолюциясида айниқса қишлоқлардаги хотин-қизлар ўртасидаги ишларга партиявий раҳбарликни юксалтириш, уларни партия, давлат қурилишига, ишлаб чиқаришга ва делегатлар йиғилишларига жалб этиш, маданий-маърифий фаолиятни ва маҳаллий миллатларга мансуб қизлар ўртасидаги ишларни ривожлантириш; хотин-қизлар бўлимлари аппаратларини бутлаш ва улар фаолиятини координация қилишга доир белгиланган конкрет чора-тадбирлар республика партия ташкилотларининг социалистик қурилишнинг янги босқичида хотин-қизлар масаласини ҳал этишдаги программасини белгилаб берди.

Партиянинг мазкур йўл-йўриқларини амалга ошириш бўйича 1924—1926 йилларда авж олдириб юборилган ишлар республика хотин-қизлар бўлимлари эришган етуклик, тажрибадан далолат берарди. Хотин-қизлар масаласида партия сиёсатини пропаганда қилиш, жамоатчилик фикрини шакллантириш ҳужумкорлик билан ва бир неча йўналишларда амалга оширилди. Барча партия, совет, касаба союзлари, комсомол съездларининг, область партия конференциялари, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, Ўзбекистон КП(б) МК томонидан ўтказиладиган турли хил кенгашлар минбарларидан, шунингдек матбуот органларидан республикадаги хотин-қизлар ҳаракати проблемаларига эътиборни жалб этиш учун фойдаланилар эди. С. Т. Любимова (ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлими мудири), З. Пришчепчик (Ўзбекистон КП(б) МК хотин-қизлар бўлими мудири) ва бошқа хотин-қизлар бўлимлари ходимлари санаб ўтилган оммавий анжуманларда қилган докладларида туб миллатларга мансуб хотин-қизларни озод қилиш масалаларини кескин қилиб қўйишар, хотин-қизлар ҳаракатининг етилган эҳтиёжларига диққатни қаратар эдилар.

Хотин-қизлар активини тобора шакллантира боришга доир иш ҳам муҳим йўналишлардан эди. Қисқа муддат ичида деҳқон хотин-қизларнинг Бутун Ўзбекистон қурултойи (1925 йил март), икки марта хотин-қизлар бўлимлари мудирларининг ўлка кенгаши (1925 йил апрель, октябрь), хотин-қизлар ўртасида ишлайдиган ходимларнинг Бутун Ўзбекистон кенгаши (1925 йил август), шу тоифадаги ходимларнинг область кенгашлари, ўқувчи хотин-қизларнинг I Тошкент конференцияси ва Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар клублари ва қизил бурчаклари ходимларининг II кенгаши (1926 йил апрель) ва бошқа тадбирлар ўтказилди. Ўша йиллар турмуш тарзи учун янгича бўлган хотин-қизлар активини ташкил этишнинг бундай барча формалари республика Компартиясининг хотин-қизларни ҳақиқатан озод қилишга доир ишида кескин

бурилиш бўлаётганлигини, бунинг учун коммунистларнинг катта ижодий имкониятларининг сафарбар қилинганлигини кўрсатар эди.

Хотин-қизлар социал-сиёсий активлигининг ўсиб боришини кўрсатувчи фактлар Ўзбекистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги янги тенденциялардан, хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни тўғрисидаги жамоатчилик фикрини қайта қуриш жараёнининг бошланганлигидан далолат берарди. Лекин шу хилдаги ҳар қандай жараён каби бу ҳам оддий эмас эди, бунинг устига унинг суръатлари социалистик қурилиш эҳтиёжларини қондирмас эди. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш практикаси буни жуда равшан исботлади.

Ислоҳот муносабати билан бошланган ва синфий курашни кескинлаштириб юборган феодал-патриархал муносабатларга қарши кенг ҳужум республика хотин-қиз аҳолисининг асосий қисми — деҳқон хотин-қизларни зудлик билан активлаштиришни, уларни бойларга, йирик ер эгаларига, руҳонийларга қарши қишлоқ меҳнаткашларининг курашида партия раҳбарлиги остида ташкил топаётган ягона фронтнинг социал кучига айлантиришни қатъиян талаб этарди. Хотин-қизларни озод этиш ҳаракатига оммавий тус бериш, унинг йўлидаги барча тўсиқларни бутунлай тугатиш керак эди. Қишлоқдаги меҳнаткаш хотин-қизларга ерга эгалик қилишда эркаклар билан тенг ҳуқуқларнинг берилиши уларнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамларди. Буларнинг ҳаммаси урф-одатлари ва таомили ўрта асрчилик қолдиқларидан иборат эски турмушнинг сақланиб қолишига зид келарди.

Шу туфайли, ВКП(б) МК 1926 йил 18 июнда қабул қилган қарорида Ўрта Осиёда хотин-қизлар ўртасидаги ишларнинг тўғри йўлдан бораётганлигини қайд қилиб, меҳнаткаш хотин-қизларга нисбатан турмушдаги муносабатларда эскилик сарқитларига қарши курашни кучайтиришни зарур деб топди. Белгиланган чора-тадбирлар республика ижтимоий ҳаётининг бу участкасига партиявий раҳбарликнинг доимий ошиб боришини назарда тутар, бу эса ўлкадаги хотин-қизлар ҳаракатининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйишини олдиндан белгилаб берган эди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан ВКП(б) МК кўрсатмаларини амалга ошириш юзасидан конкрет чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун чақирилган хотин-қизлар бўлимлари ходимларининг III ўлка кенгашида (1926 йил сентябрь) Ўрта Осиёдаги хотин-қизлар ҳаракатининг аҳволи ва унинг истиқболлари тўғрисидаги ўндан зиёд масала муҳокама қилинган эди, булар: экономика ва, айниқса, саноат ишлаб чиқариши соҳасидаги, касаба союзлари йўлига доир, хотин-қиз ходимларни тайёрлаш, делегатлар йиғилишларининг фаолияти, коммунист хотин-қизлар ўртасидаги тарбиявий ишлар, меҳнаткаш хотин-қизлар турмушини яхшилаш комиссияларининг тажрибаси, ҳуқуққа оид ишлар, хотин-қизлар маорифи, пионерлар отрядлари фаолияти, жойлардан хабарлар ҳақидаги масалалар эди. Эски турмушни, унинг таомили ва урф-одатларини кескин бузиб ташлаш вазифасининг биринчи ўринга қўйилиши бу масалаларни ҳал этишга ёндашувга ўзига хослик бахш этди. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский кенгашда қилган докладида шундай таъкидлади: «Биз ўз ишимизга: ҳужумга ўтайлик! — деган шиор бағишлашимиз керак! Биз ҳозирги пайтда хотин-қизларни қул қилишга асос бўлиб хизмат қилаётган жаҳолатга, турмушимизнинг қолоқ формаларига, иқтисодий қолоқликка қарши ҳужумга ўтишимиз керак» («Правда Востока» газетаси, 1926, 22 октябрь). Ўртага ташланган шиорлар хотин-қизлар масаласини ҳал этишдаги янги босқичнинг моҳиятини ниҳоятда тўла акс эттирди.

«Ҳужум»нинг авж олдирилиши жамиятнинг улкан ижодий имкониятлари билан боғлиқ эди, лекин бунинг учун партиядан маҳаллий аҳоли ўртасида ғоят жўшқин сиёсий-оммавий иш олиб бориш талаб қилинарди. Юз бераётган воқеалар характери кишиларнинг оммавий онгида, уларнинг хатти-ҳаракатларида туб ўзгаришлар ясашни тақозо этди. Партия янги ташаббусларни қўллаб-қувватлаб, кенг ишчи-деҳқон оммасини, аввало коммунистларни уларни амалга оширишга сафарбар қилди, кўпинча бу кишилар ҳар доим ҳам бу ишларга тайёр эмас, ўтмиш юки, қолоқ одатлар, тафаккур инерцияси, реакцион анъаналар кучи уларнинг елкасидан босиб турарди. Хотин-қизлар ҳаракатининг ўзини ҳам

қайта қуришга катта аҳамият берилар эди. Шу сабабли, ер-сув ислоҳотини ўтказиш пайтида бўлгани каби агитация-тушунтириш кампаниясида бирданига икки йўналиш белгиланди: коммунистлар ҳамда партия активи ўртасидаги ишлар ва хотин-қизлар ҳамда бутун меҳнаткаш омма ўртасидаги ишлар.

ВКП(б) МҚ Ўрта Осиё бюроси, Ўзбекистон, Туркманистон Компартиялари Марказий Қомитетлари ва ВКП(б) Қирғизистон обкомининг «Ўрта Осиё республикалари Компартияларининг барча аъзолари ҳамда кандидатларига ва ташкилотларига» Мурожаати (1927 йил январь) катта ғоявий-пропагандистик таъсирга эга ҳужжат бўлди. Бу ҳужжат орқали авж олдирилаётган «Ҳужум»нинг аҳамияти, унда коммунистларнинг вазифалари ва роли кенг партия оммасининг онгига етказилди. «Озод қилинган хотин-қизлар оммасини маданий қурилишда, хўжалик ҳаётини юксалтиришда қатнаштирмасдан туриб, — деб уктирилган эди Мурожаатда, — жадал ривожланиш, орқада қолган халқларнинг ўзларининг олдинга ўтиб кетган Иттифоқдош ўртоқларини қувиб етиши мумкин эмас».

Турмушдаги феодал-бойларга хос кўринишларга (хотин-қизларнинг тутқунликда яшаши, кўп хотинлилик, қалин бериш, вояга етмаган қизларни эрга бериш ва ҳоказо) қарши кураш вазифаларига мувофиқ Мурожаат партия ташкилотларининг «Ҳужум»ни авж олдириш юзасидан асосий иш йўналишларини аниқ белгилаб берди: Совет ҳокимиятининг хотин-қизларни озод қилиш тўғрисидаги қонунларини оммалаштириш, хотин-қизларни социализмнинг тенг ҳуқуқли қурувчисига айлантирадиган иқтисодий мустақилликка эришишига кескин ёрдамлашиш, савод чиқариш учун, узлатда яшашга қарши кураш, бу ишни бевосита партия муҳитида активлаштириш, ишчи ва деҳқонлар кенг оммасини хотин-қизларни озод қилиш ишига жалб этиш. Мурожаат партиянинг ҳамма аъзоларини хотин-қизларни ҳақиқатан эркинликка чиқариш учун актив ҳаракатларга сафарбар қилди, бу тадбирни бир ёқлама тушунишдан, фақат паранжини ташлашдангина иборат деб ўйлашдан огоҳлантирди. «Партия «Ҳужумга!» деган шиор остида бутун иқтисодий, маданий, маиший чоратадбирлар системасини тушунади, — деб ёзган эди Ўзбекистон Компартияси МҚ секретари Акмал Икромов. — ... Лекин, шубҳасиз, яқин вақт мобайнида паранжи масаласи биринчи ўринда туради. Токи паранжи сақланиб турар экан, хотин-қизларни ҳақиқатан эркинликка чиқариш, уларнинг чинакам тенг ҳуқуқлилиги ҳақида гап бўлиши мумкин эмас... Паранжи — улкан, узоққа чўзиладиган ва оғир ишнинг бошланиши, холос» («Правда Востока» газетаси, 1927, 8 март). Ҳамма жойда партия ячейкаларининг йиғилишларида хотин-қизларни озод қилиш ҳақидаги директив ҳужжатлар муҳокама қилинди.

1926 йил декабрда тузилган Марказий, республика ва область, 1927 йилда ташкил этилган округ ва район хотин-қизларни озод қилиш учун курашни кучайтириш комиссиялари, шунингдек партия комитетларининг хотин-қизлар бўлимлари, хотин-қизлар ташкилотлари, бутун партия, комсомол, касаба союз ва қўшчи активи сиёсий-тарбиявий, агитация-пропаганда ишларини кенг авж олдириб юборди. Ҳамма жойда хотин-қизлар — «Ҳужум» активларининг йиғилишлари, район, округ конференциялари бўлиб ўтди.

«Ҳужум»ни ҳар томонлама ва чуқур ёритиб борган маҳаллий матбуот эски турмушга қарши ҳужумда муҳим роль ўйнади. Республика газеталари ва бошқа газеталар ҳар бир сонда «Ҳужум»нинг бориши тўғрисидаги, шаҳарда ва қишлоқда туб миллатларга мансуб хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилиши, хотин-қизлар ўқув юртлари тармоғининг ташкил қилиниши, хотин-қизларнинг оммавий тарзда паранжи ташлаши билан ўтадиган конференциялар, йиғилишлар, митинглар, ўқитувчилар, медиклар, маҳаллий зиёлилар бошқа вакилларининг «Ҳужум»даги иштироки ҳақидаги ахборотни, маълумотларни, мақолаларни босиб чиқарар эди.

Лекин шу билан бирга паранжи ташлаган хотин-қизларнинг таҳқирланиши, уларнинг ва активларнинг ҳақорат қилиниши, ҳатто ўлдирилиши тўғрисида ҳам кўплаб хабарлар келиб турарди. Одатда ўтакетган мутаассиб руҳонийлар бундай ҳаракатларнинг ташаббусчилари бўлиб чиқишарди. Улар эски, умрини яшаб бўлган нарсаларга қарши оммавий ҳужумни ҳар қандай йўллар билан

барбод қилишга интилиб, гўёки асрлар давомидаги диний йўл-йўриқлар туфайли муқаддас бўлиб қолган оила тузуми, хотин-қизларнинг турмушдаги аҳволининг абадийлиги ва ўзгармаслигини тарғиб қилар, «худонинг қаҳрига» учрашни эслатиб қўрқитар эдилар. Омма маданий ва сиёсий жиҳатдан умуман қолоқ, диний ҳис-туйғулар асирлигида қолган бир шароитда бундай тарғибот айрим ҳолларда аҳолига тегишлича салбий таъсир ўтказар, «Ҳужум»ни ҳар тарафлама ривожлантириш учун шундай ҳам ғоят кескинлашган курашни янада мураккаблаштирарди. Бундай адолатсиз курашда реакция ўзининг қўл остидаги барча воситаларни ишга солар эди. Улар партия ташкилотларининг ҳар қандай хатолари ва камчиликларини ўзларига қурол қилиб олишарди. Масалан, хотин-қизларни озод қилиш муддатларининг белгиланиши, хотин-қизларнинг йиғилиши тўғрисида аҳолини милиция орқали хабардор қилиш, мачитлардаги ибодатлар пайтида «Ҳужум»ни тарғиб қилиш ва бошқалар ана шундай камчиликлардан эди. Партия ташкилотларининг иш методлари ва суръатларида бундай хато ва камчиликлар алоҳида куч билан намоён бўларди.

Мавжуд чегарадан чиқиш ҳоллари 1927 йил 19 апрелда бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартияси МК мажлисида қатъий қораланди. Марказий Комитет «Ҳужум» тажрибасини умумлаштириб, партия ташкилотларига бундан кейин ҳам бу ишни партияли ва партиясиз омманинг кенг табақаларига Коммунистик партия ва Совет давлатининг бу масаладаги сиёсатини тушунтиришда агитация, пропаганданинг ранг-баранг формаларидан фойдаланган ҳолда ишонтириш методлари орқали олиб боришни юклади, расмиятчилик йўлини тутишдан қатъий огоҳлантирди.

Ўзбекистон КП(б) МКнинг йўл қўйилган чегарадан чиқиш ҳолларига нисбатан тутган принципиал йўли, уларни қоралаганлиги партия ташкилотлари йўлини тўғрилашда, уларнинг меҳнаткашлар ўртасидаги ғоявий-тарбиявий ишдаги куч-ғайратларини активлаштиришда катта роль ўйнади. Булар ҳаммаси бойлар, реакцион руҳонийлар, бошқа антисоциалистик унсурларнинг советларга қарши йўлини илдизи билан қўпориб ташлашга ёрдам берди.

«Ҳужум» тажрибаси синфий душманларнинг ҳар қандай қарши хатти-ҳаракатлари ва бадхоҳликларига қарамасдан хотин-қизларни эркинликка чиқариш жараёнини сира ҳам орқага қайтариб бўлмаслигини исботлади. «Ҳужум»нинг биринчи босқичидаёқ — 1926 йил охиридан 1927 йил майигача — 100 мингга яқин хотин-қиз паранжи ташлади ва эски турмуш билан алоқасини узди.

Коммунистик партиянинг «Ҳужум»ни амалга оширишдаги тарихий тажрибаси бу кампаниянинг ўз характерига кўра Совет Шарқи минглаб хотин-қизлари тақдирини тубдан ўзгартирган ҳақиқий революцион аҳамиятга эга кампания эканлигини кўрсатди. Бу ўлкадаги қарийб ўн йиллик социалистик қурилиш томонидан тайёрланган ва республиканинг нафақат хотин-қиз, балки бутун аҳолиси онгидаги кескин бурилишдан далолат берувчи объектив жараён эди. Ахир, паранжи ташлаш билан ҳам дин рамзига, ҳам барча эскирган нормалар, эски турмуш ҳамда феъл-атвор анъаналарига зарба берилган эди. Илгариги узлатда яшаётган хотин-қиз ўрнига ижтимоий саҳнада социал фаол шахс пайдо бўлди. «Ҳужум»нинг дастлабки босқичидаёқ хотин-қизлар ижтимоий, маданий-маърифий фаолияти турли ташкилий формалари сонининг кескин кўпайганлиги бунинг далили эди. Масалан, 1927 йилнинг ўртасига келиб Ўзбекистонда 5 мингга яқин хотин-қизни ўз ичига олган 120 та саводсизликни тугатиш мактаби ишлаб турар, 200 га яқин оилавий тўгараклар ташкил этилган эди. Судлардаги халқ маслаҳатчиларининг қайта сайлови уларга 5 мингдан зиёд хотин-қизнинг сайланиши билан якунланди (жами халқ маслаҳатчилари сонининг 24,8 проценти). Деҳқон хотин-қизларнинг активлиги 1927 йилда қишлоқ Советларига бўлган сайловларда айникса яққол кўринди. Сайловда 128 минг хотин-қиз иштирок этди (жами сайловчилар составининг 16,7 проценти), деҳқон хотин-қизлардан 4 мингга яқини эса қишлоқ Советлари аъзолари қилиб сайланди (Советларга сайланганларнинг 13 проценти). Хотин-қизларнинг қишлоқ Советлари раислари қилиб сайланиш ҳоллари ҳам кўпайди.

«Ҳужум»нинг дастлабки босқичи тажрибаси паранжи ташлаш учун кураш

билан хотин-қизларни социалистик жамият қуришга жалб этиш борасидаги фаолият ўртасидаги ўзаро боғланиш — партиянинг хотин-қизларни эркинликка чиқариш соҳасидаги ишининг асосий қонунияти эканлигини кўрсатди. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг партия ташкилотларининг Ўрта Осиё хотин-қизларини озод қилиш соҳасидаги иши тўғрисидаги доклад юзасидан қабул қилган қарорида (1927 йил июль) «Ҳужум»ни бундан кейин ривожлантиришда шу қонуниятни ҳисобга олиш ва амалга оширишнинг аҳамияти кўрсатилган.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан турмушдаги эскилик сарқитларига қарши бошланган янада кескин курашни маъқуллаб ва бу курашда региондаги барча партия ташкилотлари фаол иштирок этаётганлигини, уни кенг ишчи-деҳқон оммаси, айниқса хотин-қизлар қўллаб-қувватлаётганликларини қайд қилиб, ВКП(б) МК партиянинг бу йўналишдаги ишини кучайтириш зарур деб топди. Қарорда давлат ва жамоат ташкилотлари, маданий-маърифий муассасаларнинг паранжи ташлаган хотин-қизларга ёрдам кўрсатишга доир фаолиятининг аҳамияти қайд қилинди; совет, хўжалик ва кооперация ташкилотларига меҳнаткаш хотин-қизлар учун мавжуд артеллар, устахоналар, клублар, мактаблар ва бошқа муассасалар тармоғини мустаҳкамлаш ҳамда янгиларини ташкил этиш вазифаси топширилди. ВКП(б) МК партия ташкилотларини хотин-қизларни озод қилишга доир ишни вақтинча амалга ошириладиган зарбдор кампания деб хато тушунишдан огоҳлантириб, бу ишнинг узоқ давом этадиган характерга эгалигини таъкидлади; партия ташкилотларини, бир томондан, коммунистлар ва шаҳар ҳамда қишлоқнинг кенг партиясиз оммаси ўртасида олиб бориладиган тушунтириш ишларини кучайтиришга, уларнинг паранжи ташлаш учун курашни янада ривожлантириш борасидаги фаолиятини активлаштиришга, иккинчи томондан эса — эришилган натижаларни мустаҳкамлашга, хотин-қизларнинг совет жамиятининг ижтимоий-сиёсий, хўжалик, маънавий турмушида актив қатнашишлари учун шарт-шароитлар яратишга чақирди, мазкур вазифаларнинг иккинчи қисми эндиликда асосий вазифалар ҳисобланар эди.

ВКП(б) Марказий Комитети, Ўзбекистон партия ташкилоти коммунистлар, ишчи ва деҳқонлар, илғор зиёлилар, ёшларнинг бутун куч-ғайратини «Ҳужум»ни янада авж олдиришга йўналтирдилар. Республикада капитализмни четлаб социализмга ўтиш даврида хотин-қизлар ҳаракати эришган тарихий муваффақиятлар партия, Совет ҳокимиятининг бу соҳадаги сиёсати реаллигини тасдиқлади. Ўзбекистон Компартиясининг VII съездида (1937 йил июнь) қайд қилинганидек, барча ижтимоий муносабатларни социалистик қайта қуриш, индустриялаштиришни, қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришни, маданий революцияни амалга ошириш асосида республика партия ташкилоти хотин-қизларни ҳақиқатан озод қилиш учун курашда муҳим муваффақиятларга эришди: ўзбек хотин-қизлари ва бошқа маҳаллий миллатлар вакиллари саноат ишлаб чиқаришига жалб қилинди, улар колхозларни қуришда ва пахта учун курашда фаол иштирок этдилар, хотин-қизларнинг маданий даражаси ўсди.

Коммунистик партия социализмни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг кейинги босқичларида ҳам хотин-қизларга нисбатан феодал-бойларча муносабат кўринишларига қарши курашиб, уларни ишлаб чиқаришга ва ўқув юртларига тобора кенгроқ жалб этиш, меҳнаткаш хотин-қизлар малакасини системали ошира бориш, маданий-маиший хизмат кўрсатишни кенгайтириш, хотин-қизларни раҳбар давлат, партия, хўжалик ишларига кўтариш тўғрисида ҳар доим ғамхўрлик қилиб келди. Ўзбекистон Компартияси МКнинг КПСС МК талаблари асосида республика партия ташкилотининг кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасидаги вазифаларини муҳокама қилган XVI пленуми (1984 йил июнь) ҳозирги шароитда хотин-қиз кадрларни тарбиялашни яхшилашнинг амалий ва сиёсий актуаллигини қайд қилди. Пленум ишлаб чиқариш ва ижтимоий турмушнинг ҳар қандай участкасида ютуқларга эришиш — кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни яхшилашга боғлиқ эканлигини таъкидлаб, хотин-қиз кадрлар билан ишлаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатиш зарурлигини билдирди. Пленум кўпгина партия комитетлари, министрликлар ва идораларнинг хотин-қизларни раҳбарлик

ишларига кўтаришга ниҳоятда хушёқмай, баъзан эса бутунлай нотўғри муносабатда бўлаётганликларини қайд қилди.

Ўзбекистон Компартияси МҚ XVI пленумидан сўнг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўйича Республика советининг фаолияти активлашди. Масалан, унинг 1984 йил 29 декабрда бўлган мажлисида хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, уларнинг меҳнат ва сиёсий активлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди. Мажлис қатнашчилари партия ташкилотининг бу участкадаги ижобий ютуқларини қайд қилиб, шу билан бирга хотин-қизлар меҳнати улуши айниқса кўп бўлган қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ва енгил саноатда банд бўлган хотин-қизларнинг иш шароитлари секинлик билан яхшиланаётганлигини таъкидлашди, оналик ва болаликни муҳофаза қилишда фойдаланилмаган резервлар мавжудлигини кўрсатиб ўтишди. Ишлаб чиқилган тавсияларда камчиликларни бартараф этиш, партия талаблари асосида хотин-қизлар ўртасидаги иш самарадорлигини ошириш йўллари белгиланди.

Бизнинг давримиз жамият олдига хотин-қиз меҳнат ресурсларининг улкан ижодий потенциалидан оқилона фойдаланишдек сиёсий жиҳатдан ғоят актуал вазифани қўймоқда. Бунинг муҳимлиги яна шундаки, республикамизнинг моддий ва маънавий бойликларининг 40 процентдан ортиғи хотин-қизлар томонидан яратилади. Ўзбекистонда ҳар уч инженердан бири, ўқитувчилар ва врачларнинг ярмидан кўпи — хотин-қизлардир, 13 минг хотин-қиз — илмий ходимлардир. 110 дан зиёд хотин-қиз Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган. Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди арафасида партия ташкилоти сафларида 178 минг хотин-қиз бор эди (республикадаги барча коммунистларнинг 27,7 проценти).

Ўзбекистон ҳаётида меҳнаткаш хотин-қизлар, оналарнинг бугунги кундаги роли — партиянинг хотин-қизлар масаласига доир ленинча программасининг ҳаётга татбиқ қилиниши натижасидир. Бу КПСС раҳбарлиги остида «Ҳужум»нинг — феодал-крепостнойчилик муносабатларига, жаҳолатга, қолоқликка қарши революцион ҳужум, тараққиёт йўлида ғов бўлиб турган ҳамма нарсага қарши муросасиз курашнинг амалга оширилганлиги тўғрилигидан далолатдир. «Ҳужум» тажрибасининг тарихий аҳамияти Ўзбекистон КП МҚнинг республика Компартияси XXI съездига ҳисобот докладида илгари сурилган «эскилик сарқитларига, ирим-сиримларга, хурофотларга, қолоқликка қарши курашдаги ҳужумкорлик ишини кучайтиришда мана шу қийин, аммо самарали тажрибадан фойдаланиш лозим» деган фикр билан яна бир бор тасдиқланди.

1987 йилда бошланганига 60 йил тўладиган «Ҳужум» тажрибасига мурожаат қилиш, уни социализмни планли асосда ва ҳар тарафлама такомиллаштириш, коммунизм сари янада олға бориш проблемалари нуқтаи назаридан тушуниб олиш ҳозирги замон ҳодисалари ва жараёнларини тушунишга йўл очиб беради, хотин-қизлар масаласида КПСС сиёсати, унинг стратегик ва сиёсий раҳбарлигининг давомийлигини ойдинлаштириб, етилган вазифаларни ҳал этишга ёрдамлашади. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай дейилади: **«Оналарнинг аҳволини янада яхшилаш** партиянинг доимий ғамхўрлиги остида бўлади. Шу мақсадда оналикни аёлларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятда фаол иштироки билан уйғунлаштириш учун қулай шароит яратиб берилади. Оналик ва болаликни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор берилади, туққунча бериладиган отпуска, шунингдек болаларга қараш учун бериладиган отпуска муддати узайтирилади. Оилавий дам олиш учун санаториялар, дам олиш уйлари ва пансионатлар шахобчалари кенгайтирилади. Аёлларни меҳнатга жалб этишнинг турли-туман формалари ривожлантирилади, уларнинг истаги билан ўзгариб турувчи иш графиги, тўлиқсиз иш куни, касаначилик меҳнати кенг қўлланилади».

Бу программавий йўл-йўриқларнинг амалга оширилиши она, меҳнаткаш, граждан аёлнинг социалистик идеалини уйғун тарзда ва ҳар томонлама янада ривожлантириш учун реал шарт-шароитлар яратади.

МИЛИТАРИЗМ ЗУЛМИ ОСТИДА

А. КУДИНОВ,
философия фанлари кандидати

Янги таҳрирдаги КПСС программасида: «Империализм ўн миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритган иккита жаҳон урушининг айбдоридир. У учинчи жаҳон уруши хавфини солмоқда. Империализм инсоният даҳоси ютуқларини даҳшатли вайрон қилиш кучига эга бўлган қуроллар яратишга хизмат қилдирмоқда. Бутун-бутун халқларнинг тақдирини қурбон қилишга тайёр бўлган империалистик доираларнинг сиёсати бу қурол ишга солиниши мумкинлиги хавфини кучайтирмоқда. Пировард натижада бу нарса ялпи ҳарбий тўқнашувни келтириб чиқариши мумкин, бу можаро натижасида ғолиблар ҳам, мағлублар ҳам бўлмайди, аммо жаҳон цивилизацияси ҳалок бўлиши мумкин», деб кўрсатилган.

Айниқса, Америка империализми ҳаддидан ошмоқда. Оқ уй Ер юзининг ҳамма регионларида ҳукмронлик қилишни, бошқа халқларни эса АҚШнинг «ҳаётий манфаатлари» соҳасига қўшиб олишни истайди. Вашингтон ўзининг экспансионистик даъволарини илгари сургани сайин унинг милитаризмга, қуролланиш пойгасига умид қилаётгани тобора равшан кўринмоқда.

«Коммунизм тинчлик истайди, — деб ёзади антикоммунизм идеологи У. С. Шламм. — У тинчлик шароитида гуллаб-яшнайди ва ғалаба қилади. Ғарб эса, агар у омон қолишни истаса, урушишга қатъий бел боғлаши керак. Фақат урушга шай туриш етарли эмас». Ҳозир ҳокимият тепасида турган Америка буржуазияси ўнг қаноти ташқи сиёсатининг расмий мақсади социализмга қарши «салб юриши» қилишдан иборат бўлган бир пайтда реакционерлар бундай чақириқлардан тортиниш тугул, аксинча, уларни сурбетларча ошкора ўртага ташламоқдалар.

Антикоммунистик ва милитаристик ваъзхонликлар конкрет ҳаракатлар программасида ўз ифодасини топган. Америка Қўшма Штатлари президенти Р. Рейган 1986 йил февралда расмий эълон қилган «неоглобализм» назарияси АҚШ қуролли кучларининг камида бешта уруш олиб боришга имкон берадиган жанговарлик қобилияти бўлишини назарда тутадики, улар қуйидагилардан иборат: Европадаги «чекланган ядровий уруш», Яқин ва Ўрта Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги урушлар. «Нью-Йорк таймс» газетаси АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергернинг Оқ уй хўжайинининг «самовий урушларга тайёргарликдан воз кечгиси йўқлиги» тўғрисидаги фикрини эълон қилди.

Р. Рейган унинг республикачилар партиясига ва ҳукумат кабинетига фойдали бўлган пайтларда вақти-вақти билан «тинчликка интилиш» ҳақида демагогиядан иборат қуруқ гап ва «инсониятни халос этиш» хусусида ибодатлар қилиб туради. Бироқ бу мунофиқона афсунлар Оқ уй ва Пентагоннинг коммунизмга қарши беҳаёларча қилаётган ҳужумлари билан тез-тез бўлиниб туради. У ерда ҳали ҳам илгаригидек куч ишлатишга умид боғлашади ва буни яширишмайди ҳам. Бунда дунёнинг қолган қисмини Америкага бўйсундиради-

ган устун кучга умид қилишади. КПСС МҚнинг XXVII съездга Сиёсий докладида таъкидланганидек, «АҚШ, унинг ҳарбий саноат машинаси милитаризмнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб қолмоқда, бу машина ўз те лигини ҳозирча камайтирмоқчи эмас».

Ҳарбийлаштириш буржуа жамиятининг бутун ҳаётига сингиб кетган. Ҳарбий-саноат комплекси мамлакатнинг бутун шаҳарлари ва районлари экономикасига ҳукмронлик қилади. Саноатнинг асосий тармоқлари ҳарбий харидларга боғлиқ бўлиб қолган. Асосан ёки тўла-тўкис ҳарбий маҳсулот чиқаришга ихтисослашган монополиялар вужудга келди.

Мудофаа министрлигининг энг йирик пудратчилари — «Женерал дайнэмикс», «Боинг», «Локхид». «Женерал электрик», «Нортрон», «Рейтон» ва бошқалар қурол-яроғларнинг энг янги турларини чиқаришни монополия қилиб олиб, 50 минг субподрядчига ўз амрини ўтказади. Улар қурол-аслаҳаларга ҳаддан ташқари катта баҳолар қўйишадики, бу уларга экономиканинг граждан секторида учрамайдиган, мисли кўрилмаган фойда келтиради. Масалан, 80-йилларнинг биринчи ярмида 103 корпорация сарфлаган капиталига 70 процентдан зиёд, 57 корпорация — 120 процентдан ортиқ, 33 таси — 200 процентдан зиёд, 10 таси — 400 процент, иккитаси — 700 процентга яқин ва бир корпорация — 1000 процентдан кўпроқ фойда олган.

Ҳарбий-саноат комплекси — давлат-монополистик капитализмининг энг текинхўр шаклидир. Унинг намояндалари агрессив ниятларини амалга ошириш учун назоратидаги давлат аппарати имкониятларидан тўла-тўкис фойдаланадилар, бунда ўзларининг бойиши учун ҳар бир имкониятни ҳам қўлдан чиқаришмайди ва бутун ўн йилликларга кўп пул ажратилишини олдиндан белгилаб қўйишади. 1981—1985 йилларда Пентагон 1300 миллиард доллар олди. 1986 йилда унга яна 322 миллиард доллар ажратилди. Бу милитаристларнинг тинчлик пайтидаги энг юқори бюджетидир.

Бунчалик катта суммаларга эга бўлган ҳарбий идора ҳаётнинг барча томонларига кенг таъсир ўтказадиган қудратли марказга айланди. У ҳамма штатларнинг ҳукуматларига, илмий, тадқиқотчилик, ўқув муассасалари ва билим юртларига, оммавий ахборот воситаларига иқтисодий, сиёсий, социал ва маънавий таъсир ўтказиб келади.

Олисни кўзловчи агрессив ниятларни амалга ошириш учун ўйламасдан ва иккиланмасдан замонавий қуролни, даҳшатли ҳарбий машинани ишга солаверадиган, ҳар қандай буйруқни бажарадиган, вайрон қилиш, ўлдириш, ёқишга шай одамлар керак. Пентагон америкаликларни маънавий ҳаётни ҳарбийлаштиришнинг — мактаб ва колледждан черков ва «оммавий маданият» марказларигача бўлган босқичларидан бошлаб борадиган кишиларни бузишнинг пухта ўйланган системасидан, уларни маънавий тайёрлашнинг улкан механизмидан кенг фойдаланади. «Ҳозирги замон капитализмининг ғайриинсоний идеологияси одамларнинг маънавий дунёсига тобора кўпроқ зиён етказмоқда, — дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида. — Индивидуализмга, зўравонликка ва бебошликка сиғиниш, ёвуз антикоммунизм, маданиятдан бойиш манбаи сифатида фойдаланиш ғоясизликни сингдиришга, маънавий инқирозга олиб боради. Империализм оммавий жиноятчиликни, терроризмни келтириб чиқарди, бу тўлқин капиталистик жамиятни ўз гирдобига олди. Одамларнинг онгини ҳукмрон синф манфаатлари йўлида заҳарлаётган буржуа оммавий ахборот воситаларининг роли тобора фалокатли тус олмоқда».

Бу хулосаларнинг тўғрилигини Америка воқелиги тўла-тўкис тасдиқлайди. Оқ уйнинг империалистик сиёсати ҳозир ўз олдига қўяётган мақсадлар шунчалик реакцион, даҳшатли ва умуман инсоният манфаатларига, социал тараққиётга шу қадар зидки, энди уларни ниқоблаб ҳам бўлмайди. Америка милитаризмининг антикоммунистик стратегиясини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Шунинг учун хам уни «асослаш» учун ёлғон, дезинформация, онгни манипуляция қилиш, яъни маданиятли кишиларга хос бўлмаган методлар ва усуллар керак.

Америка милитаризмининг сиёсатчилари ва идеологлари авантюризмни, ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида бошқа халқлар манфаатларини қурбон

қилишга тайёр эканлигини оқлашга астойдил интилиб, Совет Иттифоқи, Варшава Шартномаси мамлакатларининг «ҳарбий жиҳатдан ғоят устунлиги» тўғрисидаги, «коммунизм хавфи» ва «қизил хавф-хатар» ҳақидаги уйдирма гапларни важ қилиб кўрсатадилар. Бунда пропаганда «истеъмолчилари»нинг ҳарбий масалалардаги нўноқлигидан, бехабарлигидан беҳаёларча фойдаланилади.

Милитаризм амалдаги маънавий таъсир кўрсатиш форма ва методларини буржуа давлати ҳукмрон доираларининг неоглобалистик мақсадларига мувофиқлаштириш учун бу доираларни пропаганда аппаратини янгичасига йўналтиришга, унинг структурасини қайта қуришга, идеологик асбоб-ускуналарни қайта жиҳозлашга, мазкур форма ва методларни қайтадан текшириб чиқишга мажбур қилмоқда. Буларнинг ҳаммасига мудофаа министрлиги бошчилик қилиб турибди. Унинг ихтиёрида улкан радио ва телевидение тармоғи: 400 га яқин станция, шу жумладан чет элларда 40 дан зиёд йирик телемарказ бор. Ҳамма штатларда ва кўпгина давлатларда тарқатиладиган қарийб 1500 газета ва журнал, пропаганда хизматлари ва ҳарбий-саноат корпорацияларидаги тегишли бўлимлар ҳарбий идорага қарайди.

В. И. Ленин капиталистик мамлакатлардаги қуролли кучларни «эски тузумни қўллашнинг энг мустаҳкам қуроли... буржуа интизомининг, капитал хукмронлигини қўллашнинг, меҳнаткашларни унга қулларча муте қилиб қўйишни ва итоат қилдиришни сақлаш ва асрашнинг энг мустаҳкам таянчи» сифатида таърифлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 342-бет). Бу таъриф маънавий ҳаётнинг ҳарбийлаштирилиши оммавий характер ва даҳшатли кўлам касб этган АҚШ аҳволини кўриб чиқишда яна ҳам актуал ҳисобланади.

Болалар ҳали ёш пайтида, энди мактабга қатнаши билан уларни ҳарбий базаларга олиб боришади. Уларга у ерда ҳозирча ўқув-машқ қуроли беришади. Инструкторлар уларни отишга, граната ирғитишга, совуққонларча ўлдиришга ўргатишади. Бундай дарсларда болалар онгига ҳозир «ўта қудратли одам» бўлиш кераклиги, бўлмаса «омон қолиш мумкинмас»лиги, урушнинг «бизнес»лиги, унда яхшигина «пул ишлаб олиш» мумкинлиги, яхши яшайман деган одам бошқаларни талаши зарурлиги сингдириб борилади.

Ўрта мактабларда «коммунизм ҳақидаги курс» деб аталадиган «ўқув» фани киритилган. Калифорния университетининг маориф ишлари бўйича инспектори Брекли Ю. Маккрери бу курс мазмуни тўғрисида шундай ёзади: «...Махсус антикоммунистик ёки Америкача курслар... бу предметларнинг ўта ачинарли даражадаги билимсизлигини акс эттиради. Кам ривожланган мамлакатлардаги оч ва ночор халқларнинг кўпинча революцион ўзгаришларни талаб қиладиган қонуний интилишларини коммунистик фитналарга чиқариб қўйишади. Ҳар қандай ислоҳот ёки тараққиёт хавф-хатар деб ҳисобланади...»

Ҳозирги империализм ва унинг соҳиблари — эксплуататорлар синфи, ҳарбий-саноат комплекси сиёсатчилари ва идеологлари милитаризмнинг ижтимоий-тарихий ҳодиса сифатидаги социал моҳиятини ташкил этадилар, зеро улар манфаатлари ўзларининг ҳукмронлигини сақлаб қолиш ва кенгайтириш мақсадида зўрлик ишлатишни талаб қилади. «Тарихий ривожланишнинг бориши империализм позицияларини кучлироқ емиргани сайин унинг энг реакцион кучлари сиёсатининг халқлар манфаатларига душманлиги ортмоқда, — дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида. — Империализм ижтимоий тараққиётга жуда қаттиқ қаршилик қилмоқда, тарихнинг боришини тўхтатиб қолишга, социализм позицияларини қўпоришга, жаҳоншумул микёсда социал қасос олишга уринмоқда».

Социализмга қарши «салб юриши» антикоммунизм ва ҳарбий васвасанинг лойқа оқимларини вужудга келтирди, бу оқимлар бир ўзанга қўшилиб, бутун Американи чулғаб олди. Унда «американизм»ни шовинистларча кўкларга кўтариш энг юқори чўққига чиқиб, айни бир пайтда бошқа халқларга нисбатан нафрат ва ғазаб ҳислари тарбияланмоқда. Чикаго касаба союзининг гувоҳлик беришича, америкалик болаларга АҚШ тарихини «ғоят милитаристик ва иркчилик руҳида» тақдим қилишади. Ўрта мактаб ўқувчилари учун 12 та дарслик ана шу руҳда ёзилган.

Ҳарбийлар олий мактабдан ҳам ўз манфаатлари йўлида изчил фойдаланмоқдалар. Америкалик журналист Ф. Гейелиннинг фикрича, олий ўқув юртларидаги студент-ёшлар кўзга кўринарли ва кўринмас минглаб иплар билан ҳарбий аравага боғлаб қўйилган, АҚШнинг миссияси «жаҳонга ҳукмронлик қилиш», «дунёнинг андазасини Вашингтондан туриб бичиш» лозимлиги тўғрисидаги фикр юзлаб усуллар билан улар онгига сингдирилади, бунда ҳар қандай воситадан фойдаланишади. «Ўлдириш» — ана шундай воситалардан бири бўлиб, у америкалик студентларнинг энг кенг тарқалган ўйинидир. Студент ҳисобидаги «қурбон»лар қанча кўп бўлса, очколар ҳам шунча кўп бўлади. Ғолибга пул мукофоти берилади. Чемпионни телевидение орқали кўрсатишади.

Барча оммавий ахборот воситалари милитаризм ва урушни системали тарғиб қиладилар. Улар ичида айниқса телевидение кўп иш қиляпти. Афтидан, АҚШнинг маънавий ҳаётидаги барча энг бемаъни, ёвуз ва шафқатсиз нарсаларнинг ҳаммаси телекўрсатувларда ўз ифодасини топмоқда. Экранлардан қотилликлар, қирғинлар, зўравонликлар кетма-кет кўрсатилади. Ҳамма: эркаклар, хотинлар, болалар, қизлар қотиллик қиладилар. Ишқ-муҳаббату рашк туфайли, ватанпарварлик ва бошқача маслак йўқлиги учун ўлдирадилар. Пистолетлардан отиб ва доимо енг ичида бўладиган предметлар билан уриб, битталаб ва қаторасига ўлдиришади. Пентагоннинг «Америкэн мэрин кор» газетаси завқ билан қайд қилади: «Агар сиз одамларни урушни ва зўравонликни қабул этишга ўргатишни мақсад қилган бўлсангиз, телевидение урушни қойил қилиб ёритяпти. Зўравонлик оқими болалар хоналаридаги «қотиллик ўйинчоқларидан», пистолетлар ва хилма-хил уруш қуролларидан бошланади, рекламанинг таъкидлашича, улар ҳатто мактабгача ёшдаги болалар учун ҳам ярокли. Бундай ўйинчоқлар қотиллик — кўнгилхушлик, уруш эса — яхши нарса эканлигини ўргатади».

Статистиканинг аниқлашича, америкалик бола балоғатга етгунича телеэкранларда 130 мингдан зиёд кишининг қурбон бўлишини кўради. Шуни айтиш кераки, америкалик оила ўртача олганда ҳафтасига 44 соат вақтини телевизор олдида ўтказади, бошқача айтганда, ишдан кўра телевизор кўришга кўпроқ вақт сарфлайди.

Қинога ҳам милитаризм руҳи сингиб кетган. Яқинда Оқ уйда кўп сонли журналистлар ва меҳмонлар иштирокида «Супермен — 3» фильми намойиш қилинди. Номиданоқ кўриниб турибдики, бу картина ниҳоятда зўр қудратли «қаҳрамон» — ҳаддан зиёд кучли одам тўғрисида, бу одам ёруғлик тезлигида учишга ва ҳатто Ер шарини тескарисига айлантиришга қодир. Дарҳақиқат, Пентагон ниятини кинематографчилар экранда гавдалантиришган. Милитаристларга қолса чиндан ҳам Ер шарини бошқа томонга буриб юборса. Бироқ кинода қилиш мумкин бўлган ишни ядрочи телбалар қанчалик орзу қилишмасин, ҳақиқатда амалга ошириб бўлмайди.

АҚШ империализми кетма-кет мағлубиятга учрамоқда. Кескинлашаётган зиддиятлар, сиёсий жанжаллар Америка жамиятини ичидан зир титратмоқда. Аҳоли ўртасида маънавий инқироз ўсмоқда ва чуқурлашмоқда. Буржуазия янгича афсоналар, «тоза» идеологик наркотик моддаларни изламоқда ва яратмоқдаки, бу нарсалар америкалик обивателларнинг руҳини кўтаришга, Америка муштумининг ҳар нарсага қодирлигига ишончни қайта тиклашга, гўёки Америкага ҳамма нарса мумкинлигини кўрсатишга қаратилгандир. Жумладан, «самовий урушлар» тўғрисидаги фильмлар серияси ҳам шу изланишларга хизмат қилади. Уларнинг мақсади — Пентагоннинг фақат кнопкаларни манипуляция қилиш билан, ҳеч қандай қурбонсиз ядровий урушда ютиб чиқиш мумкинлиги тўғрисидаги фикрни томошабинлар онгига сингдириш. Ядровий зарба берилиши мўлжалланаётган томоннинг ишончли жавоб топиши мумкинлиги тўғрисидаги факт томошабинлардан жиноятк орона тарзда яширилади.

Советларга қарши кампания киночи корчалонларнинг осон даромад манбаига айланиб қолди. Бу кампания ҳар турли қалбакиликлар ва қўпол уйдирмаларга, шунингдек Вьетнамга қарши мавзу — Жонни Рэмбонинг Вьетнамдаги, Лаосдаги саргузаштлари тўғрисидаги «Рэмбога шайдоликлар»га

тўлиб-тошган. «Биринчи қон», «Американлик қаҳрамон Рэмбо сени чорлайди» деган доврўғи кетган кинофильмларда ханжар, улкан камон, автомат билан қуролланган профессионал қотил душманини бир четдан бурдалаб ташлайверади. Янги чиққан қаҳрамонга маҳлиё бўлган кинозалдаги оломон завқ-шавққа тўлиб кийқиради. Кинотеатрлар олдидаги навбатларнинг чеки йўқ. Бош роль ижрочиси С. Сталлоне ўзини кўз-кўз қилади: «Одамлар ўз ватанпарварлигини изҳор этиш учун кўпдан бери пайт пойлашарди. Биз уларнинг ҳис-туйғуларини жиловлаб турган тўғонни кўпориб, ёрдам бердик. Рэмбо — бу жанговар машинадир, уни тўхтатиш ва бузиш мумкин эмас». «Тайм» журналининг тан олишича, «Рэмбога шайдоликлар» штатлар бўйлаб шунчалик тез тарқалмоқдаки, унинг тезлиги экранда Рэмбонинг ўзи чиқарадиган ёнғинлар ва портлашлардан ҳам шиддатлироқдир. Магазинлар нафақат қотил қиёфаси акс этган майкаларга, шу билан бирга у ўз душманларига қирғин келтирган турли-туман қурол-аслаҳаларга ҳам тўлиб тошган. Бугунги кунда расмий Америка ана шундай «қаҳрамонлар»га тенглашмоқда, уларга Оқ уйда карсаклар чалинмоқда.

Американлар бундай фильмларни кўп «истеъмол» қиладими? АҚШнинг прогрессив жамоат арбоби М. Лернер шундай ёзади: «Америкалик болаларни бешафқат бўлишга ўргатишади, агар улар ҳиссиётга берилса ёки инсоний ҳис-туйғуларини намоён қилса, улардан кулишади. Америкада картинада агар бир нечта ўлим бўлмаса, уни яхши деб ҳисоблашмайди».

Уруш ва у келтириб чиқарадиган зўравонликлар ва қотилликлар бадиий адабиётни ҳам тўлдириб юборган. Ғоят ўнг қарашларга амал қиладиган ёзувчилар куч-ғайратларини «ижобий» тип, корчалон ва «ўта қудратли одам» образларини яратишга қаратишган. Масалан, новеллачи М. Спиллейн асосан милитаризм манфаатларига мос келадиган йўлда фаолият кўрсатади. Унинг «Пистолетлар куни», «Улкан қотиллик», «Менинг револьверим эпчил», «Қонли кун чиқиш», «Ўлим дастёрлари» (жами 30 га яқин) романларида иллатлар тўпланган бўлиб, гангстерлар «ўта қудратли одам»лар қилиб кўрсатилади. Бундай асарлар ҳамма нарсага — одамларга, бошқа давлатларга, инсониятга нафрат ҳисси билан суғорилгандир.

80-йилларда АҚШнинг маънавий ҳаётида ҳарбий-саноат комплексининг қудратли таъсири билан боғлиқ бўлган янги босқич бошланди. Пентагон американлар онгидан кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик ғояларини чиқариб ташлашга, ҳарбий психозга янгича импульс беришга уринмоқда. Мисли кўрилмаган қуролланиш пойгасининг янги программалари интенсив суратда ишлаб чиқилмоқда, аслида мамлакатдаги сиёсий ва психологик муҳит уларни амалга оширишга тайёр эмас. Бу муҳитни «неоглобализм» назариясининг мақсадлари ва вазифаларига тезроқ мувофиқлаштириш учун ижтимоий фикрга «шиддатли ҳужум кампаниялари» авж олдириб юборилди. Антисоветизмни ва «ядровий милитаризм»ни тарғиб қиладиган эски ташкилотлар фаоллашди, янгилари кетма-кет пайдо бўла бошлади.

Буржуа идеологик системасининг бошқа кўп сонли секторлари орасида «оммавий маданият» маънавий экспансия учун катта имкониятларга эгалиги билан ажралиб туради. Оддий кўнгилхушликлар ва сохта бадиий маҳсулотлар шаклига кириб олган «оммавий маданият» ҳозирги электрон техника қудратига таяниб, нафақат буржуа дунёси доирасида, шу билан бирга ундан ташқарида ҳам ёйилмоқда. Бундай «маданият» буржуа дунёсида тўла ҳукмронлик қилмоқда. Америкалик социолог М. Чукаснинг ёзишича, маънавий ҳаётнинг интенсив ҳарбийлаштирилишидан мақсад «умуман нарсалар моҳиятини уқиб олиш, танқидий ва оқилона фикрлаш қобилиятидан холи, энг паст эмоционал аҳволга етказилган кишини яратишдир».

Агрессия ва урушлар учун курашувчилар ҳарбий-саноат комплексига хизмат қилувчи черков арбобларига тобора кўпроқ мурожаат қилмоқдалар. Масалан, жаҳолатпараст «руҳоний» Д. Фолуэлл раҳбарлик қиладиган «Маънавий кўпчилик» ҳаракати американликларни террор қилмоқда. Телевидениенинг 392 канали, 500 дан зиёд радиостанция унинг «ибодатлари»ни миллионлаб граждалар уйига олиб киради. «Маънавий кўпчилик» 50 штатда

амал қилади, 72 минг черков билан алоқа ўрнатган, унинг кўплаб «шуъба» ташкилотлари бор. У американиклар орасида мунтазам варақалар тарқатиб боради. Масалан, шу варақалардан бирида шундай дейилади: «Агар биз ўзимизнинг ҳарбий қудратимизни тикламасак, унда руслар кунларнинг бирида телефон трубкасини кўтариб, Вашингтонга қўнғироқ қилиши ва бизнинг капитуляция қилиш шартларимизни айтиши мумкин. Бу воқеа рўй берган куни Америка бутунлайига инқирозга юз тутади. Бизнинг озодлигимизнинг бой берилиши — 80-йилларнинг энг катта хавфидир».

Д. Фолуэллнинг ваъзхонликлари буклетлар ҳолида нашр этилади ва АҚШда, Ғарбий Европада, бошқа регионларда тарқатилади. Мана улардан бири: муқовасида — ядровий қўзиқорин. Қўзиқорин қалпоғида: «Армагеддон ва Россия билан бўлажак уруш» деб ёзилган. Биринчи саҳифадаёқ обивателни титроққа соладиган ва мушкул аҳволга туширадиган шундай сўзлар дарров кўзга ташланади: «Халқларни йўлдан оздириш учун иблис йўлга чиқади. Бироқ осмондан олов тушади ва уларни ўз комига тортади. Ҳа, суюнинглар, фарзандларим. Муқаддас олов коммунистик хавфга батамом чек қўяди!» Американинг ҳозирги маъмурияти Фолуэллни «революциялар даврининг ҳақиқий ватанпарвари» қилиб кўрсатаётганига ажабланмаса ҳам бўлади.

В. И. Ленин буржуа пропагандаси меҳнаткаш омма кўзи ўнгида социализмни обрўсизлантириш, ўзининг ҳарбий тайёргарлигини оқлаш умидида «қизил милитаризм» деб аталадиган нарса тўғрисида шов-шув кўтариш учун ҳар доим баҳона топади, деб огоҳлантирган эди. Владимир Ильич бундай афсоналар муаллифлари тўғрисида шундай деган эди: «...булар сиёсий муттаҳамлар бўлиб, булар ўзларини гўё шу аҳмоқликка ишонган кишилар қилиб кўрсатадилар ва суриштирмай-нетмай ҳаммаёққа шу хил айбларни тарқатадилар, ва бунинг учун сохта далиллар тўқиб чиқариш ва омманинг кўзига кум пуркаш учун ўзларининг адвокатлик маҳоратларидан фойдаланадилар» (ТАТ, 38-том, 60-бет).

АҚШдаги милитаристик пропаганда империализм идеология системасининг энг жўшқин, туткич бермас, таъсирчан ва қудратли қисмидир. Унинг ҳалокатли таъсир кучини ва миқёсини камайтириб кўрсатиш катта хато бўлур эди. Биз жуда тажрибали синфий душман билан юзма-юз турибмиз, унинг асрлар давомида тўплаган сиёсий тажрибаси хилма-хилдир. У замонавий техника воситалари билан қуролланган, социализмнинг устомон ғанимларидан иборат жуда катта аппаратга эга бўлган ёпирилма пропаганданинг ғоят катта машинасини яратган.

Милитаристик пропаганданинг кучига ортиқча баҳо бериш ҳам керак эмас. Дунёда инсоният томонидан тўпланган буюк маънавий бойлик ва социализмнинг буюк маънавий қадриятлари ҳам мавжудки, улар кишиларнинг инсон бўлиб қолишларига ёрдам беради. Инсоният ақлини йўқотмаган, йўқотмайди ҳам. Бу бутун дунёда авж олган ва турли социал ва сиёсий маслакдаги миллион-миллион кишиларни қамраб олган ракетага, урушга қарши ҳаракатда бор куч билан намоён бўлмоқда. Жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилиги, шу жумладан социалистик мамлакатлар, қўшилмаган давлатлар халқлари, капиталистик мамлакатлар меҳнаткашлари тинчликни сақлаб қолиш тарафида.

Бугунги кунда телбаларча қуролланиш пойгасига, уруш тарғиботига қарши, тинчликни ҳимоя қилиш учун овоз бераётган ҳар бир кишининг ишончи комил бўлсинки, Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг сиёсати ана шу мақсадларга эришишга йўналтирилгандир. На атом бомбалари, на милитаристик телбаликлар билан халқларни қўрқитиш, тарих ғилдирагини тўхтатиб қўйиш асло мумкин эмас.

ХАЛҚ ЖАСОРАТИ ҲАҚИДА

КПСС реакцион империализм кучлари термоядро урушини бошлаб юбориш хавфи мавжуд ҳозирги мураккаб шароитда социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доир тарихий тажрибани ҳар томонлама ўрганиш ва умумлаштиришга, кишиларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялашга катта эътибор бермоқда. Ана шу муҳим ишга бағишланган босма нашрлар ичида уч томдан иборат «Ўзбекистон ССР Улуғ Ватан уруши йилларида (1941—1945 йиллар)»* номли тадқиқот ҳам бор. Асарда совет кишиларининг душман устидан қозонган ғалабасига республика меҳнаткашлари қўшган ҳисса ҳар тарафлама очиб берилади. Авторлар коллективи талай миқдордаги янги ҳужжатлардан фойдаланишган, Ўзбекистон тарихчилари олдинги даврда шу проблема бўйича олиб борган изланишларни умумлаштиришган.

Улуғ Ватан уруши йилларида фронтни кўп турдаги қурол-аслаҳа, мудофаа саноатини хом ашё билан таъминлаган Ўзбекистон Совет Армиясининг йирик аслаҳахоналаридан бири бўлган эди. Тадқиқотда Ўзбекистон Компартиясининг бу ишдаги катта роли, унинг омма билан алоқасининг кучайганлиги ишонарли мисолларда кўрсатилган.

Республика социал-иқтисодий турмушининг ҳарбий изга солиб, қайта қурилиши илмий позициядан туриб акс эттирилган. Бу ерда қисқа — бир ойдан олти ойгача бўлган муддат ичида мамлакатнинг ғарбий районларидан эвакуация қилинган юздан зиёд корхона қайта тикланди ва ишга туширилди. Илгаридан ишлаб турган завод ва фабрикаларнинг катта қисми тез вақт ичида ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқариш учун қайта қурилди.

Урушга кетганлар ўрнига одам топишдек мушкул проблема моҳирона ҳал қилинди. 1943 йилга келиб юз минглаб кишилар таълимнинг ҳар хил турлари билан қамраб олинган эди, шулардан саноат ишлаб чиқаришида қатнашувчиларнинг кўпчилигини ва қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этарди.

Совет фронти орқаси фронтни барча зарур нарсалар билан ишончли суратда таъминлаб турди. Тадқиқотда республика саноат потенциалининг жўшқин ривожланиши, ишчилар синфи ва деҳқонларнинг меҳнат қаҳрамонлиги, фан ва маданиятнинг юксалиши, фронт орқаси билан фронт алоқаларининг мустаҳкамланиши, идеологик иш кўрсатиб берилган (II томнинг 5, 45—68, 177-бетларига қаралсин).

Улуғ Ватан уруши СССР халқларини янада мустаҳкамроқ жипслаштирди. Умумий хавф-хатар пролетар интернационализмини ғалаба учун курашда қудратли кучга айлантирди. Ўзбекистонлик ишчилар ва деҳқонлар нафақат ўз республикасида, шу билан бирга ундан ташқарида ҳам фидокорона меҳнат қилдилар. Маккор душман билан олишувда мақсад бирлиги совет жамиятидаги барча социалистик миллатларнинг, социал табақаларнинг дўстлигини янада мустаҳкамлади. Ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи янада жипслашди.

1943 йил нафақат урушнинг боришида, шу билан бирга совет фронт орқасидаги ишда ҳам кескин бурилиш йили бўлди. Бу республика ишчилар синфи, деҳқонлари, зиёлиларининг мисли кўрилмаган меҳнат кўтаринкилиги натижасида рўй берди деб таъкидлашади авторлар. Иш кучи, техника ва механизмларнинг етишмаслиги, шунингдек халқ моддий аҳволининг оғирлигини енгиб ўтиш жуда катта куч-ғайрат талаб қилди. Одамлар бундай аҳволга ўзларининг ватанпарварлик бурчларини тушунган ҳолда муносабатда бўлдилар, бу бурчни шараф билан адо этишга ҳаракат қилдилар. Масалан, партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати 1943 йил якунларига баҳо берар экан, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг

* Узбекская ССР в годы Великой Отечественной войны. Ташкент, «Фан», т. II, 1983, 288 с, т. III, 1985, 340 с. Биринчи томга тақриз «Ўзбекистон коммунисти»нинг 1982 йилги 2-сонида босилган.

Қизил Армия ва аҳолини озиқ-овқат билан, саноатни эса — хом ашё билан жиддий узилишларсиз таъминлаб турганлигини қайд қилган эди (II том, 142-бетга қаралсин).

Улуғ Ватан уруши йилларида республика фани ва маданияти юксалишда давом этди. 1943 йили Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил қилинди. Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқаси кучайди, илмий тадқиқотлар комплекс характер касб этди, олимларнинг геологик қидирувлардаги, ярадорлар ва касалларни даволашда янги методларни қўллашдаги ҳамдўстлиги янада кенгайди. Ўша даврда халқ маорифига катта эътибор берилди. Ўзбекистон ёзувчилари меҳнаткашлар орасида катта ғоявий-тарбиявий иш олиб бордилар.

Тақриз қилинаётган нашрда Ўзбекистонлик жангчиларнинг Сталинград остоналарида, Курск ёйида, Днепрни кечиб ўтишда ва бошқа катта ва кичик жангларда кўрсатган қаҳрамонликлари батафсил ёритилган, уларнинг юксак жанговар малакаси ва матонати, душман билан курашдаги мардлиги кўрсатилган; солдатлар ва офицерлар орасида олиб борилган сиёсий-оммавий ишлар, ўзбек тилидаги фронт матбуотининг жангчиларни ғоявий тарбиялашдаги роли таърифланади. Ўзбекистоннинг кўпгина кўзга кўринган журналистлари фронтда бўлишган, улардан 30 дан кўпроқ киши Ватан учун ўз ҳаётини қурбон қилди. 1943 йил охирига келиб фронтларнинг сиёсий бошқармалари СССР халқлари тилларида 47, шу жумладан ўзбек тилида 11 газета чиқарар эди (II том, 218-бетга қаралсин).

Урушнинг сўнгги босқичига келиб республикада катта ташкилотчилик тажрибаси тўпланди, халқ хўжалигига партиявий ва давлат раҳбарлиги даражаси ошди, партия ташкилотлари ва уларнинг жанговарлиги янада ўсди, Советлар, касаба союзлари ва комсомол фаолиятига партия таъсири кучайди, идеология иши янги босқичга кўтарилди. Кўпгина турдаги ҳарбий маҳсулотлар, халқ истеъмоли молларини тобора жадал суръатлар билан ишлаб чиқараётган Ўзбекистон саноати катта муваффақиятларга эришди.

Маълумки, урушнинг биринчи ва иккинчи босқичида Ўзбекистонда пахта экиш кескин камайган эди. Шуни ҳисобга олиб, ВКП(б) МК 1944 йилда Ўзбекистон ССРда пахтачиликни қайта тиклаш ва ривожлантириш тадбирлари тўғрисида қарор қабул қилди. Қарорда республика пахтачилигида юзага келган аҳвол чуқур анализ қилиниб, ялпи пахта ҳосили кескин камайиб кетишининг ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда йўл қўйилган хатоларнинг сабаблари очиб ташланди, 1944 йилдаёқ пахтачиликда урушдан олдинги даражани таъминлаш ва уни янада юксалтириш учун зарур шароит яратиш вазифаси қўйилди (III том, 111—112-бетларга қаралсин). Бу кўрсатмаларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Компартияси МК ва республика ҳукумати пахта экин майдонларини кенгайтириш, алмашлаб экишдан чиқиб қолган суғориладиган ерларни қайта тиклаш ва ҳоказо бўйича шошилинч чора-тадбирларни кўрдилар.

Китобнинг ўзбекистонлик жангчилар тўғрисида, уларнинг социалистик Ватанга, Советлар Мамлакатини ҳимоя қилиш ишига чуқур садоқати, партизанлар ҳаракатидаги, милитаристик Японияни тор-мор этишдаги иштироки тўғрисида ҳикоя қиладиган боблари катта қизиқиш уйғотади ва республика аҳолиси, айниқса ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади (III том, 240, 247—263, 278-бетларга қаралсин). «Ўзбекистонликлар — Европа мамлакатларидаги Қаршилик ҳаракати қатнашчилари» бўлими диққатга сазовор. Ўзбекистонлик 280 киши жасурлиги ва мардлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони билан тақдирланди, юз минглаб жангчилар Ватаннинг орден ва медаллари билан мукофотланди (III том, 311-бетга қаралсин).

Шуни қайд қилиш керакки, тақриз қилинаётган томлар авторлари нафақат тарихчиларнинг урушдан кейинги бутун даврда шу проблема бўйича эришган ютуқларини умумлаштиришган, шу билан бирга улар кам ўрганилган масалаларни ёритишга муайян ҳисса қўшишган. Масалан, Ўзбекистонда уруш йилларидаги партия қурилиши, ўзбекистонликларнинг республикадан ташқаридаги мудофаа объектларини қуришдаги иштироки, ўзбек жангчилари ўртасидаги сиёсий-оммавий иш ва ҳоказолар биринчи марта кўриб чиқилган. Авторлар фашист босқинчиларга қарши курашда ўзбек халқи кўрсатган ватанпарварлик жасоратининг аҳамиятини камситишга уринаётган буржуа историографиясини танқид қиладилар.

Шу билан бирга нашрда камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, саноатнинг ҳарбий йўсинда қайта қурилиши нима эканлиги тўла кўрсатилмаган. Авторлар бу тадбирни асосан мамлакатнинг ғарбий районларидан эвакуация қилинган корхоналарни қайта тиклаш ва янги саноат қурилиши билан айнан бир хил деб кўрсатгандек тасаввур ҳосил бўладики, бу мутлақо тўғри эмас. Тадқиқотда Ленин партияси урушнинг оғир синовли йилларидаги барча жанговар ва меҳнат ғалабаларининг ташкилотчиси ва илҳомчиси бўлганлиги тўғри таъкидланади. Лекин республика партия ва давлат раҳбарлигининг фаолияти охиригача очиб берилмаган, жумладан, Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси ва Секретариати ишига жуда кам эътибор берилган.

Кўпгина масалалар бўйича бой материал келтирилгани ҳолда уруш йилларида фан ва маданиятнинг ривожланишига бағишланган боб мазмунан кашшоқ бўлиб қолган (II том, 143—177-бетларга қаралсин). Бунинг устига, бутун бир бўлим — санъат тушиб қолган. Ҳолбуки, ўша даврда бутун санъат ходимлари ғоят кенг фаолият кўрсатишган эди. Халқни жасоратга илҳомлантирган оқинлар ижоди айникса оммалашиб кетган эди. Фронтларда ва фронт орқаси меҳнаткашлари учун минглаб концертлар берган, фронтга борган артистлар бригадалари қатнашчилари, театр ва музика ташкилотларининг ходимлари тўғрисида ҳам худди шундай дейиш мумкин. Ўзбекистон рассомлари ҳам урушнинг дастлабки кунлариданоқ жанговар вахтада турган эдилар. Республика шаҳарларидаги кўргазмали агитация — шиорлар, чақириқлар, сиёсий карикатуралар — буларнинг ҳаммаси машаққатли кунларни, душман билан шафқатсиз курашни акс эттирарди. Рассомлар фронтга бориб уруш манзараларини тасвирловчи картиналар яратдилар, ўзбекистонлик жангчилар портретларини чиздилар, ўз асарларида фашистларнинг советлар ерида қилган ёвузликларини қайд қилдилар. Афсуски, уруш йилларида илҳомлантирувчи роль ўйнаган бундай жиҳатлар авторларнинг деярли эътиборидан четда қолган.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган атоқли кино арбоблари билан ҳамкорликда 1941—1945 йилларда ажойиб фильмлар яратган ўзбек кинематографчилари иши ҳақида ҳам янада кўпроқ ва яхшироқ ҳикоя қилиш мумкин эди, ваҳоланки бу фильмларни ҳозир ҳам катта қизиқиш билан томоша қиладилар. Ижодий союзлар ва ташкилотлар, Ўзбекистон санъатининг атоқли вакиллари — Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Ҳалима Носирова ва бошқаларнинг уруш йилларидаги катта фаолияти ҳам авторларнинг эътибор доирасидан четда қолган. Хуллас, мазкур мавзуга доир мавжуд фактик материалдан тўлалигича фойдаланилмаган.

Бу мулоҳазалар Ўзбекистон меҳнаткашларининг меҳнатда ва жангдаги сўнмас жасоратини, кўп миллатли Ватанимизнинг шон-шарафи ва озодлиги учун умумхалқ курашига улар қўшган ҳиссани ҳужжатлар асосида ва ёрқин акс эттирган мазкур асарнинг қимматини сира ҳам камайтирмайди.

В. ЕФИМОВ,
тарих фанлари доктори.

КАТТА ЁШЛИЛАР ТАЪЛИМИ ПРОБЛЕМАСИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДҚИҚОТ

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ бошқа қардош республикаларида бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам ишчи ва деҳқонларни социализм қурилишида актив иштирок этишга жалб қилиш мақсадида катта ёшдаги аҳолига таълим бериш ҳамда маърифат тарқатиш масаласи маданий революциянинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлди. Бунинг учун барча типдаги умумий таълим мактаблари, халқ университетлари ва ишчи факультетлари очилди, маданий-маърифий муассасалар қурилди. Ж. Ҳасанбоевнинг китобида* уларнинг катта ёшлиларга таълим беришдаги иш тажрибаси умумлаштирилган.

Катта ёшлиларга таълим бериш мақсадлари ва вазифаларини В. И. Ленин назарий жиҳатдан асослаб берган эди, деб таъкидланади китобда. Хусусан бу мақсад ва вазифалар 1919 йилда РКП(б) VIII съезди қабул қилган партия Программасида таърифлаб берилган эдики, мазкур Программани тузиб чиқишда Владимир Ильич бевосита иштирок этганди.

Сиёсий маориф муассасасининг мактабдан ташқари бўлими ташкил этилиши Туркистон меҳнаткашларини маърифатли қилишда катта роль ўйнади, бу бўлим асосан катта ёшлилар учун кечки умумий таълим мактаблари тармоғини кенгайтириш билан шуғулланар эди. Муаллиф мазкур бўлим фаолиятини анча батафсил ёритаолган.

Кўп миллатли Туркистонда катта ёшлилар таълимини йўлга қўйишда регионнинг маданий-иқтисодий қолоқлиги, бой-феодалча муносабатлар, аксилинқилобчи элементларнинг хуружлари, зиёлиларнинг камлиги ва маҳаллий миллатларнинг вакилларидан зиёлиларнинг деярли йўқлиги, мамлакатда гражданлар уруши давом этаётганлиги ва бошқа кўплаб сабаблар билан боғлиқ муайян қийинчиликлар мавжуд эди (53-бет). Шунга қарамасдан, деб қайд

---

* Ж. Хасанбаев. Становление и развитие общего образования взрослых в Советском Узбекистане. Ташкент, «Укитувчи», 1986, 220 с.

қилади муаллиф, 1921 йилдаёқ республика территориясида 300 га яқин саводсизликни тугатиш мактаблари ва курслари ишлай бошлаган эди.

Китобда партия, совет ва жамоат ташкилотларининг ҳамда халқ маорифи органларининг туб ерли аҳоли таълимини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш соҳасидаги ишлари кўрсатиб берилган. Саводсизлик ва чаласаводлиликни тугатиш тўғрисидаги Ленин декрети кенг пропаганда қилинарди, шу масалага бағишланган съездлар, конференциялар, қурултойлар ўтказиб туриларди, турли саводсизликни тугатиш курслари ва мактаблари ташкил этиларди, ўқитувчилар ва маданий армиячилар тайёрланар, бошқа тадбирлар амалга ошириларди.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларида катта ёшлиларга таълим бериш маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда йўлга қўйилди.

Ўзбекистон ССРда мактаб қурилиши кенг авж олдириб юборилди. Бу ерда саводсизликни тугатиш ва маданий-маориф муассасалари тармоғини вужудга келтириш соҳасида таъсирчан чора-тадбирлар кўрилди.

1926—1927 йилларда Ўзбекистон ССРнинг 15 ёшдан 35 ёшгача бўлган аҳолиси орасида саводсизлик ҳали тугатилмаган эди. Бу республика партия ташкилотидан меҳнаткашларда савод чиқаришга қизиқишни тарбиялашга янада кўпроқ куч-ғайрат сарфлашни талаб қилди. Бу ишнинг натижаси тезда кўзга ташланиб қолди.

Китобнинг бўлимларидан бирида партиянинг ўзбек хотин-қизлари маданий даражасини оширишга қаратилган сиёсатининг моҳияти очиб берилган. «Ҳужум» ҳаракати тўғрисидаги ҳикоя улар активлиги ошиб борганлигини ёрқин кўрсатадики, бу ҳаракатнинг мақсади республика хотин-қизларини озодликка чиқаришдан иборат эди. «Актив пропаганда ва сиёсий-тарбиявий иш туфайли.., — деб ёзади Ж. Ҳасанбоев, — минглаб ўзбек хотин-қизлари заводларга, фабрикаларга ишга кирдилар, колхозларда ишлай бошладилар, техникумларда, олий ўқув юртларида ўқишни давом эттиришга аҳд қилдилар». Шу тариқа ўзбек хотин-қизлари ўзларининг саводсизликлари ва чаласаводликларини тугата бориб, 30-йилларнинг охирида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига актив киришиб кетдилар (125—127-бетлар).

Китобда ишчи университетлари ва ишчи факультетларининг ташкил этилиши, муайян таълим системасини яратиш орқали республика ишчи ва деҳқонларининг умумий таълим ва маданий савияси ошириб борилганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади.

Мамлакатни индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш муносабати билан халқ хўжалиги олдида турган вазифалар ишчи ва деҳқонлардан фақат бошланғич маълумотгагина эмас, балки янада чуқурроқ билимга эга бўлишни талаб қиларди. Уларнинг кўпларига бу соҳада муваффақият қозонишда етти йиллик мактаб ҳажмида билим берадиган юқори типдаги мактаблар катта ёрдам берди. Шу билан бир қаторда бундай мактаблар хоҳловчиларни олий ўқув юртига киришга ёки ишчи факультети ҳажмида курсни ўтиш учун тайёрлашга шарт-шароит яратарди. Муаллиф бундай мактабларда таълим беришнинг ўзига хос хусусиятларини қараб чиқади.

Улуғ Ватан уруши йилларида, урушдан кейинги даврда ҳам катта ёшлиларни саводхон қилиш иши тўхтатилмади. Китобда ўқитишнинг асосий йўналишлари кўрсатиб берилган. Муаллиф катта ёшлиларни ўқитиш формаларини таърифлаб, мустақил билим олишга эътиборни қаратади, ҳамма жойда ишлаб турган сиёсий билим тўгараклари, халқ университетлари ва ҳоказолар бунга кўп жиҳатдан ёрдам берар эди.

Китоб ўқув юртларининг моддий базасини кучайтириш, ишчи ва қишлоқ ёшларини кечки (сменали) мактабларда ўқитиш ҳамда тарбиялаш форма ва методларини такомиллаштириш сингари муҳим масалаларни кўтаради.

Тақриз қилинаётган асарни умуман ижобий баҳолаган ҳолда, унинг ҳамма бўлимлари ҳам етарлича юксак илмий-назарий савияда ёзилмаганлигини қайд қилиб ўтиш лозим. Жумладан, ўқув-тарбия ишининг мазмуни чуқур очиб берилмаган. Ўқув планлари, программалар ва дарсликларнинг етарли таҳлил қилинмаганлиги ҳам китобни қашшоқлаштириб қўйган. Бу ҳол уларнинг афзалликлари ва камчиликларини кўришга имкон бермайди. Афсуски, илғор мактаблар ва энг яхши ўқитувчилар тажрибаси ҳақида ҳам ҳикоя қилинмаган. Катта ёшлиларни ўқитиш системасига оид дарсларнинг тушунарлилиги ва кўргазмалилиги, тарбия билан таълимнинг боғлиқлиги масалалари бўш ёритилган.

Х. АРҒИНОВ,
педагогика фанлари доктори.
Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВ,
тарих фанлари доктори.

ТАРИХНИ СОХТАЛАШТИРУВЧИЛАР ВА ТАРИХИЙ ҲАҚИҚАТ

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида қайд қилинганидек, буржуа идеологияси — истиқболсиз жамият идеологиясидир, унинг йўл-йўриклари: демократия, озодлик, тенглик, социал тараққиёт сингари қадриятларнинг моҳиятини бутун чоралар билан бузиб кўрсатишдан иборат. Шунинг учун КПСС у билан муросасиз кураш олиб бориш вазифасини қўяди. Бу курашда ижтимоий фанларга ғоят муҳим роль ажратилади.

Маълумки, Ўрта Осиё республикалари иқтисодий ва маданий соҳаларда эришган тараққиёт, шунингдек СССР билан қўшни Шарқ мамлакатларида сўнгги пайтда юз бераётган сиёсий, социал-иқтисодий ўзгаришлар империализм идеологларига тинчлик бермаяпти. Улар Совет Ўрта Осиёси, шунингдек қатор Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари халқларининг нисбатан қисқа тарихий давр ичида амалга оширган сифат жиҳатдан янги туб ўзгартиришларининг аҳамиятини ҳар қандай йўллар билан камситишга уринадилар. Республикамизнинг бир группа шарқшунос олимларининг мақолалар тўплами* ана шу регионларнинг тарихи, экономикаси ва маданияти масалалари бўйича «ихтисослашган» буржуа сиёсатдонларининг ёлғон гапларини фош этишга бағишланган.

«Ўрта Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг фалсафий ва ижтимоий тафаккури тарихини буржуача сохталаштириш» деган мақолада «советшунослар»нинг ҳақиқий тарихий фактлар билан қизиқишдан кўра кўпроқ уларни буржуазия манфаатларини ҳимоя қилиш учун бузиб кўрсатишга уринишлари қайд қилинади. Ўз пайтида В. И. Ленин шундай таъкидлаган эди: «Совет ҳокимиятига қарши улар ишлатмаган ёлғончилик ва туҳмат қолмади» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 190-бет). Бу ленинча баҳо ҳозирги пайтда ҳам ўз актуаллигини йўқотгани йўқ. Ҳозир ҳам худди ўша пайтдагидек, сохталаштирувчиларнинг «изланишлар»и Советлар Мамлакатининг сиёсатини бузиб кўрсатишга, халқларнинг социал-иқтисодий ва маънавий ютуқларини камситишга асосланади. Улар ҳали ҳам асослаб бўлмайдиган нарсани исботлаш умидида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда социалистик революциянинг ғалабаси учун объектив ва субъектив шароитлар йўқ, бу революция регион халқларининг миллий манфаатларига ёт тасодифий ҳодиса, Совет ҳокимияти зўравонлик билан ўрнатилган деб даъво қилишларини қўймаяптилар.

Авторлар «советшунослар»нинг бундай бемаъни сафсаталарининг бутунлай асоссизлигини ва уларнинг замирида нима ётганлигини кўрсатиб беришган.

Буржуа сохталаштирувчиларининг ўзлари истаган нарсани ҳақиқат деб тақдим қилишга уриниши, айниқса уларнинг Ўрта Осиё, Қозоғистон ва бутун Шарқ халқларининг ижтимоий ва фалсафий тафаккурининг характерини нотўғри талқин қилишида, бу тафаккурни дин чўриси деб, мутафаккирларни эса — ислом ҳимоячилари деб эълон қилишида кўринади. Мақолада буржуа тарихчиларининг гўёки бутун шарқ фалсафаси бутунлай диний характерга эгалиги ва унинг Ғарб мантиқий тафаккурига зидлиги тўғрисидаги фикри далиллар асосида рад қилинади, ҳозирги евроцентристлар ва компартавистлар «шериклик» тактикасининг асл замирида нима ётганлиги очиб ташланади, реал социализм, марксизм-ленинизм ғояларининг Шарқ мамлакатлари кенг меҳнаткаш оммаларига таъсири кучайиб бораётганлигидан империалистик доираларнинг ташвишга тушаётганлиги кўрсатиб берилади.

Китобда, шунингдек, Совет Ўрта Осиёсида хотин-қизлар масаласининг ҳал этилишини сохталаштиришларни фош этишга ҳам, муваффақиятли уриниш бор. Лекин шу ўринда, фикримизча, КПССнинг совет жамиятида хотин-қизлар ролини оширишга, уларни коммунистик қурилишга активроқ жалб этишга қаратилган йўлини ўтказишдаги изчилликни янада асослироқ қилиб кўрсатилса яхши бўларди. Масалан, сўнгги йилларда Ўзбекистон Компартиясининг съездларида, Ўзбекистон КП МКнинг пленумларида хотин-қизларни сиёсий, хўжалик ва маданий соҳаларда раҳбарлик лавозимларига кўтаришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Покистоннинг социал-сиёсий ривожланиши ва ишчилар синфи курашининг буржуача историографиясига бағишланган мақолалар авторлари бу мамлакатдаги ҳарбий давлат тузуми ўзининг реакцион ички ва америкача ташқи сиёсати билан жаҳон прогрессив жамоатчилиги кўзи ўнгида аллақачон ўзини обрўсизлантирганлигини қайд қилишади. Социал, миллий, сиёсий зидди-

* Фальсификаторы истории (Критика буржуазной историографии Средней Азии и стран зарубежного Востока). Ташкент, «Фан», 1985, 180 с.

ятларнинг чуқурлашуви Покистоннинг расмий идеологларини бу зиддиятларни ҳал этиш йўлини исломдан излашга мажбур этмоқда. «Ягона дин — ягона миллат — ягона давлат — ягона тил». Мамлакатда «умумхалқ синфсиз жамияти»ни яратишга оид улар эълон қилаётган, аслида халқларнинг озодлик ҳаракатини бостиришга қаратилган схема тахминан шундай.

Маълумки, исломдан нафақат хорижий Шарқ мамлакатларидаги айрим реакцион ҳарбий режимлар, шу билан бирга империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ҳам ўзларининг тор ғаразли мақсадларига эришиш йўлида асосий воситалардан бири сифатида фойдаланадилар. Тақриз қилинаётган тўпламдаги айрим мақолаларда шу масала кўриб чиқилган. Уларда ҳаққоний қайд қилинганидек, «исломни ҳимоя қилиш», «мусулмонлар билан дўстлик» ҳақидаги шиорлар ҳам империализмнинг мустамлакачилик сиёсати сингари қадимийдир. Масалан, афғон халқига душман кучлар ислом байроғи остида АҚШ бошчилигидаги халқаро реакциянинг кўрсатмаси ва унинг ҳар томонлама ёрдами билан Апрель революциясидан сўнг бой берилган позицияларини ва имтиёзларини қайтариб олишга уринмоқдалар.

Шуни қайд қилиш керакки, диний ва миллатчилик омиллари ўтмишда ҳам империализмнинг миллий мустақиллик, демократия ва социал тараққиётга интилаётган халқларга қарши курашидаги воситалар арсеналидан алоҳида ўрин олар эди. Масалан, Германиянинг сўнгги императори Вильгельм II ўз вақтида ўзини зўр бериб «мусулмонлар ҳимоячиси» қилиб кўрсатган эди. У юнкерлар-буржуа давлати манфаатлари учун ва Усмонли Туркия билан ҳарбий иттифоқни мустаҳкамлаш мақсадида ўзини «асл мусулмон» қилиб кўрсатишдан ҳам тоймаган эди. Тарихда бундай мисоллар кўплаб топилади. Бугунги кундаги «ислом дўстлари» ўтмишдошларининг методларини янгича ҳийла-найранглар билан бойитишмоқда.

Китобда Ҳиндистоннинг тарихий ўтмишини сохталаштиришларни фош қилишга катта ўрин ажратилган. Масалан, неоколониализм идеологлари Британия ҳукмдорлари ўзларига қарам бўлган мустамлакаларга жуда хайриҳоҳ эди, деб такрорлашни яхши кўришади. Жумладан, Ҳиндистоннинг 1947 йили кўп миллионли халқнинг фидокорона миллий-озодлик кураши натижасида мустақилликни қўлга киритганини улар Англия ўзининг энг катта мустамлакасидан «ихтиёрий равишда воз кечди» деб кўрсатишади.

«Ўрта Осиёнинг Россияга қўшиб олинишининг тарихий аҳамиятини сохталаштиришга қарши» деган мақолада буржуа сиёсатдонларининг ўтмишда ғарбий давлатлар Осиё ва Африка халқларининг ҳақиқий дўстлари эди деган гапларининг уйдирма эканлиги очиб ташланади. Улар шу тарика мустамлакачиликни айбсиз қилиб кўрсатишга ва айни пайтда неоколониализмни оқлашга ҳаракат қиладилар. «Советшунослар» илгари сураётган асосий концепция шундай: Ўрта Осиё тарихида Россия сиёсати гўё агрессив бўлган эмиш. Бундан: фақат ғарбий давлатларгина бу регион халқларининг ҳақиқий дўстлари бўлиши мумкин, бизнинг давримизда Ўрта Шарқ халқларига империализм эмас, балки Совет Иттифоқи асосий хавф солиб турибди, деган хулоса чиқарилади.

«Рус хавфи» деб аталмиш масала Ҳиндистон учун ҳам узоқ тарихга эга. Бу «ривоят»ни Британия экспансионизми мадддоҳлари Осиё ва Африка мамлакатларини мустамлакага айлантириш давридаёқ ўйлаб чиқарган эдилар. Мустамлакачилар ва уларнинг идеологлари Ҳиндистонни нима қилиб бўлсада ўз қўлларида сақлаб қолиш ниятида «рус хавфи» ҳақидаги афсонадан қўрқитиш воситаси сифатида фойдаланган эдилар. «Советшунослар» Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатига доғ тушириш, бизнинг мамлакатимизни «иссиқ денгизларга чиқиш»га, Форс қўлтиғида ҳукмронлик ўрнатишга интилишда ва шу сингариларда айблаш учун ҳар сафар бу уйдирмани ишга соладилар.

Бу мавзу тақриз қилинаётган тўпламдаги «Ҳозирги замон буржуа историографияси Ўрта Шарқдаги инглиз-рус муносабатлари тарихининг баъзи жиҳатлари тўғрисида («Улкан ўйин» тарихидан»)» деган мақолада давом эттирилади. Мақола автори тўла асосли равишда бу тезис аввал бошиданоқ Ўрта Ер денгизидан то Ҳиндистонгача бўлган ерларда Британия тож-тахтининг мустамлакачилик амрини қарор топтириш учун қулай баҳона бўлиб хизмат қилган эди, деб қайд этади. Мустамлакачилик идеологлари Ҳиндистондаги инглиз ҳукмронлигининг ҳалокатли характерини хаспўшлашга уриниб, бу ҳукмронликни «Буюк Британиянинг маданий» ёки «прогрессив миссияси» деб атаб, унинг «бунёдкорлик фаолияти»ни кўкларга кўтариб мақташади. Аслида эса, китобда жуда яхши кўрсатиб берилганидек, мустамлакачи ҳокимлар бу ерда темир йўл қуриш билан ҳинд халқининг фаровонлигини эмас, балки фақат ўз фабрикалари учун зарур қишлоқ хўжалик хом ашёсини ташишни арзонлаштиришни ўйлаган эдилар. Инглизлар мамлакатда атайлаб жамоалар ўртасидаги диний адоватни авж олдирган эдилар.

XIX аср охири — XX аср бошларида Ҳиндистондаги миллатлар, буржуа миллатчилиги масалалари бўйича сохталаштирувчиларни танқид қилишга бағишланган мақола муайян қизиқиш уйғотади. Автор

ёзадики, миллий-озодлик ҳаракатларининг марксча-ленинча анализи зид равишда буржуа олимлари синфий зиддиятларни эмас, балки мустамлакачиларга қарши бемаъни террористик ҳаракатларга айланиб кетган миллий зиддиятларни ҳинд жамиятининг ҳаракатлантирувчи кучи деб биладилар. Баъзи бир инглиз тарихчилари «миллат» ва «диний жамоа» тушунчаларини айнан бир хил деб қараб. Ҳиндистонда фақат «икки миллат» — ҳиндилар ва мусулмонлар бор, деб ҳисоблашади. Ана шу «икки миллат тўғрисидаги назария» мамлакатни Покистон ва Ҳиндистонга бўлиб юборишга асос бўлган эди.

Буржуа идеологлари мустамлакачилик сиртмоғидан халос бўлган халқларнинг ўз мамлакатини ўзлари идора қилишга қодир эмаслиги тўғрисидаги қуруқ гапларни айрим араб давлатлари, жумладан Саудия Арабистони тўғрисида ҳам айтмоқдалар, бу ҳақда давлатнинг буржуа историографияси ҳақидаги мақолада гап боради. Масалан, буржуа идеологлари бу давлат раҳбарлари ўз-ўзини бошқаришга тайёр эмас эдилар, инглизларнинг Саудия Арабистонидан кетиши бутун Арабистон яриморолини тартибсизлик, урушга «мубтало қилади», деган уйдирмани ўйлаб чиқарганлар.

Жаҳон сиёсатининг ҳозирги босқичида империализмнинг бош қўрғони АҚШ ҳам ўзини «арабларнинг дўсти» қилиб кўрсатишга уринмоқда. Айни Вашингтоннинг милитаризм ва неоколониализм, терроризм ва агрессия сиёсатининг асосий илҳомчиси эканлигини бутун дунё кўриб турибди. Ливияга нисбатан иқтисодий бойкот эълон қилинганлиги, «канонеркалар сиёсати»нинг яна қайта тикланганлиги Америка империализмининг «ўз хавфсизлиги»ни ҳимоя қилиш мақсадида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларига нисбатан «куч-қудрат позициясидан туриб» сиёсат юргизишдан, шантаж, таҳдид ва очиқчасига босқинчиликдан қайтмаётганлигидан далолат беради.

«Буржуа историографиясида араблар нефти (XX асрнинг 60—70-йиллари)» мақоласида ғарб тадқиқотчиларининг нефть проблемасига бағишланган айрим асарларидаги ғаразгўйлик кўрсатилган. Уларнинг вазифаси, деб қайд қилади автор, ғарб, аввало Америка нефть монополияларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятининг ривожланаётган мамлакатлар — нефть экспортчилари учун «фойдали»лиги ва «зарур»лигини кўрсатишдан иборат.

Афсуски, буржуа идеологларининг СССР халқлари ўртасидаги дўстликка раҳна солишга қаратилган уринишларининг танқиди тўпламда ўз аксини топмаган. Бизнинг синфий душманларимиз совет кишиларини гўё улар нотўғри йўлдан бораётганларига ишонтиришга, ҳар қандай йўллар билан улар орасига миллий адоват уруғини сочишга, социализмнинг тарихий истиқболига ишончсизлик туғдиришга ҳаракат қиладилар. Китоб авторлари антисоветчилар ва антикоммунистларнинг «ижодий изланишлари»даги бундай тенденцияларга эътиборни қаратишлари керак эди.

Умуман мазкур тўплам Совет Шарқи ва хорижий Шарқнинг қадимги ва ҳозирги тарихининг қатор масалаларига муайян ойдинлик киритади ва бу тарихни сохталаштирувчиларга муносиб жавобдир.

Т. ҒИЁСОВ,
тарих фанлари доктори.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 11.12.1986 й. Босишга рухсат этилди 7.01.1987 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,1. Тиражи 29311. Нашр В-49. Заказ № 5385.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

2

ФЕВРАЛЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 2
ФЕВРАЛЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Биз айнан бошдан кечираётган мана шу **конкрет** иқтисодий ва сиёсий вазият, тарихий жараённинг совет жамияти ва бутун дунё босиб ўтаётган айнан ҳозирги алоҳида **палласи** партиядан, ҳар бир коммунистдан ижодкорликни, новаторликни, одат бўлиб қолган, лекин аллақачон эскирган тасаввурлар доирасидан чиқа билишни талаб қилмоқда.

КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЕТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ОКТЯБРЬ ЙЎЛИДАН

Совет халқи мамлакат ҳаётида улкан воқеа — инсониятнинг янги тарихий даврга қадам қўйишини нишонлаган, Ер куррасида цивилизациянинг янги типини яратишга йўл очиб берган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига яқинлашиб бормоқда. **«Улуғ Октябрь социалистик революцияси,**— деб таъкидланади янги таҳрирдаги КПСС Программасида,— **жаҳон тарихида бурилиш ясаган воқеа бўлди, жаҳон тараққиётининг бош йўналиши ва асосий тенденцияларини белгилаб берди, капитализмнинг янги, коммунистик ижтимоий-иқтисодий формация билан алмашинувидан иборат муқаррар жараённи бошлаб берди».**

Октябрь революциясининг ғалабаси — партиянинг, ишчилар синфининг, мамлакатимиз барча миллатлари ва элатлари меҳнаткашларининг буюк жасоратидир. Улуғ Ленин партияси пролетарларнинг социализм учун кураши, деҳқонларнинг ер учун курашини, Россия мазлум халқларининг миллий-озодлик курашини, империалистик урушга қарши, тинчлик учун умумхалқ ҳаракатини бир қудратли оқимга бирлаштирди ва уни буржуа тузумини ағдариб ташлашга қаратди.

Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси ҳақли суратда XX асрнинг асосий воқеаси ҳисобланади. У ижтимоий тараққиётнинг, монополистик капитализм шароитидаги синфий курашнинг қонуний натижаси бўлди. Унинг ғалабаси натижасида дунёда биринчи социалистик давлат вужудга келди, социалистик бунёдкорлик учун кенг ва ёруғ истиқболлар очилди. Октябрь революцияси мамлакатни эксплуататор синфлар маҳкум қилган миллий ҳалокатдан қутқарди, Россия халқларини ажнабий капитал асоратига тушиш хавфидан халос этди. Улуғ Октябрь пролетар революциясининг алоҳида олинган бир мамлакатда ғалаба қилиши мумкинлиги тўғрисидаги ленинча таълимотнинг тарихий тўғрилигини амалда исботлади.

Советлар Мамлакати инсоният тарихида биринчи бўлиб социализмга йўл очиб берди. Янги жамият деҳқонлар кўпчиликни ташкил этадиган ва аҳоли составида ижтимоий тараққиётнинг турли босқичларида турган кўплаб миллат ва элатлар бўлган нисбатан кам тараққий этган мамлакатда бунёд қилинди. Бу бунёдкорлик капиталистик давлатлар қуршови, революция ағдариб ташлаган эксплуататор синфларнинг кескин қаршилиги ва партияга, Ленинга қарши гуруҳларнинг доимий душманчилик ҳаракатлари шароитида амалга оширилди.

Октябрь ғалабасидан сўнг социализм қурилишининг назарий ва амалий масалалари ленинизмда марказий ўринни эгаллади. Партия социализм қурилишининг мураккаб масалаларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқиши керак эди, ҳақиқатан ҳам уларни ишлаб чиқди. Бунда В. И. Ленин ғоят катта роль ўйнади. У қолоқ, ҳамма томондан душманлар қуршовида турган мамлакатда социализм қуриш мумкинлигини илмий асослади, социализмни бунёд этиш вазифалари ва йўлларини белгилаб берди, уларни амалга оширишга амалий раҳбарлик қилди.

В. И. Ленин, Коммунистик партия СССРда социализм қурилишининг умумий вазифалари, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини очиб бериш билан бир қаторда илгари қолоқ бўлган халқларнинг нокапиталистик ривожланиш йўлига, уларнинг капитализмни четлаб социализмга ўтишига доир назарий проблемаларни, социалистик қурилишнинг умумий қонуниятларини токапиталистик шароитда қўлланиш проблемаларини ишлаб чиқдилар.

В. И. Ленин мамлакатнинг ривожланган марказий областларига нисбатан унинг қолоқ миллий районларида «секинлик, анча эҳтиётлик ва анча изчиллик билан социализмга ўтиш» зарур деб (Тўла асарлар тўплами, 43-том, 225-бет), «...бевосита социализмга ўтиш вазифамизни муваффақиятли бажаришимиз учун токапиталистик муносабатларнинг социализмга ўтиши учун қандай оралиқ йўллар, усуллар, чоралар ва воситалар лозим эканлигини билишимиз керак» деб кўрсатган эди (ТАТ, 43-том, 258—259-бетлар). В. И. Ленин «Маҳаллий хусусиятлар ҳам, иқтисодий укладнинг алоҳида хусусиятлари ва турмуш формалари ҳам, аҳолининг тайёргарлик даражаси ҳам, маълум бир планни амалга ошириш йўлидаги ҳаракатлар ҳам — буларнинг ҳаммаси ...социализмга қараб бориш йўли ҳар хил бўлишига таъсир қилади», деб таъкидлаган эди (ТАТ, 36-том, 173-бет).

В. И. Ленин илғор рус пролетариати, Совет Россияси томонидан мамлакатнинг қолоқ миллий чекка ўлкаларидаги халқларга ёрдам берилишини у ерларда муваффақиятли тарзда социализм қурилишининг ҳал қилувчи шартларидан бири деб ҳисоблаган эди. «...Қолоқ мамлакатлар,— деган эди у Коммунистик интернационалнинг II конгрессида қилган докладида,— илғор мамлакатларнинг пролетариати ёрдами билан, капиталистик тараққиёт босқичини четлаб ўтиб, совет тузумига ва муайян тараққиёт босқичлари орқали коммунизмга ўтишлари мумкин» (ТАТ, 41-том, 274-бет).

Коммунистик партия СССРда социализм қурилишининг ленинча планига амал қилиб, урушдан олдинги беш йилликлар мобайнида мамлакатда чуқур социал-иқтисодий ва маданий туб ўзгартиришларни амалга оширди. Индустриялаштириш, коллективлаштириш, маданий революция, миллий масаланинг одилона ҳал этилиши натижасида бизнинг Ватанимиз қудратли социалистик давлатга айланди. Кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниши, синфий антагонизмлар ва миллий адоват батамом тугатилди. Ленин ғоясига кўра совет республикаларининг ССР Иттифоқига бирлашиши мамлакатнинг социализм қурилишидаги кучлари ва имкониятларини янада кўпайтириб юборди. Инсоният тарихида биринчи марта социалистик жамият барпо этилди. Мамлакатимизда социализм ғалабаси 1936 йилги СССР Конституциясида қонун асосида мустаҳкамланди.

«Совет кишилари социалистик ўзгартишлар йўлига биринчи бўлиб кирганликлари билан ҳақли равишда фахрланадилар,— деб қайд қилди КПСС МҚ Бош секретари М. С. Горбачев совет халқига Янги йил Мурожаатномасида.— Социализм Ватанимизни социал-иқтисодий ва маданий тараққиёт юксакликларига кўтарди. У меҳнат аҳлини озодликка чиқарди, унга тенг ҳуқуқлар ва эркинликлар берди».

Ўзбекистон халқлари ҳам совет халқларининг ягона оиласида социализмга келдилар, улар Октябрь революцияси ғалабасидан кейинги йигирма йил давомида феодал ижтимоий-иқтисодий формациядан капитализмни четлаб социализмга ўтдилар.

Илгари қолоқ бўлган Ўзбекистонда социалистик қурилиш вазифаларини жадал ҳал этишда улуғ рус халқи, унинг шонли ишчилар синфи берган беғараз иқтисодий ва маданий ёрдам катта роль ўйнади.

Совет тузуми Улуғ Ватан уруши йилларида оғир имтиҳондан ўтди. Ҳар доим бўлгани каби бу сафар ҳам Коммунистик партия совет халқининг немис-фашист босқинчиларга қарши кураши авангардида бўлди. Шу пайтгача ҳеч қачон ҳеч қайси урушда Совет Иттифоқининг Улуғ Ватан урушида бўлганидек халқнинг, давлат ва идора қилувчи партиянинг манфаатлари бунчалик даражада бирлашиб кетмаган эди. Коммунистик партия фавқулодда қийин шароитларда халқни фашист босқинчиларга қарши муқаддас курашга

сафарбар қила олди ва уруш ҳаракатларининг дастлабки давридаги вақтинчалик муваффақиятсизликларга қарамасдан урушнинг боришида кескин бурилиш ясашга ва унинг ғолибона якунланишига муваффақ бўлди. Партия халқ хўжалигини ҳарбий йўсинда қайта қуриш бобида ниҳоятда зўр иш қилди. Коммунистлар ўзларининг шахсий намунаси, қаҳрамонлиги ва жасорати билан омманинг жанговар руҳини кўтарди, уларни қаҳрамонликлар сари бошлади, уларда душман устидан тўла ғалаба қозонишга мустаҳкам ишонч ҳосил қилди. Уруш йилларида партиянинг обрўси беқиёс даражада ўсди, унинг сафлари янада маҳкамроқ жипслашди, партия билан халқнинг бирлиги янада мустаҳкамланди. «Ленин партияси курашаётган халқ билан бир жон-бир тан бўлиб жанг қилаётган партияга айланди,— деб таъкидлади М. С. Горбачев «Совет халқининг ўлмас жасорати» докладида.— Тарихимизнинг энг қийин — уруш даврида партия Ватан тақдири учун ўзининг ғоят катта масъулиятига муносиб юксак даражада бўлди ва мамлакатни ғалабага олиб келди. Уруш йилларида партиямизнинг маънавий-сиёсий обрў-эътибори мустаҳкамланди, коммунист номи халқ назарида яна ҳам юқори кўтарилди. Зотан биз, Ленин партиясининг аъзолари, буни ҳамиша қадрлаб, шу билан фахрланаверамиз».

Совет халқи Улуғ Ватан урушини ғалаба билан тугаллаб, коммунистик партиянинг синалган раҳбарлиги остида мамлакатнинг уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини жадал қайта тиклади, социалистик жамиятни янада юксалтирди.

Эллигинчи йиллар охирига келиб мамлакат иқтисодий ва мудофаа қудратининг мустаҳкамланиши, социалистик системанинг вужудга келиши ва қарор топиши натижасида СССРда социализм батамом ва узил-кесил ғалаба қилди.

Совет жамияти эришилган ютуқларга таяниб, иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий ривожланишда олға томон дадил ҳаракат қилаверди. Мамлакатда яхлит халқ хўжалик комплекси таркиб топди, миллий даромад анча ўсди, ижтимоий меҳнат унумдорлиги ошди, халқ фаровонлиги даражаси анча юксалди, социалистик ижтимоий муносабатлар мустаҳкамланди, одамларнинг янги социал ва интернационал бирлиги — совет халқи таркиб топди. Пролетариат диктатураси давлати ўсиб, умумхалқ социалистик давлатига айланди, совет демократияси янада ривожлантирилди.

* * *

В. И. Ленин 1922 йил 28 мартда РКП(б) МКнинг партия XI съездига Сиёсий ҳисоботи юзасидан якунловчи сўзида шундай қайд қилган эди: «Шу чоққача ҳалок бўлган барча революцион партиялар — кибрланганликларидан ва ўз кучларининг нимада эканлигини кўра билмаганликларидан ҳамда ўзларининг заиф томонлари тўғрисида гапиришдан қўрққанликларидан ҳалок бўлдилар. Биз эса ҳалок бўлмаймиз, чунки биз ўзимизнинг заиф томонларимиз тўғрисида гапиришдан қўрқмаймиз ва заифлигимизни енгишга ўрганамиз» (ТАТ, 45-том, 137-бет).

КПСС МК ана шу принципиал ленинча қоидаларга амал қилиб, ўзининг XXVII съездида эришилган ютуқларга муносиб тарзда баҳо бериш билан бирга сиёсий ва амалий фаолиятдаги нуқсонлар, экономика ва социал-маънавий соҳадаги нохуш тенденциялар ҳақида, ана шундай ҳолатларнинг объектив ва субъектив сабаблари ҳақида виждонан ва рўй-рост гапирди.

Партия XXVII съезди ҳужжатларида қайд қилинганидек, 70-йилларда ва 80-йиллар бошида эришилган ютуқларга нообъектив баҳо бериш авж олди. Иқтисодий вазият ўзгарганига қарамасдан халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, экономикани интенсив ривожланиш методларига ўтказиш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан актив фойдаланишнинг ниҳоятда зарурлиги, бу масаланинг кескин бўлиб турганлиги тўла идрок қилинмади. Янги реалликларни акс эттирмайдиган одат бўлиб қолган схемалар ва формулалар олға томон ҳаракат йўлларини излашга кўп жиҳатдан тўсқинлик қилди. Сўз билан

иш бир-бирига тўғри келмай қолди. Амалий хатти-ҳаракатларда собитқадамлик, дадиллик етишмасди.

Бу шунга олиб келдики, 70-йилларда ва 80-йиллар бошида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли тарзда сусайди. Тақсимот муносабатларидаги салбий жараёнлар партия ва халқни қаттиқ ташвишга солди. Вужудга келган вазиятда экономикада социал ва ахлоқий-маънавий йўсинда кўплаб салбий ҳолатлар пайдо бўлди, бундай ҳодисалар бизнинг республикамизда айниқса кенг тарқалган эди.

Буларнинг ҳаммаси кўп даражада партия ва давлат органлари фаолиятидаги жиддий камчиликларнинг оқибати эди. Ўзига бино қўйиш, қуюшқондан чиқиш, ишларнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатиш кайфиятлари авж олди. Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш ишида талабчанлик камайди, кадрларнинг топширилган иш учун масъулияти сусайди. Айни бир пайтда изчил демократизм, кенг ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, таъсирчан контролнинг йўқлиги салбий ҳодисаларни ўз вақтида очишга, совет жамияти тараққиётига тўсқинлик қилаётган нарсаларга қарши кескин кураш олиб боришга имкон бермади. Бундай жараёнлар идеологик, пропагандистик ишда ҳам ўз аксини топди, бу соҳада ҳам расмиятчилик илдиз отиб, унинг ҳаётдан ажралиб қолганлиги характерли тус олди.

М. С. Горбачев КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ўша йилларда қарор топган нохуш вазиятга баҳо бериб ва унинг сабабларини очиб шундай деди: «КПСС раҳбарлиги қўлга киритилган ютуқларга муносиб тарзда баҳо бериш билан бирга бизнинг сиёсий ва амалий фаолиятдаги нуқсонларимиз, экономика ва социал-маънавий соҳадаги нохуш тенденцияларнинг сабаблари ҳақида партия ва халққа виждонан, рўй-рост айтишни ўз бурчи деб билади. Фақат объектив омиллар сабаблигина эмас, балки, энг аввало субъектив сабабларга кўра ҳам бир қанча йиллар мобайнида партия ва давлат органларининг амалий ишлари давр талабларидан, ҳаёт талабларидан орқада қолиб келди. Мамлакатни ривожлантириш проблемалари уларнинг ҳал этилишидан кўра тезроқ кўпайиб борди. Бошқарув формалари ва методларининг сустлиги, қотиб қолганлиги, ишда динамизмнинг пасайиб кетиши, бюрократизмнинг кучайиб кетиши — ана шуларнинг ҳаммаси ишга озмунча зиён келтирмади. Жамият ҳаётида турғунлик ҳолатлари пайдо бўла бошлади».

Ана шу вазиятда жамиятни социал-иқтисодий ривожлантиришдаги салбий ҳолатларни қандай қилиб мумкин қадар тезроқ бартараф этиш, унга зарур жўшқинлик ва жадаллик бахш этиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди. Партия ва халқда яхши томонга ўзгариш, жўшқин амалий ҳаракатлар зарурлигини тушуниш етилди. КПСС МҚнинг ноябрь (1982 йил) Пленумидан сўнг интизомни мустаҳкамлаш сари қадам қўйилди. Партия Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми мамлакатдаги вазиятни чуқур анализ қилиб, унинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегиясини, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида кескин бурилиш ясаш, янгилаш, революцион қайта қуриш стратегиясини илгари сурди. Бу йўл КПСС XXVII съездида ҳар томонлама ишлаб чиқилди ва ривожлантирилди.

Жадаллаштириш стратегияси моҳияти КПСС МҚ Сиёсий докладида, съезднинг бошқа ҳужжатларида чуқур очиб берилган. Жадаллаштириш деганда сифат жиҳатдан янгича негизда — фан-техника тараққиёти, экономика структурасини қайта қуриш, бошқаришнинг, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали шакллари асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш негизида иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш тушунилади. Бу йўл актив социал сиёсат юритишни, социал адолат принципини изчиллик билан қарор топтиришни, ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни, сиёсий ва идеологик муассасаларнинг иш форма ва усулларини янгилашни, социалистик демократияни чуқурлаштиришни, эскича иш юритиш, турғунлик ва консерватизмни қатъият билан бартараф этишни назарда тутади.

КПСС XXVII съезди стратегик қарорларининг ҳаётга татбиқ қилиниши совет жамиятини такомиллаштиришнинг етилган иқтисодий, сиёсий ва маданий вазифаларини амалга оширишни таъминлайди ва мамлакатни сифат жиҳатдан

янги марраларга олиб чиқади. Унинг қарорлари совет жамиятининг коммунизмга томон бир неча ва ўн йилларга мўлжалланган ҳаракатининг характерини ва суръатларини белгилаб беради.

КПСС XXVII съездининг жамиятимиз ҳаётида туб ўзгаришлар ясашга, уни янгилашга қаратилган қарорлари ҳақиқатан ҳам революцион характерга эгадир. Бу М. С. Горбачевнинг совет халқига Янги йил Мурожаатномасида янгича куч билан таъкидланган: «Бинобарин, ўртоқлар, революция давом этмоқда,— деди у.— Революция аввало ишларимизда давом этмоқда. Бошланган қайта қуришнинг революцион руҳи — Октябрнинг жонли нафасидир. Агар биз новаторлик йўлидан, коммунистлар партияси бошчилигидаги халқ оммасининг тарихий ижодкорлигини ривожлантиришнинг Ленин васият қилган йўлидан дадил олға борсак, социализм меҳнаткашларга яна кўп неъматлар бериши мумкин ва лозим».

Съезд жамиятимизни бундан буён ривожлантиришнинг асосий масалаларига жавоб берди, ҳар бир коммунистни, ҳар бир совет кишисини янги вазифаларни, уларни ҳал этиш йўлларини яққол кўра билиш қобилияти билан қуроллантирди. Съезд партия фаолиятига, бутун мамлакатимиз ҳаётига юксак маънавий, руҳий йўналиш бахш этди. У илмий коммунизм назарияси ва практикасига, жаҳон тараққиёти жараёнларини ва социалистик жамиятни такомиллаштириш вазифаларини илмий идрок этишга катта ҳисса қўшди. Съезд КПССнинг Октябрь ишини изчиллик билан давом эттираётганини, Ленин йўлидан дадил олға бораётганини, ишчилар синфи, бутун совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ролини муносиб тарзда бажараётганини кўрсатди, у партияга В. И. Ленин томонидан берилган «давримизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони» (ТАТ, 34-том, 108-бет) деган баҳонинг тарихан тўғри эканлигини яна бир бор тасдиқлади.

Партия съезд ишлаб чиққан ва совет кишилари қўллаб-қувватлаётган йўлнинг тўғрилигига чуқур ишонади. Зўр меҳнат, партия билан халқнинг бузилмас бирлиги, барча меҳнаткашларнинг актив, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиши — бу йўлни ҳаётга муваффақиятли татбиқ қилиш гаровидир.

КПСС МҚнинг июнь (1986 йил) Пленумида қайд қилинганидек, «совет жамияти КПСС XXVII съездидан кейин барча соҳаларда — сиёсий, иқтисодий, маънавий соҳаларда ҳаракатга келди. Ижтимоий ривожланиш қудратли жўшқин куч олди, бу эса омманинг сиёсий онглилигини яна ҳам кучайтириб юборди».

Мамлакатда партия раҳбарлигида кўлами ва мазмунига кўра революцион характерга эга қайта қуриш жараёни авж олдирилмоқда. У асосий социалистик принципларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, бу принципларга зид бўлган ҳамма нарсани бартараф этишга, мамлакатнинг ғоят катта потенциалидан самарали фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ўсишнинг узоқ вақтга мўлжалланган стратегик омиллари — фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, интенсивлаштириш, ишлаб чиқариш структурасини яхшилаш, инвестиция жараёнини қайта қуриш, маҳсулот сифатини ошириш ва ресурсларни тежаш омиллари ҳаракатга келтирила бошланди.

КПСС XXVII съездининг совет кишиларини «бутун кучлари, билимлари, қобилиятлари, ижодий ғайратларини коммунистик бунёдкорликнинг буюк мақсадларига сарфлашга, Лениннинг ғолибона революцион ишини, Октябрь ишини муносиб равишда давом эттиришга» қаратилган чақириғига, КПСС МҚнинг Совет Иттифоқи меҳнаткашларига «Совет халқининг илҳомбахш ижодий меҳнати — ўн иккинчи беш йилликка!» шиори остидаги Мурожаатномасига меҳнаткашлар съезд қарорларини ҳаётга татбиқ қилиш учун, XII беш йилликни, унинг биринчи йили топшириқларини муваффақиятли бажариш учун, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириш билан жавоб бердилар.

КПСС XXVII съезди илгари сурган янгиланиш ғоялари совет кишиларининг жонажон иши бўлиб қолди. Кенг меҳнаткашлар оммаси съезднинг «эндиликда энг муҳими — ўй-фикр ва режалар энергиясини конкрет ҳаракатлар энергиясига айлантиришдан иборат» деган кўрсатмасига амалий жавоб бериб,

XII беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажаришга ўз ҳиссаларини кўпайтирмоқдалар. Ижодий ёндашиш кўпайди, тартиб ва интизом мустаҳкамланди. Бизнинг бутун турмушимизда янгиловчи ўзгаришлар тобора кўпроқ сезилмоқда. Омма меҳнат ва сиёсий активлигининг кучайганлиги, уларнинг янгичасига ишлашга, чуқур резервларни ишга солишга интилаётганлиги — ана шундай ўзгаришлардандир.

Партия XXVII съезди кўрсатмаларини ҳаётга муваффақиятли тарзда татбиқ қилиш, Улуғ Октябрь ғалабасининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ кураши қатор йирик ватанпарварлик ташаббуслари билан нишонланди. Масалан, Кузбассдан В. Гвоздев бошчилигидаги шахтёрлар бригадаси Октябрь революциясининг 70 йиллигигача кўмир қазиб олиш бўйича икки йиллик планни бажаришга аҳд қилган эди, улар 1,5 миллион тонна ёқилғи қазиб олиб, ўз сўзларининг устидан чиқишди.

КПСС МҚ июнь (1986 йил) Пленумида ленинградликларнинг техника жиҳатдан қайта қуроллантириш ва илғор техникадан 2—3 сменада максимал тарзда фойдаланиш юзасидан планли асосдаги иши маъқулланди. Ана шу ғоят қимматли ташаббусни юзлаб корхона ва коллективлар давом эттиришмоқда. Белоруссия темирйўлчиларининг ажойиб намунаси кўпчиликка маълум. Улар Шчекино методини ижодий қўлланиб, 12 мингдан зиёд ишловчини бошқа тармоқлар учун бўшатиб беришга муваффақ бўлишди. Бошқирдистон нефтни қайта ишловчиларининг ташаббуси ҳам қимматлидир: улар хом ашёдан фойдали маҳсулотлар олишни кўпайтириш учун мусобақани авж олдириб юборишди. Талантли ташкилотчи, ҳозир Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Травкин бошчилигидаги 18-«Мособлсельстрой» тресги қурувчиларининг КПСС МҚ томонидан маъқулланган тажрибаси ҳам диққатга сазовор. Бу трестнинг ҳаммаси коллектив пудратга ўтди. Натижада ҳар бир ишчининг объектларни жадал фойдаланишга топширишдан, меҳнат унумдорлиги ва сифатининг ошишидан манфаатдорлиги кучайди. Қисқа муддат ичида товар маҳсулоти ҳажми бир ярим баравар кўпайди ва илгари зарар келтирадиган трест энди салмоқли фойда ола бошлади.

КПСС XXVII съездидан кейин ўтган даврга назар ташлар эканмиз, меҳнат коллективлари, барча совет кишиларининг социал эҳтиёжлари тўғрисида ғамхўрлик кучайганлигини қайд қилиш керак. Ана шу жиҳатдан Новолипецк металлургия комбинати, Могилевдаги «Химволокно» бирлашмаси, Родниковскдаги «Большевик» меланж газламалар комбинатининг меҳнаткашлар касалланишининг олдини олиш ва камайтириш юзасидан тажрибаси маъқулланди. Кўп минг кишилик коллективда уй-жой проблемасини ҳал этишни жадаллаштириш ва 1995 йилга бориб ҳар бир оилани қулай ва шинам квартира билан таъминлашга аҳд қилган Горький автозаводчиларининг ташаббуси қўллаб-қувватланди.

Мамлакатнинг илғор корхоналаридан ибрат олиб, бизнинг республикамизда ҳам кўплаб ватанпарварлик ташаббуслари пайдо бўлди. Бухоро областининг бир гуруҳ илғор ишчилари ўн иккинчи беш йилликда ўн йиллик ва ундан зиёд нормаларни бажариш мажбуриятини олдилар. Тошкент областидан КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди делегатлари «Маҳсулот сифати — коллектив шон-шарафи, меҳнат сифати — сенинг ишчилик шарафингдир» шиори остида партия XXVII съездининг юксак талаблари руҳидаги ажойиб ташаббус билан чиқдилар. Бундай ижодий ташаббуслар Фарғона водийси областларида ҳам туғилди.

Республикамизда Волга бўйидаги «АвтоВАЗ» бирлашмаси коллективининг фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш борасидаги, Украина корхоналари ва ташкилотлари коллективларининг иккиламчи ресурслардан самарали фойдаланиш бўйича, Белоруссия темирйўлчиларининг меҳнат унумдорлигини ошириш суръатларини жадаллаштириш юзасидан, Северск труба ишлаб чиқарадиган завод ва бир қатор бошқа саноат корхоналари ҳамда ишлаб чиқариш бирлашмалари коллективларининг маҳсулотларни шартнома мажбуриятларига мувофиқ етказиб беришни таъминлашга доир ватанпарварлик ташаббуслари кенг қўллаб-қув-

ватланмоқда. Бир маромда меҳнат қилиш ва тураржой ҳамда социал-маданий объектларни комплекс тарзда фойдаланишга топшириш учун бошланган ватанпарварлик ташаббуси ҳам республика меҳнаткашлари томонидан маъқулланди ва кенг қўллаб-қувватланди.

Мамлакатдаги қатор илғор шахтёрлар ва нефтчилар бригадалари коллективларининг Улуғ Октябрнинг 70 йиллигигача беш йилликнинг икки йили программасини бажариш, меҳнат унумдорлигини анча оширишга қаратилган ташаббусини ҳам кўплаб коллективлар давом эттирмоқда. Ўзбекистонда 20 мингга яқин ишчи, 600 дан зиёд бригада ана шу ташаббусга қўшилди. Ҳозирги беш йиллик биринчи йили якунларининг кўрсатишича, улар ўз сўзлари устидан чиқишмоқда. Масалан, «Мубарекгаздобича» бирлашмасидан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Д. Қурбонов бригадаси 1986 йилги нефть қазиб олиш планини 162 процент, газ қазиб олиш планини — 176 процент, меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқни — 171 процент қилиб бажарди. Республикада бундай коллективлар кўплаб учрайди.

Тошкент область ишлаб чиқариш илғорларининг яқинда бўлиб ўтган слёти қатнашчилари областнинг барча меҳнаткашларига Октябрнинг шонли юбилейини меҳнатда янги зафарлар билан нишонлаш тўғрисидаги чақириқ билан мурожаат қилдилар. Бу мурожаатни республика меҳнаткашлари кенг қўллаб-қувватламоқдалар. Ўтган йил декабрь ойининг бошида «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Қўқон тикувчилик фабрикаси, Ўрта Осиё темир йўлининг Фарғона бўлими ва бошқа кўплаб корхоналар ва бирлашмалар коллективлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилишди.

Бу коллективлар Улуғ Октябрь юбилейини меҳнатда юксак муваффақиятлар билан, беш йилликнинг икки йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва бунда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишига, хом ашё, материаллар, электр энергиясини пландагидан ортиқ даражада тежашга эришиш билан кутиб олишга қарор қилишган. Улар бундай мақсадга бунёд қилинган қувватлардан фойдаланишга янгичасига ижодий ёндашиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, ишлаб чиқариш ва технология интизомига риоя қилиш, янги техникани, илғор технологияни, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг илғор формаларини яратиш ва жорий қилиш, социал тараққиётни жадаллаштириш эвазига эришишни ният қилиб қўйишган.

Ўзбекистон Компартияси МК илғор корхоналарнинг ана шу ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаб, область, шаҳар, район партия комитетларига, министрликлар ва идоралар раҳбарларига, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советига, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларига барча меҳнат коллективларида мазкур ташаббусни кенг муҳокама қилиш ва қўллаб-қувватлашни, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги шарафига юксак мажбуриятлар ишлаб чиқиш ва қабул қилишни юклади. Илғор корхоналар ташаббуси республикадаги кўплаб меҳнат коллективлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг фидокорона меҳнати, социализмнинг улкан иқтисодий, социал ва маънавий потенциалидан энг самарали фойдаланиш натижасида совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларида жиддий ижобий силжишлар рўй берди. «Биз экономикамизнинг истисносиз ҳар бир соҳасида турғунлик ҳолатларини бартараф этиб, олға силжишга муваффақ бўлдик,— деб қайд қилди М. С. Горбачев совет халқига Янги йил Мурожаатномасида.— Миллий даромад анча кўпайишига эришилди, социал проблемаларни янада активроқ ҳал этиш сари бурилиш бошланди».

Беш йилликнинг биринчи йилидаёқ миллий даромадни ва саноат ишлаб чиқаришини ўстириш бўйича 80-йиллардаги энг юқори суръатларга эришилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ўсиш суръатлари беш йиллик планнинг ўртача йиллик топшириқлари даражасига нисбатан қарийб икки баравар ошиб кетди. Экономикамизнинг социал самарадорлиги ҳам сезиларли даража ўсди. 10 миллиондан зиёд совет кишилари 1987 йилни янги квартираларда кутиб олди.

Халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданият объектларини қуриш кўлами кенгайди.

Съезддан кейинги ўтган даврда бизнинг республикада ҳам экономикада ва социал ҳаётда бир қатор ижобий силжишлар юз берди. Саноат ишлаб чиқариши суръатлари ўсди, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш кўпайди, барча хўжалик ва социал соҳаларда ижобий ўзгаришлар сезилди.

Ана шу силжишларга қарамасдан, шуни ҳам қайд қилиш керакки, бу дастлабки қадамлар, ихтиёримиздаги улкан имкониятлардан фойдаланишнинг дастлабки натижаларидир, холос. «Кириб келаётган йилда,— деди М. С. Горбачев Янги йил муносабати билан совет халқига Мурожаатномасида,— экономикада янада юксак марраларни эгаллашимиз, корхоналарни хўжалик юритишнинг янги усулларига кенг миқёсда ўтказишни амалга оширишимиз, маҳсулот сифатини қатъиян яхшилашимиз лозим бўлади. Совет жамияти турмушининг бошқа соҳаларида ҳам жуда муҳим ва мураккаб вазифалар олдимизда турибди. Биз учун ҳеч ким ҳеч нарса қилмаслигини, бизнинг вазифаларимизни, бизнинг муаммоларимизни ҳал этиб бермаслигини яхши биламиз. Биз ҳамма ишни ўзимиз қилишимиз керак. Бунинг маъноси шуки, ҳар биримиз иш суръатига суръат қўшишга, қўшганда ҳам салмоқли суръат қўшишга мажбурмиз. Фақат шу йўл билангина жадаллаштиришни таъминлаш ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини меҳнатда катта ютуқлар билан нишонлаш мумкин». Совет кишилари ўтган йили эришилган муваффақиятларни янада кўпайтириб, Октябрнинг 70 йиллик юбилейини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини ишга соладилар.

Совет халқи етмиш йил ичида Ленин партиясининг раҳбарлигида асрларга тенг келадиган йўлни босиб ўтди. Мамлакатимиз тарихан қисқа муддат ичида ўтмишдан мерос бўлиб қолган қолоқликни бартараф этиб, дунёнинг энг тараққий этган давлатларидан бирига айланди. Унинг миллий бойлиги 50 баравар кўпайди, совет кишиларининг турмуш даражаси ва сифати кескин ўзгарди, шаҳар аҳолисининг реал даромадлари 12 баравар, қишлоқ аҳолисиники — 19 баравар кўпайди. Совет кишилари учун гарантияланган иш, текин медицина ёрдами, қариганда моддий таъминланиш ҳуқуқи, ҳамманинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда иштирок этиши мумкинлиги оддий ҳаётий нормалар бўлиб қолди.

Босиб ўтилган йўлга баҳо берар эканмиз, В. И. Лениннинг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг тўрт йиллиги арафасида айтган қуйидаги сўзларини эсга олмаслик мумкин эмас: «Бу буюк кун биздан йироқлашган сари, Россиядаги пролетар революциясининг аҳамияти равшанроқ бўлиб бормоқда, шунингдек, бутун ишимизнинг амалий тажрибаси устида тобора чуқурроқ ўйламоқдамиз» (ТАТ, 44-том, 166-бет).

* *
*

Социализм Ватанимизнинг халқаро майдондаги аҳволи ва ролини тубдан ўзгартирди. У бизга шунингдек дунёдаги воқеалар жараёнига самарали таъсир этишимиз, ўз халқимиз ва дунёдаги барча халқларнинг тинч ҳаёти учун ҳужумкорлик билан кураш олиб боришимиз учун имконият яратадиган моддий, ғоявий ва маънавий ресурслар ҳам берди.

Социализм ва тинчлик ажралмасдир. Ўз вақтида К. Маркс ёзган эдики, «иқтисодий қашшоқ ва сиёсий жиҳатдан ақлсиз бўлган эски жамиятга қарама-қарши ўлароқ янги жамият дунёга келади, тинчлик бу жамиятнинг халқаро принципи бўлади, чунки ҳар бир халқнинг ягона ҳукмдори меҳнат бўлади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 17-том, 5-бет). Тинчлик учун кураш социалистик давлатнинг ўз табиатидан келиб чиқади, чунки унда социал зулмни ва эксплуататорлик, босқинчилик мақсадларини кўзлайдиган, интервенциялар ва ҳарбий авантюраларни ташкил этадиган эксплуататор синфлар йўқ қилингандир.

Совет давлати дунёга келган кундан бошлаб тинчликсевар давлатдир. Тинчлик тўғрисидаги декрет — унинг биринчи декрети эди. Мамлакатимизнинг

тинчликсевар ташқи сиёсатига В. И. Ленин асос солган эди. У янги жамият барпо этиш учун кураш тинчлик учун кураш билан чамбарчас боғлиқ деб ҳисоблар эди. В. И. Ленин Совет давлати тинчликсевар ташқи сиёсатининг асосий принциплари — пролетар интернационализми ва турли социал системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини таърифлаб берган эди. Советлар Мамлакати ана шу принципларга сўзсиз амал қилиб, дунёга келган дастлабки кунларидан бошлаб тинчлик учун изчил кураш олиб бормоқда.

КПСС Ленин васиятларини бажариб, мамлакатнинг совет кишилари самарали меҳнат қилиши учун тинч шароитлар яратишни таъминлашга қаратилган ташқи сиёсат йўлини ишлаб чиқишга ва амалга оширишга катта ижодий ҳисса қўшмоқда. Ахир, фақат шундай шароитлардагина халқ фаровонлигининг ошиши, шахснинг камол топиши, фан ва маданиятнинг ривожланиши, инсоннинг меҳнат қилиш, дам олиш, илм олиш, уй-жойли бўлиш, саломатлигини муҳофаза қилиш, сермазмун ҳаёт кечириш каби асосий ҳуқуқларини қондириш мумкин. Янги ижтимоий тузумнинг, миллионлаб кишиларни ижодий бунёдкорликка илҳомлантирувчи марксча-ленинча дунёқарашнинг теран моҳияти тинчлик билан социализмнинг ажралмаслигида худди кўзгуда акс этгандек ўз ифодасини топгандир.

Совет ҳокимиятининг биринчи халқаро акти — тинчлик ҳақидаги Ленин Декретидан тортиб — КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли программасига қадар бизнинг партия билан давлатимиз тинчлик ва халқлар озодлиги учун курашнинг асосий йўналишлари давомийлигини сақлаб келмоқда. КПСС тинчликсевар ташқи сиёсатининг жаҳон ривожланишининг бориши ва истиқболларига ғоят теран ва кенг миқёсда таъсир ўтказаётганлиги — совет кишиларининг коммунизм қурилишида, СССРнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда эришаётган улкан муваффақиятларининг бевосита натижасидир.

КПСС XXVII съезди тинчлик учун курашда муҳим марра бўлди, партиянинг Ер куррасида тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган бош йўлининг қабул қилинганлиги ва тасдиқланганлиги съезднинг иккита асосий сиёсий якунидан биридир. Съезд Совет Иттифоқининг ташқи сиёсатини ленинча тинч-тотув яшаш йўлига қатъий амал қилишга, Совет принциплари ва позицияларини қатъиян ҳимоя қилишни тактик эпчиллик, ўзаро мақбул битимларга, музокотга, бир-бирини тушуниш йўлларини излашга шайлик билан қўшишга йўналтирди.

КПСС МК Сиёсий докладида янгича куч билан шундай таъкидланди: «Социализм давлатлараро сиёсий ва иқтисодий зиддиятларни, мафкуравий низоларни бартараф этиш воситаси сифатида урушни ҳеч сўзсиз рад этади. Қуролсиз... дунё...— бизнинг олий мақсадимиздир. ...Ядро уруши хавфига, қуролланиш пойгасига қарши, ялпи тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш учун кураш партиянинг жаҳон майдонидаги фаолиятининг асосий йўналиши бўлиб қолаверади». Партия XXVII съезди янги йирик ғояни — халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш ғоясини илгари сурди ва унинг принципиал негизларини таърифлаб берди.

КПСС ва Совет давлати XXVII съезднинг планетамизда тинчликни мустаҳкамлаш, қуролсизланиш, халқларнинг ялпи хавфсизлигини таъминлашга қаратилган йўлини изчиллик билан ҳаётга татбиқ қилмоқдалар. СССР съезддан кейин ўтган даврда қатор тинчликсевар ташаббуслар билан чиқди. 1986 йилнинг 11—12 октябрида Рейкьявикда бўлиб ўтган Совет-Америка учрашуви халқаро ҳаётда, қуролланиш пойгасига қарши, ядро қуролини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш, инсониятни уруш хавфидан халос этиш учун курашда улкан сиёсий воқеа бўлди. «Биз Рейкьявикдаги ўз таклифларимизда бениҳоя кўп эзгу хоҳиш-иродани ифодаладик,— деб қайд қилди шу муносабат билан М. С. Горбачев совет халқига Янги йил Мурожаатномасида,— Рейкьявикдаги музокаралар чоғида инсоният бамисоли уфқ ортига назар ташлагандек, ядросиз дунё қиёфасини кўргандек бўлди. Афсуски, ғарбдаги кўпгина сиёсий арбобларнинг Рейкьявик хусусида билдирган фикр-мулоҳазалари эски, консерватив фикрлашнинг сийқа андозалари ҳали ҳам нақадар кучли эканини,

баъзи ҳукуматларнинг сиёсати халқларнинг ҳақиқий орзу-умидларига нақадар зид эканини кўрсатди». Тинчлик, қуролсизланиш, жаҳон ядро урушига йўл қўймаслик учун кураш ҳозир ҳам илгаригидек КПСС ва Совет давлати ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

В. И. Ленин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг нафақат Россия халқлари учун аҳамиятга эгалиги, балки унинг бутун инсониятнинг тарихий тақдирига дахлдор бўлиб, жаҳон революцион жараёнига ҳал қилувчи таъсир ўтказишини бир неча бор таъкидлаган эди. У «Коммунизмда болаларча «сўллик» касали» (1920 йил) асарида бизнинг революциямиз, кенг маънода олиб гапирганда, унинг барча асосий ва кўпгина иккинчи даражали томонларининг барча мамлакатларга таъсир қилиши маъносида ва, тор маънода олиб гапирганда, «яъни халқаро аҳамияти деган сўзни бизда бўлган нарсаларнинг халқаро аҳамияти ва уларнинг халқаро миқёсда такрорланиши тарихий жиҳатдан муқаррар эканлиги маъносида» халқаро аҳамиятга эгадир, деб ёзган эди (ТАТ, 41-том, 3-бет).

Лениннинг бу сўзлари ҳақиқий доҳиёна башорат бўлиб чиқди. Бугунги кунда Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг турли мамлакатлардаги юз миллионлаб кишилар Совет Иттифоқи халқлари билан биргаликда Улуғ Октябрь бошлаб берган йўлдан бормоқдалар. Натижада дастлаб бизнинг мамлакатда воке бўлган социализм эндиликда жаҳон системасига айланди. Социалистик интернационализм муносабатлари социалистик ҳамдўстликда тўла-тўкис намоён бўлди.

Социализмга томон марксизм-ленинизм томонидан кашф этилган, СССРдаги ва бошқа реал социализм мамлакатларидаги тажриба ва уни қуриш практикаси, революцион кураш ва социалистик бунёдкорликнинг интернационал тажрибаси тасдиқлаган умумий қонуниятлардан бошқача йўл йўқлиги ва бўлиши ҳам мумкин эмаслиги тарих томонидан исботланди. Худди шунингдек ҳар бир давлатнинг миллий ўзига хос хусусиятларини ҳар тарафлама ҳисобга олмай туриб бу йўлдан муваффақиятли бориш мумкин эмаслиги ҳам исботланди. Қуйидагилар социализмнинг ана шундай умумий қонуниятларидир: ишчилар синфининг етакчилик роли шароитида меҳнаткашлар ҳокимияти, илмий социализм идеологияси билан қуролланган коммунистик партиянинг жамият ривожланишига раҳбарлиги; асосий ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги қарор топиши ва шу негизда экономиканинг халқ манфаатлари йўлида планли ўсиши; «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» принципининг амалга ошиши; социалистик демократиянинг ривожланиши; барча миллат ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги; революцион ғалабаларни синфий душманларнинг ҳамлаларидан ҳимоя қилиш. «Социалистик мамлакатлардан ҳар бирининг конкрет шароитларда умумий қонуниятлардан фойдаланиши,— деб кўрсатилади КПСС Программасида, — уларнинг дадил олға ҳаракат қилиши, ўсиш қийинчиликларини енгиб ўтиши ва рўй берадиган зиддиятларни ўз вақтида бартараф этишининг асосидир, идора этувчи коммунистик партияларнинг социалистик ривожланиш умумий жараёнига қўшаётган реал ҳиссасидир».

Октябрь ғояларининг, совет халқи, социалистик ҳамдўстлик бошқа мамлакатлари социалистик бунёдкорликда эришаётган муваффақиятларнинг қудратли таъсири остида миллий-озодлик ҳаракати ниҳоятда авж олиб кетди. Империализмнинг мустамлакачилик системаси барбод бўлганлиги, унинг вайроналари ўрнида ўнлаб мустақил давлатлар вужудга келганлиги ана шу ҳаракатнинг тарихий ғалабаси бўлди. Озодликка эришган бир қанча мамлакатлар танлаб олган нокапиталистик ривожланиш йўли, социалистик йўналишни танлаш йўли ижтимоий тараққиётнинг ёруғ истиқболларини очади.

Сўнгги 70 йил мобайнида бизнинг мамлакатда ва бутун планетада рўй берган тарихий ўзгаришлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамияти тўғрисида яққол далолат беради. Улуғ Октябрь ғоялари яшамоқда ва ғалаба қилмоқда.

ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ ҲАЁТИДАГИ БУЮК ВОҚЕА

КПСС XXVII СЪЕЗДИНИНГ БИР ЙИЛЛИГИГА

А. ЙЎЛДОШЕВ,
тарих фанлари доктори

ПАРТИЯМИЗНИНГ ҲАР БИР СЕЪЗДИ, Ленин сўзлари билан айтганда, нафақат бутун ишчилар ҳаракатида, шунингдек бутун совет ҳокимияти қурилишида юксак даражада муҳим аҳамиятга моликдир. Съездларнинг шундай юксак ижтимоий-сиёсий роль ўйнашига сабаб шуки, уларнинг иши ва қарорларида сиёсий, хўжалик ва маънавий тараққиётнинг объектив эҳтиёжлари реал тарзда ифодаланади. Съезд сайланган вакилларнинг энг обрўли йиғини бўлиб, бутун партиядан ваколат олади ва шу билан унинг номидан гапириш ҳуқуқига эга бўлади.

В. И. Ленин партия съезди — юқори инстанциядир, съездда шахсий нарсаларнинг ҳаммаси улоқтириб ташланиши, ҳеч бир нарса хаспўшланмаслиги керак, деб ҳисоблар эди. У съездларнинг қарорларини ўзаро ишонч, ўзаро келишув ифодаси, партиянинг коллектив тафаккури ва коллектив иродасининг гавдаланиши сифатида ҳурматлашга ва уларга оғишмай риоя этишга даъват қилар эди. Тарихнинг ҳар бир кескин бурилишида, масъулиятли стратегик вазифаларни ҳал этишда В. И. Ленин бутун партиянинг фикрини билиш шарт деб ҳисоблар эдики, пировард натижада фақат угина тўғри сиёсий кўрсатмалар бериши, камчилик ва хатоларга йўл қўймасликка ёрдам қилиши мумкин.

Партиянинг сиёсий таржимаи ҳолида ўз аҳамиятига кўра фавқулодда ўрин эгаллаган КПССнинг навбатдаги XXVII съезди айни шундай бир вақтда ўтди. Янги ижтимоий формациянинг қарор топишида, бутун инсоният тақдирида съезднинг алоҳида роли унда қабул қилинган қарорларнинг стратегик характери билан белгиланади. КПСС МҚнинг 1985 йил апрель Пленумида илгари сурилган мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш ва шу асосда социалистик жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш концепцияси съездда янада ижодий ривожлантирилди. У КПСС Марказий Комитетининг КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев қилган Сиёсий докладида, съезд қабул қилган янги таҳрирдаги партия Программасида, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида, съезднинг бошқа ҳужжатларида кенг ифодасини топди. Жадаллаштириш стратегияси ана шу ҳужжатларнинг негизини, партиянинг ҳозирги босқичдаги бош йўлининг моҳиятини ташкил қилади.

1920 йилда, ўз характерига кўра бурилиш даврида В. И. Ленин РКП ташкилотларига мурожаат қилиб, ёзган эди: «Олға қараб бориш керак, олдинга қараш керак, съездга хўжалик қурилишига доир пухта ўйлаб чиқилган ва барча партия аъзоларининг биргалашиб меҳнат қилиши, биргалашиб куч-ғайрат кўрсатиши натижасида яхшилаб *қайта ишланган амалий тажриба* билан келиш керак... Амалий тажрибани шунинг учун ҳисобга олиш керакки, зарарли нарсалар чиқариб ташлансин, барча қимматли нарсалар тўплансин, энг яқин

орада кўриладиган бир канча амалий тадбирлар аник белгилансин ва бу тадбирлар кандай килиб бўлса ҳам, ҳар канча курбонлар бериб бўлса ҳам амалга оширилсин,— биз ҳозирги пайтнинг вазифасини ва партия съездининг вазифасини ана шундай деб тушунамиз» (Тўла асарлар тўплами, 40-том, 164, 166-бетлар). Тўла асос билан айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳам партия, унинг Марказий Комитети вазифаларни худди шу тарика, ленинчасига кўймокда. Партиядаги характерига кўра ғоятда актив, мазмундор ва натижаларига кўра самарадор съездолди ҳисобот-сайлов кампаниясига ишга айни шундай ёндашиш хос бўлди. Партия съездининг иши учун ҳам айни шундай ёндашув характерли эди. «Ленин тўғрисида тез-тез эслаб турайлик, ўртоклар»,— КПСС XXVII съездида янграган бу сўзларда кироатхонликка даъватдан асар ҳам йўк, улар реал практика талабларининг далилидир. Марксистик тафаккур ривожининг олий босикичи бўлган Ленин ғояларига, ленинизмга садокат — Ленин партияси бутун тарихининг фарк килувчи хусусиятидир. Бу тарих, деб кайд килинди съездда, гулдираб ўтган шонли ўтмиш эмас, балки барча коммунистларнинг жонли, бугунги сиёсий иши ва акл-идрокининг ажралмас кисмидир.

Вакт Ленин тафаккурига, практикада кўп марта синовдан ўтган ленинча коидалар ва хулосаларга ўз амрини ўтказолмайди, буни КПСС XXVII съезди ғоятда ёркин намойиш килди. Вакт ўзининг олға томон ҳаракатида уларнинг тобора чукур мутолаа килинишига ёрдам беради. Ленин сабокларининг башоратли кучини ва бокий сиёсий муҳимлигини тасдиклайди. Съезддаги докладчилар ва сўзга чиккан делегатлар бугунги кун ташвишлари тўғрисида ўйлаб, ана шу сабокларга доимо зўр кизикиш билан мурожаат килдилар, эришилган муваффакиятларни реалистик, ленинча дадиллик билан ленинча ижодий идрок этишда, янги вазифаларни кўйишда уларга таяндилар. Съезд катнашчилари ва меҳмонларининг, унинг ишини манфаатдорлик билан, холис кузатиб борган барча кишиларнинг якдил фикрича, КПСС МКнинг Сиёсий доклади, янги таҳрирдаги КПСС Программаси, XXVII съезднинг бошка ҳужжатлари ижодий марксизм-ленинизмнинг буюк ютуғидир. Улар ҳозирги замоннинг энг долзарб саволларига жавоб берди, янги вазифалар ва проблемалар кўйди. Тарихий оптимизм, коммунистик идеаллар тантанасига ишонч билан йўғрилган, назарий жиҳатдан дадил, очик-ойдин, характерига кўра конструктив бўлган бу ҳужжатлар совет халкида, унинг кўпдан-кўп чет эллик дўстларида янги умидлар туғдиради ва айни вактда теран фикр-мулоҳазаларга, ҳар тарафлама пухта ўйланган карорлар чикаришга, ғайрат-шижоат билан ҳаракат килишга ундайди.

Шу билан бирга съезд КПССнинг халкаро вокеаларга таъсири тобора ортиб бораётганини ишонарли тарзда намойиш килди. КПСС XXVII съезди ишида дунёнинг турли кисмларидаги 113 мамлакатдан келган коммунистик, ишчи, революцион-демократик, социалистик, социал-демократик, лейбористик ва бошка партияларнинг 152 делегацияси, халкаро, демократик жамоат ташкилотларининг вакиллари катнашгани унинг юксак обрўси, жаҳоншумул аҳамиятининг тан олингани бўлди.

Коммунистлар социал тараккиёт йўлларини ҳамиша уларнинг бутун ички мураккабликлари ва зиддиятлилиги ҳолида тасаввур этиб келганлар. Инсон, унинг эҳтиёжлари ва ишлари мазкур жараёнларнинг ҳам марказида туради — коммунистик дунёкарашнинг асосий фарки ҳам шунда (айтгандай, партия XXVII съезди ҳам буни алоҳида таъкидлади). Инсон ҳаёти, уни ҳар тарафлама намоён этиш имкониятлари, Лениннинг фикрича,— энг катта бойлик бўлиб, ижтимоий ривожланиш манфаатлари — ҳамма нарсадан юкори туради. КПСС ўзининг бутун амалий фаолиятида шу йўлни тутади.

Партия XXVII съезди ҳозирги шароитларда янгича тафаккур тарзини, янгича психологияни, янгича кадрият ориентациясини ишлаб чикиш зарурлиги тўғрисида ғоятда муҳим хулоса чикардики, эндиликда бусиз на совет жамиятини социал-иктисодий ривожлантиришнинг жадаллаштиришнинг хилма-хил вазифаларини муваффакиятли ҳал этиб, на жаҳон социализмининг позицияларини янада мустаҳкамлаб, на инсониятнинг мавжудлигига таҳдид солаётган хавфни йўк килиб бўлади. «Биз айнан бошдан кечираётган мана шу **конкрет**

иқтисодий ва сиёсий вазият, тарихий жараённинг совет жамияти ва бутун дунё босиб ўтаётган айнан ҳозирги алоҳида палласи партиядан, ҳар бир коммунистдан ижодкорликни, новаторликни, одат бўлиб қолган, лекин аллақачон эскирган тасаввурлар доирасидан чиқа билишни талаб қилмоқда», — дейилади КПСС МҚнинг съездга Сиёсий докладида.

Янгича тафаккур тарзи, янгича психология ва қадрият ориентацияси мамлакат ички аҳволини асосли ва ҳаққоний таҳлил этишда, жадаллаштириш концепцияси ва стратегиясида мужассам ифодаланган назарий тафаккурнинг янгилиги ва дадиллигида, КПСС XXVII съезди қўйган конкрет биринчи навбатдаги ва перспектив вазифаларда бутун тўлалигича намоён бўладики, бу вазифалар социализмнинг туб афзалликларидан жадал ва самарали фойдаланишга, социал-иқтисодий ривожланишнинг энг муҳим йўналиши сифатида инсон тўғрисидаги ғамхўрликни амалда қарор топтиришга қаратилгандир. Съезд берган ҳақиқат сабоғи,— аввалги тараққиёт тажрибасини, таркиб топган назарий концепция ва тасаввурларни партиянинг дадил танқидий қайта баҳолаши, ўз хато ва камчиликларини, нафақат умуман жамиятдаги, шунингдек партия муҳитидаги салбий ҳодисаларни ҳам муросасиз таҳлил этиши борасидаги сабоқдир.

Марксизм-ленинизм танқид ва ўз-ўзини танқидни Коммунистик партиянинг, реал социализм шароитларида эса — бутун халқнинг революцион-тубдан ўзгартирувчилик фаолиятининг методи деб қарайди. Бугунги кунда танқид ва ўз-ўзини танқиднинг зарурлиги, КПСС XXVII съездида таъкидлаганидек, аввалги вақтлардагидан кўра кескинроқ сезилмоқда. Зеро партия узлуксиз ривожланишда, «нуксонсизлик» комплексидан холи бўлса, қўлга киритилган муваффақиятларни танқидий баҳоласа, нималар қилиш кераклигини равшан кўрсагина ўз вазифаларини муваффақиятли ҳал қила олади. Съезд сабоқлари шундан таълим берадики, танқиднинг «очиқдан-очиқ ўринсиз инкор этиш» билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, у конструктив характерда бўлиши, келиб чиқадиган проблемаларнинг мақбул ечимларини излаб топишга ёрдамлашиши керак. Ижтимоий практика соҳасида танқид қуроли одамларни тезроқ психологик жиҳатдан қайта қуришга, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини сифат жиҳатдан янгилаш соҳасидаги фаолиятнинг янги формаларини ишлаб чиқишга хизмат қилиши керак.

Шу билан бирга «танқид қуролининг» тиғидан социал мимикрия, демагогия, ўч олиш мақсадларида фойдаланиш йўлидаги уринишларнинг олдини олиш муҳим. Сир эмаски, танқид ва ўз-ўзини танқиднинг эзгу аҳамияти ҳақида сафсата сотиш ёрдамида гоҳо янгича ишлашни хуш кўрмасликни ёки уддалай олмасликни ниқобламоқчи бўлишади. Танқид ва ўз-ўзини танқид сўз билан ишнинг бир бўлишини, жавобгарликни ўз зиммасига олишга тайёр туришни тақозо этади. Партия ўзининг барча кадрларидан, шу жумладан назарий кадрлардан, ҳар бир меҳнат коллективидан, ҳар бир коммунистдан, ҳар бир ҳалол меҳнатчидан шундай тайёрликни кутади ва талаб қилади.

КПСС XXVII съезди, иқтисодий тараққиётнинг янги вазифаларини эски хўжалик механизмидан фойдаланиб ҳал қилиб бўлмайди, деб қайд қилди. Бу ерда туб ислоҳот зарур. Хўжаликни юритиш методларини шундай қайта қуриш лозимки, улар жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шарти бўлган интенсивлаштиришга тўла жавоб берсин. Социалистик экономиканинг олий мақсадига мувофиқ ижтимоий талабларни ва ҳар бир инсоннинг эҳтиёжларини қондириш диққат марказига қўйилиши керак. Хўжалик механизмини юксак самарадорлик ва иш сифати йўлига солиб, унга кўп чиқим қилмаслик хусусияти бағишлаб, фан-техника тараққиётига мойил қилиб, коллективларнинг ўз меҳнати натижаларидан чуқур манфаатдорлигини вужудга келтириб, ташаббусга ва социалистик омилкорликка кенг йўл очибгина бунга эришиш мумкин.

Ҳар бир кишининг социал-иқтисодий жадаллаштиришга, социализмни амалда мустаҳкамлашга қўшадиган реал ҳиссаси хўжалик юритиш ва бошқаришнинг у ёки бу формалари текшириб кўриладиган синов мезони бўлиб қолиши керак. Бу вазифаларнинг ҳал қилиниши социализмнинг сиёсий иқтисоди соҳасидаги илмий ишламаларнинг активлашуви, иқтисодчи олимлар-

нинг жадаллаштириш концепциясига, унинг энг муҳим жиҳатларига эътиборни қаратиши билан чамбарчас боғлиқдир. Буларнинг энг муҳимлари — жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичидаги ишлаб чиқарувчи кучлар билан ишлаб чиқариш муносабатларининг диалектикаси, улар орасидаги ноантагонистик зиддиятларни ҳал қилиш йўллари ва методлари, социалистик мулк ҳамда уни иқтисодий жиҳатдан реализация қилишнинг хилма-хил формалари проблемаси (бу проблема съезд янгича қўйган масалалардан энг муҳими бўлган — экономикада социалистик ўз-ўзини бошқаришни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги масалани ҳам ўз ичига олади), хўжалик ҳисоби ва товар-пул муносабатларидан социалистик асосда самарали фойдаланишга доир кўп қиррали мавзудир.

Бу масалаларга хўжалик юритиш практикасига энг кўп яқинлаштирилган ва уни жиддий тарзда тубдан ўзгартиришга қаратилган, азалги хато назарлар таъсиридан холи бўлган пухта илмий қараш — партия XXVII съезди талаб қилган хўжалик механизмини ўзгартириш, ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришнинг энг муҳим дастлабки нуқтасидир. Ижтимоий ишлаб чиқаришни бутун техникавий-технологик қайта қуриш аниқ социал йўналишга эга бўлиши керак, деб таъкидланди съездда. Бунда меҳнат соҳасидаги инсон бутун борлиғича намоён бўладиган асосий соҳадаги социал проблемаларни ҳал этишга, унинг ҳам ходим, ҳам шахс сифатида камол топишига энг биринчи аҳамият берилади. Гап жонли меҳнатни шунчаки буюмлашган меҳнат билан алмаштириш тўғрисида эмас, балки унинг мазмунидаги чуқур туб ўзгаришлар тўғрисида, уни анча интеллектлаштириш тўғрисида боряпти. Шу мақсадда ўн иккинчи беш йилликда ва 2000 йилгача бўлган даврда оғир бир хилдаги ишни анча камайтириш, қўл меҳнати улушини икки баравардан зиёд қисқартириш, 20 миллиондан кўпроқ одамни кам малакали ишдан холи қилиш лозим бўлади. Бу билан меҳнатни биринчи ҳаётий эҳтиёжга айлантириш йўлида катта қадам қўйилади.

КПСС XXVII съезди XX асрнинг сўнгги чорагидаги жаҳон тараққиётини ҳисобга олган ҳолда ҳозирги даврнинг, халқаро вазиятдаги чуқур ва турли моҳиятдаги ўзгаришларнинг ленинча характеристикасини ривожлантирди ва бойитдики, бу содир бўлган ўзгаришларнинг барча объектив ва субъектив, социал ва технологик факторларини комплекс таҳлил қилиб чиқишни талаб қилди. Ҳозирги дунё мураккаб, хилма-хил, жўшқин, унга қарама-қарши тенденциялар сингиб кетган, зиддиятларга тўла. Мураккаб альтернативалар, ташвиш ва умидлардан иборат бу дунё, съезднинг таърифича, тарихий жарённинг янги палласига қадам қўйди. Фан-техника революцияси натижасида ишлаб чиқарувчи кучларда юз берган сифат сакраши ҳозирги вазиятда принципиал янгиликни белгилайди. Бу революция инсониятнинг бунёдкорлик имкониятини айниқса ҳозирги босқичда беҳад кўпайтирдики, бу янги техника ва технологиянинг ривожланиши билан боғлиқдир. Шу билан бирга у вайронлик келтирувчи воситаларда шу қадар масштабли ўзгаришлар ясашга ёрдам берадики, цивилизациянинг ўзини қирғин қилиш ёқасига келтириб қўяди. Табиийки, фан-техника революцияси ўз ҳолича инсоният бошига фожиа солмайди. Буни империализм ўзи билан олиб келади, у инсоният даҳоси ютуғини мудҳиш вайронлик кучига эга бўлган қуролни яратишга хизмат қилдиради. Бутун-бутун халқлар тақдирини қурбон қилишга тайёр турган империалистик доиралар сиёсати бундай қурол ишга солиниши хавфини кучайтиради. Инсоният тарихда биринчи марта жуда хавфли мушкул аҳволда қолди — у ё ўлимни, ё ҳаётни танлаши керак — Ленин партияси жаҳонга ана шу даҳшатли ҳақиқатни биринчи бўлиб айтди. Ҳозир шундан муҳимроқ нарса йўқ.

КПСС XXVII съезди нафақат ҳозир инсоният рўпара келиб қолган альтернативаларни аниқлабгина қолмай, шунингдек ягона мақбул йўлни — тинчлик ва социал тараққиёт йўлини илмий асослаб ҳам берди. Съездда таъкидланганидек, жаҳон тараққиётининг бориши бунинг учун зарур моддий, социал, сиёсий шарт-шароит яратади. Съезднинг узоқ истиқболга мўлжаллан- ган, ҳозирги дунё диалектикасини акс эттирадиган икки система мусобақасининг, тарихий курашининг жаҳон ҳамжамияти давлатларининг кучайиб

бораётган ўзаро боғлиқлиги тенденцияси билан қўшилиши тўғрисидаги, зиддиятли, аммо ўзаро боғлиқ, социал қарама-қаршиликлар кураши орқали таркиб топаётган кўп жиҳатдан яхлит дунё тўғрисидаги қоидаси ҳозирги тарихни материалистик тушуниш, ташқи сиёсатни илмий асослаш учун принципиал муҳим аҳамиятга эга.

XXVII съездда КПССнинг ташқи сиёсат стратегияси ленинча чуқур ва ҳар тарафлама идрок этилди ва белгилаб берилдики, бу сиёсат партиянинг мамлакат ичидаги туб вазифалари билан чамбарчас боғлиқдир. Ташқи сиёсат олдига қўйиладиган энг биринчи программавий талаб — совет халқига мустаҳкам тинчлик ва эркинлик шароитида меҳнат қилиш имкониятини таъминлаш талаби яна бир бор тасдиқланди; асосий йўл: ядро хавфига, қуролланиш пойгасига қарши йўл, умумий тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш йўли кўрсатиб берилди. Жаҳондаги вазиятнинг чуқур ўзгаришларини комплекс таҳлил этишга таянган ҳолда съезд тинчлик ва социал тараққиёт учун ҳар тарафлама асосланган ҳаракат программаси билан майдонга чиқди, планетанинг илғор, демократик доираларида бу программа кенг кўламда ижобий баҳоланди, съезд янги, адолатли тинчлик тартибининг ғоявий-назарий асосларини ишлаб чиқди. КПСС илгари сурган янгича ташқи сиёсат тафаккури зарурлиги тўғрисидаги тезис, ҳозирги шароитларда, ядро урушининг ўзида ютиб чиқиб бўлмаганидек, қуролланиш пойгасида ҳам ютиб чиқиб бўлмаслиги тушунчаси янада асосланди ва ривожлантирилди. Бинобарин, ҳатто урушга тайёргарлик, ҳарбий устунликка интилиш объектив равишда ҳеч кимга сиёсий ютуқ келтира олмайди.

Ҳозирги дунёнинг асосий тенденциялари ва зиддиятларининг съезд ҳужжатларида берилган анализи тинчлик ва социал тараққиёт тақдири бугунги кунда жаҳон социалистик системасининг иқтисодий ва сиёсий тараққиёти динамизми билан ҳар қачонгидан кўра маҳкамроқ боғлиқлигини ишонарли тарзда кўрсатади. Ҳозир инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи, кўпгина мамлакатлар ва халқлар социализм ва коммунистик цивилизацияни бунёд қилиш йўлидан бормоқда. Улар бу йўлни ҳар хил шароитларда, турлича бошланғич позицияларда бошладилар. Баъзида бу ҳаракат силлиқ ва оддий кечмади; хатолар ҳам бўлди. Лекин, К. Маркс башорат қилганидек ва КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, янги дунёнинг хилма-хиллиги, бир хил базиснинг ўзининг конкрет намоён бўлишидаги вариация ва градацияларнинг беҳадлигига қарамай, бу ерда боқий аҳамиятга эга йўл кўрсатувчи босқичлар — социализмнинг умумий қонуниятлари бўлган эди, ҳозир ҳам бор ва яна бўлажак. Бинобарин, ҳозир, социалистик дунё учун мана шундай бурилиш даврида, тарих қардош халқлар олдига янги, коллективистик ижтимоий тузумнинг туб афзалликларидан тўла ва сифат жиҳатдан энг юксак даражада фойдаланиш зарурлигини қатъий қилиб қўйган бир шароитда ана шу қонуниятларни ва уларнинг конкрет шароитларда намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ билиш — келиб чиқадиган вазифаларни тўғри ҳал қилишнинг, қийинчиликларни бартараф этишнинг гарови, олға томон — XXI аср сари дадил ҳаракат қилишнинг асосидир. Социал-иқтисодий ва сиёсий тузумнинг бир типдалиги, дунёқарашларнинг бирлиги, синфий бирдамлик ва мақсадларнинг муштараклиги социалистик мамлакатлар замон даъватига берадиган жавобнинг принципиал жиҳатдан айнан бир хиллигини олдиндан белгилаб беради,— бу ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш томон кескин бурилиш, илмий-техникавий, иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштиришдир.

Қардош мамлакатлар идора қилувчи партияларининг навбатдаги съездлари бу бирликнинг конкрет кўринишлари хилма-хил бўлгани ҳолда унинг мустаҳкамлигини намойиш этди. Болгария Коммунистик партияси, Германия Социалистик бирлашган партияси, Чехословакия Коммунистик партияси, Югославия Коммунистлар Союзи, Польша бирлашган ишчи партияси, Вьетнам Коммунистик партиясининг КПСС XXVII съездидан кейин бўлиб ўтган съездлари ўз қарорларида тарихнинг ҳозирги кескин бурилиши талабларини акс эттирдилар, социалистик жамият ривожининг ўткир ва кечиктириб

бўлмайдиган проблемаларини ҳар тарафлама кўриб чиқдилар ва уларни ҳал қилиш йўлларини кўрсатдилар, унинг экономикаси ва сиёсати, маданияти ва бошқарувидаги, турмушнинг турли соҳаларидаги туб ўзгартиришларнинг йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги замоннинг энг муҳим масаласи фан-техника тараққиёти негизида социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришдир, деб таъкидланди ана шу съездларда. Қардош партиялар ана шу кўламдор вазифани ҳал этиш йўлларини очиб борар экан, ўзаро тўлақонли ва самарадор алоқаларнинг, коллектив ақл-идрокнинг қудратли потенциалининг, ҳамкорлик ва ҳамжиҳат ҳаракатлар имкониятларининг ғоят улкан аҳамиятга эга эканини таъкидладмоқдалар.

Ривожланишнинг миллий ва интернационал омилларининг узвий ўзаро алоқаси социалистик иқтисодий интеграцияда яққол намоён бўлмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик ҳозирги босқичининг энг муҳим вазифаси қардош партиялар ва давлатлар раҳбарлари томонидан коллектив ҳолда белгилаб чиқилди. Бу — фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш кооперациясидир (биринчи навбатда машинасозликда). ЎИЁК аъзолари бўлган мамлакатларнинг 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган фан-техника тараққиётининг комплекс программаси куч-ғайратларни ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг энг муҳим йўналишларида изчил бирлаштириш, бу соҳада революцион сакрашни амалга ошириш ва жаҳонда энг юксак марраларни забт этишга даъват қилинган. Замон даъватига — жаҳон бошидан кечираётган кенг кўламдаги технологик тўнтаришга — жавобан бу коллектив программа қардош мамлакатларнинг ҳамжиҳат ҳаракатларида янги сифатга ундайди. Гап уларнинг фан ва техника соҳасидаги ҳамкорлигининг келишиб олинган ёки ягона илмий-техника сиёсати заминида ривожланадиган технологик интеграцияга ўсиб ўтиши тўғрисида бормоқда. Бундай новаторларча ёндашув КПСС XXVII съездининг, қардош партиялар съездларининг ҳужжатларида назарий жиҳатдан асослаб берилди.

КПСС XXVII съезди ва қардош партияларнинг навбатдаги съездлари илгари сурган вазифаларни рўёбга чиқариш социализм мамлакатлари ҳамкорлиги механизмининг ўзини янада такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Бу соҳада ҳам жадаллаштиришга эҳтиёж очиқ-ойдин сезилмоқда. Партиямизнинг қатъий ишончига кўра, ғайрат-шижоат, ишчанлик, ташаббус қардош давлатлар орасидаги ўзаро муносабатлар бутун системасига ҳам ёйилиши керак. Экстенсив ривожланиш даврида таркиб топган эски, одатдаги формалар ҳозир ҳамкорликнинг жуда тез ўсишини таъминлашга қодир эмас. Ўртоқ М. С. Горбачев ГСБП XI съездида нутқ сўзлаб, шундай таъкидлаган эди: «Социалистик мамлакатлар ҳозир ўз ўрталаридаги ҳамкорлик янада юқори поғонага кўтарилиши лозим бўлган даврга қадам қўяётганликларини ҳаммамиз сезиб турибмиз, деб ўйлайман. Бунда бир-икки поғона эмас, балки математиклар ибораси билан айтганда, бутун бир даража юқори поғонага кўтарилиш керак». Корхоналар ва тармоқларнинг бевосита ҳамкорлик қилишларига дадил киришиш, бевосита хўжалик алоқаларини ривожлантириш, биргаликда бирлашмалар, конструкторлик бюролари ва лабораториялар тузиш мўлжалланади. Бу соҳада иш бошланиб кетди: бир қатор биргаликдаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ташкил этилди. Булар интеграция янги формаларининг дастлабки куртаклари бўлиб, истиқболга эга.

Халқаро иқтисодий алоқаларни такомиллаштириш бошқаришни ва хўжалик механизмини қайта қуриш билан боғлиқдир. ҳозир социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг кўпчилигида шундай қайта қуриш бормоқда. у марказий бошқариш билан корхоналар (бирлашмалар) мустақиллиги орасидаги мақбул нисбатни излаш билан характерланадики, бундан мақсад уларнинг ўз фаолиятлари натижалари учун масъулиятини оширишдир. Шу муносабат билан халқаро хўжалик механизми соҳасига татбиқан КПСС XXVII съездининг баъзи назарий тасаввурлар ва концепцияларга янгича назар билан қараш талаби ғоятда муҳимдир. Ҳолислик, инерцияни, хўжалик механизмидаги ҳар қандай ўзгаришни социализм принципларидан чекиниш деб қарашдек дог-

матик интилишни бартараф этиш — қардош партияларнинг фикрича — социалистик мамлакатлар алоқалари системасида етилган кўпгина ўзгаришларни амалга ошириш учун мана шулар талаб қилинади. Жумладан, интеграция штаби — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам кенгаши фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун бу ташкилотни унга хос бўлмаган оператив функциялардан холи қилиб, унинг эътиборини иқтисодий интеграциянинг стратегик проблемаларига қаратиш кўзда тутилмоқда.

Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ҳар тарафлама умумлаштириш объектив жараёни қардош мамлакатлар иқтисодий алоқаларини такомиллаштиришнинг теран асосидирки, буни ривожлантириш ҳозирги босқичда миллий чегаралар доирасидан янада тезроқ чиқиш билан характерланади. Фан-техника революцияси, хусусан ҳозирги технологик тўнтаришнинг авангард йўналишлари хўжалик ҳаётини интернационаллаштириш жараёнини анча тезлаштиради, унга чинакам дунёвий миқёслар бағишлайди. Бу жараённинг янада чуқурлашуви умумлаштирувни миллий доираларда унинг тобора мукаммаллашган формалари томон авж олдириш билан, шунингдек уни давлатларнинг хўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатларига изчил равишда татбиқ этиш билан ҳам боғлиқдир.

КПСС Программасида шундай таъкидланади: «Социализм мамлакатлари тенг ҳуқуқликка ва миллий манфаатларни ўзаро ҳурмат қилишга тўла-тўкис риоя этиб, тобора кўпроқ бир-бирини тушуниш ва яқинлашиш йўлидан бораверадилар. Партия шу тарихий прогрессив жараёнга кўмаклашаверади». Социализм билан капитализм ўртасидаги мусобақанинг аҳволи, жаҳон цивилизациясининг келажаги умуман ҳар бир социалистик мамлакат бунёдкорлик фаолиятининг муваффақиятларига, ҳамдўстликнинг бирлиги ва кучқудратига боғлиқдир.

Ёш социализм дунёсига ҳали ҳам кучли ва хавфли, лекин энди авжи пасайган капитализм эксплуататорлик дунёси қарши турибди. Инсоният тақдири нуқтаи назаридан ҳозирги замоннинг бир қатор зиддиятлари — икки системадаги давлатлар, икки формация ўртасидаги зиддиятлар шу билан боғлиқдир, бу зиддиятлар кўп жиҳатдан замонамиз динамикасини, ҳозирги аср ва келажак асрдаги социал силжишларни белгилайди.

Империалистик мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасида янги мураккаб ва ҳаракатчан зиддиятлар комплекси вужудга келди. Бир томондан, инсониятнинг кўпчилигини ташкил қиладиган халқлар ҳаётида секин ва қийин, лекин муқаррар принципиал социал-иқтисодий туб ўзгартишлар жараёни, жаҳон сиёсатида Осиё, Африка ва Лотин Америкаси давлатлари роли ва обрўси муттасил ошиб бориш жараёни бормоқда. Иккинчи томондан, шафқатсиз эксплуатация, ривожланаётган мамлакатларни талаш кўп даражада империализм системаси яшашининг шарти, унинг милитаристик тараддудларини маблағ билан таъминлашнинг муҳим манбаи, социал маневр қилиш, меҳнаткашлар баъзи қатламларини қўлга олиш омили бўлиб қолмоқда.

КПСС XXVII съездининг стратегик қарорлари кенг халқаро таассурот туғдирди, жаҳон жамоатчилик фикрига жуда катта таъсир кўрсатди. Бу ҳозирнинг ўзида ўз ҳолича халқаро ҳаётнинг эзгу психологик омили бўлиб қолди. Қардош социализм мамлакатларининг оммавий ахборот воситаларида совет коммунистлари олий анжумани ишига хос бўлган янгиланишга интилиш, оптимизм, энтузиазмнинг жўш ургани юксак баҳоланди. КПССнинг ҳозирги турмушини характерлайдиган дадиллик ва реализм, ошкоралик, принципиал танқид вазиятини дўстларимиз алоҳида таъкидламоқдалар. Социализмнинг етуклиги ва кучи нақадар юксак бўлса, у камчиликларга шу қадар кескин ёндашади ва эскириб қолган, йўлимиз бир бўлмаган жамики нарсаларни қатъиян улоқтириб ташлайди, демоқдалар улар.

Буржуа матбуоти КПСС XXVII съездининг планетадаги миллион-миллион кишилар онгига таъсирини сусайтиришга, у қабул қилган қарорлар аҳамиятини пасайтиришга уринганди. «Совет Иттифоқи, — деб ёзди Италияда чиқадиган «Репубблика», — ғарбни индустрия соҳасида «беллашувга» чақирди. Совет партия раҳбарлари қабул қилган 2000 йилга бориб саноат ишлаб чиқаришини

ва мамлакатнинг миллий даромадини икки баравар кўпайтириш тўғрисидаги қарорни айни шундай тушунмоқ лозим». Бизнинг бунёдкорона режаларимиз Осиё қитъасида, жумладан, капиталистик дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири бўлган Японияда кудратли акс садо берди. «Съездга,— деб қайд қилди Токиода чиқадиган «Асахи» газетаси,— кескин танқидий кайфият, очиқ-ошкоралик, ишчанлик характери хосдир. Кремль кўяётган мақсадларда қандайдир таассурот туғдиришга уриниш йўқ. Совет Иттифоқининг йирик ўзгаришлар қилиш ҳаракати бошлагани тўғрисида ўйлашга мажбур қиладиган ўзининг реализми билан съезд ҳақиқатан олға томон муҳим қадам ташлади».

КПССнинг совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш соҳасидаги новаторона стратегик йўлининг муҳим халқаро аҳамияти тўғрисида, партиямиз XXVII съезди ҳужжатларида белгилаб берилган ана шу мақсадни рўёбга чиқариш йўллари ва воситалари тўғрисида қардош социалистик мамлакатлар, озодликка чиққан ёш давлатлар, кенг халқаро жамоатчилик томонидан уларнинг зўр қизиқиш, эътибор билан кутиб олингани ва маъқуллангани далолат беради. «Сизларнинг ажойиб, қаҳрамон мамлақатингиз қилган ишларга,— деди Куба Коммунистик партияси МК Биринчи секретари Ф. Кастро КПСС XXVII съезди минбаридан туриб,— биз, меҳмонлар баҳо беришимиз керак эмас. Нима қилиш мумкин ёки кераклигини ҳам биз айтиб беришимиз лозим эмас. Биз фақат яна бир бор ўзимизнинг чуқур таҳсинимиз ва комил ишончимизни изҳор қила оламизки, бу халқ ва унинг партияси ҳар қандай қийинчиликларни бартараф эта олади, коммунизм қурилишининг синалмаган йўлидаги ҳар қандай даъватга жавоб бера олади». ПБИП МКнинг Биринчи секретари В. Ярузельский КПСС XXVII съездидаги нуткида бизнинг буюк планларимизнинг аҳамиятига баҳо бериб, шундай деди: «Сизларнинг социалистик қурилиш соҳасидаги жуда бой тажрибангиз универсал аҳамиятга эга. Унга мурожаат қилиш, ҳар бир мамлакатнинг тарихан конкрет шароитларида ундан ижодий ва диалектик тарзда фойдаланиш социализм кун сайин тобора кучлироқ бўлиши учун энг тўғри йўлдир».

Лекин шуни ҳам таъкидлаш керакки, ғарбда баъзи бир кимсалар партия анжумани ҳужжатлари билан танишиб, асаблари бузилгани ва ҳатто дарғазаб бўлганларини яширмайдилар. Бизнинг тинч бунёдкор улкан планларимизда улар ўзлари учун катта хавфни кўрдилар.

КПСС XXVII съездининг стратегик қарорлари — ижодий марксизм-ленинизмнинг толмас кучи, ҳаётийлиги ва самарадорлигининг рад қилиб бўлмас далилидир. Революцион диалектика бу кучнинг манбаидир. У партиянинг назарий хазинасини бойитган жадаллаштириш, қайта қуриш концепциясининг, янги муҳим илмий умумлашмалар ва сиёсий хулосаларнинг жонидир. Съезд ҳужжатлари, марксча-ленинча идеологиянинг ўзгартирувчилик куч-қудратидан қандай фойдаланиш ва уни ошириш кераклигига намуна бўлиб хизмат қилади. Съезд материаллари замиридаги буюк ғоявий-назарий потенциал, шак-шубҳасиз, жамиятимиз ривожини жадаллаштиришнинг таъсирчан омилига айланади. Бинобарин, партия ҳам, бутун жамият ҳам эндиликда эскича фикрлай ва ишлай олмайди. Съезднинг назарий ва сиёсий йўл-йўриқлари айни уларни ижодий қабул қилиш ва татбиқ этишга мўлжалланган. Ҳақиқий қайта қуриш унга мослашишдан шу билан фарқ қилади. Марксча-ленинча таълимотнинг кучи, Коммунистик партия сиёсатининг кучи шундаки, деб уқтирган эди В. И. Ленин ўз вақтида, «у воқеаларнинг объектив ҳолатини ва эволюциянинг объектив боришини таҳлил қилишда тўла илмий ҳушёрликка асосланади ва шу билан бирга омманинг... революцион ғайрати, революцион ижоди ва революцион ташаббусининг аҳамиятини қатъий суратда эътироф қилади» (ТАТ, 16-том, 27-бет).

КПСС XXVII съезди бугунги кунда омманинг ана шу ғайрати, ижоди ва ташаббусини бағоят янги ва чинакам тарихий кўламдаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтиради. У биз учун назарий ва сиёсий ишнинг олий академияси бўлди ва шундай бўлиб қолади.

Совет кишилари ўз олдиларида турган вазифаларнинг бажарилишига аминдирлар. Ҳозир авж олган қайта қуриш жараёни асос солувчи социалистик

принципларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга, у билан сиғишмайдиган жамики нарсаларни бартараф этишга, социализмнинг улкан имкониятидан самарали фойдаланиш учун шароит яратишга қаратилгандир. Мамлакатда амалга оширилаётган туб ўзгартишлар, янгиланиш жараёни нафақат экономикани, шунингдек ижтимоий ҳаётнинг бошқа ҳамма томонларини: социал муносабатлар, сиёсий системани, маънавий-мафкуравий соҳани, партиянинг, барча кадрларимизнинг иш услуби ва методларини ўз ичига олади. Қайта қуриш,— деб таъкидлади ўрток М. С. Горбачев,— бу жамиятдаги муносабатлар бутун системасида, одамларнинг ақли ва қалбида, психологияси ва ҳозирги даврни ва аввало шиддатли фан-техника тараққиёти туғдирган вазифаларни тушунишида чинакам революциядир.

Съезддан кейинги ишнинг асосий якуни шундан иборатки, бизнинг жамиятимиз ҳаракатга келди: КПСС XXVII съезди ижтимоий ҳаётга қудратли импульс бағишлади, омма сиёсий онгининг юксалишига сабаб бўлди. Меҳнаткашлар партиянинг новаторлик ташаббусларига ўзларининг бутун фикр-ўйлари ва ишлари билан қизғин жавоб бердилар, унинг талабчанлиги ва ҳаққонийлигини маъқулламоқдалар, белгиланган туб ўзгартишларни фаол қўллаб-қувватламоқдалар ҳамда ижтимоий ва хўжалик ҳаётини қайта қуриш амалий ва ҳамма ерда бўлишини қатъиян ёқлаб чиқмоқдалар. Янгича ишлашга, теранликдаги резервларни юзага чиқаришга интилиш, халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида тезкорликни ошириш чинакам оммавий тус олмоқда. Буларнинг бари экономикадаги ишлар аҳволига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Саноат ишлаб чиқариши плани муттасил ошириб бажарилмоқда, меҳнат унумдорлигини, фойдани ўстириш, таннархни арзонлаштириш топшириғи ошиб бормоқда. Машинасозлик комплекси жадал ривожлантирилмоқда. Капитал қурилиш, ишлаб турган корхоналарни реконструкциялаш ва техникавий қайта қуроллантириш суръатлари ортди. Агросаноат комплекси ишида прогрессив ўзгаришлар кўзга ташланмоқда. Кейинги йилларда анча орқада қолиб келган тармоқларда ҳам яхши ўзгаришлар бўлмоқда.

Бироқ реал ижтимоий ва хўжалик ҳаёти бир хилда эмас, у мураккаб ва зиддиятлидир. Унда ижобий тенденциялар билан бир қаторда тўғоноқ бўлаётган омиллар ҳам ҳануз амал қилмоқда. Партия ўзгаришлар суръатини доимо назорат қилиб турибди, учраётган тўсиқларни аниқ ва тўғри баҳолаш, уларни бартараф этишнинг энг яхши йўллари ва воситаларини ўз вақтида топмоқ учун ўз фикр-мулоҳазаларини ҳаёт оқими билан қиёсламоқда. Эришилган муваффақиятларга баҳо беришнинг мезони — амалий ишлар, қайта қуришнинг конкрет ижобий натижаларидир. Ҳозир меҳнат коллективлари, партия, совет, хўжалик кадрларининг фаолияти фақат шу нуқтаи назардан баҳоланади.

Партия қабул қилаётган қарорлар, уларни амалга ошириш соҳасидаги тадбирлар унинг қатъий иродасидан ҳамда белгиланган вазифаларни турмушга оширишнинг тўғри йўлларини топа билиш қобилиятидан далолат беради. КПСС ўзининг тарихий миссиясини амалга оширар экан, жадаллаштириш ва янгиланиш стратегиясини рўёбга чиқаришнинг асосий кафили сифатида иш кўрмоқда. Партия ўтмиш сабоқларини ҳисобга олмоқда ва шу билан бирга коммунистик бунёдкорлик истиқболларидан келиб чиқмоқда, бутун совет халқининг манфаатлари ва орзу-умидлари билан яшамоқда ва фикрламоқда, меҳнаткашларни КПСС XXVII съездининг тарихий қарорларини бажаришга сафарбар қилмоқда.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИЖТИМОИЙ МЕҲНАТНИ ТЕЖАШ

Н. УСМОНОВ, Х. НУРМУРОТОВ,
иқтисод фанлари кандидатлари

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ жадаллаштирмасдан ва жамиятнинг барча ресурсларидан оқилона фойдаланмасдан туриб экономикани ташкил этиш ҳамда унинг самарадорлигини оширишнинг юксак даражасига эришиб бўлмайди. Шу сабабли КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида бунга нафақат иқтисодий, балки умумижтимоий, умумпартиявий, умумхалқ масаласи сифатида ёндашилган. Бундай жадаллаштиришнинг объектив зарурати мамлакатимиз экономикасини ривожлантириш соҳасида ўтган бутун даврда қилинган ишларга таянади ва унинг бундан буёнги тараққиёти қонуниятларига мос тушади. Жамиятимизнинг олға томон ҳаракати кўп жиҳатдан фан-техника тараққиёти суръатларига боғлиқ деган фикр КПСС XXVII съезди материалларининг, партия томонидан кейинги йилларда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг мағзига сингиб кетган. «Съезд фан ва техниканинг энг замонавий ютуқлари негизида халқ хўжалигини техник жиҳатдан чуқур реконструкциялашни амалга оширишни биринчи даражали вазифа деб билади»,— дейилади КПСС XXVII съездининг партия Марказий Комитети Сиёсий доклади юзасидан резолюциясида.

Мамлакатимизда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган ишлар ҳозирги босқичда «электрон» деса ҳам, «технологик» деса ҳам бўладиган фан-техника революцияси билан ўзаро боғлиқ бўлиб, унинг талабларига жавоб беради. Шиддатли суръат, фан билан ишлаб чиқаришнинг бир-бирига тобора кучли таъсири, билимларнинг янги соҳаларига шиддат билан кириб бориш бу босқичнинг характерли хусусиятларидир. Замонавий фан-техника революцияси ютуқларидан амалда фойдаланиш меҳнат унумдорлигини бир неча ҳисса ошириш, ресурсларни кўп миқдорда тежаш, яъни бугунги кунда олдимизда биринчи навбатда турган вазифаларни ҳал этишни таъминлаш имконини бериши мумкин.

Жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларида, аввало экономикада сифат ўзгаришлари содир бўлаётган ҳозирги давр экстенсив ўсиш имкониятлари амалда тугаб битгани ва мавжуд ресурслардан имкони борича унумли фойдаланиш, улардан кўпроқ самара олиш зарурати билан принципиал тарзда фарқ қилади. Мамлакат халқ хўжалигини интенсив тараққиёт изига кўчириш вазифасини ҳаётнинг ўзи ўртага қўйди, фан-техника тараққиётини тубдан жадаллаштириш эса бу вазифани бажаришнинг бош омили сифатида олға сурилди.

Ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш ишлаб чиқариш натижалари унга қилинган харажатларга нисбатан тезроқ ўсишига, ресурсларни камроқ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот олишга эришиш орқали мавжуд иқтисодий потенциалдан тобора самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқдир. Фан-техника тараққиётини кескин жадаллаштирмасдан туриб ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмини кўпайтиришнинг асосий омили, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигининг бош кўрсаткичи бўлган меҳнат унумдорлигини зарур даражада юксалтириш мумкин эмас. Ўн иккинчи беш йилликда эса миллий даромадни ўстиришнинг, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқариш, шунингдек темир йўл транспортида юк ташиш ҳажмини кўпайтириш ўсимининг ҳаммасига ижтимоий меҳнат унумдорлигини 20—23 процент ошириш ҳисобига эришиш мўлжалланган. Мамлакатимизда меҳнат унумдорлигининг ўсиши таҳлил этилганда бу ўсишнинг деярли тўртдан уч ҳиссаси ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси юксалишига, чорак қисми меҳнатни ташкил этишга ва бошқа омилларга боғлиқ эканлиги аниқланди. Масалан, СССР саноатида янги техникани жорий қилиш ва меҳнатни илмий ташкил этиш тадбирларини амалга ошириш 1981—1985 йилларда меҳнат унумдорлигини 80 процентдан зиёдроқ ўстириш имконини берди.

Меҳнат сарфини тежашга қаратилган техника ва технологияни ишлаб чиқиш ҳамда қўлланиш фан-техника тараққиётининг меҳнат унумдорлигини оширишга таъсирини таъминловчи асосий омил ҳисобланади. Чунки ана шулар туфайли тайёрланадиган маҳсулот бирлигида бирмунча камроқ иш вақти сарфланади, жонли меҳнатни шартли ва бевосита тежаш таъминланади. Шундай қилиб, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ўстириш ҳам, уни тежаш ҳам фан-техника тараққиёти суръатларига ва уни жорий этиш ҳажмига бевосита боғлиқдир. Шуниси характерлики, ўн иккинчи беш йилликда меҳнат унумдорлигини оширишнинг камида учдан икки қисмига фан ва техника ютуқларидан фойдаланиш ҳисобига эришиш мўлжалланган.

Ўзбекистонда бу масала ғоят кескин бўлиб турибди. Гап шундаки, республикада меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари иттифоқ бўйича бу соҳада эришилган ўртача кўрсаткичлардан анча орқада қолмоқда. Бундай аҳволнинг асосий сабаблари сифатида фан-техника тараққиёти сустлашганини, меҳнат унумдорлигини ўстиришга кучли таъсир этувчи тадбирлар етарли амалга оширилмаётганини, корхоналарнинг аксар қисмида эскирган техника ва технология қўлланилаётганини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистондаги илмий кучлар фан-техника тараққиётини жадаллаштириш проблемалари билан чинакамига шуғулланмай келдилар ва ҳаёт талабларидан орқада қолдилар.

Ўн иккинчи беш йиллик республикада меҳнат унумдорлигини ўстиришда бурилиш босқичи бўлиши: бу кўрсаткич саноатда 18 процент, қишлоқ хўжалигининг жамоат секторида 14 процент оширилиши керак.

Ана шу юксак марраларга эришиш йўли Ўзбекистон экономикаси учун характерли бўлган қатор ҳолатлар туфайли мураккаблашади. Биринчидан, ишловчиларнинг катта қисми малакасиз қўл меҳнати билан бандки, бундайлар саноатда 40 процентдан кўпроқни, бошқа баъзи тармоқларда эса бундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Бинобарин, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида қўл кучидан ва оғир жисмоний меҳнатдан фойдаланишни изчил қисқартира бориш бўйича қўйилган вазифа Ўзбекистон ССР шароитида алоҳида аҳамиятга эга.

Иккинчидан, саноат корхоналарининг ярмидан кўпроқ қисмини сира кечиктирмасдан техникавий қайта қуроллантириш талаб этилади. Меҳнат унумдорлигини ошириш ва ижтимоий меҳнатни тежаш кўп жиҳатдан ана шу вазифанинг қай суръатда бажарилишига ҳам боғлиқ.

Учинчидан, меҳнат ресурсларининг тўлиб-тошиб ётганлигидир. Маълумки, техникани кенг қўлланиш оз сонли ишловчилар ҳисобига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Техника тараққиёти, бир томондан, ходимларнинг муайян қисмини иш жараёнидан озод этса, иккинчи томондан, янги иш жойларини вужудга келтириш ва умуман меҳнатни қайта ташкил этишга олиб келади. Ана шу жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда республиканинг меҳнатга яроқли барча аҳолисини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этишнинг комплекс программасини бажаришда интенсив ва экстенсив ривожланиш йўлларини қўшишни иқтисодий жиҳатдан асослаб амалга ошириш зарур.

Тўртинчидан, республиканинг кичик ва ўртача шаҳарларида, қишлоқ аҳоли пунктларида саноат корхоналарининг филиаллари қурилган ва уларни қуриш давом этмоқдаки, бу бир қатор иқтисодий ҳамда социал проблемаларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бироқ мазкур филиалларда юқори унумли замонавий ускуналарни ишлатиш имкониятлари чекланган бўлиб, бу ҳол меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас.

Бешинчидан, бу роботлар, қайишувчан автоматлаштирилган системалар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштиришнинг бошқа замонавий воситалари тўғрисидаги масаладир. Республикадаги кўпчилик корхоналарда улардан унумли фойдаланилмаётгани сир эмас. Гап шундаки, мамлакатнинг бошқа регионларида қилинаётган ишлардан кўр-кўрона, кампаниячиликка берилган ҳолда нусха кўчириш ярамайди. Бундай ишлаб чиқариш воситаларини вужудга келтириш ва қўлланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳар бир ҳолатда иқтисодий мулоҳазалардан, шунингдек, улардан фойдаланишнинг конкрет шароитлари ва зарур муддатларидан келиб чиққан ҳолда баҳоланиши керак. Шу муносабат билан социал-иқтисодий тараққиётни анча жадаллаштириш имконини берувчи самаралироқ технологик системалар ва машиналарни танлаш билан боғлиқ муҳим вазифалар ўртага қўйилади. Бу ўринда психологик ҳолатни — айрим раҳбарлар маҳорат кўрсатиб ишлаш ўрнига сон орқасидан қувиш, янгиликдан чўчиш, техникага нисбатан консерваторларча муносабатда бўлиш одатларидан ҳали ҳам қутулмаганликларини назардан соқит қилиш ярамайди.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ижтимоий меҳнат унумдорлигини кўп ҳисса ошириш ҳамда уни тежашнинг муҳим резервидир. Халқ хўжалигини батамом автоматлаштириш меҳнат унумдорлигини ҳозирги даражасига нисбатан 30 баравар ўстириш имконини беражаги ҳисоблаб чиқилган. Ўзбекистонда фан-техника тараққиётининг бу соҳасида анча иш қилинмоқда. Ўн биринчи беш йилликда саноатда юқори унумли техника жорий этилди, ишлаб чиқариш технологияси такомиллаштирилди. Ускуналар парки рақамли программавий бошқарув (РПБ)га эга бўлган станоклар билан тўлдирилди. Машинасозликда метални тежовчи технологияларни қўлланиш кенгайди, металга ишлов берувчи прогрессив ускуналар сони кўпайди. Қарийб 500 номдаги турли-туман янги машиналар, ускуналар, асбоблар ва аппаратлар ўзлаштирилди ва уларни ишлаб чиқариш бошланди. Корхоналарда саноат роботлари, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари кўпайди. Бироқ, муайян муваффақиятлар қўлга киритилганига қарамасдан республиканинг бу соҳалардаги кўрсаткичлари иттифоқ бўйича эришилган кўрсаткичлардан пастлигича қолмоқда.

Асосий ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш йирик машинали ишлаб чиқаришни сифат жиҳатидан янада юксак поғонага кўтаришни англатади. Бунда машинасозлик муҳим роль ўйнайди. Унинг ривожида илгари йўл қўйилган қусурлар техника тараққиёти суръатларига салбий таъсир кўрсатди. Бу ҳол Ўзбекистон учун ҳам характерлидир. Аммо вужудга келган аҳвол етарли даражада зудлик билан тузатилмаётир. Республиканинг машинасозлик корхоналарида, хусусан «Узбекхлопкомаш» ва «Ташсельмаш»да эскирган, камунум, жаҳон намуналаридан йироқ бўлган машиналар ва механизмларни чиқариш давом этмоқда.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш манфаатлари халқ хўжалигини техникавий қайта қуришнинг моддий негизи ҳисобланган машинасозлик ривожини жадал ўстиришни талаб этади. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, реконструкциялаш самарадорлиги, иқтисодий ўсиш суръатлари ҳал қилувчи даражада машинасозликка боғлиқ. Ресурсларни тежашга имкон берувчи, принцип жиҳатидан янги технологияларга, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга шу тармоқда асос яратилади.

Шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети машинасозликни ривожлантириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бошқарувнинг ягона органи — СССР Министрлар Советининг машинасозлик бўйича бюроси тузилди. Шу беш йилликнинг ўзидаёқ машинасозлик комплексига сарфланадиган капитал маблағларни анча миқдорда, яъни 1,8 баравар, бу тармоқда маҳсулот ишлаб чиқаришни 43 процент кўпайтириш кўзда тутилди. Бутун оғир саноат маҳсулотлари салмоғида машинасозлик буюмлари ҳиссаси 43 процентдан 48 процентга етказилади. Бунда станоксозлик, ҳисоблаш техникаси ишлаб чиқариш, асбобсозлик, электротехника, электроника устунликни эгаллайди. Ўн иккинчи беш йиллик давомида СССР халқ хўжалигида ишлаб чиқаришни автоматлаштириш даражаси ўрта ҳисобда икки баравар, ҳисоблаш

техника воситалари ишлаб чиқариш 2—2,3 баравар, саноат роботлари сони уч баравар ошади. Машинасозликни ривожлантиришда янги иш қуролларининг техник-иқтисодий характеристикаси — унумдорлигига, тежамли ишлатилишига, материаллар сарфини қисқартиришига, мустаҳкамлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ана шу тадбирларни амалга ошириш мамлакатга бир йилда қарийб 12 миллион кишининг меҳнатини, 100 миллион тоннадан зиёд шартли ёнилғини, кўп миллиард сўмлаб маблағни иқтисод қилиб қолиш имконини беради.

Юқорида баён этилган фикрларни ҳисобга олсак, Ўзбекистон машинасозлари, олимлари ва конструкторлари нақадар масъулиятли босқичда турганликлари аён бўлади. Машинасозлик тармоғидаги ишлар аҳволини пайсалга солмай яхшилаш зарурати, фан-техника тараққиёти вазифалари бу соҳада ишловчи ходимларнинг касб маҳорати ва умумий тайёргарлигини, маданияти ва гражданлик фазилатларини ошириш юзасидан ғоят юксак талаблар қўяди. Ахир ҳеч қанақа техника ва технология етилган проблемаларни ўзича ҳал этмайди. Энг замонавий ускунани ўрнатиш ҳам меҳнат унумдорлигини юксак даражада ўстириш кафолатини бермайди — уқувсиз кишилар қўлида у ўзини оқлай олмайди, қолаверса, ҳатто бутунлай яроқсиз ҳолга тушиб қолади. Демак, тегишли кадрларни тайёрлаш ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш ҳам муҳимдир.

Фан-техника тараққиёти талабларини ҳисобга олган ҳолда партия ва ҳукуматимиз кадрлар тайёрлашнинг кенг миқёсли тадбирларини белгиладилар. Жумладан, умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш жараёнидан шу мақсадда фойдаланишни кўзда тутдилар. Бу ишда КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Халқ хўжалиги тармоқларида янги техника ва технологияни ўзлаштириш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш практикасини такомиллаштириш ҳақида» яқинда қабул қилган қарори катта роль ўйнаши керак.

Бизнинг республикамиз шароитида айникса туб ерли аҳоли жумласидан малакали ишчи кадрлар тайёрлаш жиддий эътибор беришни талаб этади. Бунда, бизнинг назаримизда, бошқа тадбирлар қатори саноат корхоналарининг ҳунар-техника таълими органларига ёрдамини кучайтириш, қардош республикаларда ишчи кадрлар тайёрлашни кўпайтириш, жуда танқис ихтисослар бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун мамлакатнинг саноат марказларидан тажрибали, юқори малакали ишчиларни таклиф этиш зарур.

Ҳозирги шароитда машиналарнинг ишлатилиши қийматига, яъни уларнинг халқ хўжалиги нуқтаи назаридан, ижтимоий жиҳатдан фойдалилиги ва самарадорлигига талаб ҳам кескин ошмоқда. Янги техника ва технология нафақат меҳнат сарфини камайтиришга, балки моддий сарф-харажатларни ҳам қисқартиришга хизмат қилиши керак. Бу халқ хўжалиги мутахассислари зиммасига энг унумли машиналар ва технологик системаларни танлаб олишда катта масъулият юклайди. Улардан қай бирини жорий этиш мақсадга мувофиқлигини аниқлашда ҳам жонли, ҳам буюмлаштирилган меҳнат ялпи сарфини тежаш асосий мезон бўлиши керак.

КПСС XXVII съезди экономика соҳасида қўйган туб вазифалардан бири — жамики, ҳам меҳнат, ҳам моддий ресурслардан моҳирона ва унумли фойдаланишдан иборатдир. СССРда саноат ишлаб чиқариши кўламлари ўсиши билан бирга кўп йиллар давомида унга қилинган моддий сарф-харажатлар ҳиссаси ҳам ошиб борганлиги ташвишлантирмаслиги мумкин эмас. Масалан, 1950—1985 йилларда у деярли 30 процент ошди ва ҳозир 80—85 процентни ташкил этади. Мамлакат халқ хўжалигида материал сарфини атиги бир процент қисқартиришдан миллий даромадга қўшимча равишда тахминан 7 миллиард сўм келиб тушиши ҳисоблаб чиқилган.

Моддий ресурсларни тежаш кўпгина факторларга боғлиқ. Лекин улар ичида асосийси, ҳал қилувчиси фан-техника тараққиёти бўлиб, у янги, янада тежамли ва юксак самарали материалларни, ресурслар сарфини камайтирувчи технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни таъминлайди. Фундаментал илмий тадқиқотлар ва кашфиётларга таянган лазерли, плазмали, кукунли

металлургия ва бошқа айрим технологиялар ишлаб чиқаришга революцион руҳ бахш этади. Уларнинг ўзига хос белгилари — операцияларнинг қисқариши, узлуксиз иш жараёнини таъминлаши, материал, энергия ва меҳнатни тежаши, чиқитларни камайтиришидир. Масалан, металл кукунларидан тайёрланган ҳар минг тонна маҳсулот икки минг тоннагача қора ва рангли металлни иқтисод қилиб қолиш, металл қирқувчи 80 станокни ишдан озод этиш ва 190 ишчининг меҳнатини тежаш имконини беради. Шундай экан, ўн иккинчи беш йилликда металл кукунларидан маҳсулотлар тайёрлашни уч баравардан зиёд кўпайтириш кўзда тутилганлиги тасодифий эмас.

Энергетика ресурсларини тежаш ҳам муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга, негаки энергияни ҳосил қилиш, етказиб бериш ва қайта ўзгартириш вақт ўтиши билан жамиятга тобора қимматга тушмоқда. Бундай шароитларда энергияни иқтисод қилиш бирмунча арзон «манба»га айланмоқда. Шу муносабат билан энергияни тежаш имконини берувчи технологиялар, жараёнлар ҳамда ускуналарни тезроқ ва кенгроқ жорий қилиш талаб этилади. Жумладан, автомобиль транспортини дизель ёнилғисига ўтказишни олиб кўрайлик: дизелли автомобиль ёнилғини бензинли автомобилга нисбатан 30—40 процент кам сарфлайди. Бироқ, дизель ёнилғиси билан ишлайдиган юк машиналари ва автобуслар салмоғи ҳозирча жуда оз бўлиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб 1985 йил 11 июнда КПСС Марказий Қомитетида ўтказилган кенгашда бунга эътибор қаратилганди.

Ресурсларни тежайдиган ва ўзини амалда оқлаган бошқа технологиялар ҳам ниҳоятда суст жорий этилмоқдаки, буни ўтакетган исрофгарчилик дейиш мумкин. Ахир, бундай технологиялардан кенг фойдаланиш ёнилғи ва хом ашёни қазиб олишни кўпайтиришга нисбатан 2—3 баравар арзонга тушади. Ўн иккинчи беш йилликда тежамкорлик ва ресурсларни тежаш бўйича оширилган кўрсаткичлар белгиланди. Ёнилғи, энергия, хом ашё, металл ва бошқа материалларга нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжларнинг 75—80 проценти уларни тежаш ҳисобига қондирилиши керак.

Ўзбекистонда бу проблема кескин бўлиб турибди. Республика халқ хўжалиги ҳар йили 1,7 миллион тонна қора металлар прокати, 5 миллион тоннадан зиёд цемент, 3,1 миллион куб метрдан кўпроқ ёғоч-тахта ва бошқа кўпгина материалларни сарфлайдики, улар асосан мамлакатнинг турли районларидан ташиб келтирилади. Бироқ ўтган йилларда республика материал ресурсларини тежаш топшириқларини бажармади, бунинг натижасида мазкур проблема долзарблигича қолмоқда. Уни ҳал этиш учун аввало ҳамма жойда тартиб ўрнатиш, технология ва меҳнат интизомини йўлга қўйиш зарур. Бу йўналишда кейинги пайтларда республикада бирмунча ижобий натижаларга эришилди. Аммо хўжасизлик ҳамон сезилиб турибди, унумсиз сарф-харажатларга, иш вақтининг беҳуда ўтишига йўл қўйилмоқдаки, бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Қомитетининг 1986 йил 4 октябрда бўлиб ўтган III пленумида зўр ташвиш билан сўз юритилди. Демак, бу соҳада ҳали кўп иш қилиниши керак.

Бошқа яна бир йўналиш — фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштиришдир. Ресурсларни тежаш имконини берадиган барча қимматли янгиликларга тезроқ йўл очиш лозим. Фикримизча, республиканинг «Тежамкорлик» яхлит программасини ишлаб чиқиш пайти келди. Ресурсларни тежаш проблемаси шу қадар муҳимки, у билан илмий нуқтаи назардан, мунтазам, комплекс тарзда шуғулланса арзийди.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ўз-ўзидан, силлиқина кечмайди. Унинг йўлида маҳкамачилик, бюрократизм, техникавий консерватизм, илмий тадқиқотларнинг ҳаддан ташқари «диссертациявий йўналиш»да бўлиши, уларнинг натижаларини ўзлаштиришда сусткашлик, ишлаб чиқарувчиларнинг уларни жорий этишдан манфаатдор эмасликлари, хўжалик ходимларининг чет элдан келтириладиган техникага кўз тикиши, хўжалик механизмининг такомиллашмагани ва бошқа тўсиқлар турибди.

Ғоялардан саноатга жорий этишгача бўлган йўлни қисқартириш — энг

долзарб масалалардан биридир. КПСС XXVII съезди материалларида, партиянинг бошқа ҳужжатларида бунга аниқ жавоб берилган. Аввало фан билан ишлаб чиқариш алоқасини мустаҳкамлаш, уларни интеграциялашнинг илмий ғоялар туғилишидан бошлаб амалда қўлланишигача ўзига аниқ-пухта, тез йўл очишини таъминлаш имконини берувчи ташкилий шаклларини вужудга келтириш керак. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тармоғини кенгайтириш, тармоқлараро илмий-техникавий комплекслар ва марказлар тузиш лозим бўлади.

Мамлакатдаги энг яхши илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари иш тажрибаси фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг бу шакли самарали эканлигини тасдиқлайди. Бундай бирлашма шароитида «фан — ишлаб чиқариш» цикли бўйича ҳаракатларда кўпроқ ҳамжиҳатликка эришилади, бунинг натижасида янги техникани вужудга келтириш муддатлари 1,5—2 баравар қисқаради, уни ишлаб чиқишга қилинадиган харажатлар камаяди. Партиянинг директив ҳужжатларида янги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари тузиш йўлида алоҳида куч-ғайрат сарфлаш кўзда тутилганлиги бежиз эмас. Ана шу кўрсатмани бажариш жараёнида нафақат тармоқ, шу билан бирга тармоқлараро илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари вужудга келтирилмоқда, уларнинг олдига қайси тармоққа мансублигидан қатъи назар региондаги корхоналар учун замонавий буюмлар ва ускуналар намуналарини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилмоқда.

Мавжуд илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ишини яхшилашга эришиш ҳам муҳимдир. Масалан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасидаги ишларнинг аҳволини кўриб чиқиб қуйидагиларни таъкидлади: бу ерда илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари суст авж олдирилаётир, бунинг оқибатида умуман «Главмашхлопководство» корхоналарида прогрессив ускуналар салмоғи 56 процентдан ошмаяпти; юқори малакали мутахассислар куч-ғайрати кўпинча оддийгина ускуналар ва асбобларни яратишга жалб этилмоқда; станоклар ва технология линияларини ишлаб чиқишда жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда; янги техникани жорий этиш муддатлари чўзилиб кетмоқда, унинг самарадорлиги баъзан нормативдагидан анча паст бўлмоқда. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари фаолиятидаги бундай камчиликлар ва қусурларга барҳам бериш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим резервидир.

КПСС XXVII съезди юқорида эслатилган резервни ишга солиш учун қандай иқтисодий омиллардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Булар планлаштириш, рағбатлантириш, нарх ҳосил бўлишини яхшилаш, тўла хўжалик ҳисобини жорий этишдан иборатдир.

Планли-иқтисодий бошқаришнинг принцип жиҳатидан янги методларини жорий этиш муҳим дастаклардандир. Маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштириш билан фан-техника ютуқларини жорий этишнинг бирлигига эришишни ҳаётнинг ўзи қатъий талаб қилмоқда. Планлаштиришнинг мавжуд тартиби ҳатто фан ва ишлаб чиқариш интеграциясининг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси сингари синалган шаклида ҳам бундай бирликка эга эмас. Бу бирлашмалар иши икки йўналиш бўйича планлаштирилади, яъни институт плани бошқа-ю, заводларнинг плани бошқа ва улар ўртасида иқтисодий алоқа йўқ. Бундай ҳолни, шубҳасизки, албатта тузатиш ва олимлар тавсия этишаётганидек планлаштиришнинг ягона илмий-техникавий-ишлаб чиқариш тартибига ўтиш керак.

Фан ва техника ютуқларидан фойдаланишнинг моҳияти ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш, тежамкорликнинг ижтимоий зарур даражасини таъминлашдан иборат. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичи янгича ишлашга ўрганиш, фан ва техника ютуқларини ҳар томонлама ўзлаштириш, бу йўлдаги тўсиқларни енгиб, фан-техника тараққиётининг барча йўналишларида ижобий силжишларга эришиш талабини ўртага қўймоқда.

ҲОЗИРГИ ШАРОИТДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ РОЛИНИНГ ОШИШИ

Қ. ЎРОЛОВ

ТАРИХИЙ ТАЖРИБАНИНГ далолат беришича, кенг халқ оммасининг фикри ижтимоий ҳаётнинг барча томонларига ҳеч қачон социализм шароитидагидек шу қадар кучли таъсир кўрсатмаган. Бу таъсир объектив характерга эга, чунки социалистик демократия ривожининг ўзи одамларга, уларнинг талаб-эҳтиёжларига янада кўпроқ эътибор билан муносабатда бўлишни тақозо этади. Янги инсонни тарбиялаш, унинг жамият ҳаётидаги ролини ошириш масалалари айни шу социализм даврида умумдавлат, умумхалқ вазифалари даражасигача кўтарилди. Бу социалистик жамият ривожининг энг муҳим қонуниятларидан бири — халқ оммаси онгли фаолиятининг муттасил кенгайиб бориши билан боғлиқдир. В. И. Лениннинг башорат қилиб «давлат омманинг онглилиги билан кучлидир» деган сўзлари (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 22-бет) айниқса бизнинг кунларда актуал жаранглайди.

Бизнинг мамлакатимизда энг йирик партия ва давлат ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда муҳокама қилишга мутахассислар, меҳнаткашларни жуда кенг жалб қилиш анъанага айланган. Натижада социалистик жамият ҳаётини тартибга солиб туришга даъват этилган бу ҳужжатлар партия ва халқ коллектив ақлининг меваси бўлиб қолади. Чунончи кейинги йилларда СССР Конституцияси (Асосий Қонун), меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилди. Биргина умумий таълим ва ҳунар мактаблари ислоҳоти лойиҳасини муҳокама қилишда 120 миллион киши қатнашди. Меҳнаткашларнинг бу масала юзасидан ёзган минг-минглаб хатлари партия ва совет органларига келиб тушди. Муҳокама социалистик тузумнинг чинакам демократизмини, партия ва халқнинг бузилмас бирлигини янги куч билан намойиш этди.

Янги таҳрирдаги КПСС Программаси, партия Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳалари меҳнат коллективларида ҳар томонлама муҳокама қилиниб, кенг қўллаб-қувватланди. Ишлаб чиқариш илғорлари, уруш ва меҳнат ветеранлари, олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари ва таклифлари билан оммавий ахборот воситалари органларига, партия комитетларига, совет органларига мурожаат қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳужжатлар лойиҳалари «бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида, район, шаҳар, округ, область, ўлка ҳисобот-сайлов конференцияларида, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездларида кенг муҳокама қилинди. Программа лойиҳасининг ўзигагина муҳокама қилина бошлангандан буён 6 миллиондан кўп таклиф ва мулоҳаза олинди. Уларнинг муаллифлари — ишчилар ва колхозчилар, олимлар, ўқитувчилар, инженерлар, врачлар, Совет Армияси ва Флотининг жангчилари, коммунистлар ва партиясизлар, ветеранлар ва ёшлар... кўпдан-кўп таклифлар, қўшимча ва таҳририй аниқликлар киритдилар... Салкам 2 миллион киши КПСС Устави хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди». Асосий йўналишлар лойиҳасини муҳокама қилишда тахминан 110 миллион киши иштирок этди.

Совет халқи бу ҳужжатларни янги фикрлар, қоидалар билан бойитдики, бу омманинг мамлакатнинг давлат ва сиёсий ривожланиши проблемаларига катта қизиқиш билан қарашини ҳамда бу масалалар юзасидан жамоатчиликнинг фаол ўй-фикрлари мавжудлигини акс эттирди.

Марксизм-ленинизм асосчилари жамоатчилик фикрига социал бошқаришнинг воситаси, усули, реал сиёсий куч сифатида жуда катта аҳамият берган эдилар. В. И. Ленин янги жамиятни қуришда жамоатчилик фикри роли ва функциясининг муҳимлигини таъкидлаб шундай деган эди: «Биз ҳукуматнинг ҳамма вақт ўз мамлакатининг афкор оммаси контроли остида бўлишини хоҳлаймиз» (ТАТ, 35-том, 19-бет).

КПСС ленинча принципларга амал қилиб, мамлакатда қурилган социализмни такомиллаштириш мақсадларида жамоатчилик фикридан фойдаланишга катта эътибор бермоқда. Партия буни ўз Программасида ҳам мустаҳкамлаб қўйди.

Маълумки, жамоатчилик фикри — бу оммавий онгнинг ҳолати бўлиб, у турли гуруҳдаги кишиларнинг социал воқелик ҳодисалари ва фактларига муносабатини (яширин ёки ошкора) ўз ичига олади. Жамоатчилик фикри табиатини ўрганиш мақсадида ижтимоий онг воқеликни қандай теранликда акс эттираётганини аниқлаш зарур. Бунинг учун унда назарий онгни, яъни кишилар назарий фаолиятининг натижаси бўлмиш илмий қарашлар ва мулоҳазаларни кундалик, одатдаги онг — омманинг кундалик практикаси туғдирадиган қарашлар ва тасаввурлардан фарқлай билиш керак.

Ўхшаш белгилари кўп бўлишига қарамай, назарий онг кундалик онгдан кескин фарқ қилади. Кундалик онг мантиқ қонунларига қатъий мос равишда қурилган фикр-мулоҳазалар системаси эмас. Бу турли шарт-шароитлар таъсирида ҳар хил вақтларда ташкил топган қарашлар ва кайфиятлар коришмасидир. Кундалик онгда эмоционал жиҳат жуда катта ўрин тутади, чунки у фикр-мулоҳазалар шаклида баён этилган қарашлар ва ғоялар бўлибгина қолмай, шунингдек анъаналар, урф-одатлар, феъл-атворнинг яширин шаклларида ва шу кабиларда мустаҳкамланиб қоладиган инсонлар ҳис-туйғулари, қизиқишлари, кайфиятлари ҳамдир. Бундан ташқари кундалик онг социал психологиянинг кўп элементларини ўз ичига олади, унда ғайриихтиёрий, стереотип нарсалар ҳам анчагина учрайди.

Шу билан бирга, агар жамоатчилик фикрининг бир томонида кундалик онг соҳасида пайдо бўлган тасаввурлар группаланса, бошқа томонида эса назарий тафаккур шакллантирган тушунчалар группаланади. Бу жамоатчилик фикри воқеликни акс эттиришнинг ҳар иккала даражасида ташкил топади дейиш учун асос бўла олади. Лекин шуни унутмаслик кераккки, турмуш тарзи, анъана ва урф-одатлар, овозалар ва шахслар ўртасидаги муносабатлар ҳам кундалик онгда жамоатчилик фикрини шакллантириш учун манба бўлиб хизмат қила олади, зеро уларда шахснинг билим даражаси, хулқ-атвор маданияти намоён бўлади.

Маълумки, жамоатчилик фикри турмушнинг реал шарт-шароитлари таъсирида шаклланади. Унинг ривожланишининг турли даражаларида кишиларнинг ҳар хил группалари фаол иштирок этади, уларга ҳар хил, қатор ҳолларда эса қарама-қарши манфаатлар, структура ва белгилар хосдир. Бу фақат, жумладан, шу билан изоҳланадики, жамоатчилик фикрининг шаклланиши баъзида зиддиятли кечади, бунда фикр-мулоҳазалар кураши шак-шубҳасиздир.

Социалистик жамият шундай системаки, унга тузилиши ва ҳажмининг катта-кичиклигига кўра кўплаб структуралар киради. Улардан ҳар бири доирасида муайян структура манфаатларига дахлдор бўлган масалалар атрофида ички фикр ташкил топадики, у ҳам жамоатчилик фикри ҳисобланади. Шунинг учун ҳам биз коллектив, группа, миллат, синф ва шу кабиларнинг жамоатчилик фикри ҳақида гапирамиз. Жамоатчилик фикрини ҳар қандай даражада, ҳар қандай структура бирлигида тадқиқ этиш демократияни янада ривожлантиришга, ижтимоий ҳаётни бир мақсадни кўзлаб бошқаришга,

конкрет шароитда омма психологияси, ўй-фикрлари ва кайфиятларини билишга ёрдам беради.

Социалистик жамиятдаги ривожланган жамоатчилик фикри зарур социал-психологик муҳитни яратиш омилларидан бири бўлиб, меҳнаткашлар социал активлигининг ошганлигидан далолат беради. Агар киши коллективнинг бир оғиздан билдирилган фикридаги талабларга бўйсунмаса, у коллективнинг, ўз ўртоқларининг ишончини йўқотиши мумкин. Ўз хатти-ҳаракатини ижобий ёки салбий баҳолаган жамоатчилик фикрига бефарқ қарайдиган одам камдан-кам топилса керак. Жамоатчилик фикри билан ҳисоблашган, унга қулоқ солган тақдирдагина унинг кучи тўла намоён бўлиши мумкин.

Ўрта Осиё халқлари тараққиётнинг капиталистик босқичини четлаб феодализмдан социализмга ўтганлиги маълум. Социалистик қурилиш давомида бу ерда маҳаллий аҳоли турмушининг ўзига хос шарт-шароитлари билан боғлиқ мураккабликларга дуч келиндики, бунда нафақат капиталга қарши, шу билан бирга «ўрта асрчилик қолдиқларига қарши кураш» вазифасини ҳам ҳал қилиш керак эди (ТАТ, 39-том, 380-бет). Табиийки, бу ерда ўшанда жамоатчилик фикри кундалик, социал-психологик даражада шаклланиб, зарур билимларнинг йўқлиги билан характерланарди.

Совет ҳокимияти йилларида, Коммунистик партия раҳбарлиги остида СССР қардош республикаларининг, биринчи навбатда Россия Федерациясининг беғараз ёрдами туфайли Ўрта Осиё регионы индустрияси юксак ривожланган, илғор қишлоқ хўжалигига эга бўлган, аҳолиси ёппасига саводхон ва юксак маданиятли ўлкага айланди. Бу ерда ишчилар синфи, миллий интеллигенция шаклланди. Масалан, Ўзбекистонда шундай социал структура қарор топдики, у жамоатчилик фикрини шакллантириш учун реал асос бўлди.

Республикамизда жамоатчилик фикрининг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар биринчи навбатда авлоддан авлодга ўтиб келаётган анъаналар билан боғлиқдир. Вақт ўтиши билан улар ўзгариб боради, янги мазмун касб этади. Маълумки, ҳар қандай анъаналар-у, урф-одатлар, маросимлар, агар улар жамоатчилик фикри томонидан қўллаб-қувватланмаса, йўқ бўлиб кетади. Бу ерда синфий, партиявий позициядан туриб, чинакам халқчил нарсани барча зарарли, аслида бўлмаган нарсалардан фарқ қила билиш кераккики, Ўзбекистон Компартияси МКнинг III пленуми (1986 йил октябрь) буни яна бир бор алоҳида кўрсатиб ўтди. Шарқ кишиларининг кўплаб чинакам халқчил анъаналари ва маросимлари совет турмуш тарзимиздан мустаҳкам ўрин олди. Зеро уларда халқ донолиги, меҳнатсеварлиги, унинг тинчликка интилиши намоён бўлади. Ҳашар, катталарга ҳурмат ва бошқалар ана шундай фазилатлардандир. Масалан, ҳашар йўли билан спорт иншоотлари, чорвачилик комплекслари, тураржойлар қурилмоқда. Пахта йиғим-теримини умумхалқ ҳашари дейишади.

Совет жамиятининг реал ҳаёти талаблари юзага келтираётган янги маросимларни турмушга татбиқ этиш жамоатчилик фикрини шакллантириш учун муҳим аҳамиятга эга. У ёки бу республиканинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб ўтказилаётган бу маросимлар идеологик таъсирнинг қудратли воситасидир.

Агар янги байрамлар чуқур ўйлаб, бир мақсадни кўзлаб, мазмундор қилиб ўтказилса уларнинг тарбиявий функцияси анча самарали бўлади. Бу жиҳатдан Сирдарё ва Жиззах областларининг қатор қишлоқ меҳнат коллективларида ўтказилган социологик тадқиқот маълумотлари диққатга сазовордир. «Қайси байрам сизларда уюшқоқлик билан ўтказилади?» деган саволга анкета тарқатилган кишиларнинг 68 проценти ҳамма революцион байрамларнинг, 32 проценти — профессионал байрамларнинг, тахминан ўшанчаси «Ҳосил байрами»нинг, 11 проценти пенсияга тантанали кузатишларнинг, 8 проценти — Совет Армияси сафига жўнатишларнинг муттасил ва уюшқоқлик билан ўтишини таъкидлаганлар. Бу тадбирлар анализи шуни кўрсатадики, улар баъзан юзаки, хўжакўрсинга ўтказилади, жуда нари борса фақат тантанали мажлислар бўлади. Маданият саройлари ва уйларининг кўпчилиги оддий кунлар у ёқда турсин, ҳатто байрам кунлари ҳам бўм-бўш бўлади. Ҳолбуки,

маданий-маърифат ходимлари бор, 1980 йилдан совхоз директори (колхоз раиси)нинг маданият ва турмуш масалалари бўйича муовини штати киритилган, лекин барибир қишлоқ меҳнаткашларининг дам олишлари ҳали ҳам кўнгилдагидек эмас.

Ҳозирги кунда мамлакатда ҳушёрлик учун актив кураш кенг авж олиб кетди. Партия ва ҳукуматимиз бу масала юзасидан тегишли ҳужжатлар қабул қилди. Совет кишилари уларни ишлаб чиқариш ва турмушнинг жиддий проблемаларини ҳал этишнинг ишончли асоси деб биладилар. Бизда алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши аллақачон актив жамоатчилик фикри қарор топган. Меҳнат коллективларида ичкиликхўрлар, прогулчилар қаттиқ қораланади, уларга нисбатан тарбиявий таъсир чоралари кўрилади. «Ҳушёрлик — ҳаёт нормаси» деган шиор ҳамма ерда қизғин қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистонда жамоатчилик фаолиятининг ўзига хос формаси бўлмиш маҳалла комитетлари бу борада жуда кўп иш қилмоқдалар. Уларнинг кўпчилиги маҳалла аҳолисининг тобора ўсиб бораётган активлигига таяниб, жойларда кварталлар ва микрорайонларни ободонлаштириш, оилани мустаҳкамлаш, эски урф-одатларни тугатиш ва янги, прогрессив маросимлар, анъаналарни жорий этиш бўйича қатор тадбирларни амалга оширибгина қолмай, шунингдек, ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши кураш борасида ҳам катта ишлар қилмоқдалар. Чунончи, Тошкент шаҳрининг Фрунзе районидаги Авлоний номли маҳалла комитетининг аъзолари, ҳамма тадбирларни, шу жумладан тўйларни ҳам спиртли ичимликларсиз ўтказиш тўғрисида бир фикрга келдилар. Бу ташаббусни маҳаллада яшовчиларнинг ҳаммаси қўллаб-қувватлади. Андижон областининг Ленин райони аҳолиси ичкиликбозлик ва алкоголизмни бутун районда тугатиш ташаббуси билан чиқдилар.

Лекин, афсуски, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Ўзбекистон Компартиясининг III пленуми (1986 йил октябрь) маҳалла комитетларини «эски негизларга қарши муросасиз курашга» йўналтириш, уларни коммунистлар, комсомоллар, илғор интеллигенция вакиллари билан мустаҳкамлаш, айрим маҳаллаларда ҳукм сураётган турғун консерватив муҳитни бузиш учун курашга партия ва меҳнат ветеранларини кенг жалб қилиш зарурлигини кўрсатиб ўтди.

Ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашда қимматли ташаббусларни ёйишда республика ва область матбуоти катта роль ўйнади. «Правда Востока» газетаси «Ичиш ё яшаш», «Совет Ўзбекистони» эса «Ичкилик — иллат» рубрикалари остида қатор материаллар эълон қилди. Бундай рубрикалар бошқа вактли матбуот нашрлари саҳифаларида ҳам пайдо бўлди. Партия ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, олимларга сўз берилди, улар жойларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапириб беришди, конкрет тадбир-чоралар таклиф қилишди. Хуллас, ичкиликбозликка қарши жамоатчилик фикри шаклланди ва у тобора мустаҳкамланди.

Жамоатчилик фикрини шакллантиришда, маълумки, телевидение муҳим роль ўйнайди. Республикамизда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи», «Инсон ва қонун», «Баҳс» ва бошқа кўрсатувлар анча машҳур бўлиб қолди. Улар ёш авлодни тарбиялаш компетентли жамоатчилик фикрини шакллантиришнинг муҳим воситасидир. «Ёшлар тарбияси масалалари бўйича маълумот олиш учун турли телевизион эшиттиришларга тез-тез мурожаат қиласизми?» деган саволга сўраб чиқилганларнинг 90 проценти, бу масалада бизга юқорида санаб ўтилган кўрсатувлар ёрдам берди, деб жавоб қилишди. Ахир, ўша кўрсатувларнинг кўпчилиги телетомошабинларнинг хатлари асосида тайёрланади, чунки уларнинг манфаатдорлиги хатларида шундай кўриниб туради, жуда кўплаб истаклар билдирилади.

Шундай қилиб, меҳнаткашлар оммасининг фикри ўзига хос бир барометр бўлиб, у кишиларнинг ғам-ташвишлари, эҳтиёжлари ва кайфиятлари тўғрисида ҳукм чиқаришга имкон беради. Унга таянмай туриб, ғоявий-тарбиявий ишнинг бирон-бир жиддий вазифасини ҳал қилиб бўлмайди. Бизнинг фикримизча жамоатчилик фикрини яхшироқ билиш учун жойларда уни ўрганиш бўйича кенгашлар тузиш зарур. Бундай кенгашлар мамлакатимиз марказий районларидаги кўпгина партия комитетлари қошида муваффақиятли ишлаб турибди.

ПАРТИЯ КОМИТЕТИ АППАРАТИ

Л. ГОРБУНОВА,
тарих фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ марксча-ленинча фанни ижодий ривожлантириб, партия қурилиши назариясига муҳим ҳисса қўшди. Съезд қабул қилган янги таҳрирдаги партия Программаси ва Устави коммунистларни, партия органларини халққа садоқат билан хизмат қилишга йўналтиради.

Партия Уставининг 23-параграфига киритилган қўшимча янги қоидалардан бири ҳисобланади. Бу ерда шундай ёзилган:

«КПСС Марказий Қомитетида, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Қомитетларида, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларида партия қарорларининг ижросини ташкил этиш ва текшириш ҳамда қуйи ташкилотларнинг фаолиятига ёрдам бериш юзасидан кундалик ишларни бажариш учун аппарат тузилади.

Партия аппаратининг структураси ва штатларини КПСС Марказий Қомитети белгилайди».

Партия турмушида аппаратнинг ўрни ва ролини Владимир Ильич Ленин назарий асослаб берган.

В. И. Ленин 1899 йилдаёқ «Муҳим масала» мақоласида партия аппарати зарурлигини, унинг фаолиятининг синфий йўналишини далиллар асосида исботлаб берган эди. Мақолада «муассаса ва группалар маъносидаги.., газета маъносидаги органлар» ҳақида гап боради (Тўла асарлар тўплами, 4-том, 226-бет). Улар «меҳнатни тақсимлаш ва кучларни тежаш принципларини муттасил амалга ошириб бориш» имкониятига эга бўлиш учун зарур (ў ш а ж о й д а).

В. И. Ленин 1902 йилда «Ташкилий вазифаларимиз ҳақида ўртоққа хат» мақоласида партия ташкилоти структурасида бошқариш группасига эга бўлишни таклиф қилган эди. Бошқача айтганда, гап аппарат тўғрисида борган эди. Группа составини комитет белгилайди. У, Ленин фикрича, «секретарни ва умуман барча ишларга амалий бошчилик қилишга кўпроқ қобил бўлган кишиларни ўз ичига оладиган» бўлиши керак (ТАТ, 7-том, 10-бет). Владимир Ильич шу ерда комитетни ва унинг аппаратини ташкил этишда ишчиларга таяниш тўғрисидаги фавқулодда муҳим ғояни илгари сурган ва кейинчалик РСДРП III съездида бунинг зарурлигини яна бир бор таъкидлаган эди.

В. И. Ленин ташкилий аппаратнинг мукаммаллигини унинг партия ва хукумат қарорларини ҳаётга татбиқ эта олиш қобилияти билан боғлаган эди. Владимир Ильич таърифлаб берган аппарат ишини ташкил этиш принциплари ҳозир ҳам асосий принциплардир. Бу аввало раҳбарликнинг коллегиаллиги ва топширилган участка учун шахсий жавобгарлик принципидир. В. И. Ленин ошкораликни аппаратнинг муваффақиятли фаолият юргизишининг шартларидан бири деб атаган эди.

Владимир Ильич 20-йиллар бошидаёқ «партиядаги касал», яъни айрим масъул ходимларнинг партия ташкилотлари ва меҳнаткашлар оммасидан ажралиб қолиши, бюрократизм билан курашнинг сусайиши ва шу сингарилар хавфидан огоҳлантирган эди (ТАТ, 42-том, 38—39-бетларга қаралсин). Умуман В. И. Ленин аппаратнинг омма билан алоқаларига катта аҳамият берар, аппаратнинг оммадан узилиб қолиши кўнгилсиз воқеа, офат, касаллик деб ҳисоблар эди.

Аппарат, деб таълим берган эди доҳиймиз, сиёсатга бўйсуниши, қатъий, лекин эпчил бўлиши лозим, акс ҳолда у манёвр қила олмайди, ҳаётда бўлиши муқаррар бурилишларга халақит беради. В. И. Ленин ўз асарларида кишиларнинг ярокли-ярокснзлигини текшириш, ҳақиқий ижрони текшириш зарурлигини исботлайди, аппарат учун ўз-ўзини танқид даркорлигини асослаб беради (ТАТ, 45-том, 18, 137-бетларга қаралсин).

Партия комитети секретари вазифаларининг конкретлаштирилиши катта аҳамиятга эга. Владимир Ильич асосий сиёсий иш, бош вазифани кўзлаб, секретарь майда-чуйда ишлардан холи қилиниши керак деб ҳисоблар, кишиларни тақсимлашни ўрганишни маслаҳат берар эди. Унинг талаби билан РКП(б) МҚ Пленуми 1922 йил апрелда қарор қабул қилди, бу қарорга мувофиқ «секретарларнинг чинакам принципиал раҳбарлик ишидан бошқа ҳеч қандай ишни шахсан ўз зиммаларига олмасликлари» қоида қилиб қўйилган эди (ТАТ, 45-том, 161-бет).

В. И. Ленин партия аппарати пухталиги ҳақидаги масалани унинг аъзоларининг шахсий фазилатлари нуқтаи назаридан кўриб чиқишни таълим берган эди. У «Съездга хат»да сиёсий ташкилотчи учун керак бўлган фазилатларни — кўпроқ чидамлилик, кўпроқ холисона иш кўриш, ўртоқларга кўпроқ хушмуомала ва кўпроқ эътибор берадиган бўлишни қайд қилган эди (45-том, 389-бетга қаралсин). Партия аппаратини комплектлашда партиянинг синфий табиати ҳисобга олиниши керак. «Ишчиларни комитетлар составига киритиш, — деб кўрсатган эди В. И. Ленин, — бу таълим-тарбия бериш вазифасигина эмас, балки шу билан бирга сиёсий вазифа ҳамдир» (ТАТ, 10-том, 177-бет).

Партия аппарати фаолиятининг ленинча принциплари партия съездлари, конференциялари, Марказий Комитет пленумлари материалларида янада ривожлантирилди. Уларда партия аппарати ишининг турли томонларини такомиллаштириш тўғрисида изчиллик билан ғамхўрлик қилиб келинаётгани кўриниб турибди. Буни ҳар сафар тарихий шарт-шароитлар, конкрет вазият тақозо этарди. Масалан, 1919 йил декабрида РКП(б)нинг VIII Бутун Россия конференцияси қабул қилган партия Устави партия фаолиятининг алоҳида формалари учун комитетлар қошида ташкил этиладиган ва бевосита уларга бўйсунадиган махсус бўлимлар (миллий, хотин-қизлар ўртасида ва ёшлар ўртасида ишлаш бўйича ва ҳоказо) бўлишини кўзда тутар эди. РКП(б) IX съезди (1920 йил 29 март — 5 апрель) МҚга Секретариатни кучайтиришни топширди; ташкилий ва ижровий характердаги жорий ишлар Секретариат ихтиёрига берилди. 1920 йил сентябрида бўлиб ўтган РКП(б) IX Бутун Россия конференцияси қолоқлик билан курашиш ва талабчанликни ошириш учун совет ва партия аппаратини янада кенгроқ ва чуқурроқ ўрганишни назарда тутган, масъул партия ходимларига тез-тез жойларга чиқиб туришни юклаган, уларнинг кўпчилигини ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш мақсадида Москвадан жойларга юборган эди.

1921 йил майда бўлиб ўтган РКП(б)нинг X Бутун Россия конференцияси партиянинг ташкилий аппаратини мустаҳкамлашда алоҳида роль ўйнади. У партия марказларининг жойлар билан жонли алоқа ўрнатишига, аппарат ишини контрол қилишга, аппарат раҳбарларининг партия МҚ Секретариати олдида мунтазам ҳисобот бериб туришига, маҳаллий тажрибадан амалий фойдаланишга катта эътибор берди. Конференция парткомлар учёт аппаратининг қуйидан юқоригача кучайтирилишини назарда тутди. Партия кучларини тўғри тақсимлаш зарурлиги шуни талаб қиларди.

Ўша йилларда партия аппаратини такомиллаштиришга доир иш тўхтовсиз

давом этди. Масалан, РКП(б)нинг XI Бутун Россия конференцияси (1921 йил декабрь) барча даражалардаги партия комитетлари секретарларининг сифат составини яхшилаш, парткомларнинг ишчи аппаратини минимум даражагача қисқартириш, уни тез-тез алмаштиришлардан сақлаш ва шу билан ишда энг яхши давомийликни таъминлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

1922 йил 27 март — 2 апрелда бўлиб ўтган РКП(б) XI съезди яхшилаб хўжалик юргизишни ўрганишга чақирди. Шу муносабат билан партия аппарати вазифалари ҳам мураккаблашади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, Владимир Ильич ўша йиллардаёқ партиявий раҳбарликнинг идеологик, ташкилотчилик ва хўжалик ишининг ажралмас бирлигидан иборат ғоят муҳим принципи тўғрисида гапирган эди.

РКП(б) XI съезди партия аппаратининг бюрократик қисмини қисқартиришни энг муҳим вазифа деб атаган, партия комитетларини Россиянинг турли областларидаги ишга табақалаштирилган ҳолда ёндашишга чақирган ва, энг муҳими, партия ва совет муассасалари ўртасидаги функцияларни аниқ тақсимлаш зарурлигини кўрсатган эди. Съезд резолюциясида партия аппарати ишини такомиллаштиришга қаратилган ва, жумладан, МК аъзоларининг маҳаллий партия ташкилотларини айланиб чиқишини кўзда тутган чора-тадбирлар ифодаланган эди. В. И. Ленин кучларни тўғри тақсимлаш ва ижронинг системали текширилишини ташкил этиш вазифасини илгари сурди.

РКП(б) XII съезди (1923 йил апрель) қарорлари катта аҳамиятга эга бўлди. У, жумладан, сиёсий жиҳатдан яхши тарбияланган ва собитқадам ўртоқларни партия ишида тўплаш зарурлигини қайд қилди. Съезд МКдан то райкомгача бўлган органларда инструкторлик лавозими жорий этилишини партиявий иш савиясини ошириш усули ва партия кадрларининг амалий тайёргарликдан ўтиш воситаси деб баҳолади.

РКП(б) XIII конференциясида (1924 йил январь) барча партия ташкилотларига навбатдаги сайловларда партия аппаратини мунтазам янгилаб бориш, амалда партия ички демократиясини таъминлаш таклиф қилинди. Ўшанда ахборот бўлими ҳамда ишчи ва деҳқон хотин-қизлар бўлимлари ташкил этилган эди. РКП(б) XIII съезди (1924 йил май) ишчи ва деҳқон хотин-қизларни партия қурилишига жалб этишга, коммунист хотин-қизларни раҳбар партия ва совет органларига ишга кўтаришга алоҳида эътибор берди.

Партия XIV съезди (1925 йил декабрь) партия бирлигини жипслаш, партия ва давлат интизомини мустаҳкамлаш, аппарат фаолиятини яхшилаш ишига муҳим ҳисса қўшди. У янги Уставни қабул қилди ва РКП(б)ни Бутуниттифоқ коммунистик (большевиклар) партияси — ВКП(б) деб ўзгартиришга қарор қилди.

ВКП(б) XVI партия конференциясида (1929 йил апрель) партия ичидаги ва партия аппаратидаги бюрократизм элементларига қарши кураш вазифалари кўриб чиқилди. Бу ғоят муҳим масала ҳозир ҳам актуаллигича қоляпти, КПСС XXVII съездида унга катта эътибор берилди.

ВКП(б) XVII съезди (1934 йил 26 январь — 10 февраль) қарорлари марказий ва маҳаллий органлар аппарати ишини яхшилашда катта аҳамиятга эга бўлди. Съезд тасдиқлаган партия Уставида партия комитетларидаги бўлимлар ҳақидаги қоида конкретлаштирилди ва бу бўлимлар партия директивалари ва қарорларини рўёбга чиқариш юзасидан амалий фаолият юргизиш учун тузилади, деб ёзиб қўйилди. Ишлаб чиқариш-тармоқ принципи бўйича ташкил этилган бўлимлар ўз тармоғида ташкилий-партиявий ва оммавий-агитация ишларини, кадрларни тақсимлаш ва тайёрлаш, ишлаб чиқариш пропагандаси, тегишли совет, хўжалик органлари ва партия ташкилотларининг партия қарорларини бажаришини кузатиш функцияларини бажариши лозим эди. Шунингдек, муҳокаматалаб масалалар тўғридан-тўғри бюрога қўйилади, қатор амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш эса махсус комиссияларга эмас, балки комитетлар бўлимларининг мудирлари ва совет, касаба союз, кооператив, комсомол ва бошқа ташкилотларнинг раҳбар ходимлари зиммасига юкланади, деб белгиланди. Партия Устави шунингдек сон

жиҳатдан ва ташкилий мустаҳкамланган партия ячейкалари учун янги номни — бошланғич партия ташкилотлари номини жорий қилди.

ВКП(б) XVIII съездида (1939 йил март) партия аппарати ишининг ташкил этилиши қониқарсиз деб топилди. Бундай ташкил этиш кадрларни танлаш ишининг ишлаб чиқариш-тармоқ бўлимлари ўртасида сочилиб кетишига, ташкилотчилик иши кўламининг торайишига олиб келди, ходимларнинг бир тармоқдан бошқасига ўтишини қийинлаштирди. ВКП(б) МК вужудга келган аҳволни ҳисобга олиб, қатор чора-тадбирлар қабул қилди, кадрлар танлаш ишини мустақил бошқарма зиммасига юклади. Бундан ташқари, Марказий Комитетда пропаганда ва агитация бошқармаси, ташкилий-инструкторлик, қишлоқ хўжалик ва мактаблар бўлимлари ташкил қилинди.

Округ, область, ўлка комитетларида ва иттифоқдош республикалар компартиялари МКларида кадрлар, пропаганда ва агитация, ташкилий-инструкторлик, қишлоқ хўжалик ва ҳарбий бўлимлар ташкил этилди. Худди шундай бўлимлар, қишлоқ хўжалик бўлимидан ташқари, шаҳар ва район партия комитетларида ҳам ташкил этилди.

ВКП(б) XVIII съездида қабул қилинган Уставдаги ўзгаришлар партия комитети аппаратининг кенгайтирилишини назарда тутарди. Шунингдек, партия контроли Комиссияси ВКП(б) МК Пленуми томонидан сайланади ва Марказий Комитет раҳбарлигида ишлайди, деб қарор қилинди. Комиссия функциялари конкретлаштирилди.

СССР экономикасини янада ривожлантириш, бошланиб кетган иккинчи жаҳон уруши шароитида айникса зарур бўлган мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш вазифалари саноатга партия раҳбарлигини кучайтиришни талаб қиларди. ВКП(б) МК 1939 йил ноябрида иттифоқдош республикалар компартиялари МКларида, ўлка, область, шаҳар комитетларида саноат бўлимларини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, улар функцияларини белгилаб берди. Уларга саноат ва транспорт соҳасида партия директиваларини амалга ошириш юзасидан амалий иш юргизиш, тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш планларини бажаришини назорат қилиш, партия ва хўжалик ташкилотларининг социалистик мусобақани авж олдиришга доир фаолиятини текшириш топширилди. Шунингдек саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, колхозлар, совхозлар бошланғич партия ташкилотлари уларга ВКП(б) XVIII съезди берган маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқини қандай амалга ошираётганликлари тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш ҳам улар вазифасига кирар эди.

ВКП(б) МК 1943 йил сентябрда «ВКП(б) МК ташкилий-инструкторлик бўлимининг вазифалари ва структураси» деган қарор қабул қилди. Унда бўлим партия Марказий Комитети Секретариатининг аппарати ҳисобланади деб таъкидланди. У область, ўлка комитетлари, иттифоқдош республикалар компартиялари МКларининг раҳбарлик тажрибасини кузатиши, маҳаллий органларга ташкилий-партиявий иш масалаларига доир йўл-йўриқлар кўрсатиб туриши, уларнинг МК директиваларини бажаришини текшириши, ахборот материалларини ишлаб чиқиши ва маҳаллий партия ташкилотлари тажрибасини умумлаштириши, партия қурилиши масалаларига оид қарорлар лойиҳаларини ВКП(б) МКда кўриб чиқиш учун тайёрлаши лозим эди. У шунингдек партия составини ва ВКП(б) аъзолари ҳамда аъзоликка кандидатларига партия ҳужжатлари берилишини ҳисобга олиб борар, маҳаллий партия ташкилотларидаги партия хўжалигини текширар эди.

КПСС XIX съезди (1952 йил) XVIII съезддан кейинги ўтган даврдаги партия қурилиши ва партиявий иш тажрибасини умумлаштириб, партия Уставига аввало коммунистлар ролини оширишга қаратилган жиддий ўзгартишлар киритди. Партия марказий органлари структураси тубдан ўзгартирилди. Бутуниттифоқ партия конференцияларини чақирмаслик тўғрисидаги қарор партия сиёсати ва тактикасининг асосий масалаларини партия съездлари ўз вақтида кўриб чиқиши лозимлиги билан асосланар эди. МК Сиёсий бюроси негизида қайта ташкил этилган МК Президиуми Марказий Комитет пленумлари оралиғида унинг ишига раҳбарлик қилиши керак эди.

МКнинг тугатилган Ташкилий бюроси функциялари МК Секретариатига берилди, партия контроли Комиссияси КПСС МК ҳузуридаги партия контроли Комитети қилиб ўзгартирилди. Съезд партия номини ўзгартириш ва бундан буён уни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси (КПСС) деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди.

Сўнгги йилларда партия аппарати узлуксиз такомиллаша борди. КПСС МК Пленумлари ва партия съездлари мунтазам чақирилиб турди. 1953 йили КПСС МК Биринчи секретари лавозимини таъсис қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди ва Марказий Комитетнинг сентябрь Пленумида шундай қилинди. Бу Пленум шунингдек қишлоқ район партия комитетлари, улар аппаратининг мустаҳкамланишига ёрдам берди.

Партия коммунистлар ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантириш йўлини тутиб, 50-йилларда маош олиб ишлайдиган аппаратни қисқартириш ва арзонлаштиришга ҳаракат қилди. Масалан, КПСС МКнинг «КПСС область, ўлка комитетлари ва иттифоқдош республикалар компартиялари МКларининг штатларини қисқартириш тўғрисида»ги қарори ана шу партия комитетларининг масъул ва техник ходимлари штатларини 25—30 процент қисқартиришни талаб қилди.

КПСС XXII съездидан сўнг (1961 йил) ишда жамоатчилик асосларини янада ривожлантириш, маош олиб ишлайдиган партия аппаратини қисқартириш йўли давом эттирилди. Съездда қабул қилинган янги партия Программаси ва Устави партия комитетлари аппаратининг омма билан алоқани мустаҳкамлаш, меҳнатни илмий асосда ташкил этишни юксалтириш, бюрократизмга қарши кураш, партия контролини яхшилашга доир фаолиятини такомиллаштиришга ёрдам берди.

КПССнинг шундан кейинги ҳамма съездлари партия аппаратини такомиллаштиришга ўз ҳиссасини қўшди, улар орасида XXVII съезд алоҳида ўрин тутади. Съезд қарорлари партия ичидаги демократияни ҳар томонлама ривожлантиришга, барча даражаларда коллектив раҳбарлик принципини амалга оширишга, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтиришга, контролни, ишга масъулият билан ёндашишни кучайтиришга йўналтиради. Биринчи навбатда партия аппарати ходимлари ишни шу тахлитда қўйиш учун курашишлари, турғунлик ва сусткашликка муросасиз бўлишлари лозим. Улар доимо партия сиёсатини ҳаётга актив татбиқ этувчилар, унинг ғоявий ва ташкилий асосларининг изчил ва қатъий ҳимоячилари бўлишлари керак.

Аппарат иш методлари совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи, омманинг сиёсий ташкилотчиси ва тарбиячиси бўлган КПССнинг аҳволи билан чамбарчас боғлиқдир. КПССнинг мамлакатимизда коммунизм қуришга қаратилган бутун куч-ғайрати сиёсий фаолиятдан иборат. Бундан келиб чиқадики, партия аппаратининг иш методлари сиёсий методлардир.

Сиёсий раҳбарлик қилиш, деб тушунтирган эди В. И. Ленин, аввало бирлаштириш, тарбиялаш, ташкил қилишни англатади (ТАТ, 43-том, 106-бетга қаралсин). Шу сабабли партия комитетининг иши ғоят ранг-баранг бўлса-да унинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин: оммани партиянинг ҳозирги босқичдаги сиёсати тўғрилигига ишонтириш; партия сафларининг тозалиги тўғрисида ғамхўрлик қилиш; коммунистларни жой-жойига қўйиш; партия ташкилотлари структурасини такомиллаштириш; коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш; бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини юксалтириш. Партия аппарати ўз фаолиятида Уставдаги партия органлари ва бошқа органларнинг функциялари аралаштириб юборилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги қоидага ҳар доим амал қилиши кераклигини таъкидлаш лозим.

Юқорида айтиб ўтилганидек, партия комитети аппаратининг иш формалари конкрет тарихий шароитнинг ўзига хос хусусиятлари ва бевосита шу шароитдан келиб чиқадиган вазифалар билан белгиланади. Партиявий практикани доимий ривожланиш, зиддиятларни ҳар куни ҳал этиб бориш, даврнинг ҳар бир конкрет босқичида иш формаларини мазмун билан мувофиқлаштириш жараёни сифатида кўриб чиқиш лозим. Қайта қуриш шароитида В. И. Лениннинг қуйидаги огоҳлантиришини эсда тутиш зарур. «Форманинг ривожланмаганли-

ги ва мустаҳкам эмаслиги мазмунни кенгайтириш йўлида яна олдинга қараб жиддий қадам босишга имкон бермайди, шармандали турғунликка сабаб бўлади, кучларни нобуд қилишга, сўз билан ишнинг бир-бирига тўғри келмаслигига олиб боради» (ТАТ, 8-том, 431-бет).

Партия аппарати фаолиятининг самарадорлиги чуқур ўйлаб қабул қилинган қарорларга, сиёсий, иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш йўлларини тўғри танлашга боғлиқ. Ишни моҳирона планлаштириш, илмий муассасалар билан мустаҳкам ва системали алоқа, иқтисодий анализ ва социологик тадқиқотлар маълумотларидан кенг фойдаланиш, ишни илмий асосда ташкил этиш, илғор тажрибани ўрганиш ва ундан фойдаланиш — аппаратнинг иш қобилиятини оширишнинг таркибий қисмлари деярли ана шулардан иборат. Қайта қуриш шароитида ахборот билан аниқ ишлай олиш фазилати алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, вужудга келган аҳволни анализ қилишдаги объективлик, бинобарин, камчиликларни тузатиш учун воситаларни тўғри танлаш ва ҳақиқатан кенг фойдаланишга арзийдиган тажрибани жорий этиш ҳам ана шунга боғлиқ. Шу муносабат билан партия аппарати ходимларида одамлар қалбига йўл топа билиш, уларнинг фикр-мулоҳазаларини тинглаш, шахсан ўз номидан эмас, балки партиявий тажрибага асосланиб хулоса чиқариш қобилиятини тарбиялаш тўғрисида гапириш зарур.

Партия қарорларини ҳаётга татбиқ этиш — аппаратнинг асосий вазифаларидан бири. Қарорни тайёрлашдан тортиб то унинг бутунлай бажарилишигача бутун иш аппарат ходимлари зиммасида бўлади. Бу ерда нафақат чуқур билимлар, шу билан бирга ташкилотчилик қобилияти, ўзини интизомга бўйсундириш, юксак масъулият ҳисси, ижрони текшириш маҳорати ҳам зарур. Бунда текшириш жараёнида ишни карточкалар набори ва турли журналларни тузишдан иборат қилиб қўймасдан, конкрет партиявий қарорни амалда ҳаётга татбиқ қилиш зарур. Назоратнинг бош вазифаси «тузата билишдан иборатдир», деб таълим берган эди В. И. Ленин (ТАТ, 44-том, 144-бет). «Тузата билмоқ учун, 1-дан, бирон-бир муассасада, корхонада, бўлимда ва шу кабиларда ишнинг бошқарилувини *ўргана бориш* ва ўрганиб олмоқ керак; 2-дан, зарур бўлган амалий ўзгартишларни ўз вақтида *ўтказиш,* бу ўзгартишларни амалга ошириш керак» (ў ш а ж о й д а).

Аппарат коммунистлар ўртасида, раҳбар партия органлари билан партиявий омма ўртасида, турли даражалардаги партия комитетлари билан партия ташкилотлари ўртасида ривожланиб борувчи ғоявий, сиёсий, ташкилий, маънавий ва бошқа алоқалар системасидан иборат бўлган партия ички муносабатларини амалга оширишда актив қатнашади. Бу муносабатлар марксизм-ленинизм принциплари асосида, демократик централизм принципи билан қатъий мувофиқликда қурилади. Масалан, район, шаҳар даражасидаги аппарат ҳар кунги практикада бошланғич партия ташкилотлари, уларнинг бюролари, партия комитетлари, район, шаҳар партия комитетлари аъзолари, активистлар билан муносабатга киришади ва шу тарзда кишилар ўртасида алоқалар ўрнатилиши ва ривожлантирилишининг мураккаб, кўп планли жараёнидан иборат бўлган ва биргаликдаги фаолият эҳтиёжлари туфайли туғиладиган муносабат субъекти бўлиб қолади. Бу жараён ахборотлар алмашишни, бошқа кишига ўзаро таъсир этиш, уни қабул қилиш ва тушунишнинг ягона стратегиясини ишлаб чиқишни ўз ичига олади, бунда амалий хатти-ҳаракатларда партиявий этика тобора кўпроқ етакчи ўринни эгаллаб бормоқда. Партиявий бирдамлик, инсонпарварлик, революцион ҳушёрлик, ўз сўзига содиқлик, ўз-ўзини танқид қила билиш, ҳаққонийлик, принципиаллик, камтарлик бошқа фазилатлар билан боғлиқ ҳолда биринчи ўринга чиқади.

Аппарат ходими идеологик фаолият соҳасида кишилар билан яккама-якка тартибда иш олиб бора олиши айниқса муҳим. Маълумки, КПСС XXVII съезди тарбиянинг мана шу ғоят муҳим формасига алоҳида эътиборни қаратди, шахсни камол топтириш ишида максимал конкретлилик зарурлигини кўрсатди. Партия аппарати ходимлари шахсий намунаси, фаол гражданлик позицияси билан ҳам социалистик жамият идеаллари, принциплари ва қадриятларини қарор топтиришлари лозим.

Ўз вақтида В. И. Ленин хўжалик иши — бу коммунистлар партияси учун энг қизиқарли сиёсатдир, деб таъкидлаган эди (ТАТ, 43-том, 374-бетга қаралсин). Ҳар бир регионда бу сиёсат муваффақияти партия комитети, демак унинг аппаратининг ҳам ташкилотчилик куч-ғайратига боғлиқдир.

Партия комитети ўзининг район, шаҳар, область миқёсидаги сиёсий раҳбарлик миссиясини меҳнаткашларнинг ижтимоий ташкилотлари иши мазмуни ва услубига чуқур ҳамда кенг таъсир ўтказиш орқали амалга оширади. В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, «авангард билан омма ўртасидаги тўғри муносабатни» қуришдек муқаддас бурч унинг зиммасидадир (ў ш а ж о й д а, 62-бет). Партия комитети барча давлат ва жамоат ташкилотларининг «зўр бериб ва бирдамлик билан амалий» ишлаши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиши керак (ТАТ, 42-том, 287-бет).

Партиявий иш тажрибасини ўрганиш — партия комитетларининг энг муҳим вазифасидир. Шу муносабат билан олганда уларнинг аппарати — барча энг яхши, илғор тажрибани анализ қилиш, улардан энг қимматлисини умумлаштириш ва бу тажрибани партия ташкилотлари практикасига жорий қилиш функциясини бажарадиган механизмдир. Аппарат ходимлари илмий анализ қилиш, сайлаб қўйиладиган қуйи активга тўла-тўкис йўл-йўриқ кўрсата олиш, илмий муассасалар билан амалий алоқалар ўрнатиш усулларини эгаллаши, ўзларининг социологик билимдонлигини ошириш тўғрисида жон куйдириши керак.

Партия комитети аппарати партиявий иш услубини такомиллаштиришга қаратилган амалий чора-тадбирларни амалга оширишда асосий бўғин ролини бажаради. Бу ўринда ҳам мазкур ишда муваффақиятга эришишнинг В. И. Ленин эътиборни қаратган шартларини эслатиб ўтиш жоиздир: биринчидан, «жамоат фаолиятининг, ҳеч қандай мустасносиз, *барча* формаларини ёки томонларини билиб, эгаллаб олиш» ва иккинчидан, «бир форманинг жуда тез ва кутилмаганда иккинчи формага ўтишига тайёр туриш»дир (ТАТ, 41-том, 90-бет).

Ленинча иш услубини эгаллаш — бу ҳозир партия комитетлари олдида турган ғоят муҳим вазифадир. Шу услубга хос бўлган хусусиятлардан бири — компетентлилик тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бу хусусият ишни билишни (ихтисосига кўра маълумоти), аппаратдаги лавозими бўйича ўз вазифаларини билишни, партиявий ишни билишни ўз ичига олади. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг ўн марта текширгандан кейингина лавозимга тайинлаш тўғрисидаги талабини яна бир бор эслатиб ўтиш керак бўлади. Фикримизча, бу талабни партиявий-сиёсий маълумотга эга кишиларга ҳам жорий қилиш лозим. Лекин амалда бу талаб ҳозирча суст бажарилмоқда. Партия комитети аппарати ходимлари орасида партиявий-сиёсий маълумотга эга мутахассислар салмоғи камайди. Ишга тавсия қилинадиган ҳар бир кишининг лавозимга мувофиқ бўлишига эришиш борасида кам иш қилиняпти.

Аппарат партия органи обрўси учун масъулдир. Шу сабабли унинг ходимларининг психологик-педагогик тайёргарлиги катта аҳамиятга эга. Чунки аппаратнинг ҳар бир ходими партиявий обрў ифодаловчисидир, бинобарин, у ўзининг сўзлари ва хатти-ҳаракатларига нисбатан меҳнаткашларнинг мутлақ ишончини қозона билиши керак. «Коммунистик димоғдорлик», сиёсий вайсақилик, ишда малакасизлик, бюрократизм, формализм, кишиларга бағритошларча муносабатда бўлиш, ҳокимиятни суиистеъмол қилишнинг ҳар қандай кўриниши обрўга путур етказади.

Партия ходимининг партиявий фаолиятда ленинча раҳбарлик услубини амалга ошириши, шахсий феъл-атворининг КПСС Устави талабларига, коммунистик ахлоқ нормаларига мувофиқ бўлиши унинг обрўсининг асосий кўрсаткичидир.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ДУНЁҚАРАШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТИ

Ю. ЗЛОТНИКОВ,
философия фанлари доктори

КПСС XXVII СЪЕЗДИ марксча-ленинча дунёқарашнинг буюклиги ва методологик қудратини яққол таърифлаб берди: «Марксизм-ленинизм — буюк революцион дунёқарашдир. У инсоният ҳали ҳеч қачон ўз олдига қўймаган энг инсоний мақсадни — Ер юзида адолатли социал тузумни барпо этиш мақсадини асослаб берди. У ижтимоий тараққиёт жараёнини қонуний тарздаги, ғоят кенг кўламдаги кўп қирралилиги ва зиддиятлилиги билан яхлит ҳолда илмий асосда ўрганиш йўлини кўрсатиб беради, иқтисодий ва сиёсий кучларнинг характери ва ўзаро муносабатларини тўғри англаб олишга, курашнинг тўғри йўналишлари, формалари ва методларини танлаб олишга, кескин тарихий бурилишларда ўзини дадил ҳис қилишга ўргатади».

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш кенг меҳнаткашлар оммасининг илмий, марксча-ленинча дунёқарашга эга бўлишини тақозо этади. Нафақат билимлар йиғиндисига эга бўлиш, шу билан бирга мушоҳада қила билиш, илмий методларни, марксча-ленинча методологияни эгаллаш зарур. Ўз вақтида М. И. Калинин шундай деб таъкидлаган эди: «Марксистнинг қадри шундаки, у конкрет вазифаларни ҳал этишда марксистик методни қўллай билади» (М. И. Калинин. Статьи и речи о коммунистическом воспитании. М., 1951, с. 193).

Бизнинг давримизда бу қоида алоҳида актуаллик касб этмоқда. Ишончли, диалектик-материалистик методсиз халқ хўжалигини ривожлантиришда асло туб ўзгартиш ясаб бўлмайди. Юз бераётган ҳодисалар диалектикасини, уларнинг объектив мантиқини чуқур тушуниш, замон ўзгаришини акс эттирадиган тўғри хулосалар чиқара билиш — мураккаб, лекин ғоят зарур ишдир. Шу сабабдан ҳам «диалектик-материалистик методология табиий-илмий ва социал билишнинг принципиал, синалган негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Уни бундан буён ҳам ижодий ривожлантириш, тадқиқотчилик ишида ва ижтимоий практикада оқилона қўлланиш керак», — дейилади янги таҳрирдаги КПСС Программасида.

Фалсафий материализм ва материалистик диалектика фалсафий, диалектик-материалистик метод (методология) структурасига киради. Бунда умумий методнинг шу ҳар иккала томони ҳам баравар методологик вазифани бажаради. Материализм ғайритабиийликнинг мистик ниқобини олиб ташлайди, фанни табиатшуносликда ва жамиятшуносликда жараёнлар ҳамда ҳодисаларнинг объектив алоқаларини, ҳақиқий сабабларини очишга йўналтиради. Бироқ фалсафий материализм фақат диалектикага таянибгина ўзининг умумий методик ролини бажариши мумкин. Ф. Энгельс фикрича, «фақат диалектика табиатда юз берадиган тараққиёт процесслари учун, табиатнинг умумий алоқадорликлари учун, бир тадқиқот соҳасидан иккинчи тадқиқот соҳасига ўтиш учун аналогдир ва шу билан бирга изоҳлаш методидир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. Т., «Ўзбекистон», 1981, 3-том, 64-бет).

Материянинг бирламчилиги ва онгнинг иккиламчилиги, дунёни билиш мумкинлиги, ривожланиш манбаи бўлмиш зиддиятлар, билишнинг манбаи, мақсади, ҳаракатлантирувчи кучи ва ҳақиқийлигининг мезони бўлган практика тўғрисидаги ва бошқа қоидалар дунёни билиш ва ўзгартиришнинг умумий, диалектик-материалистик методининг асосини ташкил этади. Марксча-ленинча философиянинг ана шу асосий қоидаларидан бевосита диалектик-материалистик методнинг асосий принциплари келиб чиқади.

Объективлик принципи буюмлар, жараёнлар ва ҳодисаларни улар воқеликда қандай ҳолда учраса, шундайлигича қараб чиқишни, субъектив, ташқи, бегона хусусиятларни истисно қилишни тақозо этади. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «реал воқеликнинг ҳал қилувчи тенденцияларини фақат равшан тушуна олган тақдирдагина тўғри, илмий жиҳатдан асосланган сиёсат юритиш мумкин». Шуни эсда тутиш лозимки, билиш орқали ҳодисалар аввало субъектив тарзда, яъни уларнинг айрим, алоҳида, ташқи жиҳатлари идрок қилинади, билиш процесси чексиз чуқурлаша борганидагина қонуний, умумий, бутунни англашга, бирмунча саёз моҳиятдан анча чуқур моҳиятга олиб боради. Бу принципни қўллай билиш исталган ёки зоҳирий нарсаларни воқелик деб қабул қилишга олиб келадиган юзаки ҳукм чиқаришдан ва субъективистик хатолардан холи қилади.

Ҳар томонламалик принципи нарсани билиш учун унинг ҳамма томонларини, хусусиятларини — миқдори ва сифати, мазмуни ва шакли, структураси ва функциясини ўрганиш кераклигини билдиради. Фақат шу йўсинда нарсанинг ҳаддан зиёд кўп хусусиятлари ва томонлари ичидан унинг мавжудлигини қонуний белгилайдиган, асосий, муҳим хусусиятларини ажратиб олиш мумкин. Акс ҳолда вазиятни эгаллашга, унга ҳукмронлик қилишга олиб борадиган «асосий бўғин»ни топиш қийин бўлади. Партия вужудга келган аҳволга ҳар томонлама баҳо бериб, эндиликда бизнинг бутун ҳаётий фаолиятимизни қайта қуриш ана шундай «асосий бўғин»дир деган хулосага келди.

Ўзаро алоқадорлик принципи ҳар бир ҳодисани бошқаларидан ажратилган ҳолда эмас, балки улар билан универсал умумий алоқада, ўзаро таъсирда, ўзаро боғланишда кўриб чиқишни тақозо этади. Масалан, партия давлатларнинг ўзаро таъсирига объектив зарурият, ҳозирги жаҳон процессининг диалектик қонунияти деб қарайди. «Ядровий фалокатнинг олдини олиш учун, цивилизация омон қолиши учун мана шундай биргаликдаги ҳаракат зарур, — дейилади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида. — Кескинлашиб бораётган бошқа умумбашарий проблемаларни ҳам биргаликда ва ҳар бир давлатнинг манфаатлари йўлида ҳал этиш учун мана шундай биргаликдаги ҳаракат талаб этилади. Икки системанинг мусобақаси, ўзаро кураши билан жаҳон жамияти давлатларининг ўзаро боғлиқлиги томон кучайиб борувчи тенденциянинг бирга қўшилиши — ҳозирги замон тараққиётининг реал диалектикасидир». Бир нарсанинг бошқа нарсаларга турли муносабатларининг бутун мажмуини ҳисобга олиш, унинг барча алоқалари ва воситаларини қамраб олиш зарур. Бу энг барқарор ва муҳим алоқаларни топишга, ҳодисанинг фикрий моделини номуҳим муносабатлардан абстракция қилиш йўли билан тўғри «соддалаштириш»га ёрдам беради.

Тараққиёт принципи нарсалар ва ҳодисаларни уларнинг доимий ҳаракатида, ўзгаришида ўрганиш кераклигини, зиддиятларни тараққиётнинг ички манбаи сифатида тадқиқ қилиш, бу жараённи текис эволюция сифатида эмас, балки миқдорий ўзгаришларнинг доимий суратда сифат ўзгаришларига ўтиши, янгининг эскини ва энг янгининг янгини диалектик инкор этиши сифатида кўриб чиқиш лозимлигини билдиради. Фақат шу тарздагина ривожланиш тенденцияларини тушуниш, истиқболни кўра билиш, ўсиб бораётганни эскираётгандан фарқлаш, янги, илғор нарсани кўзлаш, консерватизмдан ёки аксинча асоссиз равишда илгарилаб кетишдан холи бўлиш мумкин. Партия СССРнинг халқаро сиёсатини мазкур принципга мувофиқ равишда белгилаб, шундай қайд қилади: «Ҳозирги дунё мураккаб, ранго-ранг жўшқин дунё, бир-бирига қарама-қарши тенденциялар билан йўғрилган, зиддиятларга тўлиб-тошган дунёдир. Бу дунё ғоят мураккаб альтернативалар, ташвиш ва умид-орзулар дунёсидир... Унинг

зиддиятлари эски дунё устидан, олға томон ҳаракатга халал берувчи барча нарсалар устидан чиқарилган ҳукмни ифодалабгина қолмай, балки ижтимоий тараққиётнинг ҳаракатлантирувчи кучининг манбаи ҳамдир» (КПСС XXVII съездининг материаллари, 7-бет).

Конкретлилик принципи ҳар бир ходисани мавҳум, воқеликдан ажратилган ҳолда эмас, балки конкрет-тарихий шароитда, бу жараён ўтаётган ривожланиш даври билан боғланишда кўриб чиқишни, мазкур ҳодисанинг бутун тарихидан олдинги даврни ва барча конкрет ҳолатларини текшириб боришни тақозо этади. Қуруқ сафсаталар, дадил назарий умумлашмалардан йироқ фактларнинг пассив тарзда қайд қилиниши, тутуриқсизлик, реалликдан узилиб қолиш фанга зиддир. Шуни ҳар доим эсда тутиш керакки, мавҳум ҳақиқат бўлмайди, ҳақиқат ҳамиша конкретдир. Бу ўй-фикрларда ва хатти-ҳаракатларда догматизм ва расмиятчиликдан холи бўлишга ёрдам беради.

Партиявийлик принципи экономика, фан, техниканинг у ёки бу проблемаларини ҳал этиш жараёнида уларга аниқ англаб олинган синфий позициядан туриб, бу барча проблемалар нафақат хўжаликка оид ёки техникавий, шу билан бирга сиёсий, партиявий проблемалар ҳам эканлигини ёдда тутган ҳолда ёндашиш зарурлигини кўзда тутади. Шу сабабли партиянинг энг муҳим вазифаларидан бири — совет кишиларида юксак сиёсий онглилик ва ҳушёрликни, ижтимоий ҳодисаларни аниқ синфий позициялардан туриб баҳолай олиш, социализм идеаллари ва маънавий қадриятларини ҳимоя қилиш қобилиятини тарбиялашдан иборат.

Ўз-ўзидан равшанки, диалектик-материалистик метод принциплари фақат юқорида санаб ўтилганлар билан чекланмайди. Марксизм-ленинизм классиклари асарларини, КПСС XXVII съезди материаллари, Коммунистик партия ва Совет давлатининг кўзга кўринган арбоблари асарларини ўрганиш бу методни янада тўлароқ қамраб олишга имконият яратади.

Шундай қилиб, диалектик-материалистик методологияни эгаллаш марксизм-ленинизмнинг асосий қоидаларини чуқур билишни — илмий дунёқараш ривожланишининг олий даражасини тақозо этади, бундай дунёқараш шахс руҳий дунёсининг негизи бўлиб, унинг ижтимоий етуклиги ва маданиятини кўрсатади. Бунда марксизм-ленинизмнинг назарий асоси бўлган маркача-ленинча философия илмий дунёқарашнинг ўзагини ташкил этади, чунки борлиқ ва тафаккурнинг энг умумий қонунлари тўғрисидаги билимларни айни шу философия беради. Ўз-ўзидан равшанки, маркча-ленинча таълимотнинг бошқа таркибий қисмлари — сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм ҳам дунёқарашни шакллантиради.

Методологик функция илмий дунёқарашнинг асосий функцияларидан бири ҳисобланадики, дунёқараш принципларининг билиш процесси ва амалий фаолият қўлланмаси сифатида белгиланишининг ўзи шуни тақозо этади. Методологик функциядан ташқари қуйидагилар ҳам маркча-ленинча дунёқарашнинг асосий функциялари ҳисобланади: тарбиявий — коммунистик шахсни шакллантириш; идеологик — социал қадриятлар, манфаатлар ва идеалларнинг мезонларини белгилаш; интегратив — индивидлар ва ижтимоий группаларни ягона социал бутунга жипслаштириш. Санаб ўтилган функцияларни бажариш энг муҳим идеологик вазифа бўлиб, партия XXVII съезди бизни шу вазифани ҳал этишга даъват этди.

Маркча-ленинча дунёқарашнинг шахсни шакллантириш ва ривожлантиришдаги методологик, рағбатлантирувчи қобилияти унинг энг камида иккита алоҳида хусусияти билан изоҳланади.

Биринчидан, у инсоннинг синтезланган идеали сифатида намоён бўлади, чунки бу дунёқараш инсоннинг имкониятлари ва қобилиятлари, потенциялари ва ривожланиш истиқболлари ҳақидаги билимни ўзида мужассамлаштиради. Идеал билан воқелик ўртасида доимо зиддият мавжуд бўладики, ана шу зиддият индивид фаолиятини рағбатлантиради, социал активлигини уйғотади, унинг камол топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Билиш процессига нисбатан олганда дунёқараш гносеологик идеал сифатида намоён бўладики, дунё ҳақидаги билим ўз ҳаракатида ана шу идеалга интилади. Воқеликни

билиш жараёнида унинг идеал образига эришилади, бу образ реалликка айланади, яъни у идеал бўлмай қолади, лекин билишнинг янги босқичида тағин идеал сифатида намоён бўлади ва бу цикл янада юқорироқ даражада такрорланади. Шундай қилиб, дунёқараш идеал (умумсоциологик ва гносеологик) сифатида инсон ва унинг билими ривожланишининг генератори вазифасини бажаради.

Иккинчидан, дунёқараш — бу ишончга айланган билим, эътиқоддир. Эътиқод эса инсоннинг ўз ғоялари, қарашлари, позициялари тўғрилигига бутунлай ва мустаҳкам ишончидир. Эътиқодлар, Қ. Маркс таъбири билан айтганда, «иблислардир, инсон уларга бўйсунибгина уларни енгиши мумкин» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 1-том, 118-бет.). Ишончга асосланган дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у норматив характерга эга бўлади, у нафақат фикрлаш тарзини, шу билан бирга хатти-ҳаракатлар тарзини ҳам ўз ичига олади. Дунёқарашга асосланган чуқур эътиқод билиш фаолиятига рағбатлантирувчи таъсир ўтказади, у гносеологияда синтез қилинган ғоя — билишнинг олий формаси сифатида «иш кўради», бундай формадаги билим ўз мазмунига кўра объектив борлиқ билан қўшилиб кетади ва практикага чиқишга интилади. Ишончга асосланган дунёқараш — фақат дунё ҳақидаги назарий билим бўлибгина қолмай, шу билан бирга уни туб ўзгартириш мақсади ва тажрибаси ҳамдир. Шу тахлитда дунёқараш эътиқод сифатида ҳам инсон фаоллигининг генератори вазифасини бажаради. Бундан яна шу нарса келиб чиқадики, марксизм-ленинизмни ва бошқа фанларни шунчаки биладиган киши эмас, балки шу билимга мувофиқ яшаб фаолият кўрсатадиган кишигина коммунистик дунёқарашга эга бўлади.

Дунёқарашнинг билишга оид ва амалий фаолиятга методологик таъсири бир неча йўналишлар орқали юз беради. У, жумладан, билиш ва ҳаракатнинг асосий йўл-йўриқларини, инсон дунёни қандай кузатиши ва талқин қилишини белгилаб беради. Чунончи, турлича дунёқарашларнинг тарафдорлари бир хил ҳодисаларни кўриб чиқар эканлар, уларда турли нарсаларни кўришлари маълум. Дунёқараш яна умумий илмий тушунчаларни (материя, онг) ва унга умумий бўлмаган илмий тушунчаларни (масса, энергия), шунингдек проблемалар танлашни ва илмий изоҳлаш турларини белгилаб беради. Ниҳоят, илмий кашфиётларни амалга ошириш йўналишлари дунёқараш билан боғлиқ бўлади.

Буларнинг ҳаммаси бизга фалсафий дунёқарашни шакллантиришни инсоннинг назарий тафаккурини ривожлантириш, уни фикр методологияси билан қуроллантириш нуктаи назаридан кўриб чиқиш вазифасини юклайди. Ф. Энгельс «назарий тафаккур фақат қобилият шаклидаги туғма хусусиятдир. Бу қобилият ривожлантирилиши, такомиллаштирилиши лозим, бунинг учун эса ҳозирга қадар, бутун ўтмиш философияни ўрганишдан бошқа ҳеч қандай восита йўқ», деб кўрсатган эди (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. Т., «Ўзбекистон», 1981, 3-том, 63-бет). Бунда дунёқарашнинг билиш фаолиятига методологик таъсир ўтказиш механизмини очиб бериш муҳимдир.

Маълумки, билиш билим билан билмаслик ўртасидаги зиддиятларни ҳал этиш орқали ривожланиб боради. Бу кенг (дунёқарашга оид) планда қуйидагича намоён бўлади: дунёқараш фақатгина объектив дунёни тўла акс эттирмаганлиги учун эмас (дунё ҳамиша мураккаброқдир), балки ҳали ҳақиқатда мавжуд бўлмаган янги дунёнинг идеал образини ўзига мақсад деб билгани учун ҳам объектив оламга тўлиқ мувофиқ келмайди. Дунёқараш билан объектив борлиқ ўртасидаги муайян яхлитлик доирасида амал қилувчи улар ўртасидаги ана шу зиддият дунёни назарий билишни ва амалий туб ўзгартиришни рағбатлантириб турувчи бўлиб хизмат қилади.

Бироқ дунёқараш объектив қонунларни ишончли акс эттиргани ҳолдагина дунёни туб ўзгартириш учун кенг имкониятлар очиб беради. Марксизм-ленинизм ана шундай дунёқарашдир. У тўғри бўлганлиги учун ҳам унинг методологик кучини инкор қилиб бўлмайди; бизнинг бутун тараққиётимиз шунга асосланади ва бу бизга оптимистик руҳ бағишлайди — «бизнинг планларимиз марксча-ленинча фаннинг мустаҳкам пойдеворига қурилади, Владимир Ильич Ленин ғояларининг битмас-туганмас бойлигига таянади»

(КПСС XXVII съездининг материаллари, 109-бет). Агар дунёқараш воқеликни нотўғри акс эттирса, у методологик аҳамиятга эга бўлмай қолади ва социал тараққиётга тўсқинлик қилади. Буржуача дунёқараш ана шундай дунёқараш бўлиб, идеалларнинг йўқлиги, мавҳумлик, пессимизм, ҳаётий мақсад ва маънонинг йўқлиги, ахлоқий нигилизм ва сурбетлик унга хос хусусиятлардир. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, шахсиятпарастлик, зўравонлик ва ҳамма нарсанинг мумкинлигига сиғиниш, ёвуз антикоммунизм, маданиятдан бойлик орттириш манбаи сифатида фойдаланиш маънавиятсизликнинг ёйилишига, маънавий таназзулга олиб боради.

Илмий дунёқарашнинг методологик функцияси доирасида бу дунёқарашнинг алоҳида киши ва жамият учун амалий фаолиятга оид ролини алоҳида таъкидлаш керак бўлади. Практика назариядан юқори туради, деб таълим берган эди В. И. Ленин. Дунёқараш практика, иш учун керак. Албатта, илмий дунёқараш ўз-ўзидан ишни юрита олмайди, балки буни кишилар фаолияти орқали бажаради. У кишиларга бу фаолиятнинг йўли, мақсади ва воситаларини кўрсатади, шу нарсаларсиз фаолият ҳар қандай маънодан маҳрумдир. У кишиларни нафақат билимлар, шу билан бирга ҳис-туйғулар, фаолият кўрсатиш учун ирода билан қуроллантиради ва пировард оқибатда ўзи ҳам практика тусини олади. Бошқача айтганда, дунёқараш — бу мавҳум, абстракт тушунчалар йиғиндиси, ақл-заковат учун ўйлаб топилган билимлар эмас, балки амалдаги фикр, баррикадалардаги, кураш тактикасидаги ғоядир. «Маркс, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — пролетариат тактикасининг асосий вазифасини ўз материалистик-деалектик дунёқарашининг ҳамма қоидаларига қатъий суратда мувофиқ қилиб белгилаб берган эди» (ТАТ, 26-том, 85-бет). Табиийки, совет кишисининг сиёсий етуклиги ва ишдаги амалий активлиги даражаси унинг дунёқараш билан қуролланганлигининг мезони бўлиб ҳисобланади.

Ҳаракат методологияси сифатидаги илмий дунёқарашни шакллантириш проблемаси студент-ёшларга нисбатан олганда алоҳида актуаллик касб этади. Бизда баъзан коммунистик дунёқараш тўғрисида кўп гапирилади, лекин енгил, юзаки, бир хил қолипда гапирилади, унинг чуқур моҳияти ва бунёдкор кучи, юксак инсонпарварлиги ва прогрессив характери, буржуача дунёқарашдан тубдан фарқ қилиши очиб берилмайди; дунёқарашни шакллантиришнинг амалий томони ҳали ҳам бўшлигича қолмоқда, таълимнинг дунёқарашни тарбиялашдан ажралиши ёки уларнинг сунъий равишда қўшилиши учраб туради. Натижада шундай бўладики, одамларимиз болалигиданоқ марксча-ленинча дунёқарашнинг тўғри дунёқараш эканлигини умуман билишади. Бироқ унинг нега шундайлигини яхши, ишонарли тарзда билишмайди. Бундай салбий ҳоллар асосан субъектив сабабларга кўра рўй беради. Объектив жиҳатдан эса бундай ҳолларни истисно қилиш учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуд.

Таълимнинг дунёқарашга оид-методологик йўналиши ўқув-тарбия жараёнига сунъий тарзда киритилмаслиги керак. Бу — онгли ва масъулиятли бўлиш зарурлиги тўғрисида ҳар доим ишлатилаверадиган иборалар эмас. Бу — ҳар бир машғулотнинг жонли юрагидир. Таълим ўз моҳиятига кўра партиявий бўлиб, дунёқараш масалалари унга қўшимча эмас, балки унинг мазмунли қисмидир. Фан ижтимоий тузум, иқтисодий ва социал сиёсат, ҳукмрон маънавий йўл-йўриқлар характерига, ғоялар ва идеаллар системасига, педагогнинг дунёқараш ва методология билан қуролланганлигига боғлиқ. Дунёқараш илмий билим мазмунига, унинг жон-танига сингиб кетади. Таълимда нигилизм, ҳамма нарсани ўртага ташлайвериш ярамайди.

КПСС МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида 1986 йил 1 октябрда сўзлаган нуткида ижтимоий фанларни ўқитишнинг илмий дунёқарашни шакллантиришдаги аҳамияти тўғрисида гапирди. «Ҳозирги мураккаб, зиддиятли, аммо бир-бирига боғлиқ дунёда тўғри йўл топа билиш маҳорати — табиат инъоми эмас, — деб таъкидлади Михаил Сергеевич. — Бундай маҳорат йўл-йўлакай, махсус фанларни ўзлаштириш билан бирга ҳам пайдо бўлмайди. Бўлғуси мутахассисларни шундай маҳоратга ўқитиб-ўргатиш керак. Чунки дунёқараш — дунё тўғрисидаги умумий маълумотларнинг йиғиндисидангина

иборат эмас. Бу айни вақтда англаб олинган синфий манфаатлар ва идеаллар, ҳуқуқий ва маънавий нормалар, социал афзалликлар ва гуманистик бойликлар — хуллас инсоннинг ҳаётда танлаб оладиган хулқ-атвор йўлини, унинг жамиятга ҳамда ўзига нисбатан масъулиятли муносабатини белгилаб берадиган барча нарсалар ҳамдир».

Барча фанлар совет кишиларининг илмий дунёқарашини шакллантиришга алоқадордир. Бу ерда В. И. Лениннинг «инженер коммунизмни тан олиш масаласига подпольеда ишлаган пропагандист, адиб келган *тахлитда келмасдан, ўз фанининг маълумотлари орқали* келиши.., коммунизмни тан олиш масаласига — агроном *ўзича*, ўрмоншунос ва бошқалар ўзича келиши...» тўғрисидаги кўрсатмасини эсга олиш муҳим (Тўла асарлар тўплами, 42-том, 408-бет). Жумладан, эндиликда олий ўқув юртларида бўлғуси мутахассисларни дунёқараш жиҳатидан узлуксиз тайёрлаш программалари ишлаб чиқилмоқдаки, улар шу жараёнга кўмаклашиши лозим. Программаларда ҳар бир ўқув фанининг марксча-ленинча дунёқараш билан боғлиқ конкрет жиҳатлари ажратиб кўрсатилади.

Махсус билимлар ривожланишининг қонуниятларини ҳисобга олмасдан туриб жамиятга, кишининг ундаги ўз ўрнига қатъий диалектик-материалистик қарашни ишлаб чиқиш мумкин эмас. Ҳар қандай профилдаги бўлғуси мутахассис касбий тайёргарлигининг дунёқарашга оид жиҳатини изчил ва собитқадамлик билан кучайтириш мақсадга мувофиқ деб топилган.

Бошқа томондан, киши марксизм-ленинизм асосларини қанчалик тўла эгалласа, унинг методология билан қуролланганлиги шунчалик юқори бўлади, касбида муваффақиятли камол топа боради, амалий фаолияти янада самарали бўлиб, ҳаётга қизиқиши ошади. К. Маркс шундай қайд қилган эди: «У ёки бу масала *сиёсий* масала тусини олгандагина ўзига алоҳида эътиборни жалб этади» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар. 1-том, 360-бет). Вазифа махсус билимларга сиёсий, дунёқарашга оид, бинобарин, методологик характер бахш этишдан иборат. Бунда методология сифатидаги илмий дунёқарашни шакллантиришга доир фаолиятни касбга оид билимлар доирасида чеклаб бўлмайди. Ҳар бир раҳбар — идеолог ҳамдир, у идеологик воситаларнинг бутун хазинасидан фойдаланиб, меҳнат коллективларига дунёқараш бобида таъсир ўтказиши керак.

Бунда идеология ишининг асосий вазифаларидан бири шундан иборатки, у марксча-ленинча дунёқарашнинг нафақат изчил партиявий, шу билан бирга илмий, ягона ҳақиқий дунёқараш эканлиги шубҳасиз фактини ҳар бир совет кишиси онгига чуқур сингдириши керак. Пропагандистнинг бутун методик хазинаси, бор маҳорати ана шунга бўйсундирилиши лозим.

Марксча-ленинча партиявийлик ва илмийлик — коммунистик дунёқарашнинг бир-бирига қўшилиб кетган иккита ажралмас томонидир. Шу сабабли идеология ишининг юксак илмийлиги бу ишда партиявийликни рўёбга чиқаришнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади. Коммунистик партиявийлик билан илмий объективлик узвий равишда бир-бирига тўғри келади. Ростгўйлик, ҳақиқат, партиявийлик — бизнинг энг қудратли идеологик қуролимиз. Бу социализмнинг ғоят муҳим ғалабасидир. КПСС XXVII съезди таъкидлаганидек, «ижтимоий тараққиётнинг объектив қонуниятлари сиёсатда қанчалик аниқ ҳисобга олинса, жонли практикани идрок этишда марксча-ленинча назариянинг роли қанчалик актив бўлса, социализмни такомиллаштириш иши шунчалик муваффақиятли боради».

Буржуача дунёқараш ҳақиқатга зиддир. Бу асло буржуа идеологларининг билиш қобилияти йўқлиги ёки ақли заифлиги билан эмас, балки улар хизмат қиладиган синфнинг социал-иқтисодий аҳволи билан изоҳланадики, бундай аҳвол дунё ривожланишининг объектив мантиқига, бинобарин, илмий дунёқарашга зид шундай манфаатларни зарурий тарзда вужудга келтиради.

Ҳозирги дунёда икки жаҳон системаси — социализм билан капитализмнинг қарама-қаршилигини акс эттирувчи иккита бир-бирига зид идеология — коммунистик ва буржуа идеологиялари ўртасида шафқатсиз кураш кетмоқда. Капиталистик тузум маддоҳлари кишиларни марксизм-ленинизмдан юз

ўгиртириш учун қўлидан келган барча воситаларни ишга солмоқдалар. Буржуача дунёқараш — социал норозилик яшинларини капитализм учун хавфсиз ўзанга йўллайдиган яшинқайтаргич ролини бажарувчи методологиядир. Биз шуни яққол тушуниб олишимиз керакки, буржуача дунёқараш коммунистик дунёқарашга мутлақо зиддир ва унга қарши курашмасдан янги инсонни камол топтириб бўлмайди. «Коммунистик тарбия иши,— деб таъкидланади янги таҳрирдаги КПСС Программасида,— **ёт идеология ва ахлоқ кўринишларига... барча салбий ҳодисаларга қарши кураш** билан чамбарчас боғлиқдир».

Ҳозирги пайтда ҳамма фаолият соҳаларида марксча-ленинча дунёқарашнинг методологик роли ошиб бормоқда. Бу муайян социал-сиёсий вазиятлар стихияли эмас, онгли, марксча-ленинча дунёқарашга мувофиқ равишда қурилаётган янги жамият табиати; жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида партия ролининг ошиб бориши; шахс ва социал группа эркинлиги ва демократияси янада ривожланиши; жамият тараққиёти суръатларининг жадаллашиши; бутун социал ва иқтисодий турмушнинг қайта қурилиши; жаҳон революцион процессининг зўр равнақи; буржуа идеологияси билан кескин курашиш эҳтиёжлари билан боғлиқдир.

Бугунги кунда гносеологик йўсиндаги вазиятлар: ижтимоий ва аниқ фанлар соҳасида янги маълумотларнинг пайдо бўлиши; дунёдаги аҳволнинг мураккаблашиши, янги дунёқарашга оид методологик категорияларнинг бутун бир туркумига бўлган эҳтиёж; фанлар интеграцияси ва табақаланиши жараёнининг ривожланиши, анъанавий фанлар туташган жойда янги фанлар пайдо бўлиши; фанларнинг математикалашуви кучайиши, «физик» идеализм ва шу сингариларнинг такрорланиш хавфи; фанларнинг космиклаштирилиши; фан билан ишлаб чиқариш алоқасининг кучайганлиги; ижтимоий ҳаётда фан ролининг ошиб бораётганлиги ҳам методология сифатидаги илмий дунёқараш ролининг ошиб боришини тақозо этмоқда.

Касбий сабаблар: қайта қуриш даврида барча ихтисослардаги раҳбар кадрлар ролининг ошиб бориши; меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий тарбиялаш вазифалари салмоғининг ошиши; корхоналар ва меҳнат коллективлари ҳуқуқларини ва мустақиллигини кенгайтириш шароитида тафаккурнинг ўзи ҳам қайта қурилиши кабилар совет кишиларининг дунёқарашга оид-методологик қуролланганини интенсивлаштириш ва унинг сифатини ошириш зарурлигини тақозо қилади.

Булар ҳаммаси КПСС XXVII съезди белгилаган планларни амалга ошириш юзасидан муваффақиятли фаолият юргизишнинг зарурий шарти сифатида меҳнаткашларни дунёқараш бобида тайёрлаш ишида партиявий-сиёсий аппарат ва идеология активи куч-ғайратларини бирлаштиришни талаб қилади. Марксча-ленинча дунёқарашга оид эътиқодни камол топтириш — совет кишилари марксча-ленинча таълимотни чуқур эгаллаши тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб келаётган партиянинг биринчи даражали вазифасидир.

ЁШЛАР ҲАРБИЙ-ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИНГ АКТУАЛ ПРОБЛЕМАЛАРИ

генерал-лейтенант Г. СТЕФАНОВСКИЙ,

ҳарбий совет аъзоси — Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи Сиёсий бошқармасининг бошлиғи

ҲОЗИРГИ мураккаб халқаро вазиятда армия ва халқнинг бўлиши эҳтимол оғир синовларга тайёр туриши алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шу сабабли, янги таҳрирдаги КПСС Программасида таъкидланганидек, «ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга, бунинг учун ўзининг бутун куч-ғайратини, агар лозим бўлса, ҳаётини ҳам бағишлашга шайлик туйғусини ҳосил қилиш ғоявий-тарбиявий ишнинг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади». Бу иш соҳасида тўпланган илғор тажриба шуни кўрсатадики, агар у комплекс тарзда ўтказилсагина, яъни ғоявий-сиёсий чиниқтириш, маънавий-психологик, ҳарбий ва жисмоний тайёргарлик бирга қўшиб олиб борилганидагина яхши самара бериши мумкин.

Ёш авлодда социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёргарлик ва қобилиятни шакллантиришнинг ягона системаси бўлган ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ҳамма жойда — оилада, мактабда, армияда ва ишлаб чиқаришда олиб борилиши керак. Совет Қуролли Кучлари бу системанинг марказий бўғинидир, миллион-миллион совет кишилари ана шу ўзига хос «эркаклар университети»дан ўтишган. Уларнинг кўпчилиги хизмат вақтида социал активлик, гражданлик жасорати, мақсадга эришишда қатъийлик ва тиришқоқлик, дадиллик сингари қимматли фазилатларга эга бўлишган. Ёшларнинг синовларга тайёрлиги, ҳарбий иш асосларини пухта билиши, юксак уюшқоқлиги ва интизоми улар билан ўтказиладиган ҳарбий-ватанпарварлик ишининг таъсирчанлигини ва самарадорлигини белгилайди.

Ўтган йили Тошкентда Ўзбекистон ва Туркманистон компартиялари Марказий Комитетлари, округ Ҳарбий совети томонидан қатор министрликлар, идоралар, ҳарбий комиссарликлар вакиллари, шунингдек командирлар ва сиёсий органлар бошлиқлари иштирокида ўтказилган зонал кенгаш ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига ва уларнинг армия хизматига тайёргарлигига бағишланди. Унда мудофаа-оммавий ишлар ташкилотчилари учун амалий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва қабул қилинди.

Ҳозир барча даражаларда — Ўзбекистон Компартияси МК дан район ва шаҳар партия комитетларигача, округ Ҳарбий советидан район ҳарбий комиссарликлари ва ҳарбий қисмларгача ҳаммасида ёшларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини ва уларни армия хизматига тайёрлашни яхшилаш юзасидан биргаликдаги иш планлари тузилган ва амалга оширилмоқда. Масалан, республика областлари ва районларида мудофаага оид активлар ўтказилди, партия, совет ва комсомол органлари иштирокида ва улар раҳбарлигида совет қўшинларининг чекланган контингенти составида Афғонистон Демократик Республикаси территориясида интернационал бурчини ўтаётган ҳарбий қисмлар билан оталиқ муносабатлари ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Тошкент, Фарғона ва Самарқанд областлари комсомоллари ҳарбий госпиталларни доимий оталиқларига олишган. Армияга тантанали кузатишлар ва уйига қайтаётган интернационалист-жангчиларни кутиб олишлар анъанавий бўлиб қолди.

Лекин бу — улкан мудофаа-оммавий ишларнинг дебочаси, холос. Бу иш сўнгги пайтларгача лозимича ўтказилмай келган, чунки республиканинг кўпчилик область, шаҳар ва район ҳарбий комиссарликларида бу ишни пировард натижаларга қараб эмас, балки ўтказилган тадбирлар сонига, бундай

тадбирлар билан ёшларнинг қанча проценти қамраб олинганлигига қараб баҳолашдек нотўғри практика расм бўлган эди. Бу рақамларнинг «ялпи» кўрсаткичи жойлардаги ишларнинг ҳақиқий аҳволини яширар эди.

Республикадаги ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг ҳозирги талабларга жавоб бера оладиган бўлиши учун қандай вазифаларни бажариш керак?

Ерли миллатга мансуб кишилар ичидан офицерлар тайёрлаш — энг актуал проблемалардан бири. Ҳозир улар офицерлар корпусимиз умумий сонининг жуда кам қисмини ташкил этади. Бунга сабаб қатор жойларда ўқувчи ёшлар орасида ҳарбий касб танлаш ишининг қониқарсиз ўтказилишидир.

Вужудга келган аҳвол ёш авлод назарида совет офицери касбининг социал аҳамиятини қарор топтириш ишини тубдан қайта қуришни тақозо этади. Бу мақсадга ҳар хил йўллар билан эришиш мумкин. Масалан, ёшларни ҳарбий ихтисосликни танлашга йўналтира туриб армиядаги совет офицерлари, айтайлик, учувчи Шожалиловлар, сиёсий ходимлар Мамажоновлар ва уларга ўхшаган бошқа офицерлар сулоласи вакиллари хизматининг ижобий тажрибасига мурожаат қилиш мумкин бўлади. Бизда бундай иш амалда умуман қилинмаяпти. Мактабларда давлат мукофотларига сазовор бўлган, хизмат ва интернационал вазифаларни адо қилишда жасорат кўрсатган ёш офицерлар билан муттасил учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиб туришнинг мақсадга мувофиқлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Тошкент, Самарқанд ва Чирчиқдаги ҳарбий билим юртлари қошидаги ҳарбий-ватанпарварлик мактаблари иши ҳам ҳозирча кўнгилдагидай эмас.

Иккинчи проблема маҳаллий миллатга мансуб кишиларга рус тилини ўргатишни яхшилашдан иборат. Бу проблемани ҳал этмагунча хизматга чақириладиган контингентни сифатли тайёрлаш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бўлғуси жангчининг рус тилини яхши билиши — бу ҳам юксак жанговар тайёргарлик, ҳам ёш кучларнинг тезда сафдан жой олиши, ҳам ҳарбий билим юртларини мукаммал комплектлашдир.

Афсуски, ҳозирча кўпгина мактаблардаги ҳарбий раҳбарлар бу вазифаларни яхши бажаришмаяпти. Республика мактабларининг ҳар иккитадан биттасида ҳарбий тайёргарликка доир машғулотлар ҳали ҳам ўзбек тилида ўтилади. Унинг устига кўпгина мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ҳарбий раҳбарлари атиги ўрта маълумотга эга, уларнинг учтасидан бири — партия аъзоси, кўпчилик қисми — запасдаги сержантлар ва солдатлардир, улар ичида ҳатто армияда умуман хизмат қилмаганлар ҳам бор. Бу ўқувчиларнинг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини яхши ўтказишга халақит беради.

Албатта, ҳамма жойда ҳам аҳвол шундай эмас. Айрим ҳарбий раҳбарларнинг ўз вазифаларига ижобий ёндашаётганликларини кўрсатувчи мисолларни кўплаб келтириш мумкин, лекин, афсуски, уларни кўпчилик билмайди, аслида бундай тажрибани оммалаштириш мудофаа-оммавий ишга жиддий ҳисса бўлиб қўшилган бўлур эди. Ҳозирги пайтда мактабларнинг энг яхши ҳарбий раҳбарлари Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони томонидан рағбатлантирилгандир. Шубҳасиз, бу ана шу касбдаги кишилар обрўсини мустаҳкамлашга ва улар фаолиятини активлаштиришга ёрдам беради.

Учинчи проблема допризивникларни жисмоний чиниктиришни тубдан яхшилаш зарурлиги билан боғлиқ. Бугунги кунда бу проблема ҳар қачонгидан кўра ҳам кескинроқ бўлиб турибди, бу аввало ҳар бир ҳарбий хизматчининг жисмоний тайёргарлигига талабларнинг ниҳоятда ошиб кетганлиги, шунингдек республиканинг қатор область ва районларида спорт-соғломлаштириш ишида жиддий нуқсонлар, баъзан қўшиб ёзишлар ҳам мавжудлиги билан боғлиқдир. Масалан, маълумотларга қараганда, хизматга чақирилувчиларнинг қарийб 100 проценти ГТО нишондорлари ва разрядчи-спортчилар ҳисобланишади, контрол текширишда эса уларнинг жуда кам қисми нормативларни бажара олишади. Ёшларнинг спорт жиҳатдан тайёргарлигининг ёмонлиги, шунингдек, кўпгина ўқув юртларида физкультура ва спорт машғулотлари учун зарур базанинг йўқлиги ҳамда физкультура ва спортнинг, айниқса унинг ҳарбий-амалий ва техник турларининг яхши пропаганда қилинмаслиги билан ҳам боғлиқдир.

Ўз ечимини кутаётган тўртинчи проблема — бу хизматга чақириладиган ёшлар орасида пацифизм фактларининг тобора кўпроқ учраётганлигидир. Хизматга чақириладиганлар орасида бу хилдаги кайфият ва қарашларга хеч ҳам йўл қўйиш керак эмас. Уларга барҳам бериш — ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясининг энг масъулиятли вазифаларидан бири бўлиб, оммавий пропаганда ва ишонтиришнинг барча воситаларидан фойдаланган ҳолда ана шу вазифани ҳал қилиш керак. Бунда ёшлар билан тушунтириш иши олиб борилганида улар эътиборини аввало дунёдаги ҳозирги ҳарбий-сиёсий вазиятга қаратиш ва синфий душманларимизнинг хатти-ҳаракатларини тегишли тарзда изоҳлагач, барча ёшларни армия хизматига кунт билан тайёрланиш ва Ватанга садоқат билан хизмат қилиш зарурлигига ишонтиришга ҳаракат қилиш зарур.

Бу ишда оталиқдаги қисмларнинг офицерлари, курсантлари, солдатлари ва сержантлари, ҳарбий комиссарликлар ва юристлар янада актив қатнашиши керак. Гап бугунги ҳарбий хизматнинг аҳамиятини кўрсатиш, ёшларнинг бу хизматни фидокорона ва виждонан бажараётганлигини кўрсатувчи реал мисолларни пропаганда қилиш, шунингдек совет қонунлари талабларини допризивниклар онгига етказиш зарурлиги тўғрисида бормоқда. Афсуски, биз ҳарбий-оталиқ ишида расмиятчилик ва маърифатчиликни суст бартараф қиляпмиз, кўпинча бу ишни докладчилар ва байрам кунларида бадиий ҳаваскорлик концертлари билан алмашишдангина иборат қилиб қўйяпмиз.

Бешинчи проблема запасдаги интернационалист-жангчилар билан ишлаш методларини тубдан қайта кўриб чиқишдан иборат. Мамлакатнинг кўпгина регионларида махсус советлар ва секциялар ташкил этиш йўли билан бундай ёшлар актив фаолиятга жалб қилинаётган бир пайтда Ўзбекистонда бу йўналишда ҳозирча жуда кам иш қилинган. Фикримизча, оммавий ахборот воситалари имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш бу ишни йўлга қўйишга ёрдамлашиши мумкин. Улар Совет Армияси сафларидан бўшаб қайтган барча ҳарбий хизматчиларни кутиб олишни ташкил этишни ва уларни меҳнат, ижтимоий-сиёсий ва тарбиявий фаолиятга жалб қилишни ўз назоратига олишлари, мазкур социал актив кучнинг ғайрат-шижоатини ёш авлоднинг қаҳрамонлик-ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштиришга йўналтираётган ҳарбий комиссарликлар, маҳаллий партия, совет ва комсомол органларининг амалий тажрибасини ёритиб боришлари керак. Хуллас, биз запасдаги жангчилар теварагида «алоҳида диққат-эътибор зонаси»ни яратишимиз лозим.

Олтинчи проблема — музейлар ва жанговар-шон-шуҳрат хоналарининг тарбиявий имкониятларидан оқилона фойдаланиш ҳам ғоят муҳимдир. Бу анча катта кучдир. Бироқ ёш авлодни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишида уларнинг ҳаммасидан ҳам самарали фойдаланилаётгани йўқ. Масалан, 1986 йилда студентлар ва юқори синфлар ўқувчиларининг округ қўшинлари тарихи музейини келиб кўриши аввалги йилдагига нисбатан учдан бир марта камайди. Бу муассасалар ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқишлари, уни мудофаа-оммавий иш вазифаларини бажаришга йўналтиришлари керак.

Республика ёшларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг асосий проблемалари ана шулардан иборат. Уларни муваффақиятли ҳал этиш учун Ватанимизнинг қаҳрамонона ўтмишини, Совет Қуролли Кучлари ва Қизил Байроқли Туркистон ҳарбий округининг шонли анъаналарини, ўзбекистонлик жангчиларнинг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган жанговар қаҳрамонликларини моҳирона ва бир мақсадни кўзлаб пропаганда қилиш ниҳоятда зарур. Ҳозирги армиянинг жанговар кунларини ёритиш, ёш жангчиларнинг қаҳрамонона ишлари тўғрисида ҳикоя қилиш ҳам ғоят муҳим ишдир.

Афсуски, бу йўналишда қилинаётган ишларнинг ҳаммаси ҳам давр талабига жавоб бермайди. Бу ишда ёзувчиларимиз ва журналистларимиз катта ёрдам кўрсатишлари мумкин ва лозим. Уларнинг вазифаси — совет солдатларининг ҳарбий бурчга, ҳарбий қасамга, қисмнинг Жанговар Байроғига садоқатини иложи борича ишонарли, ёрқин ва эҳтирос билан акс эттириш, армия интизомининг аҳамиятини таъкидлаш, ҳозирги командирлар ва сиёсий ходимлар, барча ҳарбий мутахассисларнинг масъулиятли ролини алоҳида

кўрсатишдан иборат. Ёшларимиз очерк, корреспонденция ва репортаж қаҳрамонларига эргашсин, улардан ибрат олсин. Барча пропаганда ва ахборот воситалари социалистик Ватанни ҳимоя қилишда Совет Қуролли Кучларининг ошиб бораётган аҳамиятини, Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг армиядаги кундалик меҳнатининг қаҳрамонлигини кўрсатсин, ҳарбий хизмат обрўсини кўтарсин. Бунда армия хизматининг машаққатини ва Ватан ҳимоячилари зиммасига тушадиган реал қийинчиликларни яшириш керак эмас.

Шуни айтиш керакки, республикамизда бундай ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, республикадаги «Советский воин» телевизион программаси ва «Подвиг» радиоэшиттиришининг юксак даражасини, ЎзТАГнинг ҳарбий-сиёсий ахборот редакцияси ва «Ўзбекистон» нашриётининг оммавий-сиёсий адабиёт редакцияси тайёрлаётган материалларнинг оперативлиги ва сермазмунлигини қониқиш билан таъкидлаш мумкин. «Правда Востока», «Ҳақиқати Ўзбекистон», «Совет Ўзбекистони», «Қишлоқ ҳақиқати» ва бошқа газеталар ҳарбий-ватанпарварлик мавзуини ишлаб чиқишда актив иштирок этмоқдалар, бу мавзуга оид долзарб масалаларни кўтариб чиқмоқдалар.

Туркистон ҳарбий округи жангчиларининг иш кунлари зўр бериб ўқиш ва хизмат қилишдангина иборат эмас. Улар студентлар, ишчилар, мактаблар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари, республикамизнинг партия ва комсомол ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлар. Кўпгина армия коллективлари пионерлар ва мактаб ўқувчилари ўртасида актив ҳарбий-ватанпарварлик иши олиб боришади. Армия билан халқнинг бузилмас бирлигидан далолат берадиган ана шу алоқалар тўғрисида, уларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳақида бараллa гапириш лозим.

Маълумки, ҳар бир ҳарбий бўлинма — жанговар кўп миллатли оиладир. Бу ерда ёш йигитлар қардошлик, бирлик ва дўстлик сабоғини олишади, турли миллат ёшлари билан алоқа қилиш маданиятини, рус тилини мукаммалроқ ўзлаштиришади. Армия ҳаёти ва фаолиятини гражданлик, жасорат, ватанпарварлик ва интернационализм мактаби сифатида ҳаққоний ва ёркин тасвирлаш, шубҳасиз, ҳарбий хизмат аҳамиятини оширади, уларни ана шу муқаддас бурчни бажаришга актив ва сабот билан тайёрланишга ундайди.

Афсуски, ҳали ҳам ҳарбий-ватанпарварлик мавзуида мутлақо бўш, юзаки, ғўр ва пала-партиш материаллар пайдо бўлиб қолади. Бунга сабаб, биринчидан, авторларнинг бу мавзуга етарлича эътибор бермаслиги бўлса, иккинчидан, айрим редакцияларнинг округ Сиёсий бошқармаси, область марказларидаги гарнизонлар командирлари ва сиёсий ходимлари, ҳарбий комиссарликлар ва ДОСААФ ташкилотлари ходимлари билан алоқасининг сусайганлигидир. Ахир, бизда ўзаро алоқанинг кўплаб самарали, практикада ўзини оқлаган формалари мавжуд-ку. Фақат уларни кенг пропаганда қилиш ва кунт билан кенгайтириш керак. Бу журналистлар билан бўладиган ҳар йилги учрашувлар (уларда олдинда турган вазифалар ва биргаликда ҳарбий-ватанпарварлик эшиттиришларини ўтказиш имкониятлари муҳокама қилинади), ҳарбий округ раҳбар составининг республика оммавий ахборот органларидаги чиқишлари, келишилган ҳолда энг масъул материалларни планлаштириш ва бошқа тадбирлардир. Масалан, яқинда «Ўзбекистон» нашриёти билан ўқув юртларидаги бошланғич ҳарбий тайёргарлик, ҳарбий-ватанпарварлик тарбияси ташкилотчиларига ёрдам тариқасида чиқариш мўлжалланаётган «Ватан ҳимояси — муқаддас бурч» сериясидаги брошюралар тематикаси келишиб олинди.

Округ ҳарбий кенгаши ва сиёсий бошқармаси бундан кейин ҳам республика матбуоти, Гостелерадио ва Госкомиздат вакилларининг ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясини такомиллаштиришга қаратилган барча ташаббусларини ҳамма воситалар билан қўллаб-қувватлашга тайёрдир. Ахир, КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қўйган вазифалар, шу жумладан мудофаа-оммавий иш соҳасидаги вазифаларнинг ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал қилиниши ана шу муҳим ва масъулиятли ишда идеология фронти ходимларининг иштирок этишларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир.

МИЛЛИЙ МАДАНИЯТЛАР ҲАМКОРЛИГИ САМАРАБАХШЛИГИ

Г. ШЕРМАТОВА,
философия фанлари кандидати

МАДАНИЯТЛАР ҲАМКОРЛИГИ — инсоният ижтимоий-тарихий тараққиётининг объектив қонуниятидир. У айникса капитализм даврида ҳар томонлама намоён бўла бошлади. Йирик саноат ишлаб чиқаришининг жадал ривожланиши натижасида, Қ. Маркс ва Ф. Энгельс «Коммунистик партия манифести»да таъкидлаганларидек, «илгариги эски маҳаллий ва миллий биқиқлик ўрнига, ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳисобига яшаш ўрнига миллатларнинг бир-бирлари билан ҳар тарафлама алоқаси ва бир-бирларига ҳар жиҳатдан боғланиши вужудга келмоқда. Бундай алоқа ва боғланишлар моддий ҳаётга ҳам, маънавий ҳаётга ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Айрим миллатларнинг маънавий фаолияти умум бойлигига айланмоқда. Миллий бир ёқламалик ва маҳдудликда яшаш борган сари мумкин бўлмай қолмоқда...» (Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том. Т., 1980, 111-бет). Ана шу жараёнларни шахслараро муносабатлар ва кишиларнинг зарурий эҳтиёжларини қондириш билан боғлаган ҳолда илмий коммунизм асосчилари инсоният тарихи индивидларнинг ҳамкорликдаги жаҳоншумул-тарихий фаолият босқичига қадам қўяётганлиги шароитларида уларнинг айримлари «ҳар хил миллий ва маҳаллий чегаралардан озод бўладилар, бутун дунёдаги ишлаб чиқариш билан (шунингдек маънавий ишлаб чиқариш билан ҳам) амалий алоқага киришадилар ва бутун ер юзининг бу ҳар томонлама ишлаб чиқаришидан (одамлар яратган ҳамма нарсадан) фойдаланиш лаёқатига эга бўладилар», деб таъкидладилар (Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, Т., 1980, 30—31 бетлар).

Лекин капитализмда ана шу прогрессив тенденциянинг амал қилиши чекланган характерда эди. Ушбу хусусиятни эътиборда тутиб, В. И. Ленин халқаро буржуазиянинг ағдарилиши «ҳамма ва ҳар қандай миллий чегараларнинг йўқолишини жуда ҳам тезлаштиради, бу билан инсониятнинг «дифференциялашуви», яъни маънавий ҳаётнинг... бойлиги ва хилма-хиллиги маъносидаги дифференциялашув камаймайди, балки миллион марта кўпаяди» деб таъкидлаган эди (Тўла асарлар тўплами, 26-том, 323-бет).

Ҳақиқий демократик, ҳақиқий интернационалистик негизда социалистик давлат ташкил топганлиги, ССР Иттифоқига бирлашганлик қардош республикаларнинг социал-иқтисодий соҳада ҳам, маънавий соҳада ҳам жадал ривожланиши пойдевори, энг муҳим омили бўлди. Айни социалистик жамиятда маданиятлар ҳамкорлигининг маънавий вазифалари тўлиқ очилди. Хусусий мулкнинг тугатилиши социал ва миллий зулмни тугатиш, миллий душманликни енгиш негизи, шахснинг маънавий бойиши учун жуда муҳим омил бўлди.

Партия иқтисодий сиёсатини амалга ошириш миллат ва элатларнинг ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида интенсив ҳамкорлик қилишини тақозо этдики, бу ишлаб чиқариш, турмуш, ҳордиқ чиқариш ва ҳоказо маданиятлар ривожланишига имкон яратди. Бунда Коммунистик партия илгари эзилган халқлар бирданига «тараққиётнинг юқори босқичига кўтарила олмайдилар», «уларга узоқ вақт давомида ташқаридан ҳақиқий ёрдам кўрсатилмаса... олдинга кетган миллатларни қувиб етолмайдилар» (КПСС съездлари, конференциялари ва Марказий Комитет Пленумларининг резолюция ва

қарорлари. 2-том. Т., 1981, 459-бет), деган фикрдан келиб чиққан эди. Шунинг учун миллий чекка ўлкалар қолоқлигини изчил тугатиб бориш эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларнинг экономикаси ва маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор бериш муҳим эди. Транспорт ва йўл қурилиши ривожланганлиги қардош республикаларнинг, уларнинг энг овлоқ ва ажралиб қолган қисмлари иқтисодий ва маданий алоқаларини активлаштириш имконини берди.

Иқтисодий ривожланиш давомида туб ерли аҳоли орасида ишчилар синфи шаклланди. Чор Россияси собиқ мустамлака чекка ўлкаларининг кўплаб намояндалари Москва, Ленинград ва бошқа шаҳарларда махсус маълумот олдилар, ўз республикаларини индустриялаштиришда фаол иштирок этдилар. Янги қурилишларга мамлакатнинг иқтисодий ривожланган районларидан малакали мутахассислар юборилдики, бу кўп миллатли ишчилар синфи шаклланишига имкон яратди. Совет Шарқи, Сибирь районларига бошқа миллатларга мансуб аҳолининг келиши шунингдек қишлоқ хўжалигидаги йирик ўзгартишлар билан, жумладан, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш билан боғлиқ эди.

Халқларнинг иқтисодий муштараклиги шаклланиши давомида уларнинг бир-бирига ёрдами жуда хилма-хил формаларда: маблағларни қолоқ чекка ўлкалар фойдасига қайта тақсимлаш, уларнинг жадал ривожланишини таъминлаш ва ҳоказоларда намоён бўлди. Ленинча миллий сиёсат принципларини социал практикага татбиқ қилишга доир ана шу ҳақиқатан бағоят катта ишга КПСС XXVII съезди якун ясади.

Собиқ чекка ўлкаларнинг иқтисодий ва маданий қолоқлигини тугатиш проблемаси ҳал қилинган ҳозирги пайтда миллий манфаатларнинг мамлакат бутун халқ хўжалик комплексини ривожлантириш манфаатлари билан қўшилиши катта аҳамиятга эга бўладики, бунда барча республикаларнинг унга қўшадиган ҳиссаси республикаларнинг ўсган иқтисодий ва маънавий потенциалига мувофиқ бўлсин. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, республикаларнинг ишлаб чиқариш кооперациясини, ҳамкорлигини ва ўзаро ёрдамини ривожлантириш — кўп миллатли Совет давлати ва ҳар бир республиканинг юксак манфаатларига мосдир. Маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларини сабот билан енга бориб, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш муҳимдир.

Ўзбекистонликлар, масалан, РСФСР Ноқоратупроқ зонасининг иқтисодий потенциалини янада оширишга баҳоли қудрат ҳисса қўшмоқдалар. Республикамиздан борган мелиораторлар, ирригаторлар ва қурувчилар оталиқдаги Иваново ва Новгород областларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатяптилар. Тошкентдаги «Средазгипроводхлопок» институти мутахассислари юқорида тилга олинган областлар меҳнаткашлари учун замонавий агрошаҳарчанинг оригинал лойиҳасини ишлаб чиқдилар, Ўзбекистоннинг кўплаб вакиллари Сибирь районларини ўзлаштиришда, Тюмень ва БАМ қурилишларида иштирок этмоқдалар. Ўн иккинчи беш йилликда мамлакатнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларига республикамиздан 60 минг киши юборилади. Ана шу муносабат билан партия, совет ва давлат органлари, жамоат ташкилотлари аҳоли бир қисми турмушидаги қолоқ негизни енгишга, миграция жараёнларини тартибга солишга, ёшларни ишчилар синфи сафларига, ўн иккинчи беш йилликнинг янги қурилишларига жалб қилишга доир ишларни кучайтиришлари лозим бўлади.

СССР экономикаси ривожланишининг ҳозирги босқичи учун иқтисодий районлар ва территориал-ишлаб чиқариш комплекслари ўртасидаги ижтимоий меҳнат тақсимотининг янада чуқурлашуви ва такомиллашуви характерлики, у миллатлар ичидаги ва миллатлараро хўжалик алоқаларининг ҳар томонлама мустаҳкамланишига қонуний равишда олиб келади. СССРдаги ҳар бир миллат ўз тараққиётида мамлакатнинг бутун иқтисодий потенциалига таянади ва бир вақтнинг ўзида унинг янада ўсишига муайян ҳисса қўшади. Республикалар ўртасида ишлаб чиқариш ютуқлари, тажриба, ишлаб чиқариш қуроллари, моддий қадриятларни айирбошлаш жадал амалга оширияпти. Янада авж олаётган фан-техника революцияси ана шу жараёнларнинг интенсив бўлишига олиб келяпти.

Миллатлараро алоқанинг ҳар томонлама ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, дўстлик каби асосий принциплари коллективистик руҳ ва ўртоқларча ўзаро ёрдам ҳукмрон бўлган социализмга хос ижтимоий иқлим муҳитида фаолият кўрсатувчи социалистик меҳнат коллективлари доирасида бирлашган турли миллат кишиларини жипслаштиради. Ҳозирги вақтда партия раҳбарларнинг, меҳнат коллективларида коммунистик тарбия муассасалари билан шуғулланувчи барча кишиларнинг эътиборини ишни шундай ташкил этишга қаратмоқдаки, бу иқтисодий тафаккурнинг ташаббускорлик ва социалистик ишбилармонликни ривожлантиришга, масъулиятни оширишга, ишлаб чиқаришни яхшилаш йўлларини ижодий излашга йўналтирилган янгича типини шакллантиришга актив ёрдам берсин. Иқтисодий тафаккурнинг ишлаб чиқаришни янада такомиллаштириш, вазифаларига, фан-техника революцияси талабларига мувофиқ келувчи янгича типи янги инсон маънавий маданиятининг жуда муҳим қисми, меҳнат унумдорлигини, шахснинг социал активлигини ошириш омили сифатида ҳам қаралиши керакки, бундай активлик ижтимоий тараққиётни жадаллаштиришнинг сифат жиҳатидан янги вазифаларини ҳал қилишга даъват этилган.

Ушбу шароитларда бутун меҳнат коллективининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши айниқса муҳимдир. Бундай меҳнат самарадорлиги социалистик ишлаб чиқаришнинг ранг-баранг соҳаларида турли миллий республикаларнинг, шунингдек, хорижий мамлакатларнинг илмий ва ишлаб чиқариш соҳасидаги ютуқлари қанчалик ўз вақтида ўзлаштирилаётганлигига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Бундан келиб чиқадики, ҳаётнинг ўзи, жамият иқтисодий ва маънавий тараққиётининг эҳтиёжлари, ишлаб чиқариш соҳасида инсон омили ролининг оширилиши миллатлар маданий алоқаси интенсивлашишига олиб келади, иқтисодий тафаккур янгича типининг шаклланиши эса ўз навбатида маданиятларнинг ўзаро таъсири ва ўзаро бойиши янада чуқурлашувига ёрдам беради.

Кишиларнинг ишлаб чиқариш фаолияти жараёнида бевосита алоқаси кўпинча ишлаб чиқаришдан ташқарида ҳам алоқа қилишга ўсиб ўтадики, бу янги анъаналар, урф-одатларнинг пайдо бўлиши ва қарор топишига, социалистик миллатлар ҳаётий фаолиятининг турли формалари турмуш тарзи яқинлашувига имкон беради. Бевосита алоқа жараёнида маданий информацияни айирбошлаш ҳам юз беради, интернационалистик негизлар, қадриятлар ориентацияси шаклланади, булар ҳам маданиятлар ўзаро ҳамкорлиги жадаллашиши учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Социал практиканинг ўзи совет кишиларида миллатлараро муносабатларга бир хил қараш шаклланаётганини тасдиқлайдики, бу ягона Ватанни эътироф этиш айрим республика ёки миллат манфаатларидан умумдавлат манфаатларини устун қўйиш билан характерланади. Социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги коммунистик қурилишнинг реал практикасида чуқур эътиқод, совет кишилари хулқ-атвори нормаси сифатида мужассамланади. Турли миллатлар вакилларида яшаш шароитлари, эҳтиёжларни қондириш муштараклиги, қадриятларга ягона ориентация ва ҳоказолар шаклланмоқда. Коммунистик партиянинг кўп қиррали фаолияти ана шу жараёнларнинг жадал ривожланишига ёрдам беради, у, КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланганидек, «шунга асосланадики, ленинча миллий сиёсатни изчил амалга ошириш, халқлар дўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлаб бориш — социализмни такомиллаштиришнинг таркибий қисми, кўп миллатли социалистик Ватанимизни янада равнақ топтиришнинг ижтимоий практикада синалган йўлидир».

Миллий маданиятлар ўзаро таъсири жадаллашуви натижасида социалистик турмуш тарзининг ҳамма соҳаларида муайян ўзгаришлар юз беряпти, шахснинг маънавий бойиши, ҳар томонлама камол топиши учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Албатта, бунда кишиларнинг субъектив эҳтиёжларига, майлларига кўп нарса боғлиқдир. Лекин индивид турмуши ҳордиқ формаларининг маънавий мазмундор бўлиши шуниси билан муҳимки, улар жамият фаолияти ва тараққиётининг ўзаги бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари билан маҳкам боғлиқдир.

Совет кишилари ҳордиқ чиқариш фаолиятининг хилма-хил формалари шахс маданий, ижодий потенциалининг ўсишига, унинг актив ҳаётий позицияси шаклланишига қаратилгандир. Таълим системаси, маданий-маърифий ташкилотларнинг кўп қиррали фаолияти ҳам ана шунга хизмат қилади. Клублар, музейлар, маданият ва истироҳат боғлари, кутубхоналар, лекторийлар томошабинлар, ўқувчилар, тингловчиларнинг кўп миллионлик армиясини СССР халқлари маданиятининг турли намуналари билан таништиради. Албатта, бундай ишнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги, яъни моддий-техникавий жиҳозлашдаги етишмовчиликлар, оммавий тадбирларнинг бир қолипга солиб ўтказилиши, меҳнаткашларнинг бўш вақтдан фойдаланишнинг у ёки бу турларига, усул ва формаларига бўлган эҳтиёжларини аниқлаш ва қондиришда яхлит методиканинг йўқлиги ва ҳоказолар, табиийки, шахс маънавий маданияти шаклланишининг самарадорлигини пасайтиради, унинг социал активлиги ошишига тўсқинлик қилади. Натижада миллий маданиятлар ҳамкорлиги суръатлари ҳам пасаяди, уларнинг жамият ҳаёти турли соҳаларини такомиллаштиришдаги интенсивлиги заифлашади. Социалистик турмуш тарзи нормаларига зид бўлган, СССР миллатлари ва элатларининг бир-бирини бойитиши ва тушунишига халақит берувчи алоқа маданиятининг паст даражаси, бадиий-эстетик диднинг ривожланмаганлиги, диний ахлоқ сарқитлари ва бошқа ҳодисалар кўпинча айни ҳордиқ чиқариш соҳасида намоён бўлади.

Ана шу сабабли партия истиқоматгоҳларда оммавий-сиёсий ишни ҳар томонлама такомиллаштиришга, дам олишни ташкил этишда, меҳнаткашларни интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашда маданий-маърифий муассасалар ролини оширишга катта аҳамият бермоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилашга доир тадбирлар тўғрисида»ги қарори (1985 йил июнь) партия, совет, жамоат ташкилотлари, министрликлар, идораларнинг ҳордиқ чиқариш формаларини такомиллаштиришга, меҳнаткашларни ғоявий-сиёсий, ахлоқий-эстетик, интернационал-ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг мазмундорлиги, самарадорлигини оширишга доир ишини собитқадам, системали ташкил этишда принципиал янги босқичга ўтилганлигини қайд қилди, партия ташкилотларини узоқ вақтга мўлжалланган ҳар томонлама асосланган ҳаракат программаси билан қуроллантирди.

Совет кишилари турмуш тарзидан коллектив равишда ҳордиқ чиқариш формалари мустаҳкам ўрин олди. Киноконцерт залларига, кўргазмаларга, клубларга келувчиларнинг, бадиий ҳаваскорлик коллективлари, хилма-хил тўгарак ва ҳоказоларнинг составлари кўп миллатлидир. Байрамлар, интернационал бирлик фестиваллари, турли республикаларнинг адабиёт ва санъат ўн кунликлари ва ҳафталиклари, кинофестиваллар, концерт ва бошқа оммавий тадбирлар меҳнаткашларни мамлакатдаги турли миллат ва элатларнинг маданий ютуқлари билан ошно қилишга хизмат қилади. Шахснинг қадриятларга умумсовет ориентацияси совет кишиси эҳтиёжлари ўсганлигининг, маънавий савияси, дидлари, интернационал онги кенгайганлигининг энг муҳим кўрсаткичидир.

Маданиятлар ўзаро таъсир этиш жараёнининг социалистик турмуш тарзи социал-психологик омиллари ўзгаришига таъсири мураккаб, билвосита тусда бўлади. Бунда миллий мансубликни англаш билан боғлиқ туйғулар, кайфиятлар, одатлар, тасаввурлар, шунингдек, урф-одат ва анъаналар воситасида воқеликни акс эттирувчи миллий психологиянинг намоён бўлиш соҳаларидаги ўзгаришлар назарда тутилади. Миллий психология нисбатан барқарор бўлгани учун турмушнинг, шахс маънавий дунёсининг турли соҳаларида — меҳнатда, турмушда, хулқ-атворда, қадриятлар ориентациясида намоён бўлади ва аввало социал-иқтисодий омиллар таъсирида ўзгаришларга дуч келади. Совет жамияти ҳаётий фаолиятининг ҳамма соҳаларига хос бўлган объектив тенденция—интернационаллашиш тенденцияси — миллий психология соҳасида ҳам амал қилади. Натижада, масалан, социал-иқтисодий соҳадагига қараганда секинроқ суръатларда бўлсада, турли миллатлар вакилларининг характери, психологияси муштарак хусусиятлари шакллана боради.

Миллатчилик психологиясининг барқарорлиги, жумладан, миллий характер, миллий ифтихор каби феноменларни нотўғри тушунишга боғлиқдир, оқибатда ўзлари мансуб миллат ва бошқа миллатларнинг тарихий ўтмиши ҳодисалари, қадриятларига нотанқидий ёндашиш, уларни нотўғри талқин қилиш ва баҳолаш юзага келади. Ҳақиқий миллий ифтихор фақат ўз миллати ва миллий характерини асоссиз мадҳ қилиш билан ҳеч қандай муштараклика эга эмас. Буни барча давлатлардаги маданиятнинг тараққийпарвар арбоблари яхши тушунганлар. Ўрта асрлардаёқ қомусий мутафаккир Абу Райҳон Беруний «замин — фақат уларнинг замини, кишилар — фақат улар мансуб халқнинг вакиллари, шоҳлар — фақат уларнинг ҳукмдорлари, дин — фақат уларнинг эътиқоди, фан — фақат уларда мавжуд фан» эканлигига ишонган кишиларни қоралаган эди (Беруни Абу Райхан. Избранные произведения. Ташкент, 1963, т. II, с. 67—68).

Маънавий соҳадаги миллий чекланганлик, жумладан, ўз миллатининг ижодий қобилиятларини, ютуқларини ҳаддан ташқари ошириб кўрсатишда, бошқа халқларни бунга ўхшаш миллий қадриятларни яратишга ноқобил деб кўрсатишга уринишларда намоён бўлади. У ўтмишга, архаик анъана ва маросимларга ҳаддан ташқари ружу қўйишда ҳам ўз ифодасини топадики, бу, ўз навбатида, миллий спецификани дахлсиз сақлаб қолишга, уни маданиятларнинг ўзаро таъсир этиш ва бир-бирини бойитиш жараёнидан сунъий равишда ажратиб қўйишга уринишларни келтириб чиқаради. КПСС XXVII съездида таъкидланганидек, «ҳар бир миллий маданиятда мавжуд бўлган барча қимматли жиҳатларга соғлом қизиқиш миллий маданиятларнинг ўзаро таъсири ва яқинлашувидан иборат объектив жараёндан ажралишга уринишларга айланиб кетмаслиги муҳимдир. Баъзи бир адабиёт ва санъат асарларида, илмий ишларда миллий ўзига хослик ниқоби остида идеологиямизга, социалистик турмуш тарзимизга, илмий дунёқарашимизга зид бўлган, реакцион миллатчилик ва диний сарқитларни бежаб тасвирлашга уринилган пайтда ҳам буни назарда тутмоқ керак».

Интернационал тарбияни шундай олиб бориш кераккиң миллий хусусиятларни бутунлай инкор этиш ҳам, уни кўпиртириш, ошириб кўрсатиш ҳам сиёсатдан четда эканлиги, реакцион ва илмий жиҳатдан асоссизлиги яққол намоён бўлсин. Бунда дин реакцион урф-одат, анъаналарга доимо «ҳақиқий» миллийлик статусини беришга интилишини эсда тутмоқ зарур. Қолаверса, шахсдан муайян идеологик, этник, психологик стандартлар, стереотиплар қабул қилишни талаб этувчи диний мумтозлик ғоялари миллатчилик принциплари билан ҳамкорликда кучаяди. Ислом динининг ҳозирги арбоблари кишиларнинг миллий ва диний мансубликларини илоҳийлаштиришга борган сари собитқадамлик билан эътибор бераётганликлари бежиз эмас. Бизнинг республикамизда ҳам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида (1986 йил октябрь) таъкидланганидек, ислом дини арбоблари кўпинча мусулмонларнинг миллий характерига, унинг гўё ботиний бирлигига, ҳатто миллий-специфик, яъни «ҳақиқий» миллий хусусиятлар билан бир эканлигига ҳам урғу бермоқдалар. Ана шу «бирлик»ни англашни миллий ўз-ўзини англаш негизи, миллий қадр-қиммат, миллий мансублик туйғуси асоси деб кўрсатмоқдалар.

Айрим совет кишилари томонидан диний байрам ва маросимларни ҳақиқий миллий маросимлар билан бир деб тушунилиши шахс маънавий ўсишини чеклабгина қолмайди, балки миллатларнинг яқинлашишига ҳам тўсқинлик қилади, ўзаро маданий бойишлар соҳасини торайтиради, турмуш тарзиға янги, прогрессив жиҳатларнинг барини олиб киришни секинлаштиради. Бу ҳол интернационал тарбияни атеистик тарбия билан тиғиз алоқада ва Ўрта Осиё халқларининг турмуши, анъаналарининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Бундай ишни меҳнат коллективларидагина эмас, балки чойхоналардан ва кишилар ҳордиқ чиқарувчи бошқа жойлардан ҳам фойдаланган ҳолда истиқоматгоҳларда ҳам олиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чойхоналар асосан эркакларнинг ўзига хос клублари бўлгани учун хотин-қиз аҳолини ҳам ғоявий-тарбиявий иш билан қамраб олиш мақсадида ҳамма жойда аёллар клублари ишлашини таъминлаш зарур, уй бекалари

бўлган аёлларнинг ижтимоий-фойдали меҳнат билан машғул бўлишини таъминлаш мақсадида эса бевосита маҳаллаларда муайян корхоналарнинг филиал ва цехларини ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Кўп болали оилалар оз бўлмаган сераҳоли районларда бу билан бир қаторда мактабгача тарбия муассасалари тармоғини кенгайтириш ҳам ўринли бўлади.

Диний урф-одатлар, маросимлар системаси томонидан мустаҳкамланаётган миллатчилик психологияси сарқитларини енгишда уларни янги, умумсовет, прогрессив одат ва маросимлар билан моҳирона, билиб алмаштириш катта роль ўйнайди. Бунда янада жозибали ва эмоционал мазмун, уларни ўтказиш маданияти, оммавий тадбирлар форма ва воситаларининг эстетик ифодавийлиги ҳақида қайғуриш керак.

Социал-иқтисодий ҳаёт тараққиётининг, совет жамияти ва айрим миллатлар маданиятининг интернационал йўналганлиги, ҳарактери умумсовет психологияси шаклланишини янги тарихий бирлик — совет кишиси психологиясининг ифодаланиши деб белгилайди. Совет кишиларининг ватанпарварлик, миллий ифтихор, миллий ўз-ўзини англаш туйғуси каби характер хусусиятлари социалистик Ватанга садоқат, совет кишисининг умуммиллий ифтихори билан узвий бирлашиб кетади. Миллий мансубликдан қатъи назар қарашлар, туйғулар, идеаллар муштараклигини ифодаловчи хусусиятлар ягона совет халқининг ўз-ўзини англаши структурасида етакчи хусусиятлар ҳисобланади. Умумсовет ўз-ўзини англаш миллийлик ҳақидаги тасаввурлар доирасини кенгайтиради, совет халқи ҳаётига дахлдорликни англашга имкон беради. Ана шу омилларнинг бари маданиятларнинг ўзаро таъсирини жадаллаштириш учун қулай социал-психологик муҳит яратади.

Демак, социалистик миллатлар ҳаётининг ҳамма соҳаларида маданий ютуқларнинг ўзаро айирбошланиши совет жамиятининг социал-иқтисодий, маънавий тараққиётининг етакчи омили бўлиб қоляпти. Социализмни такомиллаштиришнинг сифат жиҳатидан янги вазифаларини фақат мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг биргаликдаги куч-ҳаракатлари билан ҳал қилиш мумкин бўлган ҳозирги пайтда ана шу омилнинг роли ва аҳамияти беқиёс ошмоқда. КПСС Программасида таъкидланганидек, «партия, бизнинг давлатимиз ҳар бир совет кишисига СССРдаги барча миллатлар ва элатларни бирлаштирувчи дўстлик ва қардошлик туйғуси, миллатлараро юксак алоқа маданияти сингдирилишидан, миллатчилик ва шовинизм, миллий маҳдудлик ва миллий худбинлик кўринишларига, турмушни коммунистик янгилашга халақит бераётган урф-одатлар ва феъл-атворларга нисбатан муросасизлик ҳис-туйғулари сингдирилишидан манфаатдордирлар».

Шундай қилиб, миллий маданиятлар ҳамкорлиги социализмни такомиллаштириш омили сифатидаги мазмуни, намоён бўлиш характери, вазифалари умуман ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим манбаи — ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантиришга боғлиқ бўлиб, совет жамиятининг социал-иқтисодий, маънавий негизларини такомиллаштиришга тескари таъсир кўрсатади. Бундай боғлиқлик бошқа омиллар билан бир қаторда мамлакатимизда шаклланган, миллатлар дўстлиги ва ҳамкорлигининг моддий негизи бўлган ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлаш ва жадал ривожлантиришда, шунингдек, СССР халқлари ҳаётининг барча — хўжалик, социал-сиёсий, маънавий томонларини интернационаллаштиришни кучайтиришда, социализмни такомиллаштириш шароитида ҳаётнинг ҳамма соҳаларидаги сифат жиҳатидан янги ўзгартишлар таъсири остида ана шу жараёнларни янада жадаллаштиришда ифодаланади. Бу ҳол миллат ва элатларнинг оғишмай яқинлашишида, улар интернационал бирлиги мустаҳкамланишида, интернационал онг, психология шаклланишида, шахснинг маънавий бойишида ҳам, ва шу йўллар билан мамлакат ривожланишининг мустаҳкам тезлатгичи — инсон омили самарадорлигини оширишда ҳам намоён бўлади.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

ЖАМИЯТНИНГ ОЛҒА ТОМОН РИВОЖЛАНИШИДА ИНСОН ОМИЛИ РОЛИНИНГ ОШИШИ

Хозирги кунда КПСС XXVII съезди илгари сурган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаси ҳал этилмоқда. Бу жараённинг микёслари Совет давлатининг қарийб 70 йиллик тарихида маълум бўлган бутун ўзгартиришларга нисбатан кўламлироқдир. Шундай пайтда партия халқ ижодкорлигини жамиятимизнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишнинг улкан резерви деб қараб, унинг битмас-туганмас манбаига мурожаат қилмоқда. Гап большевизмнинг партия ғояларини барча меҳнаткашларнинг фикри-зикри ва эътиқодига айлантиришга эришишдан иборат абадий анъанаси ҳақида бормоқда, зеро уларнинг пухта англанган ва актив хатти-ҳаракатларисиз хар қандай, хатто назарий жиҳатдан мукаммал ўйланган ва моддий таъминланган планлар ҳам ҳавода муаллақ осилганича қуруқ режалар бўлиб қолаверади.

Партия шуни эсда тутиб, жадаллаштиришнинг бошқа омиллари билан бир қаторда **инсон омили** ролини кучайтириш, халқнинг ижодий кучларини сафарбар қилиш, унинг социал активлигини оширишнинг зарурлигига эътиборни қаратмоқда. КПСС XXVII съездида партия МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев шундай ишонч билдирди: «Шубҳасиз, съезд қарорларининг бажарилиши халқ ташаббусининг янги кўринишларини, омма социал-сиёсий ижодкорлигининг янги формаларини келтириб чиқаради».

Машғулотнинг қуйидагича плани тавсия қилинади:

1. Партия XXVII съезди инсон омилини активлаштириш тўғрисида.

2. Хўжалик механизмини такомиллаштириш ва омманинг меҳнат активлигининг ошиши.

3. Меҳнаткашларнинг ижтимоий-сиёсий активлигини ривожлантириш.

ПАРТИЯ XXVII СЪЕЗДИ ИНСОН ОМИЛИНИ АКТИВЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Теманинг мазкур бўлимини баён қилишга киришилар экан, инсоннинг вазифаси, бурчини ҳар тарафлама рўёбга чиқариш, унинг қобилиятларини тўла очиш социализмнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлаш зарур. Янги цивилизациянинг чексиз тараққиёти шахс ижодий истеъдодларини тўла юзага чиқариш билан ёки, К. Маркс таъбири билан айтганда, «ҳар қандай **олдиндан белгилаб қўйилган** микёсдан қатъи назар, бутун инсоний куч-қувватларнинг, ривожланиши билан узвий боғлиқдир» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 46-том, I қисм, 476-бет).

Шу сабабли инсоннинг ижтимоий қиёфаси, ишга муносабати, халқ ишларидаги фаол иштирокига социалистик маданиятлиликнинг энг муҳим компонентларидан бири сифатида қаралади. Шахсни ҳар тарафлама, уйғун равишда ривожлантирмасдан унинг маънавий маданиятини, ўзининг мақсад ва хоҳишларини ижтимоий мақсад ва хоҳишлар билан қўшиб олиб бориш қобилиятини, жамиятга фойдали бўлишдан иборат ички эхтиёжни ўстирмасдан туриб характер ва феъл-атворнинг ўша вазифага мувофиқ хусусиятларига эришиш мумкин эмас.

Социализмнинг бутун ахлоқий-маънавий қадриятлар системаси, унинг барча негизлари ва тартиботлари ҳар бир гражданда аввало ижтимоий манфаатлар устун бўлишини тарбиялашга қаратилган, бундай манфаатлар асосида шахсий манфаатлар ҳам пухта таъминланиши мумкин. Бундай система жаҳон цивилизациясида биринчи марта ўз меҳнати ва билимини бошқаларга бахш этадиган кишининг жамият томонидан ҳурмат-иззат қилинишини назарда тутади. КПСС XXVII съездида чуқур асосланган социал адолат ғояси инсоннинг ижтимоий манфаатдорлигини ўстиришга, меҳнат активлигини оширишга хизмат қилади.

Бу ўринда тингловчилар эътиборини съезд ҳужжатларининг ўзига хос хусусиятига — уларнинг инсонга қаратилганлигига жалб этиш ўринлидир. Иқтисодий, социал, маънавий соҳаларда белгиланаётган барча вазифалар ва планлар бевосита у билан боғлиқдир. Партия ижтимоий фаолиятнинг инсонга оид жиҳатларига биринчи даражали эътибор берадики, КПССнинг ҳозирги сиёсатидаги имтиёзлар ҳам айни шу негизда белгиланади. «Партия белгиланган вазифаларни муваффақиятли ҳал этишни **инсон омили ролининг оширилиши** билан боғлайди, — дейилади КПСС Программасида.— Социалистик жамият ҳамма соҳаларда омманинг ижодий фаолиятини ривожлантиришнинг янги-янги йўлларини топмасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди».

Инсон омилининг активлаштирилиши, жамиятимиз ҳаётида, жумладан, жадаллаштириш концепцияси назарда тутаётган вазифаларни ҳал этишда унинг ролининг ошиб бориши ҳақида мисоллар асосида гапириш учун тингловчиларга яқин вақтгача «инсон омили» категориясининг ҳар қалай эътибордан четда қолиб келганлигини ҳам эслатиб ўтиш жоиздир. Бу категориядан унинг мазмуни ва вазифасига яраша онгли, собитқадамлик билан фойдаланишдан кўра у кўпроқ бизнинг назариямиздан ўрин олиб келди. Партия объектив сабабларга кўра ва ўз вақтида унга диққат-эътиборни жалб қилди. Бундай қилиниши социализмни янада такомиллаштириш, коммунизм сари илдам олға бориш билан боғлиқ амалий проблемаларни ҳал этишни назарий ва идеологик жиҳатдан таъминлаш вазифалари билан боғлиқдир. Инсон омилини активлаштиришни программавий талаб сифатида белгилаб берган КПСС XXVII съезди кўриб чиқилаётган категорияни бизнинг ижтимоий фанимиздаги олдинги ўринлардан бирига чиқариб қўйди.

Яна шу ҳақда ҳам гапириш жоизки, ҳозиргача олимлар ва пропагандистлар асосан «субъектив омил» терминидан фойдаланиб келишар, унга «инсоний омил» терминининг ўзига хос эквиваленти сифатида қарашар эди. Бироқ бу терминлар орқали ифодаланадиган тушунчалар унчалик бир хил эмас: «инсоний омил» тушунчаси кенгроқ. У «жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг ашёвий элементлари»— меҳнат қуроллари (техника) ва меҳнат предметлари (шу жумладан умумий меҳнат предмети сифатидаги табиат) тушунчаси билан ўзаро муносабатдош бўлиб, шунингдек кишилар ҳаётининг демографик таърифларини (улар сони, меҳнатга лаёқатли аҳоли проценти, жинслар, ёшларнинг миқдорий нисбатлари ва ҳоказо) ҳам ўз ичига олади.

Шу сабабли янги таҳрирдаги КПСС Программасида шунчаки субъектив эмас, балки айни инсоний омил тўғрисида гапирилади, агар партиянинг бу омилни активлаштиришга қаратилган сиёсатини анализ қилиб кўрилса, унда унинг мазмуни ва структураси янада ойдинлашади.

Шуни ҳисобга олиб, қуйидагича ҳолни аниқлаб олиш керак бўлади: «инсоний омил» тушунчаси — **инсоннинг** социал, иқтисодий, ишлаб чиқариш, илмий-техникавий, ташкилий-бошқарувга оид ва бошқа муносабатлар системасида амал қилишининг, унга ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларидаги **фаолиятнинг** субъекти сифатида тааллуқли бўлган ҳамма нарсанинг специфик ифодасидир. Инсон омили — социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришнинг, бутун қайта қуриш жараёнининг ҳал қилувчи омилидир.

Пропагандист фақат социализмдагина инсоннинг ҳар томонлама камол топиши ва унинг фаолияти учун битмас-туганмас имкониятлар туғилишини таъкидлайди. Буржуа жамиятида инсон эмас, балки ишлаб чиқариш, максимал фойда ундириш бирдан-бир мақсад қилиб қўйилади. Ҳатто социалистик қурилишнинг дастлабки босқичларида ҳам ички ва ташқи сабабларга кўра инсонни камол топтиришни бирдан-бир мақсад қилиб қўйиш чекланган эди. Фақат эндиликда, мамлакатимиз социализмни такомиллаштириш босқичига қадам қўйган бир пайтда инсон қобилиятларини, унинг ижодий куч-қувватини ривожлантириш тўғрисида ҳар тарафлама ғамхўрлик қилиш олдинги ўринга қўйилмоқда.

Кўриб чиқилаётган проблема актуаллашишининг яна бошқа конкрет-тарихий сабаблари ҳам бор. Сўнгги пайтдаги партиявий ҳужжатларда, айниқса КПСС XXVII съезди материалларида инсон омилини активлаштириш ҳақидаги масаланинг қўйилиши айни шу сабаблар билан боғлиқ. Улар ичида — халқимиз яратган ҳамма нарсадан, бугунги кунда совет жамияти эга бўлган барча резервлар, имкониятлардан оқилона, самарали фойдаланиш зарурлиги асосий сабаблардан биридир.

Социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш шароитида инсон омилининг юксалиши унинг аввало ишлаб чиқариш жараёнида намоён бўлишини тақозо этади. Бу шу билан изоҳланадики, ҳозирги ишлаб чиқаришнинг қиёфаси нафақат унинг микёслари ва юксак техникавий даражаси билан белгиланади. Ишлаб чиқарувчи кучларни бир жойга тўплаш, ихтисослаштириш ва кооперациялаштириш, уларни жойлаштиришнинг яхшиланиши ва меҳнатни умумлаштиришнинг актив жараёнини олдиндан белгилаб берадиган хўжалик муносабатларининг мураккаблашиши эндиликда вужудга келган ягона халқ хўжалик комплексида мужассамлашган. Бу комплекснинг амал қилиши

унинг алоҳида иш ўрнигача, ҳар бир ходимгача бўлган компонентининг яхлит бир системанинг элементи сифатида биргаликда пухта ҳаракат қилишини талаб этади. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва ишлаб чиқаришдан жонли меҳнатни нисбатан сиқиб чиқариш, одамлар ўрнини машиналар билан алмаштириш жараёни нақадар интенсив борса, инсоннинг ўзи ўз билимлари, малакалари, ижодий активлиги, меҳнатга онгли муносабати билан шунчалик кўпроқ аҳамият касб эта боради.

Бу ўринда партиянинг манфаатпарастлик билан иш кўрмаслигини, инсоннинг ҳозирги ишлаб чиқаришдаги актив ролини пасайтириш, тобора мукаммаллашаётган ва унга боғлиқ бўлмаган техникага инсоннинг бўйсуниши ҳақида ҳали ҳам у ер-бу ерда кўриниб қолаётган технократик тасаввурларга қарши чиқишини таъкидлаб ўтиш керак. Шуни эсда тутиш кераккки, биз нафақат компьютерлар, электроника, роботлар, информатика, биотехнология дунёсига, шу билан бирга инсондаги инсоний хислатларнинг — унинг ақли ва инсонпарварлиги, маънавий соҳадаги шахсий зоҳирлигининг ноёблиги ва ранг-баранглигининг ғоят юксак ривожланиши оламига ҳам қадам қўймоқдамиз. Шубҳасиз, роботлар кўп нарсани ўз хўжайинларига нисбатан тезроқ ва яхшироқ бажарадилар. Лекин бош масала шундаки, янги технология кимнинг қўлида бўлади? Бизнинг жамиятимиз унинг инсонпарвар, маданий кишилар қўлида бўлиши учун ҳамма ишни қилмоқда. КПСС XXVII съезди мутлақо аниқлик билан шундай таъкидлади: экономика, техника, фан ривожининг сифат жиҳатдан янги даражасида инсоннинг ишлари, идеаллари, қадриятларининг аҳамияти ошиб борганн каби унинг роли ва масъулияти ҳам мисли кўрилмаган даражада оша боради.

Шундан сўнг **социалистик ишлаб чиқаришдаги инсон омили** деган тушунча моҳиятини очиб бериш тавсия қилинади. Энг умумий тарзда бундай тушунча озод меҳнаткашни характерлайди. Бундай меҳнаткаш айни бир пайтда асосий ишлаб чиқарувчи куч, ишлаб чиқаришнинг коллектив хўжайини (ҳам хўжайини) ва жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлади. Бундан олдинги темани ўрганиш пайтида аниқлаб олинганидек, ишлаб чиқарнш воситалари ва уларни ҳаракатга келтирувчи кишилар ишлаб чиқаришнинг бир томони — ишлаб чиқарувчи кучларни ташкил этадилар. Унинг бошқа томони — ишлаб чиқариш муносабатларидир, кишилар меҳнат фаолияти жараёнида бундай муносабатларга киришадилар. Меҳнат воситалари — иш кучини ривожлантириш мезони бўлганлиги сабабли инсоннинг ишлаб чиқариш воситалари билан ўзаро алоқаси унда касбий қобилиятлар ва малакаларни шакллантиради. Иқтисодий муносабатлар ва умуман ижтимоий муносабатларга келганда эса улар ходимнинг муайян социал хусусиятлари тарзида гавдаланади ва жонланадилар.

Яна шуни таъкидлаш кераккки, инсоннинг жисмоний ва руҳий қобилиятлари ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Бунда шундай бир диққатга сазовор хусусият намоён бўлади: меҳнат фаолиятининг натижалари асло қобилиятлар ривожланишининг даражаси билан белгиланмайди, балки кўп жиҳатдан инсоннинг меҳнатга қандай муносабатда бўлишига, яъни унинг ғоявий-сиёсий, маънавий ва бошқа социал хислатларига боғлиқ бўлади. Шу ўринда Ф. Энгельснинг «шахс нафақат **нима** қилаётгани билан, шу билан бирга бу ишни **қандай** бажараётгани билан ҳам характерланади» деган сўзларини эслаш ўринлидир (Қ. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 29-том, 492-бет). Айни шу «қандай бажариш»да ёки, бошқача айтганда, шахснинг меҳнатга муносабатида инсоннинг табиатни ва жамиятни қайта ўзгартирувчи кучи, истеъдоди ва маҳорати тўлалигича намоён бўлади.

Шу сабабли ҳам «ишлаб чиқаришнинг инсоний омили» таърифи шахснинг шундай муҳим хусусиятлари билан бевосита боғлиқдирки, бунингсиз у ижтимоий меҳнатнинг актив субъекти сифатида иш кўра олмайди. Инсон омилини активлаштириш, бинобарин, ходимлар қобилиятларидан ҳозирги талаблар асосида максимал фойдаланишга имкон берадиган ва ишлаб чиқариш соҳасида меҳнаткашларнинг моҳиятга оид куч-қувватларини янада ривожлантириш учун имкониятларни таъминлайдиган зарур шарт-шароитлар яратишни ҳам англатади.

Социалистик жамият ўзининг олға томон тўхтовсиз ҳаракатида ишлаб чиқаришни тобора кўпроқ меъёрда инсон эҳтиёжларига бўйсундира боради. Меҳнат шароитларини яхшилаш, уни интеллектуаллаштириш — партия социал-иқтисодий сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан бири. Бу жараёнлар ўз негизига кўра фан-техника революцияси ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга асосланади. Автоматлаштириш, ғоят мураккаб узлуксиз ва қайишувчан ишлаб чиқаришлар дунёсида, ниҳоясиз ахборотлар оқимида ишдаги муваффақият ёки муваффақиятсизлик, улкан ютуқлар ёки талафотлар бир кишига боғлиқ бўлиб қолиши мумкин. Бундай шароитда киши нафақат касбий, техникавий жиҳатдан, шу билан бирга **ғоявий-сиёсий, фалсафий, ахлоқий** жиҳатдан ҳам яхши тайёрланган бўлиши лозим. Ҳар бир меҳнаткашда илмий дунёқарашни, коммунистик ахлоқни камол топтириш, унинг жисмоний ва руҳий хислатларини такомиллашти-

риш, унга ўзининг ижодий қобилиятларини ишга солиши учун ёрдам бериш зарурлигининг сабаби шундадир.

Шу жиҳатдан партиянинг тарбиявий, ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик иши ғоят катта аҳамият касб этади. Бу ишнинг самарадорлиги ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг катта ва кичик проблемаларни ҳал этишда қандай иштирок этаётгани, қандай меҳнат қилаётгани, камчилик ва нуқсонлар билан қандай курашаётгани билан ўлчанади. Партия миллион-миллион кишиларда мамлакат олдида турган янги вазифалар ва проблемаларга қизиқиш ва онгли муносабат уйғотишга, меҳнаткашларни белгиланган туб ўзгартиришларни ғайрат-шижоат билан амалга ошириш зарурлигига ишонтиришга, бу ишларнинг ҳар бир меҳнаткашнинг ўз, шахсий ишига айланишига эришишга, барча ўзгаришларнинг ҳал қилувчи омили — инсон омилининг ўзини тўла-тўкис намоён этиши учун имкон беришга интилмоқда.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ОММАНИНГ МЕҲНАТ АКТИВЛИГИНИНГ ОШИШИ

Аввало шуни қайд қилиш керакки, социализмни такомиллаштириш шароитида совет кишилари активлигининг оша бориши социалистик тузум характери билан, социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг танҳо ҳукмронлиги билан чамбарчас боғлиқдир. Ҳаёт В. И. Лениннинг «...ижтимоий ва шахсий ҳаётнинг барча соҳаларида тезлик билан, ҳақиқий, чинакам, оммавий суратда *кўпчилик* аҳолининг, сўнгра эса бутун аҳолининг иштироки билан олға қараб борадиган ҳаракат амалда *фақат* социализмдан бошланади» (Тўла асарлар тўплами, 33-том, 116-бет) деган сўзларининг ҳаққонийлигини ишонарли равишда исботлади. Социализм инсонни эксплуатация занжирларидан халос этиб, халқ оммасининг ижодий куч-қуввати ва ташаббускорлигининг намоён бўлиши учун мисли кўрилмаган имконият яратди.

Мамлакатимизда коммунистик қурилиш миқёсларининг кенгайиши ва вазифаларнинг мураккаблашиши омманинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий-сиёсий активлиги ошишининг таъсирчан омили бўлиб қолди. В. И. Ленин бу хил ривожланиш жараёнини башорат қилиб, шундай ёзган эди: «Кишиларнинг тарихий ижодиётлари кенгайган ва чуқурлашган сари, аҳолининг тарихни онгли равишда яратувчи намояндаларининг сони ҳам ошмоғи керак» (ТАТ, 2-том, 614-бет). Ҳозирги босқичда, жадаллаштириш концепциясини амалга ошириш жараёнида кишиларнинг ижодий ташаббускорлиги янада авж олади. Бунда партия биринчи навбатда ишчилар синфига умид боғлайди, унинг қудратли социал имкониятларидан максимал равишда тўла фойдаланишга интилади. «Ишчилар синфининг сиёсий тажрибаси, унинг юксак онглилиги, уюшқоқлиги ва иродаси жамиятимизни жипслаштирмоқда,— дейилади КПСС Программасида.— Ишчилар синфининг умумий таълим, маданий ва профессионал савиясининг, меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлигининг ўсиши унинг социализмни такомиллаштиришдаги, коммунистик қурилишдаги авангардлик ролини оширади». Шу сабабли, партия В. И. Ленин маслаҳатларига амал қилиб «социализм қурилиши каби жуда ҳам оғир ишда» навбатдаги машаққатли довонни ошиб ўтиш зарурати вужудга келганида ҳар доим «борган сари кўпроқ ишчи қатламларига мурожаат» қилади (ТАТ, 37-том, 496-бет).

Партия томонидан белгиланган хўжалик механизмининг тубислоҳоти, деб таъкидлайди пропагандист, халқнинг улкан ижодий имкониятларини очиб беришнинг муҳим стратегик воситаси бўлиб қолади. КПСС МҚнинг июнь (1986 йил) Пленуми иқтисодий восита ва стимуллар халқ хўжалигида яхшиланиш сари ўзгаришларнинг боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши лозим деб таъкидлади. Чинакам таъсирчан хўжалик механизми яратамиз, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашнинг улар меҳнатининг пировард натижаларига боғлиқ бўлишини таъминлаймиз, бу ҳақ тўлашни уларнинг ўз ишлаб чиқаришининг келажаги, техникавий даражаси, ишлаб чиқарилаётган товарлар ассортименти ва сифати тўғрисида қандай ғамхўрлик қилаётганлари билан боғлаймиз — омманинг улкан куч-ғайратини ишга соламиз, кенгайтирилган асосда ўз-ўзини такрор ишлаб чиқарадиган барқарор жадаллаштиришга эришамиз.

Хўжалик механизмини қайта қуриш, бир томондан, ишлаб чиқаришни тобора умумлаштириш ва экономикадаги стратегик ўзгаришларга марказлаштирилган раҳбарлик самарадорлигини ошириш, иккинчи томондан — корхоналарнинг мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, коллективлар ва ҳар бир ходимнинг энг яхши пировард натижаларга эришишдан манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланади. Айни шу хўжалик механизми иқтисодий фаолиятни ташкил этиш, планлаштириш ва рағбатлантириш формаларини белгилайди. Хўжалик механизми ходимларнинг ҳар бир категориясини муайян ташкилий-иқтисодий шароитларга қўйиш билан унинг иқтисодий манфаатларини, шу жумладан ишга ижодий, манфаатдорлик билан муносабатда бўлишини шакллантиради. Жамиятнинг социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаш-

тириш негизида социализмни такомиллаштириш шароитида, деб таъкидланди КПСС XXVII съездида, хўжалик юритиш системаси шундай қурилиши керакки, унда ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир коллектив ижтимоий ишлаб чиқаришда ўз қобилиятлари ва имкониятларини тўла-тўкис ишга солишга интилсин.

Мана шу сабабли меҳнат стимулларининг бирлигини, уларнинг ижтимоий жиҳатдан зарур қобилиятлар ва эҳтиёжларни шакллантириш ва рўёбга чиқаришга йўналтирилишини таъминлаш бугунги кунда самарали хўжалик юритишнинг энг муҳим шарти бўлиб турибди. Бунда айни шу стимуллар жамият аъзоларини актив фаолиятга ундайди, уларнинг феъл-атворини тартибга солади ва меҳнатга муносабатини шакллантиради. Хилма-хил стимулларнинг ҳаммаси, одатда, уч турга бўлинади. Булар: **моддий** (ходимнинг фаровонлик даражаси билан унинг ижтимоий ишлаб чиқаришга қўшадиган меҳнат ҳиссаси ўртасида боғлиқлик ўрнатиш воситаси орқали меҳнат фаолиятига ундайдиган), **ижодий** (эришилган натижадан қониқиш, касбдан фахрланиш туғдирадиган), **маънавий** (ижтимоий ва коллектив мақсадлар ҳамда вазифаларга, муайян ижтимоий мавқени эгаллаш билан боғлиқ шахсий нуфузга асосланадиган) стимуллар. Барча турдаги стимулларнинг бирлигини таъминлаш — бу стимулларнинг жамият аъзолари, коллективларнинг меҳнат активлигига таъсир ўтказиш самарадорлигининг муҳим шартидир.

Пропагандист шуни тушунтириб, тингловчилар эътиборини қуйидаги нарсага жалб қилади: одамларнинг бир қисмида ҳали ҳам давлатга «ёлланиб» ишлайдиган ходимга хос эски психология, меҳнатга ва ижтимоий мулкка лоқайдлик, истеъмолчилик муносабати сақланиб қолган, бундай позицияни В. И. Ленин образли қилиб «каттароқ бўлакни юлиб олиш ва жуфтакни ростлаш» деб таърифлаган эди. Индивидуалистик онг, стихиялилик психологияси рецидивларига барҳам бериш меҳнаткашнинг социализм нуқтаи назаридан соғлом шахсий манфаатини, унинг ижтимоий ишлаб чиқариш натижаларидан, давлат ишларидан манфаатдорлигини активлаштиришни тақозо қилади. Ўз-ўзидан равшанки, биз масалани ривожланишимизни «қуруқ» энтузиазмга асосланиб жадаллаштирамиз деган тарзда қўяётганимиз йўқ. Ўз вақтида Ленин ҳам қайд қилган эдики, социализм бевосита энтузиазмга асосланиб эмас, балки унинг ёрдамида қурилиши керак. Гап юқори унумли меҳнатга ундовчи стимулларнинг бутун «мажмуи»дан, аввало маънавий стимуллардан иложи борича тўлароқ фойдаланиш устида бормоқда. Кўпинча социалистик ватанпарварлигини намойиш қилишга, кўпчиликнинг эътирофига сазовор бўлишга, жамият учун зарур ишни бажаришга интиладиган ишчи, илғор меҳнаткаш маънавий стимулларга ғоят муштоқ бўлади.

Тузумимизнинг сарасоси — ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий мулкчилик замиридаги онглиликдек улкан потенциалнинг аҳамиятини ҳам камситмаслик керак. Бу онглилик нафақат юқори даражада ташкил этилган, планли асосда бошқариладиган экономика учун асос яратади, шу билан бирга у индивидуалистик «меники»ни коллективчиликка хос «бизники»га айлантиришга ёрдам беради, ишлаб чиқаришнинг хўжайини туйғусини актив шакллантиради.

Бинобарин, бугунги кунда ходимлар манфаатларини аниқ биладиган ва ундан моҳирона фойдалана оладиган бошқарув системасигина самарали бўлиши мумкин. Бу манфаатлар серқирра, кўпгина сабабларга боғлиқ эканлиги ва вазиятлар таъсири остида ўзгариши туфайли инсон омилини бошқариш ҳам методларнинг ранг-баранглиги, ўзгарувчанлиги, маҳаллий шароитларни ва бўлиши мумкин ўзгаришларни ҳисобга олиши билан ажралиб туриши керак. Методларнинг қотиб қолганлиги унга зиддир, чунки назорат қилиб бўлмайдиган фаолият оқимлари эскирган инструкциялар уюми орасидан барибир ўзига йўл топиб чиқаверади. Стимуллар сифатида фойдаланиладиган воситаларнинг бой хазинаси ҳам катта аҳамиятга эга. Агар улар фақат «сўм»дан ва муайян хулқ-атвор усулларини маъмурий тақиқлашдангина иборат бўлса, унда ходимлар манфаатларининг бирмунча, баъзан эса анча қисми бошқарув таъсири доирасидан четда қолаверади.

Ишлаб чиқаришнинг ҳар бир киши ўз жойида ишга янгича ёндашишни намоён этадиган, виждонан, ижодий ва тўлиқ самара билан меҳнат қиладиган, ишлаб чиқариш новаторларига, ўз ишининг ҳақиқий усталарига тенглашадиган тарзда ташкил этилиши, деб қайд қилади пропагандист, инсон омилининг самарали амал қилишига кўмаклашади. Бунда социалистик мусобақанинг роли ғоят каттадир. У эксплуатациядан холи бўлган меҳнаткашларнинг умумий муваффақиятга эришиш учун меҳнатда ўртоқларча беллашуви ва рақобатлашувида намоён бўладиган ходимлар ҳамкорлиги ва ўзаро ёрдамининг муҳим формасидир.

Меҳнат беллашувининг асосий мақсадлари КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МКнинг ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорида (1986 йил июнь) баён қилинган. Улар — меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифатини

кескин оширишдан, ресурсларни тежаш, шартнома мажбуриятларига қатъий амал қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашдан иборат.

Беш йилликнинг бошланишида кўплаб ташаббуслар туғилди, фойдали тажриба тўпланди. Аввало ишнинг сифат кўрсаткичларига томон бурилиш диққатга сазовордир. Масалан, илғор коллективлар бутун ишлаб чиқариш ҳажми ўсишига прогрессив янгиликларни қўлланиш йўли билан, хом ашё ва материаллар сарфини кўпайтирмасдан эришишга қарор қилдилар. Мусобақада бундай ёндашув ҳозир айниқса зарур. Шаҳар ва қишлоқларнинг, шу жумладан бизнинг республикамизнинг ҳам ўн минглаб меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги кунигача юқори сифатли маҳсулот чиқарган ҳолда меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича икки йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилдилар.

Ресурсларни тежаш — куч-ғайрат, тажриба, билим сарфланадиган муҳим соҳадир. Тежамкорлик, деб қайд қилади пропагандист, ҳар бир кишининг қони ва танига сингиб кетиши керак, бугунги кунда металл ва ёқилғига, ёғоч-тахта ва электр энергиясига бошқаларга қараганда яхшироқ хўжайинлик қила оладиган кишигина мусобақа ғолиби бўлиши мумкин. Халқ бойлигини авайлайдиган кишиларни бажонидил рағбатлантираётган, чиқитсиз технологияларни фаол қўллашдан, харажатларни камайтиришдан манфаатдорликни ҳар қандай йўллар билан ошираётган раҳбарлар тўғри қилишади. Ҳар бир коллективдаги мусобақа шунингдек штурмчилик ва ура-урачиликни бартараф қилишга, меҳнатни коллектив бўлиб пухта ташкил этишни таъминлашга, иш вақти — иш учун деган асосий қоидага қатъий амал қилинишига кўмаклашиши керак.

Мусобақанинг таъсирчанлиги шунингдек унинг ҳаёт билан, умумхалқнинг экономикани интенсивлаштириш йўлига ўтказиш бобидаги куч-ғайратлари билан қандай боғланганига ҳам боғлиқдир. Фақат коллектив тажриба ва новаторлар ғайрат-шижоатига таянибгина муваффақиятга эришиш мумкин. Афсуски, буни ҳамма жойда ҳам эсда тутаверишмайди. Шу сабабли мусобақа самараси ҳар доим ҳам салмоқли бўлавермайди. 1985 йил сентябрида КПСС МКда стахановчилик ҳаракати ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари билан бўлган учрашувда қайд қилинганидек, бунинг сабабларидан бири шундаки, мусобақанинг форма ва методлари иқтисодий тараққиёт ҳозирги босқичининг характерига унчалик тўла мос эмас. Кўпгина коллективларда у шунчаки ўз ҳолича, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини қайта қуришга оид ишлар билан мустаҳкам ва чуқур боғланмаган ҳолда ўтаверади.

Меҳнат беллашувини ташкил этишда ҳали ҳам сийқаси чиққан андазалар кўплаб учрайди. Масалан, бугунги кунда ишнинг муваффақияти тўғрисида фақат «ялпи» кўрсаткичга қараб баҳо бериш ёки кишиларнинг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Айрим жойларда ҳали ҳам на мажбуриятларнинг иқтисодий асоси тўғрисида, на бригада, участка, ферма коллективининг фикрини ҳисобга олиш тўғрисида қайғурмасдан мажбуриятларни бошқаларникидан нусха кўчириб олаверишади.

Партия мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш ва таъсирчанлигини ошириш, унга меҳнаткашларнинг ўзларининг жонли ишига бўлгани сингари муносабатда бўлиш зарурлигига эътиборни қаратмоқда. Ҳамма жойда мусобақани расмиятчилик зангидан тозалаш, унга ҳақиқий беллашувчилик ва жанговарлик хусусиятларини қайтариш, кенг ошкораликни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Натижаларни чуқур анализ қилиш ва таққослаш, энг яхши тажрибани оператив тарзда оммалаштириш, юксак пировард натижаларга эришишда ўзаро ёрдам — ҳозир, ишни қайта қуриш, хўжалик юритиш янги методларини қарор топтириш жараёнида меҳнат мусобақасининг ана шу ленинча принципларига амал қилиш айниқса муҳимдир. Яхши ташкил этилган мусобақа коллективнинг ижодий потенциали ва ҳар бир меҳнаткашнинг қобилиятлари, маҳоратини тўлалигича намоён қилади, ишчанлик ва социалистик омилкорликни тарбиялашга бутун чоралар билан ёрдам беради, кўзбўямачилик ва ташаббусбозлик, маҳкамачилик ва маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига ишончли қалқон бўла олади.

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Социализмнинг социал-иқтисодий етуклик даражаси билан гражданлар ижтимоий-сиёсий активлиги даражаси ўртасидаги бевосита алоқадорлик социализмнинг муҳим қонуниятларидан биридир. Давлат ишларини, ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар иштирокининг даражаси — совет жамияти демократизмининг асосий хусусий мезонидир. Шу билан бирга у социализмда шахснинг социал роли ва активлигини ҳам кўрсатади.

Пропагандист социалистик демократияни абстракт равишда тушуниш мумкин эмаслигини тушунтиради. У экономикани ривожлантириш, социал, ғоявий-тарбиявий проблемаларни ҳал этиш воситаси бўлиб келди ва шундай бўлмоқда. Партия белгилаётган тарихий туб ўзгартиришларни амалга ошириш учун халқнинг бутун ижодий кучларини ҳаракатга келтириш зарур, бу кучлар омманинг меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигининг бирлигида айниқса яққол намоён бўлади. Социалистик жамиятда кишилар социал активлигининг бу икки асосий формаси бир бутун бўлиб қўшилиб кетади, бир йўналишда ҳаракат қилади. Социализмнинг энг муҳим афзалликларидан бири ва унинг сиёсий маданиятининг характерли белгиси айни шундан иборат, уларни амалга оширишда меҳнат коллективлари — социал организмнинг бошланғич ячейкалари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Уларнинг ҳаёти ва фаолиятида икки функция: давлат, жамият ишларини муҳокама қилиш ва ҳал этишда қатнашиш ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда иштирок этиш қўшиб олиб борилади.

Кишининг меҳнат коллективига, бутун социал ва иқтисодий муносабатлар мажмуига «қўшилиб кетиши» учун хилма-хил формаларда иш қўрадиган бошқа кишиларнинг манфаатлари ва талаблари билан ҳисоблашиши зарур. Акс ҳолда улар ўртасида ўртоқларча ҳамкорлик бўлиши мумкин эмас. «Барча меҳнаткашларни соатдек аниқ ва тўғри ишловчи бир хўжалик органига боғловчи ирода бирлиги бўлмаса,— деб қайд қилган эди В. И. Ленин,— на темир йўллар, на транспорт, на йирик машиналар ва корхоналар умуман ишлай оладилар» (ТАТ, 36-том, 178-бет).

Социалистик мулкчилик муносабатларига асосланадиган биргаликдаги коллектив ҳатти-ҳаракатларда муайян ритмлилик ва планга асосланганликка объектив равишда қатъий риоя қилиш зарурлигини тушуниш ўзини интизомга бўйсундиришни, уюшқоқликни, тартибни мустаҳкамлашга ёрдам беради, бу нарсалар юксак пировард натижаларга, демак юксак ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун дастлабки асослар бўлиб хизмат қилади. Бунда шуни алоҳида қайд қилиш зарурки, социализмда жамият томонидан бошқарувга оид таъсир ўтказиш объекти бўлган инсон айни бир вақтнинг ўзида бошқарув муносабатларининг актив, ижодий иштирокчиси (субъекти) ҳам бўлади. Шу билан бирга ривожланишнинг тобора етукроқ босқичига ўтила борган сари бошқарувнинг инсон омилини активлаштириш билан чамбарчас боғлиқ бу жиҳати кучая боради.

Бу ўринда партиянинг ишлаб чиқаришда демократик асосларни кенгайтиришга қандай аҳамият бераётгани тўғрисида ишонарли далолат берадиган конкрет мисол келтириш жоиздир. Масалан, 1985 йилда КПСС МК Минск автомобиль заводи партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, шунингдек маъмуриятининг СССРнинг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунини бажаришга доир иши ҳақидаги масалани махсус кўриб чиқди. Қабул қилинган қарорда, жумладан, жамоат ташкилотлари ва маъмурият барча меҳнаткашларнинг корхона ишларини бошқаришда амалий иштирок қилишига эришишлари кераклиги таъкидланади. Амалда коллектив иродасининг ифодачиси бўлиши лозим бўлган мажлислар ва конференцияларни ўтказишда расмиятчилик ва тадбирбозликни бартараф қилиш керак бўлади. Шунингдек бригадалар советлари, доимий ишлаб чиқариш кенгашлари ва коллектив бошқарув бошқа органларининг ролини кўтариш, раҳбар кадрларнинг автосозлар олдида ҳисобот бериб туриш практикасини кенгайтириш таклиф қилинди.

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш бугунги кунда нафақат ҳуқуқий нормаларнинг ўзгарганлиги, шу билан бирга иқтисодий муносабатлар конкрет формаларининг такомиллашганлиги билан ҳам боғлиқ. Шу сабабли хўжалик механизмини қайта қуриш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг меҳнат коллективлари активлиги ва ташаббускорлигини ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилганлиги қонуний ҳолдир. Меҳнаткашларнинг ўз заводлари ва фабрикалари, банклар, савдо ва транспорт ташкилотлари, туржой-коммунал хўжалиги, илмий ва маданий муассасаларни бошқаришда таъсирчан, манфаатдорлик билан, кундалик иштироки нафақат уларнинг ҳуқуқи, шу билан бирга бурчи ҳамдир. Бу бурч аввало ишлаб чиқариш ва бошқарув муносабатлари сифати билан фаровонлик, маориф, маданият, турмуш сифати даражаси ўртасидаги барқарор сабаб-оқибат муносабатлари билан боғлиқдир. Мулкни умумлаштиришнинг янада юксак формаларига ўтиш ҳар бир меҳнаткашнинг социалистик хўжалик юритишда актив роль ўйнашини, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларини анализ қилишда, планларни ишлаб чиқишда, ташкилий ва кадрларга оид масалаларни ҳал этишда, рағбатлантириш фондларини тақсимлашда, ишга ижодий ёндашувда, исрофгарчиликка қарши курашда манфаатдорлик билан иштирок этишини тақозо қилади.

Ташаббускорлик учун қанчалик кенг имконият очилгани сари янги ечимларни ижодий излаш, ресурслар билан маневр қилиш, ностандарт новаторлик усулларини қўллаш шунчалик кенг микёсда авж олади. Ҳозирги ишлаб чиқариш ҳатто соф

технологик ва ташкилий жиҳатдан коллектив меҳнат тақсимоти (ихтисослашиши) ва кооперациясига асосланган комбинацияланган жараёндан иборат бўлгани учун инсон омилини активлаштириш алоҳида шахснинг ва меҳнат коллективларининг ташаббускорлигини кенгайтиришни талаб қилади ва шуни тақозо этади. Бу, ўз навбатида, план кўрсаткичларининг вужудга келган системасини, хўжалик ҳисоби ва таксимот муносабатлари конкрет формаларини, ташкилий структура ва кадрлар билан ишлашни тегишлича қайта қуришни кўзда тутади.

Бугунги кунда корхоналар ва бирлашмалар коллективларининг мустақиллиги ишлаб турган ишлаб чиқариш аппаратини техника жиҳатдан реконструкциялаш ва замонавийлаштиришда, янги маҳсулот турларини ўзлаштириш ва илгари ўзлаштирилганларининг сифатини яхшилашда, меҳнат ресурслари, шунингдек хом ашё, материаллар ва энергиядан оқилона фойдаланишда амалда бирмунча тўларок намоён бўлмоқда. Шунга мос равишда моддий рағбатлантириш ва социал ривожлантириш фондлари кўпаймоқдаки, бу коллектив аъзоларининг меҳнат, дам олиш ва маиший шароитларини системали тарзда яхшилашга имкон беряпти.

Машғулотда яна шуни таъкидлаш муҳимки, агар илгари ходим ташаббуси асосан белгиланган план топшириқларини бажаришга қаратилган бўлса, ҳозирги босқичда меҳнаткаш ана шу планнинг ўзини ишлаб чиқишга, корхонадаги техникавий ва социал сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, кадрлар масалаларини ҳал этишга жалб қилинади. Лекин самарали бошқариш учун ишлар аҳволини яхши билиш зарур. Шу туфайли инсон омилини активлаштириш учун одамларни мазкур корхонада, регионда, тармоқда, республикада, умуман мамлакатдаги социал ва иқтисодий характердаги жараёнлардан системали хабардор қилиб бориш керак. Ҳал қилишда албатта коллектив розилиги талаб қилинадиган масалалар доираси кенгайиб бормоқда, масалан, бригадир, мастерни танлашда. Яна шуниси муҳимки, корхона мустақиллигини молиявий ва моддий таъминлаш учун: ишлаб чиқаришни ривожлантириш, иш ҳақи, моддий рағбатлантириш, социал-маданий тадбирлар ва уй-жой қурилиши фондлари унинг ихтиёрига берилади. Истиқболда бу фондлар миқдори, миллий даромадда улар ҳиссаси кўпая боради.

Айни бир пайтда меҳнат коллективларининг улар ихтиёрига ажратилган ресурслардан самарали фойдаланиш учун реал масъулияти оширилмоқда. Мустақиллик ва масъулият ўз-ўзини бошқаришнинг икки томонидир. Бунда масъулият муносабати асосийдир. Мустақиллик муносабати билан қўшилган ҳолда ишлаб чиқариш қатнашчиларида ташаббус уйғотади ва бу ташаббусни ҳаракатга келтиради.

Шундан кейин пропагандист халқ хўжалигидаги объектив масъулият муносабатлари конкрет ижрочиларни тегишлича рағбатлантириш ва жарима солишлар билан мустаҳкамланган хўжалик ҳисоби ва планга оид, ҳуқуқий, сиёсий ва маънавий нормаларнинг бутун системаси ёрдамида амалга оширилишига эътиборни жалб этади. Масъулият ва мустақиллик муносабатлари ҳар бир ходимнинг конкрет бурчлари ва ҳуқуқлари формасига эга бўлади. Масъулият ва мустақилликнинг тўғри қўшиб олиб борилиши, бурчлар билан ҳуқуқларнинг аниқ чегаралаб қўйилиши — инсон омилини активлаштиришнинг асосий элементларидан биридир. Улар нафақат бир-бирига, бошқарувнинг барча элементларига зарурий қўшимча, шу билан бирга ходимнинг ўз шерикларига, умумий пировард натижаларга омилкорлик, талабчанлик билан муносабатда бўлишининг муҳим асоси ҳамдир. Меҳнат коллективлари ва ҳар бир ходимнинг масъулияти қанчалик аниқ қайд қилинган, уни таъминлаш механизми қанчалик ишончли бўлса, улар мустақиллигининг чегаралари ҳам шунчалик кенг, шахсий, коллектив ва умумхалқ манфаатлари шунчалик яхши ва тўла мувофиқлаштирилган бўлади.

Жамият олдида турган проблемаларнинг катта кўламдорлиги ва мураккаблиги кадрлар, айниқса раҳбар кадрлар олдига юксак талаблар қўймоқда. Бу талаблар бутун хўжалик фаолиятининг асосий йўналишларига, партия стратегик йўлининг асосий йўл-йўриқларини тушунишга дахлдордир. Гап хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишнинг барча даражаларидаги ҳамма кадрларнинг ҳар бир корхона, тармоқ, бутун экономикани интенсив ривожланиш йўлига қайта йўналтиришнинг, корхоналарни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш эмас, балки янги қурилиш ишлаб чиқаришни кенгайтиришнинг асосий методи ҳисобланган пайтдаги эски хўжалик юритиш андазаларидан воз кечишнинг ҳаётий зарурлигини англаши тўғрисида бормоқда. Бундай шароитда партиявий ишдаги биринчи даражали дастур юқоридан қуйигача бўлган кадрларнинг онги ва кайфиятида кескин бурилиш ясашдан, улар эътиборини энг муҳим иш — фан-техника тараққиётига жалб этишдан иборат бўлади.

Тингловчиларга, шунингдек, кишилар психологиясини қайта қурмасдан инсон омилини ҳар тарафлама активлаштириш мумкин эмаслигини ҳам тушунтириш тавсия қилинади. Социал-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий проблемаларини ҳал этиш хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш билан бир қаторда эскирган андазалардан воз кечишни, хўжалик фаолиятининг эски психологиясини бартараф этиш

ва янгисини шакллантиришни такозо этади. Энг муҳими эса меҳнаткашларда халк хўжалигини интенсивлаштириш, фан-техника тараккиётини жадаллаштиришдан чукур манфаатдорликни собиткадамлик билан шакллантира боришдан иборат. Айни шу маънавий феноменни карор топтириш ва ривожлантириш хўжалик фаолияти психологиясига янгилик бахш этади.

Психологик кайта куриш проблемасини ҳал этиш совет кишиларидаги у ёки бу социал-психологик карашлар, тасаввурлар, сифатларнинг ривожланиш даражасини аниклашни такозо этади. Бу аввало айни кандай сифатларни шакллантиришга эътибор бериш, кайси резервларни ишга солиш, ғоявий-тарбиявий ишларни кай тарзда ташкил этиш кераклигини янада аникрок тасаввур этишга имкон беради. Мамлакатдаги мавжуд социологик ва социал-психологик хизматлар кўпдан-кўп тадкикотлар ўтказишади, бу тадкикотлар, масалан, социалистик жамият меҳнаткашларининг энг муҳим социал-психологик хусусиятларидан бири бўлган ишлаб чикариш хўжайини туйғусининг ривожланиш даражаси кандайлиги ҳакида хулоса чикаришга имкон беради. Советлар Мамлакатининг бошка ҳар кандай ҳакикий граждани сингари ҳозирги совет ишчиси ҳам жамият, коллектив ҳаётининг аҳамиятга молик ҳолатлари, шахсий фаровонлик билан боғлик карорларни кабул килишда иштирок этишга интилади. Ахир кишининг самарали меҳнат килиши, ўзининг ишдош ўртоклари ва бошка коллективлар олдидаги мажбуриятларини бажариши тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиши учун, юкорида кайд килинганидек, унинг ўзини хўжайин сифатида ҳис килиши ва ўз корхонасининг хўжайини сифатида ҳаракат килишига ва айни вактда, В. И. Ленин таъбирича, унинг мамлакат вакили, ишлаб чикаришни ташкил этиш, меҳнат натижаларини таксимлаш ва улардан фойдаланишга реал таъсир этиш имкониятига эга вакил бўлишига эришиш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, КПСС Программасида ишлаб чикилган социалистик ўз-ўзини бошкариш ғояси хўжайин туйғусини шакллантиришга хизмат килади. Бу ғоя меҳнат коллективлари ҳукукларини, улар фаолиятидаги демократик асослар — сайлаб куйиш, ошкоралик принципларини кўлланишни, барча ходимларни муҳим проблемаларни муҳокама килиш ва ҳал этишда катнаштиришни кенгайтиришни кўзда тутади. Партия XXVII съезди экономикада социалистик ўз-ўзини бошкаришни янада чукурлаштириш вазифасини кўяр экан, инсон яшаётган реал шароит, унинг ишлаб чикаришни ташкил этишга, меҳнат натижаларини таксимлаш ва ундан фойдаланишга таъсир ўтказиш имкониятлари — мулкка, ижтимоий бойликка муносабатни шакллантирадиган жиҳатлардир деб кайд килди.

Лекин, КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида таъкидланганидек, «хўжайинлик туйғусини курук сўз билан тарбиялаш мумкин, деб ўйлаш гўллик бўлур эди», у «аввало инсон яшаётган реал шароит» билан шакллантирилади. Совет социалистик экономикаси амал килаётган ва ривожланаётган ўнларча йиллар мобайнида шундай шароит яратиш учун талай ишлар килинди. Лекин бу соҳада эришилган муваффакиятларни ошириб кўрсатиш ҳам керак эмас. Гап шундаки, халк хўжалигини бошкаришда жойларда ҳал килиш мумкин ва керак бўлган кўпгина проблемалар марказий органлар томонидан ҳал этиладиган методларнинг ҳали ҳам устунлик килиши корхоналар коллективларининг ҳукукларини жиддий чеклайди. Натижада кўпгина ишчиларда ўз корхонасидаги ишлар аҳволи учун масъул ва бу ишлар боришига таъсир этиш ваколатига эга хўжайинлик туйғуси сусайиб колади ёки бундай туйғу умуман ривожланмайди.

Ва, аксинча, корхона ва бирлашмаларнинг хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини коплаш принциплари асосида ишлашга ўтиши ишчиларнинг бошкарувдаги ролини ошириш учун кулай шароит яратади. Колаверса бошкарувга оид карорларни ишлаб чикишда иштирок этиш меҳнат коллективлари муваффакиятли ишлашининг зарурий омили бўлиб колади.

Ишчилар коллективларининг ўз-ўзини бошкариш фаолияти ривожланиши учун коллектив аъзоларини бундай фаолиятга жалб этишнинг тегишли метод ва формаларини ҳосил килиш лозим. Сайлаб куйилган бригадирлар ва советлар бошкарадиган хўжалик ҳисоби ёки пудрат асосидаги бригадалар ишчи коллективларининг ўз-ўзини бошкаришни ривожлантиришнинг муҳим воситасидир. Бу соҳада анча тажриба тўпланган, лекин уни кўллаб-кувватлаш, кенг ёйиш зарур.

Инсон омилини активлаштириш шахснинг меҳнат фаолиятига муносабатининг ижобий маънавий-психологик асосларини шакллантиришни такозо этади, коллективда меҳнат ахлокини мустаҳкамлаш ва виждонан килинган ишни маъкуллайдиган ҳамда интизомни бузишларни кескин коралайдиган жамоатчилик фикрини яратиш оркали бунга эришиш мумкин. Бундай фикрни шакллантириш ва кўллаб-кувватлаш — осон иш эмас. Лекин айни шу интизомни бузишларга муросасиз умумий фикр коллектив аъзолари психологиясини ижобий кайта куришга ёрдам беради. Тажриба, социологик тадкикотлар материалларининг кўрсатишича, меҳнат соҳасидаги муваффакиятларнинг коллектив

фикри томонидан маъқулланиши кишида қониқиш, ифтихор, ўз ишини янада яхширок бажариш истагини уйғотади. Шахснинг энг яхши хислатлари, шу жумладан ижтимоий бурчни, масъулиятни англашни шакллантирадиган коммунистик тарбия бутун системасининг самарадорлиги оша борган сари инсон омили интизомни мустаҳкамлаш ишида ўзини янада тўларок ва чуқуррок намоён қила боради.

Пропагандист хулоса сифатида шуни таъкидлайдики, инсон омилини активлаштириш партия ташкилотлари, барча ижтимоий ва давлат муассасаларининг собиткадам куч-ғайрат кўрсатишини тақозо этади. Олдимизда турган улкан новаторлик ва мураккаб ишлар ҳар бир киши тафаккурининг интенсив ишлашини, зўр ғайрат билан меҳнат қилишни, эс-ҳушни йиғиб иш кўришни, онглилик ва уюшқокликни талаб қилади. Жадаллаштириш концепцияси потенциал имкониятларининг рўёбга чиқарилиши совет кишиларининг меҳнат ва социал активлигини ўстириш, Ленин партияси планлари, унинг новаторлик сиёсатини амалга оширишнинг кудратли омили бўлади.

Семинар машғулоти ўтказиш учун «Совет жамияти ривожланишининг ҳозирги боскичида инсон омилини активлаштириш йўллари» деган мавзу таклиф қилинади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Мусобақани қандай уюштириш керак?** Тўла асарлар тўплами, 35-том, 215—226-бетлар.

В. И. Ленин. **Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари.** Тўла асарлар тўплами, 36-том, 187—237-бетлар.

В. И. Ленин. **Буюк почин.** Тўла асарлар тўплами, 39-том, 1—33-бетлар.

В. И. Ленин. **Пролетариат диктатураси даврида экономика ва сиёсат.** Тўла асарлар тўплами, 39-том, 311—323-бетлар.

В. И. Ленин. **Ички ва ташқи сиёсат тўғрисида Бутун Россия Марказий Комитети ва Халқ Комиссарлари Советининг доклади, 22 декабрь.** Советларнинг VIII Бутун Россия съезди. 1920 йил 22—29 декабрь. — Тўла асарлар тўплами. 42-том, 160—170-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1985 йил 23 апрель. — Т., «Ўзбекистон», 1985.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари, 1986 йил 16 июнь. Т,. «Ўзбекистон», 1986.

Ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисида. КПСС МК, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ МК қарори. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 22 июнь.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг «Меҳнат коллективлари ва корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги Қонуни. — Т., «Ўзбекистон», 1983 йил.

М. С. Горбачев. **Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи.** КПСС Марказий Комитетида Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда 1985 йил 11 июнда қилинган доклад. — «Совет Ўзбекистони», 1985, 12 июнь.

М. С. Горбачев. **Туб бурилиш стратегияси.** Тольятти шаҳри меҳнаткашлари билан 1986 йил 8 апрелда бўлган учрашувда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 9 апрель.

М. С. Горбачев. **Владивостокка Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони», 1986, 29 июль.

М. С. Горбачев. **Қайта қуришни кечиктириб бўлмайди, у барчага ва ҳар жиҳатдан тааллуқлидир.** Хабаровск ўлка партия ташкилоти активининг кенгашида 1986 йил 31 июлда сўзланган нутқ. — «Совет Ўзбекистони», 1986, 3 август.

М. С. Горбачев. **Краснодар ўлкаси партия активи билан учрашувда сўзланган нутқ.** — «Совет Ўзбекистони». 1986, 21 сентябрь.

Е. К. Лигачев. **Октябрь йўлидан, революцион ижодкорлик руҳида.** Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 69 йиллигига бағишлаб 1986 йил 6 ноябрь куни ўтказилган тантанали мажлисда қилинган доклад. — «Совет Ўзбекистони» 1986, 7 ноябрь.

И. Б. Усмонхўжаев. КПСС XXVII съезди талаблари асосида идеология ишининг самарадорлигини янада ошириш юзасидан республика партия ташилотларининг вазифалари. Ўзбекистон Компартияси МК пленумида 1986 йил 4 октябрда қилинган доклад. — «Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 11.

МАҲСУЛОТНИНГ МАТЕРИАЛ САРФИНИ КАМАЙТИРИШ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

Иқтисод режимини амалга ошириш ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг асосий йўналишларидан биридир. У мавжуд ресурслардан оқилона фойданишни таъминлаш билан халқ хўжалигини янада ривожлантириш ва меҳнаткашлар фаровонлигини ошириш мақсадида мамлакат иқтисодий потенциалини мустаҳкамлайди. Иқтисод режими халқ хўжалигининг ички резервларидан фойдаланиш ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш йўли билан кам сарфлаб энг юқори натижаларга эришишга ёрдам берадиган техникавий, ташкилий, тарбиявий чора-тадбирлар системасини ўз ичига олади. Партиянинг иқтисод режимини кучайтиришни мустаҳкам планли ва ташкилий негизга қўйиш, уни бутун хўжалик фаолиятимизнинг энг муҳим таркибий қисмига айлантириш вазифасини илгари сурганн бежиз эмас.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жараёни уч асосий ўзаро боғлиқ халқ хўжалик кўрсаткичи — фонд, меҳнат ва материал сарфининг ҳаракати билан характерланади. Ана шу жараёнга материал сарфи таъсирини кўриб чиқамиз, бу кўрсаткич истеъмол қилинаётган моддий ресурслар ҳажмининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига нисбатини ва ишлаб чиқаришнинг энг муҳим элементларидан бири — меҳнат предметларидан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатади.

Социалистик ишлаб чиқариш жараёнида моддий ресурсларни тежаш зарурлиги ва унинг моҳияти тўғрисида тўлароқ тасаввурга эга бўлиш учун унинг капитализмдаги социал-иқтисодий мазмунига мурожаат қиламиз. Ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик ҳукмрон бўлган, синфлар ўртасидаги муносабатлар антагонистик характерда бўлган бу тузум бутун жамият доирасида иқтисод режимини изчил амалга ошириш йўлида мустаҳкам тўсиқлар қўяди. «... Капиталистик ишлаб чиқариш процессининг... мақсади, — деб ёзган эди К. Маркс, — капиталнинг ўз-ўзидан мумкин қадар кўпроқ ўсишидир, яъни мумкин қадар кўпроқ қўшимча қиймат ҳосил қилишдир» (К. Маркс. Капитал. 1-том, «Ўзбекистон», 1983. 329-бет). Капитал шаклида намоён бўладиган меҳнат предметлари ишлаб чиқариш воситаларининг таркибий қисми сифатида капиталистнинг иш кучини беаёв эксплуатация қилиш йўли билан энг юқори фойда олишига қаратилади. Шу сабабли меҳнат предметларидан оқилона фойдаланиш, бинобарин, материал сарфини камайтиришдан асосан капиталистлар манфаатдордир, зеро бу улар фойдасининг ошишига, бойишига хизмат қилади. Ҳеч қандай меҳнат воситасига эга бўлмаган ва ўз кучини товар сифатида сотишга мажбур ишчи меҳнат предметларидан оқилона фойдаланишдан мутлақ манфаатдор эмас, чунки иқтисодга интилиш унга ҳеч қандай фойда келтирмайди. Шундай қилиб, ишлаб чиқариш воситаларига капиталистик хусусий мулкчилик иқтисод режимини амалга оширишда ишчилар билан капиталистлар манфаатларини қарама-қарши қўяди.

Социализмда бутунлай бошқача манзарани кўрамиз. Ф. Энгельс қайд қилганидек, «ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкка айлантирилиши нафақат ҳозирда мавжуд ишлаб чиқаришнинг сунъий тўсиқларини, шу билан бирга ишлаб чиқарувчи кучлар ва маҳсулотларнинг тўғридан-тўғри исроф қилинишини ва йўқ қилинишини ҳам бартараф этади...» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 294-бет). Бу қонунийдир, чунки ишлаб чиқариш воситаларига ижтимоий эгалик жамият барча аъзолари туб манфаатларининг бирлигини, демак бутун жамият миқёсида иқтисод режимини планли асосда, изчил амалга оширишни таъминлайди.

Социализм хом ашё, материаллар, ёқилғи ва энергиядан фойдаланишни ғоят оқилона ва системали яхшилаш учун чексиз имкониятлар яратади. Лекин бу имкониятлар воқеликка айланиши учун моддий харажатларни иқтисод қилиш резервларини излаб топиш соҳасида жиддий иш олиб бориш зарур. В. И. Ленин бундай ишнинг муҳимлигини таъкидлаб, шундай ёзган эди: «Коммунизм *оддий ишчиларнинг* меҳ-

нат унумдорлигини кўпайтириш тўғрисида. *ғалла, кўмир, темир* ва бошка махсулотлар шахсан ишловчиларга ва уларнинг «яқинлари»га эмас, балки «бегоналарга», яъни умуман бутун жамиятга, ... ўн ва юз миллионлаб кишиларга тегадиган шу маҳсулотларнинг *ҳар бир пудини* асраш тўғрисида фидокорона ва оғир меҳнатни енгадиган ғамхўрликлари пайдо бўлган жойда бошланади» (Тўла асарлар тўплами, 39-том, 25-бет).

Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси шуни англаб олиши керакки, социализмда ишлаб чиқариш фондлари шаклида намоён бўладиган ишлаб чиқариш воситалари халқ фаровонлигини тобора ошириш негизи бўлиб хизмат қилади. Биз мавжуд ресурслардан қанчалик оқилона фойдалансак, моддий неъматларни шунчалик кўпроқ яратиш, халқ турмуш даражасини ошириш учун шунчалик кўпроқ маблағ ажратиш мумкин бўлади. Бошкача айтганда, социализм шароитида моддий ресурслардан тежаб ва оқилона фойдаланиш, маҳсулотнинг материал сарфини камайтириш умумхалқ хўжалик вазифаси ҳисобланади.

Экономика микёсларининг узлуксиз ўсиши тобора кўпроқ миқдордаги моддий ресурслардан фойдаланиш билан қўшиб олиб борилади. Ҳозир уларнинг Ўзбекистон ялпи ижтимоий маҳсулотидаги ҳиссаси 53,8 процентдан кўпроқни, саноат маҳсулотидаги салмоғи эса — 72,4 процентни ташкил этади. Бу кўрсаткичларни камайтириш — ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ғоят муҳим омилидир. Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, фойдали қазилмалар қазиб олиш эски конларнинг битиши ва янги районларни ўзлаштириш зарурлиги, бунинг эса катта харажатлар талаб қилиши муносабати билан йилдан-йилга мураккаблашмоқда. Масалан, 15 йил илгари 1 миллион сўмлик хом ашё қазиб олиш учун 2 миллион сўм сарфланган бўлса, энди 4 миллион сўм сарфланяпти.

Албатта, бундай шароитда мавжуд моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга эришиш — маҳсулотнинг материал сарфини камайтириш, бирмунча арзон ва самарали материалларни ишлатиш, шунингдек уларни тежаб сарфлаш ғоят муҳимдир. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида экономиканинг моддий ресурсларга эҳтиёжларини қондиришга принципиал янгича ёндашув назарда тутилади. Агар ўтган йилларда бу эҳтиёжлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ҳисобига қондирилган бўлса, 2000 йилга бориб ёқилғи, энергия, хом ашё, металл ва бошка материалларга бўлган эҳтиёжлар ўсишининг 75—80 проценти уларни тежаш йўли билан қондирилишига эришиш вазифаси қўйилмоқда.

Бугунги кунда ва истиқболда нима нарса моддий харажатларни тежаш режимини ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан бири қилиб қўймоқда?

Биринчидан, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга материал сарфининг камайиши бир хил миқдордаги ресурслардан кўпроқ тайёр маҳсулот олиш имконини беради, яъни ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва қўшимча маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ички манбаи бўлиб хизмат қилади. Қуйидаги маълумотлар халқ хўжалигида моддий харажатларни тежашнинг аҳамияти ортиб бораётганини кўрсатади: агар 1975 йилда бундай харажатларни 1 процент камайтириш Ўзбекистон ССР миллий даромадининг 136,9 миллион сўмга ошишига тенг бўлган бўлса, унда 1985 йилда бу кўрсаткич 214,5 миллион сўмни ташкил этди. Умуман ўн биринчи беш йилликда моддий харажатларнинг 1 процентга камайтирилиши республикада 1 миллиард сўмдан зиёд маблағни тежашга имкон берди, бу капитал маблағларнинг бир процентини тежашга нисбатан 3 баравар ва иш ҳақи фонди иқтисодига нисбатан 2 баравардан зиёд ортиқ демакдир. Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатларини 1 процентга камайтириш республика ва бутун мамлакат халқ хўжалигининг бир йилда уч ёки тўрт кун фақат тежалган материаллар билан ишлашига имкон беради.

Иккинчидан, моддий ресурсларни тежаш асосий фондлардан самарали фойдаланишга ёрдам беради. Масалан, материал сарфи кам маҳсулотга технологик ишлов бериш учун камроқ иш вақти талаб қилинади, натижада вақт бирлиги ичида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми кўпаяди. Бу пировард оқибатда асосий фондлардан фойдаланишнинг асосий кўрсаткичи — фонд самарадорлигининг (асосий фондларнинг 1 сўми эвазига ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми) ошишини таъминлайди ёки маҳсулотнинг фонд сарфини камайтиради.

Учинчидан, материал сарфининг камайиши хом ашё қазиб олувчи тармоқларга ажратиладиган капитал маблағларни қисқартириш воситаси бўлиб хизмат қилади, саноатдаги барча ишлаб чиқариш фондларининг ярмидан кўпи шу тармоқларда тўпланган ва бу ердаги фонд сарфи ишлама тармоқлардагига қараганда юқоридир. Бу тадбир яна шунинг учун ҳам муҳимки, юқорида қайд қилинганидек, эски конлар тугаб бормоқда, янгиларини ўзлаштириш эса тобора қимматга тушмоқда.

Тўртинчидан, материал сарфининг камайиши маҳсулот таннархини пасайтиришга

имкон беради, унинг талай қисмини моддий харажатлар ташкил этади. Маҳсулот таннархи (уни ишлаб чиқариш учун ишлатилган хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия ва бошқа меҳнат предметлари қиймати + амартизацион чегирма + меҳнат ҳақи харажатлари + маҳсулотни реализация қилиш билан боғлиқ харажатлар) корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг ҳамма томонларини ўз ичига олади ва у эришган ишлаб чиқаришнинг техникавий-иқтисодий даражасини акс эттиради. Таннархнинг камайиши фойда, рентабелликнинг, иқтисодий рағбатлантириш фондлари миқдорининг кўпайишига ёрдам беради, бу ҳозирги шароитда тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Ўзбекистонда бу жабҳадаги ишлар қай аҳволда? Умуман республика саноати ва унинг асосий тармоқлари бўйича таннарх структурасида моддий харажатлар ҳиссаси жуда катта — 81,3 процент. Бу кўрсаткич енгил (90,6 процент) ва озиқ-овқат (90,8 процент) саноатларида айниқса юқоридир. У химия ва нефть химияси саноатида — 69,1, машинасозлик ва металга ишлов бериш саноатида — 67,8, қурилиш материаллари саноатида — 61,2 процентга тенг. Электроэнергетикада моддий харажатлар составида хом ашё ва асосий материаллар деган элемент йўқ, бироқ унда ёқилғи салмоғи ғоят юқори — 50,3 процентдир. Шу сабабли республикадаги ҳозирги ишлаб чиқариш ҳажмида маҳсулот таннархининг моддий харажатлар ҳиссасини камайтириш — бу ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим резервидир.

Бешинчидан, фан-техника тараққиёти ютуқлари, жумладан, ресурсларни тежайдиган техника ва технологияни жорий этиш натижасида моддий ресурсларни тежаш иш кучига талабни камайтиришга олиб келади. Масалан, 1 миллион тонна металл прокатга босим орқали ишлов бериш кесиш орқали ишлов бергандагига нисбатан 150 минг тоннадан зиёд қора металлар прокатини иқтисод қилишга ва бунда 15 минг металл кесиш станогини ва 22 минг кишини холи қилишга имкон беради. Холи қилинаётган иш кучидан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини жадал ривожлантириш учун, яъни пировард оқибатда кишилар эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун фойдаланилиши мумкин.

Олтинчидан, материаллардан самарали фойдаланиш моддий ишлаб чиқариш соҳасида балансга оид алоқаларни ва тармоқлараро пропорцияларни такомиллаштиришни тақозо этади. Тармоқлараро пропорциялар билан моддий ресурсларни тежаш ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Хўжалик тежамкорлик билан юргизилганида маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетадиган моддий ресурслар харажатлари шунга мувофиқ камаяди, бу харажатлар оптимал тармоқлараро пропорциялар белгиланишига бевосита таъсир кўрсатади. Пропорцияларнинг планли асосда оптималлаштирилиши ўз навбатида моддий ресурсларни тежашнинг муҳим манбаи бўлиб хизмат қилади.

Еттинчидан, меҳнат предметлари қиймати оборот фондларининг асосий қисмини ташкил қилиши сабабли моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш саноатнинг уларга бўлган эҳтиёжини шунга мувофиқ камайтиради, бу оборотга юборилаётган ресурслар миқдорини қисқартиради. Натижада оборот вақти қисқаради, бу маблағларнинг айланишини тезлаштиради, яъни оборот маблағларининг ҳар бир сўми эвазига кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилади. Шу билан бир қаторда иқтисод ҳисобига маблағлар айланишининг тезлашиши ишлаб чиқариш запаслари ва пул маблағлари нормативини қисқартиришга олиб келадики, бу ҳол ишлаб чиқаришни оборот фондлари (ташиш, юклаш, тушириш, сақлаш) ила таъминлаш жараёни билан боғлиқдир. Бунда бўшаб қолган оборот маблағлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига ёки мазкур тармоқ корхоналарида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш учун юборилиши мумкин.

Саккизинчидан, моддий ресурслардан тежаб ва оқилона фойдаланиш катта тарбиявий роль ўйнайди, бундай қилинганида социалистик жамият аъзоларига режалилик, тежамкорлик, хўжасизликка ва бепарволикка муросасизлик каби муҳим фазилатлар сингдирилади. В. И. Лениннинг қуйидаги васиятлари бугунги кунда ҳам актуаллигини йўқотгани йўқ: «Пул ҳисобини пухта ва ҳалол олиб бор, тежабтергаб хўжалик юрит, дангасалик қилма, ўғирлик қилма, меҳнат интизомига қаттиқ риоя қил...». «Ҳозир биз ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилишимиз лозим, бинобарин, ҳар бирингиз ҳисоб-китобни ўрганишингиз керак» (ТАТ, 36-том, 196-бет; 45-том, 347-бет).

Моддий ресурслардан оқилона ва тежаб фойдаланиш зарурлиги халқ хўжалигининг барча тармоқларида материал сарфини қисқартиришнинг асосий йўлларини белгилашни талаб қилади. Ҳозирги кунда мамлакатнинг ҳамма жойида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам бу йўналишда иш олиб борилмоқда. Масалан, ўн биринчи беш йилликда республикада 151,2 минг тонна қора металлар прокати, 3 миллиард 359 миллион киловатт-соат электр энергия, 4 миллион 226,8 минг гигакалория иссиқлик энергияси, 686,7 минг тонна қозонхона-печка ёқилғиси (шартли қилиб ҳисоблаганда) иқтисод қилинди.

Лекин республикада ҳали ҳам талайгина хом ашё ва материаллар беҳуда сарфланмоқда, афсуски, маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун моддий ресурсларни ортиқча сарфлаш, маҳсулотга материал сарфининг ошиб кетиш ҳоллари кўплаб учрайди. Масалан, бутун республика халқ хўжалиги бўйича бир сўмлик ялпи маҳсулотга материал сарфи 1981 йилда 53,2 тийинни ташкил этган бўлса, 1985 йилда — 53,8 тийинни ташкил этди. Ишлаб чиқарилган ялпи ижтимоий маҳсулотнинг бир сўмига моддий харажатларнинг ошганлиги пировард оқибатда ишлаб чиқариш самарадорлиги даражасига салбий таъсир кўрсатди ва республика миллий даромадининг 213,4 миллион сўм камайишига олиб келди.

Бу республикада ана шу масалага эътиборни кучайтириш кераклигини кўрсатади. Халқ хўжалигининг ҳар бир тармоғида, ҳар бир корхонада, участкада иқтисод режимини бузишларга барҳам бериш, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш резервларини излаб топиш ва уларни ҳаракатга келтириш лозим. КПСС МКнинг июнь (1986 йил) Пленумида кўрсатиб ўтилганидек, ресурсларни тежашга ва улардан фойдаланиш даражасига доир топшириқларнинг бажарилиши ҳар бир корхона ва коллектив ишига баҳо беришнинг асосий мезонларидан бири бўлиб қолишига эришиш йўлини тутиш лозим. Партия, касаба союз, хўжалик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, халқ контроли ва, шубҳасиз, меҳнат коллективларининг биргаликдаги куч ғайратлари ана шу топшириқларни бажаришга қаратилиши керак.

Ф. ЁҚУБОВ.

БЎШ ВАҚТ ТАДҚИҚОТИНИНГ АСПЕКТЛАРИ

Бўш вақт проблемаси марксча-ленинча назарияда муҳим ўрин тутади, чунки уни илмий-назарий идрок этиш ва амалий ҳал этиш шахсни ҳар тарафлама камол топтиришнинг зарур шартларидан биридир. Социализмда бўш вақт коммунистик турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб қолди.

Бу проблема мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш босқичида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунда энг муҳими шуки, бўш вақт нафақат ишлаб чиқаришнинг сифат кўрсаткичларини яхшилашда, шу билан бирга шахснинг юксак социал фазилатида ҳам ифодаланиши лозим. Бинобарин, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида омма ижодий фаолиятини ривожлантирмасдан, улар интеллектуал потенциалини фаоллаштирмасдан партиянинг жадаллаштириш йўлини амалга ошириш мумкин эмас. Бунда бўш вақт роли ғоят катта бўлиб, унинг асосий мазмуни совет кишиларининг қобилиятлари, истеъдодлари ва талантларини жамият манфаатлари йўлида янада тўлароқ очишга қаратилгандир. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида шундай таъкидланади: «Асосий гап — кишининг турмуш тарзида, хусусан, у ўз бўш вақтидан қанчалик оқилона ва ўринли фойдаланишидадир». Эндиликда нафақат янги инсонни камол топтиришда бўш вақт аҳамиятининг ўсиб бориш тенденцияси, шу билан бирга бу бўш вақтни шахснинг ботиний кучларини ишга солиш шартига айлантириш тенденцияси ҳам намоён бўлмоқда.

Совет жамияти турмушининг ижтимоий жараёнлардаги чуқур ўзгаришлар билан характерланадиган ҳозирги босқичи шахснинг социал хислатларини ривожлантиришга бўш вақт таъсирини фалсафий идрок этишни тақозо қилади. Унинг тадқиқоти предмет-структуравий, функционал ва тарихий аспектларни ўз ичига олади.

Предмет-структуравий аспект тўғрисида гапирилар экан, шуни қайд қилиш зарурки, марксизм бўш вақтнинг икки элементини ажратиб кўрсатади: бир томондан, у дам олиш ва кўнгил очиш (телекўрсатувлар, кинофильмлар кўриш, китоблар, газета-журналлар ўқиш, театрлар, музейлар, концертларда бўлиш ва ҳоказо) йўли билан инсоннинг кучлари, қобилиятларини қайта тиклаш учун шароит, яъни ишдан холи вақт, бошқа томондан — у «янада юксакроқ фаолиятдир» (К. Маркс). Бундай фаолият ижодий, интеллектуал машғулотлар мажмуидан иборат бўлиб, бу машғулотлар жараёнида инсоннинг ботиний кучлари фаол ва тўла миқёсда очилади ҳамда олий даражадаги, яъни ўз-ўзини такомиллаштириш эҳтиёжлари қондирилади. Бундай фаолият доирасида киши пассив дам олиш, кўнгил очиш, кундалик ахборотни шунчаки ўзлаштириш доирасидан ташқари чиқади. Бу фаолиятнинг энг кўп тарқалган формалари қуйидагилардир: ишдан бўш вақтда уюшган ҳолда ўқиш, онгли тарзда ва

муайян мақсадни кўзлаб ўз билимини ошириш, малака ошириш, ижтимоий иш, касбдан ташқари ижодкорлик (бунда киши маданий қадриятлар истеъмолчисидан уларнинг бунёдкорига айланади), рационализаторлик ва ихтирочилик, болалар тарбияси ва бошқалар.

Бу икки фаолият формасини бир-бирига қарама-қарши қўйиш мумкин эмас. Уларнинг ҳар бири фақат шахсни, унинг эркин фаолиятини ривожлантиришнинг турли усуллари, босқичлари ва даражалари мавжудлигини қайд қилади. Бўш вақт структурасида бу ҳар иккала компонент бир-бирини тўлдиради ва бойитади. Уларнинг бир-бирига ўтиши индивидни ҳар тарафлама камол топтиришнинг энг самарали формаларини излаб топишга кўмаклашади.

Бунда шунингдек шахсни шакллантиришнинг асосий йўналишлари: шахсни шакллантирадиган индивидуал ва уни муайян социал тип сифатида шакллантирадиган — социал йўналишларни ҳисобга олиш керак. Бу икки йўналиш бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлиб, бир-бирини тақозо этади, уларни бу жараённинг нисбатан мустақил тармоқлари сифатида фақат назарий жиҳатдан тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари, шахснинг шаклланиши инсон ҳаётининг муайян босқичларига мувофиқ келадиган уч даражада кечади: стихияли, суст бошқариладиган ва социал тартиботлар томонидан суст назорат қилинадиган; уюшган, онгли тарзда бошқариладиган ва социал тартиботлар томонидан назорат қилинадиган; ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини назорат қилиш, мустақил ўқиш ва ўз-ўзини тарбиялаш даражасида. Бу йўналишлар ва даражалар (босқичлар)ни ҳисобга олиш совет кишиси феноменини таърифлаш, унинг хилма-хил хусусиятларини кўрсатиш имкониятини яратади, унда бундай хислатларни бўш вақт шароитида шакллантиришимиз лозим бўлади.

1985—1986 йилларда Андижон области қишлоқларида яшайдиган 500 кишининг анкета сўрови ўтказилди. Сўровда, жумладан, «Сиз ўз бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?» деган савол ҳам бор эди. Жавобларнинг кўпчилиги қуйидагича хулоса чиқаришга асос бўлади: қишлоқ меҳнаткашларининг бўш вақти структурасида «энг юксак фаолият» соҳасидаги ижодий машғулотлар бўш вақтни ўтказишнинг пассив формаларига нисбатан жуда кам ўрин эгаллайди. Масалан, улар учун қуйидагилар ҳозир бўш вақт ўтказишнинг энг кўп тарқалган формаларидир: телекўрсатувларни мунтазам томоша қилиш (96,8 проценти), газета ва журналлар ўқиш (92,9), радиоэшиттиришларни тинглаб бориш (89,9), уйда меҳмон кутиш (76,6), қариндош-уруғ, яқинлар билан мулоқот (74,6), меҳмонга бориш (65,3), улфатлар билан учрашувлар (64), болалар билан шуғулланиш (69,8), физкультура билан шуғулланиш (55,6), бадиий адабиёт ўқиш (52,6), чойхона, ресторанга бориб туриш (40,2 проценти). Кўриниб турибдики, қишлоқ аҳолисининг бўш вақтларда маънавий манфаатларни қондиришининг ранг-баранг формалари орасида телевизион программаларни томоша қилиш, газета, журналлар ўқиш ва радиоэшиттиришларни тинглаб бориш асосий ўрин тутади.

Ҳар бир кишининг бўш вақтларда маданиятдан баҳра олиш формаларини танлаши кўп жиҳатдан унинг шахсига, ижтимоий етуклигига, онгига ва бошқа индивидуал хусусиятларига боғлиқ бўлади. Текшириш шуни кўрсатдики, қишлоқда яшовчиларнинг атиги 10 проценти халқ чолғу асбобларини чалиш, ҳаваскорлик ва илмий-техникавий ижодкорлик, спорт билан шуғулланар экан. Эркакларнинг бор-йўғи 53 ва хотин-қизларнинг 49 проценти бадиий адабиёт ўқийди. Сўровга жавоб берганларнинг яна 33 проценти ўқишни хоҳлайдию, лекин бунга вақтлари йўқ. «Сиз бўш вақтингизни кўпроқ қаерда ўтказасиз?» деган саволга эркакларнинг 63,9 ва хотин-қизларнинг 74 проценти «уйда» деб жавоб беришган. Эркакларнинг 30,6 ва хотин-қизларнинг 33,3 проценти Маданият уйида, клубда бўлишмайди.

Маънавий ижодкорлик кишидан муайян қобилиятлар, умумий маданият талаб қилади. Ўтказилган текширишнинг кўрсатишича, ўзларининг бўш вақтини ижодкорликка бағишлашни хоҳлайдиганлар ҳозирда шу иш билан шуғулланаётганларга қараганда анча кўп. Бу, хусусан, қишлоқдаги маданий муассасалар ўз ишида ҳозирча кишиларнинг эҳтиёжлари ва қизикишларини яхши ҳисобга олмаётганликларини англатади.

Қишлоқда бўш вақтнинг анчагина қисмини уй шароитида ўтказиш тенденцияси кўзга ташланади. Бинобарин, у қишлоқ меҳнаткашлари учун ишдан холи вақтнинг «ҳукмрон» тарзи бўлиб, у асосан дам олишнинг пассив формалари билан тўлдирилади. Бўш вақтдан асосан дам олишга, кўнгил очишга, жисмоний кучларни қайта тиклашга бўлган эҳтиёжлар қондириладиган тарзда фойдаланиш уйғун тарзда камол топган шахс вазифаларини тўла ҳал қила олмайди. Фақат юксак ижодий фаолият учун фойдаланиладиган бўш вақтгина социал қадрият, ижтимоий бойлик бўла олади.

Маълумки, бўш вақт структурасини ишлаб чиқаришдан ташқари, оилавий-маиший, ижтимоий муносабатлар ташкил этади. Турмуш соҳасида ҳал этилмаган қатор проблемалар борлиги қишлоқ аҳолиси бўш вақтининг социал хусусиятига жиддий таъсир кўрсатади. Турмуш, меҳнат,

инсоний муносабатлар маданияти умуман бўш вақт маданиятига таъсир қилади.

Энди бўш вақт анализининг функционал аспекти тўғрисида. У бўш вақтни кишиларнинг реал ҳаётий фаолиятида ўрганиш, унинг янги инсонни тарбиялашдаги ролини бутун тўлалигича очиб бериш учун имкон беради. Коммунистик типдаги шахсни шакллантирадиган социал омиллар системасида бўш вақт айни бир пайтда уларнинг ҳаракат қилиш шароити ва нисбатан мустақил ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бўш вақт структурасидан унинг қуйидаги икки функцияси — дам олиш ва кўнгил очиш ҳамда шакллантириш ва ривожлантириш функциялари келиб чиқади. Бўш вақтнинг қолган барча таркибий қисмларини ўзида бирлаштирган ривожлантириш функцияси унинг марказий функцияларидан бири эканлигини тан олган ҳолда шуни айтиш керакки, агар бўш вақт шахс дунёқарашини шакллантириш, унинг индивидуаллигини очиб бериш, инсон ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг воситаси бўла олсагина бу функция ўзини намоён эта олади.

Предмет-структуравий ва функционал аспектлар билан бир қаторда бўш вақт анализининг тарихий аспектига ҳам мурожаат қилиш керак бўлади. Методологик нуқтаи назардан олганда бу ўринда бўш вақт, иш вақти ва моддий неъматлар ишлаб чиқариш усули каби тушунчаларни бирбиридан ажратмаслик муҳимдир.

Ҳукмрон ишлаб чиқариш муносабатлари типи бўш вақтдан фойдаланиш характери структурасининг тарихий типларини ажратиш учун асос бўлади. Турли даврларда бўш вақтнинг бир-бирига ўхшаш элементларининг мавжудлиги фақат унинг умуминсоний белгиларини таъкидлайди. Масалан, актив ва пассив дам олишнинг бир хилдаги кўринишлари, айрим кўнгил очишлар, ўйинлар, ўзаро алоқа формалари ва шу кабилар ана шулар жумласидандир. Кишиларнинг моддий ишлаб чиқаришдаги меҳнат фаолияти бўш вақт базиси бўлганлиги сабабли юқоридаги каби белгиларнинг ўхшашлигидан кўра тафовутлари кўпроқ бўлади. Тарихий тараққиёт жараёнида бўш вақт структураси кенгаяди ва хилма-хил формалари бойийди.

Бўш вақт мазмунининг бойлиги, биринчи навбатда, кишининг ўз индивидуаллигининг ижодий асосларини фаолиятда ифодалай олиш қобилияти билан белгиланади. Шахс онгининг, аввало унинг «ўзаги»ни ташкил этадиган дунёқараш каби жиҳатининг ривожланганлик даражаси инсон ҳаётининг эркинлик прициплари мазмунига қанчалик мувофиқ келишини кўрсатадиган кўрсаткичлардан биридир. Инсон дунёқараши унинг ҳаётий фаолияти ривожланишининг бош йўналишини белгилайди ва субъектнинг ўзининг борлиғини, теваракатрофдаги дунё билан муносабатларининг мураккаб комплексини идрок этишини англатади.

Инсоннинг актив ижодий фаолияти бўш вақтнинг иккинчи ўзига хос хусусиятидир. Шахснинг потенциал имкониятлари ва қобилиятлари фақат унда ва у орқали намоён бўлади. Бунда актив ижодий фаолият нафақат инсонни янада ривожлантириш учун шароит яратади, шу билан бирга уни эришилган нарсани ўзининг янги изланишларга бўлган имкониятлари билан солиштириб кўришга ундайди, уни ўша кишининг ўз онгида шахс сифатида қарор топтиради.

Ниҳоят, одамда ўз фаолияти учун масъулият ҳиссини тарбиялаш бўш вақтнинг асосий хусусиятидир, бунда нафақат ҳаракатларнинг натижалари, шу билан бирга бу ҳаракатларнинг мақсади, сабаби учун масъулият ҳисси ҳам кўзда тутилади. Шу нарсани ўзлаштириб олган киши, агар унинг фаолияти ижтимоий манфаатлар билан боғлиқ бўлса, унда ҳеч қандай чекланишларсиз фаолият кўрсатаверади.

Бўш вақтнинг санаб ўтилган ўзига хос хусусиятлари ҳар қалай: киши нималарга эга бўлса, эркин бўлади? деган саволга жавоб бўлади. Саволни шу тарзда қўйиш ҳам тўғри бўлади: киши нимага муносабати орқали эркин бўлади? Уларга жавоб бериш — шахсни тарбиялашнинг муҳим шарти, унинг дунёқарашини шакллантириш, индивидуаллигини очиб бериш воситаси ва инсоннинг социал активлигини оширишнинг ҳаракатлантирувчи кучи, аввало ижтимоий бойлик сифатидаги эркинликни ривожлантириш тарзидаги бўш вақтни методологик йўсинда тадқиқ қилиш демакдир.

Социализмдаги бўш вақт моҳиятининг ифодаси сифатидаги эркин фаолият — бу нафақат ижтимоий бурчга, жамият ҳаёти нормаларига ихтиёрий тарзда амал қилишга асосланадиган ҳаракат, шу билан бирга у инсоннинг ўз атрофидаги воқеликка социал муносабати ҳамдир.

М. АБДАЛИМОВА.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ВА СОЦИАЛ АДОЛАТ

И. ЖАББОРОВ,
фалсафа фанлари доктори

Яқинда мен собиқ студентим, ҳозир қишлоқда ўқитувчилик қилаётган бир танишимдан хат олдим. Хатда у ўз районларида бир гуруҳ қаллоблар устидан бўлган суд ҳақида ёзибди. Қаллобларнинг юлғичлик ва порахўрлик бобида қилган ишлари судда тўлиқ фош бўлибди, суд томонидан ҳар хил муддатга ҳукм қилинибди. Лекин собиқ студентим суд ҳукмидан норози экан. Унинг фикрича, беш йил муддатга қамоқ жазосини олган сельпо бухгалтери ўн йил, ўн йилга ҳукм қилинган раис эса отилиши керак экан.

Бу хатни ўқиб мен чуқур ўйланиб қолдим. Бир томондан бу унинг партиямиз меҳнатсиз даромад ҳисобига яшаб, давлат мулкини талон-тарож қилувчиларга қарши олиб бораётган кескин курашини жон-дилдан қўллашини кўрсатса, иккинчи томондан, оддий кишиларнинг социал онги, сиёсий етуклиги нечоғлик ўсиб бораётганидан далолат беради. Зотан, бу ҳол партиямизнинг социал адолат принципини изчил амалга ошириш йўлини халқимиз жуда тўғри тушуниб, сидқидилдан қўллаб-қувватлаётганини кўрсатиб турибди.

Менинг билишимча, меҳнаткаш халқимизнинг тилида юрган дил сўзларини ифодаловчи бундай хатлар фақат менга эмас, жуда кўп давлат идораларига, газета, радио ва телевидение редакцияларига, шунингдек, таниқли олим ва ёзувчиларга ҳам тинимсиз оқиб келмоқда. Бу қувонарли факт яна шундан далолат берадики, кейинги ўн йиллар давомида республикамизда хўжаликни юритишда йўл қўйилган жиддий хатолар, мансабпарастлик, лаганбардорлик, халқ мулкига хиёнат, меҳнатсиз даромад туфайли ҳовлиқиб кетишлар, ўғирлик ва порахўрлик каби иллатлар жамиятимизни жуда ташвишга солиб келаётган экан. Шу боисдан ҳам пок кишиларнинг ҳар хил ноҳалол шахсларга қарши қаратилган бундай фаоллиги оддий меҳнаткашлар онгида янги даврга хос туб бурилиш бошланганидан дарак беради. Умуман ҳаётимизга, ижтимоий фанлар соҳасига, илмга, тилимизга «социал адолат» деган ибора кириб келишининг ўзи даврнинг, ижтимоий ҳаётимизнинг жуда жиддий ютуғи дейиш мумкин.

Мен ўз касбим тақозоси билан студент-ёшлар, ишчи ва колхозчилар, зиёлилар орасида кўп бўламан, лекциялар, суҳбатлар ўтказаман. Бу учрашувларда бугунги ҳаётимиз ҳақида, партиямизнинг XXVII съезди белгилаб берган янгича сиёсат тўғрисида, турмушимизнинг ҳамма жабҳаларида рўй бераётган ва бурилиш даври деб ном олган бугунги кун ҳақида, пок ва ҳалоллик учун олиб борилаётган кескин кураш тўғрисида фикр алмашувлар бўлади, ҳар хил саволлар тушади. Тўғри, агар мен бу ўринда ҳамма бирдай бугунги кун талабларини тўғри идрок этиб, турмушимизда рўй бераётган катта иқтисодий, сиёсий ва ғоявий ўзгаришларни тўғри қабул қилмоқда десам ҳақиқатга зид гапирган бўлар эдим. Бугунги сиёсатимизни тўғри тушуниб, ҳалоллик учун курашга астойдил бел боғлаган ҳалол кишилар билан бир қаторда ҳаётимизда бошланган бу туб бурилишларни ва унинг ички омилларини ҳали тўғри идрок эта олмай чалкаш фикрлаётганлар ҳам йўқ эмас. Партиямиз Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Узоқ Шарқда гапирган нутқларида қайд қилинганидек, «ҳали нима бўлар экан», деб бир чеккада томошабин бўлиб турганлар ҳам, афсуски, бор. Лекин бахтимизга булар кўпчиликни ташкил қилмайди. Биз бугун шуни комил ишонч билан айтишимиз мумкинки, бутун совет халқи мамлакатимизда бошланган бу муҳим бурилишни сидқидилдан қўллаб-қувватламоқда.

Шу билан бирга ўша мактубда ташвишли бир оҳанг ҳам борки, бу ҳақда ҳам ўйламаслик мумкин эмас. Гап шундаки, хат муаллифига ўхшаб баъзи кишилар турмушимизда ўн йиллар давомида йўл қўйилиб келган хатоларга чек қўйиш, давлат ҳисобига бойлик орттирган порахўрлар

ва юлғичларни тугатишнинг фақат битта йўли бор деб ўйламоқда. Бу ҳам бўлса, шафқатсиз жазо йўлидир. Албатта, халқ ва давлат мулкига хиёнат қилган нопок кишиларга нисбатан раҳмдиллик қилиш, енгил жазо бериш тўғри бўлмайди. Бу ерда совет қонуни ўз ишини қилмоғи даркор. Лекин шу билан бирга кўп йиллар давомида йўл қўйилган ҳамма хато ва камчиликларни фақат жазо бериш йўли билангина бартараф қилиш мумкин, деган фикрга ҳам қўшилиш қийин. Чунки хўжалик борасида қабул қилинган кўпдан-кўп низомлар, завод ва фабрика, колхоз ва совхозлар, министрликлар орасидаги ўзаро муносабатларда, айниқса таъминот соҳасида шундай чалкашликлар ҳам мавжуд эдики, бу нарса гоҳо пок кишиларни ҳам нотўғри йўлларга киришга мажбур этарди.

Ҳозир партиямиз ва давлатимиз мамлакатимиз ривожига катта зарар келтирган бундай мавҳум, ноаниқ қонун-қоидалар, ҳар хил инструкцияларни бекор қилмоқда. Уларнинг ўрнига хўжалик соҳасидаги ишларимизни тўғри йўлга солиб турувчи қонунлар қабул қилинмоқда, чуқур ўйланган қарорлар кўплаб чиқарилмоқда, мустаҳкам тартиб-интизом ўрнатилмоқда. Энг муҳими, бу қонунлар кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилмоқда, ҳамма ишимизда «покланиш даври» деб аталган ҳозирги даврнинг энг одил принципи изчиллик билан тикланмоқда, ошкоралик ва социал адолат ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида амалга оширилмоқда. Халқ эса бу ошкоралик ва адолатли принципларни катта мамнуният билан қабул қилмоқда.

Маълумки, инсон табиат яратган биологик мавжудот бўлибгина қолмай, балки даставвал меҳнат фаолияти туфайли социал моҳият ва тафаккурни эгаллаган ижтимоий шахсдир. Инсон моҳияти жамият моҳияти билан боғлиқ, шахс камолининг асосий манбаи ҳам жамиятда. Лениннинг таърифича, «жамиятда яшаб, жамиятдан озод бўлиш мумкин эмас». Демак, социалистик тузум шароитида кимки ҳаром йўлга ўтиб, меҳнатсиз даромад ахтариб, жамиятга хиёнат қилса, даставвал ў ўзига хиёнат қилади. Инсоннинг чинакам пок шахс сифатида юзага келишига, социал қиёфасининг шаклланишига, ўзлигини англашига, ижобий мақсадлари ва маънавий дунёсини тушуниб олишига биринчи навбатда социалистик тузумдаги ижтимоий-фойдали меҳнат замин яратган. К. Маркс, меҳнат одамнигина пайдо қилибгина қолмай, балки унинг маънавий дунёсини ҳам шакллантирган, деб қайд қилган. Киши ўз маънавий эҳтиёжларини қондириш жараёнида шахс сифатида шакллана боради, унинг дунёқарашида муайян хулқ-атвор, юксак орзулар, билим ва эътиқод пайдо бўлади. Киши том маънода бахтли инсон бўлиши учун чуқур маънавий ахлоқий дунёга эга бўлиши зарур. Шунинг учун ҳам партия ҳозирги босқичда ғоявий-тарбиявий иш соҳасида илгари сураётган асосий вазифалардан бири шахснинг маънавий дунёсини бойитиш, уни барча социал ва маиший иллатлардан озод, юксак ахлоқли ва маданиятли қилиб тарбиялашдир.

Доҳиймиз В. И. Ленин қайта-қайта таъкидлаганидек, «юксак ҳис-туйғуларсиз ҳеч маҳал кишиларда ҳақиқат **қидириш** бўлмаган, бўлмайди ва бўлиши ҳам мумкин эмас». Ҳақиқатга, адолатга, яхшиликка интилиш ҳар бир пок инсонга хос хусусиятдир. Пок қалбга ҳақиқат ва адолат тез ўрнашади, у кишининг гўзаллик оламини бойитади. Шунинг учун халқ ва буюк донишмандларнинг доно фикрлари, эзгулик, одиллик ва ҳаққонийлик инсон қалбида ҳамиша пок туйғулар уйғотади. Антик давр мутафаккирлари гўзаллик фақат эзгуликда, деб бежиз айтишмаган. Буюк испан ёзувчиси Сервантеснинг «Дон-Кихот» номли ажойиб асарида аёл қаҳрамонларидан бири: «Чиройли бўлиш учун нима зарур», деганда, «Ахлоқий поклик» деб жавоб олади. Адолат ва ҳақиқатнинг инсон камолотига ижобий таъсир кучини алоҳида қайд қилган улуғ аждодимиз Беруний ҳам: «Ҳақиқатни билиш учун аввало ўз руҳингни кўпчилик кишиларни йўлдан оздирадиган (ёмон) хусусиятлардан, одамни ҳақиқат олдида кўр қилиб қўювчи сабаблардан, ҳасад, рақобат, ҳирсга бўйсуниш, ҳокимлик учун кураш ва шу кабилардан тозалаб олишинг лозим», деб насиҳат қилган эди.

Ахлоқий камолот амалий бунёдкорлик фаолиятида, ижодий меҳнатда намоён бўлади. Маънавий ҳаётнинг чин моҳияти ҳам инсоннинг яхши хулқи, одиллиги, одоб-икроми билан белгиланади. Киши одоби ва ақл-идроки инсонни социал актив шахс қилиб шакллантиради ва у социалистик тузум шароитида ўз бахтига эришади. Тузумимизнинг энг олий мақсади — инсонни барча турдаги сарқит ва хурофотдан озод, ҳар жиҳатдан баркамол, унинг ички ва ташқи дунёсини чинакам гўзал қилиб шакллантиришдан иборатдир.

Маълумки, кишининг амалий фаолияти қарама-қарши бирликдан — лаззат ва қийинчилик, бахт ва мусибат, осойишталик ва жиддий кураш, хурсандчилик ва хафачилик кабилардан иборатдир. Киши турмуш шароитининг ўзгариши фақат социал муҳит билангина эмас, инсон эркинлиги билан ҳам бевосита боғлиқдир. «Берганига шукур» қилиб, «олло таолонинг насибаси»ни кутиб ўтирган киши актив ижодкор бўла олмайди, унинг эрки, иродаси чекланган бўлади. Киши турмушининг тараққиёти аслида юксак ғояларга таянган инсон эркинлигининг ўсиши, ҳар хил объектив, субъектив ғояларни енгиб чиқиши орқали рўй беради.

Ҳаётда яхши орзу-ниятлар тинч, осуда бахтни англатмайди, инсон фақат кураш туфайли

бахтли бўлади. Социал зиддиятни, турмуш қийинчиликларини кўр-кўрона итоат ва тоат-ибодат қилиш, тақдирга тан бериш билан енгиб бўлмайди. Бахт-саодатга яхшилик, адолат, ҳақиқат ва инсон эркинлиги учун курашда эришилади. Киши маънавий қанчалик қашшоқ, эрксиз ва иродасиз бўлса, у нафс балосига берилса, мешчанлик ва хурофий ҳаётнинг барча қийинчиликлари олдида ожизлик қилади.

«Биз тажрибадан шуни биламизки, — деган эди М. С. Горбачев Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида, — инсон ва жамиятдаги маънавий, ахлоқий негизлар қашшоқлашиб қолган тақдирда истеъмолчилик кайфиятлари, молпарастлик муқаррар кучаяди, ички дунё қашшоқлашиб боради». Халқда «Орик отга чанг юқар», деган гап бор. Ҳақиқатан ҳам, барча ифлос сарқитлар ожиз, иродасиз, бўш-лапашанг, қўрқоқ, нодон шахсларга ёпишади. Бундай шахслар турмуш қийинчиликларига дуч келганда нопок, енгил-елпи турмуш йўлига ўтади, ғайриилмий тасаввурлар тўрига тезроқ илинади. Демак, инсон бахти учун даставвал актив меҳнат фаолияти, юксак маънавийлик, социал ва шахсий эркинлик зарурдир. Эркин шахс ўзининг жамиятда тутган ўрнини аниқлаб олишга, ўз ақлий кучи, ижодий меҳнати билан турмуш шароитини яхшилашга, дунёвий бахтни ўрнатишга интилади.

Партиямизнинг бу борада олиб бораётган ғоявий-тарбиявий ишлари, социал адолат принципларини ҳаётда тўлароқ қўллаш юзасидан XXVII съездда белгиланган тадбирларни амалга ошириш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ўринда мен кишиларимизнинг социал адолат принципини жуда зўр қувонч билан қабул қилаётганини матбуотда, радио ва телевидениеда, айниқса бадиий адабиётда пайдо бўлаётган бадиий асарлар мисолида кўрсатишни истардим. Менинг кузатишимча, ҳаётимизда рўй бераётган катта ўзгаришлар ҳақида ёзилган ҳар бир жонли асар, ҳар бир ўткир публицистик мақола уларда илгаригига нисбатан бир неча бор катта қизиқиш уйғотмоқда. Мен сўнгги бир-икки йил давомида пайдо бўлган В. Распутин, Ю. Бондарев, В. Биков, Ч. Айтматовларнинг роман ва қиссаларини назарда тутяпман. Жиддий ҳаётий муаммолар кўтарилган, кейинги вақтларда йўл қўйилган хато ва камчиликлар шафқатсиз фош этилган, айни замонда бу нуқсонларга қарши мардона курашган кишилар образи яратилган мазкур асарлар қўлдан-қўлга ўтиб ўқилмоқда, қизғин мунозараларга сабаб бўлмоқда.

Менинг назаримда, ҳозир бизда публицистика жанри анча жонланди. Олимларимиз ва ёзувчиларимизнинг ҳаётимизда йўл қўйилган камчиликлар, адолат тантанаси учун кураш, хусусан экология масалалари, табиатни эъзозлаш муаммоларига бағишланган чиқишлари анча кўпайди, социал салмоғи ошди, улардан бугунги кун нафаси уфуриб турибди. Мен бу ўринда қатор истеъдодли ёзувчиларимиз ва шоирларимиз Абдулла Орипов, Шукурулло, Пиримқул Қодиров, Рамз Бобожон, Дадахон Нурий, академик М. Муҳаммаджонов каби таниқли олимларимизнинг эҳтирос билан ёзилган қатор жиддий мақолаларини кўзда тутяпман. Ёки талантли кинорежиссёр Э. Эшмуҳамедов билан ёш адиб Ж. Исҳоқовнинг «Алвидо, ғўр ёшлигим» деган фильмини олайлик. Бугунги ҳаётимиз, ёшларнинг турмушдаги ўрни, хато ва камчиликлари, молпарастликка берилиб кетиб қинғир йўлларга кириб кетишлари ва, ниҳоят, тўғри йўл топишдаги хатти-ҳаракатлари томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Яқинда мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубовнинг «Оқ қушлар, оппоқ қушлар» романини ўқиб чиқдим. Роман 70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида республикамизда йўл қўйилган жиддий хатолар ва бу хатоларга барҳам бериш йўлида мардона курашган кишилар ҳақида. Асарда бошига тушган барча қийинчиликлардан букилмаган, ҳалол, пок, танти қаҳрамонлар образлари яратилган. Мени айниқса оддий деҳқон Шораҳим Шоввоз ва унинг ҳаёт йўлдоши Ойсулув образи чинакамига ҳаяжонга солди. Менинг билишимча, адабиётимизда оддий меҳнат кишиларининг образлари ҳали ҳам кам яратиляпти. Бу жиҳатдан «Оқ қушлар...» сўнгги йиллардаги яхши бир янгилик, ҳатто ўзбек романчилигида кашфиёт бўлди дейиш мумкин. Мен бу романни ўқиётган пайтимда ёзувчимизнинг аввалги «Диёнат» номли асарини эсладим. «Диёнат» ҳақида СССР Ёзувчилар союзининг VIII съездида ҳам жуда яхши фикрлар айтилди. У мамлакатимизда кўп тилларга таржима қилинган, Хитойда ҳатто 700 минг нусхада босилган. Асарда республикамизда йўл қўйилган хатоларга қарши бонг урилгани қайд этилди. Бу жиҳатдан «Оқ қушлар...» романи «Диёнат» романининг давомидек туюлади. Фақат, агар «Диёнат» романи марказида босар-тусарини билмай қолган, ўзини кичик бир хон деб билган катта хўжалик раҳбари образи турса, кейинги романда ана шундай нопок раҳбар томонидан оёқ ости қилинган, лекин ҳаётда поклигини йўқотмаган, ҳамма мусибатларга дош бера олган оддий деҳқон образи яратилди. Албатта, мен бу асарни атрофлича таҳлил қилмоқчи эмасман. Бу олимларимиз ва танқидчиларимизнинг иши. Ҳаётимизда рўй бераётган жиддий ўзгаришлар, социал адолат учун бўлаётган жиддий курашлар, ҳаётимизда чинакам ленинча принципларни тиклаш борасида қилинаётган катта ишлар ва ниҳоят ҳамма нарсани ҳал қилувчи инсон фактори ролининг ошиши муносабати билан бу романни тилга олмоқда-

ман, холос. Чунки асар қаҳрамонлари Шораҳим Шоввоз ҳам, олим Расул Нуриддинов ҳам, собиқ комбат Белобородов ҳам ана шундай бугунги кун талабини яхши тушунадиган, онгли, фаол кишилардир. Уларнинг Музаффар Фармонов ва унинг ўғли Фотиҳ Музаффаровга қарши мардона кураши турмушимизда бўлаётган бугунги ўзгаришлар, реал ҳаётий курашларнинг бадиий инъикосидир. Шуниси диққатга сазоворки, икки дўст «пулларга, қимматбаҳо совға-саломларга учиб, ҳануз ҳақиқат йўлини тўсишга уринадиганлар»ни, нопок йўллар билан мол-дунё орттириб ҳакамлик, бойваччалик қилаётганларни фош қилибгина қолмай, унинг сабабларини тушунишга интиладилар. Профессор деҳқон дўстига, ҳозир бойларнинг йўқлигини, улар аллақачон синф сифатида тугатилганини тушунтирганида, оддий заҳматкаш шундай жавоб беради: «Синф сифатида тугатилган бўлсаям илдизлари қолган! Тагидан тешиб чиқаяпти. Одамни одам қатори кўрмайдиган бойваччалар бутоқлаб кетган ҳозир...» Инсофу адолатни унутган, одамгарчиликни оёқости қилган, виждонини мол-дунёга сотган мулкпарастларни нималар кутишини Фармоновлар образи орқали очиб берган муаллиф социал адолат доимо енгишини исботлаб, ўз қаҳрамони тилидан: «Ё покланиш даври деган гаплар қулоқларига чалинмадими ҳали? Ё манман деган, ўзи хон, кўланкаси майдон бўлиб юрган не-не зўравонларнинг тагига сув кетганидан бехабармилар..?», — деб сўрайди.

Роман оппоқ қушдай пок, ҳалол кишилар тантанаси билан тугайди. Бу жиҳатдан роман қаҳрамони Иван Харитонович Белобородовнинг сўзларини эслаш зарур. У профессор дўсти Расулнинг «виждонини жиғилдонига урган», «шўрлик пахтакорнинг пешона тери билан топган пули ҳисобига орттирган бойлик» туфайли бойиб кетган лўттибозларнинг ўз халқи ва юртига иснод келтирганлигидан куюнганини сезиб, шундай дейди: «...Бутун умри шу ер, шу ўлкада яшаб келган оддий бир рус зиёлиси сифатида айтиб қўяй сенга: мен ўзбек деҳқони олдида ҳамиша бош эгиб келганман, ҳануз бош эгаман! Чунки биламан: пахтакор меҳнатидан оғир меҳнат йўқ дунёда! Шундоқ экан халқ, умри далада кетмон чопиб ўтаётган халқ, кўнгли пок, дили пок меҳнат аҳлининг дахли йўқ бу ишларга. Улар жавоб бермайди инсофу адолатни унутган олғирлар учун! Албатта покланиш учун бошланган бу кураш осон кўчмайди... Ҳали кўп қийинчиликлар турибди олдимизда. Фармоновлар ҳам қараб ётмайди». Сўнгги ўн-ўн беш йилда сохта шон-шараф орттириш ниятида нималар қилмади бу юлғич-мансабпарастлар. Ҳамма ишда волюнтаристик йўл тутиб, ерга, тупроққа, табиатга келтирган зарарлари-чи? Бажарилмаган ишларни бажарилди деб давлатнинг миллион-миллион пулларини кўкка кулдай совурганлари-чи?..» Асар қаҳрамонлари ҳақиқат, адолат, ҳалоллик тантана қилишига қатъий ишонадилар. Бош қаҳрамон Шоввознинг ибораси билан айтганда, ҳар бир инсон, авваламбор ўз кўнгли, ўз виждони олдида пок бўлмоғи лозим. Пок бўлса охири бахайр бўлади.

Социалистик жамиятимиз энг адолатли принципга — ҳалол ва самарали меҳнат билан унга кўпроқ фойда келтириш принципига асосланган. Албатта жамиятимиз ривожида носоғлом ҳодисалар ҳам рўй бериши мумкин. Чунки жамият — бу жонли организм. Модомики янги жамият эски заминдан ўсиб чиқар экан, унга хос бўлган баъзи камчиликлар, хатоликлар янгисига ҳам кўчиб ўтади. Энг муҳими, сарқитлар шаклида намоён бўладиган ўша хато ва камчиликларга тўғри баҳо бериш ва ўз вақтида бартараф этишдир. Ана шундагина социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун кенг йўл очилади. Ҳозирги бурилиш даврининг муҳим хислати ҳам ана шунда. Ҳаётимизда кейинги йилларда рўй берган жиддий камчиликлар, носоғлом ҳодисаларга аниқ диагноз қўйиб, уларни тўғри даволашга киришилган экан, бу жараёнда ҳеч ким кузатувчи бўлиб қолмаслиги керак. М. С. Горбачев ўзининг Узоқ Шарқ сафаридаги нутқларида қайд қилганидек, «На ишчи синфи, на деҳқон, на техник, на ижодий интеллигенция — ҳеч ким энди эскича яшашни, эскирган ҳолат билан муросада бўлишни, бизнинг тараққиётимизга ғов бўлаётган ва бизнинг борлиққа, бизнинг ҳаётимизга, бизнинг социалистик турмушимизга доғ тушираётган нарсаларга бефарқ қарашни истамайди. Биз энди сиз билан эскича яшай олмаймиз. Бу аниқ». Бутун амалий фаолиятимизда, тафаккурлаш ва изланишларимизда туб ўзгаришларни амалга оширишга жону-дил билан киришмагунча, ҳар ким ўз соҳасида бир ёқадан бош чиқариб, ҳалол меҳнати билан партиямиз қўйган вазифаларни тўла бажармагунимизча ижтимоий тараққиётга эришолмаймиз. Шуниси қувончлики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1986 йил октябрь ойида бўлиб ўтган III пленуми йўл қўйилган хатоларни тезроқ тузатиш ва негатив ҳодисаларни бартараф этиш мақсадида ғоявий-тарбиявий соҳадаги вазифаларни белгилаб берди. Унда жумладан шундай деб таъкидланди: «Идеология аппарати кишиларнинг, айниқса ёшларнинг онгидаги мешчанларча индивидуализм ва худбинликни, жамиятга истеъмолчилик муносабатида бўлиш, ғаразгўйликни, манфаатпарастликни тугатиш юзасидан ҳужумкорлик билан иш олиб боришлари керак. Партия ташкилотлари коммунистик ахлоқ, ҳалоллик, коллективизм, виждонлилик, андишалилик, соддалик ва камтаринликни пропаганда қилиш ва қарор топтириш, меҳнат аҳлини улуғлаш юзасидан конкрет йўналишларни ишлаб чиқишлари лозим».

КПСС Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида» якинда кабул килган карорида ҳам инсон омилининг ролига юксак баҳо берилган. Ҳозирги жамият тараккиётини жадаллаштириш даврида инсоннинг социал активлиги накадар муҳим эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Онглилик ва фаолликнинг узвий бирлиги асосида ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялаш — давр талабидир. Чунки инсон, карорда айтилганидек, жамиятдаги барча ресурслардан энг муҳими, унинг кобилияти ва имкониятидан тўла-тўкис фойдаланиш ижтимоий тараккиётнинг кудратли кучи ва олий максадидир. Шунинг учун ҳам асосий вазифа инсонда марксча-ленинча дунёкарашни шакллантириш, уни ижтимоий-фойдали меҳнатга, тартиб-интизомли бўлишга, коллективизмга ўргатиш, асл ватанпарвар ва интернационалист килиб табриялашдан иборатдир. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида айтилганидек, инсон омили ҳозирги хал килувчи ўзгаришларда энг катта роль ўйнайди. Социалистик жамиятнинг капиталистик жамиятдан фарки ҳам шундаки, унда ҳар бир инсон ўзини тўла ҳукукли хўжайин деб англайди. Инсон омилини ҳар тарафлама активлаштириш — ижодий фаолият учун кенг имкониятлар яратиб бериш демакдир. Аммо ижод ва ташаббускорлик социалистик турмуш тарзининг муҳим сифатларидан бири — масъулият ва тартиб-интизом тушунчалари билан узвий боғликдир. Шунинг учун ҳам партиямиз ҳар бир жамият аъзосининг социал фаоллигини ошириш борасида катта тадбирларни амалга оширмокда. Халкимиз эса уларни сидкидилдан кўллаб-кувватламокда. Бу турмушимиздаги ҳамма ижобий тенденциялар, туб бурилиш даври сиёсати тантана килажак, деган сўздир!

Жамиятимизда рўй бераётган сифат чинакам революцион ўзгаришлар янгича ўйлаш, ташаббускорлик ва дадилликни, жадал ва ностандарт ҳаракатларни талаб килади. М. С. Горбачев кўрсатиб ўтганидек, биз «совет кишиси шахсининг маънавий асосларини, унинг актив гражданлик позициясини шакллантириш, унинг хатти-ҳаракатларини белгилаб беришдек асосий вазифани сира ҳам назардан кочирмаслигимиз керак». Бу олижаноб вазифани бажаришда ижодий ходимлар, фан, адабиёт ва санъат арбоблари улкан армиясининг роли жуда каттадир. Биз совет кишиларига, айникса ёшларга зиддиятларга тўла ҳозирги мураккаб даврда тўғри йўл топишида, аник ахлокий тартиб ва принципга, синфий позиция ва юксак ғояларга эга бўлишида ёрдам беришимиз, эзгу, олий максадлар билан яшовчи баркамол шахсни шакллантиришимиз шарт. Шундагина жамиятимизнинг яна ҳам зўр ривожига кенг имкониятлар яратилади.

ОСИЁ КОММУНИСТЛАРИ ҚИТЪАДАГИ ТИНЧЛИК ВА ХАВФСИЗЛИК ПРОБЛЕМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

В. ГУЛИН,
тарих фанлари кандидати

ҲОЗИРГИ босқичда тараққиёт ва реакция кучлари ўртасидаги курашда Осиёда тинчлик ва хавфсизлик, қитъа халқларида АҚШ ҳамда унинг иттифоқчиларининг қуролланиш пойгасини давом эттиришга, миллий мустақилликни барбод қилишга, озодликка эришган халқларни қул қилишга ва талашга, уларни социалистик мамлакатларга қарши уюштиришга қаратилган сиёсатига қаршиликни кучайтириш проблемалари тобора катта аҳамият касб этмоқда.

Осиё қитъасидаги 30 давлатда Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпроғи яшайди. Турли социал-иқтисодий системаларга мансуб давлатлар: социалистик ҳамда социалистик ривожланиш йўлини танлаган, капиталистик давлатлар жойлашувининг тарқоқлиги ҳар қаердагидан кўра шу қитъада яққол кўзга ташланади. Совет Иттифоқи Осиёдаги энг йирик социалистик давлатдир. Коммунистик партиялар Осиё халқлари курашининг авангардида бормоқда. Қитъанинг носоциалистик қисмида иш олиб бораётган 20 дан кўпроқ компартия сафида 1 миллион 300 минг киши бирлашган. Бутун дунёда бўлгани сингари Осиёдаги коммунистлар ҳам ижтимоий тараққиётнинг барча асосий кучлари сафида фаолият кўрсатмоқдалар.

Осиё мамлакатлари компартияларининг аксарият кўпчилиги империалистик зўравонлик ва агрессия сиёсатини синфий, революцион нуқтаи назардан туриб баҳоламоқдалар, АҚШ ҳамда унинг иттифоқчилари хатти-ҳаракатларини фош қилмоқдалар, Совет Иттифоқининг тинчлик таклифларини актив қўллаб-қувватламоқдалар ва тушунтирмоқдалар, Ер куррасидаги ана шу энг йирик қитъанинг турли районларида тинчлик, хавфсизлик ва қуролсизланишга доир ўзларининг конкрет программаларини ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишга халқ оммасини сафарбар қилмоқдалар. Коммунистлар Осиёдаги «совет» ва «вьетнам» ҳарбий хавфи ва гўё АҚШ ва унинг иттифоқчилари «мудофаа» чораларини кўраётганликлари тўғрисидаги сохта назарияларни фош қилишяпти.

КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга Сиёсий докладида дунёнинг ҳозирги тараққиётида Осиё-Тинч океани регионининг аҳамияти тобора ошиб бораётганлиги уқтириб ўтилди.

КПСС XXVII съезди Яқин ва Ўрта Шарқда, Осиёнинг бошқа қисмларида конфликтли вазиятларни тинч йўл билан ҳал этиш чораларини коллектив бўлиб излашни таклиф қилди. Совет Иттифоқи ўзининг халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системаси тўғрисидаги ва ташқи сиёсатга оид бошқа ташаббусларида Осиёдаги барча мамлакатларнинг ҳам манфаатлари тўла назарда тутилган деб ҳисоблайди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 1986 йил 28 июлда Владивостокда сўзлаган нутқида Осиёда хафвсизлик ва ҳамкорлик системасини яратишнинг конкрет программаси билан чиқиб, Хельсинки конференцияси типида океан атрофидаги барча мамлакатлар

иштирокида Тинч океан конференциясини ўтказиш ва Кампучияга, Жануби-Шарқий Осиё, Афғонистон, Корея ярим оролига тегишли масалаларни регионал ҳал этишни таклиф қилди. Айни бир пайтда ХХР, Япония ва Осиё қитъасидаги бошқа мамлакатлар билан муносабатларни яхшилашга доир йирик проблемалар қўйилди. «Совет давлати, — деди М. С. Горбачев, — Осиё-Тинч океандаги барча мамлакатларга мурожаат қилиб, тинчлик ва хавфсизлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорликка даъват этади. Шу мақсадларга интилаётган, ўз халқларининг яхширок келажагига умид боғлаётганларнинг ҳар бири учун биз хайриҳоҳ суҳбатдошлар ва ҳалол шериклар бўламиз».

Бирок, умуман ер юзида ҳамда унинг конкрет регионларида тинчлик шароитида яшаш имконияти бўлишига қарамасдан, АҚШ ва бошқа империалистик мамлакатлар Осиё қитъасининг турли районларида кескинликни кучайтиришга олиб борувчи ҳаракатларини давом эттирмоқдалар.

Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиё ана шундай районлардан биридир. Совет ҳукуматининг 1986 йил 23 апрелдаги баёнотида шундай деб уктирилади: «АҚШ ва Япониядаги муайян сиёсий доиралар Осиё-Тинч океани районининг келажагини турли мамлакатларнинг ўзаро курашидан бошқа шаклда тасаввур этмаётганликлари равшан кўриниб турибди. Амалий жиҳатдан шу мақсадда «Тинч океани ҳамжамияти» деб аталган структура ва механизмни барпо этишга уринмоқдалар, бу нарса келгусида бекик регионал гуруҳга, яна бир милитаристик блокка айлантирилиши мумкин. Бу план ташаббускорлари ҳамжамиятнинг потенциал қатнашчилари составини ниҳоятда саралаб чиқмоқдалар. Ҳамжамият ҳозирча фақат АҚШ билан ҳарбий ҳамкорликни юксак даражада олиб бораётган, «хавфсизлик шартномалари»га эга бўлган давлатлар ва режимларни (Япония, Жанубий Корея, Таиланд, Филиппин, Австралия, Янги Зеландия) қамраб олган. Келажакда АСЕАНга қарашли бошқа мамлакатларни (Жануби-Шарқий Осиё Ассоциацияси давлатлари) — Малайзия, Сингапур, Индонезия, Брунейни ҳам ҳамжамиятга қўшиб олиш режалаштириб қўйилган. Совет ҳукумати воқеаларнинг шундай ривожи тўхтатилмаса, бу Осиё-Тинч океан регионида кескинликни жиддий равишда оширишга олиб келиши мумкин деб ҳисоблайди. «Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги» ғоясига келганда, М. С. Горбачев Владивостокда сўзлаган нутқида таъкидланганидек, «биз бу ғояга холис муносабатда бўлдик, ўз-ўзидан равшанки, бундай ҳамкорлик кимдир тиқиштирган блокбозлик, антисоциалистик схемага кўра тасаввур қилинмай, балки ҳеч қандай камситувларсиз эркин мунозара натижаси бўлган тақдирда унинг эҳтимол тутилган асослари тўғрисидаги фикру мулоҳазаларга қўшилишига тайёрмиз».

АҚШнинг Узоқ Шарқ ва Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳарбий-сиёсий активлиги ошганлигини бошқа социалистик мамлакатлар компартиялари ҳам қораламоқдалар. Хитой Компартияси органи бўлган «Жэньминь жибао» газетаси 1986 йил майда Осиё ва Тинч океани регионида АҚШнинг ўз стратегик манфаатлари бор, деб ёзди. Газета 1986 йил баҳорида қисқа вақт ичида регионда давлат секретари Шульц, мудофаа министри Уайнбергер, президент Рейган бўлиб кетганлигига эътибор берди, шу визити пайтида Рейган АСЕАН мамлакатлари ташқи ишлар министрлари билан Бали оролида учрашув ва еттита етакчи капиталистик мамлакат раҳбарлари билан Токиода кенгаш ўтказди.

МХР коммунистлари Осиёда кескинлик кучайишига қарши фаол кураш олиб боришяпти. Корея коммунистлари Узоқ Шарқда хавфли кескинлик юзага келганлигининг сабабларини дадил очиб ташламоқдалар.

Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларининг компартиялари империалистик агрессия ва қарама-қарши туриш сиёсатини қатъий қораламоқдалар. Вьетнам, Лаос, Кампучия коммунистлари АҚШ ҳамда унинг иттифоқчиларининг Ҳинди-Хитойдаги революцион мамлакатлар билан АСЕАН мамлакатлари ўртасида тўқнашувлар уюштиришга, ўйлаб топилган «Кампучия проблемаси»ни бўрттириб кўрсатишга, Кампучия халқининг жаллодлари — полпотчиларни шармандаларча қўллаб-қувватлашга қаратилган маккорона хатти-ҳаракатларини фош қилишяпти.

Япония Компартияси Узоқ Шарқда вазият кескинлашганлигини таъкидлаб, бунда ўз мамлакатларидаги реакцион ва милитаристик кучлар ўйнаётган ролни очиб ташламоқда.

Индонезия ва Филиппин коммунистлари региондаги кескинлик сабабларини тушунтириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар. Улар Жануби-Шарқий Осиёда кейинги йилларда империализм, энг аввало Америка империализми активлиги анча ошганлигини кўрсатмоқдалар, у регионни «АҚШ манфаатлари зонасига айлантиришга интиляпти».

АСЕАН мамлакатларига, биринчи навбатда Америка империализмига сидқидилдан хизмат қилаётган режимларга энг янги қуроллар тобора кўп келтирилмоқда. 1984 йилдан бошлаб Тинч ва Ҳинд океанларида сузиб юрган АҚШ 7-флоти ҳарбий кемаларида «Томагавк» қанотли ракеталари ўрнатилди. Ҳарбий базалар, аэродромлар, ўртача масофага мўлжалланган ракеталар учун учириш майдончалари қуриш ва уларни модернизация қилиш ишлари олиб борилялти.

1986 йилнинг июль ойи охирида АҚШ Филиппин соҳилларида кенг кўламли ҳарбий машқлар ўтказди, унда биринчи марта япон ҳарбий хизматчилари қатнашдилар. АҚШ мудофаа министри Уайнбергернинг Калифорнияни Аризонадан эмас, Янги Гвинеядан туриб ҳимоя қилган маъқул деган гап Жануби-Шарқий Осиё жамоатчилигининг қаҳр-ғазабини келтирди.

Жанубий Осиёда ҳаддан ташқари хатарли, урушга сабаб бўлувчи вазият юзага келди. БМТ ҳамда қўшилмаслик ҳаракатининг Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш тўғрисидаги машҳур талабига қарши ўлароқ Қўшма Штатлар мана 10 йилдирки бу йўналишда амалий тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадида БМТ бошчилигида Коломбода конференция ўтказишга ҳар хил найранглар билан қаршилик қилиб келяпти. Бунинг устига АҚШ Ҳинд океанини милитарлаштиришни, Осиёнинг шу қисмидаги мамлакатларнинг ўзига маъқул бўлмаган ҳукуматларига қарши қўпорувчилик ишларини давом эттирмоқда. Ҳиндистон, Шри Ланка, Бангладеш ва Осиёдаги бошқа давлатлар коммунистлари АҚШ ҳамда унинг региондаги малайларининг бундай сиёсатини кескин танқид қилиб, кескинлик кучаётганлигига ким айбдор эканлигини ўз халқлари ва жаҳон жамоатчилигига кўрсатмоқдалар.

Ҳиндистон Компартиясининг 1986 йил мартда бўлиб ўтган XIII съезди Ҳиндистон ва бошқа мустақил давлатларга қарши империализм уюштираётган ошкора ва яширин фитналарни қоралаб чиқди. Съезднинг сиёсий резолюциясида АҚШнинг кирдикорлари кучайганлиги уқтирилади. Яширин кураш олиб бораётган Покистон коммунистлари сингари Ҳиндистон коммунистлари ҳам Ҳинд океани милитарлаштирилишини, Диего-Гарсия ороли йирик атом базасига айлантирилишини ва Ҳинд океанида АҚШнинг ҳарбий-денгиз машқлари ўтказилиб турилишини қораламоқдалар.

Революцион Афғонистон билан бирдамликларини изҳор этаётган Покистон коммунистлари АДРга қарши агрессия базасини кенгайтираётган, Афғонистон ҳукуматининг шу мамлакатга тааллуқли муносабатларни нормаллаштириш тўғрисидаги оқилона таклифларини рад этаётган Исломобод режимининг шармандали сиёсатини қаттиқ қораламоқдалар.

Эрон коммунистлари вакиллари АҚШни Эрон-Ироқ урушини авж олдиришда, Жануби-Ғарбий Осиёда вазиятни кескинлаштиришда айблашади.

Маълумки, Яқин Шарқ ва Ўрта ер денгизи халқаро кескинликнинг энг хавфли ўчоқларидан биридир. АҚШ, Исроил ва унинг иттифоқчилари айби билан бу ерда кескинлик тобора кучаймоқда. Региондаги компартиялар бу ҳақиқатни халқ оммасига кенг тушунтириб бермоқдалар.

Жабрдийда Ливанда кескинликни сақлаб туришда, у ерда гражданлар урушини чиқаришда АҚШ империализми ва унинг малайи Исроил қандай роль ўйнаётганлигини Ливан, Сурия ва региондаги бошқа мамлакатларнинг компартиялари далил-исботлар билан очиб ташламоқдалар.

Шундай қилиб, Япониядан тортиб то Нил соҳилларигача бўлган бутун Осиё қитъасида коммунистлар ўз халқлари ва бутун дунё олдида Осиёдаги кескинликнинг ҳақиқий айбдорларини дадил фош қилмоқдалар. Бу билан улар

тинчлик, куролсизланиш учун, империализмга карши курашга кенг халк оммасини сафарбар этишга ёрдам бермокдалар.

Осиёдаги социалистик давлатлар китъада тинчлик ва хавфсизлик учун кураш авангардида боришяпти. Бу ерда жойлашган кардош социализм мамлакатлари компартиялари КПСС XXVII съездининг ташки сиёсат сохасидаги программасини, М. С. Горбачев Владивостокда сўзлаган нуткида илгари сурган таклифларни тўлик кўллаб-кувватламокдалар. Улар КПССнинг эскириб колган сиёсий тафаккур формаларини бартараф килиш, халкаро практикага ядро асри реалликларига мос тушадиган янги типдаги онгни жорий этиш зарурлиги тўгрисидаги хулосаси мухимлигини таъкидлашяпти. Коммунистлар тинчлик фалсафасини, зиддиятли, лекин ўзаро бир-бирига боглик, кўп жихатдан яхлит бу дунёда урушларсиз яшай олишни ёклаб чикмокдалар.

Кейинги йилларда Монголияда Осиё мамлакатлари парламентлари, касаба союзлари, диний ташкилотлари вакилларининг мухим халкаро учрашувлари бўлиб ўтди, улар регионда хавфсизлик ва хамкорлик учун кураш проблемаларини мухокама килдилар. МХИП XIX съезди Осиё мамлакатлари кенг жамоатчилиги иштирокида тинчлик ва хамкорлик учун Умумосиё форумини ўтказишни таклиф килди. Монголия коммунистлари китъада тинчлик ва баркарорликни таъминлаш масалалари юзасидан Осиё мамлакатлари коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг учрашувларини ўтказиш мухимлигига яна бир бор эътиборни каратиб, ана шундай учрашувни тайёрлаш ва ўтказишда актив иштирок этиш истагини билдирдилар.

Корея Халк Демократик Республикаси 1986 йил июнда янги конструктив ташаббуслар билан чикди. У Корея ярим оролини ядро куролидан холи зонага айлантиришни таклиф килиб, бир томонлама тартибда ядро куролини синаш, ташиб келтириш ва жойлаштиришдан воз кечишни, унинг республика территорияси, хаво кенглиги ва территориал сувлари оркали олиб ўтилишини такиклашини эълон килди. КХДР хукумати АКШни Жанубий Кореяга ядро куролини ташиб келтиришни тўхтатишга, у ердаги мавжуд куролларни боскичма-боскич кискартириб боришга ва Кореяда ядро куролини ишлатиш планидан воз кечишга чакирди. Бу таклифларни Совет Иттифоки ва Осиёдаги бошка социалистик мамлакатлар кўллаб-кувватладилар.

Жануби-Шаркий Осиёда тинчлик ва хавфсизлик учун курашда Вьетнам, Лаос, Кампучия коммунистлари мухим роль ўйнашяпти. Бу мамлакатлар коммунистлари тинчлик учун курашни миллий мустакиллик учун кураш билан узвий боглаб бориб, Жануби-Шаркий Осиёни тинчлик, баркарорлик ва хамкорлик зонасига айлантиришни ёклаб чикмокдалар. Гап энг аввало Хинди-Хитойдаги ана шу учта мамлакат билан АСЕАН мамлакатлари ўртасидаги келишмовчиликларни музокаралар ёрдамида тартибга солиш тўгрисида боряпти.

1985 йилдан бошлаб Вьетнам билан Индонезия ўртасида икки ёклама музокаралар йўлга кўйилди. Кампучия масаласи музокаралардаги энг мухим ва энг кийин масалалардан биридир. АСЕАН мамлакатлари Кампучиядан вьетнам кўшинларини олиб чикиб кетишни талаб килиб «Кампучиянинг коалицион хукумати» деб аталмиш «хукумат»ни кўллаб-кувватлашяптики, унга ўз халкига нисбатан геноцидни амалга оширган полпотчилар хам киради. Вьетнам, Лаос, Кампучия полпотчиларга хориждан харбий ёрдам бериб турилишини тўхтатишни ва уларни Кампучия Халк Республикаси хукуматининг оппозиция кучлари билан эхтимол тутилган музокараларига кўшмасликни таклиф килишмокда. Шунда масалани сиёсий жихатдан йўлга солиш тўгрисида бир битимга келиб, манфаатдор томонлар тобора камайиб бораётган вьетнам кўшинларини олиб чикиб кетиш масаласи хам узил-кесил хал бўларди.

Хинди-Хитойдаги мазкур учала мамлакат шу билан бирга Жануби-Шаркий Осиёда тинчлик, баркарорлик, дўстлик ва хамкорлик зонасини вужудга келтириш тўгрисида кенгрок планда музокаралар олиб боришни, шу муносабат билан эса региондаги барча давлатлар ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари иштирокида халкаро конференция чакиришни таклиф килишяпти. Бу мамлакатлар коммунистлари ўз давлатларининг ХХР билан

дўстлик муносабатларини қайта тиклаш зарур деб ҳисоблаб, шу масала юзасидан кўплаб таклифлар киритдилар.

Совет Иттифоқи Ҳинди-Хитойдаги учала мамлакатнинг ташқи сиёсат соҳасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватламоқда. М. С. Горбачев Владивостокда сўзлаган нутқида Жануби-Шарқий Осиёнинг бошқа проблемалари каби бунда ҳам кўп нарса Хитой — Вьетнам муносабатларини нормаллаштиришга боғлиқ бўлади. Бизнинг мамлакатимиз ана шу социалистик давлатлар ўртасидаги чегара яна тинчлик ва яхши қўшничилик чегараси бўлиб қолишидан ҳамда ўртоқларча мулоқот қайта тикланишидан, кераксиз шубҳа-гумон ва ишончсизликка барҳам берилишидан манфаатдорлигини билдирмоқда, деди. «Бутун Осиё... шунга муҳтождир», деб таъкидлади КПСС МҚ Бош секретари.

Осиёдаги носоциалистик мамлакатлар ижтимоий онгида шундай ўзгаришлар юз беряптики, улар ҳукумат, ҳарбий ва диний доиралардан тортиб меҳнаткашлар кенг оммасигача бўлган турли ижтимоий кучлар курашга тортилаётганлигидан гувоҳлик беради. Японияда урушга қарши ҳаракат кучаймоқда, бу ерда юзлаб шаҳарлар ва общиналар ўзларини ядро қуроли бўлмаган зоналар деб эълон қилдилар, 17 миллиондан кўпроқ япониялик ядро уруши олдини олиш ва ядро қуролини тугатиш учун «Хиросима ва Нагасаки даъвати»га имзо чекдилар.

Япон халқининг ядро урушига қарши курашида компартия муҳим ўрин эгаллайди. Унинг ташаббуси билан 1985 йил ёзида Токиода ядро урушининг олдини олиш ва ядро қуролини тугатиш масалалари юзасидан халқаро симпозиум бўлиб ўтди, унда 30 га яқин коммунистик, ишчи, революцион-демократик ва социалистик партиялар вакиллари иштирок этдилар. Симпозиум дунёни ҳалокат ёқасига олиб келиб қўйган АҚШ ва бошқа империалистик кучлар сиёсатини қоралади, халқ оммасини ядро қуролидан воз кечиш, космосни ҳарбийлаштиришнинг олдини олиш учун курашга сафарбар этиш соҳасидаги қимматли тажриба билан ўртоқлашди. Япония Компартияси МҚ президиумининг раиси Т. Фува 1986 йил августида М. С. Горбачев билан бўлган учрашувида таъкидлаганидек, «ЯКП ўз мамлакати еридаги Америка ядро базаларини тугатишни ёқлаб чиқмоқда, префектуралар, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ядро қуролидан холи территориялар деб эълон қилинишига қаратилган умумхалқ ҳаракатини авж олдирмоқда, Япония эълон қилган «учта ноядровий принцип»га (ядро қуролини ишлаб чиқармаслик, унга эга бўлмаслик, уни ташиб келтирмаслик) қатъий риоя қилиниши учун, ўз мамлакати конституциясининг тинчликсевар қоидаларини ёқлаш учун қатъий кураш олиб боряпти».

Жанубий Кореяда ядро қуролига, Америка сиёсатига қарши кайфиятлар кучаймоқда, ярим орол жанубидан Пентагоннинг ядро қуролига эга бўлган оккупациячи корпусини олиб чиқиб кетиш талаби зўраймоқда. Бу кураш шунингдек Чон Ду Хваннинг америкача режимига қарши, гражданларнинг кенг ҳуқуқлари учун курашни ҳам ўз ичига олади.

АСЕАН мамлакатларида урушга, ядро қуролига қарши ҳаракат вужудга келди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Бу ҳаракат мазкур мамлакатлар ҳукуматларининг АҚШ ва Япония билан бўлган музокараларда ўз позицияларини белгилашларига ўз ҳиссасини қўшди. АҚШ президентининг АСЕАН давлатлари вакиллари билан Индонезияга қарашли Бали оролида бўлиб ўтган учрашуви пайтида улар америка-япон рецептларига мувофиқ «Тинч океан ҳамжамияти»ни тузиш ғоясини янги мустамлакачилик экспансиясини кучайтириш воситаси сифатида баҳолаб, унга салбий муносабат билдирдилар. Бу мамлакатлар жамоатчилиги АҚШ «ҳамжамият» ниқоби остида Америка-Япония уюшмаси негизида Осиё-Тинч океани регионида НАТОга ўхшаш система тузиш иштиёқида деган фикрни билдирмоқда.

Филиппинда АҚШнинг ядро қуроли ортиб олган самолётлар ва кемаларни қабул қиладиган АҚШ ҳарбий базаларига қарши ҳаракат авж олди. Филиппин коммунистлари бу ҳаракатни мамлакатдаги урушга қарши ҳаракатнинг асосий формаси деб ҳисоблаб, уни миллий озодлик ва социал-иқтисодий тараққиёт учун кураш билан боғламоқдалар. 1982 йилдаёқ бу ерда базаларга қарши кенг

иттифок тузилди, 1983 йил июлида компартия иштирокида тинчлик ва ҳамкорлик Филиппин Совети ташкил этилди, кейинги йилларда бу Совет Осиёни ядро куролидан холи зонага айлантириш учун кураш йўлларини ишлаб чиқиш юзасидан бир қатор миллий ва ҳамда халқаро конференциялар ва симпозиумлар ўтказди.

Жанубий Осиёда, Ўрта ва Яқин Шарқда урушга қарши ҳаракат анча активлашди. Бунда қўшилмаслик ва тинчлик йўлидан бораётган, халқларнинг миллий озодлик учун, империализм, иркчилик ва мустамлакачиликка қарши курашини қўллаб-қувватлаб келаётган Ҳиндистон алоҳида роль ўйнамоқда. Ҳиндистон ҳукуматининг бундай позицияси халқ оммасининг ва кенг сиёсий кучларнинг урушга қарши ҳаракатда иштирок этишига ёрдам беряпти. Масалан, 1986 йил июлда Бангалорда Осиёда тинчлик ва хавфсизлик проблемаларига бағишланган икки кунлик халқаро конференция бўлиб ўтди. Унда Ҳиндистон жамоатчилигининг вакиллари ҳамда 30 мамлакат ва миллий-озодлик ҳаракатларининг вакиллари қатнашдилар. Конференция ҳужжатларида тинчлик учун кураш империализмнинг янги глобализм сиёсатига қарши кураш, Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантириш, Тинч океани ҳавзасини ядро қуролидан халос қилиш учун олиб борилаётган кураш билан мустаҳкам боғлиқлиги кўрсатилган. Қуролсизланиш учун кураш вазифаси озодликка чиққан мамлакатларнинг социал-иқтисодий жиҳатдан муваффақиятли ривожланишининг энг муҳим шарт-шароити сифатида аниқ белгилаб берилди. Ҳиндистондаги урушга қарши ҳаракатнинг муҳим характерли жиҳати шундаки, бу ҳаракат мамлакатни парчалаб юборишга ва унинг ташқи сиёсат йўлини ўзгартиришга қаратилган сепаратчиликка, террорчиликка ва империалистик аралашувларга қарши қатъий кураш олиб бормоқда.

Бу курашга коммунистлар катта ҳисса қўшиб келишяпти. Улар халк оммасини куролланиш пойгасига қарши, мамлакат хавфсизлигини ёқлаб оёққа турғазиш юзасидан кўплаб кампаниялар ўтказдилар, уларда юз минглаб кишилар иштирок этишди. Ҳиндистон Компартиясининг XIII съезди бу ҳаракатни янги юксакликка кўтариш, кенгайтириш ва ривожлантириш вазифасини илгари сурди. Ҳаракатда Ҳиндистоннинг бошқа оммавий Компартияси (марксистик) ҳам актив қатнашмоқда. Ҳар иккала компартия бу йўналишдаги ишларини мувофиқлаштиришга интилмоқдалар.

М. С. Горбачевнинг 1986 йил ноябрда Ҳиндистонга қилган визити пайтида КПСС ва Совет давлатининг Осиё ҳамда Ҳинд ва Тинч океанлари акваториясида хавфсизлик ҳамда ишонч чораларига доир концепцияси конкретлаштирилди ва янада ривожлантирилди. КПСС МК Бош секретари Ҳиндистон парламентида сўзлаган нутқида мазкур концепциянинг кенг планини баён қилдики, унинг мазмуни қуйидагидан иборат: Совет Иттифоқи АҚШ ҳамда соҳилда жойлашган ва Ҳинд океанида доимий асосдаги ҳарбий кемаларига эга бўлган давлатлар билан бу ердаги ҳарбий-денгиз кучлари сонини ва фаолиятини сезиларли даражада камайтириш тўғрисида музокараларни исталган вақтда бошлашга, пиёда, ҳарбий-ҳаво ва ҳарбий-денгиз кучларини у ердан бу ерга кўчириш ҳамда уларнинг машқларини ўтказиш масаласи юзасидан келишиб олишга, Ҳинд океани устидаги ҳаво коммуникациялари хавфсизлигига доир битим ишлаб чиқиш тўғрисида келишиб олишга Совет Иттифоқи ҳар доим тайёр; СССР шунингдек денгиз ва ҳаво коммуникацияларида терроризмга қарши курашга доир конвенция ишлаб чиқилишида иштирок этиш ва унинг қатнашчиси бўлишга ҳам тайёрдир. Совет Иттифоқи ана шу тилга олинган проблемалар юзасидан бошқа ҳар қандай мамлакатнинг таклифларини муҳокама қилишга интилаётганлигини изҳор этди.

М. С. Горбачев Ҳиндистонга визити пайтида бир қатор регионал конфликтлар ва кескинлик ўчоқлари хусусида ҳам СССРнинг позициясини баён қилди. Хусусан, Афғонистон, Кампучияга тегишли масалалар ва бошқа кескин проблемалар сиёсий жиҳатдан йўлга солинишига умид боғлади.

М. С. Горбачев ва Р. Ганди имзо чеккан «Ядро қуролидан холи ва зўравонликдан халос дунёнинг принциплари тўғрисида Деҳли декларацияси» тинчлик, хавфсизлик ва қуролсизланиш учун курашга Осиё халқларини

сафарбар этишда катта роль ўйнайди. Унинг қоидаларини амалда қитъадаги барча сиёсий кучлар қизғин муҳокама қилмоқдалар. Бинобарин, уларнинг кўпчилиги «ядро куролидан холи ва зўравонликдан халос дунёни барпо этиш одамларнинг онгини революцион қайта қуришни, халқларни тинчлик, ўзаро ҳурмат ва муроса руҳида тарбиялашни талаб қилишини» эътироф этмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг визитини Ҳиндистон коммунистлари қизғин олқишлаб, мамлакатнинг бошқа ижтимоий-сиёсий кучлари билан биргаликда визит учун дўстона вазият вужудга келтиришга ҳисса қўшдилар. М. С. Горбачев Ҳиндистоннинг ҳар иккала оммавий Компартияси раҳбарлари билан учрашув ўтказди. Ҳиндистон Компартияси Миллий советининг Бош секретари Р. Рао ва Ҳиндистон Компартияси (марксистик) Марказий Комитетининг Бош секретари Е. Намбудирипад билан бўлган суҳбатларда Осиё ва бутун дунёда тинчликни сақлаш учун СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларининг алоҳида аҳамияти тўғрисида гапирилди. Ҳиндистон коммунистлари мамлакатда визит якунларини, СССР билан дўстликни пропаганда қилиш, халқаро кескинликнинг ҳақиқий айбдорлари бўлган АҚШ империализми ва унинг иттифоқчиларини фош этиш юзасидан катта ишларни бошлаб юбордилар.

Покистонда урушга қарши ва антиимпериалистик ҳаракат, шунингдек америкача ҳарбий режимга қарши чиқишлар кучайиб бормоқда. Фақат 1986 йил июль ойининг ўртасида норозилик митинглари ва намойишларида 20 миллион киши иштирок этди. Августда яна ҳам кучлироқ намойишлар, полиция билан тўқнашувлар бўлиб ўтди. Покистон Компартияси вакили КПСС XXVII съездида айтиб ўтганидек, «мамлакатимиздаги барча прогрессив, демократик ҳамда ватанпарвар кучлар империализм билан ҳамкорлик қилиш сиёсатига барҳам беришни... Афғонистоннинг революцион ҳукумати билан бевосита музокаралар олиб боришни ва шу мамлакатга қарши эълон қилинмаган урушни тўхтатишни қатъий талаб қилмоқдалар». Чекланган совет қўшинлари контингентидан 6 та полк Афғонистондан олиб чиқиб кетилганидан кейин бундай талаблар янада кучайди.

Афғонистон Халқ Демократик партияси МК Бош секретари Нажибнинг 1986 йил декабрда Совет Иттифоқига қилган визити пайтида СССР билан АДР Афғонистонга тегишли масалаларнинг бу мамлакат ишларига ташқаридан қуролли аралашув тўлиқ тўхталиши ва қайта тикланмаслиги гарантияланиши асосида сиёсий изга солинишига эришишга бутун чоралар билан ёрдам беришга тайёр эканликлари таъкидланди.

Шри Ланка, Бангладеш ва Непал коммунистлари ҳам урушга қарши ҳаракатни ривожлантириш соҳасида катта иш олиб бормоқдалар, антиимпериалистик шиорларни илгари сурмоқдалар ва пропаганда қилмоқдалар. «Биз Америка ҳарбий базаларини тугатишни, Ҳинд океанидан тез ҳаракат кучлари ва денгиз қўшинлари олиб кетилишини талаб қилмоқдамиз, — деди Шри Ланка Компартияси МК Бош секретари К. П. Сильва. — АҚШнинг қўллаб-қувватлаши ва йўл қўйиб бериши натижасида Афғонистон ва Кампучияга қарши олиб борилаётган эълон қилинмаган урушларни тўхтатишни талаб қилмоқдамиз».

Яқин Шарқ мамлакатларида урушга қарши ва антиимпериалистик ҳаракат анча юксалди, Ливан компартияси раҳбарларининг фикрига кўра, бу ерда «бир томондан, араб миллий озодлик ҳаракати, иккинчи томондан, империализм, сионизм ва реакция ўртасидаги кураш ўз чўққисига чиқди».

Коммунистлар регионда тинчлик ва хавфсизлик учун энг собитқадам курашчилар бўлиб чиқмоқдалар. 1985 йил июлидаёқ араб мамлакатлари компартиялари ўз кенгашларида бу кураш вазифаларини муҳокама қилдилар, шу вазифалар моҳияти «Араб халқларининг эркин ва тинч ҳаётга бўлган ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиши — бутун дунёда ялпи тинчлик учун умумий курашнинг ажралмас қисмидир» деган тезисда ўз ифодасини топган. 1986 йил апрелда Ливияга қилинган ҳужумга қарши норозиликлар авжига чиққан бир пайтда араб мамлакатлари компартиялари ўз халқларига махсус баёнот билан мурожаат қилдилар, бу баёнотда давлат террорчилигига асосланган Америка-Исроил сиёсати фош қилиниши билан бирга регионидаги барча миллий-

ватанпарварлик ва тараккийпарвар кучлар катъий равишда агрессияга карши туришга, Ливия, Сурия ва Фаластин халкларини қўллаб-кувватлашга даъват этилади.

СССРнинг тинчлик ташаббуслари, КПСС XXVII съезди илгари сурган халкаро хавфсизликнинг кенг камровли системасини яратиш программаси, М. С. Горбачев 1986 йил 28 июлда Владивостокда сўзлаган нуткида баён этилган конструктив таклифлар Осиёдаги носоциалистик мамлакатларда ривожланиб бораётган урушга карши ҳаракатда тобора кўпрок қўллаб-кувватланмокда. Компартиялар ўз баёнотларида ана шу ташаббуслардан кейин омма билан алокалар осонрок ва самарали бўлиб колганлигини таъкидламокдалар.

Осиёдаги носоциалистик мамлакатлар коммунистларининг бошка ижтимоий-сиёсий кучлар билан биргаликдаги тинчликни саклаб колишга каратилган фаолияти қўшилмаслик ҳаракати аъзолари бўлган Осиё мамлакатлари ҳукуматларининг сиёсатини белгилашга таъсир кўрсатяпти, бу мамлакатлар Ердаги ҳамда космосдаги куролланиш пойгасини кораламокдалар, ядро куроли синовларини тезрок тўхтатишни ёклаб чикмокдалар. Бу позиция қўшилмаслик ҳаракатининг 1983 йил Деҳлида бўлиб ўтган VII конференциясида, 1986 йил сентябрда Хорарда бўлиб ўтган VIII конференциясида аник-равшан белгилаб берилди.

* *
*

Осиёдаги носоциалистик мамлакатлар коммунистлари ўз мамлакатларидаги урушга карши ҳаракат даражасига окилона баҳо беришяпти. Бу даража турличадир. Бирок Осиёдаги кўпчилик мамлакатларда АҚШ ва унинг иттифокчиларининг милитаристик активлигига ғов бўла оладиган урушга карши бундай оммавий ҳаракат мавжуд эмас. Урушга карши ҳаракат етарли даражада ривожланмаганлигига ҳар мамлакатда ўзига хос сабаблар бор. Лекин ўхшаш сабаблар хам бор. Омманинг ҳар кандай мустакил ҳаракатидан, жумладан урушга карши ҳаракатдан кўркадиган ҳукмрон режимларнинг аксарияти репрессив характерда эканлигини компартиялар ана шундай сабаблар жумласига киритадилар. Бу режимлар ва уларни қўллаб-кувватловчи ҳукмрон синфлар социалистик мамлакатларга нисбатан ишончсизлик туйғусини сингдирадилар, гўё Совет Иттифокидан чикаётган «хавф» тўғрисида бўҳтон таркатадилар.

Глобал ядро конфликти юз берган ҳолда Осиё мамлакатлари «кутулиб колиши», бетарафликка риоя килиб, омон колиши мумкин деган хомхаёл жуда яшовчан чикиб колди. АҚШ билан СССР тўкнашуви осиёликларга наф келтиради, чунки буюк давлатлар заифлашиб, Осиё халклари ҳамма нарсага эга бўладилар, деган фикрлар ҳам учраб колади.

Осиё мамлакатларида кўплаб диний-жамоатчилик, этник, территориал ва бошка конфликтлар бўлиб турадики, улар бу мамлакатлар жамоатчилиги диккат-эътиборини доимий ўзига тортади. Бундан ташкари, шу ердаги аҳолининг ахборот ва билим олиш даражаси ҳам паст. Бу ва бошка сабаблар жаҳондаги кескинликка империализм ҳам, социализм ҳам, ҳар иккала буюк давлат айбдор деган анча кенг таркалган янглиш фикрларни келтириб чикаради.

Осиё коммунистлари урушга карши ҳаракат ожизлигининг бу факторларини енгишлари учун инсониятга таҳдид солаётган ўлим хавфини меҳнаткашларнинг жуда кенг оммаси онгига собиткадамлик билан сингдира бориш, ҳарбий хавф манбаини кўрсатиб, унга карши курашнинг реал йўлларини кўрсатиб бериш зарур деб ҳисоблайдилар.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкент областининг Пскент районидаги Свердлов номли колхозда яшовчи журналхон В. Назирқулов Совет-Ҳиндистон муносабатлари ҳақида сўзлаб беришимизни сўраган.

СССР—ҲИНДИСТОН: ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИК

Ҳиндистон республикаси экономика ва маданиятни ривожлантиришда шубҳасиз катта ютуқларга эришди. Мамлакат мустақил деб эълон қилингандан кейин (1947 йил) ялпи миллий маҳсулот 3,5 баравардан зиёд кўпайди. Ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулоти ҳажмига кўра Ҳиндистон жаҳоннинг етакчи мамлакатлари жумласига киради. Давлат секторининг мавқеи мустаҳкамланиб бормоқда ва қора ҳамда рангли металлургия, энергетика, оғир машинасозлик, кемасозлик, кўмир, нефть ва нефтни қайта ишлаш каби тармоқларда у энг муҳим мавқеларни эгаллаб турибди. Саноат ишлаб чиқаришининг салкам 40 проценти ва мамлакат ялпи миллий даромадининг 20 процентдан кўпроғи шу сектор ҳиссасига тўғри келади.

Совет Иттифоқи билан иқтисодий ҳамкорлик бир қатор афзалликларга эга. Мамлакатимиз Ҳиндистоннинг индустриялашга, давлат секторида замонавий саноатни вужудга келтиришга интилишини қўллаб-қувватламоқда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдамлашмоқда. Совет Иттифоқидан товарлар ва кредитлар олиш бунинг учун ҳеч қандай алоҳида ҳуқуқ ва имтиёзлар бериш зарурияти билан боғлиқ эмас.

Совет давлати билан Ҳиндистон республикаси ўртасидаги савдо алоқалари улар иқтисодий муносабатларининг энг умумлаштирувчи кўрсаткичидир. Кейинги ўн йилнинг ўзида улар ўртасида товар обороти бир неча баравар ўсди ва 3 миллиард сўмдан ошиб кетди. СССР қуйидаги ҳинд молларининг асосий харидоридир: чой, қаҳва, тамаки, ошланган тери, ип-газламалар, қалампир, слюда, пойабзал, жун буюмлар.

Ҳиндистонда мамлакатни индустриялаш борасида 1955 йилдан бери амалга оширилаётган кенг кўламдаги тадбирлар СССР билан иқтисодий муносабатларда ҳамкорликнинг саноат корхоналари ва бошқа объектлар қурилишида техникавий ёрдам кўрсатиш каби формасидан фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратди. Бхилаи ва Бокародаги металлургия заводлари, Хардвардаги оғир электр ускуналари заводи ва Ранчадаги оғир машинасозлик заводи, Обра, Корба, Нейвели, Бхакрдаги электростанциялар, Бараунн, Қойяли, Матхур, Мадрасдаги нефтни қайта ишлаш корхоналари, Ришикешдаги антибиотиклар ва Ҳайдарободдаги химиявий-фармацевтика препаратлари фабрикалари, Анклешвардаги нефть конлари — булар Ҳиндистонда Совет Иттифоқи ёрдамида қурилган ва қурилаётган объектлар рўйхатининг бир қисмигинадир. Ҳозирги вақтда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган пўлатнинг 34 проценти, прокатнинг 36,4 проценти, нефтнинг 77 проценти, нефть маҳсулотларининг 30 проценти, электр энергиянинг 20 проценти, металлургия, кон-шахта ва бошқа оғир ускуналарнинг 80 проценти шу объектлар ҳиссасига тўғри келади. Агар Ҳиндистон мустақилликка эришмасдан аввал унинг металлургия корхоналари йилига 1,5 миллион тонна пўлат ишлаб чиқарган бўлса, ҳозирги вақтда биргина Бхилаи металлургия заводининг ўзи 2 миллион тоннадан кўпроқ пўлат эритмоқда. Унинг маҳсулоти жаҳоннинг 40 дан ортиқ мамлакатига экспорт қилинади. Ҳозирги вақтда завод қувватини йилига 4 миллион тоннага, истиқболда эса 7 миллион тоннагача етказиш учун база яратилмоқда.

Индустриялаш нафақат иқтисодий, балки социал проблемаларни ҳам ҳал этмоқда. Объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш даврида жойларнинг ўзида, олий ўқув юртларида кўплаб мутахассислар тайёрланмоқда. Умуман совет-ҳинд ҳамкорлиги йилларида 120 мингдан ортиқ мутахассислар, техниклар ва малакали ишчилар тайёрланди. Бизнинг мамлакатимиз ёрдамида қурилган корхоналар ўн минглаб кишиларни иш билан таъминламоқда.

Ҳиндистоннинг СССР билан алоқаларида

кредит муносабатлари муҳим ўрин тутади. Совет кредитлари жуда паст процентли ставкалар (йилига 2,5 процент) асосида берилади. Капиталистик мамлакатлар ва халқаро молия ҳамда кредит ташкилотлари кредитларининг акси ўлароқ (уларнинг кредитларига битим тузилиши биланоқ процент ставкаси қўшиб ҳисоблана бошлайди) совет кредитларининг тегишли қисми Ҳиндистон томонидан ишга солинганидан кейингина бу кредитларга процентлар қўшилади.

Совет-Ҳиндистон дўстона муносабатларини мустаҳкамлашга Ўзбекистон катта ҳисса қўшмоқда. Республиканинг деярли барча йирик корхоналари Ҳиндистонга ўз маҳсулотини: компрессорлар, химиявий аппаратлар, тўқимачилик ва пахта териш машиналари, тракторлар, радиолампалар, ярим ўтказгич приборлар, самолётлар ва трубомашиналар учун эҳтиёт қисмлар, бактериал ва вирусли препаратлар ҳамда кўпгина бошқа маҳсулотлар юборадилар.

Ҳиндистоннинг уч штати — Тамилнаду, Мадхъя Прадеш ва Уттар Прадешда электростанциялар қурилишига Ўзбекистон техникавий ёрдам кўрсатди. Бхилаи металлургия заводини ускуналашда 400 дан ортиқ совет заводлари, шу жумладан Ўзбекистоннинг 28 корхонаси қатнашди, булар Бхилаига 500 минг тоннадан зиёд турли ускуналар юбордилар. Ранчадаги оғир машинасозлик, Дургапурдаги коншахта ускуналари заводларини қуриш ва ишга туширишда қатнашган совет мутахассислари орасида республикамиз вакиллари ҳам бор эди.

70-йилларнинг иккинчи ярмида СССР билан Ҳиндистон ўртасида Ҳиндистон қишлоқ хўжалиги учун совет машиналари ва ускуналарини етказиб беришни кўпайтириш тўғрисида бир қатор битимлар имзоланди. Ўзбекистон Ҳиндистондаги замонавий давлат фермалари қурилишида қатнашмоқда, улар учун тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари, запас қисмлар етказиб бермоқда.

Ҳиндистонда Совет мамлакатининг вакиллари барпо этаётган барча корхона ва объектлар одатда қурувчи, металлург, нефтчи, монтажчи, қишлоқ хўжалик механизаторлари миллий кадрлари тайёрлайдиган мактабларга айланади. Ўзбекистондан борган мутахассислар саноат корхоналарини лойиҳалаш ва қуришнинг ҳамма босқичларида ҳинд ҳамкасабалари билан мустаҳкам ҳамжиҳатликда ишлаб, ўз ишлаб чиқариш-техника тажрибаларини улар билан баҳам кўрадилар.

Ҳиндистондан келган кўплаб мутахассислар ва ишчилар Ўзбекистон олий ўқув юртлари, заводлари, корхоналари, лабораторияларида тайёргарлик ва ишлаб чиқариш практикасини ўтайдилар.

Республика деҳқонлари ва чорвадорлари тажрибасини ўрганиш учун Ўзбекистонга Ҳиндистон олимлари келиб турадилар. Тошкентдаги ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ўқув хўжалигида сизот сувлар юза жойлашган тупроқли далаларда маккажўхори экинини суғоришнинг оптимал режимлари ва техникаси биргаликда аниқлаб чиқилди, бу Ҳиндистон, шу жумладан Бихар штатидаги айни шундай тупроқли маккажўхоризор далалар унумдорлигини ошириш имконини берди.

Ҳиндистон экономикаси ва фанини ривожлантиришга Ўзбекистон геологлари ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Ҳиндистоннинг баъзи районларида металл мавжудлиги биринчи марта Тошкентда, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология институтида прогноз қилинди. Бу иш муаллифи академик И. Х. Ҳамробоевдир. Унинг қалайи конлари бўлиши мумкин экани тўғрисида айтган тахминлари ҳозирда тасдиқланди.

Ривожланиб бораётган Совет-Ҳиндистон иқтисодий алоқалари социалистик ҳамдўстлик билан озодликка эришган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларда тенг ҳуқуқлилик, бир-бирини ўзаро ҳурматлаш ва ўзаро манфаатдорлик принциплари амалда рўёбга чиқарилаётганлигининг ёрқин мисолидир.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга расмий дўстона визити жаҳон жамоатчилигида кенг акс-садо туғдирди. Совет ва Ҳиндистон раҳбарларининг музокаралари ва учрашувларида икки томонлама муносабатларга, шунингдек жаҳоншумул проблемаларга тааллуқли катта доирадаги масалалар тилга олинди. Бу учрашувлар ошкоралик ва ўзаро ҳамфикрлик вазиятида ўтди. Деҳлида қилинган ишларнинг натижалари имзоланган ҳужжатларда ўз аксини топди, бу ҳужжатларда Совет-Ҳиндистон алоқаларининг кенгайтиришнинг жуда катта потенциали мужассамдир. 1986—1990 йилларга мўлжалланган, товар айирбошлашнинг юксак суръатларини сақлаб қолиш ва формалари ҳамда структурасини такомиллаштиришни кўзда тутувчи узоқ муддатли савдо битимининг амалга оширилиши ўзаро фойдали савдо-сотиқни янада ўстириш ва такомиллаштиришга ёрдам беради. Совет-Ҳиндистон илмий-техникавий ҳамкорлиги, маданият, соғлиқни сақлаш, маориф, оммавий ахборот воситалари, спорт соҳасида ҳамкорлик қилиш тобора катта аҳамият касб этмоқда. 1987—1988 йилларда Ҳиндистонда ўтказиладиган СССР Фестивали ва СССРда ўтказиладиган Ҳиндистон фестивали иккала мамлакат ва уларнинг халқлари ўртасида дўстлик ва ўзаро ҳамфикрликни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнаши керак.

Юксак даражадаги Совет-Ҳиндистон

муносабатлари музокаралар катнашчиларига чинакам тарихий кўламдаги ҳужжат билан майдонга чикиш имконини берди. «Ядро куролидан холи ва зўровонликсиз дунё принциплари тўғрисида Деҳли Декларацияси» Совет Иттифоки билан Ҳиндистоннинг ҳозирги замоннинг энг долзарб проблемалари тўғрисидаги нуктаи назарларини акс эттиради. СССР билан Ҳиндистон шу иккала мамлакат аҳолисини ташкил этувчи бир миллиарддан ортик эркаклар, хотин-кизлар ва болалар номидан барча мамлакатларнинг халкларига ва раҳбарларига мурожаат килиб, ялпи кирғин куролларидан, урушлардан холи бўлган дунёга олиб келадиган шошилинч ҳаракатлар килишга чакирдилар.

Совет Иттифоки олдинга сурган ҳозирги асрнинг охирига кадар ядровий куролни ва ялпи кирғин куролининг бошка турларини боскичма-боскич батамом йўк килиб ташлаш тўғрисидаги программани Ҳиндистон томони табриклаб маъкуллади. Музокараларнинг катнашчилари ядро куроли ишлатишни таъкиклаш тўғрисида зудлик билан халкаро конвенция тузишга даъват этдилар, унинг барча синовларини дарҳол тўхтатиш фикрини изҳор килдилар.

Кўшилмаслик ҳаракати ҳозирги замоннинг нуфузли кучига айланди. Унинг яшовчанлик кобилияти аввало империализмга, янги мустамлакачиликка, агрессияга, иркчиликка карши курашда намоён бўлмокда. Совет Иттифоки Ҳиндистоннинг ушбу ҳаракатдаги конструктив ролига берган ўз юксак баҳосини тасдиклади.

Томонлар халкаро иктисодий муносабатларни адолатли ва тенг хукукли асосда кайта куришга ва янги халкаро иктисодий тартиб ўрнатишга даъват этдилар. Ушбу актуал вазифанинг ҳал этилиши бутун инсониятнинг, айникса ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатларига жавоб берган бўлур эди, шунинг учун ҳам СССР ва Ҳиндистон бу вазифани амалга ошириш учун актив курашмокдалар.

М. ШАПСАНОВ,
тарих фанлари кандидати,
А. САХИБОЕВ.

Журналимиз ўкувчиси Х. Хўжаев редакцияга шундай деб ёзади: «Америка овози», «Немис тўлкини» ва Ғарбнинг бошка радиостанциялари буржуача турмуш тарзини кўз-кўз килар экан, капитал мамлакатлари конституцияларида гражданларнинг меҳнат килиш ҳукуки ва инсоннинг «бошка ҳукуклари» эълон килинган деб жаврайдилар. Айни бир вактда улар социалистик тузумимизни обрўсизлантиришга уринадилар. Сизлардан СССР ва ғарб мамлакатларида инсон ҳукукларининг кандай амалга оширилиши тўғрисида ҳикоя килиб беришларингизни сўрайман».

ИНСОННИНГ ҲАҚИҚИЙ ВА СОХТА ҲУҚУҚЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсоният ҳозир ўз тарихининг мураккаб ва ташвишли даврини бошидан кечиряпти. Бу бир-бирига карши икки дунёкараш — коммунистик ва буржуа дунёкарашлари ўртасидаги курашнинг урушдан кейинги бир неча ўн йиллар давомида сира кўрилмаган даражада кескинлашгани ва кучайгани билан характерланади. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, тарихий тараккиётнинг бориши империализм позицияларини канчалик кўп заифлаштирса, унинг энг реакцион кучлари сиёсатининг душманлиги шунчалик ортаборади. Империализм ижтимоий тараккиётга ёвузларча каршилик кўрсатади, тарих ғилдирагини тўхтатиб кўйишга, социализм позицияларини бўшаштиришга, жаҳон микёсида социал реванш олишга уриниб кўрмокда. Антикоммунизм унинг асосий ғоявий куроли бўлиб, социалистик тузумга туҳмат, коммунистик партияларнинг максадлари ва сиёсатини, марксча-ленинча таълимотни сохталаштириш антикоммунизмнинг асосий мазмунини ташкил этади.

Социализм мамлакатларига карши идеологик курашда империалистлар турли пропагандистик кампаниялардан кенг фойдаланмокда, уларни таркок душманлик акцияларига караганда таъсир этишнинг энг самарали формаси деб хисоблашмокда. 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб империалистик пропаганда «СССРда инсон эрки ва хукукларини» химоя килиш бўйича узокка мўлжалланган ва кенг кўламли кампанияни авж олдириб юборди, АКШ бунинг ташаббускори бўлди.

Бу кампания анча олдиндан ва алохида бир хафсала билан ишлаб чикилди. Унга буржуа давлатлари пропагандасининг барча воситалари кўшилишди. Империалистлар уларнинг олдига: «инсон хукуки» терминини рўкач килиб социализмни, социалистик мамлакатлар хукуматларини, уларнинг коммунистик партияларини обрўсизлантириш, кишилар онгига буржуа тузумини кўкларга кўтариб мактовчи муайян стереотипларни сингдириш, Ғарб мамлакатлари ахолисида социалистик давлатларнинг гўё хукуксиз гражданларига нисбатан ачиниш туйғусини уйғотиш вазифасини кўйди. Бунда шуни таъкидлаш керакки, буржуа идеологлари, масалан, Чилида ёки ЖАРда гражданлар хак-хукуклари поймол килинаётганлигини хеч качон танкид килмайдилар, холбуки Чилида конли хунта хукмронлик килмокда. Жанубий Африка республикаси халки иркчиликнинг шафкатсиз зулми остида эзилиб келмокда.

Пролетар, социалистик интернационализм принципларига хужум советларга карши пропаганданинг хозирги боскичдаги асосий йўналишларидан бири бўлиб, у миллий жихатларни интернационал жихатларга карама-карши кўйиш, миллатчилик бидъатларини авж олдириш, миллатлар ўртасидаги сунъий зиддиятларни кидириб топиш йўллари билан амалга оширмокда. Бу ишда айникса «Озодлик» радиостанцияси «муваффакият козонмокда», у «гражданлар хукуклари учун» кураш шиори остида Ўзбекистонга каратилган антисовет пропаганда олиб бормокда. У Ўрта Осиё мустамлака чекка ўлка деган эски, сийкаси чиккан уйдирмани ўзига курол килиб олиб, Ўрта Осиё республикаларининг гўё СССРга зўрлик билан кўшиб олинганлиги тўғрисидаги фикрни кишилар онгига сингдиришга уринади.

СССР Конституциясининг 76-моддаси бу сохта тезисни ишонарли тарзда рад этади. Унда иттифокдош республика — суверен социалистик давлат бўлиб, у бошка совет республикалари билан бирга СССРга бирлашган ва ўз территориясида мустакил давлат хокимиятини амалга оширади, дейилади. Бундан ташкари хар бир иттифокдош республика ўз Конституциясига эга бўлиб, у СССР Конституциясига мувофик ва республиканинг ўзига хос хусусиятларини хисобга олган.

Буржуа идеологлари совет республикалари гражданларида миллатчилик кайфиятини уйғотишни максад килиб кўйиб, мамлакатимизда «халкларни руслаштириш» юз беряпти деб даъво киладилар. Улар, масалан, барча миллий тиллар рус тилига зўрлик билан кўшиб юборилялти деб бехуда исботламокчи бўладилар. Ўз она тилларида ўкитиладиган мактаблар мамлакатимизнинг хамма жойларида бор. Шу билан бирга ўкувчилар, уларнинг ота-оналарининг хохиши билан рус тилида ўкитиладиган мактабларда хам ўкиш имконияти мавжуд. Барча тилларнинг эркин ривожланиши ва уларнинг бир-бирини бойитиши совет халки бирлигини мустахкамлашнинг энг мухим омилларидан биридир.

Буржуа пропагандистлари эфирни ва матбуот сахифаларини СССРдаги рус бўлмаган гражданлар «хукукларининг чекланиши» тўғрисидаги уйдирмалар билан тўлдиришар экан, капиталистик мамлакатларда майда миллатларнинг хукуклари муттасил ва кўпол равишда поймол килиниши тўғрисида атайлаб лом-мим демайдилар. Масалан, хозирги вактда АКШда мамлакатнинг туб ахолиси бўлмиш индеецлардан атиги 1,5 миллион киши колган. Хокимият амалга ошираётган геноцид сиёсати туфайли ўнлаб индеец кабилалари кирилиб кетди. Индеецларнинг 75 процентдан кўпроғи доимий очлик ва кашшокликдан азоб чекади. Уларнинг неча минг йиллар давомида яратилган миллий анъаналари, маданияти, тили, урф-одатлари инкирозга учрамокда.

Ғарбий Германия кейинги ўн йиллар давомида шундай бир давлатга айландики, бу мамлакатда турли ирк, миллат ва этник группага мансуб кишилар яшашяпти. Нацизм даврида бир амаллаб омон колган майда миллатлардан ташкари ГФРда хозирги вактда бу ерга ривожланаётган мамлакатлардан 60—70-йилларда иш кидириб келган салкам 5 миллион киши яшайди. Чет эллик ишчилар ўзларига бошпана берган мамлакат экономикасини кўтариш учун жуда кўп мехнат килдилар, мана энди улар кризис ва ишсизлик шароитида ортикча одамлар бўлиб колдиларки, хукумат улардан тезрок кутулиш харакатида.

Ёки капитал мамлакатлардаги ишсизлик проблемасини олиб кўрайлик, зеро бу капиталистик жамият учун энг асосий проблемалардан бири бўлиб колди. Масалан, расмий маълумотларга кўра, 1985 йилда АКШда — 8 миллиондан зиёд, Буюк Британияда — 4,9 миллион ишсизлар бор эди.

Шуни таъкидлаш керакки, кўпгина капиталистик мамлакатларнинг конституцияларида мехнат килиш хукуки тўғрисида умуман хеч нима дейилмайди, мабодо у эълон

қилингудай бўлса, аслида шунчаки ёлғон-яшиклигича қолади.

Ишсизлик сингари ижтимоий офатни айни шу капиталистик система келтириб чиқаришини эндиликда буржуа идеологларининг инкор этишлари қийин. Лекин, буни эслатганлари ҳолда улар ўқувчи ва тингловчиларни ўзларининг «объективлиги» ҳамда «холислиги»га ишонтирмоқчи ва дадил-исботларни нотўғри талқин қилиш билан ўша ахборотни капитализм фойдасига ишлатмоқчи бўлишади. Маълумки, СССР ва социализмнинг бошқа ҳамма мамлакатлари конституцияларида меҳнат қилиш, дам олиш, медицина хизмати, социал таъминот, уй-жойга эга бўлишнинг гарантияланган ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Масалан, СССР Конституциясининг 40-моддасида шундай дейилган: «СССР гражданлари меҳнат қилиш ҳуқуқига, яъни меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ва камида давлат томонидан белгиланган минимал миқдорда ҳақ тўланадиган ва гарантияланган иш олиш ҳуқуқига... эгадирлар». Бинобарин, мамлакатимиз гражданларининг ҳаммаси бу ҳуқуқдан тўла-тўкис фойдаланишади. Лекин буржуа пропагандистлари бу факт хусусида лом-мим демай, «совет меҳнаткашларининг оғир турмуши», СССР гражданларининг «шафқатсиз эксплуатация қилиниши ва арзимаган ҳақ учун сулайиб қолгунча ишлашлари» тўғрисида тинимсиз вайсайдилар. Бундай даъволарнинг бемаънилиги очиқ-равшан кўриниб турибди.

Буржуа идеологлари хотин-қизларнинг камситилиши сингари капиталистик жамиятнинг шармандали ҳодисаси тўғрисида гапирмасликка уринади. Ҳолбуки, хотин-қизлар капитал мамлакатларида кейинги вақтларда катта проблемаларга дуч келмоқдалар: уларнинг ишга жойлашиш имкониятлари чеклаб қўйилган, меҳнатига инсоф билан ҳақ тўланмайди, улар ишсизликнинг биринчи қурбони бўлмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда эса хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлиги гарантиялаб қўйилган. СССР Конституциясининг 35-моддасида: «Бу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши хотин-қизларга илм олишда ва касб-хунар ўрганишда, меҳнатда, меҳнат учун ҳақ тўлашда ва ишда кўтарилишда, ижтимоий-сиёсий ва маданий фаолиятда эркаклар билан тенг имкониятлар бериб қўйиш... йўли билан таъминланади», дейилган. Совет хотин-қизлари социалистик жамият ҳаётида фаол иштирок этадилар, бинобарин, буржуа пропагандистларининг гўё «уларнинг жуда оғир меҳнатдан тинкаси қуриганлиги, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётига бепарволиги» тўғрисидаги даъволари ошкора сохталаштиришнинг ўзидир.

«Озодлик» радиостанцияси гўё «ўзбек хотин-қизлари социалистик турмуш тарзини оғриниб қабул қилаётганлиги ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмаётганлиги» тўғрисидаги фикрни тингловчиларга сингдиришга ҳаракат қилади. Бу гапларнинг ёлғон-яшиклиги кўриниб турибди. Шуни айтиш кифояки, туб ерли миллатлар хотин-қизлари бугунги кунда давлат, партия ва бошқа органларда раҳбар лавозимларда ишламоқдалар. Масалан, Ўрта Осиё республикалари маҳаллий Советларидаги депутатларнинг салкам ярмини хотин-қизлар ташкил этади.

Буржуа сохталаштирувчилари, «совет кишилари ўз вақтида ва малакали медицина ёрдами ололмайдилар» деб даъво қилишади. Лекин капитал мамлакатларида оддий меҳнаткашнинг даволаниши анча мушкуллиги тўғрисида ҳеч нима демайдилар. У ерда медицина ёрдами ва дори-дармон йилдан-йилга қимматлашиб кетяпти.

Мамлакатимизда медицина хизмати бепул бўлиб, у гражданлар учун СССР Конституциясида гарантиялаб қўйилган. Совет кишилари бу ҳуқуқдан тўла-тўкис фойдаланадилар. Бизда дори-дармонлар нисбатан арзон бўлиб, улар аҳолининг айрим категорияларига бепул ёки 80 процентгача арзонлаштириб берилади. Партия ва ҳукумат меҳнаткашларнинг соғлиги масаласига катта эътибор берадилар. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида шундай деб кўрсатилган: **«Совет кишилари соғлигини мустаҳкамлаш,** уларнинг актив умрини узайтириш жуда муҳим ишдир».

Совет халқининг маориф соҳасидаги муваффақиятлари ҳам буржуа пропагандистларига тинчлик бермаяпти. Улар КПСС-нинг бу соҳадаги сиёсатини обрўсизлантиришга уриниб, кўпинча, масалан, «СССР-даги илмли кишилар — булар элита вакилларидир» сингари очиқдан-очиқ ёлғон-яшик гапларни ишга соладилар. Улар бу билан мамлакатимиз меҳнаткашларининг энг муҳим зафарларидан бири—илм олиш ҳуқуқини қоралашга уринишади. СССР Конституциясининг 45-моддаси барча совет кишиларига бошланғич мактабдан бошлаб, то олий ўқув юртларигача бепул таълим олишни гарантиялайди. Техникумлар ва билим юртлари талабаларига, олий ўқув юртлари студентлари, аспирантларига турли имтиёзлар берилган, давлат уларга стипендия тўлайди. СССРда яратилган чинакам халқ мактаби барча гражданларга билим олиш имконини берди.

Капитал мамлакатларида таълим олиш ҳуқуқи қандай амалга оширилади? Европа парламентининг ёшлар, маданият, тарбия масалалари бўйича комиссиясининг докладида, Европа иқтисодий бирлашмаси (ЕИБ) давлатларида салкам 15 миллион саводсиз борлиги маълум қилинади. Техас университети тадқиқотлари маълумотларига кўра,

капиталистик дунёнинг энг бой ва техник жиҳатдан ривожланган мамлакати бўлмиш АҚШда 23 миллион одам хатосиз ёзолмайди. Ғарбнинг кўпгина мамлакатларида мактаб таълими системаси бутунлай барбод бўлиш арафасида турибди. Бунга сабаб таълим эҳтиёжларига маблағнинг ниҳоятда кам ажратилаётганлиги ва айни вақтда ҳарбий бюджет ошиб бораётганлигидир.

Лекин буржуа идеологлари капитал мамлакатларидаги таълимнинг ҳақиқий аҳволи тўғрисида индамасликни афзал кўрадилар. Масалан, «Немис тўлқини» радиостанцияси ГФРдаги ўқувчи ёшлар ҳаётини кўпинча жуда яхши қилиб кўрсатади. Ҳолбуки, бу давлатда, бошқа кўпгина капитал мамлакатларида бўлгани каби, мактаб системасида кўзда тутилганидек ўқувчилар синфий жиҳатдан ажратилади. Ғарбий Германия журналисти М. Премслернинг уни «профессионал, бинобарин, ҳаётий йўлни белгиловчи аппарат» деб таърифлаши бежиз эмас. ГФР меҳнаткашларининг болалари тўққиз йиллик умумий мактабга қатнашади, уни битирганлар кейинчалик ишчилар бўлишади. Бадавлат одамларнинг болалари эса аввал гимназияларда, кейин университетларда ўқишади. Улар таълим олишни тугатганларидан кейин раҳбар лавозимларни эгаллашади ёки элита сафини тўлдиради. Бинобарин, «элитар» таълим ҳақида гапириладиган бўлса, бу тўла-тўкис буржуа жамиятига хос нарсадир. Федерал ҳукумат таълим соҳасидаги кризис ҳолатидан чиқиш йўлини топиш хусусида ёшларга бир неча бор ваъда берган эди, лекин бу ваъдалар ҳануз бажарилмай келади. Масалан, ГФР бюджетида ҳарбий эҳтиёжларга ажратилаётган маблағлар йилдан-йилга ортиб бормоқда, таълимга эса муттасил камайтирилмоқда.

«Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» шиори остида советларга қарши олиб борилаётган пропагандада виждон эркинлиги, яъни ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки умуман эътиқод қилмаслик, диний маросимларни бажариш ёхуд атеистик пропаганда олиб бориш масалаларига катта ўрин ажратилади. СССР Конституциясининг 52-моддаси мамлакат гражданларига виждон эркинлигини гарантиялайди. Диний эътиқодлар баҳонаси билан душманлик ва нафрат ҳиссини уйғотиш тақиқланади.

Бизнинг мафкуравий душманларимиз, гўё СССРда «диний уюшмалар ҳуқуқини камситиш, давлатнинг улар ҳаётини қатъий контрол қилиши, динни тарғиб этиш ва оммавий тарзда тоат-ибодат қилиш тақиқланганлиги КПССнинг динга қарши йўлининг ифодаси...», «диндорлар социализм вазифаларини амалга ошириш учун қанчалик ғайрат-шижоат билан курашишларидан қатъи назар, СССРда уларни камситиш ҳамон давом этяпти» деб жар солмоқдалар. Бундай туҳматлардан мақсад коммунистик партия ва социалистик давлатнинг динга муносабати ҳақидаги марксча-ленинча таълимот моҳиятини бузиб кўрсатиш, динга ишонувчиларни КПСС ва Совет ҳукумати сиёсатига қарши қўзғатиш, партия билан халқ бирлигига зарба бериш, СССРдаги диндорлар билан динга ишонмовчилар ўртасига нифоқ солишга уринишдир.

Бу ўринда шуни таъкидлаш кераккн, Ғарбнинг капиталистик мамлакатларида виждон эркинлиги аслини олганда йўқ. Қонун ҳеч қандай динга эътиқод қилмайдиган кишиларни, яъни атеистларни камситишни тақиқламайди. Шундай қилиб, буржуа пропагандистлари қонун олдида барча гражданларнинг сохта тенглиги ҳақидаги гапларга ишонтиришга қанчалик уринмасинлар, барибир, буржуа ҳуқуқи атеист ҳуқуқларини ҳимоясиз қолдиради.

СССРда мусулмон динининг аҳволини Ғарбда жон-жаҳдлари билан сохталаштирадилар. Мақсад — ислом анъаналарини жонлантириш ва уларни миллий анъаналар деб кўрсатиш, КПСС ва Совет давлатининг миллий ва диний масалалардаги сиёсатини обрўсизлантириш, диндорларни жамиятга қарши хатти-ҳаракатлар қилишга рағбатлантириш, шунингдек реал социализмнинг бутун Шарқ халқларига кўрсатаётган жозиба кучини сусайтиришдир. Лекин сохталаштирувчилар беҳуда уринишяпти. КПСС ва Совет давлати художўй мусулмонларга, уларнинг анъаналари ва урф-одатларига ҳамиша эътибор ҳамда эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиб келганлар. Социалистик жамиятни қуриш ва уни такомиллаштириш социализм ислом ва бошқа динларга эътиқод қилувчи халқларга бегона эмаслигини исботлади.

Шундай қилиб, мамлакатимизда барча меҳнаткашларга чинакам ҳуқуқлар гарантиялаб берилганки, улар СССР Конституциясида аниқ таърифланган бўлиб, бажарилиши давлат томонидан таъминланади. Буржуа идеологлари оғиз кўпиртираётган ҳуқуқ ва эркинликлар капитал мамлакатлари меҳнаткашлари учун қуруқ бир расмиятчиликдир. «СССРда инсон ҳуқуқлари» хусусида Ғарбда кўтарилаётган шов-шувлар — советларга қарши қаратилган кенг кўламли кампаниянинг бир қисмидир. Буржуа пропагандистлари СССР ва бошқа социалистик мамлакатларга қилаётган беҳуда ҳужумлари билан капиталистик жамиятдаги меҳнаткашларнинг реал ҳуқуқсизлигини ва қонунларнинг бузилишини хаспўшламоқчи бўладилар.

Г. БОБОЖОНОВА.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

СОВЕТ ПАХТАЧИЛИГИ ҚАРОР ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ТЎҒРИСИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

Маълумки, мамлакатнинг техникавий-иқтисодий қолоқлигини тугатиш учун кураш социализм қуриш ленинча планининг таркибий қисми бўлган эди. Бу мақсадга, жумладан, барқарор пахтачилик хўжалигини вужудга келтирмай, СССРнинг пахта мустақиллигига етишмай туриб эришишни тасаввур қилиб бўлмас эди.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида пахтачиликни социалистик асосда юритиш бошлаб берилган эдики, бунда мазкур соҳада банд бўлган деҳқонларни иқтисодий, социал ва миллий жиҳатдан эзишга мутлақо йўл қўйилмасди. Бунинг устига у деҳқонларни социалистик қурилиш жараёнига жалб этишнинг таъсирчан воситасига айланган эди.

Шуларнинг ҳаммаси тақриз қилинаётган тўпламда* ўз аксини топган. Тўпламга 141 та ҳужжат киритилган бўлиб, уларнинг аксарияти илк бор эълон қилинмоқда. Булар ўлкада Совет ҳокимияти дастлабки йилларидаги конкрет социал-иқтисодий шароитларни, Туркистон республикаси партия ташкилоти пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш борасида олиб борган ишлардаги ўзига хос қийинчиликларни кўрсатиб берувчи қимматли манбалардир.

1917—1920-йиллар ҳужжатлари алоҳида қизиқиш уйғотади. Гражданлар урушининг бениҳоя оғир шароитларида В. И. Ленин, Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Туркистон пахтачилик хўжалигини социализм изига тушириш йўлларини қидира бошлаган эдилар. Ер тўғрисидаги ленинча декрет, шунингдек РСФСР ВСНХ Президиумининг 1918 йил 12 январдаги «Пахтачилик ишларини монополизация қилиш тўғрисида»ги қарори бунга асос солган эди. Партия ва совет органлари ушбу ҳужжатларга мувофиқ пахтачиликни ташкил этишнинг буржуа системасини тугатиш ва пахтачиликни принципиал янги, социалистик негизда қарор топтириш ишларини бошлаб юбордилар. РСФСР ВСНХ Президиумининг қарорига мувофиқ ушбу тармоқни ривожлантиришга доир барча масалаларни ҳал этиш Россия Федерацияси ҳукуматининг алоҳида имтиёзи деб эълон қилинди, пахта запаслари национализация этилди. Афсуски, шу қадар муҳим роль ўйнаган ушбу ҳужжат китобга киритилмай қолган. Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Советининг 1918 йил 26 февралдаги «Ўлкада пахтани конфискация қилиш тўғрисида»ги декрети ҳам худди шу масалаларни ҳал этишга қаратилган эди (11-бетга қаралсин). Тўпламда декрет тексти эълон қилинганлигининг муҳимлигини алоҳида таъкидлаш лозим, чунки унинг барча аввалги нашрлари аллақачон нодир бўлиб қолган.

Тўпламда Туркистон Компартияси ва ҳукуматининг, шунингдек пахта тозалаш, ёғ ва совун ишлаб чиқариш саноати ходимлари касаба союзининг принципиал янги, социалистик типдаги пахтачиликни вужудга келтириш борасидаги фаолияти муфассал акс эттирилган. Тузувчилар китобга Совет ҳукумати В. И. Ленин иштирокида 1918 йил 24 мартда қабул қилган «Пахта программаси» ҳамда РСФСР ВСНХ Президиуми Туркистонга махсус пахта экспедициясини юбориш тўғрисида 1918 йил 1 апрелда қабул қилган қарор текстини киритмаганликлари афсусланарлидир.

Туркистон пахтачилик комитети раҳбарларидан бири И. Севастьянов фаолиятига оид материалларнинг тўпламга киритилганлиги (81—85-, 103—106-бетларга қаралсин) Туркистон пахта хўжалигининг социализация қилинишини илмий тушуниш нуқтаи назаридан қизиқарли ва ғоят муҳимдир. Унинг Туркистондаги ишларига оид ҳужжатларни қидириш ва тадқиқ этиш зарурлигининг боиси шундаки, агроном И. Севастьянов бу ерга Совет ҳукуматининг «Пахта программаси»ни рўёбга чиқариш вазифасини зиммасига олган ўша Центротекстиль экспедицияси составида келган эди.

Аграр масалага доир ленинча таълимотга мувофиқ пахтачиликни социализация

*Деятельность Коммунистической партии и Советского правительства по восстановлению и развитию хлопководства в Туркестане (1917–1924 гг.). Документы и материалы. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 296 с.

қилиш жараёни унда банд бўлган деҳқонларни интенсив кооперациялашни тақозо этарди. Бу жараён Туркистонда 1918 йилда бошланган бўлиб, 1919 йилдаёқ 73 минг киши 42 та пахта кооперативига аъзо эди. Бунинг сабаблари кўп эди. Лекин, тўпламга киритилган «Пахтакор деҳқонларнинг меҳнат кооперативларини ташкил этиш тўғрисидаги Низом» (26—28-бетларга қаралсин) ҳам бунга ёрдам берганлиги шубҳасиздир. У В. И. Лениннинг «...агар кооператив ери социализация қилинган, фабрика ва заводлари национализация қилинган жамиятнинг ҳаммасини ўз ичига олса, у социализмдир» (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 182-бет) деган фикри тўғрилигини тасдиқлайди.

Тўпламга Туркистон Компартияси съездлари, Марказий Комитети, область, шаҳар ва уезд комитетлари пленумларининг резолюциялари ва қарорлари, Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети, МИК ва маҳаллий ҳокимият органларининг декретлари, ҳуқуқий ҳамда бошқа ҳужжатлари, турли халқ комиссарликлари бўлимлари, идораларнинг қарорлари, протоколлари, докладномалари киритилган. Кенг ахборот берувчи материал, жумладан, партия ва совет органларининг деҳқонлар орасида кунт-сабот билан олиб борган тушунтириш ва ташкилотчилик ишларини, деҳқонларнинг синфий ташкилотлар тузишга интилишини кузатиш имконини беради, ушбу интилиш туфайли камбағаллар комитетлари, «Қўшчи» иттифоқи ташкил топган эди. Эълон қилинган материаллар пахтачилик ва ирригацияни ривожлантиришга капитал маблағ сарфлаш муттасил ошиб борганлигидан далолат беради. В. И. Ленин, РКП(б) Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг Туркистонга кўрсатган кўп қиррали ёрдамларидан далолат берувчи ҳужжатлар қизиқарлидир.

Тўпламга С. Асфендиёров, Н. А. Паскуцкий ва И. Е. Любимов сингари Туркистондаги совет пахтачилигининг таникли раҳбарлари ва ташкилотчиларининг айрим мақолалари ва докладлари киритилганлиги тузувчиларнинг хизматидир. РСФСР ВСНХ Бош пахта комитети раиси, Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети Раиси Исидор Евстигнеевич Любимов совет пахтачилигини тиклаш ва ривожлантиришга, Ўзбекистоннинг социалистик экономикасини вужудга келтиришга катта ҳисса қўшди. Чунончи, Тошкентда тўқимачилик комбинати қурилиши ҳамда тўқимачилик институти ташкил этилганлиги ва кўплаб шу каби воқеалар унинг номи билан боғлиқдир.

Лекин тўпламга В. И. Лениннинг яқин сафдоши, Пахтачилик Бош комитетининг биринчи раиси Виктор Павлович Ногиннинг фаолияти билан боғлиқ материаллар киритилмаганлиги ажабланарлидир. Ваҳоланки, Совет давлати пахта сиёсатини шакллантиришнинг асосий масалалари унинг бевосита иштирокида ҳал қилинган эди.

Шуни афсусланиб таъкидлашга тўғри келмоқдаки, Ўзбекистонда социалистик экономикани вужудга келтириш учун кўп иш қилган содиқ ленинчилар, оташин интернационалистлар В. П. Ногин, И. Е. Любимов ва бошқаларнинг хотирасини абадийлаштириш учун республикамизда ҳали ҳеч қандай тадбирлар кўрилмаган. Уларнинг номлари республикамизда нашр этилган умумий ва тармоқ энциклопедияларига киритилмаган. Ҳатто «Пахтачилик энциклопедияси»даги Главхлопком ҳақидаги мақолада ҳам уларнинг номлари тилга олинмайди. Ушбу камчилик бартараф этилишига ишонгимиз келади.

Бухоро ва Хоразм халқ совет республикаларида ҳам пахтачиликни юксалтириш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатилганини таъкидлаш лозим. Тўпламдаги ҳужжатлар бу ишда Совет давлати кўрсатган ёрдам бениҳоя катта роль ўйнаганлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилиш имконини беради (92-, 93—94-, 163-, 235-, 240-, 245—247-, 253-, 262-, 263- бетларга қаралсин).

Ўлка экономикасидаги, шу жумладан, пахтачиликдаги интеграцион тенденциялар эътиборни тортади. 1923 йилда Ўрта Осиё Иқтисодий Кенгаши тузилди, Ўрта Осиё регионидаги барча республикаларнинг ҳукуматлари унинг фармойишларини бажаришлари шарт эди. 1924 йилда Ўрта Осиё коммерция банки ташкил этилди, СССР Молия халқ комиссарлиги, БХСР ва ХХСР Нозирлар Советлари, Туркистон республикаси Халқ Комиссарлари Совети ва Пахтачилик Бош комитети унинг таъсис этувчилари эдилар. Интеграцион тенденциялар пахта сиёсатининг бошқа йўналишларида ҳам яққол кўзга ташланар эди.

Тўпламга кирган бир қатор ҳужжатлар ўлкадаги синфий кураш шиддатларини акс эттириши ҳам китобнинг ижобий хусусиятидир. Бу гап совет пахтачилигини ташкил этишда буржуа мутахассисларидан фойдаланиш масаласига ҳам тааллуқлидир. Шунинг учун, жумладан, «Мавжуд пахта ва 1919—1920 йиллар ҳосилини харид қилиш тўғрисида Турккомиссия билан контрагент Н. Ш. Потеляхов ўртасида тузилган шартнома» алоҳида қизиқиш уйғотади (42—44-бетларга қаралсин), чунки у ўзига хос тарихга эгадирки, унинг қисқача мазмуни қуйидагича: 1918 йил баҳорида Москвада Н. Ш. Потеляхов пахта олиб сотганликда айбланиб, ВЧК органлари томонидан қамоққа олинади. Собиқ «пахта қироли» жиноят содир

қилганлиги тўла исботланади. Лекин ўша оғир йилларда пахта шу қадар тақчил эдики, ВЧК раиси Ф. Э. Дзержинский, терговчининг хулосасини ўрганиб чиқиб: «Агар қариндошлари унинг бадалига бир неча миллион пуд пахта берсалар, биз уни уларга бериб юборишни таклиф қилдик.» — деб резолюция қўяди (Из истории Всероссийской Чрезвычайной Комиссии. 1917—1921 гг. Сборник документов. М., Политиздат, 1958, с. 221).

Пахта ишларини бошқариш ва ташкил этишнинг сифат жиҳатидан янги структурасини шакллантиришга алоқадор ҳужжатлар ҳақида гапирмай бўлмайди. Чунончи, 1922 йил 23 августдаги «Пахтачилик Бош комитети ҳақида Низом» шулар жумласига киради, у РСФСР ВСНХ ушбу органининг фаолиятини хўжалик ҳисоби принциплари асосида регламентлар эди (154—160-бетларга қаралсин). Ўша йилларда тармоқни ташкил этиш, бошқариш ва пахта тайёрлашнинг бутун системаси мустақил бўғин қилиб ажратилган, яъни тўқимачилик саноатининг идора назоратидан холи этилган эди. Бу эса партия пахтачилик сиёсатининг иқтисодий ва социал жиҳатларини мувофиқлаштириб олиш имконини берар эди, чунки айни Главхлопком ташкил этилгач, мамлакатнинг пахта хўжалигини ривожлантириш проблемаларига тор идоравий ёндашувга барҳам берилди. Шунинг учун тўпламга 1921 йил 22 сентябрда В. И. Ленин имзолаган «Давлатнинг пахтачиликни, пахта тозалаш саноати ва пахта тайёрлашни ташкил этиши тўғрисида Низом» киритилмаганлиги афсусланарлидир, юқорида тилга олинган орган РСФСР ВСНХ системасида шу асосда тузилган эди.

Яқин ўтмишда Ўзбекистон пахтачилигида рўй берган салбий ҳодисалар 1921—1924 йиллардаги ҳужжатларнинг актуаллигини тасдиқлаб турибди. КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ва унинг Марказий Комитети XVI пленуми (1984 йил) очиб ташлаган республика пахтачилик комплексидаги жиноятқорона суиистеъмолларнинг боиси муайян даражада яна шундаки, пахта ишини ташкил этиш ва бошқариш проблемаларига комплекс ёндашишдан иборат муҳим ленинча принцип бузилган эди. Бу, жумладан, пахта етиштириш билан бир идора (республикадаги собиқ Қишлоқ хўжалик министрлиги), хом ашёни қайта ишлаш билан батамом бошқа идора (1984 йилда тугатилган Пахта тозалаш саноати министрлиги) шуғулланганлигида намоён бўлган эди.

Тўпламни тузувчиларнинг яна айрим нуқсонларини таъкидлаш лозим. Чунончи, унга республика партия ташкилотларининг пахтачилик соҳасидаги фаолиятининг социал мақсадларини акс эттирувчи материаллар киритилса яхши бўлар эди. Номлар кўрсаткичи берилмаганлиги ҳам ачинарлидир, у совет пахтачилигини вужудга келтиришда фаол қатнашган партия ва совет ходимлари, шунингдек ишчи ва деҳқонлар тўғрисида тасаввуримизни кенгайтиришга имкон берарди.

Бундай нашрларни тайёрлашда конкрет проблема бўйича мутахассисларнинг кенгроқ доирасини жалб этиш лозим эди. Бу билан республика тарих фанининг потенциалидан тўлароқ фойдаланилади ва ҳужжатларни танлаш яхшиланади.

Тақриз қилинаётган нашр партия ва ҳукуматимизнинг пахтачилик соҳасидаги сиёсатининг асосий негизларини кенг кўрсатади. У КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди республика ва умуман мамлакат пахта комплексини ривожлантириш соҳасида қўйган вазифаларни ҳал этиш йўлларини излашга кўмаклаша олиши шубҳасиздир.

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари доктори.

З. МУҲАМЕДОВА,
М. ҲАСАНОВ,
тарих фанлари кандидатлари.

ЎЗБЕКИСТОН ССР КОНСТИТУЦИЯСИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИ

Конституция алоҳида сиёсий ва ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳужжатдир. Меҳнаткашларнинг ўзлари конституция ижодкорлари бўлган социалистик мамлакатда у жамиятнинг социал-иқтисодий ва маънавий тараққиётига мувофиқ равишда доимо ривожлана боради. Конституция моҳиятини, унинг ҳар бир тарихий босқичга тегишли ўзига хос хусусиятларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ҳуқуқ фанининг муҳим вазифасидир. Бир группа ҳуқуқшунос олимлар ёзган китоб* ана шу мавзуга бағишланган.

* Конституционное развитие Узбекской ССР. Ташкент, «Фан», 1986, 178 с.

Расм бўлган тартибга кўра, ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқот ана шу иш таянадиган илмий-назарий, методологик база характеристикасидан бошланади. Лекин авторлар тадқиқ қилинаётган масалаларни тўғридан-тўғри анализ қилишга киришишга қарор қилишган. Ҳолбуки, китобга конституция тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотга бағишланган махсус параграф ёки бўлимнинг қўшилиши, шубҳасиз, унинг илмий қимматини оширган бўлур эди. Шунга қарамасдан китобда Ўзбекистон ССР Конституцияси ривожланиши босқичлари мазкур проблемага доир асосий назарий қоидалардан келиб чиққан ҳолда илмий асосда ва аниқ белгилаб берилади.

Ўлкада синфий кучлар нисбатининг тубдан ўзгарганлиги, бу ерда Улуғ Октябрь ғалабасидан сўнг Туркистон АССРнинг ташкил қилиниши, Хоразм ва Бухородаги халқ революцияларининг муваффақиятлари ва у ерларда Халқ Совет Республикаларининг ташкил топиши Ўрта Осиё халқлари тарихида биринчи марта конституцияларнинг пайдо бўлишини олдиндан белгилаб берди, бу ҳужжатлар меҳнаткашлар оммасининг буюк ғалабаларини қонуний асосда мустаҳкамлади, янги давлатлар ҳаётининг муҳим томонларини тартибга солди. Авторлар бу даврни Ўзбекистон ССР Конституцияси ривожланишининг биринчи босқичи (1917—1924 йиллар) деб тўғри ҳисоблашган.

Агар ТАССР Конституцияси социалистик типдаги конституция бўлган бўлса, деб таъкидланади китобда, унда ХХСР ва БХСР Конституциялари бу республикаларнинг жамият ва давлат тузуми ҳамда сиёсий ташкилотларининг халқ-совет характерини акс эттирар ва ёркин ифодаланган антифеодал ва антиимпериалистик йўналишга эга эди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккн, бу Конституцияларда Хоразм ва Бухоронинг меҳнаткаш халқининг мамлакатимиздаги барча халқлар тақдирида улкан роль ўйнаган Улуғ Октябрь социалистик революциясига муносабати очиқ-ойдин ифодаланган эди. Масалан, ХХСР Конституциясида шундай дейилган эди: «Рус пролетариати подшо ва капиталистик зулмдан халос бўлиш билан чор Россияси томонидан эзилган бошқа халқларни ҳам озод қилди ва бошқа миллатлар меҳнаткашларига ўз тақдирини ҳеч қандай ташқи тазйиқсиз ўзларининг маданий ва маиший шарт-шароитларига мувофиқ ҳал этиш эркини берди». Улуғ Октябрнинг оламшумул тарихий аҳамияти, рус пролетариатининг интернационалистик, гуманистик миссияси БХСР Конституциясида ҳам қайд қилинган эди.

Лекин авторлар шунингдек ХХСР ва БХСРнинг тарихий ривожланиш даражасини, халқ революциялари ғалабасидан сўнг улардаги социал-иқтисодий, синфий муносабатларнинг ўзига хослигини акс эттирган улар Конституцияларининг специфик хусусиятлари хусусида ҳам батафсилроқ тўхталиб ўтишлари керак эди. Ижтимоий мулкчилик ўрнатилиши билан бир қаторда ерга, сувга, ишлаб чиқариш қуролларн ва воситаларига хусусий эгаликнинг сақланиб қолганлиги, шунингдек эксплуататор синфларга ва руҳонийларга сиёсий (сайлов) ҳуқуқларнинг берилганлиги ана шундай хусусиятлар эканлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Бу хусусиятлар Хоразм ва Бухородаги революцияларнинг биринчи навбатда феодал-патриархал муносабатларни йўқ қилишга қаратилганлиги билан боғлиқ эди. Китоб авторлари қайд қилганидек, янги тузум мустаҳкамлана ва меҳнаткашларнинг сиёсий активлиги ўсган сайин бу республикалар Конституциялари яққол ифодаланган синфий характер касб этаборди, аҳолининг меҳнат қилмайдиган қисмининг асосий ҳуқуқлари тобора кўпроқ чеклаб қўйилди (31, 72-бетларга қаралсин).

Китобда бўлимлар ва боблар бир шаклга эга эмас. Масалан, БХСР Конституциясига бағишланган бобда гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари тўғрисида бўлим бор, лекин ТАССР ва ХХСР Конституциялари ҳақида ҳикоя қиладиган бобларда бундай бўлимлар йўқ.

Биринчи босқичдаги Конституцияларнинг республикаларнинг хўжалик, ижтимоий, давлат ва маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида барча миллат ва элатлар вакилларига бир хил ҳуқуқлар берилишини гарантиялайдиган изчил интернационализм уларнинг асосий белгиларидан бири эди. Масалан, илм олиш ҳуқуқини олайлик. «Гражданларнинг бемалол илм олиш ҳуқуқига эгалиги, — дейилган эди Бухоро республикаси Конституциясида, — ҳар бир халқ маданий тараққиётининг биринчи зарурий шартидир, шу сабабли БХСР ҳукумати, ҳеч мустаснosиз, барча хоҳловчиларга республиканинг ҳамма мактабларида кенг ва эркин илм олиш ҳуқуқини беради».

Туркистон АССР, БХСР ва ХХСРнинг Асосий Қонунлари уларнинг эркин социал-иқтисодий ва маданий ривожланишини гарантиялаш билан совет давлат ва ижтимоий тузуми кўп миллатли мамлакатимизнинг барча халқлари учун яқин ва тушунарли эканлигини ишонарли тарзда исботлади. Бу гарантияларда ёш республикалар биринчи конституцияларининг социал қиммати, чинакам демократизми, гуманизми ва интернационализми, берилаётган ҳуқуқлар ва эркинликларнинг реаллиги намоён бўлган.

Тақриз қилинаётган монографияда ТАССР Конституцияси шаклан ва мазмунан кўп жиҳатдан 1918 йилги РСФСРнинг Асосий Қонунига тўғри келиши ҳақида

наридан-бери айтиб ўтилади (24-бетга қаралсин). Фикримизча, шу ўринда дунёда биринчи социалистик Конституциянинг айни нимаси билан ТАССР Конституцияси, шунингдек ХХСР, БХСР Конституциялари учун намуна бўлганлиги ҳақидаги масалани янада батафсилроқ ёритиб бериш керак эди.

Китобда тўғри таъкидланганидек, республикамиздаги конституция ривожланишининг иккинчи босқичи 1925—1936 йилларни қамраб олади. Ўзбекистон ССРнинг 1927 йилги Конституцияси Ўзбекистон ССР ташкил топганидан то СССРда социализм ғалаба қилгунига қадар республиканинг Асосий Қонуни бўлган эди. Бу Конституция ўзбек халқининг совет миллий давлат тузуми ташкил топганлигини, Ўзбекистон ССРнинг суверен ҳуқуқларини ва унинг ягона иттифоқ давлатидаги ҳуқуқий статусини қонуний асосда мустаҳкамлаб берган эди. Унда республикамизнинг тарихий, географик, маданий, миллий-маиший ва бошқа хусусиятлари ўз аксини топди.

Фикримизча, 1927 йилги Конституцияга бағишланган бобни «Ўзбекистон ССРнинг СССР составидаги суверен давлат сифатида ташкил топиши» бўлимидан бошлаш, ана шундан сўнг бу Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини, унинг белгилари ва хусусиятларини ёритиш керак эди.

Совет халқи ўттизинчи йиллар ўрталарига келиб Коммунистик партия раҳбарлиги остида социалистик жамият қуришнинг ленинча планини ҳаётга татбиқ қилди. Шу сабабли ана шу тарихий ғалабани акс эттирувчи янги Конституция зарур эди. Китоб авторлари тўғри қайд қилишганидек, республикамизда конституция ривожланишининг учинчи босқичи социализм ғалабаси ва СССРнинг 1936 йилги Асосий Қонуни қабул қилиниши билан боғлиқ эди, мазкур Асосий Қонун 1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясини ишлаб чиқишда дастуриламал бўлиб хизмат қилди. Социализмнинг меҳнаткашларнинг ишчилар синфи раҳбарлигидаги сиёсий ҳокимияти, социалистик хўжалик системасининг танҳо ҳукмронлиги, эксплуатация ва эксплуататор синфларнинг, ишсизликнинг йўқ қилинганлиги, кенг демократик гарантияланган ҳуқуқлар ҳамда эркинликлар ва ҳоказо принциплари ҳамда негизлари мазкур Конституциянинг асосини ташкил этди. Ҳақиқий социалистик демократиянинг ҳал қилувчи шарти бўлган социализмнинг ана шу принциплари ва негизлари, бизнинг назаримизда, китобда етарлича тўла кўрсатилган. Лекин авторлар 1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси демократизмини таърифлаганда сайлов системасидаги бундан олдинги Конституциядагига нисбатан янги жиҳатларни кенгроқ ва чуқурроқ ёритиб беришлари керак эди. Бундай жиҳатлар, жумладан, ҳеч қандай чекловларсиз умумий сайлов ҳуқуқига ўтишда, ишчилар синфининг сайлов ҳуқуқида деҳқонларга нисбатан имтиёзларга эгалигининг тугатилишида, кўп босқичли сайловлардан тўғридан-тўғри сайловларга ўтишда намоён бўлган эди.

1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси республика давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари тузилишини демократиялаштирди, уларнинг ҳуқуқий статусини совет халқи олдида турган янги вазифаларга мувофиқ равишда аниқ таърифлаб берди. Унда мустаҳкамланган барча босқичлардаги давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари системаси, уларни шакллантириш ва фаолияти принциплари совет демократияси ривожланишининг юксак даражасини, унинг чуқурлашганлиги ва кенгайганлигини акс эттирди, ошкораликка ва гражданларни Советлар ишига кенг жалб қилишга кўмаклашди.

Ана шу босқичда гражданларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари анча кенгайди. Масалан, гражданларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, қариган чоғда ва меҳнат қобилиятини йўқотганларида моддий таъминланиш, шахснинг дахлсизлиги ва ҳоказо ҳуқуқлари мустаҳкамланди. Ижтимоий бурчга виждонан муносабатда бўлиш, социалистик турмуш қоидаларини ҳурматлаш, социалистик мулкни асраш ва мустаҳкамлаш бурчлари янги бурчлар эди.

1937 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси совет жамияти ҳаётида ғоят муҳим воқеаларга тўла бўлган 40 йил давомида амал қилди. У вақт синовидан ўтди, социалистик ижтимоий муносабатларни тартибга солишда катта роль ўйнади. У қабул қилинганидан сўнг ўтган йиллар ичида мамлакатда, шу жумладан Ўзбекистонда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида чуқур ўзгаришлар рўй берди. Совет Иттифоқи ривожланган социализм босқичига қадам қўйди. 1977 йилги СССР Конституцияси ва 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституцияси ана шу босқичга тўғри келади.

Ўзбекистон ССРда конституция ривожланишининг янги босқичи Совет давлатининг мамлакатимизда яшайдиган барча синфлар ва социал группалар, миллатлар ва элатлар манфаатларини ифодалайдиган умумхалқ давлатига айланганлиги билан характерланади. Тадқиқотчилар Ўзбекистон ССРнинг ҳозир амал қилаётган Конституциясига бағишланган бобда ижтимоий тузум ва сиёсатнинг конституцион асослари, давлат ва шахс муносабатлари, республиканинг миллий-давлат ва маъмурий-территориал тузилиши, давлат аппаратининг конституцион статуси каби масалаларни очиб

беришган. Лекин китоб авторлари Конституция ривожланишининг муҳим кўрсаткичи бўлган гражданларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларининг кенгайиши масаласига лозимича эътибор беришмаган. Ҳолбуки, бу ўринда миқдорий ва сифатга оид ўзгаришлар ғоят салмоқлидир. Шуни айтиш кифояки, тегишли моддалар сони 37 га етди (республиканинг 1937 йилги Конституциясида улар сони 16 та эди). Масалан, 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясида бошқа иттифоқдош республикалар конституцияларида бўлгани каби гражданларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, уй-жойли бўлиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда қатнашиш ва бошқа ҳуқуқлари биринчи марта мустаҳкамлаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР конституцияси ривожланиши улкан халқаро аҳамиятга эгадир. Унинг совет жамияти тараққиётининг турли босқичларида амал қилган конституциялари собиқ қолоқ миллий чекка ўлкаларда ҳам социалистик жамият тузумига реал эришиш мумкинлиги, бундай жамиятда энг изчил ва тўла демократия бутун халқ мулки бўлиб қолиши, социализмнинг олий мақсади эса барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини, ҳар бир шахснинг эркин ҳар тарафлама камол топишини таъминлашдан иборат эканлигининг ишончли далили бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли, фикримизча, китобга Ўзбекистон ССРда конституция ривожланишининг халқаро аҳамияти тўғрисидаги бўлимнинг қўшилиши, шубҳасиз, тақриз қилинаётган асар мазмунининг бойишига хизмат қилган, марксизм-ленинизм ғоялари ва совет турмуш тарзини тарғиб қилишга кўмаклашган, буржуа идеологларининг советларга қарши уйдирмаларига қарши зарба бўлган бўлур эди.

Китоб авторлари республика конституцияларини тарихий-ҳуқуқий анализ қилишни мақсад қилиб қўйишган. Шуни қайд қилиш керакки, теманинг тарихий жиҳати бирмунча батафсил ишлаб чиқилгани ҳолда унинг алоҳида ҳуқуқий масалалари етарли очиб берилмаган, конституцияларнинг кўпгина ўзига хос хусусиятлари шунчаки санаб ўтилган, уларнинг қатор қоидаларини қиёсий таҳлил қилиш, малакали изоҳлаб бериш етишмайди.

Бу камчиликлардан қатъи назар, тақриз қилинаётган китоб мутахассислар, давлатшуносликнинг ҳуқуқий проблемалари билан қизиқувчи барча кишилар учун шак-шубҳасиз қизиқиш уйғотади.

С. СУЛТОНОВ,
юридик фанлар кандидати.

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 13.01.1987 й. Босишга рухсат этилди 3.02.1987 й. Формати 70×108¹/₁₆. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,1. Тиражи 29204. Нашр В-50. Заказ № 12.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134—2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК КП Узбекистана» —
«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

Dup

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

3

МАРТ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 3
МАРТ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ
ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Қайта қуриш — текис йўл бўйлаб сайр қилиш эмас. Бу — кўпинча одам оёғи етмаган сўқмоқлар бўйлаб тоққа кўтарилишдир. Жамиятимизда жуда кўп муаммолар йиғилиб қолганини Марказий Комитет Пленуми яна бир бор кўрсатди. Қайта қуришнинг буюк ишини халқимиз талаб қилаётганидек, биз яшаб турган замон талаб қилаётганидек охирига етказиш учун жуда кўп ижодий куч сарфлаш ва узоқ вақт фидокорона курашиш керак бўлади.

*КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг
КПСС МК 1987 йил январь Пленумида
сўзлаган якунловчи нутқидан.*

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1987 йил 27—28 январь кунлари КПСС Марказий Комитетининг навбатдаги Пленуми бўлиб ўтди. Пленум муҳокамасига «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги масала қўйилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев шу масала юзасидан доклад қилди.

Пленум қатнашчиларига ўрток М. С. Горбачев докладининг тезислари билан, шунингдек давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни лойиҳаси ҳамда қайта қуриш ва кадрлар сиёсати масалалари хусусида меҳнаткашлардан келган хатларнинг обзори билан барвақт танишиш имконияти берилди.

Доклад юзасидан музокараларда: КПСС Краснодар ўлка комитетининг биринчи секретари И. К. Полозков, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Н. Н. Слюньков, СССР Фанлар академиясининг президенти Г. И. Марчук, РСФСР Министрлар Советининг Раиси В. И. Воротников, С. М. Киров номидаги Иваново тўқув фабрикасининг директори В. Н. Голубева, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Щербицкий, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари Б. Н. Ельцин, СССР Фанлар академияси АҚШ ва Канада институтининг директори Г. А. Арбатов, КПСС Ленинград область комитетининг биринчи секретари Ю. Ф. Соловьев, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Ю. В. Петров, Ставрополь ўлкасининг Степной районидаги «Путь к коммунизму» колхозининг раиси Н. Д. Терешченко, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. А. Громико, Кемерово область, Прокопьевск кўмир қазиб олиш ишлаб чиқариш бирлашмаси «Зиминка» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи В. С. Костин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. В. Колбин, КПСС Омск область комитетининг биринчи секретари С. И. Манякин, СССР олий ва ўрта махсус таълим министри Г. А. Ягодин, КПСС Олтой ўлка комитетининг биринчи секретари Ф. В. Попов, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Партия контроли комитетининг раиси М. С. Соломенцев, Владимир Ильич номли Москва электромеханика заводининг токари В. П. Тихомиров, КПСС Белгород область комитетининг биринчи секретари А. Ф. Пономарев, СССР энергетика машинасозлиги министри В. М. Величко, Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. И. Патиашвили, РСФСР Театр арбоблари союзи правлениесининг раиси М. А. Ульянов, Украина ССР Херсон область Белозерка районидаги Киров номли колхоз раиси Д. К. Моторний, СССР мудофаа министри С. Л. Соколов, СССРнинг Германия Федератив Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ю. А. Квицинский, Украина Компартияси Полтава область комитетининг биринчи секретари Ф. Т. Моргун, Литва Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. П. Гришкявичус, КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. К. Месяц, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. И. Долгих, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари А. М. Масалиев, КПСС Иркутск область комитетининг биринчи секретари В. И. Ситников ўртоқлар сўзга чиқдилар.

КПСС Марказий Қомитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев якунловчи нутқ сўзлади.

Пленум муҳокама этилган масала юзасидан муфассал қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Пленум давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисида СССР Қонуни лойиҳасини асос сифатида маъқуллашни мақсадга мувофиқ деб топди, келгусида бу лойиҳа умумхалқ муҳокамасига қўйилишини назарда тутди.

КПСС Марказий Қомитетининг Пленумида ташкилий масалалар кўриб чиқилди.

Пленум КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат ўртоқ Н. Н. Слюньковни КПСС Марказий Қомитетининг секретари қилиб сайлади.

Пленум КПСС Марказий Қомитетининг секретари ўртоқ А. Н. Яковлевни КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайлади.

Пленум ўртоқ А. И. Лукьяновни КПСС Марказий Қомитетининг секретари қилиб сайлади.

Ўртоқ Д. А. Кунаев пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Қомитети Сиёсий бюросининг аъзоси вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Пленум ўртоқ М. В. Зимянин саломатлиги ёмонлашганлиги сабабли пенсияга чиққанлиги муносабати билан уни КПСС Марказий Қомитетининг секретари вазифасидан озод қилди.

Шу билан КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ КПСС Марказий Комитети Пленумида 1987 йил 27 январда қилган доклади

Ўртоқлар!

Партия XXVII съезди бизнинг зиммамизга, Марказий Қомитет аъзолари зиммасига мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўл амалга оширилишини таъминлашдек улуғвор масъулиятни юклади. Сиёсий бюро совет жамияти турмушининг ҳозирги босқичидаги вазиятни ва Марказий Қомитетнинг ролини айни шундай тушунмоқда.

Шунга асосланиб, Пленум муҳокамасига Марказий Қомитетнинг 1985 йил апрель Пленуми ва КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан сиёсий стратегияни муваффақиятли равишда рўёбга чиқариш учун биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган масала — қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисидаги масала қўйилди. Биз бу масалани ўтмиш сабоқларини, ҳозирги пайтнинг характерини ва келажак вазифаларини эътиборга олиб кенг социал-сиёсий планда кўриб чиқишимиз керак.

Апрель Пленуми, партиянинг XXVII съезди жамиятда вужудга келган аҳволни объектив танқидий анализ қилиш йўлини очди, мамлакат тақдири учун тарихий қарорлар қабул қилди. Биз қайта қуришни қатъият билан бошладик ва бу йўлда дастлабки қадамларни қўйдик.

Умумий сиёсий якун чиқариладиган бўлса, совет жамиятининг турмушида катта ўзгаришлар рўй бермоқда, ижобий тенденциялар кучайиб бормоқда, деб дадил айтиш мумкин.

Пленум арафасида мен, Сиёсий бюронинг бошқа аъзолари, Марказий Комитет секретарлари Марказий Комитетнинг аъзолари билан, жамоат арбоблари, ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, ветеранлар ва ёшлар билан кўп учрашув ва суҳбатлар ўтказдик. Уларнинг умумий кайфияти ва фикрларининг моҳияти битта, у ҳам бўлса — жамиятимизни янгилаш йўлини қатъият билан ўтказиш, ҳамма жабҳалардаги куч-ғайратларни оширишдан иборат.

XXVII съезднинг сиёсий йўлини, шу йўлни амалга ошириш соҳасидаги амалий фаолиятни қайта қуришнинг ўзини меҳнаткашлар, бутун совет халқи кенг миқёсда қўллаб-қувватлашлари Марказий Комитет учун муҳимдир. Бу эса, мамлакатни идора қилувчи партия учун энг асосий нарсадир, ўртоқлар.

Шу билан бирга, биз яхшилик йўлидаги ўзгаришлар секинлик билан рўй бераётганини, қайта қуриш иши биз илгари тасаввур қилганимиздан кўра қийинроқ, жамиятда йиғилиб қолган проблемаларнинг сабаблари чуқурроқ бўлиб чиққанини кўриб турибмиз. Биз қайта қуриш соҳасидаги иш билан чуқурроқ шуғулланганимиз сайин унинг кенг миқёслилиги ва аҳамияти тобора равшанлашиб бормоқда, ўтмишда ҳал этилмай мерос бўлиб қолган тобора янги-янги проблемалар аниқланмоқда.

Жамиятнинг аҳволи ҳақида Сиёсий бюронинг асосий фикрлари ва шундан чиқарилган хулосалар партия XXVII съездига, Марказий Комитетнинг Пленумларига маълум қилинган эди. Бу фикр ва хулосалар тўла-тўкис тасдиқланмоқда. Аммо биз бугун кўпроқ нарсани биламиз ва шу сабабли вужудга келган аҳволнинг манбаларини яна бир бор батафсил кўриб чиқиш, 70—80-йиллар маррасида мамлакатда рўй берган аҳволнинг сабабларини таҳлил этиш зарурати бор.

Хатоларнинг такрорланишига йўл қўймаслик, съезд қарорларини рўёбга чиқариш учун бундай таҳлил зарур, чунки халқимизнинг келажаги, социализмнинг тақдири съезд қарорларининг амалга оширилишига боғлиқ. Бунинг устига, жамиятда ва қолаверса, партиянинг ўзида ҳам мамлакатда вужудга келган аҳволнинг мураккаблигини ҳали охиригача тушуниб етилгани йўқ. Афтидан, қайта қуриш чоғида Сиёсий бюро билан ҳукумат кўраётган чора-тадбирлар хусусида бир қанча ўртоқларда саволлар пайдо бўлаётганини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин. Кўпинча: биз ҳаддан ташқари кескин иш тутаётганимиз йўқми? — деб сўрамоқдалар.

Бизда ҳаётий муҳим масалаларнинг ҳаммасида, шу жумладан, бу масалада ҳам тўла равшанлик бўлиши керак. Ишларнинг аҳволини чуқур билишгина мураккаб вазифаларни ҳал этишнинг тўғри йўлларини топиш имконини беради.

Умуман, ўртоқлар, партия билан совет жамияти КПСС Марказий Комитетининг апрель Пленумигача бўлган аввалги сўнгги йилларда дуч келган проблемаларни яна бир бор таҳлил этиш жуда зарур бўлиб қолди. Ўтган бир ярим йилнинг тажрибаси бизнинг шу таҳлилни чуқурлаштириш, салбий жараёнларнинг сабабларини тушуниб олиш ва ҳаракатимизни жадаллаштирадиган, хатолар такрорланмаслиги кафолатини берадиган, олға ва фақат олға бориб, социализмга узвий равишда хос бўлган ўзини-ўзи доимий мукаммаллаштириш қобилиятини амалда исботлайдиган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга азму қароримизни кучайтирди.

Сиёсий бюронинг фикрича, биз ушбу Пленумни айни шундай ёндашиш асосида ўтказишимиз керак.

I. ҚАЙТА ҚУРИШ — ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТ

Ўртоқлар! Бизнинг Пленумимиз Улуғ Октябрь юбилейи йилида ўтмоқда. Салкам етмиш йил муқаддам Ленин партияси мамлакат узра социалистик революциянинг, социализм учун, озодлик ва тенглик учун, социал адолат ва ижтимоий тараққиёт учун курашнинг, зулмга ва эксплуатацияга, қашшоқликка ва миллий ҳуқуқсизликка қарши курашнинг музаффар байроғини кўтарди.

Жаҳон тарихида биринчи марта меҳнат аҳли, унинг манфаатлари ва эҳтиёжлари давлат сиёсатининг марказига қўйилди. Совет Иттифоқи социалистик қурилиш йўлларида сиёсий, иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётда чинакам тарихий муваффақиятларга эришди. Партия раҳбарлигида совет халқи социализм қурди, Улуғ Ватан урушида фашизм устидан ғалаба қозонди, халқ хўжалигини қайта тиклади ва мустаҳкамлади, ўз Ватанини қудратли давлатга айлантирди.

Бизнинг муваффақиятларимиз жуда катта ва шак-шубҳасиздир, бинобарин, совет кишилари ўз муваффақиятлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу муваффақиятлар — ҳозирги планларимиз, келгусига мўлжалланган режаларимиз рўёбга чиқишининг пухта негизидир. Аммо партия ҳаётнинг бутун тўлалигини ва мураккаблигини кўра билишга мажбур. Ҳар қандай, ҳатто энг улуғвор ютуқлар жамият тараққиётидаги зиддиятларни ҳам, хато ва нуқсонларимизни ҳам панада қолдирмаслиги керак.

Мамлакат муайян босқичда ҳаракат суръатларини сусайтира бошлаганини, қийинчиликлар ва ҳал этилмаган проблемалар йиғила бошлаганини, социализмга ёт бўлган турғунлик ва бошқа ҳолатлар пайдо бўлганлигини айтган эдик ва бугун яна бир бор такрор айтишимиз керак. Мана шуларнинг ҳаммаси экономикага, социал ва маънавий соҳаларга жиддий таъсир қилди.

Мамлакатнинг тараққиёти тўхтаб қолгани йўқ, албатта, ўртоқлар. Ўн миллионлаб совет кишилари ҳалол меҳнат қилдилар, кўпгина партия ташкилотлари ва кадрларимиз халқ манфаатларини кўзлаб актив иш олиб бордилар. Мана шуларнинг ҳаммаси салбий жараёнларнинг кучайишига йўл қўймади, аммо бу жараёнларнинг олдини ҳам ололмади.

Объектив жиҳатдан олганда экономикада, қолаверса, бошқа соҳаларда ҳам ўзгаришларга эҳтиёж етилди, бироқ партия билан давлатнинг сиёсий ва амалий фаолиятида бу эҳтиёж рўёбга чиқарилмади.

Хўш, бу мураккаб ва зиддиятли вазиятнинг сабаби нима?

Энг катта сабаб — Сиёсий бюро бу ҳақда Пленумда тўла ошкоралик билан айтишни зарур деб ҳисоблайди — шундан иборат эдики, КПСС Марказий Комитети, мамлакат раҳбарлари аввало субъектив сабабларга кўра, ўзгаришлар зарурлигини, жамиятдаги кризисли ҳолатлар кучайиб бориши хавфини ўз вақтида ва тўла ҳажмда баҳолай олмадилар, бу ҳолатларни бартараф этишга, социалистик тузум замиридаги имкониятлардан янада тўлиқ фойдаланишга қаратилган аниқ йўлни ишлаб чиқа олмадилар.

Сиёсатни ишлаб чиқишда ва амалий фаолиятда консерватив кайфиятлар, сусткашлик, одатдаги схемаларга мос келмайдиган ҳамма нарсалардан юз ўгиришга интилиш, етилган социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишни истамаслик майллари устунлик қилди.

Мана шуларнинг ҳаммаси учун партия билан давлатнинг раҳбар органлари жавоб берадилар, ўртоқлар.

Ҳаётий проблемалар ва зиддиятларни, ижтимоий тенденциялар ва истиқболларни англаб олиш даражаси кўп жиҳатдан назарий фикрнинг ҳолатига ва ривожланишига, назарий жабҳадаги мавжуд муҳитга кўп жиҳатдан боғлиқ эди.

Лениннинг назариянинг қиммати «ҳаётдаги ҳамма зиддиятлар қандай бўлса, уларни назарияда ҳам шундайлигича аниқ тасвирлаб беришдадир» деган кўрсатмаси кўпинча мутлақо писанд қилинмади. Социализм тўғрисидаги назарий тасаввурлар кўп жиҳатдан 30—40 -йиллар даражасида қолди, ҳолбуки ўша йилларда жамият мутлақо бошқача вазифаларни ҳал этган эди. Ривожланиб бораётган социализм, унинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва зиддиятлари диалектикаси, жамиятнинг реал ҳолати чуқур илмий тадқиқ қилинмади.

Бу аҳволнинг сабаблари йироқдан бошланган, шундай конкрет тарихий вазият илдизларидан келиб чиққанки, ўша вазиятда маълум ҳолатлар тақозоси билан жонли мунозара ва назарий фикр назариядан ва жамиятшуносликдан чиқариб юборилган, авторитар фикр ва мулоҳазалар эса шак келтириб бўлмайдиган ва фақат шарҳланиши мумкин бўлган фикр ва мулоҳазаларга айланиб қолган эди.

Жамиятни ташкил этишнинг практикада вужудга келган формалари

кандайдир абсолютлашиб қолган эди. Бунинг устига, ана шундай тасаввурлар аслида социализмнинг моҳияти таърифлари билан айнан бир нарса деб, ўзгармайдиган ҳолатлар деб талқин этилган ҳамда холисона илмий таҳлил қилишга ўрин қолдирмайдиган ақидалар тарзида тасвирланган эди. Социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг қотиб қолган қиёфаси вужудга келган, уларнинг ишлаб чиқарувчи кучлар билан диалектик ўзаро боғланишига етарли баҳо берилмаган эди. Жамиятнинг социал структураси ундаги турли қатламлар ва группалар хилма-хил манфаатларининг зиддиятлари ва динамизмидан ҳоли бўлган схематик тарзда тасвирланар эди.

Лениннинг социализм тўғрисидаги қоидалари жўн тарзда талқин этилар, кўпинча бу қоидаларнинг назарий чуқурлиги ва моҳияти саёзлаштириб юборилар эди. Бу ҳол ижтимоий мулк, синфий ва миллатлараро муносабатлар, меҳнат меъёри ва истеъмол меъёри, кооперация, хўжалик юритиш усуллари, халқ ҳокимияти ва ўзини-ўзи бошқариш, бюрократик бузилишларга қарши кураш, социалистик идеологиянинг революцион ўзгартирувчилик моҳияти, таълим ва тарбия принциплари, партия билан жамиятнинг соғлом ривожланиши кафолатлари сингари энг муҳим проблемаларга ҳам тааллуқлидир.

Коммунизм тўғрисидаги енгил-елпи тасаввурлар, турли-туман кароматлар ва мавҳум мулоҳазалар муайян даражада ёйилган эди. Бу эса ўз навбатида социализмнинг тарихий аҳамиятини пасайтирар, социалистик идеологиянинг таъсирини заифлаштирар эди.

Назарияга бундай муносабат ижтимоий фанларга, шу фанларнинг жамиятдаги ролига салбий таъсир қилмасдан қола олмас ва ҳақиқатан ҳам салбий таъсир қилган эди. Чунки, ўртоқлар, бизда кўпинча ҳеч кимнинг манфаатлари ва ҳаётий проблемаларга тааллуқли бўлмаган турли-туман схоластик назариябозлик ҳатто рағбатлантирилганлиги, амалий таҳлил этишга ва янги ғояларни илгари суришга уринишлар эса қўллаб-қувватланмаганлиги факт-ку, ахир.

Назарий жабҳадаги аҳвол амалий масалаларни ҳал этишга салбий таъсир қилди. Ўн йиллар давомида хўжалик юритиш ва бошқариш практикасида эскирган усуллар сақланиб қолаверди, баъзи самарали иқтисодий формалар эса, аксинча, асоссиз равишда рад қилинди. Айни вақтда ишлаб чиқаришда ва тақсимотда жамиятнинг реал етуклигига мос келмайдиган, бир қанча ҳолларда унинг табиатига зид бўлиб тушган муносабатлар қарор топтирилди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни рағбатлантириш аслида миқдорий, экстенсив ривожланишга йўналтирилди.

Социалистик мулк ҳақида алоҳида гапирмоқ керак. Бу мулкни ким ва қандай қилиб тасарруф этаётгани устидан контроллик жиддий равишда заифлашиб қолди. Кўпинча маҳкамачилик ва маҳаллийчилик бу мулкни кемирди, у реал хўжайиндан маҳрум бўлган, бепул ва «эгасиз» бўлиб қолди, кўп ҳолларда ундан меҳнатсиз даромадлар ундириб олиш учун фойдаланила бошлади.

Кооператив мулкка нотўғри муносабатда бўлинди, бу мулк қандайдир «иккинчи нав» ва истиқболсиз бир нарса, деб тасвирланди. Мана шуларнинг ҳаммаси аграр ва социал сиёсатда жиддий оқибатларга олиб келди, колхозлар билан муносабатларда маъмуриятчиликни юзага келтирди, ҳунармандчилик кооперациясининг тугатилишига олиб борди. Шахсий ёрдамчи хўжалик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятига қарашларда ҳам жиддий янглишишлар рўй берди, бу ҳам анчагина иқтисодий ва социал зиён етказди.

Планлаштиришда жиддий номутаносибликлар йиғилиб қолди. Иқтисодий сиёсатнинг асосий қуроли бўлмиш планнинг обрўсига субъектив ёндашувлар, нобаланслилик ва ностабиллик, икир-чикирларгача бўлган ҳамма нарсани қамраб олишга интилиш, пландан ташқари ва кўпинча реал имкониятларни эътиборга олмай қабул қилинадиган тармоқ ва регионал характердаги қарорларнинг кўплиги путур етказди. Кўпинча планлар илмий жиҳатдан асослаб берилмади, улар халқ хўжалигидаги самарали пропорцияларга, социал соҳани ривожлантиришга дуруст эътибор беришга, кўпгина стратегик вазифаларни ҳал этишга йўналтирилмади.

Оқибатда шундай бўлиб чиқдики, хўжалик юритишнинг социалистик системаси жуда катта афзалликларидан, ва аввало унинг планлилигидан самарали фойдаланилмади. Мана шундай шароитда масъулиятсизлик авж олди, хилма-хил бюрократик қоидалар ва инструкциялар тўқиб чиқарилди, жонли иш ўрнига маъмуриятчилик, юзаки ишчанлик, қоғозбозлик билан шуғулланилди.

Товар-пул муносабатларининг роли ва қиймат қонунининг амал қилиши хусусидаги нотўғри фикрлар, баъзан эса ҳатто уларни қандайдир ёт нарса деб, социализмга бевосита қарама-қарши қилиб қўйиш ҳоллари экономикада волюнтаристик ёндашувларга, хўжалик ҳисобига етарли баҳо бермасликка, меҳнатга ҳақ тўлашда «тенгчилик»ка олиб келди, нарх белгилашда субъективчилик негизларини, пул муомаласини бузиш ҳолларини, талаб билан таклифни тартибга солиш масалаларига эътиборсизликни келтириб чиқарди.

Корхона ва бирлашмаларнинг хўжалик ҳисоби ҳуқуқларини чеклашлар, айниқса оғир оқибатларга олиб келди. Бу ҳол моддий рағбатлантириш асосларига путур етказди, юксак пировард натижаларга эришишга тўсқинлик қилди, одамларнинг меҳнат ва социал активлигини пасайтиришга, интизом ва тартибнинг бўшашиб кетишига олиб борди.

Аслини олганда, ҳокимиятнинг иқтисодий воситаларини заифлаштирадиган бутун бир система пайдо бўлди, социал-иқтисодий тараққиётга халақит берувчи, социализм афзалликларини намоён этиб, улардан фойдаланиш имконини берадиган илғор ўзгартишларга тўсқинлик қилувчи ўзига хос механизм вужудга келди. Бундай тўсқинлик қилиш илдизлари социалистик демократия тартиб-қоидаларининг амал қилишидаги жиддий камчиликларга, эскирган, кўпинча эса реал аҳволга мос келмайдиган сиёсий ва назарий йўл-йўриқларга, бошқарувнинг консерватив механизмига бориб тақалади.

Мана шуларнинг ҳаммаси жамият турмушининг кўпгина соҳаларини ривожлантиришга салбий таъсир қилди, ўртоқлар. Моддий ишлаб чиқаришни олиб кўрайлик. Миллий даромаднинг ўсиш суръатлари кейинги уч беш йиллик давомида икки ҳиссадан зиёд камайди. Кўпчилик кўрсаткичлар юзасидан белгиланган планлар 70-йилларнинг бошидан бажарилмай келди. Умуман экономика янгиликларни қабул этишга унчалик мойил бўлмай бесўнақай тус олди, маҳсулотнинг анчагина қисми сифати замонавий талабларга мувофиқ келмайдиган бўлиб қолди, ишлаб чиқаришдаги номутаносиблик кучайди.

Машинасозликни ривожлантиришга эътибор сусайди. Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари халқ хўжалигининг эҳтиёжларидан орқада қолди, уни техникавий реконструкциялаш вазифаларига мос келмади, капиталистик бозордан асбоб-ускуналарни ва бошқа кўпгина молларни харид қилиш ҳаддан ташқари кўпайди ва ҳамиша ҳам ўринли бўлавермади.

Салбий жараёнлар социал соҳага жиддий таъсир ўтказди. Партия XXVII съездида бу соҳанинг аҳволига баҳо бериб ўтилди. Кейинги беш йилликларда экономиканинг социал йўналиши жуда заифлашиб кетди, социал масалаларга деярли эътибор бермай қўйилди. Бу ҳол нималарга олиб келганини ҳозир кўриб турибмиз. Биз аҳолини иш билан таъминлаш масалаларини муваффақиятли ҳал этиб, принципиал характердаги социал гарантияларни таъминлаб қўйган бўлсак-да, айни вақтда уй-жой шароитларини яхшилашда, озиқ-овқат билан таъминлашда, транспортни, медицина хизматини, маорифни ташкил этишда, бошқа бир қанча зарур проблемаларни ҳал этишда социализмнинг имкониятларини тўла-тўкис рўёбга чиқара олмадик.

Социализмнинг энг муҳим принципи — меҳнатга яраша тақсимлаш принципи бузила бошлади. Меҳнатсиз даромадларга қарши қатъият билан курашилмади. Серунум меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш сиёсати изчил бўлмади. Катта миқдорда асоссиз мукофотлар, турли-туман қўшимча рағбатлантириш пуллари тўланди, бойлик орттириш мақсадида қўшиб ёзишларга йўл қўйилди. Тайёрга айёрлик кайфиятлари кучайди, «тенгчилик» психологияси онгга сингий бошлади. Бу эса яхширок ишлай оладиган ва шундай ишлашни хоҳлайдиган меҳнатчиларга зиён етказди ва айни вақтда енгил-елпи ишлаш ишқибозларига йўл очиб берди.

Меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги узвий боғланиш бузилганлиги меҳнатга муносабатга путур етказиб, меҳнат унумдорлигининг ўсишига тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга социал адолат принципини бузишга ҳам олиб боради, бу эса катта сиёсий аҳамиятга молик масаладир.

Кейинги йилларда пайдо бўлган социал айниш жиҳатлари жамиятнинг маънавий кайфиятига салбий таъсир қилди, халқимизга ҳамиша хос бўлган ва биз фахрланиб келаётган юксак маънавий бойликларга, ғоявий эътиқодга, меҳнат шижоатига, совет ватанпарварлигига зимдан путур етказа бошлади.

Жамоат ишларига қизиқишнинг сусайиб кетиши, маънавий қашшоқлик ва ноумидлик кўринишлари, меҳнатнинг маънавий омиллари ролининг пасайиши — бунинг муқаррар оқибатидир. Одамлар, жумладан ёшлар ўртасида моддий фаровонлик, ҳар қандай йўллар билан бойлик орттириш ҳаётий мақсади бўлиб қолган кишилар гуруҳи кўпайди. Уларнинг ҳаёсизларча позицияси тобора ҳужумкор тус олиб, атрофдаги одамларнинг онгини заҳарлади, истеъмолчилик тўлқинини келтириб чиқарди. Ичкиликбозликнинг кўпайиши, гиёҳвандликнинг ёйилиши, жиноятчиликнинг ошиб кетиши социал хулқ-атвор таназзулининг кўрсаткичидир.

Қонунларга нисбатан менсимай муносабатда бўлиш, кўзбўямачилик ва порахўрлик, лаганбардорлик ва сафсатабозликни рағбатлантириш фактлари жамиятдаги маънавий муҳитга жуда ёмон таъсир ўтказди. Одамлар ҳақида, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари, социал кайфияти тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш ўрнига кўпинча сиёсий тилёғламалик қилинди — орден ва медаллар, мукофотлар, унвонлар оммавий равишда тарқатила берди. Ҳамма нарса кечириладиган вазият вужудга келди, талабчанлик, интизом, жавобгарлик пасайиб кетди.

Кўпгина ҳолларда ғоявий-сиёсий тарбиядаги жиддий камчиликлар марказда ҳам, жойларда ҳам дабдабали тадбирлар ва кампанияларни ўтказиш, кўпдан-кўп юбилейларни байрам қилиш билан хаспўшлаб келинди. Кундалик реал воқеликлар олами билан сохта фаровонлик олами ўртасидаги тафовут тобора ортиб борди.

Турғунлик идеологияси ва психологияси маданият, адабиёт ва санъат соҳасининг ҳолатига ҳам таъсир қилди. Бадиий ижодга баҳо беришда мезонларнинг қадри тушиб кетди. Бу ҳол шунга олиб келдики, жиддий социал-маънавий муаммолар кўтарилган, реал турмуш ҳодисалари акс эттирилган асарлар билан бир қаторда ақлга ҳам, ҳис-туйғуга ҳам таъсир қилмайдиган талайгина ўртамиёна, мужмал асарлар ҳам пайдо бўлиб турди. Пасткашликни, қолоқ дидни, маънавий қашшоқликни тиқиштирувчи буржуа оммавий маданияти бир қолипдаги маҳсулининг совет жамиятига суқилиб кириши кучайди.

Бунда ижодий жараённинг ғоявий-бадиий йўналиши учун, халқнинг маънавий соғлом бўлиши учун идеология идораларимизнинг, бадиий журналлар редакторларининг ва ижодий союзлар раҳбарларининг, адабий танқиднинг, адибларнинг, санъат арбобларининг жавобгарлиги тўғрисида айтиб ўтмасдан бўлмайди.

Ижодий союзларнинг фаолиятида принципиаллик, талабчанлик, талантларни камол топтириш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида чинакам ғамхўрлик етишмади. Кўпинча маданият соҳасининг аҳволи ва ҳолатига тааллуқли энг муҳим масалаларга союзларнинг раҳбарлари етарлича эътибор бермай келишди. Айни вақтда эса тўрачилик ва расмиятчилик авж олди, танқидга ниҳоятда тоқат қилмаслик ҳоллари пайдо бўлди. Бир қанча ҳолларда ҳаддан ташқари нафсоният реалистик баҳолар ва ўзига-ўзи баҳо беришдан устун кела бошлади.

Аҳвол яна шу билан ҳам чигаллашдики, бадиий ижодиётга партиявий ёндашув кўпинча идоравий ёндашув билан, соф ижодий жараёнларга асоссиз аралашиш билан, дидга ёқиш ва ёқмаслик билан, ғоявий таъсир ва раҳбарлик методлари эса маъмурий қарорлар билан алмаштирилди.

Ўртоқлар! Партиянинг, унинг кадрлар корпусининг ҳолати ҳам 70—80-йилларда вужудга келган социал-иқтисодий ва сиёсий вазиятга таъсир ўтказди.

Партиянинг раҳбар органлари жамиятда, коммунистлардан бир қисмининг хулқ-атворида кучайиб бораётган салбий тенденциялар хавф-хатарига ўз вақтида ва танқидий баҳо бера олмади, ҳаёт қатъий тақозо этган қарорларни қабул қилмади.

Кўпгина бошланғич партия ташкилотлари жуда катта имкониятларга эга бўлгани, амалда барча меҳнат коллективларида ишлаб тургани ҳолда принципиал позицияларда тура олмадилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам салбий ҳодисаларга, қуюшқондан чиқиб кетишга, бир-бирининг сирини яширишга, интизомнинг бўшашиб кетишига, ичкиликбозликнинг кенг тарқалишига қарши қатъий кураш олиб борди деб бўлмайди. Маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка, миллатчилик кўринишларига ҳамиша тегишлича зарба берилгани йўқ.

Бизнинг партия ташкилотларимизга баъзида жанговарлик, партия аъзоларига нисбатан талабчанлик, коммунистларнинг ғоявий-сиёсий фазилатларини камол топтиришга эътибор етишмади. Ваҳолонки, айни юксак ғоявийлик ва онглилик, шахсий манфаатларни жамият манфаатларига бўйсундиришга тайёргарлик, халққа астойдил хизмат қилиш — булар ҳамиша большевикларга хос бўлган ғоят қимматли фазилатлардир.

Бир қанча ҳолларда партия органлари партия турмуши ленинча принципларию ва нормаларига қатъий риоя этилишига тегишлича эътибор бермаганликлари ҳам партиядаги аҳволга таъсир қилди. Бу нарса ишда коллегиалликнинг бузилишида кўпроқ намоён бўлди. Мен партия йиғилишлари ва сайлаб қўйиладиган органларнинг роли сусайиб кетганлигини назарда тутаяпман. Бу ҳол коммунистларни ҳаётий муҳим масалаларни муҳокама қилишда актив қатнашиш ва пировард натижада меҳнат коллективларидаги ва умуман жамиятдаги вазиятга реал таъсир ўтказиш имкониятидан маҳрум қилиб қўйган эди.

Коммунистларнинг тенглиги принципи кўпинча бузилиб турди. Раҳбарлик лавозимларини эгаллаб турган кўпгина партия аъзолари контрол ва танқиддан ташқарида қолди, бу эса ишда ўпиришлишларга, партиявий этикани жиддий равишда бузишларга олиб келди.

Ишонч билдирилган ва ваколат бериб қўйилган, давлат ва гражданларнинг манфаатларини қўриқлаши лозим бўлган айрим раҳбар ходимларнинг хатти-ҳаракатидан меҳнаткашлар ҳаққоний ғазабланаётганликлари тўғрисида ҳам айтиб ўтмасдан бўлмайди. Улар ҳокимиятни суиистеъмол қилдилар, танқидни бўғдилар, бойлик орттирдилар, уларнинг баъзилари эса ҳатто жиноий ҳаракатларнинг ҳам қатнашчилари, қолаверса ташкилотчилари ҳам бўлдилар.

Ўзбекистон, Молдавия, Туркманистонда, Қозоғистоннинг бир қанча областларида, Краснодар ўлкасида, Ростов областида, шунингдек Москвада ва бошқа баъзи шаҳарлар, областлар, ўлкалар ва республикаларда, Ташқи савдо министрлиги ва Ички ишлар министрлиги системаларида кадрларнинг айниши, социалистик қонунчиликни бузиш каби ҳоллар билан боғлиқ салбий жараёнлар ниҳоятда хунук формаларда намоён бўлди.

Партия ташкилотлари, умуман партия бундай ҳолларга қарши кураш олиб бориб, айниган кимсаларнинг талайгина қисмини КПСС сафларидан чиқарди, албатта. Улар орасида ўғрилик, порахўрлик, қўшиб ёзишлар билан шуғулланган, давлат ва партия интизомини бузган, ичкиликбозлик қилган кимсалар ҳам бор.

Партияга кирганларнинг ғоят кўпчилиги ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг энг яхши намояндаларидир. Улар ўзларининг партиявий бурчини астойдил ва беғараз бажариб келмоқдалар. Шундай бўлса-да, бу йилларда партия билетидан наф кўриб қолишга интилувчи нопок, юлғич, ўз манфаатини ўйловчи кишилар йўлига пухта ғов қўйишга муваффақ бўлинмаганлигини эътироф этиш керак. Биз қоидадан бурмунча чекиндик: энг муҳими янги аъзолар сони эмас, балки партия сафларининг сифатидир. Бу эса партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятида ўз аксини топди.

Ўртоқлар, айтилган гапларнинг ҳаммаси жамиятнинг турли соҳаларидаги аҳвол қанчалик жиддий бўлиб қолганлигидан, чуқур ўзгартишлар қанчалик зарурлигидан далолат беради. Шуни яна бир бор таъкидлаб ўтиш муҳимки, партия вазиятга ҳушёрлик билан баҳо бериш, сиёсатда, экономикада, социал ва

маънавий соҳаларда туб ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатни ўзгартишлар йўлига буриб юбориш зарурлигини эътироф этиш учун ўзида куч топиб, мардлик қилди.

Худди шундай вазиятда, ўртоқлар, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисидаги, қайта қуриш ҳақидаги масала ўртага қўйилди. Аслини олганда, гап революцион характердаги бурилиш ва чоралар тўғрисида бормоқда. Биз қайта қуриш ва жамиятни чуқур демократлаштиришнинг қайта қуриш билан боғлиқ жараёнлари тўғрисида гапирганимизда, ҳақиқатан ҳам, жамиятда революцион ва ҳар томонлама ўзгартишларни назарда тутамиз.

Шундай туб бурилиш қилиш зарур, чунки бизнинг бундан бошқа йўлимиз ҳам йўқ. Бизнинг чекинишимиз мумкин эмас ва ҳеч қаёққа чекиниб бўлмайди. Марказий Комитет апрель Пленумининг, XXVII съезднинг йўлини биз изчиллик билан оғишмай амалга оширишимиз, олға боришимиз ва жамиятни сифат жиҳатдан янги ривожланиш даражасига кўтаришимиз шарт.

Ижтимоий ўзгартишларни бошлай туриб, В. И. Ленин таълим берганидек, «бу ўтишнинг, аслида нимадан иборат эканлиги тўғрисида, бу ўтиш нималардан нимага олиб бориши тўғрисида» тасаввур ҳосил қилиш зарур. Ўтмишни танқид қилиш ривожланишнинг муҳим жиҳати бўлиб, бугунги ва эртанги кун учун сабоқ ва хулосалар чиқариб олиш имконини беради, олға томон ҳаракат воситалари ва йўлларини тўғри танлаш борасидаги амалий ишда ёрдам беради. Биз илмий асосланган жадаллаштириш стратегиясини ишлаб чиқиб, келажак тўғрисидаги тасаввурларни шакллантиришдаги шошқалоқлик ёки стихиялилик инерция ва догматик бузилишлардек хатарли эканлигини равшан тушунамиз.

Бугун биз қайта қуришни қандай англаётганлигимизни яна бир бор айтиб ўтиш зарурати мавжуд.

Қайта қуриш — турғунлик жараёнларини қатъиян бартараф этиш, тараққиётга тўсқинлик қилувчи механизмни бузиб ташлаш, совет жамиятини социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ишончли ва самарали механизмини яратиш демакдир. Фан-техника революцияси ютуқларини планли экономика билан боғлаш ва социализмнинг бутун потенциалини ҳаракатга келтириш — стратегиямизнинг асосий мазмунидир.

Қайта қуриш — жамият ҳаётининг барча соҳаларида омманинг жонли ижодкорлигига таяниш, демократияни, социалистик ўз-ўзини бошқаришни ҳар томонлама ривожлантириш, ташаббусни, фаолиятни рағбатлантириш, интизом ва тартибни мустаҳкамлаш, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенгайтириш демакдир; бу — қадриятлар ва шахс қадр-қимматига нисбатан юксакка кўтарилган ҳурмат демакдир.

Қайта қуриш — совет экономикасини ривожлантиришда интенсив омиллар ролини муттасил ошириб бориш; халқ хўжалигини бошқаришда демократик централизм ленинча принципларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ҳамма жойда бошқарувнинг иқтисодий методларини жорий этиш, буйруқбозликдан ва маъмуриятчиликдан воз кечиш, экономика барча бўғинларининг тўла хўжалик ҳисоби принципларига ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг янги формаларига ўтишини таъминлаш, новаторлик ва социалистик омилкорликни бутун чоралар билан рағбатлантириш демакдир.

Қайта қуриш — илм-фан томон қатъий бурилиш, юксак пировард натижаларга эришиш мақсадида практиканинг у билан амалий ҳамкорлиги, ҳар қандай ташаббусни салмоқли илмий асосга қўя билиш, олимларнинг жамиятни янгилашга қаратилган партия йўлини актив қўллаб-қувватлашга тайёрлиги ва астойдил истаги демакдир; айни вақтда бу — илм-фанни ривожлантириш, унинг кадрларини ўстириш, ўзгартишлар жараёнида уларнинг актив иштирок этишлари тўғрисида ғамхўрлик қилиш демакдир.

Қайта қуриш — социал соҳани устун даражада ривожлантириш, совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига, таълим ва медицина хизматига бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш демакдир; бу — ҳар бир инсоннинг ва умуман жамиятнинг маънавий бойлиги, маданияти тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш демакдир; бу — жамият

ҳаётининг кенг миқёсли туб проблемаларини ҳал этишни одамларни қизиқтираётган кундалик масалаларни ҳал этиш билан қўшиб олиб бора билиш демакдир.

Қайта қуриш — бу социалистик ахлоқни бузиш ҳолларидан жамиятни зўр ғайрат билан халос этиш, социал адолат принципларини изчиллик билан амалга ошириш демакдир; бу — сўз билан ишнинг, ҳуқуқ ва бурчларнинг бирлиги демакдир; бу — ҳалол, юқори сифатли меҳнатни улуғлаш, унга ҳақ тўлашда бараварлаштириш тенденцияларини, истеъмолчиликни бартараф этиш демакдир.

Қайта қуришнинг пировард мақсади равшан деб ўйлайман. У ҳам бўлса, мамлакат ҳаётининг барча томонларини тубдан янгилаш, социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бағишлаб, тузумимизнинг барча ҳал қилувчи соҳалари, иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий соҳаларда унинг инсонпарварлик характерини жуда тўлиқ намоён этишдан иборатдир.

Ўртоқлар, биз сизлар билан шундай ишни бошладик. Қайта қуриш кенг жабҳада авж олдирилмоқда. Бу иш янги сифат касб этмоқда — у кенгайибгина қолмай, шу билан бирга турмушнинг энг чуқур қатламларига ҳам кириб бормоқда.

Қайта қуриш жамиятнинг барча соғлом кучларини оёққа турғизди, ишларимизга комил ишонч бағишлади. Ишларнинг аҳволига ўз-ўзини танқид руҳида объектив баҳо бериш, ишда расмиятчилик ва тақлидчиликдан воз кечиш, муаммоларни ҳал этишнинг тобора янги-янги йўлларини қидириб топиш каби фазилатлар хос бўлган партия комитетлари ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари тобора кўпаймоқда. Биз ишчи ва деҳқонларнинг, санъаткор-зиёлилар, фан-техника зиёлиларининг, совет жамияти барча табақаларининг актив ва қатъий мададини сезиб турибмиз.

Мамлакатда янгича маънавий-ахлоқий муҳит таркиб топмоқда. Қадриятлар қайта баҳоланиб, улар ижодий жиҳатдан қайта идрок этилмоқда, экономика, социал ва маънавий соҳалардаги ўзгартишларнинг йўллари тўғрисида мунозара авж олиб кетди, ташкилотчилик ва идеология ишининг янги методларини излаш тобора кенгаймоқда. Ҳодисалар ва воқеаларга баҳо беришда ошкоралик, ҳаққонийлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ишни яхшилаш истаги турмушнинг актив амал қилаётган принциплари сифатида тобора кўпроқ қарор топмоқда.

Ишлаб чиқаришда талабчанлик ва интизом, уюшқоқлик кучаймоқда, тартиб ошди. Маънавий турмушни қайта қуришдаги дастлабки қадамлар биз учун айниқса муҳимдир, чунки ижтимоий онгда бурилиш қилмай, психология ва тафаккурда, одамларнинг кайфиятида ўзгаришлар қилмай туриб, муваффақиятга эришиб бўлмайди, ўртоқлар.

Биз моддий-техника базасини тубдан ўзгартиришга, фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалигини чуқур реконструкция қилишга, структура ва инвестиция сиёсатини ўзгартиришга киришдик. Фан-техника тараққиётининг энг асосий йўналишлари бўйича кенг миқёсли тармоқ программалари қабул қилинди. Ўн иккинчи беш йиллик плани ана шу программаларни ҳисобга олиб тузилган ва амалга оширилмоқда.

Бошқарувни такомиллаштиришга оид катта-катта тадбирлар бажарилмоқда. Шу йилнинг бошидан барча саноат корхоналари ва бирлашмалари хўжалик юритишнинг эксперимент йўли билан синаб кўрилган методларига ўтказилди. Бир қанча тармоқлар, корхоналар ва бирлашмалар тўла хўжалик ҳисоби ҳамда ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш асосида ишлай бошлади.

Аҳоли эҳтиёжини қондириш билан бевосита боғлиқ экономика тармоқлари, чунончи агросаноат комплекси, енгил саноат, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси кенг мустақилликни таъминлайдиган ва жавобгарликни оширадиган принциплар асосида ишлай бошлади. Капитал қурилишни бошқаришда туб ўзгартишлар амалга оширилмоқда. Буюмлар юқори сифатли бўлиши учун курашни кучайтириш мақсадида 1500 та етакчи корхонада маҳсулотнинг давлат қабули жорий этилди.

Ташқи иқтисодий фаолият системаси қайта қурилмоқда. Ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида корхоналар ва тармоқларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Ҳамкорликнинг янги формалари — корхоналарнинг чет эллик шериклари билан

бевосита алоқалари, қўшма бирлашмалар, ихтисослашиш ва ишлаб чиқариш кооперацияси тобора ривожланмоқда.

Халқ хўжалигини бошқариш комплекс системасига ўтиш мақсадида СССР Министрлар Советининг ўзаро боғлиқ тармоқлар группаларини бошқариш юзасидан доимий ишловчи органлари ташкил этилди. Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди, янги хўжалик механизми шароитида марказий экономика органларининг, министрликлар ва идораларнинг ишларини такомиллаштиришга доир ҳужжатлар, бирлашмалар ва корхоналар негизида хўжалик ҳисобидаги йирик ишлаб чиқариш структураларининг янги формаларини ташкил этишга, шунингдек бошқа бир қанча муҳим масалаларга оид таклифлар тайёрланмоқда.

Социал соҳадаги ишларни яхшилаш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнат ҳақини ошириш янги принциплари ишлаб чиқилди ва турмушга татбиқ этилмоқда. Биз бараварлаштиришдан воз кечиш, меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ равишда социалистик тақсимот принципига изчил риоя этиш йўлига қатъий амал қилмоқдамиз. Айни вақтда якка тартибдаги меҳнат фаолиятидаги асоссиз чеклашлар олиб ташланди. Бундай фаолиятни ривожлантириш учун ҳозир қулай шарт-шароит яратилмоқда. Аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш манфаатларини кўзлаб, ишлаб чиқариш ва маиший хизматнинг турли соҳаларида кооперативлар ташкил этиш рағбатлантирилмоқда.

Уй-жой қурилишидаги аҳволни анализ қилиш асосида ва икки мингинчи йилга бориб ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлашдан иборат программавий вазифани ҳисобга олиб, уй-жойларни барпо этиш суръатларини кучайтириш ва унинг сифатини яхшилаш учун қўшимча резервлар қидириб топилди. Ишлаб чиқариш капитал маблағларининг қўшимча 10 проценти ана шу мақсадларга сарфланади, бу эса 1987 йилдаёқ уй-жой қурилиши ҳажмларини беш йиллик планида белгиланганига нисбатан 9,1 миллион квадрат метр ёки қарийб 8 процент ошириш имконини беради.

Уй-жой кооперативи ва якка тартибда уй қуриш тобора кенгаймоқда. Бунинг учун имтиёзли кредитлар берилмоқда ва зарур ресурслар ажратилмоқда, корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан уй-жойлар барпо этиш, хўжалик усулини ривожлантириш, қурилишнинг ишлаб чиқариш базасини кўпайтириш чора-тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар амалга оширилмоқда.

Медицина муассасаларини барпо этиш ва реконструкциялаш программаси белгиланди, мамлакатимизда дори-дармонлар ва медицина ускуналарини ишлаб чиқарувчи қувватлар оширилмоқда, медицина хизмати ва медицина фанини ташкил этишнинг янги формаларини жорий қилиш ҳамда ривожлантириш борасидаги ишлар жадаллаштирилмоқда. Аҳолининг меҳнат ва турмуш шароитларини соғломлаштириш, профилактика ишларини кенгайтириш, ичкиликбозлик ва алкоголизмни батамом тугатиш, касалликларни камайтириш чоралари ана шулар билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилмоқда. Медицина ходимларининг иш ҳақи кўпайтирилмоқда.

Шундай қилиб, ўртоқлар, белгиланган ва бошланган ишларнинг ҳатто қисқача шарҳи ҳам мамлакатда авж олиб кетган қайта қуриш ишларининг миқёслари нақадар кенглигини кўрсатади. Ишларнинг ҳажми ғоят катта, аммо бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Партия қайта қуришнинг биронта ҳам соҳасига эътиборни сусайтиришга ҳаққи йўқ. Белгиланган режаларнинг ҳаммаси, албатта, рўёбга чиқарилиши, аниқ ва ўз вақтида бажарилиши лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, биз ишлаб чиқаётган ва амалга ошираётган бир қанча чора-тадбирлар дарҳол реал самара бермайди. Аммо ҳозирдаёқ жамиятдаги муҳитнинг ўзи, янгича кайфият ишга муносабатни ўзгартириб, реал, амалий натижалар бермоқда.

Беш йиллик биринчи йили планининг бажарилиш якунлари ҳам шундан далолат беради. Ҳосил қилинган миллий даромад пландаги 3,9 процент ўрнига ва ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик ўсиш 3,6 процент бўлгани ҳолда 4,1 процент кўпайди. Саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши 4,9 процентни ташкил этди, бу эса ўн биринчи беш йилликдаги ўртача йиллик ўсишга нисбатан учдан бир баравар ортиқ бўлиб, кейинги тўққиз йил мобайнида энг юқори ўсишдир.

Ўзларингизга маълумки, ўн иккинчи беш йиллик биз учун мамлакатимиз машинасозлигини модернизациялашда, ишлаб чиқариш аппаратини янгилашда ва фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Машинасозлик комплексини илдам ривожлантириш вазифаси катта қийинчиликлар билан ҳал этилаётган бўлсада, иш юришиб кетди. Саноат роботлари ишлаб чиқариш бир йил ичида 14 процент, ўзгарувчан автомат ишлаб чиқариш системалари 2,6 баравар, ишлаб чиқариш модуллари 2,2 баравар, ишлов берувчи марказларни ишлаб чиқариш — 1,4 баравар кўпайди. Ишлаб турган машинасозлик корхоналарини техника билан қайта жаҳозлаш ва реконструкция қилишга ажратилган капитал маблағ 30 процент оширилди. Сиёсий бюро машинасозликка доир программанинг бажарилишини муттасил назорат қилиб туради. Машинасозлар ўз олдиларига қўйилган вазифаларни уддалайдилар деб умид қиламиз.

Саноатнинг бошқа бир қанча тармоқларида ҳам ишлар бир оз ўнгланмоқда. Қора металлургия, кўмир ва газ саноати йилни дуруст кўрсаткичлар билан тугаллади, нефть қазиб чиқаришдаги қолоқлик бартараф этилмоқда.

Саноатда меҳнат унумдорлиги план топшириғидаги 4,1 процент ўрнига умуман 4,6 процент ошди. Маҳсулот йиллик ўсишининг 96 процентига шу ҳисобдан эришилди. Кўп йиллардан буён биринчи марта маҳсулотнинг таннархи сезиларли равишда арзонлашди. Моддий маблағлар обороти жадаллашди, ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг, шу жумладан чет эллардан келтирилган ускуналарнинг запаслари камайди.

Аграр секторни ривожлантиришда ишларнинг яхшиланиши яққол кўриниб турибди. Ўтган беш йилликнинг ўртача йиллик кўрсаткичларига нисбатан 1986 йилда дон етиштириш салкам 30 миллион тонна ёки 17 процент; картошка — қарийб 9 миллион тонна ёки 11 процент; қанд лавлаги — салкам 3 миллион тонна ёки 4 процент; гўшт — 1,5 миллион тонна ёки 9 процент; сут — 6,5 миллион тонна ёки 7 процент; тухум етиштириш қарийб 6 миллиард дона ёки 8 процент кўпайди.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, кўпгина энг муҳим кўрсаткичлар юзасидан биз маҳсулот етиштиришнинг узоқ йиллар мобайнида эришолмаган ўсиши бошланди. Лекин шуни айтиш керакки, сабзавот, мева, кунгабоқар, пахта каби экинлар бўйича ўсиш деярли бўлмади ёки уларни етиштириш олдинги даражада қолди.

Қолхоз ва совхозлар фаолиятининг асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари яхшиланганлигини ҳам қайд этиб ўтиш муҳим. Жамоат хўжалигида меҳнат унумдорлиги бир йил ичида 6,9 процент ошди, рентабеллик 19 процентни ташкил этди, фойда икки миллиард сўм кўпайди.

Экономикани ривожлантиришдаги ижобий силжишларни қайд этиб ўтиш билан бирга, шуни ҳам айтиш керакки, кўп нобудгарчиликлар ва унумсиз сарф-харажатлар, товар оборотини кенгайтириш топшириқларининг бажарилмаслиги натижасида истеъмол ва жамғарма учун фойдаланилган миллий даромадни ўстириш йиллик плани бажарилмай қолди.

Аҳоли жон бошига реал даромадлар, қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти, саноатда истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш капитал маблағлар ҳажми ва асосий фондларни ишга тушириш, халқ хўжалигида фойда олиш каби энг муҳим кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан анча ошган бўлишига қарамай, уларни ўстириш план топшириқларидан паст бўлди. Инвестиция жараёнида жиддий ўзгаришлар рўй бермади, давлат плани рўйхатига киритилган объектларнинг атиги учдан икки қисми ишга туширилди.

Социал соҳадаги ўзгаришлар зўр қийинчиликлар билан бўлсада, лекин барибир бошланди. Интизомни мустаҳкамлаш, ичкиликбозликка қарши кураш юзасидан кўрилган чоралардан кейин 60-йиллардан буён биринчи марта бахтсиз ҳодисалар сони, иш вақтининг зое кетиши камайди. Умумий жиноятчилик қарийб тўртдан бир баравар, оғир жиноятлар эса учдан бир баравар камайди. Қонунчилик ва тартибни бузиш ҳолларига қарши кураш ҳамма жойда кучайтирилди.

Уй-жой қурилиши ҳажми ошди, бу эса 1985 йилга нисбатан уй-жойларни фойдаланишга топширишни 5,2 миллион квадрат метр кўпайтириш имконини

берди. Болалар боғча ва яслилари, мактаблар, поликлиника ва касалхоналар, маданият ва маиший хизмат муассасалари кўпроқ барпо этилди.

Қисқа қилиб айтганда, ижобий силжишлар мавжуд. Аммо бу муҳим соҳада тўпланиб қолган муаммоларнинг юки ҳаддан ташқари катта, биз ана шу муаммоларни ҳал этишга ҳали ғоят журъатсизлик билан киришмоқдамиз.

Уй-жой қурилишини кенгайтириш, маданий-маиший объектлар барпо этиш учун резервлар каттагина қийинчиликлар билан излаб топилганлигини биласизлар. Бироқ, афсуски, берилган имкониятдан ҳамма ҳам чинакамига фойдаланди деб бўлмайди. Ана шу объектлардан кўпини барпо этиш планлари бажарилмади. Бунинг сабаби қурувчиларнинг уюшқоқ эмасликларидагина эмас, балки корхоналар, министрликлар, маҳаллий Советлар, партия комитетлари етарли эътибор бермаётганликларида ҳамдир.

Бизда озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари савдосида, шаҳар транспорти ва коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасаларининг ишида қийинчиликлар сақланиб қолмоқда. Умуман, биз социал соҳани ривожлантиришда туб ўзгаришларга эриша олмадик ва талай даражада эскича ёндашувлар асири бўлиб қолмоқдамиз.

Партия, бутун халқ XXVII съезд қарорларини рўёбга чиқариш соҳасида олиб бораётган ишларни таърифлашни тугаллай туриб шу нарсани айтиб ўтишни истардим. Биз, Марказий Комитет аъзоларининг реализм позициясида, бажарилган ишга холис баҳо бериш позициясида туришимиз, олинган натижаларга ўтмиш позицияларида турибгина эмас, балки аввало ўзимиз эълон қилган планлардан, халққа берган ваъдалардан келиб чиқиб, назар ташлашимиз жуда муҳим. Бу — бирдан-бир тўғри партиявий ёндашувдир.

Биз ҳали қайта қуришнинг илк босқичида турганлигимизни равшан англаб олишимиз лозим. Асосий ва энг мураккаб иш олдинда турибди. Қатъият билан, қадам-бақадам, ҳеч иккиланмай олға бориш, бажарилган ишга сергаклик билан баҳо бериш, хатоларни тузатишдан чўчимаслик, вужудга келаётган вазифаларни ҳал этишнинг янги усул ва методларини излаб топиш, белгиланган мақсад сари албатта ҳаракат қилиб боришга эришиш керак.

Биз ўтмиш сабоғини пухта уқиб олишимиз лозим — қарорлар билан уларни рўёбга чиқариш борасидаги амалий иш ўртасида узилишга йўл қўйиш мумкин эмас. Кибрланиш ва хотиржамликка йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳозир ҳам шунга дуч келинаётганлиги учун бу ҳақда яна бир бор айтиб ўтмоқдаман. Актив, дадил, ижодий, билимдонлик билан ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиш ва яна ҳаракат қилиш керак.

Ҳозирча кўпгина хўжалик, давлат, совет органларида, қолаверса, партия органларида ҳам, меҳнат коллективларининг ўзида ҳали ҳамма ҳам ҳаёт талаблари билан баб-баравар қадам ташлаб боряпти, деб бўлмаслиги масаланинг шундай қўйилишини тақозо этмоқда. Ўтмиш юкидан секинлик билан халос бўлаётган, пайт пойлаётган ва ҳатто ишга очиқдан-очиқ тўсқинлик қилаётган, халқнинг сиёсий, ижтимоий активлиги ва меҳнат ғайратини кенг кўламда авж олдиришга халақит бераётган кишилар оз эмас.

Янгича ишлаш — эски одатлар ва методлардан қатъиян воз кечишни билдиришини ҳамма англаб етгани йўқ. Бу эса пировард натижада ҳар бир кишининг гражданлик позициясига, топширилган ишга, ўз бурчига виждонан муносабатда бўлишига боғлиқдир. Биз ҳаммамиз бунинг учун партия олдида, мамлакат олдида, ўз виждонимиз олдида жавоб берамиз.

Меҳнаткашлар билан, партия ва хўжалик кадрлари билан учрашув ҳамда суҳбатлар қайта қуриш астойдил қўллаб-қувватланаётганлигини кўрсатмоқда. Халқ қайта қуришни тўла-тўкис қувватламоқда, лекин бир нарса эътиборни жалб қилади. Кўпчилик янги ишларни қўллаб-қувватлаб, юқоридагилар ва бошқалар — партия, давлат, хўжалик органлари, бошқа тармоқлар, турдош корхоналар, цехдаги, ферма ёки қурилиш майдонидаги қўшнилар, хуллас, фақат уларнинг ўзларидан ташқари ҳамма ўз ишини қайта қуриши шарт, деб ҳисоблашади.

Йўқ, ўртоқлар, ҳар биримиз барча даражаларда қайта қуришни ҳаққоний талаб қила туриб, қайта қуришни ўзимиздан бошлашимиз керак. Барча — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар, умуман меҳнат коллективидан бошлаб, то

КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматгача ҳамма янгичасига — зўр ғайрат билан ижодий, яна бир марта айтаманки, виждонан ишлаши керак.

Биз, коммунистлар қайта қуришдан иборат ғоят катта ишда аввало жамиятимизнинг етакчи сиёсий кучи бўлмиш ишчилар синфининг юксак онглилиги ва уюшқоқлигига, ижтимоий ташаббускорлиги ва катта меҳнат зафарларига таянамиз.

Ишчилар синфи, барча совет кишилари партиянинг қайта қуриш йўлига юксак баҳо бериш билан бирга у амалда қандай рўёбга чиқарилаётганлигидан ташвишланаётганликларини билдирмоқдалар. Улар партияни эришилган маррада тўхтаб қолмасликка, қатъий ҳаракат қилишга, олға боришга, белгиланган йўлни оғишмай амалга оширишга даъват этмоқдалар. Биз бундан сиёсий хулосалар чиқариб олишимиз керак, ўртоқлар.

Жамиятда ана шундай ташвишланиш мавжуд экан, бизнинг куч-ғайратларимиз ҳали етарли эмасга ўхшайди. Демак, биз ҳамма жойда ва ҳар ишда ҳам етарлича самарадорлик ва ҳужумкорлик билан ҳаракат қиляпмиз, деб бўлмайди. Демак, ҳали ҳамма жойда ҳам кўрилаётган чоралар ва амалга оширилаётган ишлар тўпланиб қолган муаммоларнинг миқёси ва ўткирлигига мос келяпти деб бўлмайди, ҳамма иш ҳам давр талаб этаётганидек бораётгани йўқ. Демак, ўртоқлар, Марказий Комитет фикр-мулоҳаза юритиш ва зарур хулосалар чиқариб олиш учун салмоқли асосга эга.

Тафаккур ва ҳаракатнинг бир қолипда таркиб топган кўринишларини бартараф этиш вақтни ҳамда вазминлик билан ёндашувни талаб этадиган мураккаб, мушкул жараён эканлигини тушунамиз, албатта.

Бу жараён мустақил равишда, сиёсий, социал-иқтисодий ва маънавий турмушдаги ўзгаришлардан ажралган ҳолда ўта олмаслиги мутлақо равшан.

Ҳозир бутун бир тадбирлар системаси талаб этилаётганлигини биз равшан тасаввур қилишимиз лозим. Ҳозирги замон реалликларига ва келажакни чуқур асосланган илмий башорат қилишга таянувчи назарий қоидаларни ишлаб чиқиш ҳам, ижтимоий онгни ўзгартириш ҳам, демократик тартиботларни изчил ривожлантириш ҳам, омманинг сиёсий маданиятини тарбиялаш ҳам, хўжалик юритиш механизмини, ташкилий структураларни қайта қуриш ҳам, ва албатта, актив социал сиёсатни ўтказиш ҳам ана шу чоралардандир.

Шундай қилгандагина тараққиётга халақит берувчи механизм бартараф этилиши мумкин, жадаллаштириш кучлари эса ўзи учун зарур кенг имкониятларга эга бўлади.

Марказий Комитетнинг бугунги Пленуми ҳар бир коммунистдан, ҳар бир граждандан юксак онглилик ва уюшқоқликни, сабот-матонатни, ниҳоят зўр фидокорликни талаб этадиган оғир кураш олиб боришимизга тўғри келишини партия билан халққа айтиши лозим, деб ўйлайман.

Ўртоқлар! Жамиятимизнинг Марказий Комитет апрель Пленуми арафасидаги ҳолатини анализ қилиш, қайта қуриш тажрибаси энг асосий саволни жуда ўткир қилиб ўртага қўймоқда. Бошланган ўзгартишлар жараёни охиригача етказилишига, олдинги хатолар такрорланмаслигига ва биз жамиятимизнинг тўлақонли ривожланишини таъминлай олишимизга бизда гарантиялар борми?

Сиёсий бюро бу саволларга: ҳа, бизда бундай гарантиялар бор деб жавоб қайтаради.

Бу — бошдан кечирилган ишларнинг тажрибаси билан, социалистик Ватаннинг ҳозирги куни ва келажаги учун масъулиятни англаши билан бирлашган партия ва халқнинг ягона иродаси, умумий ҳаракатларидир.

Бу — социалистик тузум демократизмини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакат ҳаётининг барча масалаларини ҳал этишда халқнинг реал ва тобора актив иштирок этиши, ошкоралик, жамоат контроли, танқид ва ўз-ўзини танқид ленинча принципларининг батамом тикланиши, сўз билан ишнинг бирлигидан иборат сиёсатдаги самимийлик шулар жумласидандир.

Ниҳоят, бу — партиянинг ўзини соғлом ривожлантириш, унинг ўз фаолиятини танқидий анализ қилиш қобилияти, ўз ишининг форма ва методларини янгилаш, революцион назария асосида жамиятни ривожлантириш истиқболларини белгилаш ҳамда турмуш тақозо этаётган янги вазифаларни ҳал этиш учун курашиш маҳоратидир.

Айнан социалистик демократизмни чуқурлаштириш, совет кишиларининг бунёдкорлик ижодиёти, коммунистларнинг амалий ишлардаги авангардлик роли XXVII съезд белгилаган революцион ўзгартишларнинг муваффақиятини ҳам, муқаррарлигини ҳам таъминлаб беради.

II. СОЦИАЛИСТИК ДЕМОКРАТИЗМНИ ЧУҚУРЛАШТИРАЙЛИК, ХАЛҚНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Ўртоқлар! Социализм билан демократиянинг жонли, ички алоқаси тўғрисидаги Ленин фикрининг ниҳоятда теранлигини биз ҳозир ҳар қачонгидан кўра яхшироқ англаб турибмиз. Мамлакатимизнинг бутун тарихий тажрибаси социалистик тузум гражданларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқларини, уларнинг шахсий эркинлигини амалда таъминлаганлигини, совет демократиясининг афзалликларини намоён этиб, ҳар бир кишида эртанги кунга комил ишончни пайдо қилганлигини яққол кўрсатди.

Аммо қайта қуриш шароитида, инсон омилини активлаштириш вазифаси жуда ўткир бўлиб қолган бир пайтда биз совет тузумининг максимум демократизми тўғрисида Ленин ўртага қўйган масалага яна бир бор қайтишимиз керак. Социалистик тузумда инсон ўзини хўжайин ва бунёдкор деб ҳис этади.

«Биз, турмушга эргашиб боришимиз керак, биз халқ оммасининг ижодиётига тўла эркинлик беришимиз керак», — деган эди В. И. Ленин.

Дарҳақиқат, меҳнат аҳли ҳокимиятига асосланган демократия — унинг кенг сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, ўзгартишлардан, уларни бажаришда амалий равишда қатнашишдан манфаатдорлик формасидир.

Жамоатчилик онгида оддий ва равшан фикр, яъни ўзини уйда хўжайин деб ҳис қилувчи кишигина унда тартиб ўрнатиши мумкин, деган фикр тобора кўпроқ қарор топмоқда. Бу ҳақиқат турмуш нуқтаи назаридангина эмас, шу билан бирга ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ҳам ҳаққонийдир. Бу фикр амалда муттасил рўёбга чиқариб борилиши зарур. Таъкидлаб айтаманки, амалда рўёбга чиқарилиши зарур. Шундай қилинмаса, инсон омили таъсир кучини йўқотади.

Биз социализмга хос демократик формаларни изчиллик билан ривожлантириш, ўз-ўзини бошқаришни кенгайтириш йўли билангина ишлаб чиқаришда, фан ва техникада, адабиёт, маданият ва санъатда, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида олға ҳаракат қилишимиз мумкин. Фақат шундай йўлгина онгли интизомни таъминлай олади. Қайта қуришнинг ўзини ҳам фақат демократия орқали ва демократия туфайлигина амалга ошириш мумкин. Социализмнинг энг қудратли бунёдкорлик кучи эркин мамлакатдаги эркин меҳнат ва эркин тафаккурга фақат шундай йўл билан кенг имконият очиб бериш мумкин.

Шу боисдан ҳам совет жамиятини янада демократлаштириш партиянинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасига айланмоқда. Аслини олганда апрель Пленуми, КПСС XXVII съездининг халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштиришга қаратилган йўлининг моҳияти ҳам шундан иборатдир. Гап сиёсий системамизни қандайдир ўзгартириш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Биз унинг барча имкониятларидан энг кўп самара билан фойдаланишимиз, партиянинг, советларнинг, давлат органларининг, жамоат ташкилотларининг, меҳнат коллективларининг ишини чуқур демократик мазмун билан бойитишимиз, жамият организмининг барча тўқималарига янги ҳаёт бағишлашимиз лозим.

Мамлакатда ҳозирнинг ўзидаёқ ана шу жараён бормоқда. Партия ташкилотларининг ҳаёти янада сермазмун бўлиб бормоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқид кенгаймоқда. Оммавий ахборот воситалари активроқ ишлай бошлади. Совет кишилари ошкоравийликнинг самарали таъсирини яхши сезиб турибдилар, ошкоравийлик жамият ҳаётининг нормасига айланмоқда.

Ижодий союзларнинг съездлари принципиаллик ва танқидий вазиятда ўтди. Янги жамоат ташкилотлари тузилмоқда. Бутуниттифоқ уруш ва меҳнат

ветеранлари ташкилоти тузилди. Совет маданият фонди ташкил этилди. Хотин-қизлар кенгашларини тузиш борасида иш олиб борилмоқда. Буларнинг ҳаммасида меҳнаткашларнинг жамоат ишларида, мамлакатни бошқаришда иштироки ўсиб бораётганлигини кўрамиз.

Сиёсий бюро совет жамияти демократизмини янада чуқурлаштириш учун қандай йўллар бор деб билади?

Демократик муассасаларимиз ҳар бир меҳнат коллективидаги планлаштиришга, меҳнатни ташкил этиш, моддий ва бошқа неъматларни тақсимлашга, энг обрўли ва билимдон кишиларни танлаш ва уларни раҳбарлик лавозимларига кўтаришга тааллуқли ишларнинг аҳволига актив ва реал таъсир кўрсата билса, халқнинг ташаббуси ва ижодкорлигини чинакамига юксалтира оламиз. Ҳар бир совет кишиси мана шу ўзгаришларни ўз тажрибасида тезроқ ҳис этса, унинг гражданлик позицияси, унинг ҳамма ижтимоий, давлат ишларида қатнашуви шунчалик активроқ бўлиб қолади, деб ишонч билан айтиш мумкин.

Ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш, ҳақиқий ўз-ўзини бошқариш асосларини меҳнат коллективлари ишига изчиллик билан жорий этиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Экономика жамият ҳаётининг ҳал этувчи соҳасидир. Бу соҳада ҳар куни ўн миллионлаб кишилар банд. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш — умуман социалистик демократияни чуқурлаштириш ва кенгайтиришнинг энг муҳим йўналишидир. Бу меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳаёт ҳамма соҳаларида кенг ва актив қатнашувини таъминлашга ёрдам берадиган, кўпгина хатоликлар ва янглишишларга йўл қўймаслик имконини берадиган воситадир.

Ҳар бир меҳнаткаш ўзини корхонанинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этишига имкон берадиган шароитлар яратиш, ишлаб чиқаришни уюштириш формаларини жорий этиш жуда муҳим амалий вазифадир. Бу юксак ва масъулиятли қоидадир. У ишларни реал бошқаришга кенг ҳуқуқлар берибгина қолмай, меҳнат коллективида рўй бераётган ҳамма ишлар учун юксак масъулият туйғуси бўлишини ҳам кўзда тутади.

Социалистик қурилиш давомида ишлаб чиқаришни бошқаришда меҳнаткашлар иштирокининг хилма-хил формалари қарор топди. Партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бошқа жамоат ташкилотларисиз меҳнат коллективларининг ҳаётини тасаввур қилиб бўлмайди. Кейинги вақтларда ишчилар йиғилишлари, коллектив шартномаларнинг роли ортмоқда, демократиянинг бригада ва цех кенгашлари каби янги формалари вужудга келди, ана шу йўлда бундан буён қилинадиган ишлар учун ҳам шароит етилди.

Давлат корхонаси тўғрисидаги қонун каби фундаментал ҳуқуқий актни ишлаб чиқиш заруратини ҳаётнинг ўзи кун тартибига қўйди. Қонун лойиҳаси сизларга тарқатилган. Бу қонун экономиканинг асосий бўғинида хўжалик юритиш шартлари ва методларини тубдан ўзгартирмоғи, корхоналар фаолиятида планли асос билан тўла хўжалик ҳисобини, мустақиллик ва масъулиятни қўшиб олиб боришни мустаҳкамлаши, омманинг ижоди билан вужудга келган ўз-ўзини бошқариш янги формаларини қонунлаштириши керак.

Қонунда партия съездининг энг муҳим йўл-йўриқларидан бирини, яъни бевосита демократиядан самарали фойдаланиш йўлини амалга ошириш кўзда тутилади. Лойиҳада меҳнат коллективлари умумий йиғилишлари ва кенгашларига ишлаб чиқариш, социал ва кадрлар ишлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш борасида ваколатлар бериш мўлжалланаётганлиги В. И. Лениннинг сўзлари билан айтганда «халқнинг ҳақиқатан ўзини-ўзи идора қилишига» ўтишида катта бир сиёсий тадбир бўлиб қолади.

Давлат корхонаси тўғрисидаги қонунни ҳозир экономика соҳасида амалга оширилаётган тадбирлар комплекси билан биргаликда турмушда изчил жорий этиш халқ хўжалигида умуман янги бир вазиятни вужудга келтиради, экономиканинг ривожланишини жадаллаштиради, ижтимоий ҳаётнинг кўп томонларини сифат жиҳатидан такомиллаштиришга олиб келади, деб ўйлаймиз. Сиёсий бюро бу қонун жуда катта аҳамиятга эга эканлигини назарда тутиб, унинг лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишни таклиф этади. Марказий Комитет аъзолари бу таклифни қувватлайдилар, деб ўйлайман.

Колхозларимиз, умуман социалистик кооперация экономика ва социал соҳани бошқаришни демократлаштириш учун катта ва ҳали тўла фойдаланилмаган имкониятларга эга. Агросаноатда бошқариш системасини қайта қуриш, шунингдек халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида кооперацияни янада ривожлантириш тўғрисидаги қарор шу имкониятлардан фойдаланиш учун яхши замин яратиб беради. Шу муносабат билан, бизнинг фикримизча, колхозчиларнинг навбатдаги съездини ўтказиб, унда колхоз ҳаётининг етилган проблемаларини муҳокама қилиш ва колхознинг Намунавий уставига зарур ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Сиёсий бюро кўпгина республикалар, ўлкалар ва областларда фаолиятнинг бошқа хил кооператив формаларини кенгайтириш борасида қўйилаётган амалий тадбирларни актив қўллаб-қувватлайди. Бу эса аҳолининг кўпгина товар ва хизматларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришга имкон беради, шунингдек экономика соҳасида демократизмни ривожлантириш учун, одамнинг имкониятларини яхшироқ рўёбга чиқариш учун қўшимча шароит яратиб беради.

Ўртоқлар, кооператив ҳаракатга нисбатан ўтмишда бўлиб келган ва бугунги кунда ҳам сезилаётган иккиланишларга қатъиян барҳам бериш керак. Кооперациянинг ҳали имкониятлари тугагани йўқ, бунинг устига унинг истиқболи ҳали катта.

Нима учун мен шу масалага қайтиб, уни кескин қилиб қўйяпман? Шунинг учунки, КПСС XXVII съездидан кейин ҳам Марказий Комитет ва ҳукумат моддий-техника таъминоти, маиший хизмат ва умумий овқатланиш, коммунал-хўжалик соҳасида, маҳаллий саноат ва қурилишда кооперацияни ривожлантириш тўғрисида қабул қилган қарорга қарамай иш кўнгилдагидек юришиб кетгани йўқ. Унинг йўлига ҳар хил ғовлар солинмоқда, бошқарувнинг маъмурий бюрократик методларига берилиш, хўжалик юритишнинг меҳнаткашлар ташаббусларини рағбатлантирадиган, уларнинг социал активлигини оширадиган, ҳаётий зарур бўлсада, аммо анъанавий тасаввурларга сиғмайдиган формаларини қабул қилмаслик ҳоллари ҳали ҳам кучли.

Баъзи ўртоқларга демократизм — оддий шиоргина эмас, балки қайта қуришнинг моҳияти эканлигини тушуниш қийин бўляпти чоғи. Ҳаёт оқимидан четда қолмаслик учун қарашлар ва одатларни ўзгартириш керак. Шубҳа билан қаровчи ва сусткашлик қилувчи кишиларнинг ҳаммасига қатъий маслаҳатимиз шу.

Корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, участкалар, ферма ва звеноларнинг раҳбарлари, бригадирлар ва мастерларни сайлаш тўғрисидаги масалани алоҳида қўйиш лозим. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичи хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш буни амалий вазифа қилиб қўяди. Бу муҳим, зарур тадбир бўлиб, меҳнаткашлар уни шубҳасиз маъқуллаб кутиб оладилар.

Биз корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш йўлидан дадил боряпмиз, давлат қабулини жорий этдик. Бу корхонанинг даромадлари, меҳнат коллективи аъзоларини рағбатлантириш ҳамма шакллари, социал эҳтиёжларини қондириш кўламлари ишнинг пировард натижаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қилинган хизмат миқдори ҳамда сифатига тамомила боғлиқ бўлишини билдиради.

Бундай шароитда корхона, цех, участка, бригадага ким бош бўлиши ишчилар ва колхозчиларни қизиқтирмай қолмайди. Коллектив фаровонлиги раҳбарларнинг қобилиятига боғлиқ қилиб қўйилар экан, меҳнаткашлар шу раҳбарлар сайланишига таъсир этиш, уларнинг фаолиятини назорат қилиб туриш реал имкониятига ҳам эга бўлишлари керак.

Мамлакатда раҳбарларни очиқ ошкоравий танлаш борасида муайян тажриба орттирилган. Масалан, Краснодар ўлкасида 1983 йилдан бошлаб коллективлар ва бошланғич партия ташкилотларининг фикрини ҳисобга олиб, саккиз ярим мингдан кўпроқ раҳбар ходим юқори лавозимларга кўтарилди. Айни пайтда меҳнаткашлар 200 дан ортиқ номзодни қувватламадилар ва бу

номзодлар ўтмади. Бошқа бир қанча жойларда ҳам шундай тажриба бор. Бу йўлни одамлар маъқулламоқдалар, бу йўл ишда ижобий натижа бермоқда.

Умуман олганда, ўртоқлар, бу муҳим ишга қайси нуқтаи назардан қарамайлик, ўзгаришлар, корхоналар раҳбар кадрларини ҳамма ерда сайлаш асосида тайинлаш жараёнини демократлаштириш зарурати етилди, деган битта хулоса келиб чиқади. Ўзингиз тушунасиз, бу нарса сифат жиҳатидан янги бир вазиятни, ишлаб чиқаришни идора этишда меҳнаткашлар иштироки принципиал бошқача тусда бўлишини, ўз фаолиятининг натижалари учун коллективнинг роли ва масъулияти жиддий оширилишини билдиради.

Бу масалани амалда ҳал этаётганда шуларнинг ҳаммасини назарда тутиш зарур. Лекин бир фикрни ҳозироқ айтиб ўтмоқчиман. Бу ерда гап яккабошчилик тўғрисида бораётир. Раҳбар сайланиши унинг обрў-эътиборига путур етказмайдигина эмас, балки уни оширади, раҳбар ўзини сайлаган кишиларнинг мададини сезиб туради, иш учун масъулиятни, коллективда ўзаро талабчанлик ва қаттиққўлликни оширади.

Партия, жамоат ташкилотлари, хўжаликни бошқариш органларининг роли янгича идрок этилмоғи керак. Ҳамма кадрларимиз ишлаб чиқаришда демократияни кенгайтириш яккабошчилик билан коллегиаллик узвий қўшилишини, демократик централизм чуқурлаштирилишини, ўз-ўзини бошқариш ривожланишини тўғри тушуниб етишларини тарбиялаш борасида ҳали анча-мунча ишлар қилиниши лозим.

Сиёсий бюро совет сайлов системасини такомиллаштиришни ҳаётимизни демократлаштиришнинг принципиал йўналиши деб ҳисоблайди. XXVII съезднинг топшириғига биноан бу борада тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Хўш, бунда нималарни айтиш керак? Сайлов системасининг мавжуд механизми ҳокимиятнинг сайлаб қўйиладиган органларида аҳолининг ҳамма табақаларидан вакил бўлишини таъминлайди. Ҳозирги Советларнинг ҳамма даражаларида ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, хотин-қизлар ва эркаклар, ветеранлар ва ёшларнинг, мамлакатдаги барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор. Сайлаб қўйиладиган органлар совет жамиятининг социал-профессионал ва миллий структурасини, бутун аҳоли манфаатлари хилма-хиллигини акс эттиради. Шунинг ўзи ҳам социалистик демократиянинг жуда катта ютуғидир.

Лекин барча сиёсий-иқтисодий, социал тартиботлар сингари сайлов системаси ҳам қотиб қолмаслиги, қайта қуришдан, жамиятда ривожланиб бораётган янги жараёнлардан четда турмаслиги керак.

Хўш, меҳнаткашлардан ана шу масалалар хусусида КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, бошқа марказий органлар ва оммавий ахборот воситаларига келаётган таклиф ва истакларнинг моҳияти нимада?

Сиёсий жиҳатдан олганда гап сайлов системаси демократизмини чуқурлаштириш тўғрисида, сайловолди ва сайлов кампанияларининг ҳамма босқичларида сайловчиларнинг янада самарали ва реал қатнашувлари ҳақида бораётир.

Конкрет қилиб олганда кўпчилик таклифлар меҳнат коллективларидаги ва истиқомат жойидаги сайловчиларнинг йиғилишларида, шунингдек, сайловолди кенгашларида, қоида тариқасида, бир неча номзод муҳокама қилинсин, сайлов эса йирикроқ сайлов округларида ўтказилиб, уларнинг ҳар биридан бир неча депутат сайлансин, деган фикрдан иборат бўлмоқда. Ўртоқларнинг фикрича, бу тартиб ҳар бир гражданга бирмунча кўпроқ номзодларга ўз муносабатини билдириш, партия ва совет органларига эса аҳолининг кайфияти ва хоҳиш-иродасини яхшироқ билиб олиш имконини беради.

Биз шу истакларга қулоқ солиб, сайловнинг ўзини ташкил этишга, халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш практикасига янгича назар билан қарашимиз керак. Овоз бериш тартиб-қоидасини расмиятчиликдан халос қилиш, сайлов кампанияси шу йилнинг ўзидаёқ кенгроқ демократизм вазиятида, одамларнинг бу жараёнда манфаатдорлик билан иштирок этиши вазиятида ўтиши ҳақида ғамхўрлик қилиш керак.

Сайлов системасига тузатишлар киритиш тўғрисидаги Қонун актига

келганда шуни айтиш керакки, унинг лойиҳасини даставвал умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш фойдали бўлур эди.

Бу таклифларнинг амалга оширилиши халқ ҳокимияти органларини тузиш ва уларнинг ишлаши жараёнини янада демократлаштириш йўлида қўйилган дастлабки муҳим қадам бўлур эди. Аммо, чамаси, чуқуррок ўзгаришларни, шундан кейин қўйиладиган қадамларни ҳам ўйлаб кўриш лозим. Орттирилган тажрибани ва янги вазифаларни эътиборга олиб, Лениннинг совет давлат қурилиши масалаларига оид таълимотини яна бир бор синчиклаб ўрганиб чиқиш, ундан ҳозир жамият олдида турган вазифаларни ҳал этишда фойдаланиш зарур.

Совет жамиятини янада демократлаштиришнинг умумий йўлидан бориб, партия ички демократиясини кенгайтириш масалаларини ҳам кўриб чиқиш кераклиги мутлақо табиийдир.

XXVII съездда КПСС Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш чоғида партия турмушининг демократик принципларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қанча муҳим қоидалар амалга оширилганлиги маълум. Бу ишни давом эттириш керак. Раҳбар партия органларини тузиш механизмини такомиллаштириш хусусида маслаҳатлашиб кўриш мақсадга мувофиқ бўлиб туюлмоқда.

Бу хусусда Марказий Комитетга кўпгина турли таклифлар тушди. Мана шу таклифларни умумлаштириш асосида чиқарилган хулосаларни айтиб ўтишга ижозат бергайсизлар.

Аввало, бошланғич партия ташкилотида сайлаб қўйиладиган органларни тузиш тўғрисида. Бу хусусдаги кўпчилик таклифларнинг моҳияти — партия бюролари ва партия комитетларининг секретарларини сайлаш пайтида истисносиз барча коммунистларнинг ўз хоҳишларини билдиришлари учун тўла имконият яратиб беришдан, уларнинг ўзларини сайлаб қўйган кишилар олдидаги масъулиятини оширишдан иборат.

Район, округ, шаҳар, область, ўлка партия комитетларининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг секретарларини сайлаш тартибини ўзгартириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш зарур. Ўртоқларнинг таклиф қилишича, бу соҳада секретарларни, шу жумладан, биринчи секретарларни ҳам тегишли партия комитетларининг пленумларида яширин овоз бериш йўли билан сайлашга ўтиш мумкин. Бунда партия комитетининг аъзолари номзодларнинг исталган сонини овозга қўйиш учун рўйхатга киритиш ҳуқуқига эга бўлур эдилар. Бу тадбир секретарларнинг ўзларини сайлаб қўйган партия комитетлари олдидаги масъулиятини анча ошириши ва ишда уларга кўпроқ дадиллик бахш этиши лозим, уларнинг обрў-эътибори меъёрини аниқроқ белгилаш имконини беради.

Ўз-ўзидан равшанки, партияда Уставнинг ўзгармас принципи амал қилавериши керак, шу принципга мувофиқ юқори органларнинг қарорлари, шу жумладан, кадрлар масалаларига оид қарорлари ҳам барча қуйи партия комитетлари учун мажбурийдир.

Сиёсий бюронинг фикрича, партиянинг марказий раҳбар органларини тузишни ҳам янада демократлаштириш лозим. Буни мутлақо мантиқий деб ўйлайман. Бошқа жамоат ташкилотларида ҳам раҳбар органлар сайловини демократлаштириш, чамаси, мантиқий бўлур эди.

Ўртоқлар, мана шу тадбирларнинг ҳаммаси партиямиз турмушидаги демократик централизм асосларини мустаҳкамлайди, партия сафларининг бирлиги ва жипслигини кучайтиришга, ҳар бир коммунистнинг, барча партия ташкилотларининг, умуман партиянинг интизоми ва масъулиятини, активлигини оширишга кўмаклашади, деган фикрга қўшиласизлар, деб ўйлайман.

Эҳтимол, биз партиянинг сайлаб қўйиладиган органларини тузиш тартиб-қоидасини мураккаблаштириб юбормаймизми, буларнинг ҳаммаси етарли равишда ўринлими ва ишга қай даражада ёрдам беради, деган саволлар туғилиши мумкин.

Биз Марказий Комитетнинг апрель Пленумидан бошлаб, жамиятда йиғилиб қолган проблемалар кўп жиҳатдан партиянинг ўз фаолиятидаги, унинг кадрлар сиёсатидаги камчиликлар билан боғланганлигини доимо таъкидлаб келаяпмиз. Сиёсий бюро сайлаб қўйиладиган органларни тузиш жараёнини

янада демократлаштириш — партия фаолиятини оширишнинг, янги кучлар оқиб келишининг, партия ташкилотлари актив ишлашининг муҳим шарт-шароитларидан бири, ўтмиш хатолари такрорланмаслигига кафолат, деб ҳисоблайди.

Партиядаги сайлов — юзаки бир иш эмас, шу сабабли биз сайловга тайёргарлик кўришга пухта ўйлаб, юксак масъулият руҳида, партия ва жамият манфаатларига асосланиб ёндашишимиз керак.

Жамиятни демократлаштириш партия, совет ва хўжалик органлари, уларнинг кадрлари қандай ишлаётганлиги устидан контрол қилиш тўғрисидаги масалани ҳам янгича тарзда ўртага қўяди. «Юқоридан» контролга келганда, бу соҳада кейинги вақтларда сезиларли ўзгаришлар рўй берганини биласизлар. Танқид ва контрол учун қандайдир «тақиқланган зоналар» ўтмишда қолиб кетмоқда. Марказий Комитет Сиёсий бюроси ва Секретариатининг мажлисларида иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг ҳисоботлари мунтазам равишда тингланмоқда, партия ва жамият турмушининг бошқа принципиал масалалари атрофлича кўриб чиқилмоқда. СССР Министрлар Совети ва унинг Президиуми министрликлар ва идораларга, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига нисбатан анча талабчан бўлиб қолдилар.

Бироқ, очиғини айтганда, Марказий Комитет Сиёсий бюроси, Секретариати ва ҳукумат бу соҳада ҳали кўп иш қилишлари керак. Биз айни бир масаланинг ўзига бир неча мартадан қайта мурожаат этишимизга, уни ҳал қилиш учун қўшимча чора-тадбирлар кўришимизга ҳали ҳам тўғри келиб турибди. Сиёсий бюронинг сўнгги мажлисида Марказий Комитет билан СССР Министрлар Советининг машинасозликни ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қарорлари қандай бажарилаётганлиги муҳокамаси, жумладан, шуни яққол кўрсатди. Биз зарур қарорларни қабул қилаяпмиз, аммо, аввалгидек, уларни белгиланган муддатларда тўла-тўкис амалга оширмаяпмиз. Бунинг сабабларидан бири шуки, ҳали кўп кишилар эски одатлар сарқитидан, ўз вазифаларига масъулиятсизларча қараш иллатидан қутулмаганлар. Интизом бўш. Ҳамма раҳбарлар ҳам сўз билан ишнинг бирлиги принципига амал қилаётганлари йўқ, баъзилари эса ишлашдан кўра кўпроқ гапирмоқдалар. Биз бундан жуда жиддий хулосалар чиқариб олишимиз керак.

Аммо, «юқоридан» контрол нақадар муҳим бўлмасин, жамиятни демократлаштириш шароитларида «қуйидан» контролнинг савияси ва самарадорлигини ошириш принципиал аҳамиятга эга, шундагина ҳар бир раҳбар, ҳар бир мансабдор шахс ўз масъулиятини ва сайловчилар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларига, умуман партия ва халққа бўйсинишини доимо сезиб турадиган бўлади. Меҳнат аҳлидан чиқаётган реал контролликнинг ҳамма воситалари ва усулларини вужудга келтириб мустаҳкамлаш — бу соҳадаги бош масаладир.

Хўш, қандай воситалар ва усулларни назарда тутаяпман?

Аввало, ҳисобот бериб туришни назарда тутаман. Сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган барча мансабдор шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туриши қоидасига оғишмай риоя этиш вақти келди. Ҳар бир мана шундай ҳисобот вақтида жонли ва принципиал муҳокама, танқид ва ўз-ўзини танқид бўлиши, амалий таклифлар киритилиши ва у ҳисобот берган кишининг фаолиятини баҳолаш билан тугаши зарур.

Ана шундагина Лениннинг сайлаб қўйилган органларнинг, раҳбарларнинг иши ҳамма учун ошкора бўлсин, омманинг кўз ўнгида қилинсин, деган талаби бажарилган бўлади. Биз мана шундай контролга эришсак, шикоятлар ва юқори ташкилотларга мурожаатномаларнинг кўпгина сабаблари йўқ бўлиб кетиши, уларда кўтарилган масалаларнинг аксарият ўз жойида ҳал этилиши шубҳасиз. Кенг демократизм шароитида одамларнинг ўзлари ўз коллективида шаҳар ёки қишлоқда тартиб ўрнатиб оладилар.

Халқ депутатлари Советлари, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотлари контрол учун жуда катта имкониятларга эгадирлар. Олий ва маҳаллий Советларда сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик принципларини мустаҳкамлаш, мансабдор шахсларнинг Советлар олдидаги

мунтазам ҳисоботи, депутатлар сўрови практикаси таъсирчанлигини ошириш керак. Мана шундай ёндашув халқ ҳокимияти органларининг омма орасидаги обрў-эътиборини янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Қонтролни такомиллаштириш билан бирга, ҳозир корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга қуюндек ёпирилаётган, одамларни ишдан чалғитаётган, ишда асабийликни вужудга келтираётган турли-туман текшириш ва назоратларни зудлик билан тартибга солиш керак. Бундай текшириш ва назоратларнинг фойдаси одатда, жуда кам. Бу — янги масалалар эмас, бу ҳақда неча марталаб гапирилди ва ёзилди. Аммо иш ҳозирча ўзгаргани йўқ. Чамаси, Марказий Қомитет Секретариати билан СССР Министрлар Советининг Президиуми бу соҳада тегишли тартиб ўрнатишлари, текширишларнинг миқдори кетидан қувмай, балки сифатига кўпроқ эътибор беришлари лозим.

Ижтимоий муҳитни соғломлаштириб, ошкораликни янада ривожлантириш зарур. Бу қурилишимизнинг барча соҳаларидаги ишни яхшилашнинг қудратли воситасидир, умумхалқ контролининг таъсирчан шаклидир. Марказий Қомитет апрель Пленумидан кейин орттирилган тажриба буни яққол тасдиқлаб турибди.

Ошкораликни гарантиялайдиган ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга киришиш вақти келганлиги равшан. Бу ҳужжатлар давлат ва жамоат ташкилотларининг фаолиятида максимал ошкораликни таъминлаши, меҳнаткашларга ижтимоий турмушнинг ҳар қандай масаласи юзасидан ўз фикрини айтиш учун реал имконият бериши керак.

Танқид ва ўз-ўзини танқид социалистик демократиянинг синалган қуролидир. Бунга ошкора эътирозлар йўқ, деса бўлади. Аммо биз ҳаётда жамиятдаги танқидий кайфиятни қўллаб-қувватлаш зарурлигини ҳамма ҳам тушуниб олмаганлигидан далолат берувчи фактларга дуч келиб турибмиз. Баъзан иш шунгача бориб етмоқдаки, айрим ходимлар ҳатто жиндак танқидий фикрни ҳам ўз обрў-эътиборига суиқасд деб билмоқдалар ва уни имкони бўлган ҳамма воситалар билан ҳимоя қилмоқдалар. Бундан устомонлари ҳам чиқиб қолди. Улар танқидни ҳақли деб тан оладилар, ҳатто бунинг учун миннатдорчилик билдирадилар, аммо илгари ҳамма иш ёпиқлигича қолаверганидек, бу сафар ҳам сувдан қуруқ чиқишни мўлжаллаб, камчиликларни тугатишга киришмайдилар.

Танқидга бундай муносабат принципларимизга ва ахлоқимизга мутлақо зиддир. Биз социал-сиёсий турмушга, маънавий соҳага янгича ёндашувларни қарор топтираётган ҳозирги босқичда эса танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳамияти беқиёс ортиб бормоқда. Танқидга муносабат — инсоннинг қайта қуришга, жамиятимизда рўй бераётган ҳамма янгиликларга муносабатининг муҳим мезонидир.

Шу ўринда ҳали ҳам танқидга чидамаслик ва шу билан бирга танқид учун таъқиб қилиш, танқидий чиқишларни тўғридан-тўғри бўғиш фактларига ҳам дуч келиб турганлигимиз тўғрисида таассуф билан гапирмасдан бўлмайди. Баъзан, бу ҳол шундай миқёс ва кўлам касб этмоқдаки, шундай шаклларда содир бўлмоқдаки, Марказий Қомитет ҳақиқат ва адолатни тиклаш, иш манфаатлари учун жон куйдираётган ҳалол кишиларни қўллаб-қувватлаш учун аралашишига тўғри келмоқда. Бу масала хусусида илгари ҳам гапирган эдим. Аммо аҳвол секинлик билан тузатилмоқда. Марказий матбуотнинг фақат январь ойидаги хабарларига эътибор қилсангиз, танқид учун қувғин қилиш асло кам учрайдиган ҳодиса эмаслигини кўрасиз.

Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларининг жамиятимизда танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш соҳасидаги куч-ғайратларини қўллаб-қувватлаш лозим. Совет кишилари қайта қуриш учун уларнинг позициясини муносиб баҳоладилар. Марказий газета ва журналларнинг ўқувчилари ёнига яна 14 миллиондан кўпроқ киши қўшилди. Марказий телевидениенинг долзарб мавзулардаги кўрсатувларини кўп миллионлаб кишилар томоша қилмоқдалар. Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга тааллуқли, жамият турмушининг жуда турли жиҳатларига дахлдор актуал проблемаларнинг ўртага қўйилишидаги дадиллик ва теранлик одамларни ўзига жалб этмоқда. Партия оммавий ахборот воситаларининг

чиқишлари бундан буён ҳам чуқурлиги ва холислиги, юксак граждандик масъулияти билан ажралиб туради, деб умид қилади.

Республика ва маҳаллий нашрларда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар ҳақида ҳам гапириш мумкин. Аммо ҳали уларнинг ҳаммаси ҳам қайта қуришга чинакамига киришгани йўқ, улар масалаларни принципиал ва дадил даражада ўртага қўймаяптилар, камчиликларга танқидий муносабатда бўлмаяптилар. Кўпгина партия комитетлари қайта қуришнинг қудратли воситаси бўлган ахборот воситаларидан ҳамиша ҳам чинакамига фойдаланмаяптилар, айрим жойларда эса уларнинг фаолиятини қисиб қўймоқдалар.

Партия камчилик ва нуқсонлар бундан буён ҳам принципиал ва амалий танқид қилинишига умид боғлаб, шу билан бирга оммавий ахборот воситаларидан меҳнат коллективларининг, партия, совет ва хўжалик органларининг, жамоат ташкилотларининг, раҳбар кадрларнинг қайта қуриш шароитидаги иш тажрибасини янада кенг кўрсатиб беришларини кутади.

Қайта қуриш ўртага қўйган, ва ўйлайманки, яна ўртага қўядиган кўпгина ғоят муҳим масалаларга албатта жавоб топишимиз керак. Биз ҳаммамиз тезроқ қайта қуришга замон руҳида амалий тарзда ёрдам беришимиз керак. В. И. Ленин айтганидек, матбуотнинг мана шу ташкилотчилик вазифасини кун сайин кучайтириш, амалда омманинг коллектив агитатори, пропагандисти ва ташкилотчиси бўлишни ўрганиш лозим.

Яна бир масалада равшанлик бўлиши керак. Совет жамиятида танқид учун ёпиқ зоналар бўлмаслиги керак, деб айтаяпмиз. Бу гап оммавий ахборот воситаларига ҳам тўла-тўкис тааллуқлидир.

Ўртоқлар! Ҳақиқий демократия қонундан ташқарида ва қонундан устун тарзда яшай олмайди. Партия XXVII съезди қонунчилигимизни ривожлантириш ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Ҳозирги беш йилликда экономикани, социал соҳани ва маданиятни, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини ривожлантириш билан, гражданларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кенгайтириш билан боғлиқ бўлган янги қонунларни тайёрлаш ва қабул этиш соҳасида катта иш қилиниши лозим.

Сиёсий бюро яқин вақт ичида янги жиноят қонунларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади. Бу қонунлар совет жамияти тараққиётининг ҳозирги шароитига тўлароқ мос бўлиб тушиши, гражданларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини самаралироқ ҳимоя қилиши, интизом, ҳуқуқ ва тартибни мустаҳкамлашга ёрдам бериши лозим, деган масала қўйилди. Биз совет судининг роли ва обрў-эътиборини ошириш, судьяларнинг мустақиллиги принципига қатъий риоя этиш, прокурор назоратини қатъиян кучайтириш, тергов органларининг ишини такомиллаштириш чора-тадбирларини ҳам пухта ўйлаб чиқишимиз ва шу чора-тадбирларни кўришимиз керак.

Гражданнинг ҳуқуқларини камситувчи мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари хусусида судга шикоят қилиш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрлаб қўйилди ва тез орада муҳокамага тақдим этилади. Давлат арбитражининг ишини яхшилаш, ҳуқуқ пропагандасини кенгайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

Биз совет жамиятини демократлаштириш ҳақида гапирганимизда, биз учун бу принципиал масала, социалистик демократизмнинг асосий, белгиловчи жиҳатини яна бир бор таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Бунда мен демократия билан интизом, мустақиллик билан масъулият, мансабдор шахсларнинг, ҳар бир гражданнинг ҳуқуқлари билан вазифалари узвий бирликда олиб борилишини назарда тутаман.

Қуюшқондан чиқиш, масъулиятсизлик, тартибсизлик социалистик демократияга мутлақо зиддир. Ҳақиқий демократия ҳар бир кишига хизмат қилади, унинг сиёсий ва социал ҳуқуқларини ҳимоя этади, айни вақтда у ҳар бир коллектив ва умуман жамиятга хизмат қилиб, уларнинг манфаатларини қаттиқ ҳимоя этади.

Совет жамияти турмуши ҳамма соҳаларини демократлаштириш муҳимлигининг сабаби аввало шундан иборатки, биз меҳнаткашларнинг ташаббусини янада ривожлантиришни, социалистик тузумнинг бутун потенциалини намоён

этишни шу жараён билан боғлаймиз. Олға ҳаракат қилиш учун, жамиятда қонунчилик мустаҳкамланиб, адолат тантана қилиши учун, инсон эркин яшаб, самарали меҳнат қиладиган ахлоқий муҳит қарор топиши учун турмушнинг ҳамма соҳаларини демократлаштириш зарур.

Ўртоқлар! Ҳақиқий демократиянинг таъсирчанлиги унинг кенг омма манфаатларига қанчалик мос келишига, унга таянишига, жамиятнинг барча қатламлари ва группалари уни қўллаб-қувватлашига боғлиқ. Шу жиҳатдан олганда, қайта қуриш вазифалари демократиянинг социал базасини янада кенгайтиришда резервларимиз ва имкониятларимизни яна бир бор таҳлил этишни талаб қилади. Масалани шу тарзда қўйишнинг ҳаётийлиги равшан кўриниб турибди.

Бутун тажрибамиз сабоғига кўра, партия бурилиш даврида энг қийин, энг дадил вазифаларни ҳал этаётганида доимо комсомолга, ёшларга, уларнинг ғайрат-шижоати ва социализм ишига содиқлигига, турғунликка муросасизлигига, илғор усулларга ихлосмандлигига мурожаат этиб келган. Бугун ҳам биз демократик ўзгартишлар зарурлиги ҳақида, халқнинг қайта қуриш вазифаларини ҳал этишдаги реал иштирокини кенгайтириш ҳақида гапирганимизда ёш авлоднинг позицияси тўғрисидаги масала зўр сиёсий аҳамият касб этади.

Пленумда шуни яна бир бор такрорламоқчиман: биз ёшларимиз билан фахрлана оламиз, уларнинг меҳнатига муносиб баҳо берамиз — бу аслида ҳам, сиёсий жиҳатдан ҳам тўғридир.

Аммо замон ҳар бир кишидан янада кўпроқ ғайрат-шижоатни талаб қилмоқда. Қайта қуришдан манфаатдор бўлган ёшлар эса янада активроқ ҳаракат қилишлари керак, албатта. Улар янгиланган жамиятда яшайдиган ва ишлайдиган кишилардир. Партия ташкилотлари, уларнинг комитетлари, комсомол ёш авлод олдида истиқболни очиб қўйишлари, ёшлар амалда ўзгартишларнинг серғайрат қатнашчиси бўлиб қолишларига интилишлари лозим. ВЛКСМнинг навбатдаги съездини тайёрлашга ҳам шу позициялардан туриб ёндашмоқ керак.

Комсомол билан ишлашда биз уларни меҳнатда, ғоявий-сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан чиниқтиришга эътиборни кучайтиришимиз, ёшлар билан ишлашда кераксиз усуллардан, аввало, насиҳатгўйлик ва маъмуриятчиликдан тезроқ ва қатъият билан воз кечишимиз лозим. Ҳа, уларнинг ҳаммаси бор ва булар ҳақида гапиришимиз керак. Бу нарса нима билан изоҳланмасин — йигит-қизларнинг ижтимоий муддаолари ҳамда хатти-ҳаракатлари оқилона ва етук эканлигига ишонмаслик, оддий эҳтиёткорлик ёки ўз фарзандларининг ҳаётий машаққатларини енгиллаштириш истаги билан изоҳланмасин, — бундай позицияга асло қўшилиб бўлмайди.

Йигит-қизлар шахсини камол топтиришдан, гражданлик позициясини шакллантиришдан, барча жамоат ишларида уларни реал қатнаштиришдан бошқа реал йўл йўқ, ўртоқлар. Конкрет тажрибанинг йўқлиги ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди. Шу боисдан ҳам вужудга келган аҳволни ўзгартириш керак. Бунда нимани назарда тутаяпман?

Аввало, ёшларга кўпроқ ишониш, айни вақтда уларга моҳирона ёрдам бериш ва хатоларни бемалол ўртоқларча танқид қилиш, меҳнатни, ўқишни, турмушни, бўш вақтни ташкил этишда кўпроқ мустақиллик бериш, ўз ишлари ва ҳаракатлари учун кўпроқ масъулият талаб қилишни назарда тутаяпман. Бу эса барча поғоналарда жамиятга раҳбарлик қилишда қатнашиш ҳуқуқини ҳам назарда тутади.

Партиясиз ўртоқларни раҳбарлик ишига кўтариб қўйиш — ижтимоий турмушни демократлаштиришнинг муҳим йўналишидир. Бу принципиал масала. Илғор ишчи, деҳқон, инженер, илмий ходим, врач, ўқитувчи, маиший хизмат ходимининг сиёсий ва амалий жиҳатдан ўсиши, халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодли кишиларни доимо аниқлаш ва юқори вазифага кўтариш — социалистик жамият соғломлиги ва тараққиётининг мустаҳкам гарантияларидан биридир.

Баъзан шундай нуқтаи назарга дуч келинмоқда: ҳозир КПССда 19 миллиондан кўпроқ аъзо бўлганлиги сабабли, партиясизларни кўтариш тўғрисидаги масала гўё эскириб қолган эмиш. Бу — нотўғри фикр, деб

ўйлайман. Шу фикрга асосланиб иш тутиш — партиянинг омма билан муносабатларини издан чиқариш ва очиғини айтганда, гражданларнинг конституцион ҳуқуқларини камситиш, шу тариқа эса кадрлар соҳасидаги имкониятларни ҳам чеклаш бўлур эди. Бизда партиясиз ўртоқларнинг раҳбарлик лавозимларида самарали ишлаётганликларини кўрсатувчи бир талай ажойиб мисоллар ҳозир ҳам бор. Улар завод ва фабрикаларга, колхоз ва совхозларга, қурилиш ташкилотларига, илмий ва педагогик коллективларга, инженерлик муассасаларига бошчилик қилмоқдалар, жамоат ишларини актив олиб бормоқдалар.

Коммунистлар, партиясизлар орасида ҳам кўтариш учун одамларни ошкора танлаб олиш демократлаштириш вазифаларига, кенг меҳнаткашлар оммасини бошқарувга жалб этишга мос бўлиб тушади.

Хотин-қизларни раҳбарлик ишига янада кенгроқ миқёсда кўтариш масаласи ҳам айни шу тарзда қўйилмоқда. Ҳозир партия, давлат лавозимларида, илм-фан, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, енгил саноат, савдо, маиший хизмат соҳаларида кўпгина хотин-қизлар ишлаб турибдилар ва муваффақиятли ишламоқдалар. Ҳозир мамлакат иттифоқ ва республика миқёсида экономикани, маданиятни бошқаришга хотин-қизлар янада активроқ жалб этилишига муҳтождир. Бунинг учун бизда имкониятлар бор. Хотин-қизларга ишонч билдириб, мадад берилса, шунинг ўзи кифоя.

Ўртоқлар! Биз кўп миллатли мамлакатимизда яшаб турганимизни эътиборга олмасдан туриб, ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам ҳал эта оладиган биронта принципиал масала йўқ. Миллий муносабатларни ривожлантиришда социалистик негизларнинг муҳимлигини исботлашнинг ҳожати бўлмаса керак. Айни социализм миллий зулмни ва тенг ҳуқуқсизликни, одамларнинг ҳуқуқларини миллий важлар билан бирон-бир тарзда камситишни тугатди, барча миллат ва элатларнинг иқтисодий, маънавий тараққиётини таъминлади. Хуллас, партиямиз миллий сиёсатининг муваффақиятлари шак-шубҳасиз ва биз бу муваффақиятлар билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Аммо биз миллий муносабатлар ривожланишининг реал манзараси ва истиқболини кўра олишимиз керак. Демократия ва ўз-ўзини бошқариш кенгайтирилаётган, барча миллат ва элатларнинг миллий ўзлигини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёнлари чуқурлашаётган ҳозирги пайтда вужудга келаётган масалаларни имкони бўлган бирдан-бир негизда — ҳар бир миллат ва элатнинг равнақ топиши манфаатларини кўзлаб, уларнинг ўзаро яқинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб, ўз вақтида ва одилона ҳал қилиш алоҳида аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан биз қарши курашаётган салбий ҳодисалар ва издан чиқишлар миллий муносабат соҳасида ҳам намоён бўлганини айтмасдан ўтиб бўлмайди. Йўқ деганда ҳам, маҳаллийчилик кўринишлари, миллий маҳдудлик тенденциялари, миллий кибрланиш кайфиятлари ва ҳатто ҳали яқиндагина Олмаотада бўлиб ўтгани каби можаролар содир бўлиб турибди.

Олмаотадаги воқеалар ва ундан олдин бўлган воқеаларни синчиклаб таҳлил этиш, уларга принципиал баҳо бериш керак. Уларнинг ҳаммасини ҳали синчиклаб ўрганиш лозим. Аммо шу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ равшан: бўлиб ўтган воқеалар Қозоғистон коммунистларинигина эмас, барча партия ташкилотларини, уларнинг комитетларини ҳам миллий муносабатларни янада ривожлантириш, интернационал тарбияни кучайтириш проблемаларига кўпроқ эътибор беришга мажбур қилиши лозим. Ёш авлодни миллатчиликнинг бузғунчилик таъсиридан эҳтиёт қилиш айниқса муҳимдир.

В. И. Ленин: «амалда интернационалист бўла билиш керак», — деб таълим берган эди, шу таълимотни узлуксиз ўрганиш — бизнинг бурчимиздир.

Изчил, саботли интернационализмнигина миллатчилик иллатларига муваффақиятли равишда қарши қўйиш мумкинлигини бутун тажрибамиз кўрсатиб турибди. Биз нимага эришган бўлсак, ҳаммасига умумий меҳнат орқали эришганмиз. Агар бир регионда нефть қазиб олинаётган бўлса, иккинчиси унга нон юборяпти. Пахта етиштираётганлар машиналар олмоқда. Ғалланинг ҳар тоннасида, олтиннинг ҳар мисқолида, пахта, кўмир, нефтнинг ҳар тоннасида, энг оддий машинадан тортиб то ноёб машинагача, ҳар биттасида

бутун совет халқи, бутун мамлакат, бутун кўп миллатли Иттифоқимиз меҳнатининг улуши бор.

Турмушимиз ва биргаликдаги меҳнатимизнинг бутун муҳити, оила ва мактаб, армия, маданият, адабиёт ва санъат барча миллатларга мансуб совет кишиларини ва аввало ёшларни энг олижаноб туйғулар — интернационализм ва совет ватанпарварлиги туйғулари руҳида тарбиялаб вояга етказиши керак.

Ленин талаблари руҳида, XXVII съезд йўл-йўриқлари руҳида, партия, давлат, хўжалик органларида, шу жумладан, Иттифоқ даражасида мамлакатнинг барча миллат ва элатларидан вакиллар бўлиши, раҳбар кадрларнинг состави унинг миллий структурасини ғоят тўла-тўкис акс эттириши йўлини қатъият билан ўтказиш зарур.

Бунда гап ўринлар ва лавозимларни миллий белгига қараб механик тарзда тақсимлаш ҳақида бораётгани йўқ, албатта. Бу интернационализм ғоясининг ўзини сийқалаштириш бўлур эди. Сиёсий, ишчанлик, ахлоқий фазилатлар ҳамма ҳолатларда ходимнинг қиёфасини белгилайдиган фазилатлардир. У ёки бу проблемадаги миллий жиҳатларнинг алоҳида нозиклигини, одамларнинг турмуш тарзи, психологияси ва феъл-атворидаги миллий анъаналарни ҳам назардан қочириш ярамайди. Мана шуларнинг ҳаммасини жуда синчиклаб эътиборга олиш лозим.

Ўртоқлар, баъзи раҳбарлар миллатлараро муносабатлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга баъзан унчалик масъулият билан ёндашмаётганликларини айтиб ўтишим керак.

Турли республикаларнинг кўшни районлари ёки областлари ўртасидаги муносабатларда ўқтин-ўқтин англашилмовчиликлар чиқиб турибди. Баъзан бу англашилмовчиликлар низога айланиб, ҳатто жанжаллашишгача бориб етмоқда, партия ва совет органларининг раҳбарлари эса эҳтиросларни жиловлаш ёки пасайтириб қўйиш ўрнига принципиал қарорларга келишдан ўзларини четга олмоқдалар. Сиёсий ходимлар бундай вазиятларда омилкорлик билан иш тутишлари, носоғлом ҳис-ҳаяжоннинг шаштини пасайтиришлари лозим.

Назарий тафаккуримиз миллий муносабатлар практикаси олдида катта қарздор бўлиб қолмоқда. Миллий сиёсат масалалари мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичига мувофиқ тарзда мутлақо етарли ишлаб чиқилмаётганини назарда тутаяпман. Баъзи жамиятшуносларимиз миллий муносабатлар соҳасидаги реал ҳодисаларни объектив тадқиқ этиш, жуда мураккаб ва моҳият эътибори билан зиддиятли бўлган ҳақиқий социал-иқтисодий ва маънавий жараёнларни таҳлил этиш ўрнига узоқ вақтдан буён баъзан жиддий илмий тадқиқотдан кўра қадаҳ кўтариб баланд кайфиятда айтиладиган гапларни эслатувчи дабдабали рисолалар яратишни афзал кўрганликлари факт эмасми, ахир, ўртоқлар.

Миллий муносабатлар соҳасида йўл қўйилган хатолар, уларнинг кўринишлари панада қолиб кетганлигини ва улар ҳақида гапириш одат бўлмаганини тан олмоқ керак. Бу эса салбий оқибатларга олиб келди, булар билан ҳозир шуғулланишга тўғри келмоқда.

Биз XXVII съездда партиямизнинг В. И. Ленин бошлаб берган анъанаси: миллий муносабатларнинг ривожланишига тааллуқли бўлган, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, одамларнинг миллий туйғуларига дахл қиладиган ҳамма ишда алоҳида сезгирлик ва эҳтиёткорлик кўрсатиш, бу соҳада вужудга келган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш анъанаси мустаҳкамлигини таъкидлаб ўтдик.

Миллий маҳдудлик ва гердайиш, миллатчилик ва шовинизм, маҳаллийчилик, сионизм ва антисемитизм қандай шаклларда намоён бўлмасин, уларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш большевизм анъаналарига хосдир. Миллатчилик ва пролетар интернационализми бир-бирига зид икки сиёсат, бир-бирига зид икки дунёқараш эканини биз доимо ёдда тутишимиз керак.

Биз шу позицияларга асосланиб, қатъий ва принципиал бўламиз. Одамларнинг миллий ҳис-туйғуларини ҳурмат қилиш керак, уларни менсимаслик ярамайди, аммо бу ҳис-туйғулар билан ўйнашиш ҳам ярамайди.

Миллатчилик ёки шовинистик хурофотларни рўкач қилиб, улардан фойдаланиб қолувчи кимсалар бу хусусда ҳеч қандай хом хаёлга берилмай қўя қолсинлар ва бўшашувчилик бўлишини кутмай қўяқолсинлар.

Принциплар шунинг учун ҳам принциплардирки, уларга хилоф иш тутиб бўлмайди, ўртоқлар. Бундай позицияни, принципиал, ленинча позицияни бутун партия, бутун кўп миллатли совет халқи қўллаб-қувватлаши шубҳасиз.

III. ҚАЙТА ҚУРИШ ШАРОИТИДАГИ КАДРЛАР СИЁСАТИ

Ўртоқлар! Қайта қуришнинг муваффақияти ўзгартишлар зарурлигини кадрларимиз нақадар тез ва чуқур идрок қилиб олишларига, партиянинг йўлини нақадар ижодий ва собитқадамлик билан турмушга татбиқ этишга ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканини ҳаммамиз яхши тушуниб турибмиз, деб ўйлайман. Қайта қуриш вазифаларига, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш зарурлигига мос бўлиб тушадиган кадрлар сиёсати керак. Биз шу сиёсатнинг илк талабларини таърифлаганда ўтмиш сабоқларини ҳам, ҳозир ҳаёт ўртага қўйган кенг миқёсли янги вазифаларни ҳам эътиборга олишимиз лозим.

Мамлакатдаги социалистик қурилиш йилларида қудратли юксак малакали кадрлар потенциали вужудга келтирилди, ишчи ва деҳқонлар, бутун халқнинг беқиёс ўсган маълумот ва маданият савияси эса бу потенциални доимо тўлдириш ва янгилаш учун қулай шарт-шароитларни яратиб бермоқда. Биз қилган ҳамма ишлар, биз эришган барча ютуқлар — совет кишилари ижодининг маҳсулидир, кадрларимиз фидокорона ишининг натижасидир.

Шу билан бирга ҳозирги Пленумда кейинги йилларда кадрлар билан ишлашда йўл қўйилган хатолар, кадрлар сиёсатидаги қинғайишлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш зарур. Бу хато ва қинғайишлар партия, давлат ва хўжалик аппаратининг бир қанча бўғинлари фаолиятида катта-катта камчиликларга, жамиятдаги салбий ҳодисаларга олиб келди. Партия органлари принципиал, самарали кадрлар сиёсатини ҳамиша ва изчиллик билан ўтказиб келганларида, партия раҳбарлиги ва хўжалик бошқарувининг барча бўғинлари юксак ишчанлик қобилиятини таъминлаганларида кўпгина янглишишларга йўл қўйилмаган бўлур эди.

Ўз-ўзидан равшанки, ҳозир фақат йўл қўйилган хатоларни тан олиш билангина чекланиш ярамайди. Келгусида бундай янглишишларга йўл қўймаслик учун биз ўтмишдан сабоқ олишга мажбурмиз.

Хўш, бу сабоқлар нималардан иборат?

Уларнинг биринчиси партия Марказий Комитетининг ўзида, унинг Сиёсий бюросида — аввало, раҳбарликдаги давомийликни, янги кучлар оқиб келишини таъминлаш нуқтаи назаридан кадрларга оид етилган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш зарурлигидан иборат. Шу табиий жараёнга хилоф иш тутиш босқичлардан бирида Сиёсий бюро ва Секретариатнинг, қолаверса, умуман КПСС Марказий Комитети, унинг аппаратининг, шунингдек, ҳукуматнинг иш қобилияти бўшашишига олиб келди.

Дарҳақиқат, ўртоқлар, апрель Пленумидан кейин қисқа муддат ичида КПСС Марказий Комитети Секретариати ва бўлим мудирларининг кўпчилик қисми янгиланди, СССР Министрлар Совети Президиумининг бутун состави алмаштирилди. Бундай алмаштириш зарур эди, чунки узоқ вақт мобайнида Марказий Комитет ва ҳукумат составининг янгиланиши, уларнинг ҳаёт талаб қилганидек янги кадрлар билан тўлдирилиши таъминланмаган эди. Мана шуларнинг ҳаммаси пировард натижада партиянинг сиёсатини ишлаб чиқишга ҳам, унинг жамиятга раҳбарлик қилиш соҳасидаги амалий фаолиятига ҳам таъсир ўтказди.

Энди бунинг такрорланиши мумкин эмас ва лозим ҳам эмас. Янгиланиш жараёни узлуксиз бўлиши, давомийлик бузилмаслиги учун КПСС Марказий Комитети, Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси ва Секретариати, ҳукумат, партия ва давлат раҳбарлигининг олий эшелонлари фаолиятнинг турли

соҳаларидан янги кучларнинг оқиб келиши учун очиб қўйилиши керак. Масалани бундай тарзда қўйиш кадрлар сиёсатидаги ленинча тушунчага, партия ва халқ манфаатларига тўла-тўкис мос бўлиб тушади.

Партия Марказий Комитети жуда катта ишни бажариб келди ва бажармоқда, албатта. Аммо бу ишнинг савияси ҳеч қачон, ҳар қандай вазиятларда ҳам пасаймаслиги керак. Аксинча, у доимо ўсиб бориши ва ҳаёт, жамиятнинг тараққиёти, халқаро вазият ўртага қўяётган талабларга муносиб бўлиши лозим. Марказий Комитетнинг фаолиятида ҳеч қандай бўшашувчиликка йўл қўйиб бўлмайди.

КПСС Марказий Комитети ишда ленинча ғоялар, принциплар ва усулларни мужассамлаштириш намунаси бўлиши керак. Пленумларимизда ҳақиқатан ҳам партия турмушининг, мамлакат ички ва халқаро аҳволининг энг муҳим масалалари муҳокама қилиниши лозим. Юксак масъулият туйғуси билан, ғоявий жипслик ва нуқтаи назарларни кенг миқёсда таққослаш вазиятида эркин, рўй-рост муҳокама қилиниши зарур.

Шу муносабат билан Марказий Комитет аъзоларининнг роли, уларнинг ҳуқуқлари ва масъулияти ҳақида алоҳида гапириб ўтмоқчиман. Пленумларда Марказий Комитет ҳар бир аъзосининг масалаларни қўйиш ва уларни коллектив ҳолда ижодий муҳокама қилишда қатнашиш ҳуқуқи таъминланиши зарур. Партияда — айниқса Марказий Комитетнинг Пленумларида — танқиддан ташқарида турадиган кишилар ҳам, танқид қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган кишилар ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бу ўринда биз кўпгина ишларни тузатишимиз керак бўлади. Келинглар, очиғини айтайлик: партия билан халқни тўлқинлантириб турган бир талай энг зарур проблемалар бир қанча йиллар мобайнида Пленумларнинг кун тартибига киритилмай келинди. Марказий Комитетнинг Пленумлари бир неча бор қисқагина тарзда, юзаки ўтказилгани ўртоқларнинг эсида. Марказий Комитетнинг кўпгина аъзолари унинг составида бўлган бутун муддат мобайнида музокараларда қатнашиш ва ҳатто таклифлар киритиш имкониятига эга бўлганлари йўқ. Маҳаллий партия комитетлари ва ташкилотларининг иш услубига ҳам Марказий Комитет Пленумларидаги бундай муҳит ўз таъсирини ўтказди.

Ўтмиш тажрибасининг иккинчи сабоғи шундан иборатки, ўртоқлар, биз кадрларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлиги, уларни ғоявий-ахлоқий жиҳатдан чиниқтириш ишига етарли баҳо берилмаслигига йўл қўймаслигимиз керак. Акс ҳолда, бу нарса сиёсий раҳбарлик органлари бўлмиш партия комитетларининг фаолиятида жуда жиддий қусурларга айланиб кетади.

Кейинги йилларда кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашда бу мезонлар баъзан эътиборга олинмади. Ходимнинг ишлаб чиқаришнинг у ёки бу тармоғи, фан ва техника, технология хусусиятларини билиши, унинг иродалилик негизлари кўпинча биринчи ўринга қўйилди. Буларнинг ҳаммаси аҳамиятли эканлиги шубҳасиз, аммо шу билан бирга раҳбарларнинг ғоявий-назарий билим доираси ва сиёсий етуклиги маънавий мустаҳкамлиги, одамларни ишонтириш ва ўзига эргаштира билиш қобилияти сингари фазилатларини эътибордан четда қолдиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Технократик, «маъмурий қисув» иш услуби партиявий ишга, аввало одамлар билан ишлашга, яъни партия фаолиятидаги асосий ишга анчагина зиён етказганини рўй-рост ва очиқ-ойдин тан олмоқ керак. Кўпгина партия ходимлари хўжалик ташвишларига берилиб кетиб, бир қанча ҳолларда ўз зиммаларига ўзларига хос бўлмаган вазифаларни олиб, сиёсий масалаларга, экономика, социал ва маънавий турмуш соҳасида ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисаларга эътиборни сусайтириб юбордилар.

Бундай услуб замирида объектив сабаблар бор, албатта. Бу сабаблар халқ хўжалигини бошқаришнинг бир қанча масалалари ҳал этилмаганлиги билан, самарали хўжалик механизмининг йўқлиги билан боғлиқдир. Мана шундай вазиятда кўпгина партия комитетларн ўз масъулиятларини, халқ олдидаги ўз бурчларини сезиб, бир талай хўжалик проблемаларини ҳал этишни зиммага олишга мажбур бўлдилар. Бу ҳолат кўп йиллар мобайнида рўй бериб келди, иш услуби ва методларига чуқур сингиб кетди ҳамда партиявий раҳбарлик

принципларида, кадрларимиз составининг ўзида маълум даражада издан чиқишга олиб келди.

Мамлакатда бошқарув ва хўжалик механизмини қайта қуриш соҳасидаги кенг миқёсли тадбирларнинг амалга оширилиши партия комитетлари ва ташкилотларининг ишини такомиллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларида партиявий таъсирни кучайтириш, кўриб чиқилаётган барча проблемаларга сиёсий назар билан ёндашиш услубини амалга ошириш учун кенг имкониятлар очади.

Партия комитетларини экономикадаги аҳвол учун ғамхўрлик қилиш ва масъулиятдан ҳеч ким халос эта олмаслигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бунда гап, юқорида айтиб ўтганимдек, партиявий раҳбарлик методларини хўжалик органлари ўрнини босишга ва икир-чикир ишларда уларга васийлик қилишга йўл қўймайдиган тарзда такомиллаштириш тўғрисида бормоқда.

Биз чиқаришимиз лозим бўлган учинчи сабоқ шундан иборатки, кейинги йиллардаги кадрлар сиёсатида бир-бирига зид икки тенденция мантиққа тўғри келмайдиган ҳолда муроса қилиб келди. Ўртоқлар, бунда мен нимани кўзда тутяпман?

Бир томондан, кадрлар корпусида турғунлик ҳолати анча кучли намоён бўлди. Бир қанча партия комитетлари секретарларининг составида, маҳаллий, республика ва иттифоқ даражасидаги совет ва хўжалик органлари ходимлари орасида баъзида ўн йиллаб зарур кадр ўзгаришлари рўй бермади, янги кишилар қўшилмади.

Шу ҳақда гапирар эканман, юзлаб ва минглаб ажойиб ходимларни, айниқса ҳамма куч ва билимларини партия билан халққа фидокорона хизмат қилишга сарфлаган ва сарфлаётган район ҳамда шаҳар бўғинидаги ходимларни заррача бўлсада камситмоқчи эмасман. Улар кўп йиллар мобайнида ҳалол ишлаб, дарҳақиқат муносиб обрў қозониб, раҳбарлик лавозимларини эгаллаш ҳуқуқларини тасдиқламоқдалар. КПСС, халқ уларнинг осон бўлмаган меҳнатларини, катта хизматларини юксак даражада қадрлаб, уларга муносиб баҳо бермоқда.

Принцип жиҳатидан олганда, кадрларнинг барқарорлиги зарур. Бу маълум, айни вақтда яхши ўзлаштирилган қоидани исботлаб ўтиришга ҳожат йўқ деб ўйлайман. Лекин уни ҳаддан ошириб юбориб, бемаъниликкача етказмаслик керак. Бу нималарга олиб келганини, аслида кадрлар турғунлигига айланиб кетган сунъий муқимлик ҳозир ҳам қимматга тушаётганлигини жуда яхши биламиз.

Иккинчи томондан, кадрлар ишида, айниқса халқ хўжалиги бошланғич бўғини даражасида яна бир ташвишли тенденция ҳам бор эди. Бу ерда гап саноат корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа ташкилотлар раҳбар кадрларининг тез-тез алмаштирилганлиги, ҳақиқий тартибсизлик тўғрисида боряпти.

Юқори малакали ишлаб чиқариш ташкилотчиларининг роли нақадар катта эканлигини биласизлар. Коллективларнинг раҳбарлари — коммунистлар ва партиясизлар — социал-иқтисодий сиёсатни ўтказишда партиянинг асосий таянчи бўлиб, уларнинг зиммасига катта ҳажмдаги хилма-хил вазифалар юкланган. Шундай экан, битта савол бераман: кўпгина район ва областларда саноқли йиллар ичида меҳнат коллективлари раҳбарларининг состави қандай қилиб батамом ўзгариб кетди?

Кадрлар билан жонли иш олиб бориш, уларнинг сиёсий ва профессионал ўсишлари, уларга амалий ёрдам бериш тўғрисидаги ҳақиқий ғамхўрлик иккинчи ўринга ўтиб, ўрнига буйруқбозлик қилинган, уларнинг фаолияти ва имкониятлари тўғрисида шошмашошарлик билан, пухта ўйламай мулоҳаза юритилгандагина шундай бўлиши мумкин. Ўз шаъниларига айтилган бу жуда жиддий таънадан партия комитетлари тўғри хулоса чиқариб оладилар деб ўйлайман.

Таассуфки, шундай партия комитетлари, шундай секретарлар ҳам борки, улар ўз ишларидаги хатоликлар, баъзан эса ўпирилишларни ҳам кадрларга нисбатан хўжакўрсинга талабчанлик қилиш, сохта принципиаллик билан

хаспўшлаб, на ишнинг моҳияти тўғрисида, на кишиларнинг тақдири ҳақида ўйлайдилар.

Шу муносабат билан йўл қўйиб бўлмайдиган яна битта ҳодиса ҳақида гапириб ўтмоқчиман. Бу ерда мен баъзи раҳбарларнинг ўзларига бўйсунувчи кишиларнинг мустақил ҳаракатлари ва фикр юритишларини ёқтирмасликларини назарда тутяпман. Кўпинча шундай бўлиб ҳам турадики, у ёки бу ходим партия комитетининг секретари, министрлик ёки идора, корхона, муассаса ёки ташкилот раҳбарининг фикрига тўғри келмайдиган мустақил фикр айта бошлаши билан ундан ҳар қандай баҳоналар билан, ҳаттоки, баъзида ташқаридан тузук кўринган баҳоналар билан тезроқ қутулишга ҳаракат қилиб қолишади. Шундай қилса иш яхши бўлармиш. Хўш, кимга яхши бўлади? Ишгами? Сира ҳам ундай эмас? Иш учун бу ҳамиша ёмон бўлади.

Бизларнинг ҳаммамиз бу борада ҳам В. И. Лениндан ўрганишимиз керак. У одамларни ҳаммадан кўра яхшироқ жипслаштира олар, ишларни ҳамжиҳатлик билан йўлга солиб юборар, ташаббускор кишиларни қўллаб-қувватлар, партия сафидаги ўртоқларнинг фикрига диққат билан қулоқ сола билар, зарурат туғилса, сабр-тоқат билан уларни фикридан қайтара оларди. Принципиаллик, талабчанлик ва эътиборли бўлишни ундан ўрганишимиз керак.

Кадрлар соҳасидаги ишимизнинг тўртинчи сабоғи топширилган иш учун масъулият туйғусини кучайтиришдан, интизомни мустаҳкамлашдан, ўзаро талабчанлик вазиятини вужудга келтиришдан иборатдир. Район, шаҳар, область, республика ва ҳатто Иттифоқ микёсидаги кўпгина раҳбарлик лавозимларини ўз вазифаларини уддалай олмаган бебурд ва интизомсиз кишилар ўн йиллаб эгаллаб келганликлари қандай рўй берди экан, ўртоқлар?

Бунинг оқибатлари яхши маълум. Кўп йиллар мобайнида бир қанча соҳаларга, шу жумладан қора металлургия, кўмир саноати, темир йўл транспорти, станоксозлик, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, гўшт-сут саноати ва бошқа баъзи соҳаларга ўз олдиларига қўйилган вазифалар бажарилишини таъминлай олмаган раҳбарлар бошчилик қилиб келдилар. Гўё буни ҳамма биларди, тармоқлардаги ишларнинг аҳволи СССР Олий Советининг сессияларида, Марказий Комитет Пленумлари ва ҳатто партия съездларида кўпинча танқид ҳам қилинарди, лекин ҳамма иш аввалгича қолаверарди.

Кўп йиллардан бери ишлаб чиқариш планлари бажарилмай келаётган, социал масалалар ўз ҳолига ташлаб қўйилган область ва республикалар, шаҳар ва районлар йўқ дейсизми? Ҳолбуки, айни маҳалда уларнинг раҳбарлари ишдаги муваффақиятсизликлар учун ҳеч қандай жавобгар бўлмасдилар, ҳаммасини кечириб юборишаверарди.

Корхоналар, хўжалик ташкилотлари, соғлиқни сақлаш, маориф, фан ва маданият муассасаларининг, ахборот органларининг баъзи раҳбарлари тўғрисида ҳам айни шу гапни айтиш мумкин: улар ишларни аллақачон бўшаштириб юбориб, ўз вазифаларини уддалай олмаётган бўлсаларда, ишни бежаб кўрсатишни, муомалани билишарди. Яқин-яқинларда ҳам раҳбарлик курсисини сақлаб қолиш учун шунинг ўзи кифоя эди.

У ёки бу раҳбар ўрнига тушмаган, аравасини торта олмайдиган ҳоллар ҳам бўлади. Ҳамма иллат шундаки, у лавозимга ўтириб олган-у, лекин ишни уддалай олмайди. Бундай ҳолларда нима қилиш керак? Ўйлайманки, бундай хатоларни тан олиб, уни тузатиш ва аҳволни зўрайтирмасдан бу одамга қурби етадиган иш бериш керак.

Биз партия, жамият, халқ манфаатлари ҳисобига «саховатпеша» бўлолмаймиз ва бўлишимиз ҳам мумкин эмас. Бизнинг ўзгармас қонунимиз партия, халқ манфаатларини ҳамма нарсадан юқори қўйишдан иборатдир. Кадрлар тўғрисида ҳақиқий ғамхўрлик кўнгилчанлик ва раҳмдилликка, саховатлилик ва хушомадгўйликка зиддир. Шу сабоқни ҳам дилимизга маҳкам жо қилиб олмоғимиз керак.

Ниҳоят яна битта сабоқ тўғрисида гапирмоқчиман. Пленумимизда нима учун кадрлар ишида йиғилиб қолган мана шу проблемаларнинг ҳаммаси узоқ вақт эътиборсиз ва ҳал этилмай қолиб келди, деган саволни қўйиш ўринли бўлади. Нега шундай бўлди? Кўриб турибсизки, бу ғоят жиддий савол.

Сиёсий бюронинг фикрича, бунинг бош сабаби кадрлар ишида демократик

асосларнинг бўшлигидир. Принципиал жиҳатдан олганда, партия ички демократияси партия стратегик йўлини, қайта қуриш вазифаларини амалга оширишнинг асосий кафолоти эканлиги тўғрисида гапириб ўтдим. Демократлаштиришнинг КПССда сайлаб қўйиладиган органларни тузиш каби туб масаласи хусусидаги таклифлар ҳам айтилди.

Ҳозир эса сайлаб қўйиладиган барча органларнинг ролини ошириш тўғрисидаги масалани алоҳида ажратиб кўрсатишни хоҳлардим. Очиқ эътироф этиш керакки, партияда, шунингдек давлатда, касаба союз ташкилотлари ва бошқа жамоат ташкилотларида бу органлар соғлом ишлаб турганида кадрлар ишидаги кўпгина жиддий камчиликларга йўл қўймаслик мумкин бўлур эди.

Ҳаётга сергак назар ташлайлик: сайлаб қўйиладиган органларга нисбатан ижроия органларининг роли ҳаддан ташқари ошиб кетди. Бир қарашда гўё ҳамма иш нормал кетаётгандек бўлиб туюлади. Пленумлар ҳам, сессиялар ҳам, сайлаб қўйиладиган бошқа органларнинг мажлислари ҳам мунтазам ўтказиб турилади. Лекин уларнинг иши кўпинча расмиятчиликка айлантириб юборилган бўлиб, муҳокамага иккинчи даражали масалалар ёки олдиндан ҳал этилган масалалар қўйилади. Натижада ижроия органлари ва уларнинг раҳбар кадрлари фаолияти устидан зарур назорат йўқ. Баъзи ўртоқлар сайлаб қўйиладиган органларга ортиқча юк ва халақитлардан иборат аллақандай даҳмаза деб қарашгача бориб етдиларки, буни сир тутмаса ҳам бўлади. Мана иш қаергача бориб етди!

Бунинг оқибатида ижроия комитетларини тузишда, кадрларни танлашда, уларнинг фаолиятини назорат этиб туришда Советлар депутатларининг, партия органлари ва бошқа коллегиал органлар аъзоларининг роли пасайиб кетди. Штат аппарати билан сайлаб қўйиладиган органлар аъзолари ўзаро муносабатларининг характери, услуби шундан далолат бермайдими? Аппарат ходимларининг партия комитетлари аъзоларига, бошқа жамоат ташкилотлари аъзоларига, Советларнинг депутатларига буйруқ беришга уринишлари ҳамма ерда учраб туради. Амалда эса шундай бўлиб чиқмоқдаки, сайлаб қўйиладиган органларни тузиш ва улар ишининг демократик механизмлари эълон этилгану, лекин ҳамиша ҳам ишлайвермайди, бинобарин, етарлича самарали бўлиб чиқмаяпти.

Шунинг учун ҳам қайта қуриш шароитларида социалистик демократияни ривожлантириш тўғрисида айтилган гапларга яна бир карра қайтиб, ушбу масалалар юзасидан баён этилган таклифларнинг актуаллигини ва жуда муҳим аҳамиятга эга эканлигини яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Биз коллегиал, сайлаб қўйиладиган органларнинг ҳал қилувчи ролини таъминлай оладиган чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, уларни амалга оширишимиз керак. Ҳеч қайси ижроия органи, айниқса унинг аппарати сайлаб қўйиладиган орган ўрнини босиши, ундан устун келиши мумкин эмас ва бундай ҳуқуқи йўқ.

Сайлаб қўйиладиган органлар ижроия аппарати, унинг тузилиши ва фаолияти устидан самарали контрол олиб бориши учун зарур сиёсий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилиши лозим. Бу кўпгина хатоликларнинг, шу жумладан, кадрлар ишидаги хатоликларнинг олдини олишнинг пухта гарови бўлади.

Пленум қатнашчилари масала шундай қўйилишининг бутун принципиаллигини ва уни кечиктирмай ҳал этиш зарурлигини яхши англайдилар, деб ўйлайман.

Партияда, шунингдек давлат ва жамоат ташкилотлари доирасида назорат органлари ролининг бўшашиб кетганлиги кадрлар сиёсатидаги жиддий нуқсонларнинг сабабчиларидан биридир. Халқ хўжалигининг бир қанча регионлари ва тармоқларида, область, ўлка ва республика партия комитетларида суиистеъмол қилиш ва бузилишлар тўғрисида келган кўпдан-кўп сигналларга улар эътибор бермаганлар. Контрол органларининг иши кўпинча юзаки текширишлар ва расмият учун ўтказилган молиявий ревизиялар ҳар хил шикоятлар ва маиший ихтилофларни кўриб чиқиш билан чекланиб қолган. Бу масалалар ҳам эътибор беришни талаб қилади, албатта. Лекин ишларни айниқса ҳозирги пайтда фақат шулардан иборат қилиб қўйишга йўл қўйиб бўлмайди.

КПССнинг XXVII съезди контрол органларининг фаолиятини янги

йўналишга солиб юборди. Район органларидан тортиб марказий органларгача уларнинг ҳаммаси ўзининг юксак бурчини оқлаши, принципиаллик ва адолат намуналарини кўрсатиши муҳимдир.

Умуман, ўртоқлар, ўтмишда йўл қўйилган хатоларни такрорлай олмаймиз, такрорламаслигимиз керак. Ҳа, хатоларнн такрорлашимизга ҳеч ким йўл қўймайди деб ўйлайман.

Сиёсий бюроннинг фикрига кўра Пленумга маълум қилиш зарур бўлган кадрлар сиёсатининг асосий сабоқлари ана шулардан иборат.

Булардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, биз кадрлар сиёсатини жиддий равишда янгилашимиз, уни оғишлар ва нуқсонлардан холи этишимиз, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун курашнинг муҳим йўналишлари билан чамбарчас боғланган чинакам замонавий, янада актив ва собитқадам сиёсатга айлантиришимиз керак.

Такрор айтаманки, гап кадрларга доир ишни ташкил этишни шунчаки такомиллаштириш тўғрисидагина эмас, балки қайта қуриш вазифаларига мос бўлиб тушадиган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш тўғрисида бормоқда. Мана шундай кенг кўламда ёндашилган тақдирдагина кадрлар билан ишлаш чуқур, ўз моҳиятига кўра, революцион ўзгаришларни амалга оширишга хизмат қилади.

В. И. Ленин кадрлар билан ишлашга аввало сиёсий жиҳатдан ёндашишни, бу ишни мазкур босқичда ҳал этилаётган проблемаларнинг моҳияти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўриб чиқишни, кадрларни «янги ўлчов билан, янги вазифаларга мувофиқ ҳолда» танлашга ўргатган эди. Хўш, бу гап ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичига татбиқан қандай маънони билдиради?

Ҳозир кадрларнинг қайта қуришга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларига муносабати, сўзда эмас, балки амалдаги муносабати кадрлар сиёсатининг ҳал қилувчи мезони, унинг ўзига хос синов воситаси бўлиб қолмоқда. Биз кадрларнинг камол топиши ва фаолияти узоқ вақт мобайнида асло яхши шароитларда давом этмаганлигини эътиборга олишимиз керак, албатта. Шунинг учун ҳам ўзгаришлар осонликча бормаяпти. Биз кадрлар корпусини қайта қуриш соҳасида синчиклаб ва қатъият билан иш олиб боришимиз керак бўлади.

Биз дадил олға бора оладиган ва шуни истаётган, муваффақиятга эриша биладиган, ташаббускор, ўйлаб иш қиладиган, серғайрат кишиларни қўллаб-қувватлаш йўлига қатъий амал қила бошладик. Бизда бундай кишилар кўп. Апрель Пленуми ва XXVII съезд қарорлари уларга қанот бағишлади, ижодий фаолият учун кенг имконият очди. Ивановодан Владимир Павлович Қабаидзе, Ленинграддаги «Электросила» бирлашмасидан Борис Иванович Фомин, Таганрогдаги «Красний котельщик» заводидан Анатолий Алексеевич Паршин, Новолипецк металлургия комбинатидан Иван Васильевич Франценюк, Новочеркасск тикувчилик фабрикаси директори Раиса Георгиевна Рошчинская, Донецкдаги «Социалистический Донбасс» шахта бошқармасининг директори Юрий Иванович Баранов, «Мособлсельстрой»га қарашли 18-трест бошқарувчиси Николай Ильич Травкин, Белоруссиядаги «Мир» совхоз-комбинатининг директори Александр Николаевич Дудук, кубанлик машҳур бригадир Михаил Иванович Қлепиков, колхоз раислари — Белгород областидан Василий Яковлевич Горин, Ставрополь ўлкасидан Николай Дмитриевич Терешченко, Горький областидан Михаил Григорьевич Вагин, Новосибирск областидан Юрий Федорович Бугаков сингари ва кўпгина бошқа хўжалик раҳбарларининг истеъдоди янгича, ёркин ва зўр намоён бўлаётганига бир назар ташланг.

Биз шундай ходимларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга, уларниг мустақиллиги, ташаббускорлигини қадрлашга ўрганишимиз лозим. Ҳар бир партия ташкилотида, ҳар бир меҳнат коллективида шундай муҳитни вужудга келтириш муҳимки, у барчани самарали қарорларни излаб топишга, ниҳоятда очиқ, рўй-рост фикрлашувга ундайдиган бўлсин. Қадрларга қаттиқ танбеҳ бериш, уларни тарқатиб юбориш, койиш каби машъум методлардан қатъиян халос бўлиш керак, албатта. Ваҳолонки, ҳозир ҳам кўпинча ана шундай методларни ишга солишмоқда. Биз кадрларни тез-тез алмаштириб туриш

тарафдори эмас, балки қайта қуриш тарафдоримиз. Одамларни ҳурмат қилиш ва уларга кўпроқ ишониш керак, ўртоқлар.

Ҳозир ҳар кимнинг ўз қобилиятини намоён этиш имконияти бор. Зотан ишлашни истаётганларга биз маслаҳат билан ҳам, ўртоқларча талабчанлик билан ҳам ёрдам беришимиз лозим. Эскиликка ёпишиб олаётган, рўй бераётган ўзгаришларга лоқайд бўлиб қолаётган ва ҳатто бундай ўзгаришларга қаршилик қилаётган кимсалар билан эса, табиийки, бизнинг йўлимиз бир эмас.

Шундай қилиб, қайта қуришга муносабат, уни амалга ошириш борасидаги реал ишлар — кадрларга баҳо беришда ҳал қилувчи ёндашувдир. Биз бошқа принципиал фазилатларни ҳам ҳисобга олишимиз шарт, албатта. Аввало мен камчиликларга, эскиликка, лоқайдлик ва пассивликка нисбатан муросасизликни, барча илғор ва прогрессив нарсаларга ихлосмандликни назарда тутаяпман.

Қайта қуриш ходимлардан билимдонликни ва юксак даражада профессионализмни талаб этади. Эндиликда ишлаб чиқариш, фан ва техника, бошқариш, экономика, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, психология масалаларида замонавий ва ҳар томонлама тайёргарликсиз, чуқур билимларсиз иш кўришнинг иложи йўқ. Умуман биз мамлакатнинг маънавий потенциалини мумкин қадар кўпроқ ишга солишимиз, унинг ижодий самарадорлигини анча оширишимиз лозим.

Уюшқоқлик ва интизом тобора кўпроқ аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ҳамиша ва ҳамма жойда, аммо ҳозирги ишлаб чиқариш шароитида, энг янги технологиялар кенг қўлланилаётган шароитда уюшқоқлик ва интизом айниқса зарурдир. Кейинги йилларда биз оддий тартибни ўрнатиш, бўшашувчанликни бартараф этиш йўли билан иқтисодий ўсиш суръатларини сезиларли равишда кучайтира олдик.

Аммо бу вазифа ҳамон долзарб бўлиб қолмоқда. Интизом бўшашиб кетганлиги ва масъулиятнинг пасайганлиги жуда чуқур илдиз отган бўлиб, ҳали ҳамон унинг оғир оқибатлари сезилиб турибди. Чернобиль атом электр станциясидаги авария, «Адмирал Нахимов» пароходининг ҳалокати, бир қанча авиация ва темир йўл фалокатлари қаби фожиали воқеаларга айнан жинояткорона масъулиятсизлик ва бўшанглик асосий сабаб бўлди. Ана шу фожиали воқеалар одамларнинг ҳалок бўлишига олиб келди.

Ҳамма жойда шундай вазиятни вужудга келтириш керакки, у бундай воқеалар такрорланишининг ҳар қандай имкониятини йўқ қилиши лозим. Уюшқоқлик, аниқлик, ижрочилик ҳар бир киши учун қонун бўлиб қолиши керак.

Ниҳоят, кадрларимизнинг юксак ахлоқийлиги, ҳалоллик, виждоний поклик, камтарлик каби инсоний фазилатлар — энг муҳим талаблардир. Эндиликда биз жамиятнинг маънавий ҳолатини мустаҳкамламай туриб, қайта қуриш вазифасини ҳал эта олмаслигимизни ўтмиш тажрибасидангина эмас, шу билан бирга ҳозирги тажрибадан ҳам биламиз. Биз ҳозир айни маънавий-ахлоқий соҳада салбий ҳодисаларга шу қадар кескин дуч келганлигимиз тасодифий эмас. Мен ичкиликбозликни, ўғриликни, порахўрликни, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишни, таниш-билишчиликни тугатиш учун курашни назарда тутаяпман.

Партия аъзоларининг ва аввало, раҳбарларнинг маънавий қиёфаси билан боғлиқ нарсаларнинг ҳаммаси жамиятда айниқса кескин қабул қилинади. Коммунист раҳбарнинг пок ва ҳалол қиёфасини, айниган бир қанча кимсаларнинг жиноятлари муайян доғ туширган қиёфани қайта тиклаш — бизнинг энг биринчи вазифамиздир.

Умуман ўртоқлар, биз давр ўртага қўйган талабларни ҳисобга олиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларида, ижтимоий турмушнинг барча соҳаларида, барча раҳбарлик даражаларида, марказда ҳам, жойларда ҳам кадрлар билан ишлашни қатъиян қайта қуришимиз лозим бўлади.

Сиёсий бюро ҳозирги кадр сиёсатининг моҳияти ва бош вазифасини аввало партиянинг ўзига нисбатан, ўз кадрларига нисбатан талабчанлигини ошириш, деб тушунади. Жамиятда қайта қуришни чуқурлаштириш барча даражаларда — Марказий Комитетдан бошлаб, бошланғич ташкилотларгача партиянинг, унинг кадрларининг ишини қайта қуриш демакдир. Бу — барча

бўғинларда партия турмуши ленинча принциплари ҳамда нормаларини ижодий идрок этиб, изчиллик билан амалга ошириш демакдир.

Хўш, партиядаги қайта қуриш қандай бормоқда, партия комитетлари, партия раҳбарлари ва активлари қандай намуна кўрсатмоқдалар?

Бугун биз шуни айта оламизки, кўпгина партия комитетлари ва уларнинг раҳбарлари юксак масъулиятни ҳис этиб, астойдил иштиёқ билан ишга киришдилар. Ҳали уларнинг кўп ишлари яхши чиқмаяпти, аммо кун сайин тажриба орттириб, дадилроқ ҳаракат қилмоқдалар. Бу ўзгаришлар ҳаракатимизни жадаллаштириш учун ишончли шароитларни вужудга келтирмоқда.

Барча партия кадрлари қайта қуриш синовидан ўтмоқдалар. Аммо унга турлича бардош бермоқдалар. Қатъиян олға интилганлар билан бир жойда депсиниб турган кишилар ўртасида яққол узилиш ҳосил бўлиб қолди. Баъзи партия раҳбарларига қайта қуриш мактаби осон бўлмаяпти. Улар партия комитетларига хос бўлмаган диспетчерлик вазифаларидан, барча масалаларни ҳамма учун ҳал этишга, ҳамма нарсани ўз қўлида ушлаб туришга интилишдан сира ҳам воз кеча олишмаяпти. Бу эса илгари бўлганидек, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини ўстиришга, уларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантиришга халақит бермоқда.

Партия ходимлари новаторларча изланишни авж олдириш ўрнига кўпинча одамларнинг ташаббуси ва активлигига оғриниб эътибор берадилар, уларни оз бўлмаса табиий офат деб биладилар. Ваҳолонки, қайта қуриш шароитида омма ижодиётига бошчилик қилиш, камчиликларни тезроқ тугатишда, ишни чинакамига йўлга қўйишда одамларга ёрдам бериш партия комитетларининг энг биринчи бурчидир.

Шу билан бирга ўртоқларни шошмашошарлик билан воқеаларни сунъий равишда жадаллаштиришдан огоҳлантириш керак. Қайта қуриш, ҳаракатимизни жадаллаштириш жамиятни ривожлантиришнинг объектив қонунларига асосланган. Аммо ҳар қандай ижтимоий ҳаракатда бўлгани каби бунда ҳам субъектив, шахсга хос жиҳатнинг роли анча каттадир. Унинг таъсири ҳам ижобий, ҳам салбий бўлиши мумкин. Шу боисдан инсонлар тақдирига жуда сезиларли дахл қиладиган янгиланиш жараёни қуруқ маъмуриятчилик ва ишга кўр-кўрона ёндашув каби иллатлардан пухта ҳимоя қилиниши ниҳоятда муҳимдир. Ҳеч қаерда, социал ва ишлаб чиқариш системамизнинг биронта ҳам бўғинида қайта қуриш тушунчасининг аҳамияти пасайтирилишига йўл қўйиш мумкин эмас. Қайта қуриш байроғи остида мослашувчанлик, шахсий муддаолар, ғаразли мақсад намоён бўлганини, қайта қуриш борасидаги конкрет ишлар ўрнига баландпарвоз гаплар айтилиб, сафсатабозлик қилинаётганлигини кўра билиш ва унга дарҳол эътибор бериш керак.

Шуни такрорламоқчиманки, демократияни ривожлантирмай, меҳнаткашларнинг кенг иштирокисиз биз қайта қуриш вазифаларини уддалай олмаймиз. Партия комитетлари, барча кадрлар чуқурлашиб бораётган демократия шароитида, халқнинг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайрати кучайиб бораётган шароитда ишлашни ўрганиб олишлари лозим.

Район ва шаҳар партия комитетлари зўр ғайрат билан янгича ҳаракат қилаётган жойларда қайта қуриш тезроқ амалга оширилаётганлигига неча марталаб ишонч ҳосил қилишга тўғри келди. Бу тушунарли, албатта. Ана шу партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига, бинобарин эса мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун курашнинг олдинги маррасига ҳаммадан кўра яқинроқ турадилар. Мазкур комитетларнинг кўплари тўғри позицияларни эгаллаб, партиянинг қайта қуришга қаратилган йўлини қатъиян ва изчиллик билан амалга ошира бошладилар.

Шу билан бирга жойлардаги ишларнинг аҳволини, матбуот мақолаларини, меҳнаткашларнинг партия Марказий Комитетига юборган хатларини ўрганиш — ходимлари ўтмиш билан яшаб, эскича ҳаракат қилишни давом эттираётган, қайта қуришнинг чеккасида қолиб кетаётган шаҳар ва район партия комитетлари оз эмаслигидан далолат бермоқда.

Гап ҳатто биргина шаҳар ёки район комитети тўғрисида борган тақдирда ҳам уни эътиборсиз қолдириш мумкин бўлмас эди. Ҳозир эса кенг тарқалган

ҳолат тўғрисида гапиришга тўғри келмоқда. Бу эса, ўртоқлар, бизни ташвишлантириши лозим. Кўпгина ҳолларда шаҳар ва район партия комитетларидаги бундай вазият комитет секретарларининг иш услуби ва методлари, уларнинг позицияси билан изоҳланмоқда.

Партиянинг мана шу ғоят муҳим бўғинига кўпроқ эътибор бериб, қайта қуришда тезроқ актив позицияни эгаллашда район ва шаҳар комитетларига ёрдам кўрсатсак, тўғри бўлади, деб ўйлайман. Ўшанда бошланғич партия ташкилотлари ҳам янада яхшироқ ишлаб, ўртага қўйилган вазифаларни ҳал этишга меҳнат коллективларини етаклайдилар. Коммунистларнинг активлиги муттасил кучайиб бораётганлигини, партия ташкилотларининг фаолиятида бўшанглик ва расмиятчилик аста-секин четда қолиб, барҳам топаётганлигини кўриб турибмиз. Аммо бунда ҳам ҳали ишлар ошиб-тошиб ётибди, деса бўлади. Бошланғич партия ташкилотларига амалий ёрдам ва мадад бериш керак.

Ўртоқлар! Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлни амалга оширишда хўжалик кадрлари зиммасига жуда катта масъулият тушади. Мамлакатда хўжалик юритишнинг маъмурий методларидан иқтисодий методларига, ишларни масъулиятли ва ижодий юритишга ўтиш авж олдирилмоқда.

Ҳозир корхоналар ва бирлашмаларнинг меҳнат коллективлари ишлаб чиқаришни қайта жиҳозлаш, социал масалаларни ҳал этиш учун катта молиявий ва моддий-техникавий ресурсларни ўз ихтиёрларига олмоқдалар. Раҳбарларга хўжалик соҳасида тактикавий ишлар учунгина эмас, шу билан бирга беш йиллик доирасидаги ва ундан ташқаридаги истиқболли мақсадларни рўёбга чиқариш учун ҳам кенг ҳуқуқлар берилмоқда. Хуллас, янги иқтисодий, социал ва сиёсий вазият вужудга келтирилмоқда, бундай вазиятда серғайрат ва билимдон хўжалик ходими ўз қобилиятини яхши намоён этиши мумкин.

Хўжалик кадрларининг кўпчилиги партия ва ҳукумат бошқаришни ислоҳ қилиш соҳасида кўраётган катта тадбирларни табрикламоқдалар, уларни амалда рўёбга чиқаришга тобора активроқ қўшилмоқдалар. Биз кўпгина фойдали ташаббусларни амалга ошириш ишлари яхши бошланганлигини ҳозирдаёқ кўриб турибмиз. Ленинградликлар ва харьковликларнинг саноат корхоналарини кўп сменали ишга ўтказиш юзасидан тажрибаси тобора кенг оммалашиб, дастлабки самараларни бермоқда.

Ленинграднинг ўзида ва областида амалдаги барча етакчи корхоналар икки-уч сменали иш режимига ўтказилган. Бу эса иккинчи сменада иш билан банд бўлган кишилар сонини қарийб 50 минг нафар кўпайтириш имконини берди. Эндиликда асосий фондлардан яхшироқ фойдаланилмоқда ва улар тезроқ янгиланмоқда. Ишлаб турган 350 минг квадрат метр майдонни холи қилиш ва янги қурилишга бўлган эҳтиёжни 120 минг квадрат метр камайтириш имконияти пайдо бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, буларнинг ҳаммаси юз миллион сўмликдан кўпроқ капитал маблағни тежайди. Бунинг катта қисмини уй-жойлар ва бошқа социал объектлар барпо этишга сарфлаш мумкин бўлади.

ВАЗдан ва Фрунзе номли Суми машинасозлик бирлашмасидан ўрнак олиб шу йил бошидан тўла хўжалик ҳисобига ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтган бирлашмалар ҳамда корхоналарнинг раҳбарлари ва мутахассислари кўп ижодкорлик кўрсатмоқдалар.

Белоруссия темир йўлида ва мамлакатнинг бир қанча темир йўлларида хўжалик юритишнинг янги методларини ўзлаштириш борасида қизиқарли тажриба тўпланган, бу нарса тармоқ ишининг кўрсаткичлари яхшиланишини таъминлади, меҳнат унумдорлигини оширди. Украинадаги бир қатор областларнинг меҳнат коллективлари ресурсларни тежаш учун ҳаракатни кенг авж олдириб, ишнинг кўзини билишларини ва омилкор эканликларини намоён этдилар. План топшириқларини муддатидан илгари бажариш резервларини қидириб топаётган шахтёрлар ва металлурглар ишчи бригадаларининг ташаббусини қўллаб-қувватласа арзийди. Уй-жой проблемаси ҳамда бошқа социал проблемаларни ҳал этишда Свердловск, Липецк ва бошқа баъзи шаҳарларнинг меҳнат коллективлари яхши намуна кўрсатмоқдалар.

Қишлоқда саноат технологияларини жорий этиш асосида донли экинлар ва

бошқа бир қанча экинларни парвариш қилиш кўламлари кенгаймоқда. Колхоз ва совхозларда ташкил этилаётган хўжалик ҳисобидаги пудрат коллективлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни тезлик билан кўпайтирмоқдалар, экономика самарадорлигини оширмоқдалар.

Шундай бўлса-да, рўй-рост айтиш керакки, кадрларнинг хўжалик юритиш замонавий методларини ва ишга янгича ёндашувларини ўзлаштириб олиш жараёни қийинчилик билан, зиддиятли бормоқда, бу жараён эскилик сарқитларига дуч келиб, оғир кўчмоқда. Давлат қабулининг жорий этилганлиги бунинг яққол мисолидир. Кўпгина коллективлар бу чоранинг ниҳоятда муҳимлигини тушуниб, янги шароитда ишлашга яхши ҳозирлик кўрдилар. Уларнинг иши қийинчиликлар билан бўлса-да, давом этмоқда, меҳнат интизоми мустаҳкамланмоқда, маҳсулот сифати ошмоқда.

Юксак талаблар олдида гангиб қолган ходимлар ҳам топилди. Сифатни ошириш учун енг шимариб киришиш ўрнига улар эҳтимол тутилган чигалликлар, можароли вазиятлар билан, ва ҳатто заводларнинг тўхтаб қолиши билан ўзларини ва бошқаларни чўчита бошладилар.

Ўртоқлар, мен аҳволни асло соддалаштирмоқчи эмасман. Лекин шу нарса равшанки, биз коммунистлар барча совет кишилари кўпгина корхоналарда мутлақо эскириб қолган маҳсулот йиллар мобайнида ишлаб чиқарилаётганига, истеъмолчиларнинг жиддий таъналарига сабаб бўлаётганига, мамлакат фан-техника тараққиётини тўхтатиб қўяётганлигига энди тоқат қила олмаймиз. Биз катта ишга қўл урдик ва уни охирига етказишимиз лозим.

Хўжалик юритишнинг иқтисодий методларига ўтиш бирлашмалар ва корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш министрликлар ва идоралар учун янгича вазиятни вужудга келтиради. Биз Марказий Комитетнинг 1986 йил июнь Пленумида уларнинг иш услуби ва методларини қайта қуриш тўғрисидаги масалаларни муҳокама қилган эдик. Хўш, ўша пайтдан буён нималар қилинди?

Секинлик билан, оғир кўчаётган бўлса-да, министрликлар ва идоралар ишида ўзгаришлар содир бўлмоқда. Тармоқларнинг штаблари корхоналарни хўжалик юритиш янги шароитларига ўтказиш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқишда бевосита қатнашмоқдалар. Улар фан-техника сиёсати, корхоналарни реконструкциялаш, замонавий талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш масалаларига кўпроқ эътибор бермоқдалар.

Биз баъзи тармоқларни ва уларнинг бўлимларини қобилиятли кишилар билан мустаҳкамладик. Одатда ишни янгича йўлга қўйишни, замонавий меҳнат методлари жорий этилишини таъминлашни истовчи серғайрат мутахассислар раҳбарлик лавозимларига ўтишди. Бу йўлни давом эттириш, министрликлар ва идоралар аппаратини ташаббускор ҳамда юқори малакали кадрлар билан тўлдириб, унинг фаолиятини актив такомиллаштириб бориш керак.

Шу билан бирга биз партия ва ҳукумат қарорларини амалга ошириш борасида министрликлар ҳамда идораларнинг ишида сансалорлик ва масъулиятсизликка йўл қўйилаётганига ҳамон дуч келиб турибмиз. Аппарат эски қоидалар ва инструкциялар асирида бўлиб, ўз қоидаларидан воз кечишни истамай ҳамон эскичасига ҳаракат қилмоқда.

Ўртоқлар, биз министрликлар ва идоралар аппарати раҳбарлари ҳамда ходимлари эътиборини ўзларининг фаолиятини тубдан қайта қуриш зарурлигига биринчи марта қаратаётганимиз йўқ. Шу тариқа ҳамманинг ишга киришиб кетишига, ишга янгича ёндашувларни ўзлаштириб олишига имконият берилмоқда. Бироқ министрлик ёки унинг ходимлари ҳаракат қилмай туришларига, бунинг устига қайта қуришга халақит қилишларига йўл қўйиб бўлмайди. Пленум минбаридан туриб, шундай огоҳлантириш зарур. Чунки гап давлат ва халқ манфаатлари тўғрисида, катта сиёсат масалалари ҳақида бормоқда. Бунда Ленининг: «Аппарат сиёсат учун.., сиёсат аппарат учун эмас» деган кўрсатмасини яна бир бор эслаб ўтиш ўринлидир.

Ташқи иқтисодий фаолиятни қайта қуриш, кўпгина министрликлар, бирлашмаларга бевосита ташқи бозорга чиқиш ҳуқуқи ва барча корхоналарга эса социалистик мамлакатлардаги шериклари билан бевосита кооперация алоқалари боғлаш ҳуқуқи берилиши кадрларни янги шароитларга қўяди. Бу

тармоқ министрликлари аллақачондан буён эришиш учун ҳаракат қилиб келган нарсадир.

Лекин фан ва техника ютуқларидан актив фойдаланилган, кадрлар тегишли тарзда тайёрланган, янги бозорлар ва ҳоказолар ўзлаштирилган тақдирдагина ташқи иқтисодий фаолият соҳасида муваффақиятга эришиш мумкинлигини яхши англаб олиш керак. Жаҳон даражасидаги сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш — очилган имкониятларни амалга оширишнинг асосий шартидир.

Қарорлар қабул қилингандан кейин турли ташкилий масалаларга, ҳуқуқ ва бурчларни, ташқи савдо ташкилотлари билан тармоқ бошқарув органлари ўртасидаги муносабатларни аниқлашга кўп вақт ва куч сарфланди. Лекин ташкилий давр ҳозирдаёқ ниҳоясига етди. Энди куч-ғайратни амалий ишларга қаратиш, чет эллардаги барча шериклар ва биринчи навбатда социалистик мамлакатлардаги шериклар билан ташқи иқтисодий алоқаларни йўлга қўйишга янада ғайрат билан киришиш керак.

Жадаллаштириш стратегиясининг муваффақияти аввало биз фан-техника тараққиёти вазифаларини қандай ҳал этаётганимизга, социализм афзалликларини фан-техника революцияси ютуқлари билан қанчалик моҳирона қўшиб олиб боришимизга боғлиқ эканлиги ҳақида илгари гапириб ўтишимга тўғри келган эди.

Бунда реал ютуқлар илмий билимнинг ҳолати, принципиал янги машина ва технологияларда мужассамлаша оладиган, фан ва техниканинг асосий йўналишларида олдинга чиқиб олиш имконини берадиган оригинал ғояларнинг олға сурилиши билан белгиланади. Қайта қуриш илм-фан олдига қўйган стратегик вазифа мана шундан иборат.

Уни амалга оширишда ҳамма нарса — студентларни олий ўқув юртларига қабул қилиш, мутахассислар тайёрлаш сифатидан бошлаб Фанлар академиясини талантли олимлар билан тўлдиришгача, студентлар илмий жамиятларининг ишларидан бошлаб академия ва тармоқ етакчи институтларининг тадқиқот программаларигача, илмий коллективлардаги ижодий муҳитдан бошлаб фанни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг энг самарали формаларигача муҳимдир.

Ҳозирги вақтда илм-фаннинг ишлаб чиқариш билан интеграцияси алоҳида аҳамият касб этди. Бу ишда тармоқлараро илмий-техника комплексларига муҳим роль ажратилмоқда. Ҳозиргача 20 тадан кўпроқ шундай комплекс ташкил этилган. Биз янги ғояларни ишлаб чиқишни жадаллаштириш ва айниқса, фан-техника ютуқларини жорий этиш соҳасида мазкур комплексларнинг фаолиятига катта умид боғламоқдамиз. Шу боисдан ҳам тармоқлараро илмий-техника комплексларининг ишига кўпроқ эътибор бериш керак. СССР Фанлар академиясининг президиуми, тегишли министрликлар ва идоралар уларни барча зарур нарсалар билан таъминлашлари, кераkли ёрдам бериб туришлари самарали иш олиб боришда бутун чоралар билан кўмаклашишлари шарт.

Академия, олий мактаб ва тармоқ фанини аниқ мувофиқлаштириш, табиий, техникавий ва ижтимоий фанларнинг куч-ғайратини бирлаштириш ўтказилаётган тадқиқотларнинг комплекслилиги, туб проблемалар қўйилишининг теранлиги ва конкрет ишланмалар самарадорлигини ошириш каби муҳим масалалар ҳамон ўткир, кўп жиҳатдан ҳал этилмасдан қолмоқда.

Олимларимизга, барча илмий ходимларга Пленум номидан мурожаат қилиб айтмоқчиманки, қайта қуришнинг актив қатнашчиси бўлиш учун фаннинг ўзи кўп жиҳатдан қайта қурилиши лозим. Ҳаёт бизни шоширмоқда. Илмий ғояларда илдам бормаган киши кўп нарсада орқада қолиши мумкин. Инсоният тарихида ҳали мисли кўрилмаган, илм-фан ва техника соҳасида жуда чуқур ўзгаришлар даври бўлган бизнинг давримиз масалани ана шу тахлитда қўймоқда.

Бу партия комитетлари, министрликлар ва идоралар, хўжалик органлари зиммасига илм-фан эҳтиёжларини тўла-тўкис инобатга олиш вазифасини юклайди, илм-фан амалий мададни ҳамиша ҳис қилиб туриши зарур. СССР Фанлар академияси президиуми ва унинг президенти академик Г. И. Марчук бу соҳада марокли ғоялар ва таклифларни ўртага қўяётганликларини биз

биламиз. Бу ғоя ва таклифларни Марказий Комитет ва ҳукумат қўллаб-қувватлайди, деб ишонтира оламан.

Маориф системаси ва сифати социал-иқтисодий, фан-техника ва маънавий тараққиёт истиқболларининг негизларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Биз умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишга киришдик. Сизларга маълумки, бу ислоҳот осонлик билан кўчаётгани йўқ, шу боисдан ҳам мактабнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашдан тортиб таълим-тарбия жараёнининг мазмуни, форма ва методларигача — барча йўналишлар бўйича ўзига ҳамиша диққат-эътиборни талаб этади. Олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуриш олий таълим ходимлари маошини, шунингдек, аспирантлар ва студентлар стипендиясини ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси фан ва ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш учун, партия съездининг қарорларини бажариш учун қулай шароитлар яратади. Биз уларни амалда рўёбга чиқаришимиз, юксак пировард натижаларга эришилишини тезроқ таъминлашимиз керак.

Мутахассислар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш системаси янги асосда қурилади. Замонавий ишлаб чиқариш шароитида барча ходимларнинг конкрет билимлари, маҳорати ва кўникмалари муттасил тўлдирилиб ва такомиллаштирилиб бориши керак. XXVII съезд таълимнинг узлуксиз давлат системасини яратишни энг муҳим вазифа тарзида ўртага қўйди, биз бу вазифани бажаришимиз керак. Худди ана шу тахлитдагина кадрларнинг билимдонлиги, айниқса техника ва технологиянинг янги ва энг янги соҳаларида замонавий талаблар даражасида бўлишига эришишимиз мумкин. Ана шу масала хусусидаги таклифларни тайёрлашни ниҳоясига етказишни жадаллаштириш нечоғлик муҳим эканлигини исботлашга ҳожат бўлмаса керак.

Ниҳоят план, молия ва бошқа иқтисодий органлардаги кадрларимизнинг вазифалари хусусида ҳам бир-икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Эндиликда улар хўжалик ислоҳоти соҳасидаги вазифаларни ҳисобга олиб, ўз ишларини тубдан қайта қуришлари керак.

Мамлакатнинг иқтисодий идоралари бошқариш ва хўжалик механизмини қайта қуришга оид анчагина таклифларни ўртага қўйдилар. Аммо, очиғини айтганда, бу идоралар кадрларининг ўзлари ишларни ниҳоятда суст қайта қурмоқдалар ва айтишим мумкинки, улар ишлаб чиқариш соҳасидаги иқтисодий ўзгаришлардан орқада қолмоқдалар. Ҳолбуки, ишлаб чиқариш соҳасида содир бўлаётган барча янгиликлар умумиқтисодий идоралар, уларнинг жойлардаги органлари ишида анча ўзгаришлар бўлишини талаб этади.

XXVII съездда таърифлаб берилган сиёсий йўл-йўриқлар уларнинг иши учун кўрсатма бўлиши лозим. Мамлакатда ўтказилаётган хўжалик ислоҳоти экономика қуйи бўғинлари мустақиллигини кенг кўламда ривожлантиришни ҳам, айни вақтда марказни тармоқлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг майда-чуйда ишларига аралашишдан халос этиб, бошқарувда марказлаштирилган асосларни янада мустаҳкамлашни ҳам тақозо этади. Барча кадрлар ва аввало, иқтисодий идораларнинг раҳбарлари ишга эскича ёндашувлардан воз кечиб, ҳозир айни шу йўсинда иш кўришлари лозим.

Иқтисодий ва хўжалик кадрларининг фаолияти билан бевосита боғланган яна бир масала хусусида тўхтаб ўтмоқчиман. Ўн иккинчи беш йиллик планида социал соҳани ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Бу шу соҳадаги ишларнинг аҳволи тақозоси билан қилинган. Ишлаб чиқариш ва социал соҳаларни ривожлантириш даражаси ўртасидаги тафовутни тезроқ бартараф этишимиз лозим.

Партия съезди социал соҳага етарли эътибор берилмаганлиги фан-техника тараққиётидаги, ишлаб чиқаришнинг самараси ўсишидаги қолоқлик сабабларидан бири бўлиб, у мавжуд потенциалдан фойдаланишга халақит берди, деб хулоса чиқарди, ана шу масалалар хусусидаги сиёсий йўл-йўриқларга жиддий тузатишлар киритди. Кўп йиллар мобайнида хўжалик ходимлари аслида социал масалаларнинг хал этилиши учун жавоб бермаганликлари сабабли бу уларнинг ишга ёндашувига ўзининг жиддий муҳрини босди. Содир бўлган аҳволни қатъият билан тузатиш лозим. Партия комитетлари қатъий йўл тутмаса,

ҳукумат йўли билан қадам-бақадам амалий тадбирлар кўрилмаса, бу ишни бажариш қийин бўлади.

Яқинда содир бўлган бир мисолни айтиб ўтай. Ўтган йил охирида Астрахандаги газ комплексининг биринчи навбати ишга туширилди. Бу ерда бир ярим миллиард сўмдан кўпроқ капитал маблағ ўзлаштирилди, ишчи ва мутахассисларнинг 8 минг кишилик коллективи меҳнат қилмоқда. Аммо уларнинг фақат 3 мингги доимий уй-жойга эга. Бунинг устига уй-жой, поликлиникалар, ошхоналар ва бошқа социал-маданий соҳа объектлари қурилишидаги қолоқлик аввалбошданоқ планларнинг ўзида назарда тутилган эди. Социал ишларга планлаштирувчи органларнинг нотўғри, хато ёндашувининг аянчли якуни ана шундай бўлди. Бу ишни тезроқ ўнглаб олиш керак.

Партиянинг актив социал сиёсатини ўтказиш учун қуйидан юқоригача барча раҳбар кадрлар жавобгардирлар. Инсон манфаатлари раҳбар кадрлар фаолиятининг марказида туриши лозимлигини ҳаётнинг ўзи талаб қилмоқда, социал масалаларни ҳал этиш маҳорати эса ана шу раҳбар кадрлар амалий ва сиёсий етуклигининг бош мезонларидан бири бўлиб қолди.

Ўртоқлар! XXVII съезд қарорларини амалга оширишда совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари, уларнинг кадрлари катта роль ўйнашлари лозим. Улар олдида ҳам ўз фаолиятларини қайта қуриш вазифаси кўндаланг бўлиб турибди. Бу қайта қуриш аслида бошланди.

Қайта қуришни қайси йўналишда давом эттириш керак? Бу — катта сиёсий аҳамиятга молик масаладир, чунки гап сиёсий системамизнинг жуда муҳим ташкилотлари хусусида бормоқда. Қайта қуришни амалга оширар эканмиз, ҳозирги вазиятни ҳам, умуман совет жамияти сиёсий системаси, социалистик демократия, хўжалик механизми тараққиёти йўналишларини ҳам назарда тутишимиз керак.

Шу фикрни яна бир карра таъкидлаб ўтмоқчиман: демократлаштириш, бошқарув ва хўжалик юритишнинг янги механизми партия сиёсий раҳбарлигини давлат органлари, касаба союзлар, бошқа жамоат ташкилотларининг актив роли билан тўғри қўшиб олиб бориш учун имконият яратади.

Биз ҳозирги шароитларда Советлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан энг муҳим қарорлар қабул қилдик. Бу қарорлар Советларга ўз территорияларида чинакам ҳокимият органлари сифатида иш кўриш имконини беради. Советлар фаолиятида ўзгаришлар содир бўлмоқда, аммо бу ўзгаришлар ҳали бизни қаноатлантирмайди. Советлар тезроқ чинакамига, замона руҳига мос тарзда ишлай бошлашларидан биз ҳаммамиз манфаатдормиз.

Партия комитетлари Советлар ролини ошириш йўлини қатъият билан ўтказишлари, улар ишига асоссиз тарзда аралашувга, аксинча Советлар ўрнини босишга йўл қўймасликлари керак. Советларнинг, Совет аппаратининг раҳбарлари ҳам бутун куч-ғайратларини ишга солиб меҳнат қилишлари, сусткашликдан, ҳаммавақт бировнинг кўзига қараб кўрсатма кутишдан халос бўлишлари ҳам муҳимдир. Советлар ва уларнинг ижроия органлари фаолиятида демократик асосларни кучайтириш лозим.

Биз XXVII съездда меҳнаткашларнинг туб манфаатларига дахлдор бўлган кўп масалалар борлигини, бу масалаларни Советлар учун ҳеч ким ҳал этиб бермаслигини гапирган эдик. Гап социал сиёсат проблемалари, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида бормоқда. Аммо Советлар ўз ҳуқуқларини тўла-тўкис эгаллаб олганликлари йўқ, хўжалик ходимларига нисбатан тегишлича талабчанлик қилмаяптилар. Ўтган йили социал-маданий қурилиш соҳасидаги кўпгина кўрсаткичлар бўйича планлар барбод бўлганлигининг сабабларидан бири худди ана шундадир.

Ёки коммунал хўжаликни олайлик. Бу хўжалик иши хусусида, айниқса совуқ тушган шароитда кўп шикоятлар келмоқда. Ахир, бу Советларнинг бевосита жон куйдирадиган иши-ку. Советлар савдони, маиший хизматни, меҳнаткашлар дам олишини уюштиришни, халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни яхшилаш юзасидан ўз ишини тубдан қайта қуришлари, озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун резервлардан кенгроқ фойдаланишлари керак.

Биз соғлиқни сақлаш, халқ маорифи соҳасида катта тадбирларни белгиламоқдамиз. Бу тадбирлар турли даражадаги Советларнинг фаолияти

билан бевосита боғлиқдир. Хуллас, вазифалар кўпайиб бормоқда. Советлар яна ҳам самарали ва қатъият билан ишлашлари лозим. Советлар ва уларнинг аппаратларида ишлаётган кадрлардан биз худди ана шуни талаб қилишга ҳақлимиз. Совет кишилари улардан худди ана шуни кутмоқдалар.

Қайта қуриш ўзининг барча қирралари билан касаба союзларга ҳам дахлдордир. Корхоналар ва бирлашмалар хўжалик мустақиллиги кучайиши билан уларнинг ҳуқуқлари ҳам анча кенгаймоқда. Айни вақтда меҳнат коллективларининг ваколати ортиши, ўз-ўзини бошқаришнинг ривожи билан масъулият ҳам анча ортади. Социал сиёсат вазифаларини ҳал этишда, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишда касаба союзларининг бурчларини ҳеч ким улар зиммасидан соқит қилмайди, албатта.

Қисқаси, касаба союз органларининг кадрларига нисбатан талабчанлик кескин ортди. Қайта қуришда актив позицияни эгаллаб олишлари учун уларга ёрдам бериш, ҳамма даражалардаги бошқарув қарорларини қабул қилишда касаба союзларининг яна ҳам кенг кўламда иштироки учун шароитлар яратиш зарур.

Қасаба союз ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар ниҳоясига етаётган ва СССР қасаба союзларининг навбатдаги съезди ҳам яқинлашиб келаётган ҳозирги пайтда қайта қуришга тааллуқли актуал масалаларнинг бутун комплекси съезд делегатларининг диққат-эътибори марказида бўлиши муҳимдир. Меҳнат коллективлари қайта қуришнинг марказий бўғинидир. Қасаба союзлари ана шу меҳнат коллективларида ўз потенциалини кўрсатишлари, ўз имконият ва ҳуқуқларига янгича баҳо беришлари ва шу йўсинда социал-иқтисодий жадаллаштириш умумхалқ ишига ўзлари қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришлари керак.

Партия жамиятни соғломлаштириш учун курашни кенг кўламда авж олдириб юборар-экан, аввалбошданоқ ва ҳозир ҳам бу катта юмушни бажариш учун мустаҳкам эътиқод пойдевори бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Миллионлаб меҳнаткашлар онгини қайта қуриш руҳида шакллантириш — идеология фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир.

Идеология ишини муайян тарзда ҳаётга, бугун жамиятда содир бўлаётган жараёнларга яқинлаштиришга муваффақ бўлдик. Янгиланиш ғоялари омма учун чинакамига мароқли бўлиб қолаётган экан, бунда партия ташкилотлари, пропагандист кадрларимизнинг катта хизмати бор. Аммо идеологик жабҳадаги ишни кўп йўналишлар бўйича, жумладан сиёсий ва иқтисодий ўқиш, лекция пропагандаси ва ташқи сиёсий пропаганда, атеистик тарбия ва бошқа соҳаларда чинакамига авж олдириш керак.

Марказий Комитет партия ташкилотлари эътиборини идеология ишида бутун партия активи, барча коммунистлар қатнашиши лозимлигига қаратмоқда. Аммо бу идеология участкаларини юқори малакали, яхши тайёргарлик кўрган, давр талабини тўла ҳис этадиган, қўйилган вазифаларнинг моҳиятини чуқур тушунадиган, партия сиёсатини самарали пропаганда қилишга, одамларни ишонтириш ва ташкил этишга қодир бўлган кадрлар билан мустаҳкамлаш вазифасини кун тартибидан олиб ташламайди.

Ҳозирги шароит партиянинг идеология корпуси экономикани, ҳуқуқ фанлари, философияни, социологияни, адабиёт ва санъатни яхши биладиган, XXVII съезд қабул қилган қарорларнинг, қайта қуриш йўлининг ҳаётий зарурлигига ишончи комил бўлган кишилар билан тўлиб боришини талаб этмоқда.

Ўртоқлар! Мамлакатда социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш заруратидан совет судлари, прокуратураси, милицияси ва бошқа ҳуқуқ муҳофазаси органлари кадрлари олдида турган янги масъулиятли вазифалар келиб чиқмоқда.

Марказий Комитет жамият учун нозик бўлган шу масалаларга жуда катта аҳамият бериб яқинда «Социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида» махсус қарор қабул қилди. Бу қарорда ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари, уларнинг кадрлари олдига муҳим ва янада мураккаб вазифалар қўйилди. Партия комитетлари, совет органлари суд

ва прокуратура, юстиция ва милиция, арбитраж ва нотариат ходимларининг обрў-эътиборини ва принципиаллигини бутун чоралар билан оширишлари, жамоат тартибини муҳофаза қилишнинг кўнгилли қатнашчиларини қўллаб-қувватлашлари, ҳуқуқ билимларини оммалаштиришга кўмаклашишлари лозим.

Партиянинг бундай позицияси қонун посбонлигида турган кишилар зиммасига кўп мажбуриятлар юклайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг ўзида ҳали кўпгина ножўя ишлар борлигини, баъзи жойларда «чумчуқларга тўпдан ўқ отилаётганини», жамиятимиз ва гражданлар манфаатларига қарши оғир жиноятлар эса очилмай қолиб кетаётганини меҳнаткашларнинг хатлари, жойлардан келаётган сигналлар кўрсатиб турибди.

Биз ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг кадрлари олдига қабул этилган қарор йўл-йўриқларини оғишмай бажариш, демократия ва ошкораликни кенгайтириш шароитларида бутун халқнинг ишончи ва мададига таяниб ишлашни кунт билан ўрганиш вазифасини қўймоқдамиз.

Дипломатик корпус кадрлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Ҳозирги вақтда Ташқи ишлар министрлигининг иши қайта қурилмоқда, унинг марказий аппарати ва чет эллардаги муассасалари структураси қайта қурилмоқда. Раҳбарлар составы янгиланмоқда. Бу йўлни изчиллик билан ўтказиш, дипломатия муассасаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, шу тариқа бу фаолият КПСС билан Совет давлатининг актив халқаро фаолиятига тўла-тўкис мувофиқ келишига ҳаракат қилиш лозим.

Ғоявий чиниққан, партия ва халққа садоқатли, профессионал жиҳатдан билимдон кадрлар хизмат қилаётган давлат хавфсизлиги органлари Ватан манфаатлари посбонлигида сергак турибдилар. Совет чекистлари бундан буён ҳам бизнинг мамлакатимизга қарши душманлик кирдикорларини ўз вақтида фош этиб, уларнинг пайини қатъият билан қирқаверадилар, деб ишонч билдирамиз.

Ниҳоят, ҳарбий кадрларнинг вазифалари тўғрисида. Партия мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада ошириши борасидаги куч-ғайратларни бир дақиқа ҳам бўшаштирмайди, мана шу ҳаётий муҳим вазифани ҳал этишда ҳарбий кадрларга алоҳида роль ажратади. Уларнинг халқ олдидаги жуда катта масъулияти ҳам шу билан белгиланади. Совет Қуролли Кучлари ҳам қайта қуришни бошдан кечирмоқда. Улар совет халқининг тинч меҳнатини ва мамлакатнинг хавфсизлигини пухта равишда таъминлаб турибдилар, ўз интернационал бурчини шараф билан бажармоқдалар.

Марказий Комитет давлатнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда армия кадрларига, совет офицерлар корпусига қатъий умид қилади, ҳозирги мураккаб халқаро шароитларда Армия ва Флот коммунистлари, барча кадрлари ғоят зўр масъулият билан ҳаракат қиладилар, қўшинларнинг барча турлари ва хиллари маҳоратини, жанговар шайлигини оширадилар ва такомиллаштирадилар, деб ишонади. Совет халқининг, партиямизнинг ўз Қуролли Кучларидан кўнгли тўқ. Улар Қуролли Кучларни мустаҳкамлаш учун ҳамма ишни қилмоқдалар ва ҳеч қандай агрессив кучлар бизни доғда қолдира олмаслигига умид қилишга ҳақлидирлар.

Ўртоқлар! Гапимнинг охирида янги 1987 йилда ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларга қисқача тўхталиб ўтмоқчиман. Бу йил биз учун алоҳида шонли йил — Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилдир. Бўлғуси юбилейни совет кишилари жамиятнинг барча соҳаларини чуқур қайта қуриш вазиятида кутиб олмоқдалар. Сиёсий бюро бу йил барча партия аъзоларига, СССРнинг ҳамма меҳнаткашларига Мурожаатнома қабул қилиш тўғри бўлур эди, деб ҳисоблайди.

Марказий Комитет коммунистларни, барча совет кишиларини қилинадиган ишлар учун, мамлакатнинг тақдири учун, социализмнинг келажакдаги қиёфаси учун масъулият туйғусини чуқур англаб ҳис этишга чақиради. Биз социалистик қурилишнинг ўн йилликлари мобайнида кўп нарсага эришдик. Аммо замон бизнинг олдимизга янги юксак талаблар қўймоқда. Ўзгарган шароитларда совет жамиятининг жўшқинлиги, тараққиёт босқичлари бўйлаб тез юқори кўтарилиш қобилияти яна синовдан ўтмоқда.

Бизнинг экономикамиз юксак самарадорлик, илғор технологияларга мойиллик, биринчи даражали маҳсулот бериш, жаҳон бозорларида рақобатчилар билан мусобақалашиш маҳорати имтиҳонидан ўтмоқда. Бизнинг ахлоқимиз, бутун совет турмуш тарзи, социалистик демократия, социал адолат ва инсонпарварлик қадриятларини узлуксиз ривожлантириш ва бойитиш қобилияти имтиҳонидан ўтмоқда. Бизнинг ташқи сиёсатимиз тинчликни ҳимоя қилишда қатъият ва изчиллик, империализм авж олдираётган жазавали қуролланиш пойгаси, у кучайтираётган халқаро кескинлик шароитида тадбиркорлик ва сабр-матонат имтиҳонидан ўтмоқда.

Ҳозир ўтказилаётган иш ўзининг чуқур революцион моҳияти жиҳатидан, планларнинг большевикча дадиллиги жиҳатидан, инсонпарварларча социал йўналиши жиҳатидан ленинча партиямиз 1917 йилнинг Октябрь кунларида бошлаган буюк зафарларнинг бевосита давомидир.

Ҳозир бутун дунё совет халқига қараб, социализмга қилинган дағдағани бартараф эта оладими, бунга бардош бериб, муносиб жавоб қайтара оладими, деб турибди. Биз ўз ишларимиз билан, саботли меҳнатимиз билан муносиб жавоб қайтаришимиз керак. Биз бундай жавобни орқага сура олмаймиз.

Ўртоқлар, партиянинг жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини амалга оширишда 1987 йил жуда муҳим роль ўйнашини яхши тушунасизлар. Бутун беш йилликнинг, энг муҳим ташаббусларимизнинг муваффақияти ва истиқбол планларимизнинг бажарилиши ўзимизнинг қандай ишлашимизга боғлиқ бўлади. Шу боисдан ҳам дастлабки кунлардан бошлабоқ бутун диққат-эътиборни конкрет ишларга, белгиланган қарорларни амалга оширишга қаратиш муҳимдир. Хуллас, съезд қарорларини амалга ошириш соҳасида партия комитетлари ва ташкилотлари, барча меҳнат коллективлари кун сайин сабот билан жуда муҳим ишни бажаришлари зарур.

Биз беш йилликнинг биринчи йилида экономиканинг барча тармоқларида, турмушнинг ҳамма соҳаларида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш билангина чекланиб қолмасдан, янада олға боришимиз, ўсишнинг узоқ муддатли омилларини кенгроқ ишга солишимиз лозим. Мана шу соҳаларнинг ҳаммасида албатта салмоқли ижобий силжишларга эришиш, бу силжишларга муқаррар тус бериш керак.

Биз кадрларнинг олдига кундалик вазифаларни ҳал этиш, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини бекаму кўст бажариш вазифаларини қўйиш билан бирга, В. И. Ленин таълим берганидек, истиқболни унутмаслигимиз, иқтисодий ва социал тараққиёт йўлларини равшанлаштириб, ойдинлаштиришимиз керак. Жуда яқин вақт ичидаёқ бошқарувнинг янги системаси асосида ўн учинчи беш йиллик планини тайёрлашга киришилади. Бу система социализмнинг имкониятлари ва афзалликларини тўлиқроқ рўёбга чиқариш имконини беради.

Хўжаликни бошқаришнинг авж олиб кетган туб ислоҳоти социалистик хўжалик системаси ишининг туб масалаларига, сиёсий ва социал турмушнинг кўпгина жиҳатларига, иш услуби ва методларига дахлдор эканини эътиборга олиб, шу проблемаларнинг бутун доирасини Марказий Комитетнинг навбатдаги Пленумида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Мана шундай ошиб бораётган вазифалар шароитида биз кадрларимизга мурожаат этамиз. Улардан ишда уюшқоқлик ва аниқлик, меҳнат коллективларининг ижодий кучлари ва имкониятларини зўр бериб сафарбар этиш маҳорати талаб қилинади. Ҳамма ўқиб-ўрганиши керак. Вужудга келаётган проблемалар ҳамда қийинчиликларни тез ва ишчанлик билан пайқаб олиб, уларни бартараф этишни ўрганиш лозим. Янги ва мураккаб вазифалар ҳал этилаётган бир пайтда бундай проблема ва қийинчиликлар пайдо бўлиб туриши табиийдир. Аслида ҳаммамиз социалистик қурилишнинг барча соҳаларида иш ва раҳбарликнинг янги методларини эгаллашда етукликнинг сиёсий имтиҳонидан ўтишимиз лозим.

Хуллас, янги йил XXVII съезднинг бош йўлини амалга ошириш соҳасида янги, ғоят масъулиятли вазифаларни ҳам очиб берди. Барча кадрларимизнинг онгига чуқур етиб борган, уларнинг ақл-идроки ва фикри-зикрини эгаллаб олган съезд ғоялари тобора сабот билан ва кенг миқёсда ўзига йўл очиб, ривожланишимиз йўлини, мамлакатни иқтисодий, социал ва маънавий тараққиётнинг янги

сифат марраларига чиқаришни белгилаб беришига Сиёсий бюронинг ишончи комил.

Айтилган гапларни бир сўз билан якунлаш мумкин — биз ҳаммамиз биргаликда ва ҳар биримиз иш суръатини оширишимиз керак. Янги вазиятда партиямизнинг, унинг барча ташкилотлари, ҳамма коммунистларнинг сафарбар этувчилик роли янги куч билан намоён бўлиши лозим. Ҳаёт нафасини доимо сезиб туриш, белгиланган режалар рўёбга чиқиши учун ҳамма ишни қилиш муҳимдир.

Шу муносабат билан мана шундай принципиал масала хусусида маслаҳатлашиб олмоқчимиз. Эҳтимол, келгуси йилда, партиядаги ҳисобот-сайлов кампанияси арафасида Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириб, унда КПСС XXVII съездининг қарорлари қандай амалга оширилаётганини кенг миқёсда кўриб чиқиш, беш йилликнинг биринчи ярми якунларини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлар. Шу конференцияда партия, умуман жамият турмушини янада демократлаштириш масалаларини ҳам муҳокама қилиш тўғри бўлур эди.

Конференцияда бошланган гаплар ҳисобот-сайлов партия йиғилишлари ва конференцияларида давом эттирилиши мумкин бўлур эди, бу йиғилиш ва конференцияларда ҳар бир партия ташкилотининг қайта қуриш соҳасидаги иш натижалари талабчанлик билан таҳлил этилиши лозим бўлур эди.

КПСС Уставига мувофиқ, Бутуниттифоқ партия конференциясини ўтказишнинг ўзи партиямиз турмушини амалий демократлаштиришда, коммунистларнинг активлигини ривожлантиришда муҳим қадам бўлур эди.

Ўртоқлар!

Партия Марказий Қомитетининг Пленуми қайта қуриш шароитида, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида кадрлар сиёсатини таърифлар экан, шу тарика кўп йиллар мобайнида қиладиган ишимизнинг асосий йўналишларини белгилаб беради. Биз бугунги Пленумда Владимир Ильич Ленинга, унинг фикрларига, ғояларига доимо мурожаат этяпмиз. Бу — шунчаки зўр ҳурмат нишонаси эмас, Лениннинг обрў-эътиборини тан олишгина эмас. Бу — ленинизм руҳини ҳозирги шароитда қайта тиклаш ва имкони борича тўлиқроқ қайта тиклашга, турмушимизда кадрларга нисбатан ленинча талабларни қарор топтиришга саботли интилишдир. Ленин революцион курашнинг муваффақияти, жамиятни ҳар қандай тубдан қайта қуришнинг муваффақияти кўп жиҳатдан партия бошлаб берадиган кайфият билан белгиланади, деб нақадар эҳтирос билан, нақадар муттасил таълим берганини эсга олинг.

Биз мамлакатимизни юксак даражада ривожланган давлат намунасига, энг илғор экономика, энг кенг демократия, энг инсонпарвар ва юксак ахлоқ жамиятига айлантиришни истаймиз, бу ердаги меҳнаткаш инсон ўзини тўла ҳуқуқли хўжайин деб ҳис эта оладиган бўлсин, моддий ва маънавий маданиятнинг ҳамма неъматларидан баҳраманд бўлсин, унинг фарзандлари келажаги ишончли бўлсин, у фаровон, мазмунли ҳаёт учун керак бўлган ҳамма нарсага эга бўлсин. Ҳатто ноумид кишилар ҳам, дарҳақиқат, большевиклар ҳамма нарсани уддалай оладилар, ҳа, ҳақиқат уларнинг томонида, ҳа, социализм — инсоннинг бахт-саодатига, унинг социал ва иқтисодий манфаатларига, унинг маънавий камолотига хизмат қиладиган жамият, деб айтишга мажбур бўлсинлар.

(Доклад зўр эътибор бериб тингланди ва давомли қарсаклар билан кутиб олинди).

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС Марказий Комитети Пленумида 1987 йил 28 январдаги

ЯКУНЛОВЧИ НУТҚИ

Ўртоқлар! Бизнинг Пленумимиз ўз ишини, кун тартибидаги асосий масаланинг муҳокамасини тугалламоқда. Пленум иши ўтган муҳит, бўлган мунозара қуйидагиларни қайд этиш имконини беради: бу ерда партия Марказий Комитети Пленумининг муҳокамасига ва ҳал этишига тақдим қилинган ҳамма масалалар хусусида фикрларнинг бирлиги ҳукм сурди. Бу бирлик юзаки бирлик эмас, балки апрель Пленуми ва КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан стратегик йўлни муваффақиятли амалга ошириш учун Марказий Комитетнинг масъулиятини тушунишга таянувчи бирликдир.

Энди биз музокараларни тугаллаб, қарор қабул қилишимиз керак бўлган бир пайтда, хўш, бизнинг Пленумимиз коммунистларнинг, совет кишиларининг умидларини оқладими, деган савол берилиши табиий. Бу саволга қандай жавоб бермоқ керак? Энг қатъий мезонларга биноан, бугунги Пленум — КПССнинг турмушида ҳам, совет жамиятининг турмушида ҳам жуда катта сиёсий воқеадир.

Назаримда, Пленум партияни, мамлакатни, бутун жамиятни қайта қуриш йўлида анча олға силжитади, деб айтиш учун асосимиз бор. Бироқ биз бу ерда келишиб олган ҳамма ишларни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетлари, мамлакатнинг барча партия ташкилотлари изчиллик билан турмушга татбиқ этган тақдирдагина Пленумнинг аҳамияти тўла-тўкис намоён бўлиши мумкин.

Шу сабабли мен бундай демоқчиман: биз Пленумдан кейин мана шундай иш тутсак, Пленум умидларни оқлайди. Жадаллаштириш, қайта қуриш йўлидан тарихий тараққиётнинг ҳозирги босқичи вазифаларига мос тушадиган кадрлар сиёсатини такомиллаштириш йўлидан бундан буён ҳам дадил олға бориш учун ушбу Пленум тағ-заминли шарт-шароитларни яратиб беради.

Сўзга чиқиш учун ёзилган 77 ўртоқдан 34 киши иштирокида ўтган кенг миқёсдаги мунозара бизга партия билан давлат ишининг турли поғоналари ва турли йўналишларидан қайта қуришга яна бир бор назар ташлаш, унинг мақсадини идрок этиш, қайта қуриш жараёнининг ўзини яна бир бор баҳолаш, бамисоли биринчи қўллардан баҳо олишдек ноёб имкониятни берди.

Партия, жамиятнинг барча соғлом кучлари қайта қуриш тарафдори эканини Пленум аввало сиёсий тарзда қайд этганлиги биз учун бениҳоя муҳимдир. Биз бу ҳақда гапиришга ҳақлимиз, деб ўйлайман. Модомики шундай экан, бундан бошқа йўлнинг ўзи бўлиши ҳам мумкин эмас. Қайта қуриш керакми ёки керак эмасми, деган мунозарани мана шунинг ўзи билан тугатмоқ керак. Бу ерда ўртоқ Д. К. Моторнийнинг қайта қуриш — шунчаки бир ғоя эмас, қайта қуриш — реалликдир, деган фикрига тўла-тўкис қўшиламан.

Совет кишилари ўзларининг ҳаётий режаларини, мамлакатнинг тақдирини, унинг халқаро обрў-эътибори ва салмоғини қайта қуриш билан боғламоқдалар. Модомики шундай экан, биз қайта қуришни ўтказишда бирон-бир иккиланишга йўл қўя оламизми? Йўқ, ўртоқлар!

Ҳа, қайта қуриш — энди реалликка айланган. Ҳозир биз мамлакатнинг ички тараққиёти нуқтаи назаридан ҳам, ташқи шароитлар, халқаро вазият нуқтаи назаридан ҳам мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришни таъминлашимиз лозимлигини равшанроқ ва чуқурроқ англаб олдик. Бироқ жамиятни янгиламай туриб, унинг турмуши барча

соҳаларини қайта қуриб бўлмаганидек, жамиятни янгиламай туриб, жадаллаштиришга ҳам эришиб бўлмайди. Янги вазифаларни, айниқса ҳозир олдимизда турган тарихий миқёсдаги вазифаларни эскича ёндашувлар асосида ҳал этиб бўлмайди.

Қайта қуриш — текис йўл бўйлаб сайр қилиш эмас. Бу — кўпинча одам оёғи етмаган сўқмоқлар бўйлаб тоққа кўтарилишдир. Жамиятимизда жуда кўп муаммолар йиғилиб қолганини Марказий Комитет Пленуми яна бир бор кўрсатди. Қайта қуришнинг буюк ишини халқимиз талаб қилаётганидек, биз яшаб турган замон талаб қилаётганидек охирига етказиш учун жуда кўп ижодий куч сарфлаш ва узоқ вақт фидокорона курашиш керак бўлади.

Биз йўлнинг бошланишидагина турибмиз. Буни Марказий Комитет Пленумида аниқ белгилаб олмоқ керак, чунки биз қаерда турганимизни англаш нималар қилишимиз кераклигини ва қандай иш тутишимиз лозимлигини тушунтириб ҳам беради. Агар кимдир ўзимни ўзим бутунлай қайта қуриб олдим, деб ўйласа, унга биз қайта қуриш билан эндигина шуғуллана бошлаганимизни эслатиб қўймоқ керак. Энг асосий ишлар олдинда турибди. Бу ҳам партия Марказий Комитети Пленумининг муҳим хулосасидир.

Биз қайта қуриш билан шуғулланиб, уни кенг қулоч ёздирар эканмиз, баҳолашда гоҳ ундай, гоҳ бундай фикрларга ҳаддан ташқари берилиб кетмаслигимиз лозим. Бирдан-бир мустаҳкам негизда — реаллик негизида қаттиқ туриш керак. Ютуқларимизга ортиқча баҳо бериш ҳалокатли оқибатларга олиб борган бўлур эди, аммо иккинчи томондан биз қайта қуришдаги андаккина силжишни ҳам, тажрибанинг ҳатто кичиккина заррасини сезмасдан қола олмаслигимизни ҳам ана шундай кучли равишда таъкидлаб ўтмоқчиман. Буни пайқамаслик ҳам ҳалокатли бўлур эди. Аввало, ақалли қуйидаги сабабларга кўра, бунга йўл қўйиб бўлмайди.

Биз сиёсий йўлимизни конкрет ёндашувлар билан бойитиб, ўз олдимизга қўйган мақсадларга эришиш йўлларини белгилаб, ишни эндигина авж олдиряпмиз. Биз қайта қуриш механизми ва воситаларини эндигина ишга соляпмиз, бу механизм ва воситалар ишлай бошлаши ва самара бериши учун дастлабки қадамларни қўяяпмиз. Бироқ биз 1986 йилнинг якунларини кўриб чиққанимиздаёқ олға силжиш рўй берганини кўрдик.

Бу силжишга қандай эришилди? Бу — халқимиз қайта қуриш, жадаллаштириш йўлини қўллаб-қувватлаганлигининг бевосита натижасидир.

Хўш, биз буни пайқамаслигимиз, ҳеч нарса рўй бергани йўқ ва ҳеч нарса рўй бераётгани йўқ, деб ҳисоблашимиз мумкинми? Революцион ибораларни ўртага ташлаган киши революционер эмас, балки истиқболни тасаввур эта оладиган, халқни ва партияни узоқ давом этадиган саботли курашга отлантира оладиган, олға томон қўйилган ҳар бир қадамни сезиб, ундан янги, шахдамроқ қадам қўйиш учун яна бир таянч нуқтасини топишда фойдаланадиган киши революционердир. Биз Марказий Комитетнинг бугунги Пленумида халқимиз ўзини қийин курашга, аммо бутун жамият, ҳар бир оила, ҳар бир киши учун ажойиб самаралар берадиган ўзгартишларга, мана шундай мақсадларга даъват этаётганликларини тушунганлиги, ўзининг халқчил туйғулари ва қалби билан ҳис этганлиги учун унга жуда катта партиявий раҳмат айтишимиз керак. Совет кишилари бизга ишондилар, улар партияни қўллаб-қувватладилар. Шу боисдан ҳам 1986 йилда эришилган ижобий ўзгаришлар биз учун шу қадар муҳимдир. Улар муҳимлигининг боиси шуки, уларда халқимиз партия сиёсатини, унинг жадаллаштириш йўлини қудратли равишда қўллаб-қувватлаганлиги ўз ифодасини топди.

Пленумда янграган яна баъзи жиҳатларни таъкидлаб ўтмоқчиман. Сиёсий бюронинг докладида совет жамиятини жиддий, чуқур демократлаштириш мавзуи жуда муҳим мавзу сифатида биринчи ўринга чиқариб қўйилганлиги мутлақо тўғри бўлди, деб ҳисоблайман.

Бу — қайта қуришнинг ҳал қилувчи кучи — халқни қайта қуришга киришитириш имконини берадиган восита, ўртоқлар. Агар биз шундай қилмасак, жадаллаштириш вазифаларини ҳал этолмаймиз, қайта қуришни таъминлай олмаймиз, қайта қуриш мутлақо бўлмайди.

Иккинчи томондан, биз социалистик демократияни ривожлантириб, олға

силжитиб, унинг имкониятларини намоён этиб, шу тарика ўтмиш хатолари такрорланмаслиги учун энг ишончли кафолатларни вужудга келтирамиз. Аммо, гап шунинг ўзидагина эмас.

Демократия бизга ҳаводек зарур. Агар биз буни тушуниб олмасак ва ҳатто тушунсак-у, лекин уни кенгайтириш, олға силжитишда, қайта қуриш жараёнига мамлакат меҳнаткашларини кенг жалб этишда реал, жиддий қадамлар қўймасак, бизнинг сиёсатимиз барбод бўлади, қайта қуриш қийин аҳволга тушиб қолади, ўртоқлар.

Бизнинг асл ниятимиз шундан иборат. Биз ҳар бир танаффусда Пленумнинг бориши тўғрисида фикрлашиб турдик. Сиёсий бюронинг ҳамма аъзолари каби мен ҳам жадаллаштириш мақсади учун курашнинг ҳозирги босқичида КПСС фаолиятининг мана шу энг муҳим йўналишини Марказий Комитет Пленуми тўла-тўкис қўллаб-қувватлаганидан жуда мамнунман.

Коммунистик партия ҳамма нарсадан халқ хабардор бўлишининг қатъий тарафдоридир. Ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, омманинг назорати — совет жамияти соғлом ривожланишининг кафолатидир. Модомики, улар халққа керак экан, демак улар ҳаммага зарур. КПСС — мамлакатни идора қилувчи партия бўлганлиги учун мана шулар айниқса муҳимдир. Шу боисдан ҳам партия ошкораликдан, танқид ва ўз-ўзини танқиддан манфаатдордир, чунки бу — КПСС нормал иш кўришининг реал ва ишончли усулларидир. Булар партияни сиёсатдаги хатолардан омон сақлай оладиган воситаларнинг ўзидир. Бундай хатолар қандай оқибатларга олиб келганлиги ҳаммамизга маълум.

Бугун Пленумда ҳаммамиз — бизга ошкоралик керак, бизга социалистик демократиянинг самарали усуллари бўлмиш танқид ва ўз-ўзини танқид керак, деган якдил хулосага келяпмиз. Бизнинг давлатимизда — ишчи ва деҳқонлар давлатида халқ ҳамма нарсага қизиқади, чунки бу — унинг давлатидир. Халқ ҳамма нарсани билиши ва ҳамма нарса ҳақида онгли фикр юритиши керак. Бу сўзларни В. И. Ленин айтганини биласизлар.

Халқ бор ҳақиқатни билиши керак. Шу муносабат билан мен Лениннинг «Искра» редакциясига ёзган хатида баён этган позициясини эслатиб қўймоқчиман. «Дарҳақиқат, — деб ёзган эди В. И. Ленин, — сектантларча тўгаракбозлик анъаналарини дадил ташлаш ва — **оммага** таянувчи партияда: **кўпроқ ёруғлик** керак, партия **ҳамма** нарсадан хабардор бўлсин, деган қатъий шиорни илгари суриш пайти келди». Партия ва халқ ҳамма нарсадан хабардор бўлишлари учун, бизда яна пўпанак босадиган қоронғи бурчаклар бўлмаслиги, ҳозир биз қатъий кураш бошлаган иллатлар бўлмаслиги учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ёруғлик керак. Биз бу курашни ҳали тугаллаганимиз йўқ. Шу сабабли — ёруғлик кўпроқ бўлсин!

Башарти бирон-бир кимса кенг ошкораликдан, демократик жараёндан ўзининг жамиятга зид ва ғаразли мақсадларида, бадном қилиш мақсадларида фойдаланишга урингудек бўлса, наҳотки биз мана шундай кудратли партия билан, мана шундай социализм ғояларига, ўз Ватанига садоқатли ватанпарвар халқ билан унинг адабини бериб қўя олмасак?

Мен ўз сафарларимни таҳлил этган пайтимдаги шундай бир кузатувимни сизлар билан ўртоқлашмоқчиман. Илгарилари кўпинча айни сафсатабозлар биринчи ўринга чиқиб олиб, ўзларининг «довюрак» эканликларини намойиш қилар эдилар. Бу — асосан: бошлиқлар, айниқса Москвадаги бошлиқлар қаёққа қарашмоқда? — деган сафсата бўлар эди. Ҳозирги вазият бошқача. Мен ўнлаб учрашувларда мана шу хулосани чиқардим. Энди ҳеч кутилмаган йиғилишларда ва жойларда, айтиш мумкинки, ҳеч бир тайёргарлик кўрмаган кишилар ўртасида етук, жиддий одамлар рўй-рост гурунгга аралашмоқдалар. Улар масалаларни ишчанлик билан ўртага қўймоқдалар, ўзларига равшан бўлмаган нарсаларни сўраб билмоқдалар, у ёки бу масала қандай ҳал этилишини аниқлаб олмоқдалар.

Айнан ошкоралик ва демократия вазияти ишчилар синфига, деҳқонларга, зиёлиларимизга, барча соғлом кучларга бошларини баланд кўтариш имконини берди. Сафсатабоз пайдо бўлса — уларнинг ўзлари унинг танобини тортиб қўймоқдалар. Менинг кўз ўнгимда ўнлаб марта мана шундай бўлди. Одамлар доимо барча масалаларнинг тагига етиб оладилар.

Ошкоралик, танқид, ўз-ўзини танқид бизга жуда зарур. Бу — социалистик турмуш тарзининг энг муҳим белгиларидир. Башарти бирон-бир кимса булар бизга ўтмиш камчиликларини танқид қилиш учунгина керак, деб ўйлаётган бўлса жуда янглишади. Энг муҳими шундан иборатки, ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид, демократия бизнинг олға ҳаракатимиз учун, жуда катта вазифаларни ҳал қилиш учун керак. Халқнинг актив иштирокисиз биз бу вазифаларни ҳал эта олмаймиз. Мана шунинг учун ҳам буларнинг барчаси бизга зарур.

Башарти бирон-бир кимсага бундай вазиятда ишлаш осон эмасдек туюлса, шуни эслатиб қўймоқчиманки, олти ойча муқаддам: кенгайиб борувчи демократия шароитида ишлашни ўргана бошланглар, деб маслаҳат берган эдим. Келинглар, ҳаммамиз шунга ўрганайлик!

Матбуот мамлакатдаги ошкораликни қўллаб-қувватлаши, халқимизни хабардор қилиб туриши керак. Аммо у бу ишни масъулият билан қилиши лозим — биз мана шундай истакни айтяпмиз. Олди-қочдиларга, «қовурма факт»ларни излашга берилиб кетмаслик керак. Бизга қайта қуришда актив қатнашувчи матбуот керак!

Бизнинг фаолиятимизда ишчанликни кучайтириш лозим. Анчагина ўртоқлар шу пайтгача кўп гапирилди, деб бу ерда тўғри мулоҳазалар, фикрларни билдирдилар.

Бу гап ҳаммага, шу жумладан матбуотга ҳам тааллуқлидир. Ҳозир биз ҳамма нарсани, ижобий, амалий тажрибаларни пайқаб олишимиз, улар билан қуролланишимиз, уларни бутун партиянинг, бутун халқнинг мулкига айлантиришимиз, қайта қуриш шароитидаги янгича ёндашувлар куртакларидан фойдаланишимиз жуда муҳимдир. Бу соҳада ҳам зўр ошкоралик лозим, жамики илғор тажрибаларни тарғиб қилиш керак.

Биз Марказий Комитетнинг январь Пленумидан бошлаб янги босқичга қадам қўяяпмиз, — қандайдир яна бир босқични ўйлаб топишяпти, деб мени айблашларини хоҳламайман, — аммо ҳар қалай, ҳозир биз ҳаракатимизнинг, қайта қуриш соҳасидаги ишимизнинг янги босқичига қадам қўяяпмиз. Мен бу фикрни шундай тушунтираман. Вазият таҳлил этиб берилди, сиёсий йўл ишлаб чиқилди, бу йўлни амалга ошириш юзасидан асосий қарорлар қабул қилинди. Энди фақат ишлаш ва ишлаш керак.

Бизнинг сиёсатимиз ҳақида, қайта қуриш тўғрисида одамлар миллионларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини амалий равишда яхшилашдаги яққол натижаларга қараб: ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши нақадар пухталашганлигига, меҳнатга ҳақ тўлаш адолатли бўлиб қолганлигига, уй-жой қурилиши жадаллашганлигига, савдо, маиший хизмат, шаҳар транспортининг, поликлиникалар, касалхоналарнинг иши нақадар яхшиланганига, партия ташкилотидаги, меҳнат коллективидаги маънавий иқлим нақадар соф, оромбахш бўлиб қолганига қараб ҳукм чиқарадилар — вақт ўтган сари бу ҳукм қаттиқроқ бўлаверади.

Хуллас биз, коммунистлар кундалик турмушнинг минг-минглаб фактлари асосида сиёсатимизнинг тўғрилигини, қайта қуришнинг ҳаётийлигини исботлашимиз лозим. Бу эса кадрларга нисбатан алоҳида юксак талаблар қўяди, уларни амалий натижаларга ундайди. Шу сабабли ҳозир куч-ғайратларни ошириш, суръатни кучайтириш, докладда айтиб ўтилганидек, ҳамма ишда ғайрат-шижоат кўрсатиш ғоят муҳимдир.

Биз юбилей йили — 1987 йилда ҳал этаётган вазифаларнинг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Вазифалар ўз миқёслари жиҳатидан, биз чиқиб олишимиз лозим бўлган марралар жиҳатидан ғоят каттадир. Хўжалик юритишнинг янги усулларини ўзлаштириш, бутун экономикани, унинг кўпгина тармоқларини хўжалик юритишнинг янги принципларига ўтказиш нуқтаи назаридан бу вазифалар айниқса муҳимдир.

Қайта қуриш — буюк мактаб, ўртоқлар. Бу мактаб мураккаб вазифаларни ўртага қўймоқда. Биз шу мактабда яхши сабоқ олишимиз керак. Яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: билимдонлик билан актив, дадил, ижодий ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиш ва яна ҳаракат қилиш керак! Таъбир жоиз бўлса, бу — ҳозирги пайтнинг бош вазифасидир. Ҳамма — ҳар бир партия ташкилоти, ҳар

бир партия комитети, ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист бу вазифани ўзига тегишли деб билиши лозим.

Мен КПСС Марказий Комитети номидан партиядаги барча ўртоқларга, ҳамма совет кишиларига мурожаат этиб, шундай демоқчиман: қайта қуриш иши, жамиятни революцион янгилаш иши, мамлакатнинг тақдири — халқнинг қўлида. Бас, шундай экан, бу тақдирнинг қандай бўлиши биз умумий меҳнатимиз билан, ақл-заковатимиз ва виждонимиз билан уни қандай бунёд этишимизга боғлиқ.

Қайта қуриш — ҳар бир софдил инсон учун, ҳар бир ватанпарвар учун курашнинг олдинги маррасидир. Ҳаммага иш етади, келгусида катта йўлни босиб ўтишимиз керак.

Биз XXVII съезд қарорларини бажаришга азму қарор берганмиз. Биз совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга ҳаракат қилаверамиз. Қайта қуриш йўли муқаррар эканига аминмиз.

Марказий Комитет аъзолари Бутуниттифоқ партия конференциясини ўтказиш тарафдори эканликларини билдирдилар. Бундай конференция партия учун жуда катта сиёсий воқеадир. Музокараларда қатнашмаган кишилар ҳам Сиёсий бюро Пленумга киритган шу таклифга қўшиладилар, деб ўйлайман.

Ўртоқлар, биз бурилиш босқичларида ўртага қўйилган мақсадларга эришишнинг янги йўллари ва воситаларини пайқаб олишда ёрдам берган, тактик вазифалар доирасидан анча четга чиқадиган проблемаларни ҳал этиб берган бир неча конференция ўтказилганини тарихдан биламиз. Сиёсий бюро конференция ўтказиш муддатлари ва тартиби тўғрисидаги таклифларни Марказий Комитетнинг яқин вақтда ўтказиладиган Пленумларидан бири учун тайёрлашини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз ва мен буни сизларнинг муҳокамангизга ҳавола қиламан. Партия конференцияси ҳисобот-сайлов кампаниясига яхши далда беради, партиянинг, барча партия ташкилотларининг қайта қуриш соҳасидаги ишига янги омил бахш этади, деб ўйлаймиз.

Партия Марказий Комитетининг Пленумида бўлиб ўтган мунозара якунида айтмоқчи бўлган мулоҳазаларим қисқача мана шулардан иборат.

Пленум ишида актив қатнашганингиз учун ҳаммангизга миннатдорчилик билдириб, унинг барча қатнашчиларига умумий ишларимизда катта муваффақиятлар тилашни истайман.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Пленумининг қарори

ҚАЙТА ҚУРИШ ВА ПАРТИЯНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ ТЎҒРИСИДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, Марказий Комитетнинг 1985 йил апрель Пленумидан аввалги даврда Совет жамиятида вужудга келган вазиятни таҳлил этиш асосида КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси чиқарган сиёсий ва амалий хулосаларни, қайта қуриш қандай бораётганлигига ҳамда партия XXVII съезди қарорлари бажарилишининг дастлабки якунларига берилган принципиал баҳони, шунингдек Марказий Комитет Сиёсий бюроси таърифлаб берган ҳамда барча партия, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳал этиши лозим бўлган КПССнинг ҳозирги кадрлар сиёсати вазифаларини тўла-тўкис маъқуллайди.

I.

КПСС Марказий Қомитети шуни қайд этадики, Марказий Қомитетнинг 1985 йил апрель Пленумидан ва КПСС XXVII съездидан кейин ўтган вақт социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, жамиятимиз турмушининг барча соҳаларини сифат жиҳатидан ўзгартириш хусусида партия ишлаб чиққан ва совет халқи қўллаб-қувватлаган стратегик йўлнинг тўғрилигини ва ҳаётий зарурлигини тасдиқлади.

Совет халқининг Улуғ Октябрь ғалабасидан кейинги қарийб 70 йил мобайнида социалистик қурилиш йўлида эришган ютуқлари жуда катта ва шак-шубҳасиздир. Аммо бу муваффақиятлар мамлакат 70—80-йиллар маррасида олға ҳаракат қилиш суръатларини пасайтира бошлаганлиги фактини панада қолдирмаслиги керак. Экономикада, социал ва маънавий соҳаларда қийинчиликлар ва ҳал этилмаган муаммолар йиғила бошлади, социализмга ёт бўлган турғунлик ва бошқа ҳолатлар пайдо бўлди. Партиянинг, унинг кадрларининг бутун катта ишига қарамай, КПСС Марказий Комитети, мамлакат раҳбарлари салбий тенденциялар кучайиб бориши хавфини ўз вақтида ва тўла ҳажмда баҳолай олмадилар, уларни бартараф этишнинг аниқ йўлини ишлаб чиқа олмадилар. Назарий тафаккурни ривожлантиришга, ривожланиб борувчи социализмнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ва зиддиятлари диалектикасини тадқиқ қилишга эътибор сусайганлиги етук социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишга салбий таъсир ўтказди. Социалистик демократия тартиб-қоидаларининг амал қилишида, планлаштириш практикасида, бошқарув услуби ва методларида жиддий камчиликлар йиғилиб қолди. Кўпгина партия ташкилотлари принципиал позицияларда тура олмадилар, партия турмушининг ленинча принциплари ва нормаларига қатъий риоя этилишига зарур эътибор бермадилар, салбий ҳодисаларга қарши, интизомнинг заифлашишига қарши, ичкиликбозлик ёйилишига, ўғирликларга, порахўрликка қарши кескин кураш олиб бормадилар. Маҳкамачилик ва маҳаллийчиликка, миллатчилик кўринишларига ҳамиша ҳам муносиб зарба берилмади.

Пленум мана шундай вазиятда партия қайта қуриш йўлини тутиш, бу йўлга бошчилик қилиш, турғунлик ҳолатларини қатъиян бартараф этишга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг пухта ва таъсирчан механизмини вужудга келтиришга қаратилган ўз характери жиҳатидан революцион ишни ташкил этиш учун ўзида куч топиб, мардлик қилганлиги бениҳоя муҳим аҳамиятга эга эканини уқтиради. Бизда қайта қуришдан бошқа йўл йўқ, бу йўлда чекиниш мумкин эмас ва ҳеч қаёққа чекиниб бўлмайди.

Қайта қуришнинг пировард мақсади — жамиятимиз турмушининг барча соҳаларини янгилашдан, социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бахш этишдан, социалистик тузумнинг ижодий имкониятларини ғоят тўла-тўкис намоён қилишдан иборат. Қайта қуриш турмушнинг чуқур қатламларига сингиб бориб, бутун жабҳа бўйлаб кенг қулоч ёзиб, мамлакатдаги вазиятга тобора кўпроқ таъсир ўтказмоқда, янги сифат белгиларини касб этмоқда.

Умумий сиёсий якун шундан иборатки, Совет жамияти турмушида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда, ижобий тенденциялар кучайиб бормоқда, янги маънавий муҳит таркиб топмоқда. Актив таъсир қилувчи принциплар сифатида ошкоралик, ҳаққонийлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ишни яхшилашга интилиш тобора кўпроқ қарор топмоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида халқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар жиҳатдан планда белгиланган марралардан ўзиб кетди, янада олға ҳаракат қилиш учун дуруст замин яратилди.

Бироқ кўрилаётган чора-тадбирлар ва қилинаётган ишлар ҳамма жойда ҳам йиғилиб қолган муаммоларнинг миқёсларига ва ўткирлигига мос келаётгани йўқ, лозим даражада самарадорлик ва ҳужумкорлик билан амалга оширилаётгани йўқ. Бир қанча энг муҳим соҳаларда, аввало самарадорлик ва сифат, фан ва техникани ривожлантириш соҳасида, социал соҳада ўзгартишлар катта қийинчиликлар билан кечмоқда. Социал-иқтисодий тараққиёт секинлашувининг кўп йиллар мобайнида вужудга келган механизми секинлик билан

барҳам топтирилмоқда ва ўз позицияларини осонликча бермаяпти, консерватизм, сусткашлик, эскирган тафаккур ҳали ўз кучи ва таъсирини йўқотгани йўқ.

Пленум қайта қуриш соҳасидаги ишни янада активлаштиришни, унинг ҳамма соҳаларидаги куч-ғайратларни оширишни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Секретариатининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка, область, округ, шаҳар, район партия комитетларининг, партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг энг муҳим вазифаси, деб ҳисоблайди. Ҳозир, илк босқичда реализм, қилинган ишларни холисона баҳолаш позицияларида туриш, эришилган натижаларга ўтмишга қиёслабгина назар ташламай, балки энг муҳими — партия ишлаб чиққан ва маъқуллаган планларга асосланиб иш тутиш, ҳар бир коммунистнинг, ҳар бир гражданнинг зўр ғайрат билан, узоқ муддат фидокорона ишлаш кайфиятини вужудга келтиришдир. Бу — бирдан-бир тўғри партиявий ёндашувдир. Истисносиз ҳамманинг самарали, виждонан ишлаши қайта қуриш муваффақиятининг гаровидир. Белгиланган йўлни сабот билан, қадам-бақадам, ҳеч иккиланмай рўёбга чиқариш, қабул этилган қарорлар билан уларнинг амалга оширилиши ўртасида тафовут бўлишига йўл қўймаслик, ўтказилаётган ўзгартишларнинг муқаррарлигини таъминлаш лозим.

Қайта қуришнинг муваффақияти кадрларимиз революцион ўзгартишлар зарурлигини нақадар тез ва чуқур тушуниб олишлари билан, улар нақадар қатъият, ғайрат ва билимдонлик билан ҳаракат қилишлари билан ҳал қилувчи даражада белгиланади. Партиянинг ленинча принципларга асосланган, қайта қуриш вазифаларига мос бўлиб тушадиган актив, собитқадам кадрлар сиёсати шу мақсадларга хизмат қилиши лозим. Бу сиёсат ҳозирги вазиятнинг хусусиятларини, бошдан кечирилаётган пайтнинг характери ва вазифаларини тўла-тўкис акс эттириши, партия ва давлатнинг, бутун жамиятимиз организми барча бўғинларининг юксак ишчанлик қобилиятини таъминлаши зарур. Кадрлар сиёсати КПССнинг программавий мақсадларини рўёбга чиқаришнинг ҳал қилувчи воситасидир, партиянинг жамиятга сиёсий раҳбарликни амалга оширишига, халқ манфаатларига, социализмни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаларига мос бўлиб тушадиган стратегик йўлни ишлаб чиқиши ва турмушга муваффақиятли татбиқ этишига имкон берадиган ишончли қуролдир.

II.

1. Пленум шуни таъкидлайдики, янги ижтимоий тузум бўлмиш социализмнинг жуда катта имкониятларини тобора тўла-тўкис намоён этиш ва улардан фойдаланиш, социализмнинг иқтисодий негизларини такомиллаштириш, социалистик демократизмни ҳар томонлама авж олдириш, халқнинг ўзини ўзи бошқаришини чуқурлаштириш мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг шартидир. Шу асосдагина меҳнаткаш омманинг жонли ижодкорлиги, унинг жамият турмуши барча масалаларини ҳал этишдаги реал иштироки чинакамига кенг миқёс касб этиши, инсон омили ўзини тўла куч билан намоён қилиши мумкин.

Партия XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ, бу йўлда қўйилган конкрет қадамларни маъқуллаб, Пленум социалистик демократияни кенгайтириш, совет сиёсий системасини ривожлантириш имкониятларидан энг кўп даражада фойдаланиш, партия, давлат органлари, жамоат ташкилотларининг ишини реал демократик мазмун билан тўлдириш, кадрларни танлашга ва уларнинг иши устидан контрол қилишга меҳнаткашларнинг таъсир ўтказишини анча кучайтириш учун шарт-шароитларни таъминлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бошланғич партия ташкилотлари кадрлар сиёсатини ўтказишда актив қатнашиш юзасидан Уставда белгиланган вазифани тўла-тўкис бажаришларига эришиш лозим.

2. Пленум ишлаб чиқариш соҳасидаги демократияни ривожлантиришга, меҳнат коллективларининг турмушига ўз-ўзини бошқаришни изчиллик билан жорий этишга, ҳар бир меҳнаткаш ўзини ўз корхонасининг амалдаги хўжайини деб ҳис этишига имкон яратадиган шарт-шароитларни вужудга келтиришга

биринчи даражали аҳамият беради. Корхона ва бирлашмалар меҳнат коллективлари кенгашларининг тузилиши, уларга, шунингдек коллективлар умумий йиғилишларига ишлаб чиқариш, социал ва кадрлар масалалари кенг доираси юзасидан ҳал қилувчи ваколатлар бериб қўйиш мана шунга хизмат қилиши керак.

Корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, участкалар, фермалар ва звеноларнинг раҳбарлари, бригадирлар ва мастерларни сайлаб қўйиладиган қилиш зарур, деб ҳисоблансин. Раҳбарлар ва мутахассисларни танлаш ҳамда бўш лавозимни эгаллаш конкурс системасини қўлланиш практикаси кенгайтирилсин ва шартлари белгилаб қўйилсин.

Янги шароитда меҳнат коллективларидаги раҳбар ходимларнинг сайлаб қўйилиши яккабошчиликка путур етказмайдигина эмас, балки аксинча, уни мустаҳкамлашини, раҳбарларнинг обрў-эътиборини оширишини ва шу билан бирга иш учун уларнинг масъулиятини кучайтиришини, ҳар бир коллективда ўзаро талабчанлик муҳитини вужудга келтиришини тўғри тушуниш муҳим аҳамият касб этади. Яккабошчилик билан коллективларнинг энг муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул этишдаги иштирокини узвий равишда бирга қўшиб олиб бориш демократик централизм, коллективга таянувчи планли раҳбарлик принципини чуқурлаштиради ва ривожлантиради.

Пленум давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳасини асос сифатида маъқуллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаб, келгусида уни умумхалқ муҳокамасига қўйишни назарда тутади.

3. Меҳнаткашларнинг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ривожлантиришнинг, экономикани ва социал соҳани бошқаришни демократлаштиришнинг колхозлар ва умуман социалистик кооперация ихтиёридаги кенг имкониятларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Колхозлар ва бошқа кооператив ташкилотлар уставларининг қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш, уларга кооперативлар аъзоларининг активлигини янада ривожлантиришга, уларнинг коллектив меҳнатдан ва коллектив ҳар бир аъзоси учун реал натижаларидан манфаатдорлигини оширишга ёрдам берадиган ўзгартишлар киритиш муҳимдир.

СССР Министрлар Советига, тегишли республика ва маҳаллий органларига умумий овқатланишни, маиший хизматни ҳамда совет кишиларининг талаб-эҳтиёжларини қондириш билан бевосита боғлиқ бўлган ва уларнинг манфаатларига мос бўлиб тушадиган бошқа баъзи соҳаларни ташкил этишнинг кооператив формаларини кенг ёйиш тадбирларини кўриш тавсия қилинсин.

4. Совет сайлов системасини такомиллаштириш ижтимоий турмушни, кадрлар сиёсатини демократлаштиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. Советларнинг депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни муҳокама қилиш практикасини расмиятчилик элементларидан халос қилиш, сайловчиларга кўпроқ номзодларга ўз муносабатини билдириш имкониятини, сайлов жараёнининг ҳамма босқичларида самарали иштирок этиш имкониятини бериш муҳимдир.

5. Пленум ички партиявий демократияни кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотларининг, конференциялар ва пленумларнинг ишини жонлантиришнинг самарали йўлларини қидириш, сайлаб қўйиладиган партия органларини ҳамма поғоналарда шакллантириш механизмини такомиллаштириб, уни янада демократиялаштириш зарурлиги тўғрисидаги масалани КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси принципиал тарзда қўйганлигини қўллаб-қувватлайди.

6. Пленум кадрларнинг фаолиятини «юқоридан» ва айниқса «қуйидан» контрол қилишни кучайтиришга, раҳбар органларнинг иши барча учун очиқ бўлиши, омманинг кўз ўнгида қилиниши тўғрисидаги ленинча талаб изчиллик билан рўёбга чиқарилишига муҳим аҳамият беради. Шу мақсадда сайланадиган ва тайинланадиган мансабдор шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туришини таъминлаш, меҳнаткашларга раҳбарларнинг фаолиятига баҳо бериш, ҳатто ўз вазифаларини бажармаган ёки ўз обрўсини тўккан ходимларни бўшатиш тўғрисидаги масалани қўйиш ҳуқуқини бериш лозим. Раҳбар кадрларнинг иши устидан контрол қилишнинг

аниқ системасини вужудга келтириш, бунинг учун партия, касаба союз, комсомол конференцияларидан халқ депутатлари Советларининг сессияларидан, партия, касаба союз ва комсомол комитетларининг пленумларидан, СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари, халқ депутатлари маҳаллий Советлари доимий комиссияларининг фаолиятидан фойдаланиш, депутатлик сўровлари практикасини изчиллик билан кенгайтириш зарур.

КПСС Марказий Комитетининг Секретариати билан СССР Министрлар Советининг Президиуми корхона ва ташкилотлардаги текшириш ҳамда назоратлар мавжуд практикасини тартибга солиш юзасидан чора-тадбирлар кўришлари, бунда мазкур текширишлар кўпдан-кўп кишиларни ишдан чалғитадиган расмиятчилик бўлиб қолмай, балки ишга ёрдам берадиган бўлишини назарда тутиш мақсадга мувофиқ, деб топилсин.

Партия ташкилотлари давлат органлари ва жамоат ташкилотлари раҳбар кадрларини, мутахассисларини, аппарат ходимларини аттестациядан ўтказишни доимо диққат марказида тутишлари, буни кадрларнинг иши учун коллектив контролнинг, улар амалий малакасини ўстиришни рағбатлантиришнинг таъсирчан формаси, деб ҳисоблашлари лозим.

7. Пленум барча партия комитетлари ва партия ташкилотлари зиммасига ошкораликни кенгайтиришга, танқид ва ўз-ўзини танқидни, айниқса қуйидан бўладиган танқидни ривожлантиришга қаратилган қўшимча чора-тадбирларни кўриш, шу синалган қуролдан кадрларни камчиликларга нисбатан муросасизлик, эришилган натижалардан холисона қаноатланмаслик, социалистик ахлоқ нормаларидан турли тарзда четга чиқиш ҳолларини тугатиш руҳида тарбиялаш мақсадларида тўла-тўкис фойдаланиш мажбуриятини юклайди. Танқидга муносабат — кадрлар сиёсий етуклигининг, улар ўзгаришларга тайёрлигининг, қайта қуришни амалда рўёбга чиқариш қобилиятининг муҳим кўрсаткичи эканлигига доимо асосланиш лозим. Партияда танқиддан ташқарида турадиган кишилар ҳам, шунингдек танқид қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган кишилар ҳам бўлиши мумкин эмас. Танқидни бўғишнинг ҳар қандай фактлари, шунингдек туҳматчиларнинг ишга садоқатли, софдил ходимларни бадном қилиш, хусумат юзасидан ўч олиш, бунинг учун имзосиз хатлардан ва бошқа номуносиб усуллардан фойдаланиш йўлидаги уринишлари пайи қатъиян қирқилиши керак.

8. Пленум ҳақиқий демократия қонундан ташқарида ва қонундан устун тарзда яшаши мумкин эмаслигини эътиборга олиб, янги қонун актларини ишлаб чиқиш ва қабул этишга, совет судининг ролини оширишга, судьяларнинг мустақиллиги принципига қатъий риоя этишга, прокурор назоратини кескин кучайтиришга, тергов органларининг ишини, Совет давлат манфаатларини муҳофаза қилиш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг барча йўллари ва воситаларини такомиллаштиришга катта аҳамият беради. Партия қуюшқондан чиқиш, масъулиятсизлик, бошбошдоқлик социалистик демократияга мутлақо зид эканлигига асосланиб иш тутади. Социалистик демократия инсонга, коллективга ва жамиятга, меҳнаткашларнинг ташаббусини ривожлантиришга, социалистик тузумнинг ижодкорлик имкониятларини намоён этишга, қонунчилик ва адолатни, жамиятимиздаги соғлом маънавий муҳитни мустаҳкамлашга реал хизмат қилиши керак. Раҳбар кадрларни, бутун аҳолини ҳуқуқий тарбиялашни кучайтириш лозим.

9. Пленум Совет демократиясининг социал базасини изчиллик билан кенгайтириш тўғрисида, ҳар бир гражданнинг, ветеранлар ва ёшларнинг, аҳоли барча қатламлари вакилларининг қайта қуришни амалга оширишда, давлат ва жамоат турмушида янада активроқ қатнашиши ҳақида ғамхўрлик қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

Барча соҳаларда кекса авлодларнинг синалган кадрлари билан ёнма-ён ёшлар, истиқболли ходимлар меҳнат қилишларига, тажриба орттиришларига, чиниқиб, дадил кўтарилиб боришларига ҳаракат қилиш керак. Партия ташкилотлари бу табиий жараённи раҳбарлик, сиёсий йўлимиз давомийлигини таъминлашнинг, қолоқлик ва турғунликни бартараф этишнинг зарур шарти деб билиб, унга моҳирона бошчилик қилишлари лозим. Ёшларга ишониш, уларнинг

меҳнатини, ўқишини, турмушини, бўш вақтини ташкил этишдаги мустақиллигини ривожлантириш билан бирга уларга ёрдам бериш, хатоларни ўртоқларча танқид қилиш муҳимдир. Кўтариладиган кадрларнинг ишончли резервини тайёрлаш соҳасидаги ишни тубдан яхшилаш зарур.

Муносиб ишчилар ва колхозчилар партия, совет, касаба союз, комсомол органларига, раҳбарлик ишига кўпроқ тавсия қилиниши керак. Уларнинг олий ўқув юртларида ва техникумларда ўқиши ҳар томонлама рағбатлантирилсин, улар орасидан бўлажак раҳбарлар синчиклаб танлаб олиниб, тарбиялансин. Партиясиз ўртоқлар орасидан яхши ташкилотчиларни масъулиятли лавозимларга активроқ кўтариш лозим. Хотин-қизларни бошқарувнинг барча поғоналаридаги ва жамият ҳаёт фаолиятининг ҳамма соҳаларидаги раҳбарлик лавозимларига кўтаришни Пленум принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳисоблайди.

10. Марказий Комитет Пленуми кадрлар билан ишлашда ленинча миллий сиёсат талабларини қатъият ва изчиллик билан амалга ошириш, мамлакат хўжалик ва ижтимоий турмушининг чуқурлашиб бораётган интернационаллашув жараёнларини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурлигига эътиборни қаратади. Миллий муносабатларни ривожлантиришга тааллуқли ҳамма ишларда алоҳида сезгирлик ва эҳтиёткорлик, партиявий принципиаллик қилиш, мамлакатимиз халқларининг дўстлиги ва қардошлигини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш, бу соҳадаги салбий ҳодисаларни қатъиян барҳам топтириш, миллатчилик ва шовинизмнинг, сионизм ва антисемитизмнинг, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига, тайёрга айёрлик кайфиятларига, миллий маҳдудлик ва кеккайишга муросасиз зарба бериш, изчил, саботли интернационализмни бу иллатларга қарши қўйиш лозим.

Партия, давлат, хўжалик органларида, жамоат ташкилотларида мамлакат барча миллат ва элатларининг муносиб вакиллари бўлиши таъминлансин, раҳбар кадрларнинг состави аҳолининг миллий структурасини янада тўлиқроқ акс эттиришига ҳаракат қилинсин. Кадрларнинг интернационал руҳда чиниқишини кучайтириш, уларга партия ва давлат иши тажрибасини сингдириш мақсадида республикалар ва регионлар ўртасида, маҳаллий ва марказий органлар ўртасида бир-бирларига кадрлар юборишни активлаштириш зарур.

III.

1. Пленум КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ва Секретариати қабул қилган, ўтмишда партиявий принципларнинг бузилиши, кадрлар сиёсатини ўтказишдаги чалкашликлар оқибатларини бартараф этишга қаратилган тадбирларни маъқуллайди. Раҳбарликка янги кучларнинг келиши, янги вазифаларни бажаришга ноқобил бўлиб қолган, номуносиб одоб-ахлоқи билан шаънига доғ туширган раҳбарларнинг алмаштирилиши қайта қуришнинг зарур таркибий қисми ва энг муҳим омили бўлди.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида кадрлар сиёсатини жиддий тарзда янгилаш, бу сиёсатни социал-иқтисодий жадаллаштириш учун курашнинг бош йўналишлари билан чамбарчас боғланган чинакам замонавий сиёсатга айлантириш, партия, давлат, хўжалик ва жамоат ишининг ҳар бир бўғинига партия ва халқ ишига садоқатли, жамиятимизда сифат ўзгаришлари бўлиши лозимлигини чуқур англаётган, сусткашлик ва эскиликни бартараф этишга қодир бўлган, партия йўлини ижодий ўтказадиган чинакам новаторлар етакчилик қилишларига қатъият билан эришиш лозим.

Ўтмиш сабоқларини ҳар томонлама таҳлил этиш асосида КПСС Марказий Комитети қуйидагиларни принцип эътибори билан муҳим, деб ҳисоблайди:

кадрлар сиёсатини ленинча тушунишга мувофиқ тарзда, КПСС Марказий Комитети ва ҳукуматдан бошлаб барча даражаларда етилган кадрлар масалалари ўз вақтида ҳал этилсин. Янгиланиш жараёни узилиб қолмаслиги, давомийлик бузилмаслиги учун раҳбар кадрлар составига янги кучлар ҳамиша қўшилиб туриши таъминлансин;

кадрларнинг марксча-ленинча назарий тайёргарлиги, ғоявий-маънавий чиниқиши кучайтирилсин, уларда юксак сиёсий ва маънавий маданият

шакллантирилсин, партиянинг жадаллаштириш йўли моҳиятини чуқур тушуниб олиш ва ҳар бир участкада программавий мақсадларни кундалик ташкилий, хўжалик ва тарбиявий иш билан мустаҳкам боғлаш кўникмаси шакллантирилсин, партия комитетлари фаолиятига, кадрлар танлашга технократик ёндашув кўринишлари қатъият билан бартараф этилсин;

кадрларни танлаш ва ўзгартиришда уларга диққат-эътибор билан, мулоҳаза қилиб кўриб, принципиал муносабатда бўлиш таъминлансин, ҳамма ҳолларда фақат иш манфаатлари назарда тутилсин. Бу ўринда турғунлик ҳам, ходимларни асоссиз тарзда шоша-пиша алмаштириш, маъмуриятчилик, субъективизм, мустақил фикр юритиш ва ташаббусга бетоқатликка ҳам йўл қўйиб бўлмайди;

топширилган иш учун кадрларнинг масъулияти доимо ошириб борилсин ҳамма ерда ўзаро талабчанлик, мустаҳкам интизом ва уюшқоқлик вазияти яратилсин, бўшашувчанлик кўринишларининг пайи қатъият билан қирқилсин. Кадрлар тўғрисидаги чинакам ғамхўрликнинг кўнгилчанлик ва гуноҳини кечиб юбораверишь билан, «мурувват» қилиш ва тилёғламалик билан сира алоқаси йўқ;

кадрлар сиёсатида демократик централизм принципига қаттиқ риоя қилинсин ва бу принцип ривожлантирилсин. Партия ва давлатдаги, касаба союзларидаги, комсомолдаги ва бошқа жамоат ташкилотларидаги сайлаб қўйиладиган органлар ўзларига берилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланиб, ижроия органлар, аппарат иши устидан амалий контролни рўёбга чиқаришлари учун зарур сиёсий ва ҳуқуқий негизлар яратилсин;

сайлаб қўйиладиган органларда чинакам коллективчилик, тенглик, масалаларни эркин ва принципиал муҳокама қилиш вазияти қарор топтирилсин. Раҳбарнинг лавозими нақадар юқори бўлмасин, бу уни сайлаб қўйиладиган органнинг бошқа аъзоларига нисбатан юқорироқ ўринга чиқариб қўймайди, балки фақат партия нормалари ва принципларига қатъийроқ риоя қилиши учун яна ҳам юксакроқ масъулиятни таъкидлайди;

партия, давлат ва жамоат контроли органларининг интизомни мустаҳкамлашга, турли хил бузилишлар ва суиистеъмолларни тугатишга, аппарат ишидаги аниқ-пухталикни оширишга таъсирини кучайтириб, бу органлар фаолиятини тубдан яхшилаш юзасидан амалий тадбирлар рўёбга чиқарилсин.

2. Марказий Комитет Пленуми қайта қуришга, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларига муносабат ва бу вазифаларни амалга ошириш соҳасидаги реал ишлар кадрларга, уларнинг сиёсий ва гражданлик позициясига баҳо беришнинг ҳал қилувчи мезони эканлигини таъкидлайди. Партия қайта қуриш йўлини маъқуллабгина қолмай, балки янгиланиш жараёнига актив, ижодий киришган, умумий ишга ўзининг бутун куч-қувватини бағишлаётган, муваффақиятга эришишга қодир бўлган ходимларни кўтариб, қўллаб-қувватлайверади. Кимки ўзига топширилган участкадаги ишларнинг аҳволини яхшилик сари ўзгартиришга қодир бўлмаса, содир бўлаётган ўзгаришларга лоқайд қолаверса, эскиликка ёпишиб олса, у раҳбарлик лавозимини эгаллаб туришга ҳақли эмас.

3. Қайта қуриш жараёни социалистик жамият маънавий асосларини, совет турмуш тарзини мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғланган. Чуқур ғоявий эътиқод, мамлакат тақдири учун ниҳоятда юксак сиёсий ва маънавий масъулият, ленинча большевистик ахлоққа оғишмай амал қилиш — бу талаблар ҳозирги вазиятда ҳамма кадрларимиз олдига алоҳида ўткир қилиб қўйилмоқда. Улар ғоявий матонат, партия ва давлат интизомига сўзсиз риоя қилиш намунасини, субутлилик, ростгўйлик, виждонлилик, ҳалоллик, камтарлик, социалистик ахлоқ нормаларидан ҳар қандай чекинишларга муросасизлик намунасини кўрсатишлари керак.

Мунофиқлардан, амалпарастлардан, устомон кимсалардан, партия аъзоси номига, совет раҳбари шаънига тамагирлик, мол-дунёга ҳирс қўйиш, ичкиликбозлик, ахлоқий нопоклик билан доғ тушираётган кимсалардан қатъиян халос бўлиб бораверишь зарур. Манфаатпарастлик, уруғ-аймоқчилик, ошна-оғайнигарчиликка қарши, ходимларни юртдошлиги ва шахсий садоқатига кўра

кўтаришга қарши кескин кураш олиб бориш лозим. Қаллобларга, юлғичларга, порахўрларга ён босишга уринаётган кимсалар партия Устави ва Совет Қонунларининг бутун кучи билан тергаб қўйилиши лозим. Кимки кўра-била туриб принципларимизни оёқ ости қилаётган бўлса, бу ҳақда ошкора гапирилиши ва бу киши жамоатчилик томонидан қораланиши керак. Раҳбарнинг покиза ва ҳалол қиёфаси ҳақида ғамхўрлик қилиш — ҳар бир партия ташкилотининг биринчи даражали бурчидир.

Пленум партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ишни барбод қилган ва ўз шаънига доғ туширган раҳбарларнинг жавобгарлигини хас-пўшлашга ҳар қандай уринишларга, бу уринишлар ким томонидан содир этилаётганидан қатъи назар уларга кескин зарба бериш вазифасини юклайди. Раҳбар ходимларнинг қилмишлари ҳақидаги масалалар ими-жимида муҳокама қилинаётганлиги, бирон-бир масъул шахснинг эгаллаб турган лавозимидан бўшатилишининг асл сабаблари хусусида индалмаётганлиги каби ҳозир ҳам мавжуд практикага ҳамма жойда чек қўйиш керак. Коммунист қилмишлари учун аввало ўз бошланғич партия ташкилоти олдида жавоб бериши ҳақидаги КПСС Устави қоидасига оғишмай риоя қилиш лозим. Партия ва давлатда қонун ҳамма учун битта, интизом ҳам ҳамма учун битта.

4. Қайта қуришни чуқурлаштириш бу аввало, партия ишининг ўзини, унинг ҳамма даражадаги кадрлари — Марказий Комитетдан тортиб, бошланғич партия ташкилотларигача ишини қайта қуриш демакдир, ҳамма бўғинларда ленинча принциплар ва партия турмуши нормаларини изчил амалга ошириш демакдир. Марказий Комитет ҳозирги кадрлар сиёсатининг моҳияти ва бош вазифасини ана шунда деб билади.

Шунга асосланиш керакки, бугунги кунда партиянинг, унинг комитетларининг йўналтирувчи ва мувофиқлаштирувчи роли ҳамма соҳаларда ишлаётган кадрларга ёрдам беришда, давр вазифаларини англаб олишда ва топширилган иш учун қаттиқ талабчанликда намоён бўлиши лозим. Партия органларига хос бўлмаган бошқарув функцияларидан, масалаларни бошқалар учун ҳал этишга интилишдан, совет органлари, хўжалик ва жамоат ташкилотларининг ўрнини босишдан қатъиян воз кечиш керак. Партия билан унинг бошланғич бўғинлари, меҳнат коллективлари ўртасида бевосита алоқа боғлайдиган район ва шаҳар партия комитетларининг ишини қайта қуришга алоҳида эътибор берилсин.

Ҳар бир партия комитети сиёсий раҳбарлик органи сифатида янги ғояларнинг чинакам тўпловчиси ва оммалаштирувчиси, жами кучларнинг баҳамжиҳат ҳаракатининг ташкилотчиси бўлишига, бу кучларни тўғри жойлаштиришига, қабул қилинаётган қарорларнинг оқибатларини олдиндан кўра билиши ва ҳисобга олишига собитқадамлик билан эришилсин. Инсон ҳақида, унинг меҳнат шароитлари, турмуши ва дам олиши тўғрисида ғамхўрлик, кишилар онгини шакллантириш партия комитетларининг диққат марказида бўлиши керак. Партиявий раҳбарлик услубида диққат-эътиборни амалда омма ўртасидаги жонли ишга, қабул қилинаётган қарорларнинг ва белгиланадиган планларнинг амалга оширилишини ташкил этишга, халқ ташаббусини қўллаб-қувватлашга, новаторларнинг изланишларини рағбатлантиришга қаратиш зарур.

Бошланғич партия ташкилотлари қайта қуриш, жадаллаштириш учун курашнинг асосий бўғинидир, бунда партия сиёсати миллионлаб коммунистларнинг куч-ғайрати билан амалга оширилади, бу сиёсат кундалик ҳаёт билан, меҳнаткашларнинг ишлари ва ташвишлари билан боғланиб кетади. Бошланғич партия ташкилотларини ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлаш, уларнинг жанговарлиги ва активлигини ошириш — район, шаҳар, округ, область, ўлка партия комитетларининг, иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг энг муҳим вазифасидир.

Партия ходимларида ишга сиёсий, давлат нуктаи назаридан ёндашувни, демократия чуқурлашиб бораётган, одамларнинг ижтимоий ва меҳнат активлиги тобора ўсиб бораётган шароитларда ишлай билишни, уларни ишонтириш ва ўзларига эргаштириб боришни, қолоқлик, бюрократизм, маҳаллийчилик, маҳкамачилик кўринишларига муросасизликни тарбиялаш зарур. Пленум Сиёсий бюро партиявий сиёсий таълим системасини комплекс

қайта қуриш, уни ҳаёт билан, замонавий вазифалар билан узвий равишда боғлаш юзасидан белгиланган тадбирларни маъқуллайди ва партия комитетлари зиммасига партия ташкилотлари ва пропаганда воситаларига амалий ёрдамни кучайтириш, омма орасида ишлаётган қуйи партия активларини ўқитишни уюштириш ва уларни хабардор қилиб туришни яхшилаш вазифасини юклайди.

5. Пленум партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини амалга оширишда экономика соҳасида банд бўлган кадрлар зиммасига жуда катта масъулият тушаётганини ҳисобга олиб, одамлар билан ишлай оладиган ва хўжалик юритишнинг янги шароитларида фан-техника тараққиётининг илғор марраларига чиқиб олинишини, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини тубдан яхшилашни, ишлаб чиқаришнинг юксак самарадорлигини таъминлашга қодир бўлган корхоналар ва бирлашмаларнинг ҳақиқатан ҳам билимдон ва омилкор раҳбарларини кўтариш ва тарбиялаш зарурлигига эътиборни қаратади. Раҳбарликнинг тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга, бирлашмалар ва корхоналар иши натижалари учун кенг кўламдаги мустақиллик ва юксак жавобгарликка, ташқи иқтисодий фаолиятга янгича ёндашувга асосланган иқтисодий методларни тезроқ ўзлаштириб олишда уларга ёрдам бериш керак. Давлат қабулининг жорий этилиши катта аҳамиятга молик ишдир.

КПСС Марказий Комитети ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлилар, барча меҳнаткашларни қайта қуришга, жадаллаштириш, жамиятимизнинг барча бўғинларида юксак интизом, маънавий покликни мустаҳкамлаш учун курашга актив жалб этишга принципиал аҳамият беради. Бунда қайта қуриш шароитларида ҳар қандай иш участкасида барча меҳнатчилардан топширилган иш учун юксак масъулият, профессионал маҳорат ва меҳнат маданиятини муттасил ошириб бориш, замонавий илғор техника ва технологияни эгаллаш, ташаббус ва ижодкорлик талаб этилаётганлигига асосланиш зарур.

6. Пленум халқ хўжалигидаги интеллектуал, кадрлар потенциалининг сифати ва ижодий самарасини тубдан оширишни, мутахассисларни тайёрлаш ва улардан фойдаланишни яхшилашни, олий ва ўрта махсус мактаб ишини қайта қуришни, умумий таълим ва ҳунар-техника мактабини ислоҳ қилишни изчиллик билан ўтказишни, мамлакатда узлуксиз таълимнинг ягона системасини вужудга келтиришни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Устун даражада ривожлантирилаётган халқ хўжалиги тармоқларига, янгитдан бунёд этилаётган ишлаб чиқаришларга кадрлар етказиб беришни жадаллаштиришга, янги техника ишлаб чиқаришни ўзлаштирувчи ва уни ишлатувчи мутахассислар ва ишчилар тайёрлашга алоҳида эътибор берилсин.

7. Пленум техника ва технологияни жадал ривожлантириш фундаментал илмий ғоялар ва амалий ишланмалар хазинасини тобора кўпроқ тўлдиришни, илм-фанни халқ хўжалиги эҳтиёжларига кескин буриб юборишни талаб қилаётганлигига асосланиб, ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаштириш, экономика самарадорлигини ошириш билан боғлиқ вазифаларни рўёбга чиқаришда академия, тармоқ ва олий ўқув юрти фани кадрлари берадиган самарани ошириш, илм-фанни ишлаб чиқариш билан бирлаштиришни кучайтириш зарур, деб ҳисоблайди. Илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари ва тармоқлараро фан-техника комплекслари ишига кўпроқ эътибор берилсин. Илмий кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, уларнинг составини қобилиятли ёшлар билан тўлдириш, олимларнинг самарали ишлаши учун шарт-шароит яратиш, илм-фаннинг техника билан қуролланганлик даражасини ошириш, унинг экспериментал базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин.

8. Ҳозирги замон талабларини эътиборга олиб, план, молия органлари ва бошқа умумий иқтисодий органларнинг, барча министрликлар ва идораларнинг структурасини, иш услуби, форма ва методларини қайта қуриш жадаллаштирилсин, уларнинг функциялари ва вазифалари янада аниқроқ белгилаб қўйилсин, бирлашма ва корхоналарнинг икир-чикир ишларига васийлик қилишдан, уларнинг оператив фаолиятига аралашишдан воз кечишда ёрдам

берилсин, бутун диққат-эътибор халқ хўжалиги тармоқларини ривожлантиришнинг, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, хўжалик механизмини такомиллаштириш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг йирик, истиқболли масалаларига қаратилсин.

9. Пленум раҳбар кадрларнинг фаолиятидаги социал йўналишни кучайтиришни, уларда социал проблемаларга жуда муҳим сиёсий иш, деб қараш муносабатини тарбиялашни принципиал жиҳатдан муҳим, деб ҳисоблайди. Социал масалаларни тўғри ҳал этиш, одамларнинг серунум меҳнати, ҳаёти ва турмуши учун қулай шароитларни яратиш, коллективларда ижодий изланиш муҳитини қарор топтириш — ҳар қандай раҳбар сиёсий ва амалий етуклигининг зарур мезонидир.

Одамларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш, гражданларнинг энг муҳим манфаатларига тааллуқли масалаларни ҳал этиш билан бевосита боғлиқ бўлган барча соҳаларда ишлаб турган кадрларнинг фаолиятига зўр эътибор билан қаралсин. Бу соҳада ишни яхши ташкил этиш айниқса муҳимдир. Қўполлик, бағритошлик, инсонга эътиборсизлик кўринишларига тоқат қилиб бўлмайди.

10. Партия қайта қуриш соҳасидаги ишда совет, касаба союз, комсомол кадрларига таянади. Пленум социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш юзасидан КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети кўрган чора-тадбирларни маъқуллаб, Советларнинг ва улар ижроия комитетларининг фаолиятидаги демократик негизлар кучайиб боришига, уларга бериб қўйилган ваколатлардан тўлиқроқ ва самаралироқ фойдаланилишига муҳим аҳамият беради. Советлардаги партия группаларининг иш савиясини ошириш, уларнинг Совет органлари фаолиятига таъсирини кучайтириш зарур.

Ҳозирги шароитларда конкрет ишлаб чиқариш ва социал масалаларни ҳал этишда, мусобақани ривожлантиришда, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашда, одамларни тарбиялашда касаба союз кадрлари янада актив позицияда туришлари керак. Қасаба союзларида ишловчи коммунистлар касаба союз ишига обрў-эътиборли, ҳаётни яхши биладиган, конкрет ишни ташкил эта оладиган, меҳнаткаш инсоннинг, коллективнинг манфаатларини ҳимоя қила биладиган кишилар сайланишига ҳаракат қилишлари зарур.

Партия ташкилотлари комсомол ташкилотларига кун сайин ва конкрет раҳбарлик қилишлари, насиҳатгўйликка, маъмуриятчиликка йўл қўймасликлари, комсомолнинг ташабускорлигини ҳар томонлама ривожлантиришлари, ёшлар билан тарбиявий ишни юксак даражада ташкил этишда, уларнинг талаб-эҳтиёжларига дарҳол жавоб беришда, меҳнатда, ўқишда, дам олишда фойдали янгиликларнинг ташаббускорлари бўлиб чиқишда ёрдамлашишлари зарур.

11. Пленум суд, прокуратура, юстиция ва милиция, давлат арбитражи, нотариат ходимларининг, жамоат тартибини муҳофаза қилишда ихтиёрий равишда қатнашаётган минглаб кишиларнинг обрў-эътиборини ошириш, уларнинг фаолияти самарадорлигини кучайтириш юзасидан Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси кўраётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди. Шу билан бирга, партиянинг қўллаб-қувватлаши ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари кадрларининг зиммасига социалистик жамият ва давлат манфаатларини, совет гражданларининг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ўз фаолиятини тубдан қайта қуриш учун янада қатъият билан курашиш мажбуриятини юклайди. Ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг кадрлари билан ишлашни жиддий равишда яхшилаш, уларни демократия ва ошкораликни кенгайтириш шароитида ишлаш маҳоратига ўргатиш, бунда ҳуқуқ-тартибот ишига хизмат қиладиган кишининг ўзи Қонун олдида, партия олдида, халқ олдида беғубор, мусаффо бўлиши кераклигини эсда тутиш зарур.

12. Пленум ташқи сиёсат идораларининг ишини қайта қуришга, уларни халқаро сиёсат соҳасида партия йўлини изчиллик билан ижодий ўтказа оладиган ходимлар билан мустаҳкамлашга муҳим аҳамият беради.

13. Ҳозирги мураккаб халқаро вазият АҚШ урушқоқ империалист доираларининг ҳарбий-стратегик тенгликни бузиш, ядровий устунликка эришиш

йўлидаги интилиши иқтисодий потенциални тезроқ кўпайтиришни, мамлакатимизнинг мудофаа имкониятларини ҳар томонлама мустаҳкамлашни, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини муносиб даражада сақлашни, Қуролли Кучларнинг юксак маҳорати ва жанговар шайлигини, доимий сергаклигини талаб қилади. КПСС Марказий Комитети халқнинг тинч меҳнатини, Ватан хавфсизлигини пухта равишда ҳимоя қилаётган, интернационал бурчни шараф билан бажараётган ҳарбий кадрларнинг, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти жангчиларининг фаолиятини юксак қадрлайди. Командирлар, сиёсий ходимлар, бутун офицерлар составининг, армия ва флот партия ташкилотларининг ҳарбий интизомни юксак даражада сақлаш, жангчиларни ғоявий ва маънавий жиҳатдан тарбиялаш, уларнинг жанговар ва сиёсий тайёрлигини ошириш учун бўлган масъулиятини бундан буён ҳам кучайтириш, ҳарбий хизматчилар, улар оилаларининг турмуш шароитлари ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш зарур.

14. Партия ғояларини, сиёсатини оммага етказиши, оммага қайта қуришнинг тарихий зарурлигини тушунтириб бериши, ҳар бир кишининг жадаллаштириш учун, умумхалқ курашидаги ўз ўрнини топиб олишида ёрдам бериши лозим бўлган идеология ходимлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклатилади. Раҳбар кадрлар, партиянинг активлари, барча коммунистлар тарбиявий иш билан кун сайин шуғулланишлари керак. Идеология соҳаларини назарий ва профессионал жиҳатдан тайёргарлик кўрган замон нафасини нозик ҳис қилиб турган, ижодий ишлашга, мафкуравий, тарбиявий иш билан қайта қуришни амалий равишда ўтказишни мустаҳкам боғлашга ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган кишиларга топшириш лозим.

Пленум шуни қайд этадики, матбуот, телевидение, радио жамиятимиз олдида турган вазифаларни амалга оширишга, ошкораликни, соғлом, танқидий муҳитни қарор топтиришга актив кўмаклашмоқда. Салбий ҳодисаларга нисбатан муросасизлик ва қайта қуриш туфайли юзага келган тажрибани тасвирлаб бериш, ҳалол, серунум меҳнатни улуғлаш — оммавий ахборот воситаларининг биринчи даражали ва ўзаро боғлиқ вазифаларидир. Партиянинг кадрларга нисбатан қўяётган: ғоявийлик, профессионализм, бурчни ҳис этиш, принципиаллик ҳамда жамоатчилик ҳукмига ҳавола этиладиган фактларнинг тўғрилиги ва аниқлиги учун юксак масъулият, танқидга партиявий муносабатда бўлиш хусусидаги умумий талаблари матубот, телевидение, радиоэшиттириш ходимларига ҳам тааллуқлидир.

15. Ижтимоий ўзгартишларнинг янги босқичи санъаткор зиёлилар олдига, маданият соҳасининг барча ходимлари олдига масъулиятли вазифалар қўймоқда. Уларнинг бурчи — жамиятнинг маънавий турмушини бойитишдан, меҳнат аҳлининг ғоявий ва ахлоқий жиҳатдан ўсишига кўмаклашишдан, воқелигимизнинг бутун кўп қирралилигини ва улуғворлигини тасвирлайдиган талантли, ҳаққоний асарлар яратишдан халқимизга, аввало ёшларга инсонпарварликка ёт сохта қадриятларни тиқиштиришга уринаётган империализмнинг ғоявий-маданий агрессиясига қатъият билан қарши туришдан иборат.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари, ўлка, область партия комитетлари, тегишли давлат органлари, ижодий союзларнинг правлениелари ва партия ташкилотлари, маданият муассасалари бадиий жараёнга талантни ҳурмат қилиб ва айни вақтда партиявий принципиаллик билан моҳирона ёрдам беришлари, маданий қурилишдаги демократизм ва ижтимоий ҳаваскорлик формаларини такомиллаштиришга кўмаклашишлари, ижодий коллективларда танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришлари керак. Адабий танқидчиликнинг ролини оширишга, ижодкор ёшларни ғоявий чиниқтириш ва тарбиялашга, уларнинг қобилияти ва истеъдодларини юзага чиқаришга алоҳида эътибор берилсин. Бадиий ижодкорликка раҳбарлик қилишда соф ижодий жараёнларга билар-билмас аралашишга, ўз диди билан ёқтириш ёки ёқтирмасликка, ғоявий таъсир усулларини маъмуриятчилик қарорлари билан алмаштиришга йўл қўйиб бўлмайди.

16. Пленум Марказий Комитетнинг Сиёсий бюросига Марказий Комитет аъзоларининг таклифларини эътиборга олиб, КПСС Марказий Комитети ва маҳаллий партия органлари аппаратида кадрлар ишини ташкил этишни

такомиллаштириш, ҳозирги замон кадрлар сиёсати проблемаларига оид назарий ва методологик ишланмаларни чуқурлаштириш юзасидан конкрет чора-тадбирларни амалга оширишни топширади. Министрликларда, идораларда, корхона, муассаса ва ташкилотларда кадрлар бўлимларининг иши тубдан яхшиланиши керак.

КПСС Марказий Комитети партия XXVII съезди йўл-йўриқлари ва ушбу қарор асосида кадрлар билан ишлашни яхшилаш юзасидан амалий чора-тадбирларни рўёбга чиқаришни партия комитетларига, совет органларига, министрликлар ва идораларга, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетига, бошқа жамоат ташкилотларининг раҳбар органларига тавсия этади.

* *
*

КПСС Марказий Комитетининг Пленуми Совет жамиятининг иқтисодий, социал ва маънавий соҳаларидаги ўзгартишлар тобора кучайиб, чуқурлашиб бораверишига қатъий ишонч билдиради. Коммунистлар, бутун совет халқи партиянинг ленинчи ички ва ташқи сиёсатини, бошланган қайта қуришни астойдил қўллаб-қувватлаётганликлари, ўн иккинчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш учун, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг қулоч ёзган ватанпарварлик ҳаракати бунинг гаровидир.

Беш йилликнинг биринчи йилида эришилган натижаларни мустаҳкамлаш билангина кифояланиб қолмасдан, шу билан бирга олға бориш, экономикани ўстиришнинг узоқ муддатли омилларини тўлиқроқ ишга солиш, барча жабҳаларда салмоқли ижобий силжишларга эришиш зарур. Меҳнаткашларнинг энг кенг қатламларини сафарбар этиб, уларнинг ташаббускорлиги ва ғайрат-шижоатини социализмнинг битмас-туганмас имкониятларидан фойдаланишга, янгиланиш ва жадаллаштириш йўлини амалга оширишга қаратиш — ҳозир Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг сиёсий вазифасидир.

ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЯНГИЧА ҚУРАЙЛИК

Жамиятшуносларнинг республика кенгаши

1986 йил 17 январда Тошкентда жамиятшуносларнинг республика кенгаши бўлиб ўтди. Унда ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари Бутуниттифоқ кенгашининг тавсияларини бажариш соҳасидаги вазифалар муҳокама қилинди. Кенгашда область партия комитетларининг секретарлари ҳамда фан ва ўқув юртлари бўлимларининг мудирлари, олий ўқув юртларининг ректорлари, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг мудирлари, жамиятшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларининг раҳбарлари, етакчи жамиятшунос олимлар, идеология министрликлари ва идораларининг раҳбарлари, оммавий ахборот ва пропаганда органларининг вакиллари қатнашдилар.

Кенгашни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **И. Б. Усмонхўжаев** кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Компартияси МК иккинчи секретари **В. П. Анишчев** доклад қилди.

Музокараларда Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри М. С. Салоҳиддинов, Ўзбекистон Компартияси МК ҳузуридаги Партия тарихи институтининг директори Ҳ. Т. Турсунов, республика маориф министри О. С. Аббосова, тарих фанлари доктори, профессор Б. В. Лунин, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг вице-президенти Э. Ю. Юсупов, Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг кафедра мудири В. М. Бикрицкий, Андижон медицина институтининг профессори К. М. Наринский, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг ректори Б. Ғ. Қодиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Кенгашда КПСС МКнинг масъул ходими В. И. Ланцов нутқ сўзлади.

Кенгаш ишида Р. Ҳ. Абдуллаева, В. А. Головин, П. В. Догонкин, А. С. Икромов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Р. Н. Нишонов, В. И. Огарок, Ҳ. А. Алимова, Б. Ф. Сатин, В. А. Хайдуров, Ғ. З. Заҳриддинов, Қ. Ҳ. Маҳамадалиев, В. В. Суда_ренков ўртоқлар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ НУТҚИ

Ўртоқлар!

Ўтган йилнинг октябрь ойида бўлиб ўтган ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши ғоявий-назарий жабҳани активлаштиришга катта куч бахш этди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ана шу кенгашдаги нутқида **қайта қуриш ижтимоий онгни, марксча-ленинча тафаккурнинг ижодий куч-ғайратларини активлаштиришни жадаллаштириш концепциясининг назарий бойликларидан ҳар томонлама фойдаланишни, проблемаларни ҳал этишга янгича ёндашишни изланишни тақозо этаётганлигини** алоҳида таъкидлади.

Кенгаш ҳужжатларида КПСС XXVII съездининг халқни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялаш, марксизм-ленинизм соҳасида илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш хусусидаги йўл-йўриқлари янада чуқур ривожлантирилди. Биз ана шу йўл-йўриқлар асосида **ижтимоий фанлардаги ишларнинг аҳволини таҳлил этиб, Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда ижтимоий фанлар ролини ошириш чора-тадбирларини белгилаб олишимиз** керак.

Бу кенг кўламли ва мураккаб вазифалардир. Республика партия ташкилоти куч-ғайратини халқнинг ижодий кучларини сафарбар этишга, экономика ва маданиятни ривожлантиришда янги марраларга чиқиб олишга қаратмоқда. Сўнгги йилларда республикамизда салбий ҳодисаларга қарши кураш, партия, совет, хўжалик органларини турли қаллоблардан, юлғичлардан, порахўрлардан тозалаш борасида катта иш қилинди. Бу жараён давом этмоқда ва уни коммунистлар, барча меҳнаткашлар батамом қўллаб-қувватламоқдалар.

Қадрлар батамом янгиланмоқда. Партияга садоқатли юзлаб янги, ҳалол ва камтар кишилар партия, совет, давлат, хўжалик ишларига кўтарилди. КПСС Марказий Комитети кадр сиёсатини олиб боришда республикага катта ёрдам кўрсатаётгани ҳақида бир неча бор гапириб ўтдик.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг таклифига биноан, доимий ишлаш учун Ўзбекистон ССРга РСФСР марказий областлари, Украина, Белоруссия ва бошқа республикалардан ишлаб чиқаришда пухта чиниққан, зарур сиёсий ва интернационал хислатларга эга бўлган ходимлар юбориш практикаси давом эттирилади. Бошқа томондан эса, кейинчалик республикада фойдаланиш мақсадини кўзлаган ҳолда ўзбекистонлик ўсиб келаётган ва истиқболли ходимларни КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети аппаратига, иттифоқ министрликлари ва идораларига кўтариш янада актив олиб борилади. Партия ходимларини мамлакат бошқа регионларининг партия комитетларида 1—2 йил мобайнида стажировкада бўлиши ҳам кўзда тутиляпти. Олий партия мактабларига тингловчилар қабул қилиш, уларнинг географияси кенгаяди. Сўз саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги корхоналари, ташкилотлари директорларини, бош мутахассисларини, цех бошлиқларини ва бошқа раҳбар ходимларни мамлакатнинг илғор корхоналарида стажировкадан ўтишлари ҳақида ҳам боряпти. Ўзбекистон ССР ва бошқа иттифоқдош республикалар олий ўқув юртларини битирган ёш мутахассисларни айирбошлаш кўпаяди. Қардош республикалар ёрдамида туб ерли миллатдан индустриал ишчилар синфи кадрларини, айниқса фан-техника тараққиёти ютуқларини татбиқ этиш билан боғлиқ ихтисослар бўйича, тайёрлаш соҳасида йирик кўламли тадбирлар белгиланган. Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги ишчиларидан ҳар йили 10 мингга яқинини стажировкага юбориб туриш ҳам белгиланмоқда. Бу ерда улар юқори малака олибгина қолмай, шу билан бирга ҳақиқий интернационал жиҳатдан тобланадилар ҳам.

Ана шу масалаларга бағишланган мактубимизни КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси маъқуллади, киритилган таклифларни амалга оширишга оид ишлар бошлаб юборилди, бунда республикага бутун партия, бутун мамлакат ҳақиқатда жуда катта ёрдам кўрсатяпти. Ўзбекистон коммунистлари, меҳнаткашлари бу ёрдамни совет халқлари дўстлиги ва қардошлигининг, жамиятимиз бузилмас бирлигининг янги кўриниши, амалдаги чинакам ленинча интернационализм деб баҳоламоқдалар.

Бунга жавобан республика ишчилари, колхозчилари, зиёлилари партия режаларини бажариш учун, умумиттифоқ меҳнат тақсимотида Ўзбекистон ССР ҳиссасини кўпайтириш учун курашда кучга-куч, ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар. Ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ҳажми 5,8 процент кўпайди. 1985 йилдагига нисбатан кўпроқ миқдорда сабзавот, картошка, узум етиштирилди, пилла сотиш кўпайди. Чорвачилик маҳсулотлари тайёрлаш планлари бажарилди. Умумиттифоқ фондига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш кўпайди.

Шу билан бирга, қайта қуриш суст, қийинчилик билан бормоқда. Экономика тараққиётида туб бурилиш бўлгани йўқ. Агар бизда ҳар бир кишига бир йилда салкам бир минг икки юз сўмлик миллий даромад тўғри келаётган

бўлса, умуман олганда СССР бўйича бу миқдор икки минг сўмликдан ошади. Пахта, дон етиштириш планлари, капитал қурилиш топшириқлари бажарилмай қолди. Уй-жой проблемаси ўткирлигича қолмоқда. Маиший турмуш соҳасида, айниқса қишлоқда ҳал этилмаган масалалар кўп. Идеология ишида камчиликлар ва нуқсонлар оз эмас, бу ҳақда биз Марказий Қомитетнинг III пленумида батафсил гаплашиб олдик.

Буларнинг ҳаммаси турмушнинг идрок этишни тақозо қиладиган реал зиддиятларидир. Республикамизда ўн мингга яқин жамиятшунос ишлаб турибди. Улар илмий-педагогик потенциалимизнинг анча қисмини ташкил этадилар. Республиканинг маънавий ривожланишини кўп жиҳатдан белгилаб берадиган энг муҳим идеология, сиёсий-тарбиявий фаолият соҳаси уларга ишониб топшириб қўйилган. Уларнинг орасида пухта ўйлаб иш тутадиган тадқиқотчилар, ёшларнинг тажрибали мураббийлари оз эмас.

Шу билан бирга, институтлар ва кафедраларнинг иши давримиз талабларига ҳали мос эмас. Хом илмий асарлар, оддий ҳақиқатни такрорлаш учрамоқда. Кадрлар кексайиб бормоқда. Фан докторлари етишмаяпти.

Умумиттифоқ проблемаларини ишлаб чиқишда бизнинг жамиятшуносларимиз кам қатнашмоқдалар. «Вопросы истории КПСС», «Вопросы философии», «Научный коммунизм», «Вопросы экономики», «Советское государство и право» журналлари саҳифаларида кам иштирок этмоқдалар.

Ҳолбуки, республикамизнинг илмий-педагог кадрлари назарий тафаккурни ривожлантиришга қодирдирлар. Бунинг учун нима қилмоқ керак?

Энг аввало, улар ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши тавсиялари асосида ўз вазифаларини аниқ белгилаб олишлари лозим. Кенгашимизда ана шу темада доклад бўлади. Сизларнинг эътиборингизни қуйидагиларга қаратмоқчиман.

Биринчидан, ҳар бир институтда, ҳар бир кафедрада жўшқин меҳнат ва изланиш вазиятини вужудга келтириш, мунозаралар ва муҳокамалар методини қайта тиклаш, ўз меҳнати натижалари учун олимларимизнинг жавобгарлигини ошириш керак.

Иккинчидан, устун йўналишларни ишлаб чиқиб, барча кучларни ана шу йўналишларга жамлаш, жамиятшунослик тадқиқотларини партия, совет, хўжалик, идеология ташкилотларининг иши билан мустаҳкам боғлаб олиб бориш лозим. Аввало, республикамизнинг мамлакатимиз яхлит халқ хўжалиги комплексига, умуммиллий маънавий маданиятга қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга қаратилган назарий ва амалий хулосалар зарур. Масалан, республика партия ташкилотининг коммунистлар авангардлик ролини ошириш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасидаги фаолияти, социал-синфий структура ҳамда миллий муносабатлардаги ўзгаришлар, салбий ҳодисаларни бартараф этиш йўллари, айниқса қишлоқда турмуш маданиятини ошириш, социалистик турмуш тарзини мустаҳкамлаш каби масалаларни ишлаб чиқиш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Атеистик тарбия масалалари алоҳида эътибор беришни талаб қилади. Диний сарқитларга қарши курашда республикамизда жиддий камчиликлар мавжуд. Диний байрамлар ўтадиган кунларда ибодат қилувчилар миқдори камаймаяпти. Идеология кадрларига атеистик ишларни яхшилаш юзасидан илмий жиҳатдан асосланган тавсияномалар керак.

Буржуа идеологиясига қарши курашда ҳужумкорликни ошириш лозим. Ҳозирча бу кураш оператив олиб борилмаяпти. Фанлар академиясининг «Чет эл адабиёти Ўрта Осиё республикалари ва уларга чегарадош мамлакатлар тўғрисида» бюллетенида бундан 3—4 йил муқаддам чиққан китоблар ва мақолалар обзори берилмоқда. Одамларда ижтимоий ҳодисаларга аниқ синфий позициядан туриб баҳо бериш қобилиятини тарбиялаш, совет турмуш тарзини актив пропаганда қилиш лозим.

Жамиятшуносларнинг бешдан тўрт қисми олий ўқув юртларида меҳнат қилмоқда. Мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялаш сифати уларга ҳал қилувчи даражада боғлиқдир. Биз В. И. Лениннинг **замонавий билимга эга бўлган одамлар бўлмаса, «коммунизм фақат истаклигича қолаверади»,** деган гапларини ҳамиша ёдда тутишимиз лозим.

Ҳозир республика олий ўқув юртларида 292 мингга яқин киши таълим олмоқда. Бироқ кадрлар тайёрлаш ишида ҳамма нарса кўнгилдагидек эмас. Ўтган йили олий ўқув юртларидан салкам 15 минг киши ҳайдалди. Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ўқув юртларини битириб чиққанларнинг 42 проценти январь ойигача ўзлари тайинланган жойга ишга бормади. Бунда ижтимоий фанлар кафедралари ишидаги камчиликларнинг таъсири ҳам бор.

Ҳозир ёшлар билан иш олиб боришда ташаббускорлик, янгича ёндашувлар керак. Ҳар бир студентни мустақил фикр юритишга, ўз эътиқодини ҳимоя қилишга ўргатиш лозим. Бунинг учун эса ўқитувчининг ўзи кенг билимли, юксак маданиятли ва маънавий фазилатли одам бўлиши керак.

Партия ташкилотлари таълимнинг дунёқарашга оид мазмуни ва методологиясига алоҳида эътибор беришлари керак. Таълим беришда проблемалилик элементларини кучайтириш, ҳар бир машғулотни ҳаёт нафаси билан тўлдириш лозим.

Ижтимоий фанлар кафедралари студентларнинг ғоявий ва маънавий қиёфаси учун жавобгардирлар, улар студентларни фан ютуқларини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун кураш билан бирлаштиришга ўргатишлари лозим.

Октябрь революциясининг яқинлашиб келаётган 70 йиллиги ғоявий-сиёсий ишлар учун кенг майдон очиб беради. Бу партия билан халқнинг шонли меҳнат ва жанговар анъаналарини янада ишонтирарли пропаганда қилиш учун, ленинча миллий сиёсатнинг самараларини чуқур очиб бериш учун, ёшларни совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм руҳида тарбиялаш ишларини янада кучайтириш учун ажойиб имкониятдир.

Хуллас, вазифа республикамизда ғоявий-назарий ва педагогик фаолиятни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришдан иборат.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети шунга қатъий ишонадики, мазкур кенгашимиз жамиятшуносларимизга ишни кучайтиришга, чуқурроқ ва олисроққа назар ташлашга, мутахассислар тайёрлашни яхшилашга, илғор ғоялар кучини олға томон ҳаракат қилиш практикамиз билан бирлаштиришга имкон беради.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. П. АНИШЧЕВ ДОКЛАДИ

Ушбу кенгаш алоҳида, бурилиш даврида ўтмоқда. Бутун мамлакатимизда қайта қуриш, янгиланиш ва бунёдкорлик учун ҳар томонлама кураш авж олиб кетди. Бу — партия, унинг XXVII съезди ишлаб чиққан, мустаҳкам назарий пойдеворга — марксизм-ленинизмга таянувчи жадаллаштириш революцион стратегиясини татбиқ этиш учун курашдир.

Жамиятнинг жадаллаштириш стратегияси белгилаб берган янги сифат ҳолатига эришиш учун ижтимоий муносабатларнинг ҳамма соҳасини, бошқаришнинг форма ва методларини тубдан қайта қуриш талаб этилади. Бунда аввало иқтисодий ўсиш суръатларини ошириш, фан-техника тараққиёти негизида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш, экономикани структуравий қайта қуриш, меҳнатни бошқариш, ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарадор формаларини жорий қилиш кўзда тутилади. Актив социал сиёсат олиб бориш, социал адолат принципини изчиллик билан қарор топтириш, сиёсий ва идеологик тартиботларнинг форма ва иш методларини такомиллаштириш, социалистик демократияни чуқурлаштириш, фаолиятсизлик, турғунлик ва консерватизмни дадил бартараф этиш, социалистик тузумнинг барча имконият ва афзалликларидан фойдаланиш ҳам зарурдир.

Ғоявий-назарий фаолиятни кучайтирмай, ривожланаётган социализмнинг ижтимоий муносабатларини такомиллаштириш борасидаги амалий тадбирларни илмий жиҳатдан пухта таъминламай туриб, совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишга қаратилган йўлни амалга ошириб бўлмайди. Шу сабабдан назарияда жиддий илгарилаш, янги ҳодиса ва жараёнларни чуқур англаб етиш, фаннинг жамиятдаги ролини дадиллик билан ошириш, мамлакатнинг интеллектуал, илмий потенциалидан самарали фойдаланиш биринчи даражали аҳамият касб этяпти. Фундаментал ва амалий илмий тадқиқотларнинг интенсив ривожланишига эришмай, илмий ғояларни халқ хўжалигида моддийлаштиришдаги имиллашни бартараф этмай туриб мамлакат олдида турган вазифаларни бажариш мумкин эмас.

Бунинг учун амалиёт талаб-эҳтиёжларидан сезилаётган чекинишга сўзда эмас, балки амалда барҳам бериш, барча жамиятшунослар эътиборини ҳаёт воқелигига, ҳал қилиш устида партия иш олиб бораётган долзарб масалаларга қаратиш керак.

«Назариянинг практика билан алоқасини мустаҳкамлаш шунчаки бир умумий даъват эмас, — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев. — Бу — жамиятшуносликни қайта қуриш калити, олимлар, ўқитувчилар ишининг принципидир... Назария практикадан илдамроқ бориши, ҳодисаларни кенгроқ қамраб, чуқурроқ назар ташлаши керак». Партия жамиятни революцион тарзда ўзгартириш манбаини назария ва практиканинг бирлигида, деб билади. Афсуски, жамиятшуносларимизнинг ишида шундай бирлик етишмайди ва бу ҳол улар фаолиятининг бутун даражасига муқаррар таъсир қилмоқда.

Совет жамияти ўз бошидан кечираётган бурилиш даври янада юксак даражадаги ижтимоий онгни, демак, янада юксак даражадаги идеологик ишларни ҳам тақозо этяпти. Унинг ҳозирги босқичдаги марказий вазифаси кадрларнинг психологияси ва фикрлашини КПСС XXVII съезди ишлаб чиққан янгича ёндашишлар руҳида қайта қуришдан ва партия ҳужжатларида олға сурилган новаторлик таклифларини чуқур ўзлаштириш негизида барча эскириб қолган нарсалардан халос бўлишдан иборатдир.

КПСС XXVII съездининг янги назарий қоидалари билан бойитилган марксизм-ленинизм таълимоти мамлакатда юз бераётган ўзгартишларга мувофиқ келувчи ижтимоий онгни шакллантиришнинг ғоявий ўзаги бўлиб хизмат қилади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади, партиянинг янги таҳрирдаги Программаси ва КПСС XXVII съезди қабул қилган бошқа ҳужжатлар, партия Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали ҳақидаги қарори жамиятимизнинг ғоявий потенциалини бойитади, бутун идеология ишини яхшилашга ёрдам беради. Ижтимоий фанлар партияга унинг сиёсатини ишлаб чиқишда, амалга оширишда, унинг кўрсатмаларини пропаганда қилишда ёрдам беришлари керак.

В. И. Ленин қайд этиб ўтганидек: «энди назария амалиётга айланадиган, амалиёт билан жонланадиган, амалиёт билан тузаладиган, амалиётда синаладиган тарихий пайт келганлиги» ҳақидаги қоида (Тўла асарлар тўплами, 35-том, 223-бет) ҳозир ҳар қачонгидан ҳам актуал эканлигини КПСС XXVII съезди таъкидлаб ўтди.

Ижтимоий фанлар партияга сиёсий йўлни ишлаб чиқишда ёрдам бераркан, шу билан жамиятимизнинг социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий ривожланишига имконият яратадилар.

Партия XXVII съездининг стратегик қарорларига асосан жамиятшунослар олдида социалистик жамият ривожланиши диалектикасини бутун қийинчиликлари, мураккабликлари ва зиддиятлари билан биргаликда чуқур тадқиқ этиш, халқ хўжалигини интенсив ривожлантириш йўл ва воситаларини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, социализмнинг асосий принципларини ва аввало коллективизм, интернационализм ва социал адолат принципларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифаси турибди. Уни ҳал этиш учун жамиятшунослар ишини тубдан қайта қуриш талаб қилинади. Бунда гап бу ишнинг айрим қирралари устида эмас, балки ҳамма

қирралари — илмий тадқиқот, педагогик, ғоявий-тарбиявий жиҳатлар ҳақида боряпти. Ҳозирги шарт-шароитда ижтимоий фанларни ўқитиш сезиларли мураккаблашди, эскирган тасаввурлардан, ишнинг яроқсиз услуб ва методларидан дадил воз кечиш керак.

Янги талабларга дадил юз ўгириш, ҳаёт ва амалиёт эҳтиёжларидан жиддий ажралиб қолганликни, консерватизм ва догматизмни бартараф этиш, барча янги ва илғор жиҳатларни татбиқ этиш — жамиятшуносларимиз ишини қайта қуришнинг бош шарти ана шулардан иборатдир.

Илмий-тадқиқот ишини янги вазифалар даражасига кўтарайлик

КПСС XXVII съезди илмий тадқиқотлар самарадорлиги ва сифатини оширишни, уларни янада ривожлантиришни, жадаллаштириш ва натижаларни халқ хўжалигига кенг татбиқ этишни, фан ва ишлаб чиқариш алоқаси кучайишини таъминловчи тадбирларнинг кенг программасини ишлаб чиқди.

Республикада жуда катта илмий потенциал яратилдики, у жамиятшуносликнинг энг актуал ва мураккаб вазифаларини ҳал қилишга, Ўзбекистонни социал-иқтисодий ва маданий ривожлантиришни жадаллаштиришга қўшадиган ҳиссасини оширишга имкон беради. Ҳозирги вақтда республикада ижтимоий фанлар соҳасида 10 минг киши ишлаяпти, улар орасида 350 фан доктори ва 4,5 минг фан кандидати бор. Жамиятшунослар илмий кадрлар умумий сонининг учдан бир қисмини ташкил этади. Ижтимоий фанларга оид 200 кафедрада салкам 2 минг жамиятшунос ўқитувчи, шу жумладан, 90 фан доктори, профессор ва бир мингдан ортиқ фан кандидати, доцент ишламоқда.

Кейинги йилларда республика жамиятшунослари муайян ишларни амалга оширдилар. Тарихчилар Ўзбекистон Компартиясининг тарихига, республикада социализм қурилиши ва ривожланишига оид, Ўзбекистон меҳнаткашларининг Улуғ Ватан урушида иштирок этишлари тўғрисида бир қанча асарлар яратишди. Философлар социал ва миллий муносабатларни ривожлантириш, материалистик диалектика назарияси масалалари юзасидан тадқиқотлар ўтказишмоқда. Экономистлар Ўзбекистон ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларини тадқиқ этмоқдалар. Тарихшунослик, ҳуқуқшунослик, тил ва адабиёт соҳалари ҳамда ижтимоий фанларнинг бошқа кўпгина йўналишларида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жамиятшунослар томонидан кейинги йилларда уч томлик «Ўзбекистон ССР Улуғ Ватан уруши йилларида» монографияси ва «Ўзбекистоннинг Совет ҳокимияти йилларида социал-иқтисодий тараққиёти», «В. И. Ленин ва Ўрта Осиё», «Ленин мероси ва Улуғ Октябрь тарихи методологияси масалалари», «Тошкент воҳасида шаҳар маданиятининг туғилиши ва ривожланиш босқичлари» китоблари, ўзбек тилининг икки томли изоҳли луғати ва бошқа асарлар нашр этилди. Малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда баъзи бир муваффақиятларга эришилди.

Умуман олганда эса ижтимоий фанларни ривожлантиришнинг аҳволи ҳозирги замон талабларига ҳали жавоб бермаяпти. Республика олимлари партия XXVII съездининг жамиятшунослик практиканинг конкрет эҳтиёжларини кенг қамраб олиши, олимларнинг ҳаётда юз бераётган ўзгаришларга сезгир муносабатда бўлишларига қаратилган кўрсатмалари бажарилишини ҳануз таъминламаганлар.

Жамиятшуносларимиз республика ва регионнинг социал-иқтисодий ривожланиши учун ҳали масъулият ҳис этмаяптилар, жадаллаштириш стратегияси, фан-техника революцияси назария ва практикаси, социал-синфий ва миллатлараро алоқалар динамикаси, демократия ва ўз-ўзини бошқаришни ривожлантириш, планлаштириш ва бошқариш механизмларини такомиллаштириш, янги кишини шакллантириш жараёни проблемаларига эътиборни жамламаяптилар.

Порахўрлик, социалистик мулкни ўғирлаш, чайқовчилик, мешчанлик, уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик, социал адолат нормаларини бузиш каби ва бошқа антисоциал ҳодисаларнинг илдизларини ўрганиш жамиятшунос олимлар эътиборидан четда қоляпти. Диннинг гносеологик, социал-сиёсий илдизларини, янги кишини шакллантириш жараёнига унинг салбий таъсирини очиб берувчи, шунингдек, меҳнаткашларни атеистик тарбиялашнинг форма ва методларини такомиллаштириш масалаларига доир асарлар йўқ.

Бугунги кунда жамиятшунос олимларнинг Ўзбекистон ва Совет Шарқи бошқа республикалари халқларининг ўтмиши ва ҳозирги кунини қасддан бузиб кўрсатувчи буржуа «советшунос»ларининг ғайриилмий ва халққа қарши фаолиятини фош қилишга доир ишлари ҳам бизни қониқтира олмайди.

Энг муҳим проблемаларни чуқур ишлаб чиқиш ўрнига кўпинча ҳаммага маълум ҳақиқатни такрорловчи ва реал қимматга эга бўлмаган «илмий» маҳсулот берилмоқда. Масалан, «Фан» нашриёти ўтган йили 95 қўлёзмани ёпиқ тақриз учун юборган эди, уларнинг 62 таси, ёки учдан икки қисми салбий тақризга сазовор бўлди.

Республика олимларининг баъзи асарларида бир қатор тарихий воқеаларга баҳо беришда партиявий, синфий принциплардан чекинишга йўл қўйилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида бу ҳақда принципиал гаплашиб олинди.

Жамиятшунослар ишини қайта қуриш ниҳоятда суст олиб борилмоқда, у олимлардан бир қисмининг тафаккуридаги консерватизмга, уларнинг ҳеч нарсани ўзгартирмай, эскичасига яшаш ва ҳаракат қилиш, воқеалар кетида судралиб қолиш одатига дуч келмоқда. Тафаккурнинг қолоқлиги, схоластика, догматизм кўпгина олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитишдаги характерли хусусият бўлиб қоляпти.

Иқтисодчи олимларга ва сиёсий иқтисод соҳасидаги мутахассисларга нисбатан жуда жиддий эътирозларимиз бор. Республикада ҳозир экономика масалалари билан шуғулланувчи 4 та илмий-тадқиқот институти, Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институтларининг 3 та филиали, меҳнатни илмий ташкил этиш иккита маркази, экономика олий ўқув юрти мавжуд. Уларда 2,5 мингдан кўпроқ киши ишламоқда. Бу жиддий илмий потенциал бўлиб, ундан самарали ва оқилона фойдаланилганда у республикани социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилиш йўлида кўп нарса қилиши мумкин эди. Ҳолбуки, ана шу кўп сонли иқтисодчилар фаолиятининг самарадорлиги жуда пастлигича қолмоқда.

Улар энг муҳим халқ хўжалик проблемаларини ҳал қилишни, хусусан, тармоқлараро ва территориал-ишлаб чиқариш комплексларини шакллантириш ва ривожлантириш соҳасида, агросаноат комплекси тармоқларини балансли ривожлантиришга доир пландан олдинги ишланмаларни илмий асослашни таъминламаяптилар.

Пахта комплексини ривожлантириш проблемалари кўп йиллардан буён натижасиз муҳокама қилиб келинмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Экономика институтида иқтисод фанлари доктори А. Сафоев раҳбарлигидаги олимлар группаси қарийб йигирма йилдан буён пахта комплексининг иқтисодий ва ҳуқуқий масалалари соҳасида ишлаб келмоқда. Шунча вақт ичида тоғ-тоғ қоғозлар ёзиб ташланди, кўп конференциялар ўтказилди, монографиялар нашр этилди, аммо энг асосий нарса — амалий натижалардан дарак йўқ.

Республикада ўнлаб илмий муассасалар меҳнат проблемалари ва меҳнат ресурслари муаммолари билан шуғулланиб келмоқда. Булар республика Фанлар академиясининг ишлаб чиқарувчи кучларни ўрганувчи кенгаши (С. Қ. Зиёдуллаев) ва Экономика институти (А. Ҳ. Ҳикматов), Ўзбекистон ССР Госплани ҳузуридаги Экономика институти (В. А. Осьминин) ва Меҳнатни илмий ташкил этиш ҳамда меҳнат ресурсларини бошқариш марказий институтининг Ўзбекистон филиали (А. А. Абдуғаниев), Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси илмий-тадқиқот институти (С. Қ. Усмонов), Халқ хўжалиги институти, шунингдек, институтлардаги кафедралар ва бир неча ўнта идоравий бўлинмалардир. Улар меҳнат проблемалари ва меҳнат ресурслари муаммолари билан кўп йиллардан бери шуғулланиб келмоқдалар, ана шу масала —

республикадаги энг кескин масалалардан бири бўлсада, ҳануз уни ҳал этиш йўллари масаласида жавоб топа олмай келадилар.

Ҳаёт иқтисодий назарияни чуқур ривожлантиришни ва аввало унинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг диалектикаси, централизм ва мустақилликнинг қўшилуви, кооперация ва хўжалик ҳисоби ҳақидаги ленинча ғояларни хўжалик юритишнинг замонавий шароитига татбиқ этиш каби туб проблемаларини таҳлил қилишни қатъий талаб этяпти.

Фан-техника тараққиёти, экономикани, меҳнатни бошқариш, ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларини структура жиҳатидан қайта қуриш асосида ишлаб чиқаришни ҳар томонлама интенсивлаш шароитида иқтисодий ривожланиш суръатлари, ўсишдаги янгича сифат проблемалари батафсил анализга муҳтож бўлиб қолди.

Социализм даврида бир бутун, кучли социал сиёсат, социал соҳага янгича ёндашишлар активлашуви ғояларини, моддий ва маънавий ҳаётни яхшилаш йўллари ва воситаларини, социал адолат принципининг моҳиятини ёритувчи фундаментал асарлар яратиш зарур. Иқтисодий назария ва сиёсатнинг ана шу ва бошқа актуал масалаларини илмий ишлаб чиқиш иқтисодий практика, хўжалик экспериментларини анализ қилиш ва умумлаштириш асосида олиб борилиши ҳамда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, экономика самарадорлигини оширишга, иқтисодий ўсишнинг барча резервларидан фойдаланишга, меҳнаткашларнинг хўжалик юритишни такомиллаштиришдан, халқ бойлигини кўпайтиришдан манфаатдорлигини кучайтиришга қаратилиши лозим.

КПСС XXVII съезди социализмни такомиллаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш ана шу жараённинг битмас-туганмас резерви сифатида инсон омили ролини ошириш билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бунда ҳамма имкониятлардан — иқтисодий, маънавий, ижодий имкониятлардан, буржуа идеологияси, майда мулкдорлик психологияси ва бошқа салбий ҳодисаларга қарши изчил курашдан фойдаланиш лозим. Буларнинг ҳаммаси аввало фалсафий фанлар диққат марказида туриши керакки, уларнинг асосий амалий мақсади омманинг дунёқараш, ғоявий-сиёсий тарбиясидир.

Ҳолбуки, фалсафий тадқиқотларнинг ҳозирги аҳволи катта ташвиш туғдирмоқда. Бизда социалистик жамиятдаги реал зиддиятларни ва уларни ҳал этиш механизмини, хусусан, бир томондан, коллективизм принциплари, социалистик турмуш тарзи негизлари билан, иккинчи томондан, хусусий мулкчилик муносабатлари қолдиқлари, майда буржуа психологияси ва диндорлик рецидивлари ўртасидаги зиддиятни очиб берувчи жиддий фалсафий асарлар йўқ.

Замонавий шароитда социал адолат принципини, социализмнинг социал қадриятларини қарор топтиришга бағишланган асарлар йўқдир. Миллий муносабатлар ривожланиши, уларнинг социал-синфий структурага, миллий ва интернационал жараёнларнинг бориши ва мундарижасига таъсири жуда юзаки савияда тадқиқ этиляпти.

Ҳозир Ўзбекистонда энг юқори даража ва унвонларга эга бўлган 650 дан зиёд философ ишламоқда. «Вопросы философии» Иттифоқ журнали республика философларига ўз асарлари билан алоҳида сон тайёрлаш имконини берганда, у барбод бўлди — олимларимиз мақолаларининг мутлақ кўпчилиги талабларга мос келмайди, деб рад қилинди. Қайта-қайта қайтариш ва устида ишлашлардан сўнг бир нечтагина мақола эълон қилинди, холос. Ахир, гап етакчи философларимиз ҳақида бораётган экан, республикада умуман фалсафий тадқиқотлар савияси ҳақида нима дейиш мумкин?

Кейинги беш йил ичида мамлакатнинг марказий нашриётларида философларимизнинг амалда биронта ҳам индивидуал ёки коллектив монографияси босиб чиқарилмади, марказий журналлар ҳам уларнинг ишларини қабул қилмаяпти.

Айни Ўзбекистон философлари мамлакатда аҳоли состави бўйича энг кўп миллатли бўлган республикамиз мисолида миллий муносабатларни ри-

вожлантириш проблемаларини ўрганишда, ислом проблемаларини тадқиқ қилишда етакчи роль ўйнашлари керакдек эди. Амалда эса бундай бўлмаяпти. Илмий атеизм бўйича мамлакатда мавжуд олий малакали мутахассисларнинг ярмидан ортиғи республикамизда жамланган бўлса-да, уларнинг фаолияти кам самарали бўлиб, диний сарқитларни бартараф этишга доир чуқур, илмий асосланган тавсиялар бермадилар.

Шуни дангал айтиш керакки, бизнинг философларимиз республика партия ташкилоти ҳал этаётган проблемалардан ҳали жуда четда турибдилар. Ишчилар синфининг миллий кадрларини шакллантириш масалалари, фан-техника тараққиётининг социал проблемалари, меҳнатга ҳақиқий социалистик муносабат юзага келиши, обивателлик ва мешчанлик кайфиятлари, истеъмолчилик психологияси илдизларини, жиноятчилик, ичкиликбозлик ва алкоголизм сабабларини очиб ташлаш, диний сарқитларни бартараф этишда, материалистик қарашларни, коммунистик эътиқодни, янгича тафаккур услубини қарор топтиришда янги совет маросимларидан ва анъаналаридан фойдаланиш масалалари уларнинг диққат марказидан четда қолмоқда.

КПССнинг XXVII съезди мамлакатдаги ишлар аҳволини чуқур ва ҳар томонлама анализ қилди, социалистик система ва социалистик ахлоқ қадриятлари моҳиятига зид бўлган салбий ҳодисаларнинг сабабларини очиб ташлади. Салбий ҳодисалар Ўзбекистонда айниқса ўткир формалар касб этган ва тарқалган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми, республика Компартиясининг XXI съезди уларни ҳар томонлама анализ қилиб, таг-томири билан тугатиш йўлларини белгилади. Философларимиз ҳам умумий декларациялардан қочиб, салбий ҳодисалар сабабларини чуқур очиб беришлари, партия органларига амалда ёрдам бера оладиган конкрет, асосли тавсиялар беришлари керак.

Қайта қуриш жараёнида ғоялар, психологик йўл-йўрикларнинг муросасиз кураши, эскилик ва янгилик ўртасида кураш боради. Прогрессив, энг яхши жиҳатларни изланишга аввало партия тарихига оид фан бўйича мутахассислар бошчилик қилишлари даркор. Партия қурилиши, идеология ишига доир барча масалаларни ҳал қилишда улар партия органларининг энг яқин ёрдамчилари бўлишлари керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, Олий партия мактаби, олий ўқув юртларининг КПСС тарихи кафедралари партия тарихига оид проблемалар билан шуғулланмоқда. Уларда 659 нафар мутахассис ишламоқда.

Лекин ҳозирча уларнинг тадқиқотлари ҳаёт эҳтиёжларидан, хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги практикасидан ажралиб қоляпти. Ўзбекистон Компартиясининг ҳозирги шароитдаги фаолиятини ёритувчи кўпгина асарлар партиявий ҳужжатларни умумий ва юзаки шарҳлаш, ўз билишича танланган, фақат ижобий статистика асосида санаб ўтишдан, ўткир масалаларни четлаб ўтишга интилган ҳолда узундан-узоқ қайта ҳикоя қилишдан иборат бўлиб қолган. Илмий таҳлил ўрнини баландпарвоз декларациялар, ишнинг ҳақиқий аҳволини яширувчи кўпдан-кўп цитаталар, сафсатабозлик эгаллаб олган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти ва ТошДУнинг ихтисослаштирилган кенгашларидагина кейинги ўн йилнинг ўзида республика партия ташкилотининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлиги мавзусида 20 дан ортиқ докторлик ва кандидатлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Ана шу тадқиқотларда мазкур соҳадаги иш аҳволини яхшилашга доир конкрет таклифлар, тавсиялар мавжудми? Йўқ, улар муваффақият ва ютуқларга мадҳиялар ўқиш, мақтовлар ёғдириш билан тўлган.

Партия тарихига оид фан ва бошқа ижтимоий фанлар амалий вазифаларни ва асосли социал-иқтисодий прогнозлашни ҳал қилишда республикадаги партия, совет ва хўжалик органларининг ишончли ёрдамчилари бўлишлари керак. Тўрт йил олдиноқ ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларнинг амалий йўналишини кучайтириш вазифаси қўйилган эди. Ўшандан бери аҳвол яхшилангани йўқ. Ваҳоланки область, шаҳар, район партия комитетлари

Фанлар академияси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги Партия тарихи институти, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф министрликлари, ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими, министрлик ва идоралар, республикадаги бошқа идеологик муассасалар билан ҳамкорликда ижтимоий фанлар, аввало иқтисодий фанлар соҳасидаги назарий ва методологик тадқиқотларнинг янада юқори савияда бўлиши билан бир қаторда амалий йўналишини ҳам таъминлашлари лозим эди. Ана шу ташкилотларнинг барчаси ниҳоят иш аҳволини тубдан яхшилаш, ҳаёт эҳтиёжларидан ажралиб қолинганликни бартараф этишга доир қатъий чора-тадбирлар кўришлари керак.

Бунинг учун социологик тадқиқотларни ҳам кенг ривожлантириш керак. Ҳозирча улар Фанлар академиясида ҳам, олий ўқув юртлари системасида ҳам ибтидоий даражада турибди, ҳеч ким томонидан координация қилинмаяпти ва йўналтирилмаяпти. Ана шундай тадқиқотлар билан махсус шуғулланадиган, конкрет тавсия ва таклифлари билан совет, партия, хўжалик ташкилотларига амалий ёрдам берадиган эътиборли илмий бўлинмалар ташкил этиш пайти келди.

Эълон қилинадиган асарларнинг ғоявий-назарий ва илмий савиясини оширишга оид қатъий чоралар кўриш зарур. Унчалик муҳим бўлмаган, ҳаёт талабларидан узоқ, юзаки, баъзида хато ва зарарли асарлар ҳамон босилиб чиқмоқда. Тошкент политехника институтида ишловчи тарих фанлари доктори А. Ўроловнинг ўз ишига муносабати илмий принципсизликка мисол бўла олади. 5 йил ичида у битта монографияни турли номда уч марта нашр эттирган. Улар ҳаммага маълум қоидалар йиғиндисидан иборат бўлиб, республика саноати ривожланиш тарихининг ҳақиқатан муҳим бўлган биронта масаласи ёритилмаган. Тошкент халқ хўжалиги институтининг доценти Ш. Каримовнинг «Ривожланган социализм шароитида студентларни коммунистик руҳда тарбиялаш» деган асарида ҳаммага маълум гаплар чалкаштирилган, китобхонларда нотўғри тасаввур ҳосил қилинган.

А. П. Панабергеновнинг «Қорақалпоғистон партия ташкилоти Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш ва халқ хўжалигини тиклаш учун курашда» китобида А. Тожимуротовнинг «Совет ҳокимияти йилларида Қорақалпоғистондаги иқтисодий ўзгаришлар» асаридан бутун-бутун бетлар сўзма-сўз кўчириб олинган, асар илмий жиҳатдан ҳам, ғоявий-назарий нуқтаи назардан ҳам ҳар қандай танқиддан тубан туришини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Афсуски, бундай фактлар ягона эмас.

Кам актуал, виждонан бажарилмаган, назарий ва ғоявий жиҳатдан паст, ҳаётдан ажралиб қолган илмий маҳсулотларни нашр этиш йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш пайти аллақачон етиб келган.

Жамиятшуносларимиз қайта қуриш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштиришнинг амалий масалаларини ишлаб чиқишга ҳисса қўшишлари, партия комитетлари сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолиятининг форма ва методларини таҳлил қилишлари керак. Жамиятшунослар фаолиятидаги кўп нуқсонлар илмий-тадқиқот асарларининг координацияси ҳолати билан изоҳланади. Ана шу жуда масъул ва муҳим иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Натижада ижтимоий фанлар бўйича олиб бориладиган ишланмаларнинг сифати ва самарадорлигини кескин пасайтирувчи майда мавзулик, параллелизм ва қайтарикларга ҳозиргача барҳам берилмаган. Бундай ҳол кўпгина илмий тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларида мавжуд бўлган тематикани планлаштириш практикаси таъсирида ҳам юз берадики, уларда ўзаро кам боғланган ўнлаб йўналишлар асосий йўналишлар сифатида танланган бўлади. Ҳар бир олий ўқув юрти унинг халқ хўжалик, социал аҳамиятидан келиб чиқувчи устун йўналишга эга бўлиши керак.

Жамиятшунослар тадқиқотлари марказига социалистик жамиятнинг янги тарихий босқичда ривожланиш диалектикасини комплекс ўрганиш қўйилиши керак. Бу қуйидагилардан иборат бўлиши керак: социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш ва совет жамиятининг сифат жиҳатидан янги ҳолатга ўтиши; сиёсий системани такомиллаштириш; социалистик ўз-ўзини бошқариш ва демократия; социалистик жамиятдаги зиддиятлар характери ва уларни ҳал этиш механизми; ҳозирги шароитда социал адолат принципини қарор топтириш;

кўп миллатли совет давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш; фан-техника тараққиётининг социал ва иқтисодий проблемалари; жамиятни муттасил такомиллаштиришда инсон омили ролини оширишнинг барча жиҳатлари.

Ҳаёт эҳтиёжларидан узилиб қолганликни бартараф этиш, практика билан алоқа ўрнатиш, жадаллаштиришнинг энг муҳим проблемаларини тадқиқ қилишга изчил юз тутиш — жамиятшуносларимиз ишини қайта қуриш йўли ана шундан иборат.

Ижтимоий фанларни ўқитишни қайта қуриш вазифалари

Социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш вазифалари идеологик ишни қўйишга янгича ёндашишларни, унинг ташкилотчилик фаолияти билан чамбарчас бирлигини таъминлашни, конкрет ишларга йўналганликни кучайтиришни, амалиёт билан алоқасини мустаҳкамлашни тақозо этади.

Бу тўлиқ ҳолда олий мактаб фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Олий ва ўрта махсус таълим системасини қайта қуриш унинг самарадорлигини оширишнинг энг муҳим омили ҳисобланади. Қайта қуриш бошқа устун вазифалар билан бир қаторда ана шу системада кўрилган салбий ҳодисаларни, турғунлик, ҳаёт талабларидан орқада қолиш элементларини бартараф этишга йўналтирилган.

Таълимнинг бутун системасини қайта қуриш вазифаси биринчи навбатда ўқитишни қайта қуришга тааллуқлидир. Бунда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантирувчи ғоявий-тарбиявий иш олиб борадиган ижтимоий фанлар кафедраларига алоҳида роль ажратилган. Уларга бўлажак мутахассиснинг ахлоқий, ғоявий-сиёсий қиёфаси, ҳар томонлама камол топган шахснинг тарбияси учун катта масъулият юкланади. Шунинг учун айни жамиятшунослик кафедралари қайта қуриш ҳаракатини бошқаришлари, унинг авангардида бўлишлари керак.

Айни вақтда олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитиш системасида жиддий камчиликлар ва нуқсонлар мавжуд.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашидаги нутқида жамиятшунослар шаънига адолатли таъна билдирди: «... Ижтимоий фанларни ўқитишнинг... мавжуд формалари, методлари биз догматизм, схоластика деб атаётган нарсага кўп жиҳатдан имкон бермоқда... Мантиққа зид манзара вужудга келди: ҳозирги илмий билишдаги энг мароқли ва қизиқарли бўлган инсон ҳамда жамият, уларнинг ривожланиш қонунлари, зиддиятлари, синфлар кураши, янги дунё қурилиши, инсониятнинг идеалга интилиши, маънавий изланишлар ва ҳафсаланинг пир бўлиши, ҳақиқатга эришиш ва меҳнат бунёдкорлигининг қаҳрамонлиги **кўпинча лекцияларда, қолаверса дарсликларда ҳам қандайдир зерикарли, сийқа, юзаки бир нарсага айлантириб қўйилмоқда».**

Буларнинг бари жамиятшунослик фани ўқитилишининг ҳаёт эҳтиёжларидан олисдалиги, абстракт назариябозликка шўнғигани, алоҳида фан доирасида ўралашиб қолганлиги, мутахассислар дунёқарашини тарбиялаш учун масъулият сусайганлиги, тарбия жараёнининг ўзида иш ва сўзнинг фарқ этиши натижасида рўй берди.

Ана шу ва бошқа камчиликлар республикамиз олий ўқув юртларининг ижтимоий фанлар кафедраларига ҳам хосдир. Ҳозиргача бу ерда қайта қуришнинг интенсив жараёни йўлга қўйилмаган.

Ҳозирги пайтда марксизм-ленинизм назариясини ўқитиш практика билан, бўлажак мутахассиснинг замонавий фан-техника революцияси, чуқур социал ўзгартишлар шароитидаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлиши жуда ҳам муҳимдир.

Лекин олий ўқув юртларида ижтимоий фанларни ўқитиш аввалгидек практикадан, студент ёшларнинг сиёсий, иқтисодий ва ахлоқий маданиятини

шакллантириш долзарб проблемаларидан ажралиб қолган, унда ҳали қироатхонлик ва догматизм, расмиятчилик ва реал турмушни юзаки тушунишлар кучли. Барча ижтимоий фанларни ўқитишда назариянинг асосий масалаларини практика билан, унинг барча зиддият ва проблемалари билан, социализмни такомиллаштириш йўлида салбий ҳодисаларга қарши кураш вазифалари билан узвий алоқада ёритиб боришнинг заифлиги муштарак ҳол ҳисобланади.

Сиёсий иқтисод кафедралари ўз ишини қайта қуришни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юбордилар. Кўпгина ҳолларда социал-иқтисодий жадаллаштиришнинг устун йўналишлари билан бошқаларга қараганда кўпроқ боғланган бу фан ҳаёт реалликларидан батамом ажралган ҳолда, ҳозирги замоннинг актуал проблемаларини анализ қилмасдан туриб ўқитилмоқда.

Ҳолбуки айни сиёсий иқтисод курси жуда катта ғоявий-сиёсий ва тарбиявий потенциалга эгадир. Социалистик меҳнат проблемаларини, социализмнинг: ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша, деган бош принципини ўрганиш, умумхалқ, коллектив ва шахсий манфаатларни бирлаштириш ёшларда меҳнатга онгли муносабатни, мамлакат хўжайини, бурч ва масъулият, меҳнатсиз даромадларнинг ғайриахлоқийлигини тушуниш туйғусини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этиши керак.

Сиёсий иқтисодни ўқитиш материалистик диалектикани зиддиятлар орқали иқтисодий категориялар ва қонунлар моҳиятини, фикр ва билиш ривожланишини очиб бериш методи сифатида чуқур тушуниш асосига қурилиши керак. Бундай ёндашиш семинар машғулотларини ҳисобга олган ҳолда барча сиёсий иқтисод кафедралари ўқув-методик ишининг асосини ташкил этиши керак.

КПСС тарихи сингари фанни ўқитишда жиддий камчиликлар мавжуд. У ленинчи партиянинг жонли, жуда бой тарихи орқали юксак ғоявийлик, ватанпарварлик, интернационализм, гражданлилик туйғусини тарбияловчи энг қизиқарли ва муҳим предметлардан биридир. Бу предметни ўқитиш жамиятимизда, партия ичида юз берган ёки содир бўлаётган мураккаб жараёнларни тўғри ва чуқур англаб етишни, назарий вазифаларни амалий вазифалар билан узвий бирлаштиришни талаб этади.

Аммо кўпгина олий ўқув юртларимизда партия тарихини ўқитиш ана шу талаблардан анча орқада қолмоқда. Масалан, Самарқанд университети КПСС тарихи кафедраси бир қанча ўқитувчиларининг лекциялари кўпинча юзаки баёндан иборат бўлиб, фақат ўтмишга қаратилган. Аслида партия тарихчиларининг вазифаси бўлиб ўтган воқеаларни сидқидилдан баён этишдангина иборат бўлмай, улар муваффақият ва хатоликларни анализ қилишлари, конкрет амалий маслаҳатлар, тавсиялар беришлари, студентларда ижодий фикрни уйғотишлари ҳам лозим. КПСС тарихидан дарс берувчи бир қатор ўқитувчиларнинг ўз лекцияларида КПСС XXVII съезди материаллари ва бошқа партия ҳужжатларидан кам фойдаланишлари ва ҳатто умуман фойдаланмасликлари каби аҳволга тоқат қилиб бўладими?

Марксизм-ленинизм классиклари асарларини ўрганишга, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини ёритишга, студентларда ижтимоий ҳаётнинг мураккаб ҳодисаларини мустақил таҳлил қилиш кўникмаларини, билимларни амалиётда қўллаш маҳоратини ривожлантиришга етарлича аҳамият берилмаяпти.

Бир қатор олий ўқув юртларида, хусусан, Тошкент медицина ва политехника институтларида ўтказилган тадқиқотлар студентлар марксча-ленинча фалсафанинг энг оддий масалаларини билмасликларини, мамлакатнинг сиёсий ҳаётидан яхши хабардор эмасликларини, энг муҳим партия ҳужжатлари билан танишиб чиқмаганликларини кўрсатди. Улар бўлажак мутахассислар-ку, ахир. Улар қандай билимлар билан ишлаб чиқаришга борадилар? Оммага қандай билимлар беришлари мумкин? Ёт идеологияга қарши курашда улар қандай ғояларни ҳимоя қила оладилар? Ёш авлоднинг қандай тарбиячилари бўладилар?

Атеизмни ўқитиш ишларининг аҳволи айниқса хавотирлик уйғотади. У кўпинча бош вазифадан — студентларда илмий-атеистик дунёқарашни шакллантириш, барча хил динларнинг, шу жумладан, ислом динининг реакцион моҳиятини фош этиш вазифасидан йироқда бўляпти.

Ҳозирги пайтда дин миллатчилик билан тиғиз боғланган. Улар кўпинча ҳамкорлик қиладилар, бир-бирларини тўлдирадилар ва қўллаб-қувватлайдилар. Диний хусусиятлар, маросимлар халқнинг миллий белгилари, унинг ажралмас белгилари, деган фикр кенг тарғиб қилиняпти. Диний анъаналар халқнинг ҳақиқий анъаналари деб талқин қилиняпти. Диний хурофотларга миллатчилик ёпинғичи кийдириляпти, миллатчилик сарқитлари эса диний урф-одатлар, маросим ва анъаналар томонидан қўллаб-қувватланяпти ва муқаддаслаштириляпти.

Буларнинг ҳаммаси дин ва миллатчилик иттифоқини фош этиш вазифасини кескин қилиб қўймоқда. Бироқ ҳозирча жамиятшунослар бу вазифани қониқарсиз бажаряптилар. Атеизмни ўқитишда ҳали ҳам юзаки ёндашиш, қуруқ назариябозлик устунлик қилмоқда. Ислом динининг социал илдизларини чуқур очиб бериш, унинг реакцион моҳияти ва зарарини, диний хурофотларнинг жумладан ёшлар орасида мавжудлиги сабабларини ишонарли ва далил-исботли қилиб очиб бериш ўрнига кўпгина ўқитувчилар ислом тарихини тавсифлаш билан машғул бўляптилар. Жозибадор фактлар кетидан қувиш, ислом дини таълимоти ақидаларини тавсифий баён қилиш ёшларнинг муайян қисмида диний хусусиятларга, анъаналарга ва расм-русумларга носоғлом қизиқишни уйғотади.

Масалан, Фарғона давлат педагогика институти этика, эстетика ва илмий атеизм кафедрасининг ўқитувчиси О. Умаржоновнинг ислом динини фош қилиш ўрнига ислом дини асосчиси сифатида Муҳаммаднинг, унинг уруғ-аймоқларининг, ислом анъаналари пайдо бўлишининг тарихини муфассал ва жозибали қилиб тавсифлаб берган лекциялари студентларни нимага ўргатиши мумкин. Ҳатто, О. Умаржонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленуми материаллари тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга эмаслиги маълум бўлди.

Пленум эса республикада диннинг, айниқса ислом динининг зарарини кенг тушунтириш иши қониқарсиз олиб борилаётганлигини таъкидлади. Натижада ёшлар, хотин-қизларнинг анча қисми, интеллигенциянинг баъзи бир намояндалари мусулмон анъаналарига асир бўлиб қолган.

Бу ҳам олий ўқув юртларимизда атеизм фани ўқитилишининг паст савияда эканлиги билан бевосита боғлиқдир. Кўплаб студентларнинг эътиқодда собит эмаслиги, динга нисбатан муросасозлиги намоён бўляпти. Дин ақидаларига, унинг расм-русумларига қизиқаётган студентлар сони камаймаяпти. Ўқитувчи ва студентлар бир қисмининг бир вақтнинг ўзида ҳам совет, ҳам диний маросимларни адо этишда намоён бўлаётган ғоявий субутсизлиги айниқса хавотирлик уйғотади.

Жамиятшуносларимизнинг илмий атеизм ва уни ўқитиш масалаларини ёритишга қаратилган бутун фаолияти тубдан ўзгариши керак. Бу фаолиятни диннинг, айниқса ислом динининг реакцион моҳияти ва зарарини фош этишга, ёшларда миллатчилик ва буржуа-клерикал идеологиянинг турли хил кўринишларига қарши тура олиш маҳоратини шакллантиришга, ёшларда қарши пропаганда, атеистик иш кўникмаларини тарбиялашга йўналтириш керак. Фақат фалсафий фанларни эмас, балки барча табиий ва махсус фанларни ўқитиш динга қарши йўналиш касб этиши керак. Фақат шундагина студентнинг олий ўқув юртида бутун таълим олиш даври мобайнида узлуксиз атеистик таъсир билан қамраб олинишига эришиш мумкин, фақат ана шундай атеистик ишгина зарур самара бериши мумкин.

Студентларни асл манбаларни чуқур ўрганишга йўналтириб, ижтимоий фанлар эришган энг янги ютуқлардан фойдаланган ҳолда марксча-ленинча назарияни унинг барча таркибий қисмлари билан боғлиқ ҳолда ўқитишни таъминлашга ижтимоий фанлар кафедралари ғоят муҳим аҳамият беришлари керак. Лекин бунга ҳамма жойда ҳам эришиляпти, деб бўлмайди. Битирувчиларимизнинг кўплари марксча-ленинча назария ҳақида яхлит тасаввурга эга эмаслиги ана шундан гувоҳлик беряпти.

Давлат имтиҳонларининг якунлари дунёқарашни шакллантириш иши заиф эканлигини кўрсатяпти. Ўтган ўқув йилида студентларнинг деярли 30 проценти илмий коммунизмдан давлат имтиҳонларида «қониқарли», 7 проценти

«қониқарсиз» баҳо олди. Айрим олий ўқув юртларида, масалан, Нукус давлат университетида, Тошкент театр ва рассомчилик институтида қониқарли ва қониқарсиз баҳолар сони 50 процентдан ошиб кетди.

Бошқача айтганда, беш йил мобайнида дунёқарашни шакллантириш билан шуғулланувчи ижтимоий фанлар бешта кафедрасининг бирортаси ҳам студентларга ўз фанлари бўйича энг оддий билимларни бера олмаганлар. Қандай қилиб студентларнинг ана шу улкан контингенти дунёқарашга доир зарурий таълимни ололмади, ижтимоий фанлар кафедраларининг диққат марказидан четда қолди ва олий ўқув юртлари бу қадар муҳим ишда шундай бракка йўл қўйдилар?

Буларнинг барчаси институтлар партия ташкилотлари ва кафедраларининг студентлар дунёқарашини шакллантириш савиясига буткул лоқайд қараганлиги, таълим жараёни сифатини контрол қилмаганлиги ва масъулиятсизлик билан қараганлиги натижасида юз берди.

Жамиятшуносларга алоҳида роль ажратилган. Улар — республика олий ўқув юртлари ходимларининг идеологик авангардидир, улар олий таълимни қайта қуришнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилишга ижодий муносабатда бўлиш намунасини кўрсатишлари шарт. Бу таълим мундарижаси соҳасида ҳам, ўқитиш методларида ҳам намоён бўлиши керак. Расмиятчилик ва схоластик назариябозликка барҳам бериш, марксча-ленинча назария фундаментал қоидаларининг ҳар бир киши конкрет проблемалари, шаҳар, республика, мамлакат ижтимоий ҳаёти билан алоқадорлиги — мана шундай ёндашиш барча жамиятшунослар учун белгиловчи хусусият бўлиб қолиши керак.

Лекин ижтимоий фанларни ўқитиш практикасига ўқитишнинг мунозаралар, проблемали метод, амалий ўйинлар каби янги прогрессив форма ва методлари ҳозирча жуда имиллаб кириб келяпти, таълимнинг техника воситаларидан кам фойдаланиляпти.

Ўқитишнинг бутун жараёни партия XXVII съезди руҳида доимий ҳақиқат сабоғи бўлиши зарур. Студентлар КПСС тарихи, марксча-ленинча философия, сиёсий иқтисод ва илмий коммунизм дарсларида гражданлик мардлигини ўрганишлари, уларни ҳаяжонлантирувчи ҳамма саволларга ҳаққоний жавоб олишлари керак. Айни шу дарсларда ижтимоий фанлар ўқитувчилари партия ўз сиёсатининг олий принципи — сўз ва иш бирлиги, идеологиянинг ҳаёт билан тиғиз алоқасини қарор топтириш йўлини қатъият билан амалга ошираётганини студентлар онгига етказишлари керак. Яқин ўтмишда ана шу принципдан чекинилганлиги экономикада турғунлик бўлиши, социал соҳа ривожланишида тўхтаб қолиш, ахлоқий муҳит ёмонлашиши, кадр сиёсатида жиддий нуқсонлар бўлишига олиб келган ўткир салбий ҳодисаларга сабаб бўлди.

Ёш авлоднинг марксча-ленинча тайёргарлиги савияси ижтимоий фанлар табиий-илмий ва махсус фанлар билан қай даражада тиғиз алоқада эканлигига жиддий боғлиқдир. Студентлар билан суҳбатлашганда улар профессионал жиҳатдан қандай яшаётганлигини, махсус тайёрликнинг ушбу босқичида қандай вазифаларни ҳал қилаётганликларини билиш керак. Студент чуқур ижтимоий билимсиз мутахассис бўла олмаслигини англаб етсин.

Ижтимоий фанлар кафедраларининг бўлғуси мутахассисларни меҳнат қилиш жараёнига тайёрлигини шакллантиришга доир фаолиятида ижтимоий фанларни олий ўқув юртининг профилини ҳисобга олган ҳолда ўқитиш алоҳида аҳамиятга эгадир. В. И. Лениннинг кишилар билан ишлайдиган одам «омманинг ҳар бир қатлами, касб эгаси ва шу кабилар психологиясининг ўзига хос хусусиятларини» билиши керак (ТАТ, 41-том, 213-бет), деган сўзларини доим эсда тутмоқ лозим.

Институт кадрлар тайёрлайдиган корхоналар билан, шунингдек ихтисос берувчи кафедралар билан бевосита алоқа ўрнатиш ижтимоий фанлар кафедралари учун фавқулодда зарурдир. Бундай алоқа қанчалик тиғиз, амалий ва кундалик бўлса, жамиятшунослар ўз фаолиятлари учун шу қадар кенгроқ ва ранг-барангроқ материалга эга бўладилар.

Бундай практикага, афсуски, ҳозирча эга эмасмиз, лекин бу ҳақда ўйлаб кўриш керак. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг «Мамлакатда олий ва ўрта

махсус таълимни қайта қуришнинг асосий йўналишлари» лойиҳаси ҳам ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг бошқа кафедралар ўқитувчилари билан алоқасини кучайтиришни талаб қилмоқда.

Ана шу ишда ҳамма янги ва прогрессив жиҳатларнинг бошловчиси бўлиши керак бўлган Ижтимоий фанлар ўқитувчилари малакасини ошириш институти, Тошкент давлат университети тарих ва философия-иқтисод факультетлари ижтимоий фанларни ўқитишни қайта қуришда ўзларининг етакчилик ролларини ўйнамаяптилар.

Ҳозирги кунгача республикадаги энг яхши ўқитувчилар тажрибасини, ўқув-методик ишни такомиллаштиришга доир қимматли ташаббусларни умумлаштирувчи эътиборли қўлланмалар йўқ. Бизни олий ўқув юртлари кутубхоналаридаги ижтимоий фанларга доир ўқув адабиёти фондининг аҳволи, уларнинг ўзбек ва рус тилларидаги дарсликлар билан қониқарсиз таъминланганлиги ҳам ташвишлантиради.

Юзага келган аҳволга республика Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги ижтимоий фанлар бошқармасининг, илмий-методик советларининг сусткашлиги ҳам сабаб бўлган, уларнинг фаолияти кўпинча расмиятчиликдан ва кафедра мудирларининг қилинган иш ҳақидаги ҳисоботларини эшитишдан иборат бўлиб қолмоқда.

Ижтимоий фанларни ўқитишни қайта қуриш масалаларини ҳал этаётганда социология соҳасида, айниқса унинг амалий жиҳатлари соҳасида жамиятшуносларни янада пухтароқ тайёрлаш тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмоқ керак. Жамиятшунослар конкрет социал вазифаларни, инсон омилини активлаштириш проблемаларини ҳал қилишда янада активроқ ва собитқадамроқ иштирок этишлари керак. Бунда эса социологик тайёрликсиз бир иш қилиб бўлмайди. Ана шу муносабат билан республикада «Амалий социология» ихтисоси бўйича мутахассислар тайёрлай бошлаш масаласини ҳам кўриб чиқиш зарур, чунки бутун бошқарув ва хўжалик юритиш системасини қайта қуриш барча ишлаб чиқариш коллективларида ва жамоат ташкилотларида социология хизматини ривожлантиришни тақозо этади.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, республика Госплани жамиятшунослар тайёрлашни планлаштириш масаласини жиддий муҳокама қилишлари, олий таълим системасини қайта қуришда бу кадрлар ўйнаши керак бўлган ролнинг бутун аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда ушбу масалага давлат кўзи билан ёндашишлари учун пайт аллақачон етган.

Ғоявий-тарбиявий ишни такомиллаштнрайлик

Ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш олий мактаб, аввало ижтимоий фанлар кафедралари ишининг энг муҳим йўналишидир. Ҳозир жамиятимизда юз бераётган революцион ўзгаришлар қисқа муддатли кампания эмас, улар узоқ вақт ва жиддий равишда амалга оширилади. Бундан ҳозирги студентлар дипломли мутахассислар бўлганида қайта қуриш давом этади ва унинг кейинги ривожланиши уларнинг масъулият сезиши, билимдонлиги, сиёсий маданияти, кўламдор ва мураккаб вазифаларни амалга оширишдаги қобилият ва дадиллигига боғлиқ бўлади деган маъно келиб чиқади.

Бу ҳол бутун идеологик, сиёсий-тарбиявий ишни тубдан яхшилаш талабини олға суради. Бўлғуси студентларнинг ахлоқий, ғоявий-сиёсий савияси учун тўппа-тўғри, бевосита жавоб берадиган ижтимоий фанлар кафедралари олдида айниқса масъулиятли вазифалар турибди.

Ҳозир барча ижтимоий фанлар кафедралари тарбия ишига комплекс ёндашишни амалга оширишда унинг меҳнат, ахлоқий, ватанпарварлик-интернационал ва атеистик тарбия каби таркибий қисмларини узвий бирлаштиришлари жуда ҳам муҳим бўлиб қолмоқда. Ижтимоий фанлар кафедраларининг ана шу ишдаги куч-ҳаракатларини бирлаштириш, уларнинг фаолиятини координация қилиш муҳимдир.

Инсонга белгиловчи таъсир кўрсатувчи меҳнат тарбияси тарбиявий ишнинг

марказида туриши керак. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида кўрсатилганидек, меҳнат тарбияси — шахсни умуман коммунистик руҳда тарбиялашнинг пойдеворидир.

Бўлғуси мутахассис учун зарур кўникмаларни шакллантириш, меҳнатга онгли муносабатни, мамлакат эгаси эканлиги туйғусини, айни ёшлар ўтган авлодлар бунёд этган, кўпайтирган ва ҳимоя қилган ҳамма нарсаларнинг вориси бўлишини тушунишни тарбиялаш — айни шулар ижтимоий фанлар кафедраларининг диққат марказида туриши керак.

Меҳнат тарбияси ахлоқий тарбия билан чамбарчас боғланиши лозим. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланганидек, ахлоқий тарбиянинг мақсади умумхалқ, коллектив ва шахсий қизиқишларни уйғун бирлаштирувчи коллективистик ахлоқ принципларини; ўртоқларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам, хайрихоҳлик, ҳалоллик, меҳнат коллективи ва бутун мамлакат ҳаётида манфаатдор иштирок этиш, социалистик турмуш тарзига зид бўлган ҳамма нарсага актив қарши чиқишни шакллантиришдан иборатдир.

Афсуски, айни шунда энг жиддий камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Учдан бир қисми ишлаб чиқаришга ўртамиёна билимлар билан бораётган, кўплари ўқув юрти йўлланмаси берилган иш жойига бормаётган, меҳнатда ва ижтимоий-сиёсий соҳада активлик кўрсатмаётган, қийинчиликлар олдида чекинаётган бўлса, олий ўқув юртларимизнинг битирувчиларини ахлоқий-меҳнат, ғоявий тайёргарлигини қандай баҳолаш мумкин?

Кўпгина олий ўқув юртларимизда барча ижтимоий фанлар кафедраларини бирлаштирувчи ғоявий-тарбиявий ишнинг комплекс планлари йўқ, борлари ҳам расмият учун мавжуд. Ҳар бир олий ўқув юртида таълим-тарбия жараёни билан тиғиз боғланган, ижтимоий фанларнинг ўқув материалида мавжуд барча тарбиявий имкониятлардан фойдаланувчи ана шундай планлар ишлаб чиқиш зарур.

Кўп миллатли республикамиз учун интернационал ва ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш алоҳида аҳамият касб этади. Айни шу соҳада ҳамма ишларимиз кўнгилдагидек дея олмаймиз.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида кейинги йигирма йил мобайнида ижтимоий фанларда, адабиёт ва санъатда, маънавий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ўтмишни идеаллаштириш, баъзи тарихий воқеалар ва шахсларга баҳо беришда синфий позициялардан чекиниш бўлганлиги таъкидланди. Бу халқ оммасини миллий ғурур предметига нисбатан чалкаш изга солди ва бу билан интернационал тарбия ишига катта зарар етказди. Ўтмишдаги реакцион урф-одат ва анъаналарни баъзан ҳақиқий халқ урф-одат ва анъаналари деб талқин қилишга уринишлар ҳам меҳнаткашларнинг интернационал онгини оширишга тўсқинлик қилди.

Ҳозирча олий ўқув юртларимизда интернационал тарбияга доир ишни яхшилаш томон жиддий силжишлар юз бергани йўқ. Бу ерда юртдошлик кенг тус олган, кадрлар кўпинча айни шу белгига қараб танланади, студентлар ётоқхоналарга шунга қараб жойлаштирилади. Совет ўқув юрти учун ёт бўлган бу ҳол бир областдан келган талабаларни иккинчи областликларга қарама-қарши қўйишга, носоғлом муҳит юзага келишига олиб келади.

Олий ўқув юртларидаги бутун таълим ва тарбия жараёни студентларда пролетар, социалистик интернационализм, қардош мамлакатлар меҳнаткашлари билан синфий бирдамлик, СССРдаги барча миллат ва элатларни бирлаштирувчи дўстлик ва биродарлик туйғусини шакллантиришга, миллатлараро мулоқот маданиятини такомиллаштиришга, миллатчилик ва шовинизм кўринишларига муросасизликни тарбиялашга, совет ватанпарварлиги туйғусини сингдиришга йўналтирилиши керак.

Интернационал ва меҳнат тарбиясида рус тилини миллатлараро алоқа, халқлар дўстлигини мустаҳкамлаш тили сифатида пропаганда қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Ана шу муҳим ишдаги жиддий нуқсонлари учун Маориф ва Олий ва ўрта махсус таълим министрликлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети III пленумида ҳақли танқид қилинган эди.

Студентларда ахлоқий хулқ-атвор нормаларини, кенг маънодаги ташқи ва

ички маданиятни тарбиялаш ишида ҳам кўп камчиликлар мавжуд. Фактлар ўқув юртларимизда таълим олиш давомида улар талабаларининг ахлоқий ва маданий қиёфаси жуда оз такомиллашишини кўрсатмоқда. Студентлар орасида мешчанлик кўринишлари, молпарастлик, чинакам маънавий қадриятларга нисбатан пассивлик, жаҳон, рус ва миллий адабиёт классикларига лоқайдлик, музика маданиятининг бошланғич асосларини билмаслик ҳолларига мунтазам дуч келяпмиз. М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида бундай деб таъкидлади: «...Инсон ва жамиятдаги маънавий, ахлоқий негизлар қашшоқлашиб қолган тақдирда истеъмолчилик кайфиятлари, молпарастлик муқаррар кучаяди, ички дунё қашшоқлашиб боради».

Давримизнинг бурилиш характери, икки жаҳон системасининг бир-бири билан кураш олиб бориши буржуа идеологиясига қарши ҳужумкор курашни кучайтириш, студент ёшларнинг сиёсий ҳушёрлигини ошириш вазифасини биринчи ўринга қўймоқда.

Студентлар ўртасида ҳуқуқни бузиш, спиртли ичимликлар истеъмол қилиш ва бошқа антисоциал ҳодисалар бизни катта ташвишга соляпти. Буларнинг бари олий ўқув юртларида сиёсий-тарбиявий иш суст эканлигини кўрсатади.

Тарбиявий иш сифатини ошириш учун ёшларнинг эҳтиёж ва проблемаларини мунтазам ва чуқур ўрганиш лозим. Ҳозирча бу иш жуда ёмон аҳволда. Ҳаёт ёшларнинг хулқ-атворидаги тенденцияларни дадилроқ аниқлаш, уларнинг ижобий интилишларини қувватлаш ва ривожлантириш ва, аксинча, салбий ҳодисаларни энг бошида — ҳали ривожланиб кетмасидан бартараф этиш лозимлигини тақозо этяпти.

Бунда ҳам жамиятшуносларимиз ҳал қилувчи сўзни айтишлари керак. Ёшлар турли категориялари социал активлигининг бир хил эмаслиги сабабларини, улар пассивлиги сабабларини дабдабабозлик ва шовқин-суронсиз очиб ташлаш лозим. Жамиятшунослар ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашнинг форма ҳамда методларини такомиллаштиришга доир конкрет, аниқ тавсия ва таклифларни олға суришлари керак.

Студентларнинг ўз-ўзини бошқарувини ҳар томонлама ривожлантиришда студент-ёшлар маънавий камолоти, уларда актив ҳаётий позицияни тарбиялашнинг улкан резервлари мавжуд. Ҳозир бизнинг студентларимиз камида ўнлаб жамоат ташкилотлари назоратидадир. Уларнинг бутун фаолияти регламентга солинган. Амалда биронта йирик масалани ҳам ҳал қилишни уларга ишонмаймиз. Бу эса ёшларда тайёрга айёрлик кайфиятини келтириб чиқармоқда, ғўрликнинг сақланиб қолишига кўмаклашмоқда. Бунинг оқибатида кўпгина тарбиявий тадбирлар студентларимизнинг туйғуларига таъсир этмаяпти. Ётоқхоналарда турмуш бир хилда зерикарли ўтмоқда.

Биз студентларга, олий ўқув юртлари комсомолларига ўз-ўзини бошқариш кўникмаларини, демократик ҳуқуқлардан фойдаланишни, ташаббускорликдан қўрқмасликни, турмуш ва дам олишни ташкил этишдаги қолоқликни дадил бартараф этишни тўлиқ эгаллаб олишларида ёрдам беришимиз керак. Студентлар соғлом турмуш тарзи нормалари ва анъаналари қарор топиши, истеъмолчилик интилишларини, обывателларга хос хулқ-атворларни, алкоголизм ва гиёвандлик иллатларини бартараф этиш учун бошланган юришга актив ҳамда онгли равишда қўшилишлари керак.

Ижтимоий фанлар кафедралари олиб борадиган тарбиявий иш фақат олий ўқув юрти билан чекланиб қолмаслиги керак. Улар ўз оталиқларидаги ташкилотларда, меҳнаткашлар кенг оммаси орасида тарбиявий иш олиб боришлари керак.

Партиявий раҳбарликнинг асосий бўғини

Студент ёшларнинг маркcча-ленинча тайёргарлик даражасини ошириш, ижтимоий фанлар кафедралари ишини такомиллаштириш партиявий раҳбарлик сифатига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлиб, жамиятшунос кадрлар билан

ишлаш унинг асосий вазифасидир. Бутун таълим ва тарбия жараёнида айни улар ҳал қилувчи роль ўйнайдилар. Айни уларга партия қайта қуришнинг ғоявий негизини тайёрлаш, бўлғуси мутахассисларда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришдек масъулиятли вазифани юклади.

Ўз вақтида В. И. Ленин бундай деб таъкидлаган эди: «Ҳар қандай мактабда ҳам энг муҳим нарса — лекцияларнинг ғоявий-сиёсий йўналишидир. Бу йўналишни нима белгилайди? Бутунлай ва фақат *лекторлар состави белгилайди*... Ҳар қандай «контрол», ҳар қандай «раҳбарлик», ҳар қандай «программалар», «уставлар» ва ҳоказолар, буларнинг ҳаммаси — лекторлар состави олдида қуруқ гапдир» (ТАТ, 47-том, 229—230-бетлар). Ижтимоий фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини оширишда ўқитувчи кадрлар ҳал қилувчи аҳамият касб этиши ана шу жиҳат билан белгиланади.

КПСС Марказий Комитетининг олий мактабни қайта қуришга доир лойиҳаси, ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгаши профессор-ўқитувчилар составига қўйиладиган замонавий талабларни белгилаб берди. КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ Е. К. Лигачевнинг ана шу кенгашдаги докладида шундай деб таъкидланди: «Совет олий мактабининг ўқитувчиси — юксак маданиятли, юксак профессионал тайёргарлик кўрган кишидир. У баркамол шахсдир. Маънавий жиҳатдан бой, собитқадам, ўз эътиқод кучи билан, ҳаётий намунаси билан ёшлар эътиборини ўзига тортадиган шахсдир... Бизнинг студентларимиз ҳам ҳамиша эслаб юрадиган мураббийлари кўпроқ бўлишини истар эдик».

Ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг асосий кўпчилиги билимдон мутахассислар бўлиб, улар ўз бурчларини виждонан бажармоқдалар, фаол жамоат иши олиб бормоқдалар, ёшларга намуна бўлмоқдалар. Лекин улар орасида профессионал жиҳатдан заиф, илгари орттирилган билимлар билан яшовчи, марксизм-ленинизмнинг ғоявий бойлигини, эмоционал интеллектуаллигининг бутун жозибасини студентларга очиб бера олмайдиган кишилар ҳам топилади. Кўпгина ўқитувчилар илмий коммунизм классикларининг асарларини йиллар мобайнида очиб кўрмайди ва ўқиб кўрмайдилар, партиянинг энг муҳим ҳужжатларини билмайдилар. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш масалалари жуда диққат билан эътибор беришни талаб этяпти. Айни шу жабҳада айниқса кўп нуқсон ва камчиликлар мавжуд.

Жамиятшунос ўқитувчиларнинг ярми базавий, махсус университет маълумотига эга эмаслигидек республикада юзага келган аҳвол ғоят ташвишланарлидир. Базавий маълумотга эга бўлмаган кишилар проценти айниқса илмий коммунизм ва сиёсий иқтисод ўқитувчилари орасида юқоридир. Кўпгина илмий коммунизм кафедраларида, хусусан, Ўрта Осиё педиатрия институти, Республика рус тили ва адабиёти институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, пединститутларнинг аксарияти, Тошкент политехника институтининг ва Тошкент халқ хўжалиги институти филиалларида мутахассислар деярли йўқ, фан кандидатлари ва докторлари бармоқ билан санарли, борлари ҳам кўпинча кафедра ихтисосига тўғри келмайди.

Чуқур махсус тайёргарликка эга бўлмаган ўқитувчилар, табиийки, ижтимоий фанларни ҳозирги босқичда ўқитиш вазифаларини муваффақиятли бажара олмайдилар. Ҳаёт базавий тайёргарликка эга бўлган педагогларгина бугунги кун талабларига жавоб бера олишини яққол кўрсатмоқда. Ҳолбуки, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, олий ўқув юртларига эга бўлган бошқа министрлик ва идоралар ана шу проблемани ҳал этишда бир четда туриб кузатувчи позициясини эгаллаб турибдилар. ТошДУда эса ҳатто жамиятшунослар тайёрлаш йилдан-йилга камайиб кетмоқда.

Республикада жамиятшунос ўқитувчиларни тайёрлаш «чамалаб», истиқболда уларга бўладиган эҳтиёжни аниқ билмасдан туриб планлаштирилмоқда.

Ижтимоий фанлар кафедралари ўқитувчиларининг ёш составида вужудга келган диспропорция ва бир ёқламаликни, бу составнинг очиқ-ойдин кексайганлигини ҳисобга олсак, бу масала алоҳида аҳамият касб этади. Бутун профессор-ўқитувчилар составининг учдан бири пенсия ёшида ёки пенсия ёшига яқинлашиб қолган.

Олий таълим системасини қайта қуриш муносабати билан жамиятшунос

кадрларга қўйиладиган талаблар айниқса ошмоқда. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев таъкидлаганидек, қайта қуришни ҳар ким ўзидан бошлаши керак. Бу тарбиячилар ва ўқитувчиларнинг ўзларига ҳам тааллуқлидир. Ҳозирги шароитда олий мактаб ўқитувчиси ҳар томонлама маълумот ва маданият эгаси сифатидагина намуна бўлиб қолмай, ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, уларнинг ижодий имкониятларини очиб берадиган, касбга, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилишга чуқур қизиқиш уйғота оладиган талантли тарбиячи ҳам бўлиши керак.

Кўпгина жамиятшунослар йиллар давомида ўз назарий ва профессионал савиясини оширмаяптилар, кечаги кун билан яшаяптилар. Масалан, Тошкент медицина институтида учта кафедра мудири лекциялари савиясининг пастлиги, таълимни ташкил этишдаги уқувсизлиги учун муддатидан олдин уларнинг ўрнига бошқалар сайланди. Жамиятшунос ўқитувчиларнинг анча қисми илмий тадқиқотлар билан шуғулланмаяпти. Диссертация ёқлагандан кейин фандан четлашиб қолган, олим сифатида хеч қандай самара бермаётган одамлар ҳам кам эмас.

Жамиятшунослар малакасини оширишда камчиликлар оз эмас. Шу муносабат билан Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги истиқболни кўзлаб ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш комплекс программасини ишлаб чиқиши лозим. Илмий, педагог ўринбосарлар тайёрлаш иши ёмон аҳволда. Аспирантура жуда самарасиз ишлаяпти. Олий ўқув юртлари ва ижтимоий фанлар кафедраларининг раҳбарлари аспирантурага қабул қилиш учун энг қобилиятли кишиларни аниқлаш ҳақида етарлича ғамхўрлик қилмаяптилар. Республика Фанлар академиясининг илмий муассасаларида беш йил ичида 261 киши аспирантурани битириб чиқди, шундан атиги 23 киши (9 проценти) ўз вақтида диссертация ёқлади. Ана шу даврда Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги бўйича аспирантурани битириб чиққан 250 кишидан атиги 35 киши (14 проценти) муддатида диссертация ёқлади.

Қариндошлилигига, шахсий садоқатига, таниш-билишлигига қараб аспирантурага қабул қилишдек нотўғри практика шу вақтга қадар тугатилган эмас. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ўтган беш йиллик мобайнидаги аспирантларининг 80 процентдан кўпроғи илмий, ижодкор зиёлиларнинг, хизматчиларнинг фарзандларидир. Аспирантурага қабул қилинганларнинг 15 процентигина олий ўқув юртларини аъло баҳо билан, қолганлари ўртамиёна баҳо билан битирган.

Фан докторларини тайёрлашдаги аҳвол ҳам бизни сира қониқтирмайди. Олий ўқув юртларидаги ижтимоий фанлар кафедралари мудирлари лавозимларининг ярмини, республика Фанлар академияси лаборатория мудирлари лавозимларининг ярмидан ортиғини ҳозиргача фан кандидатлари эгаллаб турибди. Шунга қарамай, фан докторларини тайёрлаш плани йилдан-йилга бажарилмай келяпти. Докторлик диссертациялари устида ишлаётган шахслар учун ажратиладиган катта илмий ходимлик лавозимларидан самарали фойдаланилмаяпти.

Олий малакали кадрлар тайёрлаш масалалари партия комитетларининг, олий ўқув юртлари, министрлик ва идоралар, республика Фанлар академияси раҳбарларининг доимий ғамхўрлиги остида бўлиши керак.

Студентларни илмий тадқиқот фаолиятига жалб қилиш илмий, педагог ўринбосарлар тайёрлашнинг муҳим резерви ҳисобланади. Бу уларнинг ижтимоий фанларни ижодий эгаллашларида, бўлажак мутахассисларда илмий дунёқараш, мустақил фикрлаш кўникмаларини тарбиялашда синалган, самарабахш формадир.

Ҳозир республикада жамиятшунослар билан таъминланишда мушкул аҳвол юзага келди. Олий ўқув юртларимиз илмий коммунизм, социология, тарихшунослик, манбашунослик, атеизм соҳасида мутахассислар тайёрламаяпти. Шу билан бир вақтда республика олий ўқув юртлари социал-сиёсий ва гуманитар ихтисослар бўйича ҳар йили 8650 киши тайёрлаяпти. Лекин булар умумий мутахассислар бўлиб, халқ хўжалигининг у ёки бу йўналишлари ва эҳтиёжлари учун конкрет тайёрланмаган кишилардир.

Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги жамиятшунос кадрларни оқилона тайёрлаш ва тақсимлашни шу вақтгача ташкил эта олмади. Абитуриентларни областдан қабул қилиш мавжуд, лекин жамиятшуносларни областларга тақсимлаш мавжуд эмас. Мамлакатнинг марказий олий ўқув юртларида республика учун махсус, аниқ мақсадни кўзлаб тайёрланган мутахассислар ўз касбига алоқаси бўлмаган, дуч келган лавозимларда ишламоқда.

Олий жамиятшунослик маълумотига эга бўлган мутахассисларнинг техника ёки табииёт соҳасидаги илмий-тадқиқот институтларида лаборант бўлиб ишлаши ёки турли министрликлар ва идораларда техник ходимлар бўлиб ишлаётганлиги фактлари оз эмас. Партия комитетлари, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, олий ўқув юртларининг ректоратлари ва парткомлари мана шу барча масалаларни чуқур ўрганишлари керак.

Жамиятшунос ўқитувчилар орасида ғоявий-сиёсий иш қай аҳволда эканлигига, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш зарур. Кўпгина олий ўқув юртларининг коллективларида бу иш яхши йўлга қўйилмаган. Натижада гуруҳбозлик, уруғ-аймоқчилик, таниш-билишчилик ҳоллари тез-тез учраб туради, фитна-фасодлар юзага келади, юмалоқ хатлар болалайди.

Масалан, Фанлар академияси системасида Пўлатовларнинг бутун оиласи аслида битта муассасада ишламоқда. Отаси — философия кафедрасининг мудири, ўғли эса худди шу кафедрада катта ўқитувчи бўлиб ишлайди, бу кафедра бўйсунадиган философия ва ҳуқуқ институтида унинг жияни ишлайди, мазкур институт аспирантурасида эса қизи ўқийди. Бундай фактлар, афсуски, ягона эмас, партия ташкилотлари эса зарур чоралар кўрмаяпти.

Партия комитетлари, олий ўқув юртларини бошқариш органлари ижтимоий фанлар ўқитувчиларини танлаш, жой-жойига қўйиш, улардан фойдаланиш ва тарбиялаш ишларини тубдан яхшилашлари, ижтимоий фанлар кафедралари фаолиятига раҳбарлик қилиш савиясини оширишлари лозим. Ҳозирча бу савия қайта қуриш талабларига тўла мос келмайди.

Кўпгина партия комитетлари олий ўқув юртлари, ижтимоий фанлар кафедралари, бошланғич партия ташкилотлари ишини йиллар давомида бирор марта ҳам муҳокама қилмайдилар. Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифоқ кенгашида область партия комитетлари студентларнинг марксча-ленинча тайёргарлиги, олий ўқув юртлари фаолияти масалаларини узоқ муддат давомида муҳокама қилмаган йирик ўқув марказлари қаторида Тошкент шаҳри ҳам тилга олинди. Сўнгги беш йил ичида студентларнинг марксча-ленинча тайёргарлиги, ижтимоий фанлар кафедралари фаолияти масалаларини Самарқанд, Андижон, Фарғона шаҳар партия комитетлари бирор марта ҳам муҳокама қилмадилар. Юқорида тилга олинган шаҳарларда анчагина миқдорда йирик олий ўқув юртлари жойлашган-ку.

Олий ўқув юртларидаги ишлар аҳволига бундай эътиборсизлик, тўғрироғи лоқайдлик жиддий салбий оқибатларга олиб келади. Масалан, кейинги йилларда Тошкент халқ хўжалиги институтида, Тошкент политехника институтининг Навоийдаги филиалида мураккаб вазият, носоғлом социал-психологик микроиқлим юзага келди.

Партия комитетларининг эътиборсизлиги натижасида олий ўқув юртлари маҳаллий ҳаётга доир зарур социал-иқтисодий ахборотни олмаяптилар. Партия ходимлари улар билан жуда кам учрашиб турадиларки, бу олий ўқув юртларида ишлаётган жамиятшунослар ролини етарлича баҳоламаслик ва тушунмасликдан гувоҳлик беради.

Партия комитетлари жамиятшунослар ўртасида партия қатламини кўпайтиришга эътиборни қаратишлари лозим. Ҳозир ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг чорак қисми партия аъзоси эмас. КПСС тарихи курсини ўқиётган ўқитувчиларнинг 15 проценти, илмий коммунизмдан дарс берувчи ўқитувчиларнинг 27 проценти партиясиздир. Сиёсий иқтисоддан дарс берувчилар орасида партиясизлар проценти бундан ҳам юқоридир.

Олий ўқув юртларининг бошланғич партия ташкилотлари ишини кучайтириш олий мактабга партиявий раҳбарликни яхшилашда жуда катта аҳамиятга

эга. Бусиз қайта қуриш вазифаларини ҳал этиш, ижтимоий фанларни ўқитиш сифатини ошириш мумкин эмас. Бошланғич партия ташкилотлари олий мактаб қайта қурилишининг бутун боришини контрол қилишлари, ошкоралик, олий ўқув юртлари ҳаётида демократик асослар кенгайтирилишини таъминлашлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари ролини оширишлари, олий ўқув юртлари барча илмий-педагог кадрларининг марксча-ленинча тайёргарлиги яхшиланишига эришишлари, ижтимоий фанлар кафедраларининг ролини оширишлари керак.

Жамиятшунослар кафедралари ижтимоий фанларни ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш ишида ҳал қилувчи кучдир. Шу сабабли улар учун кадрлар тайёрлаш, улардан фойдаланиш, узлуксиз билим олишига доир барча масалалар олий ўқув юртлари ректоратлари, партия ташкилотлари, бошқариш органлари фаолиятида марказий ўринни эгаллаши керак.

Партия XXVII съездининг қарорлари, КПСС Марказий Комитети Сиёсий докладининг кўрсатмалари, партия Марказий Комитетининг «Коммунист» журнали тўғрисида»ги қарори барча жамиятшуносларга мамлакат ҳаётидаги ҳозирги бурилиш босқичида жамиятшуносликни қайта қуришнинг асосий проблемаларига реалистик, комплекс ёндашиш учун йўл-йўриқ беради. Бу ҳужжатлар жамиятшунослар учун фақат яқин давр учунгина эмас, балки истиқболга ҳам мўлжалланган ҳақиқий дастуриламалдир.

Жамиятшуносликда ҳосил бўлган қуйқаларни бартараф этиш, мутахассисларда фақат теварак-атрофдаги дунёни билишга эмас, балки жамиятимиз янги сифат ҳолатига эришишига ҳам қаратилган янгича тафаккур типини шакллантиришга доир ишни кучайтириш, илмий-назарий фикрни активлаштириб, уни амалиётнинг конкрет эҳтиёжлари билан боғлаш — жамиятшунослар олдига ана шундай муҳим вазифалар қўйилган. Ҳар бир кишининг бурчи бор кучи ва билимини жадаллаштириш ва қайта қуриш ишига, совет жамиятини янада такомиллаштиришга бағишлашдан иборат бўлмоғи керак.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

КПССИНГ АКТИВ, ЯХЛИТ СОЦИАЛ СИЁСАТИ — МАМЛАКАТ РИВОЖИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ ҚУДРАТЛИ ВОСИТАСИДИР

КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида бундай таъкидланган: «Жадаллаштириш йўли иқтисодий соҳада ўзгартишлардангина иборат эмас. У актив социал сиёсат юритишни, социалистик адолат принципини изчиллик билан қарор топтиришни кўзда тутади». КПСС социал соҳадаги аҳволни тубдан яхшилашни қайта қуришнинг таркибий қисмларидан бири деб билади ки, бу ҳақда М. С. Горбачевнинг КПСС МК 1987 йил январь Пленумидаги докладида яна бир бор қатъий уқтирилди. «Қайта қуриш, — деб таъкидлади у, — социал соҳани устун даражада ривожлантириш, совет кишиларининг яхши меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларига... бўлган талаб-эҳтиёжларини тобора тўлиқроқ қондириш демакдир». Кучли, яхлит социал сиёсат ғояси партиянинг илмий коммунизмга, марксизм-ленинизмнинг социал-сиёсий таълимотига қўшган йирик ижодий ҳиссасидир. Айни чоқда партия социал сиёсатни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг, омма меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини юксалтиришнинг, янги инсонни шакллантиришнинг, жамият сиёсий барқарорлигининг муҳим омили сифатида социалистик турмуш тарзини барқарор этишнинг қудратли воситаси деб билади.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Ҳозирги босқичда КПСС социал сиёсатининг мазмуни ва асосий вазифалари.

2. Социал адолат принципини изчил барқарор этиб бориш.

3. КПСС XXVII съезди социал-синфий ва миллий муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида.

ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДА КПСС СОЦИАЛ СИЁСАТИНИНГ МАЗМУНИ ВА АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

Пропагандист ушбу масалани кўриб чиқишга киришар экан, тингловчиларнинг эътиборини шунга қаратадики, совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини оғишмай яхшилаш, жамиятнинг ҳамма соҳаларида социал адолат принципини тобора тўлиқроқ амалга оширишни; синфлар ва социал группалар ҳамда табақаларни яқинлаштириш, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим тафовутларни бартараф этишни; миллий муносабатларни такомиллаштириш, мамлакат миллатлари ва элатларининг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашни партия ҳозирги босқичда социал сиёсатнинг асосий вазифалари сифатида илгари суради. Совет кишиларининг ҳаётий талаб-эҳтиёжларини қондириш ҳаммавақт партиянинг энг муҳим программ талаби бўлиб келди ва шундай бўлиб қолаверади. Жами планларимиз ҳамда партия билан халқнинг уларни рўёбга чиқариш борасидаги амалий фаолияти инсон ҳақида, унинг ҳар тарафлама ва уйғун камол топиши учун тобора қулай шароитларни яратиш ҳақида ғамхўрлик руҳи билан суғорилгандир. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган ўзгармас программ талаб экономикага партиявий, сиёсий ёндашишнинг бошланғич нуқтаси бўлиб хизмат қилди ва хизмат қилмоқда. Бунда партия ҳаммавақт В. И. Ленининнинг социализмда ижтимоий ишлаб чиқариш «жамиятнинг барча аъзоларининг *тўла* фаровонлиги ва *ҳар томонлама* эркин ривожланишини таъмин этиш учун» ривожлантирилиши (Тўла асарлар тўплами, 6-том, 267-бет) тўғрисидаги кўрсатмаларига оғишмай амал қилмоқда.

Айнан социал соҳада иқтисодий фаолиятнинг натижалари рўёбга чиқади, меҳнаткашларнинг ҳаётий манфаатларига оид масалалар ҳал бўлади, социализмнинг

олий мақсадлари гавдаланади. Айнан шу соҳада социалистик тузумнинг инсонпарварлик табиати, унинг капиталистик тузумдан сифат жиҳатдан фарқ қилиши яққол намоён бўлади.

Инсон ҳақида, унинг учун ўз лаёқатларини ривожлантириш, моддий, маданий ва маънавий қобилиятларини қондиришга имконият яратиш шароитларини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш — социалистик турмуш тарзининг муҳим белгисидир.

Аммо совет жамияти тарихнинг турли босқичларида мамлакат меҳнаткашларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда турлича имкониятларга эга бўлди. Ана шу объектив сабаблардан ташқари шуни ҳам кўрсатиб ўтиш керакки, партия XXVII съездида уқтирилганидек, яқин ўтмишда мамлакат социал-маданий соҳасининг моддий базасини ривожлантириш ва жадаллаштиришнинг етилган проблемаларига етарлича баҳо берилмагани, унинг учун етарли миқдорда ресурслар ажратилмаганлиги маълум бўлиб қолди.

Шундай бўлишига қарамай, КПСС ва Совет давлати халқ фаровонлигини изчил тарзда ва аниқ мақсадни кўзлаб қондириш йўлларида чиндан ҳам ғоят улкан муваффақиятларга эришди. Пропагандист ушбу шубҳасиз аҳволни қуйидаги маълумотлар билан мустаҳкамлаши мумкин. Совет ҳокимияти йиллари мобайнида мамлакат аҳолисининг реал даромадлари шаҳарда 12 баравар, қишлоқда 19 баравар ошди. Фақат кейинги 30 йил ичида янги қурилган уйларга 240 миллион киши кўчиб ўтди. Гарантияланган иш ҳам, бепул медицина ёрдами олиш ҳам, қариганда моддий таъминот олиш ҳуқуқи ва ҳоказолар ҳам совет кишилари учун оддий ҳаёт нормаси бўлиб қолди.

Бироқ халқ фаровонлигини ошириш соҳасида ҳали ҳам анча-мунча охиригача ҳал этилмаган проблемалар мавжуд. Чунончи, уй-жой масаласи айниқса бизнинг республикамизда кескинлигича қолмоқда. Ўзбекистон Компартиси XXI съездида қайд қилиб ўтилганидек, республика маҳаллий Советлари ижрокомларининг ўзида квартира олиш учун 250 минг оила навбатда турибди. Социал соҳага тааллуқли кўп масалаларни ҳал қилиш бўйича республика мамлакатда охирги ўринлардан бирини ишғол этади.

Пропагандист мамлакат ва республика социал соҳасидаги аҳволни, бу борадаги ютуқлар ва камчиликларни қисқача тавсифлагач КПСС XXVII съездининг ушбу масалага оид ҳужжатларини кўриб чиқишга ўтади.

Бунда шуни таъкидлаш лозимки, социал соҳани ривожлантиришга устун даражада аҳамият бериш КПСС МК Сиёсий докладининг, янги таҳрирдаги партия Программасининг энг муҳим белгисидир.

Уларда таъкидланадики, кучли социал сиёсат — жадаллаштиришнинг энг муҳим омилидир. У биринчи навбатдаги сиёсий талабни — марказий ва маҳаллий ҳокимият органларининг социал соҳа эҳтиёжлари томон қатъий бурилишини, кадрлар ишини социал жиҳатга қаратишни, уларнинг тафаккури ва психологиясини ана шу йўналишда чуқур қайта қуришни, социал вазифаларни ҳал этиш учун меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотлари, барча меҳнаткашларнинг ижодий ташаббускорлиги резервлари ва имкониятларидан максимал даражада фойдаланишни ўз ичига олади. Кучли социал сиёсат марксча-ленинча дунёқарашнинг ва Ленин партияси сиёсатининг гуманистик принципларини ифодалайди ва янада ривожлантирадики, унинг марказида, юқорида қайд қилиб ўтилганидек, ҳамиша инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш туради.

Ҳозирги шароитда КПСС ва Совет давлатининг социал сиёсатини тўла-тўкис ва ҳар тарафлама амалга ошириш учун объектив ва субъектив шароитлар етилди.

Бунда шуни кўрсатиб ўтиш лозимки, инсоннинг моддий фаровонлигини ва маънавий савиясини ошириш фақат унинг эҳтиёжларини қондириш билангина эмас, балки фан-техника тараққиёти, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш талаб қилаётган меҳнатга бўлган сифат жиҳатдан янгича қобилиятни шакллантириш билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. «Ҳамма нарса инсон учун, ҳамма нарса инсон бахт-саодати учун» деган партия шиорининг мазмуни эндиликда «ҳамма нарса инсондан» деган янги талаб билан тўлдирилмоқда. Чунки социал сиёсат фақат халқ учун эмас, балки халқнинг ўзи томонидан ҳам амалга оширилади. Ана шу муносабат билан КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида уқтирилдики, съезд белгилаган планлар «қандай иш жойида меҳнат қилмасин, қандай лавозимни эгалламасин, ҳар бир совет кишиси қизғин ва самарали меҳнат қилган тақдирдагина рўёбга чиқади. Биз нима яратсак, шу бизники бўлади, биз шунга яраша яшаймиз ҳам». Энг биринчи ижтимоий бурч бўлган меҳнатга онгли, ижодий муносабатни шакллантирадиган социал сиёсатгина кучли сиёсат бўлиши мумкин. Пропагандист съезднинг ҳамма ва ҳар бир киши партия белгилаб берган режалар тақдири учун юксак жавобгар бўлиши ҳақидаги қоидасига тингловчиларнинг алоҳида эътиборини қаратиши лозим, токи уларнинг ҳар бири план топшириқларини бажариш ва ошириб бажариш учун, чиқарилаётган маҳсулот сифатини муттасил яхшилаш учун чуқур онгли муносабатда бўлсинлар.

Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш перспектив планларида, деб таъкидлайди пропагандист, **халқ фаровонлигини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш**

вазифаси қўйилмоқда. Совет кишиларининг турмушини яхшилашга сарфланадиган ресурслар ҳажмини 15 йил ичида икки баравар ошириш кўзда тутилган. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда реал даромадлар 1,6—1,8 баравар ортади.

Халқ фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирлар системасида аҳолини саноат товарлари ва хизматлар билан тўлароқ қондириш, бозорни хилма-хил маҳсулот билан тўлдириш, чиқарилаётган моллар сифатини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш, талаб билан таклиф ўртасидаги кескин номутаносибликни йўқотиш масалаларига катта эътибор берилган. «Мободо, биз **бозорни хилма-хил товарлар ва хизматлар билан таъминлай олмасак,** — деб таъкидланади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — тақсимлаш муносабатларини такомиллаштириш борасидаги бутун куч-ғайрат кам самара беради, халқ фаровонлигини ошириш вазифаси эса бажарилмай қолаверади. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар соҳасини ривожлантириш комплекс программаси ҳам ана шунга қаратилган».

Шу ўринда пропагандист тингловчиларга эслатиб ўтиши мумкинки, юқорида тилга олинган халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва хизматлар соҳасини ривожлантириш Комплекс программаси якин 15 йилга мўлжалланган бўлиб, у КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1985 йил сентябрдаги қарори билан тасдиқланган. У ривожланган жамиятимизнинг ҳозирги босқичдаги социал проблемаларини ҳал этиш ягона системасининг узвий қисмидир. Ўн беш йил ичида бутун мамлакат бўйича озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми 1,8 баравар, аҳолига маиший хизматлар кўрсатиш 2,27 баравар ортади.

Партия Марказий Комитети ва Совет ҳукумати халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Комплекс программасини муттасил назорат остида тутиб, такомиллаштирмоқдалар. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 6 майда матбуотда эълон қилинган «Енгил саноатда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни планлаштиришни яхшилаш, иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш ва уни бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори бунинг далили бўлиб хизмат қилиши мумкин. КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 5 августда «Правда»да эълон қилинган «Давлат савдоси ва матлубот кооперациясида планлаштиришни, иқтисодий рағбатлантиришни ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳам ана шундан далолат беради.

Съезд ҳужжатларида мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан янада тўлароқ таъминлашга катта эътибор берилган. Партиянинг КПСС МК 1982 йил май Пленуми қарорларида, СССР Озиқ-овқат программасида таърифланган ҳозирги аграр сиёсати ана шунга қаратилган. Программани бажариш борасида дастлабки тўрт йил ичида олиб борилган ишлар аҳоли жон бошига ҳисоблаганда гўшт истеъмол қилишни 4 килограмм, сут ва сут маҳсулотларини 32 килограмм, тухум истеъмол қилишни 16 дона кўпайтириш имконини берди.

КПСС XXVII съезди МКнинг 1982 йил май Пленумидан ҳамда СССР Озиқ-овқат программаси қабул қилинганидан кейин қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган тармоқларнинг моддий-техника базасини ривожлантириш учун анча-мунча ишлар қилинганлигини қайд этиб, айни чоқда уқтирдики, «қишлоқ хўжалигининг қолоқлигига барҳам бериш суст кечмоқда. Ўн иккинчи беш йилликдаёқ озиқ-овқат таъминотини сезиларли даражада яхшилаш учун аграр секторда қатъий бурилиш қилиш керак».

КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил 6 августда матбуотда эълон қилинган «Ўн иккинчи беш йилликда мамлакат дон хўжалигининг барқарорлигини кучайтириш ва дон-ем ресурсларини кўпайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори озиқ-овқат проблемасининг мазкур вазифаларини таъминлашга қаратилгандир. КПСС МКнинг «Меҳнатни ташкил этишнинг оқилона формалари ва хўжалик ҳисобини жорий этиш асосида қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг кечиктириб бўлмайдиган тадбирлари тўғрисида» 1986 йил декабрда қабул қилган қарори ҳамда ушбу қарорни рўёбга чиқариш юзасидан партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органларининг вазифаларига бағишлаб 1987 йил 23 январда партия Марказий Комитетида чақирилган кенгаш партиянинг мамлакат аҳолисини озиқ-овқат билан яхшироқ таъминлаш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги бир ёрқин кўриниши бўлди.

Уй-жой каби кескин проблемани ҳал этиш соҳасида ҳам туб вазифалар қўйилди. Пропагандист тингловчиларга шуни эслатадики, бизда гражданларнинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи фақат эълон қилинибгина қолмай, балки СССР Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ҳам. Бу соҳада катта натижаларга эришилди. Шу кунгача шаҳар оилаларининг 80 процентдан кўпроғи алоҳида квартираларда яшайди. КПСС XXVII съезди 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш вазифасини қўйди.

Пропагандист партия йўлининг меҳнаткашлар оммаси моддий аҳволини ва турмуш шароитларини тубдан яхшилашга қаратилган асосий йўналишларини уқтириб, XII беш

йилликда республикани социал ривожлантириш планлари устида қисқача тўхталиб ўтиши мумкин. Бу масалага оид материални Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ҳужжатларидан («Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1986 йил 2-сони) ва журналда эълон қилинган «Ўн иккинчи беш йиллик — мамлакат социал-иқтисодий ривожида туб бурилиш беш йиллиги» методик маслаҳатларидан («Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 10, 57—59-бетлар) топиш мумкин.

Теманинг биринчи масаласини кўриб чиқишни тугаллаш пайтида шуни айтиш керакки, ўн иккинчи беш йилликнинг биринчи йилиёқ мамлакат меҳнаткашлар оммасининг фаровонлигини оширишда анча шахдам қадамлар билан бошланди. М. С. Горбачев совет халқига Янги йил мурожаатномасида қайд этганидек, ўтган йили «...социал проблемаларни янада активроқ ҳал этиш сари бурилиш бошланди».

Республикамиз бўйича 1986 йил якунларига келганда, бу борада, Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаевнинг 1987 йил 24 январда республика касаба союзлари XIII съездидаги нутқида қайд қилинганидек, «экономиканинг социал самарадорлиги кучайди. Уй-жой, мактаблар, болалар ва даволаш муассасалари кўпроқ қурилди. Транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият ва санъат проблемаларига эътибор ошди».

Шу билан бирга республикада қайта қуриш жараёни, шу жумладан социал соҳада ҳам суст кечмоқда. План топшириқлари социал соҳанинг кўп йўналишлари бўйича бажарилмай қолди. Бу ҳақда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1987 йил 14 январда бўлиб ўтган ва ўтган йил якунларини муҳокама қилган Бюросида жуда принципиал тарзда айтиб ўтилди.

Пропагандист шу йилга мўлжалланган асосий социал вазифалар ҳақида гапириб, эътиборни КПСС МК 1987 йил январь Пленуми ҳужжатларига, шунингдек СССР Олий Совети олтинчи сессияси материалларига, жумладан, сессия 1986 йил 19 ноябрда тасдиқлаган 1987 йилги СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш давлат плани тўғрисидаги қонунга қаратиши керак.

СОЦИАЛ АДОЛАТ ПРИНЦИПИНИ ИЗЧИЛ БАРҚАРОР ЭТИБ БОРИШ

Ушбу масалани баён этишни бошлаганда пропагандист КПСС XXVII съезди экономиканинг социал йўналишига эътиборни алоҳида равишда қаратганлигини қайд қилади. КПСС МК 1987 йил январь Пленуми материалларида ҳам бу яна бир бор қаттиқ уқтирилди.

Партия социал адолат принципларини барқарор этиш учун курашга қаратилган йўлни қатъий тарзда амалга оширмоқда. Бу йўлни КПСС МК 1985 йил апрель Пленуми белгилаб берди. Пленум «моддий ва маънавий неъматларни тақсимлашда социал адолатни мустаҳкамлаш йўлини изчил амалга ошириш» зарурлигини таъкидлади. Мазкур йўл КПСС XXVII съезди ҳужжатларида, партия МКнинг ва Совет ҳукуматининг кейинги қарорларида, КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг, партия ва Совет давлати бошқа раҳбарларининг нутқларида чуқур асослаб берилди ва ривожлантирилди.

Партия социал адолат ҳақидаги ана шу талабни илгари сурар экан, шу масала юзасидан марксча-ленинча таълимотнинг асосий қоидаларига, реал социализмнинг тажрибасига таянади. Пропагандист тингловчиларнинг эътиборини шунга қаратадики, социал адолат — меҳнат аҳлининг азалий орзусидир. Аммо бу орзу фақат социалистик жамиятдагина ушалиши мумкин.

В. И. Ленин коммунистик формациянинг қарор топишини анализ қилиб, эътиборни социал адолатнинг аста-секин амалга ошишига қаратган эди. В. И. Ленин Улуғ Октябрь ғалабаси арафасида ёзилган «Давлат ва революция» асарида К. Маркснинг коммунизмнинг биринчи фазасида адолат тўғрисидаги масала борасидаги қоидасини қувватлаб таъкидлаган эдики, даставвал жамият «айрим шахсларнинг ишлаб чиқариш воситаларини қўлга киритиб олишларидан иборат бўлган «адолатсизликни»*гина*» йўқ қилади (ТАТ, 33-том, 108-бет).

Бизнинг мамлакатимизда Совет ҳокимияти ўрнатилгандан кейин кўп вақт ўтмай ишлаб чиқариш воситаларининг хусусий мулклиги тугатилиши билан социал адолатни барқарор этиш сари биринчи қадам қўйилдики, ўша пайтда ҳар бир киши, В. И. Ленин уқтирганидек, *«ўзига ишлаши учун* имконият»га эга бўлди (ТАТ, 35-том, 216-бет).

Социалистик тузум мустаҳкамлана борган, унинг иқтисодий қудрати ўсган, омманинг социал ва сиёсий активлиги оша борган сари социализмда ижтимоий муносабатлар принципи бўлмиш социал адолатни турмушга тўла-тўкис ошириш учун объектив ва субъектив шарт-шароитлар вужудга кела боради. Унда жамиятимизнинг барча гражданлар тенглигини барқарор этувчи маънавий-ҳуқуқий ва социал-сиёсий

нормалари жамлангандир. Социал адолат принципи социал сиёсатнинг ҳамма жиҳатларига сингиб кетган. У энг аввало чуқур социал туб ўзгартишларда, меҳнат аҳлининг моддий эҳтиёжлари ҳақида ҳам, маънавий камол топиши ҳақида ҳам тобора кўп ғамхўрлик кўрсатишда намоён бўлади, кундалик ишларимиз руҳига сингиб кетади, ҳар бир киши ниятларининг софлиги ва ишларининг самимийлиги текшириладиган талаб ўлчовига айланади.

Социал адолат ижтимоий муносабат бўлиб, кишилар социал тенглигининг юксак даражаси билан, жумладан ҳуқуқлар ва бурчларнинг реал тенглиги, ҳамманинг қонун олдидаги тенглиги билан характерланади. Социал адолатни баъзан социалистик адолат деб аташадики, бу мазмун жиҳатдан мутлақо тўғридир. Чунки у социализмнинг «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган энг муҳим принципининг моҳиятини ўз ичига олади. Аммо ушбу принцип тўла-тўкис амал қилиши учун меҳнатга пухта ўйлаб ҳақ тўлаш, ҳар бир кишининг қўшадиган ҳиссасини аниқ ҳисобга олиш лозим.

Партия кишилар ҳаётининг яхшиланиши уларнинг меҳнат ва ижтимоий ҳиссасининг ўсиши билан чамбарчас боғлиқ бўлиши учун курашмоқда. Социал адолат турмушда гавдаланиши учун, деб қайд қилади пропагандист, меҳнатни ташкил этишни, нормалашни ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш, партия талаб қилаётганидек, ҳалол ва юксак малака билан бажарилган меҳнат муносиб тарзда ҳақ олишига эришиш, ҳамма-ҳамма ерда текинчилик олдига икки қатор тўсиқ қўйиш лозим. М. С. Горбачев КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида ана шу муносабат билан катъий қилиб бундай деди: «Бу хусусда мутлақо аниқ қилиб шундай дейиш лозим: яхши ходим билан ношуд ходим меҳнатига бир хилда ҳақ тўланса — принципларимизни қўпол равишда бузиш бўлади. Бинобарин, энг аввало бу — янги ижтимоий тузумга хос социал адолатнинг моҳиятини белгиловчи социализмнинг: «Ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша» деган асосий принципни йўл қўйиб бўлмайдиган даражада бузиш бўлади». КПСС МК 1987 йил январь Пленумининг ҳужжатларида ҳам текинчиликни қатъиян таг-томири билан йўқотиш зарурлиги уқтирилди.

Шу ўринда пропагандист эслатиб ўтиши керакки, социал адолат фақат моддий соҳанигина эмас, бошқа соҳаларни ҳам ўз ичига олади.

Бу масала кўриб чиқилаётганда шуни уқтириш лозимки, «социал адолат» ва «тенглик» тушунчаларини айнан бир нарса деб кўрсатиш ярамайди. Улар ўртасидаги нисбат тарихий характерга эга. В. И. Ленин социализмда «адолатсизликни, яъни истеъмол буюмларини (эҳтиёжга қараб эмас, балки) «ишга қараб» тақсим қилишдан иборат бўлган адолатсизликни бирданига» йўқ қилиб бўлмайди (ТАТ, 33-том, 108-бет) деб кўрсатган эди. Шу боисдан ишлаб чиқарувчи кучлар ривожининг ҳозирги босқичида жамиятда неъматларни меҳнатнинг миқдори ва сифатига қараб тақсимлашни кишилар адолатли иш деб тушунадилар. Мабодо ана шу принципдан четлашиладиган бўлса, бу ҳол ҳамма томонидан адолатсизлик деб топилади. Бу ўринда социал адолат билан кишиларнинг социал тенглиги бир-бирига мос келишига коммунистик жамиятнинг юқори фазасида эришилиши ҳақидаги фикрни таъкидламоқ лозим.

Социал адолат тантана қилиши учун, деб таъкидлайди пропагандист, ҳар қандай антисоциал ҳолатларга — ичкиликбозлик, текинхўрлик, безорилик, хусусий мулкчилик психологияси, таъмагирлик, халқ ҳисобидан бойиб олиш, меҳнатсиз даромадлар эвазига тўқ яшаш ҳолатларига барҳам бермоқ лозим. Бу ўринда яқин ўтмишда социал адолат принципларини бузувчиларга қарши кураш сусайиб кетганлигини кўрсатиб ўтиш керак. Социалистик давлатнинг, бутун жамиятнинг меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан контрол қилиб туриши сусайиши айрим шахсларга бебилиски топилган пул ҳисобига бадавлат яшаш имконини беради, уларга меҳнатсиз даромадлар олиш учун қулай шароит яратади. Бундай салбий ҳолатлар айрим хўжалик ходимлари, умумий овқатланиш, савдо, медицина ва ўқув юртлари ходимлари фаолиятида кенг ёйилди. Бундай кишилар бизнинг ахлоқимизга, кўпинча эса қонунимизга зид иш тутадилар, жамиятга фақат моддий эмас, балки маънавий ҳам зарар келтирадилар, совет кишиларининг энг беқарор қисмини, айниқса ёшларни бузадилар.

Ана шу ярамас ҳоллар ҳақида КПСС XXVII съездида, унинг Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленумида очиқ-ошкора гапирилди. «Салбий жараёнлар социал соҳага жиддий таъсир ўтказди, — деб қайд қилди М. С. Горбачев Пленумдаги докладида. — Қонунларга нисбатан менсимай муносабатда бўлиш, кўзбўямачилик ва порахўрлик, лаганбардорлик ва сафсатабозликни рағбатлантириш фактлари жамиятдаги маънавий муҳитга жуда ёмон таъсир ўтказди. Одамлар ҳақида, уларнинг турмуш ва меҳнат шароитлари, социал кайфияти тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилиш ўрнига кўпинча сиёсий тилёғламалик қилинди — орден ва медаллар, мукофотлар, унвонлар оммавий равишда тарқатила берди. Ҳамма нарса кечириладиган вазият вужудга келди, талабчанлик, интизом, жавобгарлик пасайиб кетди».

Партия ва Совет давлати КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошира бориб ва совет халқининг кенг мададига таяниб, социалистик мулкни талон-торож қилувчиларга, порахўрларга, текинхўрларга, олибсотарларга, хусусий мулкчилик психологиясига берилган ҳамма кишиларга қарши ҳужумни бошлаб юборди.

1986 йил 28 майда матбуотда КПСС МҚнинг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори, СССР Министрлар Советининг худди шу номдаги қарори ва СССР Олий Совети Президиумининг «Меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилиндики, булар социалистик мулкни ўғирлаш, олибсотарлик, порахўрлик, қўшиб ёзишлар, тамагирлик, ғаразли мақсадларни кўзлаб хизмат мавқеидан фойдаланиш ва ғайриқонуний бошқа хил ишлар билан шуғулланувчи кишиларга қарши қаратилгандир. Партия ва давлатнинг ана шу директив ҳужжатлари янада кучайтирилиб, 1986 йил 30 ноябрда матбуотда КПСС МҚнинг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини қўриқлашни кучайтириш тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Партия Марказий Комитетининг ҳужжатида қайд этилдики, КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ мамлакатда қўшиб ёзишларни, кўзбўямачиликни йўқотишга, ичкиликбозлик ва алкоголизмни бартараф этишга, меҳнатсиз даромадлар олишга қарши курашни кучайтиришга қаратилган қонун, ташкилий ва тарбиявий характердаги тадбирлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашни таъминлашга қаратилган иш эса ҳали етарлича самарали эмас ва замоннинг, коммунистик қурилиш ҳозирги босқичининг талабларига ҳали тўла-тўкис жавоб бермаётир. Қарорда социалистик қонунчиликни ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўриқлашни кучайтириш тадбирлари аниқ белгилаб берилди.

Меҳнатсиз даромадларни қатъият билан тубдан йўқотиш чора-тадбирлари, деб қайд этади пропагандист, жамиятда мамнуният билан кутиб олинди. Текинхўрларча яшайдиган кишиларга қарши кураш ишида меҳнат коллективлари ҳақидаги қонундан кенгроқ фойдаланмоқ лозим. Бебилиски топилган даромад билан яшайдиган шахслар теварагида умумий қоралаш ва тоқат қилмаслик муҳити яратилиши керак, токи улар ўз ғайриқонуний қилмишлари учун муқаррар жазо олишларини билсинлар.

Партия, совет органлари, кенг жамоатчилик ғайриқонуний ишлар билан меҳнатсиз даромад олаётган кишиларга қарши кураш олиб бораётганлиги муносабати билан пропагандист шуни тушунтириши кераkки, бу ишлар ўз иш ҳақига қўшимча равишда қонуний асосда даромадлар олиш ниятида индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган ҳалол совет меҳнаткашларига тааллуқли эмас. Шу муносабат билан КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида тўғридан-тўғри уктириладики, «меҳнатсиз топилган даромадларга чек қўйиб, ҳалол меҳнати билан қўшимча иш ҳақи оладиган кишиларни шубҳа остига қўйишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундан ташқари, давлат аҳолининг талаб-эҳтиёжларини қондиришнинг ва унга хизмат кўрсатишнинг турли формаларини ривожлантиришга кўмаклашаверади. Индивидуал меҳнат фаолиятини тартибга солиш ҳақидаги таклифларни диққат билан кўриб чиқиш керак». КПСС МҚ 1987 йил январь Пленуми ҳам партия ва совет органларининг эътиборини ана шунга қаратди.

КПСС XXVII съездининг йўл-йўриқларига мувофиқ ССР Иттифоқи Олий Советининг олтинчи сессияси индивидуал меҳнат фаолияти тўғрисида СССР Қонунини қабул қилди. СССР Конституциясига ва ушбу Қонунга мувофиқ кустар-ҳунармандчилик ишлари соҳасида, аҳолига маиший хизмат кўрсатишда, шунингдек фаолиятнинг бошқа турларида индивидуал фаолиятга йўл қўйилади, «бундай фаолиятлар фақат гражданларнинг ва улар оилалари аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган бўлиши керак». Индивидуал меҳнат фаолияти, деб хулоса қилади пропагандист, бу иш билан шуғулланаётган гражданларга ҳам, бутун жамиятга ҳам фойдалидир. Индивидуал меҳнат фаолияти тўғрисидаги СССР Қонуни шу йилнинг 1 майидан кучга киради.

Ичкиликбозлик ва алкоголизм катта иллат, социал адолатни тўла-тўкис амалга ошириш йўлидаги тўсиқ бўлиб, буларни йўқотиш илгаригидек энг зарур вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Пропагандист теманинг ушбу масаласини кўриб чиқишни тугаллар экан, қайд этадики, партиянинг совет жамияти социал соҳасини тубдан ўзгартишга қаратилган йўлини амалга оширишда сезиларли силжишлар бўлишига қарамай, ҳали жуда кўп иш қилишга тўғри келади. М. С. Горбачев КПСС МҚнинг 1987 йил январь Пленумидаги докладида кўрсатиб ўтганидек, «умуман, биз социал соҳани ривожлантиришда туб ўзгаришларга эриша олмадик ва талай даражада эскича ёндашувлар асири бўлиб қолмоқдамиз».

Пропагандист ўз корхонаси, муассасаси, ташкилоти материалларига асосланиб коллективда социал адолат юксак принципларини турмушга изчил равишда ошириш

учун кураш кандай олиб борилаётганлигини, ичкиликбозлар, алкоголикларга, бошкалар хисобидан яшаш ишкибозларига хамда бизнинг ахлокимиз ва совет конунларимизни бузувчиларга карши кандай чоралар кўрилаётганлигини кўрсатиб бериши керак. Контрол килиш билан кучайтириладиган адолат, танкид ва ўз-ўзини танкид, — деб хулоса килади пропагандист, — бу хозирги кунда бизнинг маънавий мухитимизни соғломлаштириш учун, жамиятни янгилаш учун курашнинг асосий воситаларидан биридир.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ СОЦИАЛ-СИНФИЙ ВА МИЛЛИЙ МУНОСАБАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пропагандист теманинг ушбу масаласини кўриб чикишга ўтар экан, социал-синфий ва миллий муносабатларни такомиллаштириш КПССнинг актив, яхлит социал сиёсатининг энг мухим таркибий кисмларидан биридир, деб кайд килади. Партия синфий тафовутларни бартараф этиш, шахар билан кишлок, аклий мехнат билан жисмоний мехнат ўртасидаги мухим тафовутларни йўкотиш, миллий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан олиб бораётган иш социал адолат принципини рўёбга чикаришда катта ахамиятга молик.

Пропагандист тема масаласининг социал-синфий муносабатларни такомиллаштиришга бағишланган биринчи кисмини кўриб чикишга киришар экан, кайд этадики, хозирги шароитда синфий тафовутларнинг йўколиши, синфлар ва социал группаларнинг якинлашуви, жамиятнинг социал-синфий бир хиллигининг ташкил топиши жараёни кучаймокда, партиянинг улкан программ максади бўлмиш синфсиз жамиятнинг белгилари яккол кўрина бошлади.

Ишчилар синфи жамиятнинг етакчи кучи ва социал-синфий бир хилликка хамда социал тенгликка эришишнинг оммавий гарантидир. «Совет жамиятида ишчилар синфи, — деб кайд этилади КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, — авангард ўринга эга. Ишчилар синфи социалистик ишлаб чикариш системасидаги ўз мавкеи, сиёсий тажрибаси, юксак онглилиги ва уюшкоклиги, мехнат ва сиёсий активлиги туфайли жамиятимизни жипслаштиради, социализмни такомиллаштиришда, коммунистик курилишда етакчи роль ўйнайди».

СССРда 1970 йилдан 1985 йилгача ишчиларнинг ўртача йиллик сони 65 миллиондан 81 миллионга етди. Республикамизда саноат курилиши кенг кўламда авж олиши муносабати билан бунда ишчилар синфининг ўсиш суръатлари умумиттифок кўрсаткичларидан анча юкоридир. 1970 йилдан 1985 йилгача бутун мамлакатда ишчилар синфининг сони тахминан 25 процент ўсган бўлса, Ўзбекистонда 80 процент ўсди ва хозир 3,2 миллион кишидан кўпрокдир.

Совет жамиятида ишчилар синфининг етакчилик ролини мустахкамлаш унинг ғоявий-сиёсий етуклиги, маълумоти ва касб малакаси ўсиши билан шубхасиз боғлик бўлиб, бу КПСС XXVII съездида яна бир бор каттик таъкидланди.

1970 йилда мамлакатда хар 1000 ишчига 590 та олий ва ўрта (тўлик ва тўликсиз) маълумотли киши тўғри келган бўлса, 1984 йилда 825 та шундай киши тўғри келди. Маълумот даражасининг ўсиши билан бир каторда ишчилар синфи асосий оммасининг малакаси хам оғишмай ошиб бормокдаки, бу фан-техника революцияси шароитида ғоят зарурдир.

Республика ишчилар синфининг сонини оширишда хамда республика иктисодий ва ижтимоий-сиёсий хаётида унинг етакчилик ролини кучайтиришда мамлакатнинг шубхасиз ютукларини кайд этиб, пропагандист хали бу сохада анча-мунча хал этилмаган проблемалар сакланиб колганлигини уктиради. Ханузгача айрим тармокларда кўл мехнатининг салмоғи катта. Чунончи, Ўзбекистон саноатида унинг улуши 50,8 процентдир. Айрим республикаларда ишчилар синфи сафларининг умуман тез ўсиб бораётганлиги билан бирга унинг миллий кадрлари анча суст ўсмокда. РСФСР хамда мамлакатнинг саноат жихатдан ривожланган бошка республикалари Ўзбекистонга ва Ўрта Осиёнинг бошка республикаларига ишчилар синфининг миллий кадрларини тайёрлашда катта ёрдам кўрсатмокдалар.

Хозирги шароитда СССРда зиёлилар жадал ўсиб бормокда ва уларнинг ижтимоий хаёт ва ишлаб чикаришдаги роли ошмокда. Олий ва ўрта таълимнинг ўсиши, фан-техника революциясининг кенг авж олиши натижасида асосан аклий мехнат билан шуғулланувчи ходимларнинг умумий сони мамлакатда 1939 йилдаги 13 миллиондан 1985 йилда 43 миллионга, Ўзбекистонда эса — 54,6 мингдан 1 миллион 318 мингга етди.

Ишчилар синфи билан зиёлиларнинг муттасил ўсиши совет жамияти социал структурасининг ривожланган социализмнинг етук даражасига мослигининг мухим кўрсаткичидир.

КПСС аграр ва социал сиёсатини изчил амалга ошириш натижасида хозирги боскичда ахолининг мехнат ва турмуш шароити жихатдан шахар билан кишлокнинг бир-бирига муттасил якинлашуви содир бўлмокда.

В. И. Ленин «қишлоқнинг хўжалик жиҳатдан ва маданий жиҳатдан қолоқлигининг энг чуқур асосларидан бири бўлган» шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршиликни йўқотишни «коммунистик қурилишнинг асосий вазифаларидан бири» (ТАТ, 38-том, 146—147-бетлар), деб ҳисоблар эди. СССРда шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги қарама-қаршилик социализм қуриш жараёнида тугатилди, шу билан бирга ҳали шаҳар билан қишлоқ ўртасида жиддий тафовутлар сақланиб қолмоқдаки, лекин улар антагонистик характерга эга эмас.

Ҳозирги шароитда КПСС, республикаларнинг партия ташкилотлари шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий тафовутларни бартараф этиш юзасидан аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Қишлоқда давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг, биринчи навбатда совхозларнинг салмоғи муттасил ошмоқда ва, табиийки, колхозлар салмоғи камаймоқда. Айниқса янги ерларни кенг кўламда ўзлаштириш муносабати билан ушбу жараён Ўзбекистонда ҳам жадал кечмоқда. Республикада 1970 йилдан 1985 йилгача колхозлар сони 1038 дан 856 тагача камайди, айни чоқда совхозлар сони 361 дан 1097 гача, ёки 3 баравардан зиёд кўпайди. Бунинг натижасида қишлоқ аҳолиси составида ишчилар синфи аграр отрядининг жадал ўсиши жараёни бормоқда. Ўзбекистонда 1970 йилдан 1985 йилгача совхозлар ходимлари сони 392,2 мингдан 958,6 мингга кўпайди. Айни чоқда эса колхозчилар сони деярли ўн минг кишига қисқарди. КПСС агросаноат интеграциясини, хўжаликлараро ва колхоз-совхоз бирлашмаларини ривожлантиришни истиқболда давлат ва колхоз-кооператив мулкининг қўшилиб кетиши деб билади. Улар колхозларни ҳам, совхозларни ҳам ўз ичига олади, қишлоқ хўжалик маҳсулотини қайта ишлаш бўйича давлат корхоналари билан ҳам қўшилишади. Агросаноат комплекси ташкил топди. Хўжаликлараро кооперация ва агросаноат интеграцияси негизида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг концентрациялашуви ва ихтисослашуви қишлоқни фақат иқтисодий жиҳатдан эмас, балки социал жиҳатдан ҳам ривожлантиришнинг кенг йўлларидан биридир.

Экономика аграр секторини техника билан кўпроқ қуроллантира бориш натижасида қишлоқ хўжалик меҳнатининг энергия билан қуролланиш даражаси орта боради. Чунончи, Ўзбекистонда у бир ходим ҳисобига 1970 йилдаги 7,8 от кучидан 1985 йилда 13,2 от кучига, ҳар 100 гектар экин майдони ҳисобидан эса 318 дан 702 от кучига етди.

Ҳозирги шароитда қишлоқ хўжалигида ишларни янада механизациялаш борасида олға томон одим ташланди. Масалан, Ўзбекистонда ҳозир ушбу тармоқда ишларнинг қарийб ярми механизациялашган. Афсуски, ҳали ҳам қишлоқда қўл меҳнатининг, малакасиз меҳнат қилувчи ходимларнинг салмоғи катта.

Шуни қайд қилиш керакки, ҳозирги босқичда аҳолининг синфлар ва социал группалари маълумоти даражасидаги жиддий тафовутни жадал бартараф этиш жараёни кечмоқдаки, буни Ўзбекистон мисолида яхши кўриш мумкин. Чунончи, 1959 йилда республикада ҳар 1000 кишига олий ва ўрта (тўлиқ ва тўлиқсиз) маълумотли 389 ишчи тўғри келган бўлса, 1979 йилда 817 та шундай ишчи, хизматчилар тегишли тартибда — 913 ва 984 та, колхозчилар — 352 ва 778 та, шаҳар аҳолиси 192 ва 873 та, қишлоқ аҳолиси — 27 ва 829 та тўғри келди; асосан жисмоний меҳнат билан банд бўлган ходимлардан 362 ва 804 та, ақлий меҳнат ходимларидан — 896 ва 984 та тўғри келди.

Қишлоқ ва шаҳар аҳолисининг турмуш даражасини бир-бирига яқинлаштириш каби муҳим социал вазифани ҳал этишда олға томон катта одим ташланди. В. И. Ленин Совет ҳокимияти тонгидаёқ «аҳолининг ғоят кўпчилиги бўлган деҳқонлар аҳолисининг турмушини қуриш масаласи — биз учун энг асосий масаладир» деб кўрсатган эди (ТАТ, 45-том, 283-бет).

Партиянинг мамлакат, шу жумладан Ўзбекистон ишчилари, хизматчилари ва колхозчиларининг даромадлари даражасини бараварлаштириш борасидаги сиёсати изчил амалга оширилмоқда. 1965 йилдан 1985 йилгача республикада колхозчилар меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ 70,4 сўмдан 134 сўмга етди, яъни 1,8 баравар ошди, ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 1970 йилдан 1985 йилгача 114,8 сўмдан 163 сўмга етди ёки 1,4 баравар кўпайди. Бунинг натижасида колхозчилар билан ишчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ даражаси анча яқинлашди. 1960 йилда республикада колхозчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ индустрия ишчилари иш ҳақи даражасининг 42,3 процентини ташкил этган бўлса, ҳозир — қарийб 80 процентини ташкил этади. Ҳозирги беш йилликда ҳам колхозчилар даромадларини анча жадалроқ ўстириш тенденцияси сақланмоқда.

Қишлоқ аҳолиси турмуш маданиятини ошириш, унинг турмуш шароитини шаҳарликларга максимал даражада яқинлаштириш партия илгари сурган ва изчил амалга ошираётган муҳим социал вазифадир. Ҳозир ўрта ҳисобда республиканинг ҳар бир қишлоқ аҳолисига 11,1 квадрат метр уй-жой, яъни шаҳар аҳолисига қанча тўғри келса, худди шунча тўғри келмоқда.

Республика қишлоқда уй-жой қурилиши борасида муайян ютуқларга эришганлиги-

га қарамай, у аҳолининг ўсиш суръатларидан анча орқада қолмоқда ва унинг ўсиб кетган эхтиёжларига жавоб бермаётир. Ўзбекистон Компартияси XXI съезди ҳақли равишда уй-жой проблемасини энг кескин проблемалардан бири деб таърифлади. Ҳали ҳам анча-мунча аҳоли қулайлиги ва инженерлик иншоотлари билан таъминланиш даражаси паст бўлган пахса уйларда яшайди.

Аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш КПССнинг қишлоқ ва шаҳар аҳолиси турмуш шароитини яхшилаш борасидаги фаолиятида муҳим йўналишдир. Ўзбекистонда қишлоқ жойларда чакана товар обороти ҳажми 1970 йилдаги 1873,2 миллион сўмдан 1985 йилда 4803,9 миллион сўмга етди, яъни 2,5 баравардан зиёд кўпайди, аҳолига маиший хизматларни реализация қилиш ҳажми 36,6 миллион сўмдан 201,1 миллион сўмга етди ёки 5,5 баравар кўпайди. Аммо республика қишлоқ аҳолисига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш ҳали ҳажм жиҳатдан ҳам, структура жиҳатдан ҳам шаҳарникидан анча орқада қолмоқда. Чунончи, аҳоли жон бошига ҳақ тўланадиган хизматлар бўйича республика, Ўзбекистон Компартияси XXI съездида қайд қилиб ўтилганидек, Иттифоқда охиридан иккинчи ўринда турибди.

Ана шу ва бошқа кўп қийинчиликлар ва камчиликларга қарамай, айтиш мумкинки, ҳозирги шароитда совет жамиятининг социал-синфий бир хиллигини барқарор этиш томон йирик одим ташланди. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида бундай деб кўрсатилган: «Партиянинг аграр сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш жараёнида қишлоқ хўжалик меҳнати индустриал меҳнат турларидан бирига айланиб, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим социал, маданий-маиший тафовутлар йўқолиб боради; деҳқонларнинг турмуш тарзи ва меҳнат характери ишчилар синфининг турмуш тарзи ва меҳнат характерига тобора кўпроқ ўхшаб боради».

Пропагандист кейинги йилларда партия раҳбарлигида қишлоқдаги турмуш ва меҳнат шароитини шаҳарникига яқинлаштириш борасида эришилган катта муваффақиятларни қайд этиб, тингловчилар эътиборини шунга қаратадики, бу соҳада ҳали кўп ишлар қилиш лозим бўлади. Бу ҳақда КПСС XXVII съездида принципиал тарзда сўз борди. Съезд қарорларида қишлоқни планли асосда янада социал ривожлантиришнинг йўллари ва воситалари белгилаб берилди.

Ҳозирги шароитда жамиятнинг социал-синфий бир хиллигини барқарор этишда, социализмни такомиллаштириш вазифаларини амалда ҳал қилишда социалистик жамиятнинг, бутун хўжалик, сиёсий ва социал организмнинг асосий ячейкаси бўлмиш меҳнат коллективларининг роли беқиёс даражада ошиб боради. Бироқ ҳали кўпгина меҳнат коллективлари ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқ ва имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланаётганлари йўқ. Партия ташкилотлари уларнинг салбий ҳодисаларга қарши курашини активлаштириш, содир бўлаётган қайта қуришда, социал-иқтисодий жадаллаштириш вазифаларини ҳал этишда меҳнат коллективларининг ролини ошириш борасида аниқ мақсадни кўзлаб иш олиб бормоқдалар. Бу ишда таянч бўлувчи йўл-йўриқлар КПСС XXVII съездининг ва Марказий Комитет 1987 йил январь Пленумининг ҳужжатларида берилган.

Социализмни, совет жамияти ҳаётининг барча соҳаларини, шу жумладан совет жамиятининг социал-синфий бир хиллигини шакллантириш соҳасида планли тарзда ва ҳар тарафлама такомиллаштиришнинг улуғвор истиқболлари КПСС XXVII съездининг ҳужжатларида белгилаб берилган.

Съезд қабул қилган янги таҳрирдаги партия Программасида кўрсатиладики, социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш негизида совет жамияти янги марраларга чиқиб олиши лозим бўлади. Бунинг маъноси **социал соҳада** — «...жамиятнинг асосан синфсиз структурасини яратиш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги муҳим социал-иқтисодий ва маданий-маиший тафовутларни тугатиш; ишлаб чиқариш фаолиятида жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнатнинг тобора кўпроқ узвий тарзда қўшилиб кетишини таъминлаш; социал ва интернационал бирлик бўлган совет халқини янада жипслаштириш»дир. Съезд ҳужжатларида ана шу мақсадларга эришиш йўллари ва воситалари белгиланган.

КПСС XXVII съезди йўл-йўриқларини амалга ошириш ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва зиёлиларни янада яқинлаштиришга, мамлакатнинг социал-сиёсий жиҳатдан бир хил жамиятни шакллантириш йўлидан тағин ҳам олға томон боришига кўмаклашади.

Пропагандист тема масаласининг иккинчи қисмини кўриб чиқишга ўтар экан, қайд қиладики, КПСС XXVII съезди янги жамиятни яратиш борасида СССРнинг, бошқа социалистик мамлакатларнинг тажрибасини якунлаб, янги таҳрирдаги партия Программасида, социализм — бу «миллий нотенглик бартараф этилган, барча миллат ва элатларнинг юридик ва фактик тенглиги, дўстлиги ва қардошлиги барқарор қилинган» жамиятдир, деб ёзиб қўйилган.

Совет республикаларининг иқтисодий, социал ва маданий тараққиёти даражасини тенглаштириш вазифаси асосан ҳал этилган социалистик ва коммунистик қурилишнинг

ҳозирги босқичида миллий муносабатлар янада ривож топмоқда ва такомиллашмоқда. Миллий масалада диалектик жиҳатдан ўзаро боғлиқ икки тенденция кенг кўламда амал қилмоқда. Бир томондан, ҳар бир социалистик миллат гуркираб ва ҳар тарафлама ривожланмоқда, иккинчи томондан, ижтимоий ҳаётнинг социалистик интеграцияси натижасида интернационализм байроғи остида миллатларнинг тобора кўпроқ яқинлашуви жараёни кечмоқда. Миллатларнинг тобора кўпроқ яқинлашуви жараёни етакчи тенденциядир.

Мамлакат республикаларининг иқтисодий алоқалари ҳар қачонгидан ҳам кучаймоқдаки, улар тенглик ва қардошларча ҳамкорлик юксак принципларига асослангандир. Узоқ вақт давомида экономикаси ягона халқ хўжалик комплекси бўлиб ташкил топган СССРда социалистик меҳнат тақсимотининг ривожланган системаси вужудга келди.

Юқорида айтиб ўтилган қоидаларни Ўзбекистон ССР мисолида яққол кўрсатиш мумкин. Умумиттифоқ меҳнат тақсимоти бўйича республикамиз мамлакатнинг асосий пахта базаси, пахта териш, кўрак тозалаш машиналари, тракторга тиркаладиган пахта сеялкалари, пахта тозалаш асбоб-ускуналари ва уларнинг запас қисмлари, хом ип тайёрлаш машиналари, дуккакли экинлар, пилла, қоракўл тери етиштирадиган асосий республикадир. У газ, йигириш машиналари, кўприкли электр кранлари, ипак газламалар, ўсимлик мойи, шоли, сабзавот ва бошқаларни етиштириш бўйича олдинги ўринлардан бирини ишғол қилади. Шу билан бир вақтда республикада ишлаб чиқарилган ҳар бир маҳсулот бутун мамлакат халқлари меҳнатини ўзида гавдалантиради. Бутун Иттифоқ микёсида ишлаб чиқаришни кооперативлаштириш кучайиб бораётганлиги натижасида ҳар бир корхона мамлакатнинг бошқа районларида ишлаётган ўнлаб ва юзлаб корхоналар билан боғлангандир. Қардош республикалардан Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотлари, қора ва рангли металлар прокати, электр асбоб-ускуналари ва металл қирқувчи станоклар, автомобиль ва транспортлар, қурилиш ва йўл машиналари, ёғоч-тахта ва саноат моллари келиб туради.

Социализмни такомиллаштириш шароитида тенглик, қардошларча ҳамкорлик ва ихтиёрийлик негизида мамлакат миллатлари ва элатларининг яқинлашуви фақат иқтисодий соҳадагина эмас, балки маънавий ҳаётда ҳам содир бўлмоқда. Миллий маданиятларнинг бир-бирини бойитиши жараёни универсал характер касб этмоқда. Ҳар бир миллий маданиятнинг ютуқлари КПССнинг илмий жиҳатдан асосланган сиёсати ва унинг изчил амалга ошириб борилиши туфайли мамлакатимиз барча халқлари маънавий ҳаётининг бойлигига айланмоқда. Социализмни такомиллаштириш шароитида интенсив тарзда кечаётган миллат ва элатларнинг маънавий маданият соҳасидаги яқинлашуви ягона совет халқининг маданиятини шакллантиришга олиб келади.

КПССнинг улкан ғалабаси шундан иборатки, оммани изчил равишда интернационал тарбиялаш, буюк давлатчилик шовинизми ва буржуа миллатчилиги, феодал-клерикал идеология сарқитларига қарши муваффақиятли кураш натижасида интернационализм коммунистлар идеалидан мамлакатимиз барча миллат ва элатларига мансуб миллионлаб совет кишиларининг чуқур эътиқодига ва хулқ-атвор нормасига айланди. Совет халқининг интернационализми — социалистик турмуш тарзининг улкан ғалабасидир.

Ҳозирги шароитда СССР миллатлари ва элатларининг ривожланиши ва яқинлашувидаги тарихий зафарлар миллий муносабатлар соҳасидаги барча масалалар ҳал қилиб бўлинди, деб айтиш учун ҳали асло асос бўла олмайди. Ҳозирги босқичда миллий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш соҳасидаги вазифалар КПСС МҚнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида, янги таҳрирдаги КПСС программасида, съезднинг бошқа материалларида, М. С. Горбачевнинг МҚ 1987 йил январь Пленумидаги докладида белгилаб берилди ва илмий жиҳатдан асосланди.

Маълумки, социализмни такомиллаштириш борасидаги партиянинг асосий вазифалари иқтисодий соҳага тааллуқлидир. Бу соҳадаги муҳим проблемаларни муваффақиятли ҳал этиш кўп жиҳатдан республикаларнинг умумиттифоқ экономикасига қўшадиган ҳиссасини кўпайтиришга боғлиқ бўлиб, бу бутун мамлакатнинг ҳам, ҳар бир айрим республиканинг ҳам манфаатларига хизмат қилади. Социалистик интернационализмнинг моҳияти, мамлакат халқлари бузилмас дўстлигини янада мустаҳкамлашнинг негизи ана шундан иборат.

Ўрта Осиёдаги, Кавказнинг бир қанча районларидаги ортиқча иш кучини мамлакат янги территорияларини ўзлаштиришга фаол тарзда жалб этиш муҳим социал-иқтисодий вазифа бўлиб, бу вазифа совет республикаларининг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексига қўшадиган ҳиссасини кўпайтириш билан боғлиқдир. Демографик жараёнлар кўпроқ интенсив тарзда ривожланаётган ҳамда айниқса қишлоқда ортиқча меҳнат ресурслари мавжуд бўлган республикаларда туб ерли миллатларга мансуб малакали ишчиларни кенг кўламда тайёрлаш ҳозирги босқичда КПСС миллий сиёсатининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Интеграция жараёнлари жадал ривожланиши натижасида республикалар аҳолисининг составы тобора кўп миллатли бўлиб бормоқда. Шу муносабат билан партия

республикаларда яшаётган барча миллатларнинг партия ва давлат органларида тегишли микдорда вакиллари бўлишини сўзсиз таъминлаш, уларнинг тил, маданият ва турмуш соҳасидаги ўзига ҳос талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олиш зарурлигини уктирмокда.

Партия ўз миллий сиёсати соҳасида белгилаган ва амалга ошираётган кўп вазифалар орасида меҳнаткашларни пролетар, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш масалалари алоҳида муҳим ўринни эгаллайди.

Партия оммани интернационал тарбиялашни миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг марказий вазифаларидан бири, уларни муваффақиятли ҳал этишнинг асосий шарти деб билади.

«Биз XXVII съездда, — деди М. С. Горбачев КПСС МК 1987 йил январь Пленумидаги докладида, — партиямизнинг В. И. Ленин бошлаб берган анъанаси: миллий муносабатларнинг ривожланишига тааллуқли бўлган, ҳар бир миллат ва элатнинг манфаатларига, одамларнинг миллий туйғуларига дахл қиладиган ҳамма ишда алоҳида сезгирлик ва эҳтиёткорлик кўрсатиш, бу соҳада вужудга келган масалаларни ўз вақтида ҳал этиш анъанаси мустаҳкамлигини таъкидлаб ўтдик.

Миллий маҳдудлик ва гердайиш, миллатчилик ва шовинизм, маҳаллийчилик, сионизм ва антисемитизм қандай шаклларда намоён бўлмасин, уларнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш большевизм анъаналарига хосдир. Миллатчилик ва пролетар интернационализми бир-бирига зид икки сиёсат, бир-бирига зид икки дунёқараш эканини биз доимо ёдда тутишимиз керак».

Пропагандист темани кўриб чиқиш ниҳоясида қайд этадики, партиянинг социал-сиёсати шахснинг камол топиши учун социал майдонни кенгайтиришга, жамият олға томон ўз ҳаракатини жадаллаштириши учун янада катта куч олиб туришига қаратилгандир. Совет жамияти синфлари ва социал табақаларининг, мамлакат барча миллатлари ва элатларининг яқинлашуви уларнинг кучлари шунчаки жамлашувига эмас, балки интеграциялашувига хизмат қиладиган социал механизмдир.

Тема ўрганилиб чиқилгандан кейин «КПСС XXVII съезди социал сиёсатнинг экономика самарадорлигини оширишга, ижтимоий ҳаётнинг барча жиҳатларига таъсирини кучайтириш тўғрисида» деган мавзуда семинар машғулоти ўтказиш тавсия этилади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

К. Маркс. **Гота программасини танқид.** — К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 19-том, 9 — 32-бетлар.

В. И. Ленин. **Давлат ва революция.** — ТАТ, 33-том, 97 — 119-бетлар.

В. И. Ленин. **Буюк почин.** — ТАТ, 39-том, 5—33-бетлар.

В. И. Ленин. **Ўз тақдирини ўзи белгилаш тўғрисидаги мунозаранинг якунлари.** — ТАТ, 30-том, 21—24-бетлар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 50—61, 120—122, 159, 170—178, 290—298, 349—355-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари, 1986 йил 16 июнь. — Т., «Ўзбекистон», 1986.

М. С. Горбачев. **Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида. КПСС МК Пленумида 1987 йил 27 январда қилинган доклад.** — Совет Ўзбекистони, 1987, 28 январь.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Коммунистик партияси XXI съездига ҳисоботи. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев доклади. — Ўзбекистон коммунисти, 1986, № 2, 27—31-бетлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг материаллари, 1986 йил 4 октябрь. — Ўзбекистон коммунисти, 1986, № 11.

Активная, целостная социальная политика КПСС— мощное средство ускорения развития страны. Методические советы. — Политическое самообразование, 1987, № 1.

В. Аболенцев, А. Пьянов. **Борьба с нетрудовыми доходами — дело всех и каждого.** — Политическое самообразование, 1986, № 8.

Ю. Броблей. **Совершенствование национальных отношений в СССР.** — Коммунист, 1986, № 8.

Г. А. Емельянцев. **Последовательное утверждение социальной справедливости и борьба с потребительством.** — Научный коммунизм, 1986, № 4.

ЖУРНАЛХОНЛАРНИНГ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ

Тошкентлик журналхон А. Мавлонхўжаев социалистик йўлни танлаган мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг тарқалиши тўғрисида гапириб беришимизни илтимос қилган.

ЯНГИ ҲАЁТ УЧУН МУВАФФАҚИЯТЛИ КУРАШ ЗАМИНИ

СОЦИАЛИСТИК ЙЎЛНИ танлаган мамлакатларда марксизм-ленинизмнинг тарқалиши ўша мамлакатлар социал-сиёсий ҳаётининг муҳим хусусиятидир. Оммани марксча-ленинча ғоялар билан таништириш давр талаби бўлиб, социалистик йўлни танлаш муваффақиятини таъминловчи заминдир. Бинобарин, бу йўлдан бораётган давлатлар конституцияларининг илмий социализмни ўзларининг расмий сиёсий идеологияси деб эълон қилишлари қонуний бир ҳолдир. Чунончи, Бенин конституциясида шундай дейилган: «Бенин Халқ Республикасининг йўли — социализмдир. Марксизм-ленинизм унинг фалсафий асоси бўлиб, у Бенин воқелигида таъсирчан, ижодий қўлланиши керак».

Социалистик йўлни танлаган мамлакатларнинг идора қилувчи революцион-демократик партиялари марксизм-ленинизмни тарғиб қилишда етакчи роль ўйнамоқдалар. Илмий социализм улар фаолиятининг назарий асоси деб эълон қилинган, уни ўрганиш эса бу партияларнинг Устав талабидир. Масалан, Яман социалистик партиясининг Уставида, партия аъзоси «илмий социализм назариясини ўрганиб ва пухта ўзлаштира бориб, ўз ғоявий-сиёсий савиясини ошириш устида кунт билан ишлаши» шарт дейилган.

Эфиопия Ишчи партиясининг Бош секретари, мамлакат Вақтли ҳарбий-маъмурий кенгашининг раиси М. Х. Мариам шундай деб таъкидлади: «Газеталар, журналлар орқали, шунингдек идеологик таълим олишлари учун кадрларни мамлакатнинг ўзидаги ва хориждаги сиёсий мактабларга юбориш, партиянинг янги аъзоларини тайёрлаш учун бошланғич партия ташкилотлари, мунозара анжуманлари ва тўгараклар, шунингдек давлат оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш йўли билан марксизм-ленинизм идеологиясини жамиятда тарқатишга қаратилган куч-ғайрат жамият маънавий ҳаётида жиддий ўзгаришларга олиб келди». Марксча-ленинча ғояларни пропаганда қилишдаги ютуқлар Эфиопия Ишчи партияси МҚнинг 1986 йил апрель ойида бўлиб ўтган пленумида ҳам қайд этилди.

Олий ўқув юртларида илмий социализмнинг мажбурий ўқув фани сифатида ўрганилиши ҳам диққатга сазовор фактдир. Студентлар ўқитувчилар раҳбарлигида совет мутахассисларининг ёрдамида тузиб чиқилган программалар асосида инсониятнинг коммунизмга ўтиши қонуниятларини, социалистик жамиятнинг асосий белгиларини ўрганадилар, ўзлаштирадилар. Ишчилар синфи идеологиясини эгаллаш олий ўқув юртларининг дарсхоналари билан чегараланиб қолмай, балки фабрика ва заводларга, деҳқон далаларига ва қурилиш майдонларига, мактабларга кириб боради, бу студентларга жойларда юз бераётган революцион янгиланиш нафасини ҳис этишга, пропагандистлик ишининг «алифбоси»ни ўрганишга ёрдам беради. Бундай ёндашиш, масалан, Аден (Яман Халқ Демократик Республикаси) ва Аддис-Абеба (Эфиопия) университетлари учун характерлидир.

Социалистик йўлни танлаган мамлакатларда марксизм-ленинизмни тарқатишда партия ва сиёсий мактаблар муҳим ўрин тутади. Уларда тингловчилар идеология ишининг методикасини, уни планлаштириш, ташкил этиш ва ўтказишни ўрганадилар. Бу ерда махсус фанлар билан бир қаторда марксизм-ленинизм асослари, умумий тарих, мамлакатдаги революцион ҳаракат тарихи, партия ва давлат қурилиши ҳам ўқитилади. Фақат кейинги бир неча ўн йиллар ичида Аденда илмий социализм олий мактаби, Аддис-Абебада февраль революцияси номидаги Сиёсий мактаб, Мапутуда (Мозамбик) Марказий партия мактаби, Луандада (Ангола) ва Браззавилда (Конго) партия мактаблари очилди. Уларни ўша мамлакатларнинг ҳар биридан неча минг киши битириб чиқди. Улар партия ва маъмурий аппаратда, меҳнаткашларнинг жамоат ташкилотларида, пропагандист ва агитаторлар бўлиб ишламоқдалар.

Социалистик йўлни танлаган мамлакатлар вакиллари шунингдек социализм мамлакатларининг партия ўқув юртларида ҳам таълим олмоқдалар. СССРда улар учун 1956 йилдаёқ олий ўқув юртлари қошида махсус факультетлар очилганди. Бу факультетлар уч йилга мўлжалланган ўқув планига эга бўлиб, тингловчилар состави ва уларни юборган партияларнинг истакларини ҳисобга олиб, мазкур программага

айрим ўзгаришлар киритилади. Совет партия мактабларининг фаолияти ниҳоятда юксак бўлиб, идора қилувчи революцион-демократик партияларнинг марказий органлари унга миннатдорчилик билан юқори баҳо бермоқдалар.

Социалистик йўлни танлаган мамлакатларда марксча-ленинча ғояларни тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг роли бебаҳодир. Масалан, «Савол ва жавоблар» деб аталган радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар оммабоп бўлиб, радиотингловчилар ҳамда телетомошабинларнинг илтимосига кўра уларда илмий коммунизмнинг у ёки бу қоидаси тушунтириб борилади, социализм мамлакатлари тўғрисида, ўз давлатларида юз бераётган прогрессив ўзгаришлар, халқаро аҳвол тўғрисида ҳикоя қилинади.

Радио, телевидение ва матбуот умумий тинчлик учун, империализмнинг агрессив кирдикорларига қарши курашга актив киришмоқда. Чунончи, Жазоирда ҳафтада чиқадиган «Революсьон Африкен» газетаси КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг ўша газета редактори саволларига берган жавобларини эълон қилди, уларда энг муҳим халқаро проблемаларга янгича ёндашиш ўз ифодасини топди, Совет-Жазоир муносабатларига баҳо берилди, Африка-Осиё қитъасидаги миллий-озодлик ҳаракатининг истиқболларига оид масалалар қараб чиқилди. Редакторнинг тасдиқлашича, газетанинг М. С. Горбачев жавоблари босилган сони мазкур газета чиқа бошлаганидан бери ўтган ўн йилдан ортиқ тарихи давомида энг машҳур сони бўлди.

Социалистик йўлни танлаган мамлакатларда Маркс, Энгельс, Ленин асарлари, КПСС ва бошқа коммунистик ҳамда ишчи партияларининг ҳужжатлари маҳаллий тилларда нашр этилиб турилмоқда. Масалан, Эфиопия Ишчи партиясининг таъсис съездига К. Маркс «Капитал»ининг I томи амхар тилида чоп этилди. В. И. Ленининг араб тилидаги асарларини Жанубий Ямандаги ҳар бир кутубхонадан олиш мумкин. «Принти Малагаси ваувау» нашриёти 1986 йилнинг майида КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладининг тўла текстини малагай тилида босиб чиқарди. Уни барча раҳбар ходимлар ва Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси активистларининг ўрганиши зарурлиги эътироф этилди.

Социалистик мамлакатлар адабиёти ҳам марксча-ленинча ғояларни пропаганда қилиш вазифасини ўтаяпти. Масалан, меҳнаткашлари яқинда контрреволюцияга қарши курашда халқ демократик тузумини сақлаб қолган Буркина Фасо пойтахтининг нақ марказида «Африка китоб магазини» жойлашган. Рус ва француз тилларидаги китоб маҳсулотлари — марксизм-ленинизм классикларининг асарлари, марксистик философия ва илмий социализм назария-сига оид китоблар, олий мактаблар учу дарсликлар, совет ҳарбий раҳбарларинин мемуарлари, совет ёзувчиларининг асарла-ри, санъатга оид китоблар, СССРдан кел-тирилган газета ва журналлар қўйилга стенд ҳамда пештахталар ўша магазиннинг ярмини эгаллайди.

Социалистик йўлни танлаган мамлака-ларда марксча-ленинча ғояларни тарқа-тиш — бу ўша ғояларни фақат ўрганиш, қабул қилишдангина иборат деб ўйлаш хат бўлур эди. Ахир, бу мамлакатларга капи-талистик давлатлар қуршовида яшашга жамиятнинг ҳали ривожланмаган структу-раси шароитида белгиланган йўлдан бориш-га тўғри келади, ҳолбуки у ерларда майда буржуача дунёқараш ҳали кучли бўлиб ижтимоий онгда мустамлака ўтмиш даҳшат-лари сақланиб қолгандир. Бу революцио-демократиядан социалистик концепциялар-ни дадил ҳимоя қилишни, умумий марксча-ленинча йўналишни сақлаб қолган ҳолда маҳаллий шароитларга мувофиқ равишда назарий проблемаларни ишлаб чиқишни талаб этади. Ангола халқининг буюк фар-занди А. Нето социализм тўғрисидаги турли ноилмий тасаввурларга қарши чиқиб шун-дай деган эди: «Фақат битта, илмий социа-лизм бор, у ер куррасининг анча қисмида реал нарса бўлиб қолди». Қонго меҳнат пар-тиясининг асосчи М. Нгуаби ишчилар син-фининг революцион идеологиясини фао-ва ижодий ўзлаштиришга чақириб, шунда деб таъкидлаган эди: «Марксизм ҳар қан-дай фан сингари янги ютуқлар билан бойиб боради... у догма эмас, очиқ китобдир».

Эфиопия Ишчи партияси, Мадагаскар мустақиллиги конгресси партияси, Жазоир социалистик авангард партияси ва бошқа партияларнинг ҳужжатлари, социалистик йўлни танлаган мамлакатлар революцион-демократия ва коммунистлари раҳбарлари-нинг назарий асарлари, Африка-Осиё марк-систларининг тадқиқотлари капитализмни четлаб социализмга ўтиш асосларини, ри-вожланаётган мамлакатларда пролетар партияларнинг ва идеологик процесслар-нинг вужудга келиш қонуниятларини ту-шунишни жиддий равишда кенгайтиради.

КПСС XXVII съезди қарорлари социалис-тик йўлни танлаган мамлакатларда марк-сизм-ленинизмни янада кенг тарқатишга катта таъсир кўрсатди. Капитализмни ижти-моий истиқбол сифатида рад қилган мам-лакатлар делегатлари съезд минбарида туриб гапириб, совет коммунистлари оли анжуманининг ғоялари ўзлари учун илҳом манбаи бўлганини, танлаган йўлларининг тўғрилигига, марксизм-ленинизм ғояла-нинг муқаррар тантанасига бўлган ишонч-ларини янада мустаҳкамлаганини изҳор этдилар.

Б. ЭРГАШЕВ

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СОЦИАЛ АКТИВЛИГИНИ ЎСТИРИШ ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН тарихчиларининг бир қатор асарларида Коммунистик партия билан Совет давлатининг хотин-қизларни озодликка чиқариш ва уларни мамлакатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётига жалб қилиш соҳасидаги тажрибаси кенг кўриб чиқилган. Яна бир қимматли нашр* улар қаторига қўшилганлигини таъкидлаш қувонарлидир. Тўпламга архив ва вақтли матбуотдан олинган энг салмоқли ҳужжатлар ва материаллар киритилган, улар социализмни такомиллаштириш босқичида хотин-қизлар социал активлиги ўсишини кўрсатади.

Китоб илгари нашр этилган «Ўзбекистон Компартиясининг социализм қурилиши даврида (1917—1937 йиллар) хотин-қизлар масаласини ҳал этиш учун кураши» ҳамда «Ўзбекистон Коммунистик партияси ва республика хотин-қизлари орасидаги иш (1938—1958 йиллар)» номли икки тўпламнинг давомидир. Мазкур тўпламларда республика партия ташкилотининг хотин-қизларни озод қилиш, уларнинг амалдаги тенгсизлигини тугатиш ҳамда иқтисодий, сиёсий, социал тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш учун, уларни социалистик жамият қурилишига фаол жалб қилиш учун кураши акс эттирилган эди. Шу тарика Ўзбекистонда хотин-қизлар масаласини ҳал қилишга доир муҳим маълумотларни ўз ичига олган уч томлик асар яратилди.

Тақриз этилаётган тўпламдаги ҳужжат ва материаллар социализмни такомиллаштириш даврининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадики, бу давр синфий тафовутларнинг тобора тугатила бориши, синфлар ва социал группалар манфаатларининг бирбири билан яқинлашуви, миллат ва элатларнинг янада ривожланиши, улар бир хиллигининг кучайиб бориши, ана шу асосда янги тарихий бирлик — совет халқининг шаклланиши билан характерланади. Булар Ўзбекистон хотин-қизларининг саноат ишлаб чиқаришини, транспорт ва алоқани, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, халқ маорифи, фан ва маданиятни юксалтиришга қўшган улкан ҳиссасини кўрсатиб беради.

Ўзбекистон хотин-қизларининг II, III ва IV съездлари республика сиёсий ҳаётида шу даврдаги сезиларли воқеа бўлди, бу съездлар жамият ҳаётининг барча соҳаларида меҳнаткаш хотин-қизлар ютуқларини тарғиб қилишни кучайтиришга, уларнинг социал-сиёсий активлигини ўстиришга, улар орасидаги ишни анча жонлантиришга ёрдам берди. Тўпламнинг қиммати шундаки, у бу ишнинг ўша давр учун характерли бўлган: хотин-қизлар билан истиқомат жойларида ҳамда уларнинг ёши, қизиқишлари ва бошқаларни ҳисобга олиб, ўтказиладиган янги формаларини кўрсатиб беради.

Хотин-қизларнинг меҳнат соҳасидаги ташаббуслари тўғрисида ҳикоя қилувчи ҳужжатлар шубҳасиз қизиқиш туғдиради. Турсуной Охунова ташаббуси билан бошланган қишлоқ хўжалик техникасини эгаллаш учун, Татьяна Қардаш ташаббускорлигида бошланган смена топшириғини муддатидан аввал бажариш учун хотин-қизлар ҳаракатининг қулоч ёйгани, пахтани қўлда муваффақиятли териш учун кўп мингчилар ҳаракати, қизларнинг чорвачиликда ишлашга даъватининг ялпи қўллаб-қувватлангани ва бошқалар айни шу йилларга тўғри келади.

Область архивларидаги партия ҳужжатлари китобхонларнинг эътиборини тортади, улар партиянинг хотин-қизлар социал-сиёсий активлигини оширишга қаратилган қарорлари жойларда қандай амалга оширилганлигини ойдинлаштиради.

Тузувчилар тўпламга Ўзбекистон хотин-қизларининг адабиёт ва санъат соҳасидаги ютуқларини ёритувчи материалларни киритганлар. Бу материаллар китобхонга, масалан, драма артисти С. Эшонтўраева, хонанда С. Қобулова, раққоса М. Турғунбоева ҳамда миллий санъатнинг бошқа ажойиб вакилалари истеъдоди тўғрисида тасаввур беради.

Бир қатор ҳужжатлар хотин-қизлар советлари фаолиятини акс эттиради, бу советлар шу даврда иккинчи умрини кечира бошлади, хотин-қизларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитларини яхшилашда уларнинг роли анча ошди. Партия ташкилотининг ишончли ёрдамчиси бўлган Фарғона шаҳар хотин-қизлар советининг иш тажрибаси бу жиҳатдан диққатга сазовордир. Китобхон хотин-қизлар бошчилик қилган коммунистик меҳнат бригадалари тўғри-

---

* Деятельность Компартии Узбекистана по усилению социальной активности женщин. Сборник документов и материалов (1959—1975 гг.). Ташкент, «Узбекистан», 1986, 311 с.

сида, юзлаб меҳнаткаш аёллар мураккаб касбларни эгаллаганликлари, уларнинг жамоат фаолиятига қизиқиши ошганлиги тўғрисида хабардор бўлади.

Тўпламнинг тузувчилари ҳужжатларни археографик ишлашни бенуқсон бажаришган.

Айтиб ўтилган фазилатлар билан бир қаторда китобда баъзи камчиликлар ҳам бор. Аввало ҳужжатлар ва материаллар бир-бири билан боғланмаган ҳолда шунчаки хронологик изчилликда жойлаштирилган. Ҳолбуки, уларни муайян проблемалар бўйича жамлаш яхши бўлур эди. Шунда улар хотин-қизлар орасидаги ишнинг барча йўналишлари бўйича партиянинг фаолияти тўғрисида яхлитроқ тасаввур берган бўлур эди.

Ҳужжатларни бериш тартиби ҳам бир маромда эмас. Масалан, партия ва Совет давлатининг она ва бола тўғрисидаги ғамхўрлигини кўрсатувчи ҳужжатлар нисбатан кам ўрин олган. Ҳолбуки, Ўзбекистон сингари бола туғилиши даражаси юқори бўлган республика учун бу муҳим эди. Тўпламнинг мундарижасида ҳам бир ёқлама ёндашув кўзга ташланади. Масалан, тузувчилар республика хотин-қизлари социал активлигини оширишга бағишланган анча-мунча расмий ҳужжатларни киритган ҳолда кўп масалалар юзасидан уларнинг конкрет бажарилишини изчил кузатмаганлар, яъни бу соҳада бошланган ишларнинг мантиқий давомини ва ниҳояга етганини кўрсата олмаганлар.

Китобда социалистик анъаналар ва маросимларнинг жорий этилиши сингари актуал масала бўш акс этган, ҳолбуки, кўп хотин-қизлар бу ишнинг актив қатна- чилари бўлган эди. Тўпламнинг тузувчила маҳаллий тиллардаги нашрларга эътиб бермаганликлари таассуфли ҳолдир. Ула нинг махсус хотин-қизлар журнали «Са дат»га эътиборсизлик билан қарага лари тушунарли эмас. Ҳолбуки, айни шу дай нашрларда партия ва совет органла хотин-қизлар орасида олиб борган ишни ўзига хос хусусиятлари кўпроқ акс этга дир.

Китобга шу проблемага бевосита алоқа бўлмаган ҳужжатлар ҳам кириб қолга (28—29, 49—53 ва бошқа бетларга қара син). Айрим ҳужжатларнинг номи уларни мазмунини етарлича аниқ акс эттирмай Қолаверса, уларнинг баъзиларини ту ҳолда бермай, улардан парчаларгина келти риш лозим эди.

Тўпламга киритилган вақтли матбу материаллари фақат ижобий фактларни на қайд қилади. Уларда камчилик кўрсатилмайди, ваҳолонки осон бўлмага бу ишда ҳам камчиликлар анчагина бўлган лиги маълум. Камчиликларни кўрсатиш в таҳлил этиш ўша вақтдаги, шу жумлада хотин-қизлар орасидаги иш соҳасида ха кўпгина салбий ҳодисалар ва тенденциял очиб ташланган ҳозирги пайтда акту бўлиб қолди.

Умуман катта жиддий иш қилган тузувч лар хизматини эътироф этиш керак, ула нинг меҳнати юксак баҳога лойиқдир.

Р. АМИНОВ
Ўзбекистон ССР
Фанлар академиясининг мухбир аъзо

Редакция адреси: 700000. Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

Телефонлар: бош редактор — 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика - 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69; танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 9.02.1987 й. Босишга рухсат этилди 9.03.1987 й. Формати 70×108[1]/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 8,9.
Тиражи 29201. Нашр В-51. Заказ № 318.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

Баҳоси 25 тийин

ISSN 0134 — 2193
Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

4

АПРЕЛЬ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 4
АПРЕЛЬ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

...Қайта қуриш иши, жамиятни революцион янгилаш иши, мамлакат тақдири — халқнинг қўлида. Бас, шундай экан, бу тақдирнинг қандай бўлиши биз умумий меҳнатимиз билан, ақл-заковатимиз ва виждонимиз билан уни қандай бунёд этишимизга боғлиқ.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС МК 1987 йил январь Пленумида сўзлаган якунловчи нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг
СОВЕТ ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

Азиз ўртоқлар!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг етмиш йиллиги яқинлашиб келмоқда. Бу совет халқининг катта байрамидир.

Революциямиз — инсоният ҳаётида янги босқич бошланганлигидан дарак берган XX асрнинг энг муҳим воқеасидир. Давр унинг мислсиз аҳамиятини чуқур очиб бериб, социалистик ижтимоий тараққиёт яратиб берадиган жуда катта имкониятларни намоён этди.

Биз англаган, биз ҳис этган Октябрь — бу совет кишиларининг энг олий миллий ифтихоридир. Революция омма тарихий ижодкорлигининг мислсиз равнақи, капиталистлар ва помешчиклар эксплуатацияси сиртмоғини улоқтириб ташлаган музаффар халқнинг энг буюк ғалабаси бўлди.

Россия ишчилар синфини, меҳнаткашларини революцион жасоратга отлантирган большевиклар партиясига Владимир Ильич Ленин бошчилик қилди. Унинг назарий тафаккури, унинг ахлоқий намунаси, унинг улкан фаолияти самаралари асрлар оша яшайверади.

Улуғ Октябрь бугунги кунда бизнинг ишларимизда давом этмоқда. Мамлакатда ўз моҳияти жиҳатидан революцион тарздаги қайта қуриш, бунёдкорлик ишлари авж олдирилмоқда. Бу ишлардан мақсад — социалистик жамият тараққиётини жадаллаштиришдир. Партиянинг халқ иродасини ифодаловчи сиёсий йўли — Марказий Комитет апрель Пленумининг, КПСС XXVII съездининг йўли мана шунга қаратилган.

Марказий Комитетнинг январь ойида бўлиб ўтган Пленумида улкан, принципиал жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилинди. Бу қарорлар партия ва халқни қайта қуриш назарияси билан қуроллантириб, уларни социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бахш этиши зарур бўлган янада чуқур ислоҳотларни, дадил чора-тадбирларни амалга оширишга сафарбар этмоқда.

Мамлакатимиз — социализм амалда рўёбга чиқарилган биринчи мамлакатдир. Октябрь ғалабаси одамлар социал турмушининг тарихан мислсиз негизларини: сиёсатда меҳнаткашлар ҳокимиятини, экономикада ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк эканини, инсоний муносабатларда коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдамни барқарор этди. Социалистик тузум асосларининг негизи, унинг ҳаётий кучининг битмас-туганмас манбаи — мана шу революцион ўзгартишлардадир.

Улуғ Октябрь, социализм Ватанимизни шу вақтгача жаҳондаги кўпгина мамлакатлар халқлари ҳаётини заҳарлаб келаётган кулфатлар ва офатлардан халос этди. Бизда одамни одам эксплуатация қилишига бутунлай барҳам берилган. Бизда ишсизлик йўқ, миллий зулм, қашшоқлик ва саводсизлик барҳам топган. Меҳнат аҳли социал жиҳатдан ҳимоя этилган шароитда, эртанги кунга комил ишонч билан яшамоқда.

Октябрь революцияси шу мақсадни кўзлаб амалга оширилди. Социализм шу мақсадни кўзлаб яшамоқда.

Мамлакатимиз социалистик қурилиш давомида қудратли иқтисодий ва илмий-техникавий потенциалга эга забардаст индустриал давлатга айланди. Омманинг маълумотлилиги жиҳатидан дунёда энг юқори даражалардан бирига эришилди. Меҳнаткашлар хонадони фаровон бўлди. Бепул медицина хизмати, оналик ва болалик тўғрисида, уруш ва меҳнат ветеранлари, кексайиб қолган гражданлар ҳақида давлатнинг ғамхўрлик қилиши оддий турмуш нормалари бўлиб қолди. Ҳар куни минглаб оилалар янги уйларга кўчмоқда.

Мамлакатда маданият соҳасида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Социализм ғайриинсонийликка ва зўравонликка, буржуа жамиятининг маънавий қашшоқлашувига қарши инсонпарварлик йўлини таклиф этишга қодир бўлган, цивилизациянинг асл бойликларини сақлаб қолиб, кўпайтираётган ҳамда ўзининг мана шу қобилият кучи ва йўналиши билан коммерцияга ва бойлик орттиришга асосланган маданиятни рад этаётган тузум сифатида дунё аҳли кўз ўнгида намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда биз совет экономикасини самарадорлиги ва илмий-техника тараққиёти жиҳатидан жаҳонда энг юқори даражага олиб чиқиш йўлидаги ишларни бошлаб юбордик. Бу билан халқ фаровонлигини янада ошириш ва жамият барча аъзоларини ҳар томонлама камол топтириш, одамларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш асослари анча кенгайтирилади.

Октябрь, социализм бунга йўл очиб берди.

Социалистик революциянинг ғалабаси меҳнаткаш инсоннинг реал ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлаб, давлат ҳаётининг халқнинг ўзи танлаган демократик формаси — Советлар ҳокимиятини қарор топтирди. Совет сиёсий системасида демократия ва халқ ташаббусини энг кўп даражада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд.

Бу системани Октябрь яратди, уни социализм бунёд этди.

Революция мамлакатимизда миллий масалани ҳал этишга асос солди. Совет ҳокимияти йиллари давомида халқларнинг тенглиги, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги амалда қарор топди. Барча республикаларнинг экономикаси ва маданияти юксалди. Муштарак ютуқлари билан мағрур ва социализм ғалабаларини ҳар қандай ҳамлалардан ҳимоя қилишга шай турган ягона совет халқи таркиб топди.

Миллий муносабатларнинг такомиллаштирилиши ҳар қандай жонли иш сингари янги-янги муаммоларни ўртага қўяди. Бундай муаммолар миллий манфаатларга тааллуқли барча жиҳатларга сезгир, ҳар қандай миллатчилик ва шовинистик кўринишларга муросасиз бўлган ленинча миллий сиёсат принциплари асосида ҳал этилмоқда ва бундан буён ҳам шундай ҳал этилаверади.

Мамлакат тараққиёти ҳар бир миллат ва элат фаровонлигини, уларни янада яқинлаштириш манфаатларини кўзлаб, бутун бузилмас Иттифоқимиз манфаатларини кўзлаб амалга оширилмоқда ва амалга оширилаверади. СССР халқлари мустаҳкам дўстлик, социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги билан бирлашгандирлар.

Буни бизга Октябрь берди, буни бизга социализм берди.

Биз революциямиз таъсирида чуқур ўзгарган дунёда яшамоқдамиз. Ҳозирнинг ўзидаёқ инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпроғи ўзидан капиталистик эксплуатация занжирини улоқтириб ташлади. Социализм жаҳон системаси сифатида яшамоқда, ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Эндиликда мустамлака империялари йўқ — ўнлаб ёш суверен давлатлар мавжуд.

Манфаатларини марксчи-ленинчи коммунистик ва ишчи партиялар ифодалаётган халқаро пролетариат кучлари кўпайди. Оммавий демократик, антиимпериалистик ва урушга қарши ҳаракатлар авж олдириб юборилмоқда. Капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашмоқда.

Жаҳоннинг ҳозирги социал-сиёсий қиёфаси — Октябрь бошлаб берган тарихий жараённинг қонуний натижасидир.

Бизнинг социалистик қурилишдаги дастлабки қадамларимизни Владимир Ильич Ленин йўналтириб турди. Ленин бугунги кунда ҳам биз билан биргадир: қайта қуриш партия ва мамлакат турмушида ленинча революцион руҳни тобора чуқуррок қарор топтирмоқда.

Ўзини социализм улуғ ишига бағишлаган барча кишилар ҳам бугунги кунда биз билан биргадирлар. Большевизмнинг қаҳрамонона анъаналарини бошлаб берган ҳамда коммунистик идеалларга астойдил содиқликни барча азоб-уқубатлар ва синовлардан олиб ўтган ленинчи-революционерларни, Ильич сафдошларини совет кишилари абадий миннатдорчилик билан ёдда сақлайдилар.

Россиядаги уч революция қатнашчилари бўлган, 1917 йилнинг Октябрида помешчиклар ва капиталистлар ҳокимиятини тор-мор келтирган кишиларнинг номи ва сиймоси ўчмайди.

Гражданлар уруши қаҳрамонларининг, Советлар Республикасини империалист интервентлардан ва оқгвардиячилардан қаттиқ туриб ҳимоя қилган барча кишиларнинг хотираси муқаддасдир. Халқимиз «Совет Россиясидан қўлингни торт!» деган даъват билан қўлга қурол олиб, Октябрь ғалабаларини ҳимоя қилишга отланган чет эллик интернационалист-курашчиларни унутмайди.

Биз дастлабки беш йилликлар ташаббускорларининг, қудратли индустрия бунёдкорлари, коллектив қишлоқ хўжалиги қурувчилари, социалистик маданият ижодкорларининг зафарларига ҳамиша қойил қоламиз.

Улуғ Ватан урушида совет кишилари, солдатлар ва меҳнаткашлар кўрсатган жасорат абадийдир. Биз социалистик Ватан шон-шарафи ва озодлиги йўлида ҳалок бўлган, жаҳонни фашизм вабосидан қутқариш учун ўз жонини қурбон қилган кишилар хотираси олдида таъзим қиламиз. Биз мана шу озодлик жангида иттифоқчиларимиз ва сафдошларимиз бўлган бошқа мамлакатлар жангчилари, ватанпарварлари, антифашистларини ҳурмат ва миннатдорчилик билан эсда сақлаймиз.

Ватан энг оғир урушдан кейин шаҳарлар ва қишлоқларни вайроналардан, тозалаган,мамлакатни тиклаб, уни янада қудратли қилган совет кишиларининг меҳнат жасорати, руҳан тетиклиги билан ҳамиша фахрланади.

Ўртоқлар!

Тарих йўлларида кашшофларни кутаётган барча қийинчиликлар ва синовлар бизнинг зиммамизга тушди. Бу қийинчиликлар ва синовлар бизни йўлдан тўхтата олмади. Биз ана шу қийинчиликлар ва синовларни бартараф этишга ўргандик ва бартараф этдик.

Социализм қурилиши хўжалик парокандалиги ва уруш вайронгарчилиги вазиятида бошланди. Қарийб ўттиз йил мобайнида жаҳон капитализмига СССРнинг бир ўзи қарши турди, империалистик тазйиқ ва дўқ-пўписаларга муттасил дучор қилинди. Мамлакат гитлерчилар агрессиясига қарши урушда 20 миллион ўғил-қизидан жудо бўлди, миллий бойлигининг учдан бир қисмидан маҳрум бўлди. Кўп йиллар ниҳоятда зўр бериб ишлашга, энг зарур нарсалардан ҳам воз кечиб яшашга тўғри келди. Лекин биз бардош бердик, иродамиз букилмади.

Лекин бошқа ишлар ҳам содир бўлди. Янги жамият қуриш ленинча принциплари ва методларидан чекиниш, социалистик қонунчиликни, партия ва жамият ҳаётидаги демократик нормаларни бузиш, волюнтаристик хатоликлар, тафаккурдаги ақидапарастлик, амалий ҳаракатлардаги сусткашлик қимматга тушди.

70-йилларнинг охири ва 80-йилларнинг бошларида жамиятимизда турғунлик тенденциялари вужудга келди, қийинчиликлар, ҳал этилмаган проблемалар, социализмга ёт ҳодисалар кўпая бошлади. Буни партия, бутун совет халқи сезиб турди, бошидан кечирди. Марказий Комитет ишларимизни, бутун ҳаётимизни яхшилик сари буриш зарурлигини революцион қатъият билан таъкидлади.

Меҳнаткашлар апрель Пленуми кўрсатиб берган йўлни астойдил маъқуллаб, қўллаб-қувватладилар. Партияда қайта вужудга келаётган қаттиқ ўз-ўзини танқид, сиёсатдаги самимият, вужудга келган вазиятни яхшилаш учун зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқа билиш, уларни амалга оширишга дарҳол киришиш маҳоратини халқ кенг кўламда қўллаб-қувватлади.

КПСС XXVII съезди ҳозирги вазиятни чуқур, ленинчасига англаб, ўз қарорларида улуғвор мақсадларни реал имкониятлар билан узвий боғлади.

Съезд муқаррар сиёсий ва маънавий қимматга эга ҳақиқат сабоғи бўлди. Олға боришга халақит берувчи ҳамма нарсага муросасиз, ошкора баҳо бериш — принципиал ленинча позиция, партия куч-қудратининг кўрсаткичидир.

Ўз вақтида Ленин бундай деган эди: «...**амалда** янги вазифалар кўндаланг бўлди, бу вазифаларни ҳал қилиш учун, худди ер остидан чиқиб келгандек, янги кучлар пайдо бўлди, бу кучларнинг борлиги тўғрисида бурилиш арафасида ҳали ҳеч ким ўйламаган эди». Бугун ҳам шундай: партия билан халқда ҳали ўзини кўрсатолмаган янги кучлар ўсиб, революцион қайта қуриш ишига қўшилиб кетмоқда.

Мамлакат ҳаракатга келди, янгича нафас ола бошлади. Жамиятдаги ахлоқий вазият покланиб, маънавий ҳаёт қизиқарли, хилма-хил бўлиб бормоқда. Ошкоралик ва ҳаққоният, танқид ва талабчанлик кундалик ҳаётнинг ажралмас хусусиятлари бўлиб, қарор топмоқда.

Халқ хўжалигини чуқур реконструкциялаш стратегияси ва тактикаси изчил амалга оширилмоқда. Экономиканинг энг муҳим тармоқларини бошқариш қайта ташкил этилмоқда. Янги хўжалик механизмининг омиллари ишга солинмоқда. Ишни самарадорлик ва рентабелликни оширадиган тарзда дадил йўлга қўяётган меҳнат коллективлари сони кўпайиб бормоқда. Ишлаб чиқариш техникавий жиҳатдан қайта жиҳозланмоқда. Маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш чоралари амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг биринчи йилида халқ хўжалиги асосий кўрсаткичлар юзасидан пландаги марралардан ўзиб кетди.

Лекин эришилган ютуқлар билан мағрурланиб кетмаслик керак. Дастлабки қадамларгина қўйилди, асосий ишлар олдинда турибди.

Ишлар юришиб кетиб, ўзгартиришлар жараёни тўхтаб қолмаслигига, аввал йўл қўйилган хатоликлар такрорланмаслигига кафолат борми?

Ҳа, бор. Қайта қуришдан бутун халқ манфаатдор, совет жамиятининг етакчи кучи бўлмиш ишчилар синфи бундан чуқур манфаатдордир. Янги-янги вазифаларни ҳал этиш учун революцион матонат билан курашмоққа қодирлигини амалда исботлаган, ўз ишининг форма ҳамда методларини янгилашга тайёр ва унинг уддасидан чиқадиган партия қайта қуришга раҳбарлик қилмоқда.

Орттирилган иш тажрибалари билан, мамлакатнинг ҳозирги куни ва келажаги учун масъулият ҳиссини англаш билан жипслашган партия ва халқнинг муштарак муддаоси, умумий куч-ғайрати — XXVII съезд йўли оғишмай амалга оширилишининг гаровидир. Социалистик тузум демократизмини ҳар томонлама ривожлантириш — жамиятни сифат жиҳатидан янги ҳолатга келтиришдек стратегик вазифа ҳал этилишининг гаровидир.

Демократия нечоғлик кўп бўлса — социализм ҳам шунчалик кучли бўлади.

Меҳнаткашлар тўла ошкоралик вазиятида, мансабдор кишилар назоратда бўлиши, ҳисобот бериб туриши ва сайлаб қўйилиши шароитида давлат ҳамда жамоат органларининг тузилишига ҳам, фаолиятига ҳам, меҳнат коллективларининг иши ва турмушига ҳам амалий ҳал этувчи таъсир кўрсата билиш имкониятига эга бўлишлари учун ҳамма ишлар қилиниши керак ва шундай қилинади. Маъмуриятчилик ва буйруқбозликдан, кераксиз чеклашлар ва тақиқлашлардан воз кечмай, одамларнинг ақл-идроки ва тажрибасига, уларнинг ишга омилкорлик билан, давлат нуқтаи назаридан ёндашишига тўраларча ишончсизликка барҳам бермай туриб, олға томон муваффақиятли ҳаракат қилиб бўлмайди.

Социалистик демократия — халқнинг ҳар томонлама ўсиб борувчи ўзини-ўзи бошқариши, ақл-заковат ва истеъдодларнинг эркин мусобақасидир. Ҳақиқий демократия моҳияти жиҳатидан бунёдкордир. У — масъулиятсизлик, сафсатабозлик, қуюшқондан чиқиб кетишнинг муросасиз душманидир.

Партия биронта ҳам ташкилот, биронта ҳам ходим назоратдан, танқиддан четда бўлмаслиги керак, деган принципни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Замонавий фикрловчи, хатти-ҳаракатлари учун халқ олдида жавоб беришга тайёр кишилар раҳбарлик лавозимларига тобора кўпроқ кўтарилмоқда.

Биз демократияни кенгайтириш, социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш, халқ депутатлари Советлари, касаба союзлар, комсомол, бошқа жамоат

ташкилотлари активлигини кучайтириш, шахснинг қадр-қимматини ошириш, гражданлар, меҳнат коллективларининг ҳуқуқларини бутун чоралар билан эъзозлаш орқали социализмнинг энг қудратли бунёдкорлик кучи — эркин мамлакатдаги эркин инсоннинг эркин меҳнатига кенг йўл очиб берамиз.

Ўртоқлар!

Марказий Комитет барча совет кишиларига мурожаат этиб, мамлакатнинг келгусидаги қиёфаси учун, социализм тақдири учун масъулиятни англаш ва ҳис этишга даъват қилади. Октябрдан кейин социалистик қурилиш ўн йилликлари давомида эришилган муваффақиятларимизнинг манзараси улуғвордир. Аммо давр бизнинг олдимизга янги талаблар қўймоқда. Марказий Комитетнинг январь Пленумида таъкидланганидек, ҳозирги ўзгарган шароитда жамиятимизнинг жўшқин ривожланиши, тараққиёт поғоналаридан тез кўтарила билиш қобилияти яна бир карра синовдан ўтмоқда.

Экономикамиз самарадорлик, илғор технологияларни ўзлаштира олиш, аъло даражадаги маҳсулот ишлаб чиқариш, жаҳон бозоридаги ҳар қандай рақобатга бардош бера билиш жиҳатидан синовдан ўтмоқда. Ахлоқимиз, бутун турмуш тарзимиз социалистик демократия қадриятларини, социал адолат ва инсонпарварликни муттасил ривожлантириш ҳамда бойитиб бориш қобилияти жиҳатидан синовдан ўтмоқда. Ташқи сиёсатимиз эса тинчликни ҳимоя қилишда қатъият ва изчиллик жиҳатдан, империализм авж олдираётган зўр бериб қуролланиш пойгаси, у кучайтираётган халқаро кескинлик шароитларида тадбиркорлик ва сабр-тоқатлилик жиҳатидан синовдан ўтмоқда.

Бутун дунё социализмга қилинаётган дағдағага нечоғлик бардош бериб, муносиб жавоб қайтараркин, деб совет халқига, Октябрь Ватанига кўз тикиб турибди.

Марказий Комитет меҳнаткашларининг шарафли меҳнатига, профессионал ифтихорига, совет кишиларининг ватанпарварлигига мурожаат қилади. Бугун биз жадаллаштириш программасидаги асосий вазифа — ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини амалга ошириш соҳасида ишлаяпмиз. Қисқа муддат ичида экономикада сифат жиҳатидан силжиш бўлишини таъминлаш, келгусига мустаҳкам замин яратиш зарур. Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган мусобақа марказида ана шу вазифа турибди. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш ижтимоий ишлаб чиқаришдаги ҳар бир қатнашчининг ишга бўлган шахсий муносабатига, коллективларда виждонли меҳнат овози нақадар талабчанлик билан янграшига боғлиқ.

Бунда касаба союзларнинг роли катта ва масъулиятлидир. Қайта қуриш касаба союзларни замонавий ишлаб чиқариш маданияти учун, юксак профессионализм учун курашда меҳнаткашларнинг толмас ташкилотчиси бўлишга даъват этади.

Диёримиз азалдан ўзининг моҳир усталари, ишни бутун дунёга донг таратадиган қилиб бажара билиш маҳорати туфайли ибрат бўла олган усталари билан машҳурдир, Совет мамлакати тарихида ишчилар, олимлар, инженерлар, конструкторлар жаҳонда эришилган ютуқлардан илгарилаб кетган натижаларга муваффақ бўлган мисоллар оз эмас. Бугунги кунда эса бу ишларни биз бемалол уддалай оламиз.

Марказий Комитет совет кишиларининг ақл-идроки ва тажрибасига мурожаат қилади. Ҳаётдаги ҳамма ҳодисалар учун тайёр кўрсатмалар бўлмайди. Қайта қуриш умумхалқ ижодий лабораторияси бўлиб қолсин. Янгиланиш практикасига диққат билан муносабатда бўлиб, уни танқидий англаб олайлик, илғор тажрибанинг ҳар бир заррасини қадрлаб, уни қўллаб-қувватлайлик ва ривожлантирайлик. Жонли, эркин фикрлаш — жадаллаштиришнинг зарур шартидир.

Партия халқдан доимо ўрганиб боради. У халқнинг коллектив ақл-идрокини ўзига сингдириб боради, ўз сиёсатини омманинг тажрибалари билан текшириб кўради ва халқ англаётган ишларни тўғри ифодалашни ўз вазифаси деб ҳисоблайди.

Марказий Комитет совет халқининг мардлигига мурожаат этади. Қотиб қолган форма, метод, одатларни бузиш осон гап эмас. Қайта қуриш учун

курашмоқ, қайта қуришни ҳимоя этмоқ керак. Бу борада қатъийлик, қаттиққўллик, принципиаллик керак. Характер ҳам, фидойилик ҳам талаб этилади.

Совет халқининг мардлиги, сабр-тоқати ва матонати неча бор тарих тарозиси палласига тушиб ғалаба келтирган. Партия ҳозир ҳам шундай бўлади, деб ишонади.

Марказий Комитет совет кишиларининг гражданлик ҳис-туйғуларига мурожаат этади. Мамлакатимиз ўзининг ҳар бир граждани маънавий йўлини танлаб олаётган талабчан ва қизиқарли бир даврни бошидан кечирмоқда. Биз бошлаган ишларни қалб қўрини ишга солмай, лоқайдлик билан бажариб бўлмайди. Бу ишларнинг бутун моҳияти мосланувчи, четдан туриб кузатувчи, маънавиятдан маҳрум истеъмолчиларнинг мешчанлик ахлоқини рад этади. Қайта қуришга иш учун жон куйдирадиган, талабчан, хўжасизлик ва сансалорликка муросасиз кишилар керак. Унга коммунистик идеалларга астойдил содиқ, буюк социал, маънавий ва маданий бойликларимизни ҳимоя эта биладиган ва кўпайтира оладиган сиёсий жангчилар керак.

Партия билан халқ ғайрат-шижоатли, ўзгаришларга ўч, камчиликларга нисбатан сезгир ёшлардан катта умид қилмоқда. Ёшлар мустақил ишда ўзларини тўлароқ намоён эта билишларига имконият бермоқ даркор. Давр қоғозбозликдан, ортиқча чора-тадбирлардан холи бўлган жанговар, жиддий ишларни изловчи, ёшларнинг ҳақиқий йўлбошчиси — комсомол учун кенг фаолият майдонини очиб бермоқда.

Марказий Комитет КПСС аъзоларига мурожаат этади. Коммунист ўртоқлар, ана шу бурилиш даврида мамлакатни бошқараётган партия сифатида КПСС зиммасига тушувчи улкан сиёсий масъулиятни англаб, уни ўз зиммангизга олаётганингизни ҳаётингизнинг ҳар бир куни билан тасдиқланг. Халқ партияга сизларнинг ҳаракатларингиз, хулқингизга қараб баҳо беришини унутманг. Фидокорлик билан ишлаш, дадиллик, новаторлик аввало сизлардан талаб этилади. Ҳамиша ва ҳамма ерда айни партиявий виждон билан иш тутиш коммунистнинг бурчидир. Ижтимоий янгиланиш жараёнининг қандай бориши шахсий ташаббусингизга кўп жиҳатдан боғлиқ.

Марказий Комитет барча совет кишиларига мурожаат этиб, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлидаги кундалик меҳнатимиз, ҳар бир қадамимиз жаҳон сиёсатида тобора салмоқли бўлиб бораётганлигини тўла-тўкис англашга даъват қилади.

Октябрнинг етмиш йиллиги инсониятнинг ўзи ҳаёт-мамот муаммоси олдида турган бир вазиятда яқинлашиб келмоқда. Қарама-қарши, лекин бир-бирига боғлиқ яхлит дунёнинг келажаги бугунги кунда ҳал қилинмоқда. Планета ядро уруши хавфидан халос бўлиши мумкин ва лозим. Ҳамма халқлар хавфсизлик, мустақиллик ва тараққиёт шароитида яшай олишлари мумкин ва бундай шароитлар таъминлаб берилиши керак. Бу ишларнинг ҳаммаси фақат бизга — СССРга, социализмга боғлиқ эмас. Лекин биз ўзимизга боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммасини бажарамиз, бажарганда ҳам тўла-тўкис бажарамиз.

Партиямиз ва давлатимиз жаҳон сиёсатида изчил тинчликсевар йўл тутиб келмоқда. Халқаро проблемаларга янги сиёсий тафаккурга амал қилиб, пухталик билан, реалистик ёндашмоқдамиз. Биз учинчи минг йиллик бўсағасида давлатлар ядровий анжомларини улоқтириб юборишларига, космосга қурол чиқарилишига йўл қўймасликка, Ер юзида бу қуролларни камайтириш ва пировардида йўқ қилиб ташлашга эришиш йўлида оғишмай иш олиб бораверамиз.

Лекин ҳозирча халқаро реакция қуролланиш пойгасини авж олдираётган экан, ҳозирча у социализмга қарши социал реванш ва «салб юришлари» сиёсатидан воз кечмаган экан, КПСС ва Совет давлати мамлакатимизнинг, социалистик ҳамдўстликнинг мудофаа қудратини тегишли даражада сақлаш учун зарур ҳамма ишларни қилаверади. Совет кишилари шунга амин бўлсинларки, биз ҳеч қачон, ҳеч бир вазиятда империализмнинг ҳарбий жиҳатдан устун бўлишига йўл қўймаймиз.

Мамлакатимизнинг бутун сиёсий обрў-эътиборини, халқаро кўламдаги

бутун таъсирини тинчлик учун курашга қаратяпмиз. Ўз уйимиздаги ишлар нақадар яхши юришиб кетса, қардош социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлигимиз нақадар чуқур бўлса, тинчлик учун курашимиз шу қадар таъсирли бўлади. Социализм билан тинчлик ажралмасдир. Социализм нечоғлик қудратли бўлса, тинчлик ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади.

Азиз ўртоқлар!

Бизнинг бутун жамиятимиз баррикаданинг бир томонида турибди. Партия билан халқнинг мақсадлари бир мақсаддир. Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, зиёлиларнинг туб манфаатлари — муштаракдир. Кекса авлод, социалистик қурилиш ветеранлари ва улар ёш ўринбосарларининг иши — битта ишдир. Ҳар бир миллат ва элат, ҳар бир республика, бутун Совет Иттифоқининг тақдири — ягонадир.

Октябрнинг идеаллари совет халқининг фаровонлиги, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, социализм ва тинчлик йўлида меҳнат қилишга даъват этади. Ақл-заковатимизни, хоҳиш-иродамизни, куч-ғайратларимизни яхлит қилиб бирлаштирайлик. Ана шу енгилмас кучни олдимизда турган янги-янги вазифаларни ҳал этишга қаратайлик. Режалаштирилган ҳамма ишларни бажарайлик. Октябрнинг революцион ишини муносиб давом эттирайлик!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ ҚОМИТЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Қомитети «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик тўғрисида» қарор қабул қилди.

1987 йил 7 ноябрда Улуғ Октябрь социалистик революциясига 70 йил тўлади.

70 йил муқаддам, дейилади қарорда, Ватанимиз тарихини ва жаҳон тарихини ўзгартириб юборган воқеа юз берди. В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлик қилган Россия ишчилар синфи, меҳнаткашлари буюк революцияни амалга оширдилар. Инсониятнинг социализм томон бурилишини ифодалаган бу революция Ер юзида биринчи ишчи ва деҳқонлар давлати вужудга келганлигини маълум қилди, принцип жиҳатидан янги адолатли ижтимоий тузумни бошлаб берди.

Октябрнинг 70 йиллиги — совет халқининг катта байрамидир, социалистик мамлакатлар халқларининг, планетадаги барча тараққийпарвар кишиларнинг байрамидир. Бу — кучларимизнинг, социализм ғалабаларининг жанговар кўригидир. Айни пайтда бу шундай марраки, ана шу юксак маррада туриб босиб ўтилган йўлнинг якунлари ва сабоқларини, жаҳонда юз бераётган ўзгаришларни, совет жамияти тараққиётининг ҳозирги ғоят муҳим босқичида унинг олдида турган янги вазифаларни идрок этиш керак бўлади.

КПСС Марказий Қомитетининг 1987 йил январь Пленуми таъкидлаганидек, совет кишилари бўлажак юбилейни жамиятимиз ҳаётининг ҳамма соҳаларини чуқур қайта қуриш вазиятида кутиб олмоқдалар. Улуғ Октябрь 70 йиллигини нишонлашнинг энг яхши усули — бутун ўзгартирувчилик

ишларимизни кучайтириб, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш учун, КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш учун курашда сезиларли янги муваффақиятларга эришишдан иборат. Бу билан 1917 йил октябрида бошланган ишга яна бир кудратли омил бахш этилади.

КПСС Марказий Комитети Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини кенг нишонлашга қарор қилди, юбилейга тайёргарлик кўришдан коммунистлар ва партиясизлар, СССР барча меҳнаткашларининг меҳнат, сиёсий ва маънавий активлигини янада юксалтиришнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш зарурлигини таъкидлади.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область, округ, шаҳар ва район партия комитетларига, бошланғич партия ташкилотларига, совет органларига, министрликлар ва идораларга, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларига, ижодий союзларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг сиёсий органларига бўлажак шонли сана муносабати билан конкрет тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллиги муносабати билан совет халқига Мурожаатномаси маъқулланди. КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасини партия, комсомол, касаба союз йиғилишларида, меҳнат коллективларида, ўқув юртлари ва ҳарбий қисмларда муҳокама қилиш мақсадга мувофиқ деб топилди.

Юбилейга тайёргарлик давомида меҳнаткашларнинг, барча совет кишиларининг куч-ғайратларини КПСС XXVII съезди қарорларини, ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини ва энг аввало иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришнинг 1987 йил Давлат планини амалда рўёбга чиқаришга қаратиш тавсия этилди.

Қарорда Улуғ Октябрь юбилейини муносиб кутиб олиш учун оммавий социалистик мусобақани авж олдириб юборишнинг муҳимлиги уқтирилади. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 1987 йил якунларини чиқариш чоғида Октябрь 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилганлиги назарда тутилиши лозим. Бунда партия ташкилотлари, совет органлари «рапортбозликка», ишларнинг ҳақиқий аҳволини безаб кўрсатишга қарши қатъият билан курашишлари керак.

Ҳар бир меҳнат коллективида Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ўтказилган мусобақа якунларини муҳокама қилиб, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда маҳсулот сифатини тубдан яхшилаш, ресурсларни тежаш, шартнома юзасидан маҳсулот етказиб беришни сўзсиз бажариш учун курашда меҳнат беллашувининг ролини кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни белгилаш зарур.

Октябрь юбилейигача беш йилликнинг икки йили план топшириқларини бажарадиган, юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришадиган, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифати олий даражада бўлишини таъминлайдиган меҳнат коллективлари ва ишлаб чиқариш илғорларини рағбатлантириш учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ҳамда ВЛКСМ Марказий Комитетининг юбилейга бағишланган Фахрий ёрлиғи таъсис этилди.

ВЦСПСнинг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 70 йиллигини байрам қилишга юбилей йилида энг яхши натижага эришган социалистик мусобақа илғорлари, ўн иккинчи беш йиллик зарбдорларидан 1000 кишини, шунингдек қардош социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари группаларини — ўз мамлакатларида ва СССРдаги интеграция объектларида интернационал социалистик мусобақада ғолиб чиққан кишиларни Москвага таклиф қилиш тўғрисидаги таклиф қабул қилинди.

СССР Фан ва техника давлат комитетига министрликлар ва идоралар, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари билан биргаликда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида 1987 йил июлида «Улуғ Октябрь

байроғи остида 70 йил» виставкасини очиш, шунингдек «Мамлакат социал-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш» доимий ишлайдиган экспозициясини тайёрлаш топширилди. СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида юбилейга бағишлаб иттифоқдош республикаларнинг кунлари ўтказилсин.

Меҳнаткашлар орасида олиб бориладиган сиёсий ишларда Октябрь революциясининг ғалабалари билан совет жамияти турмушининг ҳамма томонларини ўз моҳияти жиҳатидан революцион тарзда ҳозирги ўзгартишлар ўртасидаги узвий алоқани ишонарли тарзда кўрсатиб бериш кераклиги таъкидланди. Ҳозир ҳам гап Ватанимизнинг келажаги, меҳнаткашларнинг туб манфаатлари социализмнинг тарихий тақдири тўғрисида бораётганлиги яққол кўрсатиб берилиши лозим. Ўша вақтда бўлганидек, бугун ҳам коммунистик байроққа чексиз садоқат, ўртага қўйилган мақсадларга эришиш йўлида букилмас ирода ва қатъият талаб қилинади. Ўша вақтда бўлгани каби ҳозир ҳам Ленин партияси раҳбарлик қилаётган меҳнаткаш халқ, унинг революцион куч-ғайрати, омманинг жонли ижодкорлиги ўзгаришларнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучидир.

Партия ташкилотларига, совет органларига, халқ депутатлари маҳаллий Советларига бўлажак сайловдан, район (шаҳар) халқ судлари, халқ судьялари ва халқ маслаҳатчиларини сайлашдан, бошқа оммавий кампаниялардан меҳнаткашлар тўла ҳокимиятини рўёбга чиқариш ишида Улуғ Октябрь ғалабаларини, совет давлати тузумининг демократик характерини ҳамда халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариши принципларини тушунтириш учун кенг фойдаланиш таклиф қилинди. Ана шу принципларнинг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш керак.

Социализмнинг ғалабалари ва унинг капитализмдан туб афзалликлари далиллар билан кўрсатиб берилсин, совет кишиларининг коммунистик идеаллар тантанасига ишончи мустаҳкамлансин. Пропаганда ишлари ҳақиқат ва реализм позицияларидан туриб олиб борилсин, Ленин сўзлари билан айтганда, барча совет кишилари «нималарни ниҳоясига етказганлигимизни ва нималарни етказмаганлигимизни аниқроқ, яққолроқ, ҳушёрроқ тасаввур» қила олишларига эришилсин. Камчиликлар дадилроқ очиб ташлансин, уларни бартараф қилиш учун курашга меҳнаткашлар сафарбар этилсин, социализмни такомиллаштириш юзасидан зўр ғайрат билан ишлашга, КПССнинг программавий мақсадларига эришишга руҳлантирилсин.

Партия ташкилотлари коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш тўғрисида ҳормай-толмай жон куйдиришлари, уларнинг ҳар бири меҳнатда, ижтимоий-сиёсий фаолиятда ва турмушда намуна кўрсатишларига, халқ оммасини эски дунёга ҳужум қилишга, революция ғалабаларини ҳимоя қилиш ва янги жамият қуришга бошлаб борган ленинчи большевиклар барҳаёт гвардияси шонли ишларининг муносиб ворислари ва давомчилари бўлишларига эришишлари зарурлиги таъкидланади.

Янги вазифаларни ҳал этиш учун КПССнинг бой тажрибасидан, социалистик қурилиш тажрибасидан актив фойдаланиш керак. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар миқёслари қанчалик кенг ва мураккаб бўлса, бугунги ва эртанги кунларимиз учун ўтмишдан сабоқ чиқаришни ўрганиб олиш шу қадар муҳимдир, партия билан халқ бирлигини мустаҳкамлаш, совет кишиларида социалистик ғалабаларнинг манбаларини, Октябрь ғояларининг ҳаётбахш кучини равшан тушуниб етишларини тарбиялаш борасидаги ишлар шу қадар актуалдир.

КПСС Марказий Комитетининг Фан ва ўқув юртлари, Пропаганда, Партиявий-ташкилий ишлар бўлимларига КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти ҳамда Ижтимоий фанлар академияси иштирокида КПССнинг тарихий тажрибасини тадқиқ этиш, ўрганиш ва пропаганда қилишни тубдан яхшилаш тадбирларини ишлаб чиқиш топширилди.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институтига, СССР Фанлар академияси ва КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий

фанлар академияси билан биргаликда 1987 йилда «Улуғ Октябрь ва ҳозирги замон» мавзусида Халқаро илмий конференция ўтказиш таклиф этилди.

Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни Коммунистик партия ва совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналари руҳида, СССР халқларининг бузилмас дўстлиги руҳида, социалистик Ватанни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриш руҳида тарбиялаш — партия, касаба союз, комсомол ташкилотларининг ва бошқа жамоат ташкилотларининг, халқ депутатлари Советларининг, меҳнат коллективлари ва ўқув коллективларининг муҳим вазифасидир.

КПСС Марказий Комитети янги авлодни Улуғ Октябрь ишига садоқат, советлар Ватанининг моддий ва маънавий бойликларини кўпайтиришга, унинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга интилиш руҳида тарбиялаш юзасидан бундан буён ҳам куч-ғайратни оширишни зарур деб ҳисоблайди. Ленин комсомолининг ташаббуси билан авж олдирилган совет ёшларининг «Революцион қадам ташлангиз!» шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати қўллаб-қувватланди. ВЛКСМ Марказий Комитетининг 1987 йил октябрида Ленинград шаҳрида комсомол ва ёшларнинг Октябрь 70 йиллигига бағишланган Бутуниттифоқ слётини ўтказиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди.

Партия комитетлари ва халқ депутатлари Советларига жамоат ташкилотлари билан биргаликда кекса большевикларни, уруш ва меҳнат ветеранларини шарафлашни ташкил этиш, уларнинг уй-жой-маиший шароитларини, уларга медицина ва савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш чораларини кўриш тавсия қилинди.

Марказий ва маҳаллий газета, журналлар, телевидение ва радио, — дейилади КПСС Марказий Комитетининг қарорида, — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг жаҳоншумул-тарихий аҳамиятини, партия раҳбарлигида мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгартишларнинг новаторлик, кашшофлик характерини, КПССнинг совет кишилари бахт-саодати ва тинч ҳаёти тўғрисидаги доимий ғамхўрлигини чуқур очиб беришни таъминлашлари керак.

СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетига Совет давлатининг тарихи ва унинг ҳозирги кунига, мамлакатимиз халқлари дўстлигига, совет фани ва маданиятининг буюк ғалабаларига, революция, уруш ва меҳнат қаҳрамонларига бағишланган китоблар, брошюралар, буклетлар, плакатларни СССР халқлари тилларида, шунингдек хорижий тилларда нашр этиш топширилди.

СССР Марказий статистика бошқармасига — «СССР халқ хўжалиги 70 йил ичида» тўпламини, СССР Молия министрлиги билан СССР Давлат банкига — 1, 3 ва 5 сўмлик юбилей хотира тангаларини, СССР Алоқа министрлигига — Октябрь юбилейига бағишланган почта маркалари туркумини, конвертлар, открыткаларни чиқариш таклиф этилди.

Октябрь революциясининг 70 йиллигига тайёргарлик давомида совет адабиёти ва санъатининг, маданий-оммавий ишларнинг тарбиявий имкониятларидан тўла фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. СССР Маданият министрлиги, СССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети, СССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, СССР Кинематография давлат комитети, СССР Давлат физкультура ва спорт комитети мамлакат ижодий союзлари совет адабиётининг энг яхши асарларини нашр этишни, янги спектакллар, фильмлар ва концерт программаларини тайёрлашни, Улуғ Октябрга, совет халқининг қаҳрамонлигига бағишланган кино ва телефильмларни, кўргазмаларни ретроспектив кўрсатишни, спорт байрамлари ташкил этишни кўзда тутсинлар.

Миллий маданиятлар алоқаларини ва ўзаро таъсирини янада мустаҳкамлаш ишларини кучайтириш муҳим, деб топилди. Ижодий ташкилотларнинг республикалар, ўлкалар ва областларда СССР Халқлари адабиёти ва санъати кунларини ўтказиш ҳақидаги ташаббуси маъқулланди. 1987 йил октябрида Москвада «Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги» Бутуниттифоқ бадиий кўргазмаси

ўтказилади. Бу тадбирларни мувофиқлаштириб бориш СССР Маданият министрлигига топширилди.

Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган иккинчи Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивали доирасида 1987 йилнинг май — ноябрь ойларида ҳаваскор рассомлар ва манзарали-амалий санъат усталари асарлари кўргазмаларини, хор, театр, хореографик ижодиёт кунларини, фестиваль кўриклари ва конкурсларда ғолиб чиққан ҳаваскорлик коллективлари иштирокида фольклор ҳамда духовой музика байрамларини ўтказиш кўзда тутилади.

Партия ташкилотларига, оммавий ахборот воситаларига КПСС ва Совет давлатининг ядро уруши хавфини тугатишга ҳамда ҳозирги замон реалликларини чуқур англаб етишга, янгича сиёсий тафаккурни актив қарор топтиришга асосланган ялпи тинчликни таъминлашга қаратилган кўп қиррали ва амалий ташқи сиёсий фаолиятини изчиллик билан ёритиш топширилди. Халқаро ишлардаги бизнинг позициямиз — барча халқларнинг қонуний манфаатларини ҳисобга олувчи, очиқ-равшан, ҳалол, адолатли позициямиз ишонарли тарзда очиб берилсин. Ер юзидаги халқларга янги тузум, капитализмнинг ўрнини босадиган социализм тўғрисидаги ҳақиқат етказилсин.

Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг ютуқларини, уларнинг ҳамкорлиги актуал масалаларини, коммунистик ва ишчи партиялар фаолиятини, халқлар ва мамлакатларнинг империализмга қарши курашини кенг ёритиш керак. Ҳозирги пайтда тинчлик ва социал тараққиёт тақдири жаҳон социализм системаси иқтисодий ҳамда сиёсий тараққиёти жўшқинлиги билан ҳар қачонгидан ҳам мустаҳкамроқ боғлиқлиги кўрсатиб берилсин.

ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитети, Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар совет жамиятига, тегишли министрликлар ва идораларга, маҳаллий партия органларига интеграция қурилишларида ҳамда бошқа ҳамкорлик объектларида Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига меҳнат, тинчлик ва дўстлик эстафеталари ўтказишни ташкил этиш тавсия қилинди. Совет меҳнат коллективлари билан социалистик мамлакатлар меҳнаткашлари коллективлари ўртасидаги социалистик мусобақа ривожлантирилсин, Октябрь юбилейига бағишлаб интернационал меҳнат вахталари ва сменалари, профессионал маҳорат конкурслари, дўстлик фестиваллари ва кечалари, кўргазмалар, биргаликдаги ижтимоий-сиёсий ҳамда маданий-оммавий тадбирлар уюштирилсин.

Чет элларда Октябрь ғояларини, КПСС ва Совет давлатининг ҳозирги пайтдаги сиёсатини тушунтиришга қаратилган бир қанча тадбирлар кўзда тутилди.

1987 йил ноябрида Москвада Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишлаб КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисини ўтказиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Москва ва Ленинград шаҳарларида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка ва область марказларида, шаҳарлар ва районларда меҳнаткашларнинг вакиллари, жамоат ташкилотлари, армия ва флот жангчилари иштирокида тегишли партия комитетлари ҳамда халқ депутатлари Советларининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигига бағишланган тантанали мажлисларини ўтказиш тавсия этилди.

Корхоналар, колхозлар ва совхозлар, муассасалар ва ўқув юртларида, ҳарбий қисмларда Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига тантанали йиғилишлар бўлиб ўтади.

ҚАЙТА ҚУРИШ— ХАЛҚНИНГ ЭНГ АСОСИЙ ИШИ

КПСС МК Бош секретари М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ СССР Касаба союзлари XVIII съездида 1987 йил 25 февралда сўзлаган нутқи

Съезд делегати бўлган кадрли ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети номидан съездингизни ва сизлар орқали Советлар мамлакатининг барча меҳнаткашларини кутлайман. **(Карсаклар).**

Бундан роса бир йил аввал, 25 февраль куни шу ерда, Кремлдаги Съездлар саройида КПСС XXVII съезди ўз ишини бошлаган эди. Бу съезд Ватанимиз тақдири учун, социализмнинг келажаги учун бурилиш съезди бўлди. Съезд янги жамият қурилиши соҳасида тўпланган практикани ҳеч чўчимай кенг таҳлил этиб берди, мамлакатни социал-иктисодий жиҳатдан жадаллаштиришнинг, тинчлик ва инсонпарварлик идеаллари учун курашнинг сафарбар этувчи йўлини ишлаб чикди.

Бир ой муқаддам партия Марказий Комитетининг январь Пленуми бўлиб ўтди, Пленум вужудга келган вазиятни англаб етишимизни анча чуқурлаштирди, партия ва халқнинг сиёсий фаолияти бутун жабҳаси бўйлаб қайта қуриш вазифаларини конкретлаштириб берди, ижтимоий ҳаётни демократлаштиришнинг кенгайтирилган концепциясини белгилади, революцион ўзгартиришларга тўсқинлик қилаётган барча нарсалардан халос бўлиш жараёнини қудратли тарзда жадаллаштирди.

Бир ҳафтадан сал кўпроқ вакт олдин Кремлда «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» анжумани қатнашчилари билан учрашув бўлди.

Мана шу обрўли ва ваколатли анжуман олдида Совет давлати ташқи сиёсий стратегиясининг сиёсий ва маънавий негизлари, унинг инсоният олдида турган жаҳоншумул проблемаларга ва аввало бу проблемаларнинг энг асосийси — Ер юзида ҳаётни қандай қилиб сақлаб қолиш проблемасига ёндашуви баён этиб берилганини сизлар биласизлар.

Ана шу воқеаларда давримизнинг — улкан ташаббуслар, қадриятларни қайта баҳолаш ҳамда орзу-умидларнинг мустаҳкамланиши, ижтимоий юксалиш ва янгиликнинг эскиликка қарши муросасиз кураши даврининг жўшқин мароми акс этмоқда. Бу қийин, лекин ғоят қизиқарли, жамиятнинг ўз кучига ишончи ортаётган давр, кишиларнинг граждан етуклиги ва ватанпарварларга хос тиниб-тинчимаслиги давридир.

Съездингиз амалий ишида ҳам, унда қабул қилинажак қарорларда ҳам давримиз руҳи акс этишига ишончимиз комил. **(Қарсаклар).**

Бир йил умуман олганда катта муддат эмас. Лекин ўтган йил ижтимоий жўшқинлиги билан жуда кўп нарсани ўз ичига олди. Шу билан бир вақтда биз бугун дастлабки қадамларгина қўйилганлигини тушуниб турибмиз.

Энг муҳими, бинобарин, энг қийини ҳали олдимизда турибди. Шу вақтга қадар биз асосан қайта қуришга тайёргарлик кўрдик: унинг стратегиясини ишлаб чиқдик, асосий йўлларни белгиладик, халақит бераётган, тузатиш лозим бўлган ишларни аниқладик. Қайта қуришни бошлаб юбориш учун дастлабки позицияларни белгилаб олдик.

Эндиликда қайта қуришни амалда авж олдириб юбориш лозим. Бошланган 1987 йил кўп жиҳатдан ҳал қилувчи йил бўлади. Чунки қайта қуришнинг тақдири аслида бугунги кунда ҳал этилмоқда, жадаллаштириш пойдевори қўйилмоқда.

Марказий Комитетнинг январь Пленумида таъкидлаб ўтилганидек, қайта қуриш эндиликда ғоя эмас, балки реалликдир. У омманинг онгига сингиб бормоқда, бинобарин, социализм жамиятимизни янгилаш йўлида амал қилмоқда, ишламоқда.

Биз бўм-бўш жойда ижод қилаётганимиз йўқ, қуруқ жойда ҳеч нарса қилиб ҳам бўлмайди. Бизнинг фахрланадиган, таяна оладиган ишларимиз, ҳамма нарсадан юксак қўядиган буюк қадриятларимиз бор.

Биз буюк революцияни амалга оширдик, бу революция мамлакатимизда ва дунёда воқеаларнинг боришини тубдан ўзгартириб юборди, инсоният тақдирида абадий из қолдирди.

Бизнинг социализмни амалда рўёбга чиқаришда улкан, хилма-хил ва ҳали охиригача идрок этилмаган тажрибамиз бор. Бу тажрибага муттасил мурожаат этиш, ҳаёт вужудга келтирадиган проблемаларни ленинчасига ўрганиб, ҳал қилиш керак.

Биз буюк мамлакатимиз барча халқларининг куч-ғайрати ва истеъдоди билан вужудга келтирилган ва кўпайтирилаётган улкан иқтисодий, илмий-техникавий, интеллектуал имкониятларга эгамиз.

Ҳа, ўртоқлар, биз катта йўлни, қийин ва қаҳрамонона йўлни босиб ўтдик. Аммо биз халқимизнинг революцион руҳини, социализмга, унинг олий адолатига ишончни ҳамма синовлардан олиб ўтдик.

Биз ҳаммасини уддаладик, ҳамма қийинчиликларни бартараф этдик, ҳаммасига бардош бердик. Биз омоч ва жинчироқдан космосгача мислсиз юксалишни амалга оширдик, ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган завқ-шавқни — буюк ғалабалар нашидасини тотдик.

Меҳнат билан совет кишилари барча авлодларини жипслаштириб турган умумий манфаатлар тўғрисидаги граждан ғамхўрлигининг бузилмас алоқаси, ватанпарварлигимиз, меҳнат ила ифтихоримиз, ишчиларнинг ғайрат-шижоати ва ташаббускорлиги, Улуғ Октябрь ишига дахлдорлигимиздан иборат муқаддас туйғу — тузумимизнинг буюк ғалабалари бўлиб, уни ана шу ғалабаларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Айни меҳнат аҳли, аввало революцион анъаналарга содиқ бўлган ишчилар синфи бугунги ўзгартишларнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучидир. Меҳнатсеварлик халқимизнинг ҳамиша олий маънавий фазилати бўлиб келган, маҳорат эса инсоннинг доимий асосий хислати ҳисобланган.

Бугунги кунда бизда Кемерово областидаги «Южкузбассуголь» бирлашмаси «Распадская» шахтасининг бригадири Владимир Матвеевич Гвоздев, «Трехгорная мануфактура» Москва ип газлама комбинати тўқувчиси Нина Николаевна Шчербакова, «Таллинстрой» трестининг бригадири Вяйно Александрович Саар, Бошқирдистон АССРдаги Карл Маркс номли колхоз сут соғувчиси Разифа Салиховна Ханова, Кузнецк металлургия комбинати прокат станининг оператори Валерий Макарович Колесников, Петропавловск-Камчатск савдо порти комплекс бригадасининг бригадири Евгений Петрович Размятов, Одесса областидаги «Прогресс» гўшт етиштирувчи корхонаси сут-товар фермасининг мудири Лидия Трофимовна Бабина каби одамларимиз борки, улар ўз ишларининг ҳақиқий усталаридирлар, уларга тенглашса арзийди, улардан ишлашни ўрганиш керак.

Буларни ва бошқа минглаб кишиларни бизнинг давримиз — революцион жадаллаштириш даври рўёбга чиқарди. Бундай одамларни халқимиз қайта қуриш стахановчилари деб атади. Менимча тўғри атади. Бундай кишилар бизда ҳамма жойда, кўпгина меҳнат коллективларида мавжуд.

Фақат жамиятни янгилаш учун, қайта қуриш учун курашаётганлар, оғизда ва ваъда бериш билан эмас, балки новаторларча, виждонан меҳнат қилиш билан курашаётган одамлар кун сайин кўпайиб бориши лозим.

Биз ҳаммамиз яхшиланиш сари ўзгариш тезроқ юз беришини хоҳлаймиз,

албатта. Партия олға сурган юксак мақсадлар, экономикада, социал ва сиёсий соҳада авж олиб бораётган ўзгаришлар шунга олиб келдики, уни «умидлар революцияси» деб аташ мумкин. Кўплар социал ва моддий самара тезрок бўлишини истамоқдалар. Мен буни яқинда Латвия ва Эстония меҳнаткашлари билан учрашувларим таассуротларига асосланиб гапиряпман.

Ошкора гаплашиб олайлик, ўртоқлар. Фақат бир йўл — самарали, юксак унумли меҳнат билангина жадаллаштиришга, бутун турмушимиз сифатини оширишга эришиш мумкин. Тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг ҳеч қандай механизми ўз ҳолича ҳеч нарсани яратмайди.

Ҳа, биз халқ хўжалигини бошқариш системасида, социал, сиёсий, идеология соҳаларида кўп нарсани такомиллаштиришимиз лозим. Бундай ишлар амалга оширилаётганини биласизлар. Бундан кейин ҳам улар амалга ошириловеради. Аммо умуман меҳнат этикасига қаттиқ зўр бериш керак.

Марказий Комитетнинг январь Пленумида мамлакатдаги ишларнинг аҳволи учун партиянинг, унинг раҳбар органларининг жавобгарлиги тўғрисида тўғридан-тўғри айтилди. Аммо бу ғоят муҳим бўлса-да, ишнинг атиги бир томонидир. Ишнинг иккинчи томони ҳам бор.

Ҳеч кимга сир эмаски, «қўл учида» ишлаш, ишламай топилган иш ҳақи, ҳуда-беҳуда мукофотлар, ўзаро талабчанликнинг йўқлиги, контролсизлик ва масъулиятсизлик вазияти кўп одамларга қўл келар эди, баъзи бировларга ҳозир ҳам қўл келяпти.

Шу нарса равшан бўлиши керак: бизнинг ҳақли моддий ва социал жиҳатдан кутаётган нарсаларимиз рўёбга чиқиши учун вақт ва куч-ғайрат, амалий ҳаракат керак.

Қайта қуриш — ҳар бир кишининг — ишчи, колхозчи, хизматчи, инженер, олим, ўқитувчи, министр, партия ходимининг ўз жойида келтирадиган самарасини оширишдир. Ҳамма жойда ва ҳамиша ҳам айнан шундай бўляпти, деб айта олмаймиз.

Марказий Комитетнинг январь Пленумида биз ўтган йили эришилган ижобий ўзгаришларга баҳо бериб, совет халқи партиянинг сиёсатини, унинг қайта қуриш йўлини астойдил қўллаб-қувватлаётганлиги ана шу ўзгаришларда акс этганлиги тўғрисида гапирдик. Лекин йилнинг бошланиши ижобий силжишлар ҳали иқтисодий ривожланишнинг барқарор тенденцияси бўлиб қолмаганлигини кўрсатди. Металлургия, химия, электрон саноатида қийинчиликлар ўтган йилнинг иккинчи ярмиданоқ кўпая бошлади. Лекин, на министрликларда, на Госпланда, на СССР Госснабида бунга тегишли эътибор беришди, ана шу тармоқлардаги кўпгина корхоналарнинг ходимлари ҳам вужудга келган аҳволни ўнглаб олиш учун ўз вақтида ҳаракат қилмадилар.

Январь ойининг якунлари шуни кўрсатдики, ҳам марказда, ҳам жойларда кўплар хўжалик юритишнинг янги методларига оммавий равишда ўтиш чоғида корхоналар ва бирлашмалар фаолиятига нисбатан талабчанлик ошган шароитларда ишлашга бўш тайёргарлик кўрганлар.

Ҳозир аҳвол ўнгланмоқда, лекин жуда секин ўнгланмоқда. Партия Марказий Комитети ишчилар синфи, барча меҳнаткашлар ҳозирги пайтнинг масъулиятини, белгиланган планларнинг бажарилишини жадаллаштириш иши учун, экономикани ривожлантиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшиш учун масъулият муҳимлигини тушуниб етишларига умид қилади.

Ҳозир биз жамиятимиздаги вазиятни тубдан ўзгартириб юборишни истаймиз, чунки олдин қандай яшаганлигимиз, қандай ишлаганлигимиз энди бизни қаноатлантира олмайди. Лекин ўзи бўларчилик ва бўшашувчанлик кучларини узил-кесил тугатмасдан ҳеч иш чиқара олмаймиз, бу кучлар мамлакатимизни турғунлик ва ғафлат ҳолатига яна тортиб кетиши мумкинлиги билан хавфлидирки, бундай ҳолат жамиятнинг қотиб қолиши, социал бузилишлар билан таҳдид қилади. Шу ўринда мен январь Пленуми ўй-режаларига яна бир тўхталиб ўтмоқчиман.

Биз 1985 йил апрель Пленумини ўтказдик. Бу — тасодифий ҳодиса эмас, албатта. Пленум мамлакатда идрок этилган, тўпланган нарсаларни ифодалай

олди. У жамиятдаги ишларнинг аҳволини танқидий таҳлил қилиб берди, жадаллаштириш концепциясини ишлаб чиқишни мақбул деб топди.

Биз апрель Пленуми ғояларини партия ва халқимиз қандай кутиб олганини кўрганимиздан кейин тўғри йўлдан бораётганимизга ишонч ҳосил қилдик.

Апрель Пленумидан кейин, июнь ойида фан-техника тараққиёти масалалари юзасидан катта кенгаш ўтказдик, ана шу кенгаш асосида машинасозлик ҳамда халқ хўжалигининг бошқа бир қанча тармоқларини ривожлантиришнинг муҳим программаларини ишлаб чиқдик, хўжалик механизмини, шу жумладан экономиканинг ўзаро боғлиқ бўлган тармоқлари группаларини бошқаришни такомиллаштириш тадбирларини белгиладик.

Буларнинг ҳаммаси апрель Пленуми негизида XXVII съезд концепциясини тузиш учун асос бўлди. Бу концепция сизларга маълум, ўртоқлар.

Съезддан сўнг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг стратегик йўлини амалда рўёбга чиқариш вазифаси ўртага қўйилди. Илгари ҳам экономикани юксалтириш юзасидан кўпгина яхши қарорлар қабул қилинганлигини биласизлар, лекин бу қарорлар бажарилмай қолиб кетарди.

Агар биз ижтимоий ҳаётни қайта қура бошламасак, партиядаги, жамиятимиздаги бутун муҳитни соғломлаштирмасак, жадаллаштириш мумкин бўлмаслигини КПСС Марказий Комитети англарди. Ана шундай бир пайтда Марказий Комитетнинг қайта қуриш назариясини ишлаб чиқиб, янги босқичда кадрлар сиёсати вазифаларини белгилаб берадиган Пленумига тайёргарлик тўғрисидаги масала кўтарилди. Январь Пленумининг асосий моҳияти ана шундай эди.

Унга тайёргарлик қийин иш бўлиб чиқди. Шуни айтиш кифояки, биз Пленум ўтказиш вақтини уч марта қолдирдик, чунки асосий масалалар равшан бўлмагач, Пленумни бошлай олмас эдик. Апрелдан олдинги вазиятнинг таҳлилини чуқурлаштириш, ундан сабоқ чиқариб олиш ва энг муҳими — қайта қуриш жўшқин давом этиши ва тўхтаб қолмаслиги учун нималар қилиш кераклигини таклиф этиш лозим эди. Агар биз бу Пленумда камчиликлар ва қийинчиликларни қайд этиш билангина чекланиб қолиб, қайта қуришнинг конкрет йўналишларини таклиф этмаганимизда, бундай Пленумнинг нафи кам бўларди. Биз ҳаммани ҳаяжонга солаётган асосий саволга — қандай қилиб қайта қуришни муқаррар жараёнга айлантириш керак, хатолар такрорланмаслиги учун нима қилиш керак — деган саволга жавоб беришга мажбур эдик. Марказий Комитетнинг Сиёсий бюроси: агар қайта қуришга экономика соҳасида ҳам, социал соҳада ҳам, сиёсат соҳасида ҳам, маънавий соҳада ҳам, бошқариш соҳасида ҳам асосий ҳал қилувчи куч — халқ қаттиқ киришмаса, у бир жойда тўхтаб қолади, деган якдил хулосага келди. Қайта қуриш муқаррар бўлиб қолиши учун, ўтмишдаги нарсалар такрорланмаслиги учун ҳамма нарсани яна халқ контроли остига олиш лозим. Бу вазифаларни ҳал этишнинг ягона йўли бор, у ҳам бўлса совет жамиятини кенг демократиялашдир.

Январь Пленумига қадар: бу жараён тўхтаб қолмасмикан деган савол ҳаммани ташвишга соларди.

Январь Пленуми қайта қуриш муқаррар тус олганига жамиятдаги ишончни мустаҳкамлади. Чунки қайта қуриш муқаррарлигига ишонч аҳоли кўпгина қатламларининг позицияларини ҳозир жуда активлаштириб юборди. Кутиб турувчилар ва кузатиб турувчилар оз эмасди. Эндиликда улар фаол ҳаракат қилувчилар қаторига ўтмоқдалар. Лекин бу жараён осон ўтаётгани йўқ, қийинчилик билан кўчмоқда.

Хўш, гап нимада? Шу вақтга қадар биз социал-иқтисодий ривожланиш концепциясини ишлаб чиқиш даражасида эдик — апрель Пленуми, XXVII съезд, июнь Пленуми ана шу даражада эди. Лекин эндиликда қайта қуриш жараёни амалиётга чуқур йўл олди ва у баъзи ҳолларда давлат қабули орқали, бошқа ҳолларда ўз харажатларини ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш орқали, учинчи ҳолда — сайлаб қўйиш орқали, тўртинчи ҳолда — контрол, ошкоралик, танқид ва ҳоказолар орқали бормоқда.

Бу ўринда кутилмаган ҳеч нарса йўқ. Қайта қуриш жараёни жамият

турмушининг ҳамма соҳаларини қамраб олмоқда, барча социал группаларнинг манфаатларига дахл қилмоқда. Чинакам революцион ўзгартишларга хос хусусият сифатида қайта қуриш баъзи кишиларни руҳлантириб, уларга янги куч бахш этмоқда, айрим кишиларни саросимага солиб қўймоқда, яна бир хил кишиларга эса рўй бераётган ўзгартишлар мутлақо ёқмаяпти. Қўл учида ишлашга, ҳамма ишни таваккалига қилаверишга одатланиб қолган, беғам, сусткаш, ташаббуссиз кишиларга бу ўзгартишлар айниқса ёқмаяпти. Бу ўзгартишлар шу дамгача корхонада, районда, шаҳарда, лабораторияда коллективнинг, меҳнаткашларнинг фикри билан ҳисоблашмай, ўз маҳрига тушган жойдек иш кўриб келган кишиларга ҳам ёқмаяпти. Қуюшқондан чиқавериш вазиятидан давлат мулкини талон-торож қилиш, бойлик орттириш, қонунларимизни ва ахлоқ нормаларимизни сурбетларча менсимай иш кўриш учун фойдаланиб келган кишиларга ёқмаётганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Қайта қуришга қаршиликнинг, амалий ҳаракатлардаги имиллашнинг, кийин дамлар ўтишини пойлашга интилишнинг манбалари мана шулардан иборат.

Яна бир карра айтаман: бу ўринда принцип жиҳатдан кутилмаган ҳеч нарса йўқ. Аксинча, башарти қайта қуриш ҳаммага — софдилларга ҳам, нопокларга ҳам, меҳнатчиларга ҳам, дангасаларга ҳам, актив, принципиал кишиларга ҳам, ҳаддидан ошган ходимларга ҳам маъқул келаверадиган бўлса, ажабтовур бўлур эди. Бу — бизнинг сиёсатимизда бирон-бир нарса пухта ўйланилмаганини, бирон-бир нарса амал қилмаётганини, бирон-бир нуқсон борлигини билдирган бўлур эди. Аммо бу ўринда сиёсий бир нозиклик борки, уни эътиборга олмасдан бўлмайди. Мен қайта қуришнинг ғаразли душманларини эслатиб ўтдим. Бироқ ҳозирги пайтнинг муайян драматизми шундан ҳам иборатдирки, қайта қуришга қарши бўлган кишилар орасида беғараз, софдил бўлсалар ҳам, аммо ҳозирча эски тасаввурлар асири бўлиб қолаётган, жамият олдида вужудга келган проблемаларнинг ўткирлиги ва қалтислигини англаб олмаган кишилар ҳам бор. Биз уларга ишонтириш йўли билан таъсир ўтказишимиз, ишимизнинг ҳаққонийлиги, қайта қуришнинг муваффақияти орқали уларнинг ишончини қозониш билан таъсир ўтказишимиз керак. Бундай кишиларга ўзларининг ҳақиқий манфаатларини тушуниб олишда, умумий сафдаги ўз ўрнини топишда ёрдам бериш бизнинг бурчимиздир.

Умуман, эндиликда қайта қуриш ҳаммага: Марказий Комитет Сиёсий бюросининг аъзоларига, Марказий Комитет секретарларига, ҳукумат аъзоларига ҳам, ишчиларга ҳам, колхозчиларга ҳам, зиёлиларга ҳам тааллуқли бўлиб турибди. Бутун жамиятга тааллуқли бўлиб турибди. Ҳамманинг ва ҳар бир кишининг манфаатларига дахлдор бўлиб турибди. Мана шу ўринда мен Лениннинг синфнинг шу дамдаги манфаатларини унинг туб манфаатларидан фарқ қила билиш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмасини эслатиб ўтмоқчиман.

Ҳа, ҳозир қайта қуриш бизнинг шу дамдаги манфаатларимизга дахл қилмоқда. Аммо у меҳнаткашларнинг узоқ муддатли туб манфаатларига мос бўлиб тушади, биз мана шуни англаб олишимиз зарур. Буни англаб олиш принципиал аҳамиятга эгадир.

Бу — жуда муҳим қоидадир.

Қайта қуриш социализмнинг имкониятларини намоён қилиши, жамиятни янги марраларга олиб чиқиши, барча соҳаларда: иқтисодий, социал, маънавий соҳаларда турмушнинг янги сифатига эришишни таъминлаши, социализмни мустаҳкамлаши лозим. Боя айтганимдек, қайта қуриш меҳнаткашларнинг туб манфаатларига мос келади. Башарти бу нарса ҳозир сиз билан бизга бирон-бир тарзда дахл қилаётган бўлса, бу нарсани осойишталик билан обдон таҳлил этиш, вазиятни холисона баҳолаш керак, бу соҳада вужудга келаётган муаммоларнинг ўткирлигини камайтириш учун у ёки бу амалий чораларни кўриш лозим.

Жамият олдида турган вазифаларни ҳал қилиш учун бизнинг зарур сиёсий тажрибамиз ва назарий потенциалимиз бор. Бир нарса равшан: қайта қуриш йўлидан албатта олға бориш керак. Агар қайта қуриш барбод бўлса, бунинг

оқибатлари умуман жамият учун ҳам, ҳар бир совет кишиси учун ҳам жуда таҳликали бўлади.

Биз танлаб олган йўл — тўғри йўл. Биз социализмдан четлашаётганимиз йўқ, балки қайта қуриш орқали социалистик тузумнинг потенциалини кучайтиряпмиз. Демократиядан четлашаётганимиз йўқ, балки меҳнаткашларнинг манфаатлари йўлида демократияни кучайтиряпмиз.

Хўш, мана шуларнинг ҳаммасидан воз кечайликми? Қайта қуриш дахл қилаётган, ўйлашга ва ҳаракат қилишга, янгичасига ишлашга мажбур этаётган кишиларга ёқиш учун қайта қуришдан воз кечайликми? Агар шундай қиладиган бўлсак, бу — сиёсат бўлмай, балки кимларнингдир манфаатларига ва даъволарига хизмат қилиш бўлур эди. Аммо КПСС Марказий Комитети билан ҳукумат бундай қилмайдилар. Бу ерда сизларнинг съездингизни ва сизлар орқали мамлакат меҳнаткашларини шунга ишонтирмоқчиман. **(Қарсаклар).** Касаба союзлари съездининг делегатлари ва барча совет кишилари ҳам шу фикрга қўшилишларига аминман. Биз айни мана шунга умид қиляпмиз. **(Қарсаклар).**

Яна бир бор айтаман. Биз социалистик демократизмни изчиллик ва сабот билан чуқурлаштиришимиз керак. Совет халқининг жуда катта социал ва сиёсий тажрибаси бор. Мамлакатда улкан интеллектуал потенциал вужудга келтирилган. Ҳозир ишлаб турган ва ўз зиммасига масъулиятни олаётган авлодлар — социализм шароитида туғилиб ўсган авлодлардир.

Социализм — меҳнаткашлар тузуми. Социалистик давлатда рўй бераётган ҳамма воқеалар — халқнинг ишидир. Шу сабабли биз ошкоралик тарафдоримиз. Ошкоралик кампания эмас, балки норма бўлиши керак. Биз танқид, ўз-ўзини танқид тарафдоримиз — бу ҳам турмушимизнинг нормаси бўлиши керак. Ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид каби демократиянинг кучли формалари бизга ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларида туб ўзгартишларни амалга ошириш учун керак.

Бу — ўтмиш хатоларини такрорламаслик кафолатидир, бинобарин, қайта қуриш муқаррарлигининг кафолати ҳамдир.

Демократлаштиришни кенгайтириш баъзи кишиларда: биз жамиятни издан чиқариб юбормаймизми, бошқарувни заифлаштирмаймизми, интизомга, тартибга, масъулиятга нисбатан талабларни камайтириб юбормаймизми?— деган саволни туғдирмоқда. Бу — бениҳоя муҳим масала, бу масалада ҳаммамизда тўла равшанлик бўлиши керак.

Очиғини айтсам, кимдаки бундан буёнги демократлаштириш мақсадга мувофиқлигига шубҳа туғилаётган бўлса, битта катта камчиликка, катта сиёсий аҳамият ва моҳиятга эга бўлган камчиликка йўлиққан,— у халқимизга ишонмайди. Гўё халқимиз демократиядан жамиятни издан чиқариш ва интизомни бузиш, тузумнинг мустаҳкамлигига путур етказиш учун фойдаланар эмиш. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз, деб ўйлайман. **(Давомли қарсаклар).**

Демократия — тартибнинг акси эмас. Аксинча, демократия — ўйламай-нетмай итоат қилишга, кўр-кўрона ижрочиликка эмас, балки барча ишларда жамият аъзоларининг тўла ҳуқуқ билан, ташаббус билан иштирок этишига асосланган янада юқорироқ даражадаги тартибдир.

Демократия — интизомнинг акси эмас. Аксинча, демократия меҳнат аҳлининг онгли интизоми ва уюшқоқлигидир, мамлакатнинг реал хўжайини эканини ҳис қилиш, коллективизм, барча гражданларнинг манфаатлари ва куч-ғайратлари бирдамлиги мана шу интизом ва уюшқоқликнинг асосидир.

Демократия — масъулиятнинг акси эмас, назоратсизлик ва қуюшқондан чиқиш эмас. Аксинча, демократия — совет кишиларининг гражданлик етуклигига ва уларнинг ижтимоий бурчни англашига ишонишга асосланган жамиятнинг ўз-ўзини назорат қилишидир, демократия — ҳуқуқлар ва вазифаларнинг бирлигидир.

Демократияни чуқурлаштириш — осон иш эмас, албатта. Бу ўринда ҳамма нарса дарҳол силлиққина юришиб кетмаса, агар жарликлар учрамаган тақдирда ҳам, ўйдим-чуқурлар учрайдиган бўлса, бундан чўчимаслик керак. Аммо бизнинг жамиятимиз — етук, партиямиз — кучли. Социалистик тузум

халқ мададкорлигининг жуда мустаҳкам пойдеворига таянади, айни турмушимизнинг демократизмидан куч олади. Бизда демократия нақадар кўп бўлса, биз қайта қуриш, социалистик янгиланиш йўлидан шу қадар тезроқ олға борамиз, социалистик хонадонимизда тартиб ва интизом шу қадар кўпроқ бўлади. **(Қарсаклар).**

Хуллас, ҳозир масала шу тарзда турибди: ё демократлаштириш бўлади ёки социал сусткашлик ва консерватизм бўлади. Учинчи йўл йўқ, ўртоқлар.

Мен яқинда бизга демократия бирон-бир кимсага яхши кўриниш учун, демократия ўйинини ўйнаш учун керак эмаслигини айтган эдим. Демократия бизга турмушимиздаги кўп нарсаларни ўзгартириш учун, одамларнинг ижодкорлигига, янги ғояларга, ташаббусларга имкон бериш учун керак.

Ўртоқлар! Қайта қуриш янги истиқболлар очади, совет касаба союзлари олдига янги вазифалар қўяди.

Хўш, шу муносабат билан касаба союзларининг биринчи навбатдаги вазифалари нималардан иборат. Тушунишимча, мунозарангизда, С. А. Шалаевнинг докладида ҳам айни шу масала марказий масала бўлиб турибди.

Менинг ҳам бир неча мулоҳазалар айтишимга ижозат бергайсизлар.

Бу вазифалар, уларни ҳал этиш йўллари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган икки йўлдан ўтади. Бу йўлларнинг бири — умуман жамиятда касаба союзларининг ўрни, уларнинг конституцион ҳуқуқлари ва вазифалари, партия билан, давлат ва унинг органлари — министрликлар ва идоралар билан, бошқа жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларидир. Иккинчи йўл — касаба союзларининг бевосита меҳнат коллективларидаги фаолияти, уларнинг омма билан, конкрет, жонли кишилар билан кундалик ва хилма-хил алоқаларидир.

Мамлакат яшаб турган ва ишлаётган янги шароитлар, биз ҳал қилаётган вазифалар касаба союзларининг ижтимоий турмушдаги ролини ҳам янгича идрок этишга мажбур қилмоқда.

Қасаба союзларининг қайта қуриш шароитидаги янги ролини мен аввало шундан иборат деб биламанки, улар экономикада кейинги йилларда анчагина кенг тарқалган технократик журъатсизликларга ўзига хос кушанда бўлишлари, қабул этилаётган хўжалик қарорларининг социал йўналишини кучайтиришга ҳаракат қилишлари лозим. Бунинг маъноси шуки, касаба союзлари планларнинг социал бўлимларини ишлаб чиқишда актив қатнашишлари, зарур ҳолатларда эса ўзларининг муқобил таклифларини ўртага қўйишлари керак.

Боз устига — касаба союзлари умумдавлат микёсида ишлаб чиқариш вазифаларини ҳал этишда ва социал соҳани ривожлантиришда узилиш бўлишига йўл қўймасликнинг актив жонкуярлари бўлиб майдонга чиқишлари зарур. Ўтмишда бундай узилиш содир бўлганлиги маълум, шу пайтгача биз бунинг азобини тортяпмиз, шу боисдан ҳозир аҳволни тузатиб олиш учун жуда кўп куч-ғайрат сарфлаш керак.

Бу ишга актив киришиш керак, ўртоқлар. Башарти, қонун йўли билан ҳал этишга муҳтож проблемалар бўлса,— бу соҳада ҳам касаба союзлари учун йўл очиқ.

Қасаба союзларининг бу хусусдаги таклифларини партия билан давлат раҳбарлиги доимо жуда самимий эътибор билан кутиб олади, бажонидил қўллаб-қувватлайди. Умуман очиғини айтаман: биз касаба союзларининг янада активроқ ишлашидан манфаатдормиз. Менинг танқидим баъзи касаба союз ходимларига тегиб кетгандир, мен Кубанда бўлган пайтимда: айрим касаба союз ходимлари хўжалик раҳбарларининг ноғорасига ўйнамоқдалар, деган гапим эсингизда бўлса керак. Бу танқидий мулоҳазанинг маъносини тушуниб олдингиз деб ўйлайман: ўзингизнинг қатъий позициянгизга эга бўлишингиз ва меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлини қатъият билан ўтказишингиз лозим. **(Қарсаклар).**

Қардош социалистик мамлакатлардаги касаба союзларининг, халқаро касаба союз ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳам кўпгина фойдали ва қимматли фикрлар бериши эҳтимолдан холи эмас.

Бу иш қандай мақсадларга бўйсундирилиши, унинг пировард самараси, одамларга ва жамиятга келтирадиган фойдаси — бу соҳадаги асосий мезондир.

Инсон ҳаётининг жамики қувончлари ва ташвишлари — касаба союзларининг иш майдонидир. Демак, ҳаётий масалалар — одамларнинг меҳнати, сиҳат-саломатлиги, турмуши, дам олиши масалаларини ҳал этишда касаба союзлари ҳужумкорлик, ишчанлик билан актив ҳаракат қилишлари керак.

Масалан, бизнинг ниҳоятда ўткир проблемаларимиздан бири — уй-жой проблемасини олиб кўринг. Маълумки, партия яқин уч беш йиллик мобайнида амалда ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки якка тартибда қурилган уй билан таъминлашдан иборат ғоят муҳим социал вазифани ўртага қўйган. Биз барча йўллар — давлат йўли билан ҳам, меҳнат коллективларининг йўли билан ҳам куч-ғайратларни ошириб бормоқдамиз. 1986 йилда ундан олдинги йилга нисбатан 5,2 миллион квадрат метрдан кўп уй-жой қурилди. Бу ўсиш ҳам чегара эмас.

Ёшларнинг уй-жой комплекслари тузилмоқда, хўжалик усулида уй-жойлар барпо этиш кенгайтирилмоқда. Давлат ўз пуллари ҳисобига уй қурмоқчи бўлган меҳнаткашларга имтиёзлар бериш йўлини тутмоқда.

Ўзларингиз биласизки, мен ўтган ёз фасли Узоқ Шарқда бўлиб, у ерда уй-жой муаммоси қанчалик ўткир эканини ўз кўзим билан кўришга тўғри келган эди. Мамлакатнинг бошқа регионларида ҳам уй-жой муаммосининг ўткирлиги бундан кам эмас. Болтиқбўйига қилган сафарим буни ҳам яна бир бор кўрсатди.

Бунда энг муҳими ҳатто маблағларда ҳам эмас, балки қурилиш ташкилотларининг қувватларида, уй-жой қурилишини зарур моддий ресурслар билан таъминлашдадир. Бу борада маҳаллий органлар кўп иш қилишлари керак. Бир қанча республикаларда, областлар, шаҳарлар ва районларда ҳозирдаёқ шундай қилинмоқда ҳам.

Уй-жой проблемасини ҳал этиш — умумхалқ вазифаси, зотан унга ҳамма бир ёқадан бош чиқариб киришиши керак.

Барча меҳнат коллективлари Горький ва Минск автомобилсозлари, Воскресенск кимёгарлари, Куйбишев металлурглари каби актив ҳаракат қилишлари лозим. Қасаба союзлари хўжалик органлари билан биргаликда бу халқ ташаббусини бутун мамлакат бўйлаб кенг ёйишлари керак. Бу жуда катта резервдир, ўртоқлар, одамлар ҳам бу вазифани тезроқ ҳал этиш учун мамлакатнинг бутун куч-ғайратини шу соҳада бирлаштириш зарурлигини тушунадилар.

Қасаба союзлари конкрет инсонни диққат марказига қўйиб, энг қимматли бойлик — одамлар саломатлиги, самарали медицина хизмати тўғрисида, меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ҳақида сабот билан ғамхўрлик қилишлари керак.

Ичкиликбозликка қарши курашда ҳам куч-ғайратларни сусайтириб бўлмайди. Бу кураш кўпгина ижобий ўзгаришларга олиб келди. Аввало бу кишиларнинг саломатлигига, жамиятимиздаги тартибга тааллуқлидир. Лекин бу соҳада талайгина проблемалар сақланиб қолмоқда.

Ҳозирча бизда меҳнатга вақтинча қобилиятсизлик туфайли иш вақтининг зое кетаётганлиги йил сайин «виждонан» қайд этиб борилмоқда. Саноатнинг ўзидагина бундай нобудгарчилик прогуллар, бекор туриб қолишлар, маъмуриятнинг рухсати билан ишга чиқмаслик сабабли зое кетаётган иш вақтига қараганда 10 баравар ортиқдир.

Ҳозир мана шу масалалар юзасидан муҳим қарорлар тайёрланди. Қасаба союзлари катта давлат аҳамиятига молик бу ишга ўз ҳиссаларини қўшиши керак. Ҳозир мамлакатимизда соғлиқни сақлашни янада яхшилаш юзасидан қарорларнинг бутун бир комплекси тайёрланди.

Яна бир нарса ҳақида. Биз социалистик мусобақадаги расмиятчилик тўғрисида жуда кўп гапирган бўлсак ҳам, ўзгаришлар деярли кўринмаяпти. Ваҳолонки, ҳозир бизга мусобақа аввало ишчиларнинг ижодкорлиги, ташаббускорлигини ҳамда ақл-заковат, талантнинг мусобақалашишини, ташкилий ишлар санъатини авж олдириш, илғор тажрибани ўзлаштириш учун зарур.

Неча йиллардан буён гапириб келаётган ишни жиддий равишда амалга ошириш — социалистик мусобақа системасини сифат, ресурсларни тежаш, шартномалар бўйича маҳсулот етказиб беришни қатъий бажариш кўрсаткичла-

рига қаратиш пайти келди. Бу социалистик мусобақа асосланиши лозим бўлган негизлардир. Бу касаба союзларининг устун роли шак-шубҳасиз бўлган айни ўша соҳадир. Бунда алоҳида кўрсатмаларни кутиб турмангиз. Бу масалаларни ҳал этаверингиз, асосий талаб сизлардан.

Шундай экан, дарҳол айтиб қўяйки, касаба союзлари чинакам мусобақанинг йўқлигига, сохта кўрсаткичларга, мусобақа формаларининг ошиб-тошиб кетганлигига кўникиб қолишган. Мусобақанинг бундай формаларида нормал одам энди нима қилишини билмай қолади — чунки бунда ҳамма нарса жуда чалкашиб кетган. Баъзан ҳатто касаба союзлари ёрдамида мусобақа соҳасига қандайдир «қоғоз двигатель» қўйилган бўлиб, у мусобақадошлар бор ёки йўқлигидан қатъи назар айланаверишга қодирдек туюла бошлайди. Қоғозлар эса оқиб келаверади.

Мусобақани заминга, цехларга, бригадаларга қайтариш, уни реал, энг муҳим вазифаларни ҳал этишга бўйсундириш, энг яхши тажрибани ўзлаштиришдан, ўз ишини такомиллаштиришдан ва ўзларини камол топтиришдан манфаатдор бўлган меҳнаткашларнинг ишига айлантириш керак.

Хуллас, ўртоқлар, юмушларингиз тўлиб-тошиб ётибди. Жамиятни изчиллик билан демократлаштириш шароитида касаба союзларининг роли муттасил ошиб, иқтисодий ва социал сиёсатни амалда рўёбга чиқариш учун уларнинг масъулияти кучайиб, маданий-тарбиявий вазифалари эса анча мураккаб ва ғоят хилма-хил бўлиб бораверади.

Ҳозирги шароитда касаба союзларининг роли қандай бўлиши керак, деган мавзуни давом эттириб, қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Қайта қуриш тақдири кабинетларда эмас, балки меҳнат коллективларининг амалий ишларида ҳал бўлади. Меҳнат коллективи — қайта қуришнинг марказий ячейкасидир, зотан ҳамма нарса пировард натижада ундаги кайфият қандайлигига, ишлар янгича қандай авж олдирилишига боғлиқдир.

Аслини олганда бу инсоннинг ўз коллективидаги, шу тариқа эса умуман жамиятимиздаги реал мавқеи проблемасидир.

Унинг меҳнати қандай ташкил этилган, бу меҳнат қанчалик унумли ва унга қандай ҳақ тўланаяпти, меҳнат натижалари билан инсон эҳтиёжларини қондириш даражаси ўзаро қай даражада боғлиқ, ишдаги ўртоқлар, турдош корхона ходимлари, барча даражадаги раҳбарлар билан уларнинг қўл остидаги кишилар ўртасидаги муносабатлар қандай йўлга қўйилган?

Бунда оддий ва равшан боғлиқлик бор: меҳнат коллективларида иш қандай борса бутун жамиятдаги ишлар ҳам шундай боради. Юксак унумли меҳнатни ташкил эта олсак, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлай олсак мамлакатнинг бутун экономикаси юксалади. Коллективларда тартиб ва уюшқоқлик бўлса бутун жамиятимизда ҳам шундай бўлади. Биз ҳаммамиз коллективда нормал инсоний муносабатларни ўрнатишни ўрганиб олсак, маънавий-психологик муҳитни соғломлаштирсак — мамлакатимиздаги бутун ижтимоий муҳит ҳам худди шундай соғлом бўлади.

Партия Марказий Комитети давлат корхоналари (бирлашмалари) тўғрисидаги Қонунга катта аҳамият бермоқда. Бу Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилди. Қонун лойиҳасида аслини олганда хўжаликни бошқаришнинг янги идеологияси асос қилиб олинган. Биз бу мутлақ ҳақиқат, бу бутунлай тугалланган ҳужжат деб ҳисобламаймиз. Агар биз лойиҳага шундай ёндашадиган бўлсак, у ҳолда унинг умумхалқ муҳокамасига зарурат бўлмас эди. Биз бу ҳужжатда жамиятимизда уни кенг муҳокама қилиб, барча фикр ва мулоҳазаларни диққат-эътибор билан ўрганиб, давлат корхоналари тўғрисида яхши қонунни ишлаб чиқиш учун дуруст асос бор, деб ҳисоблаймиз. Бу Қонун экономиканинг асосий бўғинида хўжалик юритиш шарт-шароитлари ва методларини тубдан ўзгартириши, корхоналарнинг фаолиятида планли асос билан тўла хўжалик ҳисоби, мустақиллик ва жавобгарлик қўшиб олиб борилишини қонун йўли билан мустаҳкамлаши, ўз-ўзини бошқаришнинг янги формаларини қонунлаштириши керак.

Дастлабки йигирматача тармоқлараро илмий-техника комплекслари тузилганлиги, ишлаб чиқариш тармоқларида меҳнатга ҳақ тўлашни ошириш

янги принциплари жорий этилганлиги, 1500 та етакчи корхонада маҳсулотнинг давлат қабулига ўтилганлиги, бир қанча ишлаб чиқариш коллективларида икки-уч сменали иш ўзлаштирилганлиги, ишлаб чиқариш ва хизмат соҳаларида кооператив формалар кенг ривожлантирилаётганлиги, коллектив ва оилавий пудрат оммалаштирилаётганлиги каби принципиал характердаги тадбирларни ҳам айтиб ўтаман. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин бўлур эди.

Кўриб турибсизларки, ўзгартишлар кенг кўламда ва муттасил давом этмоқда. Шундай бўлса-да, чинакам янгичасига ишлаш ҳали эндигина авж олдирилмоқда.

Меҳнат коллективининг ишлаб чиқаришдаги турмушини назарда тутадиган бўлсак, у ҳолда бу ердаги энг асосий ўзгаришлар хўжалик механизмини қайта қуриш бошланганлиги, хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга, ўз харажатларини ўзи қоплашга, ўз-ўзини бошқаришга ўтилаётганлиги билан белгиланади, деса бўлади.

Аммо, ўртоқлар, ҳар бир меҳнат коллективида бу тадбирлар юқоридан тиқиштирилган бир нарса эмас, балки ўзининг яқин ва жонажон иши сифатида қабул қилинган тақдирдагина улар чинакамига иш беради.

Турмушга хос тарзда фикр юритадиган бўлсак, хўжалик ҳисоби кимга керак, у кимга наф келтиради? У ҳалол меҳнат қилаётганларга керак ва уларга наф келтиради. У мамлакатга, ҳар бир меҳнаткаш оиласига, ҳар бир меҳнат аҳлига керакдир.

Хўжалик ҳисоби ким учун хатарли? Бюрократ учун хатарли, чунки унинг кимлигини яққол кўрсатиб қўяди. Сафсатабозга хатарли, чунки унинг ҳеч нарсага қодир эмаслигини дарҳол фош этади. Дангасага, халтурачига хатарлидир, чунки у жамият ҳисобига эришиладиган ва барча ҳалол меҳнаткашларга қимматга тушаётган уларнинг текинхўрларча тараллабедод қилиб юриши асосларининг ўзига зарба уради.

Биз ҳаммамиз жамиятда, шу жумладан иқтисодий соҳада, ҳар бир совет гражданинининг турмушида ҳам меҳнат коллективининг ролини идрок этишга янгича ёндашмоғимиз керак.

Меҳнат коллективидан бошқа ким ҳар бир кишининг ижтимоий қиёфасини чинакамига кўриши, социал адолат мезонини ялпи ва умумий тарзда эмас, балки конкрет равишда, яъни номма-ном белгилаб бериши мумкин?

Имкониятлар қаерда тугаганлигини, ҳали яширинган талайгина резервлар қаерда борлигини ҳаммадан кўра ким яхшироқ билади?

Имкони бўлган ҳамма ишларни қаерда ва ким ҳалол бажарган-у, қаерда «қўл учида» ишлаши норма бўлиб қолган?

Ниҳоят, инсон ўзининг чинакам соҳиб сифатидаги ҳуқуқ ва бурчларини ўз коллективида, ўз иш жойида намоён қилмасдан қаерда намоён қилсин?

Кейинги вақтларнинг тажрибаси актив ҳаётий позициядан воз кечиш, умуман жамиятгагина эмас, шу билан бирга ҳар бир кишига ҳам қимматга тушаётганлигини мутлақо равшан кўрсатди, деб ўйлайман. Тўғрисини айтсам, ҳар бир киши бунда ўзининг шахсий эҳтиёжини, шахсий масъулиятини ҳис этмас экан, ўзини хўжайин деб билмас экан, биз бундай вазиятни ўзгартира олмаймиз.

Ўртоқлар, қуйидаги ҳолни атайин таъкидлаб ўтмоқчиман. Ҳозирги «хўжалик ҳисоби» вазиятида меҳнат коллективлари, касаба союзлари социал программаларни амалга оширишда давлатнинг кучли шериги бўлиб қолмоқдалар.

ВЦСПС, касаба союзларининг республика Советлари ҳозир меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб қонун чиқариш ташаббуси ҳуқуқидан кенгроқ фойдаланишлари ва зарур бўлиб қолган тақдирда, меҳнат коллективларининг имтиёзларига хўжалик органларининг путур етказиш йўлидаги уринишларига яна ҳам зўр ғайрат билан қаршилик кўрсатишлари мумкин бўлур эди, деб ўйлайман. Касаба союзларининг розилигисиз ишлаб чиқариш планларининг ўзгартирилиши, иқтисодий рағбатлантириш фондларидан маблағларнинг олинаётганлиги, бошқа хил бузишларга йўл қўйилаётганлиги ярамайди. Касаба

союзлари бундай аҳволга тоқат қилмасликлари керак. Биз уларни қўллаб-қувватлайверамиз. **(Қарсаклар).**

Афтидан, ВЦСПСнинг касаба союзларига уларнинг рухсатисиз қабул қилинган ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига, меҳнат ва дам олиш режимига тааллуқли қарорларнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйиш, хилма-хил молларга нарх ва хизматларга тарифларни белгилаш сиёсатини ишлаб чиқишда актив қатнашиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифи эътиборга сазовор бўлса керак. Қасаба союзлари социал аҳамиятга эга объектлар ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш объектлари барпо этилаётган корхоналарнинг ишга тушириладиган комплексларидан чиқариб ташланган тақдирда ҳам худди шундай қатъий ҳаракат қилиш имкониятига эга бўлишлари керак.

Аммо бунда шундай бир ҳодисага эътибор бермай бўлмайди: ҳозирча кўпгина касаба союзлари қайта қуришнинг, шу жумладан меҳнаткашлар манфаатларини, социал адолатни қаттиқ туриб ҳимоя қилиш каби ўзининг ғоят муҳим ишида ҳам иккинчи эшелонда қолиб кетаётгандек бўлмоқдалар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш масаласини олиб кўринг. Биз бу соҳада жиддий қайта қуришни бошладик. Бунинг устига гап кампания тўғрисида, бир йўла ўтказиладиган тадбир ҳақида эмас, балки текисчиликни тугатишга қаратилган принципиал йўл тўғрисида бормоқда. Бу муҳим сиёсий масаладир, ўртоқлар. Меҳнат ва фақат меҳнат инсон бойлигининг, унинг ижтимоий нуфузи ва моддий фаровонлигининг мезони бўлиши керак. Бунинг устига хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шароитида меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш манбалари корхона оладиган фойдага, ишлаб топилган маблағга боғлиқ бўлади, уларни тақсимлаш эса амалда меҳнат коллективи ихтиёрига ўтади.

Келинглар, шундай масала хусусида ўйлаб кўрайлик: меҳнатга ҳақ тўлаш сиёсатига актив таъсир ўтказиш учун касаба союзлари барча ишларни қиляптими? Кўпгина корхоналарда тенгчилик вазиятидан воз кечишга ҳамон шошилмаётганликларини мендан кўра яхшироқ биласизлар. Маъмурият шошилмаяпти, чунки бу иш анча ташвишли бўлиб, ишлаб чиқаришни ташкил этишни қайта қуришни, меҳнатни нормалаштиришда тартибни йўлга қўйишни талаб этади; касаба союз комитети эса кўпинча ҳеч кимни хафа қилмай яшашни истайди.

Йўқ, ўртоқлар, бундай «тортинчоқлик»ка барҳам бериш вақти келди. Кимларнидир — дангасалар, ичкиликбозлар, такасалтангларни ранжитишга тўғри келади, улар дарғазаб бўлишмасин, чунки ҳар ким хизматига яраша шарафланади. Аммо виждонан ишлаётган меҳнаткаш инсонни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан улуғлаймиз. Уларнинг манфаатларини эса касаба союзлари қаттиқ туриб ҳимоя қилиши керак.

Шуни айтишим керакки, касаба союзлар икки ва уч сменали ишлашга ўтиш каби муҳим ишга ҳали чинакамига киришмади. Бу — ғоят зарур ва иқтисодий жиҳатдан муҳим ишдир — бизда саноатнинг ўзидагина 100 миллиард сўмлик асосий ишлаб чиқариш фондлари тўла-тўкис иш билан таъминланмаган, амалда бекор туриб қолмоқда.

Бироқ иллат шундаки, корхоналарда кўп сменали ишни йўлга қўйишга на ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида, на ишчиларни овқат билан таъминлаш ҳақида, на шаҳар транспортининг иши тўғрисида, на бошқа кўпгина ҳаётий муҳим муаммолар ҳақида бош қотирмай, кўпинча тўраларча ёндашдилар.

Мен Латвия ва Эстонияда кўп учрашувлар ўтказдим. Кўтарилган масалалар орасида — икки сменали ва уч сменали ишга ўтиш проблемаси ҳамма жойда ўртага қўйилган асосий проблемалардан бири бўлди. Сахалиндан тортиб, ғарбий районларгача бўлган мамлакатнинг ҳамма жойидан келган меҳнаткашлар дам олаётган Юрмалада ҳам менинг олдимга шу масалаларни қўйдилар. Хўш, одамлар нима дейишмоқда? Шундай корхоналар борки, улар тармоқдан ёки маҳаллий маъмурлардан берилган топшириқни бажариш учун бир сменани икки сменага бўлмоқдалар. Ходимларнинг 50 проценти биринчи

сменада, 50 проценти иккинчи сменада ишламоқда. Демак биринчи сменада асбоб-ускуналарнинг 50 проценти ва иккинчи сменада 50 процентидан фойдаланилмоқда. Бу — соғлом ақл-идрокни, катта давлат ишини таҳқирлашку, ахир. Зеро, ленинградликларнинг Сиёсий бюро маъқуллаган ташаббуси илғор, прогрессив асбоб-ускунани икки-уч сменада ишлатишдан, шу тариқа ундан имкони борича кўпроқ самара олишдан, меҳнат унумдорлигини оширишдан ва шу билан бирга планда белгиланган вазифаларни ҳал этишдан, эскирган асбоб-ускуналарни олиб ташлашдан ва модернизациялашни жадаллаштириш учун йўл очишдан иборат-ку, ахир.

Айни вақтда бу тадбир корхонани кенгайишдан, янги қурилишдан халос этиш, пулларни бўшатиб олиш ва уларни уй-жой, социал-маданий объектлар қурилишига сарфлаш имконини беради. Бу ғояга асос қилиб олинган катта давлат режаси мана шундай. Бунда «хўжа кўрсин» қабилида иш тутишган. Энг муҳим ишни оёқ ости қилишган. **(Қарсаклар).**

Бу соҳада касаба союзлари айниқса диққат-эътиборли бўлишлари керак. Агар битта корхона икки-уч сменали ишга ўтса, бутун шаҳар транспорт соҳасидаги, савдо, ўқиш, мактабгача тарбия муассасалари, маиший хизмат ишини ташкил этиш соҳасида таркиб топган маромни ўзгартириши амримаҳол. Шу сабабли шаҳар ёки асосан бутун шаҳар янги режимга ўтиши керак. Бу фикр шу қадар равшанки, мунозарага ҳожат йўқ, деб ўйлайман, шунга қарамай, юқорида айтиб ўтганимдек, шаҳар хизматларини қайта қурмасдан корхоналарни кўпинча икки-уч сменали ишга ўтказмоқдалар. Бу — хато, юмшоқ қилиб айтганда, шошмашошарлик, унинг ҳеч кимга кераги йўқ ва катта давлат ишининг обрўсини тўкади.

Биз яқинда Марказий Комитет билан ҳукуматнинг қарорида шу гапни айтдик. Бир қанча йирик тадбирларни белгиладик, бу тадбирлар сизларга маълум. Ҳар ҳолда биз иккинчи ва айниқса учинчи сменада ишлаётган кишиларнинг меҳнатини рағбатлантириш йўлидан боряпмиз. Буни мен тўғри деб ҳисоблайман.

Назаримда, хўжалик мустақиллиги ошган шароитда меҳнат коллективлари касаба союз активларидан касаба союзлари ихтиёридаги ҳуқуқлардан фойдаланишда ҳам принципиалроқ, ҳам қатъиятлироқ бўлишларини талаб қиладилар. Сизларда шундай ҳуқуқлар бор. Совет касаба союзлари жуда катта моддий кучга ҳам, катта ҳуқуқларга ҳам эгадирлар. Маъмурият ўз битимлари ва шартномаларини бажариши устидан контрол қилиш ҳуқуқи ҳам, башарти хўжалик раҳбарларининг ҳаракатлари меҳнаткашларнинг қонуний манфаатларига зид бўлса, уларнинг ҳаракатларини танқид қилиш ҳуқуқи ҳам шу жумлага киради.

Ўз-ўзидан равшанки, касаба союз ходимларига нисбатан талабчанликни ошириш билан бирга уларга нисбатан имкони борича кўпроқ эътиборли ва сезгир бўлиш, уларга мадад бериш ҳам лозим.

Касаба союз комитетлари, таъбир жоиз бўлса, маъмуриятнинг ҳақиқий, ҳамма ишда ҳам келишавермайдиган шериги бўлишлари, меҳнаткашларнинг манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилишлари лозим. Очиғини айтганда, кўп жойларда касаба союз ташкилотлари анчагина корхоналардаги нобоп меҳнат шароитларига, ночор медицина хизматига, ёмон маиший хоналарга тоқат қилиб келдилар, ўртоқлар. Бундай аҳволни ҳали ҳам тез-тез учратиш мумкин. Меҳнат аҳлининг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш ўзининг катта имкониятларидан дадил фойдаланиш, зарур бўлганида, қарши чиқиб, тўғри қарорлар қабул қилинишига интилиш демакдир.

Ички ишлар тўғрисидаги гапни тугаллаб, сизларга В. И. Лениннинг қуйидаги сўзларини эслатиб ўтмоқчиман: «Биз шунга эришувимиз лозимки, касаба союзларининг ҳамма аъзолари ёппасига ишлаб чиқаришдан манфаатдор бўлсинлар ва улар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш билангина Совет Россияси енга олишини ҳамма вақт эсларида тутсинлар».

В. И. Ленин 1920 йилда масалани шу тарзда ўртага қўйган эди, бугунги

кунда, янги революцион ўзгаришлар шароитида биз ҳам масалани шу тахлитда ўртага қўяяпмиз. **(Қарсаклар).**

Шундай пайт келдики, яхшироқ, юксак самара билан ишлаш учун мислсиз имкониятлар очилмоқда. Биз эришган барча бой тажрибани ҳисобга олиб, барча катта-катта имкониятларимиздан фойдаланиб, яхши истиқболни зўр ғайрат билан бунёд этайлик. Келинглар, ўртоқлар, бу йўлда шундай ғайрат билан ишлайлик! **(Қарсаклар).**

Энди халқаро ишларга қисқача тўхталиб ўтаман, чунки кейинги вақтларда бу хусусда етарли равишда гапирилди, деб ўйлайман. Бу масалалар ички тараққиётимизнинг бориши билан бевосита боғлиқдир. Халқаро масалалар билан кўп шуғулланишга тўғри келмоқда, жаҳондаги вазият эса, биласизларки, кейинги йилларда жуда мураккаб бўлди ва шундай бўлиб турибди. Империализм реакция кучлари ҳар қандай йўллар билан бизнинг олға ҳаракатимизга тўсқинлик қилишга, бизни ҳарбий мухолифлик изида қолишга мажбур этишга уринаётганликлари — дунёдаги энг асосий, энг муҳим жиҳатдир.

Партиямиз мамлакатни Октябрь очиб берган йўлдан муваффақиятли олға томон бошлаб боришни ўзининг асосий интернационал бурчи деб билади, деб таъкидланди XXVII съездда. Биз ўзимизнинг ҳар бир қадамимизни мана шундай қатъий ўлчов билан ўлчашимиз, ўртага қўйилаётган вазифаларга баҳо беришга, мамлакат ичкарисида ҳам, халқаро майдонда ҳам сиёсатни танлашга мана шундай нуқтаи назардан ёндашишимиз зарур.

«Қайта қуриш», «ошкоралик» сўзлари айниқса Марказий Комитетнинг январь Пленумидан кейин чет элларда ҳамма жойда «тараққиёт» ва «тинчлик» сўзларининг ўзига хос синонимлари тариқасида тушунилмоқда.

Шу нарса равшанки, баъзилар — иттифоқчиларимиз, дўстларимиз, демократик қарашлардаги кишилар жамиятимиз қиёфаси, кундалик турмушимиз услуб ва муҳитининг ўзи ўзгариб бораётганлигини умид, ишонч ва зўр қизиқиш билан кузатиб турибдилар.

Бошқалар — сиёсий ва ғоявий мухолифлар — бу жараёнларни бирмунча ҳадиксираш, кўпинча эса дарғазаб бўлиб кузатиб турибдилар.

Бироқ бундай тафовутларга қарамай, чет элларда энг муҳим нарсани: партия ўз йўлига асос қилиб олган янгича фикрлаш — бу КПССнинг шу аср охирига бориб инсоният олдида турган вазифаларни ҳал этишга сифат жиҳатдан бошқача ёндашувни тақозо этаётган давр талабига жавоби эканлигини тўғри аниқлаганликлари диққатга сазовордир.

Бундай таг-заминли вазифалар, моҳиятга кўра, иккита — дунёни ядро ҳалокатидан қутқариш ва инсоният эга бўлган жуда катта илмий, моддий ва маънавий имкониятларни инсонга хизмат қилдиришдан иборат. Аммо бу вазифалар ҳақиқатан ҳам улуғвор вазифалар бўлиб, уларни ҳал этишни кечиктириб бўлмайди ва улар ўзаро мустаҳкам узвий боғлиқдир. Партия жадаллаштириш ва қайта қуришга оид ўз стратегиясини ишлаб чиқиб, мазкур вазифаларга инсонпарварлик, марксча-ленинча позицияларда туриб ёндашув намунасини кўрсатди.

Оммавий қирғин қуролини тугатишга, хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтиришга қаратилган совет таклифлари алоҳида қизиқиш билан кутиб олинди. Бу таклифларнинг кўпи ҳозирнинг ўзидаёқ ўз таъсирини кўрсатмоқда, икки томонлама ва кўп томонлама мулоқот ва музокараларга мавзу бўлмоқда.

Аслини олганда, биз давлатлараро муносабатларни ҳам қайта қура бошлашга, бундай муносабатларни давримизнинг реал вазифалари ва талаблари билан мослаштиришга туртки беришга ҳаракат қилдик. Натижада халқаро ҳаёт бирмунча жўшқинлашиб, сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштириш форма ва воситаларини қидириб топиш тенденцияси мустаҳкамланди.

Тўғри, баъзида шундай фикрни эшитиш мумкин: буларнинг ҳаммаси тўғри, биз партиянинг ташқи сиёсатини қизғин қўллаб-қувватлаяпмиз, бироқ жаҳонда вазият илгаригидек нотинч бўлиб қолмоқда, куролланиш пойгаси давом этмоқда, ядро хавфи реал бўлиб қолмоқда. Америка империализми қуролсизла-

нишни истамаётганлиги у ёқда турсин, аксинча ўзининг ҳужумкорлик потенциалини оширмоқда. Ишларнинг аҳволига берилган бундай баҳо умуман тўғри. Бироқ ҳар ҳолда унчалик тўлиқ эмас, деб ўйлайман.

Ҳа, халқаро майдонда вазият хатарли, ядро қуролини чеклаш юзасидан Совет — Америка музокаралари АҚШ раҳбарларининг айби билан бир жойда депсиниб турибди, планетанинг турли районларидаги кескин можаролар янада чигаллашиб кетиш хавфи туғилмоқда.

Лекин бошқа нарсани ҳам ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Халқаро муносабатлар муҳитининг ўзида, жамоатчилик фикридаги кайфиятларда, оддий кишиларнинг ҳам, кўпгина давлат арбобларининг ҳам бугунги кундаги асосий масалага — уруш ва тинчлик тўғрисидаги масалага ўз позициясини танлашга муносабатида кескин бурилиш содир бўлганлиги сезилди ва у мустаҳкамланиб бормоқда.

Москвада ўтказилган «Ядросиз дунё учун, инсониятнинг омон қолиши учун» анжумани буни яққол тасдиқлади. Анжуман жуда кўп мамлакатлардан келган нуфузли олимлар, ёзувчилар, рассомлар, музикачилар, савдо-саноат доиралари, жамоат ва черков арбобларининг энг мўътабар йиғини бўлди. Анжуман кўпчилиги социалистик дунёқарашдан йироқ, баъзан энг муҳим сиёсий ва социал масалалар юзасидан консерватив позицияларни эгаллаб турган кишиларнинг йиғини бўлди. Бу ҳам факт, факт бўлганда ҳам, жуда маънодор фактдир. Бироқ халқаро муносабатларда янгича фикрлашни қарор топтиришгина ядро урушига тўсқинлик қилишга, тинчликка эришишга ва уни муқаррар қилишга қодирдир, деган ягона ишонч билан бирлашган кишиларнинг йиғини бўлди.

Анжуман халқаро ҳаётда муҳим воқеа бўлди, айтиш мумкинки, планета жамоатчилик кайфиятининг барометри бўлди ва бу барометрнинг стрелкалари фақат тинчликни кўрсатмоқда.

Бу йўналишда қандай ҳаракат қилиш, у ёки бу проблемаларни қандай ҳал этиш тўғрисида ғоят ўткир мунозаралар ҳам бўлди, уларга ёндашувларда муҳим тафовутлар аниқланди. Нима ҳам дейиш мумкин, бу табиий мунозара, танқид, қарашларнинг таққосланиши — ҳақиқат сари энг ишончли йўл мана шундадир. Менинг билишимча, Москвадаги учрашув қатнашчиларидан ҳеч ким бу ҳақиқатни — яъни фалокатнинг олдини олиш, омон қолиш ва инсонга хос яшашни ўрганиш заруратини рад этмади.

Менингча, анжуман якунлари жаҳонда янги, жуда кенг кўламдаги, хилма-хил, бироқ қудратли ҳаракат — инсониятнинг омон қолиши учун кураш ҳаракати вужудга келаётганлигидан далолат бермоқда. Бу яхши, эзгу нишонадир. У ақл-идрок ва эзгу ният кучлари уруш ва милитаризм кучлари устидан ғолиб чиқишига ишонч бағишлайди.

Ядро хавфига қарши курашда турли мамлакатларнинг касаба союз ташкилотлари ҳам тобора активлашмоқда. Касаба союз ҳаракати ҳозирги дунёда катта куч бўлиб, инсониятнинг омон қолиши учун кураш ҳаракатининг энг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Меҳнаткашлар манфаатлари учун курашнинг тинчлик ва қуролсизланиш учун кураш билан узвий қўшилиб кетиши омма онгида инсоният боши узра пайдо бўлган хавф-хатар тобора, равшанроқ ва чуқурроқ англанаётганлигини билдиради. Шунинг учун ҳам касаба союзларнинг бу курашга қўшилиши ғоят муҳимдир.

Мен бу ерда, сизларнинг съездингизда турли мамлакатларнинг касаба союзлари халқаро бирлашмаларининг кўпгина вакиллари ва намояндаларини табриклаш имкониятига эга бўлганлигимдан хурсандман. **(Қарсаклар).**

Тинчликда яшаш, осойишта меҳнат қилиш ҳуқуқи — ҳар бир кишининг биринчи даражали ва ажралмас ҳуқуқи эканлигига аминман. Ишчи, меҳнаткаш ўзига ўхшаган кишилар билан ҳеч нарсани талашмайди. Қуролланиш пойгаси, уруш уларга ҳеч қандай фойда, даромад келтирмайди. Тинчлик, ҳамкорлик, биргаликдаги меҳнат — уларнинг фаровонлиги ва жамият тараққиётининг шартидир. **(Қарсаклар).**

Мамлакат тинчлиги ва хавфсизлиги — дипломатлар, сиёсатчиларнинггина иши эмас. Ватанимиз осойишталиги ва хавфсизлиги ҳар биримизнинг, барча

совет кишиларининг ишидир. Буни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим, ўртоқлар, тинчликни энг аввало ўзимизнинг кундалик ишларимиз — заводда, далада, илмий институтдаги ишларимиз билан қўлга киритишимиз керак. Биз ҳаммамиз мамлакатдаги ўз вазифаларимизни қанчалик яхшироқ, муваффакиятлироқ уддалай олсак, халқаро майдонда тинчлик манфаатларини кўзлаб Совет Иттифоқининг овози шунчалик баралла ва салмоқли янграйди.

70—80-йиллар ўртасидаги даврда реакция кучлари бошлаган иқтисодий, сиёсий, психологик, милитаристик ялпи ҳужумга бошқа сабаблар билан бир қаторда ички ишларимизнинг аҳволи ҳам сабаб бўлганлигини биз бугунги кунда яхши биламиз ва англаймиз, ўртоқлар. Мухолифларимиз бизнинг орқада қолаётганлигимизга таянишига жиддий путур етган ҳозирги пайтда империализм зарбани бошқа нарсага: бизнинг ўзгартишлар режаларимиз амалга оширилишига йўл қўймасликка, халақит беришга, тўсқинлик қилишга, режаларимизни қуролланиш пойгаси билан барбод этишга қаратмоқда. Шу мақсадда халқаро кескинликни зўр бериб сақлаб туришга, жаҳонда СССРни илгаригидек барча кулфат ва бахтсизликларнинг сабаби қилиб кўрсатишга имкон берадиган шарт-шароитни сақлаб қолишга уринмоқда.

Аммо буларнинг ҳаммаси империализмнинг ўзи сингари эски усуллардир. Реакциянинг бундай хатти-ҳаракатида кутилмаган ёки принципиал жиҳатдан янги нарса йўқ. Бизнинг жавобимиз ҳам аниқ-равшандир. Биз ўз хавфсизлигимизни, дўстларимиз ва иттифоқчиларимиз хавфсизлигини ишончли тарзда таъминлаш учун ҳеч кимда чегараларимизнинг мустаҳкамлигини синаб кўриш васвасаси пайдо бўлмаслиги учун барча зарур ишларни қилдик ва бундан буён ҳам шундай қилаверамиз. Аммо биз оқилона, мудофаа учун етарли бўлган талаблар ва эҳтиёжлардан ортиқча бирорта ҳам қадам қўймаймиз.

Империализм бизга қуролланиш пойгасида тиқиштиришга уринаётган ишларни биз мулоҳаза қилмай, беихтиёр такрорлайвермаймиз. Биз қурол-яроғларни чеклаш ва қисқартириш, бу жараён мустаҳкам контрол қилиб турилишини таъминлаш, ўзаро халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш соҳасида ҳар қандай ҳалол тадбирлар учун барча эшикларни очиб қўйганмиз, ҳозир ҳам шундай қиляпмиз ва бундан буён ҳам шундай қилаверамиз. Социалистик янгиланиш сари йўлдаги ҳар бир қадамимиз — бу тинчлик ва тараққиёт кучларининг ғалабаси ҳамда агрессия ва милитаризм кучларининг мағлубияти ҳамдир.

Биз ички сиёсат соҳасида ўз олдимизга қўяётган проблемалар халқаро миқёсда ҳал этиш зарур бўлган проблемалар билан шу тариқа бир бутун ҳолда узвий боғланиб кетмоқда, ўртоқлар.

Жадаллаштириш, социалистик жамиятни қайта қуриш, ядро ҳалокатининг олдини олиш, дунёни ҳарбийлаштириш васвасасидан халос этиш ва халқаро муносабатларни инсонийлаштириш вазифалари КПСС XXVII съездининг Марказий Комитет январь Пленуми тасдиқлаган ва конкретлаштириб берган стратегик йўлининг негизини ташкил этади. **(Қарсаклар).**

Партия қабул қилинган йўлдан четга чиқмайди, деб сизларни ишонтиришга рухсат бергайсиз, ўртоқлар. **(Давомли қарсаклар).**

Партия сизларнинг мададингизга, ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг, бутун совет халқининг мададига таяниб, бундан 70 йил муқаддам Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган йўлдан қатъият билан дадил ва собитқадамлик билан олға бораверади. **(Қарсаклар).**

Съезд ишига муваффақият, делегатлар ва меҳмонларга эса янги шонли ишлар, сиҳат-саломатлик ва руҳий тетиклик тилайман. **(Давомли қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1987 йил 14 февраль куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг IV пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида ҳисоботи» мавзуида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимлик моддалари химияси институтининг директори А. И. Глушенкова, «Қаршипромжилстрой» тресты 4-механизациялашган кўчма колоннасининг бригадири М. С. Ҳакимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари В. И. Огарок, Тошкент тўқимачилик комбинати партия комитетининг секретари У. Султонова, Тошкент Олий партия мактабининг ректори М. Искандаров, Самарқанд областидаги Каттақўрғон чорвачилик саноат комплексининг директори Р. Д. Агабабян, Андижон область Олтинкўл районидаги «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари М. С. Бурхонова, Тошкент шаҳар Киров район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Маҳмудова, Фарғона область партия комитетининг биринчи секретари Ҳ. Умаров, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди, бу қарор матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ташкилий масалани кўриб чиқди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. Н. Нишонов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзоси этиб сайланди. О. У. Салимов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Марказий Комитет Бюросининг аъзоси вазифасидан озод қилинди.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВНИНГ Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг 1987 йил 14 февралдаги IV пленумида қилган доклади

Ўртоқлар!

Ўтган йили партиямиз ва халқимиз ҳаётида кўпгина салмоқли воқеалар бўлиб ўтди. КПСС XXVII съезди шу воқеаларнинг энг каттаси бўлганлиги шубҳасиз. Бу съезд социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришнинг партия Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида таърифлаб берилган новаторларча концепциясини ривожлантирди, мамлакат тақдири учун тарихий қарорлар қабул қилди.

Янгилик учун курашдаги қатъият ва фидокорлик, камчиликларга нисбатан муросасизлик, ўз умрини яшаб бўлган ҳамма нарсалардан, эскича фикрлашдан воз кечиш замон ўртага қўйган вазифаларни ҳал этиш йўлидир, деб таъкидлади КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев.

Партия ва халқ якдиллик билан маъқуллаган съезд ғоялари конкрет ишларда рўёбга чиқмоқда. Жамиятда узил-кесил қайта қуриш бошланди, катта-катта ўзгаришлар рўй бермоқда, ижобий тенденциялар кучайиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми партиянинг стратегик йўлини муваффақиятли амалга ошириш учун таг-заминли шарт-шароитлар яратди. У ўтмишда содир бўлган турғунлик ҳолатларининг сабабларини чуқур очиб ташлади, қайта қуришни жадаллаштириш, турмушимизнинг ҳамма соҳаларини демократлаштириш ва кадрлар сиёсатини такомиллаштириш йўлларини белгилаб берди. Ҳозир партия органлари ўзларининг бутун фаолиятини шу Пленумнинг принципиал қарорларига асосланиб қуришлари керак. КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорларини амалга ошириш вазифаларига бағишлаб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг махсус пленуми ўтказилади.

Марказий Комитет Бюроси КПСС XXVII съездидан ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездидан кейин ўтган давр мобайнида қилинган ишлар ҳақида Марказий Комитет аъзолари ва аъзолигига кандидатларга, республика партия ташкилоти Ревизия комиссиясининг аъзоларига ахборот беришга қарор қилди. Биз қайси соҳаларда силжишлар бошланганини, қаерда иш эски, сийқа йўлдан бораётганини атрофлича, талабчанлик билан ва танқидий руҳда чамалаб кўришимиз керак. Бу хусусда пленумда ишчанлик руҳида, ошкора, амалий гаплар бўлишини истаймиз. Биз танқиддан қайтмаслигимиз керак ва ҳар бир нарсани ўз номи билан аташимиз лозим. Хотиржамликдан қутулишнинг ишончли йўли, ишни кучайтириш, уни замон амрига, партия кўрсатмаларига мувофиқ қайта қуриш калити мана шундан иборат.

КПСС Марказий Комитети республикадаги ишлар ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда, ҳамма соҳада жуда катта ёрдам ва мадад бермоқда, ишимизни муттасил диққат марказида тутмоқда. КПСС Марказий Комитети Ўзбекистонга доир бир қанча махсус қарорлар қабул қилганлиги ҳаммага

маълум. Чунончи, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишга, Озиқ-овқат программасини амалга оширишга ва бошқа масалаларга бизнинг эътиборимизни қаратди.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг биз, Бюро аъзолари билан қилган суҳбати бутун республика партия ташкилоти учун, ва аввало Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети учун катта ижтимоий-сиёсий воқеа бўлди. Михаил Сергеевич берган маслаҳат ва кўрсатмалар ҳаммамиз учун партия ташкилотларига, совет ва хўжалик органларига раҳбарлик қилиш соҳасидаги фаолиятнинг асоси бўлиб қолиши керак, бу кўрсатмалар биздан республика коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг куч-ғайратларини ошириб, иқтисодий ва социал проблемаларни жадал ҳал этишга қаратишни талаб қилади.

Экономика республика партия ташкилоти фаолиятининг бош соҳаси ва қайта қуришнинг асосий объектидир. КПСС XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, совет кишиларининг тинчлик шароитидаги моддий ва маънавий жиҳатдан бой, социал жиҳатдан сермазмун ҳаётини таъминлаш учун, жамиятнинг янги сифат ҳолатига эришиш учун шарт-шароитлар айни шу соҳада вужудга келтирилади. Шу сабабли Марказий Комитет Бюроси республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаш проблемаларига, топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини оширишга доимо эътибор беришга интилмоқда.

Марказий Комитет Бюроси Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг халқ хўжалигига раҳбарликдаги жиддий камчиликларни тугатиш, мавжуд имкониятлардан максимал фойдаланиш тўғрисидаги қарорларини бажара бориб, экономикага таъсир ўтказишнинг самарали воситаларини изламоқда. Тармоқларни ривожлантиришнинг белгиланган суръатлари ва пропорциялари беш йиллик кўрсаткичларига нақадар мувофиқлиги ҳар томонлама чамалаб кўрилди, партия комитетларининг, министрликлар, идоралар, план ва хўжалик органларининг ишдаги камчилик ва нуқсонлари очиб ташланди.

Янги техника ва технологияни жорий қилиш ишини кучайтириш мақсадида Бюро фан-техника тараққиётига кўмаклашувчи республика кенгашини тузишга қарор қилди. Бизнинг назаримизда бу кенгаш партиянинг техникавий сиёсатини халқ хўжалигига жорий этувчи органга аста-секин айланиб боради. Шу кенгашнинг таъсири остида ва иштироки билан пахта териш машинасини ишлаб чиқиш маркази барпо этилди, илм-фан билан ишлаб чиқаришнинг алоқасини янада такомиллаштиришнинг конкрет чора-тадбирлари ишлаб чиқилди, илгари чиқитга чиқарилган фосфогипс, каолин гилмояси, шлаклардан саноатда фойдаланила бошланди. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида «Ўзбекистон ССРда ресурсларни тежаш резервлари ва имкониятлари» мавзуидаги доимий кўргазма ташкил қилинди. Бу кўргазмани тўрт мингдан кўпроқ партия, совет ва хўжалик раҳбари келиб кўрди. Кенгаш ишининг реал натижаси кўриниб турибди: республика экономикасидаги нобудгарчиликлар 90 миллион сўмлик миқдорда қисқарди.

Ҳозирги вақтда барча область ва шаҳарларда мана шундай кенгашлар тузилди. Самарқанд, Хоразм область, Тошкент шаҳар партия комитетлари ҳузуридаги кўмаклашиш кенгашлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлини фаоллик билан ўтказмоқдалар.

Ҳозир орқада қолаётган коллективларга кўпроқ эътибор берилмоқда. Марказий Комитетда белгиланган планларни уддалай олмаган министрликлар, идоралар, шаҳарлар, районлар, саноат корхоналари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари билан суҳбатлар ўтказилди. Бир қанча меҳнат коллективларида бригадирлар, цехларнинг бошлиқлари, давлат корхоналарининг раҳбарлари сайлови ўтказилди.

Экономикага партиявий таъсир ўтказишнинг мана шу ва бошқа янги формалари ҳозирча мунтазам система сифатида таркиб топгани йўқ албатта, аммо бу формалар экономикадаги ишларнинг боришини янги томонга буриб юборишга ёрдам бермоқда. Ўтган йили маҳсулот реализация қилиш ҳажми ошириб бажарилди, қўшимча равишда 255 миллион сўмлик маҳсулот реализа-

ция қилинди. Ишлаб чиқаришни ўстириш суръати пландаги 4,8 процент ўрнига 5,8 процентни ташкил қилди. Меҳнат унумдорлиги 3,5 процент ўсди, ҳолбуки ўн биринчи беш йилликда эса ўртача йиллик ўсиш икки процентга ҳам етмаган эди.

Агросаноат секторида кейинги йилларда биринчи марта чорвачилик маҳсулотларини харид қилиш топшириқлари ортиғи билан бажарилди. 1985 йилга нисбатан гўшт тайёрлаш қарийб 7 процент, сут ва тухум тайёрлаш 13 процент кўпайди.

Капитал қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданият ва санъат муайян равишда ривож топди.

Бироқ, ўртоқлар, Марказий Комитет Бюроси бугунги пленумимизда ишни ўн биринчи беш йиллик якунлари асосида таҳлил этиш — ютуқларга маҳлиё бўлиб қолиш бўлур эди, деб таъкидлашни истайди, чунки ўтган йилларнинг базиси паст эди. Биз Ўзбекистон Компартияси XXI съездида гапириб ўтган салбий ҳодисалар ҳали тўла-тўкис тугатилмаганини очиқ-ойдин айтмоқ керак. 1986 йилнинг якунлари биз учун унчалик бир хилда муваффақиятли бўлиб чиққани йўқ. Республикада барпо этилган ишлаб чиқариш потенциалидан қониқарсиз фойдаланилаётганини, кўпгина партия комитетларида бунинг учун чинакам талабчанлик қилинмаётганини яна таъкидлашга тўғри келади.

Республика аҳолиси жон бошига 1,2 минг сўмлик атрофида миллий даромад ҳосил қилинмоқда, ҳолбуки мамлакатдаги ўртача кўрсаткич 2 минг сўмликдан ошади. Бу соҳадаги қолоқлик қисқараётгани йўқ. 1986 йилда халқ хўжалигидаги асосий фондлар 5,5 процент кўпайгани ҳолда, ялпи ижтимоий маҳсулот 3,1 процент ортди. Миллий даромадни ошириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаганлиги бизни айниқса ташвишга солади. 900 миллион сўмлик ижтимоий маҳсулот ва 400 миллион сўмлик миллий даромад кам олинди. Нега бундай бўляпти? Бунинг сабаблари кўп, аммо энг муҳими шуки, Марказий Комитет Бюроси бир қанча ўткир, муҳим, зарур проблемаларни аниқлагани ҳолда, ҳозирча шу проблемаларни ҳал этишда зарур изчиллик ва қатъиятни таъминлай олгани йўқ. Биз белгиланган кўпгина тадбирларни охирига етказишни ҳали ўрганиб олганимиз йўқ, шу сабабли кўпинча бир жойда депсиниб турилгани сезилмоқда, бир қанча ҳолларда туб ўзгартишлар ва яхшилик сари силжишлар таъминланмаяпти.

Буни фаолиятимизнинг кўпгина йўналишларидан олинган мисоллар билан кўрсатиш мумкин. Шулардан энг муҳимлари ҳақида батафсил ва ошкора гапириб ўтмоқчиман.

Масалан, ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилаш ва иш билан банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб қилиш соҳасидаги бир-бири билан чамбарчас боғлиқ вазифаларни олиб кўрайлик. КПСС Марказий Комитетининг шу масала юзасидан маълум қарори қабул этилганидан кейин республика активларининг йиғилиши ўтказилди, яхшигина тадбирлар белгиланди. Хўш, бу ишнинг дастлабки якунлари нималардан иборат?

1986 йилда республика аҳолиси 526 минг кишига кўпайиб, ҳозир 19 миллиондан ошди. Меҳнат ресурслари 250 минг кишига кўпайди, ижтимоий ишлаб чиқаришга ва ўқишга эса 150 мингга яқин киши жалб этилди. Binобарин, бизнинг ресурсларимиз камайгани йўқ, балки 100 минг кишига кўпайди.

Ўртоқлар, ўн иккинчи беш йиллик мобайнида биз 1 миллион 417 минг кишини ижтимоий меҳнат соҳасига жалб этиш режасини тузиб олганимиз эсингизда. Бундан кейин ҳам шундай ишлайдиган бўлсак, белгиланган топшириқни бажариш учун 5 йил эмас, балки 10 йил керак бўлади. Нега бундай бўляпти? Чунки кўпгина кадрларимиз белгиланган тадбирларни кенг миқёсда амалга оширмаяптилар, арзимас натижалар билан қаноатланиб қолмоқдалар, яъни эскичасига, имиллаб, секинлик билан ишламоқдалар.

Қандай ҳаракат қилаётганимизга бир назар ташланг! Бутун мамлакат ленинградликларнинг ташаббуси асосида кўп сменали иш режимига ўтмоқда, бизда ибрат олса бўладиган намуналар бор. Марказий Комитет Бюроси «Андижанирмаш», Чирчиқ трансформатор заводлари, Фарғона пиллакашлик фабрикасининг икки ва уч сменали иш режимига ўтиш асосида ишлаб чиқариш

самарадорлигини ошириш соҳасидаги ташаббусини маъқуллади. Қўқонда яхши тажриба орттирилди. Бу ерда 1100 киши ишга жойлаштирилди, сменалар коэффициенти 1,94 га етказилди, шу йўл билан бултур маҳсулот ишлаб чиқариш қарийб 4 миллион сўмлик кўпайди.

Илғор корхоналар мисолида бир қанча кенгаш ва семинарлар ўтказилди, ғалаба рапортлари ҳам берилди. Аммо биз белгиланган ишнинг қандай бораётгани устидан таъсирчан назоратни йўлга қўйишга муваффақ бўла олмадик. Сменалар коэффициенти унчалик кўпаймади. Навоий ва Қашқадарё областларида эса ҳатто камайди. Умуман республикада 2—3 сменали иш режимига ўтказилиши лозим бўлган 1108 та корхонадан атиги 278 таси мана шундай режимда ишламоқда. Бор-йўғи 13 минг киши, ёки ҳар бир меҳнат коллективи ҳисобига 40 дан кўпроқ киши ишга жалб этилди. Бундай суръатлар бизни қаноатлантира оладими, ахир?

Қасаначилик меҳнатини кенгайтириш бошқа бир резервдир. Ўтган йили шу ҳисобга 1,2 минг киши ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилди. Бизда 270 га яқин шаҳар ва район борлиги эътиборга олинса, улардан ҳар бирида 4—5 киши касаначилик меҳнатига жалб этилган бўлиб чиқади. Айни вақтда Самарқанд областида узрсиз сабаблар билан 75 минг, Фарғона областида 50 минг, Сирдарё областида 31 минг, Жиззах областида 26 минг, Сурхондарё ва Хоразм областларининг ҳар бирида 20 минг киши ишламаяпти. Ишга мана шундай муносабат билан келишиб бўладими, ахир?

Ўз-ўзини танқид асосида шуни тан олиш керакки, бир қанча ҳолларда Марказий Комитет Бюроси аъзоларининг ўзлари, шу жумладан секретарлари ҳам топшириқларни суст суръатда бажармоқдалар. Меҳнат ресурсларидан фойдаланиш соҳасидаги иш Бюронинг қарорига мувофиқ Бюро аъзоси ўрток Ғ. Ҳ. Қодиров бошчилигидаги Министрлар Советининг махсус комиссияси зиммасига юклатилганини бир неча бор уктириб ўтган эдик. Аммо комиссия ҳаддан ташқари суст, самарасиз ишлаётганини юқоридаги фактлар кўрсатиб турибди. Ўрток Ғ. Ҳ. Қодиров комиссиянинг ишини тубдан қайта қуриши, у зўр ғайрат билан ҳаракат қилишига, ўз олдига қўйилган вазифаларни оператив ҳал этадиган бўлишига эришиши керак.

Бу мураккаб проблемани ҳал этишда Марказий Комитетнинг Иқтисодий бўлими (ўрток Ш. Ҳожимуротов), Госплан, Меҳнат давлат комитети, шунингдек маҳаллий партия ва совет органлари кўпроқ ташаббускорлик ва қатъият кўрсатишлари керак.

Иқтисодий ва социал сиёсатнинг энг муҳим вазифаларидан бири — савдо ташкилотларини хилма-хил моллар билан таъминлаш ва хизмат турларини кўпайтириш вазифаси қандай ҳал этилаётганига ҳам қайта қуриш ўртага қўяётган талаблар нуқтаи назаридан қарамоқ зарур. Сизларга маълумки, яқинда КПСС Марказий Комитетининг секретари ўрток А. П. Бирюкова республикада бўлди, партия-хўжалик активлари билан учрашув ўтказилди. Унинг ўткир танқидий нутқи матбуотда эълон қилинди. Шу танқидга қўшилиш билан бирга сизларнинг диққат-эътиборингизни мазкур масалаларга яна бир бор қатъият билан қаратиш жуда зарур.

Ўтган йили республикада иш ҳақи фондининг 1 сўми ҳисобига 1,22 сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилганлиги сабабли Марказий Комитет аъзолари олдида ҳисоб бериш бугун жуда ноқулай бўлиб турибди. Бу — Иттифоқдаги ўртача даражадан анча паст, биз Ўрта Осиё регионидаги республикалар орасида шу соҳада охирги ўринни олиб турибмиз. Ҳозир республикада яшовчи ҳар киши ҳисобига йилига 54 сўмликка яқин, яъни мамлакатдаги ўртача даражадан 4 баравар кам истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. 200 тадан кўпроқ корхона умуман халқ учун моллар ишлаб чиқармаяпти. Мана шу камчиликларнинг ҳаммасини Марказий Комитет Бюроси тўла-тўкис ўз ҳисобига олиши керак. Афсуски, биз бунинг учун ҳеч кимдан росмана жавоб талаб қилмадик.

Шу сабабга кўра, халққа аталган молларнинг сифати масалалари ҳам ҳаддан ташқари қониқарсиз ҳал этилмоқда. 1986 йилда текширилган шарбатлар ва ичимликларнинг 46 проценти, гилам маҳсулотларининг 95 проценти,

шойи газламаларнинг 49 проценти, бошқа кўпгина молларнинг сорти пасайтирилди ва брак қилинди. 129 та корхонанинг маҳсулотини савдо тармоғига қабул қилиш тўхтатиб қўйилди.

Ўтган йили биз давлат қабулини жорий этишга тайёргарлик кўриш ҳақида кўп гапирдик, кўпдан-кўп кенгашлар ўтказилиб, қарорлар қабул қилинди. Аммо янги шароитда ишлашнинг дастлабки ойи натижаларининг кўрсатишича, давлат қабулига ўтказилган 33 та корхонадан 9 таси биронта кўрсаткич бўйича январь планини бажармади.

Бюро шу муҳим проблема ўз ҳолига ташлаб қўйилганига бундан буён муросасозлик билан қарай олмайди. Марказий Комитет секретари ўрток А. С. Икромов, Оғир саноат ва машинасозлик бўлими (ўрток С. А. Асриянц), Енгил саноат ва халқ истеъмоли моллари бўлими (ўрток В. В. Коровкин), умумий даъватлар ва қуруқ кўрсатмалардан саноатга аниқ-равшан, чинакам илмий раҳбарлик қилишга ўтишлари, партия комитетларига, министрликлар, идоралар, корхоналар ва бирлашмаларнинг раҳбарларига талабчанликни кучайтиришлари керак.

Биз ялпи куч-ғайратлар ва жами воситаларни ишга солиб давлат интизомини мустаҳкамлашимиз лозим. Ўтган йили 130 тадан кўпроқ корхона маҳсулот реализация қилиш планларини, 260 тага яқин корхона меҳнат унумдорлиги планини уддалай олмади. Бу аҳвол ҳозиргача давом этиб келмоқда. Ой сайин 320 тадан кўпроқ коллектив шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини барбод қилмоқда. Давлат агросаноат комитети, Енгил саноат министрлиги, Маҳаллий саноат министрлиги, Бинокорлик материаллари саноати министрлигининг корхоналари буюртма берилган маҳсулотни муттасил етказиб бермаяптилар. Айни вақтда шу министрликларнинг корхоналаридаги омборларда буюртма берилмаган маҳсулотларнинг нормативдан ортиқ қолдиқлари тиқилиб ётибди. Масалан, Енгил саноат министрлигидаги мана шундай қолдиқлар 28 миллион сўмликдан ошди.

Бундай ишга қандай баҳо берилиши яхши маълум: буни маҳкамачилик ва маҳаллийчилик, умумдавлат манфаатларини менсимаслик дебгина баҳоламоқ керак. Бунинг учун партиявий талабчанлик ва интизомнинг бутун қаттиққўллик мезони билан жавоб талаб қилиш керак.

Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг қарорларига мувофиқ агросаноат комплексининг ишини тубдан қайта қуришга, аввало интенсив технологияларни, коллектив ва оила пудратини кенг жорий этишга катта эътибор берилди. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида баъзи ижобий тенденциялар бошланди, янги технологиялар асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириладиган майдонлар аниқланди, базавий хўжаликлар белгиланди.

Адолат юзасидан айтиш керакки, аграр сектор — халқ хўжалигининг энг масъулиятли ва мураккаб соҳаларидан биридир. Бу соҳада партиявий раҳбарликдаги қатъият, ташаббускорлик, изчиллик айникса муҳимдир. Бироқ ҳозирча бундай қилинаётгани сезилмаяпти. 1986 йилда экинзорларнинг атиги бир процентида ғўза интенсив технологиялар асосида парвариш қилинди, сабзавот экинлари эса икки процентдан сал кўпроқ ерда интенсив технологиялар асосида етиштирилди.

Ўтган йили давлатга пахта топшириш плани бажарилмаганлиги — Марказий Комитет Бюросининг ишидаги асосий камчиликлардан биридир. Очиғини айтиш керак, жойларда турли-туман тадбирларни ишлаб чиқишга кўп куч-ғайрат сарфланди, бироқ жонли ишни ташкил қилиш, одамлар билан қунт билан ишлаш учун кадрларга нисбатан тузукроқ талабчанлик қилинмади. Партия комитетлари бундай аҳволга тоқат қилишлари керак эмас ва тоқат қилишга ҳақлари йўқ. Мана шу бениҳоя муҳим тармоқни юксалтириш учун барча кадрларга талабчанликни қатъиян кучайтириш, пахта ҳосилдорлигини оширишга, тола чиқишини кўпайтиришга ва унинг сифатини яхшилашга эришиш — биринчи галдаги бурчимиздир.

Пахтачиликни комплекс механизациялаш, айникса ҳосилни машинада териш ўткир проблема бўлиб турибди. Бултур 2 миллион тоннадан камроқ пахта машинада терилди. 37 мингта машинадан ҳақиқатда 23 мингтаси ишлатилди.

Шунинг натижасида 40 миллион сўмга яқин зарар кўрилди. Айни вақтда студентлар, ўқувчилар, ишчи ва хизматчилар ҳосил теримига жалб қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу йил пахта теримини механизациялашни ўзининг марказий вазифаларидан бири деб, партиянинг энг муҳим топшириғи деб билади. Биз 1986 йилги пахта ҳосилини студентларни, техникумларнинг, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларини таклиф этмай, мактаб ўқувчиларини ўқишдан қолдирмай териб олиш соҳасида Тожикистон ССР партия, совет ва хўжалик органларининг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган тажрибасини ҳамма жойда жорий қилишимиз керак.

Бироқ ўтмиш камчиликлари бир қанча жойларда ҳозир ҳам такрорланмоқда. Шу йилнинг 1 февралигача пахта териш машиналарининг атиги 34 процентини тайёрлаб қўйилди. Қорақалпоғистонда, Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Фарғона областларида бултургидан кўра камроқ пахта териш машинаси ремонтдан чиқарилди. Дефолиация масалаларида ҳам равшанлик йўқ. Чигит экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш учун масъулият шахсан Давлат агросаноат комитетининг раиси ўртоқ И. Х. Жўрабековнинг зиммасига юклатилган. У тармоқда зўр ғайрат билан тартиб ўрнатиши, истиқбол масалалари билан чуқурроқ ва аниқ-равшан шуғулланиши, одамларни турли-туман кенгашлар ва мажлисларга камроқ жалб қилиши керак.

Чорвачилик проблемалари ҳам ўткирлигича турибди. Фермаларнинг маҳсулдорлиги жуда секинлик билан кўпаймоқда. Ўтган йили гўшт ва сут етиштириш плани бажарилмади. Давлатга топширилган маҳсулотнинг анчагина қисми хусусий сектор улушига тўғри келади. Бу камчиликлар кўпгина область ва район партия комитетларининг тармоққа қониқарсиз раҳбарлиги, фермалардаги ишларнинг аҳволи учун раҳбарлик ва мутахассисларга талабчанликнинг бўшлиги натижасидир.

Қишлоқ хўжалигида пудрат ва хўжалик ҳисобининг турли усулларини жорий қилиш масалаларига кўпроқ эътибор берилиши лозим. Гарчи, Давлат агросаноат комитетининг маълумотларига кўра, 1986 йилда экинзорларнинг 70 процентга яқини ва фермаларнинг 30 проценти пудрат асосида ишловчи коллективларга бириктириб қўйилган бўлса ҳам, аммо бу усул расмиятчилик ва хўжалик ҳисоби принципларини бузиш оқибатида дуруст натижа бермади. Аксинча, дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, 1985 йилга нисбатан колхоз ва совхозлардаги фойда 200 миллион сўмдан зиёд камайди, зарар кўрувчи хўжаликлар кўпайди.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифалари ҳаддан ташқари секинлик билан ҳал этилмоқда, шу ишларни ташкил этишнинг аниқ программаси йўқ. Михаил Сергеевич Горбачев республика раҳбарлари билан суҳбат вақтида шундай программа бўлиши зарурлигини бизга кўрсатиб ўтди.

Бу масалаларнинг ҳаммаси Қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлимининг (ўртоқ В. И. Плетнев), Сув хўжалиги бўлимининг (ўртоқ В. И. Сускин), шахсан Марказий Комитет секретари ўртоқ В. А. Антоновнинг доимий назорати остида бўлиши керак. Виктор Александрович баъзан кундалик ишларга ҳаддан ташқари берилиб кетмоқда, бутун диққат-эътиборини ҳамиша ҳам асосий масалага қарата олмаяпти, ўтмишдаги салбий ҳодисалар келтириб чиқарган қийинчиликлар ва чигалликларни тез-тез рўкач қилмоқда. Дарҳақиқат, қийинчиликлар катта, ўз ҳолига ташлаб қўйилган проблемалар кўп. Ахир, биз турғунлик ва тўсиқларни бартараф этиш учун, янги ечимларни топиш, уларни сабот билан дадил ҳаётга татбиқ этиш учун ишлаяпмиз-да.

Энди капитал қурилишга ўтаман, ўртоқлар. Бу соҳадаги проблемалар ҳам кўпайиб бораётганидан кўра сустроқ ҳал этилмоқда. Асосий фондларни ишга тушириш, давлат капитал маблағларини ўзлаштириш юзасидан белгиланган топшириқлар бажарилмаяпти. Уй-жой ва социал-маданий-маиший объектларни қуриш планлари барбод бўлаётганлиги айниқса ташвишлантирмоқда. Қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими (ўртоқ З. А. Ботиров), Марказий Комитет секретари ўртоқ В. Н. Лобко тармоққа раҳбарлик қилиш соҳасидаги ўз ишини янада ғайрат билан яхшилашлари керак.

Буюртмачилар, лойиҳачилар, пудратчиларнинг одат тусига кириб қолган

ўзаро даъволари ва бир-бирини айблашларига зудлик билан чек қўйиш, ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам ва ўзаро мададкорликка тезроқ ўтиш керак. Тармоқда кучлар, салмоқли кучлар бор. Уларнинг ҳаммасини бир бутун қилиб бирлаштириш керак. Қурилиш билан боғлиқ бўлган барча органларнинг раҳбарларига кўпроқ талабчанлик қилиш, конкрет натижалар учун уларнинг масъулиятини ошириш лозим.

Транспортнинг ишида ҳали ҳам узилишларга йўл қўйилмоқда. Марказий Комитетнинг бўлими (ўртоқ А. С. Воеков), тегишли бошқармалар ва министрликларнинг раҳбарлари ўз ишларини тезроқ қайта қуришлари, юқоридан бериладиган кўрсатмасиз ва турткисиз ишлашлари керак.

Аҳолига савдо, маиший ва коммунал хизматнинг ташкил этилиши одамларнинг ўсиб бораётган талаб-эҳтиёжларини қондирмаяпти. Давлат ва кооператив савдоси орқали мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш ёмонлашди. 1986 йилда аҳолига янги узилган карам, бодринг, данакли мевалар, узум, полиз маҳсулотлари сотиш камайди. Давлат агросаноат комитети хўжаликларининг фирма магазинлари ва дўконлари орқали тайёрланган жами маҳсулот ҳажмининг рухсат этилган 30 проценти ўрнига атиги 0,8 проценти сотилди.

Бутун ўтган йил мобайнида республикада товар оборотини реализация қилиш давлат планини ва касса планини бажариш соҳасида қийин аҳвол давом этди. Давлат планида товар оборотининг умумий ҳажми юзасидан 1986 йил учун Ўзбекистонга белгилаб қўйилган топшириқ бажарилмади. Спиртли ичимликларни сотиш қисқарганлиги сабабли бажарилмай қолган топшириқнинг ўрни ярим миллиард сўмликка яқин миқдорда тўлдирилмади.

Биз Савдо министрлиги коллегиясининг, Ўзбекбирлашув раиси ўртоқ А. М. Маҳмудовнинг, Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ С. Г. Хоревнинг шахсан эътиборини аҳоли таъминотини тубдан яхшилаш зарурлигига қаратамиз. Бунинг учун бизда имкониятлар бор, фақат ишлаб чиқариш, тайёрлов ва савдо ташкилотларининг куч-ғайратларини жипслаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини тайёрлаш, асраш, қайта ишлашнинг ташкил этилишини тубдан яхшилаш керак.

Меҳнаткашлар маиший хизматга нисбатан айниқса кўп таъна қилмоқдалар, бу соҳа ёмон ишламоқда, ўз вазифаларини бажармаяпти. 1986 йилда аҳолига 11 миллион сўмликдан кўпроқ маиший хизмат кўрсатилмади. Областлардаги 148 та ишлаб чиқариш бирлашмасидан 53 таси планни уддалай олмади.

Марказий Комитетнинг Савдо ва маиший хизмат бўлими (ўртоқ В. Ю. Зорин) аҳолига хизмат кўрсатишнинг аҳволи учун, савдо, умумий овқатланиш ва айниқса маиший хизматда тартиб ўрнатиш учун хўжалик раҳбарларига нисбатан талабчанликни ошириши лозим.

2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида квартира ёки шахсий уй билан таъминлаш юзасидан КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифани ҳал этишга ёндашувни қониқарли деб бўлмайди. Республикамизда бу соҳада кейинги йилларда жуда нохуш тенденция вужудга келган. Олға томон сезиларли силжиш бўлмаяпти. Кўпгина раҳбарлар бу проблемани ҳамон фақат давлат пул манбалари ҳисобига ҳал этишга умид қилмоқдалар. Масалан, қишлоқдаги аҳволни олиб кўрайлик. 10 йил мобайнида колхозлардаги уй-жой қурилиши икки ҳисса камайди. Якка тартибда, кооператив ва пудрат усулида уй-жой қуриш планлари узлуксиз бажарилмай келмоқда.

Хўш, аҳволни қандай қилиб тузатиб олиш керак, бу яроқсиз практикани қандай қилиб ўзгартира оламиз? — деган савол туғилади. Афсуски, бу масала юзасидан республика ҳукуматининг аниқ-равшан программаси йўқ. Ажабланарли жойи шуки, бу нарса Министрлар Совети Раисининг мана шу энг муҳим иш соҳаси учун жавобгар бўлган ўринбосари ўртоқ Қ. Ҳ. Маҳамадалиевни асло ташвишга солмаяпти.

Биз ҳаммамиз аҳолига уй-жой-коммунал, медицина, савдо, маиший хизматга, физкультура ва спортни ривожлантиришга, одамларнинг бўш вақтини маданий ўтказишни ташкил этишга муносабатни тубдан ўзгартириши-

миз керак. Мана шу ўткир иқтисодий ва социал масалаларни ҳал этишда ўз территориясининг тўла ҳуқуқли хўжайинлари бўлмиш Советларнинг ролини ошириш жуда муҳимдир.

Ишлаб чиқаришда ва турмушда шароит яратилиши устидан кундалик контроллик ўрнатишда Марказий Комитет Бюроси аъзолигига кандидат ўрток Ҳ. А. Алимова бошчилигидаги республика касаба союз ташкилотлари ўзининг салмоқли сўзини айтиши керак.

Ўртоқлар! Барча режаларимизнинг амалга оширилиши инсон омилини ҳар томонлама кучайтиришга боғлиқ. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг III пленумида биз идеология соҳасидаги аҳволни танқидий таҳлил этган эдик, жиддий нуқсон ва камчиликларни очиб ташлаган, уни қайта қуриш йўлларини белгилаган эдик. Хўш, белгиланган режалар қандай амалга оширилмоқда?

Кейинги вақтларда оммавий-сиёсий ишда бир оз жонланиш рўй бергани сезилмоқда. Бюро аъзолари, Марказий Комитет секретарлари, сайлаб қўйилган активлар меҳнаткашлар билан, ўқувчи-ёшлар билан тез-тез учраша бошладилар. Ягона сиёсий кунлар ва бошқа тадбирлар чоғида ошкоралик, одамларни қизиқтираётган масалаларни бевосита муҳокама қилиш кўпайди. Ижтимоий фанларнинг вакиллари, ижодий союзлар, матбуот ходимлари билан ишлашга кўп эътибор берилмоқда. Бу ишда биз маъмуриятчиликнинг андаккина кўринишларига ҳам йўл қўймасликка интиляпмиз, улар билан ўз муносабатларимизни ошкора фикрлашув, мунозаралар асосига қуряпмиз. Бу эса ўз самараларини бермоқда.

Шу билан бирга биз идеология масалаларида сиёсий ҳушёрлик ва ҳужумкор активликни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаслигимиз керак. Айниқса, интернационал ва атеистик тарбия билан боғлиқ проблемаларнинг актуаллиги пасаймаяпти. Маҳаллий аҳолининг анчагина қисми қолоқ ва зарарли анъаналар таъсирида турибди. Диний маросимларда қатнашиш даражаси ҳали ҳам юқори.

«Собиқ» ва «хафа бўлган» айрим шахслар одамларнинг миллий туйғуларига таъсир кўрсатиб республикада салбий ҳодисаларнинг оқибатларини тугатиш, маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш соҳасида ўтказилаётган ишни оз бўлмаса миллатга қарши кампания деб кўрсатишга уринаётганликларини ҳам эътиборга олмасдан бўлмайди.

Марказий Комитет Бюроси тасдиқлаган нуфузли комиссия республикадаги миллатлараро муносабатларнинг характерини, интернационал тарбиянинг самарадорлигини синчиклаб ўрганади ва муфассал муҳокама қилиб, принципиал қарорлар қабул этиш учун масала тайёрлайди.

Шу муносабат билан Марказий Комитет Бюроси интернационал ва атеистик тарбияга раҳбарлик қилишда область, шаҳар, район партия комитетлари биринчи секретарларининг, бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг янада активроқ қатнашишлари муҳимлигини таъкидлаш зарур деб ҳисоблайди.

Шуни айтиш керакки, Марказий Комитетнинг идеология бўлимлари бу масалаларда актив ҳужумкорлик позициясида турганлари йўқ. Пропаганда ва агитация бўлими (ўрток С. Р. Ризаев) асосан нохуш диний вазиятни, сиёсий, меҳнат, ахлоқий, ҳарбий-ватанпарварлик ва интернационал тарбиядаги жиддий нуқсонларни қайд этмоқда-ю, бироқ аҳволни тузатиш учун таъсирли чораларни кўрмаяпти. Чунончи, Марказий Комитет секретариати Сариосиё район партия ташкилотининг атеистик тарбия соҳасидаги қониқарсиз иши тўғрисида қабул қилинган қарор қандай бажарилаётганини бир йилдан кейин текшириб кўргач, айни аввалги камчиликларнинг ўзини кўрсатиб ўтишга мажбур бўлди. Бир қанча ҳолларда бўлим ходимлари аҳволга принципиал баҳо бермаяптилар, чалакам-чатти чоралар билан чекланмоқдалар. Масалан, республика «Билим» жамияти правлениесидаги ишларнинг аҳволини текшириш пайтида шундай бўлди. Бу ерда рўй берган ҳаддан ташқари нохуш вазиятнинг тагига етиш учун Партиявий-ташкилий ишлар бўлими билан Партия контроли комиссиясини ишга солишга тўғри келди.

Маданият бўлими (ўрток Д. Т. Мадикаримова) йўл кўйиб бўлмайдиган даражада журъатсизлик ва ташаббуссизлик кўрсатмокда. Кўпгина ижодий ташкилотларни турли-туман ғийбатлар ва можаролар кемириб ётган бўлса ҳам, бўлим ходимлари бу масалаларда қатъий ва аниқ позицияда туришга асло журъат этмаяптилар.

Фан ва ўкув юртлари бўлими (ўрток Н. Т. Тухлиев) жуда ўткир ва нозик проблемалардан доимо ўзини четга олмокда. XXI съездда ва Компартия Марказий Комитетининг кейинги пленумларида республика Фанлар академиясининг самарадорлигини ошириш, институтлардаги қариндош-уруғчилик ва юртдошлик алоқаларини, ошна-оғайнигарчиликни бартараф этиш, айникса олий ўкув юртларининг филиалларида мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш вазифалари накадар ўткир қилиб кўйилганлигини пленум катнашчилари эслайдилар. Бирок, ўтган йил мобайнида ҳаётий муҳим бўлган мана шу масалалардан бирортаси коллегиал органларнинг муҳокамасига кўйилмади. Бўлим ўз ишидаги асосий йўналишларни эътибордан четда колдирмокда, ҳолбуки, фан-техника тараккиётини жадаллаштириш, умуман республиканинг социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш шу йўналишларга бевосита боғликдир.

Республикамизда мактаб ислоҳотини амалга ошириш ҳаддан ташқари коникарсиз бораётганини, медицина хизматини ташкил этишда жиддий ва ҳатто кишини ғазаблантирадиган бузилишларга йўл кўйилаётганини анализ, жумладан Москва район партия комитетининг, Соғликни сақлаш министрлигининг иши муҳокамаси кўрсатиб берди. «Правда» газетаси шу йил 7 февраль куни эълон килинган «Кўпдан-кўп қарорлар панасида» сарлавҳали мақоласида бунинг учун бизни жуда тўғри танкид қилди. Меҳнаткашларнинг маданий дам олишини уюштириш ўз ҳолига ташлаб кўйилган, физкультура ва спортни ривожлантиришда силжиш йўқ.

Ўтмишнинг кризисли, турғунлик ҳолатлари бевосита, ошкора танкид қилинганлиги, республикадаги маънавий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш йўлидаги кураш хусусида мафкуравий душманларимиз кутуриб, туҳмат килаётганликлари сир эмас. Контрпропаганда ишини кучайтириш, партия билан давлатнинг тинчликсевар ташқи сиёсатини, жамиятда амалга оширилаётган ўзгартишларнинг юксак ва инсонпарварлик максадларини далил-исботлар билан кўрсатиб бериш жуда зарурдир. Ахборот ва чет эл алоқалари бўлими (ўрток Э. Қ. Ҳайитбоев) бу хусусда кўпрок ташаббускорлик кўрсатиб, ижодий ёндашиши керак.

Марказий Комитет секретари ўрток Р. Ҳ. Абдуллаева ўзи бошчилик қилаётган бўлимлар ва ташкилотларнинг иши билан чукуррок шуғулланиши керак. Ошкора гапирадиган бўлсак, Марказий Комитет Бюроси умуман идеология фронтидаги ишларга қилинаётган раҳбарлик ва бу ишларнинг аҳволидан мутлако каноатланмаяпти. Бу соҳада сафсатабозлик, қоғоздаги турли-туман тадбирлар, «ёппасига» ёндашувлар кўп. Оммавий ахборот ва пропаганда воситалари ҳали ҳам вокеаларнинг оркасида ўралашиб юрибди, ишлаб чиқариш ва жамоат турмушида рўй бераётган жўшкин ўзгаришлардан оркада қолмокда. Айникса ижодий союзларнинг бошланғич партия ташкилотлари фаолияти Марказий Комитет идеология бўлимларининг эътиборидан четда колмокда. Идеология муассасаларининг кўпгина ходимлари, ижодкор зиёлиларнинг намояндалари ҳаддан ташқари жиззакилик, ўзига ортикча бино кўйиш иллатларига берилганлиги, асаббузарлик, оёкдан чалиш, иғво, имзосиз хат ёзиш ва туҳмат ёғдириш билан шуғулланаётганликлари, накадар ачинарли бўлса ҳам, аммо фактдир.

Бунга узил-кесил чек кўйиш керак.

Марказий Комитет Бюроси КПСС Марказий Комитетининг қарорларига мувофиқ социалистик конунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлини катъият билан ўтказмокда. Аммо оператив вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Ўғриликлар кўпайди, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик оқибатида анчагина жиноятлар содир бўлмокда, балоғатга етмаганлар томонидан қилинаётган жиноятлар микдори ошди. Жиноятларнинг аникланиш даражаси паст.

Маъмурий органлар бўлими (ўрток Д. А. Усатов) хукук-тартиботни ва конунчиликни мустахкамлаш сохасидаги ишни чукуррок тахлил этиши, бу органларни синалган, малакали кадрлар билан мустахкамлаш тўғрисида кўпрок ғамхўрлик килиши керак.

Марказий Комитет Бюроси, секретариати мехнаткашларнинг шикоятлари ва оғзаки илтимосларини кўриб чикиш устидан контролликни кучайтирдилар. 1986 йилда Марказий Комитетга 28 мингтага якин, яъни аввалги йилга нисбатан сал кўпрок хат тушди. 10,5 мингдан кўпрок киши кабулга келди. Марказий Комитет секретарлари бевосита 700 дан кўпрок илтимосчини кабул килди. Бир канча холларда тушган сигналлар юзасидан комиссиялар тузилди, чукур текшириш туфайли айрим фактлар замирида очикдан-очик носоғлом ходисалар, у ёки бу сохадаги нохуш вазият яшириниб ётганлиги аникланди.

Ўтган йили мехнаткашларнинг хат ва аризаларини кўриб чикиш юзасидан Бюро ва секретариатга 10 та масала киритилди, «Союзхлопок» илмий-ишлаб чикариш бирлашмаси, Тошкент ирригация ва кишлок хўжалигини механизациялаш инженерлари институти хусусидаги ва бошка масалалар шу жумлага киради. Умуман текшириш якунлари юзасидан 273 рахбар ходим партиявий жавобгарликка тортилди ва эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди. Рахбар ходимлар устидан ёзилган шикоятлар карийб мингта камайганлиги, имзосиз хатлар микдори хам тахминан шунча озайганлиги кўп жихатдан кўрилган бу чораларнинг натижаси, деб ўйлаймиз.

Аммо кўп кишилар ўзларини кизиктираётган масалаларга тузукрок эътибор берилмаётганлиги ва одилона хал этилмаётганлиги сабабли барибир юкори органларга мурожаат килишга мажбур бўлмокдалар. Демак, Марказий Комитет Бюроси, секретарлари Марказий Комитет аппаратида, республиканинг бошка органларида хам, шунингдек жойларда хам хатлар ва оғзаки илтимосларнинг кўриб чикилиши устидан контролликни кучайтиришлари ғоят мухимдир. Шу билан бирга кўпгина аризалар, айникса имзосиз аризаларда тухмат гаплар ёзилишини, шахсий ўч олиш, кўпинча эса ўзининг ножўя ишлари ва жиноятларини яшириш максадини кўзлашини назарда тутмок керак. Шу сабабли бундай аризаларни кўриб чикишда имкони борича холислик ва эътибор билан ёндашмок керак.

Ўртоклар! Партиявий-ташкилий ишни партия XXVII съездининг, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг юксак талаблари рухида кайта куриш тўғрисидаги масала хозир айникса ўткир бўлиб турибди. Марказий Комитет Бюроси янги форма ва методларни эгаллашда, партиявий иш услубини такомиллаштиришда намуна кўрсатиши лозим.

Кейинги вактларда коллегиал органларнинг ишини планлаштириш ва ташкил этишга ёндашувларнинг ўзи бирмунча ўзгарди. Планларда социал-иктисодий тараккиётнинг бош проблемалари ажратиб кўрсатилмокда, уларни хал этиш юзасидан конкрет вазифалар белгиланмокда.

Пленумларда, Бюро ва секретариат мажлисларида мухокама килишга мўлжалланган масалаларга келганда эса, улар узвий равишда мана шу вазифалардан келиб чикади хамда белгиланган режаларнинг бажарилишини тахлил этиш ва контрол килишга каратилади. Шу билан бирга биз планларда хаддан ташкари кўп тадбирлар белгиланмаслигига, коллегиал мухокама учун хакикатан хам энг мухим проблемаларни танлаб олишга, хар бир мажлисда кўпи билан бир-икки масалани белгилашга интиляпмиз. Натижада асосий масалалар юзасидан кабул килинган карорлар микдори 38 процент кискарди. Министрлар Совети билан биргаликда аввалгига нисбатан анча кам карорлар кабул килинди.

Биз хужжатларни тайёрлаш учун иш группаларига аппарат ходимларинигина эмас, шу билан бирга Марказий Комитет аъзоларини, министрлик ва идораларнинг мутахассисларини, олимларни хам кенгрок жалб эта бошладик. Марказий Комитет секретарларининг жойларга бориши одат тусига киритилмокда. Бу эса проблемаларнинг мохиятини чукуррок англаб олиш, уларни хал килишнинг энг самарали ва кескин йўлларини аниклаш имконини бермокда. Кашкадарё область партия ташкилотида социал-иктисодий ривожланишга

раҳбарлик услуби ва методларини қайта қуриш соҳасидаги жиддий камчиликларга доир, КПСС Марказий Комитетининг Пермь область партия комитети ҳисоботи юзасидан қўйган талаблари асосида Бухоро область партия комитетининг ишига доир ва бошқа ҳужжатлар бунга мисол бўла олади.

Бюро ва секретариатнинг вазифалари анча аниқ белгилаб қўйилган. Область, шаҳар, район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг иш услуби ва методларига оид масалалар Бюрога киритилмоқда. Министрликлар, идоралар ва бошқа хўжалик органларининг фаолияти топширилган иш учун кадрларнинг масъулиятини кучайтириш нуқтаи назаридан кўриб чиқилмоқда. Ўтган йили Бюрода саккиз область, олти шаҳар ва район партия комитетларининг, икки партия ташкилотининг, 4 та министрлик, идоранинг, хўжалик бўлинмаларининг иши муҳокама қилинди.

Секретариат КПСС Уставига тўла мувофиқ равишда асосан юқори партия органлари кўрсатмаларининг ва Компартия Марказий Комитети қарорларининг ижросини текшириш билан шуғулланмоқда. Шу жиҳатдан уч область, тўрт шаҳар ва район партия комитетларининг, иккита бошланғич партия ташкилотининг, иккита министрликнинг иши ҳамда савдо министри ўртоқ М. Ҳасанов ва СССР Қурилиш банки республика конторасининг бошқарувчиси ўртоқ Т. С. Азимовнинг шахсий ҳисоботлари муҳокама этилди.

Иш секретариатларини ўтказиш практикаси ўзини батамом оқлади, бундай секретариатларда кадрларга оид барча масалалар коллектив равишда олдиндан келишиб олинади, жорий ишлар расмиятчиликсиз ва қоғозбозлик қилинмай ҳал этилади, юқори органларнинг кўпгина кўрсатмалари юзасидан конкрет топшириқлар берилади.

Ўтган йил муҳим ижтимоий-сиёсий кампанияларга бой бўлди — бошланғич партия ташкилотларида, касаба союзларида, комсомолда, халқ контроли ташкилотларида ҳисобот ва сайлов бўлиб ўтди. Марказий Комитет Бюросининг аъзолари, бўлимларнинг мудирлари ва бошқа масъул ходимлари ана шу тадбирларда фаол қатнашдилар.

Коллегиаллик, ошкора фикрлашиш, Бюро ва секретариатнинг ишида тобора кўпроқ қарор топаётган ишларни таҳлил этишга амалий, танқидий ёндашиш вазияти кучайиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ошкоралик кучайди, Бюро мажлисларида кўриб чиқилган масалалар тўғрисида ахборотлар муттасил бериб борилмоқда, энг муҳим қарорлар матбуотда босиб чиқарилмоқда.

Аммо ўз-ўзини танқид руҳида шуни эътироф этиш керакки, бир қанча ҳолларда хўжалик ва маданий қурилишнинг, социал соҳанинг, сиёсий система барча бўғинлари фаолиятини активлаштириш ва аввало бошланғич ташкилотларнинг роли, жанговарлигини оширишнинг кўпгина энг муҳим проблемаларини ҳал этишга муваффақ бўла олмадик. Бизда жадаллаштириш ва қайта қуриш иши ҳали ҳам секинлик билан, суст олиб борилмоқда, бизнинг кўп органларимиз ва кадрларимиз эскириб қолган методлар билан иш кўрмоқдалар.

Биз ишчанлик, конкретлилик тўғрисида, мажлисбозликка, қоғозбозликка ва бошқа расмиятчилик кўринишларига барҳам бериш зарурлиги ҳақида кўп гапирамиз. Бироқ ана шундай расмиятчилик кўринишларидан ҳали қатъиян халос бўлаётганимиз йўқ. Ҳали ҳам кўпдан-кўп ҳужжатлар ва ҳар хил қарорлар қабул қилинмоқда.

Ижрони ташкил этиш ва контрол қилишда жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Марказий Комитет бўлимлари ва аввало умумий бўлим (ўртоқ Қ. Т. Тоиров) партия директиваларини ва ўз қарорларини рўёбга чиқаришда ҳали тегишлича тартибни таъминлаётганлари йўқ. Ҳали ҳам кўпгина қарорлар ахборотларга қараб, жойларда ишларнинг аҳволи амалда текшириб кўрилмай «ёпиб» қўйилмоқда. Бир қанча партия ташкилотларида сўз билан иш ўртасида узилишга йўл қўйилмоқда. Қашқадарё, Қорақалпоғистон, Сирдарё, Хоразм область партия комитетларида юқори органларнинг қарорлари бошланғич ташкилотларга ва бевосита ижрочиларга ўз вақтида етказилмаётган, тадбирлар нима қилиш, қайси муддатларда бажариш кераклиги ва бунинг учун ким

жавобгар эканлиги конкрет равишда кўрсатилмай, юзаки ишлаб чиқилаётган фактлар аниқланди.

Бошланғич партия ташкилотларининг фаоллик ва жанговарлик даражаси Марказий Комитет Бюросида катта ташвиш уйғотмоқда. Биз улардан кўпчилигининг ишини шу пайтгача жонлантира олмадик, ҳамма жойда камчиликларга нисбатан тоқат қилмаслик, ношуд хўжалик раҳбарларига нисбатан юксак талабчанлик вазиятини вужудга келтира билмадик. Бу иш соҳаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. П. Анишчевга топширилган. Лекин тўғрисини айтсак, у ҳозирча ҳам шахсан ўзининг, ҳам Марказий Комитет бўлимларининг фаолиятини бошланғич партия ташкилотлари билан алоқаларни кучайтиришга қарата олгани йўқ. Бу ўринда шу ишларнинг ҳаммасини бошқариб бориш жуда муҳимдир. 1987 йил КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари талаб этаётганидек бошланғич партия ташкилотларининг ролини оширишда бурилиш босқичи бўлиб қолиши керак.

Шуни эътироф этиш зарурки, Марказий Комитет, Олий Совет Президиуми, Министрлар Совети аппаратининг, республика бошқа ташкилотларининг ишида кабинетда туриб, қоғозбозлик билан ишлаш услуби ҳамон устунлик қилмоқда. Баъзи ходимларнинг командировкага бориши ҳамон гастролга ўхшаб кетмоқда. Кўпгина текширувчилар юзада кўриниб турган камчиликларни қайд этиб, ана шу камчиликларнинг сабабларини чуқур ўрганиш, уларни бартараф этишни ташкил қилиш иштиёқини намоён этмаяптилар.

Ҳар хил комиссиялар ва текширишларни ташкил этишни ҳам узил-кесил тартибга солишга муваффақ бўлинмади. Ўтган йили Давлат агросаноат комитетининг ўзидангина Бухоро областида салкам 200 киши, Қашқадарё областида 250 дан зиёд киши, жами 1200 киши-кундан зиёд вақт бўлдилар. Шу билан бирга ишлар яхшиланганн йўқ, областлар пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш планларини уддалай олмадилар.

Бир қанча министрликлар ва идораларда, айниқса уй-жой-коммунал хўжалиги (ўртоқ В. К. Михайлов), мелиорация ва сув хўжалиги (ўртоқ Қ. Сапаев), «Главсредазирсовхозстрой»да (ўртоқ Э. Турсунов) кўплаб кишилар қатнашадиган ва бир неча кунлаб давом этадиган кенгашлар ҳамон ўтказиб турилибди, айрим ҳолларда ҳисоботларни тузиш учун жойлардан юзлаб кишилар салкам бир ойлик муддатга чақиртирилиб турибди.

Бундай ҳоллар қачонгача давом этади? Республика хўжалик органлари ва контрол қилувчи органларида бюрократлар ва тўралар, масалаларни кўтариб чиқишда ва бирон бир участкадаги камчиликлар тўғрисида Марказий Комитет билан республика Министрлар Советига хатлар ёзишда устаси фаранглар кўпайиб кетди. Бундай шахслар қайта қуришга мослашиб «фаоллик» кўрсатаётгандек бўладилар, сигнал бериб турадилар. Ваҳоланки, тартиб-қоида бузилишининг олдини олиш, жойларда ишларни тузатишга ёрдам бериш уларнинг бевосита бурчидир. Биз яқин вақт ичида ана шу масалаларни Марказий Комитет Бюросида махсус кўриб чиқамиз.

Республика Халқ контроли комитети бу соҳани ҳозирча суст мувофиқлаштирмоқда, зотан биз Бюро аъзолигига кандидат ўртоқ В. А. Хайдуровдан салбий ҳодисаларнинг оқибатларини батамом тугатишда халқ контролерларининг амалий иштирок этишларидан иборат топширилган бурчига зўр эътибор билан муносабатда бўлишини талаб қилишга ҳақлимиз.

Ўртоқлар! Кадрлар масаласи партиявий раҳбарликда доимо энг муҳим масалалардан бири деб келинган. Гарчи бу соҳадаги ишларнинг аҳволи кейинги вақтларда бир оз барқарорлашган бўлса-да, 1986 йилда раҳбар ходимлардан салкам 750 киши, шу жумладан 8 обком секретари, шаҳар, район партия комитетларининг 100 секретари, шаҳар ва район ижроия комитетларининг 40 раиси, министрликлар ва идораларнинг 18 раҳбари алмаштирилди.

Ходимларни ўрганиш ҳамда танлашдаги янглишиш ва хатолар кўплаб кадрларни алмаштиришга сабаб бўлди. Чунончи, Б. Нуруллаев 1985 йил декабридан 1986 йил августига қадаргина Навоий область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари, агросаноат бирлашмасининг раиси бўлиб

ишлади, холос. И. Н. Бахромов Пешку район партия комитетининг биринчи секретари лавозимида ундан бир ой кўпроқ турди. Т. Қ. Раҳматуллаев Янгиобод шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари бўлиб атиги уч ой ишлади. Уларнинг ҳаммаси салбий сабабларга кўра ишдан олиндилар.

Афсуски, бундай мисолларни давом эттириш мумкин бўлур эди. Бинобарин, буларнинг ҳаммаси учун айб биринчи навбатда Марказий Қомитет Ташкилий-партиявий ишлар бўлимига, шахсан Марказий Қомитет Бюросининг аъзоси ўрток П. В. Догонкиннинг зиммасига тушади. Унинг ўзи талабчанлик, объективлик, ходимларнинг сиёсий, ишчанлик ва ахлоқий-маънавий фазилатларини чуқур ўрганиш намунасини кўрсатиши ва бошқалардан ҳам шуни талаб қилиши лозим.

Бугун номзодларни очиқ партия йиғилишларида олдиндан муҳокама қилиш зарурлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Раҳбар ходимларнинг ўз бошланғич ташкилотлари ҳузурида, шунингдек партия комитетларининг пленумлари ва бюроларида ҳисобот бериб туришлари, барча даражалардаги раҳбарларнинг сайлаб қўйилиши ва уларни танлашда конкурс системаси керак. Бу йўлда дастлабки қадамлар қўйилди ва демократик асосларни бутун чоралар билан ривожлантириб, мустаҳкамлаш зарур.

Хуллас, ўртоқлар, биз ўтмиш инерцияси ва қаршилигини тезроқ бартараф этиб, етилган проблемаларни ҳал қилишнинг янги йўлларини излаб топишимиз керак. Шу муносабат билан Марказий Қомитетнинг биринчи секретари сифатида шахсан жавобгар эканлигимни таъкидлаб ўтишни зарур деб ҳисоблайман. Баъзида Марказий Қомитет Бюросининг аъзоларига, секретарларига нисбатан тегишлича талабчанлик қилмаётганлигимни, масалаларнинг тубдан ҳал этилишига ҳамиша ҳам эришмаётганимни дилдан ҳис этиб турибман. Бугунги муҳокама шахсан менга ҳам кўп нарсани айтиб, партия йўл-йўриқларига мувофиқ дадилроқ ва активроқ ҳаракат қилишга ёрдам беради деб умид қиламан.

Марказий Қомитет Бюроси ўтган йилги иш якунларини анализ қилиб, январь ойида йўл қўйилган баъзи пасайиш сабабларини ўрганиб, ўзи учун тегишли хулосаларни чиқариб олди. Биз энг мураккаб ва қолоқ участкаларни Бюро аъзоларининг алоҳида контроли остига олиш, ҳар биримизнинг куч-ғайратимизни конкрет йўналишларга қаратиш тўғрисида келишиб олдик. Менга ва В. А. Антоновга пахтачилик ҳамда Озиқ-овқат программасини бажариш масалалари билан, В. П. Анишчевга — савдо ва маиший хизмат, А. С. Икромовга — халқ истеъмоли моллари, В. Н. Лобкога қишлоқда социал-маданий ва маиший турмуш, уни қайта қуриш масалалари билан яна ҳам амалий равишда шуғулланиш топширилди. Р. Н. Нишонов бригада пудрати ва оилавий пудратни жорий этиш, меҳнат коллективларини ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш каби долзарб проблемаларга зўр эътибор бериши лозим бўлади. Ғ. Ҳ. Қодиров республика ҳукумати аппаратининг, Госпланнинг, тармоқлар штабларининг ишини қайта қуриш, улар иқтисодий таъсир воситаларини эгаллаб олишлари билан бевосита шуғулланиши лозим. Министрлар Совети Раиси ўринбосарларининг иши ҳам жиддий ўзгартирилиши зарур. Бу ҳақда гапиришимнинг боиси бор. Халқ хўжалигини бошқариш аппаратининг фаолиятида ҳали ҳам маъмуриятчилик қилиб, тазйиқ ўтказиш методлари кўп, экономика ва маданий қурилишнинг катта соҳаларига мутасаддилик қилаётган раис ўринбосарлари эса ҳали ҳам етарли даражада ташаббус кўрсатмай, асосан айрим топшириқлар бўйича иш кўриб, ҳатто уларни ҳам ҳамиша охирига етказаётганлари йўқ. Бунга шуни илова қилиш кераки, биз Бюронинг кейинги мажлисида ўтган йили энг кўп қолоқликка йўл қўйган шаҳарлар, районлар, корхоналар ва хўжаликларнинг раҳбарлари билан ўтказган суҳбатларнинг натижаларини умумлаштириб, ҳар биримиз ана шу участкалардаги аҳволни тузатиш соҳасидаги ишни шахсан назорат остига олишимиз тўғрисида аҳдлашиб олган эдик.

Кўриб турибсизларки, ўртоқлар, Марказий Қомитет Бюроси ўз ишига ўз-ўзини танқид руҳида ёндашмоқда. Биз беш йилликнинг биринчи йилида нималар қилинганлиги ҳақида сизларга маълум қилдик, нималарни қўлдан бой

берганлигимиз, чала қолган ишларимиз, нималарни ҳал этмай қолганлигимиз ҳақида рўй-рост айтдик. Биз Марказий Қомитет аъзоларидан ҳеч нарсани яширмаймиз ва мазкур пленумдан жиддий, амалий, ошкора гаплашиб олинишини кутамиз. Докладда барча масалалар ва соҳаларни қамраб олишга муваффақ бўлинмади, албатта, бироқ у Марказий Қомитетнинг барча аъзоларини биргаликдаги ишимизни қайта қуриш ва яхшилаш борасида фикр юритишга, танқидий анализ қилишга, конкрет таклифлар киритишга ундайди, деб умид қиламиз. Сўзга чиқадиган кишилар бошланган муҳокамани тўлдириб, уни республика миқёсида ҳам, жойларда ҳам тўпланган баъзи тажриба билан бойитадилар, камчиликларнинг сабабларини чуқуррoқ очиб, уларни бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берадилар, деб умид қиламиз.

Республикада ўткир, етилган проблемалар кўп. Зотан, Марказий Қомитет барча аъзоларининг, жами партия, совет, хўжалик активларининг фаол иштирокисиз бу проблемаларни ҳал этиб бўлмайди. Бунда биз ҳаммамиз ўз ишимиздаги камчиликларни оқлаш учун ўтмишдаги салбий ҳодисаларни камроқ рўкач қилишимиз, камроқ илтимослар қилиб, кўпроқ ички резервларга таянишимиз, коммунистларни, меҳнат коллективларини оёққа турғазишимиз, жойларнинг ўзидаги кучлар билан партия қарорларининг бажарилишини таъминлашимиз керак.

Марказий Қомитет Бюроси, секретарлари, бўлимлари, область, шаҳар, район партия комитетлари КПСС Марказий Қомитетининг январь Пленуми ҳужжатларидан чуқур хулосалар чиқариб олишлари шарт. Айтиб ўтилганидек, яқин вақт ичида навбатдаги пленум бўлади, унда республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Қомитети январь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама этамиз. Биз шу пленумга тайёргарлик кўришда фаол қатнашишларини Марказий Қомитетнинг барча аъзоларидан илтимос қиламиз.

Лекин ҳозирнинг ўзидаёқ хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларидаги иш устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда шу соҳаларнинг аниқ-пухта, бир маромда ишлаши учун қатъий талабчанлик қилиш ва республикани социал-иқтисодий ривожлантиришнинг белгиланган ўсишини ҳамда жадаллаштирилишини таъминлаш зарур.

Олдимизда давлат қабули, корхоналарни кўп сменали иш режимига ўтказиш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтиш, кўкламга тайёргарлик кўриш каби ва бошқа кўпгина мураккаб масалалар турибди. Январь ойидаги иш натижалари бизни қаноатлантирмайди. Демак, астойдил енг шимариб зўр ғайрат билан ҳаракат қилиш, актив, дадил, ижодий, билимдонлик билан ҳаракат қилиш, одамларнинг меҳнат ғайрати ва ижтимоий фаоллигини, уларнинг ташаббускорлиги ва ижодий ғайрат-шижоатини кучайтириш зарур. Бизнинг асосий иш майдонимиз, асосий юмушларимиз айнан мана шунда бўлиши керак.

Бу йил ниҳоятда масъулиятли йил бўлади. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги шарафига ва умуман беш йилликка оширилган мажбуриятлар қабул қилинди. Республика биринчи марта шу қадар юксак ва кенг миқёсли марраларни белгилади. Марказий Қомитет, унинг Бюроси аъзолари бўлган биз учун, барча кадрлар учун белгиланган режаларни бажариш жиддий сиёсий имтиҳон бўлади. Зотан шу имтиҳонни топширишда сира ҳам кўнгилчанлик қилинмайди ва кўнгилчанлик қилиниши мумкин эмас.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС XXVII съездининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун куч, билим ва ғайрат-шижоатларини сарфлайдилар, деб ишонч билдиришга ижозат этгайсиз.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МК IV ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ БЮРОСИНИНГ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ СОҲАСИДАГИ ИШИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТИ

1. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленуми ушбу масала юзасидан Марказий Комитет Бюроси ҳисоботини эшитиб ва муҳокама қилиб, қайд этадики, КПСС XXVII съездидан кейинги биринчи йилда Бюронинг фаолияти съезд кўрсатмаларини бажариш соҳасида амалий тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, партиявий раҳбарлик услуби ва методларини қайта қуришга, республика социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилди. Бюро ишида коллегиаллик, очиқчасига фикр алмашиш, ишларнинг аҳволини ишчанлик билан танқидий таҳлил қилиш вазияти қарор топмоқда.

Планлилик, ташкилотчилик асослари кучайди, Марказий Комитет ишининг истиқболли ва жорий планларини ишлаб чиқишга ёндашиш ўзгарди. Пленумлар, Бюро ва секретариат муҳокамасига қўйилган масалалар экономикани ривожлантиришнинг, ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштиришнинг бош, асосий вазифалари билан узвий боғлиқ бўлди. Иш тартибига қатъийроқ риоя қилинадиган бўлиб қолди, ҳужжатларнинг сифати, мазмуни ва сиёсий йўналиши яхшиланмоқда. Уларни тайёрлашга сайлаб қўйиладиган партия активи, министрликлар ва идораларнинг мутахассислари, олимлар кенг жалб этилмоқда.

Бюро ва секретариат ишида партиявий-ташкилий ва ғоявий-тарбиявий ишларни қайта қуриш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, хўжалик органлари фаолиятининг услуби, формалари ва методларини таҳлил қилиш ва баҳолашга талабчанлик ва танқидий ёндашиш даражаси ўсди. Кадрлар билан ишлашда ишга тавсия этиладиган кадрларнинг номзодларини олдиндан муҳокама этиш, уларга бериладиган характеристикаларни очиқ партия йиғилишларида тасдиқлаш, раҳбар коммунистларнинг ўз партия ташкилотлари олдида, шунингдек партия комитетларининг пленумлари ва бюроларида ҳисоб бериши, бошқаришнинг ўрта бўғин раҳбарларини сайлаш каби демократик жиҳатлари ривожланмоқда. Кадрлар ўқувига катта эътибор берилмоқда.

Бюро меҳнаткашларнинг хатлари ва аризаларини, уларнинг оғзаки мурожаатларини ўз вақтида ва диққат билан кўриб чиқиш ишига принципиал аҳамият бериб келди. Хатларни текшириш натижалари бўйича қатор раҳбар ходимлар партиявий жавобгарликка тортилди ва эгаллаб турган лавозимларидан озод қилинди.

Қайта қуриш жараёнида жорий этилаётган ана шу ижобий жиҳатлар, янги шаклларнинг барчаси социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишга, партия, совет, хўжалик органлари фаолиятига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

2. Шу билан бирга пленум партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талабларига мувофиқ партиявий раҳбарлик услуби ва методларини қайта қуриш етарли даражада актив амалга оширилмаётир деб ҳисоблайди. Марказий Комитет Бюроси ва секретариати ишидаги камчилик ва нуқсонлар бунга ўз таъсирини кўрсатди. Экономика ва социал соҳада, сиёсий

системанинг барча бўғинлари фаолиятини активлаштириш, энг аввало бошланғич партия ташкилотлари роли ва жанговарлигини оширишда съезддан кейин вужудга келган қулай имкониятлардан суст фойдаланилди. Масалаларга комплекс ёндашмаслик оқибатида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, меҳнатга яроқли аҳолини ишга жалб этишни кўпайтириш, социал-иқтисодий вазифаларни амалга оширишда инсон омилини активлаштиришнинг кўпгина проблемалари ҳал этилмаётир. Топширилган иш учун, давлат ва план интизомига қатъий риоя этишда кадрларнинг масъулиятлилиги ҳали ҳам етарли эмас. Улар ишидаги фаолиятсизлик, хотиржамликка берилиш ва бошқалар ҳисобига кун кўриш кайфияти суст бартараф этилмоқда, эскириб қолган методлар, ўртача натижалар билан кифояланиш одатини тарк этиш қийин кўчмоқда.

Марказий Комитет Бюроси ва секретариати беҳуда мажлисбозлик ва қоғозбозликдан, ишдаги бошқа расмиятчилик кўринишларидан тўла қутулишга муваффақ бўлгани йўқ. Қабул қилинаётган ҳужжатлар миқдори камаймади, жойлардан ҳали ҳам хилма-хил справка ва ахборотлар кўп талаб қилинмоқда. Марказий Комитет аппарати, бошқа республика органлари ходимларининг командировкаларда бўлишлари устидан етарли назорат амалга оширилмаётир, баъзан командировкага борганлар ишларнинг аҳволини яхшилашга сезиларли таъсир кўрсатмадилар. Жойларда турли-туман комиссиялар ва текширишларни ташкил этиш охиригача тартибга солинмаган, республика министрликлари ва идораларидан борадиган текширувчилар сони юқорилигича қолаверди ва улар кўпгина кишиларни ишдан қолдирди. Айни вақтда иш услуби ва методларини қайта қуришда, камчиликлар ва турғунлик ҳолатларини бартараф этишда партия комитетлари ва хўжалик органларига конкрет амалий ёрдам кам кўрсатилди.

Партия директивалари ва Марказий Комитетнинг ўз қарорлари бажарилишини ташкил этиш ва уни назорат қилиш ҳамон қониқарсиз аҳволда. Ҳужжатларни ижро этишда муҳлатларнинг бузилиши қарийб учдан бирга кўпайди, қарорларнинг озгина қисмигина жойларда текширилиб, назоратдан чиқарилади.

Шунинг оқибатида бир қатор энг муҳим социал-иқтисодий проблемаларни ҳал этишда лозим даражада бурилишга, жиддий силжишларга эришилмади. «Ўзбекистон—2000» деб номланган илмий-техника тараққиёти комплекс программасини ишлаб чиқиш чўзилиб кетмоқда, қатор министрликлар янги техника ва технологияни жорий этиш планларини барбод қилдилар. Маҳсулот сифатини ошириш масалалари ёмон ҳал этилди, давлат қабулининг жорий этилиши кўпгина «заиф» жойларни очиб ташлади. Корхоналарни икки-уч сменали иш режимига ўтказиш кампаниячиликка айланди, лозим даражада собитқадамлик кўрсатилмади.

Агросаноат комплекси ишини қайта қуриш бўйича кескин тадбирлар кўрилмаётир. Интенсив технологияларни, илғор тажрибани, бригада ва оилавий пудратни, хўжалик ҳисоби муносабатларини жорий этиш, суғоришнинг сувни тежайдиган методларини ўзлаштириш, йиғим-терим ишларини механизациялаш, сабзавот сақланадиган омборлар қурилиши ниҳоятда секинлик билан олиб борилмоқда ва бу юмушлар зарур ташкилотчилик ва сиёсий ишлар билан мустаҳкамланмаётир.

Марказий Комитет Бюроси социал проблемаларни энг муҳим сиёсий иш сифатида ҳал этишга партия, совет, хўжалик раҳбарларининг муносабатини тубдан ўзгартиришга эриша олмади. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш бўйича ўтказилган тадбир кам самарали бўлиб, масалани тубдан ҳал этишни таъминламаётир. Меҳнат ресурсларининг ўсиши ишга жойлаштирилганлар миқдоридан анча кўп эканлиги оқибатида бу масала ҳамон долзарб бўлиб турибди. Уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилиши планлари бажарилмади. Мактабларни ислоҳ қилишни амалга ошириш қониқарсиз бормоқда, медицина, савдо, аҳолига коммунал хизмати кўрсатиш, одамларнинг маданий дам олишини ташкил

этишдаги камчиликлар секин бартараф этилмоқда, физкультура ва спортни ривожлантиришда силжишлар йўқ.

Идеология ишида кишилар онги ва ахлоқига таъсир ўтказиш, ўтмиш сарқитларини, диний хурофотларни бартараф этишнинг барча форма ва воситалари ишга солинмаган, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, меҳнатсиз даромадлар, жиноятчилик, ўғирликларга қарши курашда кескин чоралар кўриш ва ҳужумкорлик етишмаётир.

Марказий Комитет Бюроси, секретариати ва бўлимлари область, шаҳар ва районларнинг партия комитетлари билан биргаликда барча участкаларни сиёсий етук, ишни ўнглаб олишга қобилиятли раҳбарлар билан мустаҳкамлашга эришмадилар. Ишлашнинг янги методларини эгаллаб олишда, кенг демократизм ва ошкоралик вазиятида иш олиб боришда, ҳар бир бошланғич партия ташкилоти ва меҳнат коллективида принципиаллик ва талабчанликни, камчиликларга нисбатан муросасизлик муҳитини, эришилган муваффақиятга танқидий баҳо беришни қарор топтиришда уларга кам ёрдам бердилар.

Ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштиришда Марказий Комитет секретариати, бўлимлари сайлаб қўйиладиган активга, партия комитетлари, Советлар, касаба союзлари, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларига кам таяндилар. Улар ўртасида хизмат вазифаларининг аниқ тақсимланишига эришилмади, уларнинг масъулияти ва мустақиллиги суст оширилди, параллелизм ва бир-бирини такрорлаш бартараф этилмаган.

3. Пленум Марказий Комитет Бюросига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолари билдирган танқидий фикрлар ва таклифларни ҳисобга олиб, камчиликларни бартараф этиш бўйича конкрет тадбирларни амалга ошириш, экономикага, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашга раҳбарликни партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми талаблари даражасида бўлишини таъминлаш учун ташкилотчилик, идеология ишларини қайта қуриш жараёнини тезлаштириш вазифасини юклайди.

Шу мақсадларда энг мураккаб ва қолоқ участкаларни Бюро аъзоларининг алоҳида назорати остига олиш, куч-ғайратни ишларнинг конкрет йўналишларига жамлаш зарур. Пахтачилик ва озиқ-овқат программасини амалга ошириш, савдо ва маиший хизматни ривожлантириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, уй-жой ва социал-маданий-маиший объектлар қурилишини тезлаштириш, қишлоқларни қайта қуриш, бригада ва оилавий пудратни жорий қилиш, меҳнат коллективларини ўз-ўзини пул билан таъминлаш ва ўз-ўзини қоплашга ўтказиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни яхшилаш, ҳукумат аппарати, Госплан, республика министрликлари ва идоралари ишини қайта қуриш, уларнинг таъсир ўтказишнинг иқтисодий омилларини эгаллаб олишлари каби масалалар билан яқиндан, пухта шуғулланиш керак. Марказий Комитетнинг съезд қарорларини бажариш бўйича перспектив плани бажарилиши учун талабчанликни ошириш зарур. Марказий Комитет секретариати ва бўлимлари ишида сифат ўзгаришларига эришиш, масъул ходимларда омилкорлик, ишга ижодий ёндашиш, фаолиятни ишни бевосита ташкил этишга, одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига кескин буришга эришиш керак. Республика аҳолисининг барча қатламлари ўртасида олиб бориладиган ғоявий-тарбиявий ишда расмиятчилик, кампаниячиликка барҳам бериш лозим.

4. Пленум Марказий Комитет Бюроси ва секретариатига, область, шаҳар ва район партия комитетларига партиянинг асосий потенциали, меҳнат коллективининг сиёсий ядроси сифатида бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш, уларнинг таъсирини кучайтириш, обрўсини мустаҳкамлаш бўйича, ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётда ҳар бир коммунистнинг шахсий намуна кўрсатиши ва авангардлик ролини таъминлаш бўйича қўшимча тадбирлар системасини амалга оширишни топширади.

5. Барча йўналишлар бўйича ишларни активлаштириш, партиянинг социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришга қаратилган йўлини собитқадамлик

билан амалга ошириш, планлар ва ўн иккинчи беш йилликка, Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятларни сўзсиз бажаришга эришиш Марказий Комитет Бюроси, секретариати ва бўлимларининг, область, шаҳар ва район партия комитетларининг, бошланғич партия ташкилотларининг, совет, хўжалик, касаба союз ва комсомол органларининг энг муҳим вазифасидир.

Ана шу мақсадларда социалистик демократияни кенгайтириш, интернационал муносабатларни, меҳнаткашларнинг ташаббуслари ва ижодкорлигини ривожлантириш, уларнинг коллектив меҳнат ва унинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ошириш имкониятларидан фойдаланиш зарур. Партия, давлат, хўжалик, жамоат ишининг ҳар бир бўғинига партия ва халққа садоқатли, қайта қуриш ва жадаллаштириш, жамиятимизда сифат ўзгаришлари қилиш зарурлигини чуқур идрок этадиган, фаолиятсизлик ва қолоқ тушунчаларни синдириб ташлашга, партия йўлини ижодий амалга оширишга қодир бўлган кишилар бошчилик қилишларига сабот-матонат билан эришиш лозим.

6. Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоларига бошланғич партия ташкилотлари ва меҳнат коллективларида КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасида Марказий Комитет иши тўғрисида ахборот берадиган докладлар билан чиқишни тавсия этади.

ДЕМОКРАТИЗМ— ҚАЙТА ҚУРИШ МОҲИЯТИ

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида агар бизнинг демократик муассасаларимиз ҳар бир меҳнат коллективидаги ишларнинг аҳволига актив ва реал таъсир кўрсата билсагина халқнинг ташаббуси ва ижодкорлигини чинакамига юксалтира оламиз, деб таъкидланди. Шунинг учун улар ишига ҳақиқий ўз-ўзини бошқариш асосларини изчиллик билан жорий этиш, ишлаб чиқаришда демократияни ривожлантириш ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Партия, жамоат ташкилотлари, хўжаликни бошқариш органларининг роли янгичасига идрок қилиниши лозим.

Ҳаётимизни демократлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари январь Пленуми материалларида ўз аксини топди, бугун олимлар ва амалиётчилар ана шу йўналишлар тўғрисида мулоҳаза юритмоқдалар, ўз таклифларини ўртага ташламоқдалар, мавжуд тажрибани ўртоқлашмоқдалар.

ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТ

Жамиятимиз эндиликда сифат жиҳатдан янги, бениҳоя мураккаб ва кўламдор вазифаларни ҳал этмокда. Уларни муваффақиятли амалга оширишда партиянинг кадрлар сиёсати асосий воситалардан бири бўлмокда. КПСС сиёсий етук, билимдон, ишчан, юксак ахлоқли одамларни танлаб, раҳбар партия, совет, хўжалик ишига кўтарар экан, улар орқали белгиланган режаларни, ишлаб чиқилган йўлни рўёбга чиқармокда.

Ҳозир, мамлакатимиз тараққиётининг бурилиш пайтида қайта қуриш мақсадларига, жадаллаштириш стратегиясига мувофиқ келадиган, изчиллиги, принципиаллиги, самарадорлиги билан ажралиб турадиган кадрлар сиёсати керак. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми бу борада дадил қадам ташлади. Унинг асосий хулосаларидан бири шуки, ўтмишдан сабоқ чиқариб олиниши, йўл қўйилган хатолар такрорланмаслиги лозим. Бунинг учун бир қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланмокда. Партия комитетлари етилган кадрлар масалаларини ўз вақтида ҳал этишлари, раҳбарликда давомийликни, янги кучлар келиб қўшилишини таъминлашлари, раҳбарлар составининг сунъий барқарорлигига йўл қўймасликлари, кадрларни танлаш ва тарбиялашда изчил ва принципиал равишда уларнинг сиёсий ва назарий тайёргарлигини, ғоявий-ахлоқий чиниққанлигини ҳисобга олишлари, топширилган иш учун масъулиятни оширишлари, интизомни мустаҳкамлашлари, кадрларга оид ишларда демократик негизларни ривожлантиришлари лозим.

Ленинча принципларга асосланган ҳозирги кадрлар сиёсатининг хусусияти шундаки, унга комплекслилик, демократик йўналтирилганлик хосдир. Бунинг боиси, биринчидан, ходимларнинг сиёсий, ишчанлик, ахлоқий хислатларини ўрганиш, уларнинг топширилган иш учун, КПСС сиёсатини рўёбга чиқариш учун масъулиятини ошириш, иккинчидан, партиявий оммани, барча меҳнаткашларни активлаштириш зарурлигидадир. Коммунистларнинг бемалол хоҳиш билдиришларини кўзлаб, бошланғич партия ташкилотлари ва партия комитетларининг секретарларини, шу жумладан, биринчи секретарларини ҳам сайлаш практикасига ўзгартишлар киритиш мақсадга мувофиклиги тўғрисида КПСС МК январь Пленуми қўйган масала катта аҳамиятга эгадир.

Партия ишлаб чиқаришни интенсивлаш вазифаларини ҳал этиш учун инсон омилини активлаштиришга ҳаракат қилаётган корхоналарни тўла хўжалик ҳисобига, ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ва ўз харажатларини ўзи қоплашига ўтказишни амалга ошираётган шароитда Марказий Комитет Пленуми, назаримизда, корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, участкалар, фермалар, бригадалар, звенолар раҳбарлари сайланадиган бўлишини жорий этиш тўғрисидаги масалани жуда ҳам ўз вақтида ўртага қўйди. Аслида бу В. И. Ленининнинг «омма ўзига раҳбарлар танлаб олиш ҳуқуқига эга бўлмоғи керак. Уларни ўзгартишга, улар фаолиятидаги ҳар бир қадамни билиб-текшириб туришга омма ҳақли бўлмоғи лозим», деган кўрсатмаси (Тўла асарлар тўплами, 36-том, 178-бет) тўла амалга ошувини англатади.

Лекин бу тадбирни амалга ошириш бир қарашдангина осон кўринади. Бунинг учун, бизнинг назаримизда, бу ишга умуман бутун коллектив ҳам, унда иш кўраётган жамоат ташкилотлари ҳам муайян тайёрланган бўлиши талаб қилинади. Хўжалик раҳбарларини сайлашда субъектив ёндашувга, ўткинчи кайфиятга, айрим кишиларнинг юқори лавозимга ўз одамини «ўтказиб қу-

йиши»га йўл қўймаслик зарурати, номзодларга объектив баҳо берилишини таъминлаш кераклиги партия комитетларидан, бошланғич партия ва жамоат ташкилотларидан меҳнаткашлар орасида тегишлича тушунтириш ишлари олиб боришни талаб қилади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари муносабати билан республикамиз шароитида кадрлар билан ишлашнинг хусусиятлари тўғрисида баъзи мулоҳазаларни айтмоқчимиз. Маълумки, кейинги икки йил ичида бизда бу ишда каттагина ўзгаришлар юз берди. Раҳбар партия, совет, хўжалик ишига кўплаб янги, партия идеалларига содиқ, виждонли, назарий тайёргарлиги бўлган кишилар келди. Лекин ана шу катта ноилож янгилаш оқибатида раҳбарликнинг давомийлиги принципи бирмунча бузилди. Раҳбарлик, В. И. Ленин сўзлари билан айтганда, доимо «ишдан тўла хабардор ва ишнинг муваффақиятли чиқишини таъминлайдиган ходимларнинггина қўлида» қолмоғи лозим (ТАТ, 41-том, 328-бет). Ҳозир эса аҳвол шундайки, кўплаб янги ходимларда ҳозирча раҳбарлик, бошқарувчилик фаолияти кўникмалари етишмаяпти, бунинг эса ишларга нуқси урмай қолмайди. КПСС МК январь Пленуми қайта қуриш ходимлардан билимдонлик ва юксак профессионализм талаб қилади, деб қайд этганлиги тасодифий эмас. Ҳозирги кунда замонавий ва ҳар томонлама тайёргарлик, чуқур билимлар бўлмаса иш юришмайди. Ишнинг моҳиятини тушуниб олишни, профессионал малакалиликни китобий билимлар асосидагина таъминлаб бўлмайди. Бунинг учун амалий фаолият, йиллар мобайнида орттириладиган тажриба ҳам талаб қилинади. Ҳолбуки, жадаллаштириш вазифалари тараддудланишимизга ҳуқуқ бермайди, вақтни чеклайди. Партия юзага келган вазиятда бирданбир тўғри йўлни кўрсатиб берди. Бу йўл — раҳбар ходимлар малакасини оширишнинг доимий системасини яратиш, уларни жиддий асосларсиз тез-тез ўзгартиравеpишга йўл қўймаслик, кадрларнинг ленинча иш услубини, раҳбарликнинг иқтисодий методларини ўзлаштиришларига қаратилган конкрет тадбирларни амалга оширишдир.

Бу борада шу жумладан Ўзбекистонда ҳам муайян қадамлар қўйилмоқда. Мунтазам равишда семинарлар, илмий-амалий конференциялар ташкил этилмоқда, Тошкент олий партия мактаби негизида партия комитетлари секретарлари, масъул ходимлари, совет, идеология муассасалари раҳбарларининг қисқа муддатли ўқишлари уюштирилмоқда, КПСС МКда ва бошқа республикаларнинг партия ташкилотларида стажировкалари ўтказилмоқда. Раҳбарларни амалий иш жараёнида ўқитиш, партия, давлат, хўжалик фаолияти соҳасидаги қимматли тажрибани, унинг форма ва методларини умумлаштириш ва пропаганда қилиш ҳам муҳим роль ўйнайди.

КПСС МК январь Пленумининг қарорида партия органларига хос бўлмаган бошқарувчилик функцияларидан, бошқалар ўрнига масалаларни ҳал этишга, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари ўрнида ишлашга интилишдан қатъиян воз кечиш керак деб таъкидланган. КПСС партия комитетлари сиёсий раҳбарликни амалга оширишларига, ўзларига хос фаолият усуллари билан иш кўришларига эришиб бормоқда, жамиятни ривожлантиришнинг сиёсий йўлини ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат органлари КПСС сиёсатини амалга оширишларини назорат қилиш ва текшириб бориш, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш, бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлик қобилиятини, коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш, меҳнаткашларни сўз, иш, шахсий намуна билан ишонтириш, тарбиялаш ушбу методларнинг энг муҳимларидир.

Айтилганларга биноан партиявий раҳбарларнинггина эмас, балки шунингдек совет, хўжалик раҳбарларининг ҳам сифат составини яхшилаш муҳимдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, баъзан вазифаларидан бўшатилган партия ходимлари ўз хусусиятларига кўра замонавий талабларга жавоб беролмасалар-да, раҳбар совет, хўжалик, касаба союз лавозимларига юборилишини тўғри деб бўладими? Партия, совет, хўжалик, жамоат ташкилотлари функциялари аниқ белгиланган бўлишига қаратилган партия йўлини амалга ошириш уларнинг ҳаммаси етук, тайёргарлик кўрган ва истиқболли ходимлар билан мустаҳкамланишини талаб қилади.

КПСС МК январь Пленуми барча сайланадиган ва тайинланадиган лавозимли шахсларнинг меҳнат коллективлари ва аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб туришлари принципига доимо риоя қилинишини талаб қилди. Ҳозирги кунда бундай ҳисоботлар расм бўлмоқда. Раҳбар коммунистлар партия йиғилишларида, пленумларда, партия комитетларининг бюро мажлисларида ана шундай ҳисобот бермоқдалар. Тўғри, бундай ҳисоботлар баъзида мазкур раҳбар ишни яхшилаш учун конкрет нималар қилганлиги ҳақида эмас, балки коллектив қандай ишларни бажарганлиги тўғрисида ҳеч қандай вазифа юкламайдиган ахборот шаклида бўлмоқда. Бу масалада равшанлик керак. Бу борада ишни ҳисоботлар тинглашнинг муайян методикасини ишлаб чиқишдан бошлаш маъқул кўринади.

Ш. ЗИЁМОВ,
тарих фанлари доктори.

КАДРЛАР ИШИДА САЙЛОВ АСОСЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙЛИК

КПСС МҚ январь (1987 йил) Пленуми демократизм — бу шунчаки шиор эмас, балки қайта қуришнинг моҳияти, деб таъкидлади. Демак, амалий қадамлар, конкрет чора-тадбирлар зарур. Хўжалик юритишнинг янги методларига ўтиш, хўжалик ҳисоби, ўзини-ўзи пул билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш, давлат қабулининг жорий этилиши меҳнаткашлар коллективига ким бош бўлиши тўғрисидаги масалани ҳам янгича тарзда қўймоқда. Эндиликда жуда кўп нарса — корхона даромадлари ҳам, меҳнат коллективи аъзоларини рағбатлантиришнинг ҳамма шакллари, социал эҳтиёжларни қондириш кўламлари ҳам — ишнинг пировард натижаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қилинган хизмат миқдори ҳамда сифатига боғлиқ бўлади. Шу сабабли январь Пленуми корхоналар, ишлаб чиқаришлар, цехлар, бўлимлар, участкалар, ферма ва звеноларнинг раҳбарлари, бригадирлар ва мастерларни сайлаш тўғрисидаги масалани алоҳида қўйди. Модомики, коллектив фаровонлиги раҳбарлар қобилиятига боғлиқ экан, меҳнаткашлар шу раҳбарлар сайланишига таъсир этиш, улар фаолиятини назорат қилиб туришнинг реал имкониятига ҳам эга бўлишлари керак.

Ҳаётимизнинг ўсиб бораётган динамикаси айрим раҳбарларнинг ўз ишини танқидий баҳолашга, иш услуби, форма ва методларини қайта идрок қилишга ноқобиллигини, баъзан эса хоҳламаслигини практика кўрсатиб турибди. Мана, типик мисоллардан бири. «Ташпромстрой» тресги 63-қурилиш-монтаж бошқармасининг комплекс бригадасига Р. Х. Сарваров бошчилик қиларди. У дастлабки кунларданоқ ишнинг кўзини биладиган, меҳнатсевар ходим, яхши тарбиячи эканлигини кўрсатди. Самарали меҳнати ва ижтимоий ҳаётдаги актив иштироки учун Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотлашга тавсия қилинди. Бироқ бригадада нуқсонларга қарши курашишнинг ишончли қуроли бўлган танқид ўтмаслашиб қолган эди. Натижада Р. Х. Сарваров коллектив аъзолари билан суҳбатлашганда қўполлик қиладиган, кеккаядиган, ўзини тенги йўқ ходим деб биладиган, ўзига берилган ҳуқуқларни суиистеъмол қиладиган бўлиб қолди. Ўртоқларининг танбеҳлари ёрдам бермай қўйди. Юқори малакали мутахассислар бригададан секин-аста кета бошлашди. Ана шунда «Бригадирни сайлаш» деган кун тартибида мажлис ўтказишга қарор қилишди.

11-«Высотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасининг комплекс бригадаси аъзолари ҳам ўз бригадири В. М. Сотниковдан воз кечдилар ҳамда ўзларини ана шу бошқармадаги И. Р. Миниёзов бригадаси билан бирлаштириб қўйишни илтимос қилишди.

КПСС МҚ январь Пленуми кадрлар масалаларини ҳал этиш — ниҳоятда мураккаб ва масъулиятли, қўйилаётган номзодларга принципиал, объектив ва ҳар томонлама баҳо беришни, демократиянинг кенг ривожлантирилишини, ишчилар йиғилиши ролининг оширилишини тақозо қиладиган иш эканлигини жиддий кўрсатиб ўтди. Иш шу тарзда қўйилсагина Тошкентдаги Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси цехларидан бирининг бошлиғи йўл қўйган қуйидаги каби хатти-ҳаракатга ўрин бўлмайди: у бутун коллективнинг қаршилигига қарамасдан ўз билганича Б. Юсуповани бригадир қилиб тайинлади. Орадан икки ой ҳам ўтмасдан Б. Юсупованинг бундан кейин бригадага бошчилик қилиши ёки қилмаслиги масаласи қўйилди.

Сўнгги вақтда раҳбарларни сайлаш, улар номзодларини очиқ муҳокама қилиш районимизда кенг жорий этилмоқда. Масалан, яқинда Узагромежхозпроект институти коллективи янги директор сайловини ўтказди. Коллективнинг барча аъзолари, коммунистлар бу тадбирга катта масъулият билан ёндошдилар. Юксак лавозимга номзодларга баҳо беришда холислик, шунингдек танқидий руҳ ҳукм сурдики, уларга осон бўлмади. Коллектив бош инженер М. М. Дўсматовни ўзига раҳбар қилиб сайлар экан, ўртоқлари янги директорга ўзларининг бу номзодни қайта чақириб олиш ҳуқуқига ҳам эгаликларини эслатиб қўйишди.

КПСС XXVII съездининг энг муҳим кўрсатмаларидан бири — бевосита демократиядан самарали фойдаланиш йўлининг амалга оширилиши — КПСС МҚ январь Пленумининг давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонунининг лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш ҳақидаги қарорида ўзининг конкрет ифодасини топди. 11-«Высотстрой» тресги коллективи ана шу ҳужжат қоидаларига амал қилиб, шу йилнинг 11 февралида бошқарувчи сайловини ўтказди. Йиғилишдан олдин ташкилий тайёргарлик ишлари олиб борилди. Трест партия ва касаба союз комитетларининг бўлинмалар раҳбарлари иштирок этган қўшма мажлисида вакиллик нормаси белгиланиб, номзодларни кўр-

сатиш ва муҳокама қилиш муддатлари аниқланди. Бригадаларда, участкаларда, бошқармаларда меҳнат коллективлари йиғилишлари бўлиб ўтди. Вакиллар сайланди, бошқарувчи лавозимига номзодлар таклиф қилинди. Вакиллар йиғилиши 9 номзоднинг ҳар бирини синчиклаб муҳокама қилгач, фақат уч номзодни ёпиқ овоз бериш рўйхатида қолдирди. Ҳамма хоҳловчилар ўз мулоҳазаларини айтишди. Аксарият кўпчилик овоз билан трест бошқарувчиси вазифасини бажарувчи А. П. Қочеров сайланди.

Мен трест партком секретари А. А. Юсуповга «А. П. Қочеровнинг лавозими сайлов натижасига таъсир ўтказмадимикин» деган савол билан мурожаат қилдим. «Менимча, йўқ. Ахир, номзодларни ҳамма жуда яхши биларди-да», — деб жавоб берди Абдулла Аъзамович. Шуни айтиш керакки, Главташкентстрой томонидан бу лавозимга 12-трест бош инженери Т. А. Зокиров тавсия қилинган эди. Менимча, бу ўринда хатога йўл қўйилди. Эҳтимол Т. А. Зокиров номзодини у ишлайдиган меҳнат коллективида муҳокама қилиб, натижасини йиғилишимизга маълум қилишса яхши бўлармиди. Назаримда, ҳар бир номзод яшайдиган жойдаги кишиларнинг у тўғрисидаги фикрмулоҳазаларини билиш ҳам ортиқчалик қилмайди. Бу билан хато қилиш эҳтимолини камайтирамиз.

Бундай практика эндигина ҳаётга кириб келмоқда, айтайлик, апробация қилинмоқда, бинобарин, янглишишлар ҳам бўлиши мумкин. Лекин энг муҳими шундаки, корхоналар раҳбар кадрларини шакллантириш жараёнининг демократлаштирилишини кишилар яхши кутиб олишяпти, иш натижаларига ижобий таъсир этмоқда. Сайлов асосларининг ҳамма жойда оммалашиб кетиши учун партия органлари бундай ўзгаришларни барча чоралар билан қўллаб-қувватлашлари лозим.

А. СЕРГЕЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Киров район комитетининг секретари (Тошкент шаҳри).

САЙЛОВ СИСТЕМАСИНИ, СОВЕТЛАРНИНГ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ФУНКЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

КПСС МК январь (1987 йил) Пленумида совет сайлов системасини такомиллаштириш ҳаётимизни демократлаштиришнинг принципиал йўналиши, деб таъкидланди. Бу система давлат ҳокимиятининг юқори ва маҳаллий органларида жамиятнинг ҳамма табақаларидан вакил бўлишини таъминлаши унинг ҳақиқий халқчил моҳиятга эгалигини кўрсатади.

Лекин, деб уқтириб ўтилди январь Пленумида, барча сиёсий, иқтисодий, социал тартиботлар сингари сайлов системаси ҳам қотиб қолмаслиги, қайта қуришдан, жамиятда ривожланиб бораётган янги жараёнлардан четда турмаслиги керак. Шу сабабли Пленумда совет сайлов системасини янада ривожлантириш зарурлиги тўғрисида чиқарилган хулоса ғоят муҳим сиёсий ва амалий аҳамиятга эгадир. Бунинг учун, бизнинг назаримизда, қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Бир сайлов округи бўйича камида икки кишини депутатликка номзод қилиб кўрсатиш. Бундай таклиф совет сайлов қонунига зид эмас. Масалан, СССР Олий Советига сайловлар тўғрисидаги Қонуннинг 53-моддасида айтилишича, сайловчи бюллетенни тўлдириш чоғида ўзи овоз бераётган номзод фамилиясини қолдириб, **бошқаларнинг фамилияларини ўчиради.** Шу тариқа, гарчи совет сайлов қонуни бир сайлов округи бўйича бир неча кишини депутатликка номзод қилиб кўрсатишни назарда тутса-да, амалда бир номзод кўрсатиладиган бўлиб қолган.

Қатор социалистик мамлакатларда бир сайлов округи бўйича бир неча кишини депутатликка номзод қилиб кўрсатиш тажрибаси мавжуд. Масалан, ГДРда, Венгрия, Польша, Хитойда депутатликка номзодлар сони мазкур сайлов округидан вакиллар органидаги ўринлар сонига нисбатан албатта кўп бўлиши керак.

Бир сайлов округи бўйича бир неча номзодларни кўрсатиш гражданлар активлигини кучайтиришга кўмаклашган бўлур эди. Бу тадбир номзодларнинг ишчанлик, сиёсий ва маънавий хислатларига қизиқишни оширган, барча бўғинлардаги Советларга ҳақиқатан энг муносиб кишиларнинг сайланишига ёрдамлашган бўлур эди. Бу Советлар депутатларининг масъулиятини оширишда ҳам ғоят беқиёс роль ўйнаган бўлур эди. Сайловда кўпчилик овоз олган киши ўзига билдирилган ишончни оқлаш учун астойдил ҳаракат қилган бўлур эди.

2. Сайлов кампаниясида партия органларининг раҳбар ва етакчи роль ўйнаши мутлақо шубҳасиздир. Улар ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлилари вакиллигининг сонини тартибга солиб ту-

ришади. Шундай қилиниши зарурийдир. Бироқ амалда ортиқча марказлаштириш, депутатликка номзодлар кўрсатишда тадбирбозлик ҳам йўқ эмас. Масалан, партия органлари сут соғувчи, шу билан бирга партиясиз бўлган, 20 ёшдаги, турмушга чиқмаган, туб ерли миллатга мансуб қизни номзод қилиб кўрсатиш керак, деб кўрсатадилар. Фикримизча, бундай ҳаддан ташқари регламентга солиш лозим эмас.

3. Бизда кейинги ўн йилликлар ичида иттифоқ, иттифоқ-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари раҳбарларининг ССР Иттифоқи Олий Советига ва иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг Олий Советларига, маҳаллий Советлар территорияларида жойлашган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларининг ана шу Советларга депутатлар қилиб сайланиши одат бўлиб қолди. Бундай практика ўзини оқламаяпти. Қолаверса, ҳатто Совет сессияларига бормайдиган депутат-раҳбарлар ҳам бор. КПСС МКнинг партия XXVII съездига Сиёсий докладида тўғри таъкидланганидек, афтидан бундай депутат-раҳбарлар депутат деган унвонни лавозимга қўшимча деб билишади. Аслида эса бу номни Советдаги, аҳоли, сайловчилар ўртасидаги жиддий, катта иш билан оқлаш зарур.

КПСС МК январь Пленуми бошқарув органлари, сайлаб қўйиладиган ва тайинланадиган барча мансабдор шахсларнинг мунтазам ҳисобот бериб туришларига катта аҳамият берди. М. С. Горбачев Пленумда қилган докладида шундай деди: «Олий ва маҳаллий Советларда сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик принципларини мустаҳкамлаш, мансабдор шахсларнинг Советлар олдидаги мунтазам ҳисоботи, депутатлар сўрови практикаси таъсирчанлигини оширишкерак. Мана шундай ёндашув халқ ҳокимияти органларининг омма орасидаги обрў-эътиборини янада кўпроқ мустаҳкамлайди».

Маҳаллий Советлар ижрокомлари, уларнинг бўлимлари ва бошқармалари ўз Советлари олдида мунтазам ҳисобот бериб борадилар. СССР Министрлар Совети ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советларига келганда эса, узоқ муддат мобайнида тегишли Олий Советлар олдида улар фаолияти тўғрисидаги комплекс ҳисоботлар тинглангани йўқ.

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги давлат қурилиши тажрибаси ҳукуматнинг сайлаб қўйиладиган органлар олдидаги ҳисоботларининг муҳимлиги ва демократиклигидан далолат беради. Масалан, РСФСР, бошқа совет республикалари ҳукуматлари, ССР Иттифоқи ташкил топганидан кейин эса — СССР ҳукумати ҳам ўз иши тўғрисида Советларнинг съездларида мунтазам ҳисобот бериб бордилар. Халқ Комиссарлари Совети Раиси бўлган В. И. Ленин гражданлар урушига, чет эл ҳарбий интервенциясига, халқ хўжалигининг вайронгарчилигига қарамасдан БМИК сессияларида Совет ҳукуматининг фаолияти тўғрисида системали ҳисобот бериб турар эди. БМИК ва ХКС ҳар йили Советларнинг Бутун Россия съездларида ҳисобот бериб борар эди. Бу ҳисоботлар ҳар тарафлама ва чуқур муҳокама қилинар, фақат шундан кейингина улар юзасидан резолюциялар қабул қилинарди.

Иттифоқдош республикаларда, шу жумладан Ўзбекистон ССРда ҳам ўша йилларда ҳукумат Советларнинг съездларида ва МИК сессияларида мунтазам ҳисобот бериб борарди. Масалан, Советларнинг иккинчи Бутунўзбек съездида ҳукумат ҳисоботи тингланди, унда Файзулла Хўжаев ҳисобот берди ва уни муҳокама қилишда съезднинг 24 делегати қатнашди. Советларнинг МИК сессияларида ва Советларнинг ҳар бир Бутунўзбек съездида, шунингдек халқ комиссарларининг уларнинг иши тўғрисидаги ҳисоботлари тингланарди. Бу ҳисоботлар юзасидан кенгайтирилган қарорлар тасдиқланар, уларда камчиликлар, уларни бартараф қилиш йўллари қайд қилинар, конкрет вазифалар белгиланар эди. Аслини олганда ҳукуматнинг, халқ комиссарликларининг улар фаолиятининг тегишли даврига мўлжалланган ҳаракат программаси қабул қилинар эди.

Сўнгги йилларда бу ленинча анъана бузилган эди. КПСС XXVII съезди партия ва давлат ҳаётининг ленинча нормаларини қайта тиклаш ва ривожлантиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Янги таҳрирдаги партия Программасида шундай дейилади: «КПСС СССР Олий Совети, республикаларнинг Олий Советлари ...ўзларига ҳисоб бериб турувчи органларнинг ишини текширишларига доимо ёрдам беради».

Совет ҳокимиятининг дастлабки йиллардаги давлат қурилишининг қимматли ижобий тажрибасига асосланиб шундай қоидани белгилаш мақсадга мувофиқ бўлур эдики, унга кўра ҳукумат ўзининг ваколат муддати мобайнида ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республиканинг тегишли юқори ваколат органи олдида камида икки марта ҳисобот берсин.

А. МИХАЙЛОВ,
юридик фанлар доктори.

Партия коммунистларнинг авангардлик ролини ошириш борасидаги ўзининг улкан фаолиятини аввало бошланғич партия ташкилотлари орқали амалга оширади. Ҳозир, қайта қуриш даврида бундай фаолиятнинг қанчалик муҳимлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи кучи бўлган миллион-миллион меҳнаткашларнинг активлиги, халқ ижодкорлигининг миқёси ва теранлиги кўп жиҳатдан партия ташкилотларининг қандай иш тутаётганлигига боғлиқ, деб таъкидланди КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида. Шу боисдан ҳам асосий бўғин бўлган бошланғич партия ташкилотлари билан астойдил шуғулланиш керак бўлади. Бу соҳада проблемалар кўп. Шунинг учун редакция журналхонларга: сизнинг назарингизда, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятида диққат-эътиборга ва жиддий фикрлашиб олишга сазовор бўлган ҳамма нарса тўғрисида бизга ёзиб юборинг, деган илтимос билан мурожаат қилади.

ОДАМЛАРГА, ЖОНЛИ ИШГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

А. АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг секретари

ФИКРИМИЗЧА, партиянинг бу чақириғи бугунги кунда бошланғич партия ташкилотларининг аксарият кўпчилигидаги муҳитни белгилаб турибди. Минглаб кишилардан ташкил топган бизнинг меҳнат коллективимизда ҳам, гарчи жадал ва дадил бўлмаса-да, эскирган тасаввурларни кескин ўзгартириш юз бермоқда. Масалан, яқин-яқинларда планларни ва социалистик мажбуриятларни муттасил бажариб боришимиз кўпларнинг назарида хотиржамлик, беғамлик ва мамнунлик кайфияти учун асос бўлиб хизмат қилар эди. Ҳозир бундай бўлиши мумкин эмас. Ҳар бир киши ишларнинг умумий кўнгилдагидек аҳволи манзараси орқасида ишлаб чиқаришнинг кўплаб очилмаган резервлари, унинг потенциалидан етарлича самарали фойдаланмаслик ҳоллари яшириниб ётганини идрок қилади.

1986 йил апрелда КПСС XXVII съезди талаблари асосида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш юзасидан «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитетининг иши тўғрисидаги масалани кўриб чиққан Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси ҳам ана шуни кўрсатиб ўтди. Бизнинг бирлашмамиз республика қишлоқ хўжалик машинасозлигининг асосий вазифаларини ҳал этишда етакчи роль ўйнаши мумкин ва лозим. Бироқ ишланмаларнинг ҳаммаси ҳам ўзининг техникавий даражасига кўра жаҳондаги ва мамлакатдаги энг яхши намуналарга мос эмас, тармоқ заводларини комплекс тарзда, бир маромда ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, ишланмадан жорий этишгача бўлган йўлни қисқартириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш масалалари бугун ҳам илгаригидек кун тартибида турибди. Бирлашма коллективини интенсив иш методларига қайта йўналтириш етарлича жадал бормаяпти.

Ана шу камчиликларни бартараф этиш учун партком ўз фаолиятини мунтазам анализ қилиб бориши, эришилган муваффақиятларни танқидий баҳолаши, янада оперативроқ, изчиллик ва собитқадамлик билан ҳаракат қилиши зарур. КПСС МК 1986 йил июнь Пленумида партиямиз Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев биз инсонни партиявий иш марказига қўйиш орқалигина XXVII съезд илгари сурган вазифаларни ҳал эта

оламиз, деб таъкидлади. Биз ана шу сўзларни ўзимизнинг кундалик ишларимизга нисбатан қўллар эканмиз, қайта қуришнинг асосий мазмуни айни шу йўл-йўриқларда жо бўлганлигини кўриб турибмиз. Қайси масалани олманг, у албатта кишилар орқали ҳал этилади. Бинобарин, бу ўринда партия ташкилотининг ташкилотчилик, сафарбарлик роли, идеологик, сиёсий иши биринчи ўринга чиқади.

Қишлоқ хўжалик машинасозлиги корхоналарида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ўз-ўзидан бўлавермайди. Улар учун янги техника ва технологияни яратиш лозим. Бизнинг вазифамиз ҳам ана шундан иборат. Лекин бу вазифа партия-хўжалик активи йиғилишларида, партком мажлисларида, партия ва ишчилар йиғилишларида тез-тез батафсил муҳокама қилиб бориладими? Афсуски, биз одатда бу тўғрида умумий тарздагина гапирамиз. Ҳолбуки, бирлашмадаги ҳар бир коллектив фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг конкрет ташкилий-сиёсий чора-тадбирлар билан мустаҳкамланган аниқ программасига эга бўлиши керак. Бир қатор бўлинмаларимизда бундай программаларни яратиш иши кечиктириб юборилди, вақт эса кутиб турмайди. Коммунист раҳбарларнинг Устав талабларини, хизмат вазифаларини бажаришлари тўғрисидаги ҳисоботлари ана шундай нуқсонларни бартараф этишга кўмаклашиши керак, лекин бунинг учун эскича ёндашувлардан бутунлай воз кечиш лозим. Ҳозирча маъмурият фаолиятини контрол қилиш комиссиялари ҳам ўз бурчларини адо қилишмаяпти, лекин бу комиссиялар фан-техника тараққиётига, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий ва социал ривожлантиришга, маҳсулот сифатини тубдан яхшилашга доир комплекс программалар ва тадбирларни амалга ошириш ишини қатъий равишда илгари сура оладиган куч бўла олади ва бўлиши лозим.

Шуни айтиш керакки, бирлашма мутахассислари заводлар, бош институтларнинг ходимлари билан биргаликда Главмашхлопководствонинг барча корхоналарини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш планлари устида анча меҳнат қилишди. Партия ташкилотининг вазифаси коммунистлар, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратларини ана шу тадбирларни бажаришга қаратишдан иборат. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши қандай наф беради? Бу Главмашхлопководство корхоналаридаги асосий ишлаб чиқаришда механизация даражасини 70 процентгача етказишга имконият яратади, натижада 2700 ишчи холи қилинади, икки мингга яқин иш ўрни қисқартирилади, 30 минг тоннадан зиёд металл тежалади. Бунинг учун ўзимизнинг ишлаб чиқаришимизни ҳам техника жиҳатдан қайта қуроллантириш зарур. Бу тадбир ишловчилар сонини оширмасдан прогрессив асбоб-ускуналар ишлаб чиқаришни 1,5 баравар, шу жумладан автомат ва ярим автомат линияларини ишлаб чиқаришни 3,3 баравар кўпайтириш учун, станок модулларини, эпчил ишлаб чиқариш системаларини, робототехника комплексларини, ротор ва ротор-конвейер линияларини ва бошқа замонавий технологик асбоб-ускуналарни тайёрлашга ўтиш учун имконият яратади. Ҳозирнинг ўзида қайта созланаётган системалар ва робототехника комплекслари умумий ишлаб чиқариш ҳажмининг 47 процентини ташкил этади, 1990 йилда эса бу кўрсаткич 65 процентгача ошади. Меҳнатчилар сони бир хил бўлиб турган шароитда бундай ўсиш фақат ишланма билан машғул кишиларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш, эскирган станокларни янгилари билан алмаштириш ва улардан самарали фойдаланиш ҳисобига таъминланади.

Шу кунгача асбоб-ускуналарнинг 60 проценти янгиланди, жумладан қўшимча равишда 25 та рақамли программа асосида бошқариладиган станок олинди, улардан икки сменада фойдаланиш режими таъминланди. Умуман кейинги пайтда ишимизнинг интенсивлиги анча ошди. Ҳаёт жадал, қатъий қайта қуришни талаб қилмоқда. Шу йил Ильич номли тажриба-механика заводи икки сменали иш режимига ўтказилади.

Партия ташкилоти фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган меҳнатни ташкил қилиш ва унга ҳақ тўлашнинг прогрессив формаларини кенг жорий этиш каби йўналишда ҳам фаол иш олиб борди. Шунинг ҳисобига ишланмалар

муддати қисқартирилди, ҳар бир сўмлик бажарилган иш ҳажмига иш ҳақи сарфи ўртача 10 процентга камайтирилди. Бирлашма партия ташкилоти ва маъмуриятининг ана шу куч-ғайратлари Ўзбекистон Компартияси МК Бюросининг 1986 йил июндаги мажлисида маъқулланди.

Планнинг кўп темалилигига йўл қўймаслик фан-техника тараққиёти вазифаларини ҳал этишда катта аҳамиятга эгадир. 1986 йилда бу кўрсаткич 1985 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кам бўлди.

Ҳозир қишлоқ хўжалик машиналарининг чидамлилигини ошириш ишлари комплекси бажарилмоқда. Шу билан бир қаторда бизнинг олдимизда яна бошқа вазифалар ҳам борки, улар ҳам мулоҳазали ёндашувни ва доимий диққат-эътиборни талаб қилади. Масалан, Ўзбекистон Компартияси МК Бюроси партия комитетига партия ташкилоти фаолиятини мутахассисларнинг ижодий ташаббускорлигини ривожлантиришга яхшироқ йўналтириш зарурлигини кўрсатди. Мутахассислар ҳали ҳам ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятида, шахсий ва коллектив тарздаги ижодий планлар юзасидан мусобақада суст қатнашадилар. Жорий этилган ишланмалар самарадорлиги паст. Ёш, истиқболли мутахассисларни кўтариш йўлини ўтказишда журъатсизлик қилинмоқда.

Қарор топган ёндашувларни, ўрганиб қолинган одатлар инерциясини қандай қилиб бартараф этиш мумкин? Кундалик фаолиятда биз кўпларнинг ўз иш ўрнидаги қайта қуришнинг моҳиятини англамаётганликларига тез-тез дуч келиб турамиз. Бугунги кунда энг муҳими ҳар бир киши ўзининг ишга муносабатини қайта қуришидан, янгича тафаккурни ишлаб чиқишидан иборатдир. Бу осонликча бўлмайди. Бутун бир коллектив фаолиятини қайта қуриш тўғрисида гап борадиган бўлса, бу қанчалик мураккаб эканлигини тасаввур қилиш мумкин. Бунда, шубҳасиз, ишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан алоҳида ходим билан коллектив манфаатлари чамбарчас қўшилиб кетишига, ижрочиларда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш учун шахсий масъулият ҳосил қилишга қанчалик эришилганлигига боғлиқ. Фақат ана шу ҳолдагина улар умумий ишга тўла-тўкис жалб қилинган бўладилар. Шу сабабли биз ҳар бир киши бошимиздан кечираётган вақтимизнинг кескинлигини тушунишига, ўзини жамиятда юз бераётган улкан ўзгаришларга дахлдор деб ҳисоблашига эришишга интиляпмиз.

Партия ва комсомол ўқуви, иқтисодий таълим системасидаги машғулотлар — инсоннинг қалби ва ақл-идрокига йўл топиш, уни марксизм-ленинизм классикларининг бебаҳо ғоявий хазинасидан баҳраманд қилиш, унда юксак маънавий ва ишчанлик хислатларини тарбиялаш йўлларидан биридир. Ҳамма гап бу машғулотларни қандай ташкил этишга боғлиқ. Уларнинг самарадорлигини ошириш усуллари устида ҳар доим изланиш давом этади, ҳозир эса бундай изланиш айниқса муайян мақсадни кўзлаб ва қатъият билан олиб борилмоқда. Биз ўқишнинг барча формаларига жонли, амалий йўналиш бахш этиш, назарий материални чуқурроқ, тушунарлироқ тақдим этиш, тингловчиларни ошкора суҳбатга чорлаш, жадаллаштириш ғояларини, ўн иккинчи беш йилликда бирлашмамиз олдида турган вазифаларни улар онгига етказишга интиляпмиз.

Бу, албатта, пропагандистлардан муайян тайёргарликни талаб этади. Биз ҳар йили қандай қилиб уларга яхшироқ ёрдам бериш, уларни кўпроқ ахборот материали билан таъминлаш, уларнинг методик маҳоратини ошириш устида бош қотирамиз. Ҳозирги ўқув йили бошланишидан олдин беш кунлик семинар ўтказилди, унда Главмашхлопководство раҳбарлари, «Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори П. А. Юсупов ва бирлашмамиз бош директори Р. З. Хусаинов, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек партком секретари ва унинг ўринбосарлари, шаҳардаги бир қатор олий ўқув юртлари ижтимоий фанлар кафедраларининг ўқитувчилари пропагандистлар олдида сўзга чиқдилар. Семинарнинг асосий мақсади КПСС XXVII съезди талаблари асосида ҳал қилиниши лозим бўлган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш проблемаларини пропагандистларнинг аниқ-равшан тасаввур қила олишларига ёрдамлашиш, машғулотлар раҳбарлари съезд ғояларини ҳар бир тингловчига яхшироқ етказа олиши учун уларни энг янги методика билан қуроллантиришдан иборат эди.

Бирлашма бош директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Михаил Александрович Базанов иқтисодий таълим системасида ўзи ўтказадиган машғулотларга ҳар доим катта масъулият ҳисси билан тайёрланади. У ҳар бир тингловчининг қизиқишлари, майлларини яхши билади, назарий ва конкрет материални пухта эгаллаган, мураккаб иқтисодий тушунча ва категорияларни бирлашма меҳнат коллективининг кундалик ҳаёти ва фаолиятидан олинган мисоллар асосида очиб беради. Тушунарли қилиб баён этиш, катта кўламли вазифаларни ҳал этишда ҳар бир кишининг ўз ўрнидаги иши бутун аҳамиятини кўрсата билиш маҳорати, тармоқдаги илғор тажриба, энг янги ютуқлар билан таништиришга интилиш — М. А. Базановнинг ана шу хислатлари тингловчиларда у ўтказадиган машғулотларга нисбатан катта қизиқиш уйғотади. Бизнинг кўплаб пропагандистларимиз шундай иш олиб боришади.

Ўқишнинг ёш коммунистлар мактаби каби формасини алоҳида ажратиб кўрсатмоқчимиз. Шуни айтиш керакки, янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнида бу форманинг мақсадга мувофиқлиги масаласи узоқ муҳокама қилинди. Хилма-хил фикрлар айтилди, кўплар бундай мактабни тугатишни таклиф қилишди. Партком барча қаршилар ва тарафдорлар фикрини тарозига солиб кўриб, ўқишнинг бу формасини қолдиришга, лекин унга фақат КПСС аъзолигига кандидатларни жалб этишга қарор қилди. Практика бу қарорнинг тўғрилигини тасдиқлаб турибди. Бирлашмамизда асосан ёшлар партияга қабул қилинади, лекин улар ҳозирча етарли ҳаётий тажрибага, сиёсий жангчи хислатларига эга эмас, асосий партиявий ҳужжатларни чуқур тушунмайдилар. Биз уларга билимлар системасини берар эканмиз, уларда партия аъзосига хос тафаккурни, актив ҳаётий позицияни шакллантиришга ҳаракат қиламиз. Мактаб тингловчилари КПСС Программаси ва Уставини ўрганишяпти, маркача-ленинча назарияни эгаллашяпти, бирлашманинг ўн иккинчи беш йиллик планини бажариш борасидаги вазифаларини тўлароқ тушуниб олишга интилмоқдалар. Жиддий бир янгилик жорий этилди: ёш коммунистлар мактаби эндиликда узлуксиз иш олиб боради, ёш коммунистлар бутун кандидатлик стажи давомида бу ерда шуғулланадилар. Мактабга бизнинг тажрибали, коллектив орасида катта обрўга эга коммунистларимиз Петр Лазаревич Ждановский ва Юрий Васильевич Малов раҳбарлик қилмоқдалар. Ҳозир мактабда 32 тингловчи бор, машғулотлар ойда бир марта ўтказилади, бунда ўқишнинг актив формаларидан фойдаланилади.

Мен меҳнаткашларга сиёсий билим беришни кишилар билан олиб бориладиган барча катта машаққатли ишлар биносининг пойдеворига ўхшатгим келади. Бунда энг нозик қирраларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керакки, улар баъзан ҳал қилувчи жиҳатлар бўлиб чиқади. Масалан, биз узоқ вақт давомида турли хил миш-мишларга барҳам беролмадик. Дарҳақиқат, ким томонидан ёйилгани ҳам номаълум бўлган уйдирмага қарши қандай курашиш мумкин? Бунда аниқ айбдорни топиб бўлмайди, лекин унга бепарволик ҳам ярамайди, чунки коллективда баъзан муҳит шу даражада кескинлашиб кетардики, натижада одамлар орасида носоғлом муносабатлар пайдо бўлиб, турлича гуруҳлар шаклланарди. Пировард оқибатда бу ишимиз натижаларига ҳам таъсир этарди. Аслида оддийгина восита — ошкоралик асосида коллективдаги нохуш вазиятни бартараф этиш мумкин экан.

Лекин ошкораликни кенгайтириш партия ташкилотининг муҳим вазифаси бўлиб қолмоқда. Бирлашма меҳнаткашлари коллектив ичидаги ишлардан кўра давлат миқёсидаги ишлардан тезроқ ва кенгроқ кўламда хабардор бўлиб туришлари тўғрисида партком ва маъмурият шаънига адолатли таъналар билдиряпти. Албатта, биз телевидение, радио, матбуот сингари воситаларга эга эмасмиз. Кўп тиражли газетанинг йўқлиги ошкораликни ривожлантиришдаги имкониятларимизни анча камайтиради. Бироқ изланишлар давом этяпти. Бўлинмаларимиздан бири бўлган станоксозликнинг махсус конструкторлик технологияси бюросида радиогазета чиқара бошладик. Бу, таъбир жоиз бўлса, масаланинг локал тарзда ҳал этилишидир. Аслида бутун бирлашма миқёсидаги система зарур. Ҳозир ана шу масала устида иш олиб боряпмиз.

Умуман олганда бирлашма парткоми ва маъмурияти ўзининг амалий

фаолиятида системали иш юритишни мақсад қилиб қўйган. Барча бўлинмалар коммунистларининг асосий иши хўжалик юритиш ва бошқариш методларини қайта қуриш жараёнини изга солиб ва назорат қилиб туриш, давр талабларига жавоб берадиган янги ғояларни илгари суриш, перспектив ва оператив вазифаларни комплекс тарзда ҳал этиш, план топшириқлари ва социалистик мажбуриятларнинг албатта бажарилиши учун курашга етакчилик қилишдан иборат. Акс ҳолда ишлаб чиқаришда сифат жиҳатидан кескин бурилиш ясаб бўлмайди. Шунинг учун биз ҳозир ишлаб чиқаришни бошқаришнинг комплекс системаси аниқ ишлашига эришиш учун сабот билан ҳаракат қиляпмиз. Ижрочилик интизомининг ҳамма турлари назорат қилиниб, баллар билан баҳоланади. Баҳолар системаси тасдиқланган. Бу социалистик мусобақани яхшироқ ташкил этишга ва унинг якунларини чиқаришда субъективизмни бартараф этишга ёрдам берди.

Бундай система ҳаддан ташқари қаттиқ бўлиб кўриниши мумкин, лекин бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, социалистик мусобақа тўғрисидаги низом кимнингдир ўзбошимча хоҳиш-иродасидан иборат эмас. Бу ҳужжат энг демократик суратда қабул қилинади. Уни муҳокама қилишда меҳнат коллективининг ҳамма аъзолари иштирок этади ва ҳар ким ўз таклифини киритиши мумкин. Натижада мусобақа тўғрисидаги низом йилдан-йилга такомиллашиб, янги жиҳатларни ҳисобга олади, ҳозирги талабларга мувофиқлаша боради.

Системали ёндашувни биз энг муҳим йўналишлардан бири деб ҳисоблаймиз, хўжалик ва ижтимоий фаолиятнинг ҳамма соҳаларига партиявий раҳбарлик даражасининг ошиши ана шу йўналишлардан боради. Бундай ёндашув раҳбарларга, уларнинг ишга, кишилар талабларига муносабатига яхши таъсир қилди. Ҳозирги кунда ҳар бир цех, бўлим бошлиғи фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичлари учунгина эмас, балки шу билан бирга қарамоғидагилар, айниқса ёшлар тарбияси, уларнинг қандай дам олишлари, ўз билимларини такомиллаштиришлари, қандай маиший шароитда яшаётганлари учун ҳам масъул эканлигини чуқур ҳис қиладилар. Бизда бош металлург хизмати раҳбари Леонид Григорьевич Чен, қаттиқ қотишмалар хизмати раҳбари Петр Лазаревич Ждановский каби коммунистлар бу борада ҳар доим ибрат кўрсатиб келишади. Улар бой махсус билимларга эга бўлган яхши профессионаллар бўлиш билан бирга бамаъни маслаҳатлари билан ҳам кўпларга мадад бағишлайдилар.

Партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари социал масалаларни ҳал этишга ҳамжиҳатлик билан киришганликлари туфайли бизда кадрлар қўнимсизлиги кескин камайди, ишлаб чиқариш ишлари юришиб кетди. Ҳозир бизнинг барча хизмат хоналаримиз яхши жиҳозланган, магазин, аптека, сартарошхона бор. Оқтошдаги «Радуга» пионер лагери бутун коллективнинг фахри. Ходимларимиз бу ерда ёпиқ сузиш ҳавзаси қуришди, болалар бу ажойиб шифохонада нафақат ёзда, балки қишда ҳам дам олишади. Комсомолларнинг ғайрат-шижоати билан станоксозлик махсус конструкторлик технологик бюроси территориясида стадион барпо қилинди. Сўнгги йилларда биз уй-жой проблемасини тезроқ ҳал этиш мақсадида кичик оилалар — асосан ёш мутахассисларимиз учун махсус лойиҳаларга биноан уйлар қура бошладик. Уй-жой олувчилар навбати тартибга келтирилди, у максимал равишда адолатли тарзда тақсимланади. Бу масала ошкора, барча ижтимоий уюшмалар вакиллари иштирокида ҳал қилинади.

Маъмурият, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ёшлар ётоқхонасидаги турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар. 1986 йил баҳорида бу ерда бўлиб ўтган йиғилишда бирлашма раҳбарлиги номига жуда кўплаб эътирозлар билдирилди. Эътирозларнинг ҳаммаси ҳисобга олинди. Ётоқхонада ремонт бошланди, қишки мавсумга яхши тайёргарлик кўрилди, кишиларнинг дам олишини ташкил этиш яхшиланди, дискотека учун аппаратура сотиб олинди. Бу ерда яшовчиларга ҳам талаблар оширилди — тозаликка, тартибга, турмуш маданиятига риоя этиш, фақат боқим бўлиб қолмасдан, истиқомат қилаётган уйингизда бузилган нарсаларни ўзларингиз созлашга ҳаракат қилинг, унга файз-тароватни ўзларингиз

бағишланг, деб талаб қилинди. Бўлимларнинг раҳбарлари, комсомол ва касаба союз етакчиларига ўз қарамоғидагиларни шу руҳда тарбиялаш топширилди. Улар ўзлари раҳбарлигида ишловчилар яшайдиган, ҳордиқ чиқарадиган жойларда тез-тез бўлиб туришлари керак.

Умуман бу тадбирларнинг ҳаммаси кўплаб етилган проблемаларни ҳал этишга ёрдам берди. Биз ўз активларимизни шунга йўналтирдикки, ходимларимизни қизиқтираётган ҳар бир масала имкони борича жойида ҳал қилинсин. Хўш, бу қандай самара берди? Ўтган ярим йил ичида бор-йўғи ўнтача киши шахсий ишлари бўйича бирлашма бош директори қабулида бўлди. Ўз участкалари учун масъул кишилар одамлар томон бурилишлари биланоқ узун навбат қисқарди қолди. Лекин ҳали хотиржам бўлишга эрта.

Мураббийлик масаласини олиб кўрайлик. Қоғозга қараганда бу соҳадаги ишлар чакки эмасди, амалда эса ижобий натижадан дарак йўқ эди. Бу масалани мураббийларга бош бўлган касаба союз комитети эмас, балки бирлашма ёш мутахассислар кенгаши кўтариб чиқди. Бундай муҳим ишга формал ёндашувдан ташвишланган ёш мутахассислар партқомга мурожаат этиб, бу соҳадаги аҳволни яхшилашни илтимос қилдилар. Ёшлар бирлашма олдида турған барча вазифаларни ҳал этишда иштирок қилишга шайлигини билдиришди. Ахир, бу катта ижодий потенциал-ку, лекин нима учундир ундан ниҳоятда кам фойдаланиларди. Комсомолга партиявий раҳбарликда тартиб йўқлиги шунга олиб келдики, ишдан бўшаганларнинг мутлақ кўпчилигини ёшлар ташкил этарди, СССР ва Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари кўргазмаларидаги ҳар йилги кўрик-конкурсларда намойиш қилишга мўлжалланган ихтироларга берилган заявкаларда ва бошқа тадбирларда ёшлар вакилларининг номлари бўлмас эди, аслида эса улар айни шу соҳаларда ўзларининг ижодий активлигини намоён этишлари мумкин эди.

Комсомол ва ёшлар билан ишлаш масаласи партия комитетида муҳокама қилинди. Бунинг учун катта тайёргарлик иши олиб борилди. Ёш мутахассислар билан кенгаш ўтказилди, комсомол комитети секретари Дмитрий Яшкин билан батафсил гапиришиб олинди, ҳамма комсомол ташкилотлари билан ўтказилган суҳбатлар ҳам кўп нарса берди, улар ҳамма нарса тўғрисида очиқчасига гапириб, зоҳирий фаровонлик орқасидаги нуқсонларни очиб ташлашга ёрдам бердилар. Фактлар анализи қуйидаги манзарани кўрсатди. Ёшларнинг пассивлигига биринчи навбатда раҳбарларнинг ҳеч бири уларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари ва орзу-умидлари билан қизиқмаганлиги сабаб бўлган. Мустақил ишланмалар ёшларга ишониб топширилмаган, уларнинг ҳар бир қадами қатъий назорат остида бўлган. Бу фактлар бизни вужудга келган аҳвол устида чуқур ўйлашга, конкрет чора-тадбирлар излашга мажбур қилди.

Ана шу масалани муҳокама қилиш жараёнида «Ёшлар» мақсадли комплекс программаси вужудга келди. У КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш, ўн иккинчи беш йилликда фан-техника тараққиётига, бирлашмамизни иқтисодий ва социал ривожлантириш соҳасидаги тадбирлар комплексини амалга оширишга ёшларнинг муҳим ҳисса қўшишини таъминлаши керак. Масалан, ёшларни юксак техникавий даражадаги барча объектлар — автомат линиялари, модуллар ва ҳоказоларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашга жалб этиш, уларнинг ихтирочилик ва рационализаторлик фаолиятини активлаштириш ва шу мақсадда бўлинмаларда ижодий бригадалар ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Ёшларга турли кўргазмалар, конкурсларда ўз ютуқларини намойиш қилиш, конференция ва симпозиумларда докладлар ва ахборотлар билан чиқиш, ўзларининг касбий малакасини, сиёсий маълумотини ошириш учун кенг имконият яратиб берилади. Ёш мутахассислар аспирантурага, илғор тажриба алмашиш юзасидан командировкаларга юборилади. Маъмурият ва партқомнинг актив ёрдамида ёш мутахассислар кенгаши фаолиятини анча жонлантириш мўлжалланмоқда. «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга келган ёш мутахассисни малакали мураббийга албатта бириктириб қўйиш амалга оширилаётир. Бунда мураббийларнинг ҳисоботлари меҳнат коллективи йиғилишларида мунтазам тинглаб борилади. Ҳар йили «Ўз касбининг энг яхши устаси» унвонини олиш учун ишчилар конкурслари ўтказиб борилади.

Программада ёшлар ҳисобидан кадрлар резервини тайёрлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор берилган. Бу бирлашмада маъмурий-хўжалик фаолияти учун энг қобилиятли ёшларни танлаш, ўқитиш, раҳбар партия иши учун ёш коммунистлардан, раҳбар комсомол иши учун комсомоллардан резерв ҳосил қилиш ва уларни ҳар томонлама тайёрлашни назарда тутади. Ўқиш шу йил январдан бошланди. Бунда биз асосан тингловчиларнинг ғоявий-маънавий тарбиясига эътибор берамиз. Улар имтиҳонлар топширишади, практикадан ўтишади. Алоҳида намуна кўрсатганларга кейинги ўсишлари, малака оширишлари учун истиқбол очилади.

Умуман кадрларга кенг таълим бериш бугунги кунда бирлашмамиз ҳаётининг асосий белгиси бўлиб қолди. Бу тушунарли ҳол. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, ҳар бир ходимда юксак малака даражасини шакллантириш юзасидан ғоят пухта ва атрофлича ўйланган иш олиб бормасдан туриб, фан-техника тараққиёти тўғрисида гап ҳам юритиш мумкин эмас. Демак, бугунги кунда қайта қуришнинг ҳал қилувчи элементларидан бири — кадрларни қайта тайёрлашдир. 7—10 йил ва ундан кўпроқ иш стажига эга мутахассислар инженерлар корпусининг асосий қисмини ташкил қилади, уларга институтда саноат ишлаб чиқаришининг ҳозирги тараққиётини акс эттирадиган фанларни ўргатишмаган. Улар микропроцессор техникаси асосларини ва электроника имкониятларини билишмайди, ҳисоблаш машиналари билан ишлай олмайдилар. Масала шу тарзда кўндаланг бўлиб турибди: биз ёки кадрларни қайта ўқитамиз ва энг янги техника ютуқлари билан қуроллана оламиз ёки қўйилган проблемаларни еча билмаймиз.

Бу катта социал аҳамиятга эга вазифадир: кишиларни тайёрлашнинг шундай форма ва методларини топиш керакки, натижада 10, 20 ва 30 йиллик иш стажига эга мутахассислар ҳам зарур билимлар ола билсин. Бунда ўқиш кишилар учун навбатдаги нохуш тадбир эмас, балки ўзининг техникавий даражасини ошириб боришга ички эҳтиёж бўлиб қолишига эришиш керак.

Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашнинг 1986—1990 йилларга мўлжалланган комплекс программаси амалга ошириляпти. У ҳар бир инженер-техник ходимни қамраб олади. Ишчилар малакасини узлуксиз ошириб боришни ҳам режалаштираяпмиз. Шу мақсадда бирлашмада техник билимлар университети ташкил этилди ва ишлаб турибди, у кадрларни узлуксиз ҳамда келажакни кўзлаб тайёрлаш вазифасини бажаради.

Сафида 500 коммунисти бўлган бирлашма партия ташкилоти ҳозир ана шундай вазифаларни ҳал қилмоқда. Бинобарин, бу коммунистлардан ҳар бири партия белгилаган планларни амалга оширишга жуда катта ғайрат-шижоат бағишлаши, ўзларининг бутун кучини сарфлаши кераклигини билдиради. Шу мақсадда партком партия ташкилоти структурасини такомиллаштириш, кадрларни шу кун талаблари асосида танлаш, тарбиялаш ҳамда иш услуби, методларини узлуксиз яхшилаб бориш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмоқда. Бизда ишлаб чиқаришнинг ҳар бир участкасида коммунистлар бор. Партия ячейкаларининг етарли даражадаги кенг шохобчаси ташкил қилинган: 20 та цех партия ташкилоти ва 42 партия группаси бор. Уларнинг ҳар бирига ўз ишдош ўртоқларининг чуқур хурмати ва ишончига сазовор коммунистлар бошчилик қилади.

Станоксозлик махсус конструкторлик технологик бюросининг асбобсозлик участкасида Николай Петрович Епифанов кўп йиллардан бери партия группасига етакчилик қилади. У нафақат ибратли меҳнати туфайли, шу билан бирга юксак самимият, маънавий фазилатлар соҳиби бўлгани учун ҳам ана шундай ишончга сазовордир. Абдураҳим Аъзамович Рўзматов бир неча марта партгрупорг қилиб сайланди, сўнгра уни цех партия ташкилоти секретарлигига сайлашди. Ҳозир у партком аъзоси. Абдураҳим Аъзамович бирлашмада 15 йил ишлаб, слесарликдан бўлим мудири ўринбосарлигигача кўтарилди. Шу йиллар мобайнида у узлуксиз камол топиб, ўқиб-ўрганиб борди, алоқа институтининг кечки бўлимини тугатди, энг муҳими — ғоявий ва маънавий жиҳатдан чиниқди.

Коммунист Епифанов ва Рўзматов партия ишини қайта қуришга биринчилардан бўлиб актив киришган партия етакчиларидир. Илгари бизда

партия йиғилишлари техник планёркаларга ўхшаб кетарди. Одамлар тўғрисида гапирилмас, ҳамма гап нуқул ишлаб чиқариш масалалари атрофида бўлар эди. Ҳозир иш бошқача тарзда қўйиляпти — инсон, унга ғамхўрлик, унинг умумий ишга реал ҳиссаси йиғилишнинг диққат марказида туради.

Танқид ҳам бошқача тус олди. Энг муҳими — унинг йўналиши ўзгарди. Агар илгари танқид асосан юқоридан қуйига қаратилган бўлса, ҳозир у қуйидан юқорига ва параллел йўналишда бўлади. Шубҳасиз, бошлиқ эмас, балки ишдош ўртоқ танқид қилганида унинг киши виждонига таъсири ҳам кучли бўлади. Бундан ташқари, танқид хайрихоҳлик ва ишчанлик мазмунини касб этди.

Умуман бизнинг партиявий фаолиятимиз ҳамма жиҳатдан янада конкретроқ ва аниқроқ бўлиб қолди. Партиявий хўжалик тартибга келтирилди. Партия активларини сўраб чиқиш шуни кўрсатдики, ҳамма ҳам ўз функцияларини, уларни амалга ошириш методларини аниқ билмас экан. Шунинг учун ўтган ҳисобот-сайлов кампаниясидан сўнг партком қуйи бўғинда, партия группаси ташкилотчилари, цех партия ташкилотларининг секретарлари ва бюро аъзоларини тасдиқланган программа асосида ўқита бошлади. Машғулотлар октябрдан бери ҳар ойда бир марта, ойнинг биринчи сешанба куни ўтказилмоқда. Бу активларимизга кўпроқ маъқул бўлмоқда.

Партия йиғилишларида, партком мажлисларида коммунистларнинг Устав талабларини бажаришлари тўғрисидаги ҳисоботларининг эшитиб борилиши уларнинг авангардлик ролини оширишга катта таъсир кўрсатмоқда. Шуни айтиш керакки, биз бу соҳада яқин кунларгача мазкур ишда йўл қўйиб келинган расмиятчиликдан ҳозирча тамомила халос бўла олганимиз йўқ. Лекин барибир силжишлар сезилиб турибди. Яқинда партком мажлисида пластмассалар хизмати раҳбари коммунист Л. М. Абрамовнинг коллективдаги ташкилотчилик ва тарбиявий иши тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Биз мажлисдан олдин бу участкадаги аҳволни диққат билан анализ қилиб, оддий коммунистлар, партиясизлар фикрини эшитдик. Шу нарса равшан бўлдики, уларнинг сўзига унчалик қулоқ солишмас, кишилар эҳтиёжи эътибордан четда қолиб кетган экан. Натижада интизом бўшашиб, ходимларнинг бутун кучларини меҳнатга бағишлашларига майли қолмаган, улар ўртасидаги муносабатлар тез-тез кескинлашиб турар экан. Бунда, албатта айбнинг каттагина қисми раҳбар зиммасига тушар эди. Шу сабабли, юз-хотирга бормасдан, кескин ва очиқчасига гапиришиб олинди. Ўртоқларнинг манфаатдорлик муносабати Л. М. Абрамовни ўзи бошқарадиган коллективдаги ҳамма ишлар учун масъуллигини чуқур ҳис қилишга мажбур этди.

Яна шуни қайд қилишни истардикки, сиёсий, идеологик ишда турмушдаги ҳамма ҳолларда ҳам қўл келаверадиган универсал рецептлар йўқ. Ўз вақтида В. И. Ленин ана шуни таъкидлаган эди. Лекин ўз коллективи проблемаларига, конкрет тажрибага мувофиқ келадиган изланиш йўлини танлаган, баъзан таваккал қилиб, янглишган киши фақат қарор топган ва кўпинча эскирган андазаларга қараб ишлаган кишига нисбатан мақсадга тезроқ етади. Фақат одамлар билан доимий мулоқотда бўлиш, уларнинг кайфияти, ташвишлари, интилишларини чуқур билиш, жонли воқеликкина олға томон ҳаракатни таъминлайдиган иш формалари ва воситаларини кўрсатиб бера олади.

ФИКРЛАР ЧОРРАҲАСИДА

«ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ»

«Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1986 йил 11-сонида иқтисод фанлари кандидати Д. Зокирхўжаевнинг мақоласи босилиб, унда республика агросаноат комплексини бошқаришни яхшилашга доир бир қатор таклифлар қилинган эди. Редакция журналхонларга мурожаат этиб, уларни муҳокама қилишда қатнашишларини илтимос қилган эди. Қуйида ана шу масала юзасидан билдирилган фикрларни эълон қиламиз.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. АНТОНОВ:

Маълумки, КПСС МК билан СССР Министрлар Совети КПСС МКнинг 1985 йил апрель Пленумининг агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш, планлаштириш, маблағ билан таъминлаш ва бошқаришни бир бутун ҳолда таъминлаш зарурлиги тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, 1985 йил ноябрда қабул қилинган қарорда СССР Агросаноат давлат комитетининг структурасини ҳамда мамлакатнинг АСК системасига кирган СССР Нон маҳсулотлари министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Министрлар Совети Ўрмон хўжалиги давлат комитети ва СССР Матлубот жамиятлари марказий союзининг функционал вазифаларини белгилаб бердилар. Мазкур қарорда ўз ишини СССР Агросаноат давлат комитети билан яқиндан мувофиқлаштириб олиб борадиган иттифоқ министрликлари ҳам белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети, айрим ўртоқлар давлат бошқарув органларини қайта қуриш ҳамда хўжалик механизмини такомиллаштириш масалаларига ҳануз бир хил маънода қараб, партия ва ҳукумат ҳозирдаёқ қайта қуриш учун замин яратганликларини, бунда бутун мамлакат миқёсида давлат бошқарувининг тегишли органларини ўзгартирганларини сира эътиборга олмаётирлар, деб ҳисоблайди.

Шу муносабат билан Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети автор қаламга олган концепцияни журнал саҳифаларида муҳокама қилишни мақсадга мувофиқ деб билмайди ва республика АСК хўжалик механизмини қайта қуриш йўлига дахлдор барча масалаларни кўриб чиқишда қатнашишга тайёрлигини билдиради.

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими С. Р. МУШЕЕВ:

Д. Зокирхўжаевнинг «Ўзбекистон коммунисти» журналининг 1986 йил 11-сонида босилиб чиққан «Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришнинг такомиллаштирилиши» мақоласини мамнуният билан ўқиб чиқдим. Унда кўтарилган масалалар, менинг назаримда, халқ хўжалигининг ана шу муҳим тармоғини бошқаришдаги параллелизмни ҳамда бир-бирининг ишини такрорлашни йўқотиш, агросаноат комплексига ажратиладиган моддий ва молия ресурсларини жамлаш, улардан самаралироқ фойдаланиш ва энг муҳими — агросаноат интеграциясини чуқурлаштириш учун ғоятда актуалдир.

Д. Зокирхўжаевнинг асосий таклифларига қўшилган ҳолда, шуни қўшимча қилмоқчиманки, бир қатор бошқа масалаларни ҳам ҳал қилиш керак бўлади. Чунончи, совхозларнинг кўпчилик қисми Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети системаси таркибига кириб, бевосита РАПО (РАСБ) га бўйсунади. Шу билан бир қаторда йигирмадан зиёд совхоз, шунингдек бир қатор саноат корхоналари (Самарқанддаги мева-консерва заводи, пахта тозалаш заводлари ва баъзи бошқа корхоналар) СССР Агросаноат давлат комитетига бўйсунади.

Республикада янги ерларни ўзлаштириш ҳамда совхозларни комплекс қуриш соҳасидаги катта ҳажмдаги ишларни СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Главсредазирсовхозстройи бажарадики, у айни вақтда буюртмачи ва пудратчи ҳамдир. Қурилиш тугалланиши билан совхозлар Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети системасига ўтказилади, бунга қадар улардаги қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига Главсредазирсовхозстрой ташкилотлари раҳбарлик қилади. Натижада ҳозирги вақтда 100 дан ортиқ хўжалик бевосита РАПОга бўйсунмайди.

Шундай қилиб, республиканинг кўпгина районларида СССР Агросаноат давлат комитети, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетининг совхозлари бўлиб, бу ҳол Агросаноат давлат комитети маҳаллий органларининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги фаолиятини анча қийинлаштирмоқда. Бошқача қилиб айтганда, совхозларнинг идоравий тарқоқлиги амалда тўла бартараф этилгани йўқ.

Шу муносабат билан СССР Агросаноат давлат комитетининг республикада жойлашган совхозлари ва саноат корхоналарини Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ихтиёрига бериш мақсадга мувофиқдир. Главсредазирсовхозстрой ихтиёридаги хўжаликларни улар қурилиши ниҳоясига етиши билан Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитетига бериш, кейинчалик эса янги ерларни ўзлаштириш ҳамда совхозлар тузиш юзасидан буюртмачи функциясини ҳам унга топшириш (тегишли миқдорлардаги капитал маблағлари билан), пудрат ташкилоти функциясини Главсредазирсовхозстройда қолдириш лозим. Масаланинг бундай ҳал қилиниши, шак-шубҳасиз, янги совхозлар қурилишининг суръатларига, муҳими эса, қурилишнинг сифати ва комплекслигига ижобий таъсир қилади, барча қишлоқ хўжалик корхоналарига раҳбарликни ягона бошқарув органи — РАПОда жамлаш имконини беради.

Агросаноат комплекси учун унинг ривожланишини илмий жиҳатдан таъминлаш жуда муҳимдир. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг «Агросаноат комплексини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан ана шу функциялар В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясига юклатилган. Бизнинг республикамизда-чи? Мазкур академиянинг Ўрта Осиё бўлими Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети системасига кирмайди. Қолаверса, АСҚ учун хизмат қиладиган кўпгина илмий-тадқиқот муассасалари СССР Агросаноат давлат комитетига бевосита бўйсунади. Ана шундай тарқоқлик натижасида институтларнинг ишида параллелизм сақланиб қолмоқда, фундаментал тадқиқотлар кам. Масалан, қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, ғаллачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик ва узумчилик, чорвачилик соҳасидаги, шунингдек қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси соҳасидаги илмий изланишлар ВАСХНИЛнинг Ўрта Осиё бўлими институтлари томонидан, ғўза селекцияси ва уруғчилиги, уни парвариш қилиш агротехникаси ва республика учун жуда муҳим бўлган бир қатор бошқа проблемалар — иттифоққа қарашли институтлар томонидан олиб борилаётганига қўшилиб бўлмайди. Республиканинг агросаноат комплексига хизмат қиладиган барча илмий-тадқиқот муассасаларини Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ихтиёрига бериш лозим деб ҳисоблайман, бундан фан ҳам, практика ҳам ютади.

Д. Зокирхўжаев мақоласи хусусига келганда, унинг Узмясомолторг базаларини Агросаноат давлат комитетига бериш тўғрисидаги таклифига қўшилмайман, негаки гўшт-сут маҳсулотларининг чакана ва улгуржи савдоси Савдо министрлиги зиммасидадир.

ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ

Партиянинг КПСС XXVII съезди илмий асослаб берган новаторлик йўли мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш негизида жамиятимиз ҳаётининг ҳамма томонларини сифат жиҳатдан тубдан такомиллаштиришга қаратилгандир. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида агросаноат комплекси (АСҚ)ни янада мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини ошириш, унинг маҳсулотига бўлган талабни тўла қондириш бу йўлни амалга оширишнинг муқаррар шартларидан бири, деб кўрсатилган. КПСС XXVII съезди уқтириб ўтганидек, ўн иккинчи беш йилликнинг ўзидаёқ аҳолининг озиқ-овқат билан таъминланишини жиддий равишда яхшиламоқ учун агросаноат комплексини ривожлантиришда кескин силжиш ясаш керак.

Ҳозирги кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш структурасини шакллантириш проблемаларини ишлаб чиқиш, шунингдек энг муҳим соҳаларни белгилаш интенсив асосда кенгайтирилган социалистик такрор ишлаб чиқариш концепциясида марказий ўринлардан бирини эгаллаши кераккa ўхшайди.

АСҚ тармоқларида изчил интенсивлашни унинг йўлида пайдо бўладиган нуқсонларни бартараф этмасдан амалга ошириб бўлмайди. Бу ерда гап аввало илгариги ривожланиш босқичларида таркиб топган инерция кучи, хўжалик фаолияти услуби ҳамда иқтисодий тафаккурдаги анъаналар ва одатлар тўғрисида бормоқда. Бугунги кунда жамиятимизнинг иқтисодий ва социал тараққиётини эскича методлар билан таъминлаб бўлмаслигини англаб олиш вақти етди. Буни тушунмаслик, янги шароитларда эскича ишлаш, нуқул ўтмишдаги тажрибага умид қилиш шунга олиб келмоқдаки, ҳатто республиканинг илғор хўжаликлари ҳам ишлаб чиқариш резервларидан, ўзларининг молиявий аҳволларини яхшилаш имкониятларидан ҳали етарлича фойдаланмаётирлар, кўпгина колхоз ва совхозларда ишлаб чиқариш чиқимлари кўп, хўжалик ҳисоби хўжа кўрсинга жорий этилган, тежаш режимини амалга ошириш юзасидан лозимича иш олиб борилмаяпти.

Хўжалик механизмини такомиллаштириш унинг барча асосий элементларини: планлаштириш, бошқаришнинг ташкилий структурасини, иқтисодий воситалар ва стимуллар системасини ўз ичига олиши керак.

Планлаштиришнинг халқ хўжалик савияси ҳал қилувчи позиция ва мутаносибликни ўз ичига олувчи ривожланишнинг ресурсларни тежовчи стратегияси рўёбга чиқишини таъминлаши керак. Ана шу даражада ҳар қайси регион учун ўзининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжлари ҳамда мамлакат бўйича ишлаб чиқариш жойлаштирилишининг рационал схемасидан келиб чиқиб, иттифоқ фондига қўшадиган ҳиссасини таъминлашдаги масъулиятнинг конкрет меъёрини илмий асосланган тарзда белгилаб чиқиш муҳимдир.

Ҳамма даражаларда агросаноат комплексини яхлит ҳолда бошқариш таъминланиши керак, бу барча бўғинларнинг келишиб ишлаш имконини беради, максимал пировард самарага эришиш мақсадларида ресурслардан тармоқлараро ва территориал жиҳатдан моҳирона фойдаланиш учун ташкилий ва иқтисодий шароит яратади. Д. Зокирхўжаевнинг, ички ишлаб чиқариш алоқаларини кучайтириш ҳамда идоралараро тўсиқларни бартараф этиш, бошқариш функцияларини бажаришдаги тақрорланишларни тугатиш, маъмурий харажатларни камайтириш, таъминотни яхшилаш ва пировард натижада АСҚ ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш учун ҳозиргача мустақил иш кўраётган республиканинг бир қатор давлат комитетлари ва министрликларини тугатиб, уларни республика Агросаноат давлат комитети составига қўшиш лозим, деган фикрига қўшиламан.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига техника билан бевосита хизмат қиладиган — Транспорт ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, чорвачилик ва озуқа ишлаб чиқариш учун машинасозлик министрлигини мамлакатнинг

Агросаноат давлат комитетига қўшиб, унинг доирасини кенгайтириш мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Бу нарса қишлоқ хўжалигига техника етказиб берадиган корхоналар ишининг кўпроқ бирор мақсадга қаратилган бўлишига, улар фаолиятининг пировард натижалар учун жавобгарлигини кучайтиришга ёрдам берган, фан-техника ютуқларини жорий этишни тезлаштирган, ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан таъминлаш юзасидан тармоқларнинг ўзаро масъулиятини кучайтирган бўлур эди.

Ҳуқуқлар ва ресурсларнинг территориал бошқарма органларида марказлаштирилиши бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатувчи бўғинларнинг хўжалик мустақиллигига путур етказмаслиги керак. Хўжалик бирликларига планли таъсир қилиш иқтисодий методларининг ролини ошириш кўзда тутиладики, бу ҳол баҳо ва тўловларнинг ўзаро нисбатини тартибга солиш орқали умумий мақсадларга эришишни, кредит ва молия имтиёзлари олиш шартларини белгилаш, шунингдек территориал бўғинлар ҳамда хўжаликларнинг марказлаштирилган озиқ-овқат фондларини яратишга қўшадиган (уларнинг ресурс потенциалларига бериладиган баҳога мувофиқ) ҳиссасининг иқтисодий нормативларини белгилашни таъминлайди.

Бу хўжалик ҳисоби принциплари изчил амалга оширилишини ва уларнинг майда ишлаб чиқариш бўғинларигача етказилишини тақозо этади. Ишлаб чиқариш ресурслари ва меҳнат ҳақи ҳақиқатан ишлаб топилиши, уларнинг натижалари эса хўжалик фаолиятининг пировард самарадорлиги билан белгиланиши керак. Бунда фақат ижтимоий норматив харажатларнигина ҳисобга олиш зарур. Қишлоқ хўжалик корхоналари ва территориал бўғинлар хўжалик фаолияти якунларини баҳолашда ресурс потенциали бирлиги ҳисобига олинадиган маҳсулот асосий кўрсаткич бўлиши керак. Хўжалик соҳасидаги шериклар ўртасида шартнома муносабатларини кенгайтириш муҳим, бу муносабатлар етказилган зарар учун тўла моддий жавобгарликни кўзда тутади ҳамда колхоз ва совхозларга нисбатан муайян хўжалик бўғинларининг монополияли мавқеини истисно қилади.

Менинг фикримча, қимматли ер-сувларнинг шаҳар, саноат, энергетика, транспорт ва бошқа қурилишлар натижасида қишлоқ хўжалик оборотидан ҳаддан ташқари кўп чиқиб қолишига тўсиқ бўладиган иқтисодий механизмни яратиш ҳам зарур.

Агар фаннинг ҳозирги ютуқлари асосида техника сиёсатига ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши бутун технологиясини қайта қуришга комплекс ёндашиш таъминланса АСҚдаги ишлаб чиқаришнинг сифат жиҳатдан янги даражасига эришиш интенсивлашни самарали амалга оширишнинг таъсирчан воситасига айланади. Ёнилғи, электр энергияси ва бошқа ресурсларнинг исроф қилиниши ва нобуд бўлишининг олдини олишнинг маъмурий, иқтисодий ва юридик системасини ишлаб чиқиш жуда муҳимдир.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш негизида АСҚни интенсивлашнинг самарадорлиги қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ тармоқларнинг техникаси ва бутун ишлаб чиқариш-техника потенциалидан яхши фойдаланишга жуда ҳам боғлиқдир. Аграр соҳада машина-трактор паркининг рационал структурасини яратиш, унга техникавий хизмат кўрсатишни анча яхшилаш, қишлоқ хўжалик истеъмолчилари, хусусан индустриал чорвачилик комплекслари, сут фермаларини электр билан пухта таъминлаш лозим. Фақат қишлоқ хўжалигини замонавий унумдор техника билан қайта жиҳозлаш, илғор технологияга ўтиш, моддий-техника ва табиий ресурслардан яхшироқ фойдаланиш масалаларини ўзаро боғлиқ ҳолда ҳал этиш асосида АСҚнинг бутун системасида интенсивлаш самарадорлигининг анча оширилишига эришиш мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик керакки, агар инсон омили зарур даражада активлаштирилмаса энг замонавий техника билан технология ҳам кутилган натижани бермайди. Иқтисодий стимуллар ва қизиқишлар ана шундай активлаштиришнинг ҳал қилувчи воситасидир.

Хўжалик механизми таъсирининг ер-сув ресурсларига тўғри муносабатини кучайтириш масалалари ҳозир алоҳида актуаллик касб этмоқда. Улардан

фойдаланганлик учун ҳақ тўлашни тартибга солиш, уларни иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш тадбирлари, жумладан ер солиғи шаклида тўпланган рента тўловларини жорий этиш, суғоришга сарфланган сув ҳақлари, ердан қишлоқ хўжалигидан ташқари мақсадларда фойдаланувчиларга уларнинг даромадлари ҳисобига белгиланган юқори ставкалар (бу ЎИЁКга аъзо бўлган мамлакатларда қўлланилмоқда) АСКда табиатдан фойдаланишни оқилона йўлга қўйишга, шубҳасиз, таъсир кўрсатади. Ерларни, бошқа табиий ресурсларни иқтисодий баҳолаш, табиатдан фойдаланишнинг бадаллик принципини қўлланиш — қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш учун жуда муҳим аҳамиятга молик вазифалардир.

Шунингдек колхозлар, совхозлар, бошқа коллективлар фаолиятининг баҳолаш кўрсаткичларида тегишлича янгича йўл тутиш зарур. Баҳолаш ва миқдорий кўрсаткичлар учун, кўпинча маҳсулот харид қилиш планларини «нима қилиб бўлса ҳам» бажарганлик учун шу коллективларни рағбатлантиришнинг таркиб топган системаси жиддий қийинчиликлар туғдиради. Бундай баҳолаш хўжалик ҳисоби табиатига, ўзаро муносабатларнинг шартнома формасига, раҳбарликнинг иқтисодий методларига зиддир. Корхона ходимлари ва раҳбарлари меҳнатига иш унумдорлиги, самарадорлиги, рентабеллигининг мезони ва кўрсаткичлари асосида баҳо берилса, уларнинг ишга муносабати принципиал тарзда ўзгаради, ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминловчи барча жиҳатлар: маҳсулот миқдори, сифати ва таннарх шунда жамланади.

Ҳозир агросаноат бирлашмалари фаолиятини янада яхшилаш учун иқтисодий омиллардан кенгроқ фойдаланиш зарурлиги тўғрисида кўп гапирилмоқда. Бироқ ҳамма ерда ҳам улар фаол ишга солинаётганича йўқ. АСБ кенгашларининг ҳаммаси хизмат кўрсатувчи ташкилотлар иш планларини, техника қарови, автотранспорт воситаларини ишлатиш, чорвачилик фермаларига техникавий хизмат, хўжаликларга агрохимия хизмати кўрсатиш бўйича йиллик топшириқларни кўриб чиқмоқдалар ва тасдиқламоқдалар деб бўлмайди. РАСБ хизмат расценкалари ва тарифларини қайта кўриш ҳуқуқидан суст фойдаланмоқда.

Шерик ташкилотлар куч-ғайратини бирлаштириш, улар диққат-эътиборини АСК хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратиш — жуда муҳим вазифадир.

У. РАШИДОВ,
Самарқанд кооператив институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири, иқтисод фанлари кандидати.

Редакциядан: юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Д. Зокирхўжаев мақоласи юзасидан билдирилган фикрлар бир хил эмас. Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари В. И. Антонов «автор қаламга олган концепцияни» журналда ҳатто муҳокама қилишни мақсадга мувофиқ деб билмайди, бунда у Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришни такомиллаштириш масаласини кўзда тутаётган бўлса керак. Бироқ бундай ёндашув КПСС Марказий Комитетида экономиканинг аграр секторида меҳнат унумдорлигини оширишга бағишлаб яқинда бўлиб ўтган кенгаш хулосаларига мос эмас: унда агросаноат комплексининг зарур марраларга эришиш йўллари орасида бошқариш системасининг такомиллаштирилиши ҳам тилга олинган.

Агросаноат комплексидаги ишларни янада ғайрат билан ва муваффақиятли олиб бормоқ учун интенсивлаш йўлига, янги технологияга ўтиш, инсон омилини активлаштириш, хўжалик юритиш механизмини такомиллаштириш, қишлоқдаги социал шароитларни тубдан ўзгартириш зарур. Бу проблемаларнинг актуаллигини ҳисобга олиб, олимлар ва АСК мутахассисларини уларни ҳал этиш билан боғлиқ саволларга жавоблар излашда қатнашишга таклиф қиламиз.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг кенгашда сўзлаган нутқида қуйидаги саволлар ўртага қўйилди. «Асосий диққат-эътиборни нималарга қаратиш керак? Нималарни қурол қилиб олиш керагу, нималардан қатъиян воз кечиш лозим ва нималарни бартараф қилиш зарур?».

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ БЕШИНЧИ СЪЕЗДИГА

ХОТИН - ҚИЗЛАР МЕҲНАТИ ВА ТУРМУШИ МАСАЛАЛАРИГА КЎПРОҚ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

С. СУЛТОНОВА,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари.

СОВЕТЛАР МАМЛАКАТИ шонли сана — XX асрнинг улкан воқеаси бўлган, инсониятнинг социализм сари жаҳоншумул-тарихий бурилишига асос солган Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасининг 70 йиллиги сари яқинлашиб бормоқда.

Хотин-қизлар масаласининг ҳал этилиши социализмнинг энг буюк ғалабаларидан бири бўлиб, бу КПСС XXVII съезди ҳужжатларида янги куч билан таъкидланди. Съезд қабул қилган янги таҳрирдаги партия Программасида, социализм — «бу эркаклар билан хотин-қизлар тенг ҳуқуқларга ва шу ҳуқуқларнинг амалга оширилиши гарантиясига эга бўлган жамиятдир» деб кўрсатилган.

Марксизм-ленинизм классиклари ўз асарларида хотин-қизлар ва умумий озодлик ҳаракатининг бирлиги, ўзаро алоқаси ҳамда бир-бирига боғлиқлиги ғоясини ҳамиша ўтказиб келганлар, хотин-қизлар иштирокисиз буюк ижтимоий бурилишларни амалга ошириб бўлмаслигини, пролетариат хотин-қизларнинг тўла эркинлигига эришмай туриб тўла озодликка эриша олмаслигини бир неча бор таъкидлаганлар. Буюк Октябрь социалистик революцияси марксизм-ленинизмнинг бу ғоялари тўғрилигини амалда тасдиқлаб, хотин-қизларнинг социал ва маънавий жиҳатдан ҳар томонлама озод бўлиши учун катта йўл очиб берди ҳамда зарур шарт-шароитлар яратди. Улуғ Октябрь хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги аҳволини тубдан ўзгартириб юборди.

Советлар Мамлакатининг Улуғ Октябрь томонидан озод қилинган хотин-қизлари социализм қурилиши ва унинг ғалабаларини Улуғ Ватан уруши йилларида ҳимоя қилиш, халқ хўжалигини тиклаш, социалистик жамиятни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига салмоқли ҳисса қўшиб, ҳозирги кунда уни мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш асосида планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштиришда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

«Хотин-қизларнинг социал ва маънавий жиҳатдан озод қилинганлиги, — деб таъкидланди КПСС МҚнинг Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан совет хотин-қизларига Мурожаатида, — Октябрнинг энг муҳим ғалабасидир. Моддий ва маънавий бойликларни кўпайтиришга, Ватан қудратини мустаҳкамлашга совет меҳнатчи хотин-қизлари катта ҳисса қўшмоқдалар. Улар давлатни бошқаришда муҳим роль ўйнамоқдалар».

* * *

Хотин-қизларни эркинликка чиқаришда Советлар Мамлакати эришган тарихий ғалабаларни айниқса Ўзбекистон ССР мисолида ёрқин кўриш мумкин.

Шуниси диққатга сазоворки, бу йил биз икки шонли сана — Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ва «Ҳужум» ҳаракатининг 60 йиллигини нишонлаймиз, бу ҳаракат Ўрта Осиё хотин-қизларининг иқтисодий ва социал зулмдан чинакам

озод бўлишига, меҳнатда, илм олишда, сиёсий ва ишлаб чиқариш фаолиятида эркаклар билан аслида тенг ҳуқуққа эга бўлишларига асос солди.

Ўрта Осиё региони хотин-қизлари бой-феодалларча муносабат ва диний бидъатлар таъсирида неча-неча асрлар давомида жамиятнинг энг кўп эзилган ва ҳуқуқсиз аъзолари бўлиб келган, уларнинг иш ва ташвишлари фақат уй, рўзғор билан чегараланиб қоларди. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда иштирок этишларига имкон бермаган асосий сабаблардан бири — уларнинг узлатда яшашлари эди.

Фақат Улуғ Октябрь социалистик революциясигина Туркистон хотин-қизларининг аҳволини тубдан ўзгартира олди. Бир замонлар уй чўриси бўлган хотин-қизлар «қонун юзасидангина эмас, турмушда ҳам эркаклар... билан тенг бўлишга» эришиб (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 40-том, 182-бет), ўз мамлакати ва ўз тақдирининг тўла ҳуқуқли эгаси бўлди.

Ўзбекистон хотин-қизлари бугунги кунда саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат қилмоқдалар, улар — фан ва маданият арбоблари, ўқитувчи ва врачлардир, партия, совет ва жамоат ташкилотларида ишламоқдалар. Агар «Ҳужум» ҳаракати бошлангунга қадар, 1926 йилда ўзбек хотин-қизларининг атиги 1 проценти ўқишни билган бўлса, ҳозирги вақтда туб миллат хотин-қизлари республикадаги мутахассисларнинг ярмини, шу жумладан илмий ходимларнинг учдан бир қисмидан кўпроғини ташкил этади. Халқ маорифи ходимларининг 58,5 процентидан ортиғи, маданият ходимларининг 61 проценти, соғлиқни сақлаш ва социал таъминот соҳаларидаги ходимларнинг 70 проценти уларнинг улушига тўғри келади. Меҳнатдаги юксак ютуқлари учун Ўзбекистон шонли қизларининг 90 мингдан ортиғи орден ва медаллар билан мукофотланган, салкам 135 таси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлишган. Ўзбекистон хотин-қизлари мамлакатимиз ва республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этмоқдалар. Ўзбекистон Компартияси сафларида — 178 минг хотин-қиз бор. 28 хотин-қиз СССР Олий Совети депутати, 183 таси Ўзбекистон ССР Олий Совети, 1470 хотин-қиз область ва 7599 хотин-қиз район Советларининг депутатларидир.

Кейинги 25 йил ичида республика халқ хўжалигида банд бўлганлар орасида хотин-қизлар салмоғи ортди. Чунончи, агар 1960 йилда улар 39 процентни ташкил этган бўлса, 1985 йилда 43 процентга етди. Лекин ўсишнинг энг юксак суръатлари 60-йилларга тўғри келди, бу даврда фақат ёшлар ҳисобига эмас, шунингдек уй бекаларини ҳам жалб этиш ҳисобига хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришга оммавий суратда келиб қўшилиши юз берди. Лекин бу ўринда шуни ҳам унутмаслик керакки, Ўзбекистон ССРда хотин-қизларнинг иш билан банд бўлишлиги юксак туғилиш шароитида ўсиб борди. Шу давр ичида кўп болали оналар 1,6 марта ўсиб, ҳозир 619 мингга етди.

Она ва бола ҳақида ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия ва Совет давлатининг ҳамиша диққат марказида бўлиб келган. КПСС XXVII съезди қарорларига мувофиқ аёллар учун тўла бўлмаган иш куни ёки қисқартирилган иш ҳафтаси, уйда ишлаш, туғишдан олдин бериладиган отпуска муддатини ва бола бир ярим ёшга етгунча унга бериладиган отпускага қисман тўланадиган ҳақни босқичма-босқич ошириб бориш, қўшимча равишда 6 ойгача отпуска олиш ҳуқуқини бериш, касал болага қарагани учун бериладиган касаллик варақаси муддатини чўзиш, кам таъминланган оилаларга 12 ёшгача бўлган болалар учун нафақа тўлаш, мактабгача тарбия муассасалари шохобчасини илдам суръатлар билан ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистонда кейинги йилларда доимий ишлайдиган мактабгача тарбия муассасалари сони қарийб 3 марта, уларнинг болаларни қамраб олиши эса 6 мартадан зиёд ортди. Лекин бундай муассасалар билан таъминланиш республикада умумиттифоқдагига нисбатан 2 баравар паст. Чунончи, 1 ёшдан 6 ёшгача бўлган болаларнинг атиги 30 процентигина боғча ва яслиларга қатнайди, қишлоқ жойларда шаҳардагига нисбатан уларга кам қатнашади.

Мактабгача тарбия муассасаларининг санитария-гигиена шароитини тубдан яхшилаш, уларда овқатлантиришни ташкил этишга нисбатан қатъий талаб қўйиш, болалар ҳисобига бойиётган талончиларга қарши шафқатсиз

курашиш вақти келди. Бундай пайтларда ота-оналар комитетларига, хотин-қизлар советларига бирлашган оналар ўзларининг қатъий сўзларини айтишлари керак. Ахир, сир эмаски, мактабгача тарбия муассасаларининг етишмаслиги, жуда кўп сонли болаларнинг уйда қолиши аёл кишини рўзғор ишлари билан ўралашиб қолишга мажбур қилади, зеро, у бу ишларга жуда кўп вақтини сарф қилади, бу эса унинг меҳнат фаолиятида иштирок этишига халақит беради.

Ишлаётган хотин-қизларнинг сони жиҳатидан енгил саноат, шунингдек шиша, чинни-фаянс ва целлюлоза-қоғоз тармоқлари биринчи ўринда туради. Қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, озик-овқат, ёғочсозлик, химия ва нефть химияси саноатида хотин-қизлар нисбатан кам. Улар бандлигининг энг паст даражаси нефть қазиб чиқарувчи, кўмир саноатида, электр энергетикада, қурилиш материаллари саноатида бўлиб, бу хотин-қизлар соғлиғини муҳофаза қилиш шарт-шароити билан боғлиқдир.

Ўзбекистонда қишлоқ аҳолиси салмоғи нисбатан юқори. Мамлакатимизнинг бошқа регионларидан фарқли ўлароқ бу ерда одамларнинг, шу жумладан хотин-қизларнинг иш билан бандлик даражаси ошиб бормоқда. Бу, биринчидан, аҳолининг табиий равишда кўпайиши, иккинчидан, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг чўл зоналаридаги жуда катта янги ер массивларини ўзлаштириш билан изоҳланади, бу жойларга катта миқдорда иш кучлари жалб қилинмоқда.

Айни вақтда хотин-қизлар меҳнатидан қишлоқ хўжалигида фойдаланишни қуйидаги омиллар секинлаштирмоқда: туб миллат аҳолиси азалдан кўп болали оилани афзал кўради, меҳнат, турмуш шароити, хизмат кўрсатиш соҳалари, мактабгача тарбия муассасаларининг ривожланиш даражаси эса уларнинг эҳтиёж ва талабларига доим ҳам мувофиқ келавермайди; хотин-қизлардан одатда мавсумий ишларда фойдаланишадики, бу қўл меҳнатини талаб қилади; қишлоқ хотин-қизлари профессионал билим жиҳатдан анча орқада, улар орасида тракторчилар, комбайнчилар, пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари жуда оз.

Хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти, сотиш ва тайёрлаш соҳалари ходимлари орасида хотин-қизлар сони муттасил ортиб бормоқда. Масалан, савдо ва умумий овқатланишда малакали меҳнат касбларида — сотувчи, контролёр-кассир, ошпазлик касбларида улар кўпчиликни ташкил қилади ва ҳоказо. 1985 йилда хотин-қизлар бу ерда иш билан банд бўлган умумий ходимлар сонининг 55,9 процентини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 1984 йилга нисбатан 1,1 процентга пасайиб кетди, бундан ташқари, у иттифоқдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 27,1 процент кам. Чунки савдо ва умумий овқатланиш аслида хотин-қизлар меҳнат қиладиган соҳа бўлиб, бу тармоқларнинг меҳнат ресурсларини хотин-қизлар билан тўлдириб бориш керакки, бу иш кучининг етишмаслигини қисқартиришга, эркакларни моддий ишлаб чиқариш учун бўшатишга имкон беради.

Ҳозирги вақтда халқ хўжалигининг хотин-қизлар кўпроқ ишлайдиган айрим соҳаларида жисмоний оғир меҳнатни камайтиришга катта эътибор берилялти. Лекин шуни ҳисобга олиш керакки, юз бераётган техник ва технологик ўзгаришлар шовқин, тебраниш, баланд ва паст температуралар, зарарли химик ва бошқа моддаларнинг хотин-қизлар организмининг физиологик хусусиятларига кўрсатадиган кўнгилсиз таъсирини истисно қилмайди. Конвейерлар, поток линиялар, кўп сонли параметрларга эга бўлган мураккаб процессларни пультлар ёрдамида бошқаришларнинг кенг қўлланилиши муносабати билан хотин-қизлар меҳнатининг асабий-психологик танглиги ортмоқда. Мамлакатда қўл, кам малакали меҳнатни йўқотиш, меҳнатни фақат серунум қилишга эмас, шунингдек мазмунли, мароқли, ижодий қилишга имкон берадиган моддий-техника базасини ривожлантириш учун кўп куч-ғайрат сарфланмоқда. Бу проблемаларни ҳал этишда хотин-қизлар соғлигига яхши таъсир кўрсатадиган ва уларнинг эҳтиёж ва қизиқишларига жавоб берадиган иш шароити ва режимини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Яна бир муҳим проблема — бу хизмат кўрсатиш соҳасини такомиллаштиришдир. Социологларнинг ҳисоб-китобига кўра, хотин-қизларнинг жами иш

куни суткада 16 соатга етади, дам олиш кунлари ва отпускаларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда йилига ўрта ҳисобда 11,5 соат бўлади. Бу эркакларнинг жами иш кунига нисбатан 1,5—2 баравар кўпдир. Бинобарин, хизмат кўрсатиш соҳаларида ишнинг аниқ ва сифатли бўлиши жуда зарур бўлиб қолди. Ҳолбуки бу соҳа аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ҳали ҳам қондиролмаяпти. Бу айниқса маиший хизмат соҳасига тааллуқлидир, бу соҳа бугунги кунда ўз вазифаларини уддалай олмаяпти. Чунончи, 1986 йилда аҳолига 11 миллион сўмликдан ортиқ маиший хизмат кўрсатилмади. Областлардаги хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бирлашмаларининг 35 процентдан ортиғи давлат планларини бажармади. Республикада чакана товар обороти планини бажариш ҳам оғир аҳволда. Савдо корхоналари олдида ўз ишини тубдан яхшилаш вазифаси турибди.

Социал инфраструктуранинг етарли даражада ривожланмаганлиги хотин-қизларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлиш даражасига жиддий таъсир кўрсатади.

Республикада ёш қизларнинг, айниқса меҳнат қила олиш ёшига етган қизларнинг уйда ва шахсий ёрдамчи хўжаликда ўралашиб қолиб кетмаслиги учун тегишли шарт-шароитларни яратиб бериш керак. Бу проблема улар учун ижтимоий ишлаб чиқаришда иш ўринларини ташкил этиш ва хотин-қизлардан малакали кадрлар тайёрлаш процессини тезлаштириш билан бевосита боғлиқдир. Мазкур проблема яна шунинг учун ҳам кескинлашяптики, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг интенсив типига ўтиш хотин-қиз меҳнат ресурсларининг сифатига тобора оширилган талаблар қўяди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 42 олий ва 249 ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Уларда 567 мингдан ортиқ киши таълим олмоқда, олий ўқув юртлари студентларининг 45 проценти, техникумлар талабаларининг 51 проценти қизлардир. 25 йил ичида республика халқ хўжалигида банд бўлган хотин-қиз мутахассислар сони 579,6 минг кишига кўпайди.

Шу билан бирга хотин-қизлардан қишлоқ хўжалиги (қишлоқ хўжалик олий ўқув юртлари студентлари орасида улар атиги 14 процентни ташкил қилади), саноат, транспорт ва алоқа учун кадрлар етарлича тайёрланмаяпти. Ёш хотин-қизлар асосан ноишлаб чиқариш соҳасига: соғлиқни сақлаш, маориф, санъат ва ҳоказоларга юборилади. Буларнинг ҳаммаси ёш хотин-қизларнинг профессионал ориентациясининг муҳимлиги ва халқ хўжалик аҳамиятини оширади. Бу ерда хотин-қизлар меҳнатига бўлган талабларни ҳисобга олган ҳолда республика ишлаб чиқарувчи кучларини жадал ривожлантириш бўйича комплекс социал-иқтисодий тадбирларни ишлаб чиқиш, ишлаб чиқаришнинг моддий соҳасини ва ўқув юртларини, айниқса ҳунар-техника билим юртлари ҳамда ўқув комбинатларини кичик ва ўртача шаҳарларда, шаҳар типидаги посёлкаларда, колхоз ва совхозлардаги ёш хотин-қизлар кўп тўпланган жойларга яқинлаштириш бош йўналиш ҳисобланади.

Шу билан бир вақтда ишлаб чиқаришнинг уйда ишлашни ёки тўла бўлмаган иш кунини кенг қўлланиш имкони бўлган тармоқларини жадал ривожлантириш керак. Бу ўзлари учун қулай шарт-шароитлар асосида ишлаб чиқаришда иштирок этишни хоҳлаган жуда кўп хотин-қизларга ижтимоий меҳнат билан шуғулланиш имконини беради, хотин-қизларнинг ижтимоий фаолиятда активлашишига кўмаклашади. Бу масалани ўрганиш кўп болали аёллардан касаначи сифатида кенг фойдаланиш социал-иқтисодий жиҳатдан катта самара беришини кўрсатди.

Шу билан бирга мазкур проблемани иқтисодчи ва социологлар янада тадқиқ этишлари керак. Жумладан, шу нарса аниқландики, уйда ишлайдиган аёлларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда иштирок этишга интилиши оила фаровонлигини ошириш, иқтисодий жиҳатдан бирмунча мустақил бўлиш, ниҳоят, болаларига ижтимоий-фойдали меҳнат кўникмаларини сингдириш ва уларда меҳнатни қадрлаш туйғусини тарбиялаш истагидан келиб чиққандир. Дарҳақиқат уйда ишлайдиган оналарнинг болалари мактабда ҳам яхши ўқишади, кам касал бўлишади, жамоат тартибини ҳам бошқаларга нисбатан кам бузишади.

Қасаначилар меҳнатини республикамизнинг аҳолиси зич областларида ташкил этиш масаласи айниқса кескин бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этиш иш билан банд бўлмаган аҳолининг анчагина контингентини ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишга имкон берибгина қолмай, шунингдек бевосита ишлаб чиқаришда янги иш жойларини яратишга сарфланадиган капитал маблағларни тежашга ҳам имкон беради. Бундан ташқари, болаларни мактабгача тарбия муассасаларига жойлаштиришга кетадиган билвосита сарфлар ҳам камаяди.

КПСС МК ва Совет ҳукуматининг турли кооперативларни барпо этиш юзасидан қабул қилган тадбирлари аёлларни ижтимоий ишлаб чиқаришга янада актив жалб этиш учун кенг имкониятлар очади. Аёллар умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқа тармоқлар кооперативлари ишида баҳоли қудрат иштирок этишлари мумкин. Бу мазкур проблемани ҳал этишгагина эмас, шунингдек хизмат кўрсатиш тармоқларини такомиллаштиришга ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Яна бир проблема — ишлаётган хотин-қизларнинг ишдан ташқари вақтидан рационал фойдаланиш ва уларнинг бўш вақтини кўпайтириш проблемасига ҳам тўхтаб ўтишни истардик. Олимларнинг маълумотларига кўра, 60-йилларнинг бошларидан 80-йилларнинг ўрталарига қадар бўш вақтнинг умумий ҳажми унча кўп ошгани йўқ: ўртача жон бошига ҳисобланганда ҳафтада ўрта ҳисобда 43 минутга ортди. Лекин унинг структураси ўзгарди.

Ўзбекистон шароитида аёлларнинг бўш вақтидан самаралироқ фойдаланиш оиладаги болаларнинг сони каби омил билан ҳам боғлиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тўрт ва ундан кўпроқ болаларни тарбиялаётган аёллар уй-рўзғор ишларига болалари йўқ аёлларга қараганда ҳафтасига 23 соат кўп вақт сарфлайди, ўқиш ва маданий савиясини ошириш учун эса боласиз аёлларга нисбатан деярли тўрт баравар кам вақт сарфлайди.

Эркак ва хотин-қизлар вақти бюджетининг умумий структурасида жиддий тафовутлар кўзга ташланади. Шуни айтиш кифояки, эркак иш кунлари ўзига қараш учун, овқатланиш ва уйқуга аёлларга қараганда 10—15 процент кўп вақт сарфлайди. Бундай жиддий тафовут шунга олиб келадики, ўқиш ва малакасини ошириш, ижтимоий фаолият, маданий дам олиш ва ҳоказолар учун аёл киши эркакка нисбатан анча кам вақтга эга бўлади. Бинобарин, хотин-қизларнинг бўш вақтини оширишга уларнинг меҳнат шароитини яхшилашнинг жиддий омили, улар турмуш тарзини ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг жуда муҳим шарти деб қараш керак.

Шунга қарамай, хотин-қизларнинг ишдан ташқари вақтидан рационал фойдаланиш ва уларнинг бўш вақтини кўпайтириш масалалари олимларнинг ишларида ҳали ҳам лозимича аксини топгани йўқ.

Ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган туб миллат хотин-қизлари ўртасида атеистик тарбияни активлаштириш бугунги куннинг актуал проблемаларидан биридир. Уларнинг анчагина қисми ҳали ҳам эски ва зарарли анъаналар таъсирида бўлиб, улар хотин-қизларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилишни секинлаштирмоқда. Улар бўш вақтининг кўп қисми турли маросимларни ўтказишга кетади. Шунинг учун ҳам диний сарқитларни бартараф этишга ёрдам берадиган сиёсий-тарбиявий ишларни, айниқса қишлоқдаги ишламайдиган уй бекалари орасида кенгроқ олиб бориш керак. Бу ишда хотин-қизлар советлари фаол иштирок этишлари керак. Шуни унутмаслик керакки, атеистик тарбияни кучайтириш хотин-қизлар дунёқарашига жуда катта таъсир кўрсатибгина қолмай, ўсиб келаётган ёш авлоднинг тарбияси, унинг социал активлигига ҳам ижобий таъсир қилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган социал-иқтисодий ва маънавий проблемаларнинг рўёбга чиқарилиши партия Марказий Комитетининг КПСС XXVII съездига Сиёсий докладида қўйилган вазифани — **«аёлларнинг** оналикни меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда актив қатнашиш билан муваффақиятли тарзда қўшиб олиб боришларига имкон берадиган **меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш»** вазифасини муваффақиятли ҳал қилишга ёрдам беради.

ҲУРРИЯТНИНГ ЙЎЛИ

Сора ЭШОНТЎРАЕВА,
СССР халқ артисти

Улуғ Октябрь социалистик революцияси Ўрта Осиё халқлари тақдирида ниҳоятда катта ўзгариш ясади, уларни қолоқ турмуш асоратидан қутқарди. Айниқса, бир неча асрлар мобайнида эзилиб келган хотин-қизларнинг ҳаётига янги турмуш нафасини олиб кирди, ёшлар тақдирига тубдан янгилик киритди. Уларни тўрт девор қуллигидан, феодализм ва шариатнинг аёл ҳурлигини топтовчи қонунлари исканжасидан озод қилди. Шунинг учун ҳам ўзбек аёллари инқилобнинг дастлабки кунлариданоқ ўз фарзандларига «Ҳуррият» деб исм қўядилар.

Халқимизнинг ҳурриятни қўлга киритиши ҳамда ҳурриятларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топишлари осон бўлмади. Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз бу масалага жиддий ва кенг қаради. Ёш ўзбек совет театри эса бу масалани чуқур ва оммабоп тарзда тарғиб этишга ўзини сафарбар қилиб, ёш республиканинг «Ҳужум» номли ҳаракатида фаол қатнашди.

Революциягача ярим профессионал даражада ишлаб келган ўзбек театри ўз актрисаларига ҳамда аёл томошабинларга ҳам эга эмасди. Шу сабабли театр инқилоб ғояларини тарғиб қилиш билан бирга аёллар орасидан ўз кадрларини танлаб олиш, тарбиялаш, томошабин орттириш ишига катта аҳамият берди. Театрларда болалик аёлларни яхши кутиб олиш учун шароит яратилди. Кўпгина мактабларда, интернат ҳамда билим юртларида минглаб қизларни санъатга йўллаган драма ва музика тўгараклари ташкил топди. Ҳалима Носирова, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Назира Алиева, Турсуной Сайдазимова, Нурхон, Шоҳида Маъзумова, Тошхон Султонова, Замира Ҳидоятова сингари санъаткорларнинг ана шундай тўгараклардан чиқишгани барчага маълум.

Ўзбек театр санъатини ривожлантириш ва унга аёл актрисаларни етказиб бериш учун республикамиздан ташқаридаги театр студиялари ва билим юртларига ёш кадрлар, жумладан қизлар жўнатилди. Москва ва Бокуга ўқишга юборилган қизлар ана шу тадбирнинг самараси эди. 1925 йили Москва студиячилари таътил муносабати билан Самарқанд ва Тошкентга гастролга келиб бир-икки йиллик таҳсил натижаси — Мольернинг «Хасис» комедиясини намойиш этдилар. Мазкур спектакль ўзбек қизларида яшириниб ётган истеъдод қирраларини ёрқин кўрсатди.

1927 йили Москвадаги драма студия талабалари «Хасис», «Ревизор», «Маликаи Турандот», «Ёрқиной», «Яна уйланаман», Боку театри билим юртини тугатганлар «Ойдин», «Аршин мол олон», «Чарлейнинг холаси» спектаклларини томошабинларга тақдим этди. Бу ҳар икки труппанинг 1927 йилдан эътиборан дадил амалга оширила бошлаган «Ҳужум» ҳаракатига жавоби эди.

Театримизда 1926 йили қўйилган Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» музикали драмаси асрлар давомида эзилиб келган оддий халқ кўнглидаги оташ дардларнинг жонли тасвири бўлди. Зеро фарзандини инсон ўрнида кўрмай, унинг эзгу орзу-ҳаваслари, ишқ-муҳаббати билан ҳисоблашмаган, ўғил-қизларини бир буюм ўрнида кўрувчи ота-оналар тимсоли Ҳалимани ота-онаси Муслим ва

Ҳожарда акс эттирилган бўлса, арзимас қарзлар ҳисобига камбағалларни ўзига қул қилиб олувчи бойлар образи — Ортиқбой характерида ўз ифодасини топганди.

Ҳалима ва Неъмат фожиаси кўпгина йигит-қизларнинг фожиаси эди. Шунинг учун ҳам томошабинлар бу асарни чин кўнгилдан қабул қилдилар. Кўпгина хотин-қизлар шу спектаклдан кейин паранжи ташлашгани маълум факт.

Ўзбек театри хотин-қизларнинг ўтмишини тарих асосида ёритиш ва ёшларни юксак орзу-идеаллар руҳида тарбиялаш ишини «Ҳалима»дан кейин ҳам изчил давом эттирди. Ҳамза вафотидан кейин саҳна юзини кўрган «Бой ила хизматчи», «Холисхон», «Майсаранинг иши» асарлари феодализм давридаги фақат ўзбек аёллари эмас, балки бутун шарқ хотин-қизлари ҳаётининг кўзгуси бўлди. Фақат кўзгу эмас, шу тузумнинг барча ёвузликлари фош этилди. Янги тузум, янги ҳаёт афзалликлари, қадрияти томошабинлар қалбига, онгига сингиб кетди.

Театр санъати ёш совет республикасининг дастлабки йилларидаги хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётга аралашиш ва очилиш мавзусини Қ. Яшин ва М. Муҳамедовнинг «Гулсара» асари мисолида саҳнага олиб чиқди.

Театр бу илк муваффақият билан чекланмади. Саҳнага эски турмуш бидъатларини фош этувчи ва уларга қарши фаол курашувчи хотин-қизлар образи кириб келди. Мен бевосита ўзим иштирок этган В. Ян ва Чўлпоннинг «Ҳужум» комедиясини назарда тутмоқдаман. Комсомол қиз Турсуной — Ҳужума фақатгина хотин-қизлар озодлиги учун эмас, балки бутун эски турмуш сарқитлари, иллатларига қарши курашувчи актив комсомол қиздир. Агар «Ҳалима», «Холисхон», «Майсаранинг иши» адолатсиз ижтимоий тузумга қарши норозилик бўлса, «Ҳужум» эса хурофот-бидъат ва унинг ташвиқотчилари илдизини қуритишга қаратилган кескин ва ҳужумкор асар эди.

Ҳа, инқилобдан кейин ўзбек аёллари ижтимоий ҳаётда фаол аралаша бошладилар. Аммо бу революция душманларига маъқул келмади. Шу сабабли Фотима Сиддиқова сингари фаолаларни, Вайнайча, Турсуной, Нурхон сингари санъаткорларни ваҳшиёна ўлдирдилар. Лекин бундай қотиллик ҳам хотин-қизларни сира чўчита олмади.

Аёллар фақат саҳнада эмас, ижтимоий ҳаётда, илм-фан соҳасида ҳам ўзларини кўрсата бошладилар. 30-йилларга келиб, коллективлаштириш ишида ҳам бригадир, раиса, оддий колхозчи сифатида бўй кўрсатдилар. Драматург Комил Яшиннинг «Икки коммунист» ва «Номус ва муҳаббат» асаридаги Дилбар, Онахон сингари аёлларимиз ўзлигини таниган, оилага ҳам, социалистик Ватанга ҳам садоқатли аёллар рамзига айланди.

Театр санъати аёллар ҳурлигини, эркинлигини, бахтини тарғиб қилиш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва ролини ҳам кўрсатишга интилди. Любовь Яровая, Султонбегим, Ҳафиза, Ҳуррият, Санобар, Айний ва бошқа кўпгина образлар яратилдики, булар аёлларнинг турли даврдаги, турли шароитдаги ижтимоий мавқеини очиб берди.

Ҳамза номидаги академик драма театри аёлларнинг уруш ва тинчликка, капитализм ва мустамлакачиликка муносабатини «Жазоир менинг Ватаним», «Туркия ҳақида ҳикоя», «Ўғирланган умр», «Ғариблар» сингари асарлар орқали талқин қилди ва уларнинг умуминсоний орзуларини тараннум этди.

Аёлларнинг оиладаги, ижтимоий ҳаётдаги ўрнини турли жанрларда таҳлил қила борди. Урушдан кейинги тинч қурилиш йилларида, айниқса 50—60-йилларда на оилага, на жамиятга фойдаси тегмайдиган аёллар характерини том маънода акс эттирди. Мен Б. Раҳмоновнинг «Юрак сирлари»даги Сурмахон, А. Қаҳҳорнинг «Тобутдан товуш» ва «Оғриқ тишлар»идаги Нетайхон, Хуморхонни назарда тутяпман.

Ҳамза номидаги театр хотин-қизлар фаолиятини изчил ёритиб келмоқда. Аммо бу анъанани республика ёшлар ва болалар театрлари, драматургия унчалик қўллаб-қувватламаяпти. Ушбу театрлар томошабинларни катта театрларга тарбиялаб, тайёрлаб берувчи коллективлардир.

Халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган ҳикмат бор. Шу муносабат билан ўқувчилик йилларимдан бир лаҳзани эсламоқчиман. Студияда ўқиб юрган чоғларим... бўйнимда қизил галстук кўчада писта чақиб кетмоқда эдим. Тўсатдан пайдо бўлиб қолган навбатчи пионерлар мени тўхтатишди. Галстугимни ечиб олиб пионер низомини сўрашди. Уларнинг барча саволларига жавоб бериб, интизомни бузмасликка ваъда қилиб, ялиниб-ёлворганимдан кейингина галстугимни қайтариб беришди. Ўша-ўша ўзимга талабчанликни сира бўшаштирган эмасман. Афсуски, ҳозирги ўқувчиларда ана ўшандай тартиб-интизомни жуда кам кўраман. Театрлар, драматурглар болаларни, айниқса қизларни ёшликдан ижтимоий актив ва ташаббускор, Ватан ва оилага бурчли кишилар қилиб тарбиялашга унчалик эътибор беришмаяпти. Бу аҳволда Майна Ҳасанова, Тожихон Шодиева, Жаҳон Обидова, Турсуной Охунова, Собира Холдорова, Лутфихон Саримсоқова, Тамарахоним, Зулфия каби ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган замонамиз қаҳрамонларини етказа оламизми?!

Аёлнинг оилада ва жамиятдаги ўрни катта ҳамда ниҳоятда масъулиятли. Агар аёлнинг ўзи жамоат ишларида фаол бўлса-ю, фарзандлари ноқобил чиқса, одамлар уни кечиришмайди. Аёл ҳар икки жиҳатни ҳам тенг олиб бориши керак. Борди-ю, у оилавий ишлар билан банд бўлиб ижтимоий ҳаётга тўла аралаша олмай, чин инсонни вояга етказса, унинг номи абадий қолади. Эшитишимча, Японияда аёлларни бола тарбиялашга, оилага қарашга махсус ўқитилар экан. Шу масалани тўла-тўкис амалга оширишнинг ўзи бир жасорат. Чунки чин инсонни тарбиялаб етказиш давримизнинг энг долзарб муаммоси бўлиб қолди. Партиямизнинг инсон омили ҳақидаги масалани бу қадар жиддий қўйишининг боиси ҳам шунда.

Қасбим, ижтимоий вазифам туфайли кўпгина учрашувларда, йиғинларда бўламан, турли жойларга сафарга чиқаман. Ёшларимизнинг фаоллигини, ҳаётимизнинг барча жабҳаларига актив аралашаётганини кўриб фахрланаман. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан, адабиёт ва санъатда номдор аёллар, қизларнинг сафи кенгаяётганини кўриб қувонаман. Бу 70 йил аввал фақатгина хомхаёл эди. Энди эса рўё.

Лекин барибир ҳали ҳам хотин-қизларда ижтимоий фаоллик етишмайди. Улар ҳар доим ҳам ўз ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб, дилдаги ниятларини очиқ айтмайдилар ва дадил амалга ошира олмаяптилар. Масалан, бир фактни олайлик: республикамизда кейинги йилларда гепатит касаллиги кўпайиб кетди. Бундан кўпроқ хотин-қизлар азоб тортди. Чунки бола онанинг жони-да. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасида биргина онанинг изтироб тўла мақоласи босилди, холос. Негадир, касби шифокор бўлган хотин-қизлар беморларни дори-дармон билан даволаш билан бир қаторда касалликнинг илдизини очмадилар, улар ҳақида лом-мим дейишмайди. Бу нима? Профессионал лоқайдликми ё тошбағирликми? «Бутифос» деган заҳарли дефолиант ҳақида ҳам чурқ этишмади. Ёзда қовун-тарвузга селитра солингани туфайли жуда кўп кишилар касал бўлади. Аммо негадир уларни даволовчи шифокор хотин-қизларимиз бу ҳақда ҳам сукут сақлашади. Ахир, қишлоқ хўжалигида ишлатилаётган кимёвий ўғитлар, моддаларнинг фойда зарари уларга аёнку. Ё бўлмаса, қишлоқ хўжалиги соҳасида иш олиб бораётган олималар бундан бехабарми? Қачонгача жим турасиз, опа-сингиллар!

Ижтимоий фаоллик ҳозирги даврда ҳар қачонгидан зарур. Фарзандларни ижтимоий фойдали, гражданин қилиб тарбиялаш ҳам ўша фаолликнинг асосий қисмидир. Афсуски, кейинги йилларда бизнинг саҳнамизда ҳурриятлар кўзга кам ташланаяпти.

Умуман, ҳар даврнинг ўз саҳна қаҳрамонлари бўлиши керак. Театр ва драматурглар бу масалани ҳеч қачон унутмасликлари лозим. Негаки, бизнинг келажагимиз учун курашган Ҳуррият ва Ҳурриятхонларнинг машаққатли йўли бизни доимо ижтимоий-маънавий фаол бўлишга даъват этади. Ҳаётимизнинг гўзаллиги, тузумимизнинг қудрати ҳам ана шунда.

«ҲУЖУМ» ҲАРАКАТИ БОШЛАНГАНИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА

ДАВР БИЗНИНГ ТАҚДИРИМИЗДА

Н. САРАДЖЕВА

ЙИЛЛАР ХУДДИ тезучар қушлар мисоли шитоб билан ўтиб бормоқда. Лекин қушлар ҳар йили баҳорда қайтиб келишади, вақт эса қайтмайди. Бошдан кечирилган кунлар бетакрор ўтмишга айланади. Бироқ шундай кунлар бўладики, уларнинг ёди хотирада доимо муҳрланиб қолади. Ушбу ҳикоя бир неча хотин-қизлар ҳаётидаги ана шундай унутилмас кунлар ҳақида, авлодларнинг давомийлиги ва тақдиримизга ўз муҳрини босувчи давр тўғрисидадир.

* * *

Дини ислом учун муқаддас шаҳар Бухоронинг ҳамма миноралариданмуаззинлар кунига беш дафъа «Оллоҳу акбар! Оллоҳу акбар!» дея ибодатга чорлашарди. Уларнинг бу даъватлари ҳавода таралар экан, айни бир пайтда зиндонлардаги тутқунлар тириклайин чиритилар, Регистонда «шаккокларнинг» бошларини олишар, шариат қонунларига шак келтиришга журъат этганларни ўлим минорасидан ирғитишарди. Камбағаллар кун кечирадиган хилват ва боши берк жинкўчалар, оддий халқдан чиққан меъморлар бунёд этган, лекин жаҳолатпарастлик ва фанатизм истеҳкомига айланган гўзал қасрлар, амир давру даврон сурган муаззам Арк ва зарҳалланган ҳарамлар — уларда қанчадан-қанча даҳшатли сирлару инсон фожиалари пинҳон эди.

Гўёки зарнинг зўри, исломнинг яшил туғи, тангри қаршисидаги ваҳима туйғуси қўллаб-қувватлаб турган мустабид ҳокимиятга путур етказадиган куч йўқдек ва бўлиши ҳам мумкин эмасдек туюларди. Гўёки халқ ғазабини алангалата оладиган қудрат йўқдек ва бўлиши ҳам мумкин эмасдек туюларди.

Лекин ниҳоят олис Россияда «Аврора»нинг гумбурлаган наъраси эшитилди. Ғолиб инқилобнинг соф шабадаси муқаддас Бухоро заминига ҳам етиб келди. Инқилоб бўронининг зўр шиддати асрлар давомида амирлик тахти, жаҳолатпарастлик ва қулликни асраб келган қалъа деворларини зир титратди.

...1917 йил. Когонда депутатлар Совети ташкил топди. Босмахонанинг катта матбаачиси ва келгусида Туркистон республикасининг бўлғуси халқ комиссари, кейинчалик Марвда оқгвардиячилар томонидан ёвузларча ўлдирилган Павел Полторацкий Совет раиси қилиб сайланди. Унинг таклифига биноан Елена Самойленко шу ерда ташкил этилган хотин-қизлар Советининг секретари қилиб тасдиқланди. Ўша кун Когондаги босмахонанинг ўн олти ёшли ишчиси ҳаётида туб бурилиш ясаган кун бўлди — у шу кундан бошлаб умрбод ҳаққоният иши учун курашчилар сафидан ўрин олди.

Ўша кезларда у ҳали кўп нарсани тушунмас, турмуш тажрибаси ва саводи камлик қилар, лекин илгари барқарор туюлган пойдеворнинг зил кетаётганини, куни кеча тилга олса боши кетадиган шиорларнинг очиқдан-очиқ эълон қилинаётганини, революцион ашулалар муллаларнинг пинғиллаган овозларини босиб кетаётганини кўриш ва эшитиш ғоят завқли эди. Бош кўтарган халқ учун на таҳдид-пўписалару қарғишлар, на вақтинчалик муваффақиятсизликлару мағлубиятлар қўрқинчли эди.

Елена ҳаммасига улгурарди: хизматкорларини йиғилишларга юборишни истамаган бекалар билан олишар, саводсизликни тугатиш тўгарагида қўлидан келганича машғулотлар ўтказар, шариат қонунларига ҳали ҳам илгаригидек қатъий амал қиладиган ўзбек хотин-қизлари ўртасида эҳтиёткорлик билан ўзи учун хатарли бўлган тарғибот ишини олиб борар эди. Сўнгра у қизил гвардиячилар отряди жангчиси бўлди.

Бир йилдан сўнг, 1918 йилда Елена Самойленко большевиклар партиясига аъзо бўлди. Бундай қараганда унинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгаргани йўқ — у ҳали ҳам аввалгидек агитатор ва жангчи эди, лекин энди ана шу номлари ёнига яна бир унвон — большевичка деган ном қўшилди. Бу унвон унга ҳеч қандай имтиёзлар бермас, фақат энг оғир жойда бўлиш, Советлар ҳокимияти учун сўнгги ўқи қолгунча жанг қилиш, агар зарур бўлса, ҳаётини ҳам қурбон қилиш ҳуқуқини берар эди. У виждонан жанг қилди, жанг қилганда ҳам икки фронтда жанг қилди, ўзбек хотин-қизларининг узлатдаги жабрли турмушига қарши авж олдириб юборилган жанг ҳам босмачиларга қарши олиб борилаётган қуролли кураш сингари ғоят муҳим ва хатарли эди.

Елена Туркистон фронти штабида ишларди, бироқ Хоразмда халқ революцияси бошланганида у ўзини Амударё қўшинлар группасига қўшишларини илтимос қилди. Хива хонлиги харобалари ўрнида вужудга келган Хоразм Халқ Совет республикасида ёш коммунистнинг ташкилотчилик қобилиятлари алоҳида намоён бўлди. У ҳамма жойда керакли эди ва ҳаммасига улгурарди ҳам: штабга юбориладиган маълумотномани ўз вақтида кўчириб берар, қизил аскарларга газета ўқир, медсестра Маруся Пижовага ярадорларга қарашишга ёрдамлашар, хотин-қизлар мажлисларида сўзга чиқарди. Елена қай ишга қўл урмасин — уни астойдил, чин юракдан бажаришга ҳаракат қиларди. У атрофида Совет ҳокимиятининг мухтор вакилларидан шафқатсиз ўч олиш ниятида юрган душманлар кўплигига қарамай жон-жаҳди билан меҳнат қиларди. Елена кабиларни амалда ҳар бир муюлишда хавф-хатар кутар, ҳар бир қумтепа орқасида ажал яшириниб ётарди, чунки зимдан иш қиладиган, маккор ва айёр босмачилар очиқдан-очиқ жанг қилишдан ўзларини олиб қочарди. Барибир, Елена партиявий топшириқни бажариб, Хивада хотин-қизлар советини ташкил этади, совет активисткаларига отаси ёки эрининг амридан қўрқадиган мазлум хотин-қизлар олдига боришга йўл топиш учун ёрдам беради.

Аста-секин жасур рус қизининг довруғи етти қават деворлар оша ҳам эшитила бошлади. Хотин-қизлар унинг тимсолида ўзларининг халоскорини кўрдилар, унинг ёрдамида хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини эълон қилган Совет ҳокимиятининг қудратини ҳис этдилар. Еленага ишона бошлашди ва унга кўпинча махфий кечадиган учрашувлар чоғида эркинлик сари талпинган асиралардан ўч олмоқчи эканликлари ҳақида хабарлар келтиришарди. Босмачиларнинг Нурловойдан энг гўзал қизларни ўғирлаб кетишганини ҳам Еленага айтишган эди. Ўшанда у қизил аскарлар отряди билан босмачилар орқасидан от қўйган эди. Улар асираларни озод қилишиб, ўзларининг уйларига қайтаришди. Елена босмачилар ўтакасини ёрган қизларни нафақат тинчлантирди, шу билан бирга ўзининг оташин эътиқоди билан уларни янги давр бошланганига ва турмушни янгича қуриш кераклигига ишонтира билди.

Ёзмишларига ҳарамхоналарнинг бандилиги битилган ана шу қизларнинг кўпчилиги маълум вақт ўтганидан сўнг «Ҳужум»нинг актив иштирокчиларига айланди. Бунда Елена Георгиевна Самойленконинг — ўзбек хотин-қизларининг азоб-уқубатлари ва изтиробларини ўз дарди деб билган коммунистнинг катта хизмати бор. Кейинчалик ҳам, партия уни қаерга — меҳнат халқ комиссарлигигами, Турк МИКгами, ипакчилик тресті системасигами, коллективлаштиришни ўтказишга ёки хотин-қизларни озод қилиш учун курашгами юбормасин, ҳамма жойда у ўзининг партиявий бурчига содиқ қолди.

Елена Георгиевна ўзининг хатарли даврда кечган ёшлик йиллари ҳақида ҳикоя қилганида ёши етмишдан ошиб қолган, лекин унинг кўзлари ҳали ҳам ёшларникидек чақнаб турар, ўша йиллар воқеалари ва ҳозир ҳам барҳаёт ҳамда ҳаётдан кўз юмган ўртоқлари ҳақидаги хотиралар унинг ёдидан сира ҳам

ўчмаган эди. Уларнинг кўпчилиги хотин-қизлар ўртасидаги ишларни ташкил қилиш учун Туркистонга келиш билан партиянинг муҳим вазифасини, В. И. Лениннинг шахсий топшириғини бажарган эдилар. Биз ҳам улар номини эсга оламиз.

Серафима Тимофеевна Любимова оташин нотиқ, зийрак, назокатли ўртоқ, оқила партия ходимаси эди. У узоқ вақт мобайнида Туркистон Компартияси МК, сўнгра эса ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлими мудири лавозимида ишлади. Партия ташкилотларининг мактаблар ва клублар очиш, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш ва улар ҳуқуқини ҳимоя қилиш соҳасидаги кўп қиррали фаолиятига Серафима Тимофеевна нафақат кўплаб тиним билмас меҳнатини, ташкилотчилик талантини, шу билан бирга ўз қалбининг бир қисмини ҳам бахш этган эди.

Дастлабки хотин-қизлар ўртасидаги ишлар ташкилотчилари орасида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси хотин-қизлар бўлими мудири ўринбосари Анна Алексеевна Аксентович, Ревком аъзоси, меҳнат халқ комиссари ўринбосари Павла Александровна Валькова, Ольга Михайловна Попова, Прасковья Ильинична Желудева ва бошқа кўплаб ўз ҳаётларини Туркистон ўлкаси хотин-қизларини озод этиш ва маърифатли қилиш учун курашга бағишлаган большевик хотин-қизлар бор эди. Бу жасур аёллар қийинчиликларга қарамасдан эркинлик ва бахт-саодат уларнинг ўзбек дугоналарининг тақдирига айланиши,улар ҳам Советлар Мамлакатининг барча вакилалари сингари шахсий қобилиятларини ривожлантира олишлари, дунёни ўзларининг санъати билан қувонтиришлари, ишлаб чиқаришга ижодий ҳисса қўшишлари, осойишталик билан болаларини тарбиялашлари учун курашдилар. Ўзбек хотин-қизлари билан рус аёллари — уларнинг меҳрибон дугоналари, ғамхўр мураббиялари, жонажон опалари қўлни қўлга бериб бирга бордилар.

...Опалари. Ҳа, ўшанда уларни опа деб аташарди, шу бир сўзда меҳр-муҳаббат, ҳурмат-эҳтиром, беғаразлик ва қаҳрамонлик учун чуқур ҳурмат жо бўлган эди. Ўша йилларда хотин-қиз активисткалар кимлар бўлиб ишлашмаган! Медицина ҳамшираси бўлишганми? Албатта, чунки улар бирор қишлоққа келганларида дастлабки медицина ёрдамини кўрсатишларига, гигиена ва санитария асосларини ўргатишларига ҳам тўғри келарди. Муаллималик қилишганми? Албатта, чунки саводсизликни тугатиш асосий вазифалардан бири эди, бу аёллар саводсизликни тугатиш тўгаракларини ҳам бошқаришарди. Адвокат ва судьялик ҳам қилишганми? Ҳа, чунки улар хотин-қизларнинг иззат-нафсини ва қадрини ҳимоя қиладиган совет қонунларини муҳофаза қилишарди. Шак-шубҳасиз, жангчилар ҳам бўлишган — чунки душман ўқи уларни ҳар қадамда пойлаб турарди.

Йиллар ўтади. Хотин-қизлар озодлиги учун кураш тарихга айланади, лекин «Ҳужум»нинг олдинги марраларида бўлганларнинг қаҳрамонлиги халқ ёдида абадий сақланиб қолади. Ўн йиллардан сўнг Ўзбекистон хотин-қизлари съезди минбаридан туриб айтилган қуйидаги сўзлар ҳам ана шу қаҳрамон аёллар тўғрисида эди:

— Биз ўзбек хотин-қизларининг ижод ва бунёдкорликнинг бахтиёр ва ёрқин йўлига чиқиб олишларига ёрдам бериш учун кўплаб куч-қувватларини бахш этган рус опаларимиздан беҳад миннатдормиз.

* * *

...1921 йил ёзида Катта Кремль Саройининг Свердлов залида Халқаро хотин-қизлар конференцияси ўтарди. 28 мамлакатдан келган делегат аёллар хотин-қизлар ҳаракатининг энг муҳим масалаларини муҳокама қилишарди. Мажлисда раислик қилаётган Клара Цеткин конференцияга Шарқ вакилалари делегацияси келганлигини эълон қилганида зал жонланиб кетди. Залдагилар кўпчилиги юзига чачвон тутган хотин-қизлардан иборат группани ўрнидан туриб кутлов билан қарши олди. Кечагина узлат бандилари бўлган, бугун эса бу ерда, Москвада пайдо бўлишларининг ўзи билан эски дунёга қарши бош кўтарган бу аёлларни кашшофлар, янги дунёга илк қадам қўйган кишилар сингари кутиб

олишди. Уларни Н. К. Крупская, А. М. Коллонтай, Клара Цеткин муборакбод қилишди.

Нозик қадли бир жувон группадан ажралиб чиқди. У чачвонни ирғитиб юборди, ҳамманинг кўзи икки ўрим қора сочи тўпиғигача тушиб турган, бошига дўппи кийган жувонга тушди. У журъатсизгина минбарга кўтарилди, залга чўчиброқ назар ташлади ва кўзларидан дув-дув ёш қуйила бошлади. Лекин Клара Цеткиннинг тасаллисидан, Надежда Константиновнанинг меҳрли табассумидан ўзини тутиб олган қиз бир-икки оғиз миннатдорчилик билдирди.

Бу қиз Туркистон ўлкасининг биринчи коммунист аёлларидан ва хотин-қизлар ўртасидаги ишлар ташкилотчиларидан бири Шамсиқамар Ғойибжонова эди. Ажойиб тақдир эгаси, узоқ ва гўзал ҳаёт кечирган бу аёл то умрининг охиригача ўзи ихлос қўйган ғояга садоқат билан хизмат қилди, у ана шу ғояни деб асрий анъанага қарши бош кўтарган эди. Унга ҳам унинг барча тенгқурларига бўлгани сингари шариат қонунлари томонидан олдиндан белгиланган тақдир тайёрлаб қўйилган эди. Уни сотиб олиш, сотиш ва, ҳатто, ҳеч қандай жазоланмасдан ўлдириш ҳам мумкин эди. Ўн яшарлигидаёқ унинг бошига паранжи солдилар, у то умрининг охиригача ана шу паранжини ёпиниб юриши керак эди.

Ҳар доим шундай бўлиб келган. Оғир ва қайғули йиллар бир-бирига уланиб, асрларни ташкил этар, лекин ўзбек хотин-қизларининг тақдирида ҳеч нарса ўзгармас эди — у уч томонлама зулм — социал, миллий ва диний-маиший зулм остида азоб чекарди. Владимир Ильич Ленин Шарқ хотин-қизларини «жабр кўрганлар ичида энг жабрдийдалар ва қуллик зулмидан энг кўп асорат чекканлар» деб атаган эди. Шу сабабли ҳам залда бизнинг юртдошларимизни қутлаётган кишилар қалбида кўтаринки руҳ тўлиб-тошгани ва Шамсиқамарнинг ҳаяжонланаётгани тушунарли ҳол эди.

Сўнгра яна бир кун келдики, у Шамсиқамар ҳаётини мунаввар этди. Туркистонлик хотин-қизлар Москвадаликлари пайтида Коминтернинг III Конгресси иш бошлади. Унинг очилиши шарафига Қизил майдонда парад бўлди. Ўрта Осиёдан келган хотин-қизлар делегациясини минбарга таклиф қилишди. Митингда сўзга чиққанлар орасида Шамсиқамар Ғойибжонова ҳам бор эди. «У Совет Туркистонининг барча хотин-қизлари номидан партия ва ҳукумат раҳбарларини, Интернационал III Конгресси делегатларини тортинибгина ва ҳаяжонланиб табриклаган эди, — деб ҳикоя қилади ўз эсдаликларида Туркистон Компартияси МК хотин-қизлар бўлими мудири ўринбосари Р. Г. Шершевская. — Қуллик асоратидан халос бўлган ўзбек қизининг сўзи гулдурос қарсаклар билан қарши олинди».

Барибир, Шамсиқамар улар делегацияси Владимир Ильич билан учрашган кунни ҳаётидаги энг бахтли кун деб ҳисоблар эди. Ленин шу пайтда Конгресс тайёргарлиги билан машғул, унинг устига тоби йўқроқ эди, шунинг учун расмий қабул тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Яхшики, хотин-қизлар Советлар Уйи биносида яшаб туришар, Ленин шу ерда Бутун Россия озиқ-овқат кенгаши очилишида нутқ сўзлаши керак эди. Хотин-қизлар Надежда Константиновнага мурожаат қилишди ва унинг ижозати билан Владимир Ильични Советлар Уйига кираверишда кутиб олиш тўғрисида келишиб олишди.

16 июнь куни эрталаб барвақт, ҳали кенгаш бошланишидан анча олдин, хотин-қизлар бинога томон борадиган йўлкага чиқиб туришарди. Улар дафъатан Ленинни кўриб қолдилар. У чаққон, енгил қадамлар билан, ўйга толганча келар эди. Р. Г. Шершевская В. И. Ленинга пешвоз чиқди.

— Маъзур тутасиз, Владимир Ильич, — деди у, — Совет Туркистонининг хотин-қизлар делегацияси уларга бир неча дақиқа вақт ажратишингизни илтимос қилади.

Ленин жилмайди, меҳрибонлик билан сўрашди. Хотин-қизлар уни қуршаб олишди. Шамсиқамар ўпкаси тўлиб бораётганини ҳис этди ва йиғлаб юборишдан ўзини базўр тутиб қолди. «Менга нима бўлди ўзи, а? Уят эмасми», — деб ўйлади у ўзича ва беихтиёр бошидаги рўмол билан юзини бекитди.

Туркистон Компартияси МК инструктори Ю. Кислова бу учрашувни шундай тасвирлаган эди:

«Ленин кепкасини бошидан олиб, чўнтагига тиқди ва шунда биз унинг

силлиқ қилиб қирилган чаккаларининг нақадар оқариб кетганлигини, кўз остлари салқиганини кўриб жуда ачиниб кетдик... Бу Ленин ўз зиммасига олган мислсиз оғир меҳнат босган шафқатсиз муҳр излари эди.

Бироқ Ленин дастлабки «Ўртоқ хотин-қизлар» деган сўзларни айтиши ҳамоно унинг юзи бутунлай ўзгача тус олди — бу энди ҳаммага маълум, бирон кишига бирон марта зорланмаган Ленинннинг ўзгинаси эди. Бу гўёки ҳаммадан ҳам қудратлироқ Ленин эди, чунки у ҳаммага мадад берар, ишонтирар, тўғри йўлга бошлар эди.

— Халқ Комиссарлари Совети ва Марказком номидан сизларни чин юракдан қутлайман, — деди Владимир Ильич.

У сукут сақлаб жим қотган ва ҳаяжонга тушган хотин-қизларга мурожаат қилиб, қисқа ва оддийгина қилиб Советлар Мамлакатининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида гапирди, уларни янги турмушни бунёд этишда фаол қатнашишга чақирди. Ленин энг оғир кунлар орқада қолди, лекин қашшоқлик, вайронгарчилик ва очарчилик азобларидан қутулиш учун ҳали яна кўп ишлар қилишимиз керак, деди. «Хотин-қизлар қўли билан етиштирилган ҳар бир пуд пахта, ҳар бир боғлам буғдой, улар тўқиган ҳар бир метр газлама — республика учун мададдир. Бу айни бир пайтда хотин-қизларни озодликка чиқаришнинг бирдан-бир йўлидир. Туркистоннинг барча хотин-қизларига биз уларнинг ёрдамини кутаётганимизни айтиб қўйинг».

Владимир Ильич хайрлаша бошлаши билан делегатлардан бири унинг ёнига борди, нимадир демоқчи бўлди, лекин русча яхши гапира олмагани учун жимиб қолди, сўнгра у Владимир Ильични қучоқлаб, унинг юзларидан ўпиб олди.

Зеро, ана шу кун тўғрисидаги хотира Шамсиқамар Ғойибжонованинг бутун умрига татигулик воқеа эмасмиди?

Кўп йиллар ўтгач, Н. К. Крупская ана шу воқеани эслаб, шундай ҳикоя қилган эди: «1921 йили Москвада Халқаро хотин-қизлар конференцияси бўлиб ўтди. Унга шунингдек мусулмон хотин-қизлар ҳам келишган эди... Улар кўчада ўртоқ Ленин билан учрашишган, уни ўраб олишиб, кўз ёшлари ичра унга нималарнидир гапиришган, қучоқлаб олишган эди. Ўртоқ Ленин тўлқинланиб кетган эди. Сўнгра хотин-қизлар Ленин билан бирга Кремлга томон кетишди. У йўлда кетаётиб шундай деган эди: «Бу жабр кўрганлар ичида энг жабрдийдаларнинг онгли ҳаёт сари интилишидир. Энди меҳнаткашларнинг ғалабаси муқаррар». Ўртоқ Ленин Шарқнинг асрлардан бери эзилиб келаётган ишчи, деҳқон хотин-қизларининг уйғонишини ғалабанинг гарови деб билган эди». Доҳий башорати рўёбга чиқди.

Биз бирор соҳанинг, масалан, экономиканинг шиддатли ўсишини кўрсатмоқчи бўлсак, рақамларга мурожаат қиламиз. Бунда саноқ боши маълум бўлади. Бироқ Улуғ Октябрь социалистик революцияси ғалабасидан кейин ўтган қисқа тарихий муддат ичида асрий қулликдан инсоний маданият чўққиларига томон қадам ташлаган Совет Ўрта Осиёси республикалари хотин-қизларининг маънавий камолотини қандай рақамлар билан қиёслаш мумкин?

Мамлакатимиз Олий Советига депутат қилиб сайланган пахтакор Тўхтахон Қирғизбоева, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган сут соғувчи Мунаввар Исоқова, СССР халқ ўқитувчиси Марям Ёқубова, СССР халқ артисти Бернора Қориеванинг, шунингдек яна бошқа юз минглаб ажойиб меҳнаткаш аёлларнинг муваффақиятлари — буларнинг ҳаммаси бизнинг воқелигимиздир, бу биз учун энг муносиб, ҳаётда рўёбга чиққан социал адолатнинг далилидир.

Рақамлар ва фактлар. Улардан энг улканлари ва салмоқлилари ҳам бизни лол қила олмайди — муваффақиятлар, зафарлар, ғалабалар совет турмуш тарзининг узвий қисмларидир. Келинг, яхшиси, бошқа рақамларни эслайлик, бошқа бир фактлар устида ўйлаб кўрайлик.

Олтмиш йил илгари — 1927 йилда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси, Ўзбекистон, Туркманистон Компартиялари МКлари, Қирғиз область партия комитети «Ўрта Осиё компартияларининг барча аъзолари ва аъзоликка кандидатларига ҳамда ташкилотларига» Мурожаат қабул қилдилар. Унда ўша

даврдаги маданий юксалиш ва феодал муносабатлари қолдиқларини тугатиш учун қулай вазият характерланади. Бунда озодликка чиқарилган хотин-қизларни иқтисодий ва маданий қурилишда қатнаштирмасдан туриб тараққиётдан орқада қолган халқлар маданиятини жадал ривожлантириш мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган эди. Ушбу ғоят муҳим ишни ташкил этишда ҳал қилувчи роль коммунистлар ва комсомолларга берилган эди.

Партия чақириғи республикада оташин қўллаб-қувватланди: хотин-қизларнинг иззат-нафси ва қадрини хўрлаб келган эски қонунлар ҳамда урф-одатларга қарши фаол ҳужум бошланди. Бу ҳаракат «Ҳужум» номи билан тарихдан жой олди.

Бу кураш ниҳоятда машаққатли ва шиддатли кураш бўлган эди! Телеграф ҳар куни «Ҳужум» иштирокчиларидан шафқатсиз ўч олингани, ваҳшиёна ўлдирилгани тўғрисида бир-биридан машъум хабарлар келтирарди. Мана, ўша йилларнинг қон билан битилган хроникаси. Бувайда районининг Полсон қишлоғида Абдураим Ҳожиматов муллаларнинг гижгижлаши билан ўзининг хотинини осиб ўлдирди. Андижон уездининг Назармаҳрам қишлоғида Шаҳрихон район партия комитети вакили Хадича Ғойибова ва унинг эри Қодир Тошпўлатов ваҳшиёна ўлдирилди. Тошкентда уч аёлни парусинадан тикилган қопга солиб Кўкалдош мадрасаси минорасидан ташлашади. Марғилонда дастлабки ўзбек актрисаларидан бири Нурхон Йўлдошхўжаева чавоқлаб ташланади. Каттақўрғонда комсомол қиз Адолат Хайриева ўлдирилади... Фаол хотин-қизларни тириклайин ерга кўмишар, оғир қийноқларга солишар, лекин ҳеч нарса эски турмушга қарши бошланган ҳужумни тўхтата олмас, хотин-қизларнинг озодликка бўлган интилишларига путур етказа олмас эди.

Архив ҳужжатлари бизга хотин-қизлар кўрсатган кўпдан-кўп қаҳрамонлик, фидокорлик, сабот-матонатлилик фактларини етказган. Ҳаракат бошланганидан кейин ўтган дастлабки ярим йил ичидаёқ 100 мингга яқин хотин-қиз қулликнинг таҳқирлик рамзи бўлган паранжини ташлаган.

Ҳозирги кунда барҳаёт Чиннихон Иброҳимова ҳам ўшанда шу хотин-қизлар орасида эди. Чиннихон опанинг номи ҳам унинг онаси Тўрахон аяники сингари хотин-қизлар озодлик ҳаракати тарихига абадий битилган. Тўрахон ая ўлкамиздаги революцион туб ўзгартиришларнинг фаол иштирокчиси, Советларнинг III Бутун Россия съезди қатнашчиси, хотин-қизлар ўртасидаги ишлар ташкилотчиси бўлган эди. Довюрак, ғоявий собитқадам бу инсон ўз қизини ҳам худди шу руҳда тарбиялади. Чиннихон ўзбек қизлари орасида биринчилардан бўлиб Москвага ўқишга борган, пойтахт Краснопресненск райони комсомол конференциясига делегат бўлган, Қўқон комсомол ташкилотига оташин Абдулла Набиев раҳбарлик қилган пайтларда у ана шу ташкилот ишларида актив қатнашган эди.

«Ҳужум» йилларида Жаҳон Обидова — республикамизнинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоевнинг бўлғуси муовини ҳам янги ҳаётнинг актив қурувчилари қаторидан жой олган эди. Ҳамзанинг шогирдлари ва сафдошлари Мунаввар Саримсоқова, Собира Холдорова ва Марям Исломоваларни халқ орасида илк қалдирғочлар деб аташарди. Ўзбек хотин-қизлари ичида биринчилардан бўлиб ўзларини партия ишида кўрсатган Муаззам Маъзумова, Тожихон Рустамбековани одамлар энг жасур ва мард кишилар деб билишарди. Улар жасорат кўрсатишди. Баъзан биз «жасорат» сўзини шунчаки ҳам айтаверамиз. Бироқ Ҳалима Қозоқова ва Зуҳра Юсуповалар ўзларининг ҳаётларини бахш этган ишни фақат шу сўз билан таърифлаш мумкин. Оддий сўзлар билан «улар хотин-қизлар клубларининг мудиралари бўлишган эди» дейиш улар тўғрисида ҳеч нарса айтмаганлик бўлади, чунки ўша йилларда аёл кишининг клубга бориши эски дунёдан юз ўгиришни, янги турмуш сари кескин ва дадил одим отганликни билдирар эди.

Мана, «Ҳужум» тарихида ёрқин из қолдирган яна бир тақдир.

Бир қиз тоғ сўқмоқлари бўйлаб бекинганича, бирон кимсага учраб қолишдан чўчиб кетиб бормоқда. У Самарқандга бориб олиш учун ошиқар, у ердан Бухорога кетиши керак эди. Бухорода Ўзбекистон Компартиясининг I

съезди бўлиши керак, қиз ана шу съездга делегат қилиб сайланган. Бироқ босмачилар қизни таъқиб қилиб келишди ва уни тоғда қўлга туширишди.

— Биз сени жуда яхши биламиз, — деди қизга қўрбоши. — Сен паранжингни ташлаб, оллоҳ олдида гуноҳга ботдинг. Сен қизларни мактабга чорлаб, ота-боболаримиз удумига шак келтирдинг. Сен кофирлар билан тил топишиб, исломнинг муқаддас туғига хиёнат қилдинг. Энди сен ўлишинг лозим. Лекин сен тавба қилиб, бизга хизмат қилишга рози бўлсанг, жонингни сақлаб қолишимиз мумкин.

Қиз унга шундай жавоб берди:

— Кўзи бир бор очилган одам қайтиб кўрликни хоҳламас. Ундан ўлим афзал.

И. Сулаймонованинг фожиали ҳалок бўлганлиги ҳақидаги хабар съездга етиб келди ва делегатлар қалбини аламли ларзага солди. Съезд ўртоқ Сулаймонова хотин-қизлар учун маданий муассасалар ташкил этиш устида астойдил иш олиб борган жойда қизлар учун унинг номида мактаб очиш билан И. Сулаймонова хотирасини абадийлаштириш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

* *
*

Ханифа опа Маҳкамова билан Муқаддам Нурматова ҳам — она-бола, улар яшаб, меҳнат қиладиган Калинин районидаги Куйбишев номли колхозда ҳамқишлоқлари уларнинг номларини бирдай ҳурмат билан тилга олишади. Бу аёллар турли авлодларга мансуб бўлиб, уларнинг ҳаёт йўлларини олтмиш йиллик муҳлат бир-биридан ажратиб турса-да, революцион туб ўзгартиришлар билан боғлиқ давр руҳи ва қайта қуриш соҳасида тутган ҳаётий позицияси уларни бир-бирига яқинлаштириб турган умумийлик ҳам мавжуд. Бунда яна бир характерли жиҳат бор. Чиннихон опа ўз онасини ўзининг биринчи ғоявий мураббияси деб билганидек, Муқаддам ҳам эришилган марра билан қаноатланмаслик ва партиявий бурчни юксак даражада тушуниш каби фазилатларни ўз онасидан ўзлаштириб олганига ишончи комил.

Ханифа опа ҳам ўз фарзандларини севади. У ҳам бошқа ҳар қандай она каби болаларининг соғ-саломат, бахтиёр бўлишини истайди. Бироқ унинг оналик муҳаббати талабчан ва фарзандлар бахти ҳақидаги тушунчаси ҳам ўзига хос — у ўз болаларига инсоннинг ҳақиқий бахти инсонларга хизмат қилишда, умум манфаати учун меҳнат қилишда, деб насиҳат қилар экан, бу сўзларни сидқидилдан айтади. Бу сўзлар қуруқ насиҳат эмас, опанинг ўзи мана шу оддий, ҳеч қаерда ёзиб қўйилмаган қонунга мувофиқ ҳаёт кечирди. Коммунист, илғор бригада раҳбари, атрофда не кечаётганига ҳеч қачон лоқайд бўлмаган бу инсон ўз фарзандлари учун меҳнатсеварлик ва маънавий поклик намунаси эди. Муқаддам ҳозир ҳам, ўзининг айтишича, онасининг байрами бутун хонадонни мунаввар этган ўша кунни ҳаяжон билан эслайди. СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан онаси Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Ханифа опа шавкатли меҳнати учун олган орденни «Оналик шуҳрати» ордени билан ёнма-ён тақиб юрар экан, бундан ғоят фахрланади. Ҳақиқатан ҳам, бу аёл зотининг ҳаётдаги энг буюк бурчи — она бўлиш, Ватанимизнинг келажаги бўлган фарзандларни тарбиялаб ўстирганлик учун бериладиган энг фахрий мукофотдир.

Нурматоваларнинг кичиги — Муқаддамни ўртоқлари ажойиб фазилатлари учун астойдил қадрлашади ва ҳурмат қилишади. У — сут соғувчи, унинг меҳнатлари Меҳнат Қизил Байроқ ва Ҳурмат Белгиси орденлари билан тақдирланган. Унинг шарафига бир неча бор социалистик мусобақа ғолибига аталган байроқ ҳилпираб турган. Нурматова — фаол ҳаётий позицияга эга инсон: колхоз парткоми аъзоси, ферма партия ташкилоти секретари. Сўнгги ҳисобот-сайлов партия конференциясида уни Тошкент область партия комитети аъзоси қилиб сайладилар. Қолаверса, Муқаддам — ажойиб ўртоқ, меҳрибон, ҳалол инсон. У миннатдор фарзанд, меҳрибон рафиқа ва тўрт боланинг онаси. У ҳозир ўттиз ёшда, ўн йилдан бери КПСС аъзоси.

Ёш коммунистнинг қайта қуришда тутган ҳаётий позицияси ҳақидаги

ҳикояни яна давом эттириш мумкин эди. Лекин биз аёл тақдирида ўчмас из қолдирган унутилмас бир кун тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз. М. Нурматова учун мамлакат коммунистларининг олий анжумани, тарихга партиянинг мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришга қаратилган стратегик йўлини тасдиқлаган революцион ўзгаришлар съезди сифатида кирадиган КПСС XXVII съезди очилган кун ана шундай унутилмас кундир. Бутун мамлакат ана шу кунни кутган, унга тайёрланган, дунёдаги барча илғор кишилар у тўғрида ўйлаган эди. Энг яхшиларга унда иштирок этиш ишончи билдирилди. Беш минг делегат орасида Муқаддам Нурматова — Ўзбекистон хотин-қизларининг партия тарбиялаб вояга етказган янги авлоди вакили ҳам бор эди. У ўз ҳаётидаги энг бахтли бу даврни умрбод эслаб юради.

Муқаддам съезд делегатларининг сўзларини, нутқларини тинглар экан, у мана шу юксак минбардан айтилаётган ҳар бир сўз бевосита ўзига ҳам қаратилганлиги тўғрисида ўйлаган эди. Ахир, яқин ўтмишдагина уларнинг колхозида ҳам иш шу даражага бориб етган эдики, баъзи бировлар, шу жумладан коммунистлар учун ҳам ижтимоий ташвишлар иккинчи даражали ишга айланиб қолган эди. Биринчи ўринга шахсий, кўпинча ғаразли манфаатлар, ўз томорқаси, ўз чўнтагининг ташвиши чиқиб қолган эди. Шундайлигини билармиди? Биларди. Истеъмолчилик муносабати, ҳар қандай йўллар билан бойишга интилиш кишилар қалбидаги барча нурли ва эзгу туйғуларни топтаб, илдиз ота бошлаганлиги хусусида ўйлаб кўрганмиди? Ҳа! Ўйлаганда қандай! Бироқ ҳалол меҳнаткашлар томонидан кўндаланг қилиб қўйилаётган саволларга жавоб излар экан, силлиқроқ иборалар топишга уринган, баъзан эса виждонсизликни, ноинсофликни, партия ҳаёти нормаларидан чекинишларни кўра била туриб, ўзини гўё кўрмаганликка ҳам солган эди-ку. У съезд курсисида ўтирар экан, мана шу сингари азобли ўйлардан изтироб ҳам чеккан эди. Шу билан бирга бошқалар каби унинг қалбида ҳам КПСС МК апрель Пленумидан сўнг камчиликларга, социал адолатсизликка, ижтимоий иллатларга тоқатсизлик ҳисси авж олиб кетганлигини ўйлаб, умидбахш ва фахр туйғуларидан кўнгли ёришди.

Нурматова Москвадан қайтиб келиши билан колхозда йиғилиш бўлди. У одатдагидан бошқача эди. Сўзга чиқувчиларни олдиндан тайёрламасдан, кимнинг нима тўғрисида сўзлашини белгилаб бермасдан, бу йиғилиш долзарб масалалар тўғрисидаги ошкора ва ғайриоддий фикр олишувга айланиб кетди. Суҳбатнинг бу йўналишини докладчи бошлаб берди.

Ўтмишда йўл қўйилган хатоларни тағин айбига яраша жазоланган кишилар зиммасига юклаб ўтириш, уларнинг гуноҳлари тўғрисида ҳадеб гапиравериш, — деди Нурматова, — бу ишнинг энг осон йўлидир. Партиямиз Марказий Комитети бизга ошкоралик, ҳаққонийлик ва дадиллик намунасини кўрсатди. Тўғри, қайта қуришнинг зарурлиги ҳақида ҳаммамиз ҳам оғиз тўлдириб гапиришга устамиз. Яхшиси, келинг, бир ўйлаб кўрайлик: биз ҳар биримиз қайта қуришни шахсан ўзимиздан бошлашимиз керак эмасми?

Ўзбекистоннинг партия тарбиялаб вояга етказган ҳамда катта авлодлар ишини муносиб давом эттираётган кўплаб хотин-қизларидан бири коммунист Нурматова ўзининг жамиятимизда рўй бераётган революцион туб ўзгартиришлардаги ролини худди шундай тушунади.

* *
*

Биз шундай ажойиб замонда яшамоқдамизки, унда тарихий ишлар, революцион туб ўзгартиришлар бир пайтларда бўлганидек асрлар давомида эмас, балки бир авлод умри давомида амалга ошади. Давр тўғрисидаги тушунчанинг ўзи бизда бутунлай бошқача маъно касб этмоқда. Қисқа муддатлар ичида шаҳарлар бунёд қилинмоқда, магистраллар солинмоқда, саҳроларга ҳаёт бахш этилмоқда. Бор-йўғи етмиш йил ичида янги инсон — бунёдкор, қайта қурувчи, ижодкор ва катта авлодлар жасоратининг давомчиси камол топди.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

КПСС XXVII съездида таъкидландики, партия мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш стратегиясини илгари суриб, бу билан тарихий аҳамиятга молик қарор қабул қилди. Жадаллаштиришга қаратилган йўл иқтисодий соҳада туб ўзгартишлар қилишдангина иборат бўлиб қолмайди, у фаол социал сиёсат юритиш билан чекланмайди. Жадаллаштириш стратегияси бутун жамиятимизни такомиллаштиришни, шу жумладан сиёсий ва идеологик тартиботлар ишининг форма ва методларини янгилашни, социалистик демократияни чуқурлаштиришни, инерцияни, турғунлик ва консерватизмни — хуллас, бизнинг коммунистик идеал сари ҳаракатимизга халал берувчи ҳамма нарсани сабот билан бартараф этишни кўзда тутади. Фақат шу йўл билангина совет жамиятининг сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришиш мумкин.

Ҳаётимизни янада демократлаштириш, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш омма ижодий имкониятларини янада кўпроқ очиш, социалистик тузум афзалликларидан максимал фойдаланиш имконини беради.

Темани ўрганишнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. КПСС XXVII съезди совет жамиятининг сиёсий системасини ривожлантиришнинг стратегик йўли ҳақида.

2. Сиёсий системани ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.

3. Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқарувини чуқурлаштириш партиянинг сиёсий соҳадаги фаолиятининг бош йўналиши.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ СОВЕТ ЖАМИЯТИ СИЁСИЙ СИСТЕМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ СТРАТЕГИК ЙЎЛИ ҲАҚИДА

Пропагандист мавзунинг ушбу бўлимини кўриб чиқишга киришар экан, аввало тингловчилар эътиборини В. И. Ленин янги тузумнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи деб билган нарсага қаратади. Бу — демократизм, омманинг жонли ижодидир. Улуғ доҳиймизнинг саводсиз киши сиёсатдан ташқарида туради деган сўзлари ҳаммага маълум. Шу боисдан партия Совет давлати яшаб келаётган бутун давр мобайнида меҳнаткашларнинг сиёсий активлигини ва маданиятини юксалтириш ҳақида толмай ғамхўрлик қилди, халқнинг маълумот даражасини бутун чоралар билан ошириб борди. Пропагандист ана шуларни тасдиқловчи статистика маълумотларини, кўплаб фактларни келтириши мумкин. Ўрта Осиё республикаларидаги, шу жумладан Ўзбекистондаги ўсиш айниқса катта таассурот қолдиради. Маданий революция бу ерда меҳнаткашлар кенг табақаларини ҳозирги замон фани ва техникасининг чўққиларига олиб чиқди, туб ерли аҳолини адабиёт ва санъат соҳасидаги жаҳон ютуқлари хазинасидан баҳраманд этди.

Ўтган салкам етмиш йил мобайнида совет кишиларининг социал-сиёсий тажрибаси ҳам бетўхтов бойиб борди. Ана шуларнинг ҳаммаси уларнинг маънавий қиёфасини жуда ҳам ўзгартириб юборди, жамият ва давлат ишларини бошқаришда фаол иштирок этишга интилиш туғдирди.

Партия жадаллаштириш вазифасини қўйиш билан социализмнинг қудратли потенциалини тўла-тўкис ишга солишга, сиёсий системамизнинг бутун имкониятларини очишга, социалистик демократиянинг ҳамма томонлари ва кўринишларини ривожлантиришга қарор қилди. Бунда шуни қайд этиш муҳимки, сиёсий системанинг турли

бўғинлари мамлакат аҳолиси барча табақаларининг, барча миллатлари ва элатларининг ўзига хос манфаатларини ифодалаши билан бирга жамиятимизни ривожлантиришнинг асосий мақсадларига эришиш йўлида мустаҳкам бирликда майдонга чиқади.

КПСС XXVII съездининг тарихий аҳамияти яна шундан иборатки, деб уқтиради пропагандист, у совет жамияти сиёсий системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқди. Буларнинг моҳияти КПСС Марказий Комитетининг партия съездига Сиёсий докладининг III бўлимида ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программаси иккинчи қисмининг IV бўлимида баён этилган. Пропагандист янги таҳрирдаги партия Программасининг қуйидаги таърифини тингловчиларга ўқиб беради: **«КПСС ҳозирги босқичда жамият сиёсий системасини ривожлантиришнинг стратегик йўли меҳнаткашларнинг, уларнинг коллективлари ва ташкилотларининг давлат ва жамоат ҳаёти масалаларини ҳал қилишда фаол ва амалий иштирок этиши асосида совет демократиясини такомиллаштиришдан, халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини тобора тўлароқ амалга ошириб боришдан иборат, деб ҳисоблайди».**

Тингловчиларга нимани тушунтириб бериш муҳим? Уларнинг корхона, ташкилот, муассасалари мисолида турли ижтимоий уюшмалар энг муҳим ишлаб чиқариш ва социал вазифаларни ҳал этишда қандай дўстона, аҳиллик билан, бир-бирини қувватлаб ва тўлдириб иш олиб бораётганликларини кўрсатиб бериш мумкин. Лекин фақат уларнинг ҳар бири бунда айнан ўзига хос бўлган специфик иш воситалари ва формаларини қўллайди, ўз функцияларини бажаради.

Партия социалистик демократияни, унинг барча жиҳатларини янада ривожлантириш учун кейинги йилларда жуда кўп иш қилди. Бу — Советлар, касаба союзлари, комсомол, меҳнат коллективлари, халқ контролини фаоллаштириш, ошкораликни кучайтириш борасидаги тадбирлардир. Бу соҳадаги ишлар КПСС XXVII съездидан кейин айникса кенг кўламда авж олди. Чунончи, унинг йўл-йўриқлари партия Марказий Комитетининг «Халқ депутатлари Советларига партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида ҳамда КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг 1986 йил июлида қабул қилинган «КПСС XXVII съезди қарорлари муносабати билан социал-иктисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида конкретлаштириб берилди. СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисидаги масала 1986 йил ноябрида ўн биринчи чақириқ мамлакат Олий Советининг VI сессиясида кўриб чиқилди. Ўтган йил декабрида КПСС МК «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини қўриқлашни кучайтириш тўғрисида» қарор қабул қилдики, бу қарор ҳам пировард натижада демократияни мустаҳкамлашга қаратилгандир, чунки демократия фақат мустаҳкам қонунларга асосланади, уни суиистеъмолларга қарши, бизнинг ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларимиздан ҳар қандай чекинишларга қарши курашсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги СССР Қонуни — социалистик демократияни ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир катта қадам бўлиб, бу қонун лойиҳаси бутун халқ муҳокамасидан ўтказиш учун шу йил февраль ойида матбуотда эълон қилинди. Мазкур ҳужжат мустаҳкам ҳуқуқий актдир, «Меҳнат коллективлари ҳамда корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда уларнинг ролини ошириш тўғрисида»ги СССР Қонуни замирида ётган принципларнинг мантиқий давоми ва конкретлаштирилишидир.

КПСС МК 1987 йил январь Пленуми жамиятимиз демократизмини чуқурлаштиришга чинакам революцион ҳисса қўшди. Унинг ғоялари, фикрлари, янги таклифларининг бойлигини пропагандист партиямиз Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Пленумда қилган «Қайта қуриш ва партиянинг кадрлар сиёсати тўғрисида»ги докладининг II бўлимига мурожаат этиб, очиб беради. Тингловчилар меҳнат аҳли кенг сиёсий ва гражданлик ҳуқуқларининг рўёбга чиқиши, унинг туб ўзгартишлардан, уларни амалга оширишда иш билан қатнашишдан манфаатдорлигининг формаси сифатида «демократия» тушунчасининг моҳиятини аниқ билиб олишлари лозим. Зеро ўзини хўжайин деб ҳис этувчи кишигина, деб таъкидланди Пленумда, уйда тартиб ўрнатиши мумкин. Бу йўл амалда бетўхтов ўтказила бориши зарур, акс ҳолда инсон омилининг таъсири қолмайди.

Пропагандист демократизмни чуқурлаштиришнинг конкрет кўринишлари устида тўхталиб ўтади. Чунончи, ҳамма ерда танқид ва ўз-ўзини танқид кенгайиб бормоқда, айрим жойларда нафақат бригадалар, цехлар, участкаларнинг, балки корхоналарнинг ҳам раҳбарларини сайлашга киришилди, эндиликда барча жамоат ташкилотлари қарорлар ишлаб чиқишда кишилар билан тез-тез маслаҳатлашадиган бўлиб қолдилар. Аммо бу жараён янада ривожланиб бориши лозим. КПСС МК январь Пленумида қайта

этилганидек, ишлаб чиқаришда демократияни такомиллаштириш, меҳнат коллективлари ишига изчиллик билан чинакам ўз-ўзини бошқарув асосларини жорий этиш биринчи даражали аҳамиятга молик.

КПСС МҚ январь Пленуми социалистик кооперация фаолиятини янада демократлаштириш зарурлигини ҳам уқтирди. Шу муносабат билан колхоз ҳаётининг етилган муаммоларини муҳокама қилиш ва колхознинг намунали Уставига зарур ўзгартишлар киритиш учун колхозчиларнинг навбатдаги съездини ўтказиш тўғрисидаги таклиф илгари сурилди. Партия кооператив ҳаракатини мустаҳкамлашга қаратилган ҳар қандай тадбирларни қувватламоқда. Зеро у биринчи галда аҳолининг товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш учун, шунингдек экономика соҳасида демократизмни ривожлантириш, инсоннинг манфаатлари ва имкониятларини яхшироқ тарзда юзага чиқариш учун катта истиқболларга эга.

Жамиятни демократлаштириш, деб таъкидланди январь Пленумида, партия, совет ва хўжалик органлари, уларнинг кадрлари қандай ишлаётганлигини контрол қилиш ҳақидаги масалани ҳам бошқача қилиб қўймоқда. Ҳозирги шароитда «юқоридан» контролнинг қанчалик муҳим эканлигига қарамай, «қуйидан» бўладиган контролнинг савияси ва самарадорлигини ошириш принципиал аҳамиятга эгадир, токи ҳар бир раҳбар, ҳар бир лавозимли шахс сайловчилар, меҳнат коллективлари, жамоат ташкилотларига, партия ва бутун халққа боғлиқ эканлиги ва улар олдида жавобгар эканлигини доимо сезиб турсин, улар олдида мунтазам равишда ҳисоб бериб турсин.

Шу муносабат билан пропагандист тингловчилар эътиборини ошкораликни ривожлантиришга қаратади. Ижтимоий вазиятни соғломлаштириш учун бунинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. В. И. Ленин ошкораликни жароҳатга даво бўлувчи малҳам деб бежиз атамаган. Халқ хўжалигимизнинг кўп соҳаларида ошкоралик, танқид ва ўз-ўзини танқид ёрдамида иш яхшиланди. Танқид ва контрол учун «тақиқланган зоналар» ўтмишда қолиб кетди. Бу ҳол бизнинг республикамиз учун нақадар муҳим эканлиги ҳақида КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг материаллари асосида мулоҳаза юритиш мумкин. Матбуотда эълон қилинаётган материаллар пропагандистга турли масалаларни очиқ-ошкора муҳокама қилиш натижаларини тингловчиларга кўрсатиб бериш учун кенг имконият яратади. Пропагандист машғулот ўтказилаётган корхона, муассаса практикасига ҳам мурожаат қилиши мумкин. Мабодо бу ишда нуқсон бўлса, пропагандист у ҳақда индамасликка ҳаққи йўқ. Ушбу муаммони партия комитети, бюро, партия йиғилиши, жамоат ташкилоти олдига қўйиш — унинг гражданлик бурчидир.

Январь Пленуми материалларида баён этилган бошқа қоидалар устида тўхталиб ўтиш ҳам тавсия этилади. Пропагандист социалистик демократизмни чуқурлаштириш юзасидан партия кўрган тадбирларни очиб берар экан, бу билан айнан КПСС ана шу жараённинг етакчи кучи сифатида майдонга чиқаётганлигини кўрсатади. Совет жамияти сиёсий системасининг ўзаги бўлмиш партия унинг барча бошқа бўғинларига раҳбарликни амалга оширади. Партия СССР Конституцияси доирасида иш юритиб, давлат ва жамоат ташкилотлари ишини йўлга солиб ва мувофиқлаштириб боради, уларнинг ҳар бири ўз зиммаларидаги вазифаларни тўла-тўкис бажаришлари ҳақида ғамхўрлик қилади. Бу Устав талаби бўлиб, КПСС Устави VII бўлимининг 60 параграфида мустаҳкамлаб қўйилган: «Давлат ва жамоат ташкилотларида ишловчи партия ташкилотлари, коммунистлар мазкур ташкилотлар ўз конституцион ваколатларини, Уставда белгиланган ҳуқуқ ва вазифаларини тўла-тўкис амалга оширишларига, бошқаришга, сиёсий, хўжалик ва социал масалаларни ҳал этишга меҳнаткашларни кенг жалб этишларига эришадилар». Халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқариш принципларини изчиллик билан ўтказиш тўғрисидаги қоида янги таҳрирдаги КПСС Программасида ҳам бор.

Партия жамиятимиз демократизмини чуқурлаштириб ва кенгайтириб борар экан, бу жиҳатдан ўзи намуна кўрсатмоқда. У партия ички демократиясини янада ривожлантиришни, партия турмуши ленинча нормаларига қатъий риоя қилишни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришни, кенг ошкораликни ўзининг муваффақиятли иш юритишининг, коммунистларнинг юксак ижодий активлигининг гарови деб билади.

Пропагандист партия раҳбарлигининг асосий принципларини кўрсатиб беради, партия турмуши ленинча нормаларининг мазмунини тушунтиради, ҳозир партияда унинг сиёсати ва амалий фаолиятига оид масалаларни эркин ва ишчанлик билан муҳокама қилиш учун қулай шароит таъминланганлиги, коллегиал органлар сифатида партия йиғилишлари, пленумлар, конференциялар, съездлар, партия комитетлари ва бюроларининг роли ошиб бораётганлиги, коммунистларга қўйиладиган талаблар, биринчи навбатда раҳбарларга қўйиладиган талаблар ортганлиги, партия интизоми мустаҳкамланаётганлиги ҳақида гапиради. Бу қонуний, албатта. Жамиятда КПСС раҳбарлик ролининг ошиб бориши унинг сиёсий, ташкилотчилик ва идеологик фаолияти савиясини

бутун чоралар билан оширишни талаб этади. КПСС МҚ январь Пленумида партия ички демократиясини кенгайтириш ҳақидаги масала кўриб чиқилганлиги ҳам ана шунга хизмат қилади.

Маълумки, партия турмушининг демократик принципларини мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор муҳим қоидалар партия XXVII съездида КПСС Уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш пайтида рўёбга чиқарилган эди. Аммо бу иш давом эттирилмоқда. Чунончи, раҳбар партия органларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу муносабат билан январь Пленуми чуқур хулосалар чиқарди. Бошланғич партия ташкилотларида партия бюролари ва партия комитетлари секретарларини сайлаш пайтида беистисно барча коммунистларнинг ўз хоҳиш-иродаларини билдиришлари учун кенг имконият яратиш, сайланиб қўйилган кишиларнинг масъулиятини ошириш вазифаси қўйилмоқда. Шунингдек район, округ, шаҳар, область, ўлка комитетларининг, иттифоқдош республикалар компартиялари Марказий Комитетларининг секретарларини, шу жумладан биринчи секретарларини ҳам тегишли партия комитетларининг пленумларида яширин овоз бериш йўли билан сайлашга ўтиш ҳамда айни чоқда овозга қўйиладиган рўйхатга уларнинг аъзолари номзодларнинг ҳар қанча бўлса ҳам номини киритиш ҳуқуқига эга бўлишлари тавсия этилмоқда. Янада демократлаштириш, КПСС МК Сиёсий бюросининг фикрига кўра, партиянинг марказий раҳбар органларини тузишга ҳам дахл қилиши лозим. Пленум уктирганидек, бундай тадбирлар — КПСС ҳаёти ва фаолиятини кучайтиришнинг, янги кучлар келиб туришининг, партия ташкилотлари актив ишлашининг муҳим шартидир, ўтмиш хатоларини такрорламаслик гарантиясидир.

Пропагандист уктирадики, партиямиз Марказий Комитетининг январь Пленуми ишларнинг аҳволига реалистик баҳо беришнинг, етилган вазифаларни ҳал этишга ишни билиб, манфаатдорлик ва принципиаллик билан ёндашишнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ана шунинг учун ҳам унинг хулосалари ва таклифлари бутун совет халқи томонидан шунчалик якдиллик билан қўллаб-қувватланди. Партиявий раҳбарлик ва хўжаликни бошқаришнинг ҳамма бўғинлари юксак даражада ишлашини таъминлашга қодир бўлган самарали ва изчил кадрлар сиёсати қайта қуришни амалга ошириш учун, белгиланган режаларни, шу жумладан социалистик демократияни чуқурлаштириш ишида ҳам бажариш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Январь Пленуми: йўл қўйилган хатоларни тан олишнинг ўзи кифоя эмас, келгусида бундай нуқсонларга йўл қўймаслик учун ўтмишдан сабоқ чиқариб олиш муҳимдир, деб таъкидлади.

Пропагандист таъкидлайдики, КПСС МК январь Пленуми кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш ҳақидаги масалани шунчаки қўймасдан, балки қайта қуриш вазифаларига жавоб берадиган кадрлар сиёсатини ишлаб чиқиш ҳақидаги масалани қўйди. Ҳозирги кунда кадрларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларига муносабати, сўздаги эмас амалдаги муносабати мазкур сиёсатнинг ҳал қилувчи мезонидир. Партия муваффақиятга эриша оладиган ташаббускор, ўйлаб иш қиладиган, серғайрат кишиларни қўллаб-қувватлаш йўлини тутди. Бундай кишилар ҳамма ерда — катта шаҳарларда ҳам, майда посёлкаларда ҳам бор. Буни М. С. Горбачевнинг Латвия билан Эстонияга қилган сафари яққол кўрсатди. Бундай кишилар республикамизда ҳам оз эмас. Пропагандист тингловчилар учун энг яқин бўлган мисолларга, улар меҳнат қилаётган корхона·ҳаётига мурожаат қилиши, ҳозир илғорлар, новаторлар қандай мадад олаётганлигини, улар ишлаб чиқариш ишига қандай таъсир қилаётганлигини анализ қилиб бериши мумкин. Фақат ижобий мисоллар ҳақидагина эмас, балки салбий мисоллар ҳақида ҳам гапирмоқ керак. Зеро бизда шундай партия комитетлари, шу жумладан район, шаҳар комитетлари борки, уларнинг ходимлари ҳали ҳам эскичасига иш юритмоқдалар, гўё улар қайта қуришдан четкада турибдилар.

Ваҳоланки, янги вазиятда партиямизнинг, унинг барча ташкилотлари, ҳамма коммунистларнинг сафарбар этувчилик роли айниқса зўр куч билан намоён бўлиши лозим. Бунга Бутуниттифоқ партия конференциясини чақириш ёрдам бериши шубҳасиздир. Конференцияда КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётганлигини кўриб чиқиш, партиянинг, бутун жамиятнинг ҳаётини янада демократлаштириш масалаларини муҳокама қилиш кўзда тутилади.

СИЁСИЙ СИСТЕМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Пропагандист таъкидлайдики, партия Совет социалистик давлатини ривожлантириш ва мустаҳкамлашни, унинг демократик, умумхалқ характерини, ижодий бунёдкорлик ролини тобора тўла очиб беришни ўз сиёсатининг ҳал қилувчи масаласи деб

ҳисоблайди. КПСС халқ ваколатининг формаларини такомиллаштиришга, совет сайлов системасининг демократик принципларини ривожлантиришга, депутатликка номзодларнинг шахсий ва ишчанлик хислатларини эркин ва ҳар тарафлама муҳокама қилишни таъминлашга катта аҳамият бермоқдаки, бу нарса КПСС МК январь Пленумида киритилган таклифларда ҳам ўз ифодасини топди. Сиёсий жиҳатдан олганда гап сайлов системасининг демократизмини чуқурлаштириш ҳақида, сайловчиларнинг сайловолди ва сайлов кампаниялари барча босқичларидаги янада самаралироқ ва реал иштироки ҳақида бормоқда. Конкрет жиҳатдан олганда бу сайловчиларнинг меҳнат коллективларидаги ва тураржойлардаги йиғилишларида, шунингдек сайловолди кенгашларида одатда бир неча номзод муҳокама қилинади, сайловлар эса ҳар биридан бир неча депутатлар сайланиши кутилаётган йирикроқ сайлов округларида ўтади, деган маънони билдиради. Овоз бериш иши формализмдан холи этилиши лозим. КПСС МК январь Пленумида таъкидландики, бу йилги сайлов кампанияси кенгроқ демократизм вазиятида, кишиларнинг ана шу жараёнда манфаатдорлик билан иштирок этиши шароитида ўтиши зарур.

КПСС XXVII съездининг ҳар қандай даражадаги Советлар фаолиятида ишнинг демократик принциплари: масалаларни коллектив тарзда, эркин, ишчанлик билан муҳокама қилиш ва ҳал этиш; ошкоралик; танқид ва ўз-ўзини танқид; депутатларнинг мунтазам ҳисобот бериб туриши ва сайловчилар ишончини оқламаганларни чақириб олишгача масъулияти; ижроия ва бошқа органлар иши устидан контрол; гражданларни бошқаришда қатнашишга кенг жалб этиш принциплари янада тўлароқ амалга оширилишига қаратилган йўл-йўриқлари ғоят муҳимдир, деб таъкидлайди пропагандист. Шу муносабат билан тингловчиларга эслатиб ўтиш лозимки, КПСС МК январь Пленуми эътиборни ижроия органларининг роли сайлаб қўйиладиган органларга зарар келтирадиган даражада бениҳоя ортиб кетганлигига қаратди ҳамда ҳеч қандай ижроия органи, айниқса унинг аппарати сайлаб қўйиладиган органнинг ўрнини боса олмайди, бундай ҳуқуққа эга эмас, ундан устун тура олмайди, деб уқтирди. Акс ҳолда ижроия комитетларини шакллантиришда, кадрларни танлашда, улар фаолияти устидан контрол қилиб туришда Советлар депутатларининг, партиявий ва бошқа коллегиал органлар аъзоларининг роли пасайиб кетади.

Пропагандист қайд этадики, жадаллаштириш шароитида халқ депутатлари Советларининг ролини ошириш ва социал-иқтисодий ҳамда бошқа вазифаларни ҳал этиш учун масъулиятини кучайтириш ҳақидаги масала янгичасига қўйилмоқда. Чунончи, СССР Олий Совети, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советлари қонунчиликни такомиллаштиришга даъват этилгандирларки, бунга бутун ҳаётимизни демократлаштириш зарурати ҳамда давлат, хўжалик, жамоат органларига нисбатан талабчанликнинг ортиши сабаб бўлди. Олий Советларнинг муҳим вазифаси — қонунларимиз қандай амал қилаётганлигини, ҳар бир давлат органи ва раҳбар қандай реал наф келтираётганлигини контрол қилиб туришдир. Олий Советларнинг сессиялари касаба союзлар, комсомол, бошқа жамоат ташкилотларининг таклифларини, бошқарув органларининг ҳисоботларини, халқ хўжалигининг айрим тармоқларидаги аҳволни, регионларни ривожлантириш проблемаларини фаолроқ муҳокама қилишлари лозим.

Оммани жадаллаштиришга сафарбар этишда маҳаллий Советлар катта роль ўйнайди. Партия XXVII съездида кўрсатиб ўтилганидек, маҳаллий органлар сайловчилардан мандат олар эканлар, ўзларига қарашли территориядаги ҳаётнинг ҳамма соҳалари учун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар. Аммо улар ўз вазифаларини қандай бажармоқдалар? КПСС МК январь Пленумида уқтирилдики, Советлар ҳозирча ўзларининг янги ҳуқуқларига тўла-тўкис эга бўлолмадилар, хўжалик ходимлари олдига тегишли талаблар қўймаяптилар. 1986 йилги планлар социал-маданий қурилишга оид кўпгина кўрсаткичлар бўйича бажарилмай қолганлигининг сабабларидан бири ҳам ана шунда. Коммунал хўжалик, савдо, маиший хизмат ишини яхшилаш, меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этишни, оммавий истеъмол моллари ишлаб чиқаришни, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ишини яхшилаш, озиқ-овқат ресурсларини тўлдириш учун резервлардан янада кенгроқ фойдаланиш — Советларнинг жонажон ишидир. Аммо ҳозирча бу борада, гарчанд партия ҳозирги шароитда Советлар фаолиятини такомиллаштириш юзасидан асос солувчи қарорлар қабул қилган бўлса-да, туб ўзгаришлар бўлганича йўқ. Эндиликда партия комитетларининг Советлар ишига ўринсиз тарзда аралашишларига, айниқса уларнинг ўрнида ишлашларига йўл қўймасликлари муҳимдир. Маҳаллий ҳокимият органларининг мустақиллиги ва активлигини кучайтириш йўлини сабот билан ўтказиб бормоқ зарур. Советларнинг сессияларини кўпроқ самарали тарзда ўтказиш, доимий комиссияларнинг аналитик ва контроллик фаолиятини кучайтириш, депутатларнинг сўровлар киритиши практикасини яхшилаш лозим. Комиссияларнинг тавсиялари, депутатларнинг таклифлари ва мулоҳазалари ижроия органлари томонидан синчиклаб кўриб чиқилиши ва ҳисобга олиниши керак.

Янги таҳрирдаги КПСС Программаси диққат-эътиборни давлат аппаратининг, бошқа барча бошқарув органларининг ишини такомиллаштиришга қаратади. У бундай деб эълон қилди: «Совет аппарати халққа хизмат қилади ва халққа ҳисоб бериб туради». У малакали ва оператив бўлиши, унинг фаолиятида бюрократизм ва формализм кўринишлари, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик сабот билан йўқотилиши, у ортикча штатлардан холи бўлишга, ишни билмайдиган ва ташаббуссиз ходимлардан қутулишга эришиши керак. Ҳар бир раҳбарнинг шахсий жавобгар бўлгани ҳолда ишда коллегиалликни амалга ошириш, ходимларга уларнинг амалий ишларига қараб объектив баҳо бериш, қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини самарали контрол қилиб туриш зарур.

Сиёсий муассасалар ишининг мазмунини, форма ва методларини янгилашга партиянинг бошқаришни, давлат қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш жараёнини демократлаштиришга қаратилган қатъий йўли фаол кўмаклашадики, бу йўл қарорларнинг оптимал вариантларини танлашни, меҳнаткашларнинг турли фикрлари ва таклифларини ҳисобга олиш ва таққослашни таъминлайди. Пропагандист ана шу демократик асосларнинг баъзи бирлари устида тўхталиб ўтади. Чунончи, ҳозирдаёқ энг муҳим қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар бутун халқ муҳокамасига қўйилмоқда. Бу практика нафақат бутун давлат миқёсида, масалан, район, шаҳар ва ҳоказолар доирасида ҳам кенгайиб боради. Аҳолининг давлат, жамият ҳаётига оид кўп масалалар юзасидан, қабул қилинган қарорлар ва уларни бажариш натижалари ҳақида хабардорлиги ҳам ошиб бормоқда.

Сайловчиларнинг наказларини, гражданларнинг ариза ва таклифларини умумлаштириш ва амалга ошириш системаси бундан буён ҳам такомиллаштирилади, жамоатчилик фикри ўрганиб борилади. Меҳнат коллективларида, Советларнинг доимий комиссияларида, касаба союзлари, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларида муҳокама қилингандан кейингина қарорлар қабул қилинадиган масалалар доираси кенгаяди.

Қасаба союзлари жамиятимиз ҳаётини демократлаштиришда, қайта қуришда муҳим роль ўйнайди. Бу энг оммавий ташкилотдир. Ҳозир унинг сафларида 140 миллион киши бўлиб, ҳамма ишловчиларнинг 99,5 процентини бирлаштирган. Мамлакатда 713 минг бошланғич касаба союз ташкилоти бор. Бунинг маъноси шуки, деярли ҳар бир меҳнаткаш уларнинг таъсири остидадир. Қайта қуришнинг бош бўғини бўлмиш меҳнат коллективлари касаба союзларининг XVIII съезди иши марказида турганлиги тасодифий эмас. Худди шу коллективларда касаба союзлари ўз потенциалларини кўрсатишлари, мусобақани ривожлантириш, интизомни мустаҳкамлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун куч-ғайратларини ишга солишлари гражданларнинг қонуний ҳуқуқларини, моддий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳақида уларнинг меҳнат, турмуш, дам олиш шароитларини яхшилаш ҳақида жон куйдиришлари лозим.

Ҳозир иш қандай боряпти? Ҳозирча суст боряпти. Ўзбекистон касаба союзлари XIII съездининг материаллари ҳам шундан далолат беради. Уларнинг фаолиятида танг жойлар кўп. Бу етарлича самарали бўлмаган, баъзан нореал, тўқиб чиқарилган мажбурият ва ташаббусларни айниқса пахтачилик ва чорвачиликда қўллаб-қувватлашга қаратилган социалистик мусобақа ҳамдир. Бу сифат проблемаларининг, ишга миришкорлик билан муносабатни тарбиялашнинг суст ҳал этилиши ҳамдир. Инсон омили ролини оширишга тааллуқли нарсаларда ҳам ишга нўноқлик билан ёндашиш сезиляпти. Хуллас, олдимизда катта иш турибди.

Пропагандист ўз меҳнат коллективи мисолида касаба союз ташкилоти қандай иш олиб бориши, хўжалик юритишнинг янги методлари шароитида унинг биринчи навбатдаги вазифаси нимадан иборат эканлигини кўрсатиб бериши, касаба союз ташкилоти ишни қайта қура олдими, ишлаб чиқаришни бошқаришга ишчиларни қанчалик фаол жалб этмоқда, социал сиёсат, илғор тажрибани пропаганда қилиш ва жорий этиш, социал адолат принципига риоя қилиш устидан контролнинг ижтимоий формаларини ривожлантириш вазифаларини қандай ҳал қилмоқда — ана шуларни анализ қилиб бериши керак. Қасаба союз ташкилотларининг муҳим вазифаси — меҳнат коллективлари ваколатларининг рўёбга чиқишига ҳар тарафлама кўмаклашишдан иборат эканлигини унутмаслик лозим.

Пропагандист таъкидлайдики, демократиянинг социал базасини кенгайтириш Ленин комсомоли сингари қудратли кучнинг ролини оширишни ҳам назарда тутади. Ёшлар қайта қуриш йўлини айниқса фаол қўллаб-қувватламоқдалар. Бу тушунарли, албатта — зеро янгиланган жамиятда уларнинг ўзлари яшайдилар ва ишлайдилар. Партия янги вазифаларни ҳал қилар экан, муттасил равишда комсомолга, ёшларга, уларнинг ғайрат-ташаббусига ва социализм ишига содиқлигига, турғунликка муросасизлигига, тараққиётга интилишига таянади. Шунинг учун ҳам ёш авлоднинг позицияси жуда катта сиёсий аҳамиятга молик. КПСС МК январь Пленуми масалани шу тарзда қўйди. У таъкидлади-

ки, партия ташкилотлари, уларнинг комитетлари, комсомол ёш авлод олдида истикболни очиб бериши, ишни ёшлар амалда ўзгаришларнинг жўшкин иштирокчилари бўлиб коладиган килиб ташкил этишлари лозим. ВЛКСМ XX съездига тайёргарлик ишлари худди шу йўналишда олиб борилди. Бизнинг жамиятимизда Ленин комсомолининг коммунистик курилишдаги ролига янгича караш карор топиши зарур. Унинг ўрнини партиянинг программавий коидаси белгилаб берганки, партия ВЛКСМни ўзининг фаол ёрдамчиси ва ишончли резерви деб билади: «Комсомол йигит ва кизларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини кунт билан ривожлантириб бориши, уларда марксча-ленинча дунёкарашни, сиёсий ва маънавий маданиятни, социализм ва тинчлик такдири учун тарихий масъулиятни англаш ҳиссини тарбиялаб бориши керак».

Республикамиз комсомолининг иши кўп. Унинг XXIII съездида Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўз нуткида бу ҳакда гапириб ўтди. Ана шу ишлардан баъзи бирларинигина кўрсатмокчимизки, бу — маҳсулот сифатини ошириш ишида катнашиш, меҳнатга лаёкатли бўлган ҳамма ёшларни ижтимоий ишлаб чикаришга жалб этиш, янги регионларни ўзлаштиришга кўпрок ёрдам бериш, кишлок хўжалигини механизациялашда пешкадам бўлиш, ёш кадрларни тайёрлашни ва малакасини оширишни контрол остига олиш, тарбиявий фаолиятда, атеистик ишда, физкультура ва спортни ривожлантиришда комсомолчасига ташаббус кўрсатишдир.

Машғулот пайтида бошка жамоат ташкилотларининг вазифаларини ҳам очиб бериш максадга мувофикдир. Улар орасида кооперация — колхозлар, матлубот, уй-жой курилиш кооперативлари ва кооператив ташкилот ва бирлашмалар социалистик ўз-ўзини бошкаришнинг муҳим формаси сифатида алоҳида ўрин тутади.

Агар умуман жамоат ташкилотлари ишига назар ташланадиган бўлса, деб давом этади пропагандист, улардан кўпларининг ташаббуси ҳамон етарлича эмаслиги, уларнинг халкчил, ижодий, ташаббускорлик табиати ҳали тўла-тўкис рўёбга чикарилмаётганлиги яккол бўлиб колади. Улар ҳали оммага яхши таянаётганликлари йўк, энг аввало аппарат штаби кучлари билангина иш олиб бормокдалар.

Пропагандист таъкидлайдики, давлат ва жамоат контроли совет демократиясини такомиллаштиришда, халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкаришини тобора тўларок амалга оширишда муҳим роль ўйнайди. Партия меҳнаткашларнинг контрол органлари ишида иштирок этишини омма манфаатларини кўриклашда, ишга давлат нуктаи назаридан ёндашишни, халк бойлигига ўз мулкидек карашни тарбиялашда уларнинг сиёсий етуклиги ва активлигини ривожлантиришнинг самарали формаси деб билади. КПСС МК январь Пленумида кўрсатилганидек, Советлар, касаба союзлари ва бошка жамоат ташкилотлари контрол килиш учун жуда катта имкониятга эгадирлар. Уларни рўёбга чикариш — сессиялар, доимий комиссиялар ва депутатлар ишининг демократик принципини мустаҳкамлаш, лавозимли шахсларнинг Советлар олдида мунтазам ҳисобот бериб туришларининг, депутатлар сўровлари практикасининг самарадорлигини ошириш демакдир. Пленумнинг ҳар хил текширишлар ва инспекцияларни сира кечиктирмасдан тартибга солиш ҳакидаги талаби контролни такомиллаштиришга каратилган. Зеро бундай текшириш ва инспекциялар кўп кишиларни ишдан чалғитади, ишда асабийлик туғдиради, амалда эса улардан келадиган фойда, одатда жуда ҳам оздир.

Партия халкнинг ўз-ўзини бошкаришини ривожлантириб, социалистик демократизмни чукурлаштириш билан бирга давлат ва жамоат ҳаётининг ҳукукий асосларини мустаҳкамлаш ҳакида тинмай ғамхўрлик килмокда. Бу — табиий, албатта, зеро чинакам демократия конундан ташкарида бўлмайди ва конун устидан ҳукмронлик килолмайди. КПСС XXVII съезди конунларимизни ривожлантиришнинг ва ҳукук-тартиботни кучайтиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

КПСС МК январь Пленуми, деб таъкидлайди пропагандист, ана шу масалаларнинг ҳаммасига катта эътибор берди. Чунончи, Пленумда шу беш йилликда экономикани, социал соҳани ва маданиятни ривожлантиришга, халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкаришига, гражданлар ҳукуклари ва эркинликларининг гарантияларини кенгайтиришга тааллукли бўлган янги-янги конунларни тайёрлаш ва кабул килиш лозим бўлади, деб уктирилди. Якин вакт ичида янги жиноят конунларини ишлаб чикиш ҳакидаги таклиф кувватландики, бу конунлар совет жамияти ривожининг ҳозирги шароитларига тўларок мос бўлиши, гражданларнинг манфаатлари ва ҳукукларини самаралирок ҳимоя килиши, интизомни ва ҳукук-тартиботни мустаҳкамлашга олиб келиши лозим. Совет судининг роли ва обрў-эътиборини ошириш, судларнинг мустакиллиги принципига катъий риоя этиш, прокурор назоратини катъиян кучайтириш, тергов органлари ишини такомиллаштириш чора-тадбирлари кўрилади. Гражданларнинг ҳукукларини камситувчи мансабдор шахсларнинг ғайриконуний ҳаракатлари устидан судга шикоят килиш тартиби ҳакидаги конун лойиҳасини муҳокама килиш демократизмни янада ри-

вожлантириш учун муҳим аҳамиятга молик. Давлат арбитражи ишини яхшилаш, ҳуқуқий пропагандани кенгайтириш қўшимча тадбирлари мўлжалланган.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишни тугаллар экан, социалистик демократиянинг ҳамма нарсани қилиш мумкинлиги, масъулиятсизлик, анархия билан ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб уқтиради. У тингловчиларга партиянинг қуйидаги программавий қоидасини эслатади: «Совет гражданинининг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишини унинг конституцион бурчларни бажаришидан ажратиб бўлмайди. Бурчларсиз ҳуқуқлар бўлмаганидек, ҳуқуқларсиз бурчлар ҳам бўлмайди — социалистик жамиятнинг қатъий сиёсий принципи шундай». Чинакам демократия ҳар бир кишининг сиёсий ва социал ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, унга хизмат қилади, деб қайд этилди КПСС МҚ январь Пленумида, айни бир вақтда у ҳар бир коллективга ва бутун жамиятга хизмат қилиб уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Демократия билан интизомни, мустақиллик билан масъулиятни, лавозимли шахслар, ҳар бир гражданниннинг ҳуқуқлари билан бурчларини узвий тарзда қўшиб олиб бориш — социалистик демократизмнинг асосий, белгиловчи хусусиятидир.

ХАЛҚНИНГ СОЦИАЛИСТИК ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРУВИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ — ПАРТИЯНИНГ СИЁСИЙ СОҲАДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ БОШ ЙЎНАЛИШИ

Пропагандист ушбу бўлимни кўриб чиқишга киришар экан, энг аввало социалистик ўз-ўзини бошқариш ҳақидаги ленинча тушунчани очиб беради. Социалистик ўз-ўзини бошқариш меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб фақат амалга оширилибгина қолмай, балки қонуний тарзда, тобора кўпроқ даражада ўз уюшмаларининг ҳукмронлигидан бошқа ҳеч қандай ҳукмронликни билмайдиган меҳнаткашларнинг ўзларининг бевосита ишига айлана боради. Халқнинг ўзи ўз ишларини реал тарзда бошқарган, миллионлаб кишилар сиёсий ҳаётда иштирок этган тақдирдагина социалистик тузум муваффақият билан ривожланиб боради. КПСС XXVII съездида, ўз-ўзини бошқариш асослари давлат ва ижтимоий ҳаётнинг ҳамма тўқималарига тобора чуқурроқ сингa бориб, демократик централизмнинг мазмунини бойитиб, унинг социалистик табиатини мустаҳкамлаб, давлатимиздан ташқарида эмас, балки унинг ичида ривожланиб боради, деб уқтирилди.

Пропагандист таъкидлайдики, КПСС — социалистик ўз-ўзини бошқаришни ривожлантиришнинг етакчи кучи ва асосий гарантидир. Унинг ўзи ҳам ижтимоий-сиёсий ўз-ўзини бошқарувчи ташкилотнинг юқори формасидир. Партия ички демократиясини ривожлантира, сиёсий системанинг барча бўғинларида ишлаётган коммунистларнинг активлигини ошира борар экан, партия халқнинг социалистик ўз-ўзини бошқаришини чуқурлаштириш процессини тўғри йўналтириб туради. КПСС МҚ 1987 йил январь Пленуми ишлаб чиққан йўл бундай ёндашиш намунасидир. Пленум қайд қилдики, меҳнаткашларнинг жамоат ишларида, мамлакатни бошқаришда тобора кўп иштирок этаётганлиги ҳозир жуда хилма-хил тарзда намоён бўлмоқда. Партия ташкилотларининг ҳаёти янада жўшқинроқ бўлиб бормоқда. Танқид ва ўз-ўзини танқид кенг ёйилмоқда. Оммавий ахборот воситалари фаолроқ ишлай бошладилар. Ҳаётимиз нормасига айланаётган ошкоралик яхши таъсир кўрсатмоқда. Янги жамоат ташкилотлари барпо этилмоқдаки, улардан бири — уруш ва меҳнат ветеранларининг бутуниттифоқ ташкилотидир. Совет маданият фонди ташкил топди. Хотин-қизлар советлари тузилмоқда. Ижодий союзларнинг съездлари принципиаллик ва танқид вазиятида ўтди.

Айни чоқда Пленум таъкидладики, планлаштиришга, меҳнатни ташкил этишга, моддий ва бошқа неъматларни тақсимлашга ёки энг обрўли, билимдон кишиларни танлаш ҳамда раҳбарлик вазифаларига кўтаришга тааллуқли бўладими, барибир, агар бизнинг демократик тартиботларимиз ҳар бир меҳнат коллективидаги ишларнинг аҳволига фаол ва реал таъсир кўрсатсагина, биз халқнинг ташаббуси ва ижодкорлигини чинакамига кўтара олган бўламиз. Ҳар бир совет кишиси ўз тажрибасида ана шу ўзгаришларни қанчалик тез ҳис қилса, унинг гражданлик позицияси, ҳамма жамоат, давлат ишларидаги иштироки шунчалик фаолроқ бўлади.

Январь Пленумининг мазкур кўрсатмалари партиямиз программасининг қоидаларига батамом мувофиқдир. Программамиз диққат-эътиборни бевосита демократиянинг ҳамма формаларидан ғоят самарали фойдаланишга, халқ оммасининг давлат қарорларини ва бошқа қарорларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва бажаришда тўғридан-тўғри иштирок этишига қаратади. КПСС XXVII съездида меҳнат коллективлари ҳақидаги қонун замирида ётган демократик нормалар ва принципларни кундалик иш практикасига айлантириш имконини берувчи механизмни яхшилаш тўғрисида конкрет таклифлар киритилди. Меҳнат коллективининг қарори билан узил-кесил ҳал қилинадиган проблема-

лар доирасини кенгайтириб бориш, ишчи ва хизматчиларнинг умумий йиғилишлари ролини, уларнинг қарорларини бажариш учун жавобгарликни ошириш тавсия этилди. Фақат бригадалардагина эмас, балки корхоналар даражасида ҳам умумий йиғилишлар ўртасидаги даврда меҳнат коллективи кенгаши ишлаб туриши, унинг составига маъмурият, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, бригада кенгашлари вакиллари, ишчилар, мутахассислар кириши кераклиги ҳақида фикр айтилди. Ҳамма бригадирларни, шунингдек мастерлар, сменалар, участкалар, цехларнинг бошлиқларини, совхозлар бўлимлари бошқарувчиларини ҳам сайлаш таклиф этилди.

Ана шу таклифлар бевосита демократиядан самарали фойдаланишдек съезднинг муҳим йўл-йўриғини тўла амалга оширувчи Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги қонунда ўз ифодасини топди. Меҳнат коллективларининг умумий йиғилишлари ва кенгашларига ишлаб чиқариш, социал ва кадрлар ишларига алоқадор масалаларни ҳал қилиш юзасидан ваколатлар бериш, бу, — В. И. Ленин ифодаси билан айтганда, халқнинг чинакам ўз-ўзини бошқарувга ўтишида йирик сиёсий тадбирдир.

Пропагандист сайлаб қўйишдек асослар ҳаётимизга фаол тарзда кириб келаётганлигига мисоллар келтириши мумкин. Марказий матбуот ҳам, маҳаллий матбуот ҳам бу ҳақда хабарлар бермоқда.

Бизнинг республикамизда ҳам бригадирлар, мастерларни, цехлар, сменалар бошлиқларини сайлаб қўйиш таомилга кирмоқда.

Бундан ташқари, КПСС МК январь Пленумидан кейин сайлаб қўйиш асосларини дарҳол баъзи бир район партия комитетлари ҳам ўз амалий ишларида қўлладиларки, бу ҳақда М. С. Горбачев Латвия билан Эстонияга қилган сафари вақтида гапириб ўтди.

Тингловчиларнинг ўз меҳнат коллективларида ҳам сайлаб қўйиш асослари қандай жорий этилаётганлиги масаласини муҳокама қилишлари фойдалидир.

КПСС XXVII съезди, партия МК январь Пленуми талаблари асосида колхозларга ва бошқа кооператив ташкилотларга раҳбарликнинг демократик принципларига, уларнинг уставларига оғишмай риоя этилиши лозим. Ҳозирча кўп кишилар кооперация турмушига аралашишга уринмоқдалар. Партия ва совет органларининг вазифаси — кооператив ўз-ўзини бошқариш бетўхтов амал қилишини кузатиб бориш ҳар қандай тазйиқ ўтказишга, маъмуриятчилик қилишга уринишларга барҳам беришдан иборат.

Бу ўринда январь Пленуми қарорларини ва қайта қуриш вазифаларини рўёбга чиқаришда район ва шаҳар партия комитетларининг, район бўғини кадрларининг роли каби масалага тингловчиларнинг эътиборини қаратиш муҳимдир. М. С. Горбачев Эстония ССР активи билан учрашув пайтида мазкур даражадаги партия комитетларининг функциялари ҳақида гапириб, шуни яна бир бор қаттиқ таъкидладики, улар сиёсий раҳбарлик органлари сифатида иш олиб боришлари керак. Бизда бошқарув функцияларини бажариш учун бутун бир органлар системаси: совет, хўжалик, соғлиқни сақлаш, маориф ва шу каби органлар мавжуд. Жамоат ташкилотлари ҳам ўз фаолият соҳасига эга. Партия комитетларининг вазифаси эса — ана шу бутун хилма-хил системанинг доимий раҳбарлик қилиши ва актив ишлашини таъминлаш, жамиятда содир бўлаётган ҳамма жараёнларга таъсир кўрсатишдан, энди демократлаштиришнинг янги моментларини ҳисобга олган ҳолда кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни, тегишли ташкилотчилик, идеологик иш олиб бориш, кишиларни тарбиялашни амалга оширишдан иборатдир.

Бошланғич партия ташкилотлари ҳаётимизни демократлаштиришнинг қудратли воситаларидир. М. С. Горбачев шу муносабат билан Эстония ССР активи билан учрашувда мана бундай деган эди: «Бошланғич партия ташкилотларининг фаолияти, ташаббускорлигини ривожлантириши асосида ҳар бир коммунистни қайта қуриш жараёнига реал тарзда жалб этиш — аслини олганда бу барча меҳнат коллективларини, бутун партияни, бутун халқни қайта қуришга жалб этиш демакдир».

Мамлакатимизда бевосита демократиянинг бутун бир қатор самарали формалари қарор топди. Улар орасида — қонунлар лойиҳаларини ва бошқа энг муҳим ҳужжатларни умумхалқ муҳокамасига қўйиш формасини кўрамиз. СССР гражданларининг умумдавлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган қарорларни муҳокама қилиш ва қабул этишда иштирок қилиш ҳуқуқи мамлакатимиз Конституциясининг 48-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган. КПСС XXVII съезди ана шу жуда муҳим масала юзасидан махсус қонун тайёрлашни тезлаштиришни кўзда тутди.

Жамиятимиз ҳаётида ўз-ўзини бошқариш асослари кенг ривож топган ҳозирги шароитда гражданларнинг йиғилишлари, сайловчиларнинг наказлари, меҳнаткашларнинг хатлари, матбуот, радио, телевидение каби бевосита демократияни ривожлантиришнинг ишончли воситаларидан, жамоатчилик фикрини аниқлаш, омманинг талаб-эҳтиёжларига ва кайфиятига оператив тарзда сезгирлик билан жавоб беришнинг барча воситаларидан фойдаланиш зарурдир.

Пропагандист халкнинг социалистик ўз-ўзини бошкарувини чукурлаштириш ҳакида гапирганда бизнинг кўп миллатли мамлакатда яшаётганлигимиз каби принципиал муҳим фактни четлаб ўтолмайди. Бу ўринда ҳам унга яна КПСС МК январь Пленуми материалларига мурожаат қилиш тавсия этилади. Ушбу масалада партия сиёсатининг моҳияти қуйидаги сўзлар билан ифодаланган: «Демократия ва ўз-ўзини бошкариш кенгайиб бораётган, ҳамма миллат ва элатларнинг миллий ўз-ўзини англаши тез ўсиб бораётган, интернационаллашув жараёни чукурлашаётган ҳозирги кунда юзага келаётган масалаларни бирдан-бир мумкин бўлган асосда — ҳар бир миллат ва элатнинг гуллаб-яшнаши манфаатларини, уларнинг янада якинлашуви манфаатларини, бутун жамиятнинг манфаатларини кўзлаб ўз вактида ва одилона ҳал этиш алоҳида муҳим аҳамият касб этмокда».

Машғулот охирида пропагандист ошкораликни кенгайтириш ҳакидаги масалага яна қайтади. У В. И. Ленининнг Советлар демократизмини тавсифловчи қуйидаги сўзларини эслатади: «Бу — ҳамма учун очик, барча нарсани омманинг кўз ўнгида қиладиган, омма учун қулай бўлган, бевосита омманинг ўзидан келиб чикадиган ҳокимият, халк оммасини ва унинг иродасини тўғридан-тўғри ва бевосита ифода қиладиган органдир» (Тўла асарлар тўплами, 12-том, 340-бет). Шуни таъкидлаш лозимки, бу сиёсий масаладир, ошкораликсиз демократизм, омманинг сиёсий ижодкорлиги, унинг бошкарувда иштирок этиши мумкин эмас. КПСС XXVII съездида кўрсатиб ўтилганидек, бу кадрларни психологик жиҳатдан қайта тарбиялашнинг, ижтимоий муҳитни соғломлаштиришнинг бошланиш нуктасидир.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЁТ

В. И. Ленин. **Кадетлар ғалабаси ва ишчи партиясининг вазифалари.** — Тўла асарлар тўплами. 12-том, 340-бет.

В. И. Ленин. **Давлат ва революция.** — Тўла асарлар тўплами, 33-том, 22, 30—31, 51, 54, 55, 116—119-бетлар.

В. И. Ленин. **Касаба союзлари тўғрисида, ҳозирги пайт тўғрисида ва ўрт. Троцкийнинг хатолари тўғрисида.** — Тўла асарлар тўплами, 42-том, 238, 239, 255-бетлар.

Совет Иттифоки Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари. — Т., «Ўзбекистон», 1986, 62—71, 178—184, 230—231-бетлар.

Ўзбекистон Компартияси XXI съездининг материаллари. — «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали, № 2, 1986 йил.

ССР Иттифоки Конституцияси (Асосий Қонуни). — Тошкент, «Ўзбекистон», 1977 йил.

Ўзбекистон ССР Конституцияси.

КПСС МК Пленумининг материаллари, 1987 йил 27—28 январь. — «Ўзбекистон коммунисти» — «Коммунист Узбекистана» журнали, № 3, 1987 йил.

М. С. Горбачевнинг Эстония ССР партия, совет ва хўжалик активи билан учрашувдаги нутқи. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 24 февраль.

М. С. Горбачев. **Қайта қуриш — халқнинг энг асосий иши.** СССР Касаба союзлари XVIII съездида сўзлаган нутки. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 26 февраль.

С. А. Шалаев. **ВЦСПС иши тўғрисида ҳисобот ва КПСС XXVII съезди қарорлари асосида СССР касаба союзларининг вазифалари.** СССР Касаба союзларининг XVIII съездида қилинган доклад. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 25 февраль.

И. Б. Усмонхўжаев. **Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг КПСС XXVII съезди қарорларини бажариш соҳасидаги иши тўғрисида ҳисоботи.** Ўзбекистон Компартияси МК IV пленумда қилинган доклад. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 16 февраль.

И. Б. Усмонхўжаев. **Ўзбекистон комсомоли XXIII съездида сўзланган нутқ.** — «Ёш ленинчи», 1987 йил, 24 январь.

Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг ҳисобот доклади. — «Совет Ўзбекистони», 1987 йил, 24 январь.

ТУРКИСТОН ЎЛКАСИДАГИ БИРИНЧИ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИ

Маълумки, 1905—1907 йиллардаги революция янги тарихий даврни — чуқур ижтимоий ўзгаришлар ва революцион жанглар даврини бошлаб берди. У мағлубиятга учраганига қарамасдан самодержавие-помешчиклар тузумининг негизига путур етказди, В. И. Ленин таърифича Улуғ Октябрнинг «бош репетицияси» бўлди. Империализм давридаги биринчи халқ революцияси халқаро аҳамиятга ҳам эга бўлди, чунки у В. И. Ленин таъкидлаганидек, «...бутун Осиёда ҳам ҳаракат юзага келтирди... Рус революцияси билвосита йўллар билан Ғарбдаги мамлакатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди» (Тўла асарлар тўплами, 30-том, 377—378-бетлар).

Россиянинг миллий чекка ўлкалари, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда революция қандай ўтди? Илгари эълон қилинган ва шу пайтгача ўқувчиларга маълум бўлмаган ҳужжатли тарихий материал асосида мазкур саволга жавоб беришга ҳаракат қилиш — бу ленинчи большевиклар партияси ва Россия пролетариатининг қаҳрамонона курашлар ва ғалабалар йўлини чуқурроқ тушуниб олишни, метрополия меҳнаткашларининг қолоқ чекка ўлкаларнинг мазлум халқлари билан иттифоқи социал ва миллий озод қилишнинг туб вазифаларини ҳал этишда қандай муҳим роль ўйнаганлигини тўлароқ идрок этишдир.

Шу муносабат билан тақриз қилинаётган китоб* диққатга сазовордир. Бу китоб аслини олганда тарихчи олимларнинг меҳнаткашларнинг умумроссия чиқишларининг таркибий қисми бўлган Туркистондаги 1905—1907 йиллардаги революцион воқеаларга бағишланган биринчи коллектив ишидир. Бу воқеалар жараёни юксак илмий-методологик даражада тадқиқ этилган. Тема баёнидан олдин историографик обзор берилган.

Шуни қайд қилиш керакки, Ўрта Осиё ва Қозоғистондаги 1905—1907 йиллардаги революция историографияси кенг кўламлидир. Революциядан олдинги Туркистон тарихи бўйича йирик мутахассис, «Туркистондаги 1905—1907 йиллардаги революция» деган муҳим асар автори А. В. Пясковский тадқиқотлари ана шу соҳадаги сермазмун ишлардан ҳисобланади. Тақриз қилинаётган китоб авторлари бу тадқиқотларга юксак баҳо беришади, лекин улар олимнинг юқорида номи келтирилган асарини асосан эътиборсиз қолдиришиб, унинг бошқа иккинчи даражали бир асарига мурожаат қилишади ва қатор ҳолларда фактик материалга нисбатан мавҳум характердаги хулосалар кўпроқ учрайди деб тадқиқотчига таъна қилишади (27-бетга қаралсин). Ҳолбуки А. В. Пясковскийнинг кейинги ижодида олимлар танқид қилган ана шу муайян жиҳатлар анча тўла баён қилинган. Россиядаги биринчи халқ революцияси историографияси А. В. Пясковский асарлари эълон қилинганидан бери анча бойиганлиги ҳам эътиборга олинмаган.

Авторлар революциянинг бутун манзарасини тўла ёритиш учун Москва, Ленинград, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги бой архив фондларини ғоят чуқур ва системали ўрганиш зарурлигини таъкидлашади. Улар ҳужжатларнинг кўпчилиги ҳозиргача унутилган ва ҳеч кимга маълум эмас дейишларида ҳақдирлар (27-бетга қаралсин). Ҳа, айтмоқчи, авторлар архив ҳужжатларига мурожаат қилишга даъват этишадию ўзлари ҳам кўпгина қимматли ҳужжатларни эътибордан четда қолдиришган. Масалан, Бухоро амирининг Қуш-Беги фонди, шунингдек ЦГВИА, АВПР, Ўзбекистон ССР Марказий давлат архивида, иттифоқдош республикаларнинг Марказий давлат архивларида сақланаётган ҳужжатлар ана шулар жумласидандир. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё халқлари тилларида ёзилган. Бу ҳужжатлар биринчи халқ революцияси арафасидаги ва революция давридаги меҳнаткашлар оммасининг социал-иқтисодий аҳволи, социал-демократик тўгараклар ва группалар фаолияти тўғрисида, шаҳар ва қишлоқ аҳолиси камбағал табақаларининг маҳаллий эксплуататорлар ва чор маъмуриятига қарши чиқишлари ва ҳоказолар ҳақида бой материал бериши мумкин эди.

Масалан, чор тузумини ва Бухоро ами-

* Революция 1905—1907 гг. в Средней Азии и Казахстане. Ташкент, «Фан» 1985, 205 с.

рини анча ташвишга солган адолат учун курашчилар орасида Номоз Пиримкулов раҳбарлигидаги «карокчилик ҳаракати» деб аталган ҳаракат алоҳида ажралиб турар эди. Фикримизча, А. В. Пясковский «Номоз ҳаракати»ни ва бошка шунга ўхшаш чикишларни В. И. Ленин революцион партизанлар урушлари сифатида таърифлаган ҳаракатлар каторига кўшиб тўғри килган. Шуни кайд килиш керакки, 1905—1907 йиллардаги «Номоз ҳаракати» тўғрисида дастлабки муҳим ишни таникли маърифатпарвар Абдухолик Кўконбоев 1920 йилдаёк ёзган эди. У бу вокеалар гувоҳи бўлган, чор жандармерияси Номозни сўрок килганида таржимон сифатида катнашган эди. Номоз тўғрисида Ўзбекистон тарихчилари талайгина илмий маколалар ёзишган, ёзувчилар ва шоирлар йирик бадиий асарлар яратишган. Ўлкадаги 1905—1907 йиллардаги революцион вокеалар тўғрисида ҳикоя килувчи ана шу ва бошка асарлар, айникса маҳаллий тилларда ёзилган ишлар тадкикот авторларининг диккат эътиборидан четда колган.

Китобнинг каттагина кисми Ўрта Осиё ва Козоғистондаги 1905—1907 йиллардаги революциянинг шарт-шароитларига бағишланган. Унда чоризмнинг мустамлакачилик сиёсати, аграр проблемалар, саноатнинг вужудга келиш ва ривожланиш жараёни, ишчилар синфининг шаклланиши, ишчилар ҳаракатининг бошланиши, марксизмнинг таркалиши ва бошкалар кўрсатилган. Бирок бу масалалар асосан илгари эълон килинган ишлар асосида ёритилади, архив манбаларидан кам фойдаланилган. Масалан, Россиядаги биринчи халк революцияси шарт-шароитларининг таърифи архив материаллари устида кунт билан тадкикий иш олиб боришни такозо этади, лекин ана шу масалага бағишланган бобда авторлар бундай материалларга атиги тўккиз марта мурожаат килишган. Ваҳоланки, Ўрта Осиё ва Козоғистондаги 1905—1907 йиллардаги революциянинг объектив шарт-шароитларини, субъектив омилларини ва вокеалар жараёнини асосли ёритиш учун архив материалларини, айникса 1897 йилги Бутун Россия аҳоли рўйхатга олинишининг маълумотларини, К. К. Паленнинг сенаторлик ревизияси натижаларини анализ килиш лозим эди. Шу даврга оид ана шу ва бошка ҳужжатлардан маълум бўлишича, XIX аср охири — XX аср бошларида Туркистонда иктисодий ўзгаришлар рўй бериб, товар-пул муносабатлари ривожлана бошлади, бу ўлканинг Россия билан иктисодий алокаларининг мустаҳкамланишига асос бўлди, натурал ва патриархал хўжаликнинг емирилишига олиб келди ва регионнинг бундан кейинги ривожланиши учун прогрессив аҳамият касб этди. Авторлар ҳужжатли манбаларга, кўп сонли архив материалларига ва статистик маълумотларга таяниб ернинг бой ва кулоклар табакаларининг кўлларида тўпланиши, деҳкон хўжаликларининг табакаланишининг тезлашиши, савдо-судхўрлик капиталининг ўсиши, деҳконларнинг ердан ажралиши ва уларнинг оммавий хонавайрон бўлиши жараёнини кўрсатишлари керак эди. Ана шу жараён натижасида халк оммаларининг шундай ҳам оғир моддий аҳволи янада кийинлашди, социал ва миллий зулм кучайди, маҳаллий ҳокимларнинг меҳнаткашлар устидан зўравонлиги ошди. Бизнинг назаримизда, Туркистон ўлкасидаги 1905—1907 йиллардаги революциянинг асосий объектив ва субъектив шарт-шароитлари ана шулардан иборат, афсуски, улар такриз килинаётган китобда тўлалигича очиб берилмаган. Бошка томондан, авторлар умуман ўша даврдаги Ўрта Осиё ва Козоғистондаги турмуш тўғрисида ҳикоя килишар экан, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигидаги социал-иктисодий аҳвол ва халк чикишларига деярли эътибор беришмайди. Уларнинг бу позициясини тушуниш кийин.

Такриз килинаётган китобнинг фазилати шундаки, унда тарихийлик принципига катъий риоя килинган. Революциянинг бошланиши, бориши, энг юкори даражага чикиши ва чекинишига катта ўрин берилган. Унинг манбалари, шунингдек маҳаллий миллатлар меҳнаткашлари билан рус пролетариатининг умумий душманларга — чоризм, капитализм, феодализм ва мустамлакачиликка карши курашдаги жанговар иттифокининг вужудга келиши кўрсатилган.

Авторлар тўғри таъкидлашганидек, бу революция социал мазмунига кўра буржуа-демократик, кураш воситаларига кўра — пролетар революцияси эди; деҳконлар билан иттифокдаги ишчилар синфи унинг ҳаракатлантирувчи кучи эди. Китобда большевикларнинг оммани, айникса туб миллатлар вакилларини революцион ҳаракатда актив иштирок этишга жалб килишнинг энг самарали форма ва методларини излашлари яхши кўрсатилган (108—109-бетларга каралсин).

Бирок тадкикотда ўша йиллардаги вокеаларга совет тарихий ва тарихий-партиявий фанининг бугунги ютуклари позициясидан туриб аналитик караш етишмайди. Масалан, сўнгги йилларда нашр этилган «В. И. Ленин ва у раҳбарлик килган РСДРП муассасаларининг партия ташкилотлари билан ёзишмалари 1905—1907 йиллар» деган кўп томлик ҳужжатлар тўпламида келтирилган фактлардан фойдаланилмаган. Тўғри, тўпламнинг тегишли томлари якиндагина босилиб чикди. Лекин бу томларга кирган материаллар КПСС МК ҳузуридаги Марксизм-ленинизм институти архи-

вида ва ЦГАОР да сақланади, агар шу материаллардан фойдаланилганида китоб яна ҳам мазмунлироқ бўларди. В. И. Ленин ва МҚнинг Россиядаги 35 та партия ташкилоти, шу жумладан РСДРПнинг Тошкент группаси билан бевосита алоқалари айни шу ҳужжатларда акс этган.

Россияда биринчи халқ революциясини тайёрлаш ва ривожлантиришда, маълумки, большевистик матбуот катта роль ўйнаган эди. Масалан, РСДРПнинг Туркистондаги Тошкент, Самарканд, Асхобод ва бошқа социал-демократик ташкилотлари ва группалари кийинчиликларга қарамасдан Боку, Тифлис орқали РСДРП МҚнинг чет эл бюроси ва Женевада жойлашган, В. И. Ленин раҳбарлик қиладиган «Пролетарий» газетаси редакцияси билан алоқа ўрнатишга муваффақ бўлган эдилар. Айни шу газета туфайли Туркистонда партиянинг III съезди қарорлари тарқалди, бу қарорларни рўёбга чиқариш учун изчил кураш бошланди. Газета нашр қилина бошланганининг дастлабки ойларидаёқ редакция билан алоқа ўрнатилган эди. «Пролетарий»нинг дастлабки учта номерида босилган корреспонденциялар шундан далолат беради. Н. Қ. Крупскаянинг партиянинг 38 та ташкилоти билан ёзишмалари ҳам сақланиб қолган, улар орасида РСДРПнинг Тошкент ташкилоти ҳам бор. Расмий ҳужжатларнинг кўрсатишича, «Пролетарий» редакцияси 3 ой ичида Тошкентдан 4 та хат ва мақолалар олган, улар газетада эълон қилинган. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистондаги архивлар материаллари ҳам шуни кўрсатади, афсуски китобда бу материаллардан фойдаланилмаган. Адолат юзасидан шуни қайд қилиш керакки, авторлар китобда 1905 йил декабридан бошлаб большевикларнинг легал босма нашрига айланган, М. В. Морозов раҳбарлик қиладиган «Русский Туркестан» газетаси фаолиятини ҳар томонлама анализ қилишган. Бундан ташқари, ана шу даврда «Солдатский листок — Правда» нолегал большевистик газетаси ташкил этилган, унинг биринчи сони 1906 йил 9 январда чиққан эди. У РСДРП Тошкент группаси ҳарбий-революцион ташкилотининг дастлабки органи эди. Газета тиражи 20 минг нусхага етган эди, бу унинг солдат оммаларига катта таъсир кўрсатганлигидан далолат беради. Лекин тақриз қилинаётган китоб ўқувчига бу борада етарли маълумот бермайди.

Афсуски, Россияда, шу жумладан Туркистонда ҳам нопролетар партиянинг вужудга келиши проблемаси лозимича ёритилмаган. Китоб авторлари З. Ш. Ражабовнинг маҳаллий буржуазиянинг икки юзламалилиги тўғрисидаги фикрига қўшилиб, 1905 йилга келиб маҳаллий буржуазия орасида «жадидчилик» деб ном олган ҳаракат ривожлана бошлади, деб ёзишади. Жадидлар ўзининг сиёсий моҳиятига кўра кадетлар партиясига жуда яқин туришарди, улар ҳаракати жиддий социал таянчга эга эмас эди, бу ҳаракатга тор доирадаги кишилар — буржуа зиёлилари вакиллари, маҳаллий капиталистлар, руҳонийлик рутбасига оид шахслар жалб қилинганди. Авторлар «1905—1907 йиллар революцияси даврида жадидчилик ҳаракати туб аҳолининг меҳнаткаш оммалари ўртасида хайрихоҳлик топмади ва қўллаб-қувватланмади» деб қайд қилишади (139-бетга қаралсин). Қарийб қирқ йил аввал туғилган бу фикр тарих фанининг бугунги ютуқлари нуқтаи назаридан олганда, назаримизда, ҳаддан ташқари катъий бўлиб туюлади. Самодержавие ва реакцияга қарши авж олган кескин кураш шароитида барча халқлар меҳнаткашлари манфаатларининг муштараклиги яққол кўриниб турарди. Туркистон туб аҳолиси меҳнаткаш табақалари ўртасида ўсиб бораётган интернационал кайфиятлар зиёлиларнинг революцион-демократик элементларини тобора кўпроқ торта бошлади. Ана шу фикр исботини маҳаллий матбуот, жумладан «Тараққий» газетаси саҳифаларидан топиш мумкин, афсуски, тақриз қилинаётган китоб авторлари бу газета тўғрисида бир томонлама фикр билдиришган (139-бетга қаралсин).

«Тараққий» очиқдан-очиқ революцион мазмундаги кўплаб фактларни эълон қилган эди, бу тўғрида «Самарқанд» большевистик газетаси шундай қайд қилган эди: «Сотқин қозилар ва аҳолининг сўнгги қонини сўриб олаётган бойлар уларнинг ёвуз қилмишларини фош қилиб ташлаётган янги газетага қарши қаҳр-ғазабини сочдилар». Шунингдек, «Тараққий» газетасининг 1906 йил 17-сонида босилган бош мақолани ҳам далил қилиб келтириш мумкин, унда шундай дейилади: «...бойларга арзимаган, камбағаллар учун эса ҳаддан кўп солиқлар солдилар. Сен — рус, сен — қирғиз, сен — татар (нўғай) деб... миллатлар орасида адоват ва низо тарқата бошладилар». Мақоланинг давомида кишилар озодлик ва адолатни талаб қилишади деб таъкидланади, ҳамма миллатларнинг эзилган оммалари эса бирликка ва бирдамликка даъват қилинади (ЦГИАЛ, ф. 1405, 1905—1907 г. оп. 530, д. 224, л. 101; шунингдек, қаралсин: Торжество ленинских идей пролетарского интернационализма. На материалах Средней Азии и Казахстана. 1917—1922 гг. М., 1974, с. 120).

Монография авторлари ўлка социал-демократик ташкилотининг репрессиялар шароитида Давлат думасига сайловлар юзасидан олиб борган кампаниясини ёритишар экан, А. В. Пясковскийнинг юқорида кўрсатилган асарига таяниб, «Самарканд областидан думага меньшевик Афрамович ўтди.., Тошкентдан илғор зиёлилар вакили

В. П. Наливкин сайланди» деб ёзишади.

Шу муносабат билан баъзи бир тарихий фактларга аниклик киритиб ўтмокчимиз. 60-йиллардан сўнг нашр қилинган кўпгина манбалар, айникса «Ўрта Осиё ва Қозоғистонда Совет ҳокимиятининг ғалабаси» (Тошкент, «Фан», 1967) китобидан маълумки, В. П. Наливкин кейинчалик Туркистон генерал-губернатори ҳузурида маориф бўйича давлат маслаҳатчиси, Фарғона областининг вице-губернатори, сўнгра Муваккат ҳукумат Туркистон комитети раиси бўлган, меньшевиклар томонига ўтган, ўлкада Совет ҳокимияти ўрнатилишининг ашаддий душмани. У ўзини округ кўшинларининг вақтинчалик бош қўмондони деб эълон қилиб, 1917 йил сентябрида Тошкент меҳнаткашларининг революцион чиқишларига қарши курашда айникса ўзини кўрсатган. Бизнингча, китобхонда гўё В. П. Наливкин ўлка тарихида фақат прогрессив роль ўйнаган экан деган фикр туғилмаслиги учун унинг биографиясига оид ана шу асосий фактларни ҳам қайд қилиб ўтиш керак эди. Масалан, думанинг бошқа бир депутати Е. И. Мироновга нисбатан шундай ёндашилган. Е. И. Миронов ўша пайтда меньшевиклар позициясида турган, кейинчалик эса большевиклар томонига ўтган ва Совет ҳокимияти учун курашда фаол қатнашган эди (188-бетга қаралсин).

Биз бу нарсани шунинг учун ҳам алоҳида таъкидлашга мажбурмизки, республикамизда босилиб чиққан барча энциклопедик нашрларда В. П. Наливкин фақат ижобий томондан — асосан биринчи халқ революциясига қадар маориф соҳасида кўп иш қилган киши сифатида таърифланади. Унинг сўнгги революциялар пайтидаги кейинги реакцион сиёсий фаолияти тўғрисида бу нашрларда ҳеч нарса дейилмаган. Назаримизда, тарихий шахслар биографиясини ёритишга бундай бир томонлама ёндашув умуман тарихий воқеаларни синфий баҳолашга халакит беради.

Биринчи халқ революцияси даврида Самарқанд уездининг бош врачи бўлган М. Афрамович эса ўлкада Совет ҳокимияти ўрнатилган пайтдан бошлаб то 1929 йилгача — пенсияга чиққунига қадар совет органлари аппаратида ишлади, Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш системасини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. СССР ЦГИАЛда биз М. Афрамовичнинг Морозов ва А. Паренков билан биргаликда «Самарқанд» большевистик газетасини нашр этишда бевосита иштирок этганлиги тўғрисида гувоҳлик берадиган ҳужжатларни учратдик. У ва таникли шарқшунос В. Л. Вяткин бош пайчилар ва газета редколлегияси аъзолари бўлишган (ЦГИАЛ, ф. 1396, 1908—1910 г. оп. 1 д. 62, лл. 116—118). Бинобарин, М. Афрамовични меньшевик деб ҳисоблаш асоссиз деб ўйлаймиз.

Хуллас, тақриз қилинаётган китоб авторлари кўп масалаларни ёритишда таникли олимлар обрў-эътиборидан чўчиб ходислик қилиша олмаган ва тарихий ҳақиқатни очишолмаган, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1905—1907 йилларда бўлиб ўтган революцион воқеаларни янада тўлароқ очиб бериш учун янги ҳужжатларни излаб топиш йўлидан боришмасдан асосан ҳаммага маълум ҳужжатлар билан чекланишган. Лекин бундан қатъи назар, монографиянинг қимматі шундаки, авторлар ана шу йилларнинг илмий социализмни астойдил пропаганда қилиш, маҳаллий пролетарлар ва деҳқонларда синфий онг шаклланишининг, меҳнаткашлар ўртасида интернационал кайфиятларнинг кенг оммалашишининг бошланиши даври эканлигини ишонарли кўрсатишган.

С. СОЛИЕВ,
тарих фанлари доктори.
Т. САИДҚУЛОВ,
тарих фанлари доктори.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«Ўзбекистон коммунисти» журналида (1986 йил, 5-сон) иқтисод фанлари кандидатлари Р. Скляднев ва В. Андрейченколарнинг «Тежамкорлик — экономикани интенсивлашнинг муҳим йўналиши» мақоласида Ўзбекистон ССР Енгил ва Маҳаллий саноат министрликлари номига танқидий мулоҳазалар билдирилган эди. Жумладан, хом ашё ва материал ресурсларини нормалашдаги ва улардан фойдаланишдаги камчиликлар тўғрисида гап борган эди.

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги коллегияси аъзоси, техника бошқармаси бошлиғи А. Сокиевнинг редакцияга йўллаган жавоб хатида қайд қилинишича, министрлик шаънига билдирилган танқид ҳаққоний деб топилган. Хатда 1986 йилда хом ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилашга, ишлаб чиқариш резервларини излаб топишга, нобудгарчиликни камайтиришга ва технологик жараёнларни такомиллашти-

ришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилганлиги хабар қилинади. Умуман 3034 норма ишлаб чиқилган ва қайта кўриб чиқилган. Министрлик корхоналарида хом ашё ресурсларидан самаралироқ фойдаланишга, технологик жиҳатдан муқаррар чиқиндиларни камайтиришга ва улардан фойдаланишни яхшилашга имкон берадиган 40 илмий-тадқиқот ишланмаси жорий этилган.

1986 йилдаги иш якунлари анализининг кўрсатишича, 1038 тонна пахта толаси, 72 тонна сунъий ипак, 7,7 тонна табиий ипак, 258,3 минг квадрат метр асосий газламалар, 125,6 тонна пилла, 4 миллион 100 минг квадрат дециметр хромли ва 2 миллион 350 минг квадрат дециметр қаттиқ чарм моллар, 325 тонна чарм хом ашёни иқтисод қилишга муваффақ бўлинган. Трикотаж, ипакчилик ва кўн-пойабзал саноати корхоналарида иккиламчи моддий ресурслардан фойдаланиш бирмунча яхшиланди, кўшимча ширпотреб цехларини ташкил этиш ва ишлаб турган цехларни икки сменали иш режимига ўтказиш бўйича топшириқлар белгиланди.

Шу билан бирга ип газлама ишлаб чиқарадиган тармоқда ипни ортиқча сарфлаш давом этмоқда. Масалан, умуман Узтекстильпром бўйича 1986 йилда бундай ортиқча сарфлаш 277 тоннани ташкил этди. Бунга йўл қўйган ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари 1986 йил декабрида Министрлик коллегиясида жиддий танқид қилинди ва уларга нисбатан турли жазо чоралари кўрилди.

1987 йил январида министрликнинг моддий ресурсларни тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш Республика комиссиясининг мажлисида трикотаж тармоғи корхоналарининг хом ашё сарфи нормаларига риоя қилиш ва лекалолараро чиқиндиларни камайтириш юзасидан олиб бораётган иши кўриб чиқилди.

Бироқ, деб қайд қилинади жавоб хатида, моддий ресурсларни тежашга доир ишлар даражаси ҳозирча замонавий талабларга жавоб бермайди. Бундай тежамкорликни тубдан яхшилаш мақсадида хом ашё, материаллар, ёқилғи ва электр энергиясига бўлган эҳтиёжнинг 60—65 процентини улардан оқилона фойдаланиш ва тежаш ҳисобига таъминлаш юзасидан ўн иккинчи беш йилликка мўлжалланган программа тасдиқланган.

* * *

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрининг биринчи ўринбосари Г. Колбасин редакцияга юборган жавоб хатида мақолада баён қилинган фактларнинг асосан тасдиқланганлигини маълум қилади.

1986 йилда 880 норма ишлаб чиқилган ёки қайта кўриб чиқилган. Тошкент области ижроия комитети маҳаллий саноат бошқармасининг бош инженери ва «Металлист» заводи директори моддий ва хом ашё ресурсларини тежашдаги камчиликлар учун маъмурий тартибда жазоланган.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор — 32-58-01; 32-78-87; бош редактор ўринбосари — 32-58-02; 32-78-93, масъул секретарь — 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари — 32-58-63; 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш — 32-58-65; партия ва совет қурилиши — 32-58-68; экономика — 32-58-71; фан ва маданият — 32-58-66; халқаро ҳаёт — 32-58-69, танқид ва библиография — 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 10.03.1987 й. Босишга руxсат этилди 31.03.1987 й. Формати 70×108 1/16.
Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8,4. Нашриёт ҳисоб листи 9,8.
Тиражи 28721. Нашр В-52. Заказ № 580.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134 — 2193

Баҳоси 25 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

5

МАЙ

1987

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ

№ 5
МАЙ
1987 йил

1920 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАЗАРИЙ ВА СИЁСИЙ ЖУРНАЛИ

Ўзбек ва рус тилларида чиқади

Қайта қуриш — буюк мактаб, ўртоқлар. Бу мактаб мураккаб вазифаларни ўртага қўймоқда. Биз шу мактабда яхши сабоқ олишимиз керак. Яна бир бор такрорлаб ўтмоқчиман: билимдонлик билан актив, дадил, ижодий ҳаракат қилиш, ҳаракат қилиш ва ҳаракат қилиш керак! Таъбир жоиз бўлса, бу — ҳозирги пайтнинг бош вазифасидир. Ҳамма — ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир партия комитети, ҳар бир раҳбар, ҳар бир коммунист бу вазифани ўзига тегишли деб билиши лозим.

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг КПСС МК 1987 йил январь Пленумида сўзлаган якунловчи нутқидан.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ НАШРИЁТИ

Тошкент

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

1987 йил 28 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг V пленуми бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев «КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми якунлари ва республика партия ташкилотининг қайта қуришни жадаллаштириш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш соҳасидаги вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Доклад юзасидан музокараларда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Бухоро область Вобкент районидаги Калинин номли колхоз раиси М. Наврўзова, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари Қ. Саликов, Фарғонадаги «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг аппаратчиси А. А. Киселева, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг редактори А. Ғ. Мухторов, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Абдувосиқов, «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг станокчиси В. И. Таранторова, Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони Н. И. Попов, Сурхондарё область партия комитетининг биринчи секретари С. Мамарасулов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Тошкент шаҳар Фрунзе район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева, «Узбекгидроэнергострой» трестининг бошқарувчиси А. Қ. Эргашев, Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министри С. М. Баҳромов, Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг раиси Ҳ. Алимова, Сирдарё область партия комитетининг биринчи секретари А. Ф. Клепиков, Хоразм область Хонқа районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози бригада бошлиғи Т. Раҳимов, Навоий область партия комитетининг биринчи секретари А. С. Ефимов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Давлат агросаноат комитетининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Ўзбекистон ССР ички ишлар министри У. Раҳимов, Тошкентдаги машинасозлик конструкторлик бюросининг бошлиғи Ш. Воҳидов, Андижон область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Орипжонов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти П. Қ. Ҳабибуллаев ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Муҳокама қилинган масала юзасидан пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. Ишдаги жиддий камчиликлари учун ўрток Р. Ҳ. Абдуллаева Марказий Комитет Бюроси аъзоси ва Марказий Комитет секретари вазифаларидан озод қилинди. Илгари КПСС Марказий Комитети аппаратида ишлаган ўртоқ М. Ҳ. Холмуҳамедов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси аъзоси ва Марказий Комитет секретари этиб сайланди.

Пленум ўртоқ Ш. З. Қамолхўжаевни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пропаганда ва агитация бўлимининг мудири қилиб тасдиқлади.

Пленум ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари И. Е. Пономарев, Г. Г. Черемних ўртоқлар қатнашдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1987 ЙИЛ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ ҚАЙТА ҚУРИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ҲАМДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

Ўзбекистон Компартияси МК биринчи секретари И. Б. УСМОНХЎЖАЕВнинг Ўзбекистон Компартияси МК V пленумида 1987 йил 28 мартда қилган доклади

Ўртоқлар!

КПСС Марказий Қомитетининг январь Пленуми мамлакатимизнинг ижт моий-сиёсий ҳаётида жуда катта аҳамиятга молик воқеа бўлиб қолди. Бугун б шу Пленумнинг якунларини кўриб чиқамиз. Пленумнинг аҳамияти авва шундаки, у ўтмиш сабоқларини, ҳозирги даврнинг характерини ва келгу вазифаларни ҳисобга олиб, кенг социал-сиёсий соҳада кадрлар билан ишлаш қайта қуриш ва такомиллаштириш проблемаларини очиб берди.

КПСС Марказий Қомитетининг Пленуми қабул қилган катта, принципиа жиҳатдан муҳим қарорлар партия билан халқни қайта қуриш стратегияси в тактикаси билан қуроллантиради, уларни тараққиётимизни ҳар томонла жадаллаштириши лозим бўлган яна ҳам чуқур ўзгартишларни амалга ошириш дадил чора-тадбирлар кўришга сафарбар этади. КПСС Марказий Қомитетини Бош секретари М. С. Горбачевнинг докладида таъкидланганидек, «Қай қуришнинг муваффақияти кадрларимиз ўзгаришлар зарурлигини қанчалик тез чуқур англаб етишларига, партия йўлини қанчалик ижодий ва собитқадамл билан ўтказишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир».

Партия Ленин васиятларига амал қилиб, турмушимизда пайдо бўлган салби кризисли ҳодисаларнинг сабабларини дадил ва ошкора таҳлил қилиб, ун ҳақиқат сабоғини чиқариб олмоқда, вужудга келган турғунлик механизми бартараф этиш йўллари ва усулларини белгилаб бермоқда, социалистик туз замиридаги имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш учун шароит яратмоқда.

Пленумда ўзгарган шароитда бошқаришнинг олдинги марказлаштирилга формалари самарасиз бўлиб қолганлиги кўрсатилди, бу формалар демократ методларни, халқнинг ижодий кучларини бўғиб қўйган эди. Текисчилик тенденция си унумли ва сифатли меҳнатдан моддий манфаатдорликнинг пасайиб кетиши олиб келди. Меҳнат ва истеъмол мезонини контрол қилиш бўшаштириб юб рилганлиги оқибатида, хотиржамлик ва бошбошдоқлик вазиятида ўғрилик порахўрлик,чайқовчилик, меҳнатсиз даромад олиш кенг қўламда илдиз отди. Б эса майда буржуа турмуш тарзи ва майда буржуа психологияси кўринишлари келтириб чиқарди.

Бундай бузилиш республика партия ташкилотида ҳам пайдо бўлди. Сиз КПСС XXVII съезди минбаридан Ўзбекистон Компартияси ва унинг Марказ Комитети шаънига айтилган ўткир танқидни яхши эслайсизлар. Январь Пленуми да Ўзбекистон кадрларнинг айниши, социалистик қонунчиликнинг бузилиши бил боғлиқ бўлган салбий жараёнлар энг хунук шаклларда намоён бўлган регионла қаторида яна тилга олиб ўтилди.

Бу қаттиқ, лекин адолатли баҳодир. Республика экономикасида, соци соҳасида юз берган турғунлик ва ўпирилишлар, партия турмуши ленин нормалари ва принципларининг қўпол равишда бузилиши, ғоявий-сиёсий, меҳн ва ахлоқий тарбиядаги оғишлар, социал адолатнинг бузилганлиги, ана ш заминда алдамчилик, қўшиб ёзиш, ўғрилик кенг авж олиб кетганлиги КПС

Марказий Комитетининг ёрдами билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида ва Ўзбекистон Компартияси XXI съездида очиб ташланган эди. Салбий ҳодисаларни ва уларни келтириб чиқарган сабабларни тагзомири билан тугатишга қаратилган қатъий йўл белгиланди.

Аниқланган камчиликларни ошкора танқид қилиш, аҳволни ўнглаб олиш озасидан кўрилган кескин чоралар коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатламлари томонидан маъқулланди. Салбий ҳодисаларнинг оқибатларини бартараф этиш учун, республикада вазиятни соғломлаштириш учун қаттиқ кураш авж олдириб юборилди. Бу эса дастлабки натижаларни бермоқда. Ишлаб чиқариш ва социал турмушда, партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва сиёсий ишларида, омманинг онгида баъзи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди.

Шу билан бирга қилинган ишларни талабчанлик билан объектив таҳлил этиш шуни кўрсатмоқдаки, республикада яхшиланиш томон ўзгариш жуда секин бормоқда, қайта қуриш иши анча мураккаброқ, тўпланиб қолган проблемаларнинг илдизлари олдин тасаввур қилингандан анча чуқурроқ бўлиб чиқди. Ишлаб чиқариш фаолияти ва социал турмушнинг айрим участкаларида кўзга ташланган билинар-билинмас силжишлар ҳали ишнинг янги сифатини билдирмайди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг кўп соҳаларида бир жойда депсиниб туриш, баъзи соҳаларда эса ҳатто олдин қўлга киритилган позицияларни ҳам бой бериб қўйиш давом этмоқда. Ташкилий-партиявий, идеология ишларида туб бурилиш таъминланмади.

Биз қайта қуришга нақадар чуқур киришар эканмиз, унинг миқёслари, мураккаблиги ва аҳамияти шунчалик равшан бўлиб бормоқда. Ўтмишдан қолган янги-янги ҳал этилмаган проблемалар аниқланмоқда. Бўшашувчанлик, ўзгаришларга яширинча, баъзан эса очиқдан-очиқ қаршилик кўрсатиш ҳам ўз таъсирини ўтказмоқда.

Шу сабабли биз дуч келган проблемаларни таҳлил этишга яна бир бор қайтиш, сўнгги йилларда республика партия ташкилоти олиб борган ишларни танқидий жиҳатдан қараб чиқиш, ўтмиш хатолари такорланмаслигини гарантиялайдиган, олға томон ҳаракатимизни таъминлайдиган тадбирларни аниқроқ ва кенгроқ белгилаб олиш учун қатъий зарурат бор.

САЛБИЙ ҲОДИСАЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ХАРАКТЕРИ

Ўртоқлар! Республикада Совет ҳокимиятининг 70 йили давомида партиянинг ленинча миллий сиёсати, мамлакатимиздаги барча халқларнинг жуда катта ёрдами туфайли улкан революцион социал-иқтисодий ўзгаришлар юз берди. Республикада замонавий индустрия барпо этилди, ривожланган аграр-саноат комплекси шаклланди.

Бироқ давлат ёрдами билан амалга оширилаётган ишлаб чиқариш ва техника потенциалининг жўшқин ўсиши билан бир вақтда республикада етарлича зарур социал ўзгаришлар бўлмаганлигини, бу ишнинг муҳим сиёсий, ғоявий, структуравий йўналишлари унутиб қўйилганлигини назардан қочириб бўлмайди. Ўзбекистон раҳбарлари айниқса сўнгги йигирма йил давомида субъектив омиллар туфайли туб ички ўзгаришлар зарурлигини англаб етмадилар, социал соҳада, кадрлар сиёсатида хавфли оғишлар ва номутаносибликларга йўл қўйдилар.

Республикада моддий-техникавий база даражаси билан ижтимоий, социал етуклик даражаси ўртасида узилиш рўй берди, ишлаб чиқариш муносабатлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидан тобора ортда қолаверди.

Гап, аввало, туб миллат кишиларидан индустриал ишчилар синфининг шаклланиш жараёни секин юз берганлиги ҳақида бормоқда. Халқ хўжалигининг фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган кўпгина тармоқлари, бутун-бутун индустриал регионлар маҳаллий аҳолининг ғоят кам иштироки билан, асосан мамлакатимиз бошқа қисмларидан ишчиларни жалб этиш ҳисобига барпо этилди ва ривожлантирилди.

На республика партия раҳбарлари, на ижтимоий-иқтисодий илм-фан бу проблемаларни таҳлил этди. Бунинг устига ишларнинг ҳақиқий аҳволи турли

асоссиз хулосалар, ўзбошимчалик билан юлиб олинган статистика йўли била бузиб ва бўяб кўрсатилди. Ҳолбуки маданиятнинг ривожланиши, тараққиёт, ом сиёсий онгининг ўсиши жамият авангарди — социализмнинг социал негизи, асос ишлаб чиқарувчи кучлари, илғор идеологияни тарқатувчи — ишчилар синфини аҳволига ҳал қилувчи даражада боғлиқ эканлиги яхши маълум.

Марксизм-ленинизмнинг мана шу асосий қоидаси унутиб қўйилганлиги шунг олиб келдики, ишлаб чиқаришнинг моддий омиллари шахс, инсон омилидан анч узиб кетди. Жамиятшунослик фани ҳам бу проблемаларни сезмади.

Республикада аҳоли социал структурасининг ривожланишидаги бузили миграция жараёнларининг сустлиги, ишлаб чиқариш-техника потенциали қувват дан тўла фойдаланмаслик ва унинг самаралари камайиб кетганлиги, ижтимо ишлаб чиқаришга жалб этилмаган меҳнатга лаёқатли аҳолининг анча кўпайган ги, мутахассисларнинг профессионал тайёргарлиги ва малакаси даражасини пастлиги каби ҳодисалар экономистлар, философлар, социологларнинг эътибор дан четда қолиб кетди.

Фан турмушнинг реал проблемаларидан, партиявий раҳбарлик практика эса социалистик қурилиш илмий асосларидан ажралиб қолди, бу эса асосс равишда буйруқбозлик, ўзбошимчалик билан қарорлар қабул қилишга, орз истакларни ҳақиқат қилиб кўрсатишга уринишга олиб келди.

Социалистик ўзгартишларнинг характерини енгилтаклик билан, кўпинч истеъмолчилик нуқтаи назаридан тасаввур этиш сўзсиз равишда шунга оли келдики, раҳбар партия, совет, хўжалик кадрларининг анчагина қисмида вужуд келтирилган ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш учу масъулият тобора камайиб, тайёрга айёрлик ва маҳаллийчилик кайфиятлар пайдо бўла бошлади.

Партия ва давлат интизоми бўшашиб кетди, кадрларга нисбатан талабчанли ва контрол пасайди, қариндош-уруғчилик ва юртдошлик алоқалари, бир-бири қўллаб-қувватлаш авж олди. Социалистик мулкни ўғирлаш, порахўрлик ке тарқалди. Юксак ишонч билдириб, катта ваколат бериб қўйилган партия, сове давлат, хўжалик органларининг ходимлари бузилиш ва порахўрлик йўлига кири кетдилар.

Бу ҳодисаларнинг характери ва кўламлари сизларга яхши маълум. Партия в совет ходимлари ўғрилик ва порахўрлик қилганлари учун жиноий жавобгарлик тортилди. Улар орасида республика Министрлар Советининг собиқ раис Компартия Марказий Комитетининг собиқ иккинчи секретари, Ўзбекистон СС Олий Совети Президиуми Раисининг собиқ ўринбосари, область партия комитетла рининг бешта собиқ биринчи секретари, область ижроия комитетининг собиқ раиси, бир қанча собиқ министрлар бор. Бундай фактларнинг ҳар бири умума партияга, Совет ҳокимиятига доғ туширади.

Кадрларни кўплаб алмаштириш, кўп сонли порахўр мансабдор шахсларнинг шу жумладан, энг юқори лавозимларни эгаллаб келган шахсларнинг қаттиқ жавобгарликка тортилганлиги — сабабларни эмас, фақат оқибатларни туга тишдир.

Айнан шу сабабли бугун қатъий қайта қуриш ва кадрлар билан ишла жараёнларининг моҳиятига чуқур кириб бориш, ҳамма соҳаларни — ишла чиқариш, социал, идеология, ташкилий-партиявий соҳаларни қамраб олиш жуда муҳимдир.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШ— ҚАЙТА ҚУРИШНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ

Ўртоқлар! Партия XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисоди ривожланишни жадаллаштиришнинг аниқ мақсадга йўналтирилган программас ишлаб чиқилган. Бизнинг вазифамиз бутун республика партия ташкилотини барча меҳнаткашларни, белгиланган режаларни амалга оширишга, қайта қури учун актив курашга сафарбар этишдан иборат. Экономиканинг ривожланишидаги

юхуш тенденцияларни ўзгартириш, консерватив кайфиятларни, маҳкамачилик ва маҳаллийчилик ёндашувларини тугатиш, бутун халқ хўжалиги самарадорлигини кескин ошириш лозим бўлади.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қарорлари бунинг учун энг таъсирчан воситаларни: хўжалик ҳисобини, хўжаликни юритишнинг янги системасини, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашни, маъмуриятчилик, ўзбошимчалик ва субъективизм йўлини қатъий тугатишни кўрсатиб бермоқда.

Экономикани қайта қуриш ҳозирги ва истиқболдаги проблемаларни ҳал этишда бирлик бўлишини талаб қилади. Энг яхши корхоналар ва хўжаликларнинг тажрибаси раҳбарлар ва бошланғич партия ташкилотлари юқоридан кўрсатма берилишини ва ёрдамни кутмай, етилган вазифаларни ўз кучлари билан дадил ҳал этаётган жойларда жиддий силжишларга эришилаётганлигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, «Навоиазот» ишлаб чиқариш бирлашмасини олиб кўрайлик. Бу коллективда ўн минг киши ишлайди, бир мингга яқин коммунист бор. Илгари корхона кўпинча планни уддалай олмай келарди. Корхона раҳбарлари — директор ўрток М. Г. Плешков, партия комитетининг секретари ўрток С. М. Жданов меҳнатни аниқ ташкил этишни йўлга қўйишга, реконструкциялашга, социал-маиший қайта қуришга жиддий киришдилар. Меҳнаткашлар, мутахассислар, коммунистлар билан кенгашларда, баъзан қизғин баҳсларда қайта қуришнинг барча мураккаб масалалари юзасидан бу ерда энг тўғри қарорлар қабул қилинмоқда.

Ишчилар ва инженер-техник ходимларнинг ижодий тафаккурини активлаштириш ишлаб чиқаришнинг бир қанча танг жойларини тугатишга кўмаклашди. Ўтган йилнинг ўзидагина коллективда ишлаб чиқилган рационализаторлик таклифларининг жорий этилиши 2 миллион сўмдан ортиқ самара берди.

Социал-маиший соҳани ривожлантиришнинг собитқадам изчил йўли ўтказилмоқда. Стадион, дам олиш зонаси, профилакторий ишлаб турибди. Корхона территориясида овқатланиш комбинати, магазин, буюртмалар столи, почта, омонат касса очилган. Ёрдамчи хўжалик ишчи ошхоналарини, болалар боғчаларини, пионерлар лагерини, пансионатни сабзавот ва полиз маҳсулотлари билан таъминлаб турибди, кенг миқёсда уй-жой қурилиши, шу жумладан, хўжалик усули билан уй-жой қуриш давом эттирилмоқда. Беш йиллик охиригача уй-жой қуришга қарийб 15 миллион сўм сафрлаш кўзда тутилган.

Буларнинг ҳаммаси коллективдаги маънавий-сиёсий муҳитни кескин ўзгартириб юборди. Бирлашма иши барқарор жўшқин тус олиб тобора юксалиб бормоқда. Бу ерда ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши асосий фондлар ўсишидан 2 баравар ўзиб кетди, фонд самараси ҳам шундай суръатлар билан ошмоқда. Бирлашма ўн биринчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаб, 1986 йил программасини ҳамма кўрсаткичлар бўйича уддалади, бу йил ҳам барқарор ишламоқда.

Тошкент область партия ташкилоти ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати учун қандай қаттиқ танқид қилинганлигини пленум қатнашчилари унутганлари йўқ. Область партия комитети ҳамма корхоналардаги ишларнинг аҳволини чуқур таҳлил қилди. «Сифат» область комплекс программаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Бу программа техник тадбирлар билан бир қаторда коммунистларни ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларига юборишни, партия группалари тузишни, партия таъсирини кучайтиришни кўзда тутади. Бу ишлар самара бера бошлади. Тошкент области саноати олий сифат категориясидаги маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан январь-февраль ойлари планини анча ошириб бажарди. Бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир ярим баравар кўпайди.

Бироқ партия комитетлари ҳамма жойда ҳам хўжалик раҳбарларининг эскича ёндашувлари инерциясини ўзгартира олмадилар, улар ҳамон кескин, сифат жиҳатидан интенсив силжишни эмас, балки кўпроқ даражада секинлик билан, шошилмай, экстенсив ривожланишни кўзда тутмоқдалар.

Йил бошидан буён саноат маҳсулот етказиб бериш мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот реализация қилиш планини 96 процент бажарди. Республикадаги ҳар тўрт корхонадан бири шартнома мажбуриятларини барбод қилмоқда. Меҳнат унумдорлиги 2,4 процент камайди. Жиззах ва Наманган областларидаги

корхоналарнинг деярли ярми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлигини пасайтириб юборди.

Бухоро областида парадоксал вазият вужудга келди. Бу ерда саноатнинг икки ойлик ишлари якуни юзасидан план топшириқларининг бажарилишига «эришилди». Амалда эса, меҳнат унумдорлиги пасайди, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш камайди. Жиззах областида меҳнат унумдорлиги бўйича план 102 процент бажарилди, ўсиш суръати эса 85,5 процентни ташкил этди. Сурхондарё, Фарғона, Хоразм областларида, Тошкент шаҳрида топшириқларни бажариш чоғида меҳнат унумдорлиги даражаси пасайиб кетди.

Нега шундай бўлмоқда? Госплан раҳбарлари юз берган аҳволни саноатда ишлаётган ходимларнинг сони пландагига нисбатан кўплиги, пахта тозалаш корхоналарида хом ашёни қайта ишлаш қийинчиликлари, бошқа объектив ва субъектив омиллар билан изоҳламоқдалар. Аммо афтидан, гап шундаки, Министрлар Советининг розилиги билан Госпланда планлар кварталлар бўйича қандай ажратилганлиги чуқур таҳлил қилинмаяпти, корхоналар йил бошида енгилроқ топшириқ олишлари билан муроса қилиб келмоқдалар. Республика Компартияси Марказий Комитетининг бўлимлари эса юз берган вазиятни чуқур ўрганмай, ўзини оқлаш учун келтирилган далилларга ишонмоқдалар.

Планлар бажарилгани билан олға ҳаракат бўлмаса, жадаллаштириш бўлмаса, бундай сохта муваффақият кимга керак?

Ишда бир маромнинг йўқлиги коллективлардаги маънавий муҳитга ҳам маҳсулот сифатига ҳам таъсир қилаётган эски касалдир. Кўпгина корхоналар ойнинг бошида хотиржам ишлаб, сўнгра эса иш вақтидан кейин қолиб ишлаш ҳисобига планга зўр бериш каби яроқсиз одатдан қутула олмаган.

Масалан, «Таштекстильмаш» заводида февралнинг сўнгги беш кунлигида бир кеча-кундуздаги ўртача маҳсулот ишлаб чиқариш кунлик нормадан беш баравар. Тошкент экскаватор заводида эса олти баравар ортиб кетган бўлса, сифат қандай бўлиши мумкин? Бракнинг, одамлар ғазабланаётганлигининг сабаблари шундан келиб чиқмоқда. Тошкент шаҳар партия комитети министрликлар билан биргаликда бундай нормал бўлмаган ҳолнинг сабабларини аниқлай олмаяпти, хўжалик ходимлари эса бундан фойдаланиб, ўзларининг ишлаб чиқаришни пухта ташкил эта олмасликларини штурмчилик билан яширмоқдалар деб хулоса чиқаришга тўғри келади.

Фан-техника тараққиёти масалаларида эскича ёндашув инерцияси, айниқса яққол намоён бўлмоқда. Ўтган йили фан-техника тараққиётига ажратилган капитал маблағларнинг атиги 83 проценти ўзлаштирилди. Кўпгина корхоналарда техника билан қайта қуролланиш масалалари ҳамон пайсалга солинмоқда. «Узбекгидролизпром» бирлашмаси узоқ вақтдан бери ёмон ишлаб келяпти. Маҳсулот тури ва ҳажми кўрсаткичлари бўйича план бажарилмаяпти. Давлат кўп йиллардан буён ксилитни, шунингдек, хамиртуруш, бошқа кўп маҳсулотларни бу бирлашмадан тўла ололмаяпти.

Бирлашма заводларида тез-тез авария бўлмоқда. Машина-ускуналар режасиз тўхтатиб қўйилмоқда, технология интизоми бузилмоқда. Бундай нуқсонлар асосан шунинг учун юз бермоқдаки, ускуналарнинг 60 проценти жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириб қолган. Биргина Андижон гидролиз заводида ўтган йили шаҳар давлат техника назорат органлари авария ҳолатида бўлганлиги учун 16 та гидролиз аппаратидан 8 тасини тўхтатиб қўйганлар.

Бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири шундаки, бирлашманинг бош инженери ўрток Л. Г. Гранкина шу лавозимда 15 йилдан бери ишлаётган бўлса ҳам ишлаб чиқаришнинг техникавий қолоқлиги, унинг қаровсизлигига тоқат қилиб келмоқда. Шу йиллар ичида ишлаб чиқаришни янгилашнинг, ишлаб чиқариш техника даражасини оширишнинг аниқ-пухта ўйланган программаси бирор марта ҳам ишлаб чиқилмади. Бирлашманинг ўзида белгиланган ташкилий-техникавий тадбирлар мунтазам бажарилмай қолаверди. Министрликда ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш масалалари кўндаланг қилиб қўйилмади. Бош инженер бу масалаларни бирлашма бўлимлари олдига ҳам, партия ташкилотига ҳам, дирекция олдига ҳам кескин қилиб қўймаяпти. Бунинг натижасида ҳозирги беш йилликда техника билан қайта қуролланишга ажратилаётган маблағнинг улуши ажратилаётган капитал маблағ умумий ҳажмининг атиги 20 процентини

ашкил этади. Асосий фондларнинг бор-йўғи 5 процентини янгилаш кўзда утилмоқда. Бирлашма директори ўртоқ А. Д. Плюснин малакали кадрлар 'айёрлаш ишини бўшаштириб юборди. Ҳозир корхоналарда муқим ишлайдиган інженерлар йўқ. Инженер-техник ходимлар билан таъминланиш салкам)0 процентни ташкил этади. Уларнинг ҳам тўртдан бир қисми ишлаб чиқаришнинг ірофилига мос келмайди, қуйи бўғиндаги инженер-техник ходимларнинг учдан бир қисми етарли билим ва маҳоратга эга эмас.

Ишлаб чиқариш фондлари актив қисмининг ярми едирилиб ва маънавий эскириб қолган «Средазэлектроаппарат» бирлашмасида ҳар йили уларни 3 процент ҳажмдагина янгилаш кўзда тутилмоқда. 1986 йилда Минерал ўғитлар ишлаб чиқариш министрлиги корхоналари бўйича умуман асосий фондлар атиги 2,3 процент янгиланди, бу йил эса ундан ҳам камроқ, бор-йўғи 1,4 процентини янгилаш режалаштирилди. Ишга бундай ёндашишда ишлаб чиқаришни янгилаш учун ўн иккинчи беш йилликкина эмас, асрнинг охиригача қолган ҳамма беш йилликлар ҳам етмайди.

Афсуски, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Оғир саноат ва машинасозлик бўлими юз берган вазият сабабларини ҳали ҳам тушуниб етмаганлигини қайд этиб ўтишга тўғри келади. Бўлимдагилар нима учун корхоналар ва бирлашмаларда ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан янгилаш масалалари ҳал қилинмаётганлигини билмайдилар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш йўлларига боғлиқ бўлган раҳбар кадрлар ва бош мутахассислар билан бу соҳада аниқ иш олиб бормаяптилар, партия комитетлари эътиборини партиянинг техника соҳасидаги сиёсатини рўёбга чиқаришга қаратмаяптилар.

Ўйламай иш тутиш халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришда кўпроқ намоён бўлмоқда. Сўнгги 15 йил ичида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг миқдор ўсиши ишлаб чиқариш маданиятининг пасайиши, товарлар хилининг камайиши, маҳсулотларнинг истеъмол хусусиятлари ва кўриниши ёмонлашуви билан бир вақтда юз берди.

Ҳозир мана шу муҳим иш участкасидаги аҳволни ўнглаб олиш учун чоралар кўрилмоқда. Республика Министрлар Совети шу йилнинг ўзидаёқ қўшимча равишда жами 250 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш режаларини тузди. Эндиликда республика Министрлар Советининг вазифаси бу режалар амалга оширилишини таъминлашдан иборат.

Корхоналарнинг сменали ишини кўпайтириш ишлаб чиқариш потенциалидан фойдаланишни яхшилашдаги катта резервдир. Бу иш билан жиддий шуғулланилаётган жойларда яхши натижаларга эришиляпти.

Қўқон шаҳар партия комитети бу масалаларни ҳал этишга ишчанлик билан киришди ва муваффақиятли ҳал этмоқда. Шаҳар партия комитети меҳнат коллективлари билан маслаҳатлашиб, меҳнаткашларнинг фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини ўрганиб, шаҳардаги ҳамма корхоналарни айни бир пайтда кўп сменали иш режимига ўтказишнинг комплекс тадбирларини ишлаб чиқди ва амалга оширди.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг фаолияти қайта қурилди. Ҳамма болалар боғчаларида кеча-кундуз ишлайдиган группалар ташкил қилинди. Кўп корхоналарда озиқ-овқат ва саноат молларига буюртма оладиган хизматлар ишлай бошлади. Ошхоналар ва соғлиқни сақлаш пунктларининг, шаҳар пассажир транспортининг иш режими кечки ва тунги сменалар иши графигига мувофиқлаштириб ўзгартирилди. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда қўшимча равишда 1100 киши ишга жойлаштирилди, умуман шаҳар бўйича асбоб-ускуналарнинг смена иш коэффициенти 1,94 га етди. Станоклардан самарали фойдаланиш ҳисобига ўтган йилнинг ўзидагина планга қўшимча 103 минг жуфт пойабзал, 1,2 миллион сўмлик кийим-кечак ва 700 минг сўмлик пайпоқ ишлаб чиқарилди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 19 миллион сўмлик кўпайди.

Бироқ умуман, республикада кўп сменали ишга ўтиш жуда секин бормоқда. Кўпгина партия комитетлари, Советларнинг ижроия комитетлари, касаба союз комитетлари бу масалани хўжалик ходимларига ташлаб қўйишди. Бу ишда Министрлар Советининг, Госпланнинг, Узсовпроф, Меҳнат давлат комитетининг тегишли роли сезилмаяпти.

Республика аграр-саноат комплексида ҳам ҳал этилмаган проблемалар кў Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ҳажми жуда секинлик билан, бунинг усти тармоқни интенсивлаш ҳисобига эмас, балки янгидан катта-катта массивлар ўзлаштириш ҳисобига ўсмоқда. Суғориладиган ерларнинг самараси камай кетяпти. Ҳар бир ишловчи ҳисобига етиштирилаётган маҳсулот 1970 йилда даражада қолмоқда. Агротехника даражаси ҳам паст, чорвачилик ўз ҳоли ташлаб қўйилган.

Қишлоқ хўжалигимиз учун жавобгар бўлган кишилар мамлакат бизга но гўшт, сут етказиб бераётганлиги ҳақида ўйламай, мамлакатга 1 миллион 700 ми тонна пахта толаси етказиб бериб, ўзларини оз бўлмаса қаҳрамон деб юришиб Бу ҳол Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини жиддий ташвиш солмоқда.

Келинглар, қандай ишлаётганлигимизни таҳлил қилиб кўрайлик. Ўтган йи республикада ҳар гектар ердан ўртача 24,3 центнер пахта олинди. Қорақалпоғ тон АССРда ҳосилдорлик гектар бошига 20,8, Жиззах областида — 18,6, Наво областида — 16,9, Қашқадарё областида — 14,3 центнерни ташкил қил Республикада ҳар гектар ердан 10 центнер ва ундан ҳам кам пахта териб олга хўжаликлар оз эмас. Ўзингиз ўйлаб кўринг: биз мавжуд имкониятлардан тў самара билан фойдалана олаяпмизми, ўсиш учун резервларимиз борми? Ғоя салмоқли резервларимиз бор — жавоб фақат шундай бўлиши мумкин. Леки улардан фойдаланилмаяпти, чунки кўп кадрларимиз эскичасига яшаб, эскичаси ишлашяпти.

Республика Давлат агросаноат комитетида, партия, совет органларида сўнг вақтларда интенсив технология тўғрисида гапириш одат тусига кириб қол Лекин гапдан кейин амалий иш бўлмаяпти. Илғор агротехниканинг туксизланти рилган чигитни экиш, чигитни пуштага экиш каби ва бошқа ўзлаштирилга элементлари ҳам тегишлича оммалаштирилмаяпти. Республика прогресси усулларни кенгайтириш ўрнига бир қанча соҳалар бўйича илгариги мавке қўлдан бериб қўймоқда.

Ҳосилни йиғиб-териб олишни механизациялаш масалаларида кадрларни консерватизмига асло тоқат қилиб бўлмайди. Бухоро, Жиззах, Қашқадар Навоий областлари антимеханизаторлик кайфиятларининг ўзига хос марказлар бўлиб қолди.

Ҳаммангиз КПСС Марказий Комитетининг «Тожикистон ССР партия, сове ва хўжалик органларининг 1986 йил пахта ҳосилини студентларни, техникумлар ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини жалб қилмай ва мактаб ўқувчилари ни ўқишдан қолдирмай йиғиштириб олиш иши тўғрисида» қабул қилган қаро билан танишгансиз. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюро фикрини ҳар бир область партия комитетининг биринчи секретари ва област ижроия комитетининг раисига, биринчи навбатда И. Ж. Жабборов, И. С. Умаров И. А. Каримов, А. С. Ефимов ўртоқларга етказиб қўймоқчиман: бу йилги ҳоси йиғим-терими якунлари юзасидан КПСС Марказий Комитети қарори қандай ба жарилганлиги тўғрисида коммунист сифатида шахсан ўзлари ахборот берадила

Суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлиги фақат пахтачиликда проблема бўли тургани йўқ. Ўтган йили ҳар уч хўжаликдан бири ҳар гектар ердан 50 центнерда камроқ картошка ва 100 центнердан камроқ сабзавот олди. 257 хўжалик ҳа гектар ердан 15 центнердан камроқ маккажўхори дони олди. Бунинг оқибатид республикада маккажўхори ҳосилдорлиги 31,5 центнерни, Қашқадарё областид 15,7, Навоий областида 14,1, Қорақалпоғистонда 13,6 центнерни ташкил этди Бунинг устига, ана шу регионларда озуқабоп илдизмевали экинлар, беда пичан ҳосили ҳам республикадаги энг кам ҳосил ҳисобланади. Область партия коми тетлари бундай «ютуқлар» билан маҳлиё бўлиб юрган агросанот раҳбарлар О. Суяров, В. Н. Петров, А. Х. Тожиев ўртоқларнинг ишига қандай баҳо беракин

Асосан Андижон, Наманган, Сурхондарё ва Фарғона областларинин кўрсаткичлари ҳисобига олинган ўртача рақамлар ўрток И. Х. Жўрабековни ха хотиржам қилиб қўймоқда.

Чорвачиликни ривожлантириш проблемасига алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман Бу проблема фақат хўжалик характеригагина эмас, социал-сиёсий характерга ҳа эгадир: ахир, давлат дотациясига қарамай, кўп йиллардан буён аҳоли жон бошига

ўшт, сут маҳсулотлари истеъмол қилиш кўпаймаяпти. Келгусида эса, республика холисининг ўсиши ҳисобга олинадиган бўлса, аҳоли жон бошига гўшт, сут стеъмол қилиш кескин камайиб кетиши мумкин.

Чорвачиликка муносабатимизни бир мисол билан кўрсатиб бермоқчиман. Бир рим йил муқаддам биз ҳамма биринчи секретарларни Тошкент областининг оммунистик районидаги иккита фермага олиб бориб, мустақил равишда ясаш умкин бўлган ишлаб турган қурилмани кўрсатдик. У сутни пастеризациялайди ва овутади. Лекин шу кунга қадар республикадаги бирорта областда ҳам шундай урилмани жорий этишга уриниб ҳам кўришмади. Республика Давлат агросаноат омитети ҳам, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Қишлоқ ўжалиги ва озиқ-овқат саноати бўлими ҳам бунга лоқайдлик билан қараб елмоқда.

Биз область, район ва хўжалик раҳбарларининг гўшт ҳамда сут тайёрлаш ланлари реал эмаслиги хусусидаги эътирозлари асоссизгина эмас, шу билан ирга сиёсий жиҳатдан нотўғри деб ҳисоблаймиз. Масала партиявий йўл билан акат бир хил қилиб қўйилиши мумкин: ҳар гектар ернинг самараси ва ҳар бир ерманинг маҳсулдорлиги замонавий агротехника ва зоотехника нормаларига тказилмас экан, планларни қайта кўриб чиқиш тўғрисида, қўшимча дотация ўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Ана шундай маррага эришилган акдирда область раҳбарлари ўзларининг пассивлигини оқлаш учун пеш илаётган кўпгина масалалар ўз-ўзидан тушиб қолишига ишончим комил.

Бунинг йўли — хўжалик юритишнинг замонавий методларини ўрганиш ва адрлар тайёрлашни яхшилашдир. Ҳаммамиз ўз ишимизни қатъий қайта қуриб олишимиз, коллектив ва оила пудратини, хўжалик ҳисобини, харажатларни ҳисобга олишнинг чек системасини жорий этишга зўр ғайрат билан киришишимиз керак. Ҳаётнинг ўзи буларнинг юксак самарадорлигини ишончли тарзда кўрсатиб турибди.

Жиззах область Пахтакор районидаги Кичанов номли совхоздан Анорбой Эшбоевнинг 10 кишидан иборат оилавий пудратчи звеноси харажатларни ҳисобга олишнинг чек формасини жорий этиб, бултур 14 минг сўмни тежаб қолди, 65 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 32 центнер ўрнига 40 центнер пахта олди. Йил якунига кўра, тежаб қолинган маблағнинг 70 проценти ишчиларга мукофот пули сифатида берилди.

Коллектив пудрат тўғри ташкил этилса, у қўшимча сарф-харажатларсиз, ходимларнинг пировард меҳнат натижаларидан манфаатдорлиги ортиши ҳисобигагина меҳнат унумдорлигини 20—25 процент оширади.

Кўриб турибсизки, ишларимиз ошиб-тошиб ётибди. Кўпгина проблемалар кадрларга бориб тақалмоқда. Икки юз минг тракторчи-машинистнинг ярмигина биринчи ва иккинчи класс малакасига эга, чорвадорлар орасида эса бундай малакалилар ўндан бир қисмни ташкил этади. Бригада пудрати шароитида бригада бошлиқларининг роли беқиёс ортади, аммо бригадирларнинг 64 проценти махсус маълумотга эга эмас. Сўнгги уч йил ичида колхоз раислари ва совхоз директорларининг 90 процентдан кўпроғи алмаштирилди. Лекин янги раис билан директорларнинг ҳам кўпчилиги иқтисодий омилларни яхши билмайдилар. Шу сабабли кўп хўжаликларда ҳар гектар ерда пахта етиштиришга меҳнат сарфи нормадаги 650—700 киши-соат ўрнига 1000—1100 киши-соатни ташкил қилганлиги ва ундан ҳам ошиб кетганлиги тасодиф эмас. Маҳсулот таннархи қимматлашяпти, зарар келтирадиган хўжаликлар сони кўпайяпти.

Янги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун янгича фикрлаш ва ҳаракат қилиш керак. Шу муносабат билан эътиборингизни КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ В. П. Никонов республикамизга келган вақтда бизнинг шаънимизга айтган аччиқ танқидга қаратмоқчиман. Етилган масалаларга ёндашувда биз йўл қўяётган консерватизм, янгиликни пайқаб ололмаслигимиз, бошқа регионларда тўпланган тажрибани менсимаслик, барча категориядаги қишлоқ хўжалик ходимларининг ўқишини ташкил этишдаги расмиятчилик ҳақли равишда таъкидлаб ўтилди.

Давлат агросаноат комитети коллегияси, марказий аппарати иш услуби ва методлари ҳозирги талабларга жавоб бермаяпти. Жонли ташкилотчилик ишлари ўрнига шошмашошарлик билан тайёрланган жуда кўп бир қолипдаги қарорларни

чиқариш билан шуғулланилмоқда. Бу қарорлар ишларнинг ҳақиқий аҳволини ак эттирмайди, камчиликларни тугатиш юзасидан белгиланган тадбирлар эса ноаниқ конкрет эмас.

Агросаноат раҳбарлари бошқарув аппарати билан суст иш олиб бормоқда Тайёрланаётган ҳужжатлар савияси пастлиги, ижрочилик интизоми бўшлиги в қабул қилинаётган қарорлар самарасизлиги сабаби ана шундадир. Мана сизга би мисол. Директив органларнинг кўрсатмалари билан республика Давлат агросан атига 1990 йилга бориб консерва ишлаб чиқаришни 1,6 миллиард шартли банка етказиш ҳамда ўн иккинчи беш йилликда 785 миллион шартли банка консерв тайёрлайдиган қувватларни ишга тушириш топширилган. Давлат агросаноа комитети шу масала юзасидан бир-бирига зид бўлган ва мутлақо ҳар хи кўрсаткичлар келтирилган 6 та ҳужжатни чиқарди. Натижада область агросаноа комитетларига ва корхоналарига беш йиллик план 1,2 миллиард шартли банк консерва ишлаб чиқариш ҳамда 373 миллион шартли банка консерва ишлаб чиқарадиган қувватларни ишга тушириш ҳажмида етказилди. Шундай қили директив органлар қарори билан белгилаб берилган топшириқ аввал бошиданоқ бажарилмай қолишга маҳкум этилди.

Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши ва қайта ишла саноатига раҳбарлик қилувчи органлар зиммасига юкланган мураккаб в масъулиятли вазифаларни ҳал этишга жиддий тўсқинлик қилмоқда. Бу тармоқ қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти ўсиш суръати ва меҳнат унумдорлиги топши рикда кўзда тутилганидан анча орқада қолаётгани ҳам тасодифий эмас.

Область партия комитетларининг қишлоқ хўжалик бўйича секретарлари в область агросаноат комитетлари раисларининг ролига алоҳида тўхталиб ўтиш керак. Агросаноат комплексида қайта қуриш, интенсив технологияларни, фан техника тараққиётини, меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг мукамма формаларини жорий этиш кўп жиҳатдан уларнинг бу масалаларга қанда ёндашишларига, билимдонликлари ва эътиқодларига боғлиқдир.

Биз ана шу категориядаги раҳбарларнинг агросаноат комплексидаги эн муҳим қоидаларни, колхозлар, совхозлар ва улар билан боғлиқ бўлган ташки лотлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхши билмасликлари, ерларнин сифатига қараб баҳо беришга, чорвачилик ва экономика масалаларига ту шунмаслиги фактларига тез-тез дуч келяпмиз.

Раҳбарлик қилиш учун давр билан ҳамнафас бўлиш, ўз билимини оширии устида ишлаш, намуна кўрсатиш, агросаноат ишлаб чиқаришининг барча нози жиҳатларидан хабардор бўлиш керак. Ҳозир умумий раҳбарлик эмас, балки экономиканинг мана шу энг муҳим соҳасидаги жуда кўп жиддий зиддиятларни чуқур таҳлил этиш асосида конкрет, қатъий ҳаракат қилиш талаб этилади.

Сув хўжалиги қурилишида ҳал этилмаган проблемалар катта юк бўлиб тўпланиб қолди. Жуда кўплаб давлат маблағлари сарфланаётганига қарамай янги ўзлаштириладиган суғорма ерлар самараси таъминланмаяпти.

Бунинг асосий сабаби — мелиорация қилинган экинзорларнинг кўп қисми қониқарсиз аҳволга тушиб қолганлигидадир. Республикада суғориладиган 750 минг гектар ерни шўр босган, 1300 минг гектардан ортиқ ер капитал ишларни амалга оширишни талаб қилади. Шунга қарамай Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги аввалгидек ажратилган капитал маблағларнинг бор йўғи 20 процентини ерларни мелиорация жиҳатдан яхшилашга сарфламоқда Аммо бу тадбирлар ҳам бир-биридан ажралган ҳолда бажарилмоқда ва тегишли натижа бермаяпти.

Ҳозир сув хўжалиги қурилишида нималарга алоҳида эътибор бериш зарурлиги қайта кўриб чиқилмоқда, инвестиция сиёсатини қайта қуриш юзасидан муҳим қарорлар ишлаб чиқилмоқда. Лекин республика ҳукумати ва Госплани Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг ҳамда «Главсре азирсовхозстрой»нинг раҳбарлари (Қ. Сапаев, Э. Турсунов ўртоқлар) тегиш қарорлар қабул қилинишини кутиб ўтирмай, бутун ишни қайта қуришга тайёрла учун зарур чораларни кўришлари керак.

Капитал қурилишни бошқаришнинг волюнтаризм ва директива методлар шароитида шаклланган эскича фикрлаш бу соҳада кейин аҳвол юз берганлигининг асосий сабабларидан бири бўлди. Капитал қурилишни фақат пудрат ташкилотла

ннинг иши деб тушуниш бизни камчиликларнинг ҳақиқий сабабларини кўриш ва ларни бартараф этиш йўлларини топиш қобилиятидан маҳрум қилади.

Инвестиция жараёни унда қатнашувчи барча ташкилотларнинг, капитал урилишда планлаштиришни, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишни, оддий-техника таъминотини, машина-ускуналарни етказиб беришни таъминлайиган, қурилиш-монтаж ишларини бевосита бажарадиган ташкилотлар ва бошқа шкилотларнинг аҳиллик билан пухта ишлашини талаб қилади. Бу ишнинг ҳар андай босқичида адашишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай адашиш учун конкрет йбдорлар жавобгар бўлиши керак.

Ўтган йили республикада ишлаб чиқариш учун мўлжалланган юзга яқин ирик объект фойдаланишга топширилмай қолди. Бунинг устига анализ бу бъектларнинг ҳаммаси планлаштириш ва машина-ускуналарни етказиб беришда- н нуқсонлар, лойиҳа-смета ҳужжатлари ўз вақтида тайёрланмаганлиги сабабли шга туширилмай қолганини кўрсатди ва буни буюртмачиларнинг ўзлари ҳам тан лдилар.

Министрликлар, идоралар, буюртмачи ташкилотлар ва корхоналарнинг аҳбарлари, планлаштирувчи органлар бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари а 1987 йил планини тузишда олдинги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймасликлари керак эди.

Бироқ улар ишга ҳамон эскича ёндашмоқдалар. Мана бир мисол. Тошкент сбобсозлик бирлашмаси (бош директори ўртоқ Хегай) қурилиш-монтаж ишлари иллик ҳажми бир миллион сўмликдан иборат ўзининг Жиззах шаҳридаги илиали қурилишини шу йилги планга киритилишига эришди ва шундан ейингина участкани бошқа корхона банд қилганлигини аниқлади. Ваҳоланки, ирлашма шу филиалнинг қурилишига 1980 йилдан буён тайёргарлик кўраётган ди.

Қурилишдаги камчиликлар учун фақат буюртмачилар билан планлаштириш рганларигина айбдор деб ҳисоблаш хато бўлур эди, албатта. Бундай аҳвол учун удрат министрликлари, идоралар, трестлар ва бошқармалар жавобгардирлар. лар планлаштириш босқичида масъулиятсизлик қилиб, ҳар қандай таклифларга ози бўлмоқдалар ва объектларни қуриш норматив муддатларидан, капитал аблағ, лойиҳа-смета ҳужжатлари, қурилиш учун участкалар ва машина- скуналар билан таъминланган ёки таъминланмаганлигидан қатъи назар шу бъектларни ўз планларига киритмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ва ҳукумат хўжалик механизмини ва бошқаришни акомиллаштириш, қурилиш ишлари самарадорлигини ошириш юзасидан жуда уҳим қарорлар қабул қилганликларига қарамай, республикада қурилиш омплексини қайта ташкил этиш йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб борилмоқда. Идоравий тарқоқлик қурилиш бўлинмаларининг куч ва маблағла- ини энг муҳим объектларга жамлаш имконини бермаяпти, мавжуд ишлаб иқариш базасидан самарали фойдаланишга халақит қиляпти. Масалан, Жиззах аҳрида Қурилиш министрлигининг, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги- инг, «Главсредазирсовхозстрой»нинг уйсозлик комбинатлари параллел ишлаб урибди, аммо улар иш билан асло тўлиқ таъминланган эмас. Бунинг устига Гошкентдан областга панеллар ташиб келтирилади. Қорақалпоғистон АССРда али айтиб ўтилган министрликлардан ташқари, «Узагропромстрой», «Узбекгид- оэнергострой» ўзларининг ишлаб чиқариш базаларига эга. Уларнинг бирида фойдаланилмаётган кўп қурилиш маҳсулоти тўпланиб қолган бўлса, бошқалари- а бундай маҳсулот етишмаяпти, олиш эса мумкин эмас, чунки идора бошқа. Қурилиш ишлари сифати ҳамон пастлигича қолмоқда, қўшиб ёзишларга йўл ўйилмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси қурилишда хўжалик механизми структурасини қайта қуришимизни ниҳоятда зарур қилиб қўймоқда. Ўйлайманки, республика Компартияси Марказий Комитети, Министрлар Совети, биз ҳаммамиз қурилиш ташкилотлари структурасини такомиллаштириш соҳасидаги ишни мантиқий ниҳоясига етказамиз.

Тажриба кўрсатганидек, коллектив пудратга ўтиш пудрат ташкилотлари фаолиятини қайта қуришнинг бош йўналишидир. Аммо қурилиш комплексида бу иш ниҳоятда суст олиб борилмоқда.

Кадрларни янгича ишлашга ўргатиш, уларни қайта тайёрлаш ва малакаси ошириш ишларини анча кенг миқёсларда олиб бориш керак. Юқори унумли меҳ қилиш ва нормал турмуш учун қурувчиларга тегишли шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилиши лозим. Бу соҳадаги ишлар ошиб-тош ётибди.

Ниҳоят область, шаҳар ва район партия комитетлари капитал қурилиш асосий эътиборни қаратишлари, тармоққа партиявий раҳбарлик практикаси волюнтаризмни йўқотишлари, ишларнинг самарали юритилиши учун хўжали раҳбарларининг масъулиятини оширишлари керак.

Ўртоқлар! Эпчиллик, янгиликларни қабул қилишга мойиллик бошқар аппарати структураси албатта такомиллаштирилишини, ортиқча бўғинла тугатилишини тақозо этади. Бу соҳада ишлар амалга оширилаётгандек кил кўрсатилмоқда. Ҳисобот маълумотларига кўра, кейинги беш йил ичида штатл қисқартирилиши муносабати билан аппарат ходимларидан 20 минг ки бўшатилди. Аммо пировардида шу вақт мобайнида бошқаришда банд бўлг шахслар сони кўпайган.

КПСС Марказий Комитети январь Пленумида қайд этиб ўтилгани республикамизда маъмурий бошқарув органларининг ҳаддан ташқари кенгай кетиши содир бўлмоқда, ишлаб чиқариш ҳажмлари жуда кам бўлгани ҳол РСФСРда қанча бўлса, худди шунча министрлик, идоралар, давлат комитетла ва бошқа бошқарув органлари бор.

Дарҳақиқат, «Узглавстройдревпром»нинг мавжудлиги мақсадга мувофик Бундаги ходимларнинг умумий сони уч минг кишидан сал кўпроқ бўлиб, ўрта катталикдаги корхонага мос келади. Амалда бир хил иш билан шуғулланаётган илгари ягона органни ташкил этган икки министрлик — Автомобиль транспор министрлиги билан Автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдалани министрлигининг ҳожати борми? Эҳтимол, Маориф министрлиги билан Ҳуна техника таълими давлат комитети ўрнига ягона Халқ маорифи давлат комитети ташкил этишда маъно бордир?

Ҳозир Министрлар Совети Ишлар мудирлигининг структураси ва штатларн тартибга солиш юзасидан муҳим ишни бошлади. Республиканинг барча мини трликлари ва давлат комитетлари даражасида ҳам худди шундай ишни ўтказ керак, деб ўйлаймиз.

Ўртоқлар! Республикада иқтисодий ва социал ўзгартишлар программаси амалга оширишда, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда олимларн актив иштирок этишлари керак.

Кейинги ўн беш йил мобайнида Ўзбекистонда 25 та янги илмий муасса ташкил этилди, илмий ходимлар сони бир ярим баравар кўпайди. Бироқ кўпги институтлар ва олий ўқув юртлари тадқиқотларининг самарадорлиги ҳам пастлигича қолмоқда. Шуни айтиб ўтиш кифояки, республика миқёсида шу бе йилликка тасдиқланган 22 та социал-иқтисодий ва илмий-техникавий програм ларнинг биронтасида ҳам Фанлар академияси бош ташкилот сифатида н кўрмаяпти.

Фанлар академияси президиумининг аъзолари ва шахсан президент ўрт П. Қ. Ҳабибуллаев қайта қуришни ёқлаб, жуда кўп сўзларни айтдилар. Бир улар янгилик учун даъват этсалар-да ҳозирча республика илм-фанин самарасизлигига қарши курашда етарлича ғайрат кўрсатмаяптилар. Академи нинг институтларида меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шароитларига ўтиш ва илм ходимларни аттестациядан ўтказиш ишлари юзаки амалга оширилди. Айник юқори малакали илмий кадрларимиз, илмий бўлинмаларнинг раҳбарла тобора кексайиб бормоқда, ёш, навқирон кучларнинг келиб қўшили секинлашган.

Олий ўқув юртларининг олимлари энг муҳим вазифаларни ҳал этишда ҳозирча четда турибдилар. Тармоқ лабораториялари ва хўжалик шартнома асосидаги ишлар кўпайган бўлишига қарамай, самарадорлик ошмаяпти ишланмалар сифати эса ҳамон паст даражада қолмоқда. Масалан, Тошке автомобиль транспорти ва йўллар институтида етти лабораторияни сақлаш уч харажатлар беш йил ичида 1,8 миллион сўмга етди, уларнинг тадқиқотлари кўрилган иқтисодий самара эса атиги 100 минг сўмликни ташкил этди.

Бундай аҳволни қатъиян бартараф этиш керак. Фанлар академияси тегишли таклифларни киритиши, Министрлар Совети эса фанга ҳам, ишлаб чиқаришга ҳам ҳеч қандай наф бермаётган илмий-тадқиқот институтлари ва лабораториялари хусусида қарорлар қабул қилиши лозим.

ИНСОН—СОЦИАЛ СИЁСАТ МАРКАЗИДА

Ўртоқлар! Партия XXVII съездида ва КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида чуқур асослаб берилган социал адолат ва ғоят кенг демократизм ғояси инсоннинг меҳнат ғайратини жўш урдириб, ижтимоий манфаатдорлигини кучайтириши, инсонда соҳиблик онгини тарбиялаши лозим. Гап шу ҳақда бормоқдаки, ҳар бир коллективда ҳалол, малакали ходим яхшироқ яшайдиган ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг фаол қатнашчиси деб ҳис қиладиган шарт-шароитлар ҳамда ахлоқий-маънавий иқлим вужудга келтирилиши, меҳнат эса шунга имкон берадиган тарзда ташкил этилиши керак.

Холис ва сергаклик билан назар ташланганида республикадаги, айниқса қишлоқлардаги юз минглаб кишиларнинг меҳнат ва турмуш маданияти паст, моддий ва маънавий етишмовчиликлар шароитида яшаб келмоқдалар. Ҳозир меҳнат шароитини яхшилаш ишлаб чиқаришни интенсивлаш борасидаги жами ишлардан, фан-техника тараққиётидан ажралмас экан, социал-маиший соҳа масалаларини ҳал этиш тўла-тўкис маҳаллий ҳокимият органларига боғлиқ.

Ҳозир меҳнаткашларнинг фаровонлигини ошириш ва шахсни ҳар томонлама камол топтириш учун шарт-шароитлар яратиш инсонпарварлик мақсадигина бўлиб қолмай, шу билан бирга жамиятни жадал олға силжитиш воситаси, мамлакатни тараққий эттиришнинг объектив зарур шарти ҳамдир.

Барча социал проблемалар орасида уй-жой проблемаси энг асосий муаммо бўлиб қолмоқда, зотан шуни тўппа-тўғри айтиш кераккки, кўпгина хўжалик раҳбарлари, қолаверса партия, совет ходимлари ҳам бу муаммони ҳал этишга эски, тайёрга айёрликдан иборат позицияларда туриб ёндашмоқдалар, уларга уй-жойни кимдир қуриб бериши керак, деб ҳисобламоқдалар.

Бу ишда хўжалик раҳбарларининг онгида туб бурилиш ясаш зарур, хўжаликни юритишнинг янги формаларига ўтилиши билан ҳар бир коллектив ўз уй-жой проблемасини асосан ўзи ҳал этадиган бўлади.

Шу билан бирга Совет органларининг ходимлари умуман областда, шаҳар ва районда уй-жой проблемаси ҳал этилиши учун тўла жавобгар эканликларини англаб олишлари лозим. Аммо бунда ҳам сусткашлик намоён бўлмоқда. КПСС Марказий Комитетининг маълум қарорида ушбу масала юзасидан баён этилган конкрет топшириқларга қарамай, 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган уй-жой программасини тузиш чўзиб юборилмоқда.

Республика меҳнаткашлари савдо, умумий овқатланиш, коммунал ва маиший хизмат соҳаларига нисбатан ҳамон ҳаққоний эътироз билдирмоқдалар. Маиший хизмат соҳаси ходимлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ташаббуссизлик қилмоқдалар, хўжалик юритишнинг янги системасига ўтишга суст ҳозирлик кўрмоқдалар, маҳсулот етказиб берувчилар билан алоқаларни мустаҳкамлашни пайсалга солмоқдалар. Масалан, сабзавот ва мева савдоси ташкил этилишини олиб кўрайлик. Бизнинг Ўзбекистонда ҳатто ҳосил йиғим-терими даврида ҳам давлат ва кооператив савдоси магазинларидан диёримиз неъматларини сотиб олиш баъзан амримаҳол эканлигига йўл қўйиб бўладими? Етиштирилган маҳсулотнинг учдан бир қисмига қадарини фирма магазинлари ва дўконлари орқали аҳолига сотиш учун колхоз ва совхозларга берилган ҳуқуқдан хизмат соҳасининг ходимлари, халқ депутатлари Советларининг ижроия комитетлари фойдалана билмадилар. Ўтган йили тайёрланган умумий маҳсулот ҳажмининг бир процентдан камроғи сотилди. Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Хорев ва Ўзбекбирлашув раиси ўртоқ Маҳмудов партия ва ҳукумат қарорларини бажаришда йўл қўйиб бўлмайдиган даражада интизомсизлик қилмоқдалар. Одамларни ҳурмат қилмаяптилар, ваҳоланки, улар ана шу одамлар учун ишлашлари керак.

Аҳолига медицина хизмати ҳаддан ташқари секинлик билан яхшиланмоқда. Касалхона ходимларининг бағритошлиги, тамагирлиги, соғлиқни сақлаш ходимлари кўпчилигининг профессионал ва маънавий савияси пастлиги медицинамиз шаънига доғ туширмоқда, аммо бу ҳол республика Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясини, министр ўртоқ С. М. Баҳромовни чинакамига ташвишлантирмаяпти. Министрлик тармоқнинг моддий-техника базаси ривожлантирилишидан ҳақиқий манфаатдорлигини билдирмаяпти. Масалан, меҳнаткашлар коммунистик шанбаликларда ишлаб топган маблағлар ҳисобига соғлиқни сақлаш объектларини барпо этишни олиб кўрайлик. Сурхондарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Б. Б. Волковнинг, Сирдарё область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ А. В. Тимошенконинг, Наманган область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ А. Ҳайдаровнинг айби билан ана шу объектлар лойиҳа-смета ҳужжатларисиз ва участкалар ажратилмасдан планга киритилган. Бу объектларни қуриш барбод этилганлиги тушунарли, албатта.

Социал проблемаларни ҳал этишда майда-чуйда ишлар йўқ. Квартираларни ремонт қилиш, уй-жой хўжалигининг аҳволи, шаҳар ва пассажир транспортининг иши, уруш ва меҳнат ветеранларининг, хотин-қизларнинг, айниқса оналарнинг аҳволини яхшилаш тўғрисидаги ғамхўрликни кучайтириш масалалари бугунги кунда халқ депутатларининг актив иштирокисиз ҳал этилиши мумкин эмас. Область, шаҳар, район, посёлка ва қишлоқ Советларининг ижроия комитетлари одамларнинг кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондиришга тааллуқли барча ишларда, ажратилаётган маблағлардан, маҳаллий имкониятлар ва резервлардан фойдаланишда, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида барча ташкилотларнинг ишини мувофиқлаштириш ва уни контрол қилишда тўла ҳуқуқли ҳамда масъулиятли хўжайинлар бўлиб қолишлари керак.

Айтилган гап партия комитетлари четда қолишлари керак, деган маънони асло билдирмайди. Партия комитетлари Совет ва хўжалик органларининг ишини бажармай, бу жуда муҳим соҳадаги партия контроллигини кучайтиришлари, илғорлар тажрибасини эътибор билан ўрганиб, оммалаштиришлари, ташаббусни рағбатлантиришлари лозим. Афсуски, бунда ҳали расмиятчилик ва эскича ёндашувлар оз эмас. Социал-маданий ва маиший объектларда кўнгилли меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган Тольятти автозаводчиларининг ташаббуси коғозбозликдан иборат қарорларга кўмилиб қолди. Реконструкциялаш ҳисобидан тежаб қолинган маблағларни социал соҳани ривожлантириш учун ажратиш тўғрисида ленинградликлар ва челябинскликларнинг ташаббуси расмиятчилик ботқоғида жиддий ботиб қолди. Горький автозаводининг уй-жойларни жадал қуришдан иборат тажрибаси лоқайдлик сабабли жорий этилмаяпти. Социал соҳага раҳбарликка нисбатан бундай муносабатга тоқат қилиб бўлмайди.

Меҳнат коллективларида барқарорлик ва жипслик, соғлом маънавий-психологик иқлимни вужудга келтириш борасидаги ишларни кучайтириш зарур. Ҳар бир иш жойидаги юксак меҳнат интизоми шу мақсадга эришишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Прогуллар, ичкиликбозлик, ишга кеч қолиб келишлар, технология интизомини бузиш, хўжасизлик қайта қуриш ва жадаллаштиришга зиддир.

Ўртоқлар! Социал сусткашлик, нигилизм, лоқайдликнинг яшовчан сарқитларини бартараф этиш Конституциядаги ҳуқуқларга ҳамда социалистик қонунчилик нормаларига қатъий риоя этилишига доимо ва зўр эътибор берилишини тақозо этади. Демократик тартиб-қоидаларга юзаки муносабат айниқса ўткир намоён бўлган республикамиз шароитида КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг қонунчилик ва демократиянинг чамбарчас боғлиқлиги ҳамда бирлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва контрол органлари кадрларининг жавобгарлигини ошириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтган уч йил мобайнида милиция, прокуратура, суд, юстиция органларини тозалаш, уларни синалган, ҳалол ходимлар билан мустаҳкамлаш борасида талайгина ишлар қилинди. Меҳнат коллективларининг тавсияси билан ички ишлар органларининг ўзигагина 11 мингдан кўпроқ ходим юборилди. Хўжалик соҳасидаги жиноятларга, гиёҳвандликка, ичкиликбозликка, меҳнатсиз даромадларга қарши курашда қатъий чоралар кўрилмоқда. Кейинги йилларда биринчи марта оғир жиноят турларининг камайишига эришилди.

Шу билан бирга кенг тарқалган бошқа жиноятларнинг олдини олишда сезиларли силжиш йўқ. Кўпинча кадрларнинг профессионал маҳорати пастлиги, баъзида эса масъулиятсизлиги сабабли ҳам шундай бўлмоқда. Балоғатга етмаганлар ўртасида ҳозирча жиноятчилик даражасини пасайтиришга муваффақ бўлинмаяпти. Милиция, прокуратура, суд ходимлари орасида ҳамон эскича яшаб, иш кўраётган кишилар ҳали оз эмас, органлар жиноий унсурлардан халос бўлмаган. Тошкент области жиноят қидирув ходимларидан яқинда фош этилган бир группасининг жиноий ишлари айнишнинг яққол мисоли бўлади. Ана шу ходимлар тинтув баҳонаси билан одамларнинг пуллари ва қимматбаҳо буюмларини тортиб олишган, бандитлар ва талончиларни жавобгарликдан олиб қолишган.

Гражданларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини қўпол равишда бузиш, сансалорлик фактлари, асоссиз ушлаб қолиш ва қамоққа олиш ҳоллари асло онда-сонда учраётган ҳоллар деб бўлмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишидаги брак уларнинг обрў-эътиборига, одамларда совет қонунларига қатъий риоя этилади, деган ишончга путур етказади. Қонуннинг мазмуни ва руҳидан ҳар қандай чекиниш учун жазо берилиши муқаррар бўлиши керак. Республика прокурори ўртоқ А. В. Бутурлин прокурорлик назоратини кучайтириши лозим.

Область, шаҳар, район партия комитетлари қонун талабларидан ҳар қандай чекинишларга, гражданларнинг ҳуқуқларини камситувчи ҳар қандай ҳаракатларга барҳам бериш ва бундай ҳолларнинг олдини олиш борасида партия ташкилотларининг, давлат муассасаларининг, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг, бутун жамоатчиликнинг куч-ғайратларини муттасил йўналтириб, мувофиқлаштириб боришлари, шу мақсадда ташкилий, иқтисодий, идеологик ва ҳуқуқий воситалардан актив фойдаланишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, гражданларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисида»ги маълум қарорида шундай вазифа ўртага қўйилган.

ИДЕОЛОГИЯ ИШИНИНГ ТУРМУШ БИЛАН ЧАМБАРЧАС АЛОҚАСИ УЧУН

Ўртоқлар! Партия XXVII съезди ва Марказий Комитетнинг январь Пленуми ғоявий-тарбиявий ишларга оид масалаларни жадаллаштириш концепцияси ҳамда стратегияси билан узвий боғлаб, идеология билан турмушнинг бирлигини мустаҳкамлаш проблемасини ўткир қилиб қўйди.

Ярим йил муқаддам Марказий Комитетнинг идеология ишини яхшилаш масалаларига бағишланган пленуми бўлиб ўтган эди. Ана шу пленумда бизнинг хатоларимиз кескин танқид қилинган, идеология ишини қайта қуриш ва кучайтириш юзасидан туб чора-тадбирлар белгилаб берилган эди. Бироқ республика партия ташкилоти фаолиятининг мана шу масъулиятли соҳасида тегишли бурилиш ҳозирча рўй бергани йўқ.

Пленум қарорлари партия комитетларининг талайгина қисми учун ва айниқса идеология министрликлари ҳамда идораларининг раҳбарлари учун ҳали ҳаракат қўлланмаси бўлиб қолган эмас. Идеология ишида қайта қуришни чалғитиш, янгича ёндашувларни панд-насиҳатлардан, фаолият моҳиятининг ўзида ҳеч нарсани ўзгартирмай, сон-саноқсиз тадбирларни тузишдан иборат қилиб қўйиш хавфи бор.

Айрим партия комитетлари ҳамон аниқ сиёсий баҳолар беришдан бўйин товламоқдалар, проблемаларнинг ўткирлигини жўрттага хаспўшламоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология бўлимларининг фаолияти кескин танқид қилинди. Такрорлашнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Аммо бугун шуни айтмасдан илож йўқки, уларнинг енгил-елпи, юзаки ёндашуви жойлардаги партия комитетлари ва ташкилотларининг идеология ишига салбий таъсир қилмоқда, ўткир қирраларни текислаб кўрсатишдек ўзига хос занжир

реакциясини келтириб чиқармоқда. Бу гап айниқса атеистик тарбия каби биз учун қийин бўлган проблемага тааллуқлидир.

Мана бир характерли мисол. Каттақўрғон шаҳар партия комитетининг бюроси (биринчи секретари ўрток И. Д. Эшбеков) шаҳардаги диний вазиятнинг аҳволи ва партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама қила туриб, масаланинг моҳиятини четлаб ўтди, диний кайфиятлар кучайганлигини кўрсатувчи кўпдан-кўп фактларни анализ қилмади ва уларга баҳо бермади, динга қарши фаолиятда биронта ҳам жиддий камчиликни пайқамади. Шу масала юзасидан қабул қилинган қарорда конкрет бандлар йўқ, бу қарор ҳеч кимнинг зиммасига бирон бир мажбурият юкламайди, унга қараб ишни ташкил этиш ёки унинг бажарилишини контрол қилиш мумкин эмас. Шаҳар партия комитетининг бундай муносабати шаҳар ижроия комитети (раиси ўрток Ш. Т. Қўчқоров) учун ҳам ўрнак бўлди. Шаҳар ижроия комитети диндорлар шаҳар территориясида қонунларни бузиб, жуда катта масжид биносини барпо этганликларини асло ножўя иш деб билмади. Буни сўқир киши ҳам пайқамаслиги мумкин эмас эди. Лекин буларнинг ҳаммасини Самарқанд область партия комитетидагилар пайқашмади.

Диний расм-русмларга риоя этаётган коммунистларга нисбатан ҳамон кўнгилчанлик қилинмоқда. Партия аъзоси, Коғон шаҳар Советининг депутати, касалхона бош врачи Н. Ражабов Бухородаги «Мирараб» мадрасасида номоз қатнашчиларидан бири бўлди. Коғон район партия комитети, унинг биринчи секретари ўрток Э. Закиряев Н. Ражабовнинг хатти-ҳаракатини ножўя иш деб ҳисоблашни тўрт ой мобайнида хоҳламай келдилар. Юқори партия органлари аралашгандан кейингина диндор коммунистга виговор эълон қилинди. Қарорда «партиявий ҳушёрликни бўшаштирганлиги учун» деб айтилган. Эндиликда Бухоро область партия комитети Коғон район партия комитети биринчи секретарининг хатти-ҳаракатларида ҳеч қандай ножўяликни кўришни сира ҳам истамаяпти.

Биз сиёсий жиҳатдан шундай кўр бўлиб қолаверадиган бўлсак, атеистик тарбия соҳасида ҳеч қандай силжишга эриша олмаймиз.

Идеология кадрларидан психологияни билиш, ақл-фаросат, одоб, ҳамдард бўлиш таланти, мулоқот олиб бориш маҳорати талаб этилади. Якка-якка тарбия иши алоҳида аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда.

Тарбиячи кадрлар тайёрлашга кўпроқ қаратилиши лозим бўлган марксча-ленинча таълим системамиз айни мана шу фазилатларни ҳозирча ҳосил қилаётгани йўқ. Биз сиёсий маорифдаги расмиятчилик ва унинг ташкилий ишлар билан қалаштириб ташланганлиги тўғрисида, кўпгина партия комитетлари унга етарли баҳо бермаётганликлари ҳақида яна гапиришга мажбурмиз. Арнасой ва Шеробод район партия комитетларида партия-хўжалик активлари мактаби расмиятчилик учун тузилган, Андижон, Калинин, Хива ва бошқа бир қанча район партия ташкилотларида партия ўқуви онда-сонда ўтказилмоқда. Қорақалпоғистон АССРда, Бухоро, Қашқадарё областларида марксизм-ленинизм университетларининг машғулотлари қониқарсиз ташкил этилган. Республика партия комитетлари КПСС Марказий Комитетининг партия ўқувини қайта қуриш тўғрисида яқинда қабул қилган қарорини амалга оширишга жуда юксак масъулият билан муносабатда бўлишлари лозим. Ҳар бир партия ташкилотида Ленин меросига, партия ҳужжатларига доимо ижодий мурожаат қилиб туриш ҳар бир коммунистнинг эҳтиёжи бўлиб қолишига эришиш керак.

Идеология иши партия учун ҳамиша зарбдор фронт бўлиб келди. Мана шу ленинча анъана жамиятимиз турмушининг ҳозирги бурилиш даврида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Қайта қуриш, революцион ўзгартишлар — январь Пленумининг материалларида таъкидлаб ўтилганидек, аввало одамларнинг онги, эътиқоди, ақл-идроки учун курашдир. Қайта қуришга барча коммунистларни, ҳамма меҳнаткашларни жалб этмас эканмиз, муваффақиятга эриша олмаймиз.

Бу эса Марказий Комитетнинг биринчи секретаридан, область, шаҳар, район партия комитетларининг секретарларидан бошлаб, то бошланғич партия ташкилотининг секретаригача жамики партия ходимлари, барча партия активлари тарбия, тушунтириш, ишонтириш билан кун сайин шуғулланишлари керак, деган маънони билдиради.

Биз бу масалаларда жиддий камчиликларга йўл қўймоқдамиз. Ҳатто бизнинг Марказий Комитетда ҳам унинг кўпгина аъзолари, тармоқ бўлимларининг

ходимлари идеология иши, одамларни тарбиялаш бизнинг маҳкамамизга тааллуқли эмас, деб ҳисоблайдилар. Улар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу соҳасидаги ишларнинг аҳволини яхши билганлари ҳолда кўпроқ нукул хўжалик масалалари билан шуғулланадилар, ҳатто мусобақанинг ташкил этилиши, ҳалол меҳнатни моддий ва маънавий рағбатлантириш билан қизиқмайдилар. Область, шаҳар, район партия комитетларининг кўпгина секретарлари, республика органларининг раҳбарлари программалаштириб қўйилган тадбирлар, яъни Ягона сиёсий кунларда қатнашишдан ташқари коммунистлар, меҳнаткашлар ҳузурида ижтимоий-сиёсий мавзуларда лекция ва суҳбатлар билан камдан-кам чиқадилар, иш ва истиқомат жойларида одамлар билан учрашиш, уларни қизиқтираётган нарсаларни сўраб билиш, жуда кўп масалалар юзасидан фикрлашиб олиш, маслаҳатлашиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланмаяптилар.

Биз пленумга тайёргарлик кўра туриб, республика, область, район газеталарининг кейинги йилги тахламларини кўздан кечириб чиқдик. Партия, совет, хўжалик раҳбарларимиз матбуотда жуда камдан-кам қатнашмоқдалар. Уларнинг мақолалари ҳамон ўз-ўзи ҳақида ҳисобот беришдан, бажарилган ишлар тўғрисидаги ўзига хос докладлардан иборат бўлмоқда. Айни вақтда эса қайта қуриш масалалари жамоатчилик муҳокамасига дадил чиқариб қўйилмаяпти.

Бизда интернационал тарбия ва миллатлараро муносабатлар масалаларига нисбатан ўткирлик бир оз сусайган. Кейинги вақтларда биз мамлакатимиз халқларининг ва аввало, улуғ рус халқининг ғоят катта қардошларча ёрдами аҳамиятини тобора камроқ эсга оладиган ва уни оммага, айниқса ёшларга камроқ тушунтирадиган бўлиб қолдик. Ана шу ёрдам туфайли Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топди ва ривожланди. Баъзилар нисбатан яқин ўтмишдаги воқеаларни — зилзиладан вайрон бўлган Тошкентни қайта тиклашда, амалда эса янгидан бунёд этишда мамлакатнинг умумхалқ иштирокини унутиб қўя бошладилар. Ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг бошқа республикалар билан экономика, илм-фан, маданиятнинг барча соҳаларидаги интернационал алоқалари ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлиги етарлича ёрқин ва ишонтирарли қилиб кўрсатиб берилмаяпти.

Ҳолбуки, мана шу масалаларнинг ҳаммаси ҳамиша ва жуда зўр эътибор берилишини талаб қилади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон ҳамиша энг кўп миллатли республикалардан бири бўлиб келди, ҳозир ҳам шундай ва бундан буён ҳам худди шундай бўлиб қолади. Республикамизда юздан кўпроқ миллат ва элатларнинг намояндалари ягона оила бўлиб яшамоқдалар ва ишламоқдалар. Областлар, шаҳарлар ва районларнинг, меҳнат коллективларининг ғоят катта кўпчилигида ҳукм сураётган дўстлик ва интернационализм руҳи қайта қуриш учун, партиянинг қийин, мураккаб, аммо илҳомбахш режаларини рўёбга чиқариш учун курашда одамларнинг кучига-куч қўшмоқда.

Айни вақтда ҳамма нарсани безаб кўрсатиш мумкин эмас. Бизнинг Ўзбекистонда ҳам миллий маҳдудлик, чекланганлик, керкайиш, маҳаллийчилик, тайёрга айёрлик кўринишлари оз эмас. Бундай ҳоллар ҳар хил, кўпинча ниқобланган формаларда намоён бўлмоқда. Аммо биз доимо сиёсий ҳушёр бўлиб туришимиз, синфий сезгирликни йўқотмаслигимиз, совет халқларининг дўстлиги ва қардошлигига зиён етказиш йўлидаги сал бўлсада уринишларни қандай ниқоб остида бўлмасин фош этиб, уларга қатъий чек қўя билишимиз керак.

Шу муносабат билан республикада соғлом ахлоқий-сиёсий иқлимни, бутун маънавий муҳитни шакллантиришда ижодкор зиёлиларнинг роли ва масъулиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш зарур. Ҳозир бизда маданият соҳасидаги турғунлик психологиясини бартараф этиш юзасидан қатъий чоралар кўрилмоқда. Ижодий союзларнинг кейинги вақтда бўлиб ўтган съездлари ва пленумлари ёзувчилар, рассомлар, композиторларни, театр ва кино арбобларини сезиларли равишда ҳаракатга келтирди. Партия органлари раҳбарларининг улар билан актив мулоқоти Ўзбекистон ижодкор ходимларининг тўғри йўналишдан боришларига кўмаклашади.

Жадал ривожланиб бораётган ижтимоий вазият тўғрисида талантли асарлар дарҳол пайдо бўлишини кутиш соддалик бўлур эди, албатта. Бошқа бир нарса ташвишга солмоқда: кўпгина маданият арбоблари пайт пойлаш позициясида турибдилар, аллақачон айтилган нарсаларни гапириб қолишга шошилмоқдалар.

Ўтмиш салбий ҳодисаларини танқид қилиш ҳозирча бунёдкорлик мавзусидан, турмушни янгилаш соҳасида бизнинг бугунги қадамларимизни амалий танқид қилишдан устун турибди.

Ижодий ташкилотлар фаолиятидаги мустақилликни кенгайтириш яратилаётган асарларнинг ғоявий ва бадиий сифати учун масъулиятни ошириш билан қўшиб олиб борилиши керак. Аммо ижодий союзларда бу масалаларга ҳали етарлича эътибор берилмаяпти.

Айрим маданият арбоблари демократияни тартибсизлик, хоҳлаган ишни қилавериш деб, ўз нафсониятини қондириш ёки ўч олиш имконияти деб тушунмоқдалар. Шовқин-сурон кўтариш, калондимоғлик, деярли ошкора манфаатпарастлик каби кўпдан-кўп ҳолларга дуч келмоқдамиз. Бундай фактларнинг салбий аҳамиятига етарли баҳо бермаслик мумкин эмас. Хоҳ Горький номли академик театрда, хоҳ Рассомлар союзида ёки «Ўзбекфильм» киностудиясида группабозлик қандай либосга бурканмасин, у коллективларни ҳақиқатан ҳам мураккаб проблемаларни ҳал этишдан чалғитади, у ўзининг ахлоқий-этикавий моҳияти жиҳатидан беахлоқлик бўлиб, моҳият эътибори билан чинакам ижодкорликка хилофдир.

Партия комитетлари маданият арбоблари бўлмиш коммунистларнинг ижодий союзлар, театрлар, концерт ташкилотларининг ғоявий-маънавий жиҳатдан соғлом бўлиши, маданият асарларининг ғоявий-бадиий жиҳатдан етуклиги учун масъулиятини оширишга қаратилган йўлни қатъият билан ўтказишлари керак.

Бундай талабчанлик ижодкор зиёлилар тўғрисида, талантларни намоён этиш учун барча зарур шароитларни яратиш ҳақида доимо ғамхўрлик қилиш билан узвий қўшиб олиб борилиши керак. Кейинги йилларда айнан қобилиятли кишиларнинг мустақил ишга ўтишлари оғир бўлиб қолганлиги сир эмас. Биз ёш ижодкор кадрлар тайёрлаш бутун системасини аслида ўз ҳолига ташлаб қўйдик.

Оммавий ахборот воситаларининг фаолияти тўғрисида алоҳида гапириб ўтиш керак. Марказий Комитет журналистларнинг ўткир, принципиал мақолаларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади, ҳар бир амалий танқидий мақола юзасидан таъсирчан, узил-кесил чоралар кўрилишига эришиш учун қатъият билан ҳаракат қилаверади.

Газеталаримиз, журналларимиз, телевидение ва радиомизнинг мазмунидаги, йўналишидаги, характерининг ўзидаги ўзгаришлар яққол кўриниб турибди. Аммо булар, М. С. Горбачев оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг раҳбарлари билан учрашувда айтганидек, активлаштириш, замонавий ишлаш сари силжишдир, холос. Ҳозирча матбуотда чинакам бурилиш рўй бергани йўқ. Ишимизнинг ғоят муҳим масалалари ва йўналишларини ёритишда ачинарли нуқсонлар ва англашилмовчиликлар, жиддий анализ ўрнига «қовурма фактлар» деб аталмиш фактларни бериш ҳоллари мавжуд. Марказий Комитет органлари — «Совет Ўзбекистони» ва «Правда Востока» газеталарида, республика Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитетининг кўрсатув ва эшиттиришларида бундай ҳолларга айниқса йўл қўйиб бўлмайди.

Ҳозир қайта қуриш дастлабки қадамларининг конкрет практикаси тўғрисида газетхонлар, телетомошабинлар, радиотингловчилар билан далиллар келтириб, исботлар билан суҳбатлашиш ниҳоятда муҳим бўлиб қолмоқда. Ленин сўзлари билан айтганда, биз янгилик элементларини чуқур анализ қилишимиз керак. У исбот қилинганми? Бу янгилик қанчалик коммунистик руҳда экан? Бунда мақтанчоқлик ва пуч гаплар йўқмикан?

Матбуот роли ва аҳамиятининг ошиши кўпгина омилларга ва биринчи навбатда партиявий раҳбарлик даражасига боғлиқ. Афсуски, кўпгина партия комитетларининг редакциялар билан алоқалари асосан хатолар хусусида вақти-вақти билан танбеҳ бериб туришдан иборат бўлмоқда. Ваҳоланки, оммавий ахборот воситаларининг ишини профессионал анализ қилиш, энг муҳим проблемаларга доир мақолаларни амалий равишда қўллаб-қувватлаш зарур.

Турмушнинг турли соҳаларидаги туб силжишлар ўрта ва олий мактабда кадрларни тайёрлаш ҳамда тарбиялашга нисбатан янги, бекиёс даражада ошган талаблар қўймоқда. Партия ўрта ва олий мактабни қайта ташкил этишни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи омилларидан бири, деб билмоқда. Республика партия ташкилоти учун бу проблемалар алоҳида аҳамиятга эга.

Ўтказилган текширишлар барча асосий дарслардан, шу жумладан, рус тилидан ўқувчиларнинг билим савияси ниҳоятда қониқарсиз эканлигини кўрсатмоқда. Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг структураси шундай тузилганки, билим юртларини битириб чиқувчиларнинг кўпчилиги қишлоқ хўжалигида ишлаш учун тайёрланмоқда. Айниқса, энг янги техникадан фойдаланиш билан боғлиқ касблардаги ишчилар тайёрланмаяпти. Ишлаб чиқаришдаги турғунлик кўп жиҳатдан олий ўқув юртларини ва уларнинг кўпдан-кўп филиалларини битириб чиққан кишиларнинг малакаси пастлиги билан боғланган. Ана шу филиаллар зарур таълим базаси, ўқитувчи кадрлар билан таъминланмаган. Компартия Марказий Комитетининг Фан ва ўқув юртлари бўлими Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги билан биргаликда ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишга доир батафсил тадбирларни ишлаб чиқиб, шу ишни алоҳида назорат остига олиши зарур.

Биз ҳаммамиз идеология, тарбия масалалари — барча партия комитетлари ҳамда ташкилотлари фаолиятидаги энг асосий вазифа эканлигини ҳисобга олишимиз керак. Партия активлари, бизларнинг ҳар биримиз, унинг зарбдор авангарди бўлишимиз керак.

ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИНИНГ ЭНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ўртоқлар! Партия революцион ва бунёдкорлик вазифаларини ҳал этишга халқни, кенг меҳнаткашлар оммасини сафарбар эта бориб, ленинча анъанага амал қилиб, ҳамиша унинг ўзи фидокорона, астойдил ишлаш ва ўртага қўйилган мақсадларга эришиш учун кураш намунасини кўрсатиб келди. Социализмни такомиллаштириш, уни иқтисодий, социал ва маънавий жиҳатдан тараққий эттиришни жадаллаштириш барча жараёнларининг миқёслари ва мураккаблиги бекиёс даражада ошиб кетган бугунги кунда партия ички партия турмушини қайта қуриш ҳамда партиявий раҳбарликнинг форма ва методларини янгилаш соҳасидаги ишни айнан ўзидан бошлади.

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленуми яна зўр куч билан шуни талаб қилди: партия комитетлари ва ташкилотлари қайта қуриш намунаси, унинг мотори ва ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб қолишлари керак. Улар ишлаб чиқариш, ижтимоий, ички партиявий турмушнинг барча соҳаларини кенг демократлаштиришда ўрнак кўрсатишлари, ошкораликни, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантиришлари, кадрларнинг фаолияти учун юқоридан ва қуйидан жуда қатъий контролни таъминлашлари, амалга оширилаётган ўзгартишларда коммунистлар билан барча меҳнаткашларнинг фаол иштирок этишини таъминлашлари, қайта қуришни омма назорати остига олишлари лозим.

Бу талаб республика партия ташкилотининг барча бўғинларига тааллуқлидир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси аввалги пленумда КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш соҳасида ўтказилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот берган эди. Ёдингизда бўлса, Марказий Комитет Бюроси, секретариати, бўлимлари ва умуман аппарати фаолиятининг услуб ва методларидаги бир қанча ижобий ўзгаришлар қайд этиб ўтилган, ҳали бизга хос бўлган расмиятчилик, мажлисбозлик, қоғозбозлик, баъзида куч ва эътиборни асосий энг муҳим масалаларга қарата билмаслик кескин танқид қилинган эди. Бизнинг шаънимизга айтилган барча танқидий мулоҳазалар ва таклифларни Бюро мажлисида эътибор билан муҳокама қилиб, зарур хулосаларни чиқариб олдик. Қайта қуришга доир амалий тадбирлар тўғрисида, барча партия комитетларининг фаолиятини партиянинг ҳозирги талабларига мувофиқ ҳолга келтириш зарурлиги ҳақида талабчанлик билан ўз-ўзини танқид руҳида гаплашиб олинди.

Анализ ҳозир асосий вазифани ҳал этиш: ҳамма жойда қайта қуришни жадаллаштириш ва авж олдиришга эришиш, унга ялпи ва муқаррар тус бериш биринчи навбатда боғлиқ бўлган энг муҳим бўғинларни аниқлаш имконини берди.

Бу аввало шаҳар ва район партия комитетларининг ишини тубдан яхшилашдан иборатдир. Бу партия комитетлари бошланғич партия ташкилотларига, меҳнат коллективларига, бинобарин, социал-иқтисодий тараққиётни жадал-

лаштириш учун курашнинг олдинги маррасига ҳаммадан кўра яқинроқ турадилар. Зотан, қайта қуриш муваффақияти, унинг чуқурлашуви кўп жиҳатдан ана шу партия комитетларига, уларнинг зўр ғайрат билан ҳаракат қилишларига боғлиқдир. Практика шуни кўрсатмоқдаки, шаҳар ва район комитетлари технократик ёндашувлардан, хўжалик органлари ишини бажаришдан воз кечиб, социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга ўзларига хос ташкилий, сиёсий методлар билан таъсир кўрсатаётган жойларда яхшилик сари муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда.

Бироқ хўжалик ва маданий қурилишдаги ишларнинг аҳволи, ҳозирги пленумга тайёргарлик давомида ўтказилган социологик тадқиқотлар, суҳбатлар, ҳисоботлар ва аттестациялар шундан яққол далолат бермоқдаки, айни шаҳар ва район бўғинларида иш услуби ҳамда методларида ўзгаришлар ҳаммадан кўра суст юз бермоқда, айни мана шу ерда қайта қуриш ҳаммадан кўра кўпроқ оқсамоқда, зарур йўлга солиб юборилмаяпти. Кўпгина шаҳар, район партия комитетларида ходимларнинг диққат-эътибори бутунлай жорий хўжалик ишлари ва юмушлари билан банд бўлиб қолган, сиёсий масалалар, одамлар билан, бошланғич партия ташкилотлари билан олиб бориладиган ишлар иккинчи ўринга суриб қўйилмоқда. Партия раҳбарлари, жумладан, партия комитетларининг биринчи секретарлари партия ички ҳаёти, идеология ишлари проблемаларини ҳал этишга ҳамон чинакамига киришганлари йўқ.

Партия комитетларининг, ҳатто мазкур лавозимларга кейинги вақтда сайланган кўпгина секретарлари юқори органлар маъқуллаши тўғрисида кўпроқ қайғуриб, ўзларини сайлаган коммунистларнинг ишончини оқлаш тўғрисида кам ўйламоқдалар. Булар республика партия ташкилоти ишидаги эски касаллик бўлиб қолмоқда. Баъзи шаҳар, район комитетининг биринчи секретари ўзини хўжайин деб, қолган барча кишилар унинг учун фақат ижрочилар деб ҳис этаётган нонормал аҳвол мана шундан келиб чиқмаяптимикин?

Фарғона область Ёзёвон район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Сафаров қайта қуришни аппаратни ўз фармойишларининг ижро этилишига оид ҳар хил маълумотларни тўплайдиган диспетчерлик маҳкамасига айлантириш зарурати деб тушунди. У ҳатто ваколатига кирмайдиган топшириқлар бажарилмаганлигини ҳам ўз обрўйига ҳамла деб билди. Хоразм область Боғот райкомининг инструкторлар состави (район комитетининг биринчи секретари ўртоқ Р. Қ. Қутлимуродов) анчагина вақтни кабинетларда, телефон ёнида ўтказиб, кўпдан-кўп кенгашларга материаллар тайёрлаш билан банд. Ходимлар бошланғич партия ташкилотларидаги ишларнинг аҳволини билмайдилар, улар ана шу ташкилотларда онда-сонда бўладилар.

Республика партия комитетлари иш практикасида ташкилий ва сиёсий ишлар ўрнини маъмуриятчилик-фармойиш бериш ишлари эгаллаши шунчалик томир ёйганки, секретарларнинг ўзлари ҳам қачон ва қандай қилиб экин экиш, суғориш, ҳосилни йиғиштириб олиш тўғрисида кўрсатма беришни ўзлари учун асосий иш деб ҳисобламоқдалар ва бошқаларни хўжалик масалаларининг ҳаммасини фақат партия органлари орқали ҳал этишга ўргатиб қўйганлар.

Иш кўпинча мантиққа зид ҳолларгача бориб етмоқда. 1986 йилнинг сентябрида республика Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Х. И. Исканов имзоси билан область партия комитетларининг секретарлари номига қуйидаги ҳужжат тарқатилган эди: «Озуқа цехларидан фойдаланиш ва уларни реконструкциялашга оид тавсияларни юборяпмиз... Мазкур тавсиялардан фойдаланиб, областдаги барча мавжуд озуқа цехларини ишга тушириш учун шошилинч тадбирларни амалга оширишни сўрайман. 4 қоғоз иловаси ҳам бор». Сўнгра барча агрегатлар ва узелларнинг батафсил изоҳи берилган технологик схемалар келтирилади.

Давлат агросаноат комитетидаги «тартиб-қоидалар» тўғрисида гапириб ўтирмаймиз. Бу борада ҳам юқорида гап боргани сингари хатлар учраши мумкин. Аммо энг ҳайратланарлиси шуки, мана шу мутлақо расмиятчилик қоғозини олган бирорта область, район партия комитети бундай ўтакетган расмиятчиликдан ғазабланмади, хўжалик органининг ўз ишларини партия комитетлари гарданига юклашга уринаётганлиги тўғрисидаги масалани Марказий Комитет олдига қўймади.

Ҳар бир партия комитети ўзининг сиёсий раҳбарлик органи сифатидаги ролини иложи борича яхшироқ ва тўлароқ бажариши учун энг аввало янги ғояларни юзага келтирувчи ҳақиқий маскан, бутун қайта қуришнинг чинакам ташкилотчиси бўлиши керак. Бунинг учун омма орасида олиб бориладиган амалий ишларга, қабул қилинадиган қарорларнинг амалда бажарилишини йўлга қўйишга, халқ ташаббусини қўллаб-қувватлашга, новаторлик изланишини рағбатлантиришга асосий эътиборни қаратиш зарур.

Марказий Комитет, область партия комитетлари энг муҳим партиявий бўғин бўлган район ва шаҳар комитетларига кўпроқ эътибор беришлари, уларнинг ўз иш услуб ва методларини такомиллаштиришларига кўмаклашишлари лозим. Шундай қилинганида, бошланғич партия ташкилотлари ҳам анча яхшироқ ишлайдиган бўладилар, меҳнат коллективларини ўз олдиларига қўйилган вазифаларни ҳал этиш йўлидан олиб борадилар, деб ишониш мумкин.

Бу эса жуда муҳимдир. Меҳнат коллективларига кўпроқ мустақиллик бериш, уларнинг ташаббусини ривожлантириш инсон омилини активлаштириш тўғрисида гап бораётган ҳозирги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг жанговарлигини ошириш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бошланғич партия ташкилотлари партиянинг ташкилий негизи, меҳнат коллективларининг сиёсий ўзагидир.

Партия ўзининг бошланғич ташкилотлари орқали социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштиришга, қайта қуришнинг бутун боришига, барча вазифаларни ҳал этишга доимий, ҳар томонлама таъсир кўрсата олади. Ҳозирги вақтда республикада жами салкам 22 мингта бошланғич партия ташкилоти бор. Агар уларнинг ҳар бири актив, собитқадам иш олиб борса, биз ишлаб чиқариш ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида янада кўпроқ муваффақиятга эриша оламиз.

Республика бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятида кейинги вақтларда сезиларли ўзгаришлар рўй бераётганлиги шубҳасиздир. Партия аъзоларининг бир-бирларига нисбатан ўртоқларча талабчанлиги ва масъулияти тобора кўпроқ намоён бўлмоқда, йиғилишларда коммунистлар, шу жумладан, раҳбарларнинг ҳисоботи тез-тез тингланмоқда. Қуйидаги маълумотлар бу нарса барча кадрларнинг иши ва хулқ-атвори устидан партия контролининг таъсирчан воситаси эканлигидан далолат беради. Ўтган йилнинг ўзидагина партия йиғилишларида раҳбарларнинг 22 мингта ҳисоботи тингланди. Ана шу ҳисоботлар давомида 158 киши партиядан ўчирилди ва икки мингдан кўпроқ киши партиявий жазо олди.

Ўзгаришлар бор, албатта. Бироқ, шу билан бирга биз умумий рақамлар замирида кўпинча расмиятчилик, хўжакўрсинчилик ишлари яширинганлигини кўра билишимиз зарур. Ана шу ҳисоботлар баъзан умумий ахборотга айланиб кетиб, мақтов ва хушомадгўйлик тусини олиб, танқиддан сабоқ чиқарилмайди.

Бундай шароитда кўпгина бошланғич партия ташкилотлари принципиал позицияда тура олмайдилар, ношуд хўжалик раҳбарлари йўлидан борадилар. Айрим «жонкуяр» маъмуриятчиларнинг партия ташкилотларига буйруқ беришга уринишлари учраб турибди. Яқинда ўз буйруқларида партия бюроси фаолиятига баҳо беришгача бориб етган Тошкент музхона комбинатининг собиқ директори А. А. Илҳомов алоҳида «ўрнак кўрсатди». Аммо Ҳамза район партия комитети ҳам, унинг биринчи секретари ўртоқ Ф. Н. Нажмитдинов ҳам буни ҳеч қандай фавқулодда аҳвол деб билмаганлиги кишини янада ташвишга солади. Партия интизоми ва этикаси билан ҳисоблашишни истамаган, ҳаддидан ошган амалдорнинг эс-ҳушини жойига келтириб қўйиш учун Марказий Комитетнинг аралашувига тўғри келди.

Қолоқ корхоналар, ташкилотлар, хўжаликлардаги ишларнинг аҳволини таҳлил этар эканмиз, бошланғич партия ташкилотлари бу борада ҳали қайта қуришга бошчилик қилмаётганлигини, принципиал позицияларда турмай, салбий ҳолатларга қарши кескин кураш олиб бормаётганлигини, ўзларига бериб қўйилган маъмурият фаолиятини контрол қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаётганлигини қайта-қайта айтиб ўтишга тўғри келмоқда.

Бошланғич ташкилотларга ким бошчилик қилаётганлигига кўп нарса боғлиқдир. Демократия ва меҳнат коллективларининг мустақиллиги ривожлантирилаётган шароитда партия етакчисининг роли беқиёс даражада ўсади.

Ҳақиқатни айтишдан чўчимайдиган, коммунистлар нуқтаи назарини қаттиқ туриб ҳимоя қилиш учун зарур ҳолларда маъмурият билан муносабатни бузадиган, мустаҳкам позицияни эгаллашга қодир бўлган принципиал, ташаббускор, дадил кишилар партия ташкилотларига бошчилик қилишлари керак.

Район ва шаҳар комитетларининг позицияси, уларнинг бошланғич ташкилотлар билан алоқаси, барча ишларда уларга таяна билиш, уларнинг ташаббуси ва мустақиллигини ривожлантириш ва етилган вазифаларни ҳал этишга йўналтириш маҳорати катта аҳамиятга эгадир. Бунинг учун партия комитетлари ҳар бир бошланғич ташкилотнинг куч ва имкониятларини яхши билишлари керак.

Кўпгина партия комитетларига айни мана шу хусусият етишмайди. Бир қанча район ва шаҳар партия комитетларида партия ташкилотларининг секретарлари билан олиб бориладиган иш расмиятчиликка асосланиб, асосан вақти-вақти билан семинарлар ўтказиш ва йўл-йўриқлар бериш билан чекланмоқда, уларга жойларда амалий, конкрет ёрдам мунтазам берилмаяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси айни шаҳар, район партия комитетларининг биринчи секретарлари хўжалик раҳбарлари ва бошланғич партия ташкилотлари секретарлари кадрларини танлаш, улар ўртасида амалий, принципиал муносабатларни қарор топтириш учун шахсан жавобгар бўлишларини яна бир бор таъкидлаш зарур, деб ҳисоблайди. Бу масалалардаги нуқсонлар ва хатолар қимматга тушмоқда, қайта қуришга тўсқинлик қилмоқда.

Партия комитетлари партия ва халқ манфаатлари ҳисобига саховатли бўлишга интилаётган пайтда бу қимматга тушмоқда, Сирдарё область Ильич район партия комитетининг биринчи секретари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат ўрток Р. Ҳатамов ишни барбод этган раҳбарларга ҳомийлик қилиб, уларни бир лавозимдан иккинчи лавозимга ўтказди. Область партия комитети уни эгаллаб турган вазифасидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилди ва биз буни мутлақо тўғри деб ҳисоблаймиз.

Ўртоқлар! Маълумки, Марказий Комитет январь Пленумининг ишида демократияни, социалистик ўз-ўзини бошқарувни янада ҳар томонлама ривожлантириш масалаларига катта, айтиш мумкинки, асосий ўрин берилди. Амалга оширилаётган қайта қуришнинг энг муҳим томони, ажралмас таркибий қисми ва айни вақтда бошланган ўзгаришлар жараёни ниҳоясига етказилишининг, илгари йўл қўйилган хатолар такрорланмаслигининг зарур омили, унинг муваффақиятга эришишининг ҳал қилувчи шарти, мустаҳкам гаровларидан бири мана шундан иборат.

Республика партия ташкилотида кадрлар билан олиб бориладиган ишда демократик асосларни жорий этиш соҳасида дастлабки қадамлар қўйилди. Партия йиғилишларида одамларни янги лавозимларга кўтаришга оид барча режаларни ошкора муҳокама қилиш одат тусини олди, партия ташкилотларида ва меҳнат коллективларида раҳбарларни сайлаш практикага кириб бормоқда.

Кейинги вақтда коллективларда бўлиб ўтган йиғилишларда 9 мингдан ортиқ турли даражадаги раҳбар, шу жумладан, саноат корхоналарининг 70 нафар директори, совхозларнинг 18 нафар директори ва колхозларнинг 49 нафар раиси, 8 минг нафар бригадир номзоди муҳокама қилинди ва сайланди.

Партия комитетлари танқидни, раҳбарларни сайлаб қўйиш практикасини ривожлантира бориб, бу жараёнга бошчилик қилишлари, коллективлардаги вазиятни яхши билишлари керак. Расмиятчиликка, демократияни ортиқча рўкач қилишга йўл қўймаслик муҳимдир.

Биз кадрлар билан ишлашнинг демократик формаларини бундан буён ҳам ривожлантиравераМиз, бироқ бунда баъзи жойларда қариндош-уруғчилик, юртдошлик алоқалари ҳали кучли эканлигини, албатта ҳисобга олиш лозим. Мана шундай қолоқ кайфиятлар изидан бормаслик, сохта демократия ниқоби остида раҳбарлик лавозимларига «ўз» одамлари қўйилишига имкон бермаслик муҳимдир.

Раҳбарлик лавозимларига партиясизларни кўтаришга янгича ёндашиш керак. Яқин вақтгача партияга қабул қилиш кўп ҳолларда ходимни хизмат лавозимига кўтариш билан бевосита боғлиқ бўлганлиги, бу эса қариндош-уруғчилик, юртдошлик алоқалари ва ғаразли мақсадларда партия сафларига баъзи кишиларнинг суқулиб киришига сабаб бўлганлиги сир эмас. Айни шунинг учун ҳам Фарғона область Тошлоқ район партия комитетида (собиқ биринчи секретари

ўрток А. Хўжаев), Тошкент шаҳридаги Куйбишев район партия комитетида (биринчи секретари ўрток Н. И. Емельянов) ошкора ошна-оғайнигарчиликка йўл қўйилди, Самарқанд область Большевик район партия комитетида эса (райкомнинг биринчи секретари ўрток М. Абдураимов) КПСС сафига кирувчи шахсларнинг социал аҳволи тўғрисидаги маълумотлар сохталаштирилди.

Айрим кишилар партия билетини раҳбарлик лавозимига мандат деб билмоқдалар. Реал воқеани назар-писанд қилмаслик ўз вақтида кадрлар потенциалимизни жиддий даражада чеклашга олиб келди. Бизда коллективга муваффақиятли бошчилик қила оладиган партиясиз ажойиб кишилар, яхши мутахассислар анчагина. Коммунистлар орасидан, шунингдек, партиясизлар орасидан одамларни юқори лавозимларга кўтариш учун ошкора танлаб олиш кенг меҳнаткашлар оммасини бошқарув ишларига жалб этишга кўмаклашади.

Хотин-қиз кадрлар билан олиб бориладиган ишни янада яхшилаш талаб этилади. Ҳозирча биз бу мавзуда кўп гапиряпмиз, аммо ижобий ўзгаришлар рўй бермаяпти. Область, шаҳар, район партия комитетлари аппаратларида, шаҳар комитетларининг секретарлари, совхозларнинг директорлари орасида хотин-қизлар камайиб кетди. Наманган ва Бухоро областларида партия комитетларининг биринчи ва иккинчи секретарлари орасида хотин-қизлар йўқ.

Марказий Комитет номенклатурасида 23 миллат вакили бор.

Лекин кадрлар билан олиб бориладиган ишда маҳаллийчилик кўринишларига, миллий маҳдудлик тенденцияларига ҳали барҳам берилмаган. Буни сир тутиш керак эмас. Шаҳар, район партия комитетларининг биринчи, иккинчи секретарлари орасида ҳатто қўшни қардош республикаларнинг вакиллари кўпми? Деярли саноқли деса бўлади.

Шунинг учун ҳам кадрлар масалаларини ҳал этишда демократлаштириш ва бутун кадрлар сиёсатини чуқур интернационаллаштириш — ишнинг бош йўналишлари мана шундайдир.

Танқид ва ўз-ўзини танқид, унинг характери ва кадрларимиз танқидни қандай қабул қилиши тўғрисидаги масалани ўткир қилиб қўйиш керак. Ташқаридан қараганда танқид ва ошкоралик соҳасида камчиликларимиз йўқ. Айни вақтда танқид жанговар, масъулиятли ва амалий тус олди деб айтишга ҳали эрта.

Танқид учун одамларни таъқиб этиш фактларига барҳам берилмаган. Зарафшон шаҳрида хунук воқеа юз берди. Шаҳар партия комитети ишчиларнинг матбуотдаги танқидий мақолаларига жавобан чалакам-чатти чоралар кўриш билан чекланишга уринди, хўжалик раҳбарларининг меҳнаткашлар фикрини назар-писанд қилмаслик у ёқда турсин, айни вақтда уларни қувғин қилишга уринишларига ўз вақтида чек қўймади. Область партия комитети ва аввало, обкомнинг биринчи секретари ўрток А. С. Ефимов барча ишларни тезлик билан таҳлил эта олмади, воқеаларга ўз вақтида тўғри, сиёсий баҳо бера билмади. Марказий Комитетнинг аралашувига тўғри келди.

Шу муносабат билан Марказий Комитет Бюроси яна бир бор қуйидагиларни таъкидлайди: барча кадрларимиз, барча партия, совет, давлат ва хўжалик органлари демократия,ошкоралик, танқид кенгайтирилаётган шароитда ишлашни ўрганишлари, одамларнинг фикрини доимо ҳисобга олишлари керак.

Айни вақтда қайта қуришнинг айрим ниқобланган мухолифлари партияда қарор топган қаттиқ талабчанлик ва принципиаллик муҳитидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланиш, баъзида эса ҳақиқатан ҳам камчиликларга тоқат қилишни истамаётган, уларга қарши актив курашаётган кишилардан ўч олиш учун фойдаланишга уринаётганликларини таъкидлаб ўтиш зарур. Бундай ҳолларда партия эълон қилган шиорлар бузиб кўрсатилмоқда, партия ички турмуши нормалари ва ўртоқларча этика нормалари қўпол равишда бузилмоқда.

Ўтган йилнинг ёзида Ангрен шаҳар партия комитетида рўй берган воқеа ҳаммага маълум. Шаҳар комитетининг секретари асоссиз равишда қувғин қилинганлигига барҳам бериш ва мазкур партия органидаги носоғлом вазиятнинг ҳақиқий айбдорларини аниқлаш учун Марказий Комитет Бюросида масалани кўриб чиқиш талаб этилди. Республика «Билим» жамияти правлениеси партия ташкилотида ҳам шундай чалкашликка ва ғайриқонуний усулларга йўл қўйилди. Бу ерда ҳам Марказий Комитет қарор қабул қилишига тўғри келди.

Назаримда бундай ҳийла-найранглар ва турли ғаламисликларга йўл қўйилмаслигини ҳамма тушуниши керак. Аммо қайта қуриш ва тартиб-интизом мухолифлари ҳамон тинч туришмаяпти. Мана бир мисол. Андижон область судида КПСС Марказий Комитети Ўзбекистонга ишга юборган область суди раисининг ўринбосари ўрток В. Н. Подминогиндан ўч олишга уриниб кўрилди. У суд ишидаги жиддий камчиликларга қатъиян қарши чиққанлиги учун ошкора уйдирма баҳона билан ундан қутулишга қарор бердилар. Партия йиғилишида принципиал коммунистга у гўё ўзининг танқидий нутқлари билан коллективни қуралаётганлиги ҳамда хеч қандай янгилик талаб қилинмаслиги ва ортиқча ташаббускор ходимни «кўпчилик» иродасига бўйсундириш воситалари топилиши айтилди. Партия йиғилишида, бизнинг назаримизда, холис иш қилинмади, ўрток В. Н. Подминогинга учет карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берилди. Андижон область партия комитети область судидаги кўриниб турган носоғлом вазиятни аниқлаб, мана шундай ўч олиш ташкилотчиларига муносиб баҳо беради, деб умид қиламиз.

Марказий Комитет Бюроси хеч кимнинг партияга содиқ кишиларга нисбатан салбий ҳолатларга қарши кураш қуролидан фойдаланишига йўл қўймайди, мана шундай ҳар бир уриниш жуда қаттиқ жазоланиши керак деб огоҳлантиришни зарур деб ҳисоблайди.

Ўртоқлар! Биз мазкур пленумга тайёргарлик кўрар эканмиз, активлар, ветеранлар билан учрашиб, КПСС Марказий Комитети январь Пленумининг чинакам новаторона қарорларини бажаришни қандай қилиб яхшироқ ташкил этиш тўғрисида коммунистлар билан кенг кўламда маслаҳатлашиб олдик. Бизга бошланган йўлдан четга чиқмаслик, қайта қуриш мухолифларининг ҳар қандай қаршилигини енгиб ўтиш, жамиятимизни янгилаш учун курашда кучларни аямаслик керак деган биргина наказ берилган. Коммунистлар, меҳнаткашларнинг кенг қатламлари бизни, албатта қўллаб-қувватлайдилар.

Айни вақтда қайта қуриш учун кураш дадиллик, жасорат, ташаббускорлик, сиёсий сергаклик, куч-ғайрат, жўшқинлик ва фидокорликни талаб қилишини ҳаммамиз аниқ-равшан тушуниб етишимиз керак. Қайта қуришдан «чарчаган», курашни истамайдиган ёки унга тайёр бўлмаган кишилар четга чиқиши лозим.

Кенг демократия асосидаги қайта қуриш жараёнлари сиёсий системанинг ва энг аввало, халқ депутатлари Советларининг барча бўғинларини, касаба союзларни, комсомолни қамраб олиши зарур. Улар меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришга жалб этишнинг асосий воситалари бўлиб қолиши керак.

Кейинги вақтларда совет органларининг ишида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда, уларни кадрлар билан мустаҳкамлаш учун кўп иш қилинди. Яқинда КПСС Марказий Комитети совет аппарати ходимларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу ишни амалга оширишга ғоят жиддий ёндашиш лозим, токи бу тадбир илғор, энг онгли ва ташаббускор ишчиларни, колхозчиларни, зиёлилар вакилларини совет ишига кенг жалб этишга олиб келсин.

Совет сайлов системасини такомиллаштириш турмушимизни демократлаштиришнинг принципиал йўналишидир. Шу йилнинг ўзидаёқ бир қанча районларда эксперимент тариқасида кўп мандатли система асосида маҳаллий Советларга сайловлар ўтказилади. Бундай шароитда партия комитетлари депутатликка номзодлар кўрсатиш чоғида кўпроқ ошкоралик ва демократизмни таъминлашлари, тадбирларни қалаштириб ташлашга, аммо иш ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилишига йўл қўймасликлари керак.

Республика партия комитетлари кўп йиллар давомида касаба союз органларини эътибордан четда қолдирдилар, улардан кадрлар тайёрлаш мактаби сифатида фойдаланмадилар, уларни кекса ва турмушдан орқада қолган номенклатура ходимларининг осойишта маскани, деб билдилар. Кейинги вақтда бундай практикани тугатиш учун кескин чоралар кўрилди. Бироқ ўтмишда йўл қўйилган хатолар ҳамон ўз таъсирини билдириб турибди.

Комсомол органлари расмиятчиликка ва тўрачиликка барҳам бермоқдалар. Ошна-оғайнигарчилик, қариндош-уруғчилик алоқалари айниқса комсомол ходимлари кадрларига салбий таъсир кўрсатди. Партия комитетлари комсомол

ташкилотларини доимо қўллаб-кувватлашлари ва уларга ёрдам беришлари, ёшларни тарбиялашда уларнинг ролини кучайтиришга эришишлари зарур.

Бугунги кунда партия комитетлари ва ташкилотларидан ёшларга кўпроқ ишониш, уларга кўпроқ мустақил соҳаларни топшириш, уларнинг ишларига кўпроқ партиявий ғамхўрлик кўрсатиш талаб этилмоқда. Бизнинг ўз ўринбосарларимизга нисбатан ишончимиз ёшларни корхоналар, хўжаликлар, цехлар ва участкаларга раҳбарлик лавозимларига янада кенг кўламда ва дадил кўтаришда ўз ифодасини топиши керак.

Яқинда вужудга келган хотин-қизлар, ветеранлар янги жамоат ташкилотларини кенг демократик асосларда ташкил этиш зарур. Бу ташкилотлар жамият ишларини бошқаришда муносиб ўринни эгаллашлари лозим.

Шу тариқа турмуш партия ташкилотларидан барча кадрларни ишга сиёсий, давлат нуктаи назаридан ёндашиш, янги шароитда ишлай олиш, одамларни ишонтириш ва ўз йўлидан бошлаб бориш руҳида тарбиялашни қатъиян тақозо этмоқда.

Ўртоқлар! Биз ярим йилдан кейин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини тантанали нишонлаймиз. КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасида бу мамлакатимиз меҳнаткашларининг, қардош социалистик давлатларнинг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг катта байрами эканлиги таъкидланади. Айни вақтда бу шундай марраки, унинг чўққисидан туриб босиб ўтилган йўл якунлари ва сабоқларини, жамият ривожланишининг ҳозирги фавкулодда муҳим босқичида унинг олдида турган янги вазифаларни англаб олишимиз керак.

КПСС Марказий Комитетининг қарорида Октябрь юбилейига тайёргарликдан, аввало, коммунистлар ва партиясизларнинг, барча меҳнаткашларнинг меҳнат, сиёсий ва маънавий активлигини янада оширишнинг муҳим омили сифатида фойдаланиш вазифаси қўйилди.

Бизнинг КПСС Марказий Комитети Мурожаатномасига жавобимиз камчиликларни бартараф этиш, куч-ғайратларни ўн иккинчи беш йиллик топшириқларини амалий жиҳатдан рўёбга чиқаришга қаратиш, ягона халқ хўжалик комплексига республика қўшадиган ҳиссани кўпайтириш соҳасидаги зарбдор ишларда намоён бўлиши керак. Бунинг учун ҳамма жойда ва ҳамма соҳаларда янада кўпроқ ишчанлик, талабчанлик, уюшқоқлик, тартиб-интизом бўлиши керак.

Ўзбекистон коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми ўртага қўйган вазифаларни ҳал этишга ўзларининг бутун куч, билим ва ғайратини сарфлайдилар, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча йўналишларида фаол, дадил, ижодкорлик билан ва фидокорона меҳнат қиладилар, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ V ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ 1987 ЙИЛ ЯНВАРЬ ПЛЕНУМИНИНГ ЯКУНЛАРИ ВА РЕСПУБЛНКА ПАРТНЯ ТАШКНЛОТИНННГ ҚАЙТА ҚУРНШНН ЖАДАЛЛАШТИРНШ ҲАМДА КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНН ТАКОМНЛЛАШТНРНШ СОҲАСНДАГН ВАЗНФАЛАРИ

Ўзбекистон коммунистлари ва меҳнаткашлари ҚПСС Марказий Қомитети 1987 йил январь Пленумини мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа сифатида кутиб олдилар, Пленум партия ташкилотларини қайта қуриш ҳамда кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш программаси билан қуроллантирди.

ҚПСС Марказий Қомитети Пленуми талаблари позициясидан қараганда бизнинг проблемаларимиз ва уларни келтириб чиқарган сабаблар яққолроқ кўринмоқда. Бир неча йиллар давомида республика экономикасида, социал соҳасида турғунлик ва ўпирилишларга, партия турмуши ленинча нормалари ва принципларининг қўпол бузилишига, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва маънавий тарбияда оғишларга, социал адолат принциплари бузилишига йўл қўйиб келинди. Ишлаб чиқариш ва техника потенциалининг ўсиши унинг самараси тегишли даражаси билан, зарур социал ўзгартишлар билан бир хилда бўлмади. Туб аҳоли ҳисобидан саноатда ишчилар синфининг шаклланиш жараёни секинлашди. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан таъминланишини ошириш муаммолари эътибордан четда қолди.

Раҳбарлик методларида консерватизм, тайёрга айёрлик ва маҳаллийчилик ёндашувлари устун бўлди. Интизом, кадрларга нисбатан талабчанлик бўшашиб кетди, қариндош-уруғчилик ва юртдошлик, бир-бирини қўллаб-қувватлаш авж олди. Алдаш, қўшиб ёзиш, социалистик мулкни талон-торож қилиш ва порахўрлик муҳити вужудга келди. Ўзбекистон салбий жараёнлар энг хунук формада намоён бўлган регионлар қаторига тушиб қолди.

ҚПСС Марказий Қомитетининг ёрдами, Ўзбекистон Қомпартияси Марказий Қомитети XVI пленумидан кейин камчиликларни бартараф этиш юзасидан кўрилган чоралар республикада вазиятни соғломлаштиришга ёрдам берди. Иқтисодий ва социал ҳаётда, ташкилотчилик ва сиёсий ишларда баъзи ижобий ўзгаришлар кўзга ташланди. Бироқ қилинган ишларни ҚПСС Марказий Қомитети январь Пленуми позицияларидан туриб талабчанлик билан объектив таҳлил этиш яхшиланиш сари ўзгариш жуда секин бораётганлигини, қайта қуриш иши янада қийин ва мураккаб эканлигини кўрсатмоқда. Қадрларнинг эскича фикрлаши, янгича ишлай олмаслиги, зиммасига катта масъулиятни олишни истамаслиги оқибатида хўжалик ва маданий қурилишнинг кўп соҳаларида жиддий натижаларга эриша олмадик.

Республика партия ташкилоти ҚПСС Марказий Қомитети январь Пленуми қарорларини оғишмай ижро этиш учун қабул қилар экан, қайта қуриш, унинг барча йўналишлари бўйича ишларни активлаштириши, реализм позицияларида қаттиқ туриши лозим. Қадрлар билан ишлаш такомиллаштирилиб, бу ишлар қайта қуриш ва жадаллаштириш вазифаларига мослаштирилиши керак.

I

Пленум вужудга келган потенциалдан тўла-тўкис фойдаланиш ва ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлашни республика экономикасини қайта қуришнинг асосий мақсади, деб ҳисоблайди. Бу раҳбарлар ва мутахассислардан янгича ёндашувни, халқ хўжалигидаги барча кадрлар малакасини оширишни, меҳнат ресурсларини ижтимоий ишлаб чиқаришга тўла жалб этишни, фаннинг, бошқарув иқтисодий методларининг ролини кучайтиришни талаб қилади.

Ҳозирги вақтда ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва техника билан қайта қуроллантириш масалаларида хўжалик юритишнинг экстенсив методларига аввалгидек зўр бериш сезиларли намоён бўлмоқда. Съезднинг машинасозликни жадал ривожлантириш тўғрисидаги талаби бажарилмаяпти. Қувватлардан, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш учун корхоналарни икки ва уч сменали иш режимига ўтказиш каби катта резерв кам ишга солинмоқда. Бир қанча корхоналарда давлат қабули жорий этилишига етарли тайёргарлик кўрилмаганлиги ишда узилишларга ва маромнинг бузилишига олиб келди, хўжалик юритишнинг янгича шароитида самарали ишлашга қодир эмасликни кўрсатди. Маҳсулот сифатини яхшилашда кўзга кўринарли силжиш бўлмаяпти. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга ялпи маҳсулот нуқтаи назаридан ёндашиш бу товарлар хилининг камайишига, истеъмол хусусиятларининг пасайишига олиб келди, корхоналарни аҳоли учун зарур буюмларни ишлаб чиқаришга йўналтирмаяпти.

Агросаноат комплексига раҳбарликда тубдан қайта қуриш бўлмаяпти, қоғозбозлик, маъмуриятчилик, тазйиқ ўтказиш услуби устунлик қилмоқда. Директив органлар ходимларининг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бошқаришга ишнинг кўзини билмай аралашишлари мутахассислар ролининг камситилишига олиб келмоқда. Хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари эътибордан четда қоляпти, коллектив ва оила пудрати, хўжалик ҳисоби, харажатларни ҳисобга олишнинг чек системаси журъатсизлик билан ва билиб-билмай жорий этилмоқда. Агротехника, ишларни механизациялаш даражаси пастлигича қолмоқда. Мелиорация масалаларида қайси ишларни устун қўйиш кераклиги қайта кўриб чиқилмаган. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини оширишга тўсқинлик қилмоқда. Республикада қишлоқ хўжалигида банд бўлган ҳар бир одам ҳисобига мамлакатдаги ўртача даражадан икки баравар кам маҳсулот етиштирилмоқда. Озиқ-овқат программаси топшириқлари бажарилмай қолмоқда.

Капитал қурилишни бошқаришдаги эскича ёндашувлар бу тармоқдаги оғир аҳволнинг асосий сабабларидан биридир. Инвестиция жараёни қатнашчиларининг интизоми қониқарсизлигича қолмоқда ва бу сарфланган капитал маблағлар самарадорлигининг пасайишига, уй-жой ва маданий-маиший объектлар ўз вақтида ишга туширилмаслигига олиб келмоқда.

Корхоналар ва хўжаликларни тўла хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтказишга тайёргарлик катта қийинчиликлар билан бормоқда. Ишлаб чиқариш нормал фаолиятининг асосий омили бўлган шартномага мувофиқ маҳсулот етказиб бериш барбод этилмоқда. Планлаштириш, молия органлари планлаштириш ва хўжалик юритишнинг янги методларига тегишлича таъсир ўтказмаяпти. Маъмурий-бошқарув аппаратининг ҳаддан ташқари катталиги қайта қуришга тўсқинлик қилмоқда. Республика Фанлар академияси, илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш ташкилотлари ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар. Илмий тадқиқотларнинг натижадорлиги кам самаралилигича қолмоқда. Тармоқлараро фан-техника марказлари барпо этиш пайсалга солинмоқда, уларнинг амалий самараси жуда кам.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми Марказий Комитет Бюросига, республика ҳукуматига, жойлардаги партия ва совет органларига экономикада юз берган аҳволнинг сабабларини батафсил таҳлил қилиб, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш масалаларига программавий мақсадларни кўзлаб ёндашувни ишлаб чиқишни ва шу асосда

аҳолининг ижтимоий ишлаб чиқаришда тўла банд бўлишига эришишни, вужудга келтирилган ишлаб чиқариш ва фан-техника потенциалидан фойдаланишни яхшилашни, мавжуд катта социал проблемаларни ҳал қилишни жадаллаштиришни топшириш зарур, деб ҳисоблайди. Ўн иккинчи беш йилликка планлаштирилган асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткичларни ўстириш суръатларини кўпайтириш юзасидан амалий чоралар кўрилсин, шу йўл билан 1986 йилда бу кўрсаткичларни бажаришда йўл қўйилган қолоқлик 1987—1988 йиллар давомида бартараф этилсин.

Пленум республика халқ хўжалигининг моддий-техника базасини, фан-техника тараққиётининг ҳозирги ютуқларини, структура ва инвестиция сиёсатининг ўзгарганлигини ҳисобга олиб, барча тармоқларни чуқур реконструкциялаш асосида тубдан ўзгартириш талаб қилинади, деб ҳисоблайди. Бу ишда қишлоқ хўжалик машинасозлигини, электротехника ва химия саноатини, шунингдек металлургия, кўмир, газ саноатини, нефть қазиб чиқаришни, қайта ишлаш тармоқларини модернизациялаш ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

Бошқарувни ва умуман хўжалик механизмини такомиллаштириш юзасидан катта чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Бу ишда экономикани хўжалик юритиш янги шароитлари ва методларига ўтказиш, министрликлар, идоралар структурасини такомиллаштириш, тармоқлараро йирик фан-техника марказлари барпо этиш, академия, олий ўқув юрти ва тармоқ фанини аниқ мувофиқлаштириш вазифаларини ҳал этишга муҳим ўрин ажратилади. Илмий-тадқиқот ташкилотларининг фаолияти илмий ечимлар жорий этиш натижаларига, уларнинг ишлари самарадорлигига бевосита боғлиқ қилиб қўйилсин. Умумиқтисодий идоралар, уларнинг жойлардаги органлари вазифаларини анча ўзгартириш талаб қилинади. Партиянинг марказни тармоқлар, бирлашмалар ва корхоналарнинг майда-чуйда ишларига васийлик қилишдан озод этиш билан бир пайтда экономика қуйи бўғинларининг мустақиллигини кенг ривожлантириш йўлини амалда рўёбга чиқариш учун иқтисодий идоралар, уларнинг жойлардаги органлари ишини қайта қуришни жадаллаштириш ва уларнинг вазифаларини аниқ белгилаб бериш лозим. Халқ хўжалигини планлаштиришга ёндашиш тубдан яхшиланишига, планларни ишлаб чиқиш чоғида субъектив ёндашув тугатилишига, бу планларнинг илмий жиҳатдан асосланган, барқарор ва мутаносиб бўлишини таъминлашга эришилсин.

Саноатда вужудга келтирилган ишлаб чиқариш потенциалининг самарадорлиги оширилсин, илғор ускуналардан кечаю-кундуз фойдаланишга эришилсин. Халқ хўжалигининг барча тармоқларида икки ва кўп сменали иш режимига ўтиш жадаллаштирилсин. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш юзасидан конкрет тадбирлар амалга оширилиб, ҳамма жойда давлат қабули системасини жорий этишга тайёргарлик ишлари олиб борилсин, барча бўғинлардаги кадрларни ўқитишга алоҳида эътибор берилсин.

Агросаноат комплексида Озиқ-овқат программаси топшириқларини бажаришни, интенсив технологияларни, хўжалик юритишнинг иқтисодий методларини жорий этиш, ер-сув ресурслари, техникадан самарали фойдаланиш асосида барча тармоқларни жадал ривожлантириш қайта қуришнинг бош вазифаси, деб ҳисоблансин. Бригада, оилавий пудрат, тўла хўжалик ҳисоби қатъият билан амалга оширилсин. Шу асосда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини ва жамоат чорвачилигининг маҳсулдорлигини кескин оширишга эришилсин. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш анча яхшилансин, яқин йиллар давомида республикани гўшт ва сут маҳсулотлари билан иложи борича кўпроқ ўз-ўзини таъминлаш сари борилсин. Корхоналар ва ташкилотларнинг ёрдамчи хўжаликлари, шунингдек гражданларнинг шахсий хўжаликлари фаол ривожлантирилсин.

Марказий Комитет пленуми пахтачиликнинг агросаноат комплексидаги ҳамда республика экономикасидаги ўрни ва ролини, шунингдек мамлакат халқ хўжалиги учун унинг аҳамиятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ССР Министрлар Советига пахта етиштириш, йиғиштириб олиш ва қайта ишлашга оид ишларнинг аҳволини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этиш вазифасини юклайди. Деҳқончиликнинг умумий структурасида ғўзани оқилона экишни таъминлайдиган аниқ чора-тадбирлар белгилансин ва амалга оширилсин. Енгил саноатда ғоят харидоргир тола чиқадиган серҳосил навларни кенг кўламда маданийлаштиришга оид ишлар изчил

ва қатъият билан олиб борилсин. Ғоят қисқа муддат ичида пахтани машинада териб олиш саноат ишчилари, студентлар ва мактаб ўқувчиларини теримга жалб этишни истисно қиладиган даражага етказилсин, 1987 йилда ҳосилнинг 60 проценти машиналар билан йиғиштириб олинсин.

Ғўзани дефолиация қилиш учун бутифосдан фойдаланиш тўхтатиб қўйилганлиги муносабати билан дефолиация муаммоси тубдан ҳал этишни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига олимлар ва мутахассислар куч-ғайратини ўсимликларга таъсири юқори самарали бўлган ва айни вақтда атроф муҳитга зарарсиз дефолиантларни ишлаб чиқиш, синовдан ўтказиш ва ишлаб чиқаришга топширишга жамлаш вазифаси юклатилсин.

Партия ва ҳукуматнинг капитал қурилишни такомиллаштириш масалаларига оид қарорлари қатъият билан рўёбга чиқарилсин. Қурилиш комплексини индустриал ва ташкилий жиҳатдан янги даражага кўтаришга, инвестиция циклини анча қисқартиришга эришилсин. Ишлаб чиқариш базасини модернизациялаш изчил амалга оширилсин, мавжуд қувватлар тўла-тўкис ишга туширилсин, бинокорлик буюмларини ва конструкциялар, маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришда илғор технологиялардан фойдаланиш кенгайтирилсин. Беш йилликнинг охиригача саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик ташкилотларида ишларни хўжалик ҳисобида юритиш учун ремонт-қурилиш бўлинмалари ташкил этилсин. Тармоқнинг барча корхоналари коллектив пудрат усулига ўтказилсин. Қурувчиларнинг ишлаб чиқариш-маиший шароитини яхшилашга, кадрлар тайёрлашга ва малакасини мунтазам ошириб боришга алоҳида эътибор берилсин.

II

Пленум аҳолининг маънавий ва моддий эҳтиёжларини энг кўп даражада тўла-тўкис қондириш, инсон омили ролига, жамият турмушининг барча масалаларини ҳал этишда меҳнаткашларнинг актив иштирокига энг кўп даражада эътибор бериш социал-сиёсатда қайта қуришнинг энг муҳим йўналиши эканлигини таъкидлайди. Бундай ёндашув республикада аҳолини уй-жой, социал-маданий-маиший объектлар билан таъминлаш муаммоси ҳамон ўткир бўлиб қолаётганлиги учун ҳам зарурдир. Маиший хизмат, соғлиқни сақлаш соҳасида, транспорт ва алоқа корхоналарининг ишида анчагина камчиликлар мавжуд.

Пленум Марказий Комитет бюроси, республика Министрлар Совети, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, республика комсомоли Марказий Комитети, жойлардаги партия, совет, хўжалик органлари ва жамоат ташкилотлари социал соҳани ривожлантиришдаги доимий қолоқликни бартараф этиш юзасидан ғоят шошилинч чоралар кўришлари зарур, деб ҳисоблайди. Уй-жой муаммосини ҳал этиш учун планлар ҳар йили бажарилиши таъминлансин, кооператив ва якка тартибда уй-жойлар қуриш энг кўп даражада ривожлантирилсин, ҳамма жойда қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ва уларни аҳолига сотиш йўлга қўйилсин. Партия, совет органлари ва агросаноат комплексининг бошқарув органлари раҳбарлари совхозларнинг директорлари ва колхоз раислари зиммасига уй-жой муаммоси ҳал этилиши ва қишлоқни социал қайта қуриш учун жавобгарлик юклатилсин. Меҳнат коллективларида ҳар бир меҳнаткашни уй-жой билан таъминлашнинг тармоқ комплекс программаси ишлаб чиқилсин. Район, шаҳар ва областлар миқёсида шундай программаларни ишлаб чиқиш чоғида соғлиқни сақлаш объектларини, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларини, маданият ва спорт, савдо ва умумий овқатланиш объектларини мутаносиб ривожлантириш кўзда тутилсин. Ҳамма жойда аҳолига хизмат кўрсатувчи кооперативлар ташкил этиш учун шарт-шароит яратилсин. Маиший хизмат соҳасини техника билан қайта жиҳозлаш учун маблағлар қидириб топилсин. Мазкур тармоқлар ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш системаси вужудга келтирилсин.

Социал адолат принципи изчил амалга оширилсин, меҳнатга ҳақ тўлашда тенгчилик тенденциялари бартараф этилсин, истеъмолчиликка қарши кураш олиб борилсин, уй-жойларни, моддий неъматларни тақсимлашда ҳар қандай номуносиб имтиёзлар бекор қилинсин.

III

Республика партия ташкилоти олиб бораётган идеологик ишларнинг республика аҳолисининг дунёқараши ва эътиқодини шакллантиришга таъсирини кучайтириш, аҳолининг меҳнат ва сиёсий фаоллигини ошириш мақсадида уни қайта қуриш зарур. Пропаганда ва ғоявий-тарбиявий ишларга ҳар бир киши онгига етиб борадиган тарзда илмий асосланган, ҳужумкорлик тусини бериш керак.

Мана шу талабларни назар-писанд қилмаслик одамлар психологиясига ва дунёқарашига, жамиятдаги маънавий иқлимга салбий таъсир кўрсатди, кўпгина идеалларимиз ва қадриятларимизга сезиларли зарар етказди.

Пленум Марказий Комитет бюроси ва бўлимлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари зиммасига ғоявий-тарбиявий ва оммавий-сиёсий ишларга системали ёндашувни таъминлаш, кўзбўямачиликка, расмиятчиликка барҳам бериш ва бу ишларни қайта қуриш ҳамда жадаллаштириш вазифаларига бўйсундириш, ҳар бир коммунистда, меҳнаткашда юксак ғоявий эътиқод, сиёсий маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ҳар бир кишининг амалга оширилаётган чуқур ўзгартишларда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш вазифасини юклайди. Меҳнаткашларни, айниқса ёшларни ватанпарварлик, интернационализм руҳида тарбиялаш масалалари билан янада асосли шуғулланилсин. Йигитларни Совет Армияси сафларида хизмат қилишга тайёрлаш даражаси оширилсин. Диний хурофотларни, ўтмишнинг бошқа сарқитларини бартараф этишга оид ишлар ҳужумкорлик билан олиб борилсин, ана шундай кўринишларнинг узоқ давом этиши сабаблари аниқлансин ва тугатилсин. Раҳбар ходимлар, барча коммунистлар тарбиявий ишларга кенг жалб этилсин, мафкуравий жабҳалар партиянинг йўлини самарали ўтказишга қодир бўлган юксак малакали, тайёргарликдан ўтган кадрлар билан мустаҳкамлансин.

Партия талабларига мувофиқ тарзда сиёсий ўқиш ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълимини қайта қуриш ишлари авж олдирилсин. Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишга, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришга эътибор кучайтирилсин. Ўқувчиларнинг касбга йўналтирилиши яхшилансин, қонунга қатъий риоя этилган ҳолда ўсмирлар меҳнатидан фойдаланилсин. Маданият ва спорт муассасалари, ижодий союзларнинг фаолияти активлаштирилсин. Оммавий ахборот воситалари илғор тажрибани кенг пропаганда қилсинлар, ошкораликни қарор топтирсинлар, воқелик холисона ёритилсин, айрим фактлар ва салбий ҳодисаларни қайд этиш билан кифояланмасдан, уларнинг пайдо бўлиш сабаблари очиб ташлансин.

Пленум ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига партия комитетлари ва бошланғич ташкилотлар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари, халк контроли органлари ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда социалистик мулкни асрашни таъминлаш, қонун ва ҳуқуқ-тартиблар бузилишини ўз вақтида аниқлаб, унинг олдини олиш, совет кишиларининг шаъни ва қадр-қимматига бўладиган тажовузларга қарши кескин курашиш юзасидан ўз фаолиятини активлаштиришни топширади. Саноат, қурилиш ва бошқа соҳаларда иш олиб боришнинг хавфсизлигини таъминлаш учун контрол кучайтирилсин ва хўжалик раҳбарларига нисбатан талаб оширилсин.

Ичкиликбозлик, гиёҳвандликка қарши, текинхўрларча турмуш кечираётган, меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшаётган шахсларга қарши ҳужумкор кураш кучайтирилсин. Прокуратура, суд ва милиция ходимлари ўртасида тарбиявий иш кучайтирилсин, бу органлар тажрибали, ҳалол, ўз ишига садоқатли кадрлар билан мустаҳкамлансин, улар демократия ва ошкоралик кенгайган шароитда ишлашга ўргатилсин.

IV

КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида белгилаб берилганидек, қайта қуришнинг муваффақияти кадрлар революцион ўзгаришларни нечоғлик тез ва нечоғлик теран идрок этиб олишларига, улар нечоғлик қатъият, ғайрат-

шижоат ва билимдонлик билан ишлашларига ҳал қилувчи тарзда боғлиқдир. Кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш қайта қуришнинг ўзаги бўлиши лозим, чунки кадрлар партия ғояларининг дарғалари бўлиб, уларни амалга оширишнинг ташкилотчиларидир. Аммо ходимларнинг анчагина қисми ҳали қайта қуришнинг моҳиятини зарур тарзда англаб етганича йўқ. Кўпгина участкалар ҳозирча сиёсий етук, малакали раҳбарлар билан мустаҳкамланмаган. Янгидан кўтарилган айрим ходимларга билим ва тажриба етишмаяпти, уларга кам ёрдам берилмоқда. Кадрлар кенг кўламда янгиланаётганида уларни кўтаришга анкета орқали ёндашувга, шошмашошарликка, бефарқликка йўл қўйилмоқда, бу эса кўпинча кадрларни алмаштиришга олиб келмоқда. Кадрлар резерви билан дуруст иш олиб борилаётгани йўқ. Хотин-қизлар, ёшлар, илғор ишчи ва колхозчиларни раҳбарлик ишларига кўтаришда нотўғри тушунчага барҳам берилмаган.

Партия, совет ва хўжалик органларининг ҳамда жамоат ташкилотларининг фаолиятида янги форма ва методлар, демократик негизлар, кадрлар резервини ошкора танлаш, коммунистларнинг, аввало раҳбарларнинг ҳисоботини, уларга берилаётган характеристикаларни тасдиқлашни жорий этиш суст бормоқда. Сайлаб қўйиладиган органлар аъзоларининг анчагина қисми ишга жалб этилмаган. Шаҳар, район партия комитетлари қайта қуришда актив позицияни эгаллашгани йўқ, уларнинг кўпчилиги қуйи партия бўғинларидан, меҳнат коллективларидан ажралган ҳолда ишламоқда. Қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини ташкил этиш ҳозирча партия ташкилотларининг асосий ишига айлангани йўқ.

Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига қатъиян риоя қилиш Марказий Комитет бюроси, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотларининг асосий вазифаси, деб ҳисоблансин. Партиянинг ижтимоий ҳаётни демократлаштириш, ошкораликни кенгайтириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш тўғрисидаги йўл-йўриқлари изчиллик билан амалга оширилсин.

Барча участкалар сиёсий ва ахлоқий етук, қайта қуриш шароитида партия сиёсатини муваффақиятли амалга оширишга қодир бўлган ташаббускор, билимдон ходимлар билан мустаҳкамлансин, одамлар ҳақида ғамхўрлик қилинсин. Раҳбар кадрлар состави ҳамиша янги кучлар билан тўлдириб борилиши, уларнинг давомийлиги таъминлансин, асосланмаган алмаштиришларга йўл қўйилмасин. Партия ва давлат органларида барча миллат кишиларининг вакиллари бўлишига риоя қилинсин. Кадрлар бўлимларидаги фаолиятнинг аҳволи учун министрликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларига бўлган талаб оширилсин. Кадрлар резервини таркиб топтириш ва уларни кўтаришда одамлар билан кўпроқ маслаҳатлашилсин. Бир неча номзодларнинг муҳокама қилиниши ва ёпиқ овоз берилиши йўли билан меҳнат коллективлари раҳбарларини, партия комитетлари секретарларини сайлаб қўйиш, партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик кадрларини аттестациядан ўтказиш практикаси қоида тариқасида жорий этилсин. Қариндош-уруғчиликка ва кадрларни шахсий садоқати ва юртдошлик аломатларига қараб танлашга йўл қўйилмасин. Раҳбарлик ишига ишчилар ва колхозчилар, партиясизлар, хотин-қизлар дадиллик билан кўтарилсин. Кадрларнинг мунтазам ўқуви ташкил этилсин.

Марказий Комитет бюроси, область, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари кадрлар фаолиятининг натижаларига баҳо беришда юксак принципиаллик кўрсатсинлар, кадрларнинг масъулиятини оширсинлар, партия ва давлат интизомини бузувчиларга қарши курашда, қўшиб ёзишга ва кўзбўямачиликка уринишларга, ишнинг ҳақиқий аҳволини бўяб кўрсатишларга қарши курашда бўшашувчанликка сира йўл қўймасинлар. Раҳбар ходимлар томонидан партия ҳаётининг норма ва принциплари бузилиши фактларининг пайи қатъият билан қирқилсин, партия ҳаётининг норма ва принципларини бузаётган шахсларга принципиал партиявий баҳо берилсин ва улар фақат оддий ишга юборилсин.

Сиёсий раҳбарлик органлари сифатида шаҳар ва район партия комитетларининг ишини қайта қуришга алоҳида эътибор берилсин. Ҳар бир партия комитети янги ғояларнинг ижодкори ва дарғаси бўлишига,ўз фаолиятининг марказини омма

ўртасида жонли иш олиб боришга, қабул қилинган қарорларнинг амалда бажарилишини ташкил этишга ўтказишига эришилсин. Бошланғич партия ташкилотлари ишини активлаштиришнинг самарали йўллари топилсин, уларга фаолиятнинг янги форма ва методларини эгаллаб олишда ёрдам берилсин, уларнинг жанговарлиги оширилсин. Йиғилишларни, партия комитетларининг пленумларини ўтказишда расмиятчилик ва чора-тадбирларни қалаштириб ташлашга барҳам берилсин.

Ишда ошкоралик, партия органлари фаолиятининг ҳамма жиҳатлари тўғрисида сайлаб қўйилган активларни, коммунистларни ва меҳнаткашларни доимо хабардор қилиб туриш системаси қарор топтирилсин. Қандай лавозимда ишлашларидан қатъи назар, коммунистларнинг қилмишларини ошкора муҳокама қилишга, партия аъзосининг пок ва ҳалол қиёфаси учун курашишга алоҳида эътибор берилсин. Танқиддан холи зоналар яратишга ёки раҳбарларни танқиддан четда қолдиришга йўл қўйилмасин, раҳбарлар юқоридан ва қуйидан бўладиган қатъий назорат остида бўлсинлар. Ҳисобот даврида ҳар бир коммунист, раҳбар Устав талабларини ва ўзининг хизмат бурчини қандай бажараётгани ҳақида ҳисоб бериши зарур, деб топилсин. Ҳамма ерда характеристикаларнинг аҳамияти ва объективлиги кучайтирилсин, бу характеристикалар коммунистларнинг ва меҳнат коллективларининг йиғилишларида, коллегиал органларнинг мажлисларида тасдиқлансин.

Совет, касаба союз ва бошқа жамоат ташкилотларига раҳбарлик яхшилансин, уларнинг қайта қуриш жараёнида актив иштироки таъминлансин, бу ташкилотлар тажрибали кадрлар билан мустаҳкамлансин, социал-иқтисодий ривожланиш ва меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал этишда уларнинг роли ва масъулияти оширилсин. Партия комитетларига хос бўлмаган хўжалик вазифаларидан, ўзгалар учун масалаларни ҳал этишга интилишдан қатъиян воз кечилсин. Сайлов системасидаги ўзгаришлар ва кўп мандатли округлардаги эксперимент инобатга олиниб, халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловларга яхши тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш таъминлансин. Комсомолга партия раҳбарлиги даражаси оширилсин, насиҳатгўйликка, маъмуриятчиликка йўл қўйилмасин, ёшларнинг куч-ғайрати конкрет ишларга йўналтирилсин. Хотин-қизлар кенгашлари ва ветеранлар кенгашлари ишини ташкил этишда амалий ёрдам берилсин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми республика партия ташкилоти ўз фаолиятининг услуб ва методларини қайта қуриш, кадрлар билан ишлашни такомиллаштириш асосида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришга собитқадамлик билан эришаверади, КПСС XXVII съезди қарорларини бажаради деб КПСС Марказий Комитетини ишонтиради.

СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

ҚПССнинг СТРАТЕГИК ЙЎЛИ

И. ИСКАНДАРОВ,

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш КПСС XXVII съезди илгари сурган стратегик вазифалар ичида энг асосий вазифадир. У ишлаб чиқарувчи кучларни сифат жиҳатдан тубдан ўзгартиришнинг, ишлаб чиқариш муносабатларини, биринчи навбатда кишилар турмушининг иқтисодий, моддий ва маънавий шарт-шароитларини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишларини, бутун сиёсий, ижтимоий ва идеологик муассасалар системасини активлаштиришни белгилаб беради. Шунингдек меҳнатнинг мазмуни ва характерида, фан-техника революцияси ютуқлари асосида жамиятнинг моддий-техника базасини тубдан янгилаш юзасидан принципиал вазифаларни ҳал этишда чуқур ўзгаришлар ясаш назарда тутилмоқда. Жадаллаштириш стратегиясини муваффақиятли ҳал этиш асримиз охирига бориб аҳоли жон бошига реал даромадларни 60—80 процент кўпайтириш имконини беради, бунинг учун СССРнинг миллий даромади икки баравар оширилиши керак. Ана шу ўсишларнинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар ошириш эвазига эришилади.

Бундан келиб чиқадики, жадаллаштириш стратегияси нафақат чуқур мазмунга ва аниқ мақсадли йўналишга, шу билан бирга аниқ ифодаланган иқтисодий параметрларга ҳам эгадир. Бу параметрлар ишлаб чиқариш коллективларини қайта қуришга, ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларини янгилашга максимал кўмаклашадиган бошқарувнинг барча эшелонларини, сиёсий ва давлат раҳбарлигининг барча бўғинларини қамраб олади. Мазкур кескин бурилиш босқичининг моҳияти амалда ишнинг янги форма ва методларини топиб ҳамда эришилган муваффақиятларга берилиб кетмасдан оператив қайта қуришдан иборат. КПСС МҚ Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев партия Марказий Комитетининг январь (1987 йил) Пленумида қилган докладида шундай таъкидлади: «Қайта қуришнинг пировард мақсади равшан деб ўйлайман. У ҳам бўлса, мамлакат ҳаётининг барча томонларини тубдан янгилаш, социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бағишлаб, тузумимизнинг барча ҳал қилувчи соҳалари, иқтисодий, социал, сиёсий ва маънавий соҳаларда унинг инсонпарварлик характерини жуда тўлиқ намоён этишдан иборатдир».

Съезддан кейин ўтган даврда мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш соҳасида эришилган жиддий силжишлар бу йўналишда аниқ мақсадни кўзлаб иш қилинаётганининг далилидир: план топшириқларини бажариш яхшиланди, ижтимоий ишлаб чиқаришни ўстириш суръатлари ошди, халқ фаровонлиги интенсив оширилмоқда. Қарор топган талабчанлик, ижодий ташаббускорлик ва новаторлик муҳити партия ва халқнинг ҳамма ишларига улкан сафарбарлик таъсири ўтказмоқда. Қайта қуриш умумий ва амалий характер касб этмоқда. Ўтган йили миллий даромадни ва саноат ишлаб чиқаришини ўстиришда 80-йиллардаги энг юксак натижага эришилди. Хуллас, беш йилликнинг биринчи йили партия илгари сурган жадаллаштириш стратегиясининг ҳаётийлигини ишонарли исботлади.

Шу билан бирга қатор тармоқларда, кўпгина меҳнат коллективларида янгиликка секинлик билан ўтилаяпти. Бу жойларда ҳозирча сифат жиҳатдан кескин бурилишга эришилгани йўқ. Илмий-техника ишларининг миқёси гарчи ошган бўлса-да, лекин шу кун вазифаларига мос эмас. Кўпгина корхоналарда меҳнат унумдорлигининг ўсиши иш ҳақининг ошишига нисбатан орқада қолмоқда, ресурсларни тежайдиган технологиялар суст жорий қилинмоқда, сифатсиз маҳсулотлар чиқарилмоқда. Бу эса КПСС XXVII съезди қўйган стратегик мақсадлар йўлидаги зарур ҳақиқий бурилишга эришиш учун ҳозирча барча куч-ғайратларнинг жамланмаганлигини кўрсатади.

Қайта қуриш динамизми коммунистик бунёдкорликнинг барча бўғинларидаги иш услублари ва методларини тубдан ўзгартириш, меҳнат коллективларининг ташаббускорлиги ва мустақиллигини ҳар тарафлама ривожлантириш зарурияти билан ҳам боғлиқдир. Бугунги кунда реализм позицияларида туриш, қилинган ишларни объектив баҳолаш, эришилган марраларга нафақат ўтмиш билан таққослаб, балки энг муҳими, партия ишлаб чиққан ва маъқуллаган планларга асосланиб назар ташлаш, ҳар бир коммунист, ҳар бир гражданнинг давомли, қизғин, фидокорона ишга бел боғлаши ғоят муҳимдир. Бу, КПСС МК январь Пленуми таъкидлаганидек, ягона тўғри партиявий ёндашувдир.

Совет кишиларининг моддий ва маънавий бой, социал сермазмун ҳаётини таъминлаш ва жамиятнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатига эришиш учун зарур потенциал экономикада яратилади. Партия талаб қилаётганидек, юксак даражада ташкил топган ва самарали, ҳар томонлама ривожланган ишлаб чиқарувчи кучларга ва ишлаб чиқариш муносабатларига, яхши созланган хўжалик механизмига эга экономикага ўтиш таъминланиши лозим. Халқ хўжалигини принципиал жиҳатдан янги илмий-техникавий ва ташкилий-иқтисодий даражага кўтариш, уни интенсив ривожланиш йўлларига ўтказиш; ижтимоий меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатининг жаҳондаги энг юксак даражасига эришиш; мамлакат ягона халқ хўжалик комплексининг оптимал структураси ва баланслашувини; меҳнат ва ишлаб чиқаришни умумлаштириш даражасини бирмунча оширишни; колхоз-кооператив мулки билан умумхалқ мулкини истиқболда қўшиб юборишни кўзлаб уларни бир-бирига яқинлаштиришни таъминлаш керак бўлади.

Бу тўғридан-тўғри В. И. Ленин кўрсатмаларидан келиб чиқади. «Экономика тўғрисида кўпроқ гапирилсин,— деб ёзган эди у.— Лекин экономика тўғрисидаги гаплар «умумий» муҳокамалардан, олимона обзорлардан, интеллигентларча тузилган планлардан ва шу каби сафсаталардан иборат бўлмаслиги лозим, афсуски, экономика тўғрисидаги гаплар жуда кўп вақт айни сафсатадан иборат бўлади. Йўқ, ундай қилинмаслиги керак, биз экономика тўғрисида гапирганимизда чинакам янги ҳаёт қуриш соҳасидаги фактларни тўплаш, *яхшилаб текшириш* ва ўрганиш маъносида гапиришимиз керак» (Тўла асарлар тўплами, 37-том, 103-бет).

Ҳозирги босқичда фан-техника тараққиётини юксалтириш, жадаллаштиришнинг сифат жиҳатини таъминлаш учун экономикани ривожлантиришга доир вазифалар ана шу позициялардан туриб белгиланади. Ана шу жиҳатдан халқ хўжалигининг янги техникавий реконструкциясини амалга ошириш керак бўлади, бунда энг юксак иқтисодий ва социал самара берадиган илғор техникани кенг жорий этиш йўли билан ишлаб чиқариш аппаратини жадал янгилаш биринчи даражали аҳамият касб этади. Чунки асосий саноат фондлари ўртача йиллик қийматининг ҳар бир сўми келтирадиган самарани атиги бир тийинга кўпайтириш умуман СССР индустрияси бўйича 6 миллиард сўмликдан кўпроқ қўшимча маҳсулот олишга тенгдир.

Халқ хўжалигини қайта қуриш йирик иқтисодий янгиликларнинг бутун бир системасига ўхшайди. Бу янгиликлар қуйидагилардан иборат: инвестиция сиёсатининг жиддий ўзгартирилиши, бунда асосий эътибор янги қурилишга эмас, реконструкцияга қаратилади; миқдорий кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларига, оралиқ натижалардан пировард натижаларга, ресурсларни оширишдан — улардан фойдаланишни яхшилашга қайта ориентациялаш. Буларнинг ҳаммаси прогрессив тармоқларни, ишлаб чиқариш ва социал инфраструктурани жадал ривожлантириш билан бир қаторда ишлаб чиқарувчи кучларни жадал юксалтиришга, экономикамиз қиёфасини тубдан ўзгартиришга янгича таъсир қилади.

КПСС XXVII съездида шунингдек социал-иқтисодий тараққиётнинг янги вазифаларини эски методлар асосида ҳал этиш мумкин эмаслиги таъкидланди. Бинобарин, хўжалик механизми жиддий қайта қуришга муҳтож. У социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш манфаатларига тўла жавоб бериши ҳамда жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучларини бемалол ва интенсив ривожлантиришга имконият яратиши учун унинг чиқимли характерини бартараф этиш ва уни сифат ҳамда самарадорликни оширишга қаратиш вазифаси қўйилди.

Бироқ ўзини оқламаган юқори чиқимли сиёсатга ҳамма жойда ҳам лозимича оперативлик билан барҳам берилмаяпти. Масалан, бизнинг республикамиз қишлоқ хўжалик машинасозлиги тармоқларининг қарор топган структурасида улар асосан кўп металл сарфланадиган ва ғоят қимматга тушадиган осма ускунали тракторларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган, бундай тракторлар кўпроқ истеъмолчи манфаатларига зид бўлиб, ишлаб чиқарувчи манфаатларига мосдир. Лекин қишлоқ хўжалигига ва унинг етакчи тармоғи — пахтачиликка оддий чопиқ тракторлари фойдалироқ ва заруррокдир, уларнинг қиймати осма ускунали тракторларникига қараганда икки баравар арзон. Амалдаги хўжалик механизми бу зиддиятни ҳал этишга имкон бермайди, чунки барча план воситалари осма ускунали тракторлар ишлаб чиқаришга мослаштирилган. Натижада шундай бўладики, бундай тракторларни харид қилган хўжаликлар улардан осма ускунасисиз фойдаланишади, бу билан колхозлар ва совхозлар экономикасига катта зарар етказилади.

Шу муносабат билан Ўзбекистоннинг машинасозлик тармоқларида ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий структуравий қайта қуришларни амалга ошириш лозим, бунда бу тармоқларни агросаноат комплексининг ишлаб чиқариш воситаларига бўлган жорий ва перспектив эҳтиёжларини ҳисобга олиб маҳсулот ишлаб чиқаришга қайта ориентациялаш керак бўлади. Фақат шу ҳолдагина хўжалик механизми иқтисодий тараққиётнинг ўзгарувчан шарт-шароитларига ва ҳал қилинаётган вазифалар характерига мувофиқ бўлади.

Хўжалик механизмининг ўзи жадаллаштириш ва қайта қуришга актив таъсир кўрсата олмайди, у партия ва давлатнинг планга ҳамда бошқарувга оид йўл-йўриқларига тўлалигича амал қилсагина ва барча ижрочи органлар ҳамда масъул шахслар бу йўл-йўриқлар билан албатта қуролланган бўлсагина шундай натижага эришиш мумкин. Шу муносабат билан В. И. Лениннинг «... ижрочилик функциялари учун қаттиқ жавобгарлик бўлсин, ҳар бир топширилган вазифа ва берилган буйруқ ишчанлик билан, интизом билан ихтиёрий суратда бажарилсин, булар хўжалик ишларининг ҳақиқатан ҳам соатдек тўғри юриб турмоғи учун зарурдир» деган кўрсатмасини эслаш ўринлидир (ТАТ, 36-том, 176-бет). Бу халқ хўжалигини марказлаштирилган ҳолда планлаштиришни ҳар тарафлама мустаҳкамлашга ва планли асосда раҳбарлик қилишда тақсимотга оид ва товар-пул муносабатларининг ҳамма формаларини ҳамда уларни тартибга солиб турадиган социализмнинг объектив иқтисодий қонунларини ҳар томонлама ҳисобга олишга ва улардан фойдаланишга бирдай тааллуқлидир.

Ўн беш йил мобайнида жамиятнинг ҳамма аъзолари учун ниҳоятда муҳим бўлган проблемаларни ҳал этиш — совет кишиларининг фаровонлигини жиддий юксалтириш кўзда тутилаётганлиги ҳам КПСС XXVII съезди сиёсий йўлининг ўзига хос хусусиятидир. Шу мақсадда ўн иккинчи беш йилликдаёқ асосий озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш даражасини ошириш, ўн беш йил мобайнида эса аҳоли учун тавсия қилинадиган илмий асосланган озиқ-овқат нормаларига эришиш мўлжалланмоқда. Бунда амалда ҳар бир совет оиласини алоҳида квартира ёки индивидуал уй билан таъминлаш, аҳолининг юқори сифатли молларга ва хизматларга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини тўла қондириш каби муҳим социал-иқтисодий вазифалар ҳал қилинади. Бу марраларга эришиш мумкинлиги реал даромадларнинг доимий ўсиб бориши билан мустаҳкамланади, ўн беш йил ичида бу даромадлар аҳоли жон бошига 1,6—1,8 марта ошади.

Меҳнат соҳасини туб ўзгартириш борасида жиддий вазифаларни бажариш лозим бўлади. Қўл меҳнати улушини икки баравар қисқартириш мўлжалланмоқда, бу билан 20 миллиондан зиёд киши кам малакали ишдан холи қилинади. Ҳозирнинг ўзидаёқ меҳнатни янада мазмунли, ижодий, қизиқарли, жисмоний ва маънавий қобилиятларни ўстирадиган қилиш учун кўп иш қилинмоқда, меҳнатни

илғор техника ва технология билан қуроллантириш кўп жиҳатдан ана шунга кўмаклашади. Бу тарихий аҳамиятга эга вазифа — социал адолатни энг юқори иқтисодий самарадорлик билан бирлаштириш вазифасининг амалий ҳал қилинишидир.

Партия кўраётган чора-тадбирлар комплексида меҳнатга қараб ҳақ тўлашнинг тартибга солинишига муҳим роль ажратилмоқда, чунки у ишчилар ва хизматчилар оилалари бюджетининг 70 процентига яқинини ташкил этиб, даромадлар структурасида асосий ўринни эгаллайди. Шу беш йилликда бу йўналишда қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган. Бунда гап нафақат иш ҳақини ошириш ҳақида, шу билан бирга моддий рағбатлантириш практикасини кескин яхшилаш тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, моддий ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари учун янги, ўртача 25—30 процентга кўпайтирилган тариф ставкалари ва лавозим ойликлари жорий қилинмоқда, бу ставка ва ойликлар фақат корхоналарнинг ўзлари ишлаб топган маблағлар ҳисобидан тўланади. Бу билан иш ҳақи меҳнатнинг миқдори ва сифатига қатъий боғлиқ қилиб қўйилади. Ноишлаб чиқариш соҳаси тармоқлари ролининг ошиши ва шунга мувофиқ бу соҳа ходимлари меҳнат ҳақининг оширилиши ўн иккинчи беш йилликнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

Натижада ишчи ва хизматчиларнинг ўртача иш ҳақи 15 процент ошади ва ойига 218 сўмга етади, колхозчиларнинг меҳнат ҳақи эса ўртача 18 процент кўпаяди. Бунда колхозчиларнинг реал даромадлари шахсий томорқа хўжалигидан келадиган тушумлар билан қўшиб ҳисоблаганда амалда ишчи ва хизматчиларнинг даромадлари билан тенглашади, бу КПССнинг шаҳар билан қишлоқ орасидаги жиддий тафовутларга барҳам беришдек программавий вазифасини ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Кишиларнинг ижтимоий истеъмол фондларидан оладиган неъматлар ҳажминнинг оша боришида ҳам социал адолат намоён бўлади. Улар беш йиллик мобайнида 25 процентга ошади, бу 1990 йилга бориб жон бошига 635 сўмни ташкил этади. Жамиятнинг меҳнатга лаёқатсиз аъзолари — болалар ва кексаларга давлат ғамхўрлиги жиддий кучаяди.

Партиянинг жамиятимиз барча табақалари ва социал группаларининг фаровонлигини янада оширишга қаратилган принципиал йўлини амалга ошириш меҳнатсиз даромадларнинг ҳар қандай формаларига қарши муросасиз кураш билан қўшиб олиб борилмоқда. Бу турли хил ҳа бўл-ҳа бўлчиликларни бутунлай истисно қиладиган мураккаб жараёндир. Шубҳасиз, меҳнатсиз даромад олишга ҳеч қандай имкон қолмаслиги керак. Бироқ бу ўринда ҳам ўзининг хизмат мавқеидан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланиб, давлат чўнтагига виждонсизларча, «етти марта ўлчаб» ва «яхшилаб ўйлаб» қўл суқадиган кимсалар билан ҳалол ва машаққатли меҳнати орқасидан қўшимча даромад топадиган кишиларни аниқ фарқлай билиш керак. Маҳаллий хусусиятлар ва шарт-шароитларни ҳисобга олиб меҳнатсиз даромадларнинг олдини олишга доир таъсирчан методларни ўз вақтида ишлаб чиқиш муҳим.

Социалистик тақсимот муносабатлари проблемаларини ишлаб чиқиш, хўжалик механизмини, жамият маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлашни ҳисобга олиш ҳамда назорат қилишни такомиллаштириш — меҳнатсиз даромадларга қарши курашнинг муҳим жиҳатидир. Мамлакатда, айниқса унинг айрим регионларида, шу жумладан Ўзбекистонда сўнгги йилларда бўлиб ўтган воқеалар шундан далолат берадики, ҳисоб-китобнинг бузилиши ва лозимича назоратнинг йўқлиги порахўрлик формасидаги меҳнатсиз даромадлар пайдо бўлишининг асосий сабаблари бўлган. Бу халқ хўжалигига катта зарар етказди.

Салбий ҳодисалар юзага келишининг сабабларини ўрганиш шуни кўрсатадики, бундай ҳодисаларнинг илдизлари кўп жиҳатдан аҳолининг айрим қисми ўртасида хусусий мулкчилик психологиясининг тикланиши билан боғлиқдир. Шу муносабат билан В. И. Ленин ўз вақтида «...капитализмдан социализмга ўтиш даврида... ишчилар *синфининг* манфаатларини капитализм традицияларига (урф-одатларига) қаттиқ ёпишиб олган ва Совет давлатига илгаригидек: «унга» озроқ ва ёмонроқ ишлаб бериб, «ундан» кўпроқ пул юлиб олиш керак,— деб қарашда давом этаётган бир ҳовуч, бир гуруҳ, бир тоифа ишчилардан қўриқлаш» лозим деб талаб қилган эди. У яна шундай деган эди: «Босқинчи, ифлос ва қонхўр капита-

измдан қолган бу мерос бизни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ бўғмоқда, янчмоқда, илмоқда, эзмоқда, ҳалок қилмоқда» (ТАТ, 37-том, 104- ва 542-бетлар).

Партия жамиятнинг ҳар бир аъзосининг фаровонлиги ижтимоий бойлик аражасига ва бу бойликни кўпайтиришга ана шу аъзо қўшадиган шахсий меҳнат улушининг кўпайишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлишига интилади. Бинобарин, ҳар қандай ҳолда ҳам жамият иқтисодий потенциалини кучайтиришга доир ва меҳнатсиз даромадларни бартараф қилишга оид чора-тадбирларнинг амалга оширилиши кишиларнинг турмуш шароитларини, улар фаровонлигини яхшилашга хизмат қилиши керак. В. И. Ленин таълим берганидек, «бизнинг ...фақат битта шиоримиз, битта мақсадимиз бор: кимки меҳнат қилса, у киши турмушнинг ноз-неъматларидан фойдаланишга ҳақлидир. Меҳнаткаш халқнинг қонини сўрувчи текинхўрлар, ҳаромтомоқлар ана шу ноз-неъматлардан маҳрум қилиниши керак» (ТАТ, 37-том, 96—97-бетлар).

Ўз-ўзидан равшанки, В. И. Лениннинг бугунги кунда ҳам актуал бу васиятларини бажариш учун давлат ҳокимияти органларининг барча бошқарув воситаларини ҳаракатга келтириш, салбий ҳодисаларни назарий ва амалий жиҳатдан бартараф этиш, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг ишончли механизмини яратиш юзасидан революцион характерга эга ишларни ташкил этиш лозим.

Маълумки, Ўзбекистонда пахта тозалаш саноати салбий ҳодисалар энг кўп тарқалган нобоп тармоқ бўлиб чиқди, бу ерда давлат маблағларини ниҳоятда йирик миқдорда ўғирлашнинг усталик билан созланган (таъбир жоиз бўлса) системаси фош қилинди. Ҳолбуки, республика Фанлар академияси олимлари бундан чорак аср илгари пахта экадиган хўжаликларнинг ҳозирда амал қиладиган тайёрлаш ташкилотлари орқали пахта тозалаш саноати билан иқтисодий муносабатларининг амалдаги системасида шундай хавфли салбий тенденция пайдо бўлиши мумкинлиги тўғрисида илмий асосланган хулосалар чиқаришган эди. Афсуски, бу хулосалар яқин вақтгача эътиборга олинмай келди. Олимлар пахтани тайёрлаш, сақлаш, қуритиш ва тозалаш функцияларини тўғридан-тўғри пахта экадиган хўжаликларга бериш, ҳосилни қайта ишлашни эса илгаригидек пахта тозалаш саноати корхоналарида амалга оширишнинг социал-иқтисодий самарадорлигини ишонарли тарзда исботлаб беришган эди. Бу бир-бирига боғлиқ икки вазифани бирданига ҳал қилар эди: юқори сифатли маҳсулот етказиб бериш учун хўжаликларнинг масъулиятини оширар ва шу билан бирга илдиз отган салбий ҳодисаларнинг томирларини қўпориб ташлар эди, булардан ташқари бошқа яна қатор иқтисодий афзалликларга эришилар эди. Ҳозирги кунда бу проблема «қотиб қолган жойидан» силжитилди: Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди уни зудлик билан рўёбга чиқариш кераклигини таъкидлади.

Лекин барибир пахта тозалаш саноатини қайта қуришга оид амалий ишлар суст бажарилмоқда, бу республиканинг бутун пахта комплексидаги қайта қуриш жараёнига тўсқинлик қиляпти. Амалдаги қоидаларнинг хўжалик механизмини такомиллаштиришга оид янги тавсияларга тўғри келмаслиги бу ишга тўсқинлик қилаётган сабаблардан биридир. Ҳолбуки, КПСС МҚ июнь (1986 йил) Пленумида шундай таъкидланган эди: «Бизда неча ўн йиллар мобайнида тўпланган кўпдан-кўп инструкциялар, қоидалар ва методикалар съезднинг талаблари ҳамда съезддан кейин қабул қилинган қарорларга мувофиқ қайта ишлаб чиқилиши, қайта қуришга зид бўлганларини эса қатъиян бекор қилиш зарур».

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигининг маҳсулотларнинг кўп турлари, айниқса пахта юзасидан тайёрлаш системалари орқали саноат билан иқтисодий алоқаларининг амалдаги формалари қишлоқда ижтимоий ишлаб чиқариш афзалликларини тўла ишга солиш йўлида тўсқинлик қилмоқда. Бу тармоқнинг ишлаб чиқарувчи кучларида сўнгги йилларда катта туб ўзгартиришлар юз берди, тайёрлаш системаси эса ўзгармасдан қолаверди. Ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўртасида, тайёрлашни ташкил этиш ва бошқарув формалари билан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш талаблари ўртасида зиддиятлар пайдо бўлди, бу қишлоқ меҳнаткашларининг пировард халқ хўжалик натижаларидан манфаатдор эмаслигини, қатор салбий жараёнларни келтириб чиқарди.

КПСС XXVII съезди колхозлар ва совхозларнинг қайта ишлаш саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан бевосита алоқаларини активроқ

ривожлантиришни тавсия қилди. Ана шунга амал қилиб, пахтани тайёрлаш ва сақлаш, қуритиш ва тозалаш функцияларини бевосита колхозлар ва совхозларга бериш, уни қайта ишлашни эса пахта тозалаш саноатида қолдириш билан боғлиқ бутун масалалар комплексини оптимал ҳал этиш мақсадга мувофиқдир. Бу бошқарувнинг уч бўғинли системаси ўрнига икки бўғинли системани жорий этишга имкон беради, бу, бизнинг назаримизда, аграр секторнинг ва саноатнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, айниқса пахтани тайёрлаш ва қайта ишлашнинг пировард натижаларидан манфаатдорлигини ҳамда масъулиятини оширади. Ўзбекистон Компартияси МҚ XVI пленуми (1984 йил июнь) мазкур вазифани жадал ҳал этишни талаб қилди. Республика қишлоқ хўжалик ва пахта тозалаш саноати министрликларининг ягона системага бирлаштирилиши бунинг учун иқтисодий ва ташкилий шароит яратди. СССР давлат агросаноат комплексининг ташкил этилиши, шубҳасиз, жойларда бу жараённи янада тезлаштиради.

Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқариш, тақсимот ва айирбошлашнинг ҳамма бўғинларини қамраб оладиган ягона халқ хўжалик комплекси вужудга келди. Ўзбекистоннинг СССР миллий даромадини яратишдаги улуши 1965 йилдаги 2,8 процентдан 1985 йилда 4 процентга етди. Ўзбекистонга саноатни ривожлантириш учун ажратилган улкан пул маблағлари ва моддий ресурслар республиканинг мамлакатнинг йирик индустриал районларидан бирига айланишига ёрдам берди.

Катта маблағларни планли асосда сарфлаш натижасида республиканинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини, бутун агросаноат комплексини юксалтиришда талайгина сифат ўзгаришлари юз берди. СССРда етиштириладиган пахтанинг 62 проценти, канопнинг 100 проценти, пилланинг 60 проценти, қоракўл терисининг 30 проценти, саноат учун муҳим хом ашё ҳисобланадиган бошқа маҳсулотларнинг анчагина қисми республикада тайёрланмоқда.

Ўзбекистон ССРнинг ижтимоий ишлаб чиқариш структурасида юз берган чуқур сифат ўзгаришлари, шунингдек унинг халқ хўжалигининг ихтисослаштирилиши республика экономикасининг бошқа қардош республикалар хўжаликлари билан узвий бирлашиб кетишига негиз яратди. Ҳозирги пайтда КПСС эътиборни ҳамма жойда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, шу асосда ягона халқ хўжалик комплексини ривожлантиришга қаратмоқда, бу ўз навбатида республикаларнинг ўзаро иқтисодий алоқаларини такомиллаштиришни, умумиттифоқ меҳнат тақсимоти, ишлаб чиқариш кооперациясини чуқурлаштиришни, республикалараро хўжалик ва фан-техника интеграциясининг янги форма ва методларини излаб топишни тақозо этади. СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларида шундай қайд қилинган: **«Барча иттифоқдош республикаларнинг уйғун равишда иқтисодий ва социал ривожланиши таъминлансин.** Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш такомиллаштирилсин. Республикалар ва иқтисодий районлар хўжаликларининг комплекс ривожланиши ва ихтисослашуви кучайтирилсин, уларнинг мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга ва социал вазифаларни ҳал этишга қўшадиган ҳиссаси кўпайтирилсин».

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигида пахтачилик соҳасини устун даражада ривожлантиришнинг самарадорлигини баҳолашга ана шу нуқтаи назардан ёндашиладиган бўлса, унда бундай баҳолаш ижтимоий ишлаб чиқариш интенсивлигини ошириш вазифаларини меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш проблемаларини ҳал этиш билан оптимал тарзда қўшиб юборади. Чунончи, пахта етиштиришнинг ниҳоятда сермеҳнатлилиги муносабати билан (бундай сермеҳнатлилик ғалла етиштиришдагига нисбатан 22 баравар ортиқдир) ер ресурсларидан ва шунга мувофиқ ер ўзлаштиришга кетадиган харажатлардан жуда катта иқтисод қилинади, чунки 1985 йилда республикада 1,98 миллион гектар майдондан олинган 5,4 миллион тонна пахтани етиштириш учун тахминан 120 миллион тонна ғалла етиштириш учун етарли миқдордаги ижтимоий-зарурий меҳнат сарфланган эди (бунчалик ғалла етиштириш учун ер фондларидан қарийб 80 миллион гектар ер ажратиш керак бўлур эди).

Ўн иккинчи беш йилликда Ўзбекистон ССРда миллий даромад 27 процент кўпаяди (ўтган беш йилликда 16 процент оширилган эди), шунга мувофиқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 28 процент ошади (ўтган беш йилликда

26 процент ошган эди), қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 16 процент ошади (ўтган беш йилликда 10,2 процент ошган эди), халқ хўжалигига сарфланадиган капитал маблағларнинг умумий ҳажми эса 12 процент кўпаяди. Комплекс тарзда социал-иқтисодий ривожлантириш асосида Қорақалпоғистон АССР, республика барча областларининг умумдавлат вазифаларини ҳал этишга қўшадиган улуши ошириладн.

Яқин 15 йил ичида фан ва техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш структурасида ва уни ташкил этишда прогрессив силжишларни амалга ошириш, меҳнат, технология ва давлат интизомини мустаҳкамлаш йўли билан ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришда кескин бурилиш ясаш кўзда тутилган. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш аввало меҳнат, моддий ва молиявий ресурслардан, барпо қилинган ишлаб чиқариш ва илмий потенциалдан фойдаланиш самарадорлигини оширишни тақозо қилади. Ҳолбуки, бугунги кунда республикада миллий даромад ўсишининг атиги ярмига яқини меҳнат унумдорлигини ошириш эвазига таъминланади, айни бир пайтда бутун мамлакат бўйича бундай ўсишнинг 90 проценти, айрим тармоқлар (қурилиш, транспорт) бўйича эса — 100 процент ўсиш шу кўрсаткич ҳисобига бўлмоқда.

Фондлар самарадорлигини ошириш, материал сарфини камайтириш мақсадида ишлаб чиқариш аппаратини, биринчи навбатда, кам самарали ускуналарни илғор, унумдорлари билан тезроқ алмашлаш ҳисобига янгилашни жадаллаштириш зарур. Шу беш йилликда умуман мамлакат бўйича ишлаб чиқариш аппарати актив қисмининг учдан бир қисмидан кўпроғини янгилаш, эскирган асосий ишлаб чиқариш фондларини чиқариб ташлаш ҳажмини қарийб икки баравар ошириш мўлжалланмоқда. Бу инвестиция жараёнини тубдан қайта қуришни, капитал маблағларнинг тармоқларга оид, такрор ишлаб чиқариш, технологик ва территориал структурасини такомиллаштиришни тақозо этади.

Қуйидаги омиллар Ўзбекистон социал-иқтисодий тараққиётини яқин истиқболда жадаллаштиришга жиддий таъсир кўрсатади:

— республика халқ хўжалигининг регионал ихтисослашишини олдиндан белгилаб берадиган хилма-хил табиий-иқлим шарт-шароитлари ва бой минерал-хом ашё ресурсларининг мавжудлиги;

— ишлаб чиқариш потенциали эришган ҳажмларнинг миқёслари, унинг сифат состави ва ундан фойдаланиш даражаси, бу потенциал улкан чўл массивлари ҳамда тоғ этакларидаги зоналар мавжуд бўлган ва кескин сув танқислиги ортаётган бир пайтда моддий ишлаб чиқаришнинг юксак даражаси билан характерланади;

— меҳнат ресурсларини такрор ишлаб чиқаришга ўзига хос хусусиятлар бахш этадиган демографик шарт-шароитлар.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда аҳолининг ўсиш суръатлари умумиттифоқ даражасига нисбатан деярли уч марта юқоридир. Бу ҳол меҳнатга лаёқатли аҳолини тўла ва самарали банд қилиш билан боғлиқ кескин социал-иқтисодий проблемаларни ўртага қўяди. 2000 йилга бориб республика аҳолисининг умумий сони, шу жумладан меҳнатга лаёқатли ёшдаги кишилар сони 28 миллион кишидан ошади, шу муносабат билан бўш меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш проблемасининг кескинлашиши муқаррардир. Янги иш ўринлари, янги қурилишлар ташкил этиш, хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтириш зарурати вужудга келади.

КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг амалга оширилиши ана шу масалаларни ҳал қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади. Қарорда Советлар қарамоғидаги территорияда экономика ва социал-маданий соҳанинг комплекс ривожланишини таъминлашда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръатларини жадаллаштириш ва самарадорлигини оширишда, шу асосда мамлакат ягона халқ хўжалик комплексини мустаҳкамлашга республикалар, ўлкалар, областлар, округлар, районлар, шаҳарлар ва қишлоқлар қўшадиган ҳиссани кўпайтиришда Советларнинг ролини кучайтиришга қаратилган қатор

чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган. Шу муносабат билан Советлар қарамоғидаги территорияларнинг социал-иқтисодий тараққиётнинг барча йўналишлари бўйича қўшаётган реал ҳиссасини комплекс баҳолаш мақсадида уларни тўла хўжалик ҳисобига, маблағ билан ўз-ўзини таъминлаш ва ўзини коплашга ўтказиш зарурати келиб чиқмоқда. Бошқа иттифоқдош республикалар билан биргаликда ер-сув ресурсларини ўзлаштириш ва ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш, Оролбўйи қурғоқчилигининг олдини олиш, бундан кейин ҳам кўрик ерларни ўзлаштиришга доир йирик комплекс халқ хўжалик программаларини амалга ошириш юзасидан ва бошқа шу сингари ўзаро бир-бирига боғлиқ проблемаларни ҳал қилиш мўлжалланмоқда.

Шу билан бирга, бундан кейинги социал-иқтисодий тараққиётда планлаштиришнинг роли кучайиб боришини ҳисобга олиб, шуни эсда тутиш муҳимки, бунда планлаштириш ҳар бир республика иқтисодий потенциали имкониятларини ҳисобга олиб мунтазам такомиллаша бориши лозим бўлади. Ҳозирча эса жумладан, СССР ва Ўзбекистон ССР миллий даромадининг тармоқларга оид структураларида жиддий тафовут кўзга ташланмоқда. Агар мамлакат учун умуман миллий даромаднинг саноатда устунлик қилиши (50 процентга яқини) характерли бўлса, бизнинг республикада бу кўрсаткич атиги 35 процентга етади. Айни пайтда Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги салмоғи иттифоқдаги ўртача даражага нисбатан қарийб икки баравар ортиқдир. Бу планлаштиришда миллий даромад ишлаб чиқаришда индустриал тармоқлар ҳиссасини изчиллик билан ошириб бориш стратегиясини белгилайди.

Фикримизча, иттифоқдош республикаларда планлаштириш функцияларини кенгайтиришни тартибга соладиган ва уларнинг умумиттифоқ ихтисослашувини белгилайдиган ҳуқуқий асосларни яратиш зарурати етилди. Масалан, пахтачилик ва у билан боғлиқ тармоқларнинг ривожланиш даражасини ва миқёсларини ҳисобга олганда Ўзбекистон ССР бутун мамлакат миқёсида ана шу тармоқнинг ривожланишини планлаштиришни таъминлаши мумкин. Бунинг учун муайян шарт-шароитлар яратилган. Масалан, республикамизда Главсредазирсовхозстрой муваффақиятли ишлаб турибди, у барча Ўрта Осиё республикаларида ирригация системалари қуради ва янги ерлар ўзлаштиради. Иттифоқдош республикаларнинг республикалараро алоқаларни мустаҳкамлашдан манфаатдорлигини кучайтириш, умуман ижтимоий ишлаб чиқариш территориал ташкилоти самарадорлигини ошириш мақсадида хўжалик механизмини, шу жумладан инвестиция механизмини ҳам такомиллаштиришни давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Шу жиҳатдан Ўзбекистонда қулай иқтисодий ва табиий шарт-шароитлар, шунингдек бўш меҳнат ресурслари базасида йирик тўқимачилик саноати марказини яратиш юзасидан комплекс программанинг ишлаб чиқилиши тўғридир. Ҳозирги пайтда пахта толасининг 92 процентга яқини республикадан ташқарига олиб чиқилади, бу катта транспорт чиқимларини келтириб чиқаради. Бу хом ашёнинг талай қисми тайёр газлама ҳолида яна қайтариб келтирилади. Бундай у ёқдан бу ёққа ташишлар мамлакат экономикасига катта зарар етказади. Шу сабабли республиканинг ва мамлакат шарқий районларининг тўқимачилик маҳсулотлари асосий турларига бўлган эҳтиёжини қондириш учун Ўзбекистонда йирик тўқимачилик саноати марказининг яратилиши ҳар томонлама фойдалидир.

Бу соҳада ҳозирдаёқ конкрет чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ўн иккинчи беш йилликда Андижон ва Бухоро ип газлама комбинатларининг қурилишини ниҳоясига етказиш ва меҳнат ресурслари ортиқча бўлган районларда тўқимачилик саноатининг қатор филиаллари ва цехларини қуриш планлаштирилмоқда.

КПСС XXVII съезди иқтисодчи олимлардан ҳар бир республиканинг иқтисодий потенциалини оширишга доир масъул вазифаларни ҳал қилишга ёрдам берадиган назарий ишланмаларни амалга оширишни ва конкрет амалий тавсиялар тақдим этишни талаб қилди. Ўзбекистон халқ хўжалиги ана шу вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш учун катта имкониятларга эга, бу имкониятларни ўз вақтида ҳисобга олиш ва ишга солиш республика экономикаси самарадорлигини юксалтиради.

ИНСОН — ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КУЧИ

ИНСОН ОМИЛИ ВА МЕҲНАТ СИФАТИ

Р. АЛЬЖАНОВ,
иқтисод фанлари кандидати

КПСС XXVII СЪЕЗДИ инсон омилини активлаштиришни жамиятимизни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи шартларидан бири деб атади. Айни одамларнинг меҳнат активлиги меҳнат унумдорлигини, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва шу асосда жамият ҳар бир аъзосининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини тобора тўлароқ қондиришнинг гаровидир. Съезд меҳнат сифатини ошириш, уни моддий ва маънавий рағбатлантириш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берганлиги тасодифий эмас. Бундай ёндашиш қонунийдир, у кишилар ҳаётининг табиий ва доимий шарти ҳамда кишилик жамияти тараққиётининг асоси бўлган меҳнат тўғрисидаги марксча-ленинча тушунчага асосланади.

Шу билан бирга социализмдаги меҳнат ўз хусусиятларига эга: меҳнат ҳали меҳнатга лаёқатли ҳар бир кишининг биринчи эҳтиёжи эмас, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутлар, меҳнатнинг малакали ва малакасиз меҳнатга бўлиниши сақланиб қолади, «жамиятга камроқ бериб, ундан кўпроқ ўмариш» принципи асосида меҳнатсиз даромадлар ҳисобига яшашга интилувчи кишилар ҳали мавжуд бўлади. Шунинг учун социализмда меҳнатга яраша тақсимлаш иқтисодий қонуни амалда бўлишини, унга миқдори ва сифатига қараб ҳақ тўланишини таъминловчи меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри устидан қаттиқ давлат контроли бўлиши зарурдир. Бунда ҳар бир алоҳида ишлаб чиқарувчи жамиятга ўзи қанча берса, барча чегиришлардан ташқари, ундан худди шунча қайтариб олиши керак (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 19-том, 18-бетга қаралсин).

Мамлакатимиз социализмнинг мазкур асосий принципининг йўқни бор қилиб кўрсатиш, қилинмаган ишлар учун ҳақ тўлаш, ўринсиз мукофотлар бериш, ходимнинг қўшган меҳнат ҳиссаси билан боғлиқ бўлмаган «гарантияланган» маошлар тайинлаш тарзида бузилишларига йўл қўйилганлиги социалистик тузумнинг табиатига ёт бўлган бир қатор жиддий салбий ҳодисаларни келтириб чиқарди. Меҳнатсиз даромадлар олиш (порахўрлик, чайқовчилик, текинхўрлик ва шу кабилар) социалистик адолат принципини бузади, социалистик хўжаликнинг ривожланишига жиддий зарар етказади, меҳнат унумдорлигининг ўсишига, техника тараққиётига тўсқинлик қилади, коллективларда меҳнат интизоми бўшашиб кетишига ва маънавий муҳитнинг ёмонлашувига сабаб бўлади.

Меҳнатга баҳо беришда унинг фақат миқдори эмас, балки сифат жиҳати, яъни ходимнинг моддий ва маънавий бойликларни яратишда актив ва онгли қатнашуви ҳам ҳисобга олиниши керак. Зотан, бошқа шароитлар тенг бўлгани ҳолда, меҳнат қанчалик мақсадга мувофиқ бўлса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот шунчалик яхши бўлиши керак. Аммо, маълумки, бизда узоқ йиллар давомида шундай тартиб ҳукм суриб келдики, сифатсиз, талабга жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб

чиқарувчи корхоналарнинг ходимлари иш ҳақини ҳам, мукофотларни ҳам, бошқа неъматларни ҳам тўлиқ олавердилар, зарарлар эса давлат ҳисобидан қопланиб келинди.

Бундай аҳволга барҳам бериш мақсадида партия ва ҳукумат кейинги вақтда корхоналар ва бирлашмаларнинг иш ҳақи фонди миқдори улар маҳсулотини реализация қилишдан келадиган даромадлар билан бевосита боғланган ва улар ўз ишининг келтирадиган зарари учун тўла жавобгар бўлишига қаратилган бир қатор ҳужжатлар қабул қилди. Ушбу ҳужжатларнинг турмушга татбиқ этилиши шубҳасиз, меҳнат сифати, унинг натижадорлиги ошувига, меҳнаткашлар талабига жавоб бермайдиган моллар ишлаб чиқаришдан тийилишга ёрдам беради.

Меҳнатнинг сифати қандай белгиланади? Аввало ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатига қараб белгиланади. Масалан, пўлат эритувчи меҳнатининг сифати пўлатнинг сифатига, пойабзалчи меҳнатининг сифати — пойабзалнинг сифатига қараб, агроном меҳнатининг сифати қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги ўсишига ва олинадиган маҳсулотнинг сифатига қараб белгиланади ва ҳоказо (албатта, тегишли меҳнат шароити, хом ашё, техника, ускуналар мавжуд бўлиши шарт).

Меҳнат ҳамма жойда коллектив характерга, ишлаб чиқариш эса меҳнат тақсимотига асосланган оммавий характерга эга. Бундай шароитда маҳсулотнинг сифати технологик жараёнда қатнашувчи барча кишиларнинг меҳнати натижасини акс эттиради. Демак, ҳар бир кишининг меҳнати сифати нечоғлик юқори бўлса, пировард натижа ҳам шунча яхши бўлади. Бинобарин, ҳамма касбдаги ишчилар малакасини ўстиришнинг, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишнинг, ходимларнинг ўзаро контроли ва ўзаро масъулиятининг роли ошади. КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида таъкидланадики, **«партия меҳнатнинг ижодий мазмунини ва коллектив характерини кучайтиришга, унинг маданиятини оширишга, жамият манфаатлари йўлида қилинадиган юқори малакали ва серунум меҳнатни рағбатлантиришга алоҳида эътибор беради».**

Социализмда меҳнат иккиёқлама характерга эга: бир томондан, у якка, иқтисодий жиҳатдан алоҳида меҳнатдир, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш воситалари ижтимоий мулк эканлиги туфайли ҳар бир алоҳида шахснинг меҳнати, у қанчалик ўзига хос бўлмасин, бевосита ижтимоий меҳнатга ҳам айланади. Бундан ташқари, токи товар ишлаб чиқариш сақланиб қолар экан, бир хил меҳнатнинг ўзи иккиёқлама шаклда: конкрет ва абстракт меҳнат тарзида юзага чиқади. Улар ўртасидаги зиддият ишлаб чиқариладиган маҳсулотда — унинг қиймати, яъни конкрет товарнинг нархи билан унинг фойдалилик даражаси — сифати ўртасида намоён бўлади, шу туфайли у одамларнинг у ёки бу эҳтиёжини қондиради. Меҳнатга баҳо беришда ана шу хусусиятларнинг ҳаммаси ҳисобга олиниши керак.

Маълумки, нормалар ва нормалаш системасисиз планли социалистик хўжалик бўлиши мумкин эмас. Бизнинг жамиятимизда норма — ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни ташкил этиш негизидир, шунинг учун ҳам унинг ҳамиша илмий асосланган бўлиши устидан кузатиб бориш керак. Бироқ, КПСС XXVII съездида қайд қилинганидек, айрим тармоқларда ишларнинг у ёки бу турлари учун белгиланган нормативлар эскириб қолган бўлиб, техника, технологиянинг, ишлаб чиқаришни ва меҳнатни ташкил этишнинг эришилган даражасига тўғри келмайди, меҳнат нормалари тиғизлиги билан тариф системасининг муайян бирлигини етарли даражада таъминламайди. Чунончи, меҳнатга вақтбай усулда ҳақ тўлаш қўлланиладиган жойларда, яъни, айтганларидек, «меҳнат учун эмас, балки вақт учун» ҳақ тўланадиган жойларда меҳнаткашларнинг моддий ва маънавий бойликларни яратишда актив, онгли, ижодий қатнашуви тўла ҳисобга олинмайди. Бу, жумладан, давлатни бошқариш, маданият, социал таъминот органлари, олий мактаб ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун характерлидир.

Масалан, қишлоқ Советларининг маданият бўлимлари ходимларига ҳақ тўлаш улар меҳнатининг сифати билан мувофиқлаштирилмаган. Уларнинг (бўлим мудирлари ва баъзи бошқа категориялар) лавозим маошлари турли районларда бир хил, ваҳоланки районлардаги аҳоли сони ва маданий-маърифий муассасалар миқдори турличадир. Масалан, кутубхона мудирларининг маошлари уларнинг маълумоти ва иш стажига боғлиқ бўлиб, лекин улар меҳнатининг китоб обороти,

китобхонлар миқдори, китобларни пропаганда қилиш каби ва бошқа кўрсаткичлари инобатга олинмаслиги тўғрими ахир? Район социал таъминот бўлими аппарати ходимларининг (мудирлар, катта ва кичик инспекторлар) меҳнатига ҳақ тўлаш ҳам шундай принцип асосида белгиланган. Ушбу категориядаги ходимларнинг иш ҳақини улар хизмат кўрсатадиган аҳоли сонига қараб табақалаштириш уларнинг меҳнати сифатини оширишда ҳам, КПСС МК, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва социал-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш учун масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида» 1986 йил июлда қабул қилинган қарорини амалга оширишда ҳам ижобий роль ўйнаган бўлур эди.

Социализмда меҳнатнинг сифати социалистик тараққиётнинг энг юқори мезонидир. Фақат ҳамманинг зўр бериб ва сифатли меҳнат қилиши асосидагина жамиятимизнинг ишлаб чиқарувчи кучларини муваффақиятли ривожлантириш, одамларнинг турмуш шароитларини яхшилаш мумкин.

Бинобарин, кишиларда меҳнат қилиш эҳтиёжини вужудга келтириш ва меҳнат активлигини ошириш тобора муҳим аҳамият касб этмоқдаки, бу кўпгина социал-иқтисодий омилларга боғлиқдир. Юқорида қайд қилиб ўтилганидек, социализмда меҳнат ҳали кишиларнинг биринчи ҳаётий эҳтиёжига айланмаганлиги сабабли меҳнатга қараб тақсимлаш қонуни меҳнат қилишга ундовчи асосий омилдир. Шу билан бирга тақсимот, В. И. Ленин кўрсатмасига мувофиқ «...ишлаб чиқаришни кўтариш учун хизмат қиладиган бир метод, курол ва восита...» бўлиши керак (ТАТ, 43-том, 406-бет).

Социализмда ишлаб чиқаришни ривожлантириш «ҳаммадан кўпроқ шундай тақсимот усули билан рағбатлантириладики, бу усул жамиятнинг барча аъзоларига ўз қобилиятларини мумкин қадар кўпроқ ҳар томонлама ривожлантириш, сақлаб туриш ва юзага чиқариш имконини беради» (К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 20-том, 206-бет). Агар ходимнинг меҳнат фаолияти унга ўз қобилиятларини рўёбга чиқариш имконини бермаса, агар унинг вазифалари «ўзига ёқмаса», у ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг одам меҳнат активлигини рағбатлантирувчи таъсири таъминланмайди. Шунинг учун партия халқ хўжалигининг барча соҳалари ва бўғинларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва фойдаланишда ленинча талабларга қатъий амал қилинишига ғоят катта аҳамият бермоқда. КПСС МК 1987 йил январь Пленуми эътиборни ана шунга қаратди.

Одамларнинг меҳнат активлигини ўстириш меҳнатни ташкил этишни ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш билан чамбарчас боғлиқдир. Меҳнатнинг социал-иқтисодий, техникавий, маънавий-психологик ва бошқа шароитлари яхшиланиши билан бир вақтда кишиларнинг ишчанлик қобилияти ва ижодий ташаббускорлиги муқаррар суратда ошади. Агар бошқарувнинг ҳамма бўғинлари аниқ ишласа, агар сифатли, юқори унумли меҳнат изчил рағбатлантириб борилса, ҳар бир виждонсизлик, масъулиятсизлик ҳодисаси эса айбдорларнинг моддий мукофотланишида, маънавий обрўсида ва хизмат мавқеида муқаррар равишда акс этадиган бўлса, у ҳолда яхши ишчанлик муҳити қарор топади, унинг асосида эса коллективда меҳнат кўтаринкилиги юзага келади.

Ҳамма жойда мана шундай муҳитни барқарор қилиш учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати партия XXVII съезди қарорларига мувофиқ меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантириш, халқ хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан конкрет тадбирларни ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Масалан, 1986 йил мартда КПСС МК ва СССР Министрлар Советининг «Мамлакат агросаноат комплексида хўжалик юритишнинг иқтисодий механизмини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Бу қарор прогрессив нормативлар асосида планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги методларини кенг жорий этишни, хўжалик вазифаларини ҳал этишда колхозлар, совхозлар, агросаноат корхоналари ва ташкилотларининг ҳуқуқларини кенгайтиришни, меҳнат коллективлари ва барча бошқарув бўғинларининг пировард маҳсулот олишдан манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтиришни ҳамда бошқа муҳим тадбирларни кўзда тутади.

Қарорда меҳнатни ташкил этишнинг пудрат формасини ёйиш зарурлиги хаҳ кўрсатилган бўлиб, унда меҳнатни баҳолаш ва унга ҳақ тўлаш пировард натижага қараб амалга оширилади, ҳар бир ходимнинг ва бутун коллективнинг меҳнат унумдорлиги ўсиши учун шароит вужудга келади, бир қатор социал вазифалар ҳал этилади, шунингдек коллективизм, ўзаро ёрдам ва масъулият каби юксак маънавий хислатлар тарбияланади. Аммо ушбу прогрессив форма суст жорий қилинмоқда. Хўжалик ҳисобидаги бригадаларга бирлашган ходимлар улуши 1985 йилда мамлакат бўйича ўрта ҳисобда уларнинг мазкур тармоқлардаги умумий миқдорига нисбатан саноатда — 28,6, қурилишда — 39,8 ва қишлоқ хўжалигида эса 23 процентни ташкил этди. Ўзбекистондаги колхозлар, совхозлар ва хўжаликлараро корхоналарда экинзорларнинг атиги 60 проценти, тракторларнинг 46,5 проценти, қорамолларнинг 11,4 проценти, чўчқаларнинг 4,4 проценти, қўй ва эчкиларнинг 21,6 проценти коллектив пудратга бириктирилган.

Меҳнатни ташкил этишнинг ушбу прогрессив формаси суст жорий этилаётганлигининг асосий сабабларидан бири шуки, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун раҳбарлар на моддий ва на маънавий жавобгар эмаслар, шу туфайли уларнинг кўплари ушбу масалага етарлича эътибор бермаётирлар, бу эса меҳнат интизоми ва активликнинг бўшашиб кетишига, одамларнинг жамоат хўжалигида банд бўлиш даражаси пасайиб кетишига олиб келмоқда. Чунончи, Ўзбекистонда меҳнат ресурслари анча ўсганлигига қарамай, ходимларнинг бир совхозга тўғри келадиган ўртача йиллик сони 1969—1970 йилларда 1100 кишини, 1985 йилда эса атиги 874 кишини ташкил қилди. Шу билан бирга уларнинг меҳнат активлиги юқори эмас: кейинги 15—20 йил мобайнида ҳар бир колхозчи ёки совхоз ишчиси қишлоқ хўжалик ишлари айни қизғин пайтларда ойига ўрта ҳисобда атиги 21—22 киши-кун ишламоқда, ваҳоланки улар меҳнатининг интенсивлик даражаси маълумки, ҳали ижтимоий зарурий даражага етгани йўқ.

Одамларнинг меҳнат фаолиятини активлаштириш билан боғлиқ бўлган резервларни ишга солиш учун, бошқа чоралардан ташқари, раҳбарларнинг лавозим маошлари меҳнат ресурсларидан фойдаланишга боғлиқ қилиб қўйилиши керак. Шунингдек колхозчилар, совхозларнинг ишчилари билан хўжалик раҳбарларининг ўртача иш ҳақи ўртасига илмий асосланган коэффициентлар киритилиши лозим, бу ижтимоий тузумимиз талабларига мувофиқ бўлур эди, зеро бу жамиятда ҳар бир кишининг манфаатлари, бахт-саодати барчанинг бахт-саодати билан чамбарчас боғлиқдир.

Мамлакатимизда ишчи ва колхозчи — бош лавозимлардир. Уларнинг обрўсини янада юқори кўтариш учун ишни шундай ташкил этиш кераккн, виждонан ва ташаббус кўрсатиб ишлаш учун ҳамма шароитлар мавжуд бўлсин. Ҳозирги кунда бу ҳар бир раҳбар ва ишлаб чиқариш мутахассисининг бевосита вазифаси ва бурчи бўлмоғи керак.

Меҳнат активлигини ошириш уюшқоқлик, тартиб ва интизомни мустаҳкамлаш билан чамбарчас боғлиқдир. «Меҳнатни ташкил этиш» ва «интизом» — ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи категориялардир. Афсуски, буни ҳамма ерда эсда тутмайдилар.

Мўл-кўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун пахтакорлар қанчадан-қанча машаққатли меҳнат сарфлашлари маълум. Шундан бўлса-да, уни нест-нобуд қилмай териб олиш тўғрисидаги чақириқларга қарамай, мавсум охирида ҳосилнинг қандайдир қисми ўз вақтида териб олинмай далада қолиб кетади, бошқа бир қисми ўз вақтида кўрак чувиш машинасидан ўтказилмайди ва у ҳам нобуд бўлади. Натижада давлат халқ хўжалиги учун шу қадар керакли хом ашёни кам олади, уни етиштирган кишилар эса моддий ва маънавий зарар кўрадилар. Мана шундай «тартиб» меҳнат интизомини мустаҳкамлаши, меҳнат активлигини ошириши мумкинми?

Ваҳоланки, 50-йилларда, қудратли замонавий қишлоқ хўжалик техникаси, ҳозирги пахта териш ва кўсак териш машиналари, марказлаштирилган пахта тозалаш хўжаликлари мавжуд бўлмаган, нам пахтани колхоз ва совхозлардаги ибтидоий қуритиш цехларида қуритилган даврда етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига деярли йўл қўйилмас эди. Асосан бу шунинг учунки, интизом мустаҳкам эди, ҳар ким шахсан жавобгарлик сезарди: юқорида тилга олинган бузилишлар

учун хўжалик раҳбарлари, илгари хизматларига қарамай, вазифасидан олиб ташлашга қадар жазоланардилар. Дарвоқе, улар билан бир қаторда конкрет хўжаликларга биркитиб қўйилган район миқёсидаги раҳбарлар ҳам жавобгарликка тортилар эдилар. Шунинг учун улар қишлоқ хўжалик ишлари қизғин бораётган дамларда доимо колхозчилар, совхозларнинг ишчилари билан бирга бўлардилар.

70-йилларда ва 80-йилларнинг бошида тамоман бошқача манзара кузатилди: нафақат район миқёсидаги кўпгина раҳбарлар, балки хўжалик раҳбарлари ҳам далада ва дала шийпонида камдан-кам кўринардилар. Улар хизмат кабинетидан чиқмас, яъни асосан идоравий методлар билан раҳбарлик қилишни афзал кўрар эдилар. Область ёки райондаги юқори ташкилотлар вакилларининг хўжаликларнинг раҳбарлари ҳамроҳлигида шу хўжаликларга ташриф буюришлари эса одатда далачилик бригадалари ва фермалар яқинидаги йўлдан машинада ўтиб кетишдан иборат бўларди.

Ана шундай раҳбарлар меҳнатда муваффақиятларга эришиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлашга даъват этиш учун наҳотки маънавий ҳуқуққа эга бўлсалар? Айтмоқчи, интизомга риоя қилиш раҳбарлар учун ҳам, оддий ходимлар учун ҳам бир хил бўлиши керак, деган гапга қўшилиш қийин. Коммунист раҳбарлар учун у алоҳида бўлиши керак, зеро улар меҳнатда, ижтимоий ҳаётда ва турмушда шахсан ўрнак кўрсатишлари лозим. Ўшандагина улар одамларни ўз кетларидан эргаштира ва уларнинг меҳнат активлигини юксалтира оладилар.

КПСС XXVII съезди минбаридан ҳам шу тўғрида гапирилди. Партия ҳамма босқичдаги раҳбарларни ўзларини қатъиян қайта қуришга, кабинетбоп, идоравий иш услубини тугатишга, унинг янги формалари ва усулларини излашга, одамларга қулоқ солишни ва улар билан маслаҳатлашишни ўрганишга, эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб кетмасликка даъват этмоқда. Дабдабабозлик ва бепарволикни батамом йўқотиш, ишчанликни, одамларга эътиборли бўлишни, лавозимли шахсларнинг ишида ошкораликни барқарор қилиш — инсон омилини активлаштиришнинг, иш сифатини оширишнинг муҳим шартидир. Партиямиз раҳбарлари одамлар билан бевосита улар ишлайдиган жойларда ва истиқоматгоҳларда мулоқотда бўлишда шахсан намуна кўрсатмоқдалар. КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ленинградда, Тюменда, Томскда, Днепропетровскда, Киевда, Тольяттида, Узоқ Шарқ районларида, Краснодар ўлкасида, Болтиқбўйи республикаларида бўлган чоғида ишчилар, колхозчилар, интеллигенция вакиллари билан уларнинг иш ва турмуш шароитлари тўғрисида қилган суҳбатлари совет кишиларининг меҳнат ва жамоатчилик фаолиятини активлаштиришга жуда катта таъсир кўрсатмоқда.

Ижтимоий ишлаб чиқариш илғор техника ва технология билан тобора кўпроқ таъминланаётган, меҳнатни кооперациялаш чуқурлашиб бораётган ҳозирги шароитда меҳнат интизомининг роли ошмоқда. Интизомнинг замонавий машина ва ускуналарнинг бекор туриб қолишига олиб келадиган бузилишлари жамиятга тобора қимматга тушади. Меҳнат интизомини мустаҳкамлаш ва уюшқоқлик — ишлаб чиқариш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш демакдир, бу эса социализмнинг ҳаётий манфаатлари ва принципларига тўғри келади. В. И. Ленин интизомни мустаҳкамлаш учун ишонтириш билан бир қаторда мажбур қилиш методини ҳам қўлланишни таклиф этганлиги бежиз эмас. Лениннинг ушбу фикри ҳозирги шароитда ҳам актуаллигини КПСС XXVII съезди тасдиқлади. Съезд социалистик қурилишнинг меҳнат анъаналарини мустаҳкамлаш, онгли интизомни барқарор қилиш, кишиларда сидқидиллиликни, ижодий дадилликни, коллективизмни шакллантириш ва ривожлантириш зарурлигини кўрсатиш билан бирга шуни қайд қилдики, меҳнат интизоми фақат рағбатлантириш ва ишонтириш йўли билан эмас, балки моддий ва маънавий неъматлардан маҳрум этиш йўли билан, меҳнат интизомини бузувчиларга уларнинг вазифаларини эслатиш билангина эмас, балки мажбур этиш йўли билан ҳам мустаҳкамланиши керак.

Меҳнат активлиги ва меҳнат сифатининг ўсиши ходимларнинг ўз амалий ташаббусларини юзага чиқара олиш имкониятларига жуда ҳам боғлиқдир. Партия ҳар қандай фаолият соҳасида меҳнат новаторларини актив қўллаб-қувватлашга, улар тажрибасини ёйишга даъват этмоқда. Бу эса бюрократизмга,

бепарволикка, маҳаллийчиликка, идоравий нуқтаи назардан ёндашишга, ташаббусни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи эскирган қоида ва инструкцияларга, социализм принципларига тўғри келмайдиган ҳамма нарсаларга қарши кескин кураш олиб бориш билан бевосита боғлиқдир.

Бюрократизм, қўпол маъмуриятчилик, хушомадгўйлик томир ёйган жойда ҳақиқий ташаббус, меҳнат ва ижтимоий активлик бўлмайди, лекин ўйлаб чиқарилган ташаббуслар намоён бўлади, ясама илғорлар учун алоҳида шароитлар яратиб берилади. Афсуски, яқин ўтмишда жамиятимизда, шу жумладан республикамизда ана шундай салбий ҳодисалар ғоят кенг тарқалган эди. Буларнинг ҳаммаси одамларни тарбиялашга, шубҳасиз, салбий таъсир кўрсатди, маънавий негизларга путур етказди, адолатга ишонмасликни, бепарволикни, сиёсий ва меҳнатда пассивликни келтириб чиқарди.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида меҳнат фаолиятини моддий ва маънавий рағбатлантиришни моҳирона қўшиб олиб бориш тўғрисида гапирилади. Совет кишиларининг моддий фаровонлиги анча юксалган ҳозирги шароитда социал ва маънавий омилларнинг аҳамияти тобора ошмоқда. Бу эса меҳнат натижалари билан моддий неъматлар ва хизматларни тақсимлаш ўртасидаги боғланишни кучайтиришни талаб этади.

Бизда ҳар қандай иш ижтимоий аҳамиятга эга. Ишчининг, колхозчининг, врач, педагог, инженер, олимнинг меҳнати — умумлашган ижтимоий меҳнатнинг ўзаро боғлиқ ва ўзаро таъсир этувчи қисмларидир. Халқ хўжалигининг ҳамма жабҳаларида меҳнат фаолиятини активлаштириш, виждонан ва энг кўп самара бериб ишлаётган кишилар сафларини кўпайтириш — ижтимоий меҳнат сифатини оширишнинг, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш йўлини амалга оширишнинг асосий шартларидан биридир.

Шаҳар ва район партия комитетлари қайта қуриш йўлларида

ТАРБИЯВИЙ ИШГА КОМПЛЕКС ЁНДАШУВ

Н. САВЧЕНКО,

Ўзбекистон Компартияси Чирчиқ шаҳар комитетининг секретари

КПСС XXVII СЪЕЗДИ, унинг Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми талаб қилганидек, партиявий ишни дадил ва фаол қайта қуриш — ҳар бир партия комитети, унинг аппарати, сайланиб қўйиладиган активининг бурчидир. Бунинг учун эса анча куч-ғайрат, кадрлар тафаккурида ўзгаришлар ясаш, эскириб қолган схемалар ва андозалардан воз кечиш, янгича яшаш ва ҳаракат қилиш зарурлигини тўла-тўкис англаб олиш керак. Ишчанлик ва реализм, ижтимоий жараёнларни теран идрок этиш, турли социал группалар ва айрим шахслар манфаатларини аниқ ҳисобга олиш, энг яхши тажрибадан фаол фойдаланиш ва янги ечимларни тинимсиз излаш, пухта кадрлар сиёсати юритиш, тарбиявий ишга комплекс ёндашув, конкрет инсонни партия ташкилотларининг диққат марказига қўйиш — бугунги кунда ғоявий-тарбиявий ишни қайта қуришнинг, шу жумладан бизнинг Чирчиқ шаҳар партия ташкилотимизда ҳам қайта қуришнинг асосий йўналишлари ана шундай.

Марксча-ленинча таълим ғоявий-сиёсий таъсир қилишнинг, демак ижтимоий психологияни ҳам қайта қуришнинг, одамлар ақл-шуурида, кайфиятларида ўзгариш ясашнинг энг муҳим воситасидир. КПСС XXVII съездининг, КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленуми материалларини пропаганда қилишда партия раҳбарлик ролининг ошиб бориши масалалари, унинг назарияси ва сиёсатининг ижодий характери, партия ташкилотлари ишини мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш шароитида кўрсатиш биринчи ўринга чиқарилди.

Биз партия ўқуви системасидаги экспериментни ниҳоясига етказдик, бу Ўзбекистон Компартияси МК қарорига мувофиқ икки йил давомида Чирчиқ, Коммунистик ва Тошкент районлари партия ташкилотларида ўтказилган эди. Бундан мақсад расмиятчиликка барҳам бериш ва шу асосда коммунистлар, активистларга революцион таълимотни, КПСС сиёсатини чуқурроқ ўзлаштиришларига ёрдамлашиш, уларда ленинча, коммунистчасига ишлаш, яшаш ва курашиш маҳоратини сабот билан ривожлантиришдан иборат эди. Бошланғич партия ташкилотларига ўқув формаларини танлаш, ўқув плани мундарижасига тузатишлар киритиш ҳуқуқи берилгани принципиал аҳамиятга молик бўлди. Натижада улар партия ўқувининг кўп бўғинли системасидан холи бўлишди. Барча меҳнат коллективларида марксизм-ленинизм асослари мактаблари ташкил этилди, тингловчилар бу мактабларда «В. И. Ленин, КПСС социализм ва коммунизм қурилиши тўғрисида» курсини ўргандилар. Халқ маорифи ходимлари учун илмий коммунизм мактаблари ишлаб турди, унда «Фан-техника тараққиёти ва умумий таълим ҳамда ҳунар мактаби ислоҳотининг амалга оширилиши» курси ўрганилди. Раҳбар ходимлар шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетида таълим олишди.

Партия ташкилотларининг секретарлари, пропагандистлар, шаҳар партия комитети аппарати ходимларининг фикрича, эксперимент муваффақиятли бўлди. Бундай ишга муайян мақсадга қаратилганлик, конкретлик, адреснинг аниқ

бўлиши хосдир. Сифат яхшиланди, ўқувнинг амалий жиҳати анча такомиллашди, бу эса тингловчилар ижтимоий-сиёсий активлигининг ошишига ёрдам берди. Бугунги кунда уларнинг ҳар бештасидан бири сиёсий ахборотчи, ҳар тўрттасидан бири — агитатордир. Ўтган ўқув йили давомида 4067 тингловчидан 1580 нафари биттадан тўрттагача амалий топшириқни бажарди. Улар партия йиғилишлари, бюро мажлисларини тайёрлашда кўпроқ қатнашадиган, уларда ишни яхшилашга доир танқидий мулоҳазалар ва таклифлар билан чиқадиган бўлиб қолдилар.

«Чирчиқсельмаш» заводи, тикувчилик ва пойабзал фабрикаларида ўтказилган иқтисодий таълим соҳасидаги эксперимент ҳам фойдали бўлди. Бу ерда социалистик экономика мактаблари ишлаб турди, унинг программаси мазкур коллективнинг конкрет ишлаб чиқариш топшириқлари билан яқиндан боғланган проблемаларни ўрганишни кўзда тутди. Машғулотлар тингловчиларни ана шу проблемаларни ҳал этиш йўлларини излашга, айрим меҳнат операциялари технологиясини такомиллаштиришга, рационализаторлик ва ихтирочиликда кенгроқ қатнашишга рағбатлантирди.

Ҳозирги ўқув йилида эксперимент жараёнида синалган структура партия ўқуви системасида сақланиб қолди. 201 марксизм-ленинизм асослари мактаблари ишлаб турибди, буларда 5129 тингловчи «Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» икки йиллик ўқув курсини ўрганадилар. Шаҳар партия комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм университетида хўжалик раҳбарлари, партия қурилиши, экономика, илмий атеизм, халқаро муносабатлар бўлимларида 412 киши таълим олмоқда.

Қайта қуриш ҳар бир пропагандист воқеаларга синфий, партиявий баҳо беришга қодир идеология жангчиси бўлишини, одамларнинг диққат-эътиборини меҳнат коллективлари ҳал этаётган асосий вазифаларга жалб қилишини талаб этади. Шаҳар пропагандистлари тингловчиларнинг социалистик мажбуриятларни ҳимоя қилишларини ташкил этди, саноат ва қурилишда икки ва уч сменали иш режимига ўтиш учун, бригада пудратини жорий этиш учун маънавий жавобгарликни зиммаларига олди.

«Чирчиқсельмаш» заводидаги марксизм-ленинизм асослари мактабларида корхонада фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, электр энергияси ва бошқа ресурсларни тежашга тингловчилар таъсирини кучайтириш юзасидан коллектив мажбурият олинди. «Электрохимпром» бирлашмасининг «Капролактам» ишлаб чиқаришидаги тингловчилар бутун маҳсулотни биринчи тақдимдаёқ давлат қабули орқали топширишга қарор қилдилар. Улар технология жараёнидаги танг жойлар кўрсатиб ўтилган, нострандарт капролактам ишлаш сабаблари айтилган машғулотлар вақтида шу қарорга келишди.

Ҳозирча узил-кесил натижалар тўғрисида гапиришга вақт эрта, лекин дастлабки силжишлар бор. Жумладан, сифати юқори категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайди, у ҳозир умумий миқдорнинг 25,6 процентини ташкил этади.

Эксперимент ўтказилиши пропагандистлар билан олиб борадиган ишимиз мазмунини яхшилашига ёрдам берди. Уларнинг бари ўрганилаётган курсга доир дарсликлар, кўргазмали қўлланмалар, шунингдек справка-информация материали, методик тавсияномалар билан таъминланди. Бу маълум даражада улар меҳнатини енгиллаштирди ва улар машғулотни ўтказиш методикасига, ўқитувнинг актив формаларидан фойдаланишга, техникавий воситаларни қўллашга кўпроқ эътибор бериш имконига эга бўлдилар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, «Электрохимпром» ва «Средазхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмалари, Давлат азот саноати институтининг Чирчиқ филиали, 2-автокорхона партия ташкилотларида ўқув айниқса яхши йўлга қўйилди. Шаҳар партия комитети ўқув йили бошланиши олдидан пропагандистлар учун қисқа муддатли (4—5 кунлик) курслар ташкил этмоқда. Уларнинг программасида — мунозаралар, шаҳар партия комитети секретарлари, шаҳар ижроия комитети раиси ва унинг ўринбосарлари, маъмурий органлар, шаҳар хўжалиги хизматлари раҳбарлари билан учрашувлар, «давра суҳбати» мажлислари, ҳужжатли кинофильмлар кўрсатиш, экскурсиялар, маданий тадбирлар бор. Шундай қилиб, пропагандистлар ўзларини қизиқтирган ҳамма саволларга жавоб олишлари,

марксча-ленинча таълимни янада такомиллаштиришга доир ўз истакларини айтишлари мумкин.

Меҳнаткашларнинг сиёсий ўқувига партиявий раҳбарлик, уни назорат қилиш формалари бойиди. Бу масалалар шаҳар партия комитети бюроси, пропаганда ва агитация бўлими, марксча-ленинча таълим бўйича шаҳар методика кенгаши мажлисларида мунтазам муҳокама этилади.

Лекин, эришилган муваффақиятларни таҳлил этиб, шуни очиқ тан олиш керакки, меҳнаткашлар сиёсий ўқувидаги расмиятчиликни биз ҳали бутунлай тугатолганимиз йўқ. Бундан буён ҳам коммунистларнинг марксизм-ленинизм классиклари асарларини, партия ҳужжатларини чуқур ўрганишларига катта эътибор бериш, пропагандистларга яхшироқ ёрдамлашиш, энг мураккаб масалаларни тушунтириш, конкрет вазиятларни жойнинг ўзида аниқлаштириш лозим бўлади. Шаҳар ва бошқа партия комитетлари секретарларининг, корхоналар раҳбарларининг пропагандистлар билан учрашувларини, шаҳар методика кенгашининг сайёр мажлисларини бевосита ташкилотларда тез-тез ўтказиб туриш, тингловчилар билан якка тартибдаги ишга доир тавсияномаларни тайёрлаш зарур.

Идеология, оммавий-сиёсий фаолият соҳасида бугун унинг форма, воситалари ва методларининг бутун арсенали янгиланмоқда. Лекция пропагандасида, масалан, қайта қуриш қандай бормоқда? Бунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети тасдиқлаган ҳозирги талабларга жавоб берадиган бошқариш структураси ва системаси жорий этилмоқда. Меҳнат коллективлари, ўқув юртларида, аҳолининг яшаш ва дам олиш жойларида лекция аудиторияси паспортлаштирилди, шунингдек лекторлар аттестация қилинди. Лекторларнинг қарийб ярмиси коммунистлардир. Яна саккиз халқ университети, шу жумладан оила ва турмуш, фан-техника тараққиёти, илмий атеизм, маданият, юқори синфдагилар учун ҳуқуқ билимлари масалалари юзасидан университетлар очилди. Саломатлик халқ университетида энди «Алкоголь — бизнинг душманимиз» деган янги факультет иш кўрмоқда. Шаҳарда жами 30 халқ университети ишламоқда.

Лекция пропагандасининг мазмуни ўзгарди. У аниқроқ амалий йўналиш касб этди, янги, илғор жиҳатларга қаратилди. Лекин барибир у ҳали ҳам халқимиз олдида турган асосий вазифа — фан-техника тараққиёти ютуқлари негизида социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш билан суст боғланган. Кўпгина партия ташкилотларимиз иқтисодий, сиёсий, социал вазифаларни ҳал этишда, меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда инсон омилини активлаштиришнинг таъсирчан воситаси бўлган лекция пропагандасига етарлича баҳо бермаётирлар. Мазкур соҳага бундай ёндашувни ўзгартириш учун шаҳар партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг бу ишдаги масъулиятини оширишга қаратилган бир қатор тадбирлар белгилади.

Ёшлар аудиторияси учун лекция пропагандасини қайта қуришга айниқса кўп куч-ғайрат сарфлаш лозим бўлади. Зеро ҳозир шаҳарда салкам 20 минг ишловчи ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган 9,5 минг йигит ва қизлар бор. Бу соҳада проблемалар талайгина. Масалан, планлаштиришда аниқлик йўқ. Лекторлар активи қаримоқда. Масалан, «Билим» жамиятининг шаҳар ташкилотида ёшлар атиги 6 процентни ташкил этади. Биз «Билим» жамияти бошланғич ташкилотининг ҳар бир раиси коммунист бўлишига ҳаракат қиляпмиз. Лекторлар активининг ўқиши системали тус олиши керак.

Оммавий-сиёсий ишда баъзи ижодий ўзгаришлар юз берди. Ҳамма ерда ягона сиёсий кунлар тан олинди, бунда шаҳар меҳнаткашлари ишлаб чиқариш ва социал характердаги ҳаётий зарур проблемаларни кўтариб чиқмоқдалар. Жорий масалалар одатда қисқа муддат ичида ҳал этилади ва бу тўғрида «Социалистический Чирчик» шаҳар газетаси саҳифаларида «Ягона сиёсий кун, унинг таъсирчанлиги» рубрикаси остида хабар қилиб борилади. Истиқболга доир масалалар эса шаҳарнинг, корхоналарнинг иқтисодий ва социал ривожланиши планларига киритилади.

Ягона сиёсий кунларни ўтказишга ёндашувдаги сифат ўзгаришлари тўғрисида айтмасдан бўлмайди. Агар илгари мумкин қадар кўпроқ одам тўплаш тўғрисида қайғурган бўлсак, эндиликда кишиларни тўлқинлантираётган мавзулар тўғрисидаги суҳбатларнинг жонли, ошкора, манфаатдорлик билан самимий ўтиши

учун учрашувларни цехлар, бригадалар, сменалар, агитация майдончаларида ўтказяпмиз.

Шуни таъкидлаш керакки, икки йил муқаддам ҳар бир сиёсий кунда 400 дан ортиқ савол берилган бўлса, ҳозир саволлар 150 дан ошмайди. Айтилган таклифлар ва танқидий мулоҳазаларни рўёбга чиқариш жараёнида саноат, қурилишда меҳнат шароити яхшиланди, шаҳар кўчалари ва микрорайонлари ободонлаштирилди. Меҳнаткашлар болалар майдончалари, «Эртак», «Акмал» қаҳвахонаси, «Мулоқот» ва «Гулнора» ёшлар қаҳвахонаси, тўрт кафетерий, «Ором» кўли ва бошқа маиший ҳамда маданий объектлар уларнинг истаклари билан қурилганлигини яхши биладилар.

Ягона сиёсий кунларни такомиллаштиришда анча иш қилинди. Лекин шаҳар партия комитети уларнинг таъсирчанлигини ошириш: автобуслар маршрутдан четга юрмаслиги, совуқ ва иссиқ сув узлуксиз бериб турилиши, умумий овқатланишда сифат кўрсаткичлари яхшиланиши, совет қонунлари бузилмаслиги учун келгусида кўп иш қилиши лозим бўлади.

Бугунги кунда одамлар билан ишлашда ленинча принциплардан ҳар қандай чекинишларга тоқат қилиб бўлмайди. Шаҳар партия комитети идеология фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадларида унга барча даражадаги раҳбарларни, аввало хўжалик раҳбарлари, халқ хўжалиги мутахассисларини жалб этишга интилмоқда.

Идеология планеркалари деб аталган идеология масалалари бўйича кенгашлар яхши баҳо олди. Бундай кенгашларни шаҳардаги бирлашмалар, корхоналар, ташкилотларнинг маъмурияти ўтказмоқда. Бу тадбирлар плани бир йилга мўлжаллаб тузилади. Планеркалар ойда бир марта белгиланган кунда директор раислигида ўтказилади. Унда партком (бюро) секретари, касаба союз комитети раиси, комсомол комитети секретари, цех ва бўлимларнинг бошлиқлари, цех партия ташкилотлари секретарлари, бошқа жамоат ташкилотларининг вакиллари қатнашадилар. Улар ғоявий-тарбиявий иш, социалистик мусобақа, истиқомат жойларида меҳнаткашларни коммунистик тарбиялашда инженер-техник ходимларнинг иштироки ва бошқа масалалар юзасидан цехлар, бўлимлар, хизматлар бошлиқларининг, бошқа хўжалик раҳбарларининг ҳисоботлари, ахборотларини эшитадилар.

Шуни айтиш керакки, бу кенгашлар меҳнат коллективларидаги маънавий-психологик иқлимга баракали таъсир кўрсатди, социалистик мусобақа яхшиланди, ошкоралилик мустаҳкамланди. Шаҳарликлар бўш вақтларидан оқилона фойдаланадиган бўлдилар. Ахлоқ қоидаларига хилоф ишлар, жиноятлар сони камайиб бормоқда.

Кейинги вақтларда идеология планеркаларида меҳнат коллективлари ҳаётининг турли жиҳатларига оид масалалар тобора кўпроқ муҳокама қилинмоқда: «Средазхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Ёшлар билан ишлашга комплекс ёндашув», 160-қурилиш трестида — «Соғлом турмуш тарзи учун», Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида — «4-, 8-цехларда, контрол-ўлчов приборлари цехида касалликни камайтириш иши тажрибаси тўғрисида» мавзулари муҳокама қилинди. Амалий оперативка ўтказиш расм бўлмоқда, буларда меҳнаткашларнинг дам олишини ташкил этиш, физкультура ва спортни, бадиий ҳаваскорликни ривожлантириш ва шу каби меҳнат коллективларида тарбиявий ишни такомиллаштириш проблемалари муҳокама қилинмоқда.

Бироқ, шаҳар партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари транспорт, маиший хизмат, савдо корхоналарида идеология планеркаларини системали тарзда ўтказишга ҳали эришганларича йўқ. Ҳолбуки бу ерда кишиларни тарбиялашда раҳбарлар иштироки айниқса муҳимдир. Улар ўз итоатларидаги кишиларга аввало профессионал хислатлари, уларни тўғри йўлга сола билиши, улар меҳнатини ташкил эта олиши билан таъсир кўрсатишлари керак. «Биринчи шахс»нинг шахсий намунаси жуда катта аҳамиятга эга. Шу сабабли шаҳар партия комитети раҳбарлар психологиясини, тафаккурини, фаолият услубини қайта қуриш борасида улар билан якка тартибда астойдил иш олиб бормоқдалар.

Маълумки, меҳнат коллективи шахсга таъсир қилишнинг жуда катта имкониятларига эга. Қонкрет иқтисодий ва социал вазифаларни ҳал этиш,

гражданларни тарбиялаш, ҳар бир меҳнатчининг маънавий соғломлиги учун масъулият аввало унга юкланади. Ўтган йили шаҳар партия комитети «Меҳнат коллективи — ғоявий-тарбиявий ишнинг маркази» деган темада илмий-амалий конференция ўтказди. Бундай тадбирлар бизда илгари ҳам бўлган эди. Лекин бу сафар уни тайёрлаш, ўтказишда, тавсияномалар ишлаб чиқишда хўжалик раҳбарлари кенг иштирок этишди. Масалан, «Чирчиксельмаш» заводи директори В. А. Беляев корхонада ишлаб чиқилган ишчи меҳнатини баҳолашнинг комплекс системаси тўғрисида гапириб берди, бу маҳсулот сифатини оширишга, интизомни яхшилашга, иш жойини яхши ҳолатда сақлашга, планлар ва социалистик мажбуриятларни бажаришга, ишлаб чиқарувчилар малакасини ўстиришга ёрдам беради. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати директорининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Т. С. Худойбердиев раҳбарлар фаолиятида хўжалик ва тарбиявий функцияларнинг бирлиги тўғрисида гапириб берди. «Средазхиммаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг янги маросимларни жорий этиш, ахлоқий ва атеистик тарбия соҳасидаги иши корхона директори О. А. Вартеванян докладида ёритилди. Конференция меҳнат коллективида планлаштириш ҳамда ғоявий-тарбиявий фаолият системасини яратиш, социалистик мусобақанинг тарбиявий ролини ошириш ва бошқа масалалар юзасидан тавсияномалар ишлаб чиқди.

Ҳарбий-ватанпарварлик тарбиясига бағишланган конференция, сўнгра эса меҳнаткашларни ҳамда шаҳардаги ўқувчи ёшларни интернационал тарбиялашга доир илмий-амалий конференция ҳам пухта тайёрланди. Илмий-амалий конференцияни тайёрлашда шаҳар партия комитети учта бўлимининг ходимлари, кенг жамоатчилик, Тошкент олий партия мактаби олимлари қатнашдилар, меҳнат коллективларидаги социал иқтисодий проблемалар, меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини ривожлантириш юзасидан социологик тадқиқотлар ўтказилди, шаҳардаги партия ташкилотларида интернационал тарбиянинг аҳволини ўрганиш ҳамда улар қўлга киритган энг яхши нарсаларни танлаб олиш учун шаҳар партия комитети аппарати ходимларига эслатма тайёрланди.

Шаҳар партия комитетининг 1987 йилги планларида яна бир конференция ўтказиш белгиланган. У идеология активи мактаби тингловчилари билан «Якка тартибдаги тарбиявий иш — социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун курашда инсон омилини активлаштиришнинг энг муҳим шарти» темасида ўтказилади.

Қайта қуриш натижалари инсоннинг турмуши, саломатлиги, жамоат ишларига ижобий таъсир кўрсатганида киши уларни тўлиқроқ ҳис қилади. Шунинг учун биз истиқомат жойларидаги ишни такомиллаштиришга, социал вазифаларни ҳал этишга партиявий таъсирни кучайтиришга катта аҳамият бермоқдамиз. Бу масалалар шаҳарни иқтисодий ва социал ривожлантириш перспектив планига киритилган бўлиб, уларнинг бажарилиши шаҳар партия комитети пленумларида, бюро мажлисларида муҳокама қилиб борилади. Ҳозир бизда аҳолининг ҳамма категориялари: мактабгача ёшдаги болалар, ўқувчилар, ишлаётган ва олий мактаб, техникумларда ўқиётган ёшлар, бошқа меҳнаткашлар, хотин-қизлар, пенсионерлар ва уй бекаларини ҳисобга оладиган иш системаси таркиб топган. Шаҳримизда 160 минг аҳоли яшайди, улар 72 миллат вакилларидир. Бизда 13 тураржой микрорайонлари, 60 маҳалла комитети бор. Шаҳарда 7 та уй-жойдан фойдаланиш бошқармаси ва 392 уй комитети мавжуд. Истиқомат жойларидаги бутун ишни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари бошчилик қилаётган махсус шаҳар Совети бошқариб ва мувофиқлаштириб туради. Шаҳар Советига микрорайонларнинг советлари бўйсунади. Уларнинг ҳар бирида тўрт секция: оммавий-тарбиявий иш, болалар ва ўсмирлар билан ишлаш, иқтисодий ва социал ривожланиш комплекс планини рўёбга чиқариш секцияси, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқни бузиш профилактикаси бўйича жамоатчилик ва милициянинг таянч пункти бор. Ижроия комитет қарори билан микрорайонга кирадиган корхоналар, муассасалар рўйхати тасдиқланган, чегаралар белгиланган, хариталар тузилган. Микрорайонлар советларига коммунистлар — бош корхоналар директорлари бошчилик қилишади, ана шу корхоналарнинг партия ташкилотлари партиявий раҳбарликни амалга оширишади.

Масалан, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг директори — КПСС XXVI ва XXVII съездларининг делегати. Ўзбекистон Компартияси МК аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати П. С. Мақсудов Металлургия микрорайони советининг раисидир. У навбатдаги тадбирлар ўтказилаётган уйларнинг ҳовлиларига тез-тез бориб туради, тарбиявий ишларга яхши шароит яратиш учун кўп иш қилади. Микрорайонда «Сплав» спорт комплекси (бу 20 минг ўринли стадион, волейбол, баскетбол майдончаси, бассейн), Металлурглар саройи, қишки ва ёзги кинозаллар, болалар ва катталар учун кутубхоналар бор. Қизиқишлар бўйича клублар: ўсмирлар учун — «Факел», ёшлар ётоқхонасида — «Спутник», «Октябрь» маҳалласида — «Аёллар даврасн», шунингдек «Ветеран», «Ёш атеист», «Дугона» ва бошқа клублар ташкил этилган. Бу аҳолининг ҳамма категориялари билан кўп қиррали иш олиб бориш имконини беради. Ҳозир микрорайонда вояга етмаганлар ўртасида жиноятлар йўқ, умуман ҳуқуқни бузиш ҳоллари 13 процент камайди, ичкиликбозлар анча озайди.

Лекин бу ерда ҳам ҳал этилмаган проблемалар талайгина. Масалан, «Факел» клубининг биноси кичкина бўлиб кўпи билан 250 болани сиғдиради, ҳолбуки микрорайонда 600 бола бор. Бундай аҳвол бутун шаҳарга хосдир.

Бизни болаларда юксак маънавий-ахлоқий хислатларни, ватанпарварлик ва интернационализм, меҳнатсеварлик, бойлик орттириш психологиясидан нафратланиш туйғуларини шакллантириш учун оиланинг тарбиявий ролини, ота-оналарнинг масъулиятини ошириш масаласи айниқса тўлқинлантирмоқда. Буларни ҳал этиш йўлларини изламоқдамиз. Шу мақсадда бу йил Химзавод микрорайонидаги 8, 10, 15, 24-мактаблар ва 36-СПТУда социал-педагогик комплекслар барпо қилинмоқда. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бу комплексларнинг базавий корхонасидир. Комплексларнинг вазифалари хилма-хил: микрорайонни ободонлаштириш ишлари учун мактаб отрядлари ташкил этиш, «бебош» болалар ўқувини назорат қилиб бориш, уларга ёрдам бериш ва педагогларнинг умумий таълимини ўтказиш шулар жумласидандир.

Ахборот-сиёсий марказлар фаолияти қайтадан кўриб чиқиляпти, микрорайонларда хотин-қизлар советлари сайланди.

Бир микрорайонда жойлашган заводлар, ташкилотлар, ўқув юртларининг истиқомат жойларида олиб борадиган ишларида ҳали пухта ҳамжиҳатлик йўқ. Чунончи,1986 йил март ойида шаҳар партия комитети бюросида ўз микрорайонида бош корхона ҳисобланган ва жамоатчилик куч-ғайратини мувофиқлаштириши лозим бўлган «Трансформатор» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилоти шаънига жиддий таъналар айтилди.

Биз истиқомат жойларидаги ишнинг камчиликларини таҳлил этиб, у ҳам системали, комплекс бўлиши керак деган хулосага келдик. Бунинг учун эса одамлар яшайдиган микрорайонларни планлаштириш ва қуриш вақтида қизиқишлар бўйича, техника ва ҳаваскорлик бадиий ижод юзасидан машғулотлар ўтказиш учун типовой бинолар, болалар спорт майдончалари, агитация майдончалари, ўсмирлар клублари бўлишини кўзда тутиш зарур. Ҳозирча бу объектлар одатда бўшаб қолган ярим ер тўла биноларда жойлаштирилмоқда.

Шаҳарда маданий-спорт комплекслари барпо қилиш меҳнаткашлар дам олишини муайян мақсадни кўзлаб ташкил этиш имконини берди. Ойида икки дафъа парклар, майдонлар, микрорайонларда дам олиш кунлари, кўча байрамлари, оммавий халқ сайллари ўтказилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, клуб муассасалари ва спорт иншоотларидан фойдаланишни яхшилашда раҳбарларнинг қатнашиши жуда муҳимдир. Биз уларни жисмоний тарбияга кенгроқ жалб этишга қарор қилдик. Токи, улар ўз саломатликларини мустаҳкамласинлар ва спорт учун лозимича моддий база яратиш иши билан астойдил шуғуллансинлар. «Сплав» спорт базасида раҳбарлар учун ҳар ойнинг биринчи шанбаси соат 10 дан 16 гача бўлган вақтни ягона саломатлик куни деб белгиладик.

Биз Ўзбекистон ССРдаги болалар, ўқувчи ёшлар, студентлар ва меҳнаткашлар орасидаги оммавий-сиёсий иш, техника ижодиёти, жисмоний тайёргарлик аҳволининг комплекс кўригини ўтказишга киришдик, кўрик шартларини Ўзбекистон Компартияси МК ишлаб чиққан. Бу нарса бизда бутун мавжуд моддий базани ишга солишимизга, халқ техника ижодиёти потенциалини бирлаштиришга ҳамда

уни ишлаб чиқаришни интенсивлашга қаратишга ёрдам беради, рационализаторлик ва ихтирочиликни активлаштиришга, илғор меҳнат методларини ўз вақтида ва кенг ёйишга, бадиий ҳаваскорликни ривожлантиришга, истеъдодли ижодкор ёшларни аниқлаш ва тарбиялаш имконини беради.

Ўзбекистон Қомпартияси МҚ III пленумида (1986 йил октябрь) идеология кадрлари билан ишлашни яхшилашга катта эътибор берилди. Бу соҳада биз партиянинг ўқитиб-ўргатиш ва қаттиқ жавобгарлик, талабчанликни ошириш бош принципига амал қиламиз. Ҳар йили шаҳардаги идеология кадрларининг ғоявий-назарий ва методик ўқуви комплекс планини ишлаб чиқамиз.

Биз хўжалик раҳбарлари тарбиявий потенциали ҳамда уни тўлароқ рўёбга чиқариш имкониятларини аниқлашга, илғор тажрибани ўрганиш ва жорий этишга, идеология кадрлари билан ишлаш форма ва методларини такомиллаштиришга, сўз билан ишнинг бирлигини қарор топтиришга катта эътибор бермоқдамиз. Албатта, буларнинг бари бошланғич партия ташкилотлари билан яқин ҳамкорликда, уларнинг ҳар томонлама мадади билан амалга оширилиши мумкин. Эндиликда бизда кенгашлар, мажлислар кам ўтказилмоқда, қабул қилинаётган қарорлар ва бошланғич партия ташкилотларидан келиб турадиган ахборотлар сони камайди, иш планлари конкретроқ бўлиб қолди, шаҳар партия комитети аппаратининг ходимлари жойларга мунтазам бориб турибдилар. Илгари бўлганидек, расмиятчилик ва тадбирбозликдан холи бўлган партия ва совет ходимларининг корхоналар ва истиқомат жойларида одамлар билан учрашувлари таомилга кирмоқда. Шаҳар комитети барча бўлимларининг инструкторлари сиёсий докладчилар бўлиб, ягона сиёсий кунларни ўтказишда қатнашмоқдалар, графикка мувофиқ партия ўқуви ва меҳнаткашларга иқтисодий билим бериш системасидаги машғулотларга қатнашмоқдалар. Бўлимларнинг жойларда амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан сайёр мажлислари ўтказиб турилибди.

Биз шаҳар партия комитети пленумларига тайёргарлик кўришда жамоатчилик фикрини ўрганадиган бўлдик. Масалан, «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида идеология, сиёсий-тарбиявий ишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги масала муҳокама қилинган пленум олдидан «Социалистический Чирчик» шаҳар газетасида газетхонлардан корхонадаги меҳнат интизомининг аҳволи тўғрисида ва ичкиликбозликка барҳам бериш, совет турмуш тарзини қарор топтириш, истиқомат жойларидаги ишни яхшилаш тўғрисида ҳикоя қилиб бериш сўралган анкета эълон қилинди. Шаҳар партия комитети идеология фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ҳаққоний танқид ва яхши таклифлар қилинган 120 дан кўпроқ хат олди. Пленумдаги докладни тайёрлашда ва қарорни тузиб чиқишда ана шу хатлардан фойдаланилди.

Биз қилинган ишларимиз қайта қуришдан иборат катта ишнинг фақат бошланиши эканлигини яхши биламиз. Ҳаётнинг реал проблемаларини чуқур ўрганиш, сафсатабозлик ва насиҳатгўйликдан қутулиш, юклатилган иш учун масъулиятни ошириш, ошкораликни кенгайтириш, идеологик, тарбиявий ишнинг таъсирини кучайтириш — бу иш муваффақиятининг гаровидир. Ўзбекистон Қомпартияси МҚнинг шу йил февраль ва мартда бўлиб ўтган IV ва V пленумлари идеология соҳасидаги кўпгина камчиликларни кўрсатиб ўтди. Пленум қарорида таъкидланадики, одамларнинг онги ва хулқ-атворига таъсир этишнинг ҳамма форма ва воситалари ҳали тўла ишга солингани йўқ, ўтмиш сарқитлари, диний кўринишлар секинлик билан тугатилмоқда, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, меҳнатсиз даромадлар, жиноятқорлик, ўғирликлар билан курашда кескинлик ва ҳужумкорлик етишмайди. Иш билан банд бўлмаган аҳолини ижтимоий ишлаб чиқаришга сабот билан жалб этиш ҳам жуда муҳим аҳамиятга моликдир. Умуман аҳолининг барча қатламлари орасидаги ғоявий-тарбиявий ишда расмиятчилик ва кампаниячиликка барҳам берилмаган. Ана шу ва бошқа кўпгина камчиликлар у ёки бу даражада бизнинг шаҳар партия комитетимиз фаолияти учун ҳам характерлидир. Биз КПСС XXVII съезди, меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқуви системасини, қайта қуришнинг Асосий йўналишлари қўйган вазифалар ҳаётимиз воқелигига айланиши учун бу камчиликларга қатъият ва изчиллик билан барҳам берамиз.

ЎЗБЕКИСТОН АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ПРОБЛЕМАЛАРИ

Редакцияга хат ва мақолалар кетма-кет келиб турибди, уларнинг авторлари иқтисод фанлари кандидати Д. Зокирхўжаевнинг «Ўзбекистон агросаноат комплексини бошқаришнинг такомиллаштирилиши» мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 11) кўтарилган масалаларга доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдиряптилар, шунингдек республика агросаноат комплекси фаолиятини такомиллаштиришнинг бошқа проблемаларини қараб чиқяптилар. Улардан баъзиларини эълон қиляпмиз.

Агросаноат комплексини бошқариш республика олий мактабининг доценти Л. Б. МИРҲАЙДАРОВ:

— Мамлакат халқ хўжалигининг интенсив иш методларига ўтказилиши бошқариш ва хўжалик юритиш механизми органларини ҳар томонлама ташкилий қайта қуришни талаб этди. Жумладан, аграр секторда бир қатор министрлик ва идоралар негизида агросаноат давлат комитети ташкил этилди, қурилиш ва баъзи бир бошқа тармоқлар бошқарилишида қайта қуриш юз берди, хўжалик юритишнинг иқтисодий методлари ҳам ўзгарди. Лекин, модомики бошқариш органларини, иш методлари ва услубини қайта қуриш динамик жараён экан, табиийки илгаридан амал қилиб келган ва янги киритилган формаларнинг камкўсти тузатилади, уларга сайқал берилади.

Д. Зокирхўжаев ўз мақоласида республикада амалга оширилган ишларга қўшимча равишда бир қатор ташкилий қайта қуришларни, жумладан, Ўзбекистон ССР Ўрмон хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитети бўлинмаларининг, Республика мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги эксплуатация қисмини Ўзбекистон ССР Агросаноат давлат комитети ягона раҳбарлиги остида бирлаштиришни, шунингдек, Ўзбекистон ССР Госснаби ва Ўзбекбирлашувнинг қишлоқ хўжалигини таъминлаш соҳасида бир-бирини такрорловчи функцияларини Госагропромга бериш орқали таъминот операцияларини тартибга солишни таклиф этади.

Баъзи бир таклифлар — Минводхоз эксплуатация қисмининг Госагропромга берилиши, ана шу министрлик қурилиш бўлинмаси ва Ўзбекистон ССР Госкомводстрой базасида сув хўжалиги қурилиши министрлигини ташкил этиш ҳақидаги таклифлар — бизнингча, эътиборга лойиқдир. Шу сабабдики, биринчидан, суғориладиган деҳқончилик шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ўсиши кўп жиҳатдан ирригацион-мелиоратив таъминотга боғлиқдир, бинобарин, ана шу соҳанинг Госагропромга берилиши эса, шубҳасиз, оператив бошқарувни яхшилайди. Иккинчидан, Ўзбекистон ССР Минводхоз ва Госагропроми қурилиш фаолиятлари аслида бир хил бўлгани учун ҳам уларни бирлаштириш қўшимча харажатларни камайтирибгина қолмай, балки қурилиш индустриясини оптимал меъёрда концентрациялашга ҳам имкон беради.

Қолган таклифларни қабул қилишдан олдин ишлаб чиқаришда қарор топган муносабатларни, ишлаб чиқариш кувватлари, меҳнат коллективларида шаклланган кўникмаларни чуқур ўрганиб чиқиш керак бўлади.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАСИГА ДОИР

Мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида айтилганидек, яқин вақт ичидаги ва истиқболдаги барча проблемаларимизни, иқтисодий ва социал, сиёсий ва идеологик, ички ва ташқи проблемаларимизни ҳал этиш калитидир. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини уни интенсивлаштириш йўлисиз ошириш мумкин эмас.

Бу жараён қонуний ҳол бўлиб, унинг ривожланиши ва ўзгаришларга учрашини социализмнинг объектив иқтисодий қонунлари, жумладан, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қонуни амал қилиши тақозо этади. Ушбу қонун ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишини характерловчи негиз сифатида, бир томондан, самара ва ишлаб чиқариш ресурслари ўртасидаги сабабли натижа алоқаларни акс эттиради, бошқа томондан — умуман жамият ва айрим коллективлар ўртасидаги зарурий барқарор муносабатларни ифодалайди. У кишиларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш йўлида ишлаб чиқариш самарасининг максимум бўлишини таъминлашга, меҳнат шарт-шароитларини яхшилашга, бўш вақтдан оқилона фойдаланиш учун шарт-шароит яратишга олиб келади, жамиятимиз барча аъзоларининг ҳар тарафлама камол топишига имконият яратади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қонунининг амал қилиши кишиларнинг планли, ижтимоий уюшган фаолияти, меҳнат унумдорлиги, асосий фондлар ва капитал маблағлар самарадорлигининг муттасил ўсиши, моддий харажатларнинг камайиши ва ҳоказолар орқали рўёбга чиқади. Мазкур қонун намоён бўлишининг ушбу формалари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жараёнини бошқаришда ундан амалий фойдаланиш воситаси, ричаги бўлиб хизмат қилади.

Социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш мобайнида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш негиз ва омилларининг ўзгариши тилга олинган қонуннинг намоён бўлиш формалари ҳам ўзгаришига олиб келади — улардан баъзи бирларининг аҳамияти кучсизланади ёки бутунлай йўқолади, баъзилари эса (асосий вазифаларнинг характерига боғлиқ ҳолда) кучаяди. Масалан, аввало ишлаб чиқаришни интенсивлашда, меҳнат унумдорлиги, фонд самарадорлиги ўсишида, материал сарф-харажатлари пасайишида, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва маҳсулот сифатини яхшилашда ифодаланувчи сифат омилларининг устун туриши ҳозирги босқичда ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг ўзига хос хусусиятидир.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлаш шароитида меҳнат унумдорлигининг ўсиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ўстириш омиллари орасида алоҳида роль касб этмоқдаки, бу ҳақда КПСС Марказий Комитетида 1987 йил 23 январда бўлиб ўтган кенгашда жуда асосли гапирилди. Ана шу вазифа Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги учун беҳад актуалдир. Бизнинг ҳисобларимизга кўра, бу ерда ўн биринчи беш йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги (ҳар бир ишловчига ҳисоблаганда ялпи даромаднинг ҳосил қилиниши) 9,6 процент ўсди, меҳнатнинг фонд билан таъминланиши эса 27,7 процент ўсган эди. Республикада ана шу соҳада яратилган миллий даромад ўсишининг атиги 47,5 процентигина меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига қўлга киритилдики, мамлакат қишлоқ хўжалигида эса у 100 процентга тенг бўлди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар миқдорининг узлуксиз ошиб борганлиги, унинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиши билан баланслянмаганлиги, бинобарин, ана шу ишлаб чиқариш бирлигига меҳнатнинг нормативдан ошиқча сарф этилганлиги бундай аҳволни юзага келтирган сабаблардир. 1981—1985 йилларда республика қишлоқ хўжалигида банд бўлган ходимлар сони 9,5 процентга кўпайди, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 процент

пасайди. Ана шу давр мобайнида совхозларда 1 центнер дои етиштириш учун кетадиган ўртача йиллик бевосита сарф-харажатлар 31,2 процент ўсди, ана шундай харажатлар пахта етиштиришда 26,7 процент ва картошка етиштиришда 18,9 процент кўпайган эди. Меҳнатнинг бевосита сарф-харажатлари Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд ва Фарғона областларининг колхозларида ҳамда Андижон, Қашқадарё, Навоий ва Хоразм областларининг совхозларида айниқса юқори бўлди.

Қишлоқ хўжалик техникасидан ёмон фойдаланиш меҳнат сарфи кўпайишига таъсир кўрсатяпти. Масалан, сабзавотларни механизмлар ёрдамида экиш салмоғи ишларнинг умумий ҳажмига нисбатан олганда 1980 йилдаги 27 процентдан 1985 йилда 24 процентга, пичан ғарамлашда — 36 дан 26 процентга, картошка кавлашда — 81 дан 58 процентга, ўғит ортишда 93 дан 87 процентга тушиб қолди. ҳолбуки шу давр мобайнида тракторлар парки 157,3 минг донадан 196,7 минг донага, дон комбайнлари 8,5 мингдан 11,7 минг донага ошди. Пахта териш машиналари парки 1980 йилдаги 36,6 мингдан 1985 йилда 40,2 минг донага етгани ҳолда умумий иш ҳажмида пахтани (кўрак билан биргаликда) машинада териб олиш салмоғи 63 процентдан 40 процентга тушиб қолди. Ўзбекистон Компартияси МҚ V пленумида (1987 йил март) Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев қилган докладда таъкидланганидек, «Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий областлари антимеханизаторлик кайфиятларининг ўзига хос марказлари бўлиб қолди».

Пахтачиликда меҳнатни механизациялаш ва унинг унумдорлиги даражасининг ва пировард натижада самарадорлигининг пасайиши, — Ўзбекистон Компартияси XXI съездида таъкидланганидек, — асосан ишлаб чиқаришни бошқаришдаги жиддий нуқсонларнинг, шунингдек, қўшиб ёзиш, ўғирлик ва 70-йиллар — 80-йиллар бошларида Ўзбекистонда кенг ёйилган бошқа негатив ҳодисаларнинг оқибати эди. Улар қишлоқ хўжалиги меҳнатчиларининг ишлаб чиқариш ҳажмини оширишдан, унинг самарадорлиги ва иш сифатини юксалтиришдан манфаатдорлигини камайтириб юборди.

Республиканинг баъзи бир хўжаликларида меҳнатни механизациялаш даражасининг пасайиши ёки ҳатто уни инкор этилишига қишлоқ хўжалик машиналари унумдорлигининг пастлиги, уларнинг эҳтиёт қисмлар билан таъминламаганлиги ҳам жиддий таъсир кўрсатди. Масалан, 14ХВ-2,4 пахта териш машинаси 16 йил, трактор прицеплари 20 йил, автомобилларнинг ярим прицеплари 21, Т-62-1 дизели 20, С-242 насоси 36 йил давомида модернизация қилинмади ва ҳоказо. Культиваторларнинг ишловчи органларга бўлган эҳтиёжлари фақат 60—70 процент, чанглатувчи-пуркагичларга эҳтиёж эса ярмидан кам даражада қондириляпти.

Ишларни механизациялаш даражаси пасайишининг ва техникадан фойдаланишнинг бошқа бир сабаби унга тегишли кадрларнинг етишмаслигидадир. Ҳозирги пайтда, бизнинг ҳисобларимизга қараганда, битта механизаторга 1,2 дона қишлоқ хўжалик машинаси тўғри келади, яъни уларнинг ҳатто бир сменалик иши ҳам таъминланмаган. Айниқса Навоий, Жиззах областларида ва Қорақалпоғистон АССРда механизатор кадрлар масаласи оғир, бу ерда йиғим-терим мавсумида учдан бир ҳиссадан кўпроқ тракторчи ва комбайнчилар етишмайди.

Қишлоқ хўжалик техникасидан етарлича фойдаланмасликнинг объектив ва субъектив сабаблари асосий ишлаб чиқариш фондларининг 1 сўми ҳисобига ялпи даромад ҳосил қилишнинг пасайишига олиб келди. 1981—1985 йилларда бу кўрсаткич 46 тийиндан 39 тийинга тушиб қолди.

Қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг пассив қисми ҳиссасининг ошиши натижасида ҳам бу фондлар самарадорлиги камаймоқда. Бу чорвачилик комплекслари барпо этишга, сув хўжалиги объектлари қурилишига капитал маблағларни кўп ажратиш билан боғлиқки, улардан самара олиш узоқ вақтга мўлжалланган. Қишлоқ хўжалигидаги асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматида машина ва ускуналар ҳиссаси 1980 йилдаги 16,5 процентдан 1985 йилда 14,3 процентга тушиб қолгани ҳолда, бинолар, иншоотлар ва узатма қурилмаларнинг ҳиссаси 63,3 процентдан 67,4 процентга кўтарилди.

Шундай қилиб, республика хўжаликларида қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишнинг катта ре-

зервлари мавжуд. Энг муҳими — техникани модернизациялаш, ишлаб чиқаришнинг янада самарали ва ресурсларни тежовчи технологияларини қўллаш асосида ана шунга эришишдир. Бошқача айтганда, қишлоқ хўжалиги асосий ишлаб чиқариш фондларини такрор ишлаб чиқаришда ҳар томонлама интенсивлашга ўтишни таъминлаш зарур, чунки қисман, бир томонлама интенсивлаш ҳозирги босқичда самарасиз бўлиб, фонд самарадорлигининггина эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлиги бошқа кўрсаткичларининг ҳам пасайишига олиб боради.

Ўзбекистонда, масалан, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини бир томонлама интенсивлаш маҳсулотнинг моддий сарф-харажатлари ошишига олиб келди: ўн биринчи беш йиллик мобайнида ялпи даромаднинг 1 сўмини ҳосил қилишга кетган моддий харажатлар (амортизациясиз) 32 тийиндан 34 тийинга кўпайди. Анализ шуни кўрсатдики, бунда уруғлик ва озуқа, минерал ўғитлар, ёқилғи ва электр энергия сарфларининг ошганлиги роль ўйнаган. Агар ёқилғи ва электр энергия харажатлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш фондларининг ўсишига пропорционал тарзда ошган бўлса, уруғлик, озуқа ва минерал ўғитларга кетган харажатлар улардан норационал фойдаланиш ҳисобига ҳам ошиб кетган. Хусусан, минерал ўғитлар кўпинча агрономик-тупроқ карталари хусусиятларини ва улардан фойдаланишнинг энг мақбул пайтини танлашни ҳисобга олмай ишлатилади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайиши қишлоқ хўжалигини иқтисодий ривожлантиришнинг асосий натижали кўрсаткичи — фойдаланилаётган ернинг ҳар гектаридан олинадиган соф маҳсулот миқдорининг пасайишига олиб келди. 1985 йилда у Ўзбекистонда 1980 йилдагига нисбатан атиги 11,3 процент ошиқ бўлди.

Шундай қилиб, қишлоқ хўжалигида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш қонунининг амал қилиши кейинги вақтда етарлича ҳисобга олинмай келинди. Иқтисодий кўрсаткичларнинг ошиши фақат қўлланилаётган ишлаб чиқариш ресурсларини сифат ўзгаришларсиз ўстириш ҳисобига таъминланиб келдики, тармоқни бошқаришдаги жиддий нуқсонлар ва бошқа негатив ҳодисалар билан биргаликда республикада қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши самарадорлигининг пасайишига ва умумиттифоқ даражасидан орқада қолишга олиб келди.

Фан-техника тараққиёти ва бошқарувни такомиллаштиришни бирлаштириш назария билан практиканинг алоқасини мустаҳкамлаш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ҳар томонлама интенсивлаш орқали ана шу қолоқликка барҳам берилади ва белгиланган марраларга эришилади.

И. САЛОМОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси
Экономика институтининг аспиранти.

Иқтисод фанлари доктори Р. Досумов мақоласида («Ўзбекистон коммунисти», 1986 йил, 12-сон) республикада фан-техника тараққиётини бошқаришнинг қатор ғоят актуал масалалари кўтарилган. Жумладан, унда тилга олинган фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга план-экономика механизми таъсири проблемаси, бизнинг назаримизда, янада батафсилроқ кўриб чиқишга муҳтож. Қуйида эълон қилинаётган мақола шу мавзуга бағишланади.

ПЛАН-ЭКОНОМИКА МЕХАНИЗМИ ВА ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШ

Ш. ОРИФХОНОВ,
иқтисод фанлари кандидати

ФАҚАТ ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ, иқтисодий ва социал ривожланишнинг қонуниятлари ҳамда тенденцияларини чуқур билишга таянибгина мураккаб, динамик, кўп тармоқли халқ хўжалик системасига муваффақиятли равишда планли раҳбарлик қилиш мумкин. КПСС ишлаб чиққан жадаллаштириш стратегияси, биринчидан, фан ва техниканинг кенг фронти бўйлаб илгари ҳаракат қилиб, маблағларни асосий имтиёзли йўналишларда тўплашдан, иккинчидан, тажрибада текширилган ишончли техникавий янгиликлардан оммавий фойдаланишга кенг йўл очишдан, учинчидан, меҳнат унумдорлигини бир неча марта оширадиган принципиал янги техника ва технологияларни яратишни ва ўзлаштиришни таъминлайдиган илмий, лойиҳавий ва конструкторлик ишланмаларини жадал ва аниқ мақсадни кўзлаб олиб боришдан иборатдир. Партия XXVII съездида уқтирилганидек, бу масалалар ечими ўн иккинчи беш йилликдаёқ амалга оширила бошланади.

Мамлакатимизда давлат планлаштириши ягона илмий-техника сиёсатини амалга оширишнинг асосий формасидир. Маълумки, Госплан тармоқларга оид ҳамда тармоқлараро фанларнинг фан ва техникани ривожлантиришни планлаштириш соҳасидаги фаолиятини координация қилади ва мувофиқлаштириб туради. Шу билан бирга, КПСС МКда 1985 йил июнда фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган кенгашда таъкидланганидек, Госпланни амалда илмий-иқтисодий органга айлантириш тўғрисидаги ленинча ғояни амалга ошириш керак бўлади. Бу планлаштиришнинг, бошқаришнинг илмий даражасини янада ошириш ва хўжалик механизмини такомиллаштириш зарурлиги билан боғлиқ бўлиб, буни партия энг муҳим хўжалик-сиёсий вазифа деб билади. Аслида социалистик план системаси афзалликларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлашга, экономикадаги салбий тенденцияларни бартараф этишга ва фан-техника тараққиёти негизида экономикани ривожлантиришнинг интенсив омиллари ролини оширишга принципиал янгича ёндашув белгиланди.

Бундай ёндашув халқ хўжалигини планлаштириш натижаларини умумлаштиришга ва унинг назарий асосларини ҳозирги шароитларга мувофиқ ривожлантиришга эътиборни кучайтиришни объектив равишда тақозо этади. Шунингдек, планлаштириш соҳасида фундаментал тадқиқотларни кенгайтириш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш проблемаларини, социал ривожлантириш, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш қонуниятларини чуқур ўрганиш ҳам қонуний ҳолдир.

Мамлакатимизда экономикани бошқариш ва планлаштириш тажрибаси иқтисодий тараққиёт, унинг суръатлари ва халқ хўжалиги структурасини ўзгартиришга актив таъсир ўтказишнинг мавжуд имкониятларига ҳамда

экономикани ривожлантиришнинг объектив шартланганлиги, ички қонуниятлари ва мантиқига етарли баҳо бермасликнинг хатолигини кўрсатди. Келажакка мўлжалланган сиёсатнинг реаллиги — перспектив планлаштириш илмийлигининг энг муҳим белгиларидан биридир. В. И. Ленин планли фаолиятнинг дастлабки якунларини таҳлил қилаётиб огоҳлантирганидек, асосий хато — реал хўжалик-сиёсий шароитларни ҳисобга олмайдиган ва планларнинг бажарилмаслигига олиб келадиган «бюрократларча хомхаёллар»га берилишдир (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 71-бетга қаралсин).

Планларнинг илмий асосланганлиги нафақат объектив хўжалик шароитлари ва иқтисодий тенденцияларнинг, шу билан бирга фан-техника тараққиёти талаблари ва самараларининг ҳам қай даражада тўла ҳисобга олинишига боғлиқ. Техникавий ривожланишнинг юксак суръатларини таъминлаш — халқ хўжалигини планлаштиришнинг муҳим вазифаларидан биридир. Ана шу ўзига хос хусусият ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида мазкур вазифани ҳал этишга имкон берадиган хўжалик юритиш формалари ва методларини излашни ҳамда ишлаб чиқишни тақозо этади. Шуни унутмаслик керакки, умумиттифоқ халқ хўжалик комплексининг илгарилаб ривожланувчи характери ва балансслашганлиги унинг барча тармоқлари ва ҳамма иттифоқдош республикалар экономикалари пропорционал ўстирилишини тақозо қилади.

Ўзбекистон Компартияси МК ва Ўзбекистон ССР ҳукумати республика халқ хўжалиги, айниқса умумиттифоқ меҳнат тақсимотида унинг ихтисослашувини белгилайдиган тармоқлар моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг энг зарур проблемаларига жиддий эътибор бериб келмоқда. Бироқ бу ерда фан-техника тараққиёти ҳали экономикани интенсив ривожлантиришнинг асосий омилига айланмаган. Интенсивлаштириш йўлига ўтиш муносабати билан республика халқ хўжалигида фан ва техника ютуқларидан комплекс фойдаланиш вазифаси ғоят актуал бўлиб бормоқда.

Бугунги кунда илмий-техникавий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жадал жорий этиш талабларини ҳисобга олиш даражаси — экономикани ривожлантириш планлари илмийлигининг энг муҳим белгиларидан биридир. Бунда фан ва техниканинг айни шу пайтдаги даражасига эмас, балки келгусидаги — олдиндан кўриб турилган ва жадал яқинлашадиган даражасини мўлжаллаб иш олиб бориш назарда тутилади. Шу сабабли фаннинг ва унинг ишлаб чиқаришда техника жиҳатдан ишлатилишининг ривожланишини олдиндан айтиб бериш зарур бўлиб қолмоқда, шу билан бирга бу перспектив планлаштириш ҳамда социал-иқтисодий тараққиётни бошқариш соҳасидаги энг қийин вазифа ҳамдир. Бинобарин, бу вазифани ҳал этиш ва олинаётган натижаларни таҳлил қилиш илмий муассасаларнинг ҳамда табиий, техникавий, ижтимоий фанлар соҳасида иш олиб борадиган йирик олимларнинг доимий эътиборидаги объект бўлиши лозим.

Р. Досумов мақоласида республикани истиқболда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашда планлаштирувчи органлар фан-техника тараққиётининг 20 йилга тузиладиган Комплекс программаси ҳамда Ўзбекистон ССР ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш ва жойлаштиришнинг 15 йилга мўлжалланган Схемаси вазифаларидан келиб чиқиши кераклиги тўғрисидаги масала кўтарилган. Шу билан бирга қайд қилиш керакки, план тузишдан олдин тайёрланадиган ана шу икки муҳим ҳужжатни ишлаб чиқишда амалда кўпинча изчиллик ва давомийлик бўлмайди, шунингдек илмий-техникавий ва социал-иқтисодий жиҳатлар мувофиқлаштирилмайди, яъни фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш пировард натижаларига таъсирини акс эттирадиган кўрсаткичлар, техникавий кўрсаткичлардан социал-иқтисодий кўрсаткичларга ўтиш назарда тутилмайди. Бундан ташқари, шу ҳужжатларнинг айрим бўлимларида, жумладан фан бўлимида қайтариқлар учрайди.

Илмий-техникавий сиёсат ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш воситаси эканлигини ҳисобга олиб, Комплекс программани ва Схемани, бизнинг фикримизча, бир вақтнинг ўзида (ҳозир қилинаётганидек) эмас, балки кетма-кет ишлаб чиқиш керак. Бунда фан-техника тараққиёти Комплекс программаси фаннинг таклифлари сифатида ишлаб чиқилишидан ва асосий маълумот берувчи ҳужжат эмаслигидан келиб чиқиш лозим. Унда асосий эътибор фаннинг таъсирчанлигини оширадиган механизмни асослашга, фан-техника тараққиётининг

регионал жиҳатларини, хўжалик юритиш методларини ҳисобга олиб, фундаментал ва амалий фанни ривожлантиришнинг имтиёзли йўналишларини белгилашга ва шу сингариларга қаратилади, яъни у аслида «мулоҳаза қилиш учун ахборот» вазифасини бажаради. Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштириш Схемаси эса фан ёрдамида ишлаб чиқилиб, тасдиқланадиган ҳужжатдир, унда асосий эътибор жойлардаги ташкилий ишларга қаратилади (илмий-тадқиқот муассасалари ва фанга хизмат қилувчи базалар тармоғининг кўламлари, янги мўлжалланаётган қурилишлар ва реконструкция қилиниши ҳамда кенгайтирилиши лозим бўлган ишлаб турган объектлар рўйхати ва шу сингарилар асослаб берилади).

Шуни ҳам эсдан чиқармаслик керакки, фан-техника тараққиёти Комплекс программаси фақат республика миқёсида ишлаб чиқилади, Схемада эса ишлаб чиқарувчи кучларни территориал тарзда ривожлантириш ва жойлаштириш ҳам кўзда тутилади. Бу тармоқларга оид ва территориал бошқарув органлари системасида структуравий ўзгаришлар қилишда номувофиқликка сабаб бўлади.

Мамлакатда бошланган планлаштириш ва бошқарувни, бутун хўжалик механизмини чуқур қайта қуриш жараёнида регионал ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда бу қайта қуришни амалга оширишнинг объектив ишончли йўлларини топиш керак. Мазкур жараёнга планли асосда раҳбарлик қилишнинг мураккаблиги аввало шундаки, фундаментал ва амалий фан, тажриба-конструкторлик ва лойиҳа-технологик ишланмалар, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқариш орқали халқ хўжалигида амалга ошириш сингари бир-бирига узвий боғланган, лекин ҳар бири ўзига хос бўлинмалар фаолиятини ҳар бир маълум вақт бўлагида мувофиқлаштириб туриш керак бўлади. Биринчи иккита бўлинма академик, олий ўқув юртлари, тармоқ фанлари илмий аппаратини ривожлантириш истиқболларини ва улар ишланмаларини практикада амалга ошириш имкониятини очиб беради, учинчи бўлинма эса ана шу ишланмаларнинг моддий татбиқ қилинишини ва иқтисодий самарадорлигини таъминлайди.

Биз **фаннинг моддий базасини ҳар тарафлама кенгайтириш ва шу билан бир йўла барча йўналишлар бўйлаб илмий фаолият интенсивлаштирилишини ошириш** зарур деб ҳисоблаймиз. Республиканинг илмий ташкилотларини бошқаришдаги муайян зиддиятни бартараф қилиш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак, бу зиддият илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва маблағ билан таъминлаш марказлаштирилган асосда амалга оширилиб, уларнинг натижалари эса ишлаб чиқаришга марказлаштирилмаган ҳолда жорий этилишидан иборатдир. Иш шундай ташкил қилинганида илмий-техникавий ишланмаларнинг жорий этилишига тўсқинлик қиладиган кўпгина субъектив ва объектив омиллар «фан — ишлаб чиқариш» алоқаси ўрнатилишига таъсир этади. Шунингдек иттифоқдош республикада илмий-тадқиқот ишларини планлаштириш ва уларни маблағ билан таъминлаш ўртасида илмий муассасаларни сақлашга «умумий таъминотчилик» методи асосида харажат ажратишга алоқадор номувофиқлик ҳам мавжуд. **Мақсадни кўзлаб маблағ билан таъминлаш** комплекс ва тармоқлараро илмий-техникавий проблемаларнинг ҳал этилишига мос бўлур эди.

Ҳозирги пайтда халқ хўжалигини планлаштиришнинг илмий базасини мустаҳкамлаш ҳамда бошқарувнинг турли даражаларида планларни шакллантиришга олимларни тобора фаолроқ жалб этиш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда. Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий масалалари юзасидан таклифлар ва мақсадли комплекс программалар тайёрлаш учун йирик олимлар ва мутахассислардан доимий ёки вақтинча амал қилувчи комиссиялар ва ишчи группалари ташкил қилинмоқда. Планлаштирувчи органлар системасининг илмий-инженерлик муассасалари ва ҳисоблаш марказлари томонидан бажарилаётган илмий ишланмаларни, шунингдек илмий ташкилотлар ва олий ўқув юртлари ўтказаётган иқтисодий тадқиқотларни координациялаш, самарадорлигини ошириш ва улар натижаларини жорий этишда Госпланнинг роли кучайтирилмоқда.

Кейинги пайтдаги партиявий ҳужжатларда қайд қилинганидек, хўжалик фаолияти ва иқтисодий фикрлаш услуби, планлаштириш методлари, бошқарув системаси етарлича фаол қайта қурилмаяпти.

Тигиз планлар олишдан, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, маҳсулот сифатини оширишдан корхоналар ва бирлашмалар иқтисодий манфа-

атдор бўлмайдиган вазиятларга барҳам берилмаяпти. Яхши ва ёмон ишлайдиган корхоналар баъзан бир хил шароитларга солиб қўйилади. Ишлаб чиқаришни маҳсулотнинг янги турларини чиқаришга тайёрлашни ташкил этишдаги хатолар, интизом бўшлиги ва белгиланган вазифалар бажарилишининг қаттиқ назорат қилинмаслиги, шунингдек фан ва техникани ривожлантириш планларининг ишлаб чиқариш планлари билан етарлича мувофиқлаштирилмаслиги сабабли тадбирларнинг талай қисми бажарилмай қолмоқда.

Кўпинча техникавий янгиликларни ишлаб чиқаришнинг мавжуд шароитларини ҳисобга олмасдан қўлланишга ҳаракат қилишадики, бу янги техникани жорий этиш амалда кам самара беришига олиб келади, чунки бу билан боғлиқ тадбирларнинг аксарияти кўп маблағ сарфлашни талаб қилиб, оз натижа беради. Баъзан план топшириқларининг бажарилмаслиги уларни камайтириш томонга ўзгартириш билан хаспўшлаб юборилади. КПСС МҚ ва СССР Министрлар Советининг хўжалик механизмини такомиллаштириш тўғрисидаги қарорлари ҳаётга суст татбиқ қилинмоқда.

Буларнинг ҳаммаси, бизнинг фикримизча, план тузишдан олдин тайёрланадиган илмий-техникавий ишланмалар ва лойиҳа-қидирув ишлари натижаларининг тегишли планларни шакллантиришдаги ролини янада кучайтириш зарурлигини тасдиқлайди. Чунки планлаштириш объектив шарт-шароитларнинг ўзгаришига қанчалик ўз вақтида жавоб берса ва вужудга келаётган проблемаларни ҳал этишнинг оптимал йўлларини кўрсатиб берса, у шунчалик мукаммал бўлади.

Масаланинг бошқа бир томонини кўриб чиқайлик. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ССРда 186 муассаса, шу жумладан 43 олий ўқув юрти ва республика Фанлар академиясининг 37 институти илмий-тадқиқот ишлари олиб боради. Фан ҳамда илмий хизмат кўрсатиш соҳасида ўн минглаб киши ишлайди, улар орасида 1200 дан зиёд фан доктори ва 15,5 минг фан кандидати бор.

Бироқ бизда фаннинг кадрлар потенциалини шакллантириш ишининг аҳволи яхши эмас. Республикада 10 минг аҳолига 21 илмий ходим тўғри келади. Бу умуман мамлакатдагига (53) ва Украина ҳамда Белоруссия (40), Латвия (51), Арманистон (63) каби республикалардагига нисбатан анча камдир.

Шунингдек, фаннинг ресурслар билан таъминланиш, техникавий жиҳозланиш ва айниқса тажриба-экспериментал базаси ривожланиш даражаси жиҳатидан Ўзбекистон кўпгина республикалар ва мамлакатнинг илмий марказларидан орқада қолган. Олий ўқув юртининг бир ўқитувчисига тўғри келадиган илмий-тадқиқот ишлари ҳажми умумиттифоқ даражасидан 2 баравар кам. Илмий тадқиқотларда қўлланиладиган ускуна ва асбоблар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг бир ходимига ҳисоблаганда Украина, Белоруссия, Эстония каби иттифоқдош республикалардагига нисбатан 1,5—2 баравар камдир. Бунда маънавий ва жисмоний эскирган асбоб-ускуналар — актив ишлаб чиқариш фондлари амортизацияси республика фанининг штаби бўлган Фанлар академиясида 52 процентни ташкил қилади.

Аспирантурада ўқитиш самарадорлиги ҳам ниҳоятда паст. Аспирантурани тугатганларнинг ярмидан камроғи диссертация ишларини белгиланган муддатда топширади, уларнинг атиги 5—6 проценти ишини ҳимоя қила олади. Шунингдек мақсадли аспирантура ва толиблик орқали илмий кадрлар тайёрлаш имкониятларидан ҳам етарлича фойдаланилмаяпти.

Айниқса илмий изланишнинг фан-техника тараққиётини белгилайдиган перспектив йўналишларида фан докторлари тайёрлаш масаласи кескин бўлиб турибди. Ўзбекистонда фан докторлари ва кандидатлари нисбати сўнгги 15 йил мобайнида деярли ўзгаргани йўқ, у 1:13 ни ташкил этади, бу кўрсаткич иттифоқдаги ўртача кўрсаткичдан (1:9) ва айниқса, Закавказье республикаларида эришилган рационал кўрсаткичдан (1:7) жиддий фарқ қилади.

Фан кандидатлари ва докторларининг илмий-тадқиқот институтларидаги нисбий ҳиссаси олий ўқув юртларидагига нисбатан ҳамон кам бўлиб қолмоқда. Барча илмий ходимларнинг атиги 8 процентдан кўпроғи саноат корхоналарида ишлайди, бу фаннинг завод сектори заифлигини кўрсатади. Фикримизча, илмий изланиш етакчи йўналишларининг бундан кейинги ривожланиш истиқболлари илмий ходимларни комплекс илмий-тадқиқот институтлари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари доирасида тўплашни кучайтириш билан боғлиқ, чунки бу

соҳаларда янги билимларга эришиш тажриба-экспериментал синовлар ва инженерлик ишланмалари билан қўшиб олиб борилади.

Ўзбекистонда лойиҳачилар, ишлаб чиқарувчилар ва олимлар ўртасидаги ҳамкорлик етарлича мустаҳкам эмаслиги эътиборни тортади. Бунинг сабаби, афтидан, лойиҳа-қидирув ишланмаларининг планларни шакллантиришдаги ролига етарли баҳо берилмаслигида, улар моҳиятини оширадиган ҳуқуқий механизмнинг тартибга солинмаганлигидадир. Лойиҳа институтлари илмий муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналаридек ҳуқуқларга эга эмас. Лойиҳа ташкилотлари ходимларининг умумий сонида олимлар ва тажрибали инженерлар салмоғининг камлиги ана шундандирки, бу лойиҳалар сифатига салбий таъсир кўрсатади ва Ўзбекистон ССР Госплани, Госстройи, министрликлар, идоралар ҳамда маҳаллий Советлар ижрокомларининг тегишли бўлинмалари лойиҳалар экспертизасини ташкил этишни жиддий яхшилашларини зарур қилиб қўймоқда.

Планларнинг илмийлиги принципини изчил амалга ошириш йўли билан планга оид ишлар савиясини ошириш — мураккаб жараён. У планлаштириш методологиясида, план ва хўжалик ходимларини тайёрлашда, инсон омилига муносабатда жиддий ўзгаришлар қилинишини тақозо этади. Партия белгилаган мамлакатни иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш стратегиясини, бошқарувни демократлаштиришга қаратилган, фан-техника революцияси янада авж олдирилиши билан пировард маҳсулот сифатининг конкрет ижрочилар ижодий активлигига ва меҳнат коллективларининг ташаббускорлигига тобора кўпроқ боғлиқ бўлиб қолишига қаратилган узоқ муддатга мўлжалланган йўлни амалга ошириш негизларидан бири ана шундадир.

Истиқболда амалда имтиёзлилик принципи ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу илмий ресурслар фан-техника тараққиётининг мамлакат учун энг муҳим йўналишларида тўпланишини англатади. Бинобарин, Ўзбекистон учун ҳам ана шундай имтиёзли йўналишлар ва энг муҳим илмий-техникавий проблемалар доирасини таърифлаш керак бўлади. Кейинчалик ана шу йўналишлар ва проблемаларнинг республикага: биринчидан, жаҳон даражасидан ошиб кетишга, иккинчидан, 10—15 йил ичида янги технологик имкониятлар очишга, учинчидан, перспектив йўналишларни ривожлантиришда жиддий қадам ташлашга имкон берадиганларинигина ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Бу вазифалар ечими Ўзбекистон ССР территориясида жойлашган барча фан ва илмий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолиятини синчиклаб таҳлил этишни ва бу ишда етакчи роль ўйнаши мумкин бўлган илмий коллективларни аниқлашни (илмий замин мавжудлигини, кадрларни, моддий-техника таъминотини, ташкилий шарт-шароитларни ва шу кабиларни ҳисобга олиб) тақозо этади. Шу билан бир вақтда самарасиз ва актуаллигини йўқотган илмий муассасаларни бартараф қилиш асосида перспектив йўналишларда ишлайдиган янги муассасаларни ташкил этиш лозим бўлади. Молиявий ва моддий ресурсларни шунчаки институтларни сақлаб туриш учун эмас, балки олдиндан белгиланган пировард мақсадли конкрет тадқиқотлар учун ажратиш вақти етди.

План-экономика механизми илмий коллективлар: академия институтлари ва олий ўқув юртларининг — илмий изланишнинг имтиёзли ва принципиал янги фундаментал йўналишларида тадқиқот юргизишдан; тармоқларга оид илмий лойиҳа-конструкторлик ва технологик ташкилотларнинг — ишлаб чиқаришни революционлаштирувчи принципиал янги техникавий ечимларни ишлаб чиқишда фундаментал фан таклифларидан оптимал фойдаланишдан, ишлаб чиқарувчиларнинг эса — фан-техника ютуқларини жадал жорий этишдан нафақат манфаатдорлигини, шу билан бирга бунга масъуллигини ҳам таъминлаши лозим. Бундай механизм илмий-техникавий фаолиятнинг ҳамма томонларини — тадқиқотлар ва ишланмаларни муфассал планлаштиришни, маблағ билан таъминлаш ва рағбатлантиришни, тажриба-саноат ишлаб чиқаришини амалга оширишни, манфаатдор министрликлар (идоралар), бирлашмалар ва корхоналар билан биргаликда олинган натижаларнинг жорий қилинишини ташкил этишни ва шу кабиларни қамраб олиши керак.

Жорий этиш — бу фан билан ишлаб чиқариш ўртасида бўладиган бир марталик босқич эмаслиги, балки «фан — техника — ишлаб чиқариш — истеъмол» кўринишидаги мураккаб, кўп босқичли цикл эканлигига эътиборни

кучайтириш лозим бўлади, бу циклга динамизм, изчиллик ва прогрессивлик хосдир. Ҳар бир ҳолда уни конкретлаштириш мазкур жараённи планли асосда бошқариш самарадорлигининг муҳим шартидир.

Алоҳида муҳим илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишланмалари, кашфиётлар ва ихтироларни жадал жорий этиш ва кенг миқёсда кўпайтириш мақсадида мамлакатда, жумладан Белоруссияда ва Грузияда мавжуд тажрибадан фойдаланиб муассасалараро характердаги тегишли комиссияни ташкил этиш зарур. Ўзбекистон ССР Госплани, Фанлар академияси, Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ва бошқа дахлдор министрликлар ва идоралар раҳбарлари бу комиссия составига кириши мумкин.

Фикримизча, шунингдек Ўзбекистон ССР Фан ва техника давлат комитетини таъсис этиш тўғрисидаги масалани ҳам кўриб чиқиш пайти етди, бу масала республика матбуотида бир неча марта қўйилмоқда. Бундай комитет республика Госпланининг фан, янги ва ҳисоблаш техникасини жорий этиш йиғма бўлими негизида ташкил қилиниши мумкин. Бу, биринчидан, тармоқлараро характердаги комплекс илмий-техникавий программаларни амалга ошириш ва умумдавлат органи томонидан уларни планли асосда бошқариш учун Ўзбекистоннинг марказлаштирилган фан ва техника фондини ташкил этиш ва уни маблағ билан таъминлайдиган манбаларни излаб топишга, иккинчидан, КПСС XXVII съезди қабул қилган фан-техника тараққиёти муҳим йўналишларини белгилаш, тармоқлараро йирик фан-техника проблемаларини ҳал этиш, принципиал янги техника ва технологияни ишлаб чиқишни ташкил этиш, тармоқларнинг илмий-техник даражасини, ишлаб чиқаришнинг дунёдаги энг яхши ютуқларга мувофиқлигини, илмий-тадқиқот, лойиҳа-конструкторлик ва технология ташкилотларини шакллантиришни контрол қилишдан иборат ҳаракатлар программасини амалга оширишда янада муваффақиятли қатнашишга имкон берган бўлар эди.

Илмий фаолият билан инженерлик фаолиятининг тобора бир-бирига омихта бўлиб кетадиган характерга эга бўлишини ҳисобга олиб, фан докторлари ва кандидатларини тармоқларга оид илмий-тадқиқот институтларида, конструкторлик бюроларида ва бошқа шу сингари ташкилотларда ишлашга кенгроқ жалб қилиш мақсадга мувофиқдир, бу фаннинг завод секторини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зарур ихтисослардаги олимларга эҳтиёжни белгилаш, улар сонини планлаштириш ва тақсимлаш билан, бизнинг фикримизча, биринчи навбатда министрликларнинг ўзлари республика Госплани билан биргаликда шуғулланишлари лозим. Шунингдек, инженер-экономистлар тайёрлайдиган олий ўқув юртларининг ўқув планларида план-экономика ва хўжалик механизмининг фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга таъсир ўтказиш методларини ўрганишнинг кўзда тутилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

Республика фанини, жумладан унинг кадрлар қисмини ресурслар билан таъминлашни ривожлантириш истиқболларини белгилашда анъанавий (эришилган натижага қараб белгиланадиган) методлардан воз кечиш ва КПСС МК ва СССР Министрлар Совети яқинда қабул қилган қарорга мувофиқ илмий кадрларни тайёрлашни ва улардан фойдаланишни тубдан қайта қуриш талабларига асосланиш керак бўлади.

Юқорида санаб ўтилган барча масалаларнинг ҳал этилиши Ўзбекистонда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга план-экономика механизми таъсирини кучайтиришга имкон беради, чунки бу янги ғояларни ишлаб чиқиш босқичлари билан уларни амалда бажариш ўртасида мутаносибликни таъминлайди.

МАРКСЧА-ЛЕНИНЧА ТАЪЛИМ СИСТЕМАСИ УЧУН

«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПССнинг стратегик йўли» курси бўйича методик маслаҳатлар

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ

Инсон ва жамият маънавий ҳаётининг тараққий этиши ҳамда ҳозирги дунёда унинг ролининг ўзгариши энг актуал проблема эди ва шундай бўлиб қолмоқда. Марксизм-ленинизмнинг индивид маънавий дунёси проблемаларига «бефарқлиги» ҳақида қанчалик уйдирмалар тўқилмасин, марксизм гўё фақат жамиятнинг моддий ҳаёти, синфлар кураши, сиёсий воқеалар билангина қизиқади деб унга айб қўйишмасин, тарих тажрибаси шуни рад этиб бўлмас даражада исботладики, айнан марксизм-ленинизм инсоният маънавий ҳаётининг тараққиёти ва уни ҳозирги даврда тубдан ўзгартириш проблемаларини биринчи марта илмий асосда ҳал қилиб берди. Империализмнинг ҳатто энг ашаддий маддоҳлари ҳам совет халқининг жамият маънавий ҳаёти соҳасидаги улкан ютуқларини тан олишга мажбур бўлдиларки, бу ютуқлар меҳнаткашлар кенг оммасини тарихий ижодга отлантирган Коммунистик партия революцион-туб ўзгартувчилик фаолиятининг натижаларидир.

КПСС инсон омилини активлаштириш борасидаги кўп қиррали ишни авж олдириб жамиятимизнинг маънавий тараққиётига ҳар тарафлама кўмаклашмоқда. У фан, маданият, адабиёт ва санъатни, халқ маорифи системасини янада юксалтириш борасидаги куч-ғайратни ошира бориб, уларнинг улкан гуманистик имкониятларидан шахсни шакллантириш йўлида тобора кенг фойдаланмоқда. Бугунги кунда фақат экономикадагина эмас, балки социал соҳада, идеология соҳасида ҳам ижодий кучларни сафарбар этиш, ишни янгича олиб бориш маҳорати талаб этилади, деб ҳисоблайди КПСС.

Машғулотнинг қуйидаги плани тавсия этилади:

1. Мамлакат маънавий тараққиёти билан социал-иқтисодий ривожининг ўзаро алоқадорлигини чуқурлаштириш.

2. Социал-психологик омиллар, уларни активлаштириш — жадаллаштиришнинг муҳим резерви.

3. Идеология билан ҳаётнинг алоқасини мустаҳкамлаш, сўз билан иш бирлиги.

МАМЛАКАТ МАЪНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖИНИНГ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИГИНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Пропагандист социализмда маънавий тараққиёт ҳақида гапирар экан, тингловчиларга шуни тушунтирадики, марксизм тарихда биринчи марта кишилар маънавий ҳаётининг табиатини, улар ижтимоий онгини социал-иқтисодий тузум ва пировард натижада, моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тақозо этишини очиб берди, инсон индивидуал онгининг социал муҳитга ва унинг амалий фаолиятига боғлиқлигини, маънавий ҳаёт турли формаларининг нисбий мустақиллигини, унинг жамият ривожига фаол таъсир кўрсатиш, социал туб ўзгартишларга тўсқинлик қилиш ёки кўмаклашиш қобилиятини аниқлаб берди. К. Маркс ва Ф. Энгельс XIX аср буржуа философияси ва социологиясининг идеалистик ва субъективистик концепцияларига қарши курашда ижтимоий борлиқнинг ижтимоий онгда акс этишини илмий анализ қилиб бердилар, кишилар маънавий ҳаётининг турли жиҳатлари ва формаларининг (ахлоқ, дин, санъат, сиёсий ва ҳуқуқий идеология ҳамда бошқалар) келиб чиқиши ва социал илдизларини очдилар. Бу билан марксизм-ленинизм асосчилари ижтимоий тафаккурни фаннинг мустаҳкам заминига қўйдилар, ижтимоий ҳаракатлар ва социал назариялардаги утопик, волюнтаристик ва бошқа идеалистик қарашларнинг ўтмишдаги ҳукмронлигини бартараф этдилар, ғоя оммага сингиши биланоқ моддий кучга айланишини исботладилар.

Маркс ва Энгельс таълимотини XX асрда ижодий ривожлантириш, ижтимоий онгнинг тарих ва маданиятдаги ролини ҳар тарафлама асослаш, халқ оммасининг маънавий ҳаётини революцион тарзда ўзгартириш иши В. И. Ленин, у бунёд этган Коммунистик партия, бошқа марксчи-ленинчи партиялар зиммасига тушди. Жамиятнинг маънавий ҳаёти ҳамда уни социалистик асосларда тубдан ўзгартиш ҳақидаги марксистик таълимот Ленин асарларида, ленинизмда янада ривожлантирилди ва конкретлаштирилди. В. И. Ленин мамлакатимизнинг социализм ва коммунизм сари ҳаракат йўлини очиб берар экан, маънавий ҳаёт соҳасидаги революцион тўнтариш янги жамият қурилишининг асосий қонуниятларидан бири эканлигини илмий жиҳатдан асослади, тарихий тажриба эса буни тасдиқлади. У шундан иборатки, инсон тафаккури ўтмишда яратган ва ҳозир яратаётган жами чинакам бойликлар янгича ҳаёт касб этади — бутун халқ мулкига айланади, коммунистик дунёқарашнинг революцион ғоялари билан йўғрилади ва руҳлантирилади ҳамда жамият ва шахсни ҳар тарафлама тараққий эттириш мақсадларига хизмат қилади.

Бу ўринда шуни гапириш керакки, В. И. Ленин совет жамиятининг жадал, илмий асосга қўйилган, давлат тадбирлари билан таъминланган маънавий тараққиёти социалистик қурилиш учун ғоят муҳим эканлигига партия эътиборини муттасил қаратиб келди. Бунда у жуда кенг маънода халқ маданиятини — меҳнат, турмуш маданиятини, давлатни бошқаришда иштирок этиш маданиятини, экономикадан бошлаб ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жиҳатларини онгли равишда тубдан ўзгартиш маданиятини юксалтиришни назарда тутган эди (Тўла асарлар тўплами, 44-том, 195-бетга қаралсин).

Тингловчиларга шуни тушунтириш маъқулки, жамиятнинг маънавий ҳаёти — бу кишилар ақл-идроки, ирода ва туйғулари фаолияти барча кўринишларининг ривожланиш жараёнидаги йиғиндисидирки, булар амалий фаолият негизида ривожланади. Маънавий ҳаёт табиий ва социал борлиқни акс эттиради ҳамда жуда хилма-хил ғоялар, қарашлар, тушунчаларда кишилар, социал группалар, синфлар тасаввурлари ва ахлоқларида, улар ривожлантириб борадиган ва яратадиган маънавий маданият қадриятларида гавдаланади.

Жамият маънавий ҳаётига унинг ўз динамикаси, нисбий мустақиллиги хосдир ва у, оддий қилиб айтиладиган бўлса, шунда ўз ифодасини топиши мумкинки, умумтарихий маънода онг объектив ҳақиқатдан «олдинда бориши», унда янги, илғор нарсаларнинг пайдо бўлишига кўмаклашиши ҳам мумкин, ундан орқада қолиши ҳам мумкин. Социалистик жамият қарор топа борган сари айнан биринчи тенденция тобора устун бўла боради, ва шунинг учун ҳам биз тўла асос билан унинг маънавий тараққий этиши ҳақида гапира оламиз. Аммо «тараққиёт» тушунчаси маънавий соҳага нисбатан, ўз вақтида Маркс уқтирганидек, ўзининг оддий абстрактлигида қўлланилмаслиги лозим: чунки бу кишилар маънавий-ахлоқий юксалишининг жонли процессидир ва ҳамма жонли нарсалар каби, зиддиятли процессдир. Бошқа ҳамма процесс ва воқеалар билан минглаб ришталар орқали боғланган бу процесс идеология ишида, инсон омилини активлаштириш борасидаги фаолиятда ҳар тарафлама ҳисобга олиниши шартдир.

Социализмдаги маънавий тараққиётнинг спецификасини нима белгилайди? Янги жамиятда унинг тарихий тақдирида асосли ўзгариш содир бўлади. В. И. Ленин кўрсатганидек, буржуа тузуми шароитида меҳнаткаш оммани «озчилик идора қилади, капиталистик мулкда иштирок этувчи, одамларнинг ғоят кўпчилигини қулликда сақлаш учун капиталистик маданиятнинг энг юксак таянчи ва энг юксак самараси бўлган илм ва фанни эксплуатация қуролига айлантириб олган, монополия қилиб олган мулкдорлардан иборат озчилик идора қилади» (ТАТ, 37-том, 517-бет). Социализм эса ҳукмрон синфларнинг маънавий бойликдан фойдаланишга, билим-маърифатга, маънавий-ижодий фаолиятнинг юксак формаларига бўлган монополиясини таг-томири билан йўқотади. У маънавий ишлаб чиқаришнинг принцип жиҳатдан янги типини, фан, маориф, адабиёт ва санъатни, халқ ижодининг барча формаларини жадал ривожлантириш учун шарт-шароитларни яратади. КПСС Программасида қайд этилганидек, социализм — бу шундай жамиятки, унда «чинакам инсонпарвар марксча-ленинча идеология ҳукмронлик қилмоқда, халқ оммаси барча билим манбаларидан баҳраманд бўлмоқда, жаҳон маданиятининг барча яхши жиҳатларини ўзига сингдириб бораётган илғор маданият яратилган».

Ана шу туб ўзгартишлар туфайли, деб таъкидлайди пропагандист, социалистик жамиятнинг маънавий тараққиёти шунчаки анча тез ривожланибгина қолмай — у ўз қиёфасини ўзгартиради: у капитализмда ўзига хос бўлган антагонистликни, чуқур ички дисгармонияни йўқ қилади ҳамда тобора кенгайиб борувчи социал базада амалга оширилади. Социализмда маънавий тараққиёт унинг асосий бойлиги бўлмиш кишилар ижодий кучлари ва лаёқатларини оширишга, «Ҳар бир кишининг эркин ривожланиши ҳамманинг эркин ривожланишининг шартидир» деган буюк коммунистик шиорнинг амалга ошишига тўғридан-тўғри хизмат қилади. Ана шу туфайли жамиятнинг маънавий тараққиёти шахснинг маънавий тараққиёти билан тобора кўпроқ мослашиб боради. Равшанки, бунда гап узоққа чўзиладиган процесс ҳақида, умумий қонуният ҳақида боради, аммо бу қонуният бутун совет жамияти маънавий тараққиётининг бош йўлини белгилаб беради.

Сўнгра маънавий тараққиётнинг социал-иқтисодий ривожланиш билан ўзаро алоқаси чуқурлашиб боришининг моҳиятини очиб, айни чоқда мамлакатимиз ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида эришган улкан муваффақиятларни кўрсатиш лозим. У янги тузум афзалликларига таяниб, тарихан қисқа муддат ичида иқтисодий ва социал-маданий тараққиёт чўққиларига кўтарилдики, бу билан ҳар бир совет кишиси ҳақли равишда фахрланади. Айни чоқда ҳаёт, унинг динамизми бундан буён ҳам силжишлар ва туб ўзгартишлар қилиш, жамиятнинг сифат жиҳатдан янги ҳолатига, сўзнинг жуда кенг маъносидаги янги ҳолатига эришиш зарурлигини тақозо этади (бу ўринда партия аниқ белгилаган ва содир бўлиши лозим бўлган ўзгаришлар ҳақида, бизнинг ижтимоий системамиз жавоб берадиган параметрлар ҳақида гапириш лозим — КПСС XXVII съездининг материаллари, 158—160-бетларга қаралсин). Партия илгари сурган жадаллаштириш стратегиясида социалистик жамият ривожи ҳозирги босқичининг асосий белгиси: экономика тараққиётининг социал-сиёсий ва маънавий тараққиёт билан ўзаро боғлиқлигининг чуқурлашуви ва мураккаблашуви тўла-тўкис ҳисобга олинган. Жуда катта социал-маданий резервларимиздан фойдаланиш мамлакат ривожини жадаллаштиришнинг, омма меҳнат ва ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг, янги инсонни шакллантиришнинг, жамият сиёсий стабиллигининг муҳим омили бўлмиш социалистик турмуш тарзини барқарор этишнинг кудратли воситаларидан биридир.

Бу ўринда шуни алоҳида уқтириш лозимки, жадаллаштириш йўли партиянинг узоққа мўлжалланган сиёсий йўли бўлиб қолган бир даврда маънавий резервлар ҳақидаги масала биринчи даражали аҳамият касб этади. Бу энг аввало фанга — фан-техника тараққиётининг жараёни ва истиқболларини белгилаб берадиган табиий-илмий, техникавий ва жамиятшунослик предметларининг жами сифатида бутун фанга тааллуқлидир. Бу фан-техника ютуқларини жамиятда ва ишлаб чиқаришда ўзлаштиришнинг зарур шарти бўлган таълимга ҳам тааллуқлидир. Бу идеология, дунёқараш, ахлоққа ҳам шунчалик тааллуқлики, булар социал ва фан-техника тараққиёти мақсадлари ва устунлигини белгилаб беради, уни тартибга солувчи сифатида майдонга чиқади. Фан-техника революциясининг Маркс доҳиёна олдиндан кўра билган асосий социал оқибатини ҳам назарда тутиш лозимки, бунда инсоннинг ишлаб чиқариш фаолияти таркибида интеллектуал ва ташкилотчилик функциялари тобора кўп ўрин эгаллайди ҳамда уларни бажариш юксак умумий билим ва профессионал тайёргарликни талаб қилади.

Бу ҳол эса шуни тақозо этадики, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш вазифалари маънавий тараққиёт вазифалари билан, шахсни шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шахс фақат фан ва техника ривожи талабларига шунчаки мос бўлибгина қолмай, унинг ўзи ана шу жараённинг кудратли «жадаллаштирувчиси» сифатида майдонга чиқиши лозим. Маънавий ривожланиш билан ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ўртасидаги нисбат юқоридаги гапларнинг ишончли далилидир. Ҳозирги кунда партия билан халқнинг куч-ғайрати ишлаб чиқариш самарадорлигини кескин оширишга, яқин ўн беш йил ичида меҳнат унумдорлигини 2,3—2,5 баравар хўжаликнинг бир қатор тармоқларида эса ундан ҳам кўпроқ оширишга эришишга қаратилгандир. КПСС буни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини аниқ белгилаб берди. Мавжуд баҳоларга кўра, ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш миллий даромад ўсимининг ярмидан кўпроғини ҳамда меҳнат унумдорлиги ўсимининг тахминан учдан икки қисмини таъминлайди. Партия иқтисодий сиёсатининг мақсади ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартишга қаратилгандир. Гап аслида жамият ишлаб чиқарувчи кучларида чинакам революция қилиш ҳақида боради.

Бу революцияни амалга ошириш учун фанни тадқиқотларнинг ҳамма жабҳалари бўйича олға силжитмоқ, унинг ишлаб чиқариш билан узвий интеграциясига эришмоқ лозим. Жамиятимиз инсоният тўплаган жуда катта маданият, билимлар ва техника запасларини «социализм қуроли»га айлантириш вазифасини ҳал қилиш учун ғоят кенг имкониятларга эга. Шуни эслатиш кифояки, ҳозир СССРда фан соҳасида қарийб 4,5 миллион киши, шу жумладан салкам 1,5 миллион илмий ходим ишламоқда. Минглаб илмий муассасалар тахминан 250 та илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари, 893 та олий ўқув юрти, қарийб 40 мингта лойиҳалаш-конструкторлик ташкилотлари тадқиқотлар ва ишланмаларни амалга оширмоқда. Ҳамма иттифоқдош республикаларда Фанлар академиялари ишламоқда. Табиий бойликлар жадал ўзлаштирилаётган, саноати ва қишлоқ хўжалиги тез ўсиб бораётган регионларда йирик илмий-тадқиқот бўлинмалари барпо этилган. Рационализаторлар ва ихтирочилар, меҳнаткашларнинг турли ижодий бирлашмалари фан ва техникани ривожлантиришга оид кўп масалаларни ҳал этишда актив роль ўйнамоқда.

Ана шу кудратли бутун фан-техника потенциалини, В. И. Ленин такрор-такрор айтганидек, «социализм қуроли»га айлантириш, олимлар, инженерларнинг кашфиётлари ихтиролар, технологик янгиликларда жамланган ижодий куч-ғайратини ишга солиш — экономиканинг ривожланишига жуда катта куч бахш этиш демакдир: баъзи бир ҳисобларга кўра, фанда қилинган кашфиётларнинг ўзини ишлаб чиқаришга жорий этиш истеъмол қийматларини ишлаб чиқаришни бир неча бор кўпайтиришга қодирдир. Шу боисдан

партиянинг бу борадаги позицияси аниқ ва равшандир: жамиятимиз ҳозиргига қараганда фандан бекиёс даражада катта самара олиши мумкин ва лозим. Фан олдида турган вазифаларга янгича, замон талаблари — фанни ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжлари томон, ишлаб чиқаришни эса фан томон қатъий буришга қаратилган талаблар нуктаи назаридан қарамоқ зарур. КПСС Марказий Комитети ҳам фан, техника ва ишлаб чиқаришни бирлаштирувчи барча бўғинларни анализ қилишга, уларни мустаҳкамлаш тадбирларини белгилашга ана шу позициялардан туриб ёндашишга чақирмоқда. Принцип жиҳатдан янги техника ва технологиянинг назарий асосларини яратишдек улкан, масъулиятли ишда академиялар институтлари ҳам, олий ўқув юрти фани ҳам, тармоқ илмий-техникавий ташкилотлари ҳам ғоят фаол иштирок этишлари лозим.

Бу ўринда тингловчиларга шуни тушунтириш муҳимки, партия фундаментал фанларни ривожлантиришга айниқса катта аҳамият бермоқда, зеро бу фан кўпроқ ғоялар генератори сифатида майдонга чиқмоқда, янги соҳаларга йўл очмоқда, самарадорликнинг янги даражасига эришиш имкониятларини бермоқда. Фундаментал тадқиқотлар, — деб таъкидланди КПСС МКда 1985 йил июнда бўлиб ўтган кенгашда,— ғоят масъулиятли иш бўлиб, уларни авж олдиришда заиф жиҳатлар билан муроса қилишга, сусткашлик ва лоқайдликка асло йўл қўйиб бўлмайди. Фан-техника зиёлиларининг мамлакат олдида турган вазифаларни ҳал қилишдаги иштирокининг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг гражданлик масъулиятига, ғоявий-ахлоқий етуклигига, ҳар бир илмий ходимнинг актив позициясига боғлиқдир.

Тингловчиларга шу ҳақда эслатиб ўтиш ўринлики, фан фақат бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидагина эмас, балки жамият маънавий ҳаётини бойитишга кўмаклашиши туфайли ҳам ижтимоий тараққиётга кириб боради. Бу ҳол илмий фаолият натижалари қай даражада жамият барча аъзоларининг бойлигига айланишига яраша тўғри бўлиб чиқаверади. КПСС XXVII съездида таъкидландики, фан-техника революцияси шароитида меҳнатни янада тубдан ўзгартириб бориш одамларни билим ва касб жиҳатдан тайёрлаш олдига юксак талаблар қўяди. Ҳозирнинг ўзидаёқ ишчилар ва инженер-техник кадрларнинг етарли малакага эга бўлмаганликлари туфайли энг янги автоматик линиялар, роботлар, программ бошқарув станокларидан кўпинча самарасиз фойдаланилади. Шунинг учун ҳам партия мутахассислар тайёрлаш сифатини кўтариш ҳамда аввало фан-техника тараққиёти билан боғлиқ янги ихтисослар бўйича кадрлар малакасини ошириш вазифасини қўйди.

Пропагандист тингловчилар эътиборини КПСС XXVII съездининг **узлуксиз таълимнинг ягона системасини** яратиш ҳақидаги кўрсатмаларига қаратади. Катта халқ хўжалик ва сиёсий аҳамиятга эга бўлган бу проблема мактабимиз барча босқичлари амал қиладиган доирани кенгайтиришни, ташкил қилинган таълим доирасига ҳамма ёшдаги ва касбдаги миллион-миллион совет кишиларини жалб этишнигина кўзда тутиб қолмайди. Гап халқ маорифини ривожлантиришдаги янги ҳолат ҳақида борадики, бунда у илгаригига қараганда бекиёс катта микёсда жамиятимизнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлмиш меҳнат аҳлини шакллантиришда ҳам, халқнинг ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжларини қондириш, шахснинг янги тарихий типини тарбиялашда, совет турмуш тарзини такомиллаштиришда ҳам реал иштирок этади (бу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган умумтаълим ва ҳунар мактабларини ислоҳ қилишнинг маъноси ва аҳамиятини тушунтириш, олий ва ўрта махсус таълимни қайта қуришнинг ва ролини оширишнинг асосий йўналишларини очиб бериш маъкулдир — қаралсин: «Политическое самообразование» журнали — Никандров Н., Ситникова Н. Ўрта таълимнинг мазмунини такомиллаштириш (1985, № 10); Гершунский Б., Травин В. Ёшларга умумий ҳунар таълими бериш — фан-техника тараққиёти талаби (1985, № 11); Шадирков В., Филиппов Ф. Жамиятни маънавий ривожлантиришда мактабнинг роли. Педагог билан социолог диалоги (1987, № 1); Ягодин Г. Олий мактабни қайта қуриш ва узлуксиз таълим (1986, № 7).

Қуйидагиларни таъкидлаш ҳам муҳимдир. Таълим иқтисодий ролининг ошиб бориши халқ хўжалиги тармоқлари системасида унинг ўрни ўзгаришига объектив тарзда олиб келади. Мамлакатда меҳнат ресурсларини қайта тиклашнинг, ижтимоий ишлаб чиқариш иштирокчиларининг ҳунар-малака структурасини такомиллаштиришнинг қудратли таълим бериш комплекси ташкил топмоқда. Кун тартибига таълимнинг, биринчи галда олий таълимнинг экономика тармоқлари орасида устунлигини ошириш, бунда жамият моддий ва маънавий ресурсларининг тобора кўп улушини жамлаш вазифаси қўйилмоқда. Ушбу вазифани ҳал қилишнинг бирдан-бир тўғри йўли олий таълимни ривожлантиришнинг кадрлар борасидаги шарт-шароитни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришдан аввал шакллантиришга имкон берадиган суръатларига эришишдан иборатдир.

Шу билан бирга социалистик турмуш тарзи фундаментал қадриятлари системасида таълимнинг социал аҳамияти ошмоқда. Совет кишиларининг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини ривожлантириш, айни пайтда уларни қондириш учун шароит яратиш партия ва давлат социал сиёсатининг етакчи йўналишлари сифатида илгари сурилмоқда. Ўз навбатида бу маданий-маърифий соҳа мазмуни, уни ташкил этишда ва структурасида,

унинг шахсга, шахснинг тўлиқ ва уйғун камол топишига қаратилганлигини кучайтириш... чуқур ўзгаришлар қилишни талаб этади.

Жадаллаштириш стратегиясининг объектив диалектикаси ана шундай: уни амалга ошириш йўлидаги ҳар бир қадам социализмнинг бунёдкорлик имкониятларини янги поғонага кўтариб, коммунистик истиқболни яқинлаштиради. Олий мактабни қайта қуриш вазифаларини бажариш, умумий таълим ва ҳунар мактаблари ислоҳотини амалга ошириш, узлуксиз таълимнинг ягона системасини яратиш ҳам ижтимоий тараққиётнинг ана шу қонунини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини кўриб чиқишни тугаллар экан, совет турмуш тарзини такомиллаштириш жараёнининг халқ маънавий бойлигини тинимсиз ошириб бориш билан чамбарчас алоқадорлиги ҳақида гапиради. Бизнинг жамиятимиз жуда ривож топган капиталистик мамлакатлар қодир бўлмаган нарсага: маданиятни амалда меҳнат аҳли билан қўшишга, улар ўртасидаги асрий тўсиқларни йўқотишга, социал аҳволи ва миллатидан қатъи назар ҳар бир киши учун билимнинг барча манбаларини, маънавий ва эстетик бойликларни очишга эриша олди. Айнан инсон орқали, унинг билим ва маҳоратларини кўпайтириш, унинг янгича ишлашга шайлигини ошириш, янги техникага мослашиш ва уни эгаллаш қобилиятини ривожлантириш орқали маънавий тараққиёт ишлаб чиқарувчи кучларга ва ишлаб чиқариш муносабатларига фаол таъсир қилади, социал ўзгаришларга таъсир кўрсатади.

СОЦИАЛ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАР, УЛАРНИ АКТИВЛАШТИРИШ — ЖАДАЛЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ РЕЗЕРВИ

Пропагандист теманинг ушбу бўлимини баён этишга киришар экан, тингловчиларга социалистик давлат омма ҳамма воқеалар ҳақида фикр юрита оладиган ва ҳамма ишга онгли равишда қўл урадиган бир шароитда омманинг онглилиги билан кучлидир деган Ленин қоидасини эслатади. КПСС XXVII съездининг, партия МК 1987 йил январь Пленумининг қарорлари, КПСС МК Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг, партиямиз ва давлатимиз бошқа раҳбарларининг нутқлари муносабати билан бу қоида айниқса актуал бўлиб қолди. Кадрлар, барча меҳнаткашларнинг эскириб қолган нарсаларни бартараф этиш зарурлигини чуқур тушуниши, етилган иқтисодий, социал ва бошқа проблемаларни ҳал этиш муҳимлигини англаши, янгича ишлаш истагини ва маҳоратини ҳосил қилиш мамлакатимизда қурилган социализмни такомиллашнинг XXVII съезд қабул қилган программасини муваффақиятли бажариш учун зарур субъектив шарт-шароитлар яратиш имконини беради. «Кенг меҳнаткашлар оммасини танлаб олинган йўлнинг тўғрилигига ишонтириш, уларни маънавий ва моддий жиҳатдан қизиқтириш, кадрларнинг психологиясини қайта қуриш — тараққиётимизни жадаллаштиришнинг энг муҳим шартларидир» (КПСС XXVII съездининг материаллари, 27-бет).

Ижтимоий ҳаётни ривожлантиришдаги зиддиятлар, 70- ва 80-йиллар чегарасида вужудга келган шароитлар қайта қуришни зарур қилиб қўйди. Ана шу шарт-шароитлар туфайли, КПСС МКнинг 1987 йил январь Пленумида таъкидланганидек, шундай вазият юзага келдики, натижада экономикада, шунингдек бошқа соҳаларда ҳам объектив равишда ўзгариш қилиш зарурати пишиб етилганди, лекин партия ва давлатнинг амалий фаолиятида бу ўзгаришлар амалга оширилмади. Бундай мураккаб ва зиддиятли вазиятнинг асосий сабаби шунда эдики — бу ҳақда МК январь Пленумида жуда очиқ-ойдин айтилди ҳам — КПСС Марказий Комитети, мамлакат раҳбарлари энг аввало субъектив сабаблар туфайли ўзгариш зарур эканлигини, жамиятда кризис ҳолатлари ўсиб бориши хавфини ўз вақтида ва тўла-тўкис баҳолай олмадилар, уларни бартараф этишнинг, социалистик тузум замиридаги имкониятлардан янада тўлароқ фойдаланишнинг аниқ йўлини ишлаб чиқа олмадилар.

Беғамлик, бепарволик, ноталабчанлик кайфиятларидан ташкил топган «ўзига хос психологияни» бартараф этиш ва талабчанлик, масъулиятлилик, танқид ва ўз-ўзини танқид, етилган ижтимоий проблемаларни очиқ-ошкора муҳокама этиш муҳитида етилаётган янги психологияни, жамиятимизда туб сифат ўзгаришлари қилишга қаратилган психологияни вужудга келтириш ҳаётий муҳим эҳтиёж бўлиб қолди. Ана шу маънода ҳам психологик жиҳатдан қайта қуриш бошқарув системасини, партия раҳбарлиги услубини қайта қуришнинг, иқтисодий, социал, сиёсий ҳаётдаги ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги туб ўзгартишларнинг зарур бўғини сифатида майдонга чиқмоқда.

Сўнгра пропагандист кишиларнинг маънавий дунёсини сифат жиҳатдан тубдан ўзгартишдан иборат бўлган психологик қайта қуришнинг аҳамиятини очиб беради. Унга ҳам умумий, ҳам специфик хусусиятлар хосдир. Умумий, яъни бутун қайта қуришга хос белгилар жумласига, масалан, қуйидагилар киради: унинг ҳаётий эҳтиёжлиги, амалга оширишни кечиктириб бўлмаслиги; унинг барча томонларининг ўзаро боғлиқлиги; қайта қуришнинг умумхалқ характери, у ҳамма соҳада, айни бир вақтда юқорида ҳам, қуйида ҳам содир бўлиб, партия раҳбарлиги ва давлат бошқарувининг ҳамма поғоналарини қамраб

олиши ҳамда меҳнат коллективларидаги қайта қуриш билан қўшилиб кетиши лозим; қайта қуришни ўтказишда катъийлик кўрсатиш зарурлиги; унинг революцион туб ўзгартишлар билан тенг аҳамиятга эга эканлиги.

Бу ўринда шуни қайд этиш муҳимки, қайта қуришнинг умумий системасида психологик қайта қуриш биринчи ўринга қўйилади. Гап шундаки, инсон психологиясини, коллектив, жамият психологиясини қайта қурмасдан, инсон омилини активлаштирмасдан туриб барча бошқа ўзгаришларни амалга ошириш қийинлашади. Шу боисдан совет жамияти тараққиётининг ҳозирги бурилиш босқичида психологик қайта қуришнинг ва уни амалга оширишнинг хусусиятларини анализ қилиш муҳим назарий ва амалий проблемадир.

Психологик қайта қуришнинг ўзига хос хусусияти нимадан иборат? Аввало шундан иборатки, у инсон борлиғининг энг нозик, энг мураккаб соҳасига — онг соҳасига дахл қилади. Аслини олганда психологик қайта қуриш инсоннинг ички дунёсини, унинг ориентациясини ва хулқ-атвор мотивациясини ўзгартириш, янги вазифаларни ҳал этишга ижобий фаол муносабатни, ҳаракат қилишга шайликни ифодаловчи онгли кайфиятни шакллантиришдир. Ана шу асосда психологик қайта қуриш кишилар психологиясида кам деганда қуйидаги ўзгаришларни назарда тутади: 1) партиянинг жадаллаштириш, ижтимоий ҳаёт барча соҳаларини ривожлантиришга қаратилган стратегик йўлининг муҳимлигини **англаш**; 2) ҳозирги моментга тўғри келмайдиган эски тафаккур стереотипларидан, социал йўл-йўриқлардан, одатлардан, фаолият ва хулқ-атвор услубидан **воз кечиш**; 3) ижодий тафаккурни, социалистик жамиятнинг ҳозирги тараққиётига янгича қарашлар ва тасаввурларни, шунингдек позицияларни, қадрият ориентациялари ва ҳоказоларни **ишлаб чиқиш,** инсон маънавий ривожини замон талабларига мос бўлган сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш.

Сўнгра шуни таъкидлаш лозимки, ҳаммага ва ҳар бир кишига тааллуқли психологик қайта қуриш маънавий дунёнинг муҳим жиҳатларини, айниқса тафаккурни, мотивация ва ирода соҳаларини, хулқ-атворнинг гражданлик позицияларини белгилашни, топширилган иш учун масъулият туйғусини оширишни, интизомни ҳар тарафлама мустаҳкамлаш ҳамда меҳнат ва ижтимоий фаолиятни активлаштириш заруратини англашни ўз ичига олади. Жамиятимиз ривожлана борган сари ҳаёт ва фаолият принциплари ва нормаларига: коллективизмга, ҳар кимдан — қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига яраша принципига, адолат, инсонпарварлик ва бошқаларга қатъий риоя қилишга бўлган талаблар тобора ошиб борадики, буларни рўёбга чиқариш социал субъектлар манфаатларини уйғун қўшиб олиб боришни ҳамда бундай қўшиб олиб боришнинг бузилишини бартараф этишни кўзда тутади.

Психологик қайта қуриш ҳам индивидуал, группавий онгни, ҳам ижтимоий онгни ўз ичига олади. Шунинг учун ҳам бунга эътиборни қаратмоқ лозимки, баъзан «психологик қайта қуриш» иборасини фақат индивидуал онгга тааллуқли деб биладилар ҳамда бу билан унинг мазмунини торайтирадилар. Психологик қайта қуришнинг бошқа хусусияти унинг ишдаги қайта қуриш билан узвий боғлиқлигидир. Бу — ижтимоий ҳаётни соғломлаштиришдан иборат битта жараённинг томонлари бўлиб, психологик қайта қуриш эса ишда янгичасига рўёбга чиқарилади.

Бу ўринда шуни алоҳида қайд этиш зарурки, тафаккурни қайта қуриш (психологик қайта қуриш эса, айтиб ўтилганидек, кишилар тафаккурига жуда ҳам дахл қилади), айтиш мумкин, психологик қайта қуришнинг энг муҳим, бинобарин, энг қийин моментидир. Шунинг учун ҳам энг муҳимки, кишиларда вужудга келган қадриятлар ва ҳаётий позициялар системасининг, фаолият, хулқ-атвор мотивлари ва ҳоказоларнинг, яъни бутун маънавий оламнинг ўзгариши тафаккурнинг ўзгаришига боғлиқдир. Тафаккурни қайта қуришдаги қийинчилик эса муқаррардир, чунки инсоннинг фикрлаш тарзи турмуш тарзига боғлиқдир, индивид тафаккурини қайта қуриш эса унинг турмуш тарзига ҳам дахл қилади. Тафаккур, эскириб қолган стереотиплар, усуллар ва методлар, одатлар турғунлигини бартараф этиш инсоний муносабатларнинг кўп қиррали системасига ўзгаришлар киритишни кўзда тутади.

Биринчи галда илмий билимларни чуқур эгаллаш тафаккурни қайта қуришга кўмаклашади. Ана шунинг учун ҳам кадрларимизнинг марксча-ленинча назарияни, партия иқтисодий стратегиясини, жамиятнинг ривожланиш қонунлари ва уларнинг намоён бўлиш механизмларини, жадаллаштириш концепциясини ҳамда марксизм-ленинизмнинг бошқа қоидаларини ўзлаштириб олишлари ҳозирги шароитда айниқса зарур бўлиб қолди.

Ижтимоий онгни, худди шунингдек группавий ва индивидуал онгни салбий ҳолатлардан тозалаш унинг соғломлашувига олиб келади ҳамда уни жамиятимиз олдида турган улкан иқтисодий, социал, тарбиявий вазифаларни ҳал этишга тезроқ қаратиш имконини беради. Ўзаро муносабатларда, мулоқотда ҳалоллик, виждонлилик, ишонч, ҳурмат бўлиши муҳимдир. Кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва мулоқотларнинг ана шундай энг оддий ахлоқий-психологик характеристикаларининг мавжудлиги ҳар қандай коллективда ва бутун жамиятда соғлом ахлоқий-психологик вазиятни (ёки муҳитни) барқарор этишга кўмаклашади. Октябрдан кейинги бутун тажрибамиз шундан далолат берадики, маъмурий чоралардан кўра кўпроқ коллективдаги маънавий-психологик

вазият социалистик турмуш тарзи нормаларининг бузилишига йўл қўймайди, коллективлар ичидаги ва коллективлараро муносабатларни, кишилар ўртасидаги мулоқотни такомиллаштиришда кўмаклашади.

Шундай қилиб, бугун психологик қайта қуриш шундай маънавий-психологик вазиятни шакллантириш ва қувватлашга қаратилганки, бундай вазият жамиятда содир бўлган ўзгаришлардан чуқур мамнунлик туйғуси, оптимистик кайфият билан йўғрилган бўлиб, ташаббус кўрсатишни, КПССнинг бош йўлини турмушга оширш учун қатъий курашни, омма, хар бир шахс ижодиётини, ижтимоий муносабатларнинг энг муҳим регулятори, социал процессларни бошқаришнинг воситаси, салбий ҳодисаларни бартараф этишнинг кишиларни тарбиялашнинг омили сифатида жамоатчилик фикрининг қувватидан фойдаланишга бўлган психологик интилишни рағбатлантиради.

Пропагандист теманинг ушбу бўлимига хулоса ясар экан, кишиларни психологик жиҳатдан қайта қуриш босқичма-босқич кечишини таъкидлайди. КПСС МК 1985 йил апрель Пленумида ва партия XXVII съездида қайта қуришнинг зарурлиги ва муҳимлигини чуқур англаш вазифаси қўйилган бўлса, кейинги даврда энди ҳеч ким эскича яшашни, эскириб қолган, ҳаракатимизга тўғаноқ солаётган нарсалар билан муроса қилишни хоҳламаётганлиги қайд этилди. Бу, албатта, жуда катта муваффақиятдир. Аммо эскичасига яшашни истамаслик фақат биринчи босқич, қайта қуриш жараёнининг бошланишидир, холос. Асосий иш — ҳали олдинда турибди, бу ҳол КПСС МК 1987 йил январь Пленумида янги куч билан таъкидланди. Ўрток М. С. Горбачев қайта қуришнинг ҳамда у билан боғлиқ бўлган жамиятни чуқур демократлаштириш процессларининг муҳимлигини уктириб, чинакам революцион ўзгартишларни назарда тутиб, Пленумдаги докладида қайта қуришнинг пировард мақсадига алоҳида эътибор берди, зеро қайта қуриш мамлакат ҳаётининг барча жиҳатларини тубдан янгилашни, социализмга ижтимоий ташкилотнинг энг замонавий формаларини бахш этишни, ўзининг барча ҳал қилувчи соҳаларида — иқтисодий, социал-сиёсий ва ахлоқий соҳаларида тузумимизнинг гуманистик характерини тўла-тўкис очиб беришни назарда тутади. Қайта қуриш янги сифат касб этмоқда — у кенг ёйилибгина қолмасдан ҳаётнинг чуқур қатламларига ҳам сингиб бормоқда.

Қайта қуриш жамиятнинг барча соғлом кучларини жўш урдириб юборди. Ишлар аҳволини объектив, ўз-ўзини танқид этиш нуқтаи назаридан баҳолаш, ишда формализм ва андазабозликдан қочиш, проблемаларни ҳал этишнинг янги, ноёб йўлларини излаш хусусиятларини касб этган партия комитетлари ва жамоат ташкилотлари, меҳнат коллективлари тобора кўпайиб бормоқда. Қадриятларга қайта баҳо берилмоқда, улар ижодий қайта мушоҳада этилмоқда, экономикадаги, социал ва маънавий соҳалардаги туб ўзгартишларнинг йўналишлари ҳақида мунозаралар кучайди, ташкилотчилик ва идеологик ишнинг янги методларини излаш кенгаймоқда. Ишлаб чиқаришда талабчанлик ва интизом, уюшқоқлик ошмоқда, кўпроқ тартиб ўрнатилди. Пленумда таъкидланганидек, биз учун маънавий ҳаётни қайта қуришдаги дастлабки қадамлар айниқса муҳимдир, чунки ижтимоий онгда бурилиш ясамасдан, кишилар психологияси ва тафаккурида, кайфиятларида ўзгариш қилмасдан туриб муваффақиятга эришиб бўлмайди.

Бинобарин, ижодий фикрлашни шакллантириш ҳамда янги проблемаларни ҳал этишда кишиларнинг реал ҳаракатлари ва туриш-турмушларида намоён бўладиган масъулият, ташаббускорлик, янгиликни ҳис этиш каби ва бошқа социал муҳим маънавий-психологик хислатларни ривожлантириш психологик жиҳатдан қайта қуришнинг асосий натижаси бўлмоғи лозим. Кўрсатиб ўтилган ана шу барча моментлар амалга оширилгандагина психологик қайта қуриш ижтимоий тараққиётнинг шарт-шароитларидан бири сифатида майдонга чиқиши мумкин.

ИДЕОЛОГИЯ БИЛАН ҲАЁТНИНГ АЛОҚАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ, СЎЗ БИЛАН ИШ БИРЛИГИ

Пропагандист қайд қиладики, социализм инсон фаолиятининг принцип жиҳатдан янги мотивларини вужудга келтиради ҳамда ишга соладики, бу мотивлар янги ижтимоий системани ривожлантиришнинг энг чуқур асослари ва зарур эҳтиёжларига мос бўлади. Бу мотивлар эксплуатациядан холи кишиларнинг ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам муносабатларидан келиб чиқадики, улар учун социализм ҳозир авж олган бунёдкорлик ишида ижодкор бўлишдек имкониятни яратиб беради. Бунда шуни таъкидлаш муҳимки, бу ишда кўр-кўрона ижрочи ёки лоқайд гувоҳ эмас, айнан ижодкор, омилкор бўлиш социалистик бунёдкорлик фани ва санъатини — марксизм-ленинизмни эгаллаш демакдир. Бу ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, партия билан халқ фаолиятининг мақсадлари ва истиқболларини тўла тушунган ҳолда, яъни шахснинг маънавий қиёфасида ички уйғунликни шакллантирадиган, уни воқеликка, меҳнат ва ижтимоий фаолиятга, жамият сиёсати ва маънавий ҳаёти проблемаларига ёндашишнинг методологик принциплари билан қуроллантирадиган чинакам илмий дунёқарашга таянган ҳолда ижод қилиш демакдир. В. И. Ленин революцион

«дунёқараш»ни ишлаб чиқишга жуда катта аҳамият берар ҳамда буни коммунистик тарбиянинг асосий мақсади деб билар эди (ТАТ, 7-том, 35-бетга қаралсин).

Бу вазифа ҳозирги шароитда ҳам ғоявий-тарбиявий ишда марказий вазифа бўлиб қолмоқда. Партия, КПСС Программасида ёзиб қўйилганидек, мамлакатни социал-иктисодий ривожлантиришни жадаллаштириш учун марксча-ленинча идеологиянинг ўзгартирувчи кучидан тўла-тўкис фойдаланиш, совет кишиларини ғоявий-сиёсий, меҳнат билан ва ахлоқий тарбиялаш, **ўзида маънавий бойликни, ахлоқий покликни ва жисмоний мукаммалликни мужассамлаштирган, ҳар томонлама камол топган, ижтимоий жиҳатдан фаол шахсни шакллантириш** йўлида собитқадам иш олиб бориш учун; барча совет кишилари марксча-ленинча таълимотни чуқур эгаллашлари, сиёсий маданиятларини оширишлари, партия сиёсатини ишлаб чиқишда онгли иштирок этишлари ва уни фаол тарзда турмушга ошириб боришлари, бутун партия ва давлат фаолиятининг энг муҳим принципи бўлмиш сўз билан ишнинг бирлигига эриша боришлари ҳақида муттасил ғамхўрлик қилиш учун барча зарур чораларни кўради. Фақат «пухта ўйлаб қурилган ва қатъий дунёқараш», В. И. Лениннинг фикрича (ТАТ, 10-том, 51-бетга қаралсин), меҳнаткашларни социал ҳодисаларга мустақил баҳо беришга, кундалик вазифаларнинг пировард мақсадларимиз билан боғлиқлигини кўришга, ҳар қандай ғоявий душман билан далиллар асосида мунозара юритишга қодир бўлган онгли сиёсий жангчига айлантиради.

Пропагандист дунёқараш билан ахлоқнинг чуқур ва чамбарчас алоқадорлигини таъкидлайди. Бу алоқа Лениннинг коммунизмни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш учун, унинг идеалларини рўёбга чиқариш учун кураш коммунистик ахлоқнинг негизидир, деган машҳур формуласида (ТАТ, 41-том, 350-бетга қаралсин) тўла-тўкис ифодаланган. Инсонда илмий-материалистик дунёқарашни шакллантириш унинг қадриятлар ориентациясини, моддий ва маънавий қадриятларни, оқилона қўшиб олиб боришни унинг турмуш тарзини ҳал қилувчи даражада белгилайди.

Сўнгра тингловчиларга нима учун шахснинг ғоявий-ахлоқий ўзагини ташкил этувчи ҳамда марксизм-ленинизмни билишга асосланувчи коммунистик онгни, эътиқодни тарбиялаш ҳақида партия муттасил ғамхўрлик қилишини тушунтириб бериш тавсия этилади. Буни бир қатор шарт-шароитлар, энг аввало ҳаётга одамларнинг тобора янги-янги авлодлари кириб келаётганлиги тақозо этади. Ёшлар ўзларидан олдинги авлодларнинг маънавий қиёфасидаги энг яхши белгиларни, уларнинг қарашлари ва эътиқодларини мерос қилиб олишлари учун ҳар бир йигит-қизга марксча-ленинча тарбиянинг улкан мактабидан ўтиш жуда катта ҳажмдаги назарий билимларни ўзлаштириш ҳамда уни амалда қўллаииш лозим бўлади.

Шуни ҳам назарга олиш лозимки, инсон дунёқарашини чуқурлаштириш жараёни, аслини олганда, объектив дунёни билиш жараёнининг ўзи каби чексиздир. Инсоннинг объектив дунё қонуниятлари, ижтимоий тараққиёт жараёнлари ҳақидаги илмий тасаввурларини бойитиш — инсонни уйғун камол топтиришнинг, ижтимоий-сиёсий активлигини оширишнинг зарур шартидир.

Бундан ташқари, билиш объектининг ўзи, ҳаётнинг ўзи ўзгариб боради ва шу муносабат билан марксча-ленинча назария муттасил бойийди, янгиланади, унинг у ёки бу қоидалари янги мазмун билан тўлиб боради. Табиийки, инсоннинг дунёқараши ижтимоий тараққиётнинг шароитлари ва эҳтиёжларини адекват тарзда акс эттирган тақдирдагина ўзининг билиш, баҳолаш-белгилаш ва тубдан ўзгартиш ролини муваффақиятли бажариши мумкин.

Ҳозирги шароитда марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ва чуқурлаштириш айниқса зарурдир. Бунга сабаб шуки, социализмни ҳар тарафлама такомиллаштириш жараёнида маънавий омилнинг ижтимоий тараққиётни жадаллаштирувчи сифатидаги роли ортиб боради, жамиятнинг коммунизм сари ҳаракатининг суръатлари кишиларнинг онглилик, маънавий етуклик, социал активлик даражасини оширишга боғлиқлиги тобора яққолроқ намоён бўлади. Марксизм-ленинизмни, коммунистик дунёқарашни омманинг жонли ижодиёти билан қўшиш — инсон омилини активлаштиришнинг муҳим шартидир.

Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш ўринлики, ҳозирги кунда марксизм-ленинизмни оммавий тарзда ўрганиш ижтимоий онгнинг характерли хусусиятларидан биридир. Уни ёйиш ва пропаганда қилиш соҳасидаги иш жуда кенг кўлам касб этди, КПСС раҳбарлигида ахборот ва тарбия комплекси — қудратли, замонавий техника билан қуролланган матбуот, радио ва телевидение орқали, давлат ва жамоат ташкилотлари илмий, ўқув ва маданий-маърифий муассасалар системаси орқали миллион-миллион идеологик ходимлар иштирокида олиб борилмоқда.

Машғулот пайтида партиянинг илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш борасидаги иши авж олган ҳозирги вазият, умумий қилиб олганда, нима билан характерланишини тушунтириб бериш мақсадга мувофиқдир. Биринчидан, ижтимоий онгнинг дунёқараш ва ахлоқий активлиги анча ошдики, буни омманинг социал ва индивидуал ҳаётнинг, тарих, сиёсат, фан, маданиятнинг туб масалаларига ортиб бораётган қи-

зиқиши тақозо этди, бу масалалар билан илгарилари асосан профессионал пропагандистлар ва жамиятшунос олимлар шуғулланар эдилар; иккинчидан, аҳолининг умумий таълим ва маданий савияси анча ошди, аҳоли орасида асосан ақлий меҳнат билан шуғулланувчи ходимлар салмоғи ортди.

Ҳозирги халқаро вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари жамиятимиздаги дунёқараш жараёнларида муайян из қолдиради: улар бир-бирига тамомила қарама-қарши бўлган икки дунёқараш, икки сиёсий йўл — социализм билан империализм ўртасидаги курашнинг ўз интенсивлиги ва кескинлиги жиҳатдан урушдан кейинги давр мобайнида бекиёс даражага етганлиги билан характерланади. Миллиард-миллиард кишиларнинг ақли ва қалби учун кураш бормоқда. Бинобарин, инсониятнинг келажаги кўп жиҳатдан ана шу курашнинг натижасига боғлиқдир. Империализмнинг пропаганда маҳкамалари ғоялар курашига «психологик уруш»нинг ифлос услубларини тобора кўпроқ олиб кириб, турли уйдирмалар ҳамда асоссиз фикрлардан фойдаланмоқда. Шу муносабат билан КПСС идеология ходимлари олдига антисовет, антикоммунистик пропаганданинг ҳам сийқа душманлик, ҳам маккорона формаларига қарши **ҳужумкор** кураш олиб бориш вазифасини қўйди.

Сўнгра пропагандист уқтирадики, ижтимоий онг дунёқараш активлигининг ўсиб бориши, равшанки, илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш жараёнининг ўзига ҳам тобора катта таъсир кўрсатади. Бунда энг муҳими шундаки, омма орасидаги идеология ишининг маърифатчилик-дидактик ёндашишга асосланган омманинг ижодкорлик ролини ва тафаккурдаги мустақиллигини етарлича қадрламайдиган форма ва методлари самарасиз бўлиб қолмоқда. Жуда катта социал ва маънавий тажриба соҳиби сифатида жамиятда яшаётган ва ишлаётган бизнинг одамларимиз саволларга бериладиган сийқа жавоблардан қониқмайди, ижтимоий тараққиётнинг реал зиддиятларини, кишиларни ташвишга солаётган ва тўлқинлантираётган проблемалар илдизини очиб бера олмаслик ёки очиб беришдан қўрқиш туфайли юзага келадиган сохта гапларни ҳушёрлик билан илғаб олади. Маънавий соҳада, дунёқараш борасида бўшлиқ бўлмайди ва бўлиши мумкин эмас: агар кишилар ана шу проблемаларга бизнинг идеологиямиз ва пропагандамиздан жавоб топа олмасалар, бундай жавобни уларнинг ўзлари таърифлайдилар ёки бошқа маънавий анъаналарга, бошқа дунёқарашларга мурожаат қиладилар. Бу борада эса стихиялиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Партиямиз янги жамият барпо этиш назарияси ва практикасига оид етилган мураккаб проблемаларни марксизм-ленинизмни ижодий ривожлантириш негизида ҳал этар экан, худди шундай йўл тутмоқда. Бунда шуни қайд этиш муҳимки, назария фақат перспектив социал ва сиёсий ориентация учунгина зарур эмас. У бизнинг олға томон қўядиган ҳамма қадамимиз учун керакдир. Назарий фаолиятнинг ўзи коммунистик қурилишнинг энг муҳим ҳаракатлантирувчи кучларидан бири, қайта қуришнинг энг муҳим қуролига айланмоқда. Ўрток М. С. Горбачев ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифок кенгашида 1986 йил 1 октябрда сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, назарий тафаккур энг аввало социализм ҳозирги босқичининг хусусиятларини, унинг 2000 йилгача ва ундан кейинги даврга мўлжалланган сифат жиҳатдан янги ҳолатига эришишнинг айрим босқичларини тўларок ва чуқуррок очиб бериши лозим. У бутун ҳозирги дунёнинг илмий-объектив манзарасини чизиб бериши керак. Ҳозирги кунда жамиятшунослар олдида ҳаёт эхтиёжларидан узилишни бартараф этиш ҳамда бутун жамиятшуносликни практика томон катъиян буриш вазифаси турибди.

Фан ёшларнинг мустақил, ижодий фикрлаш қобилиятини шакллантиришга, тарбиялашга, кенг ёйишга даъват этилган. Ижтимоий фанлардан дарс беришнинг шу дамгача мавжуд бўлган форма ва методлари биз догматизм, схоластика деб атайдиган нарсани кучайтирадики, бу ҳақда юқорида тилга олинган Бутуниттифоқ кенгашида баралла айтилди. «Оддий ҳақиқатлар»дан ҳаётдаги ҳамма воқеаларга тўғри келадиган андозаларни излашга мойиллик сийқа тълим беришдан ижодий тафаккурга эмас, балки умумий қоидаларни кўр-кўрона ёд олишдан келиб чиқади. Парадоксал бир манзара юзага келди: ҳозирги илмий билишдаги энг қизиқ ва жозибали нарсалар — инсон ва жамият, уларнинг ривожланиш қонунлари, зиддиятлар, синфлар кураши, янги дунёни қуриш, инсониятнинг идеалга интилиши, маънавий изланишлар ва умидсизликка тушиш, ҳақиқатни топиш ва меҳнатдаги қаҳрамонлик **лекцияларда, шунингдек дарсликларда ҳам кўпинча қандайдир зерикарли, расмий, формал нарсаларга айланиб қолмоқда.** Бу билан марксизм-ленинизм интеллектуаллигининг бутун эмоционал жозибаси, таъсири йўқ қилинади, ҳолбуки у инсон тафаккурининг чўққиси бўлиб, унда меҳнат аҳлининг ақл-заковати, энг эзгу орзу-ниятлари мужассам бўлгандир.

Ана шунинг учун ҳам партия янгича фикрлаш ва ишлашга даъват этиб турган ҳозирги кунда **таълим ва тарбия жараёнини кўп жиҳатдан янгича ташкил этмоқ зарур.**

Пропагандист идеология ишини янада такомиллаштириш, сиёсий ва иқтисодий ўқишни қайта қуришнинг муҳимлигини кўрсатиб, мамлакатнинг ижтимоий ҳаётини ҳозир совет кишиларининг сиёсий активлиги жуда яққол характерлаб бераётганлигини қайд этади.

Совет кишилари сиёсат, экономикага, жамият хаётининг бошка сохаларига оид масалалар бўйича кўпдан-кўп таклифларни кўтариб чикмокдалар, хар кандай камчиликка дарров фикр билдирмокдалар. Бинобарин, партиямиз хар бир совет кишисида юксак сиёсий маданиятни тарбиялаш борасидаги ўз фаолиятини мехнат ахлини жамият ва давлат ишларини бошкаришга тобора кўпрок жалб этиш билан чамбарчас боғлаб, Ленин сўзлари билан айтганда, «оммани идора килиш ишига ўргатиш, китобдан ўкитиб эмас, лекция ва митинглар билан эмас, тажриба йўли билан ўргатиш» (ТАТ, 37-том, 525-бет) йўлида кўп куч-ғайрат сарфламокда.

Сўнгра адабиёт ва санъатнинг инсонпарварлик, тарбиявий вазифалари хакида гапириш лозимки, буларсиз социалистик жамиятнинг маънавий тараккиётини, совет кишисининг ички дунёсини тасаввур этиб бўлмайди. Бадиий зиёлилар — ёзувчилар, шоирлар, композиторлар, рассомлар, театр ва кино ходимлари — катта обрў-эътибор ва хурматга сазовордирлар. Бинобарин, бу улар зиммасига жамият олдида жуда катта масъулият юклайди. Совет адабиёти ва санъатида яратилган барча энг яхши асарлар хамиша партия ва халкнинг асосий ишини ва унинг ўй-ташвишларини ифодалаган. Ана шу нарса эътиборга олиниб, КПСС Программасида таъкидланадики, **«партия адабиёт ва санъатнинг ролини оширишга хар томонлама ёрдам кўрсатаверади.** Адабиёт ва санъат халк манфаатларига, коммунизм ишига хизмат килиши, миллионлаб кишилар учун кувонч ва илхом манбаи бўлиши, уларнинг иродаси, туйғуси ва ўй-фикрини ифодалаши, уларнинг ғоявий баркамол бўлиши ва маънавий тарбияланишига актив ёрдам бериши зарур». Шунга асосланиб КПСС адабиёт ва санъатнинг ғоявий йўналиши хакида алохида ғамхўрлик килмокда. Партия хозир омма онгини ошириш, кишиларни янги талаблар ва вазифалар рухида психологик жихатдан кайта тарбиялаш борасида олиб борилаётган улкан ишда маданият арбоблари фаол ёрдам кўрсатадилар деб умид килади.

Пропагандист темага якун ясар экан, шуни таъкидлайдики, жадаллаштириш стратегияси — бу жамиятни шитоб билан тараккий эттириш стратегияси бўлиб, у инерция, турғунлик ва консерватизмни, шу жумладан социал-маънавий сохада хам катъиян бартараф этиш билан боғликдир. КПСС жамиятимизни кайта куришни жадаллаштириш вазифаларини муваффакиятли хал этиш, фан-техника революциясининг эхтиёжлари ва окибатларини ўз кўлига олиш максадида бундан буён хам маънавий-идеологик структураларнинг ғоят пухта, пишик, фаол бўлиши, халк ижодиётининг барча формаларига кенг йўл очиб бериш, идеологик тарбия системасини сифат жихатдан яхшилаш учун зарур бўлган хамма чораларни кўради. Ана шуларнинг хаммаси пировард натижада социализм афзалликларини рўёбга чикаришга кўмаклашади.

ТЕМАГА ОИД АДАБИЕТ

К. Маркс. **Фейербах хакида тезислар.**— К. Маркс ва Ф. Энгельс. Асарлар, 42-том, 264—266-бетлар.

В. И. Ленин. **Ёшлар союзларининг вазифалари.**— Тўла асарлар тўплами, 41-том, 333—335-бетлар.

Совет Иттифоки Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари.— Т., «Ўзбекистон», 1986, 26—27, 45—46, 96—104, 133—134, 184—191-бетлар.

КПСС Марказий Комитети Пленумининг материаллари. 1987 йил 27—28 январь.— Т., «Ўзбекистон», 1987.

О реформе общеобразовательной и профессиональной школы. Сборник документов и материалов.— М., Политиздат, 1984.

Основные направления перестройки высшего и среднего специального образования в стране. В ЦК КПСС и Совете Министров СССР.— Правда, 1987, 21 марта.

Перестройка неотложна, она касается всех и во всем. Сборник материалов о поездке М. С. Горбачева на Дальний Восток 25—31 июля 1986 года.— М., Политиздат, 1986.

Твердо идти дорогой перестройки и углубления демократии. Сборник материалов о поездке М. С. Горбачева в Латвийскую и Эстонскую ССР 17—21 февраля 1987 года.— М., Политиздат, 1987.

М. С. Горбачев. **Янгичасига фикрлаш ва ишлашни ўргатайлик.** Ижтимоий фанлар кафедралари мудирларининг Бутуниттифок кенгашида сўзланган нутк.— «Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 11, 3—7-бетлар.

М. С. Горбачев. **Кайта куриш — халкнинг энг асосий иши.** СССР касаба союзлари XVIII съездида сўзланган нутк.— «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 4, 14—28-бетлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг материаллари. 1986 йил 4 октябрь. — «Ўзбекистон коммунисти», 1986, № 11.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумининг материаллари, 1987 йил, 28 март. — «Ўзбекистон коммунисти», 1987, № 5.

СОВЕТ КИШИСИНИНГ МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИ

Ч. АБУТОЛИПОВ,
тарих фанлари доктори

ҲОЗИРГИДАЙ ижтимоий тараққиётнинг бурилиш босқичларида, ҳаётни тубдан қайта қуриш жараёни тез суръатлар билан бораётган, совет кишилари ҳаёт ва фаолиятининг меҳнат ва маънавий соҳалари теран қатламлари тобора чуқур очиб ташланаётган бир даврда биз учун жуда муҳим бўлган «кишининг маънавий маданияти» тушунчасига қизиқиш кескин ортади. Бу қизиқиш бежиз эмас.

Инсоннинг ички олами доимий ташқи, моддий ўзгаришларга ҳамиша мос келиши, унинг ахлоқи маънавий нурашларга учрамаслиги учун нима қилиш кераклиги хусусида гап борар экан, биз бунда даставвал кишида маънавий бойликларга табиий ташналик ҳиссини шакллантиришни назарда тутамиз. «Ҳамёнга ҳам солиб, кўз-кўз қилиш учун деворга ҳам осиб бўлмайдиган» маънавий бойликкина асл инсоний фазилатлар ва муносабатларни сақлаб қолишга, ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлашга имкон беради.

Совет экономикасини интенсивлаштириш изига кўчириш, партиянинг фан-техника тараққиёти асосида мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни тезлаштириш йўлини амалга ошириш, инсон меҳнатини интеллектуаллаштиришнинг объектив процесси, инсон омилини бутун чоралар билан активлаштириш зарурати шароитида совет кишиларининг, айниқса ҳамма даражадаги раҳбарларнинг маданий савиясига бўлган талаб бениҳоя ортиб бормоқда. Янги таҳрирдаги партия Программасида шундай деб таъкидланади: **«КПСС меҳнаткашлар оммасининг маънавий ва моддий маданият бойликларини тўлароқ ва чуқурроқ ўзлаштиришига, уларни бадиий ижодкорликка актив жалб этишга катта аҳамият беради».**

Хўш, маънавий маданиятни кенг эгаллаш кадрларимизнинг амалий фаолиятида қай йўсинда акс этяпти? Нега энди адабиёт ва санъатдан баҳраманд бўлиш кишиларга ҳаётни, ижтимоий тенденцияларни чуқурроқ билишга, юксак ахлоқий хислатларни шакллантиришга ёрдам беради?

Шу муносабат билан Ф. Энгельснинг бир эътирофини эслатиб ўтмоқчиман. У, ажойиб француз ёзувчиси Бальзак асарларидан иқтисодий деталларни барча мутахассислар — ўша давр тарихчилари, иқтисодчилари, статистларининг ҳамма китобларидан ҳам кўпроқ билиб олдим, деганди. В. И. Ленин эса буюк Лев Толстойни «рус революциясининг кўзгуси» деб атаганди.

Шу нарса яхши маълумки, ҳамиша ўқиб-ўрганиш, маънавий ўз-ўзини камол топтиришни исташ ва бунга эҳтиёж сезиш энг муҳим инсоний фазилатларнинг биридир. Киши бу хислатларга эга бўлмас экан, у том маънодаги инсонлик қиёфасини йўқотади.

Маънавий эҳтиёж — бу фақат санъат, адабиёт, умуман маданият бўлмай, биринчи навбатда билишдир. Билиш жараёни беҳаддир. У инсон табиатининг ўзида бор. Инсоният яшар экан, у ўзлигини ва теварак оламни билишдан, ўрганишдан, бинобарин, марксча-ленинча формулага мувофиқ уни ўзгартиришдан тўхтамайди.

Д. И. Писарев шундай деганди: «Камдан-кам, энг ажойиб одамлар: «Билмайман» деб жўнгина ва ошкора айта оладилар». Менинг назаримда: тушуниб, англаб етмагунча фикр юритмаслик энг гўзал инсоний фазилатдир.

Атрофингиздаги кишилар хатти-ҳаракатини биргина шу позициядан туриб баҳолаб кўрингчи, сиз уларнинг маънавий оламини ва билимини анча тўла аниқлай оласизки, уларнинг классик формуласини Н. Г. Чернишевский ўз давридаёқ илгари сурган эди, — булар камтарлик, кишининг ўз билимини танқидий баҳолаши, янги нарсаларни билишга зўр иштиёқ, фикрлаш одати ва ҳис-туйғуларнинг олижаноблигидир.

В. Маяковский кунларнинг бирида шундай деганди: «Кимлиги доим аниқ-равшан кўриниб турган одам, менимча, аслида нодон бўлса керак». Одамлар олдида оми бўлиб кўринишдан қўрқиш, ўзининг ожиз томонлари тўғрисида очиқ гапиришдан чўчиш — бу энг хавфли инсоний ожизликдир. М. Горький тўла асос билан «Инсоннинг ўз-ўзидан кўнгли тўлмаслигигина муқаддасдир» деган эди. Инсоннинг ўзини доимо маънавий камол топтиришида адабиёт ва санъат унинг маданиятини кўтаради, интеллектини оширади. Одамда адабиёт ва санъатга қизиқиш, иштиёқ сўндими, демак у аслида фикрлашдан ҳам тўхтайди. Ўзида ички маънавий маданиятни ривожлантиришга эҳтиёж сезмаган одам жиддий хулосалар чиқариш ва умумлашмалар қилишга, фақат ижтимоий ҳаёт воқеаларинигина эмас, шунингдек ўз ҳаётини ҳам тушуниб етишга қодир эмас. Бундай одам В. И. Лениннинг ўткир таъбири билан айтганда, «буни билиш у ёқда турсин, ҳатто буни билмаслигини ҳам тушунмайди» (Тўла асарлар тўплами, 45-том, 96-бет). Бурунги донолар, «китобни ўлдириш инсонни ўлдириш билан баробар», «китобни йўқ қилган одам ўз ақлини ўлдиради» деб бежиз айтишмаган. Лениннинг: меҳнатсиз турмуш — ўғрилик, санъатсиз турмуш — ваҳшийликдир, деган сўзларини яна бир бор эслайлик.

Бу сўзлар айниқса бугун жуда актуалдир. Ҳа, эҳтимол, ҳар қачонгидан ҳам актуалдир. Бу масалага эътиборни тортишимнинг боиси шундаки, ахборот воситаларида юз бераётган мислсиз фан-техника революцияси, ҳозирги замон телевидениеси, радиоси, кинематографиясининг қудратли ривожи шароитида, гўё адабиётнинг аҳамияти пасаяди, одамлар ўз билимларини ахборотнинг техник воситалари орқали бойитиб бориш имкониятига эга, деган фикрни жуда кўп эшитганман. Менинг назаримда бу ўта хато фикр. Масалан, радионинг бир соатда эфирга салкам 9 минг сўз чиқариши, ўртача китобхон эса бир соатлик ўқиш давомида тахминан 27 минг сўзни назардан ўтказиши ҳисоблаб чиқилган. Демак, китоб ўқимайдиган ахборотни истеъмол қилувчилар ўз билимларини муттасил камбағаллаштириб борадилар.

Бундан ташқари билимни фақат сон жиҳатдан эмас, шунингдек сифат жиҳатдан ҳам камбағаллаштириш юз беради. Телевизион каналларнинг бир типдаги кўрсатувлар билан ортиқча банд бўлиши томошабинга танлаш имконини бермайди, ҳолбуки, неча-неча аср мобайнида бойлик орттирган адабиёт эса бунинг учун жуда кенг имкониятлар яратади.

Тўғри, ахборотнинг замонавий техник воситаларининг аҳамияти жуда катта, келгусида ҳам у муттасил ошиб боради. Лекин билимни тўлдиришни фақат телевизион ахборотлар орқали олаётган маълумотлар билан чегаралаб қўйиш, шунингдек кўнгилочар (олди-қочди) кўрсатувларга ҳаддан зиёд берилиш кишида аста-секин билимларни ўзлаштиришнинг пассив кузатувчилик формасини туғдиради, шахснинг фикрлаш фаолияти ривожини секинлаштиради.

Китоб инсоннинг ўз-ўзини маънавий камол топтиришида ҳамиша асосий куч бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. На телевидение, на радио, на кинематограф, на тарбиявий иш ҳеч қачон китобнинг ўрнини босмайди, босолмайди ҳам. Инсоннинг маънавий ҳаёти китобсиз, адабиётсиз кечолмайди, кечиши ҳам мумкин эмас. Бу бойликни инсон ўзи, бутун умри давомида куч-ғайрат сарфлаб топиши керак.

Шунга ишончим комилки, ҳозирги қайта қуриш шароитида ҳам совет кишилари ҳаёти ва фаолиятининг ҳамма соҳаларида китобсиз иш битмайди. Зеро, биз қайта ўзгарар эканмиз, эскирган, путурдан кетган, хато нарсаларни инкор қилибгина қолмай, шунингдек кенг маънодаги маданий бойликларга таянган ҳолда, янги нарсаларни қарор топтирамиз. Қайта ўзгариш — бу охиригача изчил

коммунист бўлиб қолиш деган сўздир. Ҳамма нарсада — ишда, ижтимоий фаолиятда, одамлар билан муносабатда, шахсий ҳаётда, турмушда изчил бўлиш керак. В. И. Ленининнинг фикрини эслатиб ўтмоқчиман: инсоният етиштирган ва етиштираётган ўша маънавий бойликларни эгалламай туриб коммунист бўлиш мумкин эмас. Бу бойликлар энг аввало ва энг яхши тарзда китобда жамланади. Китобсиз бўлиш — маънавий ресурсларсиз қолиш демакдир. Уларсиз киши ё қайта қурилишдан ташқарида туради, ё унга қарши боради.

Маълумки, жамиятимиздаги маънавий иқлимни қайта қуриш зарурлиги, совет кишиси тафаккурининг ўзини ўзгартириш масаласи бугунги кунда жуда муҳим масала бўлиб қолди. Партия съезди ҳам бунга алоҳида эътибор берди, чунки эндиликда илгаригидай яшаб бўлмайди, умуман мумкин эмас. Бундай шароитда шуни аниқ айтиш мумкинки, тафаккурни қайта ўзгартириш учун адабиётдан ҳам қудратли куч йўқ. Санъат турларидан биронтаси адабиёт билан тенглаша олмайди, чунки адабиёт — маънавий маданиятнинг сарасоси, ҳукамо, инсонни олижаноблаштириш, гўзалликни қарор топтиришнинг, эзгулик ва адолатга ишончнинг энг қудратли воситасидир.

Партия съезди биз қаерда ва нима масалаларда ноизчил коммунистлар бўлганлигимизни, қаерда ва қайси масалаларда қоқилганлигимизни, баъзида эса қўпол янглишганлигимизни аёвсиз кўрсатиб ўтдики, биз ҳаммамиз буни яхши эслаймиз. Консерватизм, технократизм, бюрократизм, фикрлашдаги эринчоқлик ва журъатсизлик, сиёсий ироданинг ожизлиги ёки етишмаслигининг социалистик қурилиш практикаси билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги керак. Ахир, кўпдан буён маълум-у: ўша бюрократизмнинг илдизи — маданиятсизлик, инсонпарварлик нуқтаи назаридан жоҳил одамлар технократизм касалига чалинган бўлади. Пушкин ёки Маяковскийнинг новаторлик ғайрат-шижоати, Салтиков-Шчедриннинг ўткир сатираси, Чеховнинг аччиқ кинояси фикрнинг мудрашига ёки танбаллашиб қолишига йўл қўймайди. Бебаҳо бойлик бу биргина бадиий адабиёт эмас. Яна ватан тафаккурининг тарихи, ватан фанининг тарихи, яна улуғвор жаҳон адабиёти ҳам бор. Буларнинг ҳаммаси — китоблар.

Мен В. А. Сухомлинский ва унинг «Гражданиннинг туғилиши» китобини тез-тез эслаб тураман. Унда ажойиб педагог синфий зиддиятлар бўлмаган социалистик шароитларимизда текинхўрлар, юлғичлар, порахўрлар, умуман жиноятчилар қаёқдан пайдо бўлади-я, деб ўзига ўзи савол беради. Унинг фикрича, буларнинг ҳаммаси эмоционал нодонлик оқибати. Эмоционаллик инсонни мардликдан маҳрум этади, деб унга эътироз билдиришган. Йўқ, деб жавоб берганди В. А. Сухомлинский, севишга қодир бўлмаган одам, нафратланишга ҳам қодир эмас. Гўзалликни ҳис этиш туйғуси асл гражданин учун зарурдир.

Бугун чинакам маданиятли кишини маънавий ташналикни қондиришга доимо эҳтиёж сезиш ҳиссисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бадиий адабиётда пайдо бўлган янги асар ҳам, театрнинг янги постановкаси ҳам, мароқли вернисаж ҳам, музикали фестиваль ҳам унинг эътиборини тортади. У маданий ҳаёт уммонига буткул шўнғийди. Юксак эстетик дид, ёрқин туйғулар ва бугунги воқелик суръатини ҳис этиш ана шунинг натижасидир. Адабиёт ва санъатни севиш шахснинг янги қирраларини ривожлантиради, у эстетик жиҳатдан шунчаки бойибгина, янада билимдон бўлибгина қолмай, шунингдек, менинг назаримда, кўнгил дарёси яна ҳам кенгаяди, бу жуда муҳимдир. «Маънавий» ва «руҳий» сўзларининг яқинлиги ҳам бежиз эмасдир.

Ҳар бир совет кишиси, айниқса раҳбар, идеологик ходим, педагог қалб саховати билан ажралиб туриши керак, буни, менимча, исботлашнинг ҳожати йўқдир. Шахснинг маънавийлиги унинг тингловчи, суҳбатдоши, ҳамкасбининг, қўл остидаги одамнинг дардини тушунишга, унинг севинч-у, ташвишларига шерик бўлишга интилишида ҳам намоён бўлади. Бадиий асар эса инсон психологиясини оча бориб, характерларни ўқиш ва билишга ўргатади, хатти-ҳаракатлар сабабини тушунтиради, воқелик ҳодисаларини нозик, эмоционал идрок этиш ҳиссини шакллантиради.

Яна бир ҳолатни ҳисобга олмаслик мумкин эмас. Гап шундаки, ҳозирги замон фан-техника революцияси профессионаллаштиришни чуқурлаштиришга, барча касбларнинг илм билан йўғрилиши ошишига олиб келади. Бу процесснинг ўзи қонуний ва самаралидир, лекин унинг маълум ишкал томонлари ҳам бор.

Масалан, бегоналашишнинг бартараф этилган турлари — синфлар ва миллатлар ўртасидаги бегоналашиш ўрнига унинг янги тури — профессионал бегоналашишнинг келиш хавфи бор. Профессионал тиллар шаклланиб, улар бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни талаб этади, шунга мувофиқ психологик тўсиқлар пайдо бўлади, улар ижтимоий фаолиятнинг турли соҳаларида банд бўлган кишиларнинг бир-бирларини тушунишларига халақит беради. Бундай ажралишни бартараф эта оладиган бирдан-бир восита бу маданият — фалсафий, сиёсий, ва албатта, маънавий, бадиий маданиятдир.

Яна бир муҳим нарса: бугунги куннинг қадрига етиш учун ўтмишга ҳам назар ташлай билиш керак. Тарихийлик туйғуси ҳозирги кунни реал баҳолашга ёрдам беради. Бу ерда ҳам санъат ва адабиёт энг яхши ва ишончли кўмакдир.

Ўз хизматим юзасидан кейинги йилларда учрашишга тўғри келган одамларнинг кўпчилиги санъатнинг қадрига етадиган нозиктаъб одамлар деб қатъий айтолмайман. Лекин уларнинг орасида ажойиб ходимлар, катта ақл ва сахий қалб эгалари, ҳамма нарсада: табиатда ҳам, ўзаро муносабатларда ҳам гўзалликни кўра ва тушуна оладиган кишилар анчагина эди. Уларнинг кўплари, ёшлари 50 дан анча ошиб қолган кишилар, болалигимиз кечган машаққатли уруш йилларида ўзимиз учун музика, тасвирий санъатнинг сирли оламини очиш имкониятига эга бўлмаганмиз, деб астойдил ачиниб гапирадилар. Лекин барибир улар анча кўп ўқишган ва ниҳоятда банд бўлишларига, ишлари бошидан ошиб-тошиб ётишига қарамай ўқиш иштиёқини бир умрга сақлаб қолишган.

Албатта, маънавий бойликларни эгаллаш — бу эрмак эмас, балки машаққатли меҳнат ва ҳар қандай меҳнат сингари у вақт ҳамда куч-ғайрат талаб қилади. Шубҳасиз, телевизорни қўйиб, унда «Уруш ва тинчлик»ни томоша қилишдан осони борми. Лекин бу Л. Толстой билан диққат қилиб, сермулоҳазалик билан, чуқур интим ва узоқ вақт мулоқотда бўлишнинг ўрнини боса олармиди? Мана шундай мулоқотда бўлишга эҳтиёжни тарбиялаш — бу китобни ҳимоя қилиш деганидир. Менингча, чинданам беҳисоб аудиторияга ва унга жуда катта таъсир қилиш кучига эга бўлган телевидение китобни биринчи бўлиб ҳимоя қилиши керак. Телевидениеда ҳозир ҳам китобни пропаганда қиладиган яхши программалар бор. Лекин улар, одатда, реклама-ахборот характерида бўлиб, унинг ўз саботли ишқибозларига мўлжалланган. Мен эса, ҳали китобни чинакамига ўз мулкига айлантирмаган ёки ундан узоқлашаётган кишиларни назарда тутяпман. Айтайлик, академик Д. С. Лихачев, ёзувчилардан Ч. Айтматов, Ю. Бондарев, В. Биков сингари ҳамма тан олган обрўли сиймолар китоб ўқимаслик натижасида бой берилган нарсанинг ўрнини ҳеч нима билан тўлдириб бўлмаслигига ўзларининг оташин сўзлари билан одамларни ишонтиришлари керак. Бу гап фақат катталарга эмас, шунингдек болаларга, ҳа, биринчи навбатда болаларга тааллуқлидир. Ишончим комилки, агар ўн ёшгача болада китобни севиш, унинг қадрига етиш ҳисси тарбияланмаса, унга эҳтиёж туйғуси сингдирилмаса, кейин бу ишни қилиш ниҳоятда қийин бўлади. Балки, буни умуман иложи бўлмас. Лекин ҳозирча анча кўнгилсиз бир фактни қайд қилишга мажбурмизки, «телевизионпараст» ота ва оналарнинг бутун бир авлоди пайдо бўлди, улар китобга тобора кам қизиқиб, ўз болаларини ҳам шу руҳда тарбиялашади. Бундай ҳодиса мактабда ҳам юз беряпти. Бугун биз ўқитишни интенсивлаштиришга интилар, мактаб ва олий таълимни ислоҳ қилишни амалга оширар эканмиз, айни вақтда компьютерларни жорий қилиш тўғрисида ҳам, китобга меҳр уйғотиш тўғрисида ҳам баробар жон куйдиришимиз керак.

М. Горький, ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман, деган эди. Шахсда асл инсоний фазилатларни шакллантиришда бадиий адабиётнинг роли бебаҳодир. Зеро, асл санъаткор қайноқ воқеалар изидан бориб, уларни умумлаштиришга интилиб, айни ўша кўпчилик яхши пайқамаган, сезмаган нарсаларни бўрттириб, ёрқин қилиб кўрсатади. Бундай асарлар даставвал долзарб социал-иқтисодий проблемаларни ҳал қилишдаги бадиий зийраклиги, партиявий манфаатдорлиги билан қимматлидир. Замондошларимиз тақдири ва ишлари, уларнинг зафарию, мағлубиятлари бўялмай-нетмай рўйирост, ҳаққоний тасвирланган спектакль ва фильмларнинг ўз вақтида томошабинларда кучли таассурот қолдиргани бежиз эмас. «Мукофот», «Ўн учинчи раис», «Мимино», «Ер фарзанди», «Нон таъми», «Оловбардор», «Москва кўз ёшларига ишонмайди», «Сўроқ», «Биз тубанда қўл қўювчилар», «Сўнгги қочиш», «Ердаги из», «Узоқ

тунлар» ана шулар жумласидандир. Эҳтимол, уларда мунозарали жойлар ҳам бордир. Лекин бу асарлар халқимизга шунинг учун ҳам манзур бўлдики, ҳаммамизга яқин бўлган совет характери, социалистик турмуш тарзининг белгилари уларнинг қаҳрамонларида ёрқин акс этди.

Адабиёт ва санъатнинг аҳамияти айниқса одамларга раҳбарлик қиладиганлар учун жуда муҳимдир. Ахир ҳар қандай раҳбар, айниқса партия ёки совет ходими — бу трибун, пропагандист, агитатор ҳамда тарбиячидир. У ўз билими ва эътиқодини одамларга ёрқин, ҳаммабоп шаклда етказа билиши, образли тилга эга бўлиши керак. Тартиб, уюшқоқлик, интизом ва масъулият учун, ҳақиқат ва инсонлар ақл-заковати учун, очиғини айтиш кераккки, шиддатли кураш бораётган ҳозирги пайтда ҳар қандай раҳбар, партия ва совет ходими бу курашда илғор позицияларни эгаллашди. Бунда унга бадиий адабиёт, санъат асарлари жуда қўл келиши мумкин, чунки у улардан ишонарли образлар, ёрқин, ибратли мисоллар топади. Шу нарса кўпдан маълумки, кўп ўқиган, эрудицияли одамнинг нутқи мантиқий тузилиши, бадиий таъсирчанлиги билан ажралиб туради, унда ҳикматли сўз ва иборалар жилваланиб туради. Нутқининг ўткирлиги, образлилиги уни ҳар қандай, энг кенг ва талабчан аудитория учун ҳам тушунарли, ишонарли қилади.

Ленин мактабининг атоқли пропагандисти А. В. Луначарский, тингловчи тўғри ва мароқли, қизиқарли фикрдан, трактат ёки нутқнинг мунтазам композициясидан, чиройли баён этилган далил-исботдан чуқур эстетик завқ олади, деганида, шубҳасиз ҳақ эди. У, «таъсир кўрсатиш механизмининг» бу аспектини тушуниш биринчи навбатда амалий фаолият учун муҳимдир, бунга сира ҳам шубҳаланмаса бўлади, деб ҳисоблаган эди.

А. В. Луначарский санъатнинг ташвиқот-тарғибот ишидаги ролига юксак баҳо бериб, у «сиёсатга хизмат қилиши», «агитация учун таянч» бўлиши керак, деб ёзган эди. Бу билан у санъатнинг фақат бадиий ёки эстетик аҳамиятини эмас, шунингдек унинг амалий аҳамиятини ҳам таъкидлаб кўрсатган эди, зеро А. В. Луначарский санъатни пропаганда ва агитациянинг узвий қисмига айлантиришга, унинг ёрдамида кишиларда сиёсатга қизиқиш уйғотишга муттасил интилиб келган. Агитацион-пропагандистик чиқишнинг структурасига сингдириб юборилган санъат муҳим идеологик вазифани бажариб, янги кишини тарбиялашга ёрдам беради. Бунга, деб ёзган эди А. В. Луначарский, «бадиий киноя, бадиий ифодаланган нафрат ва ҳоказолар билан эришилади. Бунга, шунингдек бизнинг чексиз ва хилма-хил ҳамда доимо ҳаракатда бўлган воқелигимизнинг бадиий теран ва ёрқин, жозибали тасвири ҳам киради».

А. В. Луначарский ўзининг асосий хулосаси — партия пропагандаси ва оғзаки сиёсий агитация структурасида бадиийликнинг зарурлиги ва муҳимлиги тўғрисидаги хулосасига шу тариқа келади. «Кишиларимизни **бадииятга** қанчалик кўп жалб этсак, — деган эди у, — уларга шу қадар чуқур таъсир кўрсатамиз».

Шундай қилиб, бадиийлик муайян сиёсий йўналишга эга. Биз шахсга ғоявий, ахлоқий, эстетик таъсирни мумкин қадар кучайтириш, санъат орқали, санъат ёрдамида совет кишисини коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларини ҳал этиш учун бадииятга мурожаат қиламиз.

Шубҳа йўққи, ҳар қандай раҳбарнинг ғоявий арсенали адабиёт ва санъат асарларидан олинган чуқур фикрлар билан муттасил бойиб бориши керак. Бадиий бойликларга бефарқ бўлган одам фақат эстетик жиҳатдан эмас, шунингдек маънавий жиҳатдан ҳам кар бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Бошқача қилиб айтганда, кадрларимизни маънавий жиҳатдан бойитмасдан, ғоявий-ахлоқий жиҳатдан кўтармасдан, ўзимизни танқидий баҳолаш маҳоратини ҳосил қилмай туриб, ички бир истеҳзосиз (В. И. Ленин буни шахс маънавий бойлигининг олий чўққиси деб ҳисоблаган эди) социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш юзасидан партия олдинга сурган программани бажариб бўлмайди. Агар бу программани ҳар бир совет кишисига нисбатан конкрет қўллайдиган бўлсак, бу аслида биринчи навбатда кишининг ўзини такомиллаштириш программасидир.

Лениннинг: «Китобсиз — илм бўлмайди, илмсиз — коммунизм бўлмайди» деган машҳур таърифининг чуқур социал ва сиёсий маъноси тўғрисида обдон ўйлаб кўрайлик. Шубҳасизки, бу ўринда Владимир Ильич махсус илмий адабиётнигина эмас, шунингдек кишининг бадиий, маданий бойликларни, албатта ўзлаштиришини ҳам назарда тутганди. В. И. Лениннинг ўзи қаерда, қанчалик банд

бўлмасин, ҳатто оғир касал бўлиб, узоқ вақт ётиб қолганида ҳам бир умр ўша қоидага амал қилиб келганди. Синглиси М. И. Ульянова китобхон Ленин қиёфасини қисқа, лекин жуда аниқ таърифлаб берган: «У китобни мутолаа қилишни биларди. Фақат мутолаа эмас, уларни ўрганишни биларди».

Масалан, қуйидаги факт Владимир Ильич қизиқишлари доирасининг қанчалик катталигидан, айтиш мумкинки, фантастик (бошқа сўз билан таърифлаб бўлмайди) даражада бўлганлигидан далолат беради. Марказий партия архиви фондларида ажиб бир ҳужжат — «Алфавит тартибидаги китоб» бўлиб, унга В. И. Ленин илтимосига кўра 1922 йилнинг июль-сентябрь ойларида Горкига юборилган адабиётлар ёзиб бориларди.

Бу шундай бошланган эди. В. И. Ленин 1922 йилнинг 13 июлида Горкидан шундай хабар қилганди: «Соғайганлигим билан табриклашингиз мумкин». У секретарь Л. А. Фотиевадан илтимос қилганди: «Менга жўнатадиган китобларни тайёрлайверинг (менга рўйхатларни ҳам юборинг) 1) илмий, 2) беллетристика, 3) сиёсий...» (Бунгача касалнинг зўрайиши билан врачлар унга китоб ўқишни мутлақо тақиқлаб қўйишганди).

Ўша заҳотиёқ Москвадан Владимир Ильич учун китоблар мунтазам келабошлади.

«Алфавит тартибидаги китоб»нинг гувоҳлик беришича, атиги уч ой ичида Горкига 1028 та турли нашрлар жўнатилди. Ёзувлар В. И. Лениннинг нималарни ўқиганлигидан тўла-тўкис маълумот беради. Номларининг рўйхатигина кўп нарсадан далолат беради. Мана, ўзингиз бир ўйлаб кўринг.

Биринчи навбатда — К. Маркс, Ф. Энгельс, К. Либкнехт, П. Лафаргнинг китоблари, капитал мамлакатларидаги ишчилар ҳаракатига бағишланган тадқиқотлар.

Китобларнинг салкам тўртдан бир қисми — қишлоқ хўжалиги ҳақида. В. И. Ленинни Ўрта Осиёдаги барханларни мустаҳкамлаш проблемалари ҳам, Ноқоратупроқ ерларини мелиорация йўли билан яхшилаш ҳам, Урал шарқидаги омоч юрмаган бўшлиқларни ўзлаштириш масалалари ҳам қизиқтирар эди. У ғалла экинзорлари ҳосилдорлигини, чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш тўғрисидаги китобларни ҳам оларди. Бутун бир бўлимни агротехникага оид адабиёт эгалларди: бу ерда ёввойи сулига қарши курашдан тортиб, маккажўхори, ажриқбош, қанд лавлаги етиштиришга оид китобларгача бор эди. В. И. Ленин рус олимларининг фундаментал асарлари: Н. М. Тулайковнинг тажриба ишини ташкил этиш, К. Д. Глинканинг — тупроқлар, Е. Ф. Лискуннинг чорвачилик тўғрисидаги китоблари билан танишган эди. У ўша пайтларда машҳур бўлган Г. Ф. Морозовнинг ўрмончиликка оид лекцияларининг конспектларини олган эди. Горкига жаҳон фанининг сўнгги ютуқлари ёритилган китоблар ҳам келиб турарди. Улар орасида — Альберт Эйнштейннинг «Эфир ва нисбатлилик принциплари», Лизе Майтнернинг «Радиоактивлик ва атом тузилиши», Макс Планкнинг «Нур табиати» асарлари бор. Ўша ерга микробиология ва эпидемиология, астрофизика ва термодинамикага оид тўпламлар ҳам жўнатиларди. Владимир Ильични В. Вернадский, Н. Жуковский, Л. Пастер, Э. Реклю асарлари қизиқтирарди.

Жуда кўп илмий, махсус, техник нашрлар билан бирга В. И. Ленин қанчадан-қанча бадиий адабиёт, санъатга оид китобларни оларди. Масалан, унга К. Федин, А. Неверов, В. Вересаев, А. Толстой, К. Чуковский, Н. Ляшколарнинг эндигина нашрдан чиққан асарлари юборилганди. Китоблар орасида ўша даврда футуристлар «Ака-укалар Серапионовлар» группасининг анча шов-шувларга сабаб бўлган тўпламлари ҳам бор эди. В. И. Лениннинг поэзиядан хабардорлиги ҳақида шу вақтгача маълум бўлган маълумотларга қўшимча равишда «Алфавит тартибидаги китоб» янги маълумотлар беради: унда А. Фет, Ф. Тютчев, Э. Верхарн, К. Бальмонт, П. Антокольский, А. Гастевларнинг шеърий томлари ёзилган. Афтидан, Владимир Ильич халқ ижоди билан ҳам қизиққан: унга Ярослав яқинидаги қишлоқларда яратилган термалар тўплами юборилган. В. И. Ленин, шунингдек Римский-Корсаков, Мусоргский, Шаляпин ҳақидаги монографияларни, «Музика умумий тарихи» томини, ўша давр тасвирий санъати ҳақидаги тадқиқотни, Б. Р. Виппернинг «Натюрморт ва уни ривожлантириш проблемалари» китобини ва бошқа кўплаб нашрларни олганди.

«Алфавит тартибидаги китоб» билан танишиш кишини ҳайратга солади.

Партия ва давлат ишлари бошидан ошиб-тошиб ётган бир пайтда В. И. Лениннинг тоғ-тоғ китобни қандай қилиб ўқиб, ўрганганлигини тасаввур қилиш қийин! Лекин бу факт, маънавий бойиб боришга интилган, фақат илмий коммунизм асосчиларининг ғоявий-назарий мероси, билимнинг турли соҳаларига оид китобларгагина эмас, шунингдек адабиёт ва санъатга доим мурожаат қилиб турадиган одам қандай имкониятларга эга эканлигини жуда ишонарли кўрсатиб турибди, зеро буларсиз ҳаёт ва меҳнат тўлақонли бўлиши, кишилар тақдирини ва кишилар характерини ҳамда улар орқали — Инсон моҳиятини чуқур билиб, ўрганиб бўлмайди, бу хислат Ленин типидаги раҳбарлар учун айниқса муҳимдир.

Юқорида айтилган гапларнинг, менинг назаримда, яна бир муҳим томони бор. М. С. Горбачев 1984 йил декабрь ойида Москвада бўлиб ўтган «КПСС МК 1983 йил июнь Пленуми қарорлари асосида ривожланган социализмни такомиллаштириш ва партиянинг идеология соҳасидаги иши» Бутуниттифоқ илмий-амалий конференциясида қилган докладида шундай деганди: «Иқтисодий тафаккурнинг замонавий услубини қарор топтириш — ҳаётий заруратдир. Лекин бу идеологик тафаккурга ҳам шу даражада тааллуқлидир. Бугунги кунда ҳамма кадрлар ижтимоий онг ва идеология ривожининг асосий қонуниятларини билишлари, ўшалар замиридаги социал-иқтисодий реалликларни анализ қилиш кўникмасини, у ёки бу ҳодисани идеологик фаолият билан боғлиқликда тўғри баҳолаш маҳоратини эгаллаган бўлишлари керак».

Кадрларимизнинг маънавий маданиятини ривожлантириш уларда худди ана шу «идеологик тафаккурни» қарор топтиришга, биз маданият билан экономиканинг диалектик синтези деб атаган ўша муҳим кўприкни қуришга ёрдам беради. Фақат кенг сиёсий билимга, ривожланган иқтисодий тафаккурга эга бўлибгина, философия, сиёсий иқтисод, социология, этиканинг бугунги проблемаларини чуқур билибгина қолмай, шунингдек маданият, адабиёт ва санъат масалаларидан ҳам хабардор бўлиш керак — айни шу фазилатлар барча даражадаги кадрларимизнинг обрў-эътиборини таъминлаш учун зарур бўлган хислатлардир.

Бизга фақат ўзи учун эмас, балки бошқалар учун ҳам энг юқори ахлоқий мезонлар бўйича жавоб бера оладиган, юксак маданиятли кишилар керак. Бизга ўз эътиқоди ва идеалларига ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган одамлар керак. Ўз меҳнати, ўз пешона тери билан топилган нарса кўпроқ қадрланади. Мен ҳаракатдаги коммунистик эътиқодни ана шундай нарса деб биламан. Мен, К. Д. Ушинский сўзлари билан айтганда, аҳмоқона ишини ўзининг фойдасига буриб юбора оладиган, лекин бунга унинг яхши тарбияси, маданиятлилиги йўл қўймайдиган замондошим портретини ўзимча шундай тасаввур қиламан.

Партия жамиятни фақат моддий ишлаб чиқариш соҳасини эмас, шунингдек социал, маданият, экология соҳаларини ҳам — комплекс ривожлантириш вазифасини бугун ҳар қачонгидан кўра кескин қилиб қўймоқда. Кишиларнинг ижодий қобилиятларини намоён қилиш учун кенг имкониятлар яратиб бериш, уларнинг ҳаётини маънавий бой, кўп қиррали қилишни партия ўз маданий сиёсатининг бош вазифаси деб билади. Афсуски, бир томонлама, чекланган ҳолда ёндошишдан биз энди-энди қутуляпмиз, ўшанда энг муҳими моддий ишлаб чиқариш деб қаралардн. Ўша пайтларда социализмда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг мақсади инсон эканлиги унутиларди, у сояда қолиб кетарди, ҳолбуки қолган ҳамма нарса, шу жумладан моддий ишлаб чиқариш ҳам олий мақсадга — ҳар томонлама камол топган шахсни шакллантириш мақсадига эришиш учун фақат бир воситадир. Партия XXVII съезди ҳужжатларида масала худди шу тарзда қўйилди.

Моддий ишлаб чиқариш ёлғиз мақсадга айлантирилган бир шароитда жамиятнинг социал ва маданий ривожига зарар етказилади. Ана ўшанда мешчанлик диди, мол-дунё кетидан қувиш тантана қилади. Шунинг учун ҳам баъзан планларимиз кенг маданий қурилиш вазифалари ва проблемаларини бир чеккага суриб қўйганлиги ташвиш туғдирган эди. Ҳозирги кунда жуда кўп программалар — машинасозлик, озиқ-овқат, истеъмол ва рўзғор буюмлари соҳаларида программалар амалга оширилмоқда. Балки, мамлакатимизни маданий ривожлантиришнинг узоқ муддатга мўлжалланган программасини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу маданий соҳага ортиб қолган маблағни ажратиш принципини йўқотишга ёрдам бермасмикин?

Шу нарса характерлики, илгарилари ҳеч қандай шубҳа туғдирмаган нарса бизнинг кунларда шак-шубҳасиз бўлиб туюлмайди. Хўш, мен нимани назарда тутяпман? Масалан, биз шахснинг барқарорлиги ва собитлилигини таъкидлаб кўрсатиш ниятида баъзида уни монолитга қиёс қиламиз. Ҳолбуки монолитнинг энг муҳим фазилати шундаки, у давр таъсирига деярли берилмайди, у ўзгармайди. Совет кишиси учун эса бу камлик қилади. У ўзи яшаётган дунёни ўзгартириши учун ўзи ривожланиши керак. Биз айрим тушунчалар устида ўйламасликка, бош қотирмасликка ўрганиб қолганмиз, уларни ўзига хос бир аксиома деб ҳисоблаймиз. Масалан, мустаҳкам эътиқоддан ҳам яхши нарса бўлиши мумкинми? Бу ажойиб фазилат-у, шундай эмасми? Фақат у шундагина ажойиб фазилатга айланадики, агар мустаҳкам эътиқоддан кейин коммунистик ғоявийлик, кишининг юксак маънавий маданияти, унинг фикр инерцияси эмас, балки тафаккур изчиллиги турса.

Ҳар қандай ходимнинг профессионал маҳорати унинг маданиятига бевосита боғлиқ эмасми? Менимча, умумий маданий билим профессионализм сифатига айтарли таъсир кўрсатмайди деб ҳисоблайдиган одамлар жуда қаттиқ янглишадилар. Бу фикр анча чайналган фикр бўлсада, лекин социалистик жамиятни такомиллаштириш шароитида у алоҳида маъно касб этади. Бизнинг мақсадимиз — меҳнат ва ҳаётга шунчаки яхши мутахассис ва қонун-қоидага амал қилувчи гражданни эмас, балки ишлаб чиқаришни, давлат ва жамоат ишларини бошқаришда фаол иштирок этишга қодир бўлган ижодкор ва сиёсий актив шахсни тайёрлашдир. Бошқача қилиб айтганда, умумий маданиятга, гарчи у қимматли бўлса-да, пухта профессионал билимларга ўзига хос бир қўшимча нарса деб қаралмаслиги керак. Бусиз одамларнинг ўз иши ва ҳаётидан кўнгиллари тўлиши ҳам, доимий изланиш ва олға қараб ҳаракатни таъминловчи соғлом ижтимоий муҳит ҳам бўлиши мумкин эмас.

Юксак маънавий маданият — энг муҳим инсоний фазилатдир. Фақат бу тўғрида ҳар қадамда бақириб-чақириш, гап сотиш керак эмас, шиорлар ҳам, қасам ичишлар, сохта пафос ҳам керакмас, очиғини айтиш керакки, биз бу нарсаларга анча берилиб кетганмиз. Ишончим комилки, улар фақат қилинган ажойиб ишлар эмас, шунингдек ҳали амалга оширилмаган ишлар тўғрисида гапирилганда ҳам, рўй-рост, ҳаққоний, дилдан айтилган сўзларчалик таъсир этмайди.

Расмиятчилик, қуруқ гаплар кам бўлсин! Майдон ва кўчалардаги кўргазмали агитация, стенд, тахталар, ёритилган рекламалар, катта йўл бўйларидаги, аҳоли пунктлари, шаҳарларга кираверишдаги шиорларга бир назар ташланг-а. Ҳаммаёқда тўғри сўзлар. Лекин улар ҳиссиз, «мажбурий» сўзлар! Бу инерция касалидан бўлак нарса эмас. Ҳолбуки, пропаганда ҳозир биз ўйлагандан кўра анча мураккаб. У ҳеч қандай «яланғоч», «тўғридан-тўғри» усулларни ҳазм қилолмайди. Маълум ва машҳур сўзларни ҳадеб такрорлайвергандан иш чиқмайди. Менимча, диалектиканинг асосий қонуни — миқдорнинг сўзсиз сифатга ўтишини, пропагандистлардан бошқа ҳамма яхши эсласа керак, «тўғридан-тўғри» метод қўлланилганида миқдорнинг сифатга ўтиши эса фақат душман тегирмонига сув қуяди. Ҳозир кишилар билан маънавий алоқада бўлиш, уларни айтилган сўзга қандай қилиб қулоқ солдириш, мағзини чақишга мажбур этиш тўғрисида ўйлаш керак.

Биз ажойиб замонда яшаяпмиз: биз амалга ошираётган барча ишлар ўз оқибатларига кўра жуда муҳим ва беқиёсдирки, уларни бир қарашда тўлалигича илғаб ололмайсан. Мен шундай дердим: давримизнинг асосий хусусияти шундаки, шахсни маънавий шакллантириш проблемаси бугунги кунда академизм доирасидан чиқиб, тафаккурни расман эмас, балки чинакам қайта ўзгартириш учун зарур ҳисобланган умумдавлат вазифаси бўлиб қолди. Тафаккурни эса унинг асл маданиятини ўзлаштириш асосидагина ўзгартириш мумкин: бунинг учун тарихий анъаналарни юзаки эмас, балки чуқур англаш, билиш диалектикасини теран эгаллаш, бугунги куннинг ҳар бир вазифасини келажак нуқтаи назаридан кўра билиш, бадиий маданият ғоялари ва образларини тўғри тушуна билиш зарур. Тушуниш янги билимларни туғдиради. Қанчалик кўп билсанг, шунчалик кўп иш қила оласан. Модомики, кўп иш қила олар экансан, демак муваффақият ҳам тезроқ келади, у анча пухта ва ишончли бўлади.

ЯНГИ МУСТАМЛАКАЧИЛАРНИНГ ИМПЕРИАЛИСТИК СИЁСАТИ

Н. ЕРМОШКИН,
тарих фанлари кандидати

Янги таҳрирдаги КПСС Программаси мустамлакачиликнинг барбод бўлганлигини ҳозирги даврнинг революцион характерини белгилаб берувчи энг муҳим хусусиятлар деб атайди. Империализм босиб-янчиб келаётган мамлакатлар яқин-яқинлардагина, В. И. Ленининнг аниқ таъбири билан айтганда, «тарихдан четда қолиб келган» (Тўла асарлар тўплами, 41-том, 260-бет) эдилар, бугун эса улар ўзларининг мустамлака ўтмишини дадил улоқтириб ташлаб, миллий мустақиллигини ҳимоя қилмоқдалар, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан тўла эркинликка эришиш учун курашмоқдалар. Гарчи дунё сиёсий харитасида ҳали ҳам тўғридан-тўғри мустамлака ҳукмронлигидаги анчагина ороллар сақланиб қолаётган бўлса-да (Намибия ва ЖАРнинг жафокаш халқлари ўз суверенитетини қарор топтириш учун курашда ҳали ҳал қилувчи босқични босиб ўтишлари керак), мустамлакачиликнинг бу районларда ҳам ҳалокатга маҳкум эканлигига эндиликда ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Миллий-озодлик ҳаракатлари зарбаси остида, социалистик мамлакатлар ва бутун дунё демократик жамоатчилигининг актив қўллаб-қувватлаши туфайли мустамлакачилик системасининг барбод бўлганлиги халқаро алоқалар структурасини тубдан ўзгартириб юборган буюк тарихий воқеа бўлдики, у илгари мустамлака ва ярим мустамлака бўлган халқларнинг янги ҳаёт йўлида қайта тикланиши учун шарт-шароит яратиб берди.

* * *

Халқаро майдонда синфий кучлар жойлашувининг ҳозирги шароитида ёш давлатлар сиёсий ва иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилишнинг коллектив формалари билан қуролланиб ўз мақсадларини қатъий ҳимоя қилмоқдалар ва империалистик тазйиққа дадил қарши турмоқдалар. Бу қўшилмаслик ҳаракати мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг 1986 йил сентябрда Хорарда бўлиб ўтган VIII конференциясида айниқса ёрқин намоён бўлди. Унинг қатнашчилари бир ярим миллиард аҳоли иродасини ифодалаб, империализмга қарши аниқ позицияда турдилар. Форум қарорларида Қўшма Штатларнинг агрессив, гегемонистик сиёсати ҳар қачонгидан ҳам аёвсиз фош этилди, айрим ҳолларда конференция бу сиёсатни давлат террорчилиги сифатида баҳолади.

Африка Жанубига тегишли пунктлар принципиал тарзда ифодаланган. АҚШ билан апартеид режимининг ирқчиларни ўз мамлакатлари ичкарисида террорчиликка ва қўшни мустақил давлатларга қарши сурбетларча агрессив ҳаракатларга рағбатлантириб турувчи «конструктив сиёсати» қатъий қораланган.

АҚШ ва Исроил ўртасидаги Яқин Шарқдаги аҳволни издан чиқаришга ёрдам берувчи «стратегик уюшма» қораланди. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари Исроил 1967 йилдан бери оккупация қилган барча фаластин ва бошқа араб ерларидан, жумладан Қуддусдан ҳам чиқиб кетгандагина, Фаластин араб халқининг қонуний

ва ажралмас ҳуқуқлари, жумладан унинг ўз ватанига эга бўлиш, ўз тақдирини ва давлатчилигини ўзи белгилаш ҳуқуқи таъминлангандагина дунёнинг бу районидаги аҳвол ҳамма жиҳатдан адолатли ва мустаҳкам йўлга солиниши мумкин эканлигини таъкидладилар.

Конференция ҳужжатларига АҚШнинг Ливияга қарши агрессиясига ва Чилидаги Пиночет режими репрессияларига тааллуқли махсус пунктлар киритилди. Американинг Ливиянинг Триполи ва Бенгази шаҳарларини бомбардимон қилганлиги, Ливияга қарши агрессив ҳаракат ва қўпорувчиликларнинг тўхтатилмаётганлиги «давлат террорчилиги» деб таърифланди. Харарда бўлиб ўтган форум Рейган маъмуриятидан Ливияга етказилган зарарни тўла ва тезда қоплашни талаб қилди.

Қўшилмаётган мамлакатлар АҚШнинг Никарагуага қарши ҳийла-найрангларини кескин қоралади. Давлат ва ҳукумат бошлиқлари АҚШ конгресси Никарагуа контрасларини пул билан таъминлашга 100 миллион доллар маблағ ажратганлиги тўғрисида қаҳр-ғазаб билан гапирдилар. Бу қадам, деб кўрсатилади ҳужжатда, МРБ ва Америка ҳарбий маслаҳатчилари Никарагуа қонуний ҳукуматини ағдариш учун ёлланма каллакесарларни тайёрлашда очиқдан-очиқ иштирок этишларига фатво берилганлигидир. «Халқаро терроризм» деган махсус бўлимда Ғарбнинг халқлар озодлик курашини террорчилик билан тенглаштиришга уриниши чиппакка чиқарилди.

Конференция қабул қилган иқтисодий декларацияда ҳам қўшилмаслик ҳаракатининг етуклиги, унинг асосий принципларга содиқлиги кўриниб турибди. Бу ҳужжатда озодликка эришган давлатлар жаҳон экономикаси фонида қараб чиқилган, капитализм умумий кризиси ҳамда қуролланиш пойгасининг таъсири ҳисобга олинган, Ғарбнинг ўз қийинчиликларини Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқлари зиммасига юклашга бўлган интилишлари фош этилган. «Тинчлик, қуролсизланиш ва ривожланиш ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага» алоҳида эътибор берилган. Қуролланиш, айниқса ядро қуроли билан қуролланиш пойгаси умумий стабилликни бузади, ривожланаётган мамлакатлар экономикасига салбий таъсир қилади, деб таъкидланади ҳужжатда. Империализм сиёсати қўшилмаётган давлатларнинг ҳақиқий мустақилликка эришишлари йўлидаги асосий тўсиқдир. Конференция ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилигида иқтисодий юксалиш сусайиб бораётганлигини, улар жуда катта қарзга ботганликларини ташвиш билан қайд қилди. Декларацияга Вашингтоннинг Никарагуа ва Ливияга иқтисодий бойкот эълон қилганлигини қораловчи пунктлар киритилди.

Америка капитали билан боғлиқ бўлган ва қўшилмаётган мамлакатларга қарз бериб туришда уларни қулликка солувчи шартларни ўртага қўяётган молиявий тартиботлар қаттиқ танқид қилинди. Транснационал корпорациялар (ТНК) фаолиятини фош қилишга махсус бўлим бағишланди.

Бугунги кунда империалистик сиёсатчилар «Шимол-Жануб» диалогини (у аслида бошланмаган) ниқоб қилиб ололмайдилар, риёкорликдан иборат бу диалог ўз социал-иқтисодий мақсадларига кўра ёлғон ва сиёсий оқибатлари жиҳатидан батамом пучдир. Янги иқтисодий тартиб ўрнатиш соҳасида конкрет ишларга киришиш даъвати қўшилмаётган давлатлар конференциясида сўзланган кўпчилик нутқлар мазмунига сингдириб юборилганди. Бир қатор нутқларда ғарблик воситачини иқтисодий муносабатлардан чиқариб ташлаш мақсадида озодликка эришган мамлакатларнинг ўзлари ўртасида янада жипсроқ ҳамкорлик бўлиши зарурлиги таъкидланди. Лекин барибир ёш давлатлар империализм кишанларидан айни иқтисодий жиҳатдан халос бўлиш соҳасида жуда кам натижага эришдилар. Ғарб собиқ мустамлакаларнинг империалистик марказларга қарамлигини бўшаштириш ўрнига уни янада кўпроқ кучайтириб юборди. Қўшилмаётган давлатларнинг оғир иқтисодий аҳволи уларнинг халқлари ўтмишда мустамлака зулми остида бўлганликлари ҳамда Ғарб давлатлари ва ТНҚларнинг ҳозирги ваҳшиёна ҳаракатлари оқибатидир.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИҲРТ) маълумотларига кўра, озодликка эришган мамлакатларнинг молиявий қарзи хавфли суръатлар билан ошиб бормоқда ва ҳозир фантастик марра — триллион доллардан ҳам ошиб кетдики, бу уларнинг иқтисодий юксалишини сусайтириб юборади. Айрим Ғарб давлатлари чинакам судхўрга айланиб бормоқдалар, чунки улар ривожланаётган

давлатларнинг сира камаймаётган қарзларининг процентлари ҳисобига яшамоқдалар. Мазкур мамлакатларнинг учдан бир қисмида ўсиш мутлақо йўқлиги ёки орқага кетиш кузатилмоқда. 1980—1985 йилларда қўшилмаётган давлатлар экспорт ва импорт нархлар ўртасидаги номувофиқ нисбат туфайли 104 миллион доллар ва учет ставкалари ҳаддан ташқари юксак бўлганлиги сабабли 120 миллиард доллардан кўпроқни бой бердилар. Хом ашё молларининг нархлари тушиб кетганлиги оқибатида улар 1985 йилда 1980 йилдагига нисбатан экспорт қилинадиган товарларни 25 процент кўпайтириб бунинг эвазига шунча миқдордаги четдан келтирилган моллар нархини қоплашга мажбур бўлдилар. Натижада уларнинг қарзлари камайиш ўрнига ҳалокатли равишда ошиб кетди.

Четга чиқариладиган хом ашё товарларининг нархлари 80-йилларда мунтазам камайиб бориб, кейинги 50 йил ичида энг паст даражага тушиб қолди. Айни бир вақтда четдан келтириладиган саноат товарларининг нархлари тобора ошиб боряпти. Масалан, Шри Ланка ва Ҳиндистон битта трактор сотиб олиш учун жаҳон бозорига 13 тонна чой сотишлари лозим, ҳолбуки ўн йил муқаддам бунинг учун 5 тонна чой чиқариш кифоя эди.

Бунинг натижасида кўпгина ёш давлатлар экономикаси урушдан кейинги даврдаги энг оғир кризисни бошдан кечирмоқда. Уларнинг иқтисодий юксалиш суръатлари кескин пасайиб кетди. Бу давлатларнинг ялпи миллий даромади кейинги йилларда деярли кўпаймади, 1982 йилда ҳатто камайиб кетди. Улардаги ишсизлар сони 500 миллион кишидан кўпроқдир.

Қўшма Штатлар 1985 йилда халқаро молиявий ресурслар бутун оқимининг 24,2 процентига эга бўлдилар, 1980 йилда бу кўрсаткич 6,1 процентга баравар эди. Халқаро валюта фонди империализмнинг молиявий жандарми ролини бажаряптики, у «учинчи дунё» мамлакатларидан бюджет ва ташқи савдо дефицитларини тугатишларини, маориф ва соғлиқни сақлашга кетадиган харажатларини камайтиришларини, давлат капитал маблағларидан воз кечишларини, ўз валюталарини девальвация қилишларини, истеъмол товарлари ва хизматлар нархини кўтаришларини, четдан эркин мол келтирилишига бўлган чеклашларни бекор қилишларини, хуллас, қарз ва кризис оғирлиги шундай ҳам хонавайрон қилинаётган халқлар гарданига тушишини талаб қилади. Янги халқаро иқтисодий тартиб ўрнатиш, барча қўшилмаётган мамлакатлар учун келишиб олинган иқтисодий сиёсат ишлаб чиқариш, улар ўртасида мустаҳкам савдо ва иқтисодий алоқаларни йўлга қўйиш бориб турган заруратдир — Харардаги мунозаранинг умумий якуни ана шундай бўлди.

* * *

Мустамлака империялари барбод бўлиб, улар ўрнида 131 ёш давлатнинг пайдо бўлиши ҳозирги империализмни Осиё, Африка ва Лотин Америкаси халқларини эксплуатация қилишнинг янги стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга, империялар даврига хос бўлган тўғридан-тўғри сиёсий ҳукмронликни ва ташқи иқтисодий зўравонлик методларини талончиликнинг янги, бир қарашда мақбул кўринадиган янги формалари билан алмаштиришга мажбур қилди. Шубҳасизки, мустамлака зулмидан халос бўлган мамлакатлар ҳозир миллий жиҳатдан оёққа туриш ва социал ривожланишнинг мураккаб даврини бошдан кечирмоқдалар. Мустамлака ўтмишдан мерос бўлган қолоқлик, ўзаро адоват ва тўқнашувлар уларни орқага тортмоқда. Янги мустамлакачиларнинг кўплаб тузоқлари ҳозирча заиф мамлакатларга хавф солиб турибди.

Империалистлар йирик капиталистик монополиялар ва банкларни, айникса транснационал корпорацияларни ана шундай тузоқлардан бири сифатида тобора кўпроқ фойдаланмоқдалар. Бизнинг кунларимизда янги мустамлакачилик тушунчаси айни шулар фаолияти билан кўпроқ боғланиб кетади. Транснационал корпорациялар ўзларини ёш давлатларнинг дўстлари қилиб кўрсатиб, «мамлакатлари ва байроқлари бўлмаган» ташкилотлар сифатида тасвирлашни жуда хуш кўрадилар. Гўёки улар штаб қароргоҳлари қайси мамлакатда жойлашганлигидан ва корпорацияни қайси мамлакат гражданлари бошқаришларидан қатъи назар барча халқларга баравар муносабатда бўлар эмишлар.

ТНҚлар ҳозирги босқичда асосан ривожланган капитализм мамлакатларида ўзларининг инвестиция, ишлаб чиқариш фаолиятини ва тайёр маҳсулотларини сотишни асосан ривожланган капитализм мамлакатларида амалга ошириб, ёш давлатларда ўзига хос плацдарм сақлаб келаётган бўлсалар-да (уларнинг капитал маблағларининг атиги тўртдан бир қисмигина шу мамлакатларга тўғри келади), улар Осиё, Африка ва Лотин Америкасида ўзларини ҳақиқий хўжайин ҳис қиладилар. Уларнинг инвестициялари мазкур қитъаларнинг халқларини том маънода талашга имкон бермоқда. Монополияларнинг озодликка эришган мамлакатлардаги йиллик даромадлари 100 миллиард доллардан ошиб кетди, бу Ғарб давлатларининг ёрдами ва капитал маблағларидан анча кўпдир.

Ёш давлатлар билан халқаро монополияларнинг кучлари асло баравар эмас. «Экссон», «Женерал моторос», «Ройял датя-шелл», «Форд» сингари энг йирик тўртта монополистик группадан ҳар бирининг йиллик обороти 160 миллиард долларга баравар бўлиб, Африкадаги озодликка чиққан барча мамлакатларнинг ялпи миллий маҳсулотидан ҳам ошиб кетади. Халқаро монополиялар экспансияси империалистик давлатларни рағбатлантириб, маблағ билан таъминлаб ва тасодифий хавф-хатардан сақлаб туради. «Дэалоп-Пирелли», «Крайслар», ИТТ, ИБМ, «Бритиш петролеум», «Филипс», «Мицубуси», «Фиат-Ситроен» ва бошқа бир қатор монополияларнинг миллиардлаб долларлик оборотлари Осиёдаги кўпчилик ёш мамлакатлар миллий даромадидан кўпдир.

ТНҚлар қўлида жамланган иқтисодий куч-қувват очиқ-равшан синфий характерга эга бўлиб, корпорациялар ҳар бир қадамини империализмнинг сиёсий мақсадларига мослаб босишга, яъни жаҳон социализмининг юксалишига ва унинг таъсирига қарши курашишга, ривожланаётган носоциалистик давлатларни ўз орбитасида сақлаб туришга интилмоқдалар. Сиёсат бобида улар, Ленин таъбири билан айтганда, «нуқул қолоқ, умри тугаб бораётган ўрта асрчилик»ка кўз тикадилар, «умри тугаган ва тугаб бораётган кучларнинг ҳаммаси билан» бирлашадилар (ТАТ, 23-том, 187-бет). Монополиялар корчалонлари контрреволюция отрядларини тузишда ва уларнинг ёш тараққийпарвар давлатлар территорияларига бостириб киришларини, миллий-озодлик ҳаракатларига қарши курашларини (масалан, Ангола, Мозамбик, Зимбабве, Бенинда бўлгани сингари), давлат тўнтаришларини (Гватемала, Қонго, Чили, Боливияда) маблағ билан таъминлашда жуда фаол иштирок этадилар.

ТНҚларнинг «сиёсий» фаолияти кейинги йилларда БМТда, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотида, Халқаро меҳнат ташкилотида, Иқтисодий ва социал кенгашда ҳамда БМТнинг бошқа органларида бир неча бор муҳокама қилинди. Ҳатто ҳозирги империализмнинг ашаддий маддоҳи бўлган «Тайм» журнали «МРБдан бошқа Американинг бирорта ихтироси халқаро корпорациядек кўп шубҳа, ишончсизлик ва эътироз уйғотмаса керак», деб эътироф этишга мажбур бўлди.

Англия, Франция, Бельгия ва бошқа мамлакатларнинг ТНҚлари айни ўзларининг илгариги мустамлакалари билан иш кўришни афзал кўрадилар, улар маълум даражада эски империячилик схемаси асосида ҳаракат қилиб, бу мамлакатларнинг метрополияларга иқтисодий қарамлигини янги шароитларда мустаҳкамламоқдалар. Қачонлардир мустамлакачи давлатлар ўз қарамидаги мамлакатларда савдо идоралари ва факториялар очиб, портлар, омборхоналар ва плацдармлар қурганликлари сингари улар бугун ҳам Осиё ва Африка мамлакатларида янги капиталистик территориялар вужудга келтириб, уларни «пошлинасиз» зоналар, «эркин савдо» ва «эркин корхона эгалиги» зоналари, «экспорт товарларни қайта ишлаш» зоналари деб атамоқдалар.

Уларнинг номлари ҳар хил бўлса ҳам моҳияти битта: гап асосан одатда денгиз, дарё портлари ва йирик аэропортлар яқинида жойлашган кенг территориялар хусусида борадики, транснационал корпорациялар ёки улар иштирокида асос солинган аралаш компаниялар бу ерларда амалда барча солиқлардан озод бўлишдан тортиб, хом ашё ва ярим фабрикатларни эркин чиқариб олиб кетишгача бўлган кўплаб имтиёзлардан фойдаланадилар. Уларга ер участкаси, сув, электр энергия ва инфраструктуранинг бошқа элементлари арзон нархда берилади, уларнинг турли хизматлари, баъзан эса иш кучи тайёрлашлари маблағ билан таъминлаб турилади. ТНҚлар айни ёш давлатлар территорияларида энг кўп

меҳнатталаб, асосан атроф муҳитга зарар етказувчи «ифлос» ишлаб чиқаришларни жойлаштирадилар.

Арзон-гаров иш кучини аёвсиз эксплуатация қилиш чет эл капитали учун катта даромадлар манбаи бўлиб қолмоқда. Ишсизларнинг мавжудлиги (айрим ёш давлатларда улар ишга ярокли аҳолининг 40 процентигача етади) албатта меҳнат қадрини тушириб юборади. Америка корпорацияларининг Африкадаги филиалларида банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи АҚШда худди шундай ишларни бажарувчи ишчиларникидан 10—15 баравар камдир.

Табиий ресурслардан ваҳшиёна фойдаланиш монополиялар ҳаддан ташқари кўп даромад олишларининг яна бир манбаи ҳисобланади. Ривожланаётган мамлакатлардан ташиб келтирилган хом ашё солиқ пулини ҳисобга олмаганда ТНҚларга ҳар йили 200 миллиард доллар фойда келтирмоқда, айни пайтда бу бойликларнинг хўжайинлари бўлган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига атиги 30 миллиард доллар ёки умумий нархнинг еттидан бир қисмигина тегади, холос.

ТНҚлар технологияларни сотишдан ҳам мисли кўрилмаган фойда олишяпти. Озодликка эришган мамлакатлар пул маблағлари бобида қўллари қисқа бўлганликлари сабабли тадқиқотларга жуда кам маблағ ажратадилар. Масалан, Осиёдаги энг йирик мамлакат бўлган Ҳиндистон илмий ва техникавий ишланмалар учун «Женерал моторс» ёки ИБМ концернлари шундай мақсадлар учун сарфлайдиган маблағнинг атиги учдан бир қисми ҳажмида маблағ сарфлайди. Ҳозир дунёда мавжуд бўлган 35 миллион патентдан ҳаммаси бўлиб 210 минггиёш давлатлар саноатида қўлланилмоқда, уларнинг фақат олтидан бир қисмигина осиёликлар, африкаликлар ва лотин америкаликларга тегишли ихтиролардир.

Бундан ташқари, монополиялар энг талантли маҳаллий олимлар, инженерлар, маъмуриятчиларни ўз корхоналарига систематик равишда авраб олиб келишлари билан ҳам ёш давлатларга катта зарар етказишяпти. Жуда катта чиқимлар эвазига тайёрланган олий малакали мутахассислар кўп ҳолларда мамлакатни тарк этмоқдалар. Бунинг натижасида кейинги ўн беш йил ичида 284,5 мингга яқин олий маълумотли мутахассис Осиё, Африка ва Лотин Америкасидан АҚШ, Канада, Буюк Британияга кетиб қолди. БМТнинг савдо ва ривожланишга бағишланган конференцияси берган баҳога кўра, АҚШ, Канада ва Буюк Британия уларни тайёрлашга сарфлаши мумкин бўлган 46 миллиард долларни тежаб қолди, бу кишиларнинг меҳнати билан яратилаётган моддий бойликлар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ҳозирги монополистик капитал ўзининг талончилик ва реакцион моҳиятини ўтакетган сохта назариялар билан бежаб кўрсатишга, ниқоблашга ҳаракат қилмоқда. Транснационал корпорацияларнинг энг жонкуяр тарафдорлари ҳатто корпорациялар, у ёки бу соҳага маблағ сарфлар эканлар, буни инсонпарварлик, қолоқ халқларга индустрлаштиришни амалга оширишда ёрдам бериш ниятидан келиб чиқиб қилмоқдалар демоқдалар. Лекин бу қадар қўпол ёлғон билан бугун ҳеч кимни алдаб бўлмайди. Нигериялик экономист А. Иванкво шундай деб ёзади: «Транснационал корпорациялар озодликка эришган мамлакатлар ривожланишини мантиққа тўғри келмайдиган ҳолда маблағ билан таъминлаб келишяпти. Улар озгинагина капитал олиб келиб, ундан капитализм иқтисодий назариясининг барча қоидаларига мувофиқ равишда товарлар ишлаб чиқаряпмиз ва хизматлар кўрсатяпмиз деган баҳона билан хўжайин мамлакат ресурсларини ташиб кетиш учун фойдаланмоқдалар».

ТНҚлар маддоҳлари иккинчи, анча нозикроқ йўлининг моҳияти шундаки, улар ҳозирги капитализмнинг бу авангарди гўё жаҳондаги ресурслардан яхшироқ фойдаланишга ёрдам бераяпти, экономикага барқарорлик бағишлаяпти, деб даъво қилишяпти. Гўё капитализмни барча миллатлар ва аҳоли табақалари манфаатлари йўлида «янгилашга» қодир бўлган принципиал жиҳатдан янги куч дунёга келганлиги тўғрисидаги афсона зўрлаб сингдирилмоқда. Бунда ТНҚларнинг ўзлари насли-насаби бўлмаган етимчалар сифатида тасвирланади, атайлаб уларнинг сохта кўп миллатлилигига урғу берилади. Бу ТНҚлар табиатини хаспўшлаш, уларнинг янги хусусиятлари ва таърифларини монополияларнинг моҳияти ўзгарганлиги билан боғлаш мақсадида шундай қилинмоқдаки, В. И. Ле-

нин айтиб ўтганидек, бундай хусусиятлар империализмнинг теран пойдеворини ташкил қилади.

Ҳозирги транснационал корпорациялар озодликка эришган мамлакатлар учун туғдираётган хавф мустамлака босқинчилиги давридаги монополиялар ва картеллар хавфидан кам эмас. Миллий-озодлик ҳаракати зонасида уларнинг бемалол фаолият кўрсатишига йўл қўйиб бериш ёш мамлакатларнинг жаҳон капитализми системасига қарамлигини узоқ муддатга мустаҳкамлаб қўйишдан, улар билан монополистик марказлар ўртасидаги жарликни чуқурлаштиришдан бошқа нарса эмас. Урушдан кейинги дастлабки ўн йилликлар даврида империалистик давлатлар билан ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи маҳсулотнинг 10:1 нисбати 80-йилларга келиб 13:1 гача етганлиги ва бу фарқ тобора кўпайиб бораётганлиги ҳам шу билан исботланади.

Транснационал корпорациялар нималарни бошлаб келишини ривожланаётган мамлакатлар ўзларининг аччиқ тажрибаларидан яхши биладилар. Фақат империализмга қатъий ва изчил зарба бериш, иқтисодий ва социал-сиёсий ривожланишнинг пухта ўйланган стратегияси, миллий-озодлик кучлари билан социализм кучларининг иттифоқи туфайлигина мустамлака тартиблари қайта тикланишининг олдини олиш мумкин.

* *
*

Янги мустамлакачилик иқтисодий зулмдангина иборат эмас. У сиёсий, ҳарбий, идеологик, маданий ва информацион тазйиқ ўтказиш ҳамда аралашувларнинг мураккаб системасини ташкил қилади. Унинг аслаҳахонасида сотиб олиш ва дўқпўписа қилиш, халқаро террорчилик ва кучларни намойиш этиш, ёлланма каллакесарлар ва бандитлардан фойдаланиш, тўғридан-тўғри агрессия актлари ва қўпорувчилик пропаганда ишлари сингари воситалар бор. Миллий-озодлик ҳаракати тобора юксалиб бораётган ва капиталистик система чуқур ларзаларни бошидан кечираётган бир шароитда кураш фронти муттасил кенгайиб, идеология соҳасини ҳам қамраб оляпти. Ҳозирги империализм идеологик хизматларни прогрессив социал ўзгаришларга, маҳаллий ва жаҳон микёсларида силжишларга қарши тура оладиган забардаст бир муштумга айлантиришга бутун куч-ғайратини сарфламоқда. Ғарбнинг иқтисодий, ҳарбий ва идеологик экспансияси «янги глобализм» сиёсатига чатишиб кетмоқда. Бинобарин, бугунги кунда Ғарбдаги ахборот агентликлари кўп ҳолларда илгариги канонеркалар хизмат қилиб келган мақсадларга хизмат қилмоқдалар.

Бироқ Лондон, Нью-Йорк, Париж ёки Брюссель бутун-бутун қитъалар тақдирини ҳал қилиб, Ҳиндистон ёки Африканинг юз миллионлаб аҳолиси қандай яшаши кераклигини кўрсатадиган даврлар ўтиб кетди. Ҳозирги пайтда Ғарб идеологлари ўзлари шунча йиллар мобайнида назар-писанд қилмай ва нафратланиб келган «учинчи дунё»га жуда катта қизиқиш билан қараётганликларининг боиси ҳам ана шунда. Буржуа олимлари, пропагандистлари, социологлари идеологик таъсир кўрсатишнинг фақат ҳарбий қувватгагина эмас, шунингдек ёш давлатлар ичидаги маслакдошларига ҳам таяниб, янги мустамлакачиликнинг нозик формаларини зўрлаб сингдиришни енгиллаштирадиган янги йўлларни зўр бериб излай бошладилар.

Ғарб пропагандаси лотин американликлар, африкаликлар ва осиёликларнинг миллатчилик ҳиссини мунтазам ва астойдил авж олдириб, энг аввало собиқ мустамлака ва ярим мустамлакаларнинг ҳукмрон синфи ва зиёлилари турмуш тарзи ҳамда хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатмоқда, уларнинг миллий маънавий қадриятларини заифлаштирмоқда, истеъмолчилик тенденцияларини шакллантирмоқда. Бу пропаганда аслида транснационал корпорациялар учун йўл очиб беряпти. Бир қараганда кўпинча сиёсий мазмундан маҳрум бўлиб кўринган бундай пропаганда ғарбча турмуш тарзи ва энг аввало буржуача қарашларни бевосита сингдиришга уринади.

Афсуски, капиталистик дунёнинг ахборот комплекси устидан контроллик қилиш воситалари ҳозиргача монополистик капитал қўлидадир, бу комплексда бир неча гигант концернларнинг доимий ҳукмронлиги сақланиб қоляпти. Кундалик

газеталар тиражининг 80 процентга якини, халкаро диапазондаги радиостанцияларнинг 90 проценти, телевидение кувватининг 95 проценти ўстидан ана шу монополиялар контроллик килади. Капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларда тарқалаётган ахборотнинг карийб 80 проценти тўртта йирик буржуа агентликлари — Юнайтед Пресс Интернэшнл (ЮПИ), Ассошиэйтед Пресс (АП), Рейтер ва Франс Пресс телетайпларидан чикади. Ғарб «учинчи дунё»нинг иктисодий колоклиги, кашшоклиги, саводсизлигини уларга хос ходисалар деб кўрсатиб, туб ерли аҳолининг тарихи, унинг анъаналари ва мустамлака ўтмиши хусусида лом-мим демайди, айрим салбий фактларни бўрттириб кўрсатади, экзотикага «урғу» беради ва уларнинг ҳаммасини ўкувчида, тингловчида, томошабинда кўркув уйғотадиган сарлавҳалар остида берилади.

Карамликнинг мустамлакачилик ва янги мустамлакачилик структураси тўғрисида оғиз очмаслик, озодликка эришган мамлакатлар халклари такдирида империализм ўйнаган ва ўйнаётган роль хусусида шубҳа ва саволлар туғдирмаслик учун бу мамлакатларнинг ҳакикий проблемаларини тилга олмаслик максадида шундай килинади. Бошкача килиб айтганда, империалистик оммавий ахборот воситаларидаги бундай бузиб тасвирланган образ мавжуд халкаро иктисодий тартибни, аникроғи, тартибсизликни саклаб колишга, ёш давлатлар капиталистик периферия́лар аҳволида колаверишларига хизмат килади. Характерли томони шундаки, акалли ўз ахборот марказларини ташкил этиш ёки миллий агентликларни мустаҳкамлаш йўли билан ана шу карамликдан кутулишга бўлган ҳар кандай уринишни ғарб ҳукуматлари, газета ва телевидение «баронлари» дарҳол эркин ахборотга нисбатан жуда кўпол тажовуз, ўзлари ёш давлатлар озодлиги ва ҳукукларига доимий тажовуз килиб юрган кишилар ҳукукини бузиш деб тасвирлайдилар.

Ҳозир 15 та ТНК радио ва телевизион ускуналар, матбуот учун электрон техника, радио ва телевизион алока йўлдошлари, полиграфия ускуналари, коғоз, бўёқ ва оммавий ахборот воситалар инфраструктурасининг бошка бўғинларини ишлаб чикаришда етакчилик килишяпти. Улар нашриётлар, радиотрансляция ва телевизион станцияларни, газета ва журналларни сотиб олиб, амалда ахборот бозорини контрол килиб турадилар. Ана шу корпорацияларнинг ўнтасида Америка капитали асосий роль ўйнайди. Империализм идеология марказларининг фаолияти тобора кўпрок айни Кўшма Штатлардан туриб бошкарилаётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Бунинг устига ўзининг асосий ишлаб чикариш максадлари жиҳатидан идеология соҳасидан йирок бўлган ТНКлар ҳам бу соҳага тез-тез аралашадилар.

Ҳарбий-саноат комплексига тегишли ёки улар билан мустаҳкам алокада бўлган монополиялар оммавий ахборот воситаларига айникса зўр бериб интиладилар. Америкадаги ИБМ, «Вестингауз» ва «Вестерн электрик» монополиялари, Ғарбий Германиянинг «Сименс» концерни, француз «Матра» монополияси шулар жумласидандир. Пропагандани ҳарбий ишлаб чикаришга бевосита кўшиб идеологияни бостириш, агрессия, халкларни бўйсундириш ва талаш машинасига хизмат килдиришга уриниш яккол кўзга ташланади. Коммунизмга карши ҳар кандай афсоналар айни ана шу ерда туғилади. АКШнинг ҳукмрон доиралари ва унинг иттифокчилари ҳар кандай воситалар, жумладан ҳарбий воситалар ёрдамида Ғарб учун «ҳаётий муҳим» деб эълон килинган зоналарда контроллик ўрнатишга каратилган планларини очик-ойдин изҳор этмокдалар.

Буржуазия пропагандаси янги мустамлакачиларнинг жиноятларини оклаб ва уларга салобат бағишлашга ҳаракат килиб, империалистик сиёсат авангардида бормокда. Бунда яхшилик ва ёвузлик, прогресс ва регресс тушунчаларининг ўрни алмашиб кетади. Масалан, Сальвадор ватанпарварларини «террорчилар» деб, озодлик курашини «конли уруш», котилларни «ижтимоий куч», фашистларни «ҳукумат», америка интервентларини «маслаҳатчилар» деб аташади. Ок уйда «террорчилар» деб эълон килинганлар орасидан Чили халкининг эркинлигини поймол килган Пиночетни, туб ерли аҳолини отиб ташлаётган Жанубий Африка иркчиларини, Шатила ва Сабрдаги хунрезлик ташкилотчилари бўлган исроилликларни, студентлардан шафкатсиз ўч олаётган Жанубий Корея каллакесарларини излаш беҳудадир.

Даҳшат солиш, жамоатчилик норозилигини босиш учун оммавий психоз вазиятини вужудга келтириш ғарблик идеологларнинг энг севган усули бўлиб қолди. Буржуазия оммавий ахборот ва пропаганда воситаларининг Ангола, Афғонистон, Сальвадордаги воқеалар атрофида авж олдирган шов-шувини, ғазабнок туҳматчилик кампаниясини, Ливия ва Сурия, Куба ва Никарагуа шаънига қаратилган иғвогарликлар ва дўқ-пўписаларни, АҚШнинг Гренадага босқинчиларча агрессиясини, Ливанга ҳарбий интервенциясини оқлашга уриниш — буржуазия пропагандасининг ана шундай хатти-ҳаракатларини кўрсатувчи сўнгги мисоллардир.

* *
*

Капиталга тўрт аср мобайнида хизмат қилиб келган мустамлакачиликка хос шафқатсиз сиёсий ҳукмронлик ва ташқи сиёсий зўравонликни алмаштиришга даъват этилган янги мустамлакачиларнинг империалистик сиёсати ва талончилик практикасининг асосий методлари ана шулардан иборат. КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладида империализм мустамлакачилик даврида вужудга келган иқтисодий қарамлик муносабатларини сақлаб қолишга ва шу негизда «янги мустамлакачилик эксплуатациясининг энг маккорона системасини вужудга келтириш ва йўлга қўйишга» муваффақ бўлганлиги таъкидланади. Бундай эксплуатация Осиё, Африка ва Лотин Америкаcидаги юз миллионлаб кишиларга очлик ва қашшоқлик, касалликлар ва саводсизлик олиб келади ва айни пайтда империалистларни мўмай даромадлар билан таъминлайди. Ҳозирги империализмнинг стратегик мақсади собиқ мустамлакаларда капитализмни қарор топтириш, уларни ўз «периферияларига» айлантириб, хом ашё қўшимтаси бўлишга мажбур қилишдан иборат.

Шу нарса шубҳасизки, тарихий истиқболда ривожланаётган мамлакатларнинг дунё ишларидаги ўрни ва роли улар қандай кучлар билан — тараққийпарвар кучлар биланми ёки реакцион кучлар биланми қўшилиб кетишларига боғлиқ, зеро синфий жамиятда ривожланишнинг ўтиш босқичлари бўлиши мумкин-у, лекин ҳар иккала йўлдан «баравар узоқликда» бўлган учинчи йўл бўлиши мумкин эмас. Қерак йўлни танлаш мамлакатлар ва улар халқларининг ички иши ҳисобланади. Фақат империализмга қатъий дадил қаршилик кўрсатиш, иқтисодий ва социал-сиёсий ривожланишнинг пухта ўйланган стратегияси, бир-бирларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ўзаро ҳурматлашгина бу мамлакатлар халқларига ўсиб-улғайиш қийинчиликлари деб аталмиш тўсиқларни енгиб ўтиш имконини беради. КПССга келганда, у ўз программавий ҳужжатларида бир неча бор таъкидлаганидек, СССРнинг озодликка эришган мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш, жаҳон социализми билан миллий-озодлик ҳаракати иттифоқини мустаҳкамлаш йўлини собитқадамлик билан ўтказиб келяпти.

СОЦИАЛИСТИК ҚУРИЛИШ ШАРОИТИДА ШАХСНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Социалистик жамиятнинг ҳар бир аъзосини ҳар томонлама камол топтириш, маънавий бойитиш, коммунизмнинг онгли ва актив қурувчисини тарбиялаш партиямизнинг программавий мақсадларидан биридир. Мамлакатимизда бу соҳада жуда катта тажриба тўпланган бўлиб, уни ўрганиш ва умумлаштириш партиянинг социализмни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этишда инсон омилининг ролини ошириш борасидаги фаолиятини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. М. З. Ўзбековнинг социалистик қурилиш шароитида шахсни камол топтиришнинг яхлит манзарасини акс эттирувчи монографияси* шу нуқтаи назардан эътиборга сазовордир.

Муаллиф Ўрта Осиё халқлари ўз тараққиётида капитализм босқичини босиб ўтмаганликларини эслатиш билан бирга, бу омил янги типдаги шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатганлигини батафсил таҳлил қилади. Китобда шу нарса акс эттирилганки, вужудга келган шароитлар туфайли ўлка аҳолисига янги хислатларни асосан социализм қурилиши жараёнида вужудга келтиришга тўғри келди. Шу муносабат билан юзага келган мураккаб вазифалар СССРдаги тенг ҳуқуқли халқларнинг ҳамдўстлиги туфайли ҳал қилинди ва улар ўртасидаги ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланиб борди. Кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатиш, бу ерга Россия пролетариати илғор намояндаларининг юборилиши регион меҳнаткашларини синфий асосда тарбиялашда муҳим роль ўйнади.

Китобнинг махсус бобида жамиятнинг ҳукмрон синфлари асрлар давомида итоатгўйлик, «худо яратган» тузумнинг, мавжуд тартиботлар ва унга қаршилик кўрсатмасликнинг абадийлиги ғояларини зўр бериб сингдириб келган феодал-патриархал муносабатлар шароитидаги шахснинг аҳволи кўрсатилган (24—39-бетлар).

Асрлар бўйи инсоннинг бутун турмуш тарзига сингиб келган диний дунёқарашлар ҳукмронлиги революциядан аввалги Ўзбекистоннинг характерли белгиси эди, деб таъкидланади китобда. Октябрь революциясидан кейин ҳам бу дунёқараш, гарчи шаҳар ва қишлоқ ҳаётида юз берган муҳим ўзгаришлар натижасида чекина бошлаган бўлса-да, лекин узоқ вақтга қадар маҳаллий аҳоли кўпчилигининг дунёни тушуниши, хулқ-атвори ва турмуш тарзида белгиловчи омил бўлиб қолаверди. Бироқ ҳозирги воқелик ҳам шунга ишонч ҳосил қиладики, атеистик ишда самарадорликка эришиш учун ҳали кўп куч сарфлаш талаб қилинади, бу билан боғлиқ масалаларни ҳал этишнинг энг оптимал вариантлари баъзи соҳаларда ҳали топилганича йўқ. Шу жиҳатдан олганда тақриз қилинаётган китоб пропагандист ва тадқиқотчиларга яхши ёрдамчи бўлиши мумкин. Чунки у аҳолига атеистик маърифат тарқатишнинг социализм қуриш жараёнида вужудга келган турли формалари билан таништиради.

Шахснинг шаклланишига таъсир этувчи объектив факторларни кўриб чиқар экан, М. З. Ўзбеков шуни тўғри таъкидлайдики, жойларда халқ ҳокимият органларини ташкил этиш мамлакатни индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш, саводсизликни тугатиш, мактабни демократиялаштириш, митинглар ва йиғилишлар ўтказишнинг кенг практикаси, шаҳарнинг қишлоққа оталиқ ёрдами, сайловларда қатнашиш — ана шуларнинг ҳаммаси биргаликда туб ерли аҳолини сиёсий тарбиялашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Аҳолида онг-билим доирасининг торлиги, социал муаммоларга бефарқлик, қолоқлик, хурофотлар ва хомхаёллар ўрнига пролетар интернационализми ва совет ватанпарварлиги туйғуси, ривожланган синфий онг, хотин-қизларни ҳурматлаш, меҳнатга ва ижтимоий мулкка онгли муносабат ва янги тузум талабларига жавоб берадиган бошқа сифатлар шаклланди.

Меҳнаткашларда интернационал онгнинг шаклланиш жараёни партиянинг миллий

---

* М. З. Узбеков. Строительство социализма и личность. Ташкент, «Узбекистан», 1986, 173 с.

оғмачилик, маҳаллий партия ташкилотларидаги фракциячилик ва гуруҳбозлик кўринишларига қарши кураши билан бирга кечди, бундай иллатларнинг илҳомчилари асосан буржуа миллатчилар ва буюк давлатчилик шовинистлари эдилар. Агар миллатчилар миллий жиҳатларга ортиқча баҳо бериб, уларни умумсовет манфаатларига қарши қўйган бўлсалар, шовинистлар эса туб ерли аҳоли ўз вакилларини ҳокимият органларига киритиш ва жамиятда давлат тузумининг демократик формаларини жорий этиш учун ҳали етилгани йўқ деб ҳисоблар эдилар. Тақриз қилинаётган китобда кўрсатиб ўтилганидек, характерли белгилари худбинлик ва миллатларнинг ажралиб қолганлиги, интернационал манфаатларга зид равишда миллий манфаатларни абсолютлаштиришдан иборат бўлган майда буржуа миллатчилиги регионда айниқса кенг тарқалган эди.

Китобнинг махсус боби оммада атеистик дунёқарашнинг шаклланиши тажрибасини умумлаштиришга бағишланган. Социалистик шахснинг шаклланиш жараёнида диний хурофотларга қарши кураш тарбиявий ишнинг энг мураккаб соҳасидир. Аммо, социализм қурилиши даврини кўриб чиқаётган муаллифнинг нима учун янги таҳрирдаги КПСС Программасига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди материалларига мурожаат қилганлигини тушуниб бўлмайди. Башарти бу ўтмишдаги вазифаларни тадқиқ қилишни ҳозирги вазифаларни англаш билан узвий равишда боғлаш ва келажакка кириб бориш мақсадида қилинган бўлса, у ҳолда жамиятимиз ривожланишининг ҳозирги реалликларини таҳлил қилиш ва республика аҳолиси ўртасида диндорлик ҳанузгача юқори даражада бўлиб қолаётганлигини нима билан изоҳлаш мумкин, деган саволга жавоб бериш керак эди.

М. З. Ўзбеков тарихий материални, шу проблемага доир адабиётларни синчиклаб ўрганганлигини инкор этолмаймиз. Аммо унинг асарига умуман таъриф-тавсифчилик хос бўлиб қолган, партия ташкилотларининг Ўрта Осиёда социализм қурилиш жараёнида шахсни тарбиялаш борасидаги фаолиятига доир фактлар эса чуқур таҳлил қилинмаган.

Китобнинг яна бир муҳим камчилиги амалга оширилган тадбирларнинг объектив оқибатлари бир томонлама кўрсатилганлигидадир. Муаллиф социал факторнинг таъсирини, синфлар, социал группалар ва айрим кишиларнинг онги ва хулқ-атворида юз берган ўзгаришларни кўрсатиб бермаган. Бу ўринда у маълум йўлдан борган: модомики, бирон-бир тадбир амалга оширилган ва унинг оқибатида баъзи ижобий натижаларга эришилган экан, деб хулоса чиқаради у, демак, синфлар ва социал табақалар ва кишиларнинг муносабатлари, фикрлаш тарзи ҳам ўзгарган. Ушбу камчилик китобнинг мазмунига сезиларли путур етказади, умуман унинг мундарижаси ва фактик материалнинг таҳлили юзаки бўлиб қолишига олиб келади.

Ниҳоят, монографиянинг номи хусусида: у китобнинг мазмунига қараганда анча кенгдир. Лекин, китоб аслини олганда хийлагина тор ва конкрет масалага — «қисқа» ривожланиш йўлини босиб ўтиш шароитида янги шахснинг ўзига хос хусусиятлари вужудга келишига бағишлангандир. Бинобарин, уни «Капитализмни четлаб, социализмга ўтиш шароитида социалистик шахснинг шаклланиши» деб аташ тўғрироқ бўлур эди.

Умуман китоб СССРда социализм қурилиши шароитида шахсни шакллантиришнинг умумлашган тарихини яратиш соҳасида дастлабки тадқиқотлардан бири ҳисобланади.

Қ. ХОНАЗАРОВ,
философия фанлари доктори.

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИГА ДОИР ЯНГИ НАШР

Миллий тилларда дарсликлар ва ўқув қўлланмалари нашр этиш муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг босилиб чиқиши назарий илмларга қизиқишни оширади, она тилида ўқиётган шахсларнинг фанни ўрганишини енгиллаштиради, республикаларда фаннинг мазкур тармоғининг ривожланиш даражасини ва ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Шу сабабли тақриз қилинаётган ўқув қўлланмасининг* босилиб чиқишини қутламоқ лозим.

* Ш. Уразаев, М. Қориев. Марксча-ленинча давлат ва ҳуқуқ назарияси асослари. Олий ўқув юртлари студентлари учун ўқув қўлланмаси. Тузатилган ва тўлдирилган 2-нашри. Тошкент, «Ўқитувчи», 1986, 304 бет.

Қўлланмада давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши, моҳияти, тарихий типлари, формалари ва бошқа тарихий-назарий жиҳатлари, социалистик давлат ва ҳуқуқ назарияси масалалари кўриб чиқилган. Жамиятимизнинг социал нормалари системасида ҳуқуқнинг ўрни очиб берилган, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ тартиботи, ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатлар ва юридик масъулият ҳамда бошқа ҳуқуқий проблемалар тўғрисида сўз юритиладиган бўлимлар эътиборга лойиқдир. Қўлланмада давлат ва ҳуқуққа буржуача, реформистик қарашлар далилли асосда танқид қилинади, бу, шубҳасиз, студентларда ғоявий эътиқодни шакллантиришга, давлат ва ҳуқуққа оид ҳодисаларни баҳолашга синфий ёндашувни тарбиялашга ёрдам беради.

Китобда асосий тушунчаларнинг қисқача таърифи берилади. Бунда авторлар ўқув қўлланмаси студентлар учун нафақат предметни ўрганишнинг асосий манбаи эканлигини, шу билан бирга унинг студентларга тарбиявий таъсир ўтказиши лозимлигини ҳам эсдан чиқаришмаган. Шуни ҳам қайд қилиш кераки, СССР ва Ўзбекистон ССРнинг янги Конституциялари, 1977 йилдан кейин қабул қилинган қонун актлари дарсликнинг норматив негизини ташкил этади. Шуниси диққатга сазоворки, авторлар юридик терминларни ўзбек тилида тўғри ишлатишади.

Ш. Ўразаев ва М. Қориев К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг давлат ва ҳуқуқ илмий назариясини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини ишонарли очиб беришади. Давлат ва ҳуқуқнинг усткурма ҳамда тарихий ўткинчи ҳодисалар эканлигини тушуниш марксизм-ленинизм классикларига давлат ва ҳуқуқнинг ҳукмрон синфнинг иқтисодий манфаатларига боғлиқлигини кўрсатишга, истиқболларни очиб беришга ёрдам берди. Бу пролетариат диктатураси давлатини ўрнатиш зарурлиги тўғрисида хулоса чиқариш учун асос бўлди. Буржуа давлат машинасини йўқ қилиш, социалистик давлат ва халқ ҳокимияти формалари тўғрисидаги ва бошқа марксча-ленинча концепциялар улкан аҳамиятга эгадир. КПССнинг социализм қурилишидаги тажрибасига асосланиб, қардош коммунистик ва ишчи партиялар давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни актив ривожлантирмоқдалар.

Авторларнинг ўқув материалини беришда қарор топган стандартларга ҳар доим ҳам амал қилишмаганлиги эътиборга лойиқ. Баъзан материални баён қилишда анъанавий схемадан четга чиқиш мақсадга мувофиқдир. «Меҳнат коллективлари», «Совет давлатининг социал негизи» каби бўлимлар шунинг далилидир, давлат, ҳуқуқ ва шахс тўғрисидаги боб ўзига хос тарзда ёзилган, «Миллий-озодлик революциялари ҳамда мустамлакачиликнинг тугатилиши натижасида пайдо бўлган давлат ва ҳуқуқ» деган боб, гарчи баҳсли ўринлари бўлса-да, диққатга лойиқ.

Қўлланманинг ўзига хос хусусияти шундаки, Ш. Ўразаев ва М. Қориев тегишли бўлимларда фақат бизнинг мамлакатимиз тажрибасини анализ қилиш ва умумлаштириш билан чекланмасдан кўп жиҳатдан айни социалистик типдаги давлат ва ҳуқуқ назариясига яқинлашишган. Совет юридик фанида турли социалистик мамлакатлар материаллари асосида ҳуқуқ назариясининг конкрет масалалари давлат масалаларига нисбатан анча бўш ишланган. Афсуски, бу гап тақриз қилинаётган нашрга ҳам тааллуқлидир. Агар давлат тўғрисидаги бўлим ҳақиқатан унинг турли социалистик формаларини қамраб олса, ҳуқуқ тўғрисидаги бўлим эса фақат совет материаллари асосида қурилган ва, бинобарин, материал баёни умуман ҳуқуқни таърифлаш, ундаги умумий ва ўзига хос жиҳатларни аниқлаш учун зарур умумлаштириш даражасига доим ҳам кўтарила олмаган. Кези келганда шуни ҳам айтиш кераки, авторлар Ўрта Осиё республикаларининг давлат-ҳуқуқий қурилиши тарихидан қизиқарли мисоллар келтиришади. Масалан, социалистик революция ғалабасидан кейин бу ерда бир қанча вақт мобайнида шариат ва оддий ҳуқуқ (одат) нормаларига амал қиладиган қозилар ва бийлар судлари иш олиб боришган эди.

Шуни ҳам қайд қилиш кераки, қўлланмада структуравий ва методик характердаги нуқсонлар мавжуд. Чунончи, авторлар тушунча аппаратининг умумий мантиқини ҳисобга олишмаган ва шу туфайли айрим бобларнинг жойлашиши курс программасига мувофиқ эмас. Бундан ташқари, авторлар назарий қоидаларга қонунчилик ва ҳуқуқий нормалар қўлланилган практика фактларини камдан-кам мисол қилиб келтиришади. Бу баённи айрим жойларда қуруқ, мавҳум қилиб қўяди. Фикримизча, давлат ва ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва тарихий типлари ҳақидаги масалаларни ёритишда сўнгги илмий маълумотлардан кенгроқ фойдаланиш лозим эди.

«КПСС — совет сиёсий системасининг раҳбар ва етакчи кучи» боби муайян эътирозлар уйғотади. Унда жамиятнинг сиёсий системаси тушунчасининг ўзи таърифлаб берилмайди, бу системанинг вазифалари ва функциялари кўриб чиқилмаган, сиёсий система элементларининг ўзаро таъсири ва ўзаро алоқасини, унга у ёки бу муассасаларни киритиш мезонларини кўрсатишда конкретлилик етишмайди.

Авторлар ҳуқуқнинг бошқа аспект ва элементларини чеклашгани ҳолда унинг норматив жиҳатларига кўпроқ эътибор беришган: китобнинг 22 бобидан ўн учтаси бевосита ҳуқуқ нормаларига бағишланган. Бу, фикримизча, жудаям тўғри эмас. Қўл-

ланмада ҳуқуқни кенг нуқтаи назардан кўриб чиқишга имкон берадиган социалистик ҳуқуқ самарадорлиги ва ҳуқуқий тартибга солиш механизми каби муҳим темалар таҳлил этилмаган.

Юридик фанининг кейинги йилларда пайдо бўлган қоидалари ва хулосаларининг социалистик ҳуқуқ тўғрисидаги бўлимда учрамаслиги — шу бўлим нуқсонидир. Чунончи, ҳозирги пайтда ҳуқуқни фақат объектив ҳолда олинган, ҳуқуқий ижод билан боғланмаган, ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш вазифалари, мақсадлари ва принципларини ҳисобга олмайдиган соҳа сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. Социалистик ҳуқуқ формалари (манбалари) тўғрисидаги бобда қонунни ижод қилишни планлаштириш, СССР ва иттифоқдош республикалар Қонунлари тўпламлари тўғрисида ҳеч нарса дейилмаган. Авторлар ҳуқуқнинг «формаси» ёки «манбаси» терминларидан қайси биридан фойдаланиш яхшироқ эканлиги хусусидаги баҳсга қўшилиб, «формаси»ни танлашади (50-, 229-бетларга қаралсин). Бироқ улар кейинчалик бунга изчил амал қилишмайди: давлат ва маъмурий ҳуқуқнинг (формаси эмас) асосий манбаи тўғрисида гапиришади (244-бетга қаралсин).

Афсуски, тақриз қилинаётган нашрда редакцион нуқсонлар: матбаа хатолари, ноаниқликлар, шунингдек такрорлар ва қарама-қарши фикрлар учрайди.

Шуни қайд қилиш керакки, китобдаги баъзи бир камчиликлар давлат ва ҳуқуқ назариясига оид қатор мураккаб проблемаларнинг мунозаралилиги билан, бошқалари эса — дарслик авторларининг илмий позицияси билан боғлиқдир. Умуман олганда, студентлар, ўқитувчилар, давлат ва ҳуқуқ назарияси билан қизиқувчилар фойдали қўлланмага эга бўлишди.

А. САИДОВ,
юридик фанлар кандидати.

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИНИНГ БРОШЮРАЛАРИ

Абдунабиев А. **Устав КПСС — кодекс партийной жизни.** 1986, 68 с.

Брошюрада партия Уставининг яратилиши тарихи ҳикоя қилинган, КПСС XXVII съезди томонидан Уставга киритилган асосий ўзгартишлар ва қўшимчалар аҳамияти очиб берилган.

Қаюмов А. **Время и обряды.** 1986, 22 с.

Китобчада ўтмишдаги улуғ мутафаккирлар ва ўзбек совет ёзувчиларининг асарлари, вақтли матбуот материаллари, республика телевиденияси кўрсатувларидан олинган конкрет мисолларда замонамиз талабига жавоб берувчи, совет кишиларини тарбиялашга хизмат қиладиган прогрессив халқ урф-одатлари, маросимларининг ривожланиши ёритилган. Унда социалистик жамиятимиз табиатидан келиб чиқувчи янги маросим ва байрамларга катта аҳамият берилган.

Колемасова Н. Х. **Христианское сектантство в Узбекистане.** 1986, 45 с.

Брошюрада Туркистон ўлкасида христиан дини мазҳабларининг пайдо бўлиши тарихи, уларнинг фаолияти, жамиятимизнинг ҳозирги ҳаётига мослашишга интилиши тўғрисида ҳикоя қилинади, аҳолининг диндорлигини бартараф этиш йўллари кўрсатилган.

Лунин Б. **Ленинский курс политики партии.** 1986, 95 с.

Автор КПСС XXVII съездининг тарихий аҳамияти тўғрисида ҳикоя қилади, партиянинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсатига доир муҳим проблемаларни очиб берган. Бу масалаларнинг ҳаммаси Ўзбекистон партия ташкилоти ҳал этаётган конкрет вазифалар билан боғлиқликда берилган.

Саидов А. **Политическая система советского общества.** 1986, 71 с.

Брошюрада Совет давлатининг бош вазифалари ва асосий функциялари таърифлаб берилган, КПССнинг совет жамияти сиёсий системасининг раҳбар кучи сифатидаги роли кўрсатилган.

Татыбаев С. **Ленинские нормы партийной жизни.** 1986, 51 с.

Автор КПСС XXVII съезди қарорларидан келиб чиқиб, партия турмушининг ленинча нормалари моҳиятини очиб беради, уларнинг партиявий раҳбарлик принциплари билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатади, партиянинг сиёсий ва ташкилотчилик, қабул қилинган қарорларни контрол қилиш ва ижросини текшириш, кадрларни тарбиялаш ишининг бирлиги проблемаларини кўриб чиқади.

Ҳикматов А., Шепелев В. **Ускорение — стратегический курс КПСС.** 1986, 77 с.

Авторлар КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартияси XXI съезди қарорлари асосида мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш, ижтимоий ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, планлаштиришни такомиллаштириш ва экономикани бошқариш йўлларини кўриб чиқишган.

ЖУРНАЛДА БОСИЛГАН МАТЕРИАЛЛАРИМИЗ ИЗИДАН

«Ўзбекистон коммунисти» журналида (1987 йил 2-сон) тарих фанлари доктори А. Раззоков ва тарих фанлари кандидатлари З. Мухамедова ҳамда М. Ҳасановларнинг «Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг Туркистонда пахтачиликни тиклаш ва ривожлантириш соҳасидаги фаолияти (1917—1924 йиллар). Ҳужжатлар ва материаллар» номли китобга тақризи эълон қилинган эди. Тақризда ижобий жиҳатлар билан бир қаторда нашрдаги камчиликлар ҳам қайд этилганди. Жумладан, унда Ўзбекистонда социалистик экономикани вужудга келтириш учун кўп иш қилган В. П. Ногин, И. Е. Любимов ва бошқаларнинг номлари умумий ва тармоқ энциклопедияларига, шу жумладан республикамизда сўнгги йилларда нашр қилинган «Пахтачилик энциклопедияси»га ҳам киритилмаганлиги тўғрисида сўз боради. Шунингдек, пахтачилик масалалари тўғрисидаги В. И. Ленин имзолаган ҳужжат, республика партия ташкилотларининг пахтачилик соҳасидаги фаолиятининг социал мақсадларини акс эттирувчи материаллар китобга киритилмаганлиги ҳам қайд қилинади. Яна бошқа эътирозлар ҳам билдирилган эди.

Редакция Ўзбекистон Компартияси МҚ ҳузуридаги партия тарихи институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанлари доктори В. Чеботаревадан ва Ўзбек Совет Энциклопедияси Бош редакцияси бош редактори философия фанлари доктори Қ. Х. Хоназаровдан жавоб хатлари олди. Хатларда тақриз учун миннатдорчилик билдирилади. В. Чеботарева тақризда билдирилган танқидий мулоҳазалар ва таклифлар ҳужжатлар тўпламининг 1925—1937-йилларни қамраб оладиган 2-томини тайёрлашда ҳисобга олинажагини ёзади. Хатда партия архиви ходимлари томонидан тегишли ташкилотларга В. П. Ногин, С. Асфандиёров, Н. А. Паскуцкий, И. Е. Любимовларнинг меҳнат ва ижтимоий фаолияти тўғрисида расмий сўровлар юборилганлиги айтилади. Шу талабларга жавоб олинганидан сўнг тайёрланадиган архив справкалари ана шу кишилар хотирасини абадийлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қ. Х. Хоназаров тақризда билдирилган мулоҳазалар Бош редакция нашрга тайёрлаётган ўзбек тилидаги «Пахтачилик энциклопедияси»да, шунингдек 1990—2000 йилларда чиқарилиши мўлжалланаётган Ўзбек Совет Энциклопедиясининг 2-нашрида эътиборга олинади, деб ёзади.

Редакция адреси: 700000. Тошкент - П. Ленин кўчаси, 41.
Телефонлар: бош редактор - 32-58-01, 32-78-87; бош редактор ўринбосари 32-58-02, 32-78-93; масъул секретарь 32-58-03, 33-60-42; масъул секретарь ўринбосари 32-58-63, 33-60-42; бўлимлар: марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш - 32-58-65; партия ва совет қурилиши - 32-58-68, экономика 32-58-71; фан ва маданият 32-58-66; халқаро ҳаёт 32-58-69; танқид ва библиография 32-58-70.

Корректорлар: **М. Комилов, Ҳ. Каримов.** Техредактор **Э. А. Кушнарь.**

Теришга берилди 9.04.1987 й. Босишга рухсат этилди 8.05.1987 й. Формати 70×108[1]/16. Фотонабор. Офсет босма усули. Шартли босма листи 8.4. Нашриёт ҳисоб листи 9,3. Тиражи 28.741. Нашр № В-53. Заказ № 813.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг
Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41.

ISSN 0134 — 2193

Баҳоси 25 тийин

Индекс 75399

На узбекском языке
ежемесячный теоретический и политический
журнал ЦК Компартии Узбекистана

«ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИ»
«КОММУНИСТ УЗБЕКИСТАНА»

Ордена Трудового Красного Знамени
типография Издательства ЦК Компартии Узбекистана